В. И. АВДИЕВ

ҚАДИМГИ ШАРҚ ТАРИХИ

В. И. АВДИЕВ

ҚАДИМГИ ШАРҚ ТАРИХИ

СССР Олий таълим министрлиги
бу китобдан давлат университетлари
ва педагогика институтларининг
тарих факультетлари учун
дарслик сифатида фойдаланишга
рухсат этган

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
РУСЧА ИККИНЧИ НАШРИГА МУВОФИҚ
ЎЗБЕКЧА ИККИНЧИ НАШРИ



ЎзССР „ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБ" ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 1964

СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ БИЛАН
Всеволод Игоревич
АВДИЕВГА
„ҚАДИМГИ ШАРҚ ТАРИХИ“
деган илмий асари учун
1951 ЙИЛДА ДАВЛАТ МУКОФОТИ БЕРИЛГАН

Таржимонинг махсус редактори
тарих фанлари доктори
ЯҲЁ ҒУЛОМОВ

ИККИНЧИ НАШРИГА СЎЗБОШИ

Университетлар учун ёзилган «Қадимги Шарқ тарихи» дарслигининг биринчи нашри 1948 йилда босилиб чиққан эди. Автор асарнинг иккинчи нашрини тайёрлаш зарурлигини назарга олиб, китобнинг ҳамма текстига анчагина ва муҳим ўзгаришлар киритди, лекин китобдаги асосий фикрлар сақланиб қолди, булар қадимги Шарқ мамлакатларида энг қадимги қулдорлик жамияти ва деспотик давлатнинг вужудга келиш ва ривожланиш процесси тўғрисидаги фикрлар бўлиб, бу фикрларни автор 1933—1934 йиллардаёқ биринчи марта баён қилиб берган эди.

Сўнгги йилларда кулгина археологик қазишлар ўтказилгани ҳамда бу қазишлар вақтида қадимги Шарқ ёзуви ва маданиятига оид жуда кўп ёдгорликлар топилгани учун автор бу янги ҳужжатларни қўшиб, китобнинг ҳажмини бирмунча оширишга мажбур бўлди. Шу билан бирга, қадимги Шарқ тарихи соҳасида кейинги йиллар ичида босилиб чиққан энг муҳим асарлар ҳам эътиборга олинди.

Автор асарнинг иккинчи нашри текстини тайёрлашда рецензентларнинг фикрларини маълум даражада назарга олди. Қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитой тарихига оид бобларни кенгайтиришни автор айниқса муҳим деб топди. Бу боблар фақат анча кенгайтирилибгина қолмай, балки жиддий равишда қайта ишлаб чиқилди. Ҳиндистон ва Хитойнинг қадимги халқлари тарихи катта оламшумул тарихий аҳамиятга эга эканлигига, кўп жиҳатдан олганда, бу халқлар тарихи Миср, Бобил, Греция ва Рим тарихидан қолишмаслигига автор доим ишониб келди. Қадимги Ҳиндистон билан қадимги Хитойнинг ҳужалик ва ижтимоий тузуми, давлат ва маданияти ўзига хос бирмунча конкрет формаларга эга бўлган бўлса ҳам, қадимги Ҳиндистон ва Хитой халқлари ўз тараққиётида асосан қадимги Шарқдаги бошқа халқлар босиб ўтган йўлдан, яъни уруғчилик тузумидан қулдорлик тузумига ривожланиб борган, буни автор ўзининг бундан аввалги асарларида кўрсатиб беришга ҳаракат қилган эди. Қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитой халқлари узоқ ўтмишдаёқ жаҳон маданияти хазинасига катта ва қимматли ҳисса қўшганликларини кўрсатиб

беришни автор муҳим деб [illegible]билди. Энди, Ҳиндистон ва Хитойда сунгги йилларда ўтка[illegible]лган археологик қазишлар натижаси кенг кўламда маълум [illegible]лган ва бу халқлар қадимги классик адабиётининг ажойиб а[illegible]ларини аввалгига қараганда анча чуқур ва объектив равишд[illegible]рганилган бир вақтда, со-вет тарихчилари, халқ демокра[illegible]ияси мамлакатларидаги му-тахассис олимлар ва ер шарин[illegible]иг барча мамлакатларидаги прогрессив тарихчилар, шубҳас[illegible]из, Ҳиндистон ва Хитойнинг қадимги тарихини жиддий сура[illegible]да ўрганишга кўпроқ эътибор берадилар.

Урарту ва Ўрта Осиё тарих[illegible]га бағишланган бўлимлар дарсликнинг иккинчи нашрида [illegible]алоҳида ўрин тутади. Закав-казье ва Ўрта Осиё халқларини[illegible]г қадимги тарихи улуғ Ата-нимиз қадимги тарихининг бир[illegible]қисми бўлганлигидан, автор «Қадимги Шарқ тарихи»даги ш[illegible]унга оид бобларни анча кен-гайтирди. Закавказье ва Ўрта О[illegible]ё халқларининг қадимги та-рихи қадимги Шарқ тарихи би[illegible]ан маҳкам боғланганлигини ва, бинобарин, шу билан бутун[illegible]жаҳон тарихига киришини курсатиб беришни автор муҳим[illegible]деб топди. Автор дастлаб Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи[illegible]ни алоҳида бобда ёритмоқчи бўлган эди. Бироқ манбалар, мо[illegible]лий маданият ёдгорликлари, айниқса езувлар кам бўлганлиги[illegible]и тарихчига, қадимги Шарқ-да классик деспотия ҳукм сург[illegible]ш даврда Ўрта Осиё терри-ториясида қуллдорлик жамияти[illegible]ва давлатининг келиб чиқиш ва ривожланиш процессини т[illegible]а таърифлашга имкон бер-майди. Лекин, айни вақтда, Ў[illegible]рта Осиёда совет археолог-лари топган гоят муҳим ёдгорл[illegible]клар, айниқса моддий мада-ният ёдгорликлари, жумладан [illegible]рофессор С. П. Толстовнинг Хоразмда кўп йиллар давомида [illegible]олиб борган қазишларининг натижалари энг қадим замонла[illegible]здаёқ Ўрта Осиё территория-сида қадимги, юксак ва ўзига х[illegible]ос маданият бўлганлиги шуб-ҳасиз факт деб тасдиқлашга им[illegible]кон беради. Шу билан бирга, автор кейинчалик Аҳманийлар [illegible]Эронида ривожланган мада-ниятнинг баъзи бир ва гоят му[illegible]им ўчоқлари худди шу Ўрта Осиёда бўлган, деб ҳисоблайди. Худди шунинг учун автор Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимги [illegible]халқлари тарихини бир боб-да беришга қарор қилди, чунки [illegible]бу халқларнинг қадим замон-лардаги тарихи бир бири би[illegible]лан жуда қўшилишиб кет-ган.

Тарихий-географик картала[illegible]рни ва адабиётлар рўйхатини қайтадан ишлашда, шунингдек [illegible]янги иллюстрациялар тан-лашда кўп жиҳатдан ёрдам кўр[illegible]сатган Т. Н. Савельевага ав-тор самимий ташаккур билдира[illegible]ор.

Москва, 1952 йил, 27 сентябрь.

В. И. АВДИЕВ



Нил водийси

КИРИШ

Қадимги Шарқ тарихи Шимоли-Шарқий Африка, Олд Осиё, Жанубий ва Шарқий Осиёнинг жуда кенг территорияларини ишғол қилган энг қадимги Шарқ давлатларининг тарихий тараққиётини ўз ичига олади. Бу давлатларни ва ўзига хос қадимги Шарқ маданиятини вужудга келтирган кўпдан-кўп халқларнинг тарихини ўрганиш бизга инсоният тарихидаги энг муҳим проблемалардан бирини — уруғчилик тузумининг емирилиши, унинг харобалари устида энг қадимги қулдорлик давлатининг вужудга келиши ва унинг дастлабки тараққиёти проблемасини текширишга имкон беради. Ғарбда Мисрдан тортиб шарқда то Тинч океангача чўзилган жуда кенг территорияда қадимги замонларда яшаган халқларнинг ҳаётини ўрганиб, жуда кўп ёзма манбалар ва моддий маданият ёдгорликлари асосида қулчиликнинг энг қадимги формалари қандай қилиб вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Ижтимоий формалар тараққиётининг бу процесси қадимги Шарқда жуда секинлик билан борган. Фақат Нил, Дажла (Тигр), Фрот (Евфрат), Ҳинд, Ганг ва Хуанхэ дарёларининг унумдор водийларидаги қулай табиий шароитлар эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликдаёқ сунъий суғориш асосида деҳқончиликнинг ривожланишига ёрдам берган. Лекин бу водийлар анча кичик воҳалардан иборат бўлиб, бу воҳалар атрофида маданий жиҳатдан қолоқ кўчманчи халқлар оломони кезиб юрган. Шундай қилиб, шарқ халқларининг тарихини ўрганиб, К. Маркс айтган «барча шарқ қабилалари-

нинг... ўтроқ қисми билан кўчманчиликни давом эттириб келаётган бошқа қисми ўртасидаги *бирлик* ишбатининг»[1] энг қадимги замонлардаёқ қандай булганини аниқлаш мумкин. Қадимги Шарқда ўзаро муносабатнинг ана шундай булганлиги ундаги жамият тараққиёти суръатининг секинлашувига кўп даражада сабаб булган. Қадимги Шарқ халқлари ижтимоий тузумининг фарқ қиладиган энг муҳим хусусияти — унда уруғчилик тузуми қолдиқларининг узоқ вақт сақланиб қолганлиги, шунингдек, қадимги жамоа, аввало оила жамоаси, кейин эса қишлоқ жамоаси қолдиқларининг мустаҳкам сақланиб қолганлигидир. Лекин ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ижтимоий тузумни ўзгартиради. Металлургиянинг вужудга келиши ва ривожланиши техникани бир қадар тараққий қилдириб, қишлоқ хўжалигининг ва асосан ҳунармандчиликнинг ривожланишига ёрдам беради. Чорвачиликнинг деҳқончиликдан, кейин эса ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши ҳамда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида турли тармоқларнинг пайдо булиши қўшимча ёрдамчи иш кучини талаб қилган. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан киши ўзининг кун кечириши учун керак булгандан кура кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга булган. Янги иш кучларидан фойдаланиш қул келиб қолган. Шунинг учун урушларда қулга тушган асирлар қул қилина бошлаган. Иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг ихтисосланиши ва ишлаб чиқариш миқдорининг оширилиши натижасида ортиқча маҳсулотлар пайдо булган. Бу ортиқча маҳсулотлар бозорларга олиб чиқилган ва, шундай қилиб, улар товарга айланган. Энг қадимги айирбошлаш савдоси ана шу тариқа вужудга келган, шу билан бирга, энг қадимги қадоқ металл пуллар ҳам аста-секин пайдо булган. Оддий айирбошлаш савдосининг ривожланиши мулкий жиҳатдан табақаланишни кучайтира борган.

«Жамоа маҳсулотлари нақадар кўп товар формасини олса, яъни уларнинг нақадар оз қисми ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун ва нақадар кўп қисми айирбошлаш мақсади учун ишлаб чиқарилса, айирбошлаш жамоа ичида ҳам стихияли суратда вужудга келган дастлабки меҳнат тақсимотини нақадар кўп сиқиб чиқарса, жамоанинг айрим аъзоларипинг мулкий аҳволи ҳам шу қадар кўп тенгсизлашиб боради, эски жамоа ер эгалигига шу қадар чукур путур етади, жамоа шу қадар тезлик билан бузилишга юз тутиб, майда мулкчи деҳқонлар қишлоғига айланади»[2]. Мулкий тенгсизлик

[1] *К. Маркс и Ф. Энгельс*, Избранные письма, Госполитиздат, 1948, стр. 78.

[2] *Ф. Энгельс*, Анти-Дюрнинг, Ўздавнашр, 203-бет.

орқасида қишлоқ жамоаларининг камбағаллашиб қолган аъзолари бойлардан қарздор бўлиб, уларнинг асоратига тушиб қолган. Қарзларини тўлашга қурби етмаган камбағаллар шахсан меҳнат қилиб ўз қарзларини узишга мажбур қилинганки, бунинг натижасида кўпинча қарздорлар амалда қул бўлиб қолганлар. Қулчиликнинг энг муҳим манбаи бўлган урушлар мулкий жиҳатдан табақаланишга ёрдам берган. Жамиятнинг биринчи марта синфларга, яъни қулдорлар синфига ва қуллар синфига бўлиниши ана шу тариқа вужудга келган. Лекин қадимги Шарқда қулдорлик жуда ҳам секинлик билан ривожланган, у энг қадимги, ибтидоий қулчилик бўлиб, кўпинча уй қулчилиги доирасидан ташқарига чиқмаган. Антик Греция ва антик Рим жамиятларида тез ривожланган ва тўла авж олган қулчиликдан Шарқдаги қулчилик ўзининг худди шу секин ривожланиши билан фарқ қилган. Қадимги Мисрда жамоа тузумининг сарқитлари то эллинизм даврigача давом этиб келган, қадимги Хиндистонда эса бундан ҳам узоқроққа чўзилган. «Шарқ истибдоди ва бир-бирининг ўрнини олиб келган кўчманчи истилочиларнинг ҳукмронлиги минг йиллар давомида бу қадимий жамоаларга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмади»[1]. Бойлар билан камбағаллар ўртасидаги келиштириб бўлмайдиган социал зиддиятлар, қулдорлар билан қуллар ўртасидаги синфий антагонизм давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган, давлат қулдорларга қуллар ва камбағалларнинг қаршилигини бостирмоқ учун зарур бўлган. Қадимги Шарқдаги бу давлат шарқ деспотияси деб аталган алоҳида характердаги бир формага кириб, бунда бутун олий ҳокимият тамомила подшо қўлида бўлган. Барча ер-сув давлат мулки ҳисобланган. Деспотия моддий қудратининг манбаи ҳам ана шунда.

Подшони худонинг ердаги тимсоли мужассами деб эълон қилган дин деспотнинг чекланмаган ҳокимиятини оқлашга ва асослашга ҳаракат қилган. Қадимги Шарқнинг йирик давлатларидаги қулдорлар меҳнаткаш халқ устидан ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш, қулдорлик давлатини ва умуман бутун синфий тузумни «абадий» сақлаб қолиш мақсадида, алоҳида таълимот, яъни подшо ҳокимиятини гўё худоларнинг ўзи қўриқлайди, бу ҳокимият муқаддас ва ҳатто илоҳий ҳокимият деган таълимот яратганлар. Коҳинлар ва аристократлар подшони олий давлат ҳокимиятининг энг юксак намояндасидир деб ҳисоблаб, шу билан улар биринчи марта, давлат илоҳийдир деган таълимотни илгари сурдилар, ҳолбуки бу давлат В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «эксплуататор синфлар-

[1] *Ф. Энгельс*, Анти-Дюринг, Ўздавнашр, 204-бет.

нинг... манфаатлари билан маҳкам боғлаган»[1]дир.

Қадимги Шарқ давлатлари энг қадимги ва энг типик деспотия бўлиш билан бирга, баъзи жиҳатдан илк даврлардаги Рим империясининг ва ўрта асрлар Европасининг катта даҳлаларига ўхшаб кетади. Қадимги Шарқдаги ҳатто энг йирик ва энг қудратли подшоликлар ҳам мустаҳкам иқтисодий алоқалар негизида эмас, балки истилолар асосида ташкил топган. Улар узоқ давом этмайдиган, таги бўш давлатлар бўлиб, айрим-айрим қабила ва халқлардан ташкил топган, бу қабилалар ва халқлар, албатта, ҳали миллат бўлиб бирлаша олмас эди.

Қадимги Шарқдаги турли хил тилларни, яъни қадим замонларда Шимоли-Шарқий Африкада ва Осиёнинг кўп ерларида яшаган кўплан-кўп қабила ва халқлар тилларини ва сўзларини ўрганиш асосида, кўпроқ ана шу асосда қадимги Шарқ тарихи ўрганилади. Қадимги Шарқ тиллари, жумладан қадимги Миср, араб ва қадимги ҳинд (санскрит) тилларини ўрганиш бу тилларнинг жуда қадим замонларда, қулдорлик жамияти пайдо бўлишидан олдин вужудга келганлигини, улар бир неча минг йиллар давомида жуда секинлик билан ривожланиб борганлигини, қулдорлик давридагина эмас, балки феодализм даврида ҳам ўзининг асосий луғат составини ва грамматик қурилишининг асосий негизларини ўзгартирмай сақлаб келганлигини очиқ-равшан кўрсатади. Тилнинг характерли хусусияти Нил водийсида ва Ўрта денгизнинг шарқий қирғоқ бўйларида яшаган аҳолининг тилларини ўрганишда жуда равшан кўринади. Мисрликлар уч минг йил давомида ўз мамлакатининг жуда кўп марта истило қилинганлигига қарамай, ўз тилларини маҳкам сақлаб қолганлар, уларнинг тили чет эл ассимиляциясига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Қичкина Финикияда ҳам худди шундай бўлган, унга қараганда анча катта ва қудратли бўлган қўшни давлатлар Финикияни тез-тез истило қилиб турган. Шундай қилиб, тарихчи ва тилшунос нуқтаи назаридан олганда қадимги шарқ тилларини қадимги Шарқ халқларининг тарихи билан чамбарчас боғлаб ўрганиш лозим.

Қадимги Шарқ тарихини ўрганишда шу нарсани доим эсда тутмоқ керакки, илк қулдорлик жамияти иқтисодий тузумининг ўзига хос, алоҳида устқурмаси, яъни жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадиий, фалсафий қарашлари ва шу қарашларга мувофиқ келадиган сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муассасалари бўлган. Шу муносабат билан тарихчининг энг муҳим

---

[1] *В. И. Ленин.* Асарлар, 29-том. 435-бет.

вазифаси қадимги Шарқда қулдорлик давлатларининг ташкил топиш ва ривожланиш давридаги иқтисодий тузумининг, шунингдек унга мувофиқ келадиган устқурманинг характерли хусусиятларини белгилашдир. Шубҳасизки, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий тузуми ибтидоий жамоа тузумига қараганда анча тараққий қилган тузум бўлган. Бузилиб борастган ибтидоий жамоа тузуми шароитида қулдорлик тузуми тамомила табиий ва қонуний бир ҳодисадир, чунки қулдорлик тузуми ибтидоий жамоа тузумига қараганда олдинга қадам ташлашдир. Қадимги Шарқда жамият биринчи марта қулдорлар синфига ва қуллар синфига бўлиниб, унда ўзига хос деспотик давлат вужудга келган, ибтидоий жамоа тузуми даврида эса бундай давлат бўлмаган. Бироқ қадимги Шарқ жамиятининг прогрессив тараққиёти жуда секинлик билан борган. Қулдорлик тузуми даврида мавжуд бўлиб, шу тузумга хизмат қилган товар ишлаб чиқариш вужудга келишига ва ибтидоий савдо, асосан айирбошлаш савдоси майдонга келишига қарамасдан, кадимги Шарқдаги қулдорлик давлатларида натурал хўжалик етакчи роль ўйнаган. Қадимги Шарқдаги катта-катта қулдорлик хўжаликларида қуллар меҳнатидан фойдаланишнинг дастлабки уюшган формалари пайдо бўлиши билан бир қаторда, бу хўжаликларда уй қулчилиги формалари ҳам сақланиб қолган. Мураккаб ва кенг кулоч отган амалдорлик аппаратидан иборат марказий ҳокимият органлари мавжуд бўлишига қарамасдан, Шарқда жамоа турмушининг қадимги формалари хам кўп вақтгача ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ернинг анчагина қисми амалда жамоаларга қараган ва, Энгельс айтганидек, «...шарқий деспотизм жамоа ер эгалигига асосланган»[1]. Аслида ер жамоалар қўлида бўлган па ернинг қўйгина қисмини эркин жамоачилар ишлаган. Лекин бу ҳол бутун ер фондининг илоҳийлашган, Маркс айтганича, «олий» ёки «ягона боғловчи» деб аталган деспот бошлиқ давлат қўлида тўпланишига зид келмасди. Аммо бунда, Маркс фикрича, *«Осиёга* хос асосий формаларнинг кўпчилигида бўлгани сингари, бу майда коллективларнинг барчаси тепасида турган *ягона боғловчининг* олий *мулкдор* ёки *танҳо мулкдор* сифатида майдонга чиқиши, шунинг орқасида ҳақиқий жамоалар эса фақат *мерос* ерга эгалик қилувчи бўлибгина майдонга чиқишлари сира зид келмайди... Бу кўпдан-кўп коллективларнинг отаси бўлиб майдонга чиқувчи мустабиддан иборат ягона боғловчи ҳар бир кишига унинг қайси жамоага мансуб эканлигига қараб туриб, шу жамоа орқали унга ер беради. Шу сабабдан, қўшимча маҳ-

[1] *Ф. Энгельс,* Анти-Дюринг, Ўздавнашр, 452-бет.

сулот, қонунда белгиланганича, меҳнат қилдириш йўли билан ҳақиқатда ўзиники қилиб олинадиган бу қўшимча маҳсулот, ўз-ўзидан маълумки, деспотга қарашли бўлади. Шунинг учун шарқ деспотизми шароитида ва бу деспотизмда мулкчилик юридик жиҳатдан йўқдек бўлиб кўринган бир вақтда, ҳақиқатда бу деспотизмнинг асоси сифатида ана шу қабила ёки жамоа мулкчилиги мавжуд бўлади, бу мулкчилик, кўпинча, майда жамоа доирасида саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан қўшилиши натижасида вужудга келгандир»[1]. Буларнинг ҳаммаси умуман қадимги Шарқ халқларининг хўжалиги, ижтимоий тузуми ва маданияти секин ривожланиб бориши ва нисбатан турғун ҳолатда қолиб келишига сабаб бўлган. Бу нарса динининг қадимги Шарқ дунёсидаги кишилар онги устидан ҳукмронлигида ҳам ўз аксини топган. Фанининг бошланғич куртаклари жуда секинлик билан вужудга келган.

Бу фактларнинг ҳаммаси қадимги Шарқнинг ижтимоий тузуми билан антик Грецияя ва антик Римнинг ижтимоий тузумидаги умумий ва, шунингдек, хусусий хислатларни аниқлашга имкон беради. Қадимги Шарқ халқлари ҳам, қадимги греклар ва римликлар ҳам қулдорлик жамияти шароитларида яшаганлар. Аммо антик Грецияя ва антик Римда қулдорлик ўз тараққиётининг энг юқори босқичига етган бир даврда, қадимги Шарқдаги қулдорлик нисбатан турғунлик хусусиятига кўра, ўз тараққиётининг биринчи босқичида тўхталиб қолган; қадимги Шарқда ибтидоий қулчилик, асосан уй қулчилиги ҳукм сурган. Қадимги Шарқда қуллар сони унча кўп бўлмаган; қуллар билан бир қаторда қишлоқ жамоаларининг эркин аъзолари ҳам кўп бўлган. Антик Грецияя ва антик Рим жамиятларида қулчилик умуман ишлаб чиқаришнинг ҳаммасига тарқалган бўлса, қадимги Шарқда ундай бўлмаган. Шунга кўра, қадимги Шарқ мамлакатларининг экономикаси билан Грецияя ва Римнинг антик халқлари хўжалигининг ривожланиши ўртасида муҳим фарқлар бўлган. Танга формасидаги пуллар ва савдонинг юқорироқ тараққиёси билан боғланган шаҳар тузуми қадимги Шарқ давлатларининг фақат охирги босқичида пайдо бўлган. Қадимги Шарқ маданияти ҳам, антик маданиятга қарағанда анча примитив бўлган. Қадимги Шарқда бизга маълум бўлган энг қадимги алфавит (алиффбо)гина пайдо бўлган, шу билан бирга, кўпгина халқларда мураккаб ва примитив ёзув системалари (иероглиф ва миххат) узоқ вақтгача сақланиб қолган. Қадим-

[1] *К. Маркс* Формы, предшествующие капиталистическому производству Госполитиздат, 1940, стр. 6.

ги Шарқда диний дунёқараш ҳукм сурган бир шароитда фаннинг бошланғич куртакларигина вужудга келган. Греция ва Римда фаннинг янада анча ривожланганлиги ҳамда диний асоратдан қутулишга интилган дунёқарашнинг анча тараққий килганлигини кўрамиз. Аммо қулдорлик тула ривож топган Греция ва Рим каби антик дунё билан қадимги Шарқ маҳкам боғланган. Антик қулдорлик Шарқдаги ибтидоий қулдорликнинг янада ривожланиш босқичи бўлганидек, антик дунё маданияти ҳам қадимги Шарқ халқлари маданиятининг янада ривожланишидан иборат бўлган. Шарқ халқлари кўп ажойиб маданий бойликлар яратганлар ва бу маданий бойликлар Ғарбдаги Греция-Рим маданиятига ва Шарқнинг ўрта аср маданиятига негиз бўлган.

* * *

Қадимги Шарқ халқлари ҳаётининг умумий тасвирини беришга дастлаб қадимги грек тарихчилари ҳаракат қилганлар. Машҳур грек тарихчиси, «тарих отаси» Геродот (эрамиздан аввалги V аср) узининг катта тарихий асарида биринчи марта қадимги Шарқ халқлари тарихининг очеркини ёзган, бу очеркнинг кўп қисми жуда содда бўлса-да, лекин, ҳар ҳолда, катта маҳорат билан ёзилган ва қимматли фикрлар баён этилган равон очеркдир. Геродот қадимги Шарқ дуиёсининг маданий мероси ҳақидаги муҳим проблемани биринчи бўлиб олга сурганлардан биридир. Диодорнинг тарихий асари анча кейинроқ даврда (эрамиздан аввалги I асрда) ёзилган бўлиб, бу асарни ёзишда у бир қанча манбалардан фойдаланган. Унинг асарида форслар давридаги Миср ва Финикия тарихи очерки алоҳида аҳамиятга эга.

Дастлабки христиан тарихчиларининг, жумладан Евсевий, Иероним ва Августиннинг ривоятларида Греция-Рим историографиясининг сезилар-сезилмас излари бор. Уларнинг бу ривоятларида қадимги тарихий традициянинг сезилар-сезилмас излари борки, улар бу туфайли улуг қадимги Шарқ дунёси билан боғланадилар, бу ривоятларда Александр Македонский давлатидан ҳамда Рим империясидан олдин ўтган энг қадимги Осурия, Бобил, Мидия ва Эрон каби жуда қадимги дунё монархияларини эсга оладилар.

Ўрта аср сўзчилари қадимги Шарқ халқлари ва давлатлари тўғрисида ва қадимги Шарқ маданияти тўғрисида бир-бирига боғланмаган ва жуда чалкаш айрим маълумотларни сақлаб қолганлар, холос. Шундай қилиб, мураккаб ва хилма-хил тарихга ҳамда ўзига хос маданиятга эга булган бутун қадимги Шарқ дунёси энг сўнгги авлодлар хотирасидан се-

кин-аста тамомила деярли кўтарилиб кетган. Баъзи китобларда жуда қадим замонларнинг машҳур қаҳрамонлари тўғрисида, асосан тавротдан ва грек тарихчиларининг очеркларидан олинган ноаниқ хотиралар бир оз эслаб ўтилади. VI асрда ёзган Козьма Индоплаватель грек ёзувчиларининг хатоларини такрорлаб, ҳатто, Шарқнинг «Мусо замонидаги» қадимги халқларида ёзув булганлигини инкор килади. XIV асрда Данте ўзининг «Илоҳий комедия»сида узоқ ўтмишнинг атокли қаҳрамонлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, фақат қадимги яҳудий подшоларининг ва тасодифан ёдига келиб қолган Синахериб билан Кайхисравнинг исмларини эсга олади. Хатто янги замон бошларида, XVII асрда француз тарихчиси Боссюэ, ўзининг бутун дунё тарихи ҳақидаги кенг обзорида қадимги Шарқ халқларига жуда оз ўрин берган.

Гегель тарих фалсафаси ҳақидаги лекцияларига кирган «Шарқ дунёси» деган очеркида қадимги Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини муайян бир маънода талқин қилишга уринган. Гегель антик замон авторларига, тавротга ҳамда қадимги Шарқ тарихини ўрганишга XVIII аср охири ва XIX аср бошларида киришган Европа тарихчилари ва филологларининг асарларига таяниб, қадимги Шарқ маданияти тараққиётини ўзининг инсоният тарихида руҳнинг ўзлигидан бирқ уриши (самораскрытие) деган реакцион диний-фалсафий назарияси нуқтаи назаридан афсонавий бир тарзда бузиб баён қилган.

Бутун XIX аср давомида ўтказилган катта-катта археологик қазишлар ва қадимги Шарқ ёзувларининг ўқиб чиқарилиши қадимги Шарқ тарихи ва маданиятини ўрганиш ишига жиддийроқ киришишга имкон берди. Жуда кўп текширувчилар томонидан қилинган бир қатор ишлар натижасида қадимги Шарқ тарихига умумий обзор бериш максади билан ёзилган катта-катта илмий асарлар майдонга келди; шу билан бирга, бу асарларнинг авторлари купроқ сиёсий воқеаларни, асосан, урушларни тасвирлаганлар ҳамда қадимги Шарқ халқлари маданиятини кўпроқ таърифлаганлар. Буржуа олимларининг бу умумлаштирувчи асарлари орасида француз мисршуноси Г. Масперонинг «Классик Шарқ халқларининг қадимги тарихи» деган уч томлик асари, академик В. А. Тураевнинг «Қадимги Шарқ тарихи» деган икки томлик асари, Эд. Мейернинг «Қадимги замон тарихи» деган катта тўпламн алоҳида аҳамиятга эга.

Г. Масперонинг асари ўз даври учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унда Масперо XIX аср охирида фанга маълум бўлган барча манбаларга таяниб туриб, қадимги Шарқ дунёсидаги бир қанча халқлар тарихий ҳаётининг умумий манзарасини

кўрсатишга журъат қилган. Г. Масперо асосан қадимги Миср тарихи ҳақидаги очерклари да ижтимоий-иқтисодий тарих масалаларига, шунингдек, қадимги Шарқ халқларини ўзаро боғлаган халқаро муносабатлар масаласига қадимги Шарқ тарихчилари орасида биринчи бўлиб эътибор берган. Бироқ, шу билан бирга, Масперонинг асарида бир қанча жиддий камчиликлар ҳам бор. Масперо жуда кўп манбалардан фойдаланиб, бу манбаларга етарли даражада танқидий кўз билан қарамаган. Масперо дининг аҳамиятига ортиқча баҳо бериб, ўзининг ҳар бир очеркини маълум халқнинг диний эътиқодларини муфассал равишда таърифлашдан бошлаган ва бу билан ғоявий факторни ўзининг тарих ҳақидаги фикрларига асос қилиб олган. Ниҳоят, Масперо тарихий тараққиёт динамикасини бутунлай бузиб кўрсатган. Масперонинг айрим очерклари асосан, ижтимоий-иқтисодий тарих ҳақидаги очерклари тарихий тараққиёт билан мутлақо боғланмаган; минг йиллар давомида гўё ҳеч нарса ўзгармагандек, у турли даврларга оид фактларни бир-бири билан аралаштириб, хўжалик ва ижтимоий муносабатларни гўё бир ерда деярли қотиб қолгандай қилиб тасвирлаган. Шу сабабдан Масперо қадимги Шарқ халқларининг маданиятини ҳозирги замон Шарқ халқлари маданияти билан таққослашни мумкин деб топиб, у, масалан, қадимги Миср деҳқонларини ҳозирги феллоҳлар билан таққослаган. Ҳозирги замон тарих фанининг тараққиёти ва археология соҳасида сўнгги ўн йиллар ичида қилинган муҳим кашфиётлар Масперонинг асарини ҳозирги вақтда бутунлай деярли яроқсиз қилиб қўйди.

Эд. Мейернинг асари Ғарбий Европада қадимги Шарқ историографиясининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Автор ўзининг бу асарида қадимги Шарқ тарихи соҳасида археология ва тарих фани эришган барча ютуқларни тўла ва муфассал баён қилган. Эд. Мейер жуда кўп манбаларни синчиклаб анализ қилиб, шу асосда қадимги Шарқ халқлари тарихининг кенг ва равшан манзарасини очиб берган. Бироқ у тарих бобидаги барча фикрларига циклллилик деган бутунлай нотўғри ва мутлақо яроқсиз назарияни асос қилиб олган. Империалистик Германия реакцион идеологиясининг ифодачиси бўлган Эд. Мейер тараққиёт назариясини инкор қилиб, циклллилик назариясини, яъни аллақачонлар йўқ бўлиб кетган ижтимоий тузум формаларига яна қайтиш мутлақо муқаррар деган назарияни унга қарама-қарши қўйган. Ҳар қандай реакцияни оқлашга ва бу реакцияни тарихий жиҳатдан асослашга интилган Эд. Мейер ўз асарларида, қадимги дунё ўз тарихий тараққиётида қандай босқичларни босиб ўтган бўлса, кейинчалик Европа ҳам ўрта асрларда ва янги замонда

ўша босқичларни босиб ўтиб, тараққиётнинг худди ўша циклини такрорлагандир, деб исбот этишга ҳаракат қилган. Шундай қилиб, Эд. Мейер қадимги қулдорлик жамиятини замонбоп қилиб ва идеаллаштириб, бир томондан, қадимги Мисрда феодал муносабатлар бўлган деб, иккинчи томондан эса, қадимги замон қулчилигини капитализм давридаги эркин ёлланма меҳнатга тенглаштирган. Эд. Мейер миграция деган буржуа назариясининг ашаддий тарафдори бўлган. Эд. Мейер бу назарияга таяниб туриб, бир қанча тарихий фактлар халқларнинг кўчиб юриши натижасида содир бўлган, деб тушунтирган ва бу билан у ички тарихий тараққиёт каби энг муҳим факторга етарлича баҳо бермаган. Ниҳоят, Эд. Мейер тарихий концепциясининг фарқ қиладиган учинчи хусусияти шундан иборатки, у реакцион ва мутлақо нотўғри ирқий «назария»дан кенг фойдаланган. Мейер қадимги Месопотамия тарихини ўрганишда «шумер» ва «семит» ирқларининг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Мейер тарихий фактларни атайин бузиб, машъум «ҳинд-герман ирқи»нинг тарих майдонига чиқишига айниқса катта аҳамият берган, бу ҳол, унинг фикрича, қадимги Шарқ тарихи тараққиётининг энг юкори чўққиси бўлган.

Академик Б. А. Тураев XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги рус шарқшунослигининг энг атоқли намояндаси бўлган. Унинг илмий асарлари буржуа историографиясида жуда катта ўрин тутади ва кўпгина оригинал хусусиятлари билан ажралиб туради. Б. А. Тураевнинг «Қадимги Шарқ тарихи» деган асосий асарида ундан олдинги тарихчиларнинг умумлаштирувчи асарларига қараганда кўпроқ халқлар ва мамлакатлар тарихи баён қилинган. Масалан, Тураев унинг қадимги Шарқ тарихи курсига Ван подшолиги, Наната, Мероэ ҳамда Аксум тарихи ва маданияти, шунингдек қадимги пунийлар тарихи ва маданияти деган очерклар киритган ҳамда бу темалар ҳақида махсус боблар ёзган. Б. А. Тураев қадимги Шарқ билан антик дунё ўртасида, шунингдек қадимги Шарқ маданияти билан ўрта аср шарқининг маданияти ўртасида яқин алоқа бўлганлигини аниқлашга интилиб, қадимги Шарқ тарихини то сўнгги эллинизмгача етказган ва, шундай қилиб, қадимги Шарқнинг традицион хронологик доирасини кенгайтирган. Б. А. Тураев фактик материални чуқур билиши билан Ғарбий Европадаги кўпгина мутахассислардан устун турган. Унинг катта асари манбаларни мустақил равишда ва танқидий нуқтаи назардан караб жиддий ўрганиш асосида ёзилган. Б. А. Тураев бир қанча ёдгорликлардан, асосан, қадимги Шарқ маданияти тарихи ёдгорликларидан кўпгина ажойиб таржималарни келтириб,

бир қатор проблемаларни ўзидан олдин ўт ан авторларга ва ўз замондошларига қараганда кенгроқ, чуқурроқ ва оригинал суратда қўя олган ва ёрита олган. Тураев қадимги Шарқ халқлари маданиятини ўргапишга ҳар доим алоҳида эътибор бериб келган. Тураев қадимги Шарқ халқларининг адабий ижодиётини ва диний қарашларини диққат билан ўрганиб, бу халқларнинг маданий тараққиётлари ўртасида бир қанча ўхшашликлар борлигини аниқлаган ва бу ҳол унга бутун қадимги Шарқ дунёсининг маданий жиҳатдан бирлиги ҳақидаги муҳим тезисни комил ишонч билан илгари суришга имкон берган. Шу билан бир вақтда, у ўзининг барча асарларида антик ва ўрта аср шарқ цивилизацияларининг тараққиётига кучли таъсир этган қадимги Шарқнинг маданий мероси проблемасини қатъий равишда таъкидлаб ўтган.

Буржуа историографиясининг типик намояндаси бўлган ва ўз давридаги олимларнинг идеалистик дунёқарашларига тамомила қўшилган Тураев асосий эътиборни қадимги Шарқ халқлари маданиятига ва, айниқса уларнинг динини ўргапишга қаратиб, ижтимоий-иқтисодий тарихга жуда ҳам кам аҳамият берган. Тураев ижтимоий-иқтисодий факторга етарлича баҳо бермай, баъзида эса бу факторни мутлақо назарга олмай, қадимги Шарқ халқлари ва давлатлари тараққиётини сиёсий воқеалар, истилолар, миграциялар, династия алмашишлари натижаси қилиб тушунтирган; айрим ҳолларда эса, у бирор фактнинг сабабини географик шароитдан қидириб, бу географик шароитнинг ижтимоий тараққиётга кўрсатадиган таъсирини жуда ҳам ошириб юбориб, шу билан жамият тарихий тараққиёт процессини бузиб кўрсатган. Тураев қадимги Шарқ дунёсидаги турли халқларнинг тарихий тараққиётидаги, кўпроқ тарихий-маданий тараққиётидаги бир-бирига ўхшаш фактларни кўздан кечириб, бу ҳолни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиётининг бир хил йўлдан борганлигининг натижаси деб эмас, халқларнинг бир хил тараққиёт босқичидан утганлигининг натижаси деб эмас, балки улар ўртасидаги фақат ташқи ўзаро мупосабатлар ёки маданий таъсирларнинг натижаси деб тушунтирган, ташқи ўзаро муносабат ва маданий таъсирларни эса миграциялар ва истилоларга боғлиқ қилиб қўйган. Методологик жиҳатдан олиб қарағанда Тураевнинг асари буржуа тарих фанининг асосий принципиал хатоларидан қутула олмаган идеалистик кайфиятдаги буржуа тарихчисининг типик асаридир.

Шундай қилиб, XIX ва XX асрлардаги энг атоқли мутахассисларнинг ҳужжатлар ва археологик манбаларни синчиклаб ўрганишга асосланган ва кўп маълумотларни ўз ичига олган катта асарларининг ҳаммаси ҳам умумий принципиал кам-

чиликларга эга. Чунончи, бу асарларда қадимги Шарқнинг асосан сиёсий ва маданий тарихи баён қилинган, аммо ижтимоий-иқтисодий муносабатларни анализ қилишга жуда кам эътибор берилган; ижтимоий-иқтисодий муносабатлар эса, буржуа идеалистик назарияси доирасида бир тарафлама ва ғараз билан тасвирланган. Бу асарларнинг яна бир жиддий камчилиги шундан иборатки, улар Ҳиндистон ва Хитойнинг тарихий тараққиётини назарга олмай, фақат «классик Шарқ» деб аталадиган Шарқ мамлакатларининг тарихини, яъни Миср ва Олд Осиё тарихини баён қилиш билан чегараланган. Кўпинча нотўғри ва зарарли ирқий «иазария»га асосланган бу тарихчилар қадимги Шарқнинг бошқа халқлари қандай тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлсалар, Ҳиндистон билан Хитой халқлари ҳам уруғчилик тузумидан тортиб то кулчиликкача ўшандай тараққиёт йўлини босиб ўтгачлигига ва бошқа халқлар билан бир қаторда жаҳон маданияти хазинасига каттагина ҳисса қўшганликларига эътибор бермаганлар. Энг янги археологик қазишлар ва тарихий текширишлар бутун қадимги Шарқ дунёси, шу жумладан, Ҳиндистон билан Хитой ҳам кўп жиҳатдан ўзаро боғланган, бир хил тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган бир бутун дунёдан иборат бўлганлигини кўрсатади.

Совет олимлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишга анча катта эътибор бердилар, қадимги Шарқда қулдорлик муносабатлари бўлганлигини аниқладилар ҳамда қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитойни ҳам қадимги Шарқ тарихига қўшиб текширдилар. Бу тарихчилар орасида Б. А. Тураевнинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган академик В. В. Струве алоҳида ўрин тутади. Кўп йиллар давомида Ленинград Давлат университетида қадимги Шарқ тарихидан дарс берган В. В. Струве қадимги Шарқ тарихи курсини жуда кўп ва турли-туман манбаларни чуқур ўрганиш асосида тузди. Бу курс, қадимги Шарқ мамлакатларида меҳнатни эксплуатация қилишнинг асосий формаси қулдорлик эксплуатацияси эди ва шунинг учун ҳам қадимги Шарқ жамиятини қулдорлик жамияти деб ҳисоблаш керак, деган фикрга асосланиб қурилган эди. В. В. Струве ўзининг бу фикрларини «Қадимги Шарқ қулдорлик жамиятларининг вужудга келиш, тараққий этиш ва емирилиш проблемаси» деган асарида баён этди ва сўнгра бу фикрлар унинг «Қадимги Шарқ тарихи» (1941 йил) номли ўқув қўлланмасига асос бўлди. 1933 йилдан бошлаб В. В. Струве билан бирликда бошқа совет тарихчилари ҳам қадимги Шарқ тарихига оид махсус асарларида қадимги Шарқ мамлакатларида уруғчилик тузуми харобалари устида қулдорлик жамияти вужудга келганлиги, лекин бу мамлакат-

ларда кулчилик қадимги Греция ва антик Римда тараққий қилиши сингари унчалик тўла ривожлана олмаганлиги ҳақидаги фикрни илгари сурдилар ва исбот қилдилар.

Сўнгги 35 йил ичида совет олимлари қадимги Шарқ тарихига оид ҳар турли манбаларни тўплаш, ўрганиш, нашр этиш ва таржима қилиш соҳасида, шунингдек бу тарихнинг ҳар хил муҳим проблемаларини ўрганиш соҳасида катта ва қимматли ишлар қилдилар. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишга қулчиликнинг келиб чиқиш ва ривожланиш проблемасига, қадимги Шарқдаги қулдорлик муносабатларининг ўзига хос хусусиятларига, уруғчилик тузуми ва қадимги қишлоқ жамоаси сарқитларининг сақланиб қолишига ҳаммадан кўра кўпроқ эътибор қилинди. Шу муносабат билан қадимги Шарқда экономика ва техниканинг, хусусан ирригация ва деҳқончилик ишларининг ривожланиши ўрганилди. Совет тарихчилари қадимги Шарқ давлатларининг сиёсий тарихига, айниқса Миср ва Осуриянинг ҳарбий тарихига, шунингдек, хронологиянинг муҳим проблемаларига бағишлаб бир қанча асарлар ёздилар. Қадимги Шарқ халқларининг маданият тарихи масалаларига, хусусан фанининг дастлабки куртакларини ўрганишга, адабиёт, санъат ва динининг ривожланишига катта аҳамият берилди. Совет тарихчилари ва филологлари асл манбаларни (буларнинг баъзилари совет музейларида сақланмоқда) ўрганиб ва улга таяниб ҳамда ўз ишларида марксча-ленинча методологияга асосланиб, ўз асарларида бир қанча муҳим принципиал ва актуал проблемаларни кўя олдилар ва, шу билан бирга, буржуа реакцион тарихчиларининг қарашларини илмий асосда танқид қилдилар. Академик В. В. Струведан ташқари, академик Н. М. Никольский, А. Б. Ранович, Н. Д. Флиттнер, И. Г. Франк-Каменецкий, Б. Б. Пиотровский, Г. В. Церетели, Т. Капанцян, Ю. П. Францов, В. И. Авдиев, М. Э. Матье, Н. М. Лурье ва бошқа кўпгина тарихчилар ҳам қадимги Шарқ тарихи ва маданиятини ўрганишга бағишлаб бир қанча асарлар ёздилар.

* * *

Қадимги Шарқ дунёси Шимоли-Шарқий Африка, Олд Осиё, Эрон ясси тоглиги, Ҳиндистон ва Хитойни ҳамда булар оралиғидаги барча областларни ўз ичига олган кенг территориядан иборат. Қадимги Шарқ дунёсининг шимолий чегараси тахминан 42° шимолий кенгликдан ўтган, жанубий чегараси эса тахминан Рак тропигидан ўтган. Шундай қилиб, бу ғоятда кенг территория шимолдан жанубга томон 1800 *км* га чўзилган. Қадимги Шарқ дунёсининг ғарбий чегараси тахминан Ливия чўлидан, яъни 10° ғарбий узунликдан (Пулководан), шарқий чегараси эса Тинч океан қиргоғи бўйлаб, бошқача қилиб айт-

ганда, тахминан 110° шарқий узунликдан ўтган. Шундай қилиб, бу тўғри бурчак шаклидаги жуда кенг территориянинг бўйи 10 минг км дан ҳам ортиқ бўлган. Бу территориянинг ҳаммасини осонгина икки бўлакка бўлиш мумкин. Шарқий ярим бўлак Хиндистон билан Хитойни ўз ичига олган, ғарбий ярим бўлакка Миср билан Олд Осиё кирган. Қадимги Шарқ дунёсининг бу иккита ярим бўлак орасидаги чегара тахминан Сулаймон тоғлари бўйлаб ўтган, бу тоғлар чўл ўртасида бўлиб, у ерлардан ўтиш жуда қийин, фақат озгина тор йўллари бор, холос.

Бу иккита ярим бўлакнинг ғарбий қисмлари, яъни Хиндистон билан Миср баъзи умумий географик хусусиятларга эга. Чунончи, Миср ҳам, Хиндистон ҳам бир хил иссиқ иқлим поясида, субтропик ва тропик иқлим поясида бўлиб, географик шароитларига кўра, ҳамма томондан анча берк бўлганлиги сабабли бошқа дунёдан анча ажралиб қолган. Нил водийси ва дельтасидан иборат бўлган Миср Шимолий Африканинг беноён қумли чўллари ичида бир воҳага ўхшайди; бу воҳа Африканинг қолган областларидан чўллар билан ажралган. Энг қадим замонларда Нил дельтаси бутунлай ботқоқликдан иборат бўлган ва шунинг учун ҳам у Мисрни Ўрта денгиз билан боғловчи восита бўлиб хизмат эта олмаган. Нилнинг жанубидаги ўтиш қийин бўлган жойлар ва Шарқий Африканинг ботқоқлик районлари анча жиддий табиий тўсиқ бўлган. Фақат тоғгина Сувайш буйини ва суви қуриб қолган дарёларнинг ўзан (водий)ларигина Мисрни Синай ярим ороли ва Қизил денгиз қирғоқ бўйлари билан туташтирган, шу раишда булар. Мисрни буюк Осиё материги билан бир қадар боғлаб турган қадимги савдо ва ҳарбий йўллар вазифасини ўтаган.

Жуда катта Ҳинд ярим ороли ҳам Миср сингари дунёнинг бошқа қисмидан анчагина ажралиб қолган. Беноён океан ғарб, жануб ва шарқ томонлардан Хиндистонни дунёнинг қолган қисмидан ажратиб туради. Шимолда эса Хиндистонни дунёдаги энг катта тоғ тизмаси бўлган буюк Ҳимолай тоглари Осиёдан ажратиб туради.

Олд Осиё билан Хитойнинг табиий шароитлари ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Олд Осиё ва Хитой мўътадил ва субтропик иқлим поясида бўлиб, Хиндистон ва Мисрнинг акси ўлароқ территория жиҳатидан қўшни мамлакатлар билан боғланган. Кичик Осиё ва Эгей денгизининг ороллар райони Олд Осиёдан Европага ўтиш учун кўприкдир. Осиёнинг турли областларига борадиган жуда кўп йўллар Эрон ясси тоглиги билан Ўрта Осиёдан бошланади. Хитой географик ва тарихий-маданий жиҳатдан қўшни Осиё областлари билан чамбарчас



Фрот дарёсининг юқори оқими.

боғлангандир. Хитойнинг чегара районлари бора-бора қўшни қабилалар яшайдиган областлар билан уланиб кетади.

Ўртада катта масофалар ҳамда ўтиш машаққат бўлган чўл ва тог массивлари районлари бўлишига қарамасдан, қадимги Шарқнинг айрим мамлакатлари жуда кўп қадимги савдо ва ҳарбий йўллар орқали ўзаро бир-бири билан боғланган. Бу жиҳатдан Нил, Фрот, Дажла, Ҳинд, Ганг, Янцзи ва Хуанэ каби буюк дарё магистраллари айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Нил дарёси Мисрнинг айрим қисмларини бир-бири билан, бутун Мисрни эса умуман тропик Африка областлари, хусусан олтинга бой Нубия билан, шунингдек Ўрта денгиз *райони билан боғлаган*. Фрот ва Дажла дарёлари Месопотамиянинг айрим қисмларини бир-бири билан, бутун Иккидарё оралиғини эса Форс қўлтиғи райони билан, шунингдек Шимолий Сурия, Закавказье ва Кичик Осиё билан боғлаган. Шу билан бирга, Дажланинг шарқий ирмоқлари ва уларнинг водийлари бўйлаб Месопотамиядан Эрон ясси тоғлиги территориясига томон йўллар борган. Хиндистон ва Хитойнинг йирик дарёлари ҳам шундай катта аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Шарқ мамлакатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўрнатишда карвон йўллари айниқса катта ёрдам берган. Жуда қадим вақтлардан бери Мисрдан Сурия орқали Кичик Осиёга, Закавказьега, Месопотамияга ва янада шаркка, Эронга бир қатор муҳим савдо йўллари борган. Бунинг натижасида Сурия ҳар хил савдо йўллари туташадиган муҳим марказга айланган. Шу билан бир вақтда Сурия ва Финикиянинг қирғоқ бўйи шаҳарларидан бошланадиган сув йўли Олд Осиёни Нил дельтаси ва Эгей денгизидаги ороллар райони билан, хусусан Кипр ва Крит каби йирик ороллар билан боғлаган.

Шарқ дунёсига хос бўлган табиий шароитнинг асосий типлари қуйидагилардир:

1) кенг даштлари ва текисликлари бўлган сувсиз ясси тоғликлар;

2) катта дарёлар кесиб ўтган ва шу дарёларнинг суви билан суғориладиган паст текисликлар;

3) денгизга бевосита ёндошган қирғоқ бўйи мамлакатлари.

Бу уч типга яна иккита муҳим типни: тоғлик областлар ва чўл районларини қўшиш керак; бу кейинги типлар ҳозирги вақтда археологик ва тарихий жиҳатдан борган сари кўпроқ текширилмоқда.

Географик шароитнинг биринчи типига Сурияни Месопотамия ва Арабистон билан боғлаган сурия-месопотамия даштини, Ўрта Осиё, Кичик Осиё ва Эрондаги тоғлик районлар



Юқори Заб дараси.

ва ясси тогликларни, Каспий бўйи даштлари, Марказий Осиё ясси тоғлигини, Декан, шунингдек Хитойнинг кенг тоғлик областлари ва даштларини киритиш лозим.

Географик шароитнинг иккинчи типига буюк дарёларнинг оқизиқларидан пайдо бўлган қадимги аллювиал водийлар ва паст текисликлар: Нил водийси, грекларда Месопотамия (Икки дарё оралиғи) деб ном олган Фрот ва Дажла дарёлари орасидаги водий, Шимолий Ҳиндистондаги Ҳинд ва Ганг водийлари, ниҳоят, Хитойдаги Янцзи ва Хуанхэ водийлари киради.

Географик шароитнинг учинчи типига Нил дельтаси, шунингдек қадимги замонларда Форс қўлтиғига бўлак-бўлак бўлиб қуйилган Фрот ва Дажла дарёлари дельтаси, Сурия ва Финикиянинг Ўрта денгиз киргоқ бўйлари, ниҳоят, Ҳиндистоннинг жанубий-ғарбий қисмидаги унумдор Малабар киргоғи киради.

Тоғлик районлар орасида Кичик Осиё, Закавказье ва Кавказнинг тоғлик областларини, Месопотамиянинг асл Осурия жойлашган шимоли-шарқий қисмини, сўнгра Месопотамияни Эрондан ажратиб турадиган тоғлик районни, хусусан Эламнинг қадимги маданиятли районининг тоғлик қисмини, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойнинг тоғлик областларини кўрсатиб ўтиш керак. Ниҳоят, қадимги Шарқ дунёсининг энг типик чўл областлари орасида Шимолий Африкадаги Саҳрои Кабирни, шунингдек Арабистонни кўрсатиб ўтиш керак; Саҳрои Кабирда жуда қадимги замонларда қургоқчилик анча кам бўлган ва сув режими (тартиби) бошқача бўлган, Арабистоннинг энг қадимги тарихи ҳали текширилмаган.

Энг қадимги замонларда кишиларнинг ҳаёти ҳозиргидан кўра жуда кўп жиҳатдан табиий шароитларга боғлиқ бўлган. Бироқ техника тараққиёти жуда паст бўлганлиги сабабли инсон табиат устидан ҳукмронлик қила олмаган ўша вақтларда ҳам табиий шароитлар бари бир ижтимоий тузумнинг ривожланишига қатъий таъсир қила олмаган. Табиий шароитлар фақат ижтимоий формаларнинг ривожланишига ёрдам бериши ва бу ривожланишни тезлаштириши ёки, аксинча, бу процессга тўсқинлик қилиши ва уни секинлаштириши мумкин, холос. Табиий шароитлар айрим хўжалик тармоқларининг кўпроқ ривожланишига бир қадар имкон бериши жиҳатидан хўжаликнинг ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга. Ясси тогликлар ва дашт районларда ерларни етарли даражада сугориб бўлмаганлиги деҳқончиликнинг ривожланишига халал берган, бинобарин, бу ерларда кўпроқ чорвачилик ривожланган. Эрон ясси тоғлигида ва Кичик Осиё тоғлик платоларида чорвачилик асосий ўрин олган. Аллювиал водийларда тупроқнинг унумдорлиги, табиий ўгитларнинг мўл бўлиши ва катта

дарёларнинг вақти-вақти билан тошиши суғоришга асосланган деҳқончиликнинг барвақт пайдо бўлишига ва ирригация техникасининг юксак даражада тараққий топишига имкон берган. Денгиз бўйларидаги мамлакатларда қадимги вақтлардаёқ савдо, айниқса денгиз ва транзит савдолари вужудга келган ва кейинчалик жуда яхши ривожланган, бу ҳолни биз, масалан, Финикия ва Сурияда кўришимиз мумкин. Ниҳоят, ўрмон ва фойдали қазилмаларга, хусусан металл рудасига бой бўлган тоғлик мамлакатларда ҳунармандчилик, айниқса металлургия ривож топган. Кичик Осиёда, Закавказьеда (ва Кавказда ҳам) энг қадимги металлургия ўчоқлари вужудга келган ҳамда бу ерлардан руда, металл асбоблар ва металлургия техникаси бутун Олд Осиё дунёсига кенг тарқалган.



Багдоддан Теҳронга борадиган йўлдаги Бехистун қояси.



Калъани камал қилиш. Ашшуриазирпал саройидаги осур бўртма расми.

Эрамиздан ав. IX аср.

1 БОБ

ҚАДИМГИ МЕСОПОТАМИЯГА ОИД МАНБАЛАР ВА ИСТОРИОГРАФИЯ

Манбалар

Қадимги Месопотамия тарихига доир манбалар уч асосий гуруҳга бўлинади: 1) қадимги Шарқ ёзуви ёдгорликлари, 2) моддий маданият ёдгорликлари ва 3) антик замон авторларининг маълумотлари. Қадимги Шарқ ҳужжатлари тарихчи учун ҳаммадан кўра кўпроқ аҳамиятга эга, чунки бу ҳужжатларда тарихнинг ижтимоий-иқтисодий фактлари, сиёсий ҳодисалар қайд этилган, уларда ўша даврдаги маданиятнинг тараққиёт даражаси акс этган. Месопотамия халқларининг ҳўжалиги, техникаси ва турмуши қай даражада тараққий қилганлигини кўрсатувчи моддий маданият ёдгорликлари ҳам катта аҳамиятга эга. Антик замон авторлари қолдирган маълумотлар буларга қараганда камроқ аҳамиятга эга. Лекин ишончли ва тўла манбаларга эга бўлган ҳозирги замон текширувчиси антик замон авторларини эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Антик дунё авторлари қадимги Шарқ маданиятининг сўнгги асрларида яшаганлар. Улар кўп воқеаларни шахсан кўрганлар, кўп нарсаларни ўша вақтларда мавжуд бўлиб, кейинчалик йўқолиб кетган манбалардан билганлар. Қадимги Шарқ ёзувининг асл ёдгорликлари антик замон авторлари берган маълумотларнинг кўпи тўғри эканлигини тасдиқлайди. Ниҳоят, антик замон авторлари маданий тараққиёт даражаси жиҳатидан қадимги Шарқ дунёсининг намояндаларига қараганда анча юқори турганлар. Лекин ҳозирги замон тарихчиси грек ва Рим ёзувчиларининг асарларини танқидий ўрганиб, ундан эҳтиётлик билан фойдаланиши керак. Антик дунё

авторлари берган маълумотларни қадимги Шарқ ҳужжатлари ва ёдгорликларига ҳамма вақт таққослаб кўриш зарур. Хозирги замон текширувчиси қадимги замондаги ҳар бир ёзувчининг хусусан ҳар бир тарихчининг тенденцияси ва унинг дунёқараш хусусиятини назарда тутиши керак. Ниҳоят, антик замон автори тарихни қанчалик замонбоп қилиб ҳикоя қилганлигини ҳам назарда тутиш зарур.

Қадимги Шарқ ҳақида ёзган грек тарихчилари орасида Геродот айрим ўрин тутади, уни ҳақли равишда «тарих отаси» деб атайдилар. Геродот (эрамиздан ав. 480—425 йилларда) ўзининг катта асарини грек-форс урушлари тарихига бағишлаган. Геродот эллинларнинг даҳшатли душмани бўлган Эрон давлатини мумкин қадар батафсил таърифлашга ҳаракат қилиб, Эрон деспотияси составига кирган мамлакатларнинг табиий шароитлари, халқларнинг урф-одатлари, диний эътиқодлари, маданияти ва тарихини муфассал баён этган. Геродот ўз асарини ёзишда, асосан, коҳинлар ва йўл бошловчиларнинг ҳикояларидан, шунингдек Шарқ мамлакатларига қилган саёҳати вақтида ўзи кўрган нарсаларидан фойдаланган. Геродот қадимги Шарқ тилларини билмаса ҳам ва ўзи фойдаланган манбаларга жиддий танқидий кўз билан қарай олмаган бўлса ҳам, биз унинг асарида илмий танқиднинг дастлабки куртакларини кўрамиз. Автор Эрон ва Миср тўғрисида муфассал гапириб, Месопотамия устида озроқ тўхталган. Чунки у Осурия тарихига бағишлаб махсус асар ёзмоқчи бўлган, аммо ёза олмаган.

Геродот ҳамма вақт мамлакатнинг тарихи ва маданиятини ҳар тарафлама ёритишга ҳаракат қилиб, Месопотамиянинг табиий шароитлари тўғрисида гапирганида, у ердаги сунъий суғоришга, фойдали ўсимликлардан фойдаланиш ва уларни ўстиришга, шунингдек, тупроқнинг унумдорлигига алоҳида аҳамият берган. У тупроқ унумдорлигининг аҳамиятига жуда ортиқча баҳо берган. Геродот Месопотамия халқларининг турмуши ва урф-одатлари ҳақида гапириб, кемасозлик, сув транспорти ва савдо ҳақида ҳикоя қилган, одамларнинг кийим-кечаги, овқати, даволаш усуллари, уйланишдаги расм-одатлар ва кўмиш маросимларини тасвирлаган. Месопотамиянинг асосий шаҳри бўлмиш Бобилни айниқса батафсил тасвирлаган ҳамда бу шаҳарни «мамлакатнинг энг машҳур ва жуда ҳам мустаҳкам шаҳри» деб ҳисоблаган. Месопотамиянинг сиёсий тарихи ҳақида Геродот берган маълумотлар жуда ҳам қисқа бўлиб, унда тасодифий ва қисман афсонавий ҳодисалар тасвир этилган. Геродот айниқса Семирамида ва Нитокриданинг бинокорлик ишларини, Кайхисровнинг Бобилни олгани, Эрон шоҳи Доро ҳукмронлик қилган вақти-

да бобилликлар кўтарган қўзғолон, осур подшоси Синахерибнинг Мисрга қўшин тортиб борганини муфассал тасвирлаган.

Геродот ўз ҳикояларида қадимги миф (афсона) ва халқ эртакларидан кенг фойдаланиб, кўпинча уларни тарихда бўлган воқеалар деб тушунтирган. Чунончи, Гераклидлар авлодидан чиққан Бэлнинг ўғли Нинни Геродот осур подшолигининг асосчиси деб ҳисоблаган. Лекин Геродот асарларини синчиклаб, танқидий кўз билан анализ қилган ҳозирги замон тарихчиси у ёзиб қолдирган фактларнинг кўпидан фойдаланиши мумкин.

Геродот қадимги Шарқ халқларининг маданиятига юксак баҳо берган ва қадимги Шарқ антик дунёга таъсир кўрсатганлигини таъкидлаб ўтган. Геродот қуёш соатлари ва кунниинг 12 қисмга бўлиниши ҳақида гапириб, эллинлар «буларнинг ҳаммасини бобилликлардан олганлар» дейди.

Эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида туғилган Ктесий Книдский ёзиб қолдирган маълумотлар илмий жиҳатдан камроқ аҳамиятга эга. Ктесий Осурия тарихига бағишлаган очеркига кўпгина халқ афсоналарини киритган, масалан, Синахериб ва Асархаддоннинг вазири доно Ахикар ҳақидаги, Осурия подшолигига асос солган Нин билан Семирамид ҳақидаги афсоналарни киритган. Бу барча афсоналар шарқ ривоятлари билан анча кейин вужудга келган грек пакларининг хилма-хил аралашмаси бўлиб кетган. Аммо Ктесий баъзи ҳолларда ишончлироқ манбалардан, жумладан подшолар пергаментларидан фойдаланган бўлиши мумкин. Ктесий Эрон шоҳи Артаксеркснинг сарой табиби бўлган, шу туфайли у Сузадаги шоҳ архивларига кириб, бу пергаментларни ўрганиш имкониятига эга бўлган. Ктесий асари бизнинг замонгача сақланмаган. Унинг асаридан олинган айрим парчалар Диодор асарида сақланиб қолган.

Эрамиздан аввалги I асрда яшаган Диодор «Тарих кутубхонаси» деган асарида ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг турли асарларидан, хусусан Геродот билан Ктесий асарларидан кенг фойдаланган. Диодор осур подшолигининг асосчилари Нин ва Семирамиднинг афсонавий хаёт ва фаолиятларини айниқса муфассал тасвирлаган. Диодор асаридаги Бобил тасвири, жумладан Бобилни қазиш вақтида топилган Бобил саройларининг деворларидаги нафис суратларнинг тасвири бирмунча қизиқарлидир. Ниҳоят, Халдея астрологияси ва астрономиясининг Диодор асарида сақланиб қолган тасвири ҳам диққатга сазовордир.

Эрамиздан аввалги I асрнинг охири ва эрамизнинг I асри бошларида яшаган Страбоннинг «География»сида қадимги

Месопотамиянинг тарихи ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Страбон ўз асарида Месопотамиянинг табиий шароитини тасвирлаган ҳамда Дажла ва Фротнинг вақт-вақти билан бўлиб турадиган тошқинига ва сунъий суғориш тармоқлари ташкил қилишнинг зарурлигига эътибор берган. Страбоннинг кўпгина кузатишлари анчагина қизиқарли бўлса-да, лекин унинг тасвирларида жуда муболаға қилиб юборилган жойлар ҳам бор. Масалан, Страбон Месопотамия ерларининг унумдорлигини ва хурмо дарахтининг хўжаликда кенг ишлатилишини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатган. Страбон бобилликларнинг урф-одат ва кийим-кечакларини, уйланишдаги расм-одатлар ва кўмиш маросимларини батафсил тасвирлаган. Страбон ўзининг бу ҳикояларида кўп нарсаларни тасвирлашда Геродотга эргашган. Страбон асарида Бобил ва ундаги Халдея астрономлари обсерваториясининг ажойиб таърифи, шунингдек Нин ва Семирамида ҳақида антик давр тарихшунослигида кенг ўрин олган афсоналар каби тарихий афсоналар сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам бу афсоналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши ва кейинги вақтларгача сақланиб келганлиги ажаблаиарли эмас. Ўрта аср тарихчилари бу афсоналарни, антик замон тарихчилари ёзиб қолдирган оз-моз маълумотлар билан бирга, янги давр бошларида қадимги Шарқ оламининг аллақачонлар унутилган халқлари маданиятига қайтадан қизиқиш уйготган олимларга мерос қилиб ўтказганлар.


Олд Осиёнинг қадимги халқлари тўғрисида ёзган антик тарихчилар орасида эрамиздан аввалги IV—III асрларда яшаган бобиллик Берос алоҳида ўрин тутади. У Бобилдаги Мардук ибодатхонасининг коҳини бўлгани сабабли, ибодатхона архивларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган, бу ҳол эса унинг ишини енгиллаштирган. Александр Македонский ва дастлабки Салавкаларнинг замондоши Берос грек маданиятига дахлдор бўлган, Бобил тарихи ҳамда маданиятини у ўша замоннинг билимдон кишиси нуқтаи назаридан таърифлаб бера олган. Шунинг учун Берос грек тилида Бобил тарихи ва мифологияси очеркидан иборат катта тарихий асар ярата олган. Бероснинг асари уч китобдан иборат. «Донишмандлик» деб аталган биринчи китобда Бобил мифлари баён этилган. Иккинчи китобда афсоналардаги дунё тўфони давридан тортиб то шоҳ Пулнинг (яъни осур подшоси Тиглатпаласар III нинг) подшолик қилиш давригача бўлган Месопотамия тарихи баён қилинган. Учинчи китобда Месопотамия тарихининг Александр Македонский ўлимигача булган даври тасвирланган. Афсуски, Бероснинг асари тўла сақланиб қолмаган. Берос асарининг Иосиф Флавий ва бошқа ёзувчилар-

нинг асарларида келтирилган парчалари ва цитаталаригина бизнинг замонгача стиб келган. Бу парчалар ибтидоий замонлар, тўфон даври, патриархлар, Синахериб ва Навуходоносор хақидаги киссалардан иборат.

Археологик текширишлар тарихи

Олимлар Месопотамия территориясида топилган қадимги ёзувлар ва археологик ёдгорликларни илмий жиҳатдан текширишга имконига эга бўлганларидан кейингина Месопотамияда яшаган қадимги халклар тарихи ва маданиятини чинакам ўрганиш бошланди. Дастлабки қазишларни XIX асрнинг ўрталарида Ботта бошлаган. У Хорсободда осур подшоси Саргон саройининг харобаларини топишга муваффақ бўлган. 1845—1851 йилларда Лэйярд ўтказган қазишлар айниқса муваффақиятли чиққан. У Осурия пойтахтлари — Калах билан Ниневия харобаларини очган. Лэйярд Калах харобаларини ковлаб, Осурия подшоларининг эрамиздан ав. IX—VII асрларда қурилган бешта саройининг қолдиқларини топган. Лэйярд бу ерда ажойиб ҳайкалларни, жумладан подшо саройининг посбонлари бўлган қанотли баҳайбат ҳукизларнинг тасвирларини топган. Бу саройларнинг деворларидаги барельефларда уруш ва ов қилиш, қалъаларни қамал қилиш, асирлар ҳайдаб келиш ва сарой ҳаётига оид манзаралар сақланиб қолган. Лэйярд Ниневия харобаларидан кўпдан-кўп заллари, хоналари ва коридорлари бўлган катта саройнинг қолдикларини топган. Осур санъатининг бир қанча асарларидан ташқари, Лэйярд моддий маданиятга оид турли-туман буюмлар (қурол-яроғлар, идиш-осқлар, зеб-зийнат ва уй-рўзгор буюмлари) ҳам топган. Осурия саройларининг харобаларидан Лэйярд топган ёзувлар алоҳида тарихий қимматга эга. У бошлаган ишларни Рассам билан Смит давом эттирган; буларнинг қазиб топганлари Осурия тарихи ва маданиятини ўрганиш учун жуда катта материал берган.

Жанубий Месопотамияда ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида катта қазишлар ўтказилган. Археологлар бу ерда эрамиздан аввалги IV минг йиллик охирларидаги энг қадимги Шумер шаҳарларининг харобаларини топган. Де-Сарзек ва Хезэ ҳозирги Телло ўрнида қадимги Шумер шаҳари Лагаш (Ширпурла)нинг қолдикларини топишган, улар Лагаш харобаларидан Шумер санъатининг кўпдан-кўп асарларини ҳамда шумерийлар миххати билан ёзилган бир қанча совол лавҳалар, жумладан хўжалик ишларига оид кимматли ҳужжатлар топганлар. Бу ҳужжатларнинг баъзилари Москва ва Ленинград музейларида сақланмокда. Қадимги Шумернинг асосий диний маркази бўлган Ниппур шаҳридан бинолар, жумладан ибо-



Нипурдаги Бела ибодатхонаси харобаларининг қазиб очилгандан кейинги кўриниши.

датхоналар ва ибодатхона миноралари (зиккурат)нинг кўплаб қолдиқлари топилган.

XIX асрнинг энг охирида немис олими Кольдевейнинг Бобилда ўтказган қазишлари янги Бобил подшолигини ўрганиш учун жуда қимматли материал берган. Бу қазишлар натижасида қадимги Шарқ дунёсининг энг катта шаҳри бўлган қадимги Бобилнинг топографиясини тиклаш имконияти тугилган. Кольдевей Бобил подшоси Навуходоносорнинг машҳур «осма боглари» бўлган бир қанча сарой харобаларини топган; бу «осма боглар»нинг таърифи грек тарихчиларининг асарларида сақланиб қолган. Бобилда ибодатхоналарнинг харобалари, каналларнинг қолдиқлари, «Маъбуда Иштар дарвозаси» *нинг бир қисми ва дарвоза орқали ўтган шоҳ йўли топилган.* «Маъбуда Иштар дарвозаси» сирланган (кошинкор) ғиштлардан ранг-баранг зийнатлар берилиб қурилган. Бобил харобаларида қимматли тарихий ҳужжатлар, жумладан Эрон шоҳи Кайхисров манифестининг тексти топилган; бу манифестда Эрон қушинларининг Бобилни олиши ёзилган.


Месопотамиядаги энг катта ва систематик қазишлар XX асрнинг дастлабки ўн йилларида олиб борилган, бу қазишлар

Месопотамиянинг турли жойларида ўтказилган. Шуруппакда, Урукда, Аль-Обеидда ва Жемдет-Насрда неолит даврида вужудга келган энг қадимги поселениелар топилган. Месопотамиянинг қуйидаги уч катта шаҳри территориясида, чунончи, Иккидарё оралиғининг жанубий қисмидаги Шумер мамлакатининг Ур шаҳрида, Месопотамиянинг ўрта қисмидаги Аккад мамлакатининг Эшнунна шаҳрида ва Фрот дарёси бўйидаги Мари шаҳрида айниқса катта қазишлар қилингаи (Мари катта шаҳар бўлган).

Ўрдан турли даврларга оид жуда кўп ёдгорликлар топилган. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларида ўтган подшо Маскалам-дугнинг ва малика Шубадиннг мақбараларидан қимматли ва ғоят нафис қилиб ишланган бир қанча заргарлик буюмлари, жумладан олтин, кумуш, ложувард билан безатилган ҳамда олтиндан ясалган ҳўкиз боши ўрнатилган ғоят гўзал арфа (чолгу асбоби), гўзал нақшлар солинган шашка тахтаси, эшкакли қайиқнинг кумуш модели, бир талай зеб-зийнат буюмлари, идишлар, қуроллар ва олтин, кумушдан ясалиб, хилма-хил безаклар берилган бир қанча бошқа нарсалар топилгаи. Сўнгра шаҳарнинг Римнин подшолик қилган замонга оид (эрамиздан аввалги XVIII аср) каттагина қисми синчиклаб ковланган ва бутунлай текшириб чиқилган. Бу ердан кўпдан-кўп уйларнинг қолдиқлари, бир неча кўча, тор кўчалар ва майдонлар топилган, буларга қараб қадимги Шумер шаҳрининг ҳаётини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Шаҳарнинг жануби-шарқий қисмидан асосан Римсин даврига оид миххат билаи ёзилгаи жуда кўп ҳужжатлар топилган.

Қадимги Аккад мамлакатидаги Эшнунна шаҳридан жуда қимматли ёдгорликлар топилган, бу шаҳарнинг харобаларидан қадимги ибодатхоналар ва икки аср (эрамиздан аввалги XX—XVIII асрлар) давомида қурилган ҳамда қатга қурилгаи ғоят катта ва муҳташам сарой қолдиқлари топилган.

Эшнунна харобаларидан, шуиингдек қадимги Аккаднинг ҳозирги Хафажа шаҳри ўрнидаги бошқа бир шаҳари харобаларидан топилган ёзувлар ва моддий маданият ёдгорликлари эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик бошларида энг қадимги Шумер маданияти аккаднинг симитлар яшаган марказларида кучли таъсир кўрсатгаи, деб айтишга имкон беради. Ниҳоят, бу шаҳарларнинг харобаларидан топилган санъат ва турмуш ёдгорликлари ўша вақтларда Месопотамияга бостириб келган аморит қабилалари билан Аккад, Элам ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада аниқроқ билишимизга имкон беради.



Урдан топилган қайиқнинг кумушдан ясалган модели ва шашка тахтаси.

Шуҳоят, 1933—1936 йилларда Мари давлати пойтахтининг харобалари очилди. Бу шаҳарнинг номи Бобил подшоси Хаммурапи замонидаги (эрамиздан аввалги XVIII аср) ёзувларда кўп тилга олинади. Бу шаҳарнинг харобаларидан катта ибодатхона, гоят катта сарой ва яхши сақланиб қолган мактаб қолдиқлари топилди. Топилган парсалар орасида энг муҳими қимматли хужжатларга бой бўлган архивдир.

Мари давлатининг хужалик ҳаётини акс эттирувчи бир қанча хужжатлар ва тарихий текстлар орасида ўша замонда

Олд Осиё давлатлари ўртасидаги халқаро муносабатларни ёрқин қилиб очиб берувчи дипломатик ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади. Миххат билан ёзилган баъзи лавҳалар Мари подшоси Зимрилим билан Бобил подшоси Хаммурапи ўртасида ҳарбий иттифоқ бўлганлигини аниқлашга имкон беради. Нихоят, бу ҳужжатлар Мари давлатининг шимолий Сурия ва ҳатто Крит ороли билан бўлган иқтисодий алоқалари ҳақида гапиришимизга имкон беради.

Моддий маданият едгорликлари

Бутун бир юз йил давомида Месопотамиянинг барча территориясида муттасил олиб борилган катта қазишлар натижасида жуда кўп моддий маданият ёдгорликлари топилди. Бу ёдгорликлар қадимги Месопотамияда хом ашёнинг қайси турлари кўпроқ тарқалганлигини, хом ашёнинг қандай хиллари қўшни мамлакатлардан келтирилганлиги ва келтирилганда ҳам қайси мамлакатлардан келтирилганлигини кўрсатиб беради. Шундай қилиб, тарихчи Месопотамия билан унга қўшни мамлакатлар ўртасида бўлган ўзаро савдо муносабатларини аниқлай олади. Сўнгра, моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш техниканинг тараққиёт даражасини аниқлашга ҳам имкон беради. Бу жиҳатдан гишт қуйиш, керамика, металлургия ва бинокорлик ишлари характерлидир. Керамикани ўрганиш шуни кўрсатадики, энг қадимги замонларда Месопотамиянинг жанубий қисмидаги аҳоли бинокорлик ишларида йирик-йирик ясалоқ ғиштлардан фойдаланган, бу гиштларнинг формаси эса асрлар давомида анчагина такомиллашиб борган. Сақланиб қолган сопол идишларга қараб кулолчиликнинг қай даражада ривожланганлигини айтиш мумкин. Металлургиянинг бўлганлиги техника тараққиётини аниқ кўрсатади. Энг қадимги замонларда Месопотамия аҳолиси фақат мисдан фойдаланган бўлса, кейинчалик бронза, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирларида эса темир мисни сиқиб чиқара бошлаган. Нихоят, Месопотамиянинг ўзига хос парсалар, чунончи: асфальт тайёрлаш ва бинолариинг сиртини безашда ишлатиладиган кошинкор гиштлар тайёрлаш ғоят диққатга сазовордир

Михсимон хатларнинг ўқиб чиқарилиши


Антик авторлар ёзиб қолдирган маълумотларга ва моддий маданият ёдгорликларига қараганда, ҳужжатлар, алоҳида миххат билан битилган ёзувлар анча катта илмий аҳамиятга эга. Миххат қадимги замонларда бутун Олд Осиёнинг асосий ёзув системаси бўлган. Сарой ва ибодатхоналарнинг архивларидан жуда кўплаб топилган ва кўпинча сопол лавҳаларга битилган миххатларда қадимги Месопотамия халқларининг хўжалик, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид тур-

ли тумшоқ фактлар қайд этилган, шунинг учун бу хатлар Месопотамия халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганишга имкон беради.

XVII асрда италиялик савдогар ва сайёҳ Пьетро делла Валле михсимон хатларнинг иусха (копия)ларини биринчи марта Европага олиб келган, Пьетро делла Валле бу ёзувларни Эрон шохи Доронинг Персеполь саройи деворларидан кўчириб олган. Аммо Европа олимлари бу ёзувларни кўп вақтгача ўқий олмаганлар. XVIII аср охирида даниялик Карстен Нибур михсимон хатларни ўқиб чиқаришга биринчи марта ҳаракат қилган. Нибур михсимон хатларнинг маълум даражада аниқроқ чизиб берилган бир неча нусхасини босиб чиқарган ва уларни ўқиб чиқаришга киришган. Аммо Нибур бу вазифани уддалашга муваффақ бўла олмаган. Нибур михсимон хатлар уч хил ёзув системасида ёзилганлигини ва шу уч хил системадан энг соддаси 42 алфавит белгисидан иборат эканлигини аниқлай олган, холос.

Геттинген гимназиясининг ўқитувчиси Гротефенд (1775—1853 йиллар) миххатларни ўқиб чиқаришда катта муваффақиятларга эришган. Гротефенд ўзидан олдин ўтган олимларнинг, қийшиқ мих белги — ажратувчи белгини билдиради ва алфавитли Персеполь хатидаги бир гуруҳ белгилар эса подшонинг унвонини билдиради, деган фаразларига асосланиб, бу ёзувнинг ҳаммаси умуман икки Эрон шохининг унвонини билдиради деб тахмин қилган. Гротефенд бир талай оқилона мулоҳазалари туфайли, бу ёзувда Ахманийлар династиясидан бўлган икки Эрон шоҳининг: Доро ва Ксерксининг номларини, шунингдек Доронинг отаси Каштосиб (Гистасп)нинг номини ўқиб чиқаришга муваффақ бўлган. Шундай қилиб, Гротефенд қадимги форс миххатининг тўққизта алфавит белгисини тўғри топишга олган ва бу билан миххатларни ўқиб чиқариш ишига асос солган. Ўқиб чиқарилган хатнинг тўғрилиги кейинчалик уч тилли ёзувни текширишда тасдиқланган, бу тўрт тилда ёзилган ёзувда Ксерксининг номи миххат билан ва унинг ёнгинасида миср иероглифлари билан ёзилган. Бу иероглифларда Ксерксининг номи миххатга жуда яқин бўлган шаклда (Кшаярша) граискрипциясида берилган. Гротефендинг кашфиётини олимлар тезда тан олган эмас, лекин шундай бўлса ҳам, унинг ишини Лассен ва Бюрнуф деган олимлар давом эттирган, қадимги форс алфавитининг қолган белгиларини ҳам аниқлаганлар. Бюрнуфнинг 1836 йилда босилиб чиккан асарида қадимги форс ёзувидаги 34 алфавит белгисининг тўғри ўқилиши берилган.

Инглиз сайёҳи Г. Роулинсон асарлари форс миххатларини ўқиб чиқаришнинг тўғрилигини текшириш ва кейинчалик ас-



Қўзғолончиларнинг бошлиқлари подшо Дорө I олдида.

Бехистун қоясидаги буртма расм ва ёзувлар

сириология (осуршуносдик) деб ном олган янги фанни янада ривожлантириш учун жуда қимматли материал берган. Роулинсон Эронда 1835 йилда михсимон хатлардан бир нечасининг нусхасини кўчириб олган. Булар орасида чиқиб бўлмайдиган баланд қояга ўйиб ёзилган машҳур Бехистун ёзуви хам бўлган. Гротефенднинг ўқиб чикарган ёзувидан хали бехабар бўлган Роулинсон бу ёзувларни синчиклаб текшириб, форс михсимон хатининг 18 алфавит белгисини тўғри аниқлаган. Роулинсон тўплаган бой материал михсимон хатларнинг қолган икки системасини ҳам аниқлашга киришишга имкон берган. Роулинсон ва Норрис янги элам ёзувлари учун хизмат қилган иккинчи системанинг 200 га яқин белгисини аниқлашга муваффақ бўлганлар. Бу иккинчи система силлаб ёзуви (бугинли ёзув) системаси бўлиб чиққан. Миххатнинг учинчи системасини Роулинсон, Хинкс ва Опперт ўқиб чиқаргаплар. Улар учинчи системада 200 дан ортиқ силлаб (бўғинли) белги борлигини ва бу билан бир қаторда ишлатиладиган бир қанча идеограммаларнинг борлигини аниклаганлар. Бу ёзувларни урганиш натижасида улар семитик тиллар гуруҳига

мансуб бўлган тилда ёзилганлиги маълум бўлган. Кейинчалик, Бобил миххатига яқин бўлган осур буюнли миххати система-си ва, ниҳоят, Жанубий Месопотамиянинг шумерийлар деб аталган энг қадимги аҳолисида пайдо бўлган михсимон хат-нинг энг қадимги типи ҳам ўқиб чиқарилган. Миххат аввало шумерийларда пайдо бўлган, кейин эса улардан бу хатни бо-бил-лар олиб, уни ўз навбатида осурийларга берган ва шулар орқали қадимги эронликларга ўтган бўлса керак.

Михсимон ёзувлар

Миххатларнинг ўқиб чиқарилиши натижа-сида олимлар қадимги Месопотамия тари-хи ҳақида жуда қимматли маноаларга эга бўлдилар. Михсимон ёзувлар Месопотамиядаги қадимги халқларнинг хўжалик ва ижтимоий тузумини, сиёсий тарихи ва маданиятини равшан қилиб ёритади.

Энг қадимги Месопотамиянинг экономикасини ўрганишда қадимги Шумердаги турли шаҳарларнинг архивларидан, Ла-гаш, Умма, Ур, Ларса ва бошқа шаҳарларнинг архивларидан топилган хўжалик ҳисоботларига оид ҳужжатлар ғоят катта аҳамиятга эга. Бу ҳужжатлар орасида «ишчи кучлари билан таъминлаш» ҳисоботларидан иборат кенг тўпламлар, қул сав-доси ҳақидаги шартномалар, ер участкалари сотиш тўғрисида-ги шартномалар, шунингдек, савдогарларнинг даромад ва харажатлари, савдо ишлари ва прейскуранталар (мол ва унинг нархи-наволари) ҳақидаги ҳисоботлар каби ҳисобот ҳужжат-лари кўпроқ диққатга сазовор. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси қадимги Шумернинг хўжалик тузумини муфассал ўрганишга, шунингдек, у ерда қулларни эксплуатация қилишдаги харак-терли хусусиятларни аниқлашга имкон беради. Эрамиздан аввалги XXIV асрда яшаган Лагаш ҳокими Урукагинанинг машҳур ёзувлари социал курашнинг ва социал реформалар ўтказиш йўлида қилинган ҳаракатнинг ёрқин манзарасини кўрсатиб беради. Подшолар томонидан инъом қилиб берил-ган ер ёрлиқларининг марза тошларда сақланиб қолган текст-лари (эрамиздан аввалги XIV—XII асрлар) жамоа тузуми-нинг қолдиқларини таърифлаш ва деҳқончилик формаларини ўрганиш учун бой материал беради. Бобил подшоси Хаммў-рапининг Ларсадаги амалдорлари билан олиб борган маъмурий ёзишмалари эрамиздан аввалги иккинчи минг йил-ликнинг биринчи ярмида Бобилдаги супъий суғориш ва маъ-мурий ядора қилиш усули (системаси)ни тасаввур қилишга имкон беради. Ерни ижарага олишнинг ўша даврдаги турли формаларини тасвирламоқ учун бизнинг қўлимизда кўпгина ижара шартномалари бор.

Шумер, Аккад ва Бобилнинг хўжалик ва ижтимоий тузу-мини ўрганишда, шунингдек ҳуқуқ ва суд ишларининг ривож-

ланишини ўрганишда қадимги Шумернинг эрамиздан аввалги XX—XVIII асрларга оид қонунларининг парчалари, Билалама подшолик қилган замонда Эшнуннада нашр этилган қонунлар тўплами ҳамда Хаммурапининг қадимги Бобилдаги ҳуқуқ ишларини ўрганишда жуда муҳим манба ҳисобланган ва деярли тўла-тўкис сақлапиб қолган кодекси (қонунлар тўплами) муҳим аҳамиятга эга. Бу даврдаги кўпгина шартномалар ва битимлар (контрактлар) кодекснинг айрим моддалари амалда қандай қўлланилганлигини кўрсатади ва кодексни маълум даражада тўлдиради.

Шумер, Аккад ва Бобил подшоларининг ғалабалик ва уруш давридаги фаолиятларига оид тарихий ёзувлар манбаларининг алоҳида гуруҳини ташкил қилади. Ибодатхоналар қуриш ва каналлар қазиш, зафарли юришлар ва сулҳ аҳномалари тузиш тасвир этилган ёзувлар катта аҳамиятга эга. Лагаш ҳукмдори Эанпатумиинг «Қалхатлар лавҳасида» («Стэла коршунов») сақлапиб қолган ва Умма устидан қозонилган ғалабани тасвирловчи ёзув шундай ёзувдир. Қадимги Шумердаги дипломатик муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган Энтемена ёзувлари ҳам шундай ёзувдир. Лагаш ҳукмдори Гудеаниинг Лагашда худо Нингирсга атаб қурган ибодатхонасини муфассал баён қилиб берувчи ёзувлар ҳам шундай ёзувдир. Ниҳоят, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг биринчи ярмида Олд Осиёнинг халқаро муносабатларини ва Бобил подшоси Хаммураниининг истилочилик сиёсатини тасвирлайдиган дипломатик ҳужжатлар (булар Маридаги архивлардан топилган) шундай ёзувдир. Бу ёзувларни тўлдиришда тарихий афсоналар ҳам бирмунча роль ўйнаган. Бу афсоналарнинг асосий сюжети гўе худолар ёрдами билан янги династияга асос солган машҳур подшога қилинган мадҳиядан иборат. Бу афсоналар орасида, боғбон тарбиялаб етиштирган ва маъбуда Иштар баланд мартабага кўтарган Аккад подшоси Саргон I ҳақидаги афсона алоҳида ўрин тутади.

Ҳужжатли манбалар кам бўлганлиги туфайли текширувчилар Месопотамиянинг қадимги шаҳарлари харобаларидан жуда кўплаб топилган адабий, диний-сеҳрий ва илмий текстлардан кенг фойдаланишга мажбур бўладилар. Тарихчи бу текстлардан кўпинча муҳим тарихий маълумотлар олиши мумкин. Масалан, фол очиш, каромат кўрсатиш ва турли пишоналар (оптика) тўғрисидаги сеҳрий текстларда сиёсий тарихнинг турли-туман воқеалари ҳақида кўрсатмалар сақланиб қолган. Қадимги паҳлавон Гилгамеш ҳақидаги машҳур эпосда Эламнинг Шумер билан қилган кураши тўғрисида узоқ ўтмишдан хотиралар бор. «Хужайин билан қул

диалоги» деган ажойиб сухбат эса Хаммурапи подшолик қилган даврда қадимги Бобилдаги синфий курашни ёркин тасвирлаб беради. Бу текстларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, Месопотамиядаги қадимги халқларнинг диний эътиқодлари, адабиёти ва илмий билимларининг тараққиёти ҳақида тўла тасаввур беради, ўша замондаги маданиятнинг тараққиёт даражасини очиқ-ойдин характерлайди. Ниҳоят, грамматик ёзувлар ва лугатлар бу халқларнинг тиллари ва ёзувини синчиклаб ўрганишга имкон беради.

Историография

Йирик археологик қазишлар ва михсимон ёзувларнинг ўқиб чиқарилиши олимларга қадимги Месопотамиянинг тарихи ва маданиятини ўргана бошлашга имкон берди. Текширувчилар дастлабки вақтларда асосан қадимги Осурияга эътибор берганликлари туфайли, бу янги тарих-филология фани ассириология (осуршунослик) деб ном олган эди. Фақат кейинчалик Бобил ёдгорликларини ва Шумер ёзувларини ўрганиш қадимги замон тарихидаги бу соҳанинг доирасини кенгайтирди, аммо бу соҳанинг осуршунослик деган аввалги номи традицияга кўра сақланиб қолган.

XIX асрнинг биринчи ярмигача қадимги Месопотамия тарихини ўрганишга ҳаракат қилиб кўрилган. Бу ишларнинг аҳамияти антик авторларнинг ёзиб қолдирган маълумотларини тўплаш ва улардан фойдаланишдан иборатдир. Археологик ёдгорликлар ва михсимон ёзувлардан фойдаланиш натижасида осуршунослик чинакам ҳужжатларга асосланган мустаҳкам заминга қўйилиб, фанда бутун бир катта ўзгариш ясалди. Аммо янги, ҳали етарли даражада ўрганилмаган материалларнинг кўплиги дастлабки текширувчиларнинг жуда ҳам кенг умумийлаштиришларига ва асоссиз фаразларига сабаб бўлган.

Баъзи бир осуршуносларнинг, Бобил жаҳон маданиятининг энг қадимги ўчоғи бўлиб, ер шаридаги маданий халқлар қўшнилигининг тараққиётига таъсир кўрсатган аҳамиятини оширib юборишлари катта мунозарага сабаб бўлган. XIX асрнинг охиридаёқ Шрадер билан Гункель қадимги Бобил билан, қадимги Исроил маданиятлари ўртасида бир қанча ўхшашликлар борлигини жуда тўғри кўрсатиб берганлар. Ф. Делич билан Г. Винклер бу таққослашни давом эттириб, панбобилчилик назариясини илгари сурганлар. Бу назарияга мувофиқ мифология, дин, сеҳр соҳаларидаги энг қадимги тушунчалар, адабиётдаги образ ва сюжетлар, шунингдек фан соҳасидаги дастлабки ютуқлар қадимги Бобилдан келиб чиққан. Шундай қилиб, Бобил инсониятнинг энг қадимги ва асосий бешиги деб эълон қилинган. Олд Осиёда энг кейинги вақтларда яшаган халқларнинг маданий тараққиётига Бобилнинг катта таъсир

кўрсатганлиги ҳақида асосан тўғри айтилган фикр ҳаддан ташқари оширib юборилган; шу билан бирга, ер шаридаги турли-туман халқларнинг ҳар хил типдаги идеологиялари ва дунёқарашларининг ҳар хил формалари аслида қадимги Бобил мифологияси ва астрал эътиқодларининг ўзи бўлиб, фақат сўнгги вақтларда ўзгарган деб талқин қилинган. Панбобилчилик назарияси тарафдорларининг фикрича, дунёнинг яратилиши ҳақидаги, туфон тўғрисидаги, аввалги одамларнинг гуноҳ қилганликлари ҳақидаги, қадимги замонларда кенг ёйилган афсоналар, дўзах ва жаннат ҳақидаги афсонавий тушунчалар, ахлоқнинг дастлабки элементлари, гуноҳ тўғрисидаги тушунчалар, худоинг бирлиги ҳақидаги идея дастлаб Бобилда пайдо бўлган ва сўнгра Бобилдаи бошқа барча халқлар ўртасида ёйилгаи эмиш.

Панбобилчиларининг Бобилни ҳаддан ташқари кўкларга кўтариб мақташлари ҳатто кўпгина буржуа мутахассислари, жумладан Эд. Мейер ва Куглер томонидан жуда асосли равишда танқид қилинган. Мисрда, Суриядa, Ҳиндистон ва Хитойда ўтказилган қазишлар турли мамлакатларда яшаган кўп халқлар ўз маданиятларини тамоман мустақил равишда ўзлари вужудга келтиргапликларини ва ривожлантиргапликларини кўрсатиб берди. Лекин бу факт қадимги замондаги турли халқлар маданиятини бир-бирига яқинлашгирishга имкон бергаи баъзи бир ўхшашлик хусусиятлари бўлганлигини истисно қилмайди; бу эса шуни кўрсатадики, ўша халқлар ягона йўл билан тараққий қилган, шунинг ёки баъзан улар бир-бирларига таъсир кўрсатганлар. Албатта, Бобил маданиятининг элементлари Олд Осиёда яшаган қадимги халқлар орасида тарқалганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Манбаларининг чуқур текширилиши осуриялиқшуносликни янада ривожлантиришга кўп даражада ёрдам берди. Бунга эса миххатларнинг текстларини босиб чиқариш ва луғатлар, бобилликлар ва осурияликларнинг тил ва ёзувларини диққат билан ўрганиш ёрдам берди. Махсус грамматика, луғат ва справочниклар босиб чиқарилди. Бу ишлар тарих ва маданиятнинг турли масалаларини, қисман санъат, адабиёт, дин ва фанни чуқурроқ ўрганишга имкон туғдирди. Гор доирадаги махсус асарларда ҳам, катта тўпламларда ҳам шумер халқининг келиб чиқиши ҳақидаги, Шумер билан бобил-семит маданиятларининг ўзаро муносабатлари ҳақидаги ва, ниҳоят, қадимги Бобилдаги ижтимоий муносабатлар ҳақидаги масалалар хусусан кўпроқ мухокама қилинди. Инглиз археолог Франкфорт Иккидарё оралиғининг азалги аҳолиси — Шумер халқи ва Месопотамия маданиятини энг қадимги замонда

бунёдга келтирган халқ ҳам шумер халқидир, деб тасдиқлаш мумкин, дейди. Лекин энг қадимги археологик ёдгорликлар билан ундан кейинроқ даврга оид бўлган ёдгорликлар ўртасидаги баъзи тафовутлар, шунингдек Шумер тилининг фақатгина унинг хос хусусиятлари текширувчиларни Месопотамияда шумерлилардан ҳам олдин бошқа бир аҳоли бўлганлиги ҳақидаги масалани қўйишга мажбур этди. Инглиз археологи Гордон Чайльд Иккидарё оралиғидаги энг азалги аҳолини эҳтиётлик билан протошумерийлар деб атайди ва бу протошумерийлар Месопотамияда дастлабки сунъий суғориш элементларини ташкил қилиб, бу ерда серхосил ерлар вужудга келтирганлар, деб кўрсатади. Аммо Чайльднинг фикрича, Шумер маданиятини вужудга келтирувчилар тарих тонгида Месопотамияга бостириб кирган шумерийлардир. Шумерийларнинг ўзлари қаердан келиб чиққан, деган саволга ҳозирги замон текширувчилари ҳар хил жавоб берадилар. Айрим текширувчилар, масалан, Чайльд, уларни Шарқдан, эҳтимолки, Эламдан келган бўлсалар керак, деб тахмин қилади. Бошқалар (Б. Грозний) эса уларнинг асли ватани шимолий мамлакатлар бўлган, дейди.

Қадимги Шумер шаҳарларидаги қазишларнинг натижалари шумерийлар ва Аккад семитлари маданиятлари ўртасидаги ўзаро таъсирини ўрганиш проблемасини илгари суришга имкон берди. Шумернинг тарихи ва маданиятини ўрганган бир қанча текширувчилар Бобил маданиятининг негизи ва манбаи Шумердир, деган фикрга келдилар. Бу фикрни инглиз олими Кинг баён қилди ва муфассал суратда асослаб берди. Француз семитологи (семитшуноси) Галеви, Бобил маданияти шумерийлардан келиб чиққан, деб тасдиқловчи назарияга кескин суратда қарши чиқди. Галеви бу баҳсда жуда қизишиб кетиб, Шумер халқи, тили ва маданиятининг бўлганлигини ҳам ҳеч бир асоссиз равишда инкор қилди. Шумерийлар тили эса Бобил коҳинлари томонидан сунъий суратда ўйлаб чиқарилган «махфий» тилдир, деди. Бу мунозарада Э. Мейер ўртача йўл тутди. Мейер, Шумер халқининг бўлганлигини ва уларнинг маданияти семитларга катта таъсир кўрсатганлигини айтиб, семитлар ҳар ҳолда Шумер маданиятининг ютуқларига кўр-кўрона тақлид қилаверган эмаслар, балки улар бу соҳада кўп нарсаларни мустақил равишда ўзлари яратганлар ва Шумернинг маданий меросига кўп янгиликлар қўшганлар, деб кўрсатди.

Историографияда қадимги Бобилдаги ижтимоий муносабатлар ҳақидаги ва давлат ҳокимиятининг типи ҳақидаги масалаларга бирмунча эътибор қилинди. Буржуа тарихчилари қадимги Шарқ жамиятини идеаллаштириб ва тарихий ри-

вожланиш процессини потўғри талқин қилиб, қадимги Бобилнинг хўжалик ва ижтимоий тузумидан, шунингдек, давлат тузумидан анча кейинги даврларга хос ҳодисаларни топишга уриндилар. Масалан, тарихни ҳаддан ташқари замонбоп қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган француз олими Кюк қадимги Месопотамияда анчагина пул хўжалиги, бозорлар борлигини ва ташқи савдонинг гоят даражада тараққий қилганлигини айтиб, Бобилнинг хўжалик соҳасидаги ривожини жуда ҳам оширib юборган эди. Контено ҳам ўз асарларида Бобил деспотиясининг ижобий аҳамиятини ана шундан ошириб юборган эди. Тюро-Данжен, Бобил ижарачиларини Рим колонлари билан тенглаштириш мумкин, деб топди. Волков қадимги Бобилда ленлик муносабатларини топишга уринди.

Фашист «тарихчилар»и гитлерчилар Германиясининг ҳарбий босқинчилик сиёсатини тарихий жиҳатдан асослашга интилиб, қадимги Месопотамиянинг қулдорлик тузуми ва деспотик давлатини жуда ҳам идеаллаштириб тасвирладилар. Масалан, ўз брошюра ва китобларида гирт фашистлар идеологиясини ифодалаган немис «тарихчиси» Тегер қадимги Шарқ давлатининг баъзи бир ижобий томонларини ҳаддан ошириб мақтайди. Тегер бу деспотизмда, замонга ташқари ва абадийлашган ҳодиса бор, деб билади. Тегер тарихий фактларни бузиб ва уларни ўгакетган даражада сохталаштириб, энг қадимги Шумер подшоларининг қонхўрлик ва даҳшатли босқинчилик урушларини «адолатли» уруш деб тасвирлайди. Бобил подшоси Хаммурапининг эрамиздан олдинги XVIII аср охирларида ўрнатган давлат тузумини Тегер, халққа яхшилик келтирган давлат тузуми, деб тасвирлайди. Деспотнинг чекланмаган ҳокимиятини Тегер, интизом қилишнинг энг яхши усули, деб ҳисоблайди. Фашист «тарихчи»ларининг қадимги Месопотамиядаги қулдорлик тузумини ана шу хилда абадий идеал қилиб кўрсатишга уринишлари ҳеч қандай илмий аҳамиятга эга эмас, чунки бу уринишлар тарихий фактларни қасддан бузишга асослангандир.

Ҳозирги замон Америка буржуа тарихчилари тарих соҳасидаги текширишларини гирт реакцион идеологияга бўйсундириб, Америка Қўшма Штатларини ўтмишдаги, шу жумладан қадимги Шарқ дунёсидаги «буюк цивилизацияларнинг вориси» қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Шу билан бирга, улар Америка Қўшма Штатларининг империалистик экспансияси учун Яқин Шарқнинг қандай сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Шу сабабдан улар қадимги Шарқ тарихи ва маданиятини айниқса зўр бериб сохталаштирмоқдалар.

Рус олимлари осуршуносликка катта ва қимматли ҳисса қўшдилар. Рус олимлари ичида биринчи марта қадимги Месопотамия тарихини ўрганишга киришган академик В. В. Никольский текширди. Унинг Месопотамия тарихига оид бир қанча асарлари ҳозирги вақтгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келади. Россия территориясида топилган моддий ёдгорликлар ва михсимон хатларнинг тарихий қимматини жуда яхши тушуниган М. В. Никольский А. А. Иванов билан биргаликда 1893 йилдаёқ Арманистонда Ван маданияти ёдгорликларини, асосан ёзувларини тўплаш ва ўрганиш юзасидан катта иш қилди. Қадимги Урарту мамлакати территориясида топилган Ван ёзувлари тўпламини босиб чиқара бошлашга имкон берган бу экспедициянинг натижалари «Кавказ археологиясига оид материаллар» деган асарда (V қисм)[1] нашр этилган. М. В. Никольский ўзининг бошқа асарларини Урарту тарихи ва маданиятини ўрганишга бағишлагани ва Урарту тарихини биринчи бўлиб бутун дунё тарихи доирасига киритган. Шу билан бирга, М. В. Никольский бобил-осурия ёдгорликларидан рус тўпламларига кирганларини ўрганиш ва тасвирлаш устида куп ишлаган. М. В. Никольский асарлари орасида унинг «Н. П. Лихачёв тўпламига киритилган қадимги Халдеянинг хўжалик ҳисоботларига доир ҳужжатлар»[2] деган сарлавҳа остида босилиб чиққан ажойиб асари айниқса катта кимматга эга. М. В. Никольский бу катта асарида Лихачёв тўпламидан олинган бир қанча энг қимматли ҳужжатларни жуда яхши нашр қилган, таржима қилган ва уларга изоҳлар берган. Лихачёв тўпламидан олинган бу энг қимматли ҳужжатлар қадимги Шумер ва Аккадда яшаган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тузумини равшан қилиб ёритиб берган. Осуршуносликнинг ўша вақтлаги юксак муваффақиятлари даражасида турган, жуда синчиклаб ишланган автографик транскрипция ва ёзувларнинг таржимаси, бу бой материални умумийлаштириш йўлидаги биринчи уринишдан иборат бўлган кириш мақоласи бу асарни том маъноси билан классик асарга айлантирган.

Рус осуршуносларининг кейинги авлоди орасида академик Б. А. Тураев мактабидан чиққан И. М. Волковни, шунингдек профессор В. К. Шилейкони кўрсатиб ўтиш керак. И. М. Волков Мисрнинг Элефантин оролидаги яҳудий колонияси-дагы арамейларнинг (эрамиздан аввалги V аср) ҳужжатларини ва Бобил подшоси Хаммурапининг машҳур конунларини таржима қилган. Профессор В. К. Шилейко осуршуносликка катта ҳисса қўшди. В. К. Шилейко, М. В. Никольский

[1] Москва археология жамияти нашрияти, 1896.
[2] «Древности восточные», т. III, вып. 2,5, 1908. 1915.

нинг ишини давом эттириб, рус тўпламларида сақланиб қолган михсимон хатларнинг турли текстлари ва таржималарини нашр қилган. В. К. Шилейко 1915 йилда «Шумер ҳокимларининг сасҳат таассуротлари» деган китобини бостириб чиқарди, бу китобда Лихачёв тўпламидан олинган михсимон хатлар текстларининг босилиши ва таржимаси ҳамда муфассал равишда ёзилган кириш мақоласи эур кимматга эга. В. К. Шилейко астрология, астрономия, адабиёт ва динга оид бир қанча текстларни нашр этди ва таржима қилди. В. К. Шилейко бу билан рус китобхонларини биринчи марта Бобил адабиётининг машҳур асарлари билан таништирди.

Совет олимлари қадимги Месопотамия тарихини ўрганишга анча катта ҳисса қўшдилар. Марксистик диалектик метод билан қуролланган совет тарихчилари қадимги Месопотамияда синфий эксплуатациянинг асосий формаси қулдорлик бўлганлигини аниқлаш йўлида кўп иш қилдилар. Қадимги Месопотамиядаги ижтимоий муносабатлар проблемасини ўрганишда академик В. В. Струвенинг асарлари катта аҳамиятга эга бўлди. В. В. Струве манбаларни ўрганиш натижасида эрамиздан аввалги III минг йилликда қадимги Месопотамияда қулдорлик муносабатлари бўлганлигини аниқлади. В. В. Струве Урнинг III династияси даврига оид бўлган ва Ур подшоларининг катта-катта хўжаликларида бевосита ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг ташкил этилиши ва эксплуатация қилинишини таъминловчи хўжалик хисоботларига доир хужжатларни аниқса муфассал суратда ўрганиб чиқди. Академик М. В. Никольский Месопотамиядаги қадимги давлатларнинг экономикасида жамоаларнинг роли ва жамоачилар меҳнатининг аҳамиятини, шунингдек қадимги Шарқ қулчилигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган махсус асарлар ёзди.

Шу билан бирга, совет олимлари совет музейларида сақланаётган михсимон хат текстларини нашр этиш ва ўрганиш ишларини давом эттирдилар. А. П. Рифгин I Бобил династияси даврига оид хужжатларнинг тексти ва таржимасини нашр қилди, бу хужжатлар қадимги Бобил замонасининг ҳуқуқ ва экономикасини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Қадимги Месопотамия халқларининг маданиятини ўрганишга ҳам катта аҳамият берилди. В. В. Струве «Хўжайиннинг қул билан суҳбати» деган Бобил хужжатини таржима қилди ва унга изоҳлар берди. П. Д. Флиттнер бир қанча асарларида Месопотамия халқларининг санъати, моддий маданияти ва динини, жумладан деҳқончилик эътиқодларини махсус ўрганди.

Хронология

Қадимги Месопотамияда муайян бир эранинг, яъни ўша замонларда йил ҳисобининг бошланишини белгилайдиган маълум бир сананинг бўлмаганлиги хронологияни ўрганишда катта қийинчиликлар тугдиради. Ўша даврда йилларни машхур воқеаларнинг номи билан атаганлар ва йилларни шу воқеадан бошлаб бирмунча вақтгача санаб борганлар. Масалан, Эшнуннада топилган ёзувларда мужмал қилиб: «Боббар ва Ка-Ибаум қурилган йил» ёки «Амурру бўйсундирилган йил» деб сана кўрсатилган.

Ҳужжатларда турли воқеаларнинг бир вақтда бўлганлигини ёки ҳар хил сиёсий арбобларнинг бир вақтда яшаганлигини аниқлашга имкон берадиган кўрсатмалар хронологияни белгилашга бир қадар ёрдам беради. Масалан, Эшнунна ва Марида топилган ҳужжатлар Эшнунна подшоси Ибалпел, Мари подшоси Зимрилим, Бобил подшоси Хаммурапи, Ларса подшоси Римсин ва Осурия подшоси Шамшиадад I замондош бўлганликларини аниқлашга имкон беради.

Аль-Амарна архивидаги дипломатик ҳужжатлар Миср фиръавни Эхнатон Митаннй подшоси Тушратта билан, Хетт подшоси Шупилулиума билан, Бобил подшоси Бурнабуриаш ва Осурия подшоси Ашшурубаллит билан замондош бўлганлигини аниқлашга имкон беради. Миср фиръавни Рамзес II нинг Хетт подшоси Хаттушил III билан тузган шартномаси ҳам апа шундай аҳамиятга эга. Эхнатон билан Рамзес II подшолик қилган вақтларини билгандан кейин, қадимги Месопотамия тарихига доир йилларни аниқлаш мумкин.

Хронологияни белгилаш учун аниқроқ маълумотларни осур ёзувларидан топса булади. Биз бу ёзувлардан Осурия подшоси Тукулти-Нинурта I Синахерибдан 600 йил илгари подшолик қилганлигини ва Осурия подшоси Ашшурбанипал эрамиздан аввалги 650 йилда Эламни узига бўйсундириб, бу ерда маъбуда Нананинг ҳайкалини тонганлигини, бу ҳайкални эса 1635 йил илгари Элам подшоси Кудурнахунди Осуриядан олиб кетганлигини биламиз.


Аммо астрономик ходисалар тўгрисида ганирилган текстларда воқеаларнинг бўлган вақтларини белгилаш учун ҳаммадан кўра аниқроқ маълумотлар бор. Бу астрономик ходисаларнинг санасини математика воситаси билан жуда аник белгилаш мумкин. Эллин даврининг астрономлари Бобилдаги астрономик текстлардан фойдаланиб, Бобил подшоси Набонасарнинг эрамиздан аввалги 747 йилдан бошлаб подшолик қилганлигини аниқлаганлар. Яна, шу нарса айниқса катта аҳамиятга эгаки, йиллар осур эпонимлар (амалдорлари)нинг номи билан аталган руйхатда эрамиздан аввалги

763 йил 15 июнда бўлиб ўтган қуёш тутилиши тилга олинади. Бу факт шу рўйхатдаги эпонимлардан ҳар бирининг йилини қўйиб чиқишга ва рўйхатда номи биринчи бўлиб турган амалдорнинг эрамиздан аввалги 911 йилда ҳукмронлик қилганини аниқлашга имкон беради. Шундай қилиб, осур хронологияси эрамиздан аввалги 911 йилдан бошлаб бутунлай аниқ қилиб белгиланиши мумкин.

Иккидарё оралиғидаги барча мамлакатларнинг хронологиясини аниқламоқ учун айрим йилларни ва турли воқеаларнинг бир вақтда бўлганлигини белгилашдан ташқари, яна ҳар бир давлатда қайси подшодан кейин қайси подшо ҳукмронлик қилганлигини ва улардан ҳар бирининг неча йилдан подшолик қилганлигини ҳам мумкин қадар аниқроқ белгилаш керак бўлади. Бунда подшоларнинг ёзувлари ва бирорта подшонинг ҳукм сурган даврини кўрсатадиган алоқа ҳужжатлари, подшо ва амалдорларнинг рўйхатлари, шунингдек антик авторларнинг ёзиб қолдирган асарларидан олинган маълумотлар, ниҳоят, Берос асарларидан олинган парчалар бирмунча ёрдам беради. Лекин шу парсани эсдан чиқармаслик керакки, бу хронологияда кўрсатилган йилларнинг кўпчилиги ва айниқса энг қадимги даврга оид бўлган йиллар ҳали тахминийдир.



Осурия цилиндрик муҳридан туширилган пуска



Подшо Шаркалишарри замонидаги муҳрдан тушйрилган нусха.

II БОБ

МЕСОПОТАМИЯНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАРИ (ШУМЕР ВА АККАД)

Месопотамиянинг табиий шароити

Олд Осиёдаги мамлакатлар орасида деҳқончиликни кенг ривожлантириш учун энг қулай бўлган мамлакат Дажла билан Фрот дарёлари ўртасида жойлашган бўлиб, уни қадимги греклар Месопотамия (Иккидарё оралиғи) деб атаганлар. Бу мамлакат шимолда Арманистон тоғларидан бошланиб, жанубда то Форс қўлтигигача чўзилган. Бу мамлакат ғарбда Сурия-Месопотамия дашти билан, шарқда эса Ғарбий Эрон тоғ кряжлари билан чегараланган. Месопотамиянинг ўрта ва жанубий қисми текислик бўлиб, у вақт-вақти билан тошиб ерларни ўгитловчи ва сугорувчи Дажла ва Фрот дарёлари келтирган ётқизиқ (аллювий)лардан иборат. Дажла дарёси Ван кўлининг жанубидан, Арманистон тоғларидан бошланади. Фрот эса Арзирумнинг шарқида, денгиз юзидан 2 минг метр баландликдан бошланади. Дажла жуда тез оқар дарё. Дажла Фротдан 750 *км* калта, лекин Дажла Фротга нисбатан икки баравар ортиқ сув келтиради, узунлиги 2600 км га етадиган Фрот эса секин оқадиган дарёдир. Фрот киргоқлари Дажланинг қиргоқларига қараганда пастроқ. Шунинг учун Фрот суви тошганда Дажлага нисбатан анча катта территорияни сув босиб кетади ва тошқини узоқроққа чўзилади, яъни мартнинг ўрталаридан бошланиб сентябргача давом этади. Хар иккала дарёнинг ўзани беш минг йил ичида ўзгариб кетган. Сақланиб қолган ёзувлардан маълум бўлишича, Шумер ва Аккаднинг қадимги шаҳарлари, масалан, Сиппар,

Киш, Ниппур, Шурушак, Урук ва Ларса Фрот дарёси бўйида бўлган. Хозирги вақтда эса шу шаҳарларнинг вайроналари Фрот дарёси ўзанидан шарқ томондадир. Дажла ҳам ўзанини ўзгартган. Унинг оқими шимоли-шарқ томонга бурилиб борган. Шундай қилиб, бу иккала дарё илгари ҳозиргига қараганда бир-бирига яқинроқ бўлган. Суғориш мумкин бўлган текислик территорияси ҳам бир қадар кичик бўлган. Дажла билан Фрот мамлакатнинг асосий сугориш магистрали бўлиш билан бирга, бош транспорт магистрали ҳам бўлган. Бу иккала дарё Месопотамияни қўшни мамлакатлар билан, яъни қадимги Арманистон (Урарту), Эрон, Кичик Осиё, Сурия билан боғлаган.

Арманистон тоғларидаги қорлар эриши натижасида Дажла ва Фрот дарёларида вақт-вақти билан бўлиб турадиган тошқинлар сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришда маълум аҳамиятга эга бўлган. Иккидарё оралиғининг жанубидаги Шумер ва мамлакатнинг ўрта қисмини эгаллаган Аккад иқлим жиҳатидан бир-биридан бирмунча фарқ қилган. Шумерда бошқа жойларга қараганда киш юмшоқроқ бўлгани учун хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўса олган. Аккад эса, иқлим жиҳатидан қишда қор ёғадиган ва хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўсмайдиган Осурияга яқин.

Жанубий ва Ўрта Месопотамиянинг табиий бойликлари унча кўп эмас. Аллювиал тупроқдан бўлган бурсилдоқ ва ёпишқоқ лой ибтидоий кулолчилик учун ажойиб хом ашё бўлган. Қадимги Месопотамия аҳолиси лойни асфальт билан аралаштириб, жуда қаттиқ материал ясаган, бу материал Иккидарё оралигининг жанубий қисмида камдам-кам учрайдиган тош ўрнида ишлатилган. Месопотамияда металл бўлмаслиги ҳам характерлидир, бу ҳол маҳаллий аҳолини шимолий ва шарқий металлургия районларига қарам қилиб қўйган.

Иккидарё оралиги ўсимликларга ҳам бой эмас. Бу мамлакатнинг энг қадимги аҳолиси донли ўсимликларни, яъни арпа ва бугдойни мамлакат иқлимига мослаштириб олган. Иккидарё оралигининг жанубий қисмида ёввойи ҳолда ўсадиган хурмо дарахти ва шакар қамиши мамлакатнинг хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Ёғ чиқариш учун ишлатиладиган сезам (кунжут), шунингдек ширин смола чиқадиган юлғум (тамариск) маҳаллий ўсимликлардан бўлса керак. Месопотамия аҳолисига ёввойи ва уй ҳайвонларининг турли зотлари маълум эканлигини энг қадимги ёзув ва суратлар кўрсатиб турибди. Шарқий тоғларда қўй (муфлон)лар ва эчкилар, жанубнинг ботқоқли чангалзорларида ёввойи

чўчқалар бўлган ва улар энг қадимги вақтлардаёқ қўлга ўргатилган. Дарёларда балиқ ва қуш кўп бўлган. Шумерда ҳам, Аккадда ҳам турли-туман уй қушлари мавжуд бўлган.

Жанубий ва Ўрта Месопотамиянинг табиий шароити чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун қулай бўлса ҳам, аммо хўжалик ҳаётини уюштириши ва узоқ вақт кўп меҳнат қилишни талаб қилган.

Архаик давр

Месопотамиянинг ўрта қисми территориясидаги энг қадимги поселениелар сунъий ирригация даврида вужудга келган. Месопотамиянинг жуда ҳам қадимги қабилалари ботқоқликлар ўртасидаги тепаликларда, оролларда яшаган. Улар тупроқдан уйиб поселениелар қурганлар. Улар атрофдаги ботқоқликларни қуритиб, сунъий суғоришнинг энг қадимги системасини вужудга келтиргаплар. Қишда топилган буюмларнинг кўрсатишича, улар микролитик қуроллардан фойдаланганлар. Бу қабилалар Олд Осиёнинг энг қадимги этник табақаларига мансуб бўлган бўлсалар керак.

Аммо Шумер-Аккад маданияти ва давлатининг ҳақиқий яратувчилари шумерийлар (улар Месопотамияга шарқий тог вилоятларидан келган бўлсалар керак), шунингдек, Сурия-Месопотамия даштларидаги қабилаларга қариндош бўлган Аккад семитлари бўлган. Месопотамия территориясида сўнгги йигирма йил ичида ўтказилган қазишлар бу қабилаларнинг энг қадимги, тарихдан бурунги маданий ҳаётлари қандай бўлганлигини билишга имкон беради.

Ўрта ва жанубий Месопотамия территориясида топилган архаик давр ёдгорликларини, энг типик ёдгорликлар чиққан жойларига қараб уч маданий даврга: Шумерда Ал-Обеид маданияти ва Урук маданияти ҳамда Аккадда Жемдет-Наср (Киш яқинида) маданиятига бўлиш расм бўлган. Бу биринкетин ўтган уч маданий давр эрамиздан аввалги IV минг йилликни тамомила деярли ўз ичига олади. Бу маданий даврлар жанубий ва ўрта Иккидарё оралиғида энг қадимги замоиларда ташкил топган давлатлардан бурун ўтган.

Жанубий Месопотамияда топилган энг илк поселение Ал-Обеид ёнидаги (Ур яқинидаги) дарё оролида бўлиб, бу орол ботқоқ текислик устида жойлашган. Бу ерда яшаган аҳоли овчилик ва балиқ овлаш билан шуғулланиб келган ва хўжалигини прогрессивроқ формаларига: чорвачилик ва деҳқончиликка аста-секин ўта бошлаган. Бу даврга келиб қўй, эчки ва чўчқалар қўлга ўргатилган ва Олд Осиёнинг энг қадимги дон ўсимлиги полба[1] иқлимга мослаштирилган. Деҳқонлар

[1] Полба — буғдойнинг бир нави

жуда содда қуроллардан: айрисимон тошдан ясалган мотигадан ва тиғи чақмоқ тошдан ясалган ўроқлардан фойдаланганлар. Керамика, ғўқув иши ва тошгарошлик бир қадар ўсган. Сариқ-қўқимтил туели лойдан ясалган кулолчилик идишларига турли-туман нақшлар солинган ҳамда ҳайвонлар, қушлар ва одамларнинг расмлари билан безатилган. Тошдан турли асбоб ва қуроллар: даста ўтказиладиган болта, мотига, пичоқ, ғарпи учлари ва ей ўқлари ясалган. Бу даврда дастлабки металл қуроллар, масалан, ясси болта вужудга келган. Металлургия ривожланиши билан мисдан қуроллар ясаш билан бирга бошқа буюмлар ҳам, чунончи, ойна ва тутгичлар ҳам ясала бошлаган. Техника соҳасидаги гоят катта ўзгариш, яъни тошдан металларга, кейин мисга ўтиш ана шундай юз берган. Ал-Обеиднинг энг қадимги ўтрок аҳолиси кичик-кичик кулбаларда яшаган, бу кулбаларнинг деворлари бордон билан тўсилиб, лой билан сувалган. Аммо бу вақтда қурилишларда аста-секин гишт ишлатила бошлаган. Масалан, кулбалар ичидан катта-катта яналоқ гиштлардан қурилган ўчоқлар топилган. Бу кулбалардан ғоч эшиклар ўрнатиш учун тошдан ясалган кесакилари ҳам топилган.

Жанубий Месопотамияда яшаган энг қадимги қабилаларда диний эътиқодларнинг шаклланиши ҳам ана шу қадимги даврга тўғри келади. Қўл-оёқлари ғужанак қилиниб чуқурларга кўмилган одамларнинг суяклари топилган, суякларни махсус идишга солиб, иккинчи марта кўмилганлиги маълум бўлган; булар — ўша замондаги одамларнинг нариги дунёга ишонганлигидан ва ўлганлар рухига сиғиниш одати жуда ҳам қадимги вақтларда пайдо бўлганлигидан дарак беради. Ўлган одам ёнига идишда овқат, маржон, чиғаноқ қўйиш, шунингдек хотинларнинг лойдан ясалган ҳайкалчаларини қўйиш одати бўлган (бу ҳайкалчаларда татуировка изи бор). Ал-Обеид маданияти узоқ замонлар яшаган. Бу маданиятнинг илдизлари Юқори Месопотамиянинг қадимги маҳаллий маданиятига бориб туташади. Аммо бу вақтда шумерийлар маданиятининг дастлабки элементлари ҳам пайдо бўла бошлаган.

Шумер архаикасининг бундан кейинги даври гоят мухим қазишлар ўтказилган жойнинг номи билан Урук даври деб аталади. Бу давр керамика сохасида янги турларнинг ривожланиши билан характерлидир. Лойдан қилинган, баланд дастали ва узун бурунли идишлар металлдан ясалган қадимги идишлардан олинган нусхалар бўлса керак. Бу идишлар кулол чархида ясалгандир; аммо бу идишлар нақши жихатидан Ал-Обеид даврида ранг баранг керамика буюмларига қараганда анча соддадир. Булар кўпинча тирнаб

ранги тул солинган оддий қизил ёки қора рангли керамика буюмларидир. Умуман олганда, Урук даври анчагина тараққий қилган давр бўлиб, унинг шу хусусияти, жумладан, энг қадимги монументал архитектуранинг вужудга келишида ифодаланади. Бу жиҳатдан ранг-баранг пақшлар билан безатилган, энг қадимги зиғпоясли ибодатхона минорасининг (зиккурат) қолдиқлари, ибодатхонанинг тошдан ясалган пойдевори ва катта-катта ғиштлардан ясалган уступлар, терма кошинли серҳашам қурилишлар диққатга сазовордир. Бу даврда хўжалик ҳаёти ва маданият янада ривожланган. Ҳужжатлар тузиш зарурияти тугилган. Шу муносабат билан ҳали жуда ҳам содда бўлган сурат (пиктографик) езув вужудга келган, бу ёзув излари ўша даврнинг цилиндрик муҳрларида сақланиб қолган. Бу ёзувларнинг ҳаммаси 1500 га яқин гасвирий белгилардан иборат бўлиб, булардан аста-секин қадимги Шумер ёзуви келиб чиққан.

Шумер-Аккад архаикасининг учинчи даври қазишлар вақтида ёдгорлик буюмлар кўпроқ топилган жойнинг номи билан, яъни Жемдет-Наср (Киш яқинида) номи билан юритилади. Бу ерда 1926 йилдан бошланган қазишлар натижасида маданиятнинг барча соҳаси бир қадар тараққий қилганлигидан дарак берувчи кўпгина ёдгорликлар топилди. Бу даврда Месопотамиянинг жанубий ва ўрта қисмидаги кенг ўлкалар областларни шарқий ва шимолий тоғли кабилалар томонидан колонизация қилиш асосан тугалланган. Деҳқончилик хўжалиги бу вақтда янада ривож топган. Аҳоли арпа билан бирга буғдой ҳам эка бошлаган. Хўкиз ва эшакни қўлга ўргатиш хўжалик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган. Меҳнат тақсимоти ва техниканинг ўсиши орқасида ҳунармандлик анчагина ўсган. Энди сопол идишларни кулол чархида ясай бошлаганлар, сопол идишларга даста қилиниш безак ва геометрик пақшлар солинган. Пакш ва бўёқларнинг турли-туманлиги, шунингдек шаклларнинг етуклиги керамиканинг анчагина ривожланганлигини кўрсатади. Металлургия ҳам янада ривожланган. Мис асбоб ва қуроллар сунк ва тошлардан ясалган асбоб ва қуролларни борган сари кўпроқ сиқиб чиқара бошлаган. Кишлоқ хўжалиги ва ҳунармандликнинг ривожланиши савлони вужудга келтирган (лекин савдонинг куртаклари илгари ҳам бир қадар бўлган). Энг қадимги савдо алоқалари Ўрта Месопотамия билан Шимолий Покистонда оралиги, Элам, Ғарбий Эрон ва Шимолий Сурия ўртасидаги алоқаларнинг мақкамланиб боришига сабаб бўлган. Бу мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам Жемдет-Наср предметлари типидаги предметларнинг топилиши шуни кўрсатади. Савдонинг пайдо бўлиши йўл-алоқа ишларининг

ривожланишига сабаб бўлган. Ғилдирак, жанг араваси ва юк араваларининг пайдо бўлиши, шунингдек учи баланд ва қуйруқ томони кўтарилган махсус қайиқлар ҳам шу даврда тарқала бошлаган. Моддий бойликнинг ўсиши ижтимоий табақаланишга олиб келган. Энг қадимги саройнинг катталиги 92×48 метр бўлган катта серҳашам бутун бир иморат харобалари бунинг бевосита далилидир. Кўмиш маросимлари ва бадиий тасвирлар деҳқончилик эътиқодларининг янада ривожланганлигини кўрсатади, булар орасида оша маъбуда эътиқоди кузга кўринарли ўрин тутади.

Месопотамиядаги энг қадимги поселениеларни қазишлар катта археологик материал берди, бу материал олимларга Иккидарё оралиғининг энг қадимги аҳолиси қандай қабилаларга мансуб бўлган ва, шунингдек, шумерийларнинг ҳамда Аккад семитларининг энг қадимги қабилалари қаердан ва қайси даврда Месопотамияга келган, деган бир қанча муҳим масалаларни қўйишга имкон берди. Олимлар бу проблемаларни ҳал қилиш учун турли-туман гипотезалар қилдилар. Аммо бу гипотезаларнинг биронтаси ҳам тўлатўкис исботланиши мумкин эмас, чунки энг қадимги археологик қатламлардан топилган ва бу масалаларни ёритиши мумкин бўлган архаик ёзувлар жуда ҳам кам. Ҳозирги вақтда, Аккад семитлари ва Жанубий Месопотамия шумерийлари ўзларининг ташқи қиёфалари жиҳатидан ҳам, тиллари жиҳатидан ҳам бир-бирларидан кескин фарқ қилганликларинигина бир қадар ишонч билан айтиш мумкин.

Ташқи қиёфа ва тил жиҳатидан Сурия-Месопотамия дашти, Сурия ва Арабистондаги семит қабилаларига яқин бўлган Аккад семитлари Иккидарё оралиғига ғарбдан келган бўлсалар керак. Шумерийлар Месопотамияга тоғли областлардан келганлар, деб тахмин қилишга ҳамма асослар бор. Тош блокларни эслатувчи катта-катта ғиштлар тайёрлашнинг энг қадимги усуллари, зинапояли ибодатхоналар — зиккуратлар қурилиши (бу қурилишлар сунъий тоғларнинг тақлиди бўлса керак), ниҳоят тоғли жойларда яшовчи худоларга ишониш шуни кўрсатади. Моддий маданият типи жиҳатидан Элам қабилаларига яқин бўлган шумерийлар Месопотамияга шарқдан келган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Шумерийлар Урук маданияти давридаёқ Қуйи Месопотамияда яшаган деб тахмин қилиш мумкин, аммо, шумерийлар маданиятининг айрим элементлари ундан ҳам қадимги давр бўлган Ал-Обеид давридаёқ пайдо бўлган.

Энг қадимги қулдорлик жамиятининг ташкил топиши (эр. ав. учинчи минг йиллик)

Қишлоқ хўжалигининг анчагина ривожланиши, металлургиянинг пайдо бўлиши ва айрибошлаш савдосининг ёйилиши ишлаб чиқарувчи кучларни ўстирган ва иш кучига бўлган эҳтиёжни орттирган. Бунинг натижасида қадимги уруғчилик жамоа тузуми емирилган ва бу тузум харобаларида энг қадимги қулдорлик давлатлари пайдо бўлган. Бу процессни эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаги Шумер ва Аккад шаҳарларининг харобаларидан топилган жуда кўп ҳужжатлар ва моддий маданият ёдгорликларидан кўришимиз мумкин.

Хўжаликнинг ибтидоий формалари, овчилик ва балиқчилик мамлакат экономикасида қолдиқлар тариқасидагина бир қадар аҳамиятини сақлаб қолган. Аммо табиий шароитга кўра, энг қадимги даврлардаёқ вужудга келган ва эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда янада ривожланган қишлоқ хўжалиги етакчи ва прогрессив роль ўйнаган. Қуйи Месопотамиянинг барча жойларида ҳосилдор ерлар бу вақтда анча ишланган ва кўп сонли меҳнатсевар аҳоли ундан чиққан маҳсулот билан мўл-кўл таъминланган. Йирик шаҳарлар, масалан, Ларса ва Урук шаҳарлари харобаларининг ораси атиги 24 километр бўлиши аҳолининг жуда ҳам зич яшаганлигидан далолат беради. Фротнинг гарбидаги бепоён ўтлоқ ва даштлар чорвачилик билан шуғулланишга имкон берган. Узун ва қисқа шохли ҳўкизлар ўтлоқларда боқилиб, уйда ҳам оз-оздан дон берилган. Ерни суғоришда, ҳайдашда ва ғалла янчишда, шунингдек юк ташишда иш ҳайвонларидан фойдаланилган. Кўп гўшт ва сут маҳсулоти берадиган моллар ҳам кўпайтирилган. Майда шохли ҳайвонлар, айниқса думбали ва мерипос қўйлар, шунингдек турли зотли эчкилар жуда кенг тарқалган. Транспорт эҳтиёжлари учун хўкиз ва эшаклардан фойдаланилган. От анчагина кейин, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган бўлса керак.

Ернинг серунумлиги, сувнинг ва дарёлар оқизиб келтирган табиий ўғитларнинг сероблиги деҳқончиликни ривожлантиришга айниқса катта имкон берган. Аммо ботқоқли областларни экин экиладиган маданий районларга айлантириш учун аҳолининг кўп куч сарф қилиши лозим бўлган. Даставвал ботқоқликларни бошдан-оёқ қуритиш, кейин эса дарёлар тошқинини тартибга солиш ва тошқин вақтида дарё сувларини бутун мамлакатда бир текисда тақсимлашга имкон бёрувчи сунъий суғориш системасини яратиш зарур бўлган. Шунинг учун Месопотамиянинг жанубий қисмидаги территорияда ташкил топган дастлабки жамоаларнинг вазифаси сунъий суғориш тармоқларини қуришдан иборат бўлган. Энгельс: «Бу ерда деҳ-



Шумерийларнинг цилиндрик мухридан туширилган нусха унда плуг тасвирланган.

қончиликнинг биринчи шарти — сунъий суғоришдир, сунъий суғоришни ташкил қилиш эса ё жамоанинг, ё вилоятнинг, ёки марказий ҳукуматнинг ишидир»[1] деб ёзган эди.

Месопотамияда жуда қадим замонлардаёқ суғориш каналларининг жуда ҳам кўп тармоклари вужудга келтирилганлигига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги асбобларини тайёрлаш техникаси жуда ибтидоий бўлган ва турғунликда қолган. Ерни ишлашда неча минг йиллар давомида энг оддий мотига, ерни юмшатиш учун алоҳида мола ва ибтидоий плуглардан фойдаланиб келганлар. «...кадимги Хитой конструкциясидаги омоч... ерни худди тўнгиздек ёки курсичқондек ковларди...»[2]. Бу плуглар ана шу омочларга ўхшаш жуда оддий бўлган. Ўримда одатда оддий ўроқдан фойдаланилган; энг қадим замонларда бу ўроқни ёғочдан ясаб, тигини ўткир чақмоқ тошдан ишлаганлар. Ғалла янчишда қорамолдан фойдаланганлар, мол хирмонда айланиб юриб, бошокларни оёклари билан эзиб янчган. Ғаллани белкурак билан совурганлар ва омборларда сақлаганлар.

Суғорилаётган ерларнинг гоят даражада унумдорлиги бу ерларни ишлаш учун одамлардан кўп меҳнат талаб қилмаган, бу ҳол эса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга объектив равишда тускинлик қилган. Хўжалик ҳисоботи ҳужжатларида курсатилишича, бу ерда арпа ҳосили одатда 36-сам бўлган.

[1] *К. Маркс* ва *Ф. Энгельс*. Избранные письма, стр. 75.
[2] *К. Маркс*. Капитал, I том, Ўздавнашр, 1955, 221-бет, 17-изоҳ.

Баъзи бир ҳолларда олинадиган ҳосил энг юқори даражага — 100:1 ёки ундан ҳам ошиқ даражага етган. Иккинчи томондан, қул меҳнатининг маълум даражада ўзига хос шароити қишлоқ хўжалиги техникасининг нотидоий ҳолда ва тургун бўлиб, паст даражада қолишига сабаб бўлган. Эски қишлоқ жамоалари емирила бориши билан мамлакатда қуллар сони ҳам кўпайиб борган. Айни замонда урушларда қўлга туширилган асирларни ҳам қулга айлантиргаплар. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида қуллар ишлатила бошланган. Қулчилик ўса борган сари хўжаликда қуллар сонини аста-секин кўпайтириш мумкин бўлган. Шундан қилиб, қишлоқ хўжалиги қуроллари техникасини ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилишга зарурат сезилмаган. Бунинг устига, қуллар тутган мавқеларига кўра, меҳнат қуролларини эҳтиёт қилиб тутишга қизиқмаганлар. Бунинг натижасида қулдорлар одатда қулларга жуда қўпол қуроллар берганлар.

Месопотамияда энг қадимги вақтларданоқ дон ўсимликларининг ҳар хил турлари маълум бўлган, булар орасида арпа биринчи ўринда турган. Арпа билан бир қаторда асосан нон ва пиво тайёрлаш учун ишлатиладиган полба ҳам маълум бўлган. Месопотамияда бугдой экини кам тарқалган; бугдой полба ва арпага қараганда икки баравар қимматга гушган. Ниҳоят, Шарқда ҳозирги вақтгача сақланиб келган дурра[1] ҳам экилган.

Шумерийлар давридаёқ писбатан серунум деҳқончилик воҳалари, сабзавотчилик ва богдорчилик аста-секин ривожланиб борган. Буни қадимги Шумер тилида дала, бог, ўтлоқ ва говор, қўшчи ва боғбон деган алоҳида сўзларнинг борлигидан кўриш мумкин. Богдорчиликка юқори баҳо берилган, бу афсонавий ва тарихий ҳикояларда ўз аксини топган.

Қадимги Месопотамияда турли сабзавот ва мевали дарахтлардан ташқари, энг қадимги замонлардан буён экилиб келган хурмо дарахти жуда катта хўжалик аҳамиятига эга бўлган. Махсус хурмо боғлари бўлган, бу хурмоларнинг баъзи бир навлари сунъий равишда яхшиланган. Хурмонинг ҳосилини кўпайтириш мақсадида махсус сунъий чанглатиш усули қўлланилган, буни кўрсатадиган диний суратлар бор, уларнинг қатъий аниқланган типи то осур лавригача сақланиб келган. Хурмонинг муҳим хўжалик аҳамиятига эга эканлиги адабиётда, тасвирий санъатда ва динда ифода қилинган. Хурмо дарахти одамдан муқаддас дарахт деб ҳисобланиб келган. Ма-

[1] Африкада маълум бўлган бошоқли сорго ўсимлигининг бир тури.

салаш, «Ларса ҳокими Гун-Гунум ўз подшолигининг иккинчи йилида куёш худоси Шамашга бронзадан ясалган икки хурмо дарахтини ҳадя қилган». Хурмо дарахтига сиғинишш асосида муқаддас «ҳаёт дарахти» деган афсона келиб чиққан; Шумер-Аккад давридаги муҳрларда ҳам хурмо дарахтининг тегишли тасвирлари узоқ вақтгача сақланиб келган.

Энг қадимги Месопотамияда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Бироқ мамлакатда энг муҳим хом ашёларнинг йўқлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига анча тўсқинлик килган. Месопотамиянинг жанубий қисмида металл ҳам, етарли даражада тош ва ёғоч ҳам бўлмаган. Шунинг учун бу ерда етишмаган хом ашёлар ўрнига қадим замонлардаёқ асосан лой ва қамиш ишлатилган. Ёғоч, тош ва металл ўрнига кўпинча лойдан фойдаланилган. Лойдан бочка, яшик, қувур, печь, чўқ, муҳр, дук, чироқ ва тобутлар ясаганлар. Энг қадимги вақтларда лойдан сопол идишлар ясаганлар, аввал уларни қўлда, кейинчалик эса махсус кулолчилик чархларида ишлаганлар. Ниҳоят, лойга қамиш ва похол аралаштириб жуда кўп миқдорда энг муҳим қурилиш материали бўлган гишт ясаи бошлаганлар. Ғиштни баъзан офтобда қуритганлар, баъзан эса махсус хумдонларда пиширганлар. Бир томони текис, иккинчи томони бўртиб чиққан махсус йирик гиштлардан қурилган энг қадимги биноларнинг эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларига тааллуқлидир.


Қадимги Месопотамияда ёғоч ўрнига ишлатилган қамиш ва шакар қамиши энг муҳим хом ашё бўлган; Иккидарё оралиғида бундай қамишлар жуда кўп бўлиб, унинг турли хиллари ўсган. Қамиш ва шакар қамиши қурилиш материаллари сифатида ўриб тўқиладиган ҳар турли нарсалар тайёрлашда, шунингдек кемасозликда ишлатилган. Месопотамияда дарахт кам бўлганлиги туфайли ёғоч жуда қиммат турган. Ушбу ёғоч қисмисиз ижарага олиш одати ёғочнинг қиммат бўлганлигини кўрсатади. Ижарачи одатда уйнинг барча ёғоч қисмини ўзи олиб келган, бу уйдан кўчиб кетаётиб, бошқа мулклари билан бирга ёғочларини ҳам олиб кетган. Шумерлилар ёғочдан қурол (ўқ ёй), меҳнат асбоблари (плуг), юк аравалари, жанг аравалари ва кемалар ясаганлар.

Чорвачиликнинг кенг ёйилиши кўнчиликнинг ривожланишига ёрдам берган. Теридан от-улов анжомлари, пойабзал, дубулға, совут ва ўқдонлар, кейинги даврда ҳатто пергаментга ўхшаган алоҳида езув материали ҳам қилинган. Тўқувчиликда зиғир толаси ва жун ишлатилган. Чорвачиликнинг анча ривожланиши жун тўқималарининг кенг тарқалишига имкон берган.

Металлнинг кашф этилиши техникада катта ўзгариш ясаган Месопотамия жанубий қисмининг халқларига маълум бўлган дастлабки металлардан бири мис бўлган, миснинг номи шумер тилида ҳам, аккад тилида ҳам учрайди. Узига хос мис индустрияси эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг биринчи ярмигача деярли сақланиб келган. Мисдан турли-туман буюмлар, жумладан, қурол-яроғ, меҳнат асбоблари (болта ва уроқлар), идиш-оёқ ясалган. Ур шаҳрида утказилган казиш ишлари пайтида жуда кўп ва ҳар хил мис асбоблар топилган. Зўр моҳирлик билан ясалган мис ҳайкалчалар ва буртма расмлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ металлургиянинг маълум даражада ривожланганлигидан дарак беради. Ларсадаги ёзувларда подшо буйруги билан ясалган 19 та мис ҳайкал бўлганлиги айтилади.

Бир оз кейинроқ бронза пайдо бўлган; бронза миснинг қўргошин билан, кейинчалик эса қалай билан қўшиб эритилишидан ҳосил қилинган. Кейинги археологик қазишларда кўрсатилишича, эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ Месопотамияда темир (метеорит темири бўлса керак) маълум бўлган. Масалан, Урдаги бир қабрдан метеорит темиридан ясалган кичкина болтача топилган эди; Эшнунна ғарбаларидан эса, ханжарнинг бронзадан ясалган дастаси топилди, унинг ички қисмида темирнинг жуда майда зарралари (темир учининг қолдиқлари бўлса керак) сақланиб қолган. Аммо бу даврга оид темир буюмлар ҳар ҳолда жуда оз топилган. Бу даврда Месопотамияда темир кам тарқалган бўлса керак. Темирни металлургия техникасининг, жумладан, темирчилик техникасининг қадимги ўчоқлари бўлган Закавказьенинг узоқ областларидан, эҳтимол, Кичик Осиёдан келтиришга тўғри келгандир.

Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда Месопотамия жанубий қисмининг энг қадимги жамоаларида ишлаб чиқарилган деярли барча маҳсулотлар шу ернинг ўзидаёқ истеъмол қилинган. Хирож ва солиқларни натура билан тўлаш одати хўжаликнинг натурал характерда бўлганлигини кўрсатади. Урукагина давридаёқ (тахминан эр. ав. 2400 йилларда) амалдорлар солиқларни кўй, қўзи, балиқ билан олишлари лозим бўлган. «Оқ қўй бўлмаганда жун-тери берадиган чўпонлар пул келтирганлар». Ер, жун, ёғ, қулнинг ва мис буюмларнинг нархини ғаллага чақиб ҳисоблаш расм бўлганлиги характерлидир. Аммо ортиқча маҳсулот пайдо бўлиши натижасида ибтидоий жамоаларнинг қадимги натурал хўжалик тузуми астасекин ўзгариб борган. Деҳқончилик ёки ҳунармандчиликда ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда пайдо бўла борган сари мамлакат ичида ҳам, қўшни мамлакатлар билан


40
35
50
45
Диярбакир
Харкемиш (Жарабулус)
Урфа
Арслан Таш
Харран
Тел Барсиб (Тел-Ахмар)
Тел Халаф
Насыбина (Нусайбин)
Тел Ашмар
Дур-Шаррукин (Хорсобод)
Немрод (Кунчулик)
Арпачия
Балават
Мосул
Калах
Арбела
Тел-Хасуна
Эрот
Хабур
Ашшур
Кунчулик
Нуза
МЕСОПОТАМИЯ (САНЖАК)
Марь (Тел-Хариба)
Сиппар
Анаркуа
Борсиппа
Бобил
Дилбат
Ниппур
Адаб
Шуруппак
Умма
Лагаш (Телло)
Урук
Ал-Обил
Эриду
Басра
Форс қўлтиғи
Қувайт
Урмия к
Каспий денгизи
Техрон
Экбатана (Хамадон)
Кермоншоҳ (Бехистун)
Нехавенд
Элам
Суза
Карун
Карха
Шатт-ал-Араб
Месопотамия
Ассурия
Халдея
Элам
Мидия
Персия
Қадимги Месопотамия
Калах Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари
Мосул Аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари
Форс қўлтиғининг қадимги қирғоғи
50 0 50 100 150 км

ҳам энг қадимги айирбошлаш савдоси вужудга келган, қуллар, уй-жойлар, экин ерлари, уй ҳайвонлари ва қимматбаҳо металлар савдо-сотиги юзасидан тузилган шартномаларнинг текстлари сақланиб қолган, бу текстлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларида савдо мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Етишмайдиган турли хом ашёларни қўшни мамлакатлардан келтириш зарурияти ташқи савдонинг хийла кенг кўламда ривожланишига ёрдам қилган. Масалан, бизга маълумки, шумерийлар мисни Элам, Эрон ва Осуриядан олиб келганлар, ёғочни Иккидарё оралиғининг шимоли ва шарқидаги тог райопларидан келтирганлар. Бу савдо анчагина кенг территорияда олиб борилганига қарамай, у ҳали жуда ибтидоий ҳолда бўлган. Бу энг қадимги айирбошлаш савдоси бўлиб, бир хил товарлар иккинчи хил товарларга алмаштирилган, холос. Фақат кейинроқ қийматнинг энг қадимги товар эквивалентлари секин-аста пайдо бўла бошлаган, буни Маркс пулнинг энг қадимги турлари деб атайди. Энг қадимги замонларда Месопотамияниинг деҳқончилик билан шугулланувчи халқларида одатда қорамол ва галла эквивалент хизматини утаган. Кейинчалик металларнинг тарқалиши натижасида қуйма металл парчалар пул хизматини ўтай бошлаган. Аммо бу қуйма металл парчалари муайян оғирлиги ва асиллигини таъминлайдиган қилиб, қолипда зарб этилмаган. Шунинг учун ҳам ҳар бир савдо-сотиқ муомаласида бу қуйма мис ёки кумуш парчаларнинг огирлигини текшириб кўриш зарур бўлган. Бу энг қадимги пуллар узининг оддий товар характерини куп вақтгача сақлаб келган.

Қадимги Месопотамияда савдонинг кенгайиши транспортнинг ҳам ривожланишига олиб келган. Мисрдагидек, Месопотамияда ҳам энг қадимги замонлардаёқ молларни дарё ва каналлар орқали кемаларда ташиган бўлсалар керак. Месопотамиянинг катта дарёлари, табиий савдо магистраллари бўлган Дажла билан Фрот ҳамда бир талай каналлар сув транспортининг ривожланишига имкон берган. Карвон йўлларида эса моллар эшак ва ҳўкизларда жуда оддий ғилдиракли жанг аравалари ва юк аравалариda ташилган. Ур шаҳари қазилган вақтда бу оддий жанг араваларининг намуналари ва уларнинг тасвири топилган.

Шумер ва Аккад жамиятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда меҳнат унумининг ўсиши натижасида қўшимча маҳсулот, шу билан бирга, қулчилик формасида кишини киши томонидан эксплуатация қилиш ҳам пайдо бўлган.

Патриархал оиладаёқ қулчиликнинг энг қадимги формаларидан бирини кўрамиз. Маркс ва Энгельс буни «Немис



Урдин топилган кошинкор ҳарбий байроқнинг икки томони.

идеологияси» асарида кўрсатган эдилар: «Оилада яширин қолда бўлган қулчилик аҳолининг ва эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳамда уруш ва айирбошлаш савдоси тарзида ташқи муносабатларнинг кенгайиб бориши билангина секин-аста ривожланади»[1].

Шумер ва Аккадлан топилган бир қанча ҳужжатлар дастлаб оилада пайдо бўлган қулчиликнинг ана шу яширин формалари мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шумер кодексида ёзилган энг қадимги оилавий ҳуқуқ отага ўз болаларини қул қилиб сотиш ҳуқуқини берган. Бу ҳуқуқ фақат қоғозда ёзилган қуруқ гап бўлиб қолмасдан, балки оилавий турмушда доимо амалга оширилиб келган тамомила реал ҳуқуқ бўлган.

[1] *К. Маркс ва Ф. Энгельс*, Асарлар, IV т., 12-бет.

Ота-оналарнинг ўз болаларини қул қилиб сотиш ҳоллари кўп бўлган, шу билан бирга, кулликка сотиш шартлари алоҳида ҳужжатларда ёзилган бўлиб, буидай ҳужжатлар бизнинг замонимизгача сақланиб колган.

Бегопа болани ўғил (асранди) қилиб олиш одати болаларни қул қилиб сотишни бирмунча никоблаган, аммо бола бировга ўғил қилиб берилганида бу нарса кўпинча махсус ҳужжат билан мустаҳкамланган. Ўғил қилиб олувчи одам боланинг отасига асранди учун маълум миқдорда пул тўлаган. Шундан қилиб асранди қилиб олиш бола сотишнинг яширин формаси бўлган.

Хотин-қизларнинг тўла ҳуқуқли бўлмаганлиги қадимги Месопотамиядаги патриархал оиланинг характерли хусусиятлари; бу ҳол кўп хотин олиш одати туфайли янада чуқурлашган. Қизларни қул қилиб сотиш ҳоллари кўп бўлган. ҳужжатларда учрайдиган «хотин нархи» деган термин қизларнинг сотилганлигидан далолат беради. Кишиларнинг қарздорлик орқасида асоратга тушиб қолишлари қулчиликнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Камбагаллар бойлардан қарз, жумладан, ғалла қарз олишга мажбур бўлганликлари кўпгина ҳужжатларда кўрсатилган. Ўз-ўзидан маълумки, камбағалларнинг кўпинча бу қарзларни кўпайиб кетган проценти билан бирга ўз вақтида тўлашга қурби етмаган. Қарзга ботиб қолган камбағал кўпинча судхўрнинг тузоғига илинган. Камбағал муқаррар кулликка тушиш хавфи остида қолган.

Аммо дастлабки вақтларда уруғ-қабила иттифоқларининг бир-бирларига карши тинмай олиб борган, кейин эса Шумер ва Аккад каби мустақил давлатларнинг, шунингдек бундан ҳам йирикроқ давлатларнинг қўшни халқлар билан доимо олиб борган ўзаро шиддатли урушлари қулчиликнинг энг қадимги ва энг муҳим манбаи бўлган. Бу урушларда аввало жуда кўп асир олганлар ва уларни қулга айлантирганлар. Бу Шумер ёзувларида ифода қилинган. «Қул» деган сўз «тоғли ўлкадан келган одам» тушунчасини берадиган мураккаб белги воситаси билан ёзилган. Шарқий томонда тоғлар орасида яшаган қабилалар билан олиб борилган урушларда қулга тушурилган асирларни одатда қулга айлантирган бўлсалар керак.

Шумерда қулларни «саг» деб («бир дона» маъносида), Аккадда эса «арду» деб («хароб одам» маъносида) ёки «решу» деб («бош» маъносида) атаганлар. Бу ҳол шуни кўрсатадики, Месопотамияда эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ қулдорлик эксплуатацияси формалари анча шаклга кирган, қулга айлантирилган озод кишиларни товарга ёки қорамолга

тўплаштириб, уларни доналаб ёки бош ҳисобида санаб, ёлғиз ўзига бутунлай қул деб қарайдиган бўлганлар. Сақланиб қолган ҳужжатларда кўрсатилишича, қуллар тез-тез сотилиб турган. Қулнинг нархи 14 шекелдан 20 шекелгача (117—168 грамм кумуш бараварида) бўлган.

Қишлоқ жамоалари ичидаги мулкий табақаланиш жамоа тузумининг аста-секин емира борган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, савдо ва қулчилликнинг ривожланиши, ниҳоят, ғалабачилик урушлари жамоачилар оммаси орасидан кичик бир гуруҳ қулдорлар аристократиясининг ажралиб чиқишига имкон берган. Шу билан бирга, жамоачиларнинг бир оз ўрта ва қуйи табақалари аста-секин хонавайрон бўлиб, камбағалларга ва ҳатто қулларга айланган. Жамоаларнинг бу табақаланиш процесси тилда ҳам акс этган. Бойларни ҳам, камбағалларни ҳам ифодаловчи энг қадимги социал терминлар пайдо бўлган. Қулларга ва қисман ерга эга бўлган аристократлар «улкан кишилар» (лугаль) деб аталган, уларга «кичик кишилар», яъни қишлоқ жамоаларининг оз мулкли эркин аъзолари қарама-қарши турган.

Бу энг қадимги синфий жамият уруғчилик тузуми харобаларн устида пайдо бўлган. Бу жамиятдаги қулчилик ҳали унча ривожланмаган, ибтидоий ҳолда бўлган. Қулдорлар куллар меҳнатини ҳам, эркин камбағаллар меҳнатини ҳам эксплуатация қилганлар. Сира келиштириб бўлмайдиган синфий манфаатлар давлатнинг ташкил топишига сабаб бўлган. Камбағал ва қулларнинг кўпчилик оммасини итоатда тутиш учун қулдорларда ҳукмронлик аппаратига эҳтиёж туғилган.

«Шундай қилиб давлат ҳам пайдо бўлган, бу давлат қулдорлик давлати бўлган, бу аппарат барча қулларни итоатда қилиш учун қулдорлар қўлига ҳокимият, имконият берган»[1].

Месопотамия территориясида қулдорлик давлатининг мавжуд бўлганлигини кўрсатувчи энг қадимги ҳужжатлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларига тааллуқлидир. Бу даврга оид ҳужжатларда кўрсатилишича, булар жуда майда давлатлар, тўғрироғи, тепасида подшолар турган шаҳар ташкил топастган дастлабки давлатлар бўлган. Мустақиллигини йўқотган князликларни қулдорлар аристократиясининг юқори табақа вакиллари идора қилиб, улар «патеси» (энси) деган энг қадимги ярим коҳинлик унвонига эга бўлганлар.

Бу энг қадимги қулдорлик давлатларининг иқтисодий негизи мамлакатнинг давлат қўлида тўпланган ер фонди бўлган.

[1] *В. И. Ленин*, Асарлар, Ўздавнашр, 29-т., 408 бет.

Эркин деҳқонлар ишлайдиган жамоа ерлари давлат мулки ҳисобланган ва бу ерларнинг аҳолиси давлат фойдасига одатда жуда оғир мажбуриятлар бажариши лозим бўлган. Аммо, шу билан бирга, подшо бевосита ўз ихтиёрида алоҳида ер майдонларига эга бўлган. Синфий табақаланиш процесси ерга эгалик қилиш формаларида ҳам акс этган. Давлат ҳокимиятининг жамоа ерларини босиб олиш ҳоллари кўп бўлган, бу ерларнинг бир қисми бундан олгариларичёқ жамоадаги энг бой кишиларнинг мулкига айлантирилган. Подшонинг марказлашган катта ер эгалиги ва деҳқонларнинг жамоа бўлиб ердан фойдаланишлари билан бир қаторда бойларнинг хусусий ер мулки аста-секин вужудга келган. Ердан маҳрум қилиниб, секин-аста қулларга айлантирилган камбағаллар, шунингдек қулга айлантирилган ҳарбий асирлар подшога, ибодатхона ва қулдор аристократларга қарашли ерларда ишлаганлар.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик бу даврдаги хўжаликнинг асосий формаси бўлган. Шунинг учун энг қадимги қулдорлик давлатининг энг муҳим вазифаларидан бири ирригация тармоқларини ташкил қилиш ва уни яхши сақлашдан иборат бўлган. Энг қадимги ҳоким ва подшолар, шунингдек ундан кейинроқ Шумер ва Аккад давлатларининг ҳоким ва подшолари ҳам сунъий суғориш тармоқларини кенгайтириш ва яхши сақлаш соҳасида қилган гамхўрликларини ўз ёзувларида фахрланиб гапирганлар. Подшо ва ҳокимлар бу хизматларини ҳарбий галабалар билан бир қаторга қўйиб, бу билан мамлакат ҳаётида ирригациянинг жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатганлар. Масалан, Ларса подшоси Римсин (эр. ав. XVIII аср) ўз ёзувларидан бирида «кўпдан-кўп аҳолини ичириладиган сув билан таъмин этган... то денгиз қиргоғигача... галладан мўл-кўл ҳосил берган» канал қаздирганлигини айтади. Римсин бу каналнн қаздириб, ўз областини деҳқончилик қилинадиган ерга айлантирган.

Шумер ва Аккад давлатлари замонига доир ҳужжатларда, дарё ва каналларнинг тошқинларини йўлга солиб туриш, тошқин натижасида бузилган ерларни тузатиш, қиргоқларни мустаҳкамлаш, ҳовузларни сув билан тўлдириш, далаларни суғориш ишларини тартибга солиш ва бу билан боғлиқ бўлган ҳар хил ер ишларини бажариш каби турли хил ишлар қилинганлиги баён этилган. Шумер давридаги қадимги каналларнинг қолдиқлари жанубий Месопотамиянинг айрим районларида, чунончи, қадимги Умма (ҳозирги Жоҳа) областида ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ёзувларга қараганда, бу каналлар шу қадар катта бўлганки, уларда галла ортган катта-катта қайиқлар ва ҳатто кемалар ҳам бемалол юра олган.

Бу катта-катта ишларнинг ҳаммасини давлат ҳокимияти ташкил этган.

Суғориш соҳасида катта-катта ишларнинг ташкил этилиши, қўшни мамлакатлар билан олиб борилган энг қадимги айирбошлаш савдосининг ривожланиши ва доимий урушлар давлат ҳокимиятини марказлаштиришни талаб этган. Қадимги Шумерда маъмурий ҳокимиятни марказлаштириш йўлидаги дастлабки интилишларни ундаги «нубанда» унвонига эга бўлган олий амалдорининг вазифалари ҳам кўрсатиб турибди. Бу амалдорнинг унвони Лагашдаги эрамиздан аввалги XXIV асрга маисуб ёзувларда ҳам учрайди; бу ёзувларга қараганда, мамлакатдаги барча хўжалик ҳаётини идора қилиш нубанда қўлида бўлган. Нубанданинг вазифаси ва ваколати жуда кенг бўлган. Бу даврдаги, яъни эрамиздан аввалги XXIV асрга оид ёзувларга қараганда нубанда деҳқончилик ишларини, жумладан, сунъий суғориш системаси билан боғлиқ бўлган ер ишларини ўзи бошқарган. Сўнгра, ер улашиш, қишлоқ хўжалиги асбоблари тарқатиш ва уларни ремонтга топшириш, озиқ-овқат омборлари ва подшо хазинасини бошқариш ишлари ҳам нубанданинг вазифасига кирган. Ниҳоят, нубанда давлат архивига ва айрим шахслар ўртасида шартномалар тузиш ишларини олиб борадиган гражданлар палатасига бошчилик қилган. Бу даврда ҳар хил амалдорлардан иборат энг қадимги маҳкамалар ташкил қилинган. Масалан, хўжалик маҳкамаси составига савдо ишларини олиб борувчи махсус агентлар — «дамкарлар» кирган. Дамкарлар орасида «улуғ дамкар патэси» алоҳида ўрин тутади; бу уларнинг бошлиғи бўлса керак. Махсус омбор ёки озиқ-овқат омборларини «дуггур» деб аталувчи махсус амалдорлар бошқарган. Молия-солиқ маҳкамаси составига «машким» деб аталувчи солиқ йиғувчилар киритилган. Ниҳоят, ҳарбий командирлар (галь-уку) мансаблари пайдо бўла бошлаган; бу эса, ҳарбий ишнинг ривожланганини кўрсатади.

Шумер ва Аккад территориясида эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликдаёқ энг қадимги шаҳарлар вужудга келган. Бу шаҳарлар айрим майда даплатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий марказлари бўлган. Мамлакатнинг энг жанубий қисмида, Форс қўлтиғининг соҳилида Эриду шаҳри бўлган. Ур шаҳри катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган; яқинда ўтказилган қазиш натижаларига қараганда, Ур шаҳри қудратли бир давлатнинг маркази бўлган. Бутун Шумернинг диний ва маданий маркази бўлган Ниппурда худо Энлилнинг умум Шумер зиёратгоҳи—ибодатхонаси жойлашган. Шумернинг бошқа шаҳарлари орасида қўшни Умма билан доим кураш олиб борган Лагаш (Ширпурла) ва Урук шаҳри катта

сиёсий аҳамиятга эга бўлган; вилоятларга қараганда, бир вақтлар Урук шаҳрида қадимги Шумер қаҳрамони Гильгамеш ҳокимлик қилган.

Бу энг қадимги давлатлардан баъзиларининг тарихи бизга айрим шаҳарларнинг (Ур) харобаларидан топилган бир талай моддий маданият ва санъат ёдгорликларидан, бошқа шаҳарларнинг (Лагаш) харобаларидан топилган кўпгина ҳужжатлардан маълум (бу ҳужжатларнинг бир қисми Москвадаги Пушкин номли тасвирий санъат музейида сақланмоқда).

Ур харобаларидан топилган ҳар турли зийнат буюмлари эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг *бошларида* техниканинг, асосан, металлургиянинг бирмунча ўсганлигини кўрсатади. Шу даврдаёқ мисни қалай билан қўшиб эритиб бронза тайёрлай олганлар, метеорит темирини ишлатишни ўрганганлар ва заргарлик санъатида ажойиб натижаларга эришганлар. Ур секин-аста катта савдо шаҳарига айланиб, бир қатор қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишлари *олиб борган*. Масалан, Урга Ҳинд водийсидан ишм тошидан қилинган маржонлар, мухр, турли идишлар ясаш учун тошлар, пахта ва маймунлар, Эрон ва Арманистондан қалай, ложувард ва обсидиан, Сурияда кедр ёнғоғи ва ҳоказолар келтирилган. Ибодатхона ва саройлар қурдирган ҳокимлар давлат тепасида турган; улар ўлганларида уларнинг хазиналари ва қимматбаҳо нарсаларини ҳам қўшиб қабрга қўйилган. Қимматбаҳо қурол-яроғлар, кумушдан ясалган идишлар ва кошин териб ишланган гўзал мусиқа асбоблари бойликнинг аристократия қўлида тўпланганлигини ва шу билан кескин синфий табақаланиш пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Тамомила табиийдирки, фақат Ургина Қуйи Месопотамиянинг *бирдан-бир бой* қудратли давлати бўлмаган. Ур билан бир қаторда Жанубий ва қисман Ўрта Месопотамияда ўз таъсири ва ҳокимиятини ўрнатиш учун узоқ ишдлатли курашлар олиб борган бошқа давлатлар ҳам бўлган. Бу давлатлар орасида тарихи бизга бирмунча яхшироқ маълум бўлган Лагаш ҳам кўзга кўринарли ўрин тутган.

Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталарида (эр. ав. 2540—2370 йилларда) Лагаш тепасида бир қанча қўшни областларни ўз ҳокимияти остида бирлаштира олган зўр ҳокимлар турган. Лагашнинг қўшни шаҳарлар билан олиб борган кураши областларни бир марказ атрофида мумкин қадар кўпроқ бирлаштиришни кўзда тутган. Лагашнинг иқтисодий ва сиёсий қудратига Ур-нанше ҳокимлиги даврида негиз солинган, бинобарин, Ур-наншени биринчи тарихий

Лагаш династиясининг асосчиси деб ҳисобламоқ мумкин. Ур-нанше бошлаган кенг қурилиш иши Лагашнинг гуллаб яшнашининг ташқи ифодасидир. Бу даврдан сақланиб қолган бир бўртма расмда подшонинг ўзи ибодатхона пойдеворининг тантанали қурилишида иштирок қилгани ва ўз иштироки билан бу ишни гўё мунаввар қилиб тургани тасвирланган. Шу бўртма расмда подшонинг гишт солинган саватни бошида кўтариб бораётганлиги, бу тантанали маросимда подшо оиласидан унинг болалари, амалдор ва хизматкорлари бораётганлиги тасвир этилган. Ур-нанше ўз ерларида ибодатхона қуриш, каналлар қазиш ва муқаддас жойларга ҳайкаллар беришни тасвирлаган.



Ҳўкизнинг олтин ва ложувардан ясалган боши.
Урдан топилган.

Қўшни шаҳарлар билан шиддатли урушлар олиб борган ва кенг территорияларни ўзига бўйсундирган подшо Эаннатум замонида Лагашнинг қудрати жуда ҳам ортган. Эаннатум Лагашни Киш ҳегемонидан озод қилибгина қолмаган, балки у Аккад давлатини ҳам Лагашга қўшиб олган. Шунда, Эаннатум Урни бўйсундирган, бу билан Урнинг биринчи династиясидан бўлган подшоларнинг ҳукмронлигини тугатган. Натижат, Эаннатум Урукни, Ларсани ва Эридани Лагашга бўйсундирган ва, шундай қилиб, Месопотамиянинг бутун жанубий қисмини ўзига қаратиб олган.

Эаннатум қўшни Умма шаҳри билан айниқса шиддатли кураш олиб борган. Умма ҳокими Уш, Опис ва Киш подшоларининг ёрдамига таяниб, Лагашга ҳужум қилган. Бироқ урушда Умманинг мағлубияти билан тугаган. Эаннатум Уш ва унинг иттифоқчиларининг аскарларини тор-мор келтирган ва Умма чегарасига бостириб кирган. Эаннатум Умма устидан

қозонган ғалабасини «Қалхатлар лавҳаси» деб аталган ёдгорликда тасвирлаб қолдирган. бу лавҳанинг парчалари бизнинг замонимизгача сақланиб қолган.

Бу ғалаба ёдгорлигини ишлаган қадимги замон рассоми унда қириб ташланган душман жасадлари билан тўлган



Қадимги шумерийларнинг олтин дубулғаси

Ур қазилганда чиққан

жанг майдони ва бу жасадлар устида айланиб учиб юрган гала-гала калхатларни тасвирлаган. Шу расмнинг ўзидаёқ, ўлдирилганларни кўмиш маросими, асирларни қурбонлик қилиш ва, ниҳоят, оғир қуроллар билан қуролланган жангчилар отрядига бош бўлиб, жанг аранасида борастган музаффар Эаннатумнинг ўзи тасвирланган. Мазкур ёдгорликдаги ёзувда Лагаш қўшинларининг ғалабаси ва бу урушнинг реал натижалари кўрсатилган. Тор-мор келтирилган Умма аҳолиси энди Лагаш чегарасига бостириб кирмасликка ва Лагаш худоларига ғалла билан хирож тўлашга қасам ичган. Бу даврнинг бошқа ёзувлари Аккаддаги Киш ва Ошс шаҳар подшолари, шунингдек Элам князлари устидан ғалаба қозоиган Эаннатумнинг босқинчилик сиёсати анча кенг қулоч ёзганлигини кўрсатади. Эаннатум «Эламни, ажойиб тоғларни бўйсундирганлигини, мамлакатни гўристонларга тўлдириб юборганлигини... Эламни яксон қилганлигини; Элам ўз юртига қувиб юборилганлиги»ни фахрланиб ҳикоя қилган.



Лагаш хокими Ур-нанше ўз аъёнлари орасида.

Тошга ўйиб ишланган

Шундай қилиб, бу даврда Шумернинг таъсири ўрта Месопотамия областларига ва ҳатто кириб бўлмайдиган Элам тоғига ҳам ўтган.

Энтемена

Эаннатумнинг ҳарбий сиёсатини давом эттирган Энтемена Умма, Ур, Эрида ва Нипур устидан Лагаш ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, шунингдек эламликлар ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлган. Ўша замонга оид тарихий ҳужжатлар орасида энг қадимги дипломатик ҳужжат бўлмиш Энтемена ёзуви жуда муҳимдир. Бу ҳужжатда дастлабки дипломатик муносабатлар, сўзсиз Лагаш билан Умма ўртасидаги урушлар жуда образли қилиб тасвирланган. Бу ҳужжат Энтеменанинг Умма устидан қозонган галабасидан кейин тузилган сулҳ шартлари ва аниқланган территориал чегараларни таъкид қилган. Энтемена агар мағлублар шартномани бузсалар, уларга қаттиқ жазолар берилишлиги билан қўрқитган.



Оғир қуроллар билан қуроллапган Шумер пиёда аскарлари. Эанпатумнинг «Қалхатлар лавҳаси» даги бўртма расмдан парча.

Париж. Лувр.

Уруғчилик фаолияти

Лагашнинг қудратли ҳокимлари олиб борган узоқ урушлар натижасида примитив қулчилик хўжалиги янада ривожланган. Бу даврга оид хўжалик ҳужжатларида бўғинлари мотигани бутунлай сиқиб чиқарган ёғоч плуглар тилга олинади. Ҳунармандчилик анча такомиллашган. Кўпгина устахоналарда ҳар хил ҳунармандлар ишлаган. Металлургия кенг тарқалган. Ҳужжатларда тахта, мис парчалари ва металлдан ясалган буюмлар санаб кўрсатилади. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ортиқча маҳсулотлари мамлакат ичидаги бозорларда сотилган ҳамда хатто зарур ва

қимматли товарларга, масалан, Эламдан келтириладиган кумушга алмаштириш учун қушни мамлакатларга чиқарилган қулга айлантирладиган аскирлар мамлакатга кўплаб олиб келинган. Қул сотиш ҳақидаги ҳужжатлар қулдорлик эксплуатациясининг кучайганлигидан далолат беради.

Аммо хўжалик ҳаётининг ривожланиши фақат қулдорлар *аристократияси* ҳукмрон синфининг бойишигагина олиб келган. Ҳукмрон синф составига нуфузли амалдорлар ва жуда катта ерлик тўпланган коҳинлар кирган. Ибодатхоналарда ҳам катта бойлик тўпланган. Меҳнаткаш аҳоли, камбағаллар ва қуллар бойлар томонидан борган сари қаттиқ эксплуатация қилинган. Синфий зиддиятларнинг кескинлашувига ва синфий курашнинг бошланиб кетишига сабаб бўлган мулкий табақаланиш ана шу тариқа кучайиб борган. Буни Урукагина даврининг (эр. ав. XXIV аср) ҳужжатлари кўрсатиб туради. Ур-нанше династиясининг сунгги намояндалари бош руҳонни бўлиб олиб, қулдорлик тузумини мустаҳкамлаш ва подшо ҳокимиятининг обрўсини ошириш мақсадида ибодатхоналар хўжалигини ўз қўлларига киритиб олганлар. Лекин бу тадбирлар меҳнаткашлар оммасининг асосан жамоачиларнинг ҳам, ибодатхоналар хўжалигини бошқариб келган ва ибодатхоналар хўжалигининг подшо хўжалигига қўшилишидан туфайли бир қанча имтиёзлардан маҳрум қилинган коҳинларнинг ҳам норозилигига сабаб бўлган. Бунинг натижасида Лагашда халқнинг катта ғалаёнлари бошланган ва синфий кураш жуда кучайиб кетган. Ҳаттоки халқ кўзғолони кўтарилган бўлиши ҳам мумкин. Ибодатхоналар хўжалигини подшо ҳукуматининг ўз қўлига олиб қўйганлигидан норози бўлган коҳинлар кенг меҳнаткаш аҳолини подшога қарши кўтарган: Ур-нанше династиясининг Лугальанда деган сунгги подшоси ҳокимиятни Урукагинага бўшатиб беришга мажбур бўлган; Урукагина, бир томондан, коҳинларнинг, иккинчи томондан, кенг халқ оммасининг, жумладан, озод жамоачиларнинг ёрдамига таяниб бўлса керак, зўрлик билан қилинган тўнтариш натижасида олий давлат ҳокимиятини ўз қўлига киритган. Урукагина ўзининг подшолар уругидан келиб чиққан-чиқмаганлиги ҳақидаги ёзувларида ҳеч нарса демаган. Аксинча, у «Эниил жангчиси бўлган худо Нингирсу Лагашга подшолик қилишни ва 10 сар (10 сар — 36 минг) кишининг ҳокими бўлишни Урукагинага ато қилди» деб ёзган.

Урукагина, коҳинлар уюштирган халқ ҳаракати натижасида бўлса керак, ҳокимият тепасига келиб, Лагашда аввалларидан ҳукм суриб келган аҳволни тиклаш, шунингдек ибодатхоналар хўжалигини идора қилишда коҳинларнинг мустақиллигини тиклаш мақсадида бир қанча реформалар ўтказ-

ган. Шу билан бирга, Урукагина ўзининг асосий социал таянчи бўлган қишлоқ жамоа аъзоларининг, яъни аҳолининг эркин ўрта табақаларининг иқтисодий аҳволини бир қадар яхшилашга мажбур бўлган. Урукагина ўзи ўтказган реформаларнинг ижтимоий характерини кескинроқ суратда таъкидлаб кўрсатмоқчи бўлиб, ҳокимият тепасига келмасдан олдин Лагашда камбағалларни қаттиқ эксплуатация қилиш формаларига ўзи ўтказган реформалар натижасида мамлакатда юз берган аҳволни ўз ёзувларида қарама-қарши қилиб қўйган. Урукагина ёзувларида кўрсатилишича, у ҳокимиятни қўлга олмасдан олдин Лагашда қуллдорлар аристократиясининг сараланган бир тўдаси чексиз ҳокимлик қилган; бу тўдага ҳоким — патэси бошчилик қилган. Кемаларда ҳам, подалар ёнида ҳам, балиқчилик хўжаликларида ҳам, хуллас, ҳамма ерда назоратчилар турган. Ҳоким аҳолининг барча даромадларидан кўплаб солиқ олган, ҳатто ибодатхоналар мулкига ҳам чангал солган. Коҳинлар ҳам, ўз навбатида, диний маросимларни адо этгани учун аҳолидан кўп ҳақ талаб қилиб аҳолини сиққанлар. Бойлар ва амалдорлар камбағалларни бемалол талаганлар ва сиққанлар. Урукагина бу ҳиёнаткорликларни тугатиб, қадимги «тартиб» ва қадимги «адолат»ни қайтадан тиклаганлигини ўзининг катта хизмати деб ҳисоблаган. Урукагина назоратчиларни йўқ қилган ва кишиларга ўз ишлари билан бемалол машғул бўлиш имкониятини берган. У ибодатхоналарнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини тиклаган, ибодатхона хўжалигини ҳоким қўлидан тортиб олиб, бу хўжаликни худолар мулки деб эълон қилган, бошқача қилиб айтганда коҳинларга қайтариб берган. Лекин айни замонда диний маросимларни адо этгани учун коҳинлар аҳолидан олгарилари йигиб оладиган ҳақни камайтирган. Урукагина хиёнаткорликлар тез-тез юз бериб турганлигини назарда тутиб, аскарбошиларнинг оддий жангчилар қўлидаги буюмларни сотиб олиш баҳонасида зўрлик билан тортиб олиб, уларни жабрлашларини ман қилган ва аскарбошиларга сотиб олган эшак ёки уй учун тўғри ҳақ ёки, ёзувда образли қилиб айтилгандек, «яхши танга» тўлаб олишни буюрган. Аҳолининг эркин яшайдиган ўрта табақаларининг аҳволини бир қадар яхшилаш мақсадида Урукагина алоҳида қонунлар чиқарган, бу қонунлар, «Лагаш аҳолисини қарз асоратидан қутқазиши, экинларнинг поймол қилинишидан, ўғирликдан, ўлдирилишдан ва уйларнинг таланишидан» амин сақлашни назарда тутган. Урукагина уларга эркинлик яратиб берди. Зўравонлар етим-есирларга, бева-бечораларга ҳеч қандай зарар етказмаслиги учун, у Нингирсу билан мана шу аҳдни тузди. Шундай қилиб, Урукагинанинг ижтимоий реформалари қонунлар

формасида бўлиб, бу конунлар реформалар натижасида бир қанча ҳуқуқларга эга бўлиб қолган қохинларининг ва аҳоли ичидаги ўрта табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди.

Урукагина 6 йил ҳокимлик қилган. Шу қисқа вақт ичида Лагаш жуда равиақ топган. Реформатор ўзи қурдирган ибодатхоналар ва саройлар ҳамда ўзи қазитган каналлар ҳақида ғурурлик билан гапирган. Аммо Урукагина бошлагаи ишини мустаҳкамлашга эриша олмаган. Қўшни шаҳарларнинг қулдорлар аристократияси Лагаш жамоачилари ва эркин ишловчи ўрта табақаларининг кучайиб кетишидан ташвишга тушган. Лагашнинг тор-мор келтирилишининг сабабларидан бири ана шу бўлган бўлса керак. Иккинчи томондан, Урукагинанинг синфий қулдорлик жамиятини сақлаб қолиш мақсадида ўтказган реформалари ҳал қилувчи натижалар бера олмаган. Бу реформалар давлатни анча барқарор бир давлатга айлантиришга хизмат қила олмаган, чунки бу реформалар мулкий тенгсизликни ва синфий эксплуатацияни сақлаб қолган, аҳоли ичидаги ўрта табақаларнинг аҳволини фақат оз-моз ва, шу билан бирга, вақтинчалик яхшилаган, холос.

Лугаль-заггиси даврида Шумер подшолигининг ташкил топиши (эр. ав. 2373—2349 йиллар)

Урукагина подшолик қилган даврнинг 7-йилида Умма ҳокими Лугаль-заггиси ўз аскарларига бош бўлиб, Лагашга бостириб кирган ва шаҳарни жуда қаттиқ вайрон килиб ташлагаи, ундаги ибодатхона ва саройларга ўт қўйиб юборган, уларнинг бойликларини талаган ва, афтидан, реформатор подшони тахтидан ағдариб ташлаган. Сақланиб қолган бир сўзда Лагашнинг раҳмсиз равишда хонавайрон қилинганлиги муфассал тасвирланган. Урукагинага хайрихоҳ бўлган хаттот реформаторни оқлашга уринади:

Умманинг одамлари Лагашни хонавайрон қилиб, худо Ниншрсуга қарши гуноҳ қилдилар. Бу кишилар эришган қудрат улардан тортиб олинади. Лагаш подшоси Урукагина гуноҳ иш қилгани йўқ эди. Умма патэсиси бўлган Лугаль-заггисига унинг маъбудаси Нисаба бу гуноҳи учун жазосини берсин».

Лугаль-заггиси Лагашни тор-мор келтириш ва истило қилиш билан чегараланмаган. Умманинг бу қудратли ҳокими ўз олдига кенгроқ вазифани, яъни бутун Шумер ва бутун Аккадни ўз ҳокимияти остида бирлаштириш вазифасини қўйган. Сугориш тармоқларини марказлаштириш, Месопотамияга доимо бостириб кириб турувчи чет эл истилочиларидан, тог ва кўчманчи қабилалардан мамлакатни мудофаа

қилиш зарурияти бутун Шумернинг қадимги Шарқ деспотияси типидаги ягона йирик давлат бўлиб бирлашишини қаттиқ талаб қилар эди. Ана шу вазифани ҳам биринчи марта Лугаль-заггиси бажарган. Лугаль-заггиси ёзувининг кўрсатишича, у Урук, Ур, Ларса ва Адабни ўзига бўйсундирган. Бутун Шумернинг диний маркази бўлган қадимги Ниппур шаҳри ҳам Лугаль-заггисига қарам бўлган. Лугаль-заггиси ўзини Урук ва Урнинг подшоси деб атаб, бу билан чиакам Шумер сиёсий ва маданий традицияларини сақлаб келган бу икки энг қадимги Шумер шаҳрини бирлашган Шумер подшолигининг пойтахтлари деб эълон қилган. Лугаль-заггиси бутун Шумер устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринар экан, Шумер шаҳарларининг коҳинларига таянib иш кўрган ва бу коҳинларнинг асосий ҳудолари унга ҳомий бўлишини сўраган. Бундан ташқари, Лугаль-заггиси ўзининг катта ёзувида Иккидарё оралиги тарихида биринчи марта ўлароқ ўз истилочилик сиёсатини очиқ-ойдин гапирган. Масалан, Лугаль-заггиси ўз ёзувида олий ҳудо Энлиль — «мамлакатлар подшоси, Лугаль-заггисига мамлакатга подшолик қилишни топширганлигини... бир қанча мамлакатларни унинг ҳукмига бўйсундириб қўйганлигини. Лугаль-заггиси кун чиқишдан кун ботишгача бўлган мамлакатларни босиб олаётганида ҳудо Энлиль унга Қуйи денгиздан тортиб Дажла ва Фрот орқали то Юқори денгизгача йўл очиб берганлигини» кўрсатган. Лугаль-заггисининг кенг кўламдаги бу бирлаштирувчилик ва истилочилик сиёсати йирик Шумер шаҳарларининг гуллашига ёрдам берган. Лугаль-заггиси ўзининг «Урукни яшнатиб юборганлиги, Урни хурсанд қилиб, бошини осмонга етказганлиги, Баббарнинг севимли шаҳри бўлмиш Ларсани шод-хуррамлик сувига сероб қилганлиги, ҳудонинг севимли шаҳри бўлган Уммани баланд қудратга етказганлиги» ҳақида фахр билан гапирган. Аммо Шумернинг бу гуллаш даври узоққа бормаган. У Лугаль-заггисининг 25 йиллик подшолик давридагина давом этди. Тез орада кучли Аккад подшолиги вужудга келиб, бу подшолик мустақил ва бирлашган Шумер подшолигининг мустақил яшашига очиқдан-очиқ хавф солган. Бу икки давлат ўртасида, эртами-кечми кураш бошланиб кетиши муқаррар бўлиб қолган. Бу курашда Аккад семитлари голиб чиққан, у Шумер жанубини ўз ҳокимиятига бўйсундириб, ягона қудратли Шумер-Аккад подшолигини тузган. Бу янги подшолик Шумернинг олдинги подшолари олиб борган истилочилик ва бирлаштирувчилик сиёсатини янги куч билан, кенг кўламда давом эттирган.

Аккаднинг юксалиши. Саргон I (эр. ав. 2300—2314 йиллар)

Шумерийлар жанубий билан семитлар шимоли ўртасида муттасил давом қилган кураш, пировардида, семитлар шимолининг галабаси билан тугаган. Семитларнинг Аккад давлатини дастлаб қурган Саргон I Шумерни ўзига бўйсундирган ва Месопотамиянинг анчагина қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштирган. Саргон I катта сиёсий арбоб бўлган бўлса керак, чунки унинг ҳақидаги хотиралар яхши сақланиб қолган ва шеърий афсоналар тўпламида акс эттирилган. Шундай афсоналардан бирида Саргоннинг ташландиқ бола бўлганлиги ҳикоя қилинади. Саргоннинг онаси камбағал хотин бўлган ва ўз ўғлини боқишга имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам онаси уни қамишдан ўрилган саватга солиб, Фрот дарёси бўйига олиб келиб бир жойга беркитиб қўйган. Акки деган мешкоп чақалоқни топиб олиб, уни тарбиялаган ва боғбон қилиб етиштирган. Маъбуда Иштар Саргонни яхши кўриб қолиб, уни Аккад подшоси қилиб қўйган. Шундай қилиб, бу афсонага кўра, Саргон давлат ҳокимиятини зўрлик билан кулга киритган, янги династия тузган ва бинобарин, подшолик тахтига ўтиришга ўз ҳуқуқини қонуний йўл билан асослаш имкониятига эга бўлмаганлигидан, Саргон ўзини бош маъбуда Иштарнинг яқин одами деб эълон қилган. Узурпаторнинг[1] ўзига Саргон деб ном берганлиги ҳам ўз ҳокимиятини қонунийлаштиришга уринганлигини кўрсатади, Саргон (Шарру-кин) сўзи «ҳақиқий подшо» деган маънони англатади. Саргоннинг подшолик қилган даври Аккад подшолигининг фақат ташкил топиш давригина эмас, балки бу подшоликнинг ички ва ташқи аҳволининг мустаҳкамланиш даври ҳам бўлган. Саргон подшолик қилган вақтда ирригация тармоқлари бирмунча кенгайтирилган ва такомиллаштирилган, янги каналлар ўтказилган. Шумер ва Аккаднинг бирлаштирилиши бутун дарё ва сугориш системасини умумдавлат кўламида тартибга солиб туришга имкон берган. Савдо-сотиқ ишларини мустаҳкамлаш мақсадида ўлчов саноқ системасига қисман асосланган ягона узунлик ўлчови ва оғирлик ўлчови системаси белгиланган. Ҳарбий сиёсатнинг ривожланиши муносабати билан Саргон «ҳар куни Саргон олдида овқатланадиган» 5400 жангчидан иборат доимий қўшин тузган. Бу доимий қўшин Саргон ихтиёрида бўлган ва унга бир қанча катта истилоларни амалга оширишга имкон берган катта-катта армияларнинг ядроси бўлган.

Саргон даставвал Аккадда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини қўйган. Саргон шу мақсад билан Аккаднинг

[1] *Узурпатор — ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олган киши.*

энг қудратли шаҳри бўлган Кишни забт этган, лекин унинг мустақиллигини сақлаб қолган. Бутун Аккаднинг ҳокими сифатида ўз обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида бўлса керак, Саргон ўзини «Киш подшоси» ва «Аккад подшоси» деб атаган. Саргон Аккадда жуда мустаҳкамланиб олиб, бутун Шумерни узил-кесил бўйсундириш мақсадида ўзининг бутун диққатини жанубга қаратган. Саргон жанубга қўшин тортиб бориб, Лугаль-заггиси қўшинларини ва Лугаль-заггисини қўллаб-қувватлаган 50 патэсини тор-мор қилган. Саргон Лугаль-заггисининг ўзини асир қилиб, Ниппурга келтирган ва уни худо Энлилга қурбон қилган бўлиши ҳам эҳтимол. Саргон Шумернинг энг муҳим шаҳарлари бўлган Урук, Ур, Лагаш ва Уммани босиб олиб, вайрон қилиб, бутун Шумерни эгаллаган, у «денгизгача» (Форс қўлтигигача) етиб борган ва голиб чиққанлигини нишонлаб, «қиличини денгизда ювган». Саргон Шумерни бўйсуидириб, ўзига «Энлиль душманни раво кўрмаган мамлакат подшоси» деган ном олган.

Саргон Шумерда ўз аҳволини мустаҳкамлаб олиш учун мамлакатнинг жануби-шарқий чегараларини бехатар қилишга мажбур бўлиб, шу мақсад билан Эламга қарши қўшин тортиб борган. Саргон Эламга жанубдан бостириб кирган; Элам қўшинлари устидан ғалаба қозонган, Эламнинг бир қанча шаҳарларини босиб олган ва денгиз бўйига қайтиб келиб, сўнгра «денгизни шарқ томонидаи кечиб ўтган». Шундай қилиб, Саргон Форс қўлтиғи қирғоқларида ўз ҳокимиятини жуда мустаҳкамлаб олгаи; бу ҳол Саргонга Месопотамиядаи жанубга, Ҳиндистонга ва Арабистонга кетувчи денгиз савдо йўллари устидан ҳукмронлик қилиш имкониятини берган. Сўнгра Саргон шимолий мамлакатларга қарши отланиб, Месопотамиянинг шимоли-шарқий қисмини, Дажла дарёсининг юқори оқимида жойлашган ва ўша вақтларда Субарту мамлакати деб аталган областларни босиб олган ҳамда бу билан деярли бутун Месопотамияни ўзига бўйсундирган ва бирлаштирган.

Лекин Саргон Иккидаре оралиғидаги ерларни босиб олиш билангина чегараланмаган. У Ўрта денгиз қирғоқларига чиқишга ва Сурияниинг сохил ерларидаги бой шаҳарларни, шунингдек гарбдаги карвон ва денгиз савдо йўлларини ўз қўлига олишга уриниб, ўша вақтларда Амурру деб аталган гарбга дадил юришлар қилган. Бу юришлар натижасида «Энлиль Саргонга то Кедр ўрмонлари ва Кумуш тоғларигача бўлган Юқори Мамлакатни, Маорни (ёки Марини — *В. А.*), Ярмути ва Иблуни берган». Мари мамлакати Фрот ўрта оқимининг гарб томонида бўлиб, Ярмути Шимолий Фаластинда жойлашган. Ливан тоғларини «Кедр ўрмонлари» деб атаганлар, Киликий дарвозалари якинидаги Тавр тоғла-

рини «Кумуш тоғлари» деб атаган бўлсалар керак. Шундай қилиб, Саргоннинг гарбга қилган юришларидан мақсад то Кичик Осиёнинг чегараларигача бўлган Фаластин ва Сурияни ерларини босиб олиб, Ундаги табиий бойликларни, асосан кедр ўрмонларини ва кумуш конларини эгаллаш бўлган. Бошқа ёзувларда Саргоннинг Сурия соҳилларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринганлиги ёркин тасвир этилган. Масалан, бу ёзувларда Саргон «гарбдаги денгизни кечиб ўтди, гарбда уч йил турди, мамлакатни бўйсундирди ва бирлаштирди, унда ўз ҳайкалларини ўрнатди, денгиздаги қирғоқдан асирлар олиб келди» дейилган. Ниҳоят, Саргон ўзининг ғолибона қўшини билан узоқ Кичик Осиёга ҳам йўл очишга уриниб курган, дейиш учун ҳамма асос бор. Бир оз кейинги даврга оид бир текстда, Осуриянинг Кичик Осиёдаги савдо колонияси Ганишдан Саргон олдига вакиллар келганлиги ва улар Ганиш аҳолисининг Бурушхаида шаҳри подшосига қарши олиб бораётган курашига Саргоннинг ёрдам кўрсатишини илтимос қилганлиги ҳикоя қилинади. Бу масала ҳарбий кенгаш муҳокамасига қўйилиб, узоқ йўлнинг қийинчиликлари ва галаба қилиш имкониятлари синчиклаб мулоҳаза қилиб кўрилгандан кейин, Саргон ўз қўшинларини узоқ Кичик Осиёга юборган. Ганишга жуда катта ёрдам қилган ва шимоли-гарбда кўп ерларни истило қилган. Шундай қилиб, Саргон бутун Олд Осиёда тавҳо гегемонликни даъво қилувчи ғоят катта ҳарбий давлат барпо қилган. Саргон «турт иқлим подшоси» деган унвонида узининг кенг ҳарбий-савдо сиёсати олиб боришга интилганлигини ёркин ифода қилади.

Бироқ бу истилочилик сиёсатининг салбий томонлари ҳам бўлган. Истило қилинган мамлакатлар ва бўйсундирилган халқлар Аккад билан ягона бир давлат бўлиб қўшилиб кета олмаганлар, улар истилочининг асоратидан қаттиқ азоб тортганлар. Иккинчи томондан, Саргон узининг 55 йил подшолик даврида олиб борган тўхтовсиз урушлари натижасида Аккад халки жуда кўп қирилиб кетиб, камайиб қолган. Саргон подшолик қилган сунгги йилларда бепоён давлатининг ҳамма ерларида қузғолонлар бошланган, марказий ҳокимият эса, бу қузғолонларни кўп қийинчиликлар билан бостирган.

Римуш (эр. ав. 2313—2305 йиллар)

Шунинг учун Саргоннинг тахт вориси бўлган ўғли Римуш ўз олдига даставвал Шумер ва Элемдаги қузғолонларни бостиришни асосий вазифа қилиб қўйган. Чунки ҳали яқин ўтмишдагина эркин бўлиб, мустақил ҳаёт кечирган давр-лар хотирасини ёдидан чиқармаган бу мамлакатларда қузғолонлар айниқса кучли бўлган. Римуш қузғолон кўтарган

мамлакатларга қарши бир канча юришлар қилиб, исёнчиларнинг қўшинларини тор-мор келтирган, Шумер шаҳарларидаги қўзголонларни бостирган, кейин Эламга бостириб кириб, Суза билан Аван ўртасида Элам қўшинларини қириб ташлаган. Римуш Форс қўлтигининг қиргоқларигача етиб бориб, жанубга ва шаркка караб кетган энг мухим савдо йўллари кесиб ўтган Шумер ва Элам областларини қайтадан Аккадга бўйсундирган. Римуш. ўзига «Қиш подшоси, Элам хужаси» деган дабдабали унвонлар такиб олиб, ўзининг Форс қўлтиғидаи тортиб то Ўрта денгизгача бўлган барча мамлакатларга, шунингдек бу ерларга ёндош тоғли областларга ҳокимлик қилгаилигини гурур билан таништирган. Римуш ўзининг подшолик даврида Саргон юргизган сиесатни давом эттириб, Аккад подшолигининг янада равнақ топишига асос солган. Лекин шунга қарамасдан, Римуш бутун мамлакатда тамомила тинчлик ўрнатишга муяссар бўла олмаган. Римушга қарши унинг «ўз уйидаги хизматкорлар» (сарой амалдорлари бўлса керак) қўзғолон кўтарганлар, ўз мулк (тамғалари) билан Римушни уриб ўлдирганлар. Бу эса худдн сарой тўнтариши бўлиб, натижада эски мустабид ағдариб ташланган, унинг ўрнига янги ҳоким, эҳтимол, унинг укаси ҳокимият тепасига чиққан.

Маништусу (эр. ав 2305—2291 йиллар)

Аккаднинг учинчи подшоси Саргон династиясидан чиққан Маништусу ўзидан олдинги ҳокимларнинг ташқи сиесатини давом эттирган. Масалан, Эламда кўтарилган қўзғолонни бостирмоқ учун Маништусу бу ерга қўшин тортиб келган ва Эламнинг Аншан ва Ширихум областларини ўзига бўйсундирган. Бу ғалаба билан қопиқмасдан, Маништусу ўз қўшинларини Форс қўлтиғи орқали Эроннинг жануби-гарбий областига олиб борган ва бу ерда 32 шаҳар ҳокимларининг иттифоқини тор-мор келтириб, кумуш ва тошга бой конларни босиб олган.

Маништусунинг ички сиёсати, асосан, уч подшолик даврида катта-катта истилолар натижасида вужудга келтирилган катта Аккад подшолигининг ички аҳволини мустаҳкамлаш зарурияти билан белгиланган. Маништусу Шумернинг обрўли коҳинлар аристократиясига катта-катта ҳадялар бериб, уларни ўзига оғдириб олишга ҳаракат қилган. Шумер коҳинларининг қўллаб-қўлтиқлашига муқаррар эришиш мақсадида Маништусу махсус кўрсатма билан худо Шамаш ибодатхонасининг мулк ва даромадлари миқдорини аниқлаб берган, бундан ташқари, бу ибодатхонага назр қилиб 30 талант[1] миқдо-

[1] Талант — қадимги грекларда оғирлик ўлчови, ҳозирги вақт ҳисобига чақиб ҳисобланганда бир талант 150 граммга тўғри келади.

рида олтин ва кумуш ёмби берган. Маништусу Эламда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Элам коҳинларини ҳам ўз томонига қаратиб олишга ҳаракат қилган. Масалан, у ўз хайкалини Элам худоси Нарутига бағишлаган. Маништусунинг ер масаласидаги сиёсати характерлидир. Унинг давридаги обелисклардан бирида сақланиб қолган туртта ёзувда подшонинг Киш яқинидаги ва бошқа шаҳарлардаги бир қанча одамлардан катта-катта ер-мулклар сотиб олгаилиги жуда қисқа ва бир қадар ноаниқроқ тарзда кайд этилган. Маништусу бу ерларни жамоалардан сотиб олгаи бўлса керак дейишга асос бор, чунки ер сотган шахслар «бирадарлар» ва «болалар» деб аталган. Аслда бу жамоаларда «дала хўжаликлари» ва «дала оқсоқоллари» раҳбарлик мавқени тутган ва улар жамоалардан ажралиб чиққан энг қадимги кулдорлар табақасини ташкил этувчи уруг аристократияси составига кирган. Маништусу обелискдаги ёзувда «кумушхўрлар» деб (у вақтда савдогарларни, яъни кумуш олувчиларни шундай деб атагаилар) худди ана шу зодагон ва бой аристократлар олига олинган. Жамоаларнинг бу энг бой ва нуфузли бошликлари жамоа ерларини подшога сотиб бериб, подшо ер фондининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига ёрдам берган бўлсалар керак. Иккинчи томондан, подшо бу ерларнинг бир қисмини маълум шартлар билан кўшинда куп ишлар қилган ва секин-аста таркиб топиб келастган, ўз мулкларида қуллар меҳнатини эксплуатация қилувчи ер зодагонларига бўлиб берган бўлиши ҳам мумкин. Маништусу обелискдаги ёзувда, подшо сотиб олган ерларга Аккад амалдорлари ва коҳинларидан бир қанча одам ҳамда Шумер аристократлари кўчириб келтирилган дейилади, бу кўчирилганлар орасида Умма (Гишху) патэсисининг авлодлари ва Лагаш патэсисининг ўғли ҳам бўлганлиги айтилади. Подшонинг бу тадбирлардан муддаоси фақат ўз қулидаги ерларни кўпайтиришгина бўлмай, балки, шу билан бирга, катта-катта ҳадялар бериб, Шумер ва Аккаднинг нуфузли зодагонларини ўзига қаратиб олиш ҳамда уларни марказий ҳокимиятнинг бирмунча назорати остига, афтидан, иктисодий контроли остига олиб, подшо саройига яқинлаштиришдан иборат бўлса керак.

Нарамсин (эр. ав. 2290—2254 йиллар)

Аккад чегараларини яна ҳам анчагина кенгайтирган Нарамсин даврида Аккад подшолиги ўз равнақининг энг юксак чўккисига чиққан. Аккаднинг бундан олдин ўтган бошқа подшолари синғари. Нарамсин ҳам, дастлаб подшолик қила бошлагаи пайтларида бир қанча кўзғолонларни бостиришга мажбур бўлган. Нарамсин 9 армияни ва 3 подшони (Аккад подшосига қарши бош кутариб чиққан Урук, Умма


ва Ниппур ҳокимларини бўлса керак) енгганлигини фахр билан гапирган. Бундан кейин Аккаднинг ўзида ҳам кўзголон бошлапиб, Нарамсин бу кўзголонни ҳам бостирган. Ўзидан олдин ўтган подшоларнинг ҳарбий юришларини давом эттириб, Нарамсин Сурияга бостириб кирган ва Ўрта денгизгача бориб етган. Нарамсин Элам устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга урниб, бу тоғли мамлакатга карши кўшин тортиб борган ва Аван ҳокимини ўзи билан шартнома тузишга мажбур этган; Элам тилида тузилган бу шартномаиинг тексти бизиинг замонамизгача сақланиб қолган. Аммо Нарамсин бу билан қаноатланиб қолмаган. Нарамсин Аккад подшолигипинг чегараларини шимол томонда ҳам, жануб томонда ҳам кенгайтиришга уринган. Дияр-бекрнинг шимоли-шарқидан Нарамсин сурати ўйиб ишланган безальт[1] лавҳа топилган, бу Аккад қўшинлари Юкори Даклапиинг анча ичкарисига кириб борганлигини кўрсатади. Нарамсиннинг узоқ Маган (Арабистонда бўлса керак) мамлакатига килган ҳарбий юриши айникса катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳайкаллар ва идишлар ясаш учун ишлатиладиган қора диорит ўша Магандан келтирилган. Жануб томонга қилинган бу юриш жанубдаги узоқ мамлакатлар билан янги савдо алоқалари ўрнатиш мақсадида Арабистонга йўл очиб бериш керак эди. Бизга маълумки, Иккидарё оралигида топилмаган қимматбаҳо материаллар чунончи, порфир, олтин заррaларн ва турли қимматбаҳо тошлар Нарамсин даврида Мелухха мамлакатидан келтирилган.

Нарамсиннинг истилочилик сиёсати натижасида кучли Аккад подшолиги анча мустаҳкамланган, мамлакат ичида ҳам, қушни мамлакатлар ўртасида ҳам унинг обрўси ошган ҳамда бу билан ташқи савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва кучайтириш учун имконият туғилган. Нарамсиннинг ўзига «Илоҳий Нарамсин, Аккаднинг қодир худоси» деб дабдабали унвон бериши Аккад подшолигининг қудрати юксалганлигини аниқ кўрсатувчи ёркин бир далилдир. Ўша вақтларда Аккад подшосини нуқул илоҳий зот сифатида ҳурмат қила бошлаганлар. Сузада топилган бир ёдгорликда Нарамсин ўз армиясига бош бўлиб, тоғли мамлакатларга йўл олганлиги ва мағлубиятга учраган душманни тиз чуктирган илоҳий қаҳрамон сифатида турганлиги тасвирланган. Нарамсин ҳайкалининг бир синиқ парчасида «Турт иқлим мамлакатларининг ҳаммаси унинг олдида бош эгади» деган муҳим ёзув сақланиб қолган.

Нарамсиннинг истилочилик сиёсати эртами-кечми қўшни давлатларнинг ташкилий зарбасига учраши муқаррар эди.

[1] Базальт — вулқон тошларининг бир тури.

Ҳақиқатан ҳам, қудратли Аккад истилочи подшолигининг сўнгги йилларида унга қарши даҳшатли коалиция ташкил бўлган. Бу коалиция хеттлар подшоси, қадимги Осуриянинг Кичик Осиёдаги, ҳозирги Култепа ўрнидаги колонияси бўлган Ганиш подшоси, Курсаура подшоси, Амурру подшоси, Паранш подшолари ва Аман райони (Сурияда бўлса керак),



Эшнуннада Нарамсин саройининг фасади.

Реконструкция

«Кедрлар мамлакати» подшосидан ташкил топган. Аккад шаҳар аҳолисининг иқтисодий ўрта табақалари, ўз мустақиллигини тиклашга уринган баъзи шаҳарлар ҳам бу коалицияга қўшилган. Аммо Нарамсин ўз душманларини тор-мор келтиришга ва улар билан бўлган шиддатли курашлардан сўнг ўзининг илгариги босиб олган беполён ерларининг бир қисмини ҳатто сақлаб қолишга ҳам муваффақ бўлган.

Саргон династиясидан чиққан сўнгги подшо Шаркалишарри (эр. ав. 2253—2230 йиллар) ўзидан олдин ўтган подшолар истило қилган ерларни сақлаб қолиш мақсадида Аккад душманлари билан шиддатли кураш олиб боришга мажбур бўлган. Бу даврга оид бўлган озгина ёзувларда Шумернинг кўзголонининг бостирилганлиги, гарбда аморийлар ва шарқдан Месопотамияга бостириб кирган эламликлар устидан галаба қозонилганлиги ҳикоя қилинади. Бир замонлар

қудратли бўлган Аккад подшолигининг ҳалокат даври бошланган. Загр тоғларида яшовчи тоғли гутийлар қабиласи шарқ томонидан Месопотамияга бостириб кириб, бутун мамлакатни вайрон қилган ва уни ўз ҳокимиятига бўйсундирган.

Гутийларнинг Месопотамияни ишғол қилиши (эр. ав. 2228—2104 йиллар)

Аккад подшолари ўз давлатининг шарқий чегараларини гутийлар ҳужумидан ҳимоя қилиб, уларга қарши доим кураш олиб борганлар. Ниҳоят, ёввойи гутийлар галасининг қаттиқ сикувига бардош беришнинг ҳеч қандай иложи қолмаган. Гутийлар тез вақт ичида бутун Месопотамияни босиб олганлар ва бўйсундирилган бу мамлакатни хонавайрон қилганлар, халқларини шафқатсиз қирганлар. Бу даврга оид шумерча ва семит ёзувларида бахтсизликка дучор бўлган ва хонавайрон қилинган бу мамлакат бошига келган фалокатлар жуда яхши тасвир қилинган. Масалан, бир ёзувда «қизлари гутиплар жабридан нолиб йиглаган» шаҳарларнинг узундан-узоқ рўйхати курсатилган. Худо Нинибга атаб ёзилган шумерчалар гимнида гутийларнинг шафқатсизликлари бундай таърифланади:

Мамлакат шафқатсиз душман қўлида
Худолар асир килиб олиб кетилади
Мажбурият, соликлардан азобдадир эл
Қаровсиз колгандир ариқлар, сойлар
Дажлада қатнамайди энди кемалар,
Қакраб ётипти суғорилмай ерлар
Хосил бермайди экинзор далалар

Бироқ Месопотамиянинг ҳамма ўлкалари ҳам босқинчиларнинг қаттиқ жабр-зулмига бир хилда дучор қилинмаган. Шумернинг жанубий қисмида осойишталик ҳукм сурган. Бу ердаги шаҳарларнинг ҳокимлари тўлов пули билан гутийлар асоратидан қутулган бўлсалар керак.

Гудеа (эр. ав. XXIII аср)

Қадимги Шумер шаҳарлари Аккадпинг кучсизланишидан фойдаланиб, ўзларининг ташқи савдо-сотиқ ишларини тиклаш ва хатто кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. Натижада Шумернинг қадимги маданий марказлари, айниқса Лагаш яна равнақ топган. Ўша вақтда Лагашда патэси Гудеа ҳокимлик қилган. У гутийлар подшосига карам бўлган бўлса керак. Гудеа гутийлар подшосига оғир хирож тўлаб, ундан қутулиб олган ва ўша қимматбаҳо ҳадялар, олтин ёмбилар, қимматбаҳо материаллардан ясалган буюмлар, тахта-курсилар, қимматли қуроллар бериб, ўз шаҳрини келгиндилар истилоси хавфидан сақлаб қолган. Гудеа қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатда бўлиб ва шу туфайли вужудга келтирилган осо-

йинталикдан фойдаланиб, ташқи савдони кенгайтириш ва ўз шаҳрини ҳашаматли бинолар билан безатиш пайига тушган. Бу замондаги ёзувларда Гудеанинг қурилиш соҳасида олиб борган катта фаолияти муфассал баён қилинган. Ибодатхоналар қуриш учун зарур бўлган материаллар турли мамлакатлардан, кўпинча узоқ-узоқ мамлакатлардан келтирилган. Бир ёзувда «Нингирсу ибодатхонасини қурмоқ учун Эламдан



Патэси Гудеанинг ҳайкали.

Париж. Лувр.

эламликлар, Сузадан сузаликлар келган. Маган билан Мелуххадан эса тоғлардан ёғоч келтирганлар», дейилган. Кедр ёғочларининг энг қимматли навлари Ливан ва Аман тоғларидан келтирилган. Мармар «Тидандан, Амуррудаги тоғдан», мис, олтин заррачалари ва турли ёғочлар Мелуххадан тоғларидан, ҳайкаллар учун диорит Маган мамлакатидан, яъни Форбин Арабистондан келтирилган. Буларнинг ҳаммаси ўша вақт-

да Шумер ташқи савдосининг анча равнақ топганлигини кўрсатади. Гудеа замонида ибодатхоналар қурилиши жуда кенг кўламда олиб борилган. Лагашга бутун йил давомида махсус карвонларда катта-катта тошлар ташиб турилган. Ибодатхоналар олдиндан тузилган аниқ план ва чертёжлар асосида қурилган. Гудеанинг ўзи айниқса архитектура санъатини жуда рағбатлантирган ҳоким сифатида тарихда қолган. Гудеанинг сақланиб қолган кўпгина ҳайкалларида у магрурона ҳолатда турган ҳоким ёки саркарда сифатида эмас, балки тиззаларига ёзиб қўйилган қурилиш чертёжига диққат билан кўз тикиб турган камтарин бир одам қиёфасида гасвирланган. Сопол цилиндрларда сақланиб қолган ёзувларда бу ибодатхоналарнинг қурилиши муфассал тасвир этилган.

Бу ёзувлардан бирида, Гудеанинг гўё каромат ли тушга ишониб, Лагашдаги Энинну ибодатхонасини қайтадан қуришга киришганлиги ҳикоя қилинган. Патэсининг буйругига биноан, қурилиш ишларини бошлаш олдидан шаҳарнинг ҳамма ери ахлатдан тамомила тозаланган, шаҳарнинг барча аҳолисига бу қурилишга ҳам умумхалқ гашгашасига тайёрлангандек гайёрланиш буюрилган; бу умумхалқ байрами вақтида судлашишлар тўхтатилган, жодугарлар хайдалган ва бутун халқ йиғилиб ибодат қилган. Қурилишнинг биринчи тошини шаҳар ҳокимининг шахсан ўзи қўйган ва қурилишга ўзи раҳбарлик қилган. Гудеанинг қурилиш ишидаги гайрати содда услубдаги бир ёзувда: «Ўз бузоқчасига тикилган сигир каби, Гудеа ҳам ибодатхона қурилишига ўзининг бутун меҳрини берди», деган сўзлар билан таърифланган. Ибодатхона жуда кўп барельефлар (ўймакор суратлар) ва ҳайкаллар билан безатилган. Унда табаррук сув учун махсус ҳовуз қазилган. Ибодатхона атрофида каптарлар боғи, балиқлар ҳовузи, эввойи паррандалар боғи қурилган. Ибодатхона хазинасига катта бойликлар тупланган. Ибодатхона қурилиб тамомланган тантанали кунда у ерга худоларнинг ҳайкаллари олиб келиб қўйилган. Гудеа вақтидаги ёзувлар ҳам бу замондаги шумерийлар маданиятининг умумий равнақидан гувоҳлик беради, бу ёзувлар эса, қадимги шумерийлар адабий услубининг классик намунасидир.

Гутийлар буйсундириб олган Месопотамияда 125 йил ҳукмроилик қилган. Маданий жиҳатдан орқада бўлган гутий қабилалари бу даврнинг охирларига бориб маданий жиҳатдан тараққий қилган Аккад ва Шумер қабилалари билан маълум даражада қўшилиб кетган. Гутий подшолари анча юксак қадимги Шумер маданиятини қабул қилганлар ва ўз ёзувларида Аккад тилидан фойдалана бошлаганлар. Лекин Иккидарё оралиғининг аҳолиси келгиндиларни ёмон кўрган.

Гутийлар ҳокимиятига қарши қайта-қайта қўзғолонлар бўлиб турган бўлса керак. Ниҳоят, аста-секин кучайиб борган Шумер келгинди ҳокимларга очиқдан-очиқ қарши чиққан. Урук подшоси Утухэгаль гутийлар подшоси Тириканга қарши қўшин тортиб борган. Тириканни ўша замон ёзувларида «тоғлар аждарҳоси, худолар душмани, Шумер подшолигини тоғларга олиб кетувчи» деб атаганлар. Утухэгаль қонли жанглардан сўнг гутийлар устидан қатъий ғалаба қозонган, Тириканнинг жанг майдонини ташлаб қочишга мажбур этган, унинг қўшинларини тор-мор келтириб, Тириканнинг ўзини эса асир қилиб олган. Гутийларнинг Месопотамиядаги ҳукмронлиги ана шу тарика тамом бўлган.

Урнинг III династияси (эр. ав. 2118–2007 йиллар)

Гутийлар ҳайдаб чиқарилгандан сўнг, Месопотамияда ҳокимият Шумернинг энг қадимги шаҳарларидан бири Урнинг III династиясига мансуб бўлган қудратли подшолар қўлига ўтган. Ўша даврдан сақланиб қолган жуда кўп ёзувлар бизга ўша даврнинг хўжалик, ижтимоий ва давлат тузумини, шунингдек Ур подшоларининг ташқи сиёсатларини ёркин тасвирлаб беради. Бутун Месопотамиянинг ягона ва марказлашган бир давлат қилиб бирлаштирилиши деҳқончилик хўжалигининг янада ривожланишига сабаб бўлган. Марказий ҳукумат ирригация тармоқларини яхши сақлаш ва янгитдан кенгайтиришда хусусан кўп жонбозлик кўрсатган. Янги каналлар казилган, бу каналларнинг Умма яқинидаги қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Бу вақтга келиб ибодатхона хўжалиги ниҳоятда тамомила деярли ютиб юборган йирик давлат хўжалиги айниқса кенг ривож топган. Давлат хўжалиги тўғрисида қўлимизда жуда кўп маълумот бор, бу маълумотлар хўжалик ҳисоботига доир ва яхши сақланган кўплаб-кўп ҳужжатлардан олинган. Бу ҳужжатларга қараганда, давлатга қарашли ғоят катта ер мулкида кўпроқ қул, чўрилар ва озгина эркин ёлланма хизматкорлар ишлаган. Бу вақтларда синфий табақаланиш анча тараққий қилган бўлса керак. Эски қишлоқ жамоалари бузилиб, ундан, бир томондан, бадавлат ўрта табақалар, иккинчи томондан — хонавайрон бўлган, ё чек ерларидан бутунлай маҳрум бўлган, ёки арзимаган бир парча ери қолган камбағаллар ажралиб чиққан. Бу камбағаллар ўз оилаларини боқиш учун натура билан бериладиган арзимас ҳақ бараварига катта аристократлар мулкида ёки давлат хўжалигида ишлашга мажбур бўлган. У камбағаллар тобора кўпроқ хонавайрон бўлиб, қарздорлик асоратига тушиб қолганлар ёки қулга айлантирилганлар. Шу даврга оид бир ҳужжатда кескин синфий табақаланиш манзараси ёрқин тасвир

этилади, бу хужжатда Лагашда яшаган ҳар хил кишиларга қарашли ер мулкларининг катта-кичиклиги баён этилган. Масалан, бош коҳиннинг 36 гектар ери бўлган, унинг ёрдамчисининг 18 гектар, хўжалик мудирларининг ҳар қайсисида 15 гектардан, аммо, шу билан бирга, майда ер эгаларида $^5/_6$ гектардан $1^1/_2$ гектаргача ер бўлган.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан чорвачилик билан боғдорчилик ҳам анча ривожланган; буни ҳам ўша вақтларнинг ёзувлари кўрсатиб турибди. Қишлоқ хўжалиги ривожланганидан кейин ҳунармандчилик ишлаб чикариши ҳам тараққий килган; буни эса сават ўкийдиган, жун, металл ва ҳоказолар ишлайдиган катта-катта ҳунармандчилик устахоналарининг махсулотлари тўғрисидаги бир қанча ҳужжатлардан кўриш мумкин. Тери, жун, ёғоч ва мис сақлайдиган омборларнинг хисоботлари ҳам сақланиб қолган. Хўжалик, умуман олганда, хали ўзининг қатъий патурал характерини сақлаб колган. Ниппур яқинида жуда ҳам катта омбор курилган. Бу омборда аҳолидан патурал билан олиниб, Ниппур ибодатхонасига тушадиган солиқлар, яъни ғалла, сабзавот, мева ва бошқа нарсалар сақланган. Аммо, шу билан бир қаторда, ички савдо ҳам, ташқи савдо ҳам, борган сари кўпроқ ривожланган. Хилма-хил маҳсулот ва буюмлар билан савдо килган дўконларнинг ҳисоботлари бизнинг давримизгача сақланган. Савдо-сотиқнинг ривожланган пули муносабати билан қадоқ металл пуллар, асосан, кумуш ёки сифатидаги пуллар кўпроқ ишлатилган.

Давлат жуда марказлаштирилиб, хуло ларажасига кўтарилган танҳо подшо ҳокимияти остида бўлган. Шгарилари деярли мустақил ҳолда яшаб келган кичик-кичик давлатларнинг мустақил ҳукмдорлари бўлган патэсилар подшо томонидан тайинланадиган ҳокимларга, олий ҳукмдорнинг иродаси билан иш қилувчи оддий амалдорларга айлантирилган. Мавжуд ёзувлар патэсиларнинг ўз шаҳарлари билан кам боғланганликларини ва подшо бу патэсиларни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга тез-тез кучириб турганини кўрсатади. Маъмурий вазифалар, суд ва молия-солиқ вазифалари патэси қўлида бўлган, у ибодатхоналар билан яқин алоқада бўлиб иш кўрган ҳамда уларнинг хўжалик бойликларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Энг қадимги суд кодексининг пайдо бўлиши ҳам марказий ҳокимиятнинг кучайганлигини кўрсатади. Бу суд кодексининг парчалари бизнинг замонимизгача сақланиб қолган. Мазкур кодекс оила ҳуқуқи, мерос ва бировнинг болasини ўзига бола қилиб олиш ҳуқукларини белгилайди. Бунда конун чикарувчи мева боғларини ижарага олиш, қўриқлаш, чўпонга ишониб топширилган пода учун

унинг жавобгарлиги, шунингдек қочқин қулларни бекитганларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари билан кўпроқ қизиққан. Бундан ташқари, терс қулларни ўжарликлари учун қаттиқ жазолаш тўғрисидаги моддалар ҳам сақлапиб колган.

Хозирги Тель-Асмар деган жойда подшо Эшнуннанинг гоят гўзал саройи қазиб олинганида, бу ердан Эшнуннанинг Билалама қонунлар тўплами топилган эди. Урнинг III династияси қулагандан кейинги Аккаднинг хўжалик ва ижтимоий тузумига оид жуда кўп ва қимматли маълумотлар уша қонунлар тўпламида сақланган. Билалама қонунлари эрамиздан аввалги XX асрга оид бўлиб, мамлакатнинг хўжалик хаётини ва эркин одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бой қулдорларнинг хам, давлаги камрок булган, эхтимолки, тўла хуқукка эга булмаган, аҳолининг ўрта табакаларига мансуб кишилар (мушкену)нинг хам, нихоят, ўз мехнатини сотиб кун кўрувчи камбағалларнинг ва қулларнинг ҳам ўзаро муносабатларини тартибга солган. Шу қонунлар тўпламидаги баъзи моддаларга қарагапда, афтидан, қишлоқ жамоаларидан чиққан кўпгина камбағаллар бой ер эгаларига ёлланганлар; бунда қонун тузувчи иш ҳақининг миқдорини, ёлланувчи ишни килмаганида унинг гарданига тушалиган моддий жавобгарликни, шунингдек хўжайин берадиган овкатни белгилаб берган. Қашшоқлашган кўпгина деҳқонлар иқтисодий жихатдаи бойларга қарам бўлиб қолган бўлсалар керак. Бойлар камбағалларга кумуш билан қарз берганлар ва Билалама қонунининг 21-моддасига кўра, ўрим вақтида қарзни ва унинг юзасидан процентни қоплаш учун маълум миқдорда дон олишга хакли бўлганлар. Эшнунна қонунлари тўплами текстида «сарой» ва унга қарашли чўрилар гилга олинган, бу эса подшонинг катта хўжалиги бўлиб, унда қуллар мехнатидан фойдаланилганлигини кўрсатади. Бунинг устига, подшо хар хил моллар: дон, ёғ, жун, туз, миснинг нархини белгилаб, мамлакатнинг савдо-сотиқ ишларига хам жиддий аралашган. Месопотамиянинг ўрта кисмида, жумладан, маркази Эшнунна бўлган мамлакатда қулдорлик жуда тараққий топганлигини кўрсатувчи моддалар айниқса муҳимдир. Қул, чўри, ҳўкиз ёки «бошқа бирон қимматли буюм» сотиш тўғрисидаги 40-моддада, агар мол олган киши кимдан сотиб олганлигини аниқ айтиб ишни кўрсатиб бера олмаса, уни ўғри деб ҳисоблаш керак деилган. Бошқача айтганда, қонун чиқарувчи бу ўринда кул билан иш ҳайвонияи ва умуман кийматга эга бўлган буюмни фарк қилмайди, бундан анча кейин бўлган Рим ҳуқукидаги «кул буюмдир» деган қарашни ифода қилади. Шу билан бирга, қонун олди-сотдининг конунийлигини, сотувчи-

нинг ҳуқуқдорлигини белгилаш учун маълум кишидан қул, ҳайвон ёки бошқа бирон буюм сотиб олганда қонун белгилаган формага қаттиқ риоя қилинишини талаб этади. Қонун, биринчи навбатда, сарой ва бой-қулдорларнинг, сўнгра эса оддий эркин кишиларнинг мулкий манфаатларини айниқса қаттиқ ҳимоя қилган. Бировнинг экин майдонида ёки уйида кундузи ушланган одам штраф тўлашга мажбур этилган, кечаси ушланган одамга эса ўлим жазоси берилган. Қонунга хилоф тарзда чўрини тортиб олган кишига қаттиқ жазо берилган. Ниҳоят, оила ҳуқуқига оид моддаларда оила қулдорлиги формаси, жумладан ўз қизини қуёвга маълум ҳақ бараварига сотиши кўрсатилган.

Урнинг III династия подшолари бутун Олд Осиёда қудратли Шумер-Аккад подшолигининг гегемонлигини ўрнатиш мақсадида, бирлашган бутун Месопотамиянинг катта хўжалик манбаларидан фойдаланиб, зўр гайрат билан истилочилик сиёсатини олиб борганлар. Бу истилочилик сиёсати подшо Шульги даврида (эр. ав. 2100—2042 йиллар) ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган. Подшо Шульги шарқий тогликларга, сумуру ва лулубей қабилаларига қарши 9 марта қўшин тортиб борган, Эламга бостириб кирган, Аншанни вайрон қилган ва бу ерда Шумер патэсисини ҳоким қилиб қолдирган. Шульги шарқда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, кейин шимолга қараб отланган ва Субарту мамлакатини ҳамда Дажланинг юқори оқими бўйлаб жойлашган областларни босиб олган. Ниҳоят, Шульги узоқ шимоли-гарбга кириб борган. У Сурияни истило қилган ва ўша вақтларда Шумернинг ва Шумер маданиятининг кучли таъсири остида бўлган Кичик Осиёнинг шарқий қисмига ҳам кириб борган. Аккаднинг аввалги қудратини қайта тиклаган катта ва қудратли Шумер-Аккад подшолиги ана шундай вужудга келган. Ўша замонда расмий дин бўлиб борабўлган подшога эътиқод қилиш Ур подшолари қудратининг ташқи ифодаси бўлган. Ур подшолари ўзларини худо деб эълон қилганлар. Шульги ўзини худо қатори ҳурматлашга мажбур қилган. Шульги шаънига ибодатхоналар қурилган, унинг ҳайкалларига атаб қурбонлик қилинган. Урнинг илоҳий подшоси Гимильсин шаънига хатто Аккад шимолида жойлашган Диалага яқин бўлган узоқ Эшнуннада ҳам таптанали дипий маросимлар ўтказиб турилган.

Аммо Ур ҳукмроилиги узоқ давом этмаган. Гарбдан даҳшатли хавф туғилган. Даштда яшовчи кўчманчи аморий қабилалари Иккидарё оралиғининг серҳосил областларига ва бой шаҳарларига борган сари тез-тез ҳужум қилиб турганлар. Гимильсин бу қабилаларга қарши қаттиқ кураш

олиб борган ва ҳатто уларнинг ҳужумидан мудофаа қилиш учун «аморийлар девори» қурдирган. Лекин аморийларнинг шиддатли ҳужумларини ҳеч нарса билан тўсиш мумкин бўлмай қолган. Ур подшолиги ғарбдан бостириб келаётган аморийларга, шунингдек шарқдан ҳаракат қилиб келаётган эламликларга қарши курашавериб, борган сари ҳолдан тойган. Ниҳоят, Урнинг сўнгги подшоси Иби-синнинг қўшинлари Ургa қарши бирлашган Мари ва Элам давлатларининг қўшинлари томонидан тор-мор келтирилган. Иби-синнинг ўзини асир тушириб, Марига олиб кетилган. Ур III династиясининг қудратли давлати ана шундай қилиб барбод бўлган (эр. ав. 2007 йил). Унинг харобалари урнида кичикроқ Исин ва Ларса подшоликлари вужудга келган.

Бироқ Ур хукмронлиги Олд Осиё мамлакатларида яшовчи кўпгина халқларга таъсир кўрсатмай ўтиб кетмаган. Қадимги юксак Шумер маданияти бу халқларнинг маданий ривожланишларига кучли таъсир кўрсатган. Шумер тилидаги Гильгамеш эпоси хетт ва ҳуррит тилларига таржима қилинган. Ҳурритлар ва хеттлар яшаган мамлакатларда Шумер-Аккад худоларига сиғинганлар. Шумер санъатининг сдгорликлари Осуриянинг энг қадимги маркази бўлган Ашшур харобаларидан ҳам топилган. Ниҳоят, Шумерда таркиб топган ҳуқуқий муносабатлар Бобил, Осурия, Қичик Осиё ва Фаластинда ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишига қаттиқ таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, Олд Осиё халқлари қадимги шумерийларнинг маданий меросидан хийла кўп фойдаланганлар.



Шумер қаҳрамони
Гильгамеш икки рудапони
бугиб улдирмоқда.

Урдан топилган
кошинкор расм.



Қуёш худоси Шамашнинг чиқиши.

Бобил мухридан туширилган.

III БОБ

ҚАДИМГИ БОБИЛ

Бобил Месопотамиянинг қоқ ўртасида — Дажла ва Фрот дарёлари бир-бирига якинлашиб келган ерда жойлашган бўлиб, у Кичик Осиё ва Закавказьедан Форс қўлтиғига қараб ва Сурия қирғоқларидан Эрон ясси тоғлигига қараб кетган мухим савдо йўллари туташган ерда бўлган. Бобил ғоят кудратли бир давлат пойтахти, Олд Осиёнинг энг катта савдо, сиёсий ва маданий марказига айланган. Бобил деярли икки минг йил давомида ўзининг бу аҳамиятини саклаб турган. Бобилнинг қулай географик ҳолати унинг шундай аҳамиятга эга бўлишига ёрдам берган. Эрамиздан аввалги уч минг йилликнинг охирларида аморийларнинг кундан-кун кўчманчи семит кабилалари Месопотамияга кириб, Аккад мамлакатидаги жуда катта ерларни босиб олганлар ва шу ерда кудратли давлат барпо этиб, Бобилни давлат маркази килганлар. Тахминан худди ўша вақтда тоғли жойларда яшовчи элам кабилалари шарк томондан Месопотамияга бостириб кирганлар ва Ларсани ўзларининг асосий таянч пунктларидан бирига айлантириб, Шумерда мустаҳкам ўрнашиб олганлар. Келгинди истилочилар босиб олинган мамлакатни тотувлик йўли билан ўзаро бўлишиб ола олмаганлар. Аморийлар билан Элам кабилалари ўртасида рақобат бошланиб, бутун Месопотамияда устун бўлиш ва ҳокимлик қилиш учун муқаррар суратда вужудга келган кураш авж олиб кетди. Курашда Бобил подшолиги голиб чиққан ва бу подшоликда аморийлар династияси (эр. ав. 1894—1595

йиллар) мустаҳкамланиб олган. Бобил-Аморий подшолиги подшо Хаммурапи даврида (эр. ав. 1792—1750 йиллар) айниқса гуллаб-яшнаган. Хаммурапи бутун Иккидарё оралиғини ўз қўл остида бирлаштириб, йирик ва кучли давлат тузган. Ўша даврнинг тарихига оид жуда кўп ҳужжатлар сақланиб қолганлиги туфайли, биз у давр билан яхши таништа оламиз. Бу ҳужжатлар орасида жуда кенг конуплар тўплами, подшонинг маҳаллий амалдорлар билан олиб борган маъмурий ёзишмалари ва, ниҳоят, яқинда топилган ғоят муҳим дипломатик ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади.

Бу ҳужжатларга кўра, Хаммурапи, Ларсада ўрнашиб олган элам ҳукмдорлари Фрот дарёсининг ғарб томонидаги катта Мари давлатининг ҳамда Ўрта ва Шимолий Месопотамия шаҳарларининг подшолари юритган ташқи сиёсат мураккаб ва бош-охири йўқ сиёсат бўлган. Бутун Месопотамияни ўз ҳокимияти остига бирлаштиришни мақсад қилиб олган Хаммурапи булар орасида энг актив ташқи сиёсат олиб борган. Хаммурапи шу мақсадга эришишга интилиб, ўзининг ҳарбий кучларидан, шунингдек, дипломатиянинг турли воситаларидан кенг суратда фойдаланган. У Мари давлатининг подшоси Зимрилим билан ҳарбий иттифоқ тузиб, ўз душманларини бирма-бир тор-мор келтирган. Хаммурапи ўз подшолигининг бошларида Шумер шаҳарлари Исин, Урук ва Урни босиб олган. Сўнгра у иттифоқдоши Зимрилимнинг розилиги билан Ўрта Месопотамияда ҳам ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган. Зимрилим Хаммурапига ёзган дипломатик мактубларидан бирида қуйидаги сўзлар билан Хаммурапига Аккадда бемалол ҳаракат қилишга розилик берган.

«Агар Эшнунна князлари сени тан олсалар. Эшнунна мамлакатининг подшоси бўлиб, унда ҳукмронлик қил. Агарда улар сени тан олмасалар, ўзингдагини... ўтказиб қўй, у уларга подшолик қилсин»

Хаммурапи ўзининг эски рақиби Ларсада маҳкам ўрнашиб олган Элам ҳокими Римсин билан узоқ вақт шиддатли кураш олиб борган. Хаммурапи ўз подшолигининг 31-йилида «худо Ану ва худо Энлиль ёрдами билан Эмутбал мамлакатини ва подшо Римсинни тор-мор келтирган» ҳамда Римсинни кочиб кетишга мажбур қилиб, Шумерни ўз подшолигига қўшиб олган. Хаммурапи Мари подшосининг ҳарбий ёрдамига таяниб, Шимолий Месопотамияга киришга ва Дажла атрофларида ҳамда Фротнинг ўрта оқимида мустаҳкамланиб олишга дадил уринб кўрган. Шимолий Месопотамия ҳам Бобил учун, ҳам Миср учун иқтисодий ва стратегик жиҳатдан

катта аҳамиятга эга бўлган. Шимолий Месопотамиядан ёғоч ва руда, шунингдек турли хил бошқа моллар олиб кетилган. Шарққа, шимолга, шунингдек Кархемиш орқали ғарбга, Сурия шаҳарлари ҳамда Ўрта денгиз портларига борадиган муҳим савдо йўллари шу Шимолий Месопотамиядан бошланган. Ниҳоят, Шимолий Месопотамияда ҳукмронлик қилиш Бобилнинг шимолий чегараларини тоғ



Марилик Ибих-илининг ҳайкали

Париж. Лувр.

қабилаларининг доимий ҳужумларидан сақлашга имкон тугдирган. Шунинг учун ҳам Мари подшоси Зимрилим ва Бобил подшоси Хаммурапи шимолий областларда ўз таъсирларини мустаҳкамлашга баб-баравар ҳаракат қилишган. Мари шаҳридаги архивдан топилган ёзувларда Зимрилим ўзига итоат қилувчи князлар ва ҳокимлар орқали Шимолий Месопотамияда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб борганлиги, ўзини бу мамлакатнинг ҳокими деб

ҳисоблаганлиги ва ҳатто «Юкори мамлакатлар подшоси» деб атаганлиги баён қилинган. Бироқ Зимрилим бу мамлакатда ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун қўшинга таяниб иш кўришга ва баъзан курол ишлатишга мажбур бўлган. Зимрилим ҳам, Хаммурапи ҳам Субарту қабилалари устига ўз қўшинларини юбориб, Месопотамиянинг шимолида баъзи холларда биргаликда ҳарбий харакат қилган бўлсалар керак. Чунончи, Зимрилим Субартуга қарши курашган вактида унинг ихтиёрига Хаммурапи 3 минг аскардан иборат ёрдамчи отряд юборган. Бироқ Зимрилим бу ёрдамни кам деб ҳисоблаб, Бобил подшосига мурожаат қилиб хат ёзган ва бу хатда ёрдамга кўпроқ кўшин юборишни, «Юқори мамлакат» билан уруш олиб бориш учун шундай кўп қўшин зарурлигини баён қилган. Лекин Юқори Месопотамияда ана шундай биргаликда қилинган ҳарбий ҳаракатлар Бобилнинг янада кучайишига олиб борган, холос. Хаммурапи, Шимолий Месопотамияда мустаҳкамланиб олиб, яқиндагина ўзининг иттифоқчиси бўлган Мари давлатига қарши отланган. Хаммурапи подшолигининг 33-ва 35-йилларида икки марта шиддатли ҳужум қилганидан кейин, бир замонлар қудратли ва бой бўлган бу подшоликнинг пойтахтини босиб олган ва вайрон қилган. Тахминан айни шу вақтда Хаммурапи Эшнунна областидаги Диала дарёси бўйларидаги ерларда ҳам мустаҳкам ўрнашиб олган. Бундан ташқари, Хаммурапи Бобил билан бир оз алоқада бўлган Мари подшоси орқали Сурия савдо шаҳарлари билан иқтисодий алоқа боғлашга бир неча марта ҳаракат қилган. Маридаги архивдан топилган дипломатик ҳужжатларда Бобил билан Шимолий Суриядаги Угарит давлати ўртасида дипломатик муносабатлар бўлганлиги кўрсатилади. Масалан, ўша даврга оид бир ҳужжатда бундай дейилади:

«Зимрилимга (Мари подшосига — *В. А.*) айтгин: Сенинг биродаринг Хаммурапи бундай дейди: «Угаритнинг одами менга ҳозиргина қуйидагиларни ёзиб юборди: «Менга Зимрилимнинг резиденциясини кўрсат. Мен бу резиденцияни кўрмоқчиман». Хозир сенга ана шу чопар билан унинг углини юборяпман».

Хаммурапи кодекси

Подшо Хаммурапининг базальт устунга архаик миххат билан ёзилган машхур қонунлар тўплами Бобил подшолигининг хўжалик ва ижтимоий тузумини ўрганиш учун энг муҳим манбадир. Устуннинг юқориги қисмида тахтда ўтирган қуёш худоси Шамаш олдида тантанали суратда турган подшо Хаммурапи тасвирланган. Устуннинг бошқа ҳамма жойи 247 моддадан иборат қонунлар тўпламининг миххатда ёзил-

ган текстн билан банд қилинган. 35 модда ёзилган бешта устунчадаги текст қириб ташланган, буни шу устунчаларни ўлжа қилиб Сузага олиб кетган Элам истилочиси қилган бўлса керак. Бу кодекснинг бошқа нусхалари ҳам топилган-



Хаммурапи худо Шамаш олдида. Қонунлар тўплами ёзилган устундаги бўртма расм.

Париж. Лувр.

лиги туфайли, унинг кириб ташланган текстини ҳам тиклаш мумкин. Қадимги Бобилдаги мирзалар ва судьялар бошқаларни ўқитиш мақсадида, шунингдек суд ишларида кодекснинг ана шу нусхаларидан фойдаланганлар.

Хаммурапи кодекси Бобил қонунчилигига кучли таъсир кўрсатган қадимги Шумер қонунларини янада ривожлантирган ва уларни маълум бир тартибга солган. Хаммурапи қонунлар тўплами Шумер суд ҳукмлари тўпламига қараганда анча системали тузилган ва унда қонун чиқарувчининг мазмун жихатидан бир-бирига яқин бўлган моддаларни бир

группа қилиб бирлаштиришга интилганлиги очиқ кўриниб туради. Лекин шундай бўлса ҳам, ушбу қонунлар тўпламини чин маънода кодекс деб бўлмайди, бу кўпроқ айрим юридик ҳужжатлар (жанжалли ишлар ҳақидаги ҳужжатлар) тўпламидир. Мазкур тўплам уч қисмга бўлинган: 1. Кириш, 2. Қонунлар, 3. Хулоса. Кириш қисмида кодексни чиқаришдан мақсад мамлакатда ҳаққоният ўрнатишдир, деб кўрсатилган. Бунинг кетидан подшо ўз унвонларини бирма-бир кўрсатиб ўтган, ўзининг улуғворлигини кўкларга кўтариб мақтаган, ўзининг мамлакатга қилган яхшиликларини айтган. Тўпламнинг ўрта, асосий қисмида жиноий ишларга оид ҳужжатлар, суд ишларини юритишга, хусусий мулк ҳуқуқининг бузилишига (ўғирлик ва талаш), жангчилар ҳуқуқига оид моддалар бирма-бир кўрсатиб ўтилган. Айрим моддаларда кўчирилмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари тўғрисида, савдо-сотиқ ишлари, гаровга қўйиш ва олиш ҳуқуқи, оилавий ҳуқуқ тўғрисида, ўз-ўзини майиб қилиш, меъморлар ва кемасозлар ҳақи тўғрисида, иш кучини ёллаш ва қулчилик тўғрисида гапирилган. Тўпламнинг хулоса қисмида подшо халқ олдида қилган хизматларини бирма-бир санаб ўтиб, ўзидан кейин унинг қонунларини адо этувчи подшоларга оқ фотиҳа берган ва бу қонунларга риоя қилмовчи ёки уни бекор қилишга журъат этадиганларни қаҳр билан лаънатлаган.

Экономика ва ижтимоий муносабатлар

Ҳаммурапи замонига оид ҳужжатлар ва асосан унинг қонунлар тўплами мамлакат хўжалик ҳаётининг умумий манзарасини бир қадар тиклашга имкон берган. Катта ва марказлашган давлатда олий ҳокимият ўз қўлида тўпланган гоят кўп ер фондига таяниб туриб, мамлакат хўжалик ҳаётига аралашган ва унинг ривожланишини йўлга солишга уринган. Қурилиш материалларига доимо эҳтиёж катта бўлганлигидан, подшо ўрмонларни қўриқлаш юзасидан бир қанча тадбирлар кўрган. Ўрмонзорлар алоҳида-алоҳида «ўрмон участкалари»га бўлинган ва бу участкалар ўрмон хўжалигининг бош мудирига бўйсунувчи махсус «участка мудирлари» қарамоғида бўлган. Сақланиб қолган бир ҳужжатда, подшо ўрмон хўжалигининг бош мудири Аблианум ва Синмагир қарамоғига топширилган ўрмон участкаларидан ўғрича кесиб олиб кетилган дарахтлар ҳақидаги масалани текширишни, шунингдек дарахтларни ким кесиб кетганлигини: ўрмон участка мудирларининг ўзларими, ёки «бегона қўлми» (яъни жиноятчими),— аниқлаши буюрган. Ўрмон участка мудирлари дарахтларнинг сақланиши учун жавобгар бўлган. Ўрмон участка мудирлари ўз мансабларидан фойдаланиб, бирон жиноят қилсалар, қатл қилинган.

Бобил подшолиги экономикасида чорвачилик илгаригидек катта аҳамиятга эга бўлган. Кенг ўтлоқлар, даштлар ва тоғ этаклари жуда хам қулай яйлов бўлган. Бу яйловларда жуда кўп подалар ўтлаб юрган. Хаммурапи молларга эгалик ҳуқуқини тартибга солиб, катта-катта подаларнинг эгалари бўлган бой чорвадорлар манфаатини айниқса қаттиқ ҳимоя қилган. Хаммурапи кодексига кўра, иш ҳайвонини ижарага олган киши ижарага олинган иш ҳайвони учун унинг эгаси олдида тўла жавобгар бўлган ва агар ҳайвонга бирон зиён етса (ўлиб қолса, кўзига, шохига, думи ёки бурун тешигига зарар етса), ижарага олган одам бу зарарни эгасига тўлаши лозим бўлган. Бу ҳол жуда кўп чорва подаларининг айрим чорвадор бойлар қўлида тўпланганини кўрсатади, чорвадор бойлар эса молларини кўпроқ камбағалларга сақлаб берганлар. Конуннинг бошқа моддаларида чўпон ўзига топширилган корамоллар учун жавобгар экаплиги ва корамолнинг тамгаси ўзгариб қолса ёки мол ўғирлаб сотилса, чўпон қаттиқ жазоланиши кўрсатилган. Шубҳа йўққи, қонун чиқарувчи бу моддаларда жуда кўп чорва молларига эгалик қилувчи қулдорлар манфаатини ифода қилган.

Месопотамиянинг Дажла ва Фрот дарёларининг тошқинлари натижасида яхши ўгитланадиган ва суғориладиган аллювиал тупроқ деҳкончиликнинг ривожланишига анчагина катта ёрдам берган. Деҳкончилик Бобил даврида ҳам ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб қолган. Ўша замонга оид ҳужжатлардан бирида:

«Экинзорлар — мамлакатнинг ҳаёти экаплигини билмайсанми?» деб ёзилган сўзлар Бобилда деҳқончиликнинг аҳамиятини жуда яққол кўрсатиб беради.

У вақтларда ер одатда икки ҳўкиз қўшилган отар, қўпол плуг билан ҳайдалган. Баъзан плугга одамлар ҳам қўшилган; бу эса қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилганини кўрсатади.

Табиий шароитларга кўра, деҳкончилик хўжалигининг ривожланиши маълум даражада сунъий суғориш билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун Хаммурапи ирригация ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берган. Хаммурапи «мамлакатни галла тўла конга айлантириб, ерларни ишлашни осонлаштирганлиги... пароканда бўлиб кетган аҳолини Шумер ва Аккад ерларига тўплаганлиги, бу аҳолини дон ва сувга қондирганлиги, уни фаровонликка ва бахт-саодатга эришгирганлиги» билан фахрланади.

Хаммурапи буйруги билан Нар-Хаммурапи деган канал қазилган. Бу канал «Шумер ва Аккадга мўл кўл сув берувчи, ўз қирғоқларини экин майдонларига айлантирувчи, тоғ-тов

галла етиштириб берувчи ҳамда Шумер ва Аккад аҳолисини доимо сув билан таъминловчи халқ бойлигидир».

Подшо — давлат ҳокимияти суғориш тармоқларини кенгайтириш билан бирга, бу тармоқларни тартибли ҳолда сақлаш учун ҳам ғамхўрлик қилган. Подшо маҳаллий амалдорларга каналларни тозалаш ва ирригация билан боғлиқ бўлган ҳар хил ишларни бажариш тўғрисида доимо фармоилар бериб турган. Агар бутун суғориш тармоқларини тартибли ҳолда сақлаш давлатнинг вазифаси бўлса, бу тармоқларнинг ҳар бир айрим участкасини тартибли ҳолда сақлаш, биринчи навбатда, жамоанинг вазифаси бўлган. Хаммурапи кодексининг 53—56-моддалари шу масалага бағишланган. Кодекснинг бу моддалари ирригациянинг тегишли участкасини тартибли ҳолда сақлаш учун ҳар бир жамоа аъзоси жавобгар бўлган ва, шу билан бирга, агар бирон кишининг айби билан тўғон бузилиб, қўшни участкасини сув босиб кетса, айбдор нобуд бўлган галла ҳақини эгасига тўлаши шарт бўлган. Агар галлани тўлашга айбдорнинг қурби етмаса, кодекснинг 54-моддасига биноан, айбдорнинг ўзи ва унинг мол-мулки сотилиб, шу бояги зарар тўланган. Ўша замонга оид бошқа бир қанча ҳужжатларда суғориш тармоқларини тартибли сақлаш ишлари устидан марказий ҳокимият қаттиқ назорат қилганлиги кўрсатилган. Агар бирон ерда сугоришга сув етишмаётганлиги тўғрисида подшо саройига хабар келиб қолса, саройдан дарҳол маҳаллий амалдорга сув етишмаган ерларни сув билан таъминлаш учун зарур чоралар кўриш ҳақида тегишли кўрсатмалар юборилган. Подшо ерларини ижарага олган кишининг ерлари албатта сув билан таъминланиши зарур бўлган. Ижарага олинган ерларни сугориш учун сув етишмай қолган тақдирда эса маҳаллий амалдорлар бу ерларни суғориш учун зарур чора кўришлари ёки сув билан таъмин қилинган бошқа ерга алмаштириб беришлари керак эди. Буни подшонинг кундан-кун хатлари ҳам кўрсатиб туради. Бу хатларга кўра, ижарага олинган ерларнинг бекамкўст сугорилиб туриши учун маҳаллий амалдорлар моддий жиҳатдан жавобгар бўлган. Ёмон суғорилиш натижасида ҳосил бўлмай қолган тақдирда ернинг ижара ҳақи боқимондасини ижарадор учун маҳаллий амалдор тўлаши лозим эди.

Дон хўжалиги ва чорвачилик билан бирга боғдорчилик хўжалиги ҳам кенг тарқалган. Қадимги Месопотамиянинг гуллаган боққа ўхшаши ва ажойиб мевали дарахтлар ўсадиган жаннат боғи ҳақидаги афсонанинг худди шу мамлакатда келиб чиққанлиги бежиз эмас. Ер эгаларининг манфаатини ҳимоя қилувчи давлат боғ эгаларининг манфаатларини ёқ-

лашни ҳам ўз бўйнига олган. Хаммурапи кодексининг бир моддасида, бировнинг боғидан ижозатсиз кесилган дарахт учун айбдор анча катта штраф: ярим мина (252.5 граммга яқин) кумуш тўлаши керак эди.

Савдо

Бобилнинг қулай географик ўрни савдонинг анча ривожланишига ёрдам берган. Афсуски, Хаммурапи кодексида кўпроқ қайси буюмлар олиб-сотилганлиги ҳақида кам маълумот сақланиб қолган. Лекин аграр мамлакат бўлган Бобил подшолигидан чет мамлакатларга кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқарилган, дейиш мумкин. Кодекснинг 104-моддасида галла, жун ва мой, 237-моддасида эса, бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга, хурмо ҳам товар сифатида тилга олинган. Бобилда савдо ишлари турли формаларда олиб борилган. Ташқи савдо катта аҳамиятга эга бўлган. Энг муҳим савдо марказлари иккита энг катта шаҳар, яъни Бобил билан Сиппардан қўшни мамлакатларга жуда кўп турли хил товарлар чиқарилган. Ўша вақтда Сиппар жун газлама ишлаб чиқаришнинг энг катта маркази бўлган. Шу сабабдан Сиппардан жун газлама жуда кўплаб ташқарига чиқарилган. Сиппардан газлама билан бир қаторда, хусусан Эламга хурмо, мой ва дон чиқарилган. Иккинчи томондан, Эламдан Бобилга металл рудалар (мис, кумуш) олиб келинган. Бобил шаҳарлари Осурия билан қизғин савдо-сотиқ ишлари олиб борган. Шу билан бирга, Осуриядан Бобилга асосан кўргошин ва бошқа хил металлар олиб келинган. Бобил, шунингдек Крит харобаларидан Бобилнинг цилиндрик муҳри топилган, шунга асосланиб туриб, Бобил билан Финикия шаҳарлари ўртасида савдо алоқалари бўлган, дейиш мумкин. Қул сотиш савдосини алоҳида бир тури ҳисобланган. Баъзи ҳужжатларга қараганда қуллар қўшни тоғли Гутиум мамлакатидан олиб келинган. Масалан, бир ёзувда бундай дейилади: оқ баданли қулларни Гутиумдан олиб келиш шарти билан савдогарга мой берилади.

Ташқи савдо билан бир қаторда, жуда кенг ички савдо ҳам мавжуд бўлган. Турли хил товарлар, чунончи, озиқ-овқат маҳсулотлари, жун, ёғоч, ғишт, металлар ва бошқалар дарё ва каналлар орқали ташилган. Бобил ва Сиппар билан бир қаторда, ички савдода Шумернинг ҳам йирик шаҳарлари, масалан, Ларса, Нипнур иштирок қилган.

Йирик савдо асосан давлат қўлида, қисман эса «дамкарлар» деб аталган айрим бойлар қўлида бўлган. Дамкарлар, таваккалига савдо қилганлар, шунингдек асосан подшо саройининг топшириғи билан ва унинг номидан савдо қилганлар, подшо саройи давлат бошқармасининг бош органи бўлиб, йирик, биринчи навбатда, ташқи савдо унинг қўлида

бўлган. Тамкарлар «вакил дамкарлар» деб аталган махсус амалдорлар раҳбарлигида савдо қилганлар. Бу кенг тармоқ ишлаб чиқариш савдоси мамлакатдаги кўпчилик маҳсулот ва товарлар савдосини, хусусан, жун ва балиқ савдосини ўз ичига олган. Йирик кўтара савдо билан бир қаторда, майда, чакана савдо ҳам бўлган. Майда савдогарлар катта-катта бойлардан ёки ибодатхоналардан қарз ёки товарлар олиб, тавакkалига иш кўрганлар. Мулкдор бойларнинг манфаатини ҳимоя қилган Хаммурапи савдо ишларида ҳам йирик кўтара савдонинг қонунда кўрсатилган катта фойдага эга бўлишини таъминлаш учун бир қанча чоралар кўрган. Кодексининг 101-моддасига кўра, йирик савдогардан қарз олган киши, гарчи савдодан фойда қилмаган тақдирда ҳам, олган пулларини икки баравар қилиб қайтариши лозим бўлган. Фақат харбий харакатларда қатнашган кишигина олган қарзларини қайтаришдан озод қилинган (103-модда).

Қарзга олинган дон учун «шу кунинг нархида» пул тўлашни назарда тутган ҳужжатларда кўрсатилишича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг олди-сотти ишлари товарларга нарх белгиланадиган махсус бозорларда олиб борилган. Ҳақиқатан ҳам, турли маҳсулотларнинг нархи умумий хўжалик шароитларига, шунингдек йилнинг фаслларига қараб узгариб турган. Масалан, Урук подшоси Синғашид «3 гур[1] галла, ё 12 мин[2] жун, ёки 10 мин[3] мис, ёхуд 30 ка[4] усимлик мойи, мамлакатда белгиланган нархга кўра, 1 шекель[5] кумушга сотилган. Шундай қилиб, кумуш мисга қараганда 600 баравар, жунга қараганда 720 баравар қимматроқ бўлган, 2 *л* ёғнинг қиймати 1 *кг* жун қийматига баравар бўлган. II Бобил династияси даврида Бобилнинг бирмунча орқага кетганлиги туфайли Урук хўжалигининг анча тараққий қилганлиги сабабли Синғашид замонида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бошқа маҳсулотларга қараганда бирмунча арзон бўлган бўлса керак. Подшо Хаммурапи даврида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Синғашид даврига нисбатан анча қиммат бўлган. Масалан, жун икки баравар, усимлик мойи уч баравар, галла эса икки баравар қиммат турган. Хаммурапи давридаги қимматчилик ўша даврда Бобил олиб борган тўхтовсиз урушлар натижаси бўлса керак. Бу урушлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг анча ошиб кетишига сабаб бўлиб, мамлакатнинг хўжалик ҳаётига таъсир этган.

[1] 757,8 *л*.
[2] 6,06 *кг*.
[3] 5,05 *кг*.
[4] 25,26 *л*.
[5] 8,416 *г*.

Бобил давлатининг ўсиши ва кучайиши муносабати билан Бобил савдогарлари олиб борган ташқи савдо ҳам кенгайиб борган. Масалан, бизга маълумки, бу савдогарлар қул сотиш ва сотиб олиш учун чет мамлакат бозорларига бориб турган. Баъзи бир ҳужжатларда бирон-бир товарнинг нархи ўша вақтда бирон чет мамлакат бозоридаги, масалан, Туплиашдаги бозор нархига қараб белгиланган. Бобил I Бобил династияси даврида аста-секин бутун Олд Осиёнинг энг катта савдо *марказига айланиб* борган.

Аммо Бобилнинг хўжалик тузуми асосан натурал хўжаликлигича қолаверган. Ҳисоб-китобда кумуш қандай роль ўйнаган бўлса, галла ҳам шундай роль ўйнаган. Қишлоқ хўжалик *ходимларига, хўкиз ҳайдовчиларга, подачиларга* тўланадиган меҳнат ҳақи, ёллаб олинган арава, хўкиз ва эшак учун тўланадиган ҳақ, шунингдек подшо амалдорлари ва судьяларнинг маошлари галла билан берилган. Жуда катта ерларга эгалик қилган ва омборларида *турли-туман маҳсулотларни* кўплаб ғамлаб олган давлат бутун ҳисоб-китобни натура билан юритишдан манфаатдор бўлган. Иккинчи томондан, натурал хўжаликнинг ҳукмрон бўлишига жамоа тузуми сарқитларининг мустаҳкам сақланиб қолганлиги ҳам маълум даражада сабаб бўлган. Бирик ва кичик-кичик қишлоқ жамоалари узоқ вақтлар давомида ибтидоий натурал хўжалик шароитида яшаб келган.

Бобил подшолиги гуллаб-яшнаган даврда айниқса кучайган савдо ва судхўрликнинг ривожланиши қадимги қишлоқ жамоалари *ичидаги социал табақаланишни* янада кучайтирган. Бироқ шундай бўлса ҳам, қадимги уруғчилик тузумининг сарқитлари сақланиб қолган, буни Хаммурапи кодексидаги айрим моддалардан кўриш мумкин. Чунончи, яқин қариндоши билан жинсий алоқада бўлган кишига махсус жазо берилган, *бундай одам тугилиб* ўсган жойидан ёки уйидан ҳайдалган (154—158-моддалар). Шубҳасиз, у вақтларда одамлар ўз қишлоқ ва оила жамоалари билан қаттиқ боғланган бўлган «... Айрим асалари бутун асалари уяси билан қандай маҳкам боғланган бўлса,...»[1], одам ҳам ўз жамоа коллективи билан шундай маҳкам боғланган. Шунинг учун ҳам кишиларни ўзлари яшаб турган ва иқтисодий жиҳатдан тамомила боғлиқ бўлган муҳитдан зўрлик билан ажратиб юбориш у замонларда жуда қаттиқ жазо *ҳисобланган. Уруғчилик* тузумининг яна бошқа бир қолдиғи шундан иборат бўлганки, ижара ҳақи тўлайдиган одам, ижара ҳақига яна $^1/_3$ шекель кумуш қўшиб бериши лозим бўлган. Бу қўшимча ҳақ галати ном

[1] *К. Маркс*, Капитал, 1-том, Уздавнашр, 1955, 372-бет.

билан — «қуй майдони» деб аталган. Бу қўшимча ҳақ мол-мулк бошқа уруққа берилган тақдирда уруғ ҳомийлари фойдасига — ота-боболар арвоҳига атаб берилган бўлса керак. «Қуй майдони» деган номнинг ўзи ҳам бу одатнинг одамлар қорамолини пул ўрнида ишлатган энг қадимги замонлардан сақланиб қолганини кўрсатади.

Қулчиликнинг ривожланиши

Хуфия (яширинча) қулликнинг энг қадимги турлари таркиб топган патриархал оила ҳали ўша вақтда катта аҳамиятга эга бўлган ҳамда шунга боғлиқ равишда зулм қилиш ва ҳукмронликнинг энг қадимги формалари вужудга келган. Патриархал оилада ота ва эр доимо хўжайин ҳисобланган ва оиланинг барча аъзолари бу хўжайинга сўзсиз итоат қилишга мажбур бўлган. Ота ва эр ўз оиласининг барча аъзоларига нисбатан туғма қулдор ҳуқуқига эга бўлган. Кўп хотин олиш одати хотинни хор қилиб қўйган.

Хаммурапи кодексининг 129-моддасига кўра, эр «хўжайин» (бел ашшатим) бўлган, яъни хотин эрининг измида бўлган, эр хотинни олишда қайнатага маълум ҳақ тўлаб сотиб олган ва хотин эрнинг чўриси ҳисобланган. Йирик тарихчи ҳуқуқшунослардан бири Кошакер қадимги Бобил ҳуқуқларини ўргашишга оид бир қанча махсус асарлар ёзган, у ўзининг асарларида қадимги Шарқдаги оила тартибларини идеаллаштирган реакцион тарихчиларни қаттиқ танқид қилган. У, қадимги Бобилда эрга теккан хотиннинг ҳақ-ҳуқуқи «тўла ҳуқуқли кишиларга нисбатан паст бўлган, бу нарса баъзи ҳолларда хотинга, ҳуқуқ жиҳатидан олганда, буюм сифатида қараш имкониятини берган» деб кўрсатиш мумкин, дейди. Хаммурапи кодексига кўра, эр-хотин вафодорлиги бузилган тақдирда, эрга бериладиган жазо билан хотинга бериладиган жазо фарқ қилган. Агар эр вафодорликни бузса, хотин ўз ерини олиб, отасининг уйига қайтиб кетиши мумкин бўлган, аммо хотин вафодорликни бузиб қўйса, ундай хотинни сувга ташлаш лозим бўлган. Никоҳ аҳдида агар хотин ўз эридан юз ўгирса, эр хотинига қуллик тамғасини босиб, уни сотиб юбориш ҳуқуқига эга бўлганлиги кўрсатилган. Хотиннинг мол-мулк ҳуқуқи чекланиб қўйилган. Бева қолган хотин ўз мол-мулкига ўзи батамом хўжайинлик қила олмаган. Қонун чиқарувчи ҳар қандай йўллар билан оила мулкларини мумкин қадар бир оила қўлида сақлаб қолишга тиришган. Хаммурапи кодексининг бир қанча моддаларида кўрсатилишича, бева қолган хотин ўз мулкларини ажратиб олишга ҳақсиз бўлган, чунки бу мулклар болалар мероси ҳисобланган ва мероснинг катта улуши катта ўғилга теккан. Бобил замонига оид кундаи-кун хужжатларда болаларни қул қилиб сотиб

юбориш ҳодисалари бўлганлиги кўрсатилади. Баъзи хужжатларга кўра, оиладаги бундай қулларнинг мустақил нархлари бўлган. Бир қанча ёзувларда ота ва эрнинг ўз оиласига нисбатан чексиз ҳуқуққа эга бўлганлиги ва ўз оиласидаги аъзоларнинг ҳаммасини ҳам қул қилиб сотиши мумкинлиги яққол кўрсатилган. Масалан, бир ҳужжатда Шамаш-Дайян деган бир одам бутун *оила аъзоларини* ҳамда уйга қарашли эркак ва аёл қулларни қарзи бадалига сотиб юборганлиги айтилади. Шамаш-Дайян фақат шу йўл *билангина* ўзининг шахсий эркинлигини сақлаб қолган. Бола отанинг мулки ҳисобланган. Хаммурапи кодексининг 14-моддасига кўра, эркин кишининг ёш боласини ўғирлаб кетган киши қатл қилинган.

Қадимги Шаркда бўлган ва Бобил тарихига оид хужжатларда акс этган оила қулчилигининг характерли хусусиятлари ана шулардир. Бу қулчилик *анча кейинги* вақтдаги қулчилик формаларидан ибтидоийлиги ва унча ривожланмаганлиги билан фарқ қилган. Энгельс Шарқдаги шу оила қулчилигини антик дунёдаги ривожланган қулчилик билан таққослаб кўриб, бундай деб ёзган:

«Шарқдаги оила қулчилиги бошқа ган; бу ерда қулчилик тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш иегизини ташкил қилмайди, балки сезилмасдан оилага қўшилиб кетиб, ярим пул билан бу оиланинг таркибий қисмини ташкил қилади»[1]

Қарздорлик орқасида асоратга тушиш бу давр*даги* қулчиликнинг бошқа манбаи бўлган. Деҳқонлар ерга, уруққа ва қўшга, ҳунармандлар *хом ашёга, мавда савдогарлар* эса товарга муҳтож бўлган. Бу кишилар одатда 20% дан то 33% *гача процент тўлаш шарти билан* қарз олганлар. Галла қарз олинганда одатда бир йилда 30%, пул қарз олинганда эса— 20% тўланган. Йирик кишилар ҳам, катта бойлик тўпланган ибодатхоналар ҳам қарз берганлар. Қарздорлар олган қарзларини ва бу қарзлар процентини ўз вақтида тўлаш учун махсус гаров қўйиб (баъзан кўчмас мулк, масалан, уйларини қўйиб) гарантия беришлари ёки учинчи бир одамни кафил қилишлари лозим бўлган. Кафиллик билан берилган қарз ўз вақтида қайтариб берилмаса, масъулият кафил бўлган одам устига тушган. Баъзи ҳужжатларда *кўрсатилишича*, кафил бўлган киши қарзини тўлашга курби етмаган қарздорни асоратга солишга ва ҳатто унинг оиласи ҳамда мол-мулкини ҳам тортиб олишга ҳақли бўлган. Буларнинг ҳаммаси қарзини тўлашга курби етмаган қарздорларнинг тез орада хонавайрон бўлиб асоратга тушиб қолишига сабаб бўлган. Сўнгги мол-мулкидан ажраб, қул бўлиб қолиш олдида турган

[1] *К. Маркс* ва *Ф. Энгельс*; Асарлар, XIV том, 151-бет.

камбағалларни оилан қудратли ва жипслашган қулдорлар синфини ташкил этувчи бойлар ўртасида синфий зиддиятлар кескинлашган. Кучайиб бораётган синфий курашни бир оз юмшатиш мақсадида Хаммурапи қарздорлик орқасида асоратга тушиб қолувчи кишининг шахси ва мол-мулкини қарз берувчининг ҳаддан ортиқ сиқуви ва жабридан бирмунча сақлашга уринган. Масалан, 117-моддада айтилишича, агар қарздор ўз қарзи бадалига хотинини, ўғлини ёки қизини берган бўлса, қарз берувчи киши буларни ўз уйида сақлаб, улар меҳнатидан 3 йилдан ортиқ фойдалана олмаган, 4-йилга ўтганда қарз берган одам уларни озод қилишга мажбур бўлган. Шундай қилиб, қарз берган киши қарздорларнинг қариндошларини узоқ вақт қулликда сақлаб қола олмаган ва, ҳатто қарздор қарзини тўлай олмаган тақдирда ҳам, унинг қариндошларини чинакам қулга айлантира олмаган.

Шу билан бирга, Хаммурапи кодекси қарздорнинг қарз бадалига гаровга берилган ўғлини қарз берувчининг ўзбошимчалигидан ва шафқатсиз муомаласидан қўриқлаган. Кодекснинг 116-моддасига кўра, агар эркин кишининг қарзи бадалига қарз берувчи томонидан гаровга олинган ва ишлаб бериб, отасининг қарзини узишга мажбур бўлган ўғил қарз берувчининг уйида унинг калтаги дастидан ёки ёмон қараши натижасида ўлиб қолгудай бўлса, у ҳолда, қарз берганнинг ўғли ҳам ўлдирилиши лозим бўлган. Шундай қилиб, қарз берган киши қонунни бузиб, қарз олган кишига қандай зарар етказган бўлса, ўзи ҳам шундай зарар кўриши лозим бўлган.

Ниҳоят, қонунлар тўпламида, қарз берган кишининг ўзбошимчалик билан қарздорнинг донхонаси ёки омборидан қарз бадалига ғалласини тортиб олишини ман қилган. Хаммурапи оломон қилиш ва расм-одатнинг қадимги формаларини битириш ниятида ҳуқуқсиз камбағалларга кун бермовчи бойларнинг ўзбошимчалигини чеклашга уринган бўлса керак. Шу сабабдан бу кодекс ҳар қандай бай-муомалаларда юридик ҳужжатлар тузилишини, чигал ва мураккаб ишларнинг ҳар қанақаси ҳам судда муҳокама қилинишини талаб этган ва ҳатто суд процедураси формаларини аниқлаб берган. Хаммурапи қонунларининг прогрессивлиги ҳам ана шундадир.

Хаммурапи кодекси қарз берувчи бой ва қудратли кишиларнинг ўзбошимчалигини чеклашга уринган бўлса ҳам, 115-модда билан қонунга маълум шарх киритган. Бу модда қарздорни мажбурий ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган қарз берувчи кишига баъзи жиҳатдан эркин ҳаракат қилиш имкониятини берган. Мазкур моддада: «Агарда гаров қилиб олинган киши гаровга олган кишининг уйида ўз ажали билан ўлса, бунинг учун даъво қилиб бўлмайди» дейилган. Шуни

асло унутмаслик керакки, Хаммурапи кодекси хар холда қулдорлар манфаатини химоя қилган.

Қамбағалларнинг хонавайрон қилиниши, қарздорлик орқасида асоратга тушиш ва урушлар натижасида мамлакатда қуллар сони кўпайиб борган. Уша замонга оид қонунлар ва расмий ҳужжатларга қараганда, Бобилда қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Маълумки, қулнинг нархи арзон бўлган. Қулнинг нархи ёллаб олинган ҳўкиз нархига, яъни 168,3 *гр* кумушга тенг бўлган. Қулларга буюм деб қарашган, уларни сотиш, айирбош қилиш, тортиқ қилиш, мерос қилиб қолдириш мумкин бўлган. Бордию, қул майиб қилиб қўйилса, ёки ўлдирилса, айблор бунинг учун қул эгасига қулнинг баҳосини тўлаши лозим бўлган. Хаммурапи кодексининг бир қанча моддалари фақат бир мақсадни — қулдорларнинг манфаатини ҳимоя қилишни назарда тутган. «Ўзига тегишли бўлмаган қулни дарвозадан чиқариб юборган» ёки «қочқин қулни уйида яширган» кишини қонун ва ҳокимият ўлим жазосига ҳукм қилган. Агар қул қочиб кетса, қулдор давлат ҳокимиятига қочган қулни тутиш ва қайтариб беришни сураб, ҳамма вақт мурожаат қила олган. Бировнинг қулини ёллаб ишлатган одам қулидан қул қочиб кетган тақдирда у зарарни қул эгасига тўлашга мажбур бўлган. Қулни гаровга қўйган вақтда ҳам гаровга олган одам худди шундай жавобгар бўлган. Қуллар меҳнатининг тоғи шафқатсиз эксплуатация қилиниши туфайли қулларнинг ўз хўжайинларидан қочиб кетиш ҳоллари кўп бўлган. Бобил қонунларининг бир қанча моддалари ва ўша даврдаги айрим расм-одатлар бу ҳолни тасдиқлайди. Қул сотиладиган бўлса, унинг қочқин эмаслигини аниқлаш учун уч кунлик муддат белгиланган. Ўз хўжайинига бўйсунмаган қулга бериладиган жазони белгиловчи 282-модда айниқса характерлидир. Бу моддага кўра, ўжар қулнинг қулоғи кесилган. Хаммурапи кодексида кўрсатилишича, Бобилда қулларга тамға босиш расм бўлган, лекин тамғани ўзгартирган одам қонунга кўра қаттиқ жазоланган.

Бироқ Бобилда қулдорлик ишлаб чиқариш усули тўла равишда ривожлана олмаган. Жамоа формаларининг қолдиқлари, шунингдек уруғчилик тузумининг сарқитлари узоқ вақт давомида сақланиб келган, бу ҳол қадимги Месопотамиядаги ижтимоий муносабатларнинг ҳамда давлатнинг нисбатан тургунлигига ва секин ривожланишига кўп жиҳатдан сабаб бўлган. Хаммурапи кодексининг айрим моддалари бу қадимги қолдиқларнинг Бобилда сақланиб келганлигини кўрсатади. Масалан, 23-моддага кўра, бордию босқинчи-ўғри қўлга тушмаса, етказилган зарарнинг ҳаммасини шу бос-

қинчи-ўғри яшайдиган «жой» тўлаши лозим бўлган. Демак, «жой»да ёки, тўғрироғи, жамоада унинг барча аъзолари учун умумий кафиллик жорий бўлган. Ўша даврга оид расмий ҳужжатларда айрим ерлар оила ихтиёрида бўлганлиги, бундан олдин эса, бу ерлар жамоа ер фондидан ажратиб берилганлиги кўрсатилган.

Ер эгалиги

Бобилда секин-аста бўлиниб кетаётган жамоа ер эгалиги билан бир қаторда йирик подшо ер эгалиги ҳам бўлган. Подшо мамлакатдаги ернинг ҳаммасини ўзига қарашли мулк деб билган ва жамоаларнинг еридан қирқиб, истаган амалдорига тортиқ қилиб беришга ўзининг ҳақли деб ҳисоблаган. Урушлар натижасида давлат қўл остидаги ер фонди кўпайган. Масалан, Хаммурапи Ларса устидан ғалаба қозонганидан кейин, бутун Ларса областини Бобил подшолигига қўшиб олган, Ларса ҳокимининг ерларини эса, подшо ўз ер фондига қўшиб олиб бу ерларни идора қилиш учун махсус амалдор белгилаган. Подшонинг вориссиз қолган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам унинг ер фондининг кўпайишига имкон берган. Ўша замонга оид ҳужжатлардан бирида бу ҳақда жуда аниқ қилиб бундай дейилган: «Бу одам вафот этди. Унинг ерларини Шамашхасирга (Ларсада подшо ерларига бошчилик қилувчи кишига — *В. А.*) топширинг. Подшога қарашли жуда катта ермулклардан унда асосан қулларини ишлатувчи подшо сарой бошқармаси билан бирга, бу ерларнинг бир қисмини ижарага олиб, ижарадорлар ҳам фойдаланган. Ижарадор, ижара ҳужжати, ижарага олинган ер, ижара ҳақи каби тушунчаларни билдирувчи махсус терминларнинг мавжудлиги ерни ижарага бериш тартибининг кенг тарқалганлигини кўрсатади. Ижарага бериш ва олиш иши маълум бир формада тузиладиган ижара шартномасида қайд этилган. Бу шартномада ижара объекти, ижара ҳақининг миқдори ёки ҳосил улуши, ҳақ тўлаш жойи ва муддати, гувоҳларнинг номлари ва шартнома тузилган вақт кўрсатилган. Ер ижарага берилганда алоҳида мароснмлар утказилган, бу маросимлар ижарага берилган ер участкаси ижарага олган кишининг ерига айланганлиги ва унинг қўлига ўтган бўлса ҳам, лекин таги билан унинг мулки ҳисобланмаслигини кўрсатган. Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ижарага олинган ерни ижарага олган киши ўзиники қилиб олмаслиги учун зарур чоралар кўрган. Ижара ҳақи, ёки ўша замоннинг натурал характердаги хўжалигига мос келадиган тил билан айтганда, «ижара ғалласи» одатда натура билан олинган, шу билан бирга, ижарага олган кишининг ижара ҳақи сифатида тўлаши лозим бўлган маҳсулотлар миқдори айрим ҳолларда аниқ кўрсатилган.

Баъзан шартномада *ижара ҳақи тарзида тўланиши лозим бўлган донинг умумий миқдори* кўрсатилган, баъзан маълум миқдор ер майдони ҳисобидан, баъзан эса «ушбу ва сўл тарафдаги ерларни караб», яъни ижара учун шу жойда расм бўлган ҳақ миқдорига караб ижара ҳақи олинган. Айрим ҳолларда ижара ҳақи ҳосил улушидан олинган ва шунга кўра йиғим-терим пактида тўланган. Дон экиладиган ер участкаси ижарага олинса, ижара ҳақи ҳосилнинг учдан бир қисми ҳисобидан тўланган, бог ижарага олинса, ҳосилнинг учдан икки қисми ҳисобидан ижара ҳақи тўланган. Ижарага олинган ердан қанча кўп ҳосил олинса, шунга қараб ижара ҳақи ҳам ошиб борган, деб ўйлаш мумкин. Лекин ижарага олинган богдан кам ҳосил олинса ҳам, бари бир, ижара ҳақи пасайтирилмаган. Бу ҳол Хаммурапи кодексининг 65-моддасидан кўпинча сўрибди. Бу моддага мувофиқ, *олинадиган даромад ерни ёмон ишлаш натижасида камайиб кетса*, ижара ҳақи қўшни богнинг даромадига қараб ҳисобланган, яъни богнинг даромади камайиб кетса ҳам, ижара ҳақи шу жойдаги худди шундай участканинг ўртача даромади ҳисобидан олинган. Шундай қилиб, бог эгаси қатъий ижара ҳақи билан таъмин этилган, унинг богни ижарага беришдан келадиган даромади кўпайса кўпайган-у, аммо ҳеч бир вақт камаймаган. Кўрик ер ижарага олинса, бунда ижара ҳақи жуда оз тўланган, шунда ҳам иккинчи йили тўланган. Баъзан бир неча киши шерик бўлишиб ижарага ер олган, бу ерни биргаликда ишлаб, ижара ҳақи ва бошқа харажатларни тўлагандан кейин қолган ҳосилни баб-баравар бўлишиб олган. Ана шундай коллектив бўлиб ижарага ер олишнинг мавжудлиги жамоачиларнинг хонавайрон бўлиб бораётганлигини, *камбағаллар сони ортиб бораётганлигини ва кескин ижтимоий табақаланишни кўрсатади*. Шу муносабат билан субарсида, яъни ижарахўрлик ҳам пайдо бўлган, бунда йирик ижарадор катта-катта ерларни ижарага олиб, уларни майда қисмларга бўлган ва кейин бу ерларни бошқа кишиларга ижарага берган.

Буларнинг ҳаммаси катта-катта бойликларнинг аста-секин бир туда бойлар қўлида тўпланишига олиб келган. Бу бойлар фақат подалар ва қулларгагина эгалик қилиб қолмай, балки катта-катта ерларга ҳам эгалик қилган; улар бу ерларни, подшодан инъом тариқасида олган ва, баъзи ҳужжатларда кўрсатилишича, сотиб олиб тўплаганлар. Масалан, Ларсадан топилган 26 ҳужжатнинг ҳаммасида ҳам бўш ётган ерларни сотиб олувчи сифатида бир хил кишиларнинг номи тилга олинган. Муомалада янги термин, *хусусий ер эгалиги-*

ни билдирувчи «ота уйи» («бит абиа») термини пайдо бўлган, «ота уйи» отадан мерос бўлиб қолган ер демакдир.

Давлат ҳукмрон қулдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиш ишига бўлган хусусий мулкчиликни турли йўллар билан кўпайтиришга интилган. Подшо амалдори бирон ер эгасининг ерини қонунга хилоф равишда тортиб олса, ер эгаси амалдорнинг бундай ҳаддан ошганлиги ҳақида подшога шикоят қила олган. Ўша замонга оид айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, подшо бундай ҳолларда ўз амалдорига қуйидагича кўрсатма берган: «Ахир, бировнинг абадий мулки бўлган ерни ким босиб ола олади? Бу ишни текшириб кўр. Сўнгра, агар бу ер унинг ота уйига қарашли бўлса, ерни эгасига қайтариб бер». Шундай қилиб, «ота уйи»ни қонунга хилоф равишда тортиб олиш у замонда жиноят хисобланган. Давлат ҳокимияти катта ер эгаларининг мулкий манфаатларини айниқса зўр бериб ҳимоя қилган.

Хаммурапи кодексининг айрим моддаларида махсус жангчи колонистлар бўлганлиги тилга олинади. Улар подшодан чек ерлар олганлар ва бунинг эвазига харбий хизмат ўташлари лозим бўлган. Бундай жангчилар подшонинг биринчи чақириғи биланоқ урушга отланишга мажбур бўлган. Агар жангчилар ўзларининг шу бурчларини бажармасалар, ўлим жазосига ҳукм қилиниб, қўлларидаги чек ерлар тортиб олинган. Лекин, иккинчи томондан, бундай жангчиларнинг алоҳида ҳуқуқлари ҳам бўлган. Асирга тушиб қолган жангчи тўлов бериб қайтариб олинган, асирликда ўтган жангчининг чек ери ва мол-мулки эса унинг уғлига берилган. Асирда ўтган жангчининг мол-мулкини босиб олиш жиноят ҳисобланган ва босиб олган киши қаттиқ жазоланган. Жангчининг мулки тортиб олинса, жангчига зарар етказилса, уни ўлдириб кетга берилса, судда у «кучли» одамга қул қилиб берилса, подшо тақдим этган ер унинг кўлидан тортиб олинса, бунинг учун ўлим жазоси берилган. Жангчи-колонистга подшо тортиқ қилган қорамол, ер, боғ ва уйни сотиш мумкин бўлмаган. Давлат ҳокимияти жангчи-колонистларнинг мулкий манфаатларини шу тарика ҳимоя қилиб, ҳарбий хизмат ўташга мажбур бўлган бу жангчи-колонистлардан иборат кўпгина майда деҳқон-ер эгаларининг группасини вужудга келтирган. Тухтовсиз урушлар олиб борилиши ва бу урушлар натижасида одамлар резервининг анча камайиб бориши ана шундай группа вужудга келтиришни зарур қилиб қўйган.

Ҳуқуқ ва суд ишлари

Хаммурапи кодекси ва бу даврга оид расмий ҳужжатлардан I Бобил династияси давридаги қонунлар ва маъмуриятнинг синфий характери очиқ-равшан кўриниб туради. Қонун чиқарув-

чи ва давлат ҳокимияти ҳукмрон қулдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилган. Хусусий мулкни қўриқлаш энг муҳим масала бўлган. Бу, кодекснинг ўғирликка оид нормалари айниқса муфассал ёзилган бир қанча моддаларидан кўриниб турибди, шу моддаларга мувофиқ, парса ўғирлаб қўлга тушган ўғрига, худди шунингдек, ўғирланган буюмларни сотган ёки сотиб олган кишига ўлим жазоси берилган. Қонунга кўра, эркин кишини, айниқса «мавқеи юқори бўлган кишини» ҳақорат қилган одам қаттиқ жазоланган. Масалан, 202-моддага мувофиқ, «агар бирон киши мавқеи юқори бўлган кимсанинг юзига бир шапалоқ урса, урган одам бу кимсадан халойиқ ўртасида 50 марта қамчи ейиши керак». 205-моддага мувофиқ, «агар бирон-бир кишининг қули эркин одамнинг юзига бир шапалоқ урса, қулнинг қулоғи кесилиши керак».

Уруғчилик тузумидан қолган қадимги расм-одатларнинг қулдорлик ҳуқуқининг янги қоидалари билан қўшилиши Хаммурапи кодексини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти қисман қонуплаштирган оломон қилиш тартиби ўша эски замондан қолган. Масалан, бирор кимсанинг уйини тешиб кириб ўғирлик қилган одам, қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, шу тешилган жой (девор) олдида ўлдирилган ва шу ерга кўмилган, ўт чиқиб кетиб, ўт ўчириш вақтида бирон киши ўғирлик қилса, у одам қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, худди шу ўтга ташлаб куйдирилган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолларда ишни судда текшириб ўтириш ва ҳукм чиқариш имкони бўлмаганлиги учун қонун бу ерида оломон қилиб жазолашга йўл қўйган, бу эса эски расм-одат ҳуқуқининг қолдигидир. «Талион ҳуқуқи»[1] деб аталувчи қадос қонунининг айрим элементлари Хаммурапи кодексида сақланган, бу ҳам уруғчилик тузуми давридан қолган эски ҳуқуқнинг қолдиқларидан биридир. Чунончи, бирон одам бошқа бир кишининг кўзига қандай шикаст етказса, «унинг кўзига ҳам худди шундай шикаст етказилган». Агар бирон киши бошқа одамнинг суягини синдирса, синдирган одамнинг ҳам суяги синдирилган. Хаммурапи кодексининг бу моддалари қадимги яҳудийлар қонунларидаги: майиб қилганни майиб қил, қонга-қон, жонга жон, деган моддаларига айнан ўхшаб кетади. Хаммурапи кодексининг бошқа моддаларида қадимги расм-одат ҳуқуқининг қолдиқлари қулдорлик давридаги ҳуқуқ қоидалари билан қўшилишиб кетган. Чунончи, қонуннинг уй қурган одамга пул билан ҳақ тўлаш ва қурилган уй учун унинг жавобгар эканлиги ҳақида ёзилган моддаларида уй қурган одамнинг маълум хажм

[1] Талион ҳуқуқи — «қонга-қон, жонга-жон» принципидаги ҳуқуқ.

иш учун қонун билан қатъий белгиланган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Бироқ, шу билан бирга, уй қурувчи қурган уйининг сифати (мустаҳкамлиги) учун жавобгар бўлган. Агар у курган уй қулаб кетиб, уй эгасини босиб ўлдирса, уйни қурган одам ўлдирилиши лозим бўлган. Борди-ю уй қулаб кетиб, уй эгасининг ўғлини босиб ўлдирса, у ҳолда уй қурган устани эмас, балки унинг ўғлини ўлдириш лозим бўлган. Шубҳасиз, бу ҳол ҳам конга-қоп талаб қилувчи қадимги тенг қасос конунининг қолдиги бўлган. Борди-ю уй босиб қолиб, уй эгасининг қули ўлса, бу ҳолда уй қурган уста ўлган қул ўрнига бошқа қул бериши лозим бўлган, холос. Бу, қулдорлик ҳуқуқининг тамомила янги элементидирки, шу янги ҳуқуққа кўра, қулга худди бир буюмдек қаралган ва қулга етказилган зарар шу қулнинг хўжайинига тўланган. Уруғчилик тузуми давридаги қадимги расм-одат ҳуқуқидан анчагина фарқ қиладиган қулдорлик даврининг янги ҳуқуқи ана шу тариқа ташкил топган. Бу янги ҳуқуқнинг ва, хусусан Хаммурапи кодексининг аҳамияти шуидан иборат бўлганки, қулдорлик ҳукуқининг шу янги элементлари уруғчилик тузумининг қолдикларини янада емиришга ва умумаи бутун қулдорлик жамиятини мустаҳкамлашга бирмунча ёрдам берган. Шундай қилиб, қулдорлик жамиятининг яиги ҳуқуқи Хаммурапи кодекси билан тартибга солинган ва мустаҳкамланган. Қулдорлик даврининг янги ҳуқуқи, бир қанча моддалардан иборат бўлиб, бу моддалар «қонунлар тўплами»да ёзилган, маълум тартибга солиниб, «кодекс» шаклига киритилган, лекин унда муайян бир система бўлмагани ва бир-бирига боғланмаган айрим ҳодисалар, «чалкаш ишлар» берилгани, яъни шу айрим масалалар юзасидан суд ҳукмлари чиқарилгани учун, у жуда қадимги «қонунлар тўплами» характерида бўлган. Бобил подшоси Хаммурапининг кодекси бизга маълум бўлган энг қадимги қонунлар тўплами бўлиб, бу кодекс бошқа қадимги Шарқ халкларининг кейинги қонунларига, хусусан тавротда сақланиб қолган қадимги яҳудий қонунларига катта таъсир кўрсатган.

Давлат ҳокимияти (деспотия)

Бобилда Хаммурапи подшолик қилган замонда қадимги Шаркка хос деспотия таркиб топган. Бутун мамлакат бир марказдан идора қилинган ва бутун олий ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар, суд ишларини идора қилиш ва диний ҳокимият — ҳаммаси фақат подшо қўлида бўлган. Хаммурапи билан унинг амалдорлари ўртасидаги ёзишмаларга қараганда, мамлакатни бошқаришда турли соҳаларга, жумладан сунъий суғориш ишларига подшонинг ўзи раҳбарлик қилган. Турли хил жанжалли ишларни ва подшо номига

келган шикоятларни шоҳнинг шахсан ўзи кўриб чиққан. Бундай масалалар юзасидан подшонинг ўзи қарор чиқарган ва уз амалдорларига тегишли фармойиш берган. Шунингдек, календарга киритилиши зарур бўлган ўзгаришлар ҳам подшонинг махсус кўрсатмалари асосида киритилган.

Подшо мамлакатни мураккаб ва марказлашган бюрократик аппаратга таяниб идора қилган. Амалдорларнинг бир хили марказий бошқармаларнинг айрим соҳаларини идора қилган, бошқалари шаҳарлар ёки вилоятларни идора қилган ва улар подшонинг шахсий ҳисобланган ерларини ва бошқа сарой кабинетлари катта-катта мулкларини «шакканакку» деган олий унвонли амалдорлар идора қилган. Кичикроқ шаҳар ва областларни «рабианум» деб аталувчи амалдорлар бошқарган. Аҳоли турли хил солиқлар тўлашга мажбур бўлган: ғалла ҳосилидан ёки қорамолларнинг урчишидан, кўрмоғоларидан, кунжут ҳосилидан ва балиқчилик саноатларидан солиқлар тўпланган. Бу солиқларни тайқари, ахсуқал ёки кумуш билан махсус унвон ва натура билан махсус подшолик унвони тўпланган. Бу даромадларнинг ҳаммаси подшо хазинасига келиб тушган ва сарой мулки ҳисобланган, бу сарой мулки ибодатхона мулклари *оилаи* бир қаторда, конунинг махсус ҳимоясида бўлган. «Вакиль амурри» деб аталган амалдорлар бюрократик аппаратда алоҳида ўрин тутган. Бу амалдорлар давлатнинг савдо-сотиқ ишларини ҳамда жанговарларга ер бўлиб бериш (реду ва байру) ишларини бошқарган.



Хаммурапининг бўртма тасвири.

Лондон. Британь музейи.

Суд ишларини юритиш махсус амалдорлар қўлида бўлган. Суд қилиш функциялари шакканакку, рабианум, округ судьяларига ҳамда «шаҳар оқсоқоллари ва атоқли кишила-

рн»дан иборат махсус судьяларга юклатилган. Ибодатхона судьялари уз ҳукмронлигини тобора йўқотиб борган ва улар ибодатхонадаги худо ҳайкали олдида одамларнинг ичган қасамларига гувоҳ бўлиш билангина чегараланиб қолган. Суд ишларини юргизиш ҳуқуқиниинг дастлабки қоидалари пайдо бўла бошлаган. Бу қоидаларга кўра, судьялар зиммасига гувоҳларнинг қасам ичиб берган гувохликларига ишоннбгина қолмай, балки «ишни шахсан текшириш» вазифаси ҳам юклатилган. Нотўғри гувоҳлик беришда айбланган киши қонуннинг махсус моддасига биноан жазоланган. Ниҳоят, агар судья суд ҳукмини узгартирса, қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, у ҳам жазоланган; бундай вақтда судья даъвогар талаб қилган ҳақдан 12 марта ортиқ штраф тўлаши лозим бўлган ва бундан кейин судьялик қилиш вазифасидан маҳрум этилган.

Мамлакатни бошқаришда бюрократик идора усулининг бутун системасига подшо бошчилик қилган. Қоҳинлар таъбирича, подшога олий ҳокимиятни гўё бевосита худоларнинг узи берган. Хаммурапи кодексида ўзи тўғрисида мағрурлик билан бундай дейди: «Худо Ану ва худо Энлиль мени. шавкатли ва мумин жангчиси Хаммурапини ҳокимиятга чақиришди... Мен, Хаммурапи, дин аҳлларининг бош паноҳи қилиб худо Энлиль томонидан сайланганман... худо Син яратган шоҳона авлодданман... тула ҳокими мутлақ шаҳаншоҳман, худо Замаманинг биродариман... шоҳларнинг илоҳий шоҳиман... Мардук мени халққа бош бўлишга ва мамлакатни фаровон қилишга чақирди». Подшо ҳокимиятини худо ўрнатганлиги ва бу ҳокимият илоҳий эканлиги тўғрисидаги бу тасаввурлар шумерийларнинг бир гимнида яққол ифода этилган, ушбу гимн Бобил подшоси ва Хаммурапининг вориси бўлган Самсуилунага бағишланган. Бу гимнда қуйидагилар айтилган:

«Эгам Энки тахту тожинг абад қилсин,
Шоҳ ҳассасин этиб тортиқ, неча кунлар ва йилларга раво қилсин!
..Салтанатинг еру кукдек маҳкам турсин!
Сен — элу юрт, фуқаролар шоҳидурсан!
Сен — халкингга мурувватли бош паноҳсан!
Сен, аёвсиз довул каби, ҳамма душман элин боссанг,
Бошинг етгай самога, мардонавор қушин тортсанг.
«Илоҳий куч» шаҳри Бобил бино қилган худойим Син,
Чарақлаган қуёш каби, анда номинг улуғ қил сен...
Пок, муқаддас юртинг ичра ҳамма нарса муҳайё қнб,
Салтанатда расуллигинг салобатла адо қилгил...
Порлоқ кундек, ҳар томон сен нуринг сочсанг,
Худо Ану ва Энлиль ҳам буюк толне раво қилсин».

Реакцион буржуа тарихчилари ўзларининг кўпдан-кўп китоблари ва мақолаларида Хаммурапи давридаги қадимги Бобил деспотиясини кўпинча идеаллаштирганлар ва бу дес-

потияни мустаҳкам, қатъий ташкил топган, «унификациялаштирилган» монархия деб тасвирлаб, бу монархияда гўё аҳолининг турли табақалари ўртасида ички «уйғун мувозаият» деярли ўрнатилган эди, деб курсатганлар. Бироқ бу чуқур тенденцияли назария тамомила хатодир. Бобил давлатида қулдор-бойлар билан камбағал ва қуллар ўртасида кескин синфий зиддиятларни келтириб чиқарган каттик душманлик мавжуд бўлган, бу, Хаммурапи кодексини текширган вақтда жуда яккол кўринади. Давлат ҳокимияти умуман синфий тузумни мустаҳкамлаш мақсадида давлат бирлигини сақлаш учун зўр бериб турли чоралар кўрган. Лекин бу уринишлар муваффақиятли бўлиб чикмаган. Шумерийлар жанубни, кўп жиҳатдан ўзининг алоҳида иқтисодий ва маданий ҳаётини сақлаб қолган. Бобил подшолиги юзаки қараганда мустаҳкам бўлиб кўринса ҳам, лекин аслида ундай бўлмаган. Худди шунинг учун ҳам Бобил деспотияси кассит истилочиларининг зарбалари остида қулаб кетган.

Бобилнинг касситлар томонидан истило килиниши

Хаммурапи вафот қилгандан кейин Бобил подшолиги аста-секин тушкунликка туша бошлаган. Хаммурапи ворислари дастлабки вақтларда унинг ишларини давом эттиришга уринганлар. Чунончи, Хаммурапининг ўғли Самсуилуна (эр. ав. 1749—1712 йиллар) икки янги канал қазишни буюрган ва ибодатхоналарга катта-катта ҳадялар бериб турган. Аммо тез орада сиёсат майдонида янги хавфлар пайдо бўла бошлаган. Римсин Бобилнинг заифлашиб қолганлигидан фойдаланиб, Месопотамияга бостириб кирган ва Шумернинг бир қисмини босиб олган. Римсиннинг бу истило йили «Оппис ибодатхонасида маъбудаи Ниннах подшо Римсинни бутун мамлакатга подшо қилиб қўйган йил» деб ном олган. Лекин Бобил подшоси ҳали анча қудратли бўлган. Самсуилуна Римсинни мағлуб қилган ва Римсин ўз саройида ёшини вақтида ҳалок бўлган. Самсуилуна Ур ва Урук деворларини бузиб ташлаган ҳамда Шумерни яна қайта ўз ҳокимиятига буйсундирган. Лекин бу вақтларда Бобилга қарши янги душманлар бош кўтариб чиққан. Нечи подшоси Илумаилу Шумернинг жанубий бир чеккасида мустақил янги подшолик тузган ва Бобилга қарши каттик кураш олиб бориб, Шумер подшоларининг денгиз буйи янги династиясига асос солган. Шарқ томонидан Бобилга қарши тоғ қабилалари бўлган касситлар бостириб кела бошлаган.

Дажла дарёсининг шарқ томонидаги тоғларда яшовчи касситлар илгари ҳам Месопотамияга кирганлар, лекин у вақтда келгиндилар, ижарадорлар ва ёлланувчилар сифатида кирганлар. Тахминан 1750 йилда касситларнинг қўшинла-

ри ўз йўлбошчиси Гандаш раҳбарлиги остида Месопотамияга бостириб кирган ва улар бу ерда Кассит давлатини тузганлар. Хаммурапи ворислари, I Бобил династияси подшолари Месопотамия устидан ўз хокимиятини ўрнатиш учун 155 йил давомида касситларга қарши кураш олиб борганлар. Месопотамия ўша вақтда бир қанча майда князликларга бўлиниб кетган. Касситлар бостириб киргандан кейин заифлашиб қолган ва айрим қисмларга бўлиниб кетган бу мамлакат чет эл истилочиларининг диққатини торта бошлаган. I Бобил династиясининг сўнгги подшоси Самсудитана подшолиги даврида (эр. ав. 1625—1595 йиллар) Бобилга хеттлар бостириб кирган. Лекин касситлар тобора кўпроқ муваффақият қозониб борган. Улар Бобилни олишга, гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келиб, қаттиқ кураш олиб борилгандан кейин, ҳатто денгиз бўйи династияси подшоларини енгиб, Денгиз бўйи мамлакатини ҳам ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлган. Касситлар подшоси Агум II (эр. ав. 1593—1574 йиллар) ўзини касситлар ва Аккад подшоси ва ҳатто «дунёдаги тўрт иқлим подшоси» деб атаган. Маданиятда бобилликлардан анча паст турган касситлар Бобил маданиятини қабул қилганлар ва кассит подшолари Бобил подшоларининг истилочилик сиёсатини тиклашга ҳам уриниб кургаплар.

Кассит подшолари бутун Шумерни тамомила ўзларига бўйсундириб, денгиз бўйи династиясининг ҳукмронлигини тугатганлар. Касситлар Бобил подшолигининг қудратини бир оз бўлса ҳам, тиклай олмаган бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда кассит подшоси Агум II даврида Бобил бирмунча кучайган. Чунончи, Агум II Юқори Фрот мамлакатларига қўшин тортиб борган ва Месопотамия даштининг бир қисмини ўзига бўйсундирган. Агум II ўз ёзувларида Хана мамлакатидан Мардук ва Сарпанит ҳайкалларини келтирганлигини, бу ҳайкалларни зарбоб кийимлар, қимматбаҳо нарсалар ва дабдабали тожлар билан безатганлигини ҳамда бу ҳайкалларни Бобилдаги Э-сагил ибодатхонасида қайтадан ўрнатганлигини фахр билан ёзирган. Агум II ўзини «Кашшу ва Аккад подшоси, кенг Бобил мамлакатининг подшоси, кўп одамларни Ашнуннакка кўчирган (подшо), Падан ва Алман подшоси, Гути мамлакатининг подшоси» деб атаган. Бу, касситлар подшосининг ҳокимияти Дажла дарёсининг шарқ томонидаги областларга ҳам ёйилганлигини кўрсатади.

Касситлар даврида Бобилнинг ижтимоий тузуми қандай бўлганлигини сақланиб колган расмий ҳужжатлар ва айниқса қудуррулар, яъни марза тошларидаги ёзувларга қараб бир қадар тиклаш мумкин. Бу тошларда подшонинг маълум шахсларга ер участкалари тортиқ қилиб берганлиги ҳақида-

ги фармонларининг тексти ўйиб ёзилган. Бу ёзувларга қараганда, ўша вақтларда қишлоқ жамоаси ва жамоа ер эгалиги *ҳали мустаҳкам* бўлган. «Битуу» деб аталган жамоа тепасида жамоа бошлиги «бел бити» турган, унинг маслаҳатчиси, назоратчиси ва афсункор *коҳини бўлган*. «Қўшинлар» деб аталган қишлоқ жамоа аъзолари, шунингдек бу жамоа составига кирган ёт-келгиндилар подшо ҳамда жамоа мансабдорлари фойдасига турли хил мажбуриятлар *ўташлари лозим* бўлган. Лекин бу даврда қадимги жамоа ер эгалиги аста-секин бузила борган, бу жамоа ер эгалигини хусусий, асосан аристократик ер эгалиги сиқиб чиқара бошлаган. Чунончи, касситлар династиясининг подшолари амалдорларига, катта мансабдорларига ва яқин кишиларига кўп ерларни инъом қилганлар. Подшонинг марза тошлар — «кудурру»га ўхшаб ёзилган фармонларининг *текстларида* кўрсатилишича, подшо томонидан инъом қилинган бу ерлар кўпинча қишлоқ жамоасининг коллектив ерларидан кесиб берилган. Одатда подшонинг бу фармонларида, маълум бир ер участкаси маълум бир шахсга абадий мулк қилиб берилиши, шу билан бирга, қишлоқ жамоаси бошлиғининг ва аъзоларининг ҳозир ҳам, келгусида ҳам бу ерларни суд орқали даъво қилиши ва ҳақ олган ер эгасидаи жамоа фойдасига бирон мажбурият ўташни талаб қилиши ман этилиши ёзилган. Подшо *фармонида*, «кудурру»ни бузганлар худоларнинг лаънати ва қаттиқ газабига дучор бўлади, деб қўрқитилган. Бундан ташқари, кассит подшолари қишлоқ жамоаларининг қанчалаб қанча ерларини босиб олиб ва бу ерларни ўз мансабдорларига, амалдорларига ва ҳарбий бошлиқларга бўлиб бериб, бу аристократик ер эгалигини кучайтириш ва мустаҳкамлаш учун бир қанча чоралар ҳам кўрганлар. Қудуррута битилган ҳужжатларда баъзан подшо инъом қилган ер эгаси подшо фойдасига қилинадиган барча мажбуриятлардан, натурал солиқлар ҳамда мажбурий ишлардан озод қилинганлиги кўрсатилган. Подшонинг фармойишларига биноан янги ер эгалари оладиган махсус имтиёзлар ана шундай қилиб расмийлаштирилган. Ибодатхона ерлари ҳам подшолик солиқлари ва мажбуриятларидан озод қилинган. Масалан, Агум II замонига оид ҳужжатлардан бирида кўрсатилишича, Мардук *ибодатхонасининг* ерлари ҳар қандай мажбуриятлардан озод бўлган. Қулдорликнинг янада ривожланиши ҳам аристократиянинг кучайишига ёрдам берган. Қуллар ва чўрилар сотилганлигини кўрсатадиган ҳужжатлар ҳам сақланиб қолган, бу ҳужжатларга кўра, қулларнинг, жумладан эламликларнинг баҳоси 10 шекель олтин, чўриларнинг баҳоси эса 7 шекель олтин бўлган. Ҳужжатлардан бирида «Кардуниаш мамлакатидан

булган болалиги» сотилганлиги айтилган (касситлар Бобилни Кардуниаш деб атаганлар). Бу эса касситларнинг ўзлари орасида ҳам кулчилик тарқалганлигини курсатади.

Бобилда 500 йилдан ортик ҳукм сурган касситлар кадимги Шумер-Бобил маданиятини, динини, ёзувини ва, ҳатто буйсундирилган халқнинг тилини ҳам куп жиҳатдан ўзлаштириб олганлар. Чунончи, кассит подшолари ўзларини «Мардукнинг арзандаси» деб атаганлар. Улар Бобил ва Шумер кохинларини кучайтириш учун бир қанча чоралар курганлар, худо Мардук — «мамлакатлар ҳукмдори»га бўлган эътиқодни мустаҳкамлаб, Ниппур ибодатхонасига галла, мой, хурмо, ун ва қорамоллардан уллон тўплашни топширганлар. Замонлар ўтиши билан кассит подшолари борган сари кўпроқ Бобил маданияти таъсирига кириб борганлар. Масалан, подшо Караиндаш ўзини «қудратли подшо, Бобил подшоси, Шумер ва Аккад подшоси, Каššu (касситлар — *В. А.*) подшоси, Кардуниаш (Бобил подшолиги — *В. А.*) подшоси» деб атаган. Лекин Караиндашнинг ворислари қадимги Бобил маданияти таъсирига тамомила берилиб кетиб, «Каššu» номини ўз унвонларидан тушириб колдирганлар.

Касситларнинг Бобилда ҳокимлик қилиши натижасида Бобил сиёсий жиҳатдангина эмас, балки маданий жиҳатдан ҳам тушкунликка учраган. Санъат айниқса пасайиб кетган, унда қадимги намуналарга тақлид қилиш ва жонсиз схематизм ҳукм сурган. Маданият соҳасида эришилган бир озгина муваффақиятлар, асосан, харбий ишларда отдан фойдаланишдан, янги ва осонроқ нақт ҳисоби жорий қилишдан, яъни мамлакатни идора қилиб турган подшонинг ҳукмронлик йилига қараб ҳисоб киритиладиган йил ҳисобини жорий қилишдан иборат бўлган. Бобилнинг бу тушкунлиги эрамиздан аввалги VII асргача, яъни қудратли Янги Бобил подшолиги ташкил топгунгача давом этган.



Қўлида урчуқ ушлаган аёлдаги хотин.
Сузадан топилган буртма расм. Париж. Лувр.



Этананинг парвози.

Бобилнинг цилиндрик муҳридан нусха.

IV БОБ

БОБИЛ МАДАНИЯТИ

Бобил маданияти қадимги замонда Олд Осиёнинг ҳамма халқлари ўртасида кенг ёйилган ва антик дунёнинг маданий тараққиётига зўр таъсир кўрсатган. Энг қадимги Шумер-Аккад замонидаги, эрамиздан аввалги тўртинчи минг йиллик бошларидаги маданиятнинг давоми бўлган Бобил маданияти тўрт минг йил давомида наслдан-наслга ўтиб, ривожланиб борган ва пиҳоятда гуллаб-яшнаган. Шумер ва Аккад шаҳарлари ҳамда Эламнинг Месопотамияга ёндошган ва Иккидарё оралиги билан қадимдан жуда яқин маданий тарихий алоқа қилиб келган областлари бу маданиятнинг энг қадимги марказлари бўлган.

Ёзув

Ёзувнинг ихтиро қилиниши шумер халқининг энг катта маданий ютуқларидан бири бўлган; Шумер ёзуви Урук даврида, эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг бошларидаёқ пайдо бўлган. Қадимги замондаги бошқа халқларнинг ўзига алоҳида ёзув системаси пайдо бўлганидек, Шумер ёзуви ҳам дастлабки сурат ёзув тариқасида вужудга келган, бунда айрим сурат белгилар айтилмоқчи бўлган сўзни расм билан ифода этган. Масалан, қадимги Шумер мирзаси «қуш» сўзини ёзмоқчи бўлса, оддийгина қилиб қушнинг расмини  чизган, «сув» сўзини эса қадим замондаги бошқа кўп халқлар сингари, сувнинг схематик расми  орқали тасвирлаган, «юлдуз» сўзини мана бу ✳ шартли белги билан ифода қилган. Юлдуз белгиси қадим замондаги сурат ёзув системаларининг кўпида учрайди,



«Балчу лавҳалари» деб аталган лавҳалардаги қадимги Шумер ёзувлари.

ёзувлаги шартли белги узоқ замонларгача сақланиб келган.

Бироқ кўзга кўринадиган нарсалар ва ҳодисаларнинг энг қадимги белги расмлари ёрдами билан бу оддий сурат ёзувда мураккаб тасаввурлар ва мавҳум тушунчаларни тасвирлаб бўлмаган. Шу сабабдан мирза бундай сўзларни ифода қилиш учун бир қанча турли хил белгиларни бир-бирига қўшиши керак бўлган. Масалан, «йиғлаш» сўзини ёзиш учун «кўз» ҳамда «суи»ни билдирадиган белгиларни қўшиб кўрсатиш лозим бўлган. «Ёмғир» сўзи «юлдуз» (осмон) ва «сув» белгиларини бир-бирига қўшиш орқали билдирилган. «Туғиш» сўзи одатда «қуш» ва «тухум» белгиларини бир-бирига қўшиш билан ифодаланган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ёзув мураккаб, қўпол ва поқулай бўлган. Тилнинг мураккаблашиб бориши ҳамда жуда кўп хилма-хил сўзларнинг ва грамматик формаларнинг пайдо бўлиши ёзув системасини соддалашти-

ришни талаб қилган. Шу муносабат билан қадимги сурат ёзувга (пиктографияга) асос бўлган тасвирий принцип йўқола бориб, унинг ўрнини сўзнинг товуш томони (фонема)ни ёзма белгилар орқали ифода қилиш системаси аста-секин ола борган. Масалан, Шумер ёзувидаёқ жуда кўп бўғин белгилари ва унли товушларни ифодаловчи бир қанча алфавит (алифбе) белгилари пайдо бўлган. Гарчи шумерийлар ёзувида ва бундан анча кейин пайдо бўлган Бобил-Осурия ёзувларида бўғин белгилари биринчи ўринни олган бўлса да, бироқ бу ёзув билан бир қаторда, қадимги тасвирий идеограммалар ҳам сақланиб қолган, бу ҳол қадимги Бобил маданиятининг тургунлигини очиқ кўрсатади. Идеограммалар билан бир қаторда Бобил ёзувида алоҳида аниқловчилар (детерминативлар) ҳам қўлланилган, бу аниқловчилар муайян бир сўзнинг қайси сўзлар группасига киришини аниқлашга хизмат қилган. Масалан, бирор тоғнинг номи одатдаги бўғин белгилари билан ёзилиб, унинг олдига «тог»нинг сурат белгиси (детерминатив) қўйилган, бу билан мазкур сўз ҳақиқатан «тог»нинг номи эканлиги кўрсатилган.



«Блау лавҳалари» деб аталган лавҳалардаги қадимги Шумер ёзувлари.

Турмуш шароитлари, бирор ҳужжатни тез ёзиш зарурияти энг қадимги замонлардаёқ шумерийларнинг бу жуда қадимги сурат ёзувини соддалаштиришни талаб қилган. Шу сабабдан бирор нарсанинг бутунича расмини чизиш ўрнига унинг фақат энг характерли қисмини чизиб, секин-аста расмни чизиқли схемага айлантира борганлар. Мисол учун «ҳўкиз» сўзини, одатда, ҳўкиз калласини тасвирловчи содда чизиқли расм билан ифода қилганлар. Замонлар ўтиши билан белгилар



Сопол ҳужжатга миххат ёзиш усули.

сопол лавҳаларга алоҳида усул билан тушириладиган бўлган, шу муносабат билан тез ёзиш зарурати тугилган ва натижада ёзув белгилари янада кўпроқ схемалаштирилган ҳамда миххат системаси ишлаб чиқилган. Белгилар ҳали қотмаган лой лавҳалар устига ўйиб туширилган, бу белгилар борабора илгариги сурат шаклини йўқотган ва замонлар ўтиши билан вертикал, горизонтал ва эгри туширилган пона михлар йигиндисидаи иборат турли хил формалар тусини олган.

Бобилликлар Шумер маданиятининг асосий элементлари билан бирга, шумерийлар михҳатини ҳам қабул қилганлар, кейин эса Бобил савдоси ва маданиятининг кенг ривожланиши туфайли, бу миххат бутун Олд Осиёга ёйилган. Қадимги Аккадда, Осурияда, Хетт давлатида, Урартуда, Сурия ва қадимги Эронда ҳам миххатдан фойдаланилган. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик урталарида миххат халқаро дипломатик ёзув системасига айланган. Ҳатто Олд Осиё подшолари билан хамда Сурия ва Финикия князлари билан жуда кўп хат ёзишиб турган Миср фиръавнлари ва амалдорлари ҳам миххатдан фойдалаиган.

Иккидарё оралиғининг ўрта ва шимолий қисмида, яъни Аккад мамлакатида, Бобил давлатида ва Осурияда яшовчи семит қабилалари шумерийлар ёзувини қабул қилган. Семит-

лар шумерийлар ихтиҳатини, албатта, ўз тил хусусиятларига мослаштириб олганлар, шу билан бирга, ихтиҳатдаги айрим белгилар семитларда янги фонетик маъно олган. Фақат кўп замонлар ўтгандан кейин, дастлаб эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида Шимолий Финикияда, сўнгра эса эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Эронда савдонинг ривожланиши муносабати билан ихтиҳат янада солдарок фонетик формага кирган ва аста секин бизга маълум бўлган энг қадимги алфавитлардан бирига айланган.

Дин

Месопотамия территориясида деҳқончилик билан шуғулланувчи уғроқ қабилаларнинг биринчи поселениелари пайдо бўлган қадимги замонларда энг қадимги Шумер ва Аккад қабилаларининг дини асосан ибтидоий фетишизмдан иборат бўлган. Динининг кейинги тараққиёти натижасида табиатга топинин келиб чиққан. Моддий маданият ва техника уша замонда жуда паст даражада бўлганлигидан, одам теварак-атрофдаги табиатга ва табиат стихияларига жуда қаттиқ қарам бўлган. Месопотамиянинг кадимги аҳолиси табиат билан курашда узини ожиз сезиб, Дажла ва Фрот дарелари тошиб, бутун водинин босган вақтда ҳайқириб оққан сувнинг даҳшатидан вахимага тушган. Чўлларда кезиб юрувчи ёввойи хайвоилар инсон юрагига даҳшат солган. Месопотамиянинг қадимги аҳолиси, табиатнинг даҳшатли ҳодисаларини аллақандай олий, қудратли ва табиатдан ташқари зотларнинг иши деб, ва, балки, шу зотларни бу даҳшатли ҳодисаларнинг гавдаланиши деб билиб, табиатни ҳар хил форма ва куринишларда илоҳийлаштирган. Ибтидоий одамлар табиатда ҳукм сурган ва йил фаслларининг алмашиниб туришига сабаб бўладиган қонунлар сирини ақлга мувофиқ равишда тушунишга ожизлик қилганлиги учун, инсон табиатнинг ҳаёт-мамот сирларини англаб олмаганлиги учун булар ҳақида турли-туман афсоналар яратган. Бу афсоналарда табиат ҳаёти табиатдан ташқи ва қудратли руҳ ва худоларнинг хаёти тарзида акс эттирилган, уларнинг қиёфаси ва килмишлари оддий одам қиёфаси ва килмишларига ўхшатиб тасвирланган. Жанубий Месопотамияда энг қадимги замонлардаёқ дастлабки даҳшатли стихия, сув туфони худолари Апсу ва Тиамат номли азалги худолар тўғрисида соф диний тасаввур пайдо бўлган. Аммо деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши туфайли катта сунъий суғориш тармоқларини вужудга келтириш зарурияти туғилгач ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши туфайли дастлабки йирик суғориш иншоотлари курилгач, одамлар сувнинг экинзорларга ҳаёт берувчи ва кишиларга роҳат-фароғат бахш этувчи шарофатли куч эканини англай бошлаган. Шу муноса-

бат билан хайрли ва мурувватли сув худоси, одамларни ҳар хил ҳунар-касбга, санъат ва билимга ўргатган донишмандлик худоси Эа тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлган. Қадимги шумерийлар сувни энг биринчи илоҳий куч деб билганлар ва улар ҳаёт аслда сувдан бошланган деб тасаввур қилганлар. Дунёнинг яратилиши тўғрисидаги миф (афсона)да ҳикоя қилинишича, дастлаб,

Ҳали юкорида осмонга ном берилмаган чокда,
Ҳали пастдаги ерга ном қуйилмаган чокда,
Энг аввалги Апсугина Ерни яратган чокда,
Тиамат хам ер ва осмонни бир этган чоқда,
Мумму билан Тиамат уз сувларин бир қилдилар.

Шу сабабдан табиатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг қадимги худоси Таммуз ҳам сув худоси ҳисобланган ва «сув тубининг чин ўғли» деб аталган, шу билан бирга, «худо Эанинг ўғли ва образи» бўлмиш Таммузга эътикод қилиш улуғ сув худосига эътикод килиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу диний тасаввурлар санъатда ҳам акс этган. Шумер муҳрларидан бирида худо Эа қўлида идиш ушлаб, тахтда ўтирган ҳолда тасвирланган. Эа қўлидаги идишдан сув иккига бўлиниб жилдираб оқиб турибди ва шу сувда худо Таммузнинг кичкина қиёфаси кўриниб турибди. Бу қадимги сувга эътиқод қилиш Аккадда ҳам тарқалган. Эшнуннада «худо Ниназу (сувни билувчи)ни» ва Тиғпак деб аталадиган ювиниш маросими худосини сув тангрилари деб илоҳийлаштирган.

Шумерийларнинг тоғларни илоҳийлаштирганлиги, узоқ ўтмишда уларнинг қадимги ватани шарқий тоғли мамлакат бўлганлигини кўрсатади. Шумерийларнинг тоғларни илоҳийлаштирганлиги уларнинг кўп диний эътиқодларида сақланиб колган. Масалан, ернинг бош худоси Энлиль «улуғ тоғ» деб аталган. Бу худо чўққиси осмонга бориб тақалган ва ерни осмон билан туташтирадиган «баланд тоғ»да турган. Худо Энлилнинг Ниппурдаги ибодатхонаси «Тоғ уйи» (Э-кур) деб аталган. Қадимги Месопотамия қабилалари табиатда бўладиган асосий стихиялар, кучлар ва ҳодисаларигина эмас, балки, шунингдек, теварак-атрофларидаги усимликлар ва ҳайвонларни ҳам илоҳийлаштирганлар. Мифологияда ва диний санъатда муқаддас ҳисобланган «ҳаёт дарахти» ва «ҳақиқат дарахти» устида сўзланади, бу «дарахтлар»ни Таммуз ва Нингишзида деб аталган худолар қўриклаган. Таммуз «мамлакатлар усимликларининг хукмдори» деб аталган. Маълумки, Шитар, кўпинча, таниасидан шох-бутоқлар ўсиб чиққан хотин қиёфасида тасвирланган. Хурмо дарахтлари айниқса ҳурмат қилинган, қадимги Месопотамиянинг хўжалик ҳаётида хурмо жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Шумер ва Аккад

динларида қадимги одатлардан, яъни ҳайвонларга топиниш одатларидан кўпи сақланиб қолган. Чунончи, қадимги шумерийлар худоси Нанар (Урда шу Нанарга топинганлар) «Анунинг қудратли ҳукизи» деб аталган; худди шунингдек ер ости дунёсининг подшоси бўлган худо Нергал ҳам қўркинчли бир ҳайвон қиёфасида тасвирлаиган: «Унинг ҳукизникига ўхшаш шохи бор; сағрисида бир тутам ёли бор; афти одамга ўхшайди, луижлари... қанотлари бор; унинг олдинги оёқлари, таиаси шерники, танаси турт оёқ устида туради».

Сув гирдоби худоси Эа балиқ думли қилиб ёки гардани балиқникига ўхшатиб тасвирланган; момақалдироқ худоси ва Бобилнинг олий давлат худоси Мардук эса афсонавий аждаҳо, ярми илон, ярми йиртқич қуш қиёфасида тасвирланган. Энг қадимги замонларда тотемизм билан боғлиқ ҳолда ҳайвонларга топиниш расм бўлганлиги Киш элининг Қузи ва Часи деган қадимги подшоларининг номидан ҳам кўриниб турибди. Лекин осмонни ҳамда қуёш, ой, юлдузларни ноҳийлаштириш қадимги Месопотамияда айниқса кенг ёйилган. Худди шунинг учун қадимги шумерийлар осмон худоси Ануни бош худо деб ҳисоблаганлар. Улар тасаввурича, «худолар подшоси» ва «отаси» бўлмиш Аиу осмонининг энг юқори, учинчи қаватида макон топиб, ўша ердаги тахтида ўтирган ҳолда бутун оламга ҳукмронлик қилган. Бутун дунёни бостан тўфон даҳшатидаи қути учган худоларининг ҳаммаси ин қудратли худо бўлган Ану олдига ёрдам сўраб келганлар. Қолган бошқа ҳамма худолар орасида ой худоси Сии ва унинг ўғли қуёш худоси Уту (Бобил худоси Шамаш) муҳим ўрин тутган. Уту-Шамаш айни вақтда қуёшнинг куйдириб, қовжиратиб юборадигаи беҳад иссиқлигининг ҳам, роҳатбахш ва ҳаётбахш нурларининг ҳам тимсоли мужассами бўлган, «унинг нурлари ўлим тўшагида ётган касалга жон берган» ва бандини озод қилган». Ҳаётбахш қуёш худосининг ана шу қиёфаси табиатни тирилтирувчи ва унинг ишлаб чиқарувчи кучлари худоси Таммуз образи билан боғлаиган, у баъзан қуёш худолари даврасига киритиладиг Табиат, ҳаёт ва туғилиш маъбудаси Иштар ҳам шу худолар даврасига киритилган, Иштар, «осмон ва ернинг порлоқ машъали» бўлган Зуҳра юлдузи сифатида мужассамлантирилган. Қуёш, ой ва юлдузларни ноҳийлаштириш (юлдузларга эътиқод қилишнинг вужудга келиши) натижасида турмушда мураккаб астрологик системалар, яъни бирон-бир планета ва юлдузнинг осмонда турган вазиятига караб бўлажак ишларни олдиндан айтиб бериш системалари майдонга келган. Шумер ва Бобил коҳиилари ўз ибодатхоналарининг баланд миноралари тепасидан қуёш, ой ва юлдузларининг ҳаракатини диққат билан кузатиб турганлар.

Уруғчилик тузуми ва патриархал оиланинг вужудга келиш давридаги ана шу қадимги ва мураккаб табиатга эътиқод қилиш ота-боболардан қолган эътиқод билан маҳкам боғлиқ бўлган. Бош худо Ану одатда худолар «отаси» деб аталган. Маъбуда Инанна она-худо ҳисобланган, худо Таммуз эса «чин ўғил» маъносини билдирган. «Уй тангриси» («ил-бити»), «уйни қўриқловчи руҳ» ва оила эътиқодлари ана шу қадимги ота-боболар эътиқодининг қолдиги бўлган. Бу қадимги ота-боболар эътиқоди нариги дунёга ишониш билан яқиндан боғлиқ бўлган, бу ишонч охиратга эътиқод қилишда ўз ифодасини топган. Ур династияси давридаёқ оддий кишилар, яъни фақир-фуқаролар жасади тўғри қазилган чуқурга букланган ҳолда кўмилган ёки чиптага ўраб сопол тобутга солиб кўмилган. Подшолар ва маликаларнинг жасади эса катта-катта мақбараларга кўмилган, уларнинг жасади ёнига жуда кўп қимматбаҳо зийнат буюмлар қўйилган ва кўмиш маросими вақтида бир қанча кишилар қурбон қилинган.

Табиатни илоҳийлаштириш, юлдузларга эътиқод қилиш ва ота-боболар руҳига сиғиниш Месопотамияда энг қадимги деҳқончилик жамоалари пайдо бўлган даврда мураккаб диний эътиқодлар системасини ташкил қилган. Худди шунинг учун ҳам ер, сув ва қуёшни илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлган соф деҳқончилик эътиқоди, шунингдек ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси Таммуз қадимги Месопотамияда шундай катта аҳамиятга эга бўлган, Таммуз кўкариб-униб чиқувчи уруғнинг тимсоли мужассами бўлган.

Давлат эътиқоди ва подшонинг илоҳийлаштирилиши

Лекин энг қадимги қулдорлик жамияти ва деспотик давлат пайдо бўлиши билан қадимги табиатга эътиқод қилиш ҳам ўзгарган, давлат ва подшонинг деспотик ҳокимияти афсонавий, ғайри табиий бир парса қилиб кўрсатилган. Шунга мувофиқ, қадимги табиат худолари аста-секин ҳокимият ва ҳукмдорлик худоларига, давлат ва подшо ҳокимиятининг ҳомийларига айлантирилган. Худолар илгари табиат кучларини ифода қилган бўлса, энди адолат ва куч ҳақидаги мавҳум тушунчаларнинг тимсоли бўлиб қолган, улар самовий қози, даҳшатли жангчи ва қудратли подшоларга айлантирилган. Масалан, қадимги табиат худоси Таммузга «ҳукмдор, саркарда, қудратли қаҳрамон, мамлакат кучларининг ҳукмдори» деган сифатлар берилган. Қуёш худоси Шамаш адолат ва ҳаққоният худосига, ердаги подшонинг осмондаги ҳомийсига айлантирилган. Хаммурапи ўзининг қонунлар тўпламида ердаги подшони, «унинг ҳуқуқи мамлакатда барқ урсин» дейди, чунки гўё худо Шамашнинг ўзи Бобил подшосига қонунлар чиқаришни ато қилган. Қадимги



Маъбуда Иштар лулубейлар подшоси Ашубашини олдига асирлар олиб келаётир.

Загра тоғларида бир қоядаги бўртма расм.

деҳқончилик худоси, «ҳамиша эгатлар тўғрисида ғамхўрлик қиладиган, экинзорлар ва ўтлоқларни, тўғонлар ва каналларнн тартибли ҳолда сақлайдиган... фаровонлик бойлик ва кўп ҳосил ҳукмдори» Мардук замонлар ўтиши билан «улуғ

ҳукмдор»га, «осмон ва ер ҳукмрони»га, қудратли жангчига, Бобилнинг олий давлат худосига айлантирилган. Шунга мувофиқ равишда фақат деҳкон мотигасигина Мардукнинг белгиси бўлиб қолмай, балки жангчи қуролларн бўлмиш камон билан ўқ ҳам унинг белгиси ҳисобланган. Ниҳоят, бир вақтлар она-маъбуда қиёфасида тасвирланган ва табиат ишлаб чиқарувчи кучларининг қадимги маъбудаси бўлган Иштар ҳам даҳшатли жангчи, осмон маликаси ва подшо ҳокимиятининг ҳомийсига айлантирилган.

«Иштарга мадҳия» деган эпик гимнда худолар маъбуда Иштарни осмоннинг бош худоси Анунинг хотини деб атаганлари ҳикоя қилинган:

Эй Анту, сенга муносиб хотин бўлсин у,
Улуғ қилгил номинг билан сен уни...
Ер ҳам осмон танҳо унинг бўлсин,
Оламизда энг қудратли бўлсин у.

Маъбуда Иштар подшо ҳокимиятининг символи ҳисобланган

Тутқазди кулига шоҳлик ҳассасин —
Каҳрли, аёв билмас қурол у;
Тулпи ойдек яркираган шоҳ тожин
Ато қилди анинг бошига.

Бош худолар подшолар қиёфасида тасвирланганидек, ердаги подшолар ҳам, диний адабиёт ва санъатда ердаги худолар қиёфасида тасвирланган. Масалан, I Ур династиясининг биринчи подшоси Мес-киаг-гашер «қуёш худосининг ўғли, денгиз тубига тушган ва тоғ чўққисига чиққан раббим» деб аталган. III Ур династиясининг подшоларн ҳам ҳали тирик вақтларидаёқ худо деб аталган, бу подшолар ўлгандан кейин ҳам уларга худолар катори топинганлар. Тел-Асмар харобаларида Эшнунна ҳокимларининг саройи топилган, бунда Урнинг худо деб тапилган подшоси Гимильсин шарафига солинган ибодатхона ҳам топилган. Бу ердан топилган бир ёзувда бундан дейилган: «Менки Эшнунна ҳокими Итурия, яъни Ур султони Гимильсининг содиқ қули ул олий зотга атаб бир бино қурдирдим. Шоҳимиз Гимильсинга табаррук номни Ану бахш этган, Энлиль унга муҳаббат қўйиб, бутун мамлакат ва оламнинг тўрт иқлимини ўз паноҳида сақласин, деб унга саховатли қалб ато қилган, энг қудратли шоҳим, Ур подшоси, тўрт иқлим шоҳи Гимильсинга шу бинони ёдгор қилдим». Шу династиянинг Шульги номли бошқа бир подшоси ҳам ўзига худо қатори иззат-ҳурмат кўрсатилишини талаб этган. Шульги шарафига ибодатхоналар солинган, ой янги тугилган ва тўлишган кунларда унинг ҳайкали олдида қурбонликлар

қилинган. Подшо шарафига мадҳиялар ёзилган. Илоҳийлаштирилган подшо номини унинг фуқаролари ўз номларига қўшиб айтганлар; мисол учун «Шульги-раббим» деганлар. Подшо Бурсин ўзини «мамлакатга хаёт бахш этган худоман» ва «мамлакатим қуёши — худосиман» деб атаган. Унга атаб солинган ибодатхоналарда худога қилгандек, қурбонликлар қилинган. Подшо Бурсиннинг номи эрамиздан аввалги VII асргача худолар номи билан бирга пантеонда сақланиб келган. Шунингдек, Бобил подшоси Хаммурапи ҳам ўзини қуёш худоси Шамаш билан тенглаштирган ва ўзини «подшолик гожи ва ҳассасининг ҳаққоний эгаси бўлган илоҳий шаҳаншоҳман» деб атаган.

Қадимдан табиатга эътиқод қилиниши ва ота-боболарга эътиқод қилишдан келиб чиққан, қулдорлик деспотияси пайдо бўлган даврда подшо ва подшо ҳокимиятини илоҳийлаштиришдан иборат ўзига хос идеология тарзида таркиб топган айрим-айрим диний тасаввурлар замонлар ўтиши билан мураккаб бир диний системага айланган. Бу диний назарияни билиш ҳамда мураккаб диний маросим ва ибодатларни адо этиш махсус коҳинлар иши бўлиб қолган.

Аршаълодаги осмон худоси Ану, ҳар нарсага қодир ва салтанатли ер худоси Энлиль ҳамда уруш ва билимларнинг донишманд худоси Эа — буларнинг учаласи олий худолар гуруҳини ташкил қилган. Булардан кейинги худолар гуруҳини ой худоси Син, қуёш худоси Шамаш, момақалдироқ худоси Адад ва табиатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари маъбудаси — Иштар ташкил қилган. Худолар ўртасида қариндош-уруғлик муносабатлари белгиланган: худо Мардук худо Эанинг ўғли ҳисобланган; худо Шамаш ой худоси Сиппинг ўғли ҳисобланган, чунки шумерлилар тасаввурига кўра, кундуз кечадан тугилган. Маъбуда Иштар худо Таммузнинг хотини ҳисобланган. Айни вақтда дин мураккаблашиб, турли хил маросимлар кўпайиб бориши билан коҳинлик таркиб топган, коҳинлар ихтисосларига кўра, турли гуруҳларга бўлинган. Тоат-ибодат қилувчи, фол очувчи, пиҳоят, соҳанда коҳинлар пайдо бўлган. Диний маросимлар тобора мураккаблашиб, давлат аҳамиятига эга бўлиб борган. Коҳинлар, диний ва дунёвий билимларни фақат коҳинларгина билиши мумкин, деганлар ҳамда диний билимларни осмон ва ерда содир бўладиган барча ҳодисаларни, шунингдек улуғ худоларга оид ҳамма нарсани биладиган илмигайб деб эълон қилганлар. Бош коҳинлик вазифаларини ҳокимлар (патэси) ва подшолар (лугаллар) эгаллаб олган. Булар, биз дин сирларини ҳаммадан ортиқ биламиз, деб даъво қилганлар. Масалан, қадимги Урук подшоси Гильгамеш илмигайб соҳиби ҳисобланган.

Адабиёт Энг қадимги Шумер шаҳарларининг архивларидан топилган адабий асарларнинг парчалари қадимги Месопотамияда адабий ижод жуда қадимги замонларда, эрамиздан аввалги IV минг йилликда пайдо бўлганлигини кўрсатади. Шумерийлар адабиёти, миххати ва умуман бутун Шумер маданияти кейинги Осурия-Бобил маданиятига катта таъсир кўрсатган. Шумерийлар замонида яратилган кундан-кун адабий асарлар кейинчалик бирмунча ўзгартирилиб, Бобил ва Осурия тилларига таржима қилинган ва шу ҳолича анча замонларгача сақланиб келган.

Иккидарё оралигида яшаган қадимги аҳоли дин-сеҳр жодуга жуда берилган бўлиб, уларнинг бутун дунёқарашлари шунга асосланган, дейиш мумкин. Шу сабабдан у замондаги бутун адабиёт бошдан оёқ диний идеология руҳи билан сугорилган. Адабий асарларнинг кўпчилиги диний мифлар, диний афсоналар, диний ақидалар ва гояларнинг бадиий ифодаси бўлган, холос. Бу адабий асарлар диний таълимот мақсадларига хизмат қилган, табиат ҳодисаларини, ҳаёт-мамот, дунёнинг яратилиши ва инсон ҳаётининг сирларини одамларга дин нуқтаи назаридан тушунтирган. Бадиий формага солинган гимнлар, дуолар, сура-оятлар ва афсунлар диний эътиқод мақсадларига хизмат қилган, ибодатхоналарда диний ё сеҳр-жоду маросимлари ижро этилаётганда куйланган ёки укилган.

Шумер-Бобил адабиёти диний гоялар билан сугорилган, бу ҳол адабиётда традиция бўлиб кетишига кўп даража сабаб бўлган. Жуда қадим замонларда яратилган ва диний руҳда ёзилган бундай асарларни дин жуда табаррук деб хисоблаган ва бундай асарларни, одатда, қадимги авлиё анбиёлар ёзган деб, ёки ҳатто худодан вахий деб кўрсатилган. Шу сабабли Шумер давридан кейинги замонларда яратилган адабий ижодиётнинг ҳаммаси деярли, асосан, қадимги традицион гояларни такрорлашдан ёки қайта ёзиб чиқаришдан, эски мотипларни ҳадеб такрорлай беришдан иборат бўлган ва баъзи жиҳатдангина муайян даврнинг талабларига мослаштирилган, холос.

Шумер-Бобил адабиёти аслини олганда, энг қадимги халқ оғзаки бадиий ижодидан келиб чиққан, афсуски, халқ ижодининг намуналари жуда оз миқдорда сақланиб қолган. Иккидарё оралигидаги деҳқончилик билан шугулланувчи халқнинг турмуши ва кундалик ҳаётига оид оқилона мақол ва маталлар, масалан, «Сен бориб ўз душманинг ерини босиб олсанг, худди шу вақтда душманинг келиб сенинг ерингни ҳам босиб олади» («Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан»), меҳнат процесслари вақтида иш билан бирга жўр қилиб айти-

ладиган халқ қўшиқлари, масалан, тегирмончилар айтадиган: «Деҳқонлар юлдузи (осмонда пайдо бўлиб) далада уруғ сепиш учун омочни ишга солди» каби қўшиқлар ана шундай халқ ижоди намуналаридир. Анча кейинги даврга оид текстларда ошпазлар ва новвойларнинг қўшиқларидан парчалар сақланиб қолган. Қадимги замонларда яратилган, «ҳайвонлар» иштирок қиладиган эпос ва масаллар ҳам маълум даражада халқ оғзаки ижодига киради, бу эпос ва масалларда иштирок этувчи шахслар ибтидоий даврдаги тотемизм билан боғлиқ бўлган. Бироқ бу адабий асарлар ибтидоий даврдан кейин, яъни хўжаликда ҳўкиз билан бир қаторда от ҳам ишлатилган, бургут образи «осмондаги» подшо ҳокимиятининг символи тўғрисидаги тасаввурлар билан боғланган даврда таҳрир қилинган бўлиб, аиа шу кейинги пусхадан парчалар сақланиб қолган. «От билан ҳўкиз ўртасидаги жанжал» (бунда от билан ҳўкиз ўз наслининг ортиқлиги тўғрисида тортишиб мунозара қилишади), «Тулки тўғрисида»ги масал (бунда тулки худо Шамаш ҳузуридаги судда сурок беради), бургут билан илон ўртасидаги душманлик тўғрисида қисса (бу қисса «Этананинг парвози» номли достонга киритилган) ана шу тариқа майдонга келган.

Қадимги шумерийлар давридаги жуда кўп адабий асарлар қадимги кўчманчи чорвачилик ўрнини сугориб экиладиган ўтроқ деҳқончилик эгаллаб бораётган даврда яратилган. «Эмеш ва Энтен» номли достонда чорвачилик ҳужалигини вужудга келтирган Эмеш ва деҳқончиликни яратган Энтен ўртасида «худолар орасида қайси бири деҳқон худо» деган унвон учун бўлган тортишув, шу билан бирга, ер худоси ҳамда Шумернинг ва Ниппур шаҳрининг бош худоси Энлиль бу тортишувни деҳқон худо Энтеи фойдасига ҳал қилганлиги ҳикоя қилинган. Шумерийларнинг яна бошқа бир достонида Энлиль деган уша бош худо қандай қилиб мотига кашф этганлиги ва бу мотиғани одамларга ҳадя қилганлиги баён этилган.

Ниҳоят, «Иннинанинг деҳқонни танлаши» деган достонда чорвачилик билан деҳқончилик қаҳрамонларининг маъбуда Иннинага совчилар қўйгани, буларнинг ҳар бири ўз меҳнатининг ортиқлигини кўкларга кўтариб мақтаганлиги баён қилинган.

Бобил адабиётида эпос катта ўрин тутган; эпос эса шумерийлар замонида яратилган. Шумерийлардаги эпик достонларнинг мазмуни бошдан-оёқ диний руҳ билан сугорилган бўлиб, бу достонлар кекса ўтмишнинг «олтин даври»ни худолар, олам ва инсоннинг яратилиши, қўён ва уруш худоси Нинуртанинг дўзахдан чиққан баҳайбат махлуқ билан қил-

ган уруши, туфон ва ер худоси Энлилнинг гойиб бўлиб, у дунёга кетиши тасвир этилган афсоналар билан маҳкам боғлиқ бўлган. «Олтин давр ҳақидаги достон»да «на илоп, на чаён на сиртлоп, на арслон бўлган, ёввойи итлар ҳам, бўрилар ҳам бўлмаган, қўрқинч, даҳшат бўлмаган, инсоннинг рақиби бўлмаган» саодатли кунлар ҳикоя қилинган. Бу достон қудратли Шумер подшолиги, яъни «олий хокимият амр-фармонлар бериб турган улуг мамлакат» мавжуд бўлган даврда, Шумер «дунёнинг тўрт иқлими»: шимолдаги Ур мамлакати (Ўрта ва Шимолий Месопотамия) билан, гарбдаги Мартю мамлакати (аморийлар яшайдиган Сурия-Месопотамия дашти) билан, шарқдаги Шубур мамлакати (Элам ва Гитиум) билан савдо ва маданий алоқа қилиб турган вақтда майдонга келган. Шумерийларнинг яна бошқа бир достонида Гильгамеш ва Энкиду деган қадимги қаҳрамонларнинг қилган баҳодирликлари, шунингдек олам ва одамнинг яратилиши, «осмон ердан ажралган, ер осмондан ажралгаи, инсонга инсонлик номи берилган замон» ҳикоя қилинган. Дунёни сув босиши (тўфон) ва худо Нинуртанинг жаҳондаги сувлар қўриқчиси бўлган дўзахий баҳайбат махлуқ билан қилган уруши тасвир этилган миф ва афсоналарда қадимги Месопотамия деҳқонларининг бот-бот бўлиб турадиган сув тошқинига қарши кураши, шунингдек энг қадимги сугориш системаларининг тузилиши акс этган. Ниҳоят, эпик достонларга асос қилиб олинган бошқа мифлар деҳқончилик худоси — ҳосил ва табиат худосига бўлган эътиқод билан боғлиқдир Бу достонларда ер худоси Энлиль ёки ҳосил маъбудаси Инпинанинг париги дунёга, ер остига «тушиб кетиши» тасвирланган.

Бобилликлар Шумер давридан қолган маданий меросни кабул қилиб, шумерийлар адабиётини баъзи бир жиҳатдан қисман қайта ишлагаилар, бу ҳол Бобил эпосида акс этган. Асосан кейинги замонларда қайта таҳрир қилинган шаклида сақланиб қолган Бобил эпик достонлари I Бобил династияси подшолари замони (эрамиздан аввалги XIX—XVI асрлар) даги қадимги Бобил подшолиги гуллаб-яшнаган даврда ёки ундан бирмунча кейинроқ яратилган бўлса керак, достонларнинг сақланиб қолган айрим парчалари ҳамда уларнинг таҳлили шундан далолат беради. Худолар на қаҳрамонларнинг қилган баҳодирликлари тасвир этилган бу эпик достонлар асосан айрим худолар шаънига айтилган гимнлардан тузилган. Бу гимнлар бирон-бир худони, уига атаб солинган ибодатхона ва унинг коҳинларини улуғлаб, кўкларга кўтарган; бунга Бобилнинг ва Бобил подшосининг ҳомийси ҳисобланган худо Мардукка бағишланган гимнни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.



Осур худосининг аждаҳо билан кураши

Нимруддан топилган бўртма расм.

Дунёнинг яратилиши ҳақидаги миф

Бобилда кенг тарқалган эпик асар маҳаллий худоии ана шундай кукларга кутариб улуглаш заминида вужудга келган ва унинг номи ҳам асарнинг биринчи сўзларидан олиниб, «Энума элиш» (Аршаъло) деб аталган. Бу достоннинг шумерийлар асл нусхасида дунёни шумерияилар худолари, жумладан Энлиль яратгаи деб, «подшолик»нинг тунгич шаҳарлари Шумер ва Аккад мамлакатларидаги Урук, Ниннур. Сиппар ва бошқалар, деб таърифланган. Марказлашган Бобил подшолиги ташкил тонаётган даврда коҳинлар Бобил худоси Мардукни энг бош худо на бутун оламни яратган худо деб таърифлаганлар, бу фикр «Дунёнинг яратилиши тўгрисидаги» достоннинг бобилликлар нусхасида ўз ифодасини топган.

Бу достонга: баҳор куёшининг ва бу қуёшнинг бутун оламга жон ато қилган қудратли кучининг худоси бўлмиш Мардук тартиб, ёруглик ва яхшиликнинг ибтидосидир, у кора кучларнинг ёвуз тимсоли бўлган Тиаматни енгиб, унинг тана-

сидан бутун оламни яратган, деган космогоник тушунча асос қилиб олинган.

Жасадига кўз тикиб тангри бир оз тухтади,
Оқилона ўйлабоп, танасин чопиб аннинг.
Чиганоқка ўхшатиб, икки палла айлади.
Бир палласин тункариб, осмону фалак қилди.
Беркитиб дарвозасин, қўйди анга соқчилар,
Тоғ сувларин уларга қуриқлашни буюрди.

Афсонада бундан кейин, яратувчи-худо қандай қилиб юлдузларни осмонда жойлаштиргани ва улар ҳаракатини қандай қилиб белгилагани, ниҳоят, қандай қилиб одамларни яратгани, бу одамлар эртаю кеч «худолар ҳақида гамхўрлик қилиши» кераклиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Достоннинг охирги қисми Мардукка бағишланган гимндан иборат бўлиб, бу гимнда Мардук Бобилнинг бош худоси эканлиги, бошқа ҳамма худолар олий ҳокимиятни шу Мардукка топширганлиги баён этилган. Бу достон жуда машҳур бўлган. Шу мифнинг айрим вариантлари ва айрим эпизодлари турли парчаларда сақланиб қолган, булар астрологияга алоқадор асарларда ва тиш оғриганда ўқиладиган дуои афсуиларда учрайди. Достоннинг бошқа бир қанча нусхалари, жумладан ёруғлик худосининг эзулмат кучлари билан қилган кураши тўғрисидаги бир қанча қиссалар (баҳор ойи ҳақидаги, Бэл билан Лаббу ва довул қуши тўғрисидаги эртаклар) сақланиб қолган. Осурийлар даврида бу миф батамом уларга ўтган. Таврот ва антик адабиётда ҳам бу мифнинг таъсири бор.

Агушайя ҳақидаги достон

Маъбуда Агушайя ҳақидаги достон ҳам Бобил маданияти равнақ топган ўша даврда яратилган бўлиб, бу достонда маъбуда Иштар билан маъбуда Салту ўртасидаги рақиблик ҳикоя қилинган. Донишмандлик худоси Эа бир-бирига душман бўлган бу икки маъбудани, Агушайя илтимосига кўра, яраштириб қўяди, бунда Эа инсонларнинг янги маъбуда Салтуни тан олишини унга атаб ибодатхоналар қурилишини ва қурбонликлар қилинишини ҳамда келгусида ҳам одамлар унинг хотирасини сақлашини шарт қилиб, уларни яраштириб қўйган. Достон учта жанговар маъбудани кукларга кутариб мақтаб, улар ўртасида иттифоқ ҳукм суришини куйлаш билан тугайди. Бу достонда турли группаларга мансуб бўлган кохинлар ўртасидаги кураш ҳамда бу учта Бобил маъбудасининг сиймоси ва эътиқодини бир-бирига яқинлаштириб, диний эътиқодларни марказлаштириш йўлида қилинган ҳаракат акс эттирилган.

Гильгамеш ҳақидаги достон

Бобил адабиётининг энг кўзга кўринган асарларидан бири машҳур «Гильгамеш ҳақидаги достон» бўлиб, бу достонда одамнинг ҳаёти ва унинг, ҳатто машҳур қаҳрамонларнинг ҳам ўлимдан қочиб қутула олмаслиги ҳақидаги азалий масала бадиий жиҳатдан жуда кучли тасвир этилган. Бу достоннинг айрим қисмларининг мазмуни жуда қадимги шумерийлар даврида яратилган. Масалан, Гильгамешнинг марҳум дўсти Энкидунинг арвоҳи у дунёдан яна ер юзига келган ва Гильгамешнинг одам ўлимидан кейин нима бўлишини бу арвоҳдан сўраганлиги тўғрисидаги ҳикоя ўша қадимги шумерийлар нусхасида ҳам бор. Шумерийларнинг «Гильгамеш ва Агга» деган бошқа бир достонида Урукнинг қамал қилган Киш мамлакатининг подшоси Агга билан Гильгамеш ўртасида бўлган кураш тасвирланади. Гильгамеш кўрсатган баҳодирликлар тўғрисида эпик қиссаларнинг бутун бир цикли мавжуд бўлган бўлиши жуда мумкин. Достоннинг асосий қаҳрамонлари Гильгамеш билан Энкидунинг номлари шумерийлардан қолган. Гильгамешнинг достондаги айрим эпизодларини акс эттирган кўпдан-кўп бадиий тасвирлар ҳам қадимги шумерлар давридан қолган. Урукнинг афсонавий даражага бориб етган подшоси Гильгамешнинг номи Шумернинг энг қадимги подшолари рўйхатида сақланиб қолган.



Гильгамешни тасвирловчи бўртма расм.

Париж. Лувр.

Бу достон нусхаларидан бири I Бобил династияси даврида тузилган бўлиши мумкин; сақланиб қолган бир фрагмент буқдан далолат беради; бу фрагмент достоннинг кейинги замонлардаги, аммо анча тўла ёзилган осур нусхасидан кескин фарқ қилади, у эрамиздан аввалги VII асрда подшо Ашшур-

Ашшурбанипалнинг Ниневия шаҳридаги кутубхонаси учун аккад тилида осур миххати билан ёзилган. «Гильгамеш ҳақидаги достон» тўрт асосий қисмга бўлинади: 1) Гильгамешнинг Урукни қаттиқ қўллик билан идора қилиши, иккинчи қаҳрамон Энкидунинг пайдо бўлиши ва бу икки қаҳрамоннинг дўстлиги қиссаси; 2) Гильгамеш ва Энкиду қаҳрамонликларининг тавсифи; 3) Гильгамешнинг оби ҳаёт қидириб, бошидан кечирган саргузаштлари қиссаси; 4) Гильгамешнинг марҳум дўсти — Энкиду арвоҳи билан қилган суҳбатининг баёни билан достон тугайди.

Достоннинг автори кириш қисмида «Гильгамеш тош лавҳага ўзининг асарларини ўзи битган» деб, бу билан достонда баён қилинган ҳодисаларни тарихда чинакам бўлган ҳақиқий воқеалар деб даъво қилган. Ҳақиқатан ҳам, достондаги баъзи эпизодлар қадимги қиссаларда сақланиб қолган тарихий воқеаларнинг узоқ ўтмишдаги излари бўлиши мумкин.

Масалан, Гильгамешнинг Урукни идора қилгани, унинг маъбуда Иштарга муносабати (бу эса подшо ҳокимиятининг коҳинларга қарши курашини акс эттиради) ана шундай эпизодлардир. Бироқ «Гильгамеш тўғрисидаги достон»га баъзи бир мифологик ва афсонавий воқеалар ҳам киритилган, бу бутун оламнинг сув босиши (тўфон) ва одамнинг яратилиши тўғрисидаги қадимги қиссалар билан *боғлиқдир.*

Достоннинг бош қисмида «учдан икки бўлаги худо ва бир бўлаги одам» бўлган Гильгамешнинг Урук деган қадимги шаҳарда қандай подшолик қилгани, шаҳар деворлари қуришга ва худоларга атаб ибодатхоналар солишга халқни мажбур этиб, қаттиқ зулм кўрсатгани ҳикоя қилинган. Урук аҳолиси бундай оғир қисматга чидолмай, худоларга шикоят қилган, худолар ҳам бу шикоятларни назарга олиб, гайри табиий бир кучга эга бўлган Энкиду номли паҳлавонни яратганлар. Энкиду ваҳший ҳайвонлар орасида яшаган, шу ваҳший ҳайвонлар билан бирга ов қилган ва сув ичгани борган. Овчиларнинг ваҳший ҳайвонларни овлашига Энкиду тўсқинлик қилган, шунда овчилардан бири ёрдам сўраб Гильгамешга мурожаат қилган. Бу ибтидоий қаҳрамонни ўзига эл қилиб олиш ниятида Гильгамеш унинг ҳузурига ибодатхона чўрисини юборган, бу чўри хотин Энкидуни кўлга олиб, унинг ёввойи хулқини тийиб қўйган ва уни Урукка олиб келган. Энкиду Урукка келгандан кейин, бу ерда ҳар иккала қаҳрамон яккама-якка курашга тушган, лекин уларнинг кучлари баравар бўлганлиги учун бир-бирларини енга олмаган. Шундан кейин бу икки қаҳрамон, яъни Гильгамеш билан Энкиду дўст бўлиб қолган ва биргаликда кўп баҳодир-

ликлар кўрсатган. Улар, «кедр ўрмонининг қўриқчиси» баҳайбат ва қудратли Хумбабо олдига борганлар ва у билан жанг қилиб, Гильгамеш ва Энкиду Хумбабони ўлдирган:

Камондан ўқ узиб, найза отдилар,
Ўқлар ҳар томон сачраб, Хумбабо омон қолди.
Хумбабо қузғалиб жангга шайланди,
Энкиду бўғзига чангалин солди.
Шунда шох ойболта ила бир солиб,
Хумбабони каро ер қаърига тиқди.

Бу ғолиб қаҳрамонни кўрган маъбуда Иштар унга ошиқ бўлиб қолиб, севги изҳор этган. Аммо донo ва эҳтиёткор Гильгамеш маъбуда Иштарнинг севгисини рад қилиб, илгариги ошиқларини қанчадан-қанча қулфат ва балоларга дучор қилганлигини маъбуданинг ёдига солган:

Ёшлик йилларинг қадрдон дустн,
Таммуз бошига алам солдинг ку,
Йиллар йиглаган сайин ёрини
Аччиқ куз ёшин паҳот унутдинг?

Гильгамешнинг рад жавобини ўзига хақорат билган маъбуда Иштар унинг устидан ўз отаси бўлган осмон бош худоси Ануга арз қилиб, ундан осмоний бир хўкиз бунёд қилишни сўраган, гўё бу хўкиз ўжар ва қайсар қаҳрамонни ҳалок қилиши лозим бўлган. Ану қизининг илтимосини дарҳол адо этмаган ва анча вақтгача иккиланиб турган. Бироқ қизи қаттиқ туриб ҳадеб илтимос қилаверганидан кейин, Ану, достоннинг сақланиб қолган ва бир оз шикастланган текстининг мазмуни асосида айтганда, Урукка бир баҳайбат хўкиз юборган, бу хўкиз дамига тортиб, бир неча юз одамни нобуд қилган. Аммо қаҳрамонлар бу мудҳиш махлукни ўлдирганлар; ботирларнинг бу янги қаҳрамонлиги маъбуда Иштарнинг ғазабига-газаб қўшган. Иштар Урук деворлари тепасига чиқиб олиб, дуолар ўқиб, Гильгамеш бошига лаънатлар ёғдирган. Лекин жасоратли қаҳрамон бу лаънатларни писанд қилмаган. У ўз одамларини ҳузурига чорлаб, уларга бояги хўкизнинг шохларини олиб келиб, ўз худо ҳомийлари шарафига қурбонлик қилишни буюрган. Ҳар иккала қаҳрамон қўлларини Фрот дарёсида ювиб, Урукка қайтиб келган, қаҳрамонлар кўрсатган баҳодирликларга офаринлар ўқиган Урук аҳолиси зафар қўшиқлари айтиб, уларни қарши олган:

Йигитлар ичида энг гўзали ким?
Баҳодир, қудратли энг улуғи ким?
Йигитлар гўзали Гильгамеш эрур,
Улуғ ҳам баҳодир Гильгамеш эрур.



Тель-Асмардан топилган Аккад цилиндрик муҳрининг нусхаси.

Тантанали ўйин-кулгилар тугаганидан кейин, подшо саройида ухлаб ётган Энкиду бир ёмон туш кўрган: тушида ғойибдан овоз келиб, унинг яқинда ўлажагини маълум қилган. Шундан кейин Энкиду, ҳақиқатан ҳам, жуда қаттиқ касал бўлиб қолган. У ўз тақдиридан нолиб, боши ёстиққа етгани, жанг майдонида мардонавор туриб ҳалок бўлишдан маҳрум қилаётган вафосиз ўлимга дучор бўлганидан ниҳоятда ранжиб, ўз тақдирини лаънатлаб, дўсти Гильгамешга арз қилган. Гильгамеш дўстининг ўлиб кетаётганига зор-зор йиглаб, ўзи ҳам бир кун ўлим ёстиғига бош қўйишини биринчи марта ҳис этган. Дўстининг жасади устида Гильгамешнинг ох тортиб қилган ноласи бадиий жиҳатдан юксак бир формада тасвир этилган:

Кадрдон дустим, иним Энкиду,
Тоғлар ошганда, снимда эдинг.
Осмон ҳўкизи келганда бирга
Агдариб, жонини олгандик бирга.
Кедр ўрмонин соқчиси бўлмиш,
Хумбабони ҳам бирга улдирдик.
Нега жим ётибсан, ўлдингми дустим!
Чеҳранг ҳам сунипти, энди менинг хеч,
Сузим эшитмассан, кадрдон дўстим!

Гельгамеш дўстининг кўкрагига қўлини қўйган ва унинг юраги уришдан тўхтаганлигини билиб, Энкидуни кафанга ўрашни буюрган. Энкиду жасади устида Гильгамешнинг айтган охирги сўзлари чипакам қайғу-алам билан тўлиб-тошган:

Дўстим жасадига бошимни қўйиб,
Ингладим кеча-кундуз роса олти кун.
Еттинчи куни қабрга қўйиб,
Фиғоним утида ёндим неча кун.

Ўлим ваҳмаси бўғди нафасим.
Зог учмас даштларга бош олиб кетдим.
Дўстимга йўликкан у оғир қисмат,
Менинг ҳам тепамда тургандек, ана
Фиғоним дудларин кандай яширай?
Оҳимни па сўзлар билан мен айтай?
Тупроққа айланди севгили дўстим.
Наҳотки мени ҳам алоҳал бир кун,
Ўлим тушаги ютар, ўшандай!

Ўлим ваҳимасида тинкаси қуриган, бугун эрта ўлар экан-ман деб жигар-бағри эзилган Гильгамеш узоқ сафарга жў-наган. У ўз бобоси Ут-Напиштимнинг ҳузурига қараб йўл олган; Ут-Напиштим худоларнинг улуг марҳаматига сазо-вор бўлиб, улардан оби ҳаёт олган. Гильгамешнинг узоқ йўл-нинг қийинчиликлари қўрқитмаган. Тогдаги ғорларни қўрик-лаб ётган шерлар ҳам, «бир қараши ўлим келтирувчи» чаён сифат афсонавий одамлар ҳам, қимматбаҳо тошлари чарақ-лаб ётган дарахтлар билан қопланган жаннат боғлари ҳам, ўлимни гамом эсдан чиқариб, кайфу сафога берилишни даъват қилувчи маъбуда Сидури ҳам Гильгамешни йўлдан тўхтата олмаган. Гильгамеш «ўлим келтирувчи сувлар»дан кемада кечиб ўтиб, обн ҳаёт ичган ўлмас бобоси Ут-Напиш-тим яшайдиган ерга етиб борган. Абадий яшаш йўлини қидириб, жасур қахрамон бобосидан обн ҳаёт сирини билиб олишга ҳаракат қилган. У бобосидан: «Сен обн ҳаётни қаер-дан қидириб, қаердан топдинг?» деб сўраган. Ут-Напиштим Гильгамешнинг саволларига жавоб бериб, бутун дунёни сув босиб тўфон бўлгани, тангри Эа унга қайиқ қуриш, бу қа-йиқда тўфондан қандай қилиб омон сақланиб қолиш йўлини ўргатгани, тўфондан омон колгандан кейин худоларнинг Ут-Напиштим ва унинг хотинига абадий ҳаёт бахш этгани ҳақида ҳикоя қилиб берган. Одамларнинг қилган гуноҳлари учун уларни жазолаш мақсадида худолар ерга тўфон юборгани ва бутун дунёни сув босиб, ҳалокат бошлангани, бу ҳалокатдан фақат бир одам кутулиб қолгани, у одам ўз қайигига «дунёнинг жами жониворлари»нинг (яъни ҳайвон-лар ва қуш, қурт-қумурсқаларнинг ҳамма хилининг) уруғини солиб олгани баён этилган бу қадимги қисса алоҳида бир парча тарзида достонга киритилган. Бу афсонада Шумер қабилаларининг Жанубий Месопотамияда бўладиган гоят катта сув тошқинларига қарши узоқ утмишдан бери курашиб келгани акс этган бўлиши ҳам мумкин. Жанубий Месопотамия дарёлари тошган вақтида бутун паст текисликни сув босган ва кўп жойларни хароб килган, аммо, шу билан бирга, тошқин вақтида ерга чўккан лойқа энг

қадимги деҳқонлар ерини серунум қилиб, мул-кўл ҳосил берган.

Ут-Напиштим Гильгамешга раҳми келиб, турли хил дуою афсунлар ўқиш йули билан қаҳрамонни абадий ўлмайдиган қилишга уринган. У, қаҳрамон дучор бўлган уйқудан қутулишни унга маслаҳат берган, Ут-Напиштимнинг хотини эса, муборак нонлар ёпиб, Гильгамеш ётадиган ёстиқнинг тагига қўйган. Аммо бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам беҳуда кетган. Гильгамеш аввалгидек, яна ўлим изтиробида азоб чекаётганини ҳис қила бошлаб, бундай деган:

Энди на қилай, қайларга борай, эй Ут-Напиштим?
Етоғимда тинмай ойланди ўлим.

Шундан кейин, Ут-Напиштим «сирли сўз»ни Гильгамешга айтиб бериб, океан тубига тушишни, «чол одамни ёш қиладиган» абадий ҳаёт ўтини у ердан олиб чиқишни маслаҳат берган. Гильгамеш Урукка қайтиб кетаётганида бу ажойиб ўтни топган, лекин қаҳрамоннинг бепарволиги уни бу ўтдан маҳрум этган. У, йўлда бир ховузни кўриб қолган ва унинг муздек сувида роҳат қилаётганида, бир илон келиб ховуз четида ётган абадий ҳаёт ўтини олиб кетган. Қаҳрамон яна алам ичида Урукка қайтиб келган ва сўнгги тилагини адо этишни сўраб худоларга илтижо қилган; ҳеч бўлмаса марҳум дусти Энкидунинг арвоҳини кўришга муяссар бўлишни сўраб ёлворган. Бироқ Гильгамеш ўлган одамнинг ҳоли у дунёда нима кечишини билишга зўр машаққатлардан кейин муяссар бўлган. Худолар орасида фақат донишмандлик худоси Эагина Гельгамешнинг жонига ора кириб, унга ёрдам кўрсатган. Эа у дунёнинг ҳокими Нергалга Энкидунинг арвоҳини ер юзига чиқаришни буюрган. Дўстларнинг диалоги билан достон тугайди. Гильгамеш «ер қонуни»ни, одам ўлгандан кейин ҳоли нима бўлажагини айтиб беришни дўстидан ёлвориб сўраган, Энкиду, одам дунёдан ўтгандан кейин у дунёда нима ҳол кечишини жуда ҳам ачинарли бир тарзда тасвир этган:

Боқ менга! Севинч ичра қучоқлаган дўстингни,
Ёбон қуртлар мисоли бир чириб кетган кафан қилди
Севинч ичра сен қучоқлаб бағрингга босган,
Баданларим халон бўлиб, кулга айланди,
Ириб-чириб, ер каърида хоки-сор бўлди.

Бу шеърда ўлимнинг муқаррар эканлиги, барча одамлар, ҳатто ҳақ ўлимни енгиш учун ҳар қандай қаҳрамонлик курсатишдан ҳам қайтмайдиган одамлар учун ҳам, ҳаттоки, достон авторининг ифодали қилиб айтишича, «учдан иккиси

худо ва ундан бири одам» булганлар учун ҳам ўлим муқаррар эканлиги тўғрисидаги фикр биринчи марта ўлароқ жуда аниқ ва ёрқин, шу билан бирга, бадиий жиҳатдан катта моҳирлик билан ифода қилинган.

«Гильгамеш тўғрисидаги достон»нинг асосий қисми жуда қадим замоиларда яратилган булиб, у ўзига хос қадимги эртаклар циклидан иборат. Гильгамеш билан Энкиду кўрсатган қаҳрамонликлар, Энкидунинг фожиали ўлими ва Гильгамешнинг оби ҳаёт қидириб, бошидан кечирган саргузаштлари баён этилган бу ҳикоя бир қатор қадимги диний мифлар билан чирмашиб кетган. Бу мифлар айрим эпизодлар шаклида достоннинг умумий текстига киритилган. Одам (Энкиду)нинг худо тупуригига қоришгирилган тупроқдан яратилганлиги тўғрисидаги афсонанинг қисқа бир парчаси; жаҳон тўфони ҳақидаги машҳур миф ана шундай афсоналардандир. Жаҳон тўфони ҳақидаги мифда қадимги қаҳрамон Ут-Напиштимнинг донишмандлик худоси Эа маслаҳати билан қандай қилиб кема ясаганлиги, шу кемага тушиб, тўфон вақтида эсон-омон қолганлиги ва бу билан абадий ҳаётга сазовор булганлиги батафсил ҳикоя қилинади.

«Гильгамеш ҳақидаги достон» ўзининг бадиий фазилатлари жиҳатидан ҳам, унда ифода қилинган фикрларнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги жиҳатидан ҳам Бобил адабиётида алоҳида ўрин тутади. Одамнинг «ер қонуни»ни, ҳаёт ва ўлим сирини билишга азалдан интилиб келганлиги ҳақида қадимги Бобил шоири илгари сурган фикр юксак бадиий формага солиб берилган. Қадимги достон автори нинг сузлари чуқур пессимизм руҳи билан суғорилган. У келгусидаги ҳаётни азоб-уқубат ва қайғу-аламлардан иборат қилиб кўрсатган. Ҳатто «қудратли, буюк ва доно» бўлган машҳур Гильгамеш ҳам, худолар насабидан келиб чиққан булишига қарамай, худоларнинг олий марҳаматига сазовор бўла олмаган ва абадий ҳаётга эриша олмаган. Диннинг амр-буйруқларини, қоҳинларнинг талабларини, диний расм-одатларни бажарган бандаларгагина охиратда роҳат ва фароғат бахш этилар эмиш. Бутун достоннинг асосий фикри ана шундан иборат, ҳеч шубҳа йўқки, достон халқ бадиий ижодиёти заминида яратилган, лекин достонда кейинги вақтдаги аристократик қоҳинлар идеологияси кўп жиҳатдан акс этган.

Адапа ҳақидаги достон

Адапа ҳақидаги достонда ҳам ўша абадий ҳаёт тўғрисидаги фикр, кишининг абадий яшашга интилиши акс эттирилган. Бу ўзига хос адабий асарда энг олижаноб, донолларнинг доноси, «кишиликнинг дурдонаси» худо Эанинг ўғли, Эриду ибодат-

хонасини кохин сифатида нон, сув, парранда ва балиқлар билан таъминлаб турган Адапанинг кунларнинг бирида жануб шамолининг канотини синдириб қўйгани ва бунинг учун бош худо Ану хузурига судга чақирилганлиги ҳикоя қилинади. *Адапа отаси берган маслаҳатларга* амал қилиб, осмоннинг дарвозабон худоларида ўзига нисбатан раҳм ва шафқат туғдиради ва бош худони ҳам ўз томонига оғдиради, аммо, шу билан бирга, абадий ҳаёт таомларидан, обиҳаётдан воз кечади. Шу тариқа, Адапа, бош худони жуда ҳам ҳайрон қолдириб, ғоятда эҳтиёткорлигидан аршаъло ато қилган абадий ҳаётдан беихтиёр воз кечади. Бу достоннинг сақланиб қолган бошқа бир парчасида, Адапанинг, қўлдан кетган абадий ҳаёт ўрнига бўлса керак, ер юзига абадий ҳоким бўлиш ҳуқуқини олганлиги баён этилади. Афсуски, достоннинг сақланиб қолган тексти айрим-айрим бўлаклардан иборат бўлгани учун достон мазмунини тўла тиклаш мумкин эмас.

Этана ҳақидаги достон

Этана ҳақидаги афсона ҳам, юқоридаги достонларда бўлгани каби, ахлоққа доир ва қисман диний-философик тенденцияларни илгари сурган асардир. Унда бургутнинг илон билан дўст тутингани, бургутнинг дўстига хиёнат қилгани, илоннинг ундан қаттиқ уч олгани ҳамда Этананинг «тугилиш гисҳи»ни ва олий подшолик ҳокимняти аломатларини қўлга киритиш мақсадида бургут қанотига миниб, осмонга учиб чиқмоқчи бўлгани тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу достон ҳам, «Гильгамеш ҳақидаги достон» сингари, бир неча мустақил қисмдан иборат. Бунда халқ ижодининг қадимги формаларидан бири бўлган «ҳайвонлар» тўғрисидаги эпос циклига кирувчи ахлоқий масал диний афсона билан, худо даражасига кўтарилган шоҳнинг ҳокимият белгилари —

салтанат ҳассаси ва тожи,
ҳокимлик асоси ва тилла қеши
Ану ҳузурида самода

эканлиги тўғрисидаги ва ҳатто жасур қаҳрамон Этана ҳам уларни олишга муяссар эмаслиги, чунки подшолик ҳокимиятини вафосиз ва фаросатсиз бургут ёрдами билан олиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги диний афсона билан чирмашиб кетган. Шундай қилиб, бу достонда подшолик ҳокимияти осмондан юборилади ва худолар бу ҳокимиятни муқаддас қилиб яратади, деган фикр илгари сурилади. Бунда диний адабиёт ва тасвирий санъат ёрдами билан подшо ҳокимиятини асослаб бериш ва оқлашга ҳамда бу билан қулдорликка асосланган

синфий тузумни мустаҳкамлашга уринувчи коҳинлар тарғиботи очиқ кўриниб турибди. Қадимги шоир худолар яшайдиган ва «Маъбуда Иштарнинг тахти» турадиган самога бургут қанотига миниб олган «Этананинг парвоз қилиши»ни бадиий жиҳатдан жуда юксак моҳирлик билан тасвирлаган. Парвоз қилиб осмонга кўтарилаётгаи Этана ҳар соатда пастга бир қараб қўяди ва ер ҳам денгизларнинг аста-секин кичиклашиб бораётганини, охири, кичик бир кулча ва саватдек бўлиб қолганини кўради. Этана гоятда вахимага тушади. У учишдан тўхташни сўраб, бургутга ёлворади. Лекин унинг ёлворишлари натижасиз қолади. Шундан кейин, Этана дадиллик ва жасоратдан маҳрум бўлиб, тўсатдан ағдарилиб, визиллаганча ерга келиб тушади. Бу достон ҳам одамзод кучининг чекланганлиги тўғрисидаги фикр билан сугорилган.

Иштарнинг тушиб бориши

Маъбуда Иштарнинг осмондан тушиб, нариги дунёга бориши ҳақидаги достон ҳам ҳаёт-мамот тўгрисидаги ўша азалги фикрлар билан сугорилган. Қадимги Месопотамия аҳолиси йилнинг фаслларга бўлиниб, ўзгариб туриш сабабини билиб олишга, йил давомида табиатнинг ўлиб, тирилиш сабабларини тушуниб олишга уриниб, табиат худоси Таммузнинг ўлиши ва тирилиши тўгрисидаги диний афсонани яратган. Таммуз ўлгандан кейин унинг рафиқаси маъбуда Иштар уни ҳар йили тирилтириб, янгидан ҳаётга қайтараркан. Бу поэтик афсонада, Таммуз ўлганидан кейин, Иштарнинг кандан қилиб ер ости дунёсига тушганлиги, у ердаги етти дарвозанинг ҳар қайси қўрикчисига ўз зеб-зийнатларидан биттасини қолдириб борганлиги ҳикоя қилинади. Табиатнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг худолари бўлган Таммуз билан Иштарнинг нариги дунёда бандиликда туриши ердаги бутун ҳаётни тўхтатиб қўяди. Бу ҳол бошқа худоларни табиат худолари бўлган Таммуз билан Иштарни ер ости дунёсидан озод қилишга мажбур этади. Достоннинг охирида табиатнинг ўлувчи ҳам тирилувчи худосининг байрам тантанаси тасвир қилинади ва достон шу билан тугайди.

Таммуз тирик кунларда ложувард пайпи чалинглар,
Қизил акиқ ҳалқаларни жингиллатинглар.
Чалинглар Таммуз билан эй, ҳаёт тутган йиғловчилар,
Токи иерикнинг ҳидига қовиб, уликлар тирилсин.

Бу достон худо Таммузнинг ўлими ва қайтадан тирилишини тасвирловчи диний драма билан якин боғлиқдир. Бу драма кайтадан тирилган табиатнинг шу худосига аталган байрам кунларида ибодатхоналарда ижро этилган.

Драматик поэзия

Бобил диний драмасининг асосий цикли табиатнинг ўлувчи ва тирилувчи худосига бўлган эътиқод билан боғланган. Шумер давридаёқ бундай диний драманинг биринчи намуналари пайдо бўлган. Чунончи, «Иннинанинг у дунёга тушиб бориши» тўғрисидаги шумерийлар афсонаси «Иштарнинг тушиб бориши» тўғрисидаги бобилликлар эртагининг тимсоли бўлиб, унда коҳинларнинг ибодатхоналарда айтиши мумкин бўлган диалоглар сақланиб қолган; коҳинлар энг қадимги бу диний драманинг «ашулачилари» сифатида, ана шу диалогларни ашула қилиб айтганлар. Эги-ме деган маъбуда билан унинг акаси худо Лиль ўртасидаги ҳаяжонли диалог Исин династияси замонларига мансубдир. Маъбуда Эги-ме ўлган Лиль учун зор-зор йиғлайди ва уига она маъбуда ҳурмати учун «ўлиб ётган жойидан туриши»ни, яъни қайтадан тирилишини сўраб ёлворади. Эги-ме бунга жавобан, худо Лиль ундан ўзини озод қилишни ўтиниб сўрайди. Лиль ўзини ўлиб гўрга кўмилган одам билан таққослайди ва ўлган кишининг қайтадан тирила олмаслигини, унинг тушига ёвуз жинлар кириб безовта қилишини айтади. Шумер даврида ҳам, Аккад-Бобил даврида ҳам, аза байтлари кенг ёйилган. Бу байтлар «У яйрайди кенгликда» деган маросим қўшиқлари тўпламига киритилган. Табиат худоси Таммуз ҳақидаги бу қадимги аза йиғиси шу худонинг қайтадан тирилиш байрами арафасида ижро қилинадиган диний драманинг бир қисмидан иборат бўлса керак. Табиат худосининг ўлими ва қайта тирилиши ҳақидаги миф диний драма шаклида театрлаштирилгани ҳолда Месопотамияда узоқ замонларгача яшаб келган. Эрамиздан аввалги VIII асрда ҳам Бобил ёзувларидан бирида бу мифнинг анча тўлиқ баён қилинган нусхасини кўрамиз, лекин бунда табиат худоси Таммузнинг хислатлари Бобилнинг бош худоси Мардукка кўчирилган. Бу мифда Мардукнинг курган азоб-уқубатлари батафсил баён қилинган: уни сўроқ қиладилар, уриб азоблайдилар, тоғдаги зиндонга қамаб қўядилар ва у ерда қаттиқ қийноққа соладилар. Унинг кийим-бошларини тортиб оладилар ва у билан бирга бошқа бир гуноҳкорни ҳам қатл қилиш учун олиб борадилар. Улуғ тангрининг тутқунликда сақланиши халқни ғалаёнга келтиради. «Бобилнинг ҳукмдори» бўлган маъбуда кулфат чекаётган ва тоғдаги зиндонга ташланган худонинг қисматини енгиллаштиришга ҳаракат қилиб, унинг «найза санчилган юрагидан тирқираб чиқаётган қонни қўли билан артади». Ниҳоят, худолар ўлган худони тоғдаги зулмат зиндонидан озод қилиб, қайтадан тирилтирадилар. Бу текстда янги йил кунида, яъни Нисон ойида (кўкламда кеча-кундуз баравар

бўлган кунларда) худо Мардукка бағишлаб ўтказиладиган энг катта байрамда ижро этиладиган диний маросимлар баён қилинган деб тахмин қилиш мумкин. Ана шу тантанали маросимларда подшонинг ўзи қатнашиши лозим бўлган. Мардукка тақлид қилиб подшо ўзини эзгу жафокаш ҳолатида кўрсатиши лозим бўлган. Бунинг учун махсус тантана вақтида подшодан унинг ҳукмдорлигини билдирувчи ташқи аломатларни тортиб олганлар, бош коҳин эса тиз чўкиб турган подшони қамчи билан урган. Шу маросимдан кейингина подшо олий худодан подшолик ҳокимиятига эгалик ҳуқуқини қайтариб олган. Ибодатхона гумбази остида қадимги диний драма мана шу тариқа вужудга келган, бу драмада табиат, ҳаёт ва ўлим сирларини кўзга кўринадиган символик образлар орқали изоҳлашга тиришганлар. Коҳинлар подшони муқаддас қурбон қилиб тасвирлаб, подшо худонинг акси, унинг ердаги вакили (ноиби) деган диний таълимотни яратганлар. Бундай эътиқодлар қулдорлик асосига қурилган давлат тепасида турувчи подшонинг ҳокимиятини, унинг обрусини мустаҳкамлаши керак эди.

Лирик поэзия

Қадимги Бобил давридан колган лирик асарларнинг деярли ҳаммасида ҳам ўша вақтда ҳукмрон бўлган диний қарашларнинг ўзига хос таъсири бор. Ибодатхона, сарой кутубхоналарида ва архивларида бадиий адабиётнинг, жумладан лирик поэзиянинг диний сеҳр-эътиқоди билан боғлиқ бўлган еки авторнинг диний кайфиятини ифода қилган асарлари айниқса яхши сақланган, кўчириб ёздирилган ва шумерлилар тилидан аккадликлар тилига таржима қилинган. Кўпинча булар ўзига хос бир поэтик формага солинган афсунлар, каромат қилиб айтилган гаплар, гимнлар ва турли дуолардан иборат бўлган. Диний лирика асарлари орасида «тавба суралари» деб аталган суралар алохида ўрин олган, бундай «суралар» қадимги Бобил даврида, эҳтимолки, ундан ҳам илгариги Шумер даврида яратилган. Худо шаънига айтиладиган бу дуо гимнларида ҳам диний эътиқод, ҳам ўша замоннинг диний таргиботи айниқса яққол ифода қилинган. Бу суралариинг авторлари, кўпинча, динга чин қалбидан содиқ бўлган одам худонинг қаҳрини келтирувчи ва «худо жазоси»га дучор қилувчи хато ва гунохлари туфайли ўзининг бахтсизликка учраганлигига ҳамма вақт икрор булади, деган фикрни илгари сурган. Шу сабабдан, бу чин эътиқодли одам: «таолонинг соф қалбини хотиржам қилмоқчиман» деб, қаҳри келган худонинг кўнглини юмшатишини ўзининг муқаддас бурчи, деб билган; аслда эса, бу билан у тақводор ўз виждони, ўз кўнглини хотиржам қилган. Шу муносабат билан,

қадимги сураларда кўпинча қулдорлик замонининг синфий ахлоқини ифода қилган ахлоқ, ёмонлик ва яхшилик тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар ёркин акс этган. Чунончи, шундай суралардан бирида олий худо Энлиль «қўзғолонни босувчи», шу билан бирга, «пок кўнгилли» худо, деб аталган. Жуда табиийдирки, бу тавба-тазарру суралари одатда, ибодатхоналарда адо этилган, коҳинлар худога чинакам нола қилиб, тавба келтиргандагина ҳамда ибодатхонада маросимларни чинакам ижро қилгандагина худонинг ва ҳатто илтижо қилувчи гуноҳкорнинг ҳам кўнгли хотиржам бўлади, деб одамларни ишонтириш учун шу суралардан жуда кенг фойдаланганлар.

Шумер коҳинлари, одатда, ибодатхоналарда гимнлар айтганда, дуолар ва суралар ўқиганда музика асбобини чалиб жўр қилганлар. Энг қадимги ибтидоий шаклдаги, уриб чалинадиган чолғу асбобларининг, жумладан «жаранглovчи кимваллар»нинг (бу металлдан ясалган катта тарелкасимон музика асбоби) ҳамиша бир оҳангда чиқувчи мунгли товушлари поэтик образларнинг ҳамиша бир хилда бўлган хусусиятларига ҳамда ҳар доим бир хилда бўлган фикрлар ва руҳий кечирмаларнинг доимий таронасига тамомила мувофиқ келган, бу ҳол Шумер ва Бобил лирик поэзияси учун жуда ҳам характерли бўлган.

Диний лирикага онд бу асарларнинг баъзи бирларида сиёсий тарих воқеаларга тааллуқли кизиқ-қизиқ кўрсатмалар ва гаплар бор. Бу жиҳатдан олиб қараганда, қадимги «кароматлар» катта тарихий аҳамиятга эга, уларда, кўпинча, бирон-бир сиёсий воқеага онд фикрлар баён қилинган.

Диний-фалсафий поэзия

Бобил поэзияси «Жафокаш авлиё ҳақида достон» ва «Хўжайиннинг қул билан суҳбати» деган икки асарда ўз тараққийсининг юқори чўққисига чиққан. Биринчи достонда автор ўзининг оғир қисматидан, уни ҳамма вақт «бахтсизлик кетидан яна бахтсизлик» таъқиб қилишидан шикоят қилади. Шу бахтсизликларнинг сабабини англаб олишга ҳаракат қилиб, бу одам ўз қилмишларини таҳлил қилади. Бироқ у ўзини худолар ёки подшога нисбатан бironта жиноятда айбли деб топмайди. Бу одам ўзининг ҳақли эканлигига ва ўз зиммасидаги бутун вазифаларни бажариб келганлигига ишончи комил.

Мени сўрасангиз, мен чин ихлосдан ибодат қилдим,
Доим ибодат ғамида бўлдим, қурбонлик беришни қонун деб билдим.
Подшо улуғворлигин энг юксакдан ҳам юксак деб билдим,
Халқни ҳамиша саройдан қўрқишга ўргатар эдим.
Биламанки, бу қилганим худо учун ёқимли ишдир.

Аммо подшо, кохинлар ва дин буюрган мажбуриятларни ана шундай «саховат» билан адо этишига карамай, у одам қаттиқ азоб чекади ва ўзининг тамом гуноҳсизлигини ҳис этиб, худоларнинг адолатлилигига шубҳа қила бошлайди, чунки худолар унинг ибодат ва саждаларига қулоқ солмайдилар:

Мен чақирдим ўз худойимни, лекин курсатмади у менга юзин.
Уз маъбудамга қилсам-да сажда, боқмади у менга кўрсатиб кўзин.

Шу тариқа, худоларнинг адолатлилигига ва, бинобарин, тақводорларга эҳсон ваъда қилувчи диний ақидаларнинг хақ эмаслиги тўғрисидаги дастлабки шубҳалар диний дунёқараш таъсири остида бўлган Бобил адабиётига секин-аста кириб боради.


«Хўжайиннинг қул билан суҳбати» деб ном олган асар яна ҳам кучлироқ пессимизм руҳи билан сугорилган. Уз хўжайинининг битмас-туганмас ва бир-бирига карама-қарши бўлган истакларига қул итоат билан «хўп, хўжайин, хўп» деб жавоб беради ва ҳар гал хўжайиннинг истакларини ўриили ва асосли қилиб кўрсатмоқ учун важ топади. Аммо авторнинг энг муҳим ва асосий фикри хўжайин билан қул ўртасидаги диалогнинг ғоят кучли сугги сўзларида ифода қилинган. Ҳаётдан кўнгли совуган хўжайин ниҳоят: «Хўш, энди нима яхши?» деб хитоб қилади. Қул *дадиллик* ва истеҳзо билан бундай деб жавоб беради: «Менинг калламни ҳам, сенинг каллангни ҳам узиб, дарёга ташлаш керак — энг яхшиси ана шу. Осмонга етиш даражасида юксак, бутун ери коплаб олиш даражасида катта одам борми, ахир!» Жаҳли ошиб кетган хўжайин дахшат билан қулга караб: «Эй қул, мен сени ўлдиришни ва сени мендан олдин кетишга мажбур қилишни истайман»,— дейди. *Лекин бунга жавобан* қул хўжайинни огоҳлантириб: «Ҳақиқатни олганда, хўжайинim, мендан кейин факат уч кун умр кўрадилар», — дейди.

Ассирия санъати

Месопотамия территориясида жуда кўп археологик қазишлар ўтказилган бўлишига қарамай, у ердан санъатнинг ажойиб асарлари Нил водийсидагидан кўра кам топилган. Бунга маълум даражада шу нарса сабаб бўлганки, Иккидарё оралиғида бутун мамлакатга эгалик ва хукмронлик қилиш учун ўзаро доимий кураш олиб борган турли қобилалар яшаган. Давлатлар бирин-кетин алмашиниб турган Маданий жиҳатдан орқада қолган кўчманчи гутий, аморий ва кассит қабилалари Иккидарё оралигидаги мамлакатларга бир неча марта бостириб келиб, бу ердаги маданият ва санъатнинг

тушкунликка кетишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, Месопотамия территориясида архитектура ва санъатнинг бошқа турларини ривожлантириш учун зарур бўлган тош, ёғоч ва металлар етарли бўлмаган.

Қадимги Месопотамиядаги архитектуранинг асосий хусусиятлари шундан иборат бўлганки, унда катта-катта иморатлар қурилган, асосий қурилиш материали сифатида ғишт ишлатилган, ички хоналар асимметрик (номутаносиб) шаклда ва кўндаланг қилиб солинган. Катта биноларнинг деворлари, кўпинча, ўзига хос нақшлар билан безатилган.



Лагашдан топилган Энтемена кумуш кўраси.

Урукда ва Ал-Обиедда эрамиздан аввалги III минг йиллик бошида қурилган энг қадимги Шумер ибодатхоналари қазиб топилди. Бу ибодатхоналар тупроқдан ўйиб кўтарилган тепаликлар устига солинган бўлиб, тепаликлар бинони тошқин сувларидан сақлаган ва бадиий жиҳатдан ҳам текис жойда ўзига хос контраст ҳосил қилган. Ал-Обиеддаги ибодатхона деворлари вертикал бўртмалар ва унча чуқур бўлмаган токчалар билан, шунингдек ўзига хос кошинкорлик техникаси ёрдамида ясалган бадиий куигиралар билан безатилган. Шумер архитектурасининг энг қадимги ёдгорликлари, ёғочдан ясалиб, баъзан мис билан қопланган устунлар, жуда содда гумбазлар ва битум (асфальт)дан қилиниб, қотириб махкамловчи махсус моддалар ишлатилганини кўрсатади.

Шумер-Аккад архитектураси Урнинг III династияси даврида гоят равнак топган. Ур, Эшнунна (Ашнуннак) ва Опис (Хафажа) харобаларида қазиб топилган ибодатхоналар, саройлар ва бошқа биполар ана шу даврга мансубдир. Бу ерларда бутун-бутун архитектура комплекслари топилган; сарой лар, мақбара ва ибодатхоналар билан бирга қадимги Месопотамияга хос бўлган зинапояли алоҳида ибодатхона миноралари (зиккуратлар) ҳам шу архитектура комплекси жумласидандир. Бу миноралар қадимги Миср нинг зинапояли пирамидаларини эслатади. Тавротда «Бобил минораси» ҳақидаги афсона ана шу ибодатхона миноралари ҳақида қолган хотира бўлса ҳам ажаб эмас.



Нарамсин ғалабасига багишланган қабр тош.

Қизғиш ишланган буртма расм.

Шумер-Аккад архитектураси Бобил ва Осурияда архитектура формаларининг ривожланишига таъсир қилган. Маъбуда Иштарга бағишлаб Ашшурда қурилган қадимги осур ибодатхонасининг композицияси, Марида катта сарой деворларининг нақшлари, шунингдек зинапояли ибодатхона минораси (зиккурат) қадимги архитектура формасининг узоқ муддатгача сақланиб келганлиги Шумер-Аккад архитектурасининг таъсирини кўрсатиб туради.

Шумер ҳайкалтарошлигининг энг қадимги намуналари бирмунча дағал ва соддалиги билан ажралади; бу ҳайкалтарошлик замонлар ўтиши билан, баъзи ҳолларда, рассомларнинг орттириб борган малакаси, узоқ вақт давомида ҳосил бўлган традиция ва ўша замоннинг диний дунёқараши натижасида пухтага келган маълум бадиий услубга айланган. Қадимги ҳайкалтарош, кўпчилик ҳолларда, эркин ҳаракат қилаётган киши гавдасини тошдан яхлаб тасвирлай олмаган. Шунинг учун энг қадимги Шумер ҳайкаллари одат-

да одамни ҳаракатсиз, қотиб турган бир вазиятда тасвирлайди. Фақат одамнинг юзидаги табиий ҳолати ҳайкалтарошнинг бирмунча эркинроқ тасвир қилишга интилганлигини кўрсатиб туради, шу билан бирга, ҳайкалларда кўпроқ анча жойли қилиб бериладиган кузларни тасвирлашга айниқса кўп эътибор берилган, кузлар ва кузнинг айрим қисмлари кўпинча ҳар хил тошлардан қадаб ишланган. Бўртма расмлардаги одамлар ва ҳайвонларнинг тасвирлари ҳам шундай содда ва ҳаракатсиздир. Чунончи, Эаннатумнинг машҳур «Қалхатлар лавҳаси»да биз буни очиқ кўрамиз. Кўпинча бу расмлар, масалан, Эътемена қурасида схематик тарзда берилган. Аккад даврининг ҳайкаллари ва бўртма расмлари, жумладан Эшшуннна ва Опис харобаларидан топилган ҳайкаллар ва бошқа санъат буюмларида Шумер санъаткорлиги таъсирининг анчагина изларини кўрамиз. Маридан топилган Ибихили ҳайкалида ўзига хос бир ҳолат, традицион кийим-бошлар сақланиб қолган; унда жонли қилиб тасвирланган катта кузлар бошқа ҳар хил тошлардан қадаб ясалган; булар қадимги Шумер ҳайкалтарошлигига жуда хос хусусиятлардир. Лекин Аккад даврининг рассомлари тасвирий санъатни ривожлантиришда олга қараб катта қадам қўйганлар. Айниқса бўртма расмларда улар одам гавдасини анча эркин ва асли ҳолига яқин қилиб тасвирлайдиган бўлганлар. Саргонийлар давридаги Аккад санъатининг энг ажойиб асарларидан бири машҳур «Нарамсин қабр тоши»дир. Бунда бир тўда жангчиларга бош бўлиб тоққа чиқаётган Аккад подшоси Нарамсин тасвирланган. Санъаткор, тоққа чиқиб бораётган басавлат подшо гавдасини ўша замонга нисбатан жуда катта эркинлик ва дадиллик билан тасвирлаган, унда найза билан санчилган душман жангчиси подшо олдида ерга йиқилиб тушаётгани кўрсатилган. Бу бўртма расмда фигураларнинг жойлаштирилиши айниқса мароқлидир, бунда аниқ симметрия сақланиши билан бирга, жуда муҳим ички уйғунлик ҳам бор. Санъаткор тоққа чиқаётган аскарларни тасвирлаган оммавий курининга расмнинг асосий сюжетини, яъни илоҳайлаштирилган подшонинг душманлар устидан қилган тантанасини мохирона кўша олган.

Бобил подшолиги давридаги, хусусан Хаммурапи замонидаги ҳайкаллар ва бўртма тасвирларнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Бу асарлар орасида конуплар туплами ёзилган устуннинг юқори қисмида Хаммурапининг қуёш худоси Шамаш олдида туриши тасвирланган бўртма расм, шунингдек Хаммурапининг асли ўзига якиплаштириб ва пафис қилиб ишланган тасвири айниқса муҳим ўрин тутади. Марида утказилган казишлар вақтида топилган бадиий асарлар ҳам

тахминан шу даврга тўғри келади. Иккидарё оралиғида яшаган қадимги халқларнинг бу барча санъат ёдгорликларида Шумер давридан сақланиб келган санъаткорлик таъсирларининг очиқ излари сезилиб туради. Масалан, Хаммурапи қонунлари устунидаги бўртма тасвир подшонинг худо ҳузурига келишини тасвирлаган одатдаги Шумер лавҳаларининг анча кейинроқ ишланган вариантидир, холос. Бироқ Аккад ҳамда Бобил санъаткорлари қадимги Шумер маданий меросидан фойдаланиб, уни ижодий равишда қайтадан ишлаб чиқа билганлар ва янада юксак даражага кўтарганлар.

Илмий билимларнинг вужудга келиши

Ўша замонлардаги одамларнинг онгига диний-сеҳрий дунёқарашлар чуқур сингиб кетган бўлишига қарамай, ҳар ҳолда кундалик турмуш эҳтиёжлари одамларни табиат ҳодисаларининг ички мазмунини объектив равишда тушуниб олиш учун бу ҳодисаларни диққат билан кузатиб боришга мажбур этган. Бунинг натижасида абстракт фикрлашнинг дастлабки, ҳали жуда оддий формалари аста-секин пайдо бўлган. Одам табиатдаги бир оқимга ўхшаш ҳодисаларни кузатар экан, ҳали уларни системалаштиришга дадил кириша олмаган, асосан амалий мақсадларни кўзда тутибгина ҳайвонлар, ўсимликлар ва тошларнинг рўйхатларини тузган.

Математика

Хўжалик эҳтиёжларидан аста-секин энг қадимги фан куртаклари, хусусан математика ва астрономия куртаклари ўсиб чиққан. Маҳсулот ва молларнинг миқдорини, оғирлигини ўлчаш, ер кучлари миқдорини аниқлаш, биноларнинг ер юзасини ҳисоблаб чиқариш зарурияти энг қадимги математик ҳисобларнинг пайдо бўлишига ва бу соҳада тегишли билимларнинг тўпланишига ҳамда арифметика ва геометриянинг туғилишига олиб келган. Месопотамияда яшаган қадимги халқларнинг математика соҳасидаги билимларининг асоси энг қадимги шумерийлар замонида яратилган, жумладан асоси 5, 6, 10 сонлари ҳамда уларнинг кўпайтмалари 30 ва 60 бўлган саноқ системалари ҳам ўша қадимги шумерийлар замонида майдонга келган. Қўл панжасига қараб санаш, яъни бирдан бешгача санаш ҳисоблашнинг энг оддий усули бўлган. Биринчи бешта сонининг шумерийча аталиши буни кўрсатиб туради. 6, 7, 8 ва 9 сонларининг номлари бешни тегишли қўшимча сонга қўшиш натижасида тузилган (6=1+5; 7=2+5; 8=3+5; 9=4+5). Ҳисоблашнинг олтмишлик системаси ҳам шумерийлар даврида яратилган, бу системанинг асосий бирлиги 60, $60^2=3\,600$ ва $60^3=216\,000$ бўлган. Унлик системасининг куртаклари шумерийлар даврида,

яъни 10 ни ифодалончи алоҳида сўз ва миҳхат пайдо бўлгандан кейин вужудга келган. Аккадда ва Осурияда 100 ва 1000 ни ифодалаш учун алоҳида белгилардан фойдалаиганлар, бу эса ўнлик системасининг ривожланганини кўрсатади. Хисоблашнинг ўнлик ва олтмишлик системаларининг ўзига хос усул билан қўшилиши 10,600 ва 36 000 рақамларини, шунингдек, бу рақамларни ифодаловчи белгиларни ажратиш зарурнятини туғдиргап. Ҳисоблашнинг турли хил системаларининг ўзига хос бир тарзда бирга ишлатилиши ва комбинацияпари йилнинг 360 кунга ва доиранинг 360 булакка бўлинишида ўз ифодасини топган. Математика текстлари шумерийлар давридаёқ математиканинг анча тараққий қилганлигини кўрсатади. Бу текстларда алоҳида формулалар билан даражага кўтариш, квадрат ва куб илдизлар чиқариш ва ҳатто ҳажмларни ҳисоблаш ҳам тилга олинади. Прогрессия принципи ҳам маълум булган, деб ўйлаш мумкин, 16 га ортиб борадиган арифметик прогрессия ва 2 га камайиб борадиган геометрик прогрессиянинг тилга олиниши шу принципнинг мавжуд булганлигидан дарак беради. Хисоблашларда касрлар, купинча сурати бирга тенг бўлгаи касрлар қўлланилган. Аммо $^2/_3$, $^5/_6$ касрлар, шунингдек $^3/_6$, $^4/_6$ ва $^5/_6$ касрларни белгилаш учун ишлатилган шумерийча номлар ҳам учрайди.

180 минг рақамигача (кўпайтиишда) кўпайтириш, қўшиш ва олиш юзасидан тайёр жадваллар бўлганлиги бу қадимги математиканинг соф амалий характерда экаплигини кўрсатиб туради, бу жадваллар арифметик амалларни тезда ҳал этишда мирзага ёрдам берган. $^2/_3$ дан 81 гача бўлувчилари булган бўлув жадваллари ҳам сакланиб қолган. Аккад давридан қолган дала планларида ер бўлакларининг юзи аниқ ўлчаб кўрсатилганлиги геометрия соҳасидаги биринчи маълумотлар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши муносабати билан ва ер участкаларини тез-тез ўлчаб туриш зарурияти орқасида пайдо бўлганлигидан далолат беради. Эгри-бугри бўлган дала юзасини ҳисоблаб чиқариш учун бу ер майдони бир қатор тўғри бурчаклар, уч бурчаклар ҳамда трапецияларга бўлинган ва ҳар бир шаклнинг юзаси алоҳида ўлчанган ва кейин ҳосил бўлган сонлар қўшилиб, участканинг умумий юзаси аниқланган.

Астрономия

Вақтни ҳисоблаш зарурияти календарь системасининг белгиланишига сабаб бўлган, бу эса астрономия соҳасида маълум билимларни талаб қилган. Бир қанча астрономик маълумотлар Шумер-Аккад давридаёқ тўпланган. Бу даврдан қолган катта астрономик асарда анча-мунча астрономик кузатишлар, хусусан дунё-

нинг тўрт иқлими тўғрисидаги тасаввур келтирилган. Бу астрономик маълумотлар ўша даврда жуда кенг тарқалган. Масалан, баъзи номларнинг таркибига планеталарнинг номлари киритилган. Шумер ва Бобилнинг астроном-коҳинлари ўз обсерваторияларининг тепаларидан туриб қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини кузатганлар; обсерваториялар одатда ибодатхоналарининг етти поғонали минора-зиккурати тепасидаги майдончада жойлашган. Бундай мингораларнинг харобалари Иккидарё оралигининг барча қадимги шаҳарларидан: Ур, Урук, Ниппур, Аккад, Бобил ва бошқа шаҳарлардан топилган. Кўп асрлар давомида олиб борилган астрономик кузатишлар натижасида жуда кўп билим тўпланган. Бобил коҳинлари юлдузларни бешта планетадан ажрата билганлар ва бу планеталарнинг алоҳида номлари бўлган. Планеталарнинг орбиталари ҳам маълум бўлган. Бутун юлдузлар осмон зодиакнинг баҳордаги нуқтасидан бошлаб 15 қисмга бўлинган. Юлдузлар юлдуз туркумларига бўлинган. Эклиптика ҳам аниқлаиб, 12 бўлакка ва шунга мувофиқ 12 зодиак юлдуз туркумларига бўлинган. Буларнинг номлари кейинги вақтларгача сақланиб келган. Планеталар, юлдузлар, кометалар ва метеорлар ҳамда қуёш ва ой тутилиши юзасидан олиб борилган кузатишлар расмий ҳужжатларда қайд этилган. Турли юлдузларнинг кульминацион пайтлари кузатилганлиги ва улар қайд этилганлиги, шунингдек кульминацион даврлар ўртасидаги вақтнинг ҳисоблаб чиқарилганлиги астрономиянинг юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Бобил астрономиясининг энг юксалган замони эрамиздан аввалги VIII—VI асрларга тўғри келади. Бу даврда Бобилнинг астроном-коҳинлари жуда кўп астрономия билими тўплаганлар. процессия (тун ва кун баравар буладиган вактни олдиндан билиш) ҳақида тасаввурлари бўлган ва ҳатто қуёш ҳамда ой тутилишини олдиндан айта билганлар.

Астрономия соҳасидаги элемеитар билимлар Бобил коҳинларининг ўзига хос календарь системаси тузишларига имкон берган. Бу календарь системаси қисман ой фазаларини доим кузатиб бориш натижасида ҳосил қилинган маълумотларга асосланган. Вақтни ҳисоблашда сутка (бир кеча-кундуз), қамар ойи ҳамда 354 кундан иборат йил асосий календарь бирлиги қилиб олинган. Бир сутка уч қоровуллик кечага ва уч қоровуллик кундузга бўлинган. Бунда суткапинг бошланиши одатда кун ботгап вақтдан ҳисобланган. Шу билан бирга, ҳар бир сутка 12 соатга ва ҳар бир соат 30 минутга бўлинган. Шундай қилиб, сутка 12 та катта ва 360 та кичик бўлакка бўлинган. Бу эса Бобил математикаси,

астрономияси ва календари системасига асос қилиб олинган олтилик саноқ системасига мос келади. Доира, сутка ва йилни 12 та катта ва 360 та кичик бўлакка бўлишга уринишда календарда ҳам акс этганлиги кўриниб турибди. Ҳар бир қамар ойининг бошланиши ва шунга мувофиқ равишда унинг давом этиш муддати ҳар гал тажриба асосида, махсус астрономик кузатишлар натижасида белгиланган, чунки ҳар ой албатта янги ой тугилган кундан бошланиши лозим бўлган. Календарь йили билан тропик йили ўртасидаги тафовут 11 кундан сал ошиқроқ (тўгриси, 11 кун 5 соат 48 минут 46 секундга баравар) бўлган. Бу хато вақт-вақти билан қўшимча ой қўшиб бориш йўли билан тўғриланиб борган, йилга қўшимча ой қўшиш эса Хаммурапи даврида марказий давлат ҳокимиятининг махсус буйруги билан амалга оширилган.

Медицина

Медицина ва ветеринария соҳасида ҳам секин-аста билимлар тўпланиб борган. Бобил медицинаси Хаммурапи замонидаёқ махсус тармоқларга — хирургия, кўз огриқларини даволаш ва ҳоказоларга бўлинган. Анатомия жуда паст даражада бўлган; ҳакимлар (врачлар) касаллик аломатларини аниқлаш ёрдамида диагнозни қўйишда фақат энг муҳим аъзолардаги, масалан, юрак, жигар, буйракдаги касалликларнигина аниқлай олганлар. Лекин врачлар касалнинг ҳамма аломатларини белгилаш йўли билан касалга аниқ диагноз қўйиш заруриятини жуда яхши тушуниш билан бирга, касалликларни объектив равишда урганишга ва касалликларга қарши самарали курашга урина бошлаганлар. Чунончи, Бобил кохинлари касал жойдаги оғриқни «боғлаб қўйиш билангина тухтатиб бўлмайди ва агар врач касалликнинг қандай касал эканлигини била олмаса... беморни ўлим чангалидан қутқаза олмайди» деб ҳисоблаганлар. Асосан кейинги замонларга оид бўлган медицина текстларида қорин ва ичак йўлларидаги, нафас олиш аъзоларидаги турли касалликлар (тумов, балгам ташлаш, бурундан қон оқиш) нинг аломатлари ва бод касали (бўғин-бўғинларнинг зирқираб оғриши) аломатлари баён қилинган. Кўпинча безгакнинг аломатлари: иситма, жунжиш, қалтироқ босиш, совуқ тер босиши баён қилинади. Фалажга олиб келган «санчиқ» аломатлари жуда образли қилиб баён этилади: «фалаж одамнинг лаблари қийшайиб кетган, кўзи юмилган булади... ўзини оча олмайди ва гапира олмайди». Бобил врачлари бошқа касалликларни: кўз, қулоқ оғриқлари, шиш, тери касалликлари (мохов), юрак, буйрак касалликлари, сариқ сув касалликлари, сийдик йўли-таносил касалликлари ва хотин-қизлар касаллиги, ҳатто асабий ёки «бахтсизлик туфайли руҳий тушкунлик» натижасида юз бе-

радигаи руҳий касалликларни ҳам даволашга ҳаракат қилганлар. Даволашга оид асарларда, баъзан, одамнинг «кўзи тиниб», «бехуш бўлиб йиқилиши» тилга олинади. «Чакка томирлари» деган алоҳида касаллик очиқ равишда тасвирланади, бу касаллик миядан, қисман кўзга (бунда кўз қорачиғи хиралашади) қон қуйилиши билан боғлиқ бўлса керак. Бу касалликнинг энг муҳим аломатлари шундан иборатки, бунда «одамнинг чакка томирлари тепа бошлайди, қулоғи гувуллайди, кўзлари чарақлаб ёнади, орқа миясн (энсаси) мижиғлаб оғрийди, юраги уйнайди ва оёқлари бўшашиб, дармонсиз бўлиб қолади». Медицинага оид сақланиб қолган текстларда касалликларни маълум системага солишга уринилганини кўриш мумкин, аммо бунда аниқ бир изчиллик йўқ. Чунончи, нафас олиш органларига оид касалликлар умумий бир сарлавҳа билан, ёки тўғрироғи: «Одамдан нафас олиш қийинлаша борганда» деган кириш сўзи билан баён этилган. Жигар ва ўт пуфаги касалликларининг тафсилоти ҳам алоҳида бўлимларда бирлаштирилган; шуҳоят, тафсилотига кўра, ревматизм ёки подаграга ўхшаб кетадиган «йўғон томир» касаллиги алоҳида тавсиф қилинган. Мана шу барча касалликларни даволаш учун жуда кўп ва хилмахил воситалар қўлланилган. Бу воситалар орасида гурли-туман дорилар (баъзан жуда ҳам мураккаб дорилар) энг муҳим ўрин тутган. Дорилардан ташқари ишқалаш, компресс, уқалаш ва ювиш усуллари ҳам қўлланилган. Медицинада сув билан ёғнинг кенг қўламда ишлатилганини шундан ҳам билса бўладики, ҳаким (врач) ёғининг айнан таржимаси «сув устаси» ёки «ёғ устаси» демакдир. Бу ҳол қисман диний-сеҳрий эътиқодда сув билан ёғнинг кенг ишлатилганлиги билан ҳам боғликдир.

Тарих ва филология

Тарих ва филология соҳасида унча муҳим бўлмаган ва жуда озгина билимлар орттирилган. Дипломатия соҳасидаги амалий эҳтиёжлар ташқи сиёсат соҳасидаги энг муҳим воқеаларни, асосан айрим давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ёзиб боришни талаб этган. Масалан, қадимги Шумер давридаёқ Лагаш ҳукмдори Энтемена ўзининг бир ёзувида Лагаш билан қўшни Умма ўртасидаги ҳамма ўзаро муносабатлар, улар ўртасида бўлган урушлар ҳақида ва, шунингдек, қандайдир сулҳ битими тузилгандан кейин белгиланган чегаралар тўғрисида хабар беради. Қадимги ривоятлар, кўпинча, деярли афсонавий эртаклар шаклига солинган, бундан муддао подшо ҳокимиятини мустаҳкамлаш бўлган. Подшо зўрлик билан қилинган тўнтариш натижасида ҳокимиятни қўлга олса, ёки у халқ оммаси орасидан чиққан деб ҳисобланса,

ўша қадимги қиссалар ҳокимиятни зўрлик йўли билан қўлга киритган подшонинг ёки халқ йўлбошчисининг тахтни эгаллашини қонуний деб асослаб бериши лозим булган. Масалан, Аккад давлатига асос солган машҳур подшо Саргон I нинг болалиги ҳақидаги афсона шундай афсоналардандир. Бу афсонада Саргоннинг ташлаидиқ бола бўлганлиги ва уни бир богбон тарбиялаб ўстиргани ҳикоя қилинади. Афсонанинг автори улуг маъбуда Иштарнинг Саргонни яхши кўрганлиги; уни маъбуданинг ўзи юқори мартабага кўтаргаплиги ва подшолик тахтига ўтказганлигини кўрсатиб, шу билан Саргоннинг подшолик тахтига бўлган ҳуқукини асосламоқчи бўлади.

Филология соҳасида баъзи билимлар орттириш йўлидаги дастлабки интилишлар ҳам, юқоридагидек, амалий аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Месопотамияда тиллари бутунлай бошқа-бошқа бўлган ва ўзаро доим алоқа қилиб турган шумерийлар билан Аккад семитларидан иборат икки қабиланинг мавжудлиги бу тилларни ўрганиш учун турли мактаб қўлланмалари тузишни талаб қилган. Михсимон бугинли белгилар (силлабарлар)нинг рўйхатлари шу мақсад билан тузилган бўлиб, унда бу белгиларни шумер ва аккад тилларида қандай ўқиш кераклиги ҳам кўрсатилган. Шумер ва аккад тилларида тегишли изоҳлар бериб тузилган михсимон идеограммалар (бутун-бутун тушунчаларни ифодалайдиган маъноли белгилар)нинг рўйхатлари ҳам шундай аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бирга, атоқли отлар ёзилган жуда кўп рўйхатлар, тоғлар ва мамлакатларнинг номлари, худолар ва ибодатхоналар, тошлар, ўсимликлар, ёғоч ва теридан ясалган нарсалар ва бошқаларнинг номлари ёзилган рўйхатлар хилма-хил соҳаларда билим орттиришга бўлган интилишни кўрсатади. Шунингдек, бу рўйхатлар оддий тарзда ва кўпинча амалий суратда системага солишнинг энг қадимги бошланғич усулларини ҳамда буларни шумер ёки аккад тилини ўрганиш мақсадида ишлатилганлигини кўрсатади. Хаттот (котиб)ларнинг ана шу фақат справка тариқасидаги қўлланмалари билан бир қаторда, мактабларнинг грамматик машқлари ҳам сақланиб қолган. Бундай грамматик машқлар қадимги Шумер шаҳридаги Ниппур ибодатхонасининг кутубхонасидан топилган

Мактаблар

Иболатхоналар қошидаги мактаблар ана шу ҳамма билимларни тарқатадиган марказ бўлган. Ўша мактаблар хаттотларни келгусида қиладиган ишларига тайёрлаган. Хаттотлар айни вақтда коҳин ҳам бўлганлар. Бу мактабларда умумий билим бериш билан бир қаторда, бирмунча юқорироқ махсус маълумот ҳам берилган. Умумий маълумот езув ва тил ўрганиш, арифметика, геомет-

рия ва астрономиядан элементар билим олиш, шунингдек юлдузларга қараб фол очиш (астрология) ва жигарга қараб фол бока билишдан иборат бўлган. Ниҳоят, дин, ҳуқуқ, медицина ва музиканинг турли соҳаларини ўрганиш махсус таълим системасига кирган. Ўқитиш системаси жуда оддий бўлиб, ўқитувчи берган саволларга ўқувчиларнинг жавоби, бир тилдан иккинчисига таржима қилиш, сўз маънолари ва ёдаки такрорлаш билан чекланган. Мариа ўтказилган қазишлар вақтида ўқувчиларга мос скамейкалар қўйилган мактаб биноси топилган эди.

Қадимги Шарқ халқларининг ҳамма маданиятлари сингари, қадимги Бобил маданияти ҳам, тамомила диний-сеҳрий дунёқараш билан суғорилган. Шу сабабдан объектив билимларни оргтириш учун қилинган дастлабки ҳаракатлар қадимги диний тасаввурлар билан ҳали жуда маҳкам боғланган. Қадимги билимларнинг турли соҳаларини ўрганиш устида кўп меҳнати сингган коҳин-хаттотни алоҳида сирли илмни — «ҳар нарсани кўра билиш сири»ни ўрганишга мажбур қилганлар. Агар олим бўлган коҳин ана шу сирли билимларни эгаллаб олар экан, у «ҳар нарсани кўра билишнинг юксак санъатини идрок қила олади ва улуғ номга эришади», яъни донишманд бўлиб шуҳрат қозонади, деб ҳисоблашлар. Шундай бўлгач, катта коҳинлар «уни худонинг даргоҳига олиб кирганлар», яъни унга коҳинликнинг олий унвони даражасини берганлар. Шунинг учун Бобил хаттотларининг дастлабки объектив билимлари кўпинча қадимги диний эътиқодлар билан аралашиб, улар билан чамбарчас боғланиб кетади. Астрология билан астрономиянинг, шунингдек, медицина билан дуохонликнинг бир-бири билан яқиндан боғланганлигига ҳам сабаб ана шудир. Қуёш, ой, юлдузлар худо ҳисобланган, ибодатхоналарда уларга топинганлар. Худоларнинг майлини ва халқларнинг, давлат, ҳукмдор ва одамларнинг келгусидаги тақдирини осмонда юлдузларнинг вазиятига қараб олдиндан айтиб беришга уринганлар. Ҳаракатсиз юлдузлар орасида планеталарнинг доимо кўчиб юришини пайқаб, юлдузлар орасида планеталарнинг вазиятига қараб келажакдан дарак бериш мумкин, деб ўйлаганлар. Шунинг учун планеталарни «таржимонлар» деб атаганлар. Улар бу билан планеталар юлдузлар орасида ўз вазиятларини доимо ўзгартириб, худоларнинг хоҳишларини кишилар тушуна оладиган тилда «таржима қилгандек» бўлади, деб айтмоқчи бўлганлар. Келажакни юлдуз ва планеталарнинг вазиятига қараб «олдиндан айтиш» қадимги Месопотамияда шу тариқа вужудга келиб, у кейинчалик астрология номини олган.


Қадимги Бобил медицинаси ҳам қадимги диний эътиқодлар билан чамбарчас боғлиқдир. Маъбуда Нинхурсаг медицина ҳомийси деб ҳисобланган, бу маъбуда оғизда буладиган касалликлар, тиш оғриғи, қовурғадаги касалликлар ва бошқа ҳар хил дардларни даволовчи деб ҳисобланган 8 та қуйи даражали худони яратган эмиш. Касалликлар жуда ёвуз жин-ажиналарнинг ёмон таъсиридан булади, деб билганлар. Жин-ажиналарга қарши курашиш учун худо Нинурта ва унинг «ўлганни тирилтирувчи» хотини маъбуда Гуланинг ёрдамига сиғинганлар. Сунгра, «врачлар пири» булган худо Ниназу ва унинг ўғли худо Нингишзида ҳам медицина ҳомийси ҳисобланган. Худо Нингишзиданинг символи (аломати) ҳассага чирмашиб турган илон булиб, у медицина аломати сифатида шу вақтгача сақланиб келмоқда. Ибтидоий Шумер-Бобил медицинаси, қадимдан сеҳрий ва, шу билан бирга, гигиеник покизалаш воситаси ҳисобланган сувга диний эътиқод қилиш билан чамбарчас боғланган. Сувнинг даволаш хусусияти уша энг қадимги замондаёқ аникланган булса керак. Медицина худоси булган уша Ниназу «сувни билувчи» худо ҳисобланган, бу унинг номидан ҳам куриниб турибди. Худди шунингдек, донишмандлик ва билимлар худоси Эа айни вақтда сув стихиясининг эгаси ҳам булган ва, шу билан бирга, даволаш санъатининг ҳомийси ҳисобланган, у сув кучининг сирини билган ва бу билимини «сувни билувчи» табибларга (шумерийча «азу», аккадча «асу»га) топширган. Худо Эани «ёғни билувчи» деб атаб, у даволашда ишлатиладиган усимликларнинг сирли хусусиятини белгилаб беради, деб ҳисоблаганлар. Шундай қилиб, қадимги Бобилдаги жуда кўп медицина текстларида касални ҳақиқий тадбирлар воситасида даволашга интилиш билан бир қаторда, касаллик келтирувчи ёвуз жин-ажиналарга қарши турли хил, чунончи, дуоафсунлар ўқиш, касалга таъсир этиш усуллари ҳам учрайди.

Бобил маданияти қадимги Шарқдаги, асосан Олд Осиёдаги бошқа халқларнинг маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатган, бунга Бобил савдо-сотиғининг кенг тармоқ ёйганлиги айниқса ёрдам қилган. Осурийлар, хеттлар, митанийлар, Сурия қабилалари ва урартлар миххатни Бобил-Шумердан ўрганганлар. Михсимон ёзув Эламга ва Эрон халқлари орасига ҳам кириб борган. Бобилликларнинг ўлчов системаси, оғирлик ўлчови ва ўлчов пул бирликлари системаси Олд Осиёнинг анчагина жойларига тарқалган. Шумерийлар ва бобилликларнинг диний эътиқодлари, адабий асарлари ва илмий билимлари қадимги Шарқдаги кўпгина халқларнинг маданий ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Иккидарё оралиғида яшаган қадимги халқларнинг маданий меросидан анча юксак

бўлган антик маданият яратилаётган даврда жуда кенг фойдаланилган ва ижодий равишда қайта ишланган. Қадимги грек қаҳрамони Гераклнинг образи кўп жиҳатдан қадимги Бобилнинг афсонавий қаҳрамонлари образларини эслатади. Грек тарихчиси Геродотнинг айтишича, эллинлар қуёш соатини, қуёш кўрсатгичи ва куннинг 12 бўлакка бўлинишини бобилликлардан ўрганганлар. Антик давр маълумотларига кўра, грек философи ва олими Пифагор Бобилда 12 йил яшаган ва бу давр ичида у ерда астрономия, астрология, математика ва музикани ўрганган. Халдей мунажжимлари (астрологлари) хатто сўнгги Рим даврида ҳам катта шуҳратга эга бўлганлар.



Шумерийларнинг ой худоси тахтда ўтирибди.
Цилиндрик муҳр нусхаси.



«Ака-ука тўғрисидаги қисса»нинг гиератик тексти.

V БОБ

ҚАДИМГИ МИСР МАНБАЛАРИ ВА ИСТОРИОГРАФИЯСИ

Қадимги Миср тарихини ўрганиш учун қадимги Мисрнинг замонамизгача сақланиб келган кўпгина ёзув ёдгорликлари энг катта аҳамиятга эгадир. Ёзув манбаларидаги маълумотлар моддий маданият ёдгорликларини кўп жиҳатдан тўлдиради, бу маълумотлар ўша замондаги турмуш формаларини, техника, санъат ва диний эътиқодининг ривожланишини ойдинлаштириб беради. Антик даврё авторларининг қадимги Миср ҳақида ёзган ёки эслаб ўтган асарларидан кўп маълумот олиб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, бир қадар маълумот олиш мумкин. Гарчи Грек ва Рим ёзувчилари қадимги Миср тарихи ва маданияти ҳақида баъзан бир қатор қимматли маълумотлар қолдирган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг маълумотлари танқидий равишда жиддий қарашни талаб қилади.

Антик замон авторлари

Эрамиздан аввалги VII асрдаёқ жуда кўп грек колонистлари, савдогарлари ва ёлланган аскарлар Мисрга кириб борган. Мисрнинг XXVI династияга мансуб фиръавнлари ёлланма қўшинларини зўр бериб греклар, асосан, ионийлар ҳисобига тўлдирганлар, грекларнинг мисрликлар билан савдо-сотигини қизитганлар ва грекларнинг Мисрга кўчиб келишларига ёрдам берганлар. Дельтада грекларнинг колониялари пайдо бўлган. Масалан, Навкратис шундай колониялардан бўлган. Грек файласуфлари ва сиёсий арбоблари Фалес, Анаксимандр, Демокрит ва Солон Миср халқининг билимлари ва минг йиллар давомида ҳосил бўлган ҳикматларини ўрганиб билиб олиш ниятида Мисрга сафар қилганлар. Шунинг учун грек

ёзувчилари — тарихчи ва географларининг асарларидан қадимги Мисрга оид жуда кўп қизиқарли маълумотларни топамиз.

Қадимги Миср тарихи ва маданиятининг анча тўла очерки грек тарихчиси Геродот асарларида сақланиб қолган. У ўзининг жуда катта тарихий асарининг иккинчи китобини қадимги Мисрга бағишлаган. Геродот қадимги Миср тилини билмаган ва шунинг учун баъзи маълумотларни тарихдан бехабарроқ кишилардан олишга мажбур бўлган. Лекин Геродотнинг қадимги пирамидалар мамлакатига жуда қизиқиб қараганлиги, унинг зўр тарихий-адабий маҳорати ва айрим тарихий маълумотларга баъзан танқидий кўз билан қарашга уринганлиги туфайли унинг гўзал ва ёркин ҳикоялари ҳатто ҳозирги замон тарихчиси учун ҳам мароқлидир. Геродотнинг кўп маълумотларини қадимги Миср манбалари тасдиқлайди. Геродотнинг тарихи, ҳикояларида келтирилган кўпдан-кўп афсона ва эртаклар эса эрамиздан аввалги I минг йилликда Миср бадиий адабиётида жуда катта ўрин тутган грек-миср фольклори ва тарихий қиссаларининг қимматли парчаларидандир. Геродот қадимги Миср тарихи ва маданиятининг мумкин қадар тўлиқ очеркини беришга ҳаракат қилиб, Нил водийси ва дельтасининг табиий шароитини, қадимги мисрликларнинг урф-одатлари ва диний эътиқодларини ҳам баён этади, мамлакатнинг хўжалиги ва ижтимоий тузуми тўғрисида баъзи маълумотлар беради. Геродот қадимги Миср табиати ҳақида гапириб, Нил дареси тошқинларининг қадимги Мисрда деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Унинг айтишича, «дарё тошиб, далаларни суғоради, сугориб бўлгач, сув ўз қирғоқларига қайтади: сўнгра ҳар киши ўз ерига уруғ сепади ва бу ерга чўчқаларини қўйиб юборади, чўчқалар тупроқни босиб юриб, уругликни тупроқ билан аралаштириб юборади». Геродот қадимги мисрликларнинг урф-одатларини баён қилар экан, бу одатларнинг ўзига хослигини кўрсатиб ўтади. Бу ҳолни кўп жиҳатдан шу билан изоҳлаш мумкинки, қадимги Миср маданияти жуда ҳам қадим замонларда майдонга келиб, бир неча минг йиллар давомида мустақил равишда ривожланиб келган.

Геродот Миср динини ҳам муфассал баён қилиб, Миср маданиятига юксак баҳо беради. У Миср маданиятининг муваффақиятларини қайд қилиб, биринчи марта мисрликлар алоҳида календарь тузганлигини, бунда астрономия кузатишларига асосланиб, йилни 12 қисмга бўлганликларини айтади. Шу билан бир вақтда Геродот грек маданиятига қадимги Миснинг таъсир қилганлигини тўғри кўрсатиб ўтади. Худди

шу фикр Гекатей (эр. ав. IV—III асрлар) асарида ҳам ёркин ифода этилган; Гекатей грек қонуншунослари кўп масалаларда қадимги Мисрнинг давлат ташкилоти тажрибасидан фойдаланганликларини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Геродот қадимги мисрликларнинг дини тўғрисида кўп қимматли маълумотлар берган. У Миср динининг маросимий характерини тўғри баён қилган ва Миср коҳинларининг жуда катта бойликларга ва зўр таъсирга эга бўлганликларини кўрсатиб ўтган. Муқаддас деб ҳисобланган жониворларга, жумладан ҳўкиз, лочин, ит, мушук ва ҳатто тимсоҳга эътиқод қилиш каби ўзига хос ва бениҳоя авж олган диний эътиқодларга Геродотнинг эътибор қилмаслиги мумкин эмас эди. Геродот қадимги мисрликларнинг Мисрда ва антик дунёда кенг тарқалган, Озирис эътиқоди билан боғлиқ бўлган байрамлари ва диний маросимларини муфассал баён қилган.

Геродот қадимги Мисрнинг сиёсий тарихига ҳам катта эътибор берган. У ўз асарига Миср давлатининг энг қадимги асосчиси Мина ҳақидаги ривоятни киритган. Минанинг номи Миср фиръавнларининг шажараларида сақланиб қолган. Геродотнинг IV династияга мансуб бўлган фиръавнлар замонида пирамидалар қурилиши ва фиръавнларнинг халқни жуда қаттиқ жабр-зулмга дучор қилиб, пирамидалар қурилишда биҳоятда кўп одамларни ишлатганликлари тўғрисидаги ҳикояси жуда зўр маҳорат билан баён этилган. Геродотнинг Миср тарихининг кейинги даври, яъни саис ва форс даври (эр. ав. VII—VI асрлар)га оид воқеаларни баён қилган ҳикояси анча тўғри ва муфассалдир.

Эрамиздан аввалги I асрда яшаган Диодор Мисрга Геродотдан тахминан 400 йил кейин борган. Шунинг учун ҳам Диодор қадимги Миср маданияти ҳақида Геродот тўплагандек қимматли маълумотлар тўплай олмаган. Иккинчи томондан, Диодор ўзининг умумий тарих тўғрисидаги катта асарини ёзгапида хар хил грек тарихчиларининг, чунончи, Гекатей Абдерский ва Агатархиднинг кўп асарларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган, лекин афсуски, бу асарларга етарли даражада танқидий кўз билан қарамаган. Аммо, шундай бўлса ҳам, ҳозирги замон тарихчиси Диодорнинг очерклари-дан кўпгина қимматли маълумотлар топиб ола билади. Диодор, ўз навбатида, бу маълумотларни ўзидан олдин ўтган, лекин асарлари бизнинг кўпларимизгача жуда кам сақланиб қолган тарихчиларнинг китобларидан олган. Масалан, Диодор Мисрнинг табиий шароитини муфассал баён этган ва Неха деган фиръавн Нил дарёсининг шарқий тармоғидан ка-

нал чиқариб, уни Қизил денгиз билан туташтирмоқчи бўлганлигини ҳикоя қилган. Диодор қадимги Миср қонунлари ва маъмурий идора тартибининг хусусиятларини баён қилар экан, қадимги Мисрнинг деспотик давлат тузумини идеаллаштиради. Чунончи, Диодор судга топшириладиган ҳар бир илтимоснома ёзма равишда берилиши лозим бўлганлигини ҳамда форслар даврigача ўтган бешта подшо янги қонунлар киритганлигини гапирган. У қадимги Миср қонунларини жуда ҳам мақтаган. Диодор қадимги Миср маданиятига умуман юксак баҳо бериб, қадимги Мисрнинг антик дунёга кўрсатган таъсирини гапирган. Диодорнинг ўз асарида форслар ҳукмронлиги давридаги Миср тарихини ва унинг яиада кейинги-роқ даврларига оид воқеаларни баён қилган қисми айниқса муҳимдир. Нубиядаги олтин конларидан мисрликлар қандай фойдалангани-ни Диодор жуда батафсил ва кўп жиҳатдан тўғри баён қилган. Унинг айтишича ана шу конларда маҳкум бўлган жиноятчилар «кишан солинган ҳолда, кечаю-кундуз тинмай ишлайдилар, улар ҳатто қочишга умид қилиш имкониятидан ҳам маҳрумдирлар, чунки улар чет эллик аскарлар назорати остидадирлар».

Страбоннинг катта географик ва қисман тарихий-географик асаридан қадимги Миср ҳақида кўпгина маълумотлар топиш мумкин. Бу маълумотлар асосан Мисрнинг ҳамда унга қўшни бўлган мамлакатларнинг табиати ва аҳолисига тааллуқлидир. Страбон ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг асарларидан кенг равишда фойдаланиб, Нил дарёсини, унинг тошқинларини, табиий ва сунъий суғориш системасини, Миср усимликлари ва ҳайвонот дунёсини муфассал баён қилган. Сўнгра, Страбон қадимги мисрликларнинг хўжалик ҳаётини баён этган. Страбон айниқса каналлар ва шлюзлар системасини қайд қилиб ўтган. Унинг айтишича, Мисрнинг энг бой деҳқончилик районларидан бири бўлган Фаюм воҳасининг сув таъминоти ана шу каналлар ва шлюзлар ердами билан тартибга солиб турилган. Бундан кейин, Страбон зайтунчиликни, усимлик мойи тайёрлаш йўлларини ва виночиликни баён қилган ва, жумладан, хўжалик жиҳатидан жуда бой бўлган Арсиной округини кўрсатиб ўтган. Страбон Мисрга қўшни бўлиб яшаган қабилалар, жумладан Эфиопия қабилалари тўғрисида қимматли маълумотлар берган ва бу қабилаларнинг маданий савияси паст эканлигини айтган. Геродот ва Диодор каби, Страбон ҳам, қадимги Миср маданиятининг Грецияга қилган таъсирини кўрсатиб ўтишни зарур топган. Страбоннинг айтишича, Евдокс ва Платон каби машҳур грек олим ва файласуфлари узоқ вақтлар Мисрда яшаганлар ва мисрлик коҳинлардан кўп нарса ўрганганлар.

Миср динини ўрганишда Плутарх Херонейскийнинг (эрамизнинг 46—120 йиллари) «Изида ва Озирис тўғрисида» деган китоби катта аҳамиятга эга. Мисрда ва бутун антик дунёда кенг тарқалган, табиат ҳодолари Изида ва Озирис мифи ва эллинодини тўла гавдирлаган бу китоб бизнинг замонгача сақланиб қолган бирдан-бир тўла маълумот берувчи китобдир. Гарчи Плутарх Миср динини кейинроқ замонлардаги, чет элликлар таъсири билан жуда ҳам ўзгариб кетган ҳолида тасвир этиб, уни ўзининг грек-шарқ диний фалсафаси билан суғорилган дунёқараши нуқтаи назаридан кўрсатса ҳам, лекин унинг тасвирлари тарихий жиҳатдан қимматлидир. Чунки Плутарх ўз асарини жуда кўп манбалар асосида ёзган, бу асарларнинг бир қисми замонимизгача сақланиб қолмаган. Плутарх келтирган маълумотлар кўп жиҳатдан Миср манбалари билан тасдиқланади. Масалан, Плутархнинг Озирисни тунгич намлик ҳудоси ва Нилнинг мужассами деб аташи Миср манбаларига тамомила тўғри келади. Плутархнинг айтишича, «донишмаид коҳинлар Нилни Озирис деб, денгизни эса Тифон деб аташ билангина чегараланмайдилар, балки улар бутун тўнгич намгарликнинг табиий кучи ҳам Озирис дейдилар; бу табиий кучни улар уруғликнинг келиб чиқиш сабабчиси ва моҳияти деб ҳисоблайдилар».

Миср ҳақида ёзган антик авторлар ўртасида тарихчи Манефон (эр. ав. IV—III асрлар) алоҳида ўрин тутади. Птолемей I Сотер ва Птолемей II Филадельф подшолик қилган замонда, Миср грекларнинг кучли маданий таъсири остида бўлган вақтларда яшаган Манефон Миср коҳини (бош руҳонийси) бўлган. Манефон юқори коҳинлик унвонига эга бўлганлиги туфайли, Миср ибодатхона архивларига ва кутубхоналарига бемалол кира олган ва қадимги Миср манбаларини тўла равишда ўргана олган. Ўз замонасининг энг юксак грек илм фанидан баҳраманд бўлган Манефон грек илм-фани орттирган билимлар ва танқидий методлар билан тўла қуроллангани ҳолда Миср тарихини ғузишга киришиш имкониятига эга бўлган. Афсуски, Манефоннинг асари тўлиқ ҳолда сақланиб қолмаган. Фақат кейинроқ замондаги ёзувчилар, жумладан, Иосиф Флавий (эрамизнинг I асри) ва Евсевий (эрамизнинг IV асри) асарларида Манефоннинг асарларидан олинган қисқача кўчирмалар бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Сўнгра, кейингироқ замонлардаги тарихчилар томонидан Манефон асари асосида тузилган ва 30-династияга мансуб бўлган ҳамма фиръавнларнинг номлари, тарихий характердаги қисқа-қисқа маълумотлар ва хронологик саналар ёзилган қисқача конспект сақланган. Лекин Манефон тарихий асарининг шу озгина парчалари ҳам Мисрнинг

сиёсий тарихини ва хронологиясини тиклашда катта илмий аҳамиятга эга. Манефондан келтирилган баъзи кўчирмалар, жумладан гиксосларнинг истилосини тасвир этган парча тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, чунки ўша даврга оид тарихий манбалар жуда кам бўлиб, бу маълумотлар қўшимча материал беради.

Антик давр ва дастлабки христианлик даври ёзувчилари Манефоннинг асарига катта ҳурмат билан қараганлар. Кўп ёзувчилар ўз асарларида Манефонга мурожаат қилганлар. Синкелл Манефоннинг ўз асарида Миср ёзувларидан манба сифатида фойдаланганлигини айтади. Евсевий «мисрлик Манефон фақат бутун Миср тарихини эмас, балки унинг бутун теология (диний ақидалар) системасини ҳам грекча формага солган» дейди. Бироқ ҳозирги замон тарихчиси Манефон асаридан олинган кўчирмаларга танқидий кўз билан караши керак ва, биринчи навбатда, бу кўчирмаларнинг кейинроқ замонларда қайтадан ишланганлигини, шунингдек Манефоннинг ўзига хос қарашларини назарда тутиши лозим.

Қадимги Миср тўғрисидаги маълумотлар Рим ёзувчилари ва тарихчиларининг асарларида кам сақланиб келган. Эрамизнинг I ва II асрларида яшаган Тацит қадимги Миср халқининг маданияти тўғрисида озгина хотиралар келтирган. Аммо у қадимги пирамидалар мамлакати тўғрисида гапирар экан, қадимги Фиванинг ўзи яшаган замонгача сақланиб қолган ғоят катта харобаларини, ярим вайрон бўлган қадимги сарой ва ибодатхоналарнинг деворларида ҳали сақланиб қолган ёзувларни тасвирлаган. Тацитнинг сўзига қараганда, Мисрга борган римликлар бу деворлардаги ўзига хос ёзувларнинг мазмуни билан танишишлари мумкин бўлган, чунки бу ердаги кекса коҳинлар қадимги ёзувларни таржима қила билганлар. Сўнгра, Тацит Миср подшоси Рамзес олиб борган урушларни тасвир этган ва Миср подшоларининг истило қилган мамлакатлардан олган хирожлари тўғрисидаги маълумотларни келтирган. Тацит келтирган бу маълумотлар жуда тўғри бўлиб, бу хирожларнинг рўйхати Фива ибодатхоналари деворларида сақлангандир.

Аммиан Марцеллин ҳам (эрамизнинг IV асри) қадимги Миср ва унинг маданияти ҳақида қизиқ маълумотлар келтирган. У ҳам қадимги Миср пойтахти Фивани, жумладан ҳовузларни, жуда катта ҳайкаллар ва обелисклар ҳамда қадимги мисрликларнинг ўзига хос суратли ёзувларини тасвирлаган. Аммиан Марцеллин қадимги Миср маданиятини тасвирлаган. Аммиан Марцеллин қадимги Миср маданияти юксак даражада бўлганлигини алоҳида қайд этади, Александрия Миср-Греция маданияти маркази бўлиб қолган даврда

эски грек олимлари, ёзувчи ва рассомлари Миср маданияти мероскорларидан ҳар томонлама фойдаланганлар.

Археологик текширишлар тарихи

Антик дунё маданиятининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган қадимги Миср маданияти Европа сайёҳлари ва олимларининг диққатини кўп вақт ўзига тортиб келган. Уйғониш даврида бунга яна ҳам кўпроқ қизиққанлар. Қадимги Шарқ маданияти билан жуда яқиндан боғланиб ўсган қадимги Греция ва қадимги Рим тарихи ҳамда маданиятини Европада ўша Уйғониш даврида зўр бериб ўрганила бошланган. XVI асрнинг буюк прогрессив файласуфи Джордано Бруно ўз асарларида қадимги Миср маданиятининг аҳамиятига юксак баҳо берган, унинг фикрича, қадимги дунёнинг кейинроқ яшаган халқлари, қадимги яҳудийлар, греклар ва римликлар ўша маданиятдан фойдаланганлар. XVIII аср ўрталарида Мисрга келиб кетган Покок, Норден ва Брюс қадимги пирамидалар мамлакатининг сақланиб қолган ёдгорликларини, жумладан Фива яқинидаги яширин водийда беркитилган подшо мақбараларини тасвир қилган жуда муҳим асарлар қолдирганлар. Аммо Ғарбий Европанинг уқимишли доиралари Наполеон Бонапартнинг 1798 йилдаги Миср экспедицияси туфайли қадимги Миср маданияти билан биринчи марта бир қадар кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлган. Бу экспедиция составида турли олимлар, шу жумладан археологлар ҳам бўлган. Бу экспедициянинг илмий текширишлари натижасида «Миср тасвирлари»га бағишланган жуда қимматли асар нашр этилган. Бу асар 24 том текстдан ҳамда қадимги Миср ибодатхоналари харобаларининг расмлари, ёзувларнинг нусхалари ва экспедиция қатнашчилари тўплаган жуда кўп қадимги ёдгорликларни кўрсатувчи 24 томлик жадваллардан иборатдир. Бу жуда чиройли қилиб нашр этилган асар ва Европага келтирилган қадимги Миср ёдгорликларининг коллекциялари олимлар ўртасидагина эмас, балки уқимишли жамиятнинг кенг табақаларида ҳам қадимги Миср тарихи ва маданиятига зўр қизикиш туғдирган. Баъзи олимлар қадимги Миср ёзувларини уқиб чиқаришга жуда қизғинлик билан киришганлар. Булар ўртасида машҳур француз филологи Франсуа Шампольон (1790—1832 йиллар) ўзининг хизматларига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Шампольон Миср иероглифларини уқиш калитини топган. У ана шу кашфиёти ва бир қанча илмий асарлари билан мисршуносликка асос солган. Мисршунослик тарихидаги ана шу биринчи давр моддий маданият ёдгорликлари, ёзувлар, расмлар ва нусхалардан иборат ҳақиқий материалларни зўр бериб

тўплаш даври бўлган. Шампольон ўзидан олдин ўтган олимларнинг ишини давом эттириб, қадимги Миср тарихи ва маданиятини ўрганиш юзасидан катта план белгилади. У ўзининг «Мисрга адабий сафар лойиҳаси ҳақида мактуб»ида, Миср маданиятидан қолган моддий ёдгорликларнинг ҳаммасини шу жойнинг ўзида ўрганиш зарур, дейди. Унинг фикрича, бу иш қадимги Миср тарихини ва, ҳаттоки, бутун қадимги Шарқ тарихини янги тарзда, аниқ маълумотлар асосида қайтадан барпо қилишга имкон беради. Шампольон ўз бутунининг вакили сифатида қадимги мисрликларнинг санъати, дини ва мифологияси билангина эмас, балки Нил водийсида ҳунар ва фаннинг тараққийси ҳамда «Фиръавнлар мамлакати»нинг (у вақтларда қадимги Миср шундай деб атаганлар) сиёсий тарихи билан ҳам қизиққан. Шунинг учун Шампольон Фива мақбараларининг деворларида тасвирланган ва аҳолининг турли табақаларининг граждан турмуши ва маишатига оид суратлардан синчиклаб нусхалар олишни зарур деб билган; бунда хусусан «этнографик бўртма тасвирлар»га, «астрономик суратлар»га ва асосан иероглиф, қисман икки тилдаги ёзувларга эътибор бериш зарурлигини айтган. Шампольон 1828 йилда Мисрга археологик экспедиция уюштириб, ўзининг ўша чуқур мулоҳаза билан тузган лойиҳасини амалга оширишга муваффақ бўлган. Шампольон бу экспедицияси билан Мисрда бир ярим йилча туриб қазиш ишлари утказган, қадимги ёдгорликларни тўплаган, расмлар чизган ва ёзувлардан нусхалар олган. Атоқли олимнинг ана шу тариқа зўр гайрат билан қилган ишларининг жуда қимматли самаралари, унинг ўлимидан кейин босилган «Миср ва Нубия ёдгорликлари» деган альбомлар сериясида нашр этилган. XIX аср ўрталарида немис мисршунослари Лепсиус ва Бругш катта



Малика Хатшепсутнинг Дайрал-баҳрдаги ибодатхонасида ўрнатилган оҳират ҳайкал сўқи.
Нью-Йорк. Нафис санъат асарлари музейи.



Тутанхамон ов қилмоқда.

Унинг мақбарасидан чиққан қутича устидаги нақш. Янги Подшолик. XVIII династия.

археологик-қидирув экспедициялари тузиб, Мисрга боргандар. Улар бутун Мисргинина эмас, балки Сурия, Фаластин, Синай ярим ороли, Нубия ва Суданни, Мисрга ёндош областларни ҳам текширгандар. Бу экспедициялар натижасида кўпгина қимматли қадимги ёдгорликлар тўпланган, бу ёдгорликлар кейинчалик Берлинда очилган Миср музейи учун асос бўлган. Лепсиус ўтказган қазишлари ва археологик қидирув ишларининг натижаларини, қадимги ёдгорликларнинг расмлари ва жуда кўп ёзувларнинг нусхаларини «Миср ва Эфиопия ёдгорликлари» деган катта ва гузал альбомларда нашр этган. Ўзи ўқиб етишган ва жон-дили билан фанга берилган истеъдодли олим Мариэтт Мисрда планли равишда ва кенг кўламда қазиш ишларини бошлаган. У ўзининг бутун ҳаётини Мисрдаги археологик текширув ишларига бағишлаган. Мариэтт, Шамполъон ва Лепсиуслар сингари, Мисрнинг қадимги ёдгорликлари билан умумий бир тарзда таништириш, гасодифан топилган айрим буюмларни тўплаш, айрим ёдгорликларнинг суратини олиш ва ҳар жой-ҳар жойда қазишлар ўтказиш билан чекланиб қолмай, биринчи марта ўлароқ Миср территориясидаги айрим археологик комплексларни имконият борича батамом қазиб кўришга журъат қилган. У Мемфис яқинидаги муқаддас ҳўкизлар-анислар мақбараси, Саккарадаги Қадимги Подшолик мақбаралари, Абидосдаги XIX династия ибодатхоналарини қазиш ишларини ўтказган ва жуда кўп йирик харобалар сақланиб қолган қадимги Миср пойтахти Фива районида қазиш ишларини бошлаган. Мариэтт Мисрда қазишлар ва қадимги ёдгорликлар махсус бошқармасини уюштиришга, шунингдек Қоҳирада мисршу-

нослик музейини барпо этишга ёрдам берган. Шампольон билан Мариэттнинг археологик ишларини машҳур француз мисршуноси Гастон Масперо (1846—1916 йиллар) муносиб тарзда давом эттирган. У сергайрат ва чаршамас археолог бўлиши билан бирга, чуқур билимли филолог ва гоят зўр




Фиръавн Тутанхамон ҳайкалчаси.
Янги Подшолик. XVIII династия. Тутанхамон мақбарасидан.

тарихчи ҳам бўлган. Масперо V—VI династияларнинг Саккарадаги пирамидаларини синчиклаб текширнб, уларнинг ичига киришга муяссар бўлган ва бу пирамидаларнинг ички дафн хоналаридан жуда муҳим диний текстлар топган. Масперо бу ёзувларни «Саккара пирамидаларининг ёзувлари» номи билан нашр этган. Фивага яқин Дайрилбаҳрда Масперо Янги

Подшолик давридаги энг машҳур бир қанча фиръавнларнинг мумиёсини яширин бир жойдан топишга муяссар бўлган. Масперо Мисрнинг турли жойларида кўп қазишлар ўтказиб, Мисрда қадимги ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва нашр этдириш ишларини уюштирган ва бу ишларни анча юксак даражага қўйган. XIX аср охирида махсус «Мисрни текшириш фонди» ташкил этилган. Бунинг ташкил этилиши Мисрда археологик қазиш ишларининг кенг кўламда ривожланиб кетишига ёрдам берган. Ўша вақтда биринчи марта архаик давр ёдгорликларини очган де Морган, сўнгра малика Хатшепсутнинг маҳобатхонасини синчиклаб текширган Навилль ва, ниҳоят, ўзининг бутун узоқ умрини (1856—1942 йиллар) Миср ёдгорликларини археологик жиҳатдан текширишга бағишлаган инглиз археологи Флиндерс Петри Мисрда энг катта қазишлар ўтказганлар. Петри Мисрнинг турли жойларида катта ва самарали қазишлар ўтказган. У Абидосда династиялардан илгариги даврга оид подшоларнинг мақбараларини синчиклаб қазиб олишга муяссар бўлган. У Фаюм воҳаси ёнида Ўрта Подшолик шаҳрининг харобаларини, ниҳоят, Дафнеда ва Навкратисдаги грек колонияларининг қолдиқларини топган. Петри ўтказган қазишлар натижасида фанга моддий маданиятнинг жуда кўп ва қимматли ёдгорликлари ва жуда кўп ёзувлар қўшилган. Буларни Петрининг ўзи ҳам, бошқа бир қанча олимлар ҳам нашр этган.

XX асрда археологик қазишлар анча тартибга солинди ва анча чуқур илмий тайёргарлик кўриб, пухта археологик методика асосида ўтказила бошлади. Мисрнинг турли районларида кенг кўламда қазиш ишлари ўтказган ва қимматли натижалар берган археологлар орасида бир қатор катта музейларнинг намояндалари, шунингдек Мисрнинг ёш олимлари — копглар ва араблар майдонга чиқди. Бу ёш олимлар Қоҳирада янги маҳаллий мисршунослик мактабини вужудга келтирдилар. XX асрдаги археология ишлари илгаригига қараганда анча каттароқ участкаларни ўз ичига олади. Бунда археологлар қадимги ёдгорликларнинг муайян бир комплексини археологик жиҳатдан мукаммал равишда текшириб чиқишга ҳаракат қилдилар. Археолог Рейснер, Хуфу пирамидалари атрофидаги мақбаралар районларини ва айниқса Гизэдаги Менкуарни жуда диққат билан текширди. Рейснер бу ерда Қадимги Подшолик замони маликалари ва зодагоиларининг мақбараларини топишга муваффақ бўлди. Ана шу қазиш ишлари натижасида Рейснер жуда кўп тарихий материалларни қўлга киритди. Бу материаллар Қадимги Подшолик давридаги Миср мақбарасининг эволюциясини тиклашга

имкон берди. Медумдаги пирамидалар атрофида А. Роу жуда катта қазиш ишлари олиб борди. Инглиз ва француз археологлари Ферт, Генн, Лауэр ва Жекьелар Саккарада жуда катта археологик ишлар олиб бордилар. Зинапоя шаклли Жосер пирамидаси атрофидаги жуда катта архитектура комплекси ҳамда VI династиянинг мақбара ва ибодатхоналари зўр диққат-эътибор билан қазилди. Лиштда Ўрта Подшолик замонига мансуб бўлган пирамида ичида камбағаллар қишлоғи топилди. Дайрилбахрда ҳам худди ўша даврга оид ўзига хос мақбара ибодатхонасининг харобалари топилди. Талал-Яҳудияда Петри гиксослар даврига оид лагернинг қолдиқларини топди. Ал-Амарнадаги қазишлар вақтида фиръавн Эхнатоннинг пойтахти, «Атон горизонти» деган муҳташам шаҳарининг мақбаралари ва харобалари топилди. Бу шаҳар ўзининг ҳашаматли саройлари, ибодатхоналари, катта мансабдорларнинг қўргонлари, парк ҳам кўчалари ва жуда кўп бинолари билан, саратон иссиғи ҳаммасини куйдириб турган чўлда тўсатдан пайдо бўлган ажойиб саробни эслатади. Талон-торож бўлмай замонамизгача бутунлай сақланиб келган XVIII династия фиръавни Тутанхамон мақбарасининг топилиши кутилмаганда катта воқеа бўлди. Картер билан Карнарвон шу яширин мақбаранинг тўрт хонасида кичкина Миср саройининг жуда бой буюмларини ва Миср фиръавнининг тиллақош, *олтин ниқоб*, жуда кўп қимматбаҳо зийнатлар, туморлар ҳамда подшолик ҳокимиятининг барча аломатлари билан безатилган ва сира қўл тегмаган мумиёсини топди. Мисрнинг қадимги пойтахти Фиванинг анча кенг территориясида катта қазиш ва тиклаш ишлари ўтказилди. Фивада худо Амон шарафига бино қилинган ҳашаматли ибодатхоналарнинг жуда катта харобалари хозирги вақтларгача сақланиб келмоқда. Мадинат-Абудаги Рамзес III ибодатхонаси ва саройининг харобалари археологлар томонидан айниқса диққат-эътибор бериб қазилган эди. Бу ёдгорликлар Миср да тушкунлик бошланган ўша даврни ўрганиш учун жуда бой архитектура ва эпиграфик материаллар беради. Сўнгги йиллар ичида А. Роу Атрибдаги кейинроқ замонларга оид ёдгорликларни қазиб топди, Фейрмен эса Сесебида (Суданда) XVIII—XIX династиялар замонининг мустаҳкамланган бутун бир шаҳар харобаларини топди. Нубияда ва Мероэда ўтказилган қазишлар ғоят катта илмий аҳамиятга эга. Бу қазишлар натижасида ана шу жанубий мамлакатларнинг ҳозиргача унча маълум бўлмаган тарихини ўрганиш ва минг йиллар давомида уларнинг Миср билан бўлган ўзаро муносабатларини белгилашга имконият туғилди. Шундай қилиб, юз йилдан ортиқроқ вақт ичида Мисрда ўтказилган қазишлар



Мединат-Абуда Рамзес III саройининг колоннa зали.
Янги Подшолик. XX династия. Реконструкция.

натижасида жуда ҳам кўп моддий маданият ёдгорликлари, жуда хилма-хил ёзувлар, санъат асарлари ва диний эътиқод буюмлари қўлга киритилди. Топилган қадимги ёдгорликларни ўрганиш қадимги Миср тарихини ойдинлаштириб, илмий мисршуносликнинг янада ривожланишига жиддий сабаб бўлди. Шу жиҳатдан эришилган энг муҳим ютуқ қадимги мисрликлар тили ва ёзувини чуқур ўрганишдан иборат бўлди. Бунга эса Миср иероглиф ёзувини Франсуа Шампольоннинг ўқиб чиқаргани туфайли эришилди.

Миср ёзувининг ўқиш чиқарилиши

Қадимги Миср ёзуви тўғрисида бир қанча маълумотлар қолдирган антик ёзувчилар Миср ёзувининг символик характерини ҳамма вақт бўрттириб кўрсатганлар. Уларнинг айтишича, айрим Миср иероглифлари бутун-бутун сўзларни ва ҳатто айрим диний-фалсафий тушунчаларни ифода қилган. Антик ёзувчилардан анча кейин ўтган олимлар Миср ёзувини шарҳлаганларида антик ёзувчиларнинг аниқ ва равшан бўлмаган фикрларига суяниб, уларнинг хатоларини такрорлаганлар ва шунинг учун ҳам Миср ёзувини ўқиб чиқариш масаласини тўғри ҳал эта олмаганлар. Масалан, XVII асрда Кирхер бир қанча илмий асарлар ёзиб, буларда Миср иероглифларини ўқиб чиқаришга ҳаракат қилиб кўрган бўлса-да, муваффа-

қият қозона олмаган, чунки у ҳар кайси белгини бутун бир сўз ёки тушунча ҳолида олиб, ўзи истаганча изоҳлаган. Унинг курсатган хизмати фақат шу бўлгани, копт тилининг қадимги Миср тилидан келиб чиққанлигини айтган. XVIII аср охирида Цоега ва де Гинь деган олимлар Миср иероглифлари қисман товушларни билдирганини ва тухумсимон рамкалар (картуш-



Розетта тоши.
Лондон Британия музеи.

лар) да Миср подшоларининг номлари ёзилганини тўғри аниқлаб берганлар. Шундан кейин Томас Юнг Миср ёзувида фонетик белгилар борлигини аниқлаган ва ҳатто бир неча номни ўқиб чиқарган. Лекин машҳур француз олими Франсуа Шампольон Миср иероглифларини батамом ўқиб чиқариш шарафига муяссар бўлган. Шампольон ўз асарларида ўзидан олдин

ўтган олимлар эришган муваффақиятлардан фойдаланиб, Наполеон экспедицияси вақтида топилган ва «Миср тасвирлари»да нашр этилган жуда кўп ёзувларни синчиклаб ўрганган. У икки тилда ёзилган ёзувни, грек тилида грек ҳарфлари билан ва Миср тилида иероглифлар ва тез ёзув белгилари билан чизилган ёзувни айниқса диққат билан текширган. Бу ёзув Розетта тоши деб аталган. Шампольон 1822 йилда бир қанча сўзлар ва номларни тўғри ўқишга муваффақ бўлган. Бунда у, Миср иероглифлари фақат бутун сўзларни эмас, балки айрим бўғинлар ва ҳатто товушларни ҳам ифода қилганлигини тўғри тахминлаган. Шампольон Розетта тошининг грекча ёзилган қисмидан топган Птолемей ва Клеонатранинг номларини шу ёзувнинг мисрча ёзилган қисмида ўша номларнинг Миср иероглифлари билан туширилган белгиларига таққослаб кўрган. Шундай қилиб, Шампольон Миср иероглифларининг бир қанчаси фақат товушни ифода қилганлигини ва ҳатто махсус алфавит белгиларидан иборат бўлганлигини аниқлаб беришга муваффақ бўлган. Бироқ Шампольон ёзувларни ўқиб чиқаришнинг ана шу биринчи босқичида тўхталиб қолмаган. У ўзига маълум бўлган кўп Миср ёзувларини ўрганиш устида астойдил ишлаб, қадимги Миср тили грамматикаси ва лугатини тиклашга ҳаракат қилган. Шампольон жуда оғир ва мураккаб меҳнат натижасида бевақт ишдан чиқиб, Мисрдан қайтганидан кейин, кўп ўтмай вафот қилган. У Мисрда жуда кўп моддий маданият ёдгорликлари, расмлар ва ёзувлар тўплаган. Шампольоннинг илмий асарлари, жумладан унинг қадимги Миср тили грамматикаси ва лугати у ўлгандан кейин нашр этилган, бу билан унинг ишини давом эттирувчиларга қадимги мисрликлар тили ва ёзувини энди қатъий илмий равишда ўрганишга имконият берилган.


Шу масалада де Руже, Шаба, Масперо, Лепсиус, Бругш, Эрман, Зете, Гардинер ва рус олими В. С. Голенищев мисршунослikka катта ҳисса қўшдилар. Анча соддалаштирилган тез ёзув воситаси билан ёзилган ва грекларда «демотик» деб аталган ёзувни ўқиб чиқариш устида Бругш, Ревию, Шпигельберг ва Гриффиз айниқса муваффақиятли ишладилар. Ҳозирги вақтда озгина ребус ёки эпигматик ёзувларгина қисман ўқиб чиқарилмай қолган; бу ёзувлар эса Миср тарихининг кейинги даврларида, турли диний-сеҳрий сирлардан бехабар кишилардан бу сирларни яшириш мақсадида, махсус махфий ёзишма аломатлари билан ёзилган.

Миср ёзуви ёдгорликлари

Қарийб 150 йил давомида Миср территориясида олиб борилган катта-катта қазиш ишлари натижасида жуда ҳам кўп ёдгорликлар қўлга киритилди. Бу ёдгорликлар орасида қадимги

Миср тарихини ўрганиш учун энг муҳим манба бўлган ёзма ёдгорликлар биринчи ўринда туради. Бу ёзувлардан архаик даврга мансуб бўлган энг қадимгилари шифер лавҳаларда, фил суягидан ясалган пластинкаларда, кора ёғочдан ясалган тахтачаларда ва цилиндр шаклидаги муҳрларда сақланиб қолган. Бу ёзувлар орасида Нармер деган фиръавннинг ғалаба ёзуви айниқса муҳимдир. Бу ёзув подшонинг зафарини, душман устидан килган ғалабасини, қалъага ҳужумини ва подшонинг жанг майдонини томоша қилаётганини тасвирлаган расм ёпидаги катта шифер лавҳада сақланган. Муҳрлардан туширилган нусхаларда ва қабр тошларида сақланиб қолган қисқа-қисқа ёзувларда амалдорларнинг унвонлари борки, бу ёзувлар Миср тарихидаги мазкур энг қадимги даврнинг бюрократик идора системасини маълум даражада тиклашга имкон беради. Палермо тоши деб аталган тошда тексти сақланиб қолган қадимги йилномаларнинг бир қисми Қадимги Подшолик замонига оиддир. Бу йилномада Миснинг V династиягача бўлган подшоларининг номлари келтирилган ва Неусерра номи билан тугаган. Шунингдек, бу текстда энг муҳим воқеалар тўғрисида қисқача эслатмалар берилган ва у воқеаларнинг даталари бирон-бир подшонинг подшолик қилган йиллари билан кўрсатилган. Миср хронологиясини белгилаш учун Турин подшолик папируси деб аталган папирус катта аҳамиятга эга. Бу папирусда XVIII династияга қадар ўтган Миср фиръавнларининг рўйхати, уларнинг подшолик қилган йил, ой ва кунлари кўрсатилган. Афсуски, бу мухим папирус яхши сақланмаган. У 164 бўлакчадан елимланган бўлиб, унинг анчагина тушиб қолган жойлари ва шикастланган ерлари бор. Янги Подшолик даврига оид йилномалар ва *тарихий текстлар* анча муфассал сақланиб қолган. Буларнинг кўпчилиги ибодатхона деворларига туширилган ёзувлардир. Карнакда худо Амонга аталган Фива ибодатхонасининг деворларида қисман сақланиб қолган «Тутмос III йилномаси» шу жумладандир. Бу йилномада ана шу Миср истилочисининг ҳарбий юришлари, подшолик қилган ва бож олган йиллари ёзилган. Йилномачи Миср армиясининг ҳаракатини, жангларини, душман лагерининг тор-мор қилинишини, Сурия шаҳарларининг қамал қилиниши ва олинишини жуда силчиклаб баён қилган. Абу-Сумбул, Луксор ва Рамессеумдаги ибодатхоналарнинг деворларида тексти сақланиб қолган Рамзес II йилномасининг бир парчаси аҳамияти жиҳатидан «Тутмос III йилномаси»дан қолишмайди. Бу йилномада Рамзес II подшолигининг 5-йилида унинг Сурияга қўшин тортиб боргани, шунингдек Кадеш ёнида бўлган машҳур жанг анча муфассал баён қилинган. Бу ёзувлар ўрганилар экан, уларнинг автори

бўлган сарой хаттот-тарихчисининг подшо ғалабалари ва қаҳрамонликларини ҳаддан ташқари бўрттириб ва бўяб кўрсатишга интилганини тўла ҳисобга олиб, ёзувларга жиддий танқидий кўз билан қараш лозим бўлади. Ҳақиқатда эса, бу



Қадимги Подшоликка оид Миср йилномаси.
«Палермо тоши» деб аталган тош.

ғалаба ва қаҳрамонликлар баъзи ҳолларда унчалик даббабали бўлмаган, албатта. Босиб олинган мамлакатлар ва шаҳарларнинг Янги Подшолик замонидан сақланиб қолган рўйхатлари Нубия ва Сурияда мисрликлар босиб олган район-

ларни аниқлаш учун, шунингдек бу мамлакатларнинг тарихий географиясини ва топонимикасини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Бироқ бу ёзувларни ўрганишда шуни кўзда тутиш керакки, уларга ҳамма вақт ҳам батамом ишониб бўлмайди, чунки кейингироқ замонлардаги фиръавнлар ўз «қаҳрамонликлари»ни бўрттириб кўрсатишга интилиб, кўпинча ўзларидан олдин ўтган фиръавнларнинг шундай руйхатларини кўчирма қилиб олаверганлар ва шу билан уларнинг истилолари ва қаҳрамонликларини ўзларининки қилиб олганлар. XVIII династия давридаги Миср ҳукуматининг ташқи сиёсатини фиръавн Эхнатон бино қилдиргаи Миср пойтахти Ахетатондаги давлат архиви (Амарна архиви) дан топилган миххат ҳужжатлар ёрқин тасвирлаб беради. Бу ҳужжатлар Миср фиръавнларининг Олд Осиё давлатлари подшолари билан, Сурия ва Фаластиндаги айрим область ва шаҳарларнинг ҳоким ва нойиблари билан ёзишиб турган дипломатик хатларининг текстларидан иборат. Мисрнинг Хетт давлати билан узоқ давом этган қаттиқ урушидан кейин Рамзес II нинг Хетт подшоси Хаттушил III билан тузган сулҳ шартномасининг жуда яхши сақланиб қолган тексти XIX династия давридаги Миср дипломатия тарихи учун жуда катта аҳамиятга эга. Мисрнинг жанубий чегараларида, шунингдек Нубияда топилган ёзувлар мисрликларнинг Нубияга кириб боришликлари ҳақида ва уларнинг ана шу бой мамлакатни истило қилиши тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Ниҳоят, Вади-Хаммамат дарасида ва Синай ярим ороли қояларида қисқа-қисқа ёзувлар сақланиб қолгандирки, буларда Миср фиръавнларининг мазкур областларга қилган ҳарбий юришлари, шунингдек тош ва металл рудаси олиб кетиш учун ўша ерларга экспедициялар юборилганлиги айтилади.

Қадимги Подшолик замонидан V ва VI династия фиръавнларининг подшолик фармонлари сақланиб қолган. Бу фармонларда ибодатхоналарнинг ва ибодатхона даҳаларининг ҳуқуқлари ва имтиёзлари белгиланган. Янги Подшолик замонларидан қолган бир талай ёзувлар фиръавнларнинг бинокорлик соҳасидаги фаолиятлари ҳақида ёрқин тасаввур беради. Бу ёзувларда ҳар хил ибодатхоналарнинг қурилиши батафсил баён қилинган, шунингдек подшоларнинг бу ибодатхоналарга қилган катта-катта тортиқлари бирма-бир санаб ўтилган. Тутанхамон ёзуви ҳам шулар жумласидан бўлиб, унда муваффақиятсиз чиққан диний реформа (фақат қуёшни ягона худо деб билиб, унга эътиқод қилиш) тугатилгандан кейин Фивадаги Амон ибодатхонасининг қайтадан тикланиши баён қилинган. Рамзес IV замонида тузилган «Гаррис катта папирусн»нинг жуда қимматли тарихий тексти ҳам шу жумладан-

дир. Бунда Рамзес III нинг ибодатхоналарга қилган барча хайрияларини шунингдек Мисрнинг энг катта ибодатхоналаридаги бутун мол-мулк бирма-бир санаб ўтилган. Катта «тарихий



Библ ҳокими Риб-Аддининг хати.

Амарна архивидаги сопол лавҳа.
Янги Подшолик. XVIII династия

скарабейларда»[1] сақланиб қолган қисқа ёзувлар худди манифестдек нарсалардир. Асосан бу ёзувлар ўз замонасида катта эътибор бериб қаралган воқеалар тасвирига бағишланган.

[1] Скарабей — қуёш худоси Хепернинг гунг қунғиз шаклидаги тасвири. Тош ёки чинидан ясалган скарабейнинг текис томонида одатда иероглиф ёзувлар ўйилган булади.



Миср папируси. Хеканахтнинг иератик аломатлар билан ёзилган мактуби. *Ўрта Подшолик.*

Масалан, подшонинг уйланиши муносабати билан ўтказилган никоҳ тантанаси, янги бир шаҳарнинг бино қилиниши ва ҳоказолар баён қилинган.

Қадимги Мисрдан қолган юридик ҳужжатлардан Қадимги Подшолик замонидаги судининг мерос тўғрисидаги иш юзасидан ёзилган протоколини, Ўрта Подшолик замонидаги Фива саройининг кирим-чиқим дафтарини, Рамзес III га қарши қилинган фитна ва подшолар мақбараларининг таланиши юзасидан бўлган суд процессларининг актларини, васиятномалар, дархон ерларнинг восиқалари ва битимларнинг текстларини, статистика рўйхатларининг парчаларини кўрсатиб ўтиш керак. Сопол идишларга ва тош парчаларига ёзилган расмий ҳужжатларнинг текстларидан анча кўпроқ ёдгорликлар сақ-

лапиб қолган. Хусусий хатлар, масалан, Ўрта Подшолик замонига оид коҳин Хеканахтнинг хатлари, шунингдек ўлганларга бағишлаб ёзилган бир хил мактублар катта аҳамиятга эга. Бу ҳужжатлар қадимги мисрликларнинг кундалик ҳаётини равшан қилиб ёритиб беради. Ниҳоят, катта мансабдорларнинг таржимаи ҳоллари ҳам гоят катта аҳамиятга эгадир. Бу таржимаи ҳолларининг текстларидан жуда кўпи мансабдорлар жасади қўйилган мақбараларнинг деворларида сақланиб қолган. Масалан, Қадимги Подшоликнинг катта амалдорларидан Метен, Хирхуф ва Унанинг таржимаи ҳоллари идора қилишнинг бюрократик системаси ҳақида, ҳарбий ишлар ва суд ишларининг қандай уюштирилганлиги ҳақида, Синай ярим оролига қилинган ҳарбий юришлар тўғрисида ва Нубияга юборилган экспедиция ҳақида, айрим аристократларга подшонинг ер тортиқ қилганлиги ҳақида ёркин тасаввур беради. Бани-Ҳасан ва Сиут номархларининг таржимаи ҳоллари Ўрта Подшолик билан Янги Подшолик ўртасида ўтган даврда мулкдор аристократиянинг кучайиш процессини, шунингдек Гераклеополь подшоларининг Фива ҳокимлари билан олиб борган қаттиқ курашини ёркин тасвирлаб беради. Янги Подшолик даврида яшаган вазир Рехмирнинг таржимаи ҳолида Мисрнинг хўжалик ҳаёти ва маъмурий бошқариш системаси ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ана шу ёзувда подшонинг вазирга берган жуда қизиқ кўрсатмаси сақланиб қолган. Бу кўрсатмада мамлакатни бошқаришда подшонинг биринчи ёрдамчиси бўлган шу олий мансабдорнинг, яъни вазирнинг асосий вазифалари бирма-бир баён қилинган.

Ҳужжатли манбаларнинг камлиги ҳозирги замон текширувчисини қадимги Мисрнинг фақат маданиятини эмас, балки тарихини ҳам ўрганиш учун адабий ва диний-сеҳрий текстлардан тўла равишда фойдаланишга мажбур қилади. Шу жиҳатдан олганда турли хил насиҳатномалар (дидактик асарлар) бой тарихий материал беради. «Гераклеополь подшосининг насиҳатномалари»да (Ленинграддаги Эрмитажда сақланадиган папирус тексти) Қадимги Подшоликдан Ўрта Подшоликка ўтиш давридаги ижтимоий муносабатларнинг ёрқин манзараси берилади ва давлатни бошқариш ишларига оид бир қанча амалий насиҳатлар келтирилади. «Ахтойнинг ўғли Дуауфнинг насиҳатномалари»да камбағаллар, ҳунармандлар ва деҳқонларнинг оғир мсҳнатли ҳаёти бир қанча равшан манзараларда тасвирланган. Ўзига хос бир башоратнома шаклига солинган икки «насиҳатнома» айниқса муҳимдир. Булар: «Ипувер насиҳатномаси» билан «Ноферреху насиҳатномаси» бўлиб, тексти Ленинградда Эрмитаж папирусида сақланмоқда. Мазкур насиҳатномаларда Мисрда бўлиб ўтган

катта ижтимоий тўнтариш бадиий формада ёркин тасвир этилади. Мисрдаги камбагал ва қулларнинг бу катта қузғолони Ўрта Подшолик даврининг охирига, Мисрга бегона осиёлик қабилалар бостириб кирган вақтга тўғри келади. Мисрликларнинг қўшни мамлакатларга қилган сафарлари бадиий-адабий формага солиб баён қилинган папируслар ҳам катта тарихий аҳамиятга эга. Машҳур «Синухет қиссаси» шундай ёзувлардандир. Бу қиссада мисрлик бир мансабдорнинг Сурияга қочиб кетиши тасвирланади ва Ўрта Подшолик даврида Миср билан Сурия ўртасида бўлган ўзаро муносабатларнинг ёркин манзараси берилади. «Уну-Амоннинг Сурияга сафари» (Москва Тасвирий санъат музейининг папируси) ҳам шу жумладандир. Бунда Олд Осиёда Миср таъсири пасайиб кетган даврда Сурияга келган Миср элчисининг тортган кулфатлари деярли ҳужжатли бир формада баён қилинган. Миср аҳолисининг турли ижтимоий гуруҳ вакиллари: деҳқонлар, коҳинлар, аристократ-қулдорлар ва ҳатто подшо саройи аҳллари ҳаётининг ёркин тасвирларини замонамизгача яхши сақланиб қолган бир неча эртакларда кўриш мумкин.

Ниҳоят, тарихчи учун диний-сеҳрий ёзувлар катта аҳамиятга эгадир. Қадимги Подшолик даврида қурилган пирамидалардаги текстлар подшолар ва подшолик ҳокимиятини илоҳийлаштиради ва пухта ишлаб чиқилган идеологияни тасвирлайди. Ягона қуёш худосига эътиқод қилиш жорий этилган даврда қуёш гардишининг худоси Атонга бағишлаб тузилган ажойиб мадҳия (гимн) ўша замонларда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган мазкур диний реформани таснифлаш учун зарур материал беради. Катта диний тўпламлар, айниқса, «Уликлар китоби», худолар ва подшоларга бағишланган мадҳиялар, маросим ва мифлар, ўлганларга ўқиладиган сахифалар ва дуо-афсунлар қадимги мисрликлар дини ва сеҳргарлигини ҳамда буларнинг асрлар бўйи қандай ривожланиб боргаплигини батафсил ўрганишга имкон беради.

Моддий маданият ёдгорликлари

Моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарлари ва диний эътиқод буюмлари ёзма манбалардан олинган маълумотларни кўп жиҳатдан тўлдиради. Уликнинг мумиёси билан бирга кундалик турмушда ишлатиладиган бир қатор зарур буюмларни, турли ҳайкаллар, ҳайкалчалар, туморлар, зеб-зийнат буюмлари, қурол-яроғларни қўшиб кўмиш, шунингдек мақбара деворларини марҳумнинг ҳаётига оид воқеалардан олинган парчалар билан безаш одати қадимги мисрликлар моддий маданияти ва санъати ёдгорликларининг жуда кўп миқдорда замонамизгача сақланиб қолишига ёрдам берган. Чекка ўлка чўлларининг хавоси қуруқ бўлганлиги туфайли, бу ердаги

ёдгорликлар бизнинг замонамизгача яхши сақланиб келган. Греклар «некрополь» (мурдалар шаҳри) деб атаган қабристонлар одатда ана шундай жойларда қилинган. Гизада ва Саккарада Қадимги Подшолик даврига оид подшо пирамидалари олида жуда катта некрополлар топилган, бу некрополларда подшоларнинг қариндош-уруғлари, катта мансабдор ва амалдорлар кўмилган жуда кўп мақбаралар жойлашган. Шаҳарларнинг харобаларидан ҳам жуда кўп рўзғор буюмлари ва санъат асарлари топилган. Масалан, Кахун шаҳрининг харобаларидан Ўрта Подшолик замонидан қолган кўпгина меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар топилган, Ахетатондан эса одамлар яшайдиган бинолар ичидаги ускуналар, ойнакулоллик ишхонаси ва ҳайкалтарошлик ишхонаси, омбор ва савдо биноларининг қолдиқлари ҳамда жуда кўп санъат асарлари ва рўзғор буюмлари (идишлар, устаралар, муҳрлар, бола ўйинчоқлари ва ҳоказо) топилган. Топилган жуда кўп меҳнат қуроллари, яроғлар ҳамда бошқа мис ва бронзадан ясалган буюмлар Миср металлургиясини синчиклаб текширишга имкон беради. Миср металлургияси кўпрок ташқаридан келтириладиган рудага асосланган бўлиб, жуда секин ривожланган. Синай ярим оролидаги мис конлари ва Мисрнинг турли ерларидаги тош конлари қадимги Мисрдаги тоғкончилик иши техникасини ўрганишга имкон беради. Гоят гўзал ва бадиий жиҳатдан юксак қилиб ишланган қимматбаҳо зийнат буюмлари, олтин ва кумушдан ясалган мунчоқлар, узуклар, билагузуклар ва тиллакошлар, жуда гўзал нақш бериб ишланган мебель, пиҳоят, гоят нафис қилиб ишланган газмолнинг жуда пишиғидан тортиб, юпқасигача бўлган ҳар хил навлари ҳунарларнинг юксак даражада ривожланганлиги ва ихтисослаштирилганлигини кўрсатади. Мисрнинг жанубий чегараларида айниқса яхши сақланиб колган жуда кўп қурол-яроғлар ва қалъаларнинг харобалари қадимги мисрликларнинг ҳарбий иш ва қалъа қуриш техникасини синчиклаб ўрганишга имкон беради. Ибодатхоналар ва кўпдан-кўп мақбаралар ҳамда қасрлар ва уй-жойларнинг қолдиқлари қадимги Мисрнинг ажойиб архитектурасини батафсил ўрганишга имкон беради. Сақланиб қолган қуёш ва сув соатлари, юлдузларнинг жойланиш жадваллари, визир ва астрономик асбоблар қадимги Мисрда фаннинг, хусусан астрономиянинг қай даражада ривож топганлигини кўрсатиб туради.

Кўпдан-кўп ҳайкаллар, ҳайкалчалар, ҳайкалтарош ва рассомларнинг эскизлари, мақбараларнинг деворларидаги ёркин рангларда солинган ва ҳозиргача яхши сақланган расмлар, қадимги папирусларни кўпинча жуда чиройли қилиб безатиб турган расмлар ва гуллар қадимги мисрликларда

тасвирий санъатнинг юксак даражада тараққий қилганлигини равшан кўрсатиб туради. Ниҳоят, бизнинг замонамизгача сақланиб қолган бошқа буюм ва нарсалар, чунончи, ҳудоларнинг ҳайкал ва ҳайкалчалари, ҳар хил туморлар ва кўпинча охиратга эътиқод қилишга оид буюмлар диннн, айниқса диний урф-одатларни муфассал ўрганишга имкон беради. Мана шу диний эътиқод буюмлари ва қадимги Миср санъат асарларининг ҳаммаси тарихчига ҳар хил материаллар (тош, лой, ёғоч, металл ва бошқалар)ни ишлатишда қўлланилган техника усуллари масаласинигина эмас, балки шу билан бирга, худди шу даражада муҳим бўлган бошқа бир масалани, яъни қадимги Мисрда санъат ва дин тараққиётининг формалари ҳақидаги масалани ҳам диққат билан батафсил ўрганишга имкон беради.

Мисршуносликнинг ривожланиши

Шампольоннинг ишини *дастлаб* давом эттирган германиялик Бругш ва Лепсиус, франциялик Девериа, де Руже ва Шаба, италиялик Розеллини ва инглиз Берчлар асосан қадимги Миср ёзуви ёдгорликларини ўрганиш ва нашр этиш устида зўр бериб ишладилар. Лепсиус Миср хронологиясини ўрганиб, шу асосда Миср тарихини биринчи бўлиб даврларга бўлди. Бругш эса Миср тарихининг биринчи умумий очеркини ёзди ва мисршунослик тўғрисида ўша замон учун фойдали бўлган справочниклар ва қўлланмалар тузди. Археолог, филолог ва тарихчининг ишларини бирга қўшиб олиб бора билган француз олими Г. Масперо мисршуносликка катта ҳисса қўшди. Масперо ўзининг «Классик Шарқ халқларининг қадимги тарихи» деган катта асарида биринчи марта ўлароқ қадимги Миср тарихи ва маданиятини классик Шарқ, яъни Шимоли-Шарқий Африка ва Олд Осиёдаги бир қанча халқларнинг жуда кенг тарихий ривожланиш доирасига киритди. Масперо қадимги Миср маданияти, тили, санъати ва динини айниқса муфассал ўрганиб, Миср дини ва санъатининг ривожланишидаги асосий даврларни белгилаб чиқди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Эрман ва Зете мисрликлар тилини ўрганиш проблемаларига бағишлаб бир қатор катта асарлар ёздилар. Бу асарларнинг илмий жиҳатдан аҳамияти катта, аммо Эрман билан Зете Миср тилининг семит группасидаги тилларга яқинлигини бирмунча ошириб кўрсатдилар, шу билан бирга, Миср тили синтаксисини ҳаддан ташқари соддалаштирдилар.

Эрман ва Гранов Миср тилининг монументал луғатини тузди-лар: бу луғат Миср филологияси соҳасида ҳозирги замоннинг зўр ютугидир. Мазкур луғат турли мамлакатларнинг олимлари, шу жумладан энг кўзга кўринган рус мисршунос-

лари Б. А. Тураев ва В. С. Голенищчевнинг луғат авторларига юборган кенг лексик материалларига асосланиб тузилган. Эрман тузган грамматика билан бирга инглиз мисршуноси А. Гардинер томонидан тил ўрганувчилар учун қўлланма сифатида энг кейин тузилган Миср тилининг катта грамматикаси ҳам илмий аҳамиятга эгадир. Америкалик мисршунос Ж. Г. Брэстед XX аср бошигача маълум булган тарихий ҳужжатлардан деярли ҳаммасининг таржималарини беш томли катта тўпламда нашр этди ва ана шу манбалар асосида кадимги Миср тарихи очеркини тузди. Буржуа тарих фанининг типик намояндаси булган Брэстеднинг бу асарида буржуа тарихшунослигининг ҳамма асосий камчиликлари акс этгандир. Брэстед кадимги Миср тарихини муфассал ўрганиб, унинг сиёсий тарихига алоҳида эътибор берган ва энг муҳим тарихий ўзгаришларнинг ҳаммасини сиёсий воқеалар жараёни билан изоҳлашга интилган, шу билан у, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таъсирига эътибор бермаган. Масалан, у Янги Подшолик давридаги Мисрда харбий сиёсатнинг ривожланишини қулдорлик хўжалигининг эҳтиёжлари билан эмас, балки чет эл босқинчилари — гиксосларга карши олиб борилган ҳарбий кураш билан изоҳлаган. Брэстеднинг идеалистик дунёкараши уни шахснинг роли билан гоя факторини ва айниқса диннинг ролини кўпиртириб кўрсатишга мажбур қилган. Ниҳоят, Брэстед Миср давлатининг ривожланишини тасвирлаганда унинг ижобий томонларини ҳар жиҳатдан бўрттириб кўрсатган ҳамда кадимги Миср ижтимоий ва давлат тузумини идеаллаштирган ва қисман ҳозирги замонга мослаштириб кўрсатган. Брэстед Эд. Мейер изидан бориб, кадимги Мисрда феодализм мавжуд булганлигини айтиш мумкин деб, тарихий ривожланиш процессини кўпол равишда бузиб кўрсатган. Аслида эса кадимги Мисрда хатто қулдорлик ҳам тўла ривожланиб улгурмаган. Брэстед воқеаларни замонлаштиришда шу даражага бориб етганки, у Миср ер эгаларини инглиз лендлордлари билан таққослаган. Брэстед Миср истибдодини доим идеаллаштириб, ўз фикрича, Миср фиръавнларининг «ҳукумат вазифасини чуқур гуштунганликлари»ни қайд этади, ҳолбуки, фиръавнлар қулдорлик аристократиясининг фақат олий вакиллари булган, холос. Брэстеднинг кўпгина фактик материалларни ичига олган ва шу туфайли бир қадар илмий аҳамиятга эга булган бу асарида Миср тарихи юзасидан берган батамом нотўғри концепцияси ана шундайдир. Брэстед бошқа асарлар ҳам ёзган, чунончи, фиръавн Эхнатоннинг «қуёш мадҳиялари»ни, Кадеш ёнидаги жангни текшириб асарлар ёзган, Нью-Йоркдаги медицина папирусини нашр этган ва таржима қилган, Ўрта Подшолик

давридан қолган саркофаглардаги текстларни нашр этган. Ниҳоят, Брэстед Чикаго шарқшунослик институтини ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган.

Рус олимлари мисршуносликка катта ва қимматли ҳисса қўшганлар. Русьда Шарқ мамлакатлари ва Шарқ халкларининг маданияти билан анча эрта қизиқа бошланган. Кўпдан-кўп сайёҳлар ва ҳожилар, кейинчалик эса савдогарлар ва элчилар Фаластинда, Эронда, Ҳиндистонда, Узоқ Хитойда ва Туркияда бўлганлар. Улардан баъзилари Мисрда ҳам бўлиб, унда кўришга муяссар бўлган пирсалари ҳақида хотиралар ҳам ёзганлар. Уз замонининг ўкимишли кишиси, улуғ князь хазиначиси Михаил Григорьев тахминан 1493 йилда Мисрда бўлган ва Қоҳирадаги султон саройининг таърифини ёзган. XVII асрнинг 70- ёки 80-йилларида «Туркия империясининг таърифи» ёзилган, бу муҳим асарнинг автори (боярлардан Ф. Ф. Дорохин бўлса керак) бир қанча вақт Мисрда бўлиб, қисман ўз кузатишлари ва қисман тўпланган маълумотлар асосида Қоҳира ва Искандария таърифини ёзган. В. Г. Барский деган одам 1727 ва 1730 йилларда Шарқдаги бир неча мамлакатни айланиб чиққан, шунда Мисрда ҳам бўлган. Барский Қоҳира, Розетта ва Искандарияда бўлиб, унинг «Саёҳат» деган асарида у вақтларда Искандариядаги машҳур обелиск (ҳайкал)лардан бирини муфассал тасвирлаган. Барский бу тасвирига расм илова қилган, автор бу расмни шу қадар синчиклаб ишлаганки, унда обелискдаги иероглиф ёзуви ўз замонасига кўра жуда аниқ акс эттирилган.

Миср иероглиф ёзувларини ўкиб чиқариш сохасидаги биринчи тажрибалар рус шарқшунослари ва бошқа соҳалардаги олимларнинг мисршуносликка янада кўпроқ қизиқишларига сабаб бўлди. Миср иероглиф ёзувларининг аҳамиятига бағишлаб бир қанча асарлар ёзган И. А. Гульянов Шампольон билан мунозара қилган. Гульяновнинг Мисршинг қадимги ёдгорликларига ва асосан Миср ёзувларини ўкиб чиқаришга бағишланган асарлари унча маълум бўлмай қолган ва мисршуносликнинг янада ривожланишига айтарли таъсир кўрсатмаган. Аммо ўша замоннинг талантли тарихчиси Т. Н. Грановский Гульяновнинг катта билимига, у тўплаган муҳим материалларга ва унинг оригинал фикрларига жиддий эътибор берган, ҳамда Гульяновнинг текширишлари «жуда ҳам қизиқ ва муҳимдир» деган. Тасвирий санъат академиясининг президенти ва Халқ кутубхонасининг директори академик А. Н. Оленин Шампольон кашфиётининг катта илмий аҳамиятига муносиб баҳо берган ва бу ҳақда бир-бирлари билан тез-тез хат ёзишиб туришган. Бундан ташқари, Оленин Миср ёзуви масалаларидан бирига бағишлаб махсус асар ёзган.

Шарққа қилинган саёҳатлар ҳам мисршуносликка бўлган қизиқишни кўрсатади. Ўз замонасининг уқимишли кишиларидан бири бўлган А. Норов 1834—1835 йилларда Миср ва Нубияга борган ва бу саёҳатини ғоят қизиқарли баён этиб асар ёзган; автор 1840 йилда нашр этилган бу асарида Нил водийсида кўрган қадимги Миср маданияти ёдгорликларини муфассал тасвир этган. А. Норов бу китобида бир қанча муҳим тарихий масалаларни, чунончи, Миср маданиятининг грек маданиятига таъсири ёки ҳозирги замон Миср аҳолиси урф-одатларида қадимги маданият сарқитлари каби масалаларни ҳам қўзғатган. А. Норов Т. Н. Грановский билан бир неча марта учрашган ва уни умумий тарихдан дарслик ёзишга киришишга ундаган. Грановский жуда қисқа муддат ичида ёзилган, замонаси учун ғоят муҳим бўлган «Умумий тарих программасига қисқача баёнот»ида қадимги Шарқ тарихининг ғоят қисқа, аммо ёрқин планини чизиб берган, унда Хитой ва Ҳиндистон ҳамда Финикия тарихига алоҳида эътибор берган, бу ўринда «қадимги замондаги савдонинг характери»ни таъкидлаб кўрсатган. Грановский ўз вафотидан бир неча ой бурун, 1855 йилда дарсликнинг қадимги Шарқ халқлари тарихига бағишланган бўлимини ёзган. Катта рус санъат тарихчиси А. Прахов шахсан Мисрга бориб, Мисрнинг қадимги ёдгорликларидан коллекция тўплаган ва уз замонаси учун қимматли бўлган «Қадимги Миср меъморлиги» деган асарини (1880 й.) қадимги мисрликларда архитектура формаларининг пайдо бўлиши масалаларига бағишлаган.

Ғоят зўр илмий билимлар эгаси бўлган буюк олим, академик Б. А. Тураев (1868—1920 йиллар) жуда катта рус мисршуноси бўлган. Унинг илмий фаолият самараларидан энг муҳими «Қадимги Шарқ тарихи» бўлиб, бу асар ғоят кенг маълумотларни ўз ичига олган ва ҳужжатлар билан жуда яхши асосланган. Бу асарда бутун қадимги Шарқ дунёси яхлит маданий-тарихий ҳолида кўрсатилган. Тураевнинг мисршуносликка қўшган оригинал ҳиссаси қадимги Миср маданий меросини кейингироқ замонлардаги Миср ва Ҳабашистон маданияти билан боглаб ўрганишдан иборат бўлди. Б. А. Тураевнинг яна бир муҳим хизмати шундаки, у Москва Нафис санъат музейидаги қадимги Шарқ ёдгорликлари бўлимини ташкил қилди ва рус музейларида йиғилган Миср ёдгорликларини синчиклаб ўрганди. Тураевнинг «Миср адабиёти» деган асари ғоят катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, бу асар ўз ичига олган материалининг бойлиги жиҳатидан бутун дунё мисршунослик адабиётида тенги йўқ асардир. Жуда зўр маълумот эгаси бўлганлиги ва фанга чуқур муҳаббати туфайли Б. А. Тураев мисршуносларнинг (Волков, Коцейовский Стру-

ве, Флиттнер, Франк-Каменецкий, Гесслардан иборат) бутун бир мактабини яратишга муваффак бўлди.

Б. А. Тураев билан бир қаторда, мисршунослик соҳасида ғоят катта рус мутахассиси бўлган В. С. Голенишчев (1856—1947 йиллар) ўзининг Мисрга тез-тез қилган саёҳатлари вақтида у ерда бир канча қазиш ишлари ўтказди ва қадимги Миср ёдгорликларидан кўп ва қимматли коллекция тўплади. Бу коллекция кейинчалик Москва Нафис санъат музейида Б. А. Тураев тузган қадимги Шарқ ёдгорликлари бўлимининг ўзагини ташкил қилди. В. С. Голенишчев Мисрда хаммамат ёзувларини ўз жойида синчиклаб текширди, шунингдек Стабилал-Антарда ибодатхоналарни қайта тиклаш ҳақида малика Хатшепсутнинг тарихий жиҳатдан жуда муҳим ёзувларини ва Сувайш канали ёнида Телал-Масхутадаги Доро ёзувларини топди. В. С. Голенишчев қадимги Миср ёзувларининг турли ёдгорликларини нашр этиш, таржима қилиш ва шарҳлаш соҳасида кўп асарлар ёзди, масалан, диний сеҳржоду дуолари ёзилган «Меттерних лавҳаси», «Халокатга учраган кема тўғрисидаги ҳикоялар» (Эрмитаж папируси № 1115), «Уну-Амоннинг Суриядаги саёҳати» (Москва папирусининг тексти) шу асарлар жумласидандир. Ленинград Эрмитажидаги бир неча иератик папируслар тексти ва Қоҳира музейидаги баъзи иератик папируслар текстининг ғоят нафис нашри ва транскрипция қилиниши ҳам В. С. Голенишчевнинг катта хизматидир. Қоҳира музейидаги иератик папируслар Миср тарихининг кейингироқ даврига оид диний текстлардир.

В. С. Голенишчев ва Б. А. Тураев, шунингдек уларнинг шогирдлари ва издошларининг жуда кўпчилиги синик буржуа шарқшуносларн бўлган. Улар текшириш ишларида қадимги Миср маданияти ва унинг сиёсий тарихини ўрганиш билан чегараланиб, қадимги Мисрнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларига оид масалаларга деярли мутлақо ёкин келмаганлар. Бу проблема биринчи марта кенг куламда фақат 1917 йилдан кейингина, Миср ҳужжатларини ўрганиш асосида совет олимлари томонидан текширила бошланди.

Совет мисршунослари Совет Иттифоқининг давлат музейларида, шунингдек хусусий тўпламларда сақланган қадимги Миср ёдгорликларини йигиш, ўрганиш ва нашр этиш соҳасида катта ишлар қилдилар. Бу ёдгорликларни тўплаш юзасидан олиб борилган ана шу ишлар натижасида Москва Тасвирий санъат музейи ва Ленинград Эрмитажидаги Миср коллекциялари Миср маданияти ва ёзувининг ғоят қимматли тўпламларига айланди. Буларнинг кўпчилиги ҳозир совет мисршуносларн томонидан ҳар томонлама ўрганилган ва СССРда ҳам, чет элларда ҳам нашр этилган. Булардан энг қимматлиси В. В.

Струве нашр эттирган «Москва математика папируси»дир. Бунинг тексти мархум академик Б. А. Тураев томонидан ўша йилнинг 1 мартида ўрганилган ва транскрипция қилинган эди. Совет мисршунослари «Ипувер насиҳатномаси» ва «Нофферреху насиҳатномаси» деган икки муҳим ҳужжатни алоҳида диққат-эътибор билан ўргандилар. Бу ҳужжатларда эрамиздан олдинги XVIII асрда Мисрдаги камбағаллар ва қулларнинг катта қўзғолони тасвир этилган. Совет мисршунослари Ўрта Подшолик даври охирида бўлиб ўтган синфий курашнинг ижтимоий-иқтисодий илдизларини синчиклаб ўрганиб, мазкур насиҳатномаларда баён қилинган қўзғолоннинг тамомила ҳақиқий тарихий факт эканлигини биринчи бўлиб аниқладилар. Совет мисршунослари ҳатто бу қўзғолон рўй берган вақтни ҳам кўрсатиб бердилар. Совет фанининг яна бир ютуғи шундаки, қадимги Миср ҳарбий-сиёсий тарихи чуқур ўрганилди ва Миср фиръавнларининг Фаластинда, Сурия ва Нубияда минг йиллар давомида олиб борган истилочилик урушларининг босқинчилик характери аниқланди. Совет мисршунослари қадимги Миср маданиятини, қисман адабиёти, мифологияси, дини ва санъатини ўрганишга катта эътибор бердилар. Сўнгра, совет мисршунослари қадимги Миср ижтимоий тузуми, тарихи ва маданиятининг ривожланиши тўғрисида буржуача концепцияларни ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг прогрессив ривожланиши ҳақидаги марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан танқид қилишдек муҳим ва катта вазифани қўйган эдилар. Совет мисршунослари ўз илмий асарларида қадимги Миср жамиятини энг қадимги қулдорлик жамияти эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки тарихни сохталаштирувчи буржуа тарихчиларининг қадимги Мисрдаги мустабид қулдорлик тузумини идеаллаштириш йўлида қилган сохта илмий уринишларини илмий асосда танқид қилдилар ва фош этдилар.

Хронология ва даврлашга бўлиш

Умуман қадимги Шарқ давлатлари тарихининг хронологиясини белгилаш қийин бўлгани каби, қадимги Миср тарихининг хронологиясини белгилаш ҳам қийинчилик туғдиради. Бу қийинчилик қадимги Шарқда аниқ йил ҳисоби системасининг бўлмаганлигидан келиб чиқади. Мисрда йил ҳисоби ҳар қайси фиръавннинг подшолик қилган йилларига қараб олиб борилган ва яигилаб турилган. Маълум бир фиръавннинг подшолик қилган фалон йилида деб кўрсатилган ёзувлар, шунингдек, Миср фиръавнларининг қайси йил подшолик қилганлиги тўғрисида Манефон асарларида ва Миср йилномаларида сақланиб қолган маълумотлар Миср подшоларининг, улар подшолик қилган йилларни тахминан аниқлаб, рўйхатларини белгилаб чиқишга имкон берди.

Ниҳоят, астрономик кузатишларга асосланган Миср календарь системасини ўрганиш натижасида Миср хронологиясининг озми-кўпми аниқ бўлган асосий пунктларини белгилаш мумкин бўлди. Мисрнинг расмана календарь йили 365 кундан иборат бўлган, шунинг учун хар тўрт йил ичида тропик йилдан бир сутка кейинга колиб юрган. Бу хато 1460 йилдан кейин бир йилга баравар бўлган ва демак расмана календарь йили билан тропик йил ўртасидаги бир йиллик фарқ фақат ҳар 1460 йилда бир марта тўгриланиб борган ва расмана йил билан тропик йил бир кунда бошланган. Ана шу 1460 йиллик давр эллинизм замонида ҳам маълум бўлган. Бу 1460 йиллик давр астрономик кузатишлар билан, хусусан Сириуснинг эрталаб чиқишини кузатиб бориш билан богланган бўлса керак. Сириус 1460 йилда бир марта Мемфис кенглигида қуёш айланиши билан ва Нилда сувнинг кўтарила бошлаши билан бир вактга тўғри келган. Кейингироқ замонлардаги манбаларда кўрсатилишича, эрамизнинг 139 йили шундай «Сириус даври»нинг бошланиш йили бўлган. Шундай қилиб, бундан илгариги Сириус даврларининг бошланиш йиллари эрамиздан аввалги 1321, 1781 ва 4241 йилларга тўгри келиши керак. Миср ёзувларида айни бир фиръавн подшолик қилган йилнинг қайси кунида Сириуснинг чиқиши муносабати билан байрам қилингани кўрсатувчи маълумотлар сақланиб колгани туфайли ана шу кунинг аниқ санасини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлди. Шу тариқа, XII династияга мансуб Миср фиръавни Сенусерт III нинг эрамиздан аввалги 1883 йилдан то 1845 йилгача подшолик қилганлиги аниқланди. Янги Подшолик замонининг баъзи саналарини ҳам шундай астрономик ҳисоблар ёрдами билан белгилаш мумкин бўлди. Амарна дипломатик архивидан олинган хужжатлар Янги Подшолик давридаги Миср фиръавнлари билан Бобил, Осурия ва Хетт давлатидаги баъзи подшоларнинг подшолик қилишлари ўртасидаги баъзи синхронизмларни (замонинг тўғри келишини) белгилашга имкон берди. Бу ҳам Миср тарихининг хронологиясини тиклашга имкон беради. Ўтмиш замонлардаёк Манефон қадимги Мисрнинг бутун тарихини 30 династияга ёки, агар шу рўйхатга охирги учта эронлик Миср ҳукмдори — Ох, Арсес ва Доро III Кодоман кўшилса, 31 династияга бўлган эди. Бир-бировидан кейин бирин-кетин подшолик қилган фиръавнларнинг бирон бир группасини бир династияга бирлаштирилар экан, бу иш шу фиръавнлар ўртасидаги қариндошлик муносабатларига қараб қилинмайди, балки асосан ўша фиръавнларнинг бир жойдан келиб чиққанлиги ёки айни бир шаҳарнинг ўзида подшолик қилганлигига қараб шундай қилинади. Манефон уз тарихий асарларини уч қисмга бўлиб, шу билан

подшолик династияларининг бутун рўйхатини тахминан учта унликка бўлади. У биринчи қисмга I—XI династияларни, иккинчисига XII—XIX династияларни, учинчисига XX—XXXI династияларни киритади. Миср тарихининг биринчи марта Манефон томонидан киритилган ана шу хилда даврларга бўлинишн баъзи узгаришлар билан то замонамизгача сақланиб келган. Династияларнинг шу хилда учта унликка бўлиниши Лепсиусда бутун Миср тарихини уч катта даврга, яъни Қадимги, Ўрта ва Янги Подшолик даврларига бўлиб чиқиш фикрини туғдирган. Қадимги Подшолик даврига одатда III—VI династияларни, Ўрта Подшолик даврига XI—XII династияларни, Янги Подшолик даврига XVIII—XX династияларни киритадилар[1]. III династиядан бурунги даврдан жуда оз ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган. Қадимги Мисрда энг қадимги қулдорлик жамиятининг ва мустабид давлатининг келиб чиқиш замони бўлган ана шу даврни архаик давр деб аташ мумкин. Қадимги Подшолик даври кучли марказлашган мустабид давлат ташкил топган замон эди. Ўрта Подшолик даври Мисрнинг янгидан кучайиши билан нишонланади. Бу даврда XI—XII *династия фиръавнлари* Нубия *билан* Сурияга ёриб ўтишга жасур ҳаракат қилганлар. Миср маданиятининг равнақ топган ана шу замони синфий курашнинг кескинлашуви билан характерлидир. Янги Подшолик даври Мисрнинг сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалишининг охирги давридир. Бу даврда Миср қадимги Шарқ дунёсидаги бошқа давлатлар ўртасида энг устун, биринчи ўринни *эгаллашга интилиб*, кенг истилочилик сиёсатини олиб боради ва халқаро кураш майдонига чиқади. XXI—XXXI династиялар даврини мамлакатнинг секин-аста тушкунликка юз тутиб борган замони деб аташ мумкин. Бу даврда Миср пировард натижада чет мамлакат истилочиларига ем бўлган.

[1] Қадимги, Ўрта ва Янги Подшолик ўртасидаги даврлар Мисрнинг иқтисодий ва сиёсий тушкунлик даврларидир.



Гизада фиръавн Хафра пирамидаси.



Фиръавннинг «пайдо бўлиш» тантанаси олдирами.

Нармердан топилган хурофатга бўртма расм.

VI БОБ

ЭНГ ҚАДИМГИ МИСР ДАВЛАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Табиий шароитлари

Мисрнинг серунум ерлари асосан Нил дарёси оқизиб келтирган тупроқлардан вужудга келганлигини грек тарихчилари ва географлари — Геродот билан Страбон таъкидлаб ўтган эдилар. Нил дарёсининг тошқинлари натижасида яхши суториладиган Миср ерлари Шимолий ва Шарқий Африканинг кенг чўллари исканжасига қисилган буюк воҳага ўхшайди. Миср ғарбда ва шарқда қояли тоғлар ва ўтиш жуда қийин бўлган чўллар, жанубда эса Нил дарёсининг бусағалари туфайли қўшни мамлакатлардан ажралиб, яккаланиб қолган эди деса бўлади. Миср боиқа барча мамлакатлардан деярли бутунлай ажралган ҳолда яшаган. Шу сабабли Миср маданияти секин ривожланган ва унинг ўзига хос жуда кўп хусусиятлари бўлган. Мисрликлар ўзларининг серҳосил ва *роҳатбахш* ерларини табиати кўримсиз ва ёввойи қўшни мамлакатларнинг ерларига доимо қарама-қарши қилиб қўйганлар. Мисрликлар ўз мамлакатларини тасвирий иероглиф билан текис ер шаклида тасвирлаганлар, баъзида текис ер ариқ ва каналлар билан бир қанча участкаларга бўлиб кўрсатилган ва Мисрни образли қилиб «Қора тупроқ» (Та-Кемет) деб атаганлар. Мисрликлар ер, сув ва ўсимлик худоси Озирисни азалдан бери серҳосил Нил мамлакатининг ҳомийси деб ҳисоблаганлар. Озириснинг фитначи, маккор ва золим акаси, чўл, ўлим ва чет эллар худоси Сэт унга қарши доимо кураш олиб борар экан. Нилнинг чўл ҳамда Нил водийсида жойлашган деҳқон-

ларнинг Нил атрофидаги чўлларда яшовчи кўчманчилар билан азалдан олиб борган курашлари мисрликларнинг ёзувларида, тилида ва динида ана шу тарика акс эттирилган. Тинмай давом килиб турган бу курашнинг бир қатор маданий ва сиёсий узаро таъсири туфайли яхлда мураккаблашиб кетмаслиги мумкин эмас эди. Бу ҳолни Марксниг қуйидаги сўзлари равшан кўрсатиб беради: «Тарих бошлангандан буён барча Шарк қабилаларида уларнинг ўтроқ бир қисми билан ҳам давом этиб келаётган кўчманчи қисми ўртасида *умумий* нисбат борлигини кўриш мумкин»[1].

Миср географик жиҳатдан икки қисмга: Юқори Мисрга — тор ва узун водийга ҳамда Қуйи Мисрга — Нилнинг уч бурчак шаклида тармоқланиб, Ўрта денгизга бориб чикадиган кенг дельтасига бўлинади. Нил водийси узунлиги 700 *км* га яқин ва кенглиги 20 *км* дан 50 *км* ўртасида бўлган тор жойдан иборат бўлиб, биринчи бўсагадан то дельта тепасигача чўзилиб боради. Қуйи Миср қадимги вақтларда тамоман ботқоқликлардан иборат бўлган. Грекслар Қуйи Мисрнинг ташки қиёфаси ўзларининг уч бурчакли Δ бош ҳарфига ўхшаганлиги туфайли бутун дельта деб атаганлар. Мисрдан Осиёга чикадиган йўл дельтанинг шимоли-шарқий бурчагидан бошланган. Бу йўл Сунайи буйини ва Синай ярим ороли оркали Фаластинга, Сурияга ва Олд Осиёнинг бундан ҳам узоқ мамлакатларига чўзилиб кетган. Миср истилочилари, савдогарлари ва колонистларининг Осиёга чикадиган бирдан-бир демаганда ҳам, ҳар ҳолда, асосий йўли ўша бўлган. Осиё истилочиларининг кўшинлари ва Мисрга турли товарлар олиб борувчи савдо карвонлари ҳам Нил водийсига худди шу йўлдан келган.

Дунёдаги энг катта дарёлардан бири бўлган Нил (узунлиги 6500 *км*) Мисрнинг аллювиал тупрогинигина вужудга келтириб қолмай, балки ўзининг вақт-вақти билан бўлиб турадиган тошқинлари билан Миср ерларини серҳосил ва унумли килиб, водийда ва дельтада инсоннинг яшаши ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун зарур бўлган барча табиий шарт-шароитларни тайёрлаб беради. Ҳабашистон тоғларидаги қорларнинг эриши ва Эфиопияда вақт-вақти билан бўлиб турувчи ёмғирлар туфайли Нилнинг суви июнь ойида аста-секин кўпая бошлайди. Сентябрь ойида Нил тошқини айни авжига чикади ва Нил суви бутун мамлакатни босиб кетиб, мамлакат бир кўлдан иборат бўлиб колади. Экваториал Африканинг йирик кўлларидан пайдо бўлиб, кўпгина ирмоқларнинг ҳам суви кўшилиб кетадиган Оқ Нил дарёси ўз су-

[1] *К. Маркс и Ф. Энгельс,* Избранные письма, 73-бет.

вини тинмай Нилга қуйиб туради. Тропик ўсимликларга бой бўлган жойлардан оқиб ўтадиган ва ўзида сузиб юрувчи ороллар (седдлар) кўп бўлган Оқ Нил дарёси ўғит берувчи чиринди лойқага тўлиб оқади. Таи кулидан оқиб чиқадиган Кўк Нил Эфиопияда бўлиб турадиган тропик ёмғирлар туфайли сув юзасининг вақт-вақти билан кўтарилиб туришини таъминлайди ва тоғларни ювиб ўтганлигидан ўз сувларида минерал лойқа олиб келади. Тошқин вақтларида бу лойқа Миср ерларига ўтириб қолиб, гоят яхши табиий ўғит хизматини ўтайди, тупроқни серунум қилади ва бу ерлар юкори ҳосил берадиган бўлади. Мисрнинг иқлими иссиқ ва кургоқ бўлиши, ёмғир эса жуда кам ёғиши туфайли деҳқончилик хўжалиги учун Нил тошқинларининг аҳамияти жуда каттадир. Ёз вақтида ёмғир сира ҳам ёғмайди деса бўлади. Кохирада июндан то сентябргача ёмғир мутлако бўлмайди.

Қадимги вақтларда Мисрнинг ўсимлик дунёси ҳозирги вақтга қарагаида бой бўлган. Мисрда пальмазорлар, акация, юлғун дарахтзорлари ва хурмозорлар бўлган. Нил сувлари туриб қолган ерларда папирус ва лотос ўсимликлари ҳам кўп учраган. Энг қадимги замонларда Шимолий Африканинг иқлими кейинги вақтларга қараганда анча юмшоқ ва намроқ бўлган, шунинг учун ҳам Мисрга ёндош мамлакатлар, ҳозирги вақтдагидек чўллардан иборат бўлмай, балки майсазорлар билан қопланган даштдан иборат бўлган. Мисрнинг ҳайвонот дунёси ҳам ҳозирги вақтдагига қараганда анча бой бўлган. Мисрда ва Мисрга ёндош областларда филлар, жирафалар, каркидонлар, ёввойи хўкизлар, ёввойи чўчкалар, газаллар[1], оҳулар яшаган, чўлларда арслон ва қора қоплонларнинг букиришлари эшитилиб турган. Нилда тимсоҳлар, гиппопотамлар[2] ва хар хил балиқлар бўлган. Даштлар, боткоқликлар ва Нил сувлари туриб қолган жойлар турли-туман ёввойи ҳайвонларга, қушларга ва балиқларга бой бўлган. Ана шу турли-туман ёввойи ҳайвонларни, қушларни ва балиқларни овлаш манзаралари кунгина тасвирларда сақланиб қолган.

Тош — Мисрнинг асосий табиий бойлиги бўлган. Мисрликлар энг қадимги асбоблар ва турли қуроллар тайёрлаш учун зарур бўлган чақмоқ тошларни яланг теналиклардан ковлаб олганлар. Мисрликлар Нил водийсини ғарб ва шарқ томондан ўраб олган тоғлардан бипокорликда, шунингдек хайкаллар, идишлар ва бошқа турли-туман буюмлар ясашда ишлатиладиган охак тош, қумтош, гранит, диорит, базальт, порфир, илон ранг тош, оникс[3] ва тошнинг бошқа турларини қа-

[1] Газал — кийикнинг бир тури.
[2] Гиппопотам — сувда яшайдиган гериси қалин хайвон.
[3] Оникс — хира шишасимон тош.

зиб чиқарганлар. Бу эса тоштарошлик ҳунарининг юксак даражада ривожланишига имкон берган. Мисрликлар металларни, хусусан мисни Нил водийсини Қизил денгиздан ажратиб турган Арабистон чўли деб аталувчи шарқий чўлдан, шунингдек Синай ярим оролидан олиб келишга мажбур бўлганлар. Мисрликлар олтинни Нубиядан олиб келганлар; грек тарихчиси Диодор Нубиянинг олтин конларини тасвирлаб берган эди. Мисрга ҳар хил хом ашёни четдан келтириш зарурлиги энг қадимги ва энг муҳим савдо йўлларини ҳам белгилаб берган. Мамлакатнинг энг муҳим савдо магистрали Нил дарёси бўлиб, бу дарё мамлакатнинг турли қисмларини бир-бири билан, шунингдек бутун Мисрни водийнинг жанубий чегараларидаги дастлабки бўсағага ёндош бўлган Нубия билан боғлаган. Дельтанинг шимоли-шарқий бурчагидан Синай ва Фаластин орқали Сурияга катта савдо йўли ўтган. Нил водийсидан ғарбий воҳаларга турли йўллар ўтган. Шарқ томонда Қизил денгиз қирғоқларига олиб борадиган муҳим йўллар бўлган. Бу йўллар асосан селдан кейин қуриб қолган сойлар бўйлаб ўтган. Коптосдан ҳозирги Қосейр портига суви қуриб қолган Вади-Хаммамат сойи ўзанидан кетган ва қадимги вақтларда машҳур бўлган йўл ана шундай йўллардандир.

Аҳоли

Мисрликлар бошқа кўпгина қадимги Шарқ халқлари сингари бир қанча қабилаларнинг секин-аста араланиб кетиши натижасида ташкил топган. Қадимги Миср халқини бунёд қилган бу қабилалар Шимолий ва Шарқий Африканинг маҳаллий қабилаларидир. Мисрдаги архаик даврга оид кишиларнинг ўзига хос ҳайкалчалари, Негададаги архаик мозорлардан топилган калла суякларини ўлчаб кўриш натижалари, шунингдек қадимги Миср тилининг галла, сомали ва бошқа қабилаларнинг тилига бирмунча ўхшаб кетиши энг қадимги мисрликларнинг тропик Шарқий Африкадаги қабилалар билан қариндошлигини кўрсатади. Қадимги Миср тасвирларига кўра, Шарқий Африкада (мисрликларча Пунт мамлакатида) яшаган энг қадимги қабилалар ўзларининг ташқи киёфалари билан мисрликларга жуда ҳам ўхшаб кетадилар. Шубҳасизки, қадимги Мисрдаги, самовий сигир шохли хотин қиёфасида тасвирланган унумдорлик маъбудасига ҳамда серсоқол, пакана Бес худосига эътиқод қилиш африкалик халқларнинг диний эътиқодлари билан маҳкам боғлангандир. Қадимги Подшоликка оид Хирхуф сўзувида Нубиядан махсус «худо рақси»ни бажарувчи пакана одамнинг Мисрга келтирилганлиги тасвирланади.

Бундан ташқари, энг қадимги Миср қабилалари Шимолий Африканинг ливиялик қабилалари билан ҳам жуда яқин қа-

риндош бўлганлар. Қадимги Миср тили ўзининг баъзи хусусиятлари билан Шимолий Африкадаги барбар тилларига ҳам ўхшаб кетади. Мисрда ва Нил водийсини ўраб олган баланд тоғликларда ўтказилган қазишларнинг кўрсатишича, ўзига хос Миср маданиятини вужудга келтирган қабилалар кадимги тош даврида буён Шимоли-Шарқий Африкада яшаганлар. Фаюм манзилида соф Африка галласининг қолдиқлари топилган эди. Ўтказилган текширишлар натижасида Эфиопия галласининг ёввойи хиллари борлиги маълум бўлди. Бу ёввойи галлаларни энг қадим замонларда Шимоли-Шарқий Африка қабилалари иқлимлаштирган бўлса керак. Ниҳоят, мисрликлар Шимолий ва Шарқий Африкада мис топишни ҳам билганлар. Бу ҳол қадимги Мисрда ўзига хос металлургиянинг ривожланишига сабаб бўлган. Шу фактларга кўра, айрим тарихчиларнинг Миср халқи, унинг тили ва маданияти осиёлик семитлардан келиб чиққан, деб тасдиқлашга уринишлари нотўғридир. Тарихни сохталаштирувчи фашист тарихчилар мисрликларнинг калла суяклари «Осиёдаги орийлар ирқидан» бўлган одамларнинг калла суякларига яқин бўлган деб, қадимги Миср маданиятини «орий-нордик ирқи» доирасига зўрлик билан қўшмоқчи бўлдилар. Тарихни сохталаштирувчи фашистларнинг бу даъволари мутлақо нотўғри ва бундай даъвога ҳеч қандай асос йўқдир. Бу ерда фақат қадимги мисрликлар билан Синай ярим ороли, Фаластин ва Арабистондаги қўшни семит қабилалари ўртасида бўлган айрим маданий муносабатлар тўғрисидагина сўз бўлиши мумкин. Бу ўзаро муносабатлар айрим осиёлик қабилалар Мисрга кириб келган ёки бостириб кирган даврларда бирмунча кучайган. Тарихий даврларда бундай бостириб кириш ҳоллари бир неча бор бўлган, аммо архаик даврда осиёликларнинг Мисрга қилган катта истилолари ҳақида ҳеч қандай аниқ бир маълумот йўқ.

Шундай қилиб, қадимги мисрликлар тарихдан анча олдин ўтган жуда қадим замондан бери Нил водийси ва дельтасида яшаб келган халқдир. Ибтидоий жамоа тузуми вақтидаёқ вужудга келган қадимги Миср тили бутун қулдорлик даврида ҳам яшаб келган. Қадимги Миср тилининг асосий лугат фонди ва баъзи характерли хусусиятлари эрамизнинг биринчи асрларида феодализм вужудга келган вақтгача ва ҳатто бир қадар кейингироқ замонларгача ҳам сақланиб келган. Қадимги мисрликлар тилининг қадимги семит (финикияликлар, аккадликлар, осурий ва қадимги яҳудий) тилларига бир қадар яқин бўлишининг сабаби қисман шуки, Миср билан Олд Осиё мамлакатлари ўртасида бўлган сиёсий ва маданий алоқалар туфайли улар бир-бирларига таъсир қилганлар. Қадимги

мисрликлар тили эрамиздан аввалги биринчи ва иккинчи минг йилликларда Мисрга бостириб кирган чет эл истилочилари — гиксослар, ливияликлар, ҳабашлар ва бошқаларнинг тиллари билан чатишиб кетганида, нировард натижада, қадимги мисрликлар тили доимо ғолиб келган.

Тош даврининг қолдиқлари

Нил водийсини ўраб олган баланд қоя тоғлардан қадимги тош (палеолит) даврига оид ва чақмоқ тошдан ясалган кўпгина қурол-асбоблар топилди. Кишининг энг қадим замондаги фаолиятининг қолдиқлари Мисрнинг турли жойларида яхши сақланган, жумладан Фивадан гарбда чақмоқ тошдан қуроллар ясайдиган бир корхона топилган эди. Кау даҳасида (Сиутнинг жанубий-шаркида) палеолит давридаги одамнинг ва гиппопотам суяклари топилган эди; шу билан бирга, Нил водийси атрофидаги тогликларда яшаган энг қадимги кишилар ўзларининг ташқи қиёфалари билан династиялардан олдинги мисрликлардан унча фарқ қилмаган деб фараз қилишга асослар бор. Чақмоқ тошдан ясалган баъзи қурол-асбоблар Фаюм воҳасидаги қадимги қатламдан ҳам топилган. Бу қуроллар эски қолдиқ тариқасида янги тош давригача сақланиб келган бўлса керак, бу ерда деҳқончилик билан кун кўриб келган қабилалар тиғи чақмоқ тошдан ясалган ёғоч уроқдан фойдаланганлар ва донни катта чукурларга тўкиб асрағанлар.

Ўтроқ деҳқончиликнинг пайдо бўлиши

Шимолий Африкада ўсимликлар йўқолиб, бу беқарор ерларнинг деярли бутунлай чўлбиёбонга айланиб бориши билан аҳоли воҳаларга тўпланишга ва аста-секин дарё водийларига тушиб боришга мажбур бўлган. Шимолий Африканинг овчилик билан машғул бўлган кўчманчи кабилалари Нил дельтаси ва водийсида ўтроқ бўлиб яшай бошлаганлар ва бу ерларда ўз хўжалик тараққиётининг умумий савиясига мувофиқ ўтроқ деҳқончилик ҳаёти формаларига ўта бошлаганлар. Географик шароитларнинг қулайлиги деҳқончилик хўжалигига ўтиш процессини анча тезлаштирган. Африканинг Миср атрофидаги турли районларида арпа ва бугдойнинг дастлабки навлари бўлган бошоқли ёввойи ўсимликларнинг маҳаллий бошоқли ўсимликларни иқлимлаштириб, овчилик ва чорвачиликдан деҳқончиликка ўтишларига имкон берган.

Мисрнинг турли жойларида — дельтада, Фаюм воҳасида ҳамда мамлакатнинг жанубий қисмида янги тош асри (неолит) давридаги даҳалар топилди. Бу даҳалардан топилган буюмлар Мисрнинг неолит давридаги маданияти Шимолий Африканинг энг қадимги маданияти билан жуда яқин бог-

ланганлигини кўрсатади. 1934—1935 йилларда Юнкер ва Менгхин томонидан дельтанинг шимоли-ғарбидан, Қоҳирадан 40 км узоқликдаги Меримда Бани-Салам деган жойда ўтказилган қазишлар катта археологик материал берди. Бу ерда катта бир даҳа топилди. Бу даҳа икки кўчадан иборат бўлиб, бу кўчалар бир-бирларидан 5 метр ораликда жойлашган.

Кўчалар секцияларга ёки маҳаллаларга бўлинган. Бу маҳаллаларнинг ҳар бири тахминан 13 кулбадан иборат бўлиб, узунлиги 100 метрга боради. Бу кулбаларнинг баъзилари синчли қамиш девордан қурилган, баъзилари пахсадан ёки хом ғиштдан қурилган. Бир нечта ҳужрадан иборат бўлган бу тухумсимон кулбаларнинг поллари қумоп қилиб қўлда қуйилган тўғри бурчакли ва уч бурчакли тошлар ётқизиб ишланган. Ғўрлардан топилган ҳукиз, қўй ва чучкаларнинг суяклари, тиғи чақмоқ тошдан ясалган ёғоч ўроқлар, ёрғучоқ ва доилар бу даҳа аҳолисининг чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Тошдан асбоблар ясаш санъати неолит даврига асос бўлган юксак ҳолатдир. Бу ерда учи ўткир қилиб ясалган найза ва ўқ-ёй учлари топилди. Кўпол қора идишлар билан бир каторда яхшилаб ишланган ва ҳатто силлиқланган гурли формадаги идишлар ҳам топилди. Сақланиб қолган айрим ғўрлар бу энг қадимги замонда ўлганларни йўқлаш маросими пайдо бўлган шароити кўрсатади. Ўликни уй олдидан ажратилган алоҳида жойларга ёки даҳадан чеккароқда ажратилган қабристонга кўмганлар. Ўликни одатда энг ёнбошига ётқизиб кўмганлар. Ана шу топилган нарсаларнинг ҳаммаси бу неолит маданиятини энг қадимги протолибия маданияти билан яқинлаштиришга имкон беради. Бу протолибия маданияти эса Шимолий Африканинг капс маданияти билан боғлапгандир. Меримда Бани-Саламнинг ўтроқ чорвачилари ва деҳқонлари мустаҳкам жамоа ташкил қилиб, ҳали уруғчилик тузуми шароитида яшаган бўлсалар керак. Фаюм воҳасида топилган даҳа анчамунча кейинги вақтларга оиддир. Бу ерда бой воҳа табиатининг қулай шароитлари чорвачилик ва деҳқончиликни янада ривожлантиришга имкон берган.

Юқори Мисрдаги Бадари деган жойни қазишда моддий маданиятнинг бундан ҳам юксак формалари маълум бўлди. Аҳоли бу ерда ўтроқ бўлиб, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган, корамол боққан ҳамда арпа ва нолба эккан. Ҳунармандчилик бу ерда Меримда ва Фаюмга қараганда анчамунча кўпроқ ривожланган.

Бадари аҳолиси қурол-асбоб, қурол-ярог, рўзғор буюмлари, зийнат буюмлари, туморлар ва ҳайкалчалар ясашда ҳар

хил материаллардан фойдаланган. У даврларда каттиқ тошларни силлиқлашни, тошдан болта, пойтеша ва ўқ учи ясашни билганлар. Суякдан, хусусан фил суягидан тароқ, кошик, туморлар ясаганлар. Чиганоқдан кармоклар ясаганлар. Ёғочдан ясалган бумеранглар жуда оригинал ярокдар булиб, улардан тарихий давргача фойдаланганлар. Слапецдан ясалган тор лавҳаларда яшил тошдан бўёқ эзганлар; бу бўёқдан анча кейинги даврларда ҳам юзга суркаш учун ва гигиена максадида фойдаланганлар. Гурлардан яшил тошдан сир бериб ясалган жуда кўп мунчоқлар топилди. Тери ошлаш техникаси кенг ёйилган булиб, уликларни кумганда одатда устларига тери ёпиб куйганлар. Шу билан бирга, мато ва сават тукишни ҳам билганлар. Лойдан ҳар хил буюмлар ясаганлар. Архаик керамикага хос булган геометрик нақшлар билан безатилган ва ҳар хил формаларда ясалган сопол идишлар Бадаридан жуда кўп топилди. Металлургиянинг пайдо булиши бу давр учун жуда характерлидир. Мисдан ясалган пичоқлар, узуклар, тугмогичлар ва бошка буюмлар бундан гувохлик беради. Диний эътикодлар, хусусан улганларнинг рухини йўқлаш маросими янада аниқроқ шаклга кирган. Бадаридаги гурларда гужанак килиб кумилган ўлик суяклари, жуда кўп гўр асбоблари, гурлар устига гиштдан курилган саганалар, шунингдек туморлар ва тотемизмнинг бу даврдаги диний эътикодига хос булган ҳайвонлар тасвирланган ҳайкалчалар топилди.

Юкори Мисрда, хусусан Баллас, Негада, Ал-Амра ва Абидосдаги гурлардан жуда кўп турли-туман моддий маданият ёдгорликлари топилди. Бу ёдгорликлар одатда династиядан олдинги давр деб аталадиган биринчи ёки илк даврга оиддир. Тошдан буюмлар ясаш техникасининг юксаклигини кўрсатадиган кўпгина буюмлар, чунончи, чакмоқ тошдан ишланган ўк учлари, гранитдан ясалган гурзи бошлари ва базальтдан килинган куралар, шунингдек ромбасимон ханжар бу гурлардан топилди.

Бу даврда кулолчилик ҳам юксак даражада ривожланган. Династиядан олдинги илк даврнинг кулоллари қизил ва қора рангли ҳар хил сопол идишлар ясай билганлар, улар бу идишларни махсус йўл билан пиширганлар ва уларнинг сиртини ҳар хил геометрик нақшлар ва расмлар билан безатганлар. Одамларни, хайвонларни ва ўша замонда мисрликлар ишлата-ёзиб юрган узига хос эшкакли катта қайиқларни тасвирловчи расмлар билан безатилган сопол идишлар айниқса қизиқарлидир. Хайвон шаклида ясалган ва бўёқ эзиш учун ишлатиладиган шиферли лавҳалар, суякдан бежирим килиб ясалган турли кичик-кичик нарсалар, баъзи идишларга бе-

рилган бўртма тасвирлар (рельефлар), ҳайвон ва одамларнинг сопол ҳайкалчалари ва, ниҳоят, шу давр учун характерли бўлган кўмиш маросимлари бу даврда санъат ва турли-туман диний эътиқодларнинг анчагина ривожланганлигини кўрсатади. Мисрликлар охиратга ишониб ва ўликнинг жасадини бир қадар сақлаб туришга уриниб, уни ҳайвон терисига ёки чиптага ўраб, юмалоқ ёки тухумсимон гурларга кўмганлар. Одатда ўликнинг боши жануб томонга, юзини эса ғарб томонга қаратиб қўйганлар. Бу ҳол, нариги дунё Нил водийсининг ғарб томонида, яъни қуёш тангриси *богадиган* ёки ўладиган томонда, деган тушунча билан боғланган бўлса ажаб эмас. Кулолчилик идишларидаги тасвирлар ҳам диний-сеҳрли жоду билан боғланган, деб фикр қилишга асослар йўқ эмас. Эҳтимол қадимги мисрликлар ўз эътиқодларига кўра, ўликнинг нариги дунёдаги абадий ҳаётини таъмин этиши лозим бўлган қурбонлик овқатини шу идишларга солиб қўйгандир. Ҳудди шунинг учун ҳам, одатда, бу идишларнинг сиртида ҳайвонлар, қайиқлар ва умуман марҳум билан бирга гўё нариги дунёга боришни лозим бўлган бошқа буюмлар тасвирланган. Металлургиянинг ривожланиши ҳам бу даврда модлий маданиятнинг тараққий қилиб боришлигини кўрсатади. Бу даврда тўғноғич, пина, қармоқ каби майда буюмлар ҳам мисдан қилинган. Лекин бунга қарамасдан, тош индустрия устун бўлган даврдан борган сари кўпроқ металл ишлатиш даврига ўтиш замони техникасининг ўтиш даври характеридан сезилиб туради. Шунинг учун ҳам металлургиянинг пайдо бўлганлигига қарамасдан, кўпгина буюмлар ҳали ўша вақт-



Архаик даврнинг қайиқ ва давахт сурати солинган сопол идиши.

Москва. Давлат тасвирий санъат музейи.

да тошдан қилинган. Аммо иккинчи томондан мисни ишлаш техникасида тош ишлаш техникасидаги усуллар сақланган. яъни у замонниng металлурглари мис буюмлар тайёр лашда шундай техник усулларни қўллапганларки, бунда металлнинг эрувчанлиги ҳисобга олинмаган.

Бу даврдаёқ бир неча хил буюмлар хусусий мулк ҳисобланган. Ҳар бир мақбарага қўйилган ҳамма идишларга махсус тамға солинган, бу — «мулк эгасининг тамгаси» бўлса керак. Бу даврда ясалган ҳар хил ҳайкалчалар ҳам борки, унда қўллари орқасига боғланган асирлар, шунингдек баъзи ҳолларда хизматкор ёки қуллар, кўпинча идишда сув олиб бораётган хизматкор хотинлар ёки чўрилар тасвирланган. Аммо уруғчилик тузуми ҳали маҳкам сақланган. Мулкий табақаланиш ҳали унча сезилмайди. У даврнинг одамлари ўз бойликлари билан бир-бирларидан ҳали кам фарқ қилган. Топилган гўрлар орасидан ўзининг серҳашамлиги билан бошқа гўрлардан, яъни ўз мавқеи жиҳатидан бир оз бўлса-да, энг қадимги подшоларга ўхшатиш мумкин бўлган қобила раҳбарларининг гўрларидан фарқ киладиган гўрлар учрагани йўк.



Жабалил-Аракдан топилган чақмоқ тошдан қилинган пичоқ

Моддий маданият тараққиётининг кейинги босқичидан далолат берувчи ёдгорликлар дипастиядан олдинги иккинчи даврга оид гўрлардан, Абусирал-Малик, Харач ва Герзла ўтказилган қазишларда топилди. Бу даврда тошдан турли асбоблар ва қуроллар ясаш техникаси тамомаи сақланиб колган. Бу асбоблардан тўгноеич учлари ва обсидиан (вулкан ойнаси) дан усталик билан ясалган ва шу даврга хос бўлган кичик-кичик пичоқ тишларини кўрсатиш мумкин. Бу даврда ҳам тошдан гоят кўплаб идишлар ясалган. Бу идишлар тошдан асбоблар ясаш техникасининг анча юксак бўлганлигини кўрсатади. Сополдан ясалган идишлар ҳам гўзаллиги жиҳатидан булардан колишмайди, баъзиларининг жимжимадор дасталари бор, айримларига эса қайиқлар сурати солинган бўлиб, унда жамоа хужаликининг аломатлари кўрсатилган. Бу даврда ложувард мунчоқлар, кичик-кичик чиннисимон идишлар ҳамда лочин, ҳўкиз ёки сигир боши шаклидаги тутқичлар ҳам ясалган. Қадимги тотемизм билан ва кейинги даврларда кенг тарқалган ҳайвонларга эътиқод қилиш билан боғлиқ ҳолда лочин муқаддас деб ҳисобланган лочин, сигир

ва ҳукмга эътиқод қилиш шу даврдаёқ пайдо бўлган бўлса керак. У замондаги дафн тартиблари моддий маданиятнинг анчагина ривожланганлигини ва диний эътиқодларнинг, хусусан охиратга ишониш ҳамда ўлганларни йўқлашга оид диний эътиқодининг мураккаблашганлигини кўрсатади. Уликларни гишт билан қопланган ёки тамомила гиштдан териб ясалган чуқур ва узун, баъзан тўғри бурчакли гўрларга кўма бошлаганлар. Уликнинг бошини жанубга, юзини эса ғарб томонга қаратиб қўйганлар. Лекин ўликнинг бошини шимолга, юзини эса шарққа, яъни қуёш чиқадиган томонга каратиб қўйиш одати ҳам астасекин пайдо бўла бошлаган. Бу одат ҳам қадимги қуёшга эътиқод қилиш билан боғланган бўлса керак. Уликнинг тирилишига ишониш, қуёш шарқда қайтадан тирилиб чиқади деган тушунча билан боғланган бўлиши эҳтимол. Бу гўрларда жимжимадор дастали идишлар, қўшни мамлакатлардан келтириладиган обсидиандан ясалган буюмлар, шунингдек шакли билан Месопотамиянинг энг қадимги цилиндрик муҳрларига ўхшайдиган муҳрлар бўлганлиги бу даврдаёқ Миср билан қўшни мамлакатлар ўртасида бир қадар савдо ва маданий алоқалар пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Бу савдо ва маданий алоқаларнинг асарини ҳатто династиядан олдинги биринчи даврнинг энг қадимги гўрларида ҳам учратиш мумкин.

Луксорга яқин Армантда (қадимги Гермонтисда) ҳамда Аниба (Нубия)да ўтказилган қазишлар натижасида тарихдан олдинги даврга оид хилма-хил ёдгорликлар топилди; бу ёдгорликлар қадимги мисрликларнинг биринчи африкалик қабилалар билан (қадимги мисрликларга қўшни бўлган бу қабилаларнинг кўпи жуда узоқ вақтларгача уларнинг ибтидоий формадаги ижтимоий-иқтисодий тузумларини сақлаб қолганлар) иқтисодий ва маданий алоқаларини аниқлашга имкон беради. Анибадаги қадимги қабристонлардан тош устун ва лавҳалар, шунингдек геометрик нақшлар билан безатилган сопол буюм қолдиқлари топилди. Бу буюмлар қадимги мисрликлар ҳамда уларга қариндош бўлган Нубия ва Ливия қабилалари муқаддас тошларга топинган даврга оиддир, иморатлар қуришда дастлаб катта тош лавҳалардан фойдалана бошлаган ва сопол идишларни жуда содда геометрик нақшлар билан безага бошлаган ҳамда кейинчалик, замон ўтиши билан, бундан секин-аста орнаментлар, суратлар ва суратли ёзув аломатлари пайдо бўлган.

Энг қадимги синфий жамиятнинг пайдо бўлиши

Энг қадимги Миср ёзувлари, Қадимги Подшолик йилномаси, Миср фиръавнларининг анча кейин тузилган шажара рўйхатлари ва Манефон тузган подшолар рўйхати биринчи ва иккинчи династиядаги Миср подшоларининг тарихий номларини тўла равишда кўрсатиб беради. Бу даврнинг ҳақиқатда ҳам тарихда бўлганлигини Негад ва Абидос районида қазиб олинган катта-катта подшо мақбараларидан топилган парсалар ҳам бир қадар тасдиқлайди. Амелино, де Моргап ва Флиндрес Петрилар бу ердан жуда кўп ва ҳар хил моддий маданият буюмлари хамда олдинги икки династия фиръавнларининг номлари ёзилган энг қадимги иероглиф ёзувларини топдилар. Династиядан олдинги даврнинг (бу давр юқорида баён қилинган эди) моддий маданият ёдгорликлари, шунингдек дастлабки икки династияга оид буюмлар ва ёзувлар эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг бошларида дельтада ва Нил водийсида энг қадимги синфий жамиятнинг пайдо бўлиш процессини умумий тарзда тасвирлашга имкон беради.



Абидосдаги фиръавн Жет номи ёзилган стела.

Париж. Лувр.

Миср аҳолиси бу даврда алоҳида кичик-кичик жамоаларга бўлиниб яшаган. Бу жамоалар тепасида жамоа кенгаши ва оқсоқоллар турган. Хужаликнинг энг қадимги соҳалари бўлмиш овчилик, чорвачилик ҳамда баликчилик билан бир қаторда деҳқончилик ҳам борган сари катта аҳамиятга эга бўлган. Деҳқончилик, табиий шароитларга кўра, суғориб экин экиш формасига кириб борган. Ҳар йили вақт-вақти билан Нил даласида бўлиб турадиган тошқинлар аҳолидан тошқин сувларининг бир жойда тўхтаб қолмасдан, бутун мамлакатга бир текисда ёйилишини таъминлаш юзасидан бир қанча чоралар кўришни талаб қилган. Сунъий суғориш ишлари Месопотамиянинг жанубий қисми учун қандай зарур бўлган бўлса, Мисрга ҳам бу сунъий суғориш шундай зарур бўлган. Шунинг учун ҳам ирригация шохобчаларини вужудга келти-

риш, уларни тартибли равишда сақлаш ва доимо кенгайтириш вазифаларини Миср халқи яшаган энг қадимги вақтларидаёқ дастлаб жамоалар, кейин эса давлат ҳокимияти бажариб келган. Энг қадимги деҳқончилик жамоаларининг ҳаёти учун зарур бўлган сунъий суғориш ишларининг бу катта аҳамияти иероглиф шакллар билан ёзилган «область, округ» ва «область бошлиғи» сўзларида ўз аксини топади. «Область, округ» сўзи суғориш каналлари билан бир хилдаги бир қанча участкага бўлинган текис территориянинг тасвири солинган белги ёрдами билан ёзилган. Архаик даврнинг энг қадимги ёзувларидаёқ учрайдиган «Область бошлиғи» сўзлари эса бир гуруҳ тасвирий иероглифлар ёрдами билан ёзилиб, бу иероглифлар ичида «канал»ни тасвирловчи белги ҳам бор. Афтидан, бу парса қадимги маҳаллий давлатларнинг асосий вазифаси (унинг ҳокимияти эса жамоа ўзўзидан келиб чиққан) суғориш иншоотларини, шу жумладан, каналларга, шунингдек деҳқончилик хўжалигининг ривожланишини назорат қилиб туриш бўлганлигини кўрсатади.


Архаик даврнинг охирларида жуда содда шаклдаги омоч пайдо бўлган. Аммо ерни ҳайдаш учун бу янги хил омоч билан бирга ибтидоий мотигадан ҳам минг йиллар давомида фойдаланиб келганлар. Архаик даврга мансуб бўлган тўқмоқнинг бир синиқ парчасида қишлоқ хўжалиги ишларини бошлаш маросимининг кетма-кетлиги тасвирланган. Юқори Миср тожини кийган подшо биринчи эгатни олишга тайёрланиб, энг қадимги деҳқончилик қуроли бўлмиш мотига ушлаб турибди. Подшо олдида у олган биринчи эгат пуштасига уруғ сепишга тайёрланиб, сават ушлаган ҳолда бир кичкина одам энгашиб турибди. Воқеа канал бўйида бўлиб ўтади. Бу тасвир, подшонинг энг муҳим бурчи, мамлакат деҳқончилигини ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилишдир, деган қадимги тушунчани ёркин кўрсатиб беради. Подшо қишлоқ хўжалиги ишларининг бошланишидаги кетма-кетлиги ўзи олиб берар экан, бу билан у гўё ўз пуфузи билан деҳқон меҳнатини юксакликка кўтарган. Шу билан бирга, бу тасвир, у вақтларда энг кенг тарқалган деҳқончилик қуроли энг қадимги замоннинг ибтидоий мотигаси бўлганлигини ҳам кўрсатади. Қадимги Миср техникасининг турғунлиги туфайли бу мотига, ўша вақтларда маълум бўлган омоч билан бир қаторда, ўзининг деҳқончилик қуроли аҳамиятини то энг кейинги вақтларгача ҳам сақлаб қолган. Қишлоқ хўжалигидаги бошқа ишлар ҳам ана шундай ибтидоий усулда олиб борилади. Юзагина қилиб тирналган ерга уруғ сепганлар, кейин бу ерга молларини қўйиб юборганлар; мол эса

Нил тошқинидан нам олган ҳамда Нилнинг ҳосилдор балчиги билан ўғитланган ерни туёқлари билан тепкилаб, сепилган уруғни тупроққа аралаштирган. Ҳосилни қорамол кучи билан янчиганлар. Қорамол хирмондаги галлани туёқлари билан янчиб, донни бошоқлардан ажратиб берган. Деҳқончиликнинг бу ибтидоий усуллари Мисрда то эрамиздан аввалги V асргача сақланиб келган.

Архаик даврлаёқ қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда турли ҳунар-касб ҳам ривожланган. Архаик даврдан буён жуда кенг тарқалган ва техника жиҳатидан юксак даражага етиб мукаммаллашган энг қадимги ҳунар-касб турларидан бири тошдан асбоблар ясашдир. Мисрликлар архаик замонлардан буён тошдан асбоблар ва қуроллар, хусусан ўроқ ва арра, пичоқлар, болталар, белчалар, найза ва ўқ учлари, ханжарлар, шунингдек базальт, порфир ва серпентин каби чиройли қаттиқ тошлардан катта маҳорат билан ҳар хил идишлар ясаганлар. Биринчи династия давридан бошлаб катта-катта саройлар, подшо мақбаралари ва ибодатхоналар қурилишида тошдан фойдалана бошлаганлар. Бу қурилишларга жуда яхшилаб йўнилган, деярли силлиқланган катта-катта тош парчалари ва плиталар ишлатилган. Чунончи, I династия подшоси Усафай мақбарасининг полига гранит плиталар тўшалган. II династия фиръавни Хасехемуи мақбарасининг ички саҳнаси йўнилган оҳактош плиталаридан ясалган. Бундаги қурилиш ишларида йирик тош парчаларини ишлатиш техникаси Шимолий Африкапинг мегалит[1] архитектураси техникасига жуда яқиндир.

Мисрликларга маълум бўлган энг қадимги металлар кўргошин, мис, олтин, кейинчалик эса метеорит темир бўлган. Кўргошин Қизил денгиз қиргоғида, Коссйр яқинидаги жойда ва Ассуан яқинида қазиб чиқарилган. Тарихдан олдинги даврдаги қабрлардан жуда кўп кўргошин буюмлар топилди. Синай ярим ороли ва Шарқий чўлдан қазиб олинадиган мис анчагина кенг тарқалган. I династия замонидаёқ мис қазиб олинганлигини ва мисдан ҳар хил қадимги асбоблар ясалганлигини кўрсатувчи парсалар Синай ярим оролининг жанубий-ғарбий қисмида, Вади-Магхарада ва Серобитал-Ходимдан топилган эди. Бу ерда мис рудаси, тўп бўлиб ётган маъдан чиқиндилари, темирчилик ўчогининг колдиқлари, металл эритиш печининг харобаси, қуйилмалар ва тигларнинг қолипла-

[1] Мегалит — қадимги қабристонларда тикка кадаб қуйилган катта тошлар.


ҚАДИМГИ МИСР
75 0 75 150 км
32
36
28
24
20
Ўрта денгизи
Розетта
Александрия
Бухо
Домиэтта
Порт-Саид
Танис
Мендес
Бубастис
Атрибис
Гелиополь
Каир
Гиза
Абусир
Саккара
Мемфис
Дашур
Мариюта II
Мариюта
Фаюм воҳаси
Медум
Мадинат-Гураб
Иллахун
Табуния
Дешаша
Гераклеополь
Оксиринх
Завиятал-Майтин
Гермополь
Бани-Хасан
Шайх-Саид
Дайрал-Барша
Ахетатон (Ал-Амарна)
Кичик воҳа
Дайрал-Гебрави
Мейр
Хатнуб
Ассиут
Дайр-Рифа
Бадари
Ахмим
Мелавий
Бани-Хасан
Деншера
Абидос
Негада
Коптос
Хаммамат
Дайрал-Барши
Мадинат Абу
Харнак
Гермонтис
Луксор
Фива
Габелейн
Асна
Катта воҳа Харга (Ал-Харга)
Гераклеополь (Нехен)
Нехебт (Ал-Каб)
Нил
Ливия
Арабистон
Сувайш
Сербитал-Ходим
Я. О.
Вади-Магхара
Синай
Қизил денгиз
Леукос-Лиман (Кесейр)
Нам-Сомбо
1 остона
Ассуан
Филэ
Колобша
Кубан
Амада
Короско
Нубия
Тушка
Абу-Сумбул
НРТЕТ
2-нчи остона
Вади-Халфа
Семна
Кумма
Солеб
Томбос
3 остона
Керма
4 остона
5 остона
Донгола
Напата
Пирамидалар
Қоялардаги мақбаралар
Мис конлари
Олтин конлари
Тош тарошлик
Танис Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари
Кубан Аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари

ри, ниҳоят, мис эритадиган козон сиинқлари топилди. Шаркий чўлда ва Нубияда олтин казиб чиқарилган. Биринчи династиялар замонидаги қабрлардан гоят гўзал қилиб олтиндан ясалган зийнат буюмлари топилганлиги бу ерда заргарликнинг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Қадимги Мисрда темир то эрамиздан аввалги 1 минг йилликка қадар жуда кам ишлатилган. Металлургия архаик даврдаёк муҳим касб ҳисобланган. Подшо саройида махсус металлургия устахоналари бўлган бўлса керак, бу устахоналарни махсус амалдор идора қилган, архаик даврдаги муҳрларнинг нусхаларида «подшо саройидаги металл қуювчилар бошлиғи» деган унвон учрайди. Аммо металлургия Мисрда жуда ҳам секин ривожланган. Мисрликлар ибтидоий тако-миллашган металл қуроллар билан бирга, тошдан ясалган куроллардан ҳам фойдаланганлар. Мисдан катта-катта буюмлар тайёрлаш жуда муҳим ҳодиса деб ҳисобланган; хатто бу ҳақда мамлакатнинг хўжалик, сиёсий ва диний ҳаётида юз берган энг муҳим воқеалар билан бир қаторда давлат йилномасига ёзилган. Масалан, қадимги Подшолигининг Палермо тошида сақланиб қолган машҳур йилномасига II династия фиръавни Хасехемуи подшолик қилган йиллар кўрсатилган жойда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган фактлар билан бир каторда «мис (дан) «Юксак Хасехемуи» (подшо ҳайкалининг) ясалганлиги» ҳам айтилган.

Кишлоқ хўжалиги ва хунармандликнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш кучаяди ва ортиқча махсулотлар пайдо бўлади. Қишлоқ хўжалиги ва хунармандликнинг ортиқча махсулотлари пайдо бўлиши, шунингдек чет эллардан келтириладиган турли хом ашёларга бўлган [illegible] савдонинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлади. Архаик даврга оид Миср қабрларида топилган турли нарсалар мамлакат ичида ҳам, қўшни мамлакатлар билан ҳам бўлган айирбош савдонинг жуда ҳам эрта ривожланганлигини кўрсатади. Чунончи, династиядан олдинги биринчи даврга оид қабрларда топилган буюмлар Синай ярим оролидан кўк тош ва мис, Олд Оспёдан ложувард, Сурияда игнабаргли дарахтлар олиб келтирилганлигини кўрсатади. Династиядан олдинги иккинчи даврга мансуб Миср қабрларидан Фаластинга хос жимжимадор дастали сопол идишлар топилиши Мисрнинг Фаластин ва Сурия билан айирбош савдо олиб борганлигидан дарак беради. Бу идишлар ичидан қотиб қолган ёғ ҳам чиққан, мисрликлар бу ёғларни ҳам Фаластин ёки Суриядан келтирган бўлсалар ажаб эмас. Қадимги Финикия шаҳри Библни қазишда Миср буюмлари, чақмоқ тошдан ясалган пичоқлар ва белчалар, бўёқ эзиш учун ишлатиладиган шифер тахталар, оникс,

биллур, яшм[1] *ва олтиндан* ясалган мунчоқлар, лойдан ясалган ҳайвон суратлари топилди. Биринчи династиялар даври подшоларининг мақбараларидан Эгейда ясалган сопол идишларнинг синиқлари топилди. Критдаги Кнос саройининг харобаларидан эса Мисрда қилинган порфир идиш парчалари чиқди; бу ҳол Миср билан Эгей денгизи ороллари ўртасида савдо алоқалари бўлганлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Эгей денгизи ороллари да яшаган қабилаларнинг «ханебу» деган номи пирамидалардаги диний текстларда учрайди; бу текстларнинг баъзилари энг қадимги даврга мансубдир.

Кичик-кичик пичоқлар ясаладиган обсидианни Олд Осиёдаи, Нубиядаи ёки Эгей денгизи ороллари дан эҳтимол Мисрга олиб келган бўлсалар керак. Шу нарса характерлидирки, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти жиҳатидан тахминан бир даражада турган бошқа хар хил қадимги халқлар хам, жумладан энг қадимги Закавказье халқлари ҳам, обсидианни кенг кўламда ишлатганлар; Закавказьеда ўтказилган қазишларда обсидиандан ясалган жуда кўп буюмлар топилган эди.

Бироқ бу энг қадимги даврда бутун хўжалик ўзининг қадимги натурал характерини мустаҳкам сақлаб қолган. Жамоада ишлаб чиқарилган ҳамма нарса шу жамоанинг ўзидаёқ истеъмол қилинган. Барча мажбуриятлар хам гирт натурал характерда бўлган. Дельтанинг шимоли-гарбий қисмида ўтказилган қазишлар бу арханк даврдаги деҳқончилик жамоаларининг ҳаёти ҳақида бир қадар тасаввур беради. Бу ерда ўтказилган қазишда қатор тизилиб кетган ўтовсимон кулбалардан ташкил бўлган қишлоқ кўчасига ўхшаш кўчалари бор даҳа топилди. Иероглиф ёзуви «область, округ, жамоа» (грекчасига — «ном») сўзини билдирадиган қадимги иероглиф ёзуви то кейинги вақтларгача сақланиб қолган; унда бу сўзлар сугориш канаплари билан бўлиб-бўлиб қуйилган тўғри бурчак ер майдони шаклидаги суратли аломат билан курсатилади. Арханк давридаёқ мавжуд бўлган Миср «ном» лари ўзларининг қадимги исмларини, маҳаллий диний эътиқодларини, хўжалик сохасидаги биқиқликларини ва бошқалардан бўлак яшашга интилишларини минг йиллар давомида сақлаб келганлар. Бу ҳол қадимги Мисрда жамоаларнинг қолдиқлари мустаҳкам сақланганлигини тўла равишда акс эттиради. Бу фактларнинг хаммаси Марксининг қуйидаги сўзларини аниқ ифодалайди:

«Доимо айни бир формада такрор вужудга келадиган ва хароб бўлиб, яна ўша жойда, худди ўша ном билан вужудга

[1] Яшм — турли рангда товланувчи минерал.

келадиган бу мустақил жамоаларнинг ишлаб чиқариш механизмининг оддийлиги Осиё давлатларининг доимо бузилиб ва янгидан пайдо бўлиб туришига ва улар династиясининг тезтез алмашиниб туришига жуда тескари бўлган Осиё жамиятларининг ўзгармаслик сабабини тушунтириб беради. Сиёсат доирасидаги алғов-далғовлар бу жамиятнинг асосий иқтисодий элементлари структурасига таъсир қилмайди»[1].

Қадимги Мисрда уруғчилик тузуми емирилиб, қулдорлик тузуми ҳамда деспотик давлат ташкил топиб борадики, бу ҳол инсоният тарихидаги энг катта ўзгаришлардан биридир.

Бу даврнинг охирида синфий жамият ва давлатда қулдорлар аристократияси турган энг қадимги давлат вужудга келади. Бу вақтларда *бошланган* мулкий табақаланишни уликлар кўмилган қабрлардан кўриш мумкин. Олдий кишиларни, қишлоқ жамоаларининг эркин аъзоларини, камбағаллар ва қулларни оддий қабрларга кўмиб, уларни энг зарур рўзғор буюмлар билангина таъмин этганлар. Бойларни, зодагон аристократларни, амалдорлар ва олий коҳинларни тантанали равишда ҳашаматли мақбараларга кўмганлар, уларни қимматли буюмлар, озиқ-овқат билан, бадиий ҳунар ва санъат буюмлари, диний эътиқод буюмлари билан таъмин этганлар. Бу мақбараларнинг баъзилари ғоят муҳташам қабрларга ўхшаб кетади. Масалан, яқинда Саккарада топилган подшо Деннинг муҳрдори Хемакнинг мақбараси 50 дан ортиқ хонадан иборат бўлиб, 1482 $м^2$ жойни ишғол қилади, аммо «подшо ертўласининг бошлиғи» ва «тегирмон мудири» Анхках мақбарасида 37 та хона бор. У даврдаги рассомлар ва хаттотлар бирон кишини тасвир қилар эканлар, унинг қайси тоифага мансуб эканлигини, қандай кийим кийиши ва қандай соч қўйганлигини уқтириб кўрсатганлар.

Бойлар ва қулдорлар ўз синфий ҳукмронликларини мустаҳкамлаш, меҳнаткаш халқни бемалол эксплуатация қилиш ва уни доим жиловда тутиш учун энг қадимги давлат аппаратини тузганлар. Бу энг қадимги қулдорлик давлатининг биринчи органлари кўпинча уруғчилик тузуми чиришган вақтдаги бошқарма формасини сақлаган. I династия фиръавнлари замонидаги амалдорларнинг энг қадимги мансаб номларидан баъзилари ҳарбий демократия даврига мансубдир. Масалан, бош тўра (чати) ана шундайдир; чати ҳам қадимги жодугар коҳин каби елкасига ҳайвон териси ёпиб юрган ва подшонинг энг яқин кишиси сифатида доим уни кузатиб юрган.

Бундай мансаблар яна бор: халқ лашкарининг қадимги бошлиғини «халқ устуни» деб атаганлар. Ёки Мисрнинг энг

[1] *К. Маркс.* Капитал, I т., Ўздавнашр, 1955, 398—399-бетлар.

қадимги шаҳарларидаги биридаги бош судьяни «Нехен тили» деб атаганлар. Пиҳоят, уруғ ва қабила оқсоқоллари ҳам шундан мансабдорлардан бўлиб, кейинчалик улар қисман давлат ҳокимияти органларига айлантирилган.

Бутун олий ҳокимият подшо саройида марказлашган бўлиб, мамлакат ўша ердан идора қилинган. Подшонинг энг яқин кишилари катта амалдорлардан иборат бўлиб, уларнинг даблабали унвонлари бўлган: подшодан кейин иккинчи ўринни сарой бошлиғи эгаллаган, ундан кейинги подшо арконларининг ҳаммасининг муҳрларини сақловчи муҳрдор турган ва ҳоказо. Бу амалдорлар билан бирга бошқа сарой аҳллари ҳам тилга олинади; ёзувларда улар ўзларини «саройда турувчи», «князлар» ва «подшонинг дўстлари» деб атайдилар.

Қулдорлик хўжалигининг тараққий қилиши урушлар олиб боришни талаб қиларди. Уруш жуда содда усул билан дарҳол асирлар олишга имкон берарди, у вақтда эса асирлар одатда кулларга айлантириларди. Шу муносабат билан қадимги қабила бошлиқлари, халқ саркардалари подшонинг яқин кишисига, подшонинг буйруғи билан подшо қўшинларига қўмондонлик қилувчи ҳарбий қўмондонларга айлантирилган, қўшни мамлакат истило қилингандан кейин баъзи ҳолларда бу қўмондонларга «ёт мамлакат бошлиғи» деган унвон берилган.

Ер фондининг давлат қўлида тўпланиши ва бутун сунъий суғориш системасини бошқариб туриш зарурияти секин-аста энг қадимда молия ва хўжалик ишларини идора қилувчи махкамалар ташкил топишига сабаб бўлган. Подшо хазинаси «кумушхона» деб аталган. Бутун мамлакатдан йиғиладиган натура солиғи шу хазинага тўпланган. Подшо хазинаси билан бирликда озиқ-овқат таъминотига, тегирмончилик, чорва хўжалиги, токчилик ва виночилик ишларига қарайдиган айрим муассасалар ҳам бўлган. Подшонинг хусусий хўжалиги (подшо уйи) алоҳида ажратиб олинган ва буни алоҳида мансаб эгалари бошқариб турган.

Бутун давлат айрим областлар (номлар)га бўлинган ва бу областлар тепасида кўпроқ қадимги уруғчилик тузумининг зодагонларидан бўлган номархлар, маҳаллий ҳокимлар турган. Энг қадимги замонларданоқ, сунъий суғориш ишларини идора қилиш вазифаси ўша маҳаллий амалдорлар гарданига юклатилган. Шунинг учун уларнинг мансабини тасвир қилувчи иероглифларда аниқ қилиб ариқ сурати чизилган. Бу вақтга келиб марказий ва маҳаллий бошқармалар соҳасидаги ҳисобкитоб ва назорат қилиш ишларини олиб борадиган мансаб эгалари ва муассасалар пайдо бўлган бўлиши жуда эҳтимол.

Юқори табақа коҳинлар ҳам қулдор зодагонлар составига кирган, улар ҳам ҳар хил давлат хизматида бўлган, чунки ҳали у вақтда коҳинлар ўзига алоҳида бир каста бўлмасдан, айрим амалдорлар кўпинча коҳинлик вазифасини ҳам бажарганлар. Масалан, I династия даврининг энг катта аристократларидан бири ва саройда «сарой бошлиғи, подшо саройи дўсти» деган вазифаларда ишлаб турган Сабаф номли олий мансабдор унвонлари тўғрисида дабдаба билан гапирганда ўзини нариги дунё ва мотам-маърака маросимининг хомийси бўлган худо Анубис ибодатхонасининг коҳини деб атайди.

Афтидан, бу даврда айрим зодагон амалдорларга, аристократларга ва, шунингдек, эҳтимол, ибодатхоналарга ҳам қарашли энг қадимги қулдорлик хўжаликлари майдонга келган. Бу мулкларда бойлар, коҳинлар ва шоҳият олий ҳокимият тепасида турган подшо томонидан қаттиқ эзиб келаётган камбағаллар ва қуллар ишлаган. 1938—1939 йилларда, I династия даврининг энг машҳур амалдорларидан бўлган вазир Хемак мақбарасидан жуда ҳам юпқа гўқималарга ўралиб, ёғоч тобутларга солинган одамларнинг мумиёлари топилди. Олий мансабдор Хемакнинг хизматкорлари ёки уйдаги қуллари хўжайинлари билан бир вақтда, бошқача қилиб айтганда, бу хизматкорлар Хемакни кўмиш куни ўлдирилиб кўмилган, деб фараз қилишимизга бирмунча асослар бор.

Энг қадимги подшо ҳокимияти архаик даврнинг охирларида вужудга келган. Афтидан, шу даврда Миср территориясида энг қадимги давлатлар ташкил топган ва улар ўзаро уруш олиб борганлар. Бу энг қадимги давлатлар тепасида подшолар турган, коҳинлар уларни худо деб эълон қилганлар. Илоҳийлаштирилган подшолар жуда муҳим ишни маросимларни ўтказилари лозим бўлган. Подшолар ҳалидан кейин катта мақбараларга кўмилган. Бу мақбаралар қурилиш жиҳатидан подшоларнинг нариги дунё учун ишланган ҳашаматли ибодатхонасига ёки қасрига ўхшайди. Подшоларни кўпинча муқаддас ҳайвонлар ва қушлар номи билан аташган ва номига яраша ҳукизга, илонга ёки лочинга ўхшатиб тасвирлаганлар. Подшо ҳокимиятини илоҳийлаштиришдан иборат бўлган бу қадимги идеологиядан муддао — давлат ҳокимиятининг деспотик режимини ва бир тўда қулдор аристократларнинг кенг меҳнаткашлар оммасини эксплуатация қилиш негизига қурилган бутун бир синфий тузумни мустаҳкамлаш бўлган.

I—II династия давридаги энг қадимги давлатнинг ҳарбий вазифасини энг қадимги ёдгорликлардан яккол кўриш мумкин. Кўпгурали деворлар билан ўралган қалъаларнинг тасвирлари сақланиб қолган. Рассом кўпинча асирларнинг ҳам суратларини солган. Шоҳлари билан душманнинг қалъа девор-

ларини қулатаётган муқаддас ҳўкиз сифатида кўрсатилган подшо тасвирини ҳам баъзан кўриш мумкин. Бу айрим давлатларнинг ўзаро урушларида шу давлатларни энг кучли давлат қул остида бирлаштириш мақсади кўзда тутилган.

Энг сўнгги вақтларда ҳам Миср давлатининг маъмурий жиҳатдан областларга (номларга) бўлинганлиги узоқ ўтмишда Мисрда бир қанча мустақил майда давлатлар бўлганлигидан дарак беради. Миср ўзининг бутун қадимги тарихида областларга бўлиниб яшаган. Ягона Миср давлати заифлашиб, тушкунликка учраган даврларида бу областлар яна ўзларининг қадимги мустақилликларини тиклаганлар.



Ассирия ўлдираётган Нармер тасвир этилган шифер лавха.
Гирикопполдан топилган.
Қоҳира музейи.

Мисрнинг ягона бир давлат бўлиб бирлашишига сабаб меҳнаткаш оммани эзиш учун қудратлироқ аппарат яратиш зарурияти тугилганлигидир. Сўнгра, деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши ягона ва мураккаб суғориш системасини ташкил этишни талаб қилган; бундай мураккаб, ягона суғориш системасини эса энг қадимги майда давлатларни ўзига ҳазм қилиб олиб бирлашган давлатгина ташкил эта олар эди. Шундай қилиб, ирригация ишларини назорат қилиб туриш ва уни кенгайтириб бориш энг қадимги қулдорлик давлатининг вазифаларидан бири бўлиб қолган. Ниҳоят, ташқи савдонинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳарбий сиёсатнинг ривожланиши бу давлатнинг ички ишларини *мустаҳкам бўлишини ва давлат ташкилотининг равонлигини* талаб қилган. Мисрнинг кучли бир давлат бўлиб бирлашиш процесси ҳам дельтада, ҳам водийда содир бўлган. Секинаста бир-бири билан рақиблик қилувчи икки давлат тузилган. Дельтада жойлашган Шимолий давлатнинг маркази Бахдет (Дамангур) бўлган, 1-остонагача водийни бирлаштирган Жанубий давлатнинг маркази Небут (Ўмбос) бўлган. Бу

икки давлат ўртасидаги жуда узоқ вақтларга чўзилган курашни биз Қуйи ва Юқори Миср ҳомийлари деб ҳисобланган худо Гор билан худо Сэт ўртасидаги курашни оғи қилувчи қадимги диний афсоналардан биламиз. Шимол билан Жануб ўртасидаги шиддатли кураш узоқ вақт давом этган. Мамлакатда устунлик қилиш ва ҳукмрон бўлиш учун олиб борилган бу курашда гоҳ бир томон, гоҳ иккинчи томон галаба қозонган. Енгган фиръавн енгилган фиръавн унвонини ҳам ўз унвонига қўшиб олган. Бу ҳол энг кейинги вақтлардаги фиръавнларнинг унвонларида ҳам акс этгандир.



Нармер тасвир этилган шифер лаваха. Гиераконполдан топилган (лавҳанинг иккинчи томони).

Қохира музейи.

Миср нинг энг кейинги бутун тарихи давомида фиръавннинг «икки мамлакат султони» ҳамда «Юқори ва Қуйи Миср подшоси» деган унвонлари расм бўлганлиги, Мисрнинг қадимда Шимолий ва Жанубий мамлакатга бўлинишига қараб, давлат аппаратининг икки қисмга бўлиш ҳам қатъий расм бўлиб қолганлиги аниқ. Аниқлар Юқори ва Қуйи Мисрнинг икки мустақил давлат бўлиб узоқ вақтлар яшаганини кўрсатади. Мисрнинг ягона марказлашган давлат бўлиб бирлашиш даврини кўрсатувчи ёзгорликлар жуда оз, биз бу даврни ўша озгина ёзгорликлардан биламиз, холос. Масалан, шифердан ясалган бир лавҳада фиръавн Нармернинг йиқитилган душман бошига чўқмори билан ураётгани тасвир этилган. Бу тасвир остидаги ёзувда бундай дейилади: «Гарпуна Қўли мамлакатидан подшо 6 минг асир олиб чиқди». Шуниси қизиқки, бу лавҳада подшо икки жойда тасвирланган: бирида Юқори Миср тожи, иккинчисида эса Қуйи Миср тожида тасвирланган. Бу тасвирда Нармер ҳокимияти остида бутун Мисрни бирлаштиришга олиб келган абадий галаба ифодаланган бўлса ажаб эмас.

Бу даврдаги Миср давлати ҳали кўп жиҳатдан қадимги ва анчагина ибтидоий уруғ-қабила иттифоқига ўхшайди.

«...Минг йиллар давомида энг қўпол давлат формасининг, шарқ деспотизмининг асосини ташкил этган»[1] қадимги жамоалар мустаҳкам формаларга киради. Жамоалар аслда жамоа ер эгалиги асосида ерга эгалик қиладилар, лекин давлат ҳокимияти ўзини ҳамма ерларнинг олий эгаси деб ҳисоблайди ва жамоадаги эркин аҳоли даромадининг бир қисмини ўз фойдасига ундиради. «Жамоа қўшимча меҳнатининг бир қисми, аслда, бир *шахсдан* иборат бўлган олий коллективга мансуб бўлади, бу қўшимча меҳнат эса хирож тусида ҳам, ва, шунингдек бошқа тусларда ҳам, ҳамда қисман ҳақиқий мустабидни, қисман қабиланинг фараз қилинувчи улуг зоти, яъни худони улуғлаш учун сарф қилинадиган коллектив меҳнат тусида ҳам бўлади»[2].

Қабила тузумининг элементлари ҳам узоқ вақтлар давомида сақланиб қолади. Нил водийси ва дельтасида кўпинча турли тилларда ва шеваларда гапирувчи турли қабилалар ёнма-ён яшайди. Ҳатто анча кейин, Янги Подшолик даврида ҳам, мамлакатнинг жанубий чегараларига, Ассуанга яқин жойдаги Элефантин оролида яшовчи мисрликлар дельтада яшовчи мисрликларнинг тилига тушунмаганлар.

Грек ёзувчилари биринчи Миср подшоси ва Мисрни бирлаштирувчи деб ҳисобланган қадимги фиръавн Менес (Мина) ҳақида хотира сақлаганлар. Бу афсона тарихий фактларга асосланса керак. Тарихий даврнинг Миср фиръавнлари шажараларида фиръавн Минанинг номи биринчи бўлиб ёзилган. Негадада топилган катта подшо мақбарасидан чиққан бир лавҳада ҳам Мина номи бор. Мина Абидос яқинидаги Тин деган жойдан келиб чиққан бўлиб, дельтани босиб олган ва ягона Миср давлатини вужудга келтирган. Мина дельтадан водийга чиқадиган ерда, яъни стратегия ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган бир жойда ўзининг истеҳкомга айлантирилган пойтахтини қурган ва бу пойтахтга «Оқ девор» деб ном берган. Бу жой шу қадар мувофиқ танланганки, у Мисрнинг бутун тарихи давомида ўзининг юксак аҳамиятини йўқотмай сақлаб келган. Кейинчалик бу ерда Қадимги Подшоликнинг пойтахти бўлган Мемфис шаҳри вужудга келган. Бутун Мисрни ягона бир давлат қилиб бирлаштириш натижасида Мина дастлабки йирик суғориш иншоотлари куриш имкониятига эга бўлган. Бу даврга оид подшо мақбараларидан Мисрнинг бу биринчи улуғ фиръавни номи ёзилган олтин зийнат буюмлар ва бошқа буюмлар топилди. Нега-


[1] *Ф. Энгельс.* Анти-Дюринг, Уздавнашр, 1957, 228—229-бетлар.

[2] *К. Маркс,* Формы, предшествующие капиталистическому производству, 7-бет.

дадан қазиб олинган катта мақбара худди Мина мақбараси бўлса эҳтимол. Архаик даврдаги Миср фиръавнлари мамлакатни бирлаштиришиб бўлгач, Миср чегарасини кенгайтириш йўлида дастлаб ҳаракатга киришадилар. Фиръавн Усефай Синай ярим оролида яшовчи шарқий қабилалар билан кураш олиб боради. Усефай шарқий қабилалар устидан қилган ғалабасини зафар тантанаси манзарасида абадийлаштиради. У узининг бу ғалабасини тантанали равишда «шарқий аҳолининг биринчи маглубияти» деб атайди. Фиръавн Семерхет Синай ярим оролидаги қабилалар билан бўлган бу урушни давом эттириб, Синай территориясига бостириб киради ва бу ердаги мис кони Води-Магхара яқинидаги қояларда Миср подшосининг Осиёдаги тор-мор қилиниб тиз чўктирилган душмани устидан қилган тантанали ғалабасининг традицион манзарасини тасвир эттиради. Шундай қилиб, дастлабки династияларнинг фиръавнлари қўлларига қурол олиб, Миср экономикасининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган бой мис конларини босиб олиш мақсадида Синай ярим оролига кириб боргаплар.



Архаик даврга оид сопол идишдаги нақш.



Қишлоқ хўжалик ишлари.

Менена мақбараси деворидаги расм.

VII БОБ

ҚАДИМГИ ПОДШОЛИК ДАВРИДАГИ МИСР

III—VI династияларнинг фиръавнлари подшолик қилган замонни ўз ичига олган Қадимги Подшолик даври (эр. ав. 3000—2400 йиллар) Мисрда биринчи марказлашган ва кучли қулдорлик давлатининг тузилиш давридир. Бу даврда моддий маданият бир қадар юксалган. Миср подшолари асосан қулларни қўлга киритиш ва рудага бой бўлган қўшни территорияларни истило қилиш ниятида Синай ярим ороли ва Шимолий Нубияни босиб олиш учун муттасил кураш олиб бора бошлаганлар. Бу давр Миср давлатида маданият ва унинг ҳарбий-сиёсий қудратининг дастлаб хийла гуллаб-яшнаган даври бўлган.

Хўжаликнинг ривожланиши

Нил дельтаси билан водийсининг ягона бир давлатга бирлаштирилиши деҳқончиликнинг асоси бўлган суғориш системасини такомиллаштириш ва кенгайтиришга имкон берган. Давлат ҳокимияти янги каналлар қазиш тадбирларини кўрган ва бу ишларга назорат қилишни махсус амалдорларга топширган. V—VI династиялар даврида яшаган аристократ Нехебу ўз таржимаи холини ёзганида у подшо буйруғи билан ва олдиндан тузилган планга мувофиқ, Мисрнинг шимолий ва жанубий қисмларида каналлар қазитганлиги ҳақида мағрурлик билан гапиради.

Лекин ҳамиша кенгайиб борастган деҳқончилик билан бир қаторда балиқчилик ва овчилик ишлари ҳам хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятини сақлаб келган. Мисрликлар Нил

водийсига ёндош чўлларда ва дарёнинг сув тўпланиб турган ботқоқларида ҳар хил йиртқич ҳайвонлар ва қушлар овланганлар. Нилда жуда кўп балиқ тутганлар. Овчилик ва балиқ овлаш манзаралари Қадимги Подшолик даврига оид мақбараларнинг деворларида жуда яхши тасвирланган. Чорвачилик илгариги вақтларга қараганда анча ташкилий тус олган ва деҳқончилик хўжалигининг эҳтиёжига тамоман мослашиб, ўзининг мустақил аҳамиятини йўқотган. Водийда экин экиладиган ерларнинг етишмаганлиги сабабли аҳоли бўш ётган ерларнинг ҳаммасидан экин экиш учун фойдаланишга ва мол боқишни зарур бўлган даражагача келтириб, чеклаб қўйишга мажбур бўлган. Фақат дельтада бирмунча ортиқча ер бўлганлигидан, бу ернинг кенг ўтлоқларида кўп миқдорда мол урчитиш мумкин бўлган. Шунинг учун ҳам чорвачилик водийдан кўра дельтада кўпроқ аҳамиятга эга бўлган; Қуйи Мисрнинг туртта номида ҳукизнинг илоҳийлаштирилганлиги буни яққол кўрсатиб туради. Бу даврларда қорамол ва қўй-эчкиларнинг турли зотлари бўлган; шу билан бирга, наслдор молларни кўпайтириш иши билан ҳам шуғулланганлар ва молларни оғилхонада боққанлар. Подалар мамлакатнинг асосий бойликларидан бири бўлган. Подшолар қўшни қабилалар билан бўлган урушлар вақтида қўшни мамлакатларни вайрон қилиб, уларнинг жуда кўп чорва молларини ўлжа қилиб олиб ҳайдаб кетганлар. V династия фиръавни Сахура ливияликлар билан уруш қилганида у ердан Мисрга жуда кўп қорамол, эшак, эчки ва қўй ҳайдаб келган. Фиръавнинг ёру дўстлари бўлган катта амалдорлар фахр билан ўз мақбараларининг деворларида ўзларига қарашли подаларни тасвирлаганлар ва ёзувларда ўз чорваларининг аниқ сонини кўрсатганлар. Чорвачилик билан бир қаторда паррандачилик, хусусан уй ғозлари ва ўрдак боқиш ҳам бирмунча хўжалик аҳамиятига эга бўлган. Чунончи, VI династия замонидаги катта амалдорлардан бири бўлган Птахотеп ўз мақбарасининг деворларига ёзган таржимаи ҳолида ўзининг жуда кўп ғоз, ўрдак, оққуш ва каптарлари бўлганлигини айтади. Подшога қарашли ерларда ва ибодатхоналар қарамоғида ҳам катта-катта чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари бўлган. Қуёш подшоси Навсерранинг ибодатхонасида баъзи байрамларда қурбонлик учун мингтагача ғоз сўйилган. Қуёш подшоси Навсерранинг ана шу ибодатхонасида асал олиш манзарасининг тасвири сақланиб қолган; бу ҳол ўша вақтда асаларичилик бўлганлигини кўрсатади.

Бироқ деҳқончилик мамлакатнинг хўжалик ҳаётида ҳаммадан кўра катта аҳамиятга эга бўлган. Деҳқончилик кенг ривожланган сунъий суғоришга асосланган ва хўжаликнинг

асосий, етакчи тури бўлган. Миср экономикаси ва техникасининг умумий турғунлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг ибтидоий қуроллари узоқ вақтларгача сақланиб қолган бўлсада, бу соҳада ҳар ҳолда бирмунча ривожланиш бўлган. Ерни ишлаш учун ишлатиладиган кадимги ибтидоий мотига илгаригидек кенг қўлланилган. Лекин мотига билан бир қаторда кўш тортадиган қадимги ибтидоий омоч ҳам борган сари кенг тарқалган. Архаик даврда тиғи чақмоқ тошдан ясалган ўроқ анчагина такомиллашган металл ўроқ билан алмаштирилган. Авваллар маълум бўлмаган махсус хаскашлар ҳам пайдо бўлган. Бир неча хил бошоқли дон экинларининг пайдо бўлганлиги ҳам қишлоқ хўжалигининг ривожланганлигини кўрсатади. Чунончи, бу вақтнинг ёзувларида Юқори Миср ва Қуйи Миср арпаларининг алохида навлари тилга олинади. Дон хўжалиги билан бир каторда полизчилик ва мевачилик ҳам борган сари кўпроқ ривож топган. Узумчилик ва зиғирчилик кенгайиб борган. Ниҳоят, зайтунчилик ҳам бирмунча аҳамиятга эга бўлган; зайтунчилик маҳаллий зайтун дарахти меваларидан ўсимлик мойи тайёрлашга имкон берган.

Мақбараларнинг деворларида сақланиб қолган кўпдан-кўп тасвирлар хунармандликни, хусусан ёғочсозлик, тоштарошлик, металлсозлик, кулолчилик, папирус ишлаш ҳунарларининг, тўқимачилик ва кўнчиликнинг хийла ривожланганлигидан дарак беради Архаик ҳамда Қадимги Подшолик даврида ҳали ўрмонларнинг ҳаммаси ҳам тугатилмаганлигидан, у замонларда ёғочсозлик кейинги вақтларга қараганда кўпроқ аҳамиятга эга бўлган Мебель, кемалар, тобутлар ва бошқа нарсалар тайёрлаш учун дарахтнинг маҳаллий турларидан ҳам, чинор, юлғун, акация, хурмо дарахтларидан, шунингдек четдан келтирилган дарахт навларидан ҳам — Сурияда келтирладиган қарағай ва Нубиядан, эҳтимол, янада узоқ жанубий мамлакатлардан келтириладиган кора дарахтдан фойдаланганлар. Ёғочсозликнинг ривожланиши бу хил ишлаб чикариш асбоб-ускуналарнинг мураккаблашиши ва такомиллашишида ўз аксини топади. Тошдан ясалган асбоблар аста-секин металлдан қилинган асбоблар билан алмашинади Дарахтни болта билан қирқканлар, қўл арра билан арралаганлар, теша ёки пойтеша билан йўнганлар, искана билан тешиклар тешганлар, дарахт сиртини текис силлиқловчи тош билан силлиқлаганлар. Ўқ-ёй тайёрлаш учун махсус устахоналар қурилиб, бунда бир талай асбоблар ишлатиладиган бўлган. Ёғоч ва тахтанинг айрим бўлакларини, буюмларнинг айрим қисмларини бир-бирига поналар йўли билан, шунингдек ёғоч мих ва ҳалқалар ёрдами билан улаганлар. Ҳатто бу вақтларда ҳам дарахт камчил ва қиммагбаҳо материал

бўлганлиги туфайли одамлар кўпинча ёғочнинг майда булакларини бир-бирига улаб, ёпиштириб катта тахталар тайёрлаганлар. Кемасозликда ёғочсозликнинг аҳамияти жуда катта бўлган. VI династия замонидаги Уна деган катта бир амалдорнинг ёзувида «17 кунда акация дарахтидан узунлиги 60 қулоч, кенглиги 30 қулоч келадиган юк ташувчи кема қурилганлиги» баён этилган. Худди ана шу ёзувда бу кемаларнинг Нубиядан келтирилган акация дарахтидан ясалганлиги тапирилади. Кемасозликка катта аҳамият берилган. Дарахтнинг турли навларидан катта-катта юк кемалари ясалганлиги ҳақида расмий йилномаларда ҳам айтилади.

Тош қирқиш ва тошдан буюмлар ясаш мамлакатнинг хўжалик ҳаётида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган. У замонда бу иш ғоят юксалган ва техникаси жуда мукаммаллаштирилган. Тош қирқиш ва ундан буюмлар ясаш учун хар хил қуроллардан: ёғоч гуқмоқча, чукич, кесиш асбоби, парма, пойтеша, тош болға, аррадан фойдаланганлар. Тошни силлиқлаш учун қаттиқ тошдан ясалган силлиқловчи асбоблар ва кварц қуми ишлатганлар. Қурилишларда гўния ва шоқулдан фойдаланганлар. Бу замонда тошнинг қаттиқ хилларидан бежирим ва мукаммал қилиб ишланган қимматбаҳо идишлар тошдан буюмлар ясашда юксак техникага эришилганлигини жуда равшан кўрсатиб туради. Бу вақтларда мақбараларнинг деворларига ғоят зўр моҳирлик билан ўйиб солинган нозик бўртма тасвирлар ва иероглиф ёзувлари ҳам ажойибдир. Аммо Миср тоштарошлари бинокорликда аниқса катта ютуқларга эришганлар. Катта-катта харсанг тошлардан қурилган Миср иморатларидан баъзилари бизнинг замонамизгача жуда яхши сақланиб қолган. Бу иморатлар бинокорлик техникасининг ажойиб мўъжизасидир. Тошдан қурилган энг кадимги кичикроқ ибодатхоналардан бири Медума пирамидаси яқинида III династия даврида бино бўлган. Шу вақтдан бошлаб бутун Мисрда тош архитектураси кенг тарқала бошлаган. Подшоларнинг катта-катта мақбара (пирамида)лари ва бу мақбаралар ёнида курилган ибодатхоналар бинокорлик техникасининг юксалганлиги ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу пирамида ва ибодатхоналарни қуришда катта-катта харсанг плиталарни ишлатганлар. Масалан, IV династиядан бўлган фиръавн Хафранинг мақбара ибодатхонасига кира беришда қурилган иморатга ишлатилган плиталарнинг узунлиги 5,45 метр ва оғирлиги 42 минг *кг* га боради. IV династия подшоларидан Хуфу пирамидаси подшо мақбараларининг энг катталаридан бўлиб, баландлиги 146 метрга етади. Бу мақбарага 2 миллион 500 минг дона йирик тош плита ишлатилган бўлиб, ҳар бир плитанинг оғирлиги тахминан $2^1/_2$ тонна келади. Пи-

рамидаларнинг сирти чиройли тошлар билан қопланган. Тош плиталар шу қадар аниқлик билан бежирим қилиб терилганки, бунга ҳатто ҳозирги замон архитекторлари ҳам ҳайратда қолади.

Мамлакат хўжалигининг муҳим ва ҳунармандлнкнинг энг етакчи тармоги бўлган металлургия ҳам Қадимги Подшолик даврида анча гараққий қилган Металлдан қилинган буюмлар тобора тош буюмларни сиқиб чиқарган. Металлургияда кўпроқ Синай конларидан ёки Шарқий чўллардан келтириладиган мисдан фойдаланганлар. Кадимги Подшоликда металлни бўлғалаб буюм ясаш техникаси билан бирга, қуйиш техникаси ҳам маълум бўлган. IV династия подшоларининг мақбараларидан, масалан, малика Хетеп-Херес мақбарасидан мис қуроллар, шу жумладан тоштарошлар ишлатадиган мис асбоблар топилган эди. Метеорит темир ва уни ишлаш техникаси архаик давридаёқ маълум бўлган, аммо Кадимги Подшолик даврида метеорит темирдан кам фойдаланганлар. Лекин V—VI династияларнинг пирамидаларидаги диний ёзувларда осмон гумбази билан қуёш худосининг тахти темирдан қилинган, деган ўзига хос бир қанча тушунчаларни кўрамиз. Афтидан, метеорит темир ўша замонда айниқса юқори сифатли қиммагбаҳо металл деб ҳисобланган ва бу темирнинг махсус диний-сеҳрий кучи бор, деб фикр қилинган бўлса керак. Археологик топилмалар Қадимги Подшолик давридаёқ темир қадимги мисрликларга маълум бўлган деган фикрни тамомила тасдиқлайди. Бу даврда заргарлик санъати ҳам юксак даражага етган. Миср заргарлари олтиндан, кумушдан ҳамда олтин билан кумушнинг табиий аралашмаси (электрум)дан нафис буюмлар, шу жумладан зийнат буюмлари ясаганлар. Малика Хетеп-Херес мақбарасидан топилган вазмин кумуш билагузуклар бу вактдаги заргарлик санъатининг юксаклиги ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу билагузукларга кўк тош, ложуврад ва яшм тошлардан териб, сўзанак сурати солингандир. Ниҳоят, бу даврда бошқа хил ҳунармандликлар ҳам, хусусан кулолчилик, папирус ишлаш, кўнчилик ва зиғирпоя толасидан тўқималар қилиш ҳунарлари хийла ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам, ҳунармандчилик соҳасида ҳам ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ихтисосланиш хамда ишлаб чиқаришнинг ўсиши ортиқча маҳсулотларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ишлаб чиқарилган жойда истеъмол қилина олмаган ортиқча маҳсулотлар товарларга айлантирилиб, бозорларда сотиладиган бўлган. Бу даврда бошқа қадимги Шарқ мамлакатларидагидек қадимги Мисрга ҳам ички ва ташқи савдо ўзининг ибтидоий формаси—

айирбошлаш савдоси формасида бўлган. Бу замондаги мақбараларнинг деворларида бозор манзараларининг тасвирлари сақланиб қолган; рассом бу тасвирларда бир хил товарларни иккинчи хил товарлар билан айирбош қилиш манзараларини жуда зўр диққат билан тасвирлаган. Бу товарлар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, дон, ғалла, ширин сомсалар, сабзавот, мева, ёғ, балиқ, ҳунармандлик буюмлари, шу жумладан зеб-зийнат буюмлари, ойна, пойабзал ва ҳоказоларни кўриш мумкин. Қисқа ёзувларда сотувчилар билан харидорлар орасида бўлган гаплардан айрим парчалар келтирилган. Ёзувлар ичида «уста»га мурожаат қилинган ўринлар тез-тез учраб туради. Афтидан, деҳқонлар ҳунармандларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериб, ўрнига улардан ҳар хил буюмлар алмаштириб олган бўлсалар керак. Товар эквивалентининг қиймати ғалла ва металл ёмби, кўпинча эса мис бўлган. Ёмбига ўхшаган ўлчовли металл пуллар савдонинг ривожланиши билан Қадимги Подшолик даврида пайдо бўлган бўлса керак. Афсуски, баъзан қуллар ва хатто уйлар ҳам ёмбига айирбош қилинганлигини кўрсатувчи маълумотлар ёзувларда жуда кам сақланиб қолган. Бундай «олди-сотди» учун, эҳтимол, маълум ҳужжатлар тузиш талаб қилингандир. Бир уйнинг сотилгани, тўғрироғи 10 ёмби металлга тенг деб баҳоланган бир неча буюмга алмаштирилганлиги ҳақидаги ана шундай ҳужжат Гизада ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Бундай айирбошлаш ишлари махсус маҳкамаларда, гувоҳлар олдида амалга оширилган. Бу гувоҳларнинг номлари мазкур ҳужжатда ёзиб қолдирилган. Археологик ёдгорликлар ва ёзувлар Миср билан қўшни мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг кенгайганлигини кўрсатади. Палермо тошида сақланиб қолган йилномада игна баргли дарахтларнинг муҳим навларини олиб келтириш учун денгизнинг нариги қирғоғидаги мамлакатларга юборилган катта-катта савдо экспедициялари ҳақида, жанубдаги Пунт мамлакатидан мирра[1] смоласи, тахта ва электрум келтирилиши ҳақида гапирилади. Библда ўтказилган қазишлар натижасида Миср савдосининг Сурияга кириб борганлигини кўрсатувчи жуда кўп ёдгорликлар топилди. Чунончи, Библда Мисрнинг IV династия подшолари Хуфу ва Менкаврларнинг номлари ёзилган идиш парчалари ҳамда V династия фиръавни Унис номи ёзилган ганч идиш топилди. Афтидан, Библ (бу шаҳарнинг мисрча номи «Кебен» бўлиб, бу ном Миср ёзувларида учрайди) Миср савдосининг Суриядаги марказларидан бири бўлган бўлса керак. Сурияннинг баъзи қисмларида Мисрнинг иқтисодий таъ-


[1] Мирра — хушбуй смола.

сири шу қадар катта эдики, Миср фиръавнлари ўзларини «Библ ҳокими» ва Ливан областининг худоси деб аташ мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Миср фиръавнлари V династия даврида Сурияга катта савдо экспедициялари жўнатганлар. Фиръавн Сахуранинг мақбара ибодатхонаси деворларида сақланиб қолган тасвирларда турли товарлар ва куллар олиб келиш мақсадида Осиёга жўнаётган катта денгиз экспедициясининг йўлга отланаётган манзараси кўрсатилган. Бу тасвирда биз эркак ва аёл осиёликларни кўрамиз. Ёзувларда Осиёдан Мисрга баъзи маҳаллий товарлар, чунончи, зайтун мойи келтирилганлиги тилга олинган. Мисрликлар Шимолий Африкадаги кўшни областлардан ҳам турли товарлар келтирганлар. Жумладан Ливиядан мисрликлар ўликларни чиришдан сақлайдиган махсус мой келтирганлар.

Миср билан Сурия ўртасида иқтисодий алоқалар билан бир қаторда маданий алоқалар ҳам мустаҳкамланиб борган. Мисрликлар ўз маданиятларининг турли элементларини, шу жумладан ёзувларини Сурияга тарқатганлар. Библда архаик даврга оид Миср иероглифида ёзилган Миср цилиндрик муҳри топилди: бу нарса Мисрнинг энг қадимги замонлардан буён Сурияга маданий таъсир қилиб келганлигини кўрсатади. Библда Миср иероглиф ёзувлари билан тўлдириб юборилган бир қанча Миср буюмлари топилди. Бир барельефда худога ва маъбудага қурбон келтираётган VI династия фиръавни Пепи тасвирланган. Худди шу барельефдаги ёзувда фиръавннинг «Библ эгаси маъбуда Хатхорнинг севгани» деган унвони ёзилган. Афтидан, Миср маъбудаси Хатхорга эътиқод қилиш одати Сурияга шу даврдаёқ ўтган бўлса керак.

Озирис ўлими ҳақидаги Қадимги Подшолик даврига мансуб афсона ҳам Сурия билан Миср ўртасидаги ўзаро диний муносабатнинг қалинлигини кўрсатади. Бу афсонада Озирис жасади солинган сандиқчани денгиз тўлқини худди Библ қирғоғига келтириб ташлаганлиги ҳикоя қилинади. VI династия даврида ташқи савдонинг ривожланиши муносабати билан мисрликлар қўшни мамлакатларга тобора тез-тез қатнаб турадиган бўлганлар. Бир ёзувда амалдор Хнумхотеп ўзининг Пунт мамлакатига ва Кебенга (Библга) 11 марта борганлигини хабар қилган. Чечи деган бир амалдор ўз ёзувида «подшога жанубий мамлакатлардан буюмлар келтирган»лиги ҳақида ёзган. Пунтга юбориладиган бу экспедициялар Коптосдан суви қуриб қолган Води Хаммамат дараси бўйлаб Қизил денгиз қирғоғига олиб чиқувчи йўлдан жўнатиладиган бўлган. Бу даранинг қояларида худди ўша замонга оид ёзувлар топилди. Бу ёзувларда «подшо олдида чет мамлакатларга даҳ-



Миср кемаси.

Қадимги Подшолик даврндаги расм.

шат солувчининг аскар боши» бўлган катта бир амалдорнинг унвоилари ва номи ёзилган. Афгидан, бу савдо экспедициялари очиқдан-очиқ босқинчилик ва талончилик характерида бўлган бўлса керак. Чет эллардан келтирпладиган хом ашёга муҳтож бўлган мисрликлар бу хом ашёни фақат айирбош савдоси йўли билангина эмас, балки ўз қурол кучларига таяниб, зўрлик йўли билан ҳам Мисрга олиб келганлар. Шундай қилиб, қадимги Мисрда қулдорлик хўжалиги ва ташқи савдонинг ривожланиши натижасида мисрликлар шуғилланиш ва ҳарбий йўл билан қўшни мамлакатларга, жумладан Олд Осиё билан Шарқий Африканинг Мисрга ёндош бўлган мамлакатларига ҳийла жиддий кириб олишга муваффақ бўлганлар. Мисрликлар Синай ярим оролининг мис конлари районида ҳамда Нил ларёсининг то 3-остонасигача бир неча колония қурган Нубияда айниқса маҳкам жойлашиб олганлар. Самнадаи жануброқда Карма деган жойда ҳар қандай озиқ-овқат, ҳунармандлик хом ашёлари ва товарлар сақлаш учун солинган савдо маизили истеҳкомининг харобз қолдиқлари топилди. Бу иморат харобаларининг қадимги деворлари ёнида ўликни чиришдан сақлайдиган мой идишларининг парчалари

топилган эди. Ганчдан ясалган бу идишларнинг парчаларида VI династия подшоларидан Пепи I ва Меренроннинг номлари ёзилган. Шунга қараганда, мисрликлар Қадимги Подшолик даврининг охирларида бу ерларга келиб жойлашган, деб фараз қилиш мумкин.

Кўп асрлар давомида қадимги қотиб қолган формасини сақлаб келган қишлоқ жамоаси Мисрнинг асосий хўжалик ва ижтимоий ячейкасини ташкил қилган. Бунинг шундай бўлганлигини «жажат» ва «кенбет» деган характерли номларга эга бўлган қадимги жамоа кенгашлари гилга ўйинган ёзувлар кўрсатиб беради. Бу жамоа кенгашлари жойларда суд, хўжалик ва маъмурий ҳокимият органи бўлган. Бу жамоа кенгашлари олди-сотди ишларини қайд этганлар, амалдорларнинг ўз вазифаларини бажаришларини кузатиб турганлар, сунъий суғориш шохобчаларининг аҳволини назорат қилганлар ва суд ишларига оид махсус вазифаларни бажарганлар. Энг қадимги синфий жамият даврида бу жамоа кенгашларининг составига жамоаларнинг юқори табақалари, маҳаллий аҳоли ичидаги бадавлат қисмнинг вакиллари кирган. Бу кишилар замон ўтиши билан марказлашган давлат аппаратининг амалдорларига айланган. Жамоа кенгашлари деган маънони билдирувчи «жажат» ва «кенбет» сўзлари характерли иероглифлар билан кичик бир доира ва бурчак шаклида ёзилган. Бу тасвирий иероглифлар эски ўтмишнинг қолдиғи бўлиб, унда жамоа мансабдорлари уйнинг фахрий бурчагига ёки бадавий араб қабилаларининг шайхлари ҳозир ҳам қилгани каби, кичик бир доира ичига ўтириб жамоа ишларини ҳал қилганлар. «Кенбет» жамоа кенгашлари граждан ишларини суд қилиш ва асосан оила ҳуқуқи, қисман меросхўрликка оид жанжалли ишларни текшириш билан машғул бўлган; суднинг бу масалаларни ҳал қилишида маслаҳатчи сифатида даъногарнинг ҳам, айбланувчининг ҳам қариндошлари иштирок этиши мумкин бўлган. Шундай қилиб, бу жамоа кенгашлари қадимги оила жамоаси ўрнини секин-аста қишлоқ жамоаси ола бошлаган даврда ташкил бўлгандир. Фақат энг катта ўғилнинггина бутун мулкка меросхўр бўлиш ҳуқуқи, яъни якка меросхўрлик ҳуқуқи патриархал оиланинг катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Бу одат йирик патриархал оилаларнинг мол-мулклари максимал даражада бир одам қўлида тўпланишига имкон берган, шунингдек катта-катта патриархал оилаларда табақаланишни борган сари кўпрок кучайтирган. Қадимги Подшолик давридаги Миср ёзувларида энг катта ўғил ўзини «ўз отасининг меросхури» ва «ўз отасининг барча мулкларининг хўжайини» деб атайди. Бинобарин, патриархал оилаларда мерос устида тез-тез жанжал чиқиб гури-

ши тамоман табиий бир ҳол бўлган. Фарзандлик жиҳатидан ҳам, қонун жиҳатидан ҳам ягона мероскўр бўлган катта ўғил ҳуқуқини одат ҳуқуқи ҳам, суд ҳам ҳимоя қилган. VI династия давридаги бир суд протоколи сақланиб қолган, бу протокол ворислик ҳақидаги ишни текширишга бағишланган. Бу жанжалли ишда икки киши ворислик даъво қилиб чиқади; даъвогарларнинг бири оилага ҳеч қандай алоқаси йўқ ва, бинобарин, фарзанд сифатида мероскўр бўлишга қонуний ҳуқуқи бўлмаган, аммо ёзма васиятни пеш қилувчи Себекхотеп деган бегона бир киши бўлиб, иккинчиси, марҳумнинг ўғли, фарзанд сифатида одат ҳуқуқини дастак қилувчидир. Суд бегона кишидан унинг ворислик ҳуқуқини исбот қилиши учун фақат ёзма васият билангина қаноатланмасдан, балки ишончли уч кишининг қасам ичиб гувоҳлик беришини талаб этган, бу билан суд фарзандлик ворислиги ҳуқуқига эга бўлган мероскўр томонини олган, чунки мероскўр фарзанддан васият ҳам, гувоҳлар ҳам талаб қилинмаган. Бева хотин марҳум эридан уз ўғлини ҳимоя қилишини сўраб ёзган бир хат ҳам патриархал оиладаги мулкий тенгсизликни кўрсатиб туради. Бева хотин бу хатда марҳум эрига — оила ҳомийси бўлган арвоҳга сигиниб, унинг мулкларини тўла ҳуқуққа эга бўлмаган мероскўр томонидан қонунга хилоф равишда босиб олинганлигидан арз қилгаи ва марҳум эридан қонуний мероскўр бўлмиш ўз ўғлининг зўравонга қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслигини илтимос қилган. Шундай қилиб, одат ҳуқуқи фақат якка мероскўрлик принципини қўллаб, мол-мулкларнинг патриархал оила бошлиғи қўлида максимал даражада тўпланишига ёрдам берган. Илгари уруғчилик тузуми ичида бўлгани сингари, бу патриархал оилалар ичида ҳам энг қадимги қулчилик формаларининг пайдо бўлиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар вужудга келган. «Хизматкор», «қул», (мисрча «сежу») сўзлари бола маъносини билдирувчи тасвирий иероглифлар билан белгиланган. Бу ҳол ўша вақтдаги патриархал оилаларда уй қулчилиги бўлганлигини кўрсатади. Техниканинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат тақсимотига олиб келади ва шу муносабат билан қўшимча иш кучи жалб этиш фойдали бўлибгина қолмай, баъзан ҳатто зарур ҳам бўлиб қолади. Уз ичида ҳокимлик қилиш ва бўйсуниш элементлари мавжуд бўлган катта ва бадавлат патриархал оилаларнинг аъзолари эндиликда хўжаликнинг ўсиб кетган талабларини ўзлари қондиришга ожизлик қилиб қоладилар. «Деҳқончилик оиласи ичида стихияли суратда вужудга келган меҳнат тақсимоти фаровонликнинг маълум босқичида оилага ташқаридан бир ёки бир неча ишчи қушиб

олиш имкониятини берар эди»[1]. Бу қўшимча иш кучини асосан урушлар етказиб берар эди. Аввалларн асирлар ўлдириладиган бўлса, эндиликда қулга айлантириладиган бўлган. Қадимги Подшоликдаги катта-катта амалдорларнинг таржимаи ҳолларида қуллар қорамоллар билан бир қаторда тилга олинади.

III ва IV династиялар

Хўжалик ва савдонинг тараққий қилиши, қулчиликнинг ўсиб бориши ҳамда босқинчилик урушлари мулкий табақаланишнинг янада ривожланишига олиб келган ва бу табақаланиш борган сари яна кескинлашиб кетган. Савдо экспедициялари ва ҳарбий юришлар вақтида босиб олинган турли бойликлар, подалар, қуллар, ер ва ўлжа аҳоли ўртасида сира баравар бўлинмаган. Бу бойликларнинг жуда кўпчилиги подшо ва қулдор аристократия қўлида тўпланиб, ижтимоий табақаланишнинг янада кескинлашувига ёрдам берган. Қуллдор зодагонлар подшонинг кўп-кўп бериб турадиган тортиқлари туфайли ҳам бойиб борган. Бу замондаги катта-катта амалдорларнинг таржимаи холларида подшонинг амалдорларга ер тортиқ қилганлиги ҳақидаги маълумотлар кўп учрайди. Масалан, III династия давридаги Метен деган бир амалдорнинг таржимаи ҳолида унга подшо томонидан Шимолий ва Жанубий мамлакатдаги ерлар, шу жумладан катта узумзор инъом қилинганлиги ҳақида гапирилади. Бу даврдаги ҳамда V ва VI династиялар замонидаги катта-катта амалдорларнинг мақбаралари қулдор зодагонларнинг ўсиб бораётган иқтисодий аҳамиятини равшан кўрсатиб беради. Бу мақбараларнинг деворларида шу замонда яшаган қадимги мисрликларнинг турмуши ва маиший аҳволини аниқ кўрсатиб берувчи ажойиб тасвирлар сақланиб қолган. Бу тасвирда биз саройда ёки маҳаллий бошқармада бир қанча муҳим мансабларни эгаллаган амалдорни — мақбара эгасини кўрамиз. Одатда бу тасвирларда мансабдор ўз ерларини кўздан кечираётгани, деҳқончилик ишлари ва ўзига қарашли ҳунармандчилик устахоналарини назорат қилаётгани кўрсатилади.

Бу тасвирларга қарағанда, бу замоннинг фиръавнига яқин турган йирик амалдорлар катта-катта мулкларга эга бўлганлар. Зодагон ва шуҳратпараст бойлар ўз мақбараларининг деворларида ўзларига қарашли мулкларни ҳамда ўзларига қарам одамларни тасвирлаш билангина кифояланиб қолмаганлар, балки бу бойлар ўзларининг мақбаралари деворларидаги тасвирлар ва бу тасвирларга махсус ёзилган ҳар хил дуолар уларнинг бутун мулк ва бойликларини гўё сеҳр-жоду

[1] *Ф. Энгельс*, Анти-Дюринг, Ўздавнашр, 1957, 227-бет.

кучи билан нариги дунёга олиб ўтади, деб соддадиллик билан ишониб, ўзларининг бу дунёдаги ҳаётларини абадийлаштиришга уринганлар. Биз худди шу мақбараларнинг деворларидаги тасвирлардан Қадимги Подшолик давридаги бу мулкларнинг ҳажмини, яъни катта-кичиклигини аниқлашимизга имкон берувчи баъзи статистик маълумотларни ҳам топдик. Баъзи мақбараларда қулдор зодагонларга қарашли корамол ва қўй-эчкиларнинг сонини кўрсатувчи рақамлар сақланиб қолган. Чунончи, фиръавн Хафранинг дўсти бўлмиш коҳинлар бошлиғи Хафрааних (IV династия) мақбарасида унинг кўп сонли подаси тасвирланган ва худди шу ерда унинг икки хил зотдан 1055 бош корамоли, 3029 бош қўй-эчкиси ва 760 бош эшаги бўлганлиги кўрсатилган. Бу даврдаги катта қулдорларнинг бошқа мақбараларида овчилик, паррандачилик, балиқчилик, кемасозлик манзаралари, шунингдек бу аристократларга қарашли катта-катта ҳунармандлик устахоналарининг тасвирлари сақланиб қолган.

Бу даврда Мисрнинг асосий меҳнаткаш оммаси қадимги қишлоқ жамоаларидаги эркин деҳқонлардан иборат бўлган. Бирок жамоалар ичида ҳам ижтимоий табақаланиш юз берган. Экономика ривожланган сари қулчилик ҳам кучайиб борган. Бу замондаги ёзувлар кадимги қулчилик формаларининг мавжудлигини кўрсатади. Қуллар ва камбағаллар кенг суғориш шохобчаларининг ҳамма участкаларида ишлашга мажбур бўлганлар, чунки ернинг хосилдорлигини шу суғориш шохобчалари таъмин этган ва бу шохобчалар давлат ҳокимияти марказий аппаратининг назорати остида бўлган. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ғоят буюк иншоотлар, сунъий куллар, сув омборлари, канал ва дамбалар, шунингдек синфий тузумнинг мустаҳкамлигидан ҳамда дин ва коҳинлар илоҳийлаштирган подшо ҳокимиятининг қудратидан гўё далак берувчи буюк ибодатхоналар ва подшо мақбаралари куллар ва камбағалларнинг оғир меҳнати билан қурилган. Грек тарихчиси Геродотдан сақланиб қолган тарихий традиция подшоларнинг хашаматли мақбараларини, пирамидаларини «халқ курган» деб талқин қилади ва бу билан шу қурилишлар «умум халқ» ёки, тўғрироғи, умумдавлат аҳамиятига эга, деб уктиради.

Подшо ва ибодатхоналарнинг катта мулкларида, шунингдек катта кулдор-аристократларнинг, асосан амалдорларнинг хўжаликларида куллар ишлаган.

Қулдорлик хўжалигининг ривожланиши, чет элдан келтириладиган хом ашёга ва кулларга бўлган эҳтиёжнинг ҳамиша ўсиб бориши ҳамда ташқи савдонинг кенгайиши босқинчилик сиёсатининг кучайишига олиб келган. Мисрнинг III ва IV ди-

настия фиръавнлари қўшни мамлакатларнинг табиий бойликларидан ва аҳолисининг кучидан фойдаланиш мақсадида, бу мамлакатларда Миср ҳукмронлигини қурол кучи билан мустаҳкамлаш учун савдо экспедициялари кетидан ўз қўшинларини юборганлар. Аммо бу ҳарбий юришлар баъзан тўғридан-тўғри талончилик, у ерда бойликлар, чорва моллари ва қуллар босиб олиш мақсадида қилинган. Дастлабки икки династия фиръавнлари замонида сал-нал бошланган боскинчилик сиёсати Қадимги Подшоликнинг кейинги даврида ўтган фиръавнлар замонида аниқ бир тусга кириб, янада ривожлантирилган. Худди шу фиръавнлар даврида Миср қудратли марказлашган давлатга айланган. III династиянинг биринчи фиръавни Жосер ўз подшолиги давомида Мисрнинг шимоли-шарқий ва жанубий чегараларида уруш олиб борган. Синай ярим оролидаги қадимги мис конлари яқинида Жосернинг бу ерда яшаган қабилалар устидан қилган галабасини ҳикоя қилувчи барельефлар сақланиб қолган. Подшо одатдаги зафар тантанаси манзарасида тасвирланган. Бу тасвирда Жосер енгилган душман бошига чўқмори билан урмоқда. Ёзувларга қараганда, бу экспедициои отрядга катта-катта амалдорлар, шу жумладан, «подшо экспедицияси жангчиларининг бошлиги, Нетанх деган чўл областининг ва осиёликлар қарамогида бўлган Хепининг бошлиғи раҳбарлик қилган». Бу экспедиция Синайга мис конлари районини босиб олиш мақсадида юборилган. Бирмунча кейинги даврга оид бўлган бир ривоятда Жосернинг биринчи остона юқорисидаги катта ер участкасини Элефантинадаги худо Хнум ибодатхонасига ҳадя қилганлиги ҳикоя қилинади. Эҳтимол бу даврда Нубиянинг шу қисми Миср аскарлари томонидан босиб олинган бўлса керак. Бироқ Нубия қабилалари ҳали тамомила бўйсундирилмаган эди. Шунинг учун ҳам Жосер Мисрнинг жанубий областларини мудофаа қилиш учун Ассуандан тортиб то Филагача девор қуришга мажбур бўлган.

Фиръавн Снофру ҳам зўр ғайрат билан ҳарбий сиёсат олиб борган. Снофру подшолик қилган даврда Синай ярим оролидаги мис конлари райони тамоман Миср қўлига киритилган. Снофрунинг бу мис конлари районидаги галабаси Води-Магхарадаги қояларда сақланиб қолган барельефларда абадийлаштирилган. Ғолибнинг тантанали қиёфасида тасвирланган подшо бундаги ёзувда «чет мамлакатларни ўзига бўйсундирувчи» деб аталган. Фиръавн Снофрунинг ғалабалари ва Синай ярим оролининг муҳим области бўлган мис конларининг Мисрга батамом қўшиб олиниши Миср учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан шу қадар катта аҳамиятга эга бўлганки, бу воқеалар ҳақидаги хотиралар минг йиллар давомида Миср

халқининг ёдида сақланиб қолган. Кейинчалик Снофру бутун бу областнинг истилочиси ва бу ердаги мис конларининг асосчиси деб ҳисобланган. Бу ерда ҳокимлик қилувчи, амалдор, бу ерда ҳеч ким Снофрудек бундай катта иш қилган эмас, дейишни ўзига катта шараф деб билган Снофру жанубга ҳам лашкар тортиб борган. Снофрунинг бу ҳарбий юришлари шу қадар катта аҳамиятга эга бўлганки, улар ҳатто Палермо тошидаги давлат йилномасида ҳам тилга олинади. Бу йилномада мисрликларнинг нубияликлар мамлакатини вайрон қилганликлари ҳамда 7 минг асир ва 200 минг қорамол, қўй-эчки олиб кетганликлари айтилади. Шу йилномада айтилишича, Снофру Шимол ва Жанубдаги мунаффақиятларини мустаҳкамлаш учун «мамлакатнинг Снофру уйи» (номли) Жанубий ва Шимолий деворларини қурдирган. Бу «деворлар» Миср давлатининг жанубий ва шимолий чегараларини қуриқлаб туриши лозим бўлган катта мудофаа иншоотлари бўлган бўлиши мумкин. Бу деворларга дабдабали ном берилган, улар Синай ярим оролининг истилочиси фиръавн Снофру номи билан аталган. Мисрнинг шимоли-шарқий чегарасининг мустаҳкамланиши натижасида мисрликлар Фаластин орқали Финикия ва Сурияга ўтадиган жуда муҳим савдо йўлига ҳукмрон бўлишлари лозим бўлган бўлса керак. Ўша Палермо йилномасида яна «аш дарахтн ортилган 40 кема» олиб борилганлиги айтилади; «аш дарахти» Киликия қарағайи бўлиб, у Ливан тоғларида жуда кўп ўсган ва мисрликларда бу дарахт бебаҳо дарахт ҳисобланган. Синай ярим оролини тамомила босиб олиш мақсадидаги бу урушлар кейинги фиръавнлар даврида ҳам давом этган. Води-Мағхара яқинидаги қояларда IV династия фиръавни Хуфунинг ғалаба рельефи сақланиб қолган. Қуйидаги қисқа ёзув бунинг сиёсий маъносини аниқ ифодалаб беради: «Хнум-Хуфу, улуғ худо, иунтиуни (маҳаллий синай қабиласи — *В. А.*) ҳалокатга учраган. Ҳар қандай ҳомийлик ва ҳаёт унинг йўлдошидир».

Синай ва Нубияга бўлган бу ҳарбий юришлар вақтида Миср фиръавнлари жуда кўп асирлар олиб, уларни Мисрга ҳайдаб келтирар эдилар. Ёзувларда бу асирлар баъзан «тирик асирлар» деб аталади. Мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши туфайли бўлса керак, бу даврда асирларни энди илгаригидек ўлдирмаганлар, балки уларни қул қилиб Мисрга олиб кетганлар. Бу «тирик асирларнинг» чорва моллари билан бир қаторда тилга олиниши бу даврда асирларга фақат иш кучи деб қаралганлигини кўрсатади. Қул деган маънони билдириш учун «жет» (гавда) сўзи ишлатилганлиги ҳам шуни кўрсатади.

Бу замондаги Миср ҳукуматининг фаолияти асосан қўшни областларни истило қилиш ва давлатни ички томондан мустаҳкамлашдан иборат бўлган. III ва IV династия фиръавнлари томонидан қурилган пирамидалар бу сиёсатнинг ва, шу билан бирга, бу марказлашган деспотик давлатнинг ҳийла зўр қудратининг ташқи ифодасидир. Катта-катта харсанг тош плиталардан қилинган ҳашаматли подшо мақбаралари юз минглаб кишиларнинг марказий ҳокимият буйруги билан узоқ вақтлар давомида подшо учун жуда катта мақбаралар қуриб унумсиз меҳнат қилишга мажбур бўлганликларидан гувоҳлик беради. Ҳашаматли пирамида шаклида ишланган бу иншоотлар Мисрнинг қадимги пойтахти Мемфис ҳамда ҳозирги Қоҳира яқинидаги Саккара ва Гизада ҳозирги вақтда ҳам мағрурона қад кўтариб турибди. Бу катта-катта пирамида шаклидаги мақбаралар подшо қўлидаги ҳокимиятнинг нақадар зўр экаплигини бутун халқ олдида яққол намойиш қилиш мақсадида қурилган. Подшонинг чекланмаган ҳокимиятига асосланган қадимги Миср деспотияси худди ана шу даврда ташкил топгандир.

Подшо мақбарасининг ўзига хос, худди пирамидасимон шаклини Миср меъморлари дарҳол топган эмаслар. Саккарада Жосер қурдирган бу типдаги биринчи мақбара погонапогона қилиб устма-уст ўрнатилган олти қаватдан иборат. Баландлиги 60 метр бўлган бу «зинапоясимон» пирамида бизга маълум бўлган энг қадимги, тошдан ясалган буюк иншоотлардан биридир. Бу мақбара атрофида ўтказилган қазишлар натижасида бу ердан бутун бошли мураккаб архитектура ансамбли топилди. Бу иморатлар группаси подшо пирамидаси ва бутхоначасидан, подшо юбилейларига бағишланган катта ибодатхона устунлари тизмасидан, бу ибодатхона ёнига солиниган кичик ибодатхонача, мақбаралар ва подшо қизларининг бутхоначаларидан иборатдир. Новсимон ва даста-даста поячаларни эслатадиган ўймалар билан безатилган гоят гўзал устунлар жуда ҳам ажойибдир. Традицияда бу даврнинг ажойиб меъмори, олий амалдор Имхотепнинг номи сақланиб қолган. Имхотепни кейинчалик ҳакимлик худосининг афсонавий образига айлантириб, уни хаттотлар ёзув ва билимлар пирп деб ҳисоблаганлар. Қадимги замоннинг бу машҳур донишманди, вазир Имхотепнинг номи фиръавн Жосер ҳайкали харобалари ичидан топилган ёзувларда сақланиб қолган.

Подшоларнинг иккита ҳашаматли мақбараси фиръавн Снофрунинг подшолик қилган замонида қурилган. Снофру ўзига пирамидасимон икки мақбара қурдирган бўлса керак; буларнинг бири Медумда, иккинчиси эса фиръавн руҳини йўқлаш маросими ўтказиладиган Дахшурдадир. Яқинда син-



Саккарада Жосернинг зинапоясимон пирамидаси ёнидаги архитектура комплексининг колонналар қатори

чиклаб ковланган Медум пирамидаси етти қаватли иморат сифатида қурилган бўлиб, кейин бу иморат устига яна саккизинчи қават ҳам қурилгандир. Худди табиий қояга ўхшаб турган бу мақбарага кейинчалик жуда усталик билан пирамида туси берилган. Қоянинг энг пастки қисмида бир замонлар подшонинг мумиёси сақланган кичкина ҳужра бор. Дахшурдаги иккинчи подшонинг мақбараси тўғри геометрик пирамида шаклида қурилган. Баландлиги 99 метр келадиган ҳамда



Гизадаги сфинкс.

Кадимги Подшолик.



Гизадаги фиръавн Хафра пирамидаси

Қадимги Подшолик. IV династия.

ёнида мақбара ибодатхонаси бўлиб, атрофи тош девор билан ўралган ва тош терилган йуллари бўлган бу мақбара Миср подшосининг қудратидан гувоҳлик берувчи ажойиб манзара ҳосил қилиши лозим бўлган.

Бутун бир қоядан тарашлаб ясалган буюк сфинкс ёнида Гизадаги чўл ичида ҳозирги вақтда ҳам магрурона қад кўтариб турган Хуфу пирамидаси ҳамма подшоларнинг буюк пирамидалари орасида энг каттаси ҳисобланади. 52 900 кв. метр жойни эгаллаган бу пирамиданинг баландлиги қадимги вақтда 146 метр бўлиб, пирамида асосининг ҳар бир томонининг узунлиги 230 метр келади. Грек тарихчиси Геродотнинг маълумотига қараганда, Хуфу (грекчасига — Хеопса) пирамидаси 20 йил давомида қурилган. Пирамида ичида ҳар жойҳар жойга урнатилган учта камера бор, бу камераларни жойлаштиришнинг мураккаб плани пирамиданинг узоқ вақт давомида қурилганлиги ва қурилиш плани янги жараёнида бир неча марта ўзгартирилганлиги ҳақидаги фаразни тасдиқлайди. Фиръавн Хафра пирамидаси ҳам Гизада қурилган бўлиб, у Хуфу пирамидасидан 8 метр пастроқдир, лекин Хафра пирамидаси хийла яхши сақланган. Пирамида қопламасидан сақланиб қолган қисми у замонда тоштарошлик техникасининг юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Гизадаги

учинчи пирамида фиръавн Менкавра томонидан қурилган бўлиб, бу пирамида бошқаларига нисбатан хийла кичик ва баландлиги атиги 66 метр келади. Менкавра подшолик қилган замонда IV династия фиръавнларининг моддий ресурслари ва ҳокимият кучи тушкунликка учраб бошлаган бўлса керак. Гизадаги бу уч пирамида подшо қариндошлари, каттакатта мансабдорлар ва амалдорларнинг жуда кўп мақбаралари билан уралган. Бу жуда катта «ўликлар шаҳри» ҳозирги вақтда синчиклаб кавланган бўлиб, ундан топилган нарсалар бу даврнинг моддий маданияти, санъати ва тарихининг ёрқин манзарасини очиб беради.

V ва VI династиялар (эр. ав. 2700—2400 йиллар)

Грек тарихчилари Геродот ва Диодор IV династия фиръавнларининг халқни ҳашаматли подшо мақбаралари — пирамидалари қурилишида тер тукиб ишлашга мажбур этиб, қаттиқ азоб-укубатга солганликлари ҳақидаги кейинроқ пайдо бўлган ривоятларни ҳикоя қиладилар. Диодор ҳатто халқнинг қўзғолон кўтарганлиги ва подшоларнинг жасадларини пирамидалардан улоқтириб ташлаганлигини айтади. Эрамиздан аввалги XVII асрга мансуб Миср эртагида (бу эртакининг тексти Весткар папирусида ёзилган) V династиянинг дастлабки уч фиръавни қуёш худоси Ра билан унинг коҳинининг хотини ўртасидаги махфий никоҳ натижасида муъжизона тугилганликлари ва, шундай қилиб, бу фиръавнларнинг бош қуёш худосининг бевосита авлоди сифатида ҳеч сўзсиз подшолик тахтига ўтириш ҳуқуқига эга бўлганликлари гапирилади. Ана шундай пирамидалар қурилиши даврида эркин омма ва қуллар оммасининг қаттиқ эксплуатация қилиниши ва шу эксплуатация натижасида халқ қўзғолони кўтарилганлиги ҳақидаги хотира кейинги вақтларга оид ҳикояларда сақланиб қолган бўлса ажаб эмас. Худо Ранинг коҳинлари халқнинг шу қўзғолонидан ўз манфаатлари учун фойдаланиб, подшолик тахтига ўз одамларини ўтказган бўлсалар ҳам эҳтимол; бунинг бадалига коҳинларнинг бу намоядаси Ра эътиқодини давлат дини деб эълон қилган. Кейинчалик янги, V династия фиръавнларининг подшолик тахтига бўлган ҳуқуқини асословчи афсона пайдо бўлган. Бу афсона ҳам, бу даврга оид ёзувларнинг асл нусхаси ҳам IV династия даврида қуёш худоси Ра эътиқодининг кучая бошлаганини кўрсатади. V династиянинг дастлабки подшолари даврида худо Ра Мисрнинг бош давлат худосига айлантирилган. IV—V династия фиръавнларининг номлари жумласига худо Ранинг номи ҳам кирган. Бу подшолар ўзларига «Ра ўғли» (ёки «қуёш ўғли») деган янги унвон олганлар. Бу унвон ана шу вақтдан бошлаб Миср фиръ-

авнларининг асосий унвонларидан бири бўлиб қолган. Миср пойтахти Мемфис яқинида V династия фиръавнлари томонидан қурилган ҳашаматли ибодатхоналарининг харобалари бу даврдаги подшолар вақтида Ра эътиқодининг айниқса кучайганлигини кўрсатади.

V династия замонидаги ёзувлар ва ҳайкаллар Мисрнинг истилочилик сиёсати янада кенгайганлигидан дарак беради. V династия фиръавнларининг фикрича, улар фақат мисрликлар устидангина эмас, ливияликлар, нубияликлар ва осиёликлар устидан ҳам ҳукмронлик қилиш учун яратилганлар. Шу вақтлардан бошлаб подшони сфинкс сифатида, яъни Мисрга душман бўлган чет эл қабилаларини ўз панжалари остига олиб босиб, эзиб турган одам бошли шер шаклида тасвирлайдиган бўлганлар. V династия фиръавни Сахура Синай ярим оролини тамомила босиб олиш мақсадини кўзлаган, ўзидан олдинги бошқа подшоларнинг истилочилик сиёсатини давом эттирган. Води-Магхара қояларида Синайнинг босиб олинган областларига «йўл очиб турувчи» худо Упуватнинг муқаддас символи олдида Сахуранинг босиб тургани тасвирланган рельефлар сақланган. Худди шу рельефдаги ёзувда подшо «чет мамлакатларни ўзига бўйсундирувчи, Ментудаги чет мамлакатларни тор-мор келтирувчи» деб аталади. Бундан ташкари, фиръавн Сахура ливияликлар билан ҳам катта уруш олиб борган. Биз бу урушни Сахуранинг мақбара ибодатхонасида сақланиб қолган рельефларидан биламиз. Бу рельефларда ливияликларнинг асир тушган бошлиқлари ҳамда Ливияда қўлга туширилган асирларнинг сонини «ёзиб турган» тарих маъбудаси тасвирланган. Ғарб маъбудаси Аментит техепу (ливияликлар) устидан ҳукмронлик қилишни подшога топшириб тургани кўрсатилган. Худди ана шу ерда ливиялик асирлар, шунингдек ҳўкиз, эчки, қўй ва эшак подалари тасвирланган. Сахура подшолик қилган даврда у Осиёга ҳам жуда катта лашкар тортиб борган бўлса ажаб эмас.

Мисрликлар Фаластинда ва Сурияннинг ўзларига қўшни областларида кучманчиларгагина эмас, балки ўтроқ қабилаларга ҳам дуч келиб, бу кабилалар мисрликларнинг мамлакат ичига кириб боришларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Фаюмга якин Гераклеополь номархи Инти мақбарасининг деворида Миср қўшинларининг Осиёдаги бир қалъани камал қилиб тургани тасвирланган. Қалъа деворлари ёнида ойболта билан қуролланган Миср аскарлари ва жанг гурзилари билан қуролланган осиёлик жангчиларнинг юзма-юз олишиб тургани кўрсатилган. Қуйида Миср жангчилари олиб кетаётган осиёлик асир аскарлар тасвир этилган. V династиянинг сўнгги фиръавнларидан бири Исеси яшил тош (мала-

хит) олиб келиш учун Синай ярим оролига экспедиция юборган. Бу экспедицияни ҳарбий отрядлар ва ҳарбий кемалар кузатиб борган. Ўша фиръавн вақтида тош олиб келгани Хаммамат тош конларига алоҳида экспедиция юборилган. Бу экспедицияга «худо хазиначиси» деган унвонли жуда катта амалдор бошчилик килган. V династиянинг энг кейинги фиръавни Уиис мамлакатнинг жанубида Миср таъсирини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Нилнинг биринчи остоналари районида Уиснинг номи ёзилган ёзув топилган, бу ёзувда у «мамлакатлар султони» деб аталган. Уиис Фаластинга ёки ёндош областларга лашкар тортиб борган булса ажаб эмас. Яқинда унинг пирамидаси атрофида утказилган казишларда бадавийлар билан булган жанглар, осиёлик асир жангчилар ўтирган қаниқлар, тоштарошлик ва олтин қазиб чиқариш ҳамда очликдан тинкаси қуриган мисрликлар тасвир этилган бўртма суратлар топилди. Бу тасвирлар Миср фиръавнларининг ҳарбий, босқинчилик сиёсатн юргизганликларини жуда равшан кўрсатиб туради. Уларнинг бу сиёсатлари эса меҳнаткашлар оммасининг гарданига жуда огир юк бўлиб тушган.

Талончилик ва қўшни халкларни асоратга солишдан иборат бўлган бу ҳарбий сиёсатни VI династия фиръавнлари ҳам давом эттирганлар. Пепи I Синай ярим оролида уруш олиб борган; биз буни унинг тантанасини тасвирлаган сурат ва Синайга юборилган ҳарбий экспедиция ҳақида ҳикоя қилувчи Води-Маҳарадаги зафар ёзувидан кўрамиз. Пепи I Нубиянинг то иккинчи остонагача бўлган ерларига кириб борган. Бу даврда Шимолий Нубия тамомила буйсундирилган бўлган, ҳатто фиръавн Меренро шаҳсан ўзи бу ерга келиб, фиръавнга садоқатларини изҳор этган мажай, ват ва иертет кабилаларининг бошлиқларини бемалол қабул қилган. Элефантина ҳокими ва жануб бошлиғи бўлган Хирхуф Нубиянинг турли областларига бир қанча катта савдо ва ҳарбий экспедициялар уюштирган. Хирхуфнинг таржимаи ҳолига доир ёзувлар бизнинг замонимизгача сақланиб қолган. Унинг таржимаи ҳолидаги ёзувда кўрсатилишича, Хирхуф Нубиянинг кам маълум бўлган турли йўллари ва районларини синчиклаб текширган, Нубиядан жуда кўп хар хил товарлар келтирадиган бўлган, исёнчи ва урушқоқ Нубия қабилаларини кўпинча тинчлантиришга муваффақ бўлган. Фиръавн Пепи II подшолик қилган даврда ҳам Нубияга ҳарбий юришлар қилиниб турган. Элефантина ҳокими ва чет мамлакатлар бошлиғи Пепинахт ўз ёзувида Нубия кабилаларига қарши килинган катта ҳарбий ҳаракатлар ҳақида хабар беради. Пепинахт Нубияга икки марта лашкар тортиб борган ва натижада Ват ва Иертет мамлакатларини вайрон

қилган ҳамда ундан асирлар ва ўлжа қилиб чорна моллари олиб келган. Катта амалдорлардан «жануб бошлиғи» Себнининг ёзуви ҳам гоят муҳимдир. Бу ёзувда яқиндагина забт этилган жанубий ўлка, олтинга бой Нубияга юборилган ҳарбий жазо экспедицияси тасвирланган.

VI династия фиръавнлари замонида яшаган Уна деган бир амалдорнинг таржимаи ҳолига доир ёзувда катта ҳарбий юриш айниқса муфассал тасвирланган. Бу ҳарбий юриш, афтидан, Синай ярим ороли территориясида яшаган чўлдаги кўчманчи қабилаларга қарши қаратилган. Бу чўлдаги қабилалар «хериу-ша» деган образли ном билан аталганлар, бунинг маъноси «кумда турувчилар» демакдир. Уна ёзувида Миср қўшинларининг ғалабаси ҳақида, бу ғалабали юриш натижасида мисрликларнинг анча нарироққа, яъни Фаластининг серҳосил областларига кириб борилганлиги ва жуда кўп асир қўлга туширилганлиги ҳақида гапирилади. Бу ҳарбий юриш тўғрисида Уна ёзувида сақланиб қолган тасвир тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Бу ёзувда ҳарбий ишнинг жуда ҳам ибтидоий тарзда ташкил қилинганлиги, лашкарларнинг бутун мамлакатдан тўпланганлиги ва урушнинг энг талончилик уруши эканлиги, у урушдан мақсад душман мамлакатни хонавайрон қилиш, унинг қалъаларини бузиб вайрон қилиб ташлаш, хурмо дарахтлари ва узумзорларини ер билан яксон қилиш, шунингдек асирлар олиб, уларни қул қилишдан иборат бўлганлиги тасвир этилади. Қадимги Миср тарихига доир бу фактлар уруғчилик тузуми емирилаётган ва энг қадимги синфий жамият тузилаётган даврдаги урушларнинг босқинчилик характерини жонли равишда белгилаб берган Энгельснинг қуйидаги сўзлари жуда яхши ойдинлаштириб беради:

«Илгариги вақтларда фақат ҳужум қилганлардан ўч олиш ёки торлик қилиб қолган территорияни кенгайтириш учун уруш олиб борар эдилар, аммо энди фақат талончилик қилиш учун урушадиган бўлдилар, уруш доимий касбга айланди. Мустаҳкам қилиб солинган янги шаҳарларнинг баланд-баланд деворлар билан иҳота қилинганлиги бежиз эмас: уларнинг хандақлари уруғдошлик тузумининг гуридир, миноралари эса энди цивилизацияга бориб тақаладн»[1].

Давлат ҳокимиятининг ташкил топиши

Ҳарбий босқинчилик сиёсати қулдорлар аристократиясининг бойишига ва мустаҳкамланишига ёрдам берган. Аммо зодагонларнинг бойиши натижасида ижтимоий зиддиятлар яна ҳам кучайиб кетган. Бниобарин, қулдорлар-

[1] *Ф. Энгельс*, Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, 1952, 187-бет.

га камбағал ва қулларни бемалол эксплуатация қилиш имкониятини бериш учун ўзига хос қадимги Шарқ деспотияси тарзида мустаҳкам давлат аппарати қатъий равишда ташкил қилинган. Бу деспотиянинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, идора ишлари марказлаштирилган, аристократ амалдорлар кўпайтирилган, подшони ва унинг ҳокимиятини илоҳийлаштириш ҳақидаги пухта ишланган идеология ёрдами билан фиръавннинг обрўси мустаҳкамланган.

Давлат ҳоким синф бўлган қулдорлар синфининг манфаатларини муҳофаза қилишни ўзининг асосий вазифаси қилиб қўйган. Бу нарса ўша замондаги ҳамма ёзувлардан ва тасвирлардан кўриниб туради. Катта мансабдорлар ва амалдорларнинг ҳамма таржимаи ҳолларида подшонинг сахийлик билан уларга ҳадялар берганлиги ҳақидаги маълумотлар кўзга ташланиб туради. Масалан, Пташепсес ёки Уна каби аристократлар ўзларининг подшо болалари билан бирга подшо саройида тарбияланганликлари, подшо уларни ўз қизларига уйлантириб қўйганлиги ҳамда подшонинг улар учун ўз маблағидан катта ва дабдабали мақбаралар қурдирганлиги ҳақида ёзадилар. Катта амалдорлар ўз ёзувларида саройдаги олий мансабларга ва подшонинг доимий илтифотига қандай эришганликлари ҳақида хабар берадилар. Ҳокимиятнинг энг қадимги органлари: жамоат ишлари маҳкамаси, энг қадимги суд, солиқ ва ҳарбий маҳкамалар шу даврда ташкил бўлган.

Давлат ҳокимияти номарх (область ҳокими) ва амалдорлар орқали деҳқончилик хўжалигини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган суғориш системасининг тузук ишлаб туриши ҳақида ғамхўрлик қилган. Бу даврга оид хужжатлар солиқ маҳкамасининг фаолиятини кўрсатади. Маълумки, биринчи династия замонидаёқ мамлакатда бўлган ерларни, чорва молларини, одамларни ва олтинни вақт-вақти билан ҳисобга олиб турганлар. Афтидан, ҳисобот якунлари солиқ солиш бирлигини белгилаб берган. Ана шу статистик маълумотларга қараб солиқлар белгиланган ва бу солиқлар солиқ амалдорлари ва хазиначиларнинг бутун бошли аппарати ёрдами билан мунтазам равишда аҳолидан ундириб олинган ва подшо хазинасига тўпланган.

Молия-солиқ маҳкамаси билан бирга, суд ҳам ташкил топган. Маҳалларда қадимги жамоа судлари бўлган, аммо бу судларни подшо судлари, подшо судьялари тобора сиқиб чиқарган. Подшо судьялари вазифасини ҳам кўпинча маҳаллий ҳоким — номархлар бажарган ва шунга биноан бу ҳоким «ҳаққоният маъбудасининг коҳини» деган унвон олган. «Олтита улуг уй» номи билан юритиладиган олий суд пойтахтда

жойлашган. Олий суд ҳокимияти олий судья қўлида бўлган. Олий судья айни вақтда подшонинг олий амалдори ва бутун мамлакатни идора қилишда биринчи ердамчиси ҳам бўлган. Суд жиноятчига одатда жисмоний жазо берган. Айбдорларни калтаклаганлар. Буни ўша замондаги мақбараларнинг деворларида сақланиб қолган тасвирлар ва ёзувлар кўрсатиб туради. Ҳар бир мисрлик умрида бирон марта ҳам мансабдор шахс олдида калтак емаганлигини ўз қабртошидаги ёзувда айтишни катта шараф деб билган.

Ўша вақтдаёқ суд ишларининг маълум формалари бўлган. Бу вақтда одат ҳуқуқининг қадимги қолуп-қоидаларидан ташқари, маълум даражада системага солинган юридик кодекслар ҳам бўлган бўлса ажаб эмас. Суд қилишнинг энг олий ҳуқуқи фиръавн қўлида бўлган; фиръавн кутилмаган жиддий ҳодиса юз бериб қолганида, давлат аҳамиятига эга бўлган жиноятлар, шу жумладан подшонинг «муқаддас» шахсига қарши қаратилган фитналар билан боғлиқ бўлган махфий масалаларни ечиш учун энг ишончли одамлардан махсус судьялар тайинлаган. Чунончи, VI династия замонидаги катта мансабдорлардан Уна ёзувида, «подшо Имтеснинг рафиқаси ҳақидаги подшо ҳарамида тамомила махфий равишда» эшитилган масалани текшириш учун фиръавнининг Унани тайинлагани кўрсатилади.

Қадимги Подшолик замонидаги ёзувлар махсус ҳарбий маҳкаманинг тузилиши ва фаолиятининг характерли хусусиятларини тасаввур қилишга имкон беради. Афтидан, қадимги замонлардаёқ «нефру» деб аталадиган (янги олинган аскарлардан тузилган) армия мавжуд бўлган. Бу армиянинг жангчиларига махсус ҳарбий таълим берилган ва улар Миср ҳарбий кучларининг асосий ядросини ташкил қилган. Ҳарбий мансабларнинг номлари ва ҳарбий командирларнинг унвонлари сақланиб қолган; бу командирлар тепасида «қўшин бошлиги» турган. Мамлакатнинг бутун ҳарбий кучларига қўмондонлик қилган бу катта мансабдор кўпинча подшо оиласига қарашли кишилардан бўлган; масалан, III династия замонида бу вазифани шаҳзода Рохотеп ёки IV династия замонида эса Мариб эгаллаган. Қадимги Подшолик учун жуда характерли бўлган нарса, яъни бутун давлат идора ишларининг марказлаштирилиши натижасида энг олий гражданлик ва ҳарбий мансабларни подшонинг қариндош уруғи орасидан чиққан зодагонлар ўз қўлларида бирлаштирганлар. Масалан, V династия замонидаги катта амалдор Хаем Тенент «подшонинг ҳамма маҳкамалар бошлиғи, жангчилар бошлиғи, отрядлар бошлиғи, катта кемалардан иборат иккита ҳарбий флот бошлиғи ва ҳарбий таълим бошлиги вазифала-

рини эгаллаган. Бош кўмондонлар олий давлат совети составига аъзо бўлиб кирганлар, бу эса ҳарбий ва гражданлик ҳокимиятининг махкам алоқасини таъмин этган. V династия фиръавнлари замонида Мисрнинг харбий сиёсати кенгайтирилган даврда армия ва ҳарбий маҳкамалар тепасида турган олий мансабдорлар олий гражданлик ҳокимиятидан тамомила мустақил иш кўрганлар ва бевосита подшога бўйсунганлар. Армияни куроллантириш ҳақидаги ғамхўрлик ҳамда умуман бутун ҳарбий-хўжалик ишларини идора қилиш ўша замонларда «қурол уйи» деб аталган ҳарбий махкама қўлида бўлган. «Қурол уйининг бошлиғи» деган юқори мансабни олий зодагонларнинг юқори табақасидан бўлган кишилар, айрим ҳолларда эса ҳатто шаҳзодалар, масалан, подшо Снофру ўғли Каен-Нисут эгаллаган. Ҳарбий ишнинг тузилиши ана шу кадимги даврга нисбатан анча юксак даражада бўлса ҳам, харбий иш ва армиянинг уюшқоқлигига ортиқча баҳо бериш ярамайди. Бу давр армияси ҳар ҳолда тартибсиз ва ибтидоий халқ лашкарлари характерига эга бўлиб, унда қўмондонлик мансабларини ҳарбий мутахассислар эмас, балки оддий амалдорлар эгаллаган.

Барча амалдорлар тепасида, давлатнинг бутун бюрократик идораси тепасида олий амалдор, мамлакатни идора қилишда подшонинг биринчи ёрдамчиси турган; олий маъмурий, ҳарбий ҳокимият ва суд ўша олий амалдор қўлида бўлган. Миср давлати барпо бўлган вақтдан бошлаб давлатдаги бу энг олий амални одатда подшонинг ўғли эгаллаб келган. IV династия фиръавнлари подшолик қилган замонда олий амалдор вазифаси доимо деярли шаҳзода қўлида бўлиб келган, бу эса қадимги Мисрнинг марказлаштирилган деспотиясини кучайтиришга ёрдам бергани шубҳасиздир.

Подшони илоҳийлаштириш идеологияси

Бу даврда подшонинг чексиз ҳокимиятига асосланган қадимги Миср деспотияси ташкил топган. Бу деспотия подшонинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот негизига қурилган бутун бир диний эътиқодлар системаси ёрдами билан мустаҳкамланган ва шу билан асослаб берилган. Подшонинг ҳаёт вақтида худога сиғингандек унга сиғинганлар, подшо ўлганидан кейин эса уни ер худоси сифатида, осмон худоларининг меросхўри сифатида тошдан қурилган ғоят катта мақбарага кўмганлар.

V ва VI династия подшолари пирамидаларининг дафнхона деворларида тизилган ёзувлар подшони илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлган диний эътиқодларни айниқса ёрқин тасвирлаб беради. «Пирамидалар тексти» деб аталган бу ёзувлар ўша замондаги диний эътиқодларнинг бутун системасини ба-

тафсил кўрсатиб беради. Подшо бу ёзувларда тангри сифатида тасвирланган. Бир ёзувда бундай дейилган: «Эй Пепи, сен Озирис образидаги худо каби унинг тахтида ўтирибсан». Ўлган подшонинг осмонда худолар орасида пайдо бўлиши текстларда янги худонинг пайдо бўлиши деб тасвирланган.

Подшо ҳокимиятини илоҳийлаштириш идеологияси бир қатор тантанали маросимлар, урф-одатлар ва байрамлар воситаси билан режали, ташкилий равишда амалга оширилган. Саккарада Жосернинг зинапоясимон пирамидаси атрофида ўтказилган қазишлар натижасида бир қанча катта ва кичик ибодатхона ва бутхоналардан иборат катта архитектура комплекси топилди. Одатда бу ибодатхоналар ва бутхоначаларда илоҳийлаштирилган марҳум подшо руҳини юклаш маросимлари ўтказилган. Подшо ҳаёт вақтида ҳам худо образида тасвирланган. Ибодатхоналарда энг муҳим диний маросимларни ўтказишга, масалан, худога ҳар хил тортиқлар бериш расмини адо этишга фақат подшонинг ўзи ҳақли бўлган, холос. Бу даврдаги афсоналарда подшоларнинг қуёш худоси билан оддий, дунёвий хотин ўртасида бўлган ғайри табиий никоҳ натижасида муъжизавий тугилишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бенуксон ҳомиладорлик ҳақидаги мифнинг энг қадимги прототипи ана шундай вужудга келган; шу билан бирга подшо худонинг тўғридан-тўғри меросхўри ва ўғли сифатида тасвирланган. Подшога «улуғ худо» ва «хушбахт худо» деган дабдабали унвонлар берилган.

Подшо доимо бошқа ҳамма одамлардан кўра улуғ ва баланд қилиб тасвирланган. Худолар қўриқлаб турган қудратли ва ажойиб подшонинг бир қолипда идеаллаштирилган образи вужудга келтирилган. Баъзан подшо тирик табиий мавжудот сифатида — одам бошли жуда катта арслон (сфинкс) сифатида тасвирланган.

Мисрнинг номларга бўлиниб кетиши

Қадимги Подшолик давридан кейин Мисрнинг тушкунлик даври бошланган. Айрим областларда (номларда) мустаҳкамланиб бораётган маҳаллий қулдорлар аристократияси аста-секин кучайиб борган. Номархлар областни идора қилиш ишларининг ҳаммасини ўз қўлларига олиб, бутун маҳаллий молия, суд ишларини ўзлари идора қилганлар, коҳинларга бош бўлганлар, ном қўшинларига қўмондонлик қилганлар. Номархлар подшо ҳокимиятининг василлигидан аста-секин чиқа бошлаганлар. Буларнинг ҳаммаси фиръавн ҳокимиятининг заифланишига ва мамлакатни идора қилишдаги марказлашган системанинг йўкола боришига сабаб бўлган.

Аввалларн номархлар ўз мақбараларини подшо мақбаралари пиноҳига қурган бўлсалар-да, энди VI династия даври-



Саккарадаги фиръавн Унис пирамидасига кириш жойи.
Қадимги Подшолик. V династия.

даги номархлар бундай қилмайдиган бўлганлар, балки ўзлари яшаган, катта-катта вазифаларда ишлаб келган ва бир талай бойлик йиққан ўз областларида қурадиган бўлганлар. Илгарилари область ҳокимлиги маисабига подшо томонидан тайинланган аристократлар эндиликда ўзларини ўз областларида тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис қила бошлаганлар. Бу аристократлар ўзларига «буюк ҳоким» деган дабдабали унвон берганлар, бу эса уларнинг ўзлари яшаб турган ва ҳокимлик қилиб турган областларда уларнинг таъсири ўсиб борганлигидан дарак беради. Жануб номархлари ўзларини жуда ҳам мустақил сеза бошлаганлар; бинобарин, жануб номархлари устидан подшо саройининг доим назорат қилиб туриши учун V династия охирида «Жануб бошлиги» деган мансаб таъсис этилган. Жумладан, VI династиянинг катта мансабдори Уна ҳам шу вазифада бўлган.

Марказнинг кучсизланиш ва маҳаллий қулдорлар аристократиясининг кучайиш процесси пировард натижада Мисрнинг айрим областларга, қадимги номларга бўлиниб кетишига олиб келган, аммо бир вақтлар ягона Миср давлати ана шу номлардан ташкил топгандир.

Энди маҳаллий ҳокимлар ўз ёзувларига подшонинг подшолик қилган йилларини эмас, балки ўзларининг идора қилиш йилларини ёзадиган бўлганлар. Номархлар ўзларини подшо васийлигидан деярли чиққан ҳисоблаб, ўз областларида ўз қўшинларини тузганлар. Аристократиянинг бу хилда кучайиб бориши диний эътиқодларда ҳам ўз ифодасини топган. Ҳокимлар ўзларига махсус диний имтиёзлар, илоҳийлаштирилган подшонинг абадий ҳаёт ҳуқуқига ўхшаш нариги дунёнинг ҳузур-ҳаловатига эга бўлиш ҳуқуқини олганлар. Агар илгарилари номархлар ўзларининг «мақбараларида бўлганликлари» ҳақидагина ёки ўзларининг нариги дунёга унинг «қадрдон йўлдошлари саёҳат қиладиган гарбга, Озирис олдига, илоҳий ер ости мамлакатига ажойиб йўллардан юриб» саёҳат қилганликлари ҳақидагина ёзган бўлсалар, энди VI династия замонларида эса улар ўлганларидан кейин ўзларининг қуёш худосининг «каттакон қайиғида осмонни кесиб ўтишлари» ва «нариги дунё маъбудаси Аментетнинг чўзган икки қўли ёрдами билан осмон ҳукмдори худо Ра олдига кўтарилганликларини» айтадилар. Номархлар ўз областларида мустаҳкам ўрнашиб олиб, ирсий зодагонларга айланиб борганлар. Бу қулдорлар ўз таржимаи ҳолларига доир ёзувларида ўзларини мурувватли ва мукаммал ҳоким қилиб тасвирлайдилар. Масалан, аристократ Нехебу ўзи ҳақида бундай деб ёзган: «Мен камбағалга ва оч қолган одамга доимо кийим-кечак, нон ва пиво бериб келганман. Мен

ҳамманинг муҳаббатига сазовор бўлганман». Бу ҳол Қадимги Подшоликдан Ўрта Подшоликка ўтиш даврида ўзининг энг ёрқин ифодасини топади. Масалан, ана шу вақтларда яшаган сиутлик номарх Теф-иби ўзи ҳақида қуйидагиларни айтган: «Мен жуда яхши ниятда бўлганман, мен ўз шаҳримга кўп фойда келтирганман... бева-бечорага юзим доим очиқ эди... Мен ўз халқимга Нилдек сахий эдим». Теф-иби область ҳокимлари мансабига ўзининг ирсий ҳуқукини таъкидлаб, ўзини фақат «ирсий бек» дебгина кифояланиб қолмайди, балки ҳали «буйи бир тирсак келадиган чақалоқ» фарзандининг ҳокимлик мартабасига эга бўлганлигини ва «амалдорлар унинг (ўглининг) ҳокимияти остида бўлганликлари»ни ҳам айтади. Аристократлар секин-аста ўз ерлари, вазифалари, мансаблари ва унвонларини мерос қилиб ўз болаларига берадиган бўлганлар ва ҳар қайсиси ўз областида мустаҳкам ўрнашиб олган майда подшочага айланиб борган.

Ном зодагонлари билан бирга, ибодатхоналар ҳам бойиб борган. Марказий ҳокимиятдан бир қанча имтиёзлар олган йирик ибодатхона хўжалиги аста-секин ўсиб борган. Бу имтиёзлар ҳадя ёрлиқлари сериясига қайд қилинадиган бўлган. Подшо фармони шаклидаги бу ёрлиқлар ҳар хил ибодатхоналарни ва пирамидалар атрофида жойлашган ҳамда коҳинлар қўл остида бўлган шаҳарларни бир қанча солиқлардан озод қилган. Масалан, фиръавн Снофрунинг бир фармонида бундай дейилган: «Унинг икки пирамидаси жойлашган иккита шаҳар подшо учун қилинадиган ҳамма ишлардан ва саройга тўланадиган ҳамма солиқлардан абадий озод қилинади». Бу шаҳарларнинг аҳолиси шу шаҳарлар орқали ўтиб борувчи подшо чопарларини боқишдан ҳам озод қилинган. Подшо ўзининг ўша фармонида бу шаҳарларда яшовчи аҳолидан ер ҳайдаш, ўрим-терим, ов қилиш ва тоштарошлик ишларидаги мажбурий меҳнатда фойдаланиш ман қилинган. Шу билан бирга, бу аҳолининг ерлари, чорва моллари ва дарахтларига солиқ солиш ҳам ман этилган. Коҳинлар ана шу барча имтиёзлар учун фиръавн Снофру ўлгандан кейин унинг руҳини йўқлаш маросимини ўташлари лозим бўлган. V династия фиръавни Ноферикара ўзининг махсус фармони билан Абидосдаги Хентиаментиу ибодатхонасини ҳамма солиқ ва мажбуриятлардан озод қилган. Бу ибодатхонанинг ер ва чорвасини ҳисобга олиш учун подшо амалдорлари ибодатхона ерларига келганликлари ҳақида VI династия фиръавни Тетига хабар берилганда, подшо ўзининг махсус фармонида бу ибодатхонанинг ерлари ва одамлари ҳамма солиқ ва мажбуриятлардан озод этилганлигини тасдиқлаган. Нихоят, VI династия фиръавни Пепи II Коптосдаги Мин ибодатхонасида ўз ҳай-


кали шарафига эътикод килишни таъсис этган ва бунинг учун ер мулки ҳадя килиб, бу ибодатхонани махсус ҳадя ёрлиги билан подшога бериладиган ҳамма соликлардан озод қилган. Бой коҳинлар мансуб бўлган кулдорлар аристократиясининг кучайиши процесси бу ҳужжатларда равшан акс этади.

VI династия подшоларининг баъзи ибодатхоналарга (йирик ибодатхоналарга бўлса керак) берган ҳадя ёрликлари яна шуни кўрсатадики, бу даврда қулдорлар аристократиясининг юқори табақа намояндалари, номархлар ўз номлари доирасида ибодатхоналарнинг хўжаликларини ўз иктисодий назоратлари остига олганлар. Область ҳокимлари коҳинларга бош бўлган, ибодатхоналарнинг хўжаликларини аслда улар идора қилган ва худди шунинг учун подшонинг ибодатхонага берган ҳадя ёрликлари ўша ҳокимларга берилган ёрликлардир.

Қадимги Подшолик даврининг охирларида марказий ҳокимиятнинг кучсизланиши ва ягона Миср давлатининг емирилиши кескин синфий кураш билан бирга борган. Ана шу ички кураш хотиралари бундан кейинги даврларгача сақланиб қолган. Чунончи, катта амалдорлардан бири, зўрлик ҳукм сурган даҳшатли кунларда ўз шаҳрини қутқариб қолганлиги ҳақида ёзган. Ўша вақтда мамлакатда ҳукм сурган «ғалаён», кўпинча кейинчалик ягона давлатнинг тикланиши муносабати билан ўрнатилган «тартибга» қарама-қарши қилиб қўйилган. Масалан, Сиуталик номарх Хети ўз ёзувида бундай деган: «Хар бир амалдор ўз постида турар эди: биронта ҳам жанг қилган, биронта ҳам камондан ўқ узган кимса бўлмади. Опасининг кўзи олдида болани ва хотинининг олдида оддий кишини ўлдириш ҳам бўлмади. Жиноятчи ҳам... унинг уйига бостириб кирувчи бошқа бирон шундай одам ҳам йўқ эди... Кечаси бўлганда йўлларда бемалол ухлаб кетган одам менга дуо қилар эди, чунки у ўзини уйидагидек ҳис қилар эди: менинг жангчиларим солган даҳшат бу одамнинг қўриқчиси эди».



Фиръавн Сенусерт III нинг кўкракка тақадиган олтин нишони.
Қоҳира музейи.



Металл қуйиш

Рехмир мақбараси деворига солинган расм.

VIII БОБ

ЎРТА ПОДШОЛИК ДАВРИДАГИ МИСР

Мисрнинг алоҳида номларга бўлиниб кетиши Миср давлатининг ҳалок бўлиш хавфини тугдирган. Марказлаштирилган кучли ҳарбий ҳокимиятнинг йўқ бўлиб кетганлиги патижасида истилочилик сиёсати ва ташқи савдо ҳам тўхтаб қолган, аммо қулдорлик хўжалиги бундан бошқа ривожлана олмас эди. Ягона давлат тушкунликка юз тутган шароитда суғориш системаси ҳам секин-аста бузилиб, ишдан чиқа борган, бу ҳол эса қишлоқ хўжалигининг ривожланишига гов бўлиб қолган. Кескинлашиб кетган сиёсий зиддиятлар халқ қўзғолонларига сабаб бўлган. Шунинг учун қулдорлик экономикасининг ривожланиш процесси мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан қайтадан бирлаштирилишини тақозо қилган, шу билан бирга, Мисрнинг кучли вилоятлари ўртасида давлатнинг бирлигини тиклаш учун кураш бошланган. Бунда бирлаштирувчи иккита энг катта марказ сифатида шимолда Гераклеополь, жанубда Фива майдонга чиқади.

Гераклеополь ва Фива ўртасидаги кураш

Бу шаҳарлар географик жиҳатдан қулай ерга жойлашганликлари учун ҳам, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта ўрин тутган. Гераклеополь дельта билан водий ўртасига жойлашган бўлиб, территорияси бутун Фаюм воҳасини ўз ичига олган. Гераклеополь анчагина катта насттекисликдан иборат бўлиб, тупроги унумли ва Нилдан ичадиган суви сероб бўлган. Фаюм воҳасида каттакон кўл бўлиб, катта тошқинлар вақтида унда жуда кўп сув тўпланиб қолади-

ган бўлган. Мана шу шароитлар туфайли бу ердаги аҳолининг бемалол деҳқончилик қилиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, Гераклеополь савдо йўллари туташган ерга жойлашган бўлиб, у савдо йўллари дельтани водий билан ҳамда Мисрни Ғарбдаги воҳалар билан ва Синай ярим ороли билан туташтирган. Шундай қилиб, Гераклеополь номининг ҳокимлари Мисрни ўз қўл остларида бирлаштириш мақсадида кураш бошлаб юбориш учун хамма имкониятларга эга бўлганлар.

Мисрнинг жанубий маркази Фива шаҳри ҳам географик жиҳатдан қулай ерга жойлашган эди. Бу ер ҳам шимолдаги сиғари муҳим савдо йўлларининг туташган жойи бўлган, бу савдо йўллари Фивани Нубиянинг энг муҳим областлари билан бирлаштириб, Нубиядан Фивага дон, мой олтин, фил суяги ва қуллар келтирилиб турган. Фивадан яна бошқа бир муҳим савдо йўли ўтган, бу йўл Мисрни Қизил денгиз қирғоқлари билан боғлаган. Мисрликлар бу ердан Қизил денгиз билан шимолга, мис конларига жуда бой бўлган Синайга ва жанубга, бойликлари билан мисрликларнинг диққатини доим ўзига тортиб келган, олис ва сирли Пунт мамлакатига борганлар. Гераклеополь билан Фива Мисрда устун келиш ва унга ҳукмронлик қилиш учун эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик ўрталарида кураш бошлаб, эртами-кечми ўзаро тўқнашиши муқаррар бир ҳол бўлган.

Дастлаб сиёсий курашни Гераклеополь бошлаб берган. Миср бўлиниб бораётган даврда марказий ҳокимият кучсизланган сари Гераклеополь ҳокимлари кучайиб борган, улар бутун Мисрни ўз таъсирига олишга ва уни ўз қўл остларида бирлаштиришга интилиб келганлар. Хети-Мери-иб-Ра Мисрни қайтадан бирлаштириб, Миср фиръавнларининг Гераклеополь (умумий ҳисобда тўққизинчи) династиясига асос солган. Хети-Мери-иб-Ранинг номи биринчи остона яқинидаги коя тошга ёзилган; афтидан, унинг давлатининг жанубий чегаралари шу ердан ўтган бўлса керак. Хети (Ахтой) Мисрни бирлаштирибгина қолмасдан, балки қадимги Подшолик фиръавнларининг истилочилик сиёсатини тиклашга ҳам уринган. Бироқ Гераклеополь подшоларининг ҳокимияти мустаҳкам бўлмаган. Мамлакат ичида қаттиқ синфий кураш борган. Камбағаллар бойларга қарши бош кўтарган. Иккинчи томондан, номархлар ва ном аристократияси ҳали барча номлар устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринган Гераклеополь подшоларига қаршилик кўрсатиш учун ўзларида етарли куч борлигини ҳис қилганлар. «Гераклеополь подшосининг насиҳатномаси»да (бу «насиҳатнома»нинг тексти Эрмитаждаги 1116—А рақамли папирусда сақланган) бун-


дий дейилади: подшо ўша кимсага қарши, «ўзига қарашли одамлари яхши кўрадиган», уз атрофига «жуда кўп мухлислар тўплаб олган» кишига қарши усталик билан қаттиқ кураш олиб бормоғи керак, чунки «у ўз куллари назарида жуда яхши одамдир». Насиҳатномада айтилишича, айниқса одамнинг «гапга чечани хавфлидир». Шунинг учун насиҳатноманинг автори бундан кейин келадиган подшога: «Уни ҳайдагил, уни ўлдиргил... номини йўқотгил, унинг тарафдорларини қириб ташлагилки, ундан ва уни яхши кўрадиган мухлисларидан ном-нишон хам қолмасин» деб маслахат берган.

Бу йилларда Гераклеополь подшоларига осиёлик кўчманчилар билан ҳам, энг кучли номархлар билан ҳам қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келган. Бу номархлар орасида энг кучлиси Фива вилоятининг ҳокими бўлган. Сиут номархларининг мақбаралари деворларида сақланиб қолган ёзувларда Гераклеополь подшоларининг ҳарбий ва сиёсий фаолиятлари ҳикоя қилинган. Бу ёзувларга қараганда, Гераклеополь подшолари кўп вақт ўзларининг илгариги содиқ иттифоқчиларн бўлган Сиут номархларининг харбий кучига суяниб иш кўргаплар. Бир қанча вақтларгача Гераклеополь билан Фива ўртасидаги курашда гоҳ у тараф, гоҳ бу тараф ютиб келган, лекин пировард натижада галаба Фива қўлида қолган. Кучли Фива ҳокимлари, Нубиянинг моддий боплиги ва одам кучидан фойдаланиб бўлса керак, бутун жанубий Мисрни ўз атрофларига бирлаштиришга муваффақ бўлганлар. Бу курашда Фива подшоси Ментухотеп узил-кесил галаба қозониб, ягона Миср давлатини қайтадан тиклаган. Ментухотеп замонидан қолган бир ёзувда унинг «ҳар икки мамлакатнинг бошлиқларини кишанга солганлиги, жанубий ва шимолий мамлакатни. бировларга қарашли ерларни ва Мисрнинг иккала областини бўйсундиргани» тўгрисида гапирилади. Бу ёзувнинг аҳамиятини бўртма суратлар янада аниқроқ қилиб очиб беради. Бунда подшонинг тўртта душман устидан тантана қилаётган вақти тасвирланган. Рассом нубиялик, осиёлик, ливиялик билан бир қаторда, Ментухотепнинг Гераклеополь устидан қозонган галабасига ишорат қилиб бўлса керак, албатта, подшонинг тўртинчи душмани сифатида мисрликни ҳам тасвир этган.

Хўжалик тараққиёти

Мисрда XI ва XII династия фиръавнлари замонида яна қайтадан қудратли, марказлаштирилган давлат вужудга келган. Бу давлат Шимоли-Шарқий Африкада ҳукмрон бўлишга ва қўшни мамлакатларда ўз таъсирини кучайтиришга интилган. Ўша замондан қолган ёзув ва ёдгорликлар у даврда мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари анча ўсганлигини, ҳу-

жаликнинг турли тармоқлари ҳар томонлама ривожланганлигини кўрсатади. Аграр мамлакат бўлган Мисрда қишлоқ хўжалиги каттагина ўрин тутиб, у даставвал, ишланиладиган ерларнинг кенгайтирилишини ва сугориш системасининг доим яхшилаб турилишини талаб қилган. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти бу соҳада бир қатор тадбирларни амалга ошириши лозим бўлган. Қадимги Подшолик давридаёқ ирригация соҳасида катта ишлар қилинган ва тошқинлар вақтида Нилдан сувнинг кўтарилишини доим кузатиб турилган. Гераклеополь подшолари давлат бирлигини тиклаш учун дастлаб уринган вақтларда сунъий сугориш системасини яхшилаш ва кенгайтириш зарурлиги кўндаланг бўлган. Сиут номида янги канал қазилган; бу канал аҳолини, асосан тошқинлар вақтида ҳам сув чиқмайдиган баландликдаги районларда яшовчи аҳолини сув билан мўл таъмин этиши лозим бўлган. Бироқ бу тадбирларнинг торроқ кўламда ва фақат айрим областлар доирасидагина амалга оширилиши мумкин бўлган. Фақат XII династиянинг қудратли фиръавнлари замонида Миср яна катта ва кучли давлат бўлиб бирлашгандан кейингина, фақат Ўрта Подшолик гуллаб-яшнаган замонда, хусусан Аменемхет III давридагина сунъий сугориш тармоклари анча кенгайтирилган ва мукаммаллаштирилган. XII династия фиръавнлари даврида Нил дарёсининг пасайиши ва кўтарилишини кўрсатадиган белгилар Семна якинида 2-остона ёнидаги қояларга чизиб борилган. Бу ерда топилган ва Аменемхет III подшолик қилишининг 14-йилига мансуб бўлган бир ёзувда Нилнинг жуда баланд кўтарилгани қайд қилинган, ўша вақтда Нил суви ҳозирги ҳолатидан 7 метр баланд бўлган. Афтидан, махсус тайинланган амалдорлар Нилдаги сувнинг паст-баландлигини кузатиб борган бўлсалар керак, чунки мамлакатнинг хўжалик ҳаёти учун сунъий сугориш системаси гоят катта аҳамиятга эга бўлиб, бу системанинг фойда келтириши тамомила Нилдаги сувнинг кўпозлигига боғлиқ бўлганлигини давлат ҳокимияти жуда яхши билган. Ўрта Подшолик даврида Фаюм воҳасида ирригация соҳасида айниқса катта ишлар қилинган. Греклар Мериdo кўли деб атаган ва алоҳида канал воситаси билан Нилга туташтирилган катта сув омбори шу воҳада бўлган. Гераклеополь подшолари Фаюм воҳасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, бу ерда жуда катта ирригация қурилиши бошлаб юборганлар. «Гераклеополь подшосининг насиҳатномаси»да уларнинг «Гераклеополгача дамба қурган» лиқлари айтилган. XII династия подшолари замонида сувнинг Нил дарёсидан Мериdo кўлига оқиб кириши ва кўлдан чиқиб кетишини тартибга солиб турадиган кат-



Дайрал Баҳридаги Ментухотеплар ибодатхонаси.

Ўрта Подшолик. Реконструкция.

та иншоот қуришга киришганлар. Афтидан, бу иншоот ўзига хос шлюз ва тўғонлар бўлиб, Нил тошганда сув ўша иншоотлардан Фаюм сув омборига оқиб кирган, Нил суви қайтгандан кейин бу ердаги сув дарёга оқиб тушган бўлса керак. Бу гидротехник иншоотлар ва сув хавфидан сақловчи катта деворлар қуриш ишлари Аменемхет III замонида тугаган бўлса эҳтимол. Ирригация соҳасида олиб борилган шу катта ишлар натижасида Фаюм воҳасидаги жуда кўп ботқокликларни қуритиб, сунъий равишда бунед қилинган катта деҳқончилик районида суғориш ишлариии тўғри ташкил этишга имкон тугдирган. Шунинг учун ҳам бу ерда янги катта шаҳар (Кахун) бино бўлган.

Бутун мамлакатда қишлоқ хўжалиги равнақ топган. Миср гуллаб-яшнаган кўм-кўк боққа айланган. Бу даврда вужудга келган йирик қулдорлик мулклари деҳқончилик ва чорвачиликнинг хийла ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма имкониятларни яратиб берган. Бани-Ҳасандаги Газал номи но-

мархларининг мақбаралари деворларида худди шу йирик мулкларда яшовчиларнинг ҳаётидан олинган манзаралар тасвир этилган.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан бирга, ҳунармандлик ҳам тараққий этган. Тошдан буюмлар ясаш ҳунари илгариги аҳамиятини анча сақлаб қолган. Мисрда жуда қадим замонлардан бошлаб тошдан ҳар хил идишлар, қурол-асбоб ва ярoғлар ясаганлар. Металлургия яна ҳам тараққий қила бошлаган. Бронзанинг пайдо бўлиши техника жиҳатидан жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Бронзадан энди сифат жиҳатидан аввалгига қараганда яхшироқ ярoғ ва қурол-асбоблар тайёрланадиган бўлган. Заргарлик санъати ҳам жуда такомиллаштирилган, бу санъатнинг ажойиб намуналари Дахшурдан топилган эди. Тўқимачилик катта аҳамиятга эга бўлган ва у мамлакатнинг ўзидан чиқадиган хом ашё (зиғир поя) ҳамда алоҳида пастак горизонтал тўқув станоги ишлатиш негизида тараққий қилдирилган. Йигирув ва тўқув устахонасининг ўша даврдаги мақбара деворларига ишланган тасвирлари ва Дайрал-Баҳридаги XI династия замонидан қолган мозорни қазиш вақтида топилган мукаммал модель тўқимачиликнинг қандай ривожланганлигини жуда яхши кўрсатади. Ёғочсозликда ҳам хилма-хил қурол асбоблар ишлатилган; бу ҳунарнинг ўсиши эса кемасозликнинг ривожланиб бориши билан чамбарчас боғланган. Ниҳоят бу даврда қуруқликдаги транспорт билан кемачиликнинг ривожланганлиги, шаҳарларнинг ўсиши, ҳам ташқи, ҳам ички савдонинг кенгайиши бутун хўжаликнинг гуллаб-яшнаганлигидан гувоҳлик беради. Нубия ва Сурияга катта-катта савдо экспедициялари уюштирилган. Синайнинг мис конлари ва Нубиянинг олтин конларидан кенг суратда фойдаланилган. Мисрга ёндошган ерларга, жумладан чўл воҳаларига мисрликлар кўчиб бориб урнашганлар. Миср экономикасининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари солинган ва мустаҳкамланган. Масалан, шундай йўллардан бири Нил водийсини Қизил денгиз киргоқлари (Водн Хаммамат) билан бирлаштирувчи йўлдир. Яна XI ва XII династия фиръавнларининг қурилиш ишларини кенг кўламда ривожлантириб юборганликлари ҳам мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб яшнаганлигидан гувоҳлик беради. Фивода худо Амонга атаб биринчи катта ибодатхона қурилган. Дайрал-Баҳрида бурунги пирамида шакли сақланган ўзига хос бир ибодатхона бино қилинган. Янгигина ўзлаштирилган Фаюм воҳасида, хусусан бу ерда барпо этилган янги шаҳарда айниқса катта қурилиш ишлари қизитиб юборилган. Антик тарихчиларнинг асарларида бу ерда қурилган ва кейинчалик Лабиринт

деб аталган бир муҳташам бино тилга олинади. Мамлакатнинг ўзига хос диний ва маъмурий маркази бўлгаи бу бино то сўнгги вақтларгача сақланиб келган ва грек ёзувчиси Страбон томопидан таъриф этилгандир.

Савдонинг ривожланиши

Ягона Миср давлатининг тикланиши Миср савдосининг янада ривожланиб кетишига сабаб бўлган. Мисрнинг қўшни мамлакатлар *билан савдо алоқаси* тобора мустаҳкамланган, бу мамлакатлардан Мисрга минераллар, туз, ўсимликлар, ёғоч, тери, парранда, хусусан калтарлар келтирилган. «Гапга чечан, деҳқон қиссаси»да Нил дельтасининг жанубий-ғарбий ўлкасига яқин «шўрхок воҳа»да яшовчи бир қишлоқликнинг Мисрга олиб бориш учун эшакларга ҳар хил моллар (маҳаллий маҳсулотлар бўлса керак) юклаётганлиги тасвир этилган. У ўз бола-чақаларига овқат олиб келиш ниятида ўзининг бу кичик карвонини шу ерга яқинроқ бўлган катта шаҳарлардан Гераклеополга ҳайдаб *боргани кўрсатилган.* Мисрликлар Ўрта Подшолик давридаёқ ўз эҳтиёжларидан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, эҳтимолки, ғаллани тузга, кўн, тери ва кўпроқ асосан Нил водийси ва дельтаси атрофидаги воҳалардан келтирилган ҳар хил ҳунармандлик хом ашёларига айирбош қилган бўлсалар ажаб эмас.

Аммо Миср савдоси олисроқ мамлакатларга ҳам етиб борган. Фаластин ва Сурияда кейинги вақтларда утказилган қазишлар шуни кўрсатдики, Ўрта Подшолик даврида бу мамлакатлардаги баъзи шаҳарлар Миср савдосининг ҳамда умуман иқтисодий ва маданий таъсирининг олдинги пунктларига айланган. Қуддусдан шимоли-гарброқда жойлашган қадимги Гезер шаҳри ана шундай пунктлардан бўлган. Гезер харобаларида кумтош ва харсанг тошдан ясалган Миср ҳайкалчалари ҳамда фил суяги ва бошқа материаллардан ишланган ҳар хил буюмлар сақланган; бу парсалар Фаластиига Мисрдан олиб келинган бўлса керак. Гезердаги ўша бутун археология қатлами янги эрадан аввалги иккинчи минг йиллик бошларига, яъни фиръавнларнинг XII династиясига мансуб деса булади. Гезер аҳолиси мисрликлар билан савдо қилишган, Фаластин шаҳрида мисрликлар турган бўлса керак ва бу ерда Миср услубида бир иморат ҳам бино қилинган, бу бино Миср ибодатхонаси бўлса ажаб эмас. Бу иморатда иероглиф ёзувлик тош парчалар сақланганлиги буни исбот қилади. Масалан, Суриядаги Библ шаҳарининг вайроналаридан жуда кўп миқдорда Миср буюмлари топилган, устидаги ёзувларга қараганда, бу буюмлар Ўрта Подшолик давридан қолгандир. Абсидиандан ясалиб, устига олтин билан фиръавн

Аменемхет III нинг исми ёзилган бир идиш ва қимматбаҳо нарсалардан ясалиб, устига Аменемхет IV нинг номи ёзилган бошқа идишлар бу ердан топилган. Сурияниng бошқа бир шаҳари Катнада ҳам Миср буюмлари, чунончи, Аменемхет II қизининг исми ёзилган сфинкс топилган эди. Ниҳоят, Шимолий Сурияда, Рас-Шамрада, Угарет подшолиги пойтахтининг харобаларини қазиш вақтида Ўрта Подшолик даврига оид Миср ёдгорликлари, хусусан малика Хнумитнинг ҳайкаллари, Аменемхет III нинг исми ёзилган сфинкс парчалари, «шаҳар бошлиғи, вазир, судья Сенусерт-анх»нинг исми ёзилган ҳайкаллар группаси топилган эди, бу ҳам Миср савдосининг Шимолий Суриягача кириб борганлигини кўрсатади.

Машҳур «Синухет ҳикояси»да Миср билан Сурия ўртасидаги савдо алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши жуда яхши тасвир этилган. Мисрдан кочиб келган амалдор Синухет Сурия ҳокимларидан бирининг ҳузурига келганда ҳоким, мисрлик киши Сурияда одамларнинг Миср тилида гаплашганлигини эшитиши мумкин, дейди, ўша ҳикоянинг ўзида Миср карвонлари Суриядан ўтганлиги ҳақида гапирилади. Сурияда ўрнашиб қолган Синухет ўз ватани билан алоқани узмайди. Бу тўғрида у ғурур билан: «Шимолга ёки жанубга подшо саройига кетаётган элчи меникига тушар эди, мен ҳаммага бошпана берар эдим» дейди. Мисрдаги Ўрта Подшолик давридан қолган мақбаралардан бирининг деворларига (бундаги ёзувларда айтилишича) аму қабиласидан бўлган 37 осиёликнинг расми солинган. Бу осиёликлар, Миср билан савдо алоқаларини янада яхшилаш мақсадида бўлса керак, ўз бошлиқлари Ибша билан Мисрга келганлар. Ўша даврдан қолган ёзувларда Сурияга бориш учун тайёрланган Миср экспедициялари тўғрисида гапирилади. Масалан, Аменемхет III подшолигининг 45-йили (эрамиздан аввалги 1804 йил) Пта-Ур бошлиқ бир экспедиция Сурияниng жуда ичкарисигача, «сирли водийларгача, мутлақо қулоқ эшитмаган узоқ ерларгача кириб борган». Бу даврда Мисрнинг Сурия билан, хусусан Библ билан олиб борадиган савдоси Мисрнинг хўжалик ҳаётида шу қадар катта роль ўйнаганки, қуллар ва камбағалларнинг катта қўзғолони вақтида бу савдонинг тўхтаб қолиши оғир мусибат ҳисобланган. Ниҳоят, бу даврда Миср билан Бобил ўртасида биринчи марта савдо алоқаси ўрнатилади. 1935 йили Тоддаги ибодатхона харобаларидан Осиёда ясалган ҳар хил буюмлар солинган туртта мис яшик топилди, бу буюмлар орасида худди Месопотамияга хос туморлар ва муҳрлар бор. Буюмлардаги ёзувларга қараганда улар Мисрга Аменемхет II нинг подшолик даврида келтирилган.



Юзи Аменемхет III га ўхшатиб ясалган Таннс сфинкси.
Ўрта Подшолик.

Шу билан бирга, Мисрнинг жануб мамлакатлари — Нубия билан ҳамда Африканинг шарқий қисмида, ҳозирги Сомали районида жойлашган узоқ Пунт мамлакати билан ҳам савдо алоқалари кучайган. XI династия вақтидаги хазиначи Хепудан колган бир ёзувда жануби-шаркдаги бу мамлакатларга жуда катта савдо экспедицияси уюштирилганлиги тўғрисида гапирилган. Мисрликлар бу ерда машаққат билан узоқ йўл босиб, катта қийинчиликларни бошларидан кечирганлар. Уларга чўлларни кесиб утишга тўгри келган ва шунинг учун жуда кўп сув, озиқ-овқат ва енгил оёқ кийимни ғамлаб олишга тўғри келган. Улар Қизил денгиз кирғоғида кемалар қурганлар ва Пунт мамлакатининг бойликларини Мисрга олиб келмоқ учун денгиз орқали Пунт мамлакатига жўнаб кетганлар. Бу экспедицияларни катта харбий отрядлар кузатиб борган. Шунинг учун бу экспедициялар баъзан ярим ҳарбий экспедицияларга айланиб кетган. «Қуйи Миср подшосининг хазиначиси ва сарой бошлиғи Хентхет-ур»дан қолган ёзувда «унинг Пунтдан соғ-саломат қайтиб келганлиги, аскарларининг ҳаммаси у билан бирга омон-эсон қайтиб келганлиги ва кемаларининг Сауга келиб тухтаганлиги» тўғрисида гапири-

лади. Сау деган бу гавань Қизил денгиз қирғоғида, Қосейрдан шимолроқда бўлган бўлса керак. Коптосдан Қизил денгиз қирғоқларига қараб кетган йўллардан ўтган карвонлар кетидан кўпинча Пунтга ёки ўша вақтда Шарқий Африкада жойлашган областларни мисрликлар атаганидек, «Худо мамлакати»га томон жангчи отрядлар юриб борган. Қосейрдан шимолроқда бир жойдан топилган ёзувда, фиръавн Сенусерт II подшолик қилган биринчи йилда «Худо мамлакатида унга ҳайкал қурилганлиги» айтилади. XII династия фиръавнлари Ўрта Подшолик гуллаб-яшнаган даврда Нил водийсининг жанубий-шарқий томонида жойлашган олис мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишлари олиб боришга ҳаракат қилганлар. Пунт билан бўлган савдо-сотиқ ишлари XIII династия замонида ҳам давом этган. Ноферхотендан қолган ёзувда «Пунтдан келтирилган хушбўй буюмлар» ва «Худолар мамлакатидан келтирилган асл тошлар» тўғрисида гапирилади.

Ўша вақтдан қолган ёзувларда шимол халқлари билан мисрликлар «ханебу», яъни «орқа томондаги» деб аталган халқлар билан бўлган савдо алоқалари тўғрисида ҳам гапирилади. У вақтда шимолдаги шу ханебу қабилалари билан алоқа ишларини олиб борган алоҳида бошқармалар бўлган; баъзи амалдорлар қолдирган ёзувларида, бу қабилалар устидан ғалаба қилганликлари тўғрисида гапирганлар. Мисрда Сенусерт II томонидан бино қилинган Ха-Сенусерт-Хотеп (ҳозирги Кахун) шаҳрининг харобаларидан Сенусерт II нинг Фаюм воҳасига киравершидаги пирамидаси яқинидан «Камарес типли» деб аталган ва Крит оролидан келтирилган идишларнинг парчалари топилди. Шу билан бирга, Кнтдаги қазишлар вақтида ҳам Ўрта Подшолик даврининг идишлари топилган эди. Бу нарса Ўрта Подшолик даврида Миср билан Крит ўртасида савдо алоқалари бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Харбий юришлар Ўрта Подшолик замонида ўтган Миср фиръавнларидан қолган ёзувларда Нубияни ва Жанубий Сурия областларини босиб олиш мақсадида қилинган жуда кўп харбий юришлар тилга олинади. Ўрта Подшолик даврининг фиръавнлари олтинга бой бўлган Нубияни босиб олишга айниқса катта эътибор берганлар.

Аменемхет I (эрамиздан аввалги 2000—1980 йиллар) Нубияга ҳарбий юриш қилиб, бу мамлакатнинг баъзи областларини босиб олган, бу тўғрида у ўзининг «Насиҳатнома»сида ғурур билан гапирган. Сенусерт I Аменемхет I нинг истилочилик сиёсатини давом эттирган ва жанубга бир неча марта ҳарбий юриш қилиб, Вади-Халфагача борган, бу тўғрида ҳарбий бошлиқ Ментухотеп томонидан ўша ерга қўйилган

ёдгорлик стэла гувоҳлик беради. Бу стэлада подшонинг «Фива эгаси» худо Монту қаршисида тургани тасвирланган. Монту ўша вақтда Фива фиръавнларининг истилочилик ҳаракатларига илҳом берувчи ва ҳимоя қилувчи ҳисобланган. Подшо, албатта, ўзининг ҳарбий хизматларини анча бурттириб кўрсатгани ҳолда, худога мурожаат қилиб, жуда ҳам ғурур билан бундай дейди: «Мен, эй эзгу худо, Нубиядаги мамлакатларнинг ҳаммасини оёғимга йиқитдим».

Бу жумланинг қатъий қоида асосида бадиий тузилиши ўша вақтларда босқинчилик урушларини оқлаш учун диндан пакадар кенг фойдаланилганини яққол кўрсатади. Бу стэла устига солинган бўртма суратда уруш худоси тасвирланган бўлиб, у бир тўда асирларни олиб келиб, худди подшога топширяпти; бу билан Нубия шаҳарларининг истило қилинганлиги ифодаланган. Босиб олинган шаҳарнинг номи ҳар бир асирнинг бошига ва яғринига кура қилиб ёзилган. Сенусерт I нинг (тахминан эрамиздан аввалги 1980—1935 йилларида) Куш (Нубия) мамлакатига қилган муваффакиятли юриши Яна Бани-Хасан номархи Аменининг таржимаи ҳолида ҳам таърифланган. Бу амалдор шу нарсани ўзининг алоҳида хизмати деб ҳисоблайдики, «подшо тўрт бегона мамлакатдаги ўз душманларини ер билан яксон қилмоқ учун юқорига қараб сузиб кетаётганда», у подшонинг кетидан борган. Амени ўзининг «Нубиядан ўтганлиги, юқорига қараб сузиб борганлиги» ва «мамлакатнинг чегараларини кенгайтирганлиги», шу билан бирга «унинг қўшинидан ҳеч ким ўлдирилмаганлиги» тўғрисида ғурур билан ганиради. Афтидан бу даврда мисрликлар худди мажай кабилаларини бўйсундирган бўлсалар керак. Элефантина номархи бўлган амалдор Сиреннут Ассуандаги ёзувида ажнабий мамлакатларнинг ҳокимлари берган божлари сифатида мажай еридан озиқ-овқат келтирилганини унга хабар қилганликлари тўғрисида ёзади.

Фиръавн Сенусерт III (эрамиздан аввалги 1887—1849 йиллар) истилочилик максадида жанубга жуда катта юришлар қилган, у подшолик қилган даврида Нубияга тўрт марта уруш қилиб бориб, уни бутунлай ўзига бўйсундирган. Сенусерт III Нубияни то иккинчи остона областигача ўзига бўйсундириш билан бирга, бу ерда бир неча Миср қалъалари ҳам қурдирган; бу қалъаларнинг харобалари Семнада, Қуммада ва яна бошқа бир қанча жойларда хозиргача сақланиб қолган бўлиб, ўша даврда Мисрда қалъа қуриш санъати қандай ривож топганлигини равшан кўрсатади. Бу қалъалар Миср давлатининг жанубий чегараларини душман-

дан ҳимоя қилиш ва нубияликларнинг Мисрга қарашли ерларга лашкар тортиб келишига йўл қўймаслик мақсадида қурилган. Жанубий чегара районларидан топилган тантана ёзувларида Сенусерт III ўзининг Нубилда эришган ғалаба ва қилган истилолари, Миср давлатининг янги чегарасини урнатиб, уни анча жанубга сурганлигини эълон килган. Фиръавннинг буйруғига мувофиқ, энди, бўйсундирилган областда яшовчилардан биронтасининг ҳам бу чегарадан ўтишга ҳақи бўлмаган, тайинланган махсус жойга савдо қилиш учун кетаётганларгагина бу чегарадан ўтишга ижозат берилган. Нубияни тўла бўйсундириш учун қаттиқ кураш олиб бора туриб, Миср ҳукуматининг Шарқий Африкада яқиндагина бўйсундирилган эрксевар қабилалар ўртасида қўзголон чиқишидан хавфсирашига хамма асослар булган бўлса керак, албатта. Мисрнинг энг сўнгги фиръавнлари ҳам Нубияни истило қилиш юзасидан Сенусерт III бошлаб берган сиёсатни давом эттириб, Сенусерт III амалга оширган жуда катта истилочилик ҳаракатлари тўғрисида эсдаликлар қолдирганлар, уни Нубияни биринчи бўлиб забт этган киши деб ҳисоблаганлар ва Нубияни уз ватанида сакловчи худо, деб Нубиядаги Миср ибодатхоналарида унга сиғинганлар. Сенусерт III нинг истилочилик ҳаракатлари тўғрисидаги эсдаликлар то сўнгги вақтларгача, хусусан грек ва Рим ёзувчиларининг асарларида сақланиб келган.

Шу билан бирга, Миср фиръавнлари Миср давлатининг шимоли-шарқий чегараларидаги қўшни қабилалар билан ҳам қаттиқ кураш олиб борганлар. Синай ярим оролидаги катта мис конларини босиб олиш, Сурияга борадиган муҳим савдо йўлларини қўлга киритиб олиш мақсадида миср ликлар қурол кучи билан бу мамлакатларга бостириб кириб борадилар. Сурияга Аменемхет I замонидаёк катта харбий юриш қилинган. Нессумонту ёзувида бу юриш қисқа, лекин маънодор қилиб таърифланган. Ёзувда: «Мен пуштну, мешиу ва хериушани (осиёлик қабилалари — *В. А.*) тор мор қилдим. Кўчманчиларнинг уй-жойларини вайрон киллим... истеҳкомлари орқасига яширинганларнинг олдига етиб келдим»,— дейилган. Бу ёзувга қараганда, Миср қўшинлари Синай ярим оролидаги кўчманчи қабилалар устидан катта ғалаба қозонган ва хатто Фаластиннинг аҳоли яшайдиган, унумдор областларига ҳам кириб борган. Ўрта Подшолик даврининг фиръавнлари Сурия билан Фаластинга бир неча марталаб лашкар тортиб борганлар. Себекху-Жаа қолдирган ёзувда Сенусерт III нинг Осиёга қилган ҳарбий юриши, мешиу-сатет деган осиёлик қабила устидан қозонган ғалабаси ва Секмем шаҳ-

рини (Сихем бўлса эҳтимол) босиб олгани айтилган. Мисрликлар ўша вақтда шу осиёлик қабилаларни ўзларига доим ашаддий душман ҳисоблаганлар. Бунга махсус «ажнабийларни лаънатлаш текстлари» гувоҳлик беради, бундай текстлар Ўрта Подшолик давридан колган идиш парчаларида бор. Афтидан, ўша вақтда фиръавнга душман бўлган кишилар ва қабилаларнинг номлари махсус хумчаларга ёзилиб, сўнгра *подшонинг шу душманларини жоду билан йўқ қилиб юбориш* учун бу хумчаларни синдириш расм бўлган бўлса керак. Шу нарса диққатга сазоворки, *подшонинг* душманлари ичида шимолда осиёликлар, жанубда нубияликлар ва ғарбда ливияликлар зикир қилинади. Ёзувларда *тарих ва географияга* доир қимматбаҳо материаллар берилган, унда қўшни мамлакатларга Миср таъсирининг қанчалик кенг тарқалганлиги ҳамда Миср учун айниқса хавфли бўлиб кўринган чегара районлари таърифлаб берилган. Жумладан, бу ёзувларда Библ шаҳрининг номи учрайди. Библда ўтказилган қазишлар Библнинг ўша даврда бир қанча вақтгача Мисрга тобе бўлганлигини кўрсатади. Библда Библ князларининг сурияча ва ҳатто мисрча номлари кўрсатилган Миср ёзувлари топилган.

Мана шу кучли ҳарбий сиёсатнинг ривожланиб бориши натижасида алоҳида улуғ давлатчилик назариясининг дастлабки нишоналари вужудга келган. Мисрликлар ўзларини, биз алоҳида бичимли, худога маъқул тушган халқмиз, биз босиб олган бошқа мамлакатларнинг халқлари бизга итоат этиши керак, деб ҳисоблай бошлаганлар. Шунинг учун ҳам Миср фиръавнлари ўзлари қолдирган ёзувларда Нубияни нафрат билан «лаънати Қуш мамлакати» деб атаганлар. Аменемхет I ўзининг «Насиҳатнома»сида ғурур билан бундай дейди: «Мен нубияликларни бирга олиб келдим, осиёликларни эса итни эргаштириб келгани сингари орқамдан эргаштириб келдим». «Синухет ҳикояси» да Миср қўл остидаги Сурия «ит» деб аталади. Шу ҳикояда яна Миср амалдорларининг ўша вақтда маданий жиҳатдан мисрликларга қараганда анча паст бўлган чўлдаги кўчманчи қабилаларга нафрат кўзи билан қараганлиги равшан ифодаланган.

Истило қилинган мамлакатларнинг эксплуатация қилиниши

Мисрликлар Нубиянинг анчагина қисмини истило қилиб, бу мамлакатнинг табиий бойликларини, биринчи навбатда машҳур олтин конларини эксплуатация қилишга имкон топганлар. Ўша вақтдан қолган ёзувларда Нубиядан олтин олиб келиш учун подшонинг фармони билан юборилган экспедициялар тўғрисида гапирилади. Катта амалдорлар, баъзида эса областларнинг ҳокимлари фиръавн саройига олтин олиб келиш мақсадида каттагина қушин

билан жанубга юборилган. Шу тариқа, Нубиянинг табиий бойликларидан очиқдан-очиқ ваҳшиёна фойдаланилган, ерли халқ эса раҳмсиз суратда талаган. Миср амалдорлари «бошлиқларни (Нубия бошлиқларини) олтин ювишга мажбур қилганликлари» тўғрисида очиқдан-очиқ гапирадилар,



Танис сфинксининг боши. Аменемхет III тасвир этилган.

Ўрта Подшолик. Қоҳира музейи.

«душманлар устидан ғалаба ва тантана қилгандан кейин подшо Нубиядан олиб келишни буюрган» «оқ олтин»нинг юқори сифатлилигини айтиб айниқса фахрланадилар.

Бу даврда мисрликлар Синай ярим оролида Вади-Магхарадаги ва Серабитал-Ходимдаги мис конларини жуда зўр бериб эксплуатация қилганлар. Бунга шу ердан топилган жуда кўп ёзувлар гувоҳлик беради. Бу ёзувларда мис олиб келиш учун каттагина қўшин билан Синайга жўнаб кетган

катта экспедициялар тўғрисида гапирилади, эски мис конларидан қандай фойдаланилгани ва янги мис конлари қидириб топилганлиги тўғрисида гапирилади. Бу ёзувларнинг кўпчилиги Аменемхет III давридан қолгандир, у подшолик қилган даврда эса хўжалик ва маданият жуда ривож топган (эрамиздан аввалги 1849—1801 йиллар).

Синай ва Нубиядаги табиий бойликларнинг ишга солиниши, қўшни қабилалар билан бўлган қизғин савдо, шунингдек тез-тез қилиниб турган ҳарбий юришлар юк ва одамларни бир ердан иккинчи ерга ташишни кенг миқёсда уюштиришни талаб қилган. Сурияга ва Синай ярим оролига Сувайш буйни орқали карвон йўли ўтган. Лекин мисрликлар ўша қадим замонлардаёқ денгиз йўлидан ҳам фойдаланганлар. Синай ярим оролида қадим замондаги мис конлари яқинида сақланиб қолган бир ёзувда экспедиция бошлиғи Хорнахт «сарой эгаси Горнинг фармони билан олтин олиб кела туриб денгизни (Қизил денгизни бўлса керак — *В. А.*) кесиб ўтгани» тўғрисида гапирилади. Дахшурда яқиндагина топилган буртма расмларда катта кемалар тасвирланган бўлиб, Миср денгизчилари бу кемаларда Қизил денгиз ва Ўрта денгиз билан узоқ сафарларга борганлар. Нил дарёсидан товарлар ва қўшин ташишни таъмин этиш учун Сенусерт III биринчи остоналар районида қояларни кесиб махсус канал ўтказишни буюрган, бу канал ўша даврда иктисодий ва ҳарбий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган. Сехель оролидаги қояга ўйилган ёзувда бу воқеа ҳақида бундай дейилгаи: У «Хакау-Ранинг (Сенусерт III нинг — *В. А.*) йўллари гўзал, илоё абадий яшасин» номидаги канални Нубия эгаси маъбуда Анукет шарафига ўз хотираси учун қилдирган. Шу фиръавн подшолигининг 8-йилида Нубияга ҳарбий экспедиция юборилганлиги муносабати билан бу канални тозалаш юзасидан катта ишлар қилинган. Бу воқеа ҳам ўша Сехель оролидаги қояга ёзилиб, абадийлаштирилган.

Бу канал қазилиши натижасида Миср ҳарбий ва савдо экспедицияларининг Нубиянинг хийла олис жанубий областларига илгаригидан кўра анча осоилик билан кириб боришлари учун имконият тугилган. Мисрликлар то Янги Подшолик давригача бу каналдан фойдаланганлар. Маълумки, уни XVIII династия фиръавнлари тиклаган.

Номархлар ҳокимиятининг кучайиши

Фива фиръавнлари томонидан Мисрнинг бирлаштирилиши ном зодагонларининг бирлаштиришдан аввалги олағовур даврда жуда ошиб кетган қудратига путур етказган. Лекин номархлар ҳали ҳақиқий ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Ўша даврдаги қулдор аристократия

намояндалари, айниқса областларнинг ҳокимлари томонидан бино қилинган мақбараларнинг деворларида уларнинг мол-мулклари тасвирланган. Катта мансабдорларга қарашли мақбараларнинг деворларида сақланиб қолган таржимаи ҳолларга доир ёзувлар шуни кўрсатадики, бу зодагон номархлар катта ер ва мол-мулкка ҳамда кўпгина моддий ва киши ресурсларига эга бўлганлар, бу эса уларнинг ўзлари ҳоким бўлган областларнинг бутун хўжалик хаётини назорат қилишларига имкон берган. Баъзи номархлар ўз ёзувларида, очарчилик йилларида ўзларига қарашли номдаги ерларнинг ҳаммасини ҳайдаб, экин экканликлари, жуда кўп чорва боқканликлари ва областдаги оч аҳолининг ҳаммасини бокишни ўз устларига олиб, махсус кемаларда бошқа жойлардан дон келтириб, бутун-бутун шаҳарларни дон билан таъминлаганликлари тўғрисида ғапирадилар. Мазмундан, ўз областларидаги оч колган аҳолига ғалла карз бериб, улар хопавайрон бўлган аҳолининг анчагина қисмини иқтисодий жиҳатдан ўзларига қарам қилиб олганлар.

Ном зодагонлари катта ер-мулкларини ўз қўлларига тўплаб, давлат хизматидаги амалдорлардан ирсий катта ер-мулк эгаси бўлган аристократларга айлана бошлаганлар. Илгари йирик қулдорлар подшо инъом қилган ерагина эгалик қилган бўлсалар, энди улар мерос қолган ер-мулкларига эгалик қиладиган бўлиб олганлар.

Ўрта Подшолик давридан қолган ёзувларда хусусий ер мулкини ифодаловчи «отамнинг уй-жойи» ёки «ота мулки» деган янги махсус термин пайдо бўлиб, бу термин ўша вақтдан қолган ёзувларда «князь ери» деган терминга қарамақарши қўйилади. Масалан, Ликополь уйининг номархи ва кохинлар бошлиги Хеп-же-фа коҳин деган номга ва область ҳокими деган уивонга эга бўлиб, биринчиси отасидан мерос қолган, иккинчисини эса подшо таклиф қилган. Шунга бинoан, унинг бутун мулки ва ери иккита алоҳида-алоҳида қисмга бўлинган: отасидан мерос қолган ер-мулклар ва вақтинча фойдалаиши учун подшодан олинган князлик ер-мулклари. Қулдорлар болаларига ўзларининг ирсий хусусий мулк деб ҳисобланган ерларинигина эмас, балки ўзларининг унвонларини ҳам мерос қилиб қолдиргаилар. Улар мерос қолган ном, унвон ва мансабларнинг бир тўдасини йиғиб олиб, ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам ўзларининг юқори аристократия авлодидан экапликларини ғурур билан таъкидлайдилар.

Бироқ ўша вақтда катта ижтимоий силжишлар куртак бера бошлайди. Бу ижтимоий силжишлар Ўрта Подшоликнинг равнақ топган даврида XII династия подшолари замонида юзага чиқа бошлайди. Ўша вақтдан қолган баъзи ёзувлар

ном аристократияси билан марказий ҳокимият ўртасида жанжал юз берганлигини кўрсатади. Давлатни бирлаштиришга ҳаракат қилиб, Миср фиръавнлари ҳаддан ташқари кучайиб кетган номархларнинг беҳад ўзбошимчалигига чек қўйишга интилганлар, областларнинг эски мустақил ҳокимларини бутунлай подшо ҳокимиятига бўйсундирилган янги ҳокимлар билан алмаштирганлар. Ҳукумат ва давлат хизматидаги подшога содиқ қулдорлар аристократияси давлат бирлигининг тикланишини узоққа чўзилган алғов-далғовлар ва социал кураш натижасида путур кетган «тартиб» тантанаси деб ҳисоблаганлар. *Шунинг учун XII династия* фиръавнлари номлар ўртасидаги қадимги чегарани қайта тиклаганлар. Ёзувлардан бирида Аменемхет I тўғрисида бундай дейилган: «У адолатсизликни йўқотиб, юзи худди худо Атуникидек порлади. У вайрон бўлган шаҳарларни тузатди, бировлардан тортиб олинган шаҳарларни эгасига қайтариб берди. У бир шаҳарнинг (иккинчи) шаҳаргача чегарасини кўрсатиб берди. У шаҳарларнинг аршаълодек чегара тошларини жойига қўйдирди, уларнинг сувларини ёзмалардан билиш, уларни қадимги ҳужжатлардан текшириб аниқлади, чунки у адолатни жуда севарди». Шундай қилиб, шаҳарларнинг чегара тошлари қадимги ёзувларга қараб яна тикланган. Давлатни марказлаштириш ишини амалга оширишда Миср фиръавнлари амалдорларнинг янги табақасига суянган, бу амалдорлар фиръавннинг атрофидаги энг яқин кишилари бўлиб, ўзларини фиръавннинг «ишончли вакиллари» деб атаганлар. Масалан, Сенусерт I замонида яшаган амалдор Икулиди бундай деб ёзган: «Мен подшонинг, унга нимаики ёқса, шуни бажарадиган ишончли вакили сифатида, янги чақирилган аскарларга бош бўлиб, воҳанинг аҳолисини бошқариш учун олий амалдор сифатида Абидосга жунаб кетдим».

Ижтимоий табақаланиш ва қулчиликнинг ривожланиши

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши қадимги кишлоқ жамоаларининг табақаланишини кучайтирган. Савдонинг ва ҳарбий босқинчилик сиёсатининг ривожланиши *натижасида Мисрга жуда катта бойликлар* келтирилган. Бироқ бу бойликлар аҳоли ўртасида ниҳоятда нотекис тақсимланган. Бу эса аҳолининг мулкий жиҳатдан кескин равишда табақаланишига сабаб бўлган. Қулдор зодагонлар кундан кунга бойиб борган, эркин аҳолининг қадимги жамоа тузуми шароитида яшаган кенг оммаси эса солиқларнинг асосий оғирлигини кўтаришга ва подшо қўшинларида айниқса тез-тез бўлиб турадиган ҳарбий юришлар вақтида ҳарбий хизматнинг бутун азоб-уқубатларига бардош бериш-

га мажбур бўлган. Бунинг натижасида жамоа аъзоларининг бир қисми хонавайрон бўлган, ўзининг ер улушидан ажралган, ёки ҳатто, эҳтимолки, қулга ҳам айланиб қолган. Қишлоқ жамоаларининг табақаларга ажралганлигига шу парса далилки, худди ўша даврда майда хусусий ер эгалари вужудга келган, улар ўша даврнинг ёзувларида «кичкиналар» (пажис) деб аталган. Мулкий табақаланишининг кейинчалик давом этиб бориши натижасида нажислар ҳам бир томондан тўқ хўжаликларга ва, иккинчи томондан, кичик-кичик хўжаликларга эга бўлган жуда майда деҳқонларга бўлина бошлаган.

Ўрта табақа аҳолининг бойиб кетган қисми: коҳинлар, майда амалдорлар, хаттотлар, савдогарлар, эҳтимолки, ҳатто каттароқ ер эгаларидан иборат хийла катта бир группани ташкил этган. Ўша даврдаги ёзувларда бу группани «кучли нажислар» деб атаганлар. Бу ёзувлардан бирида: «бу — қўли баланд, бармоқлари чиройли узуклар билан тўлган хаттотдир. У ҳурмат ва иззат эгасидир. Унинг мулки ўзига ўхшашларникидан кўра кўпроқдир. У амр-фармонлар эгасидир»,— дейилади: «Кучли нажислар»га қарама-қарши ўлароқ, қишлоқ жамоасининг хонавайрон бўлган ва қашшоқлашиб қолган аъзоларидан иборат камбағал нажислар бўлган. Ўша замондан қолган ёзувларда таърифланишича, бу камбағал нажислар ўз ерларини ўзлари ҳайдаб экканлар, ер ундириб берган озгина ҳосилларини қайиқларга ортганлар, ва, ниҳоят, юк ортилган бу қайиқларни, бурлаклар singari, ўзлари судраб кетганлар. Бу бечораларда озгинагина мулк бўлган; улар гадойларча кун кечиришга, кечки овқатини «хайр истаб топгандай тонишга» мажбур бўлганлар.

Қулчиликнинг асосий манбаи урушлар бўлган. Нубия ва Суриядаги босқинчилик урушлари вақтида Миср қўшинлари жуда кўп асир олганлар ва буларни, одатда, қулга айлантирганлар. Бу қуллар подшонинг ва ибодатхоналарнинг хўжалигида, шунингдек йирик қулдорларнинг мулкларида ишлаган. Қулдорлар қулларга иш ҳайвонлари деб қараганлар ва уларни ҳайвонларни санагандек бош ҳисобида санаганлар. Масалан, ўша вақтдан қолган бир ҳужжатда: «Мен унга аму (осиёликлар — *В. А.*) қабиласидан бўлган 4 бош қул тонширдим» дейилади. Ўша даврда аристократлар қулларни ва ҳайвонларни мулкнинг асосий тури деб ҳисоблаганлар. Синухетнинг ҳикоясида (бу ҳикояда ўша замондаги ҳаёт ва маиший турмуш жонли қилиб таърифланган) бадавлат киши мулкининг асосий турлари «қуллар ва пода» дейилади. Ўрта Подшолик даврида мамлакатда қуллар сонининг кўпайганлигига Каҳундаги қазишлар вақтида топилган кўпдан-кўп расмий

ҳужжатлар ҳам гувоҳлик беради. Бу ҳужжатлар орасида статистика рўйхатларининг парчалари бўлиб, уларда эркин кишилар ва уларнинг ихтиёридаги эркак ва аёл қуллар бирма-бир санаб кўрсатилган. Бошқа бир ҳужжатдан кўринишича, давлат амалдорларга уларнинг кўрсатган хизматлари учун мукофот тариқасида эркак ва аёл куллар берган. Қабр устига қўйилган ёдгорликларнинг кўпида, бука сўяётган ёки овқат олиб келаётган кишилар тасвирланган ва булар ўлган кишиларнинг қуллари деб ёзиб қўйилган. Ўша замоннинг адабий асарларида қуллар кўп тилга олинади. Масалан, «Сўзамол деҳқон қиссаси» да бир деҳқоннинг тўғонда бир катта аристократнинг қулларини учратгани тўғрисида гапирилади.

Шаҳарлар

Қишлоқ жамоаларининг секин-аста бўлиниб кетиши натижасида жамоа аъзоларининг каттагина қисми кўпчилиги бадавлат кишилардан иборат турли-туман ҳунармандлар ва савдогарларга, ери ва қуллари бўлган майда хусусий мулк эгаларига айланган.

Ҳунармандлик ва савдонинг *ривожланиши шаҳарларнинг* вужудга келиши ва ўсишига сабаб бўлган. Урта Подшолик даврида ҳам, ҳали натурал хўжалик асосий ўрин тутишига қарамай, янги шаҳарлар, маъмурий ва хўжалик марказлари вужудга кела бошлаган, бу шаҳар ва марказларнинг ҳаёти ижтимоий турмушнинг янги шаклларига кирган. Фаюм воҳасида ўтказилган қазишлар вақтида шундай шаҳарлардан бири (Қахун) нинг қолдиқлари топилган эди. Бу шаҳар Сенусерт II замонида вужудга келган. Бу ерда подшо дастлаб пирамида бино қилдирган ва бу пирамида атрофида тез муддат ичида муайян бир план асосида қурилган шаҳар вужудга келган. Шаҳар, асосан, тўғри геометрик шаклда қурилган, кўчалар тўппа-тўғри бўлиб, бир-бирини тикка кесиб ўтган; шаҳар ғишт девор билан ўралган. Уйларнинг ҳажми ва ички тузилиши шаҳар аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан кескин равишда табақаланганлигини кўрсатади. Бу шаҳарда бойлар билан бир қаторда шаҳар аҳолисининг урта табақалари, яъни ҳунармандлар ва майда савдогарлар, ниҳоят, хароб кулбаларда камбагал-қашшоқлар яшаган. Қамбағаллар маҳалласи шаҳарнинг ғарб томонида бўлиб, уларнинг кулбалари 240×105 метр келадиган майдонга жуда зич бўлиб жойлашган. Бу ерда *одамлар чумоли сингари тиқилишиб яшаган* ва қашшоқлик ҳукм сурган. Бу шаҳарда камбагалларнинг шу хароб кулбалари билан бир қаторда аристократларнинг кўпинча катта-катта (45×60 *м*) майдонни эгаллаган, қўрғонга ўхшаган ҳашаматли уй-жойлари қад кўтариб турган. Бундай уйларнинг ҳар бири камбагалнинг кулбасига нисбатан тахминан 50 ҳисса катталик қилади. Бойларга қарашли

уйларнинг ҳар бирида 70 тача хона ва йўлак бўлиб, бу уйлар шаҳарнинг шарқ томонидаги аристократлар маҳалласида жойлашган. Шаҳарнинг харобаларида камбағалларнинг кулбаларидан сал каттароқ, лекин аристократларнинг ҳашаматли биноларига қараганда анча кичкина бўлган уйлар ҳам топилди. Бу уйларда аҳолининг эркин ўрта табақасидан бўлган, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланувчи кишилар яшаган. Абидосдаги мозорни қазиш вақтида топилган жуда кўп ёзувлар, ўша вақтда ҳақиқатан ҳам аҳолининг ўрта табақаси, яъни ҳунармандлар —«пойабзал усталари», «олтиндан буюмлар ясайдиган заргарлар», «мисгарлар» ёки ёзувларда ўзларини «шаҳарликлар» деб атаган кишилар пайдо бўлганлигини тасдиқлайди.

Кахунда бойлар маҳалласи камбағаллар маҳалласидан маҳкам девор билан ажратилган. Сарой (подшога қарашли бўлса эҳтимол) айниқса мустаҳкам девор билан ўралган. Афтидан, атрофларини жуда қашшоқликда кун кечирувчи меҳнаткаш омма қуршаган коҳинлар билан амалдорлар қўрғонларида ўзларини типч ҳис қилмаган бўлсалар керак. Камбағал ва қуллар оғир меҳнат қилиб, қашшоқлик ва очликда кун кечирган. У замонларда жисмоний меҳнатнинг ҳар қандайига ҳам ҳудонинг қарғиши деб қараганлар. Деҳқон ва ҳунарманд жуда оғир ва уқубатли меҳнатга дучор қилинган. «Дуауфнинг насиҳатномаси»да бир одам ўғлига берган насиҳатида, агар у хаётнинг бирдан-бир асоси ва шарафли йўлидан бормаса, яъни мирзалик ёки амалдорлик қилмаса, ҳаётда катта муҳтожликка учраши ва азоб-уқубатларга дучор бўлиши ҳақида уни огоҳлантирган. Унинг айтишича, темирчи, тоштарош, сартарош, косиб, кирчи, балиқчи, куш овчиси ва деҳқоннинг бутун умри оғир меҳнатда ўтади. Фақат мирзагина ҳузур ҳаёт кечиради. «Қара, ҳеч бир иш йўққи, биров тепангда назорат қилиб турмасин, фақат мирзагина бундан ҳолидир, чунки мирзанинг ўзи назоратчидир... Агар катталарнинг сўзини қулогингга олсанг, сен кўпларга ҳукмингни ўтказасан... бироита ҳам мирза йўққи, подшонинг неъматидан бахраманд бўлмасин. Туғилиш маъбудаси мирзанинг мартабасини баланд қилади, уни суддан юқори қўяди. Унинг ота-онаси худодан миннатдор бўлади, чунки у ҳаёт йўлига солиб юборилган». Мана шу қисқагина, лекин маънодор «Насиҳатнома» чуқур ижтимоий адоват ҳукм сурганлигини ҳамда қуллар билан камбагалларнинггина эмас, балки Миср аҳолиси ўртасидаги ўрта табақаларнинг ҳам оғир аҳволда яшаганлигини кўрсатади.

Аста-секин аҳолининг майда ҳунармандлардан, савдогарлардан ва мирзаларнинг энг пастки табақаларидан иборат



Кахун шаҳрининг плани.

Ўрта Подшолик.

ўрта шаҳар табақаси вужудга келган. Бу табақага мансуб бўлган кишиларнинг энг камбағаллари ижтимоий ҳаракатлар вақтида қўзголон кўтарган қуллар ва камбағалларга қўшилиб, улар билан биргаликда бойларнинг ҳокимиятини йиқитганлар.

Шундай қилиб, ўша вақтда қадимги Миср жамияти мисоли бир жонли пирамидага ўхшаган. Бу пирамиданинг пастки-ши қаттиқ эксплуатация қилинувчи қуллар ва камбағаллар оммаси ташкил этган. Пирамиданинг ўрта қисми аҳолининг эркин ўрта табақаси бўлган деҳқонлар, жамоа аъзолари ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, булар иқтисодий жиҳатдан қулдор зодагонларга карам бўлган, оғир солиқ ва тўловлар билан жуда эзилган ва деярли тамомила асоратга тушиб қолган. Пирамиданинг энг юқори қисмини давлат ҳокимияти билан диний ҳокимиятни ўз қўлига олган мустабид фиръавн бошлиқ амалдорлар ва коҳинлардан иборат қулдор аристократия ташкил қилган. Бу ижтимоий тузумнинг мустаҳкамлиги меҳнаткашлар оммасини жуда қаттиқ эзиш йўли билан марказлаштирилган ва бюрократик давлатнинг кучли аппарати воситаси билан, шунингдек подшони худо деб, бутун ижтимоий тузумни эса худолар томонидан ўрнатилган ва дин уни азалдан муқаддас билган деб эълон қилувчи диний идеология ёрдами билан таъмин этилган. Лекин эски уруғчилик

тузумининг саркитлари ҳали кучли бўлган бу энг қадимги қулдорлик жамияти ичида иктисодий жипслик бўлмаган. Аҳолининг ўрта табақалари барқарор бўлмаган, улар ўзгариб турган, шу сабабдан бутун синфий тузум ҳам беқарор бўлган. Бирок замон ўтиши билан қадимги Миср жамиятининг синфий состави ҳам мураккаблашган ва шу билан бирга ижтимоий зиддиятлар ҳам кескинлашиб борган. Борган сари катта бойликлар бир тўда бойлар қўлига тўпланган. Жуда кўпчиликни ташкил қилган камбағаллар билан қуллар ва ҳатто аҳолининг ўрта табақалари ҳам қаттиқ эксплуатация қилинган. Буларнинг хаммаси синфий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлган. Мисрда Ўрта Подшолик даврининг охирида меҳнаткаш омма мавжуд синфий тузумга қарши, қулдорлар аристократиясига ва подшога қарши қўзғолонлар кўтарган.

Камбағаллар ва қулларнинг кўзғолонлари

Мисрда камбагаллар ва қуллар кўтарган қўзғолонларни биз турли манбалардан биламиз. Олағовур йилларда шаҳарларда кўзғолонлар кўтарилиб, уларнинг курама аҳолисини ўз ичига олган. Шаҳарда кўтарилган қўзғолонлар ҳақида уша замондан колган адабий ёдгорликларда гапирилади. Масалан, бир папирусда қўзғолондан «ҳоли хароб» бир шаҳар тўғрисида гапирилади.

Жуда кучли синфий табақаланиш ва синфий зиддиятларнинг гоят кучайиб кетганлиги баъзи адабий асарларда жуда ёркин тасвир этилган. Масалан, «Гераклеополь подшосининг насиҳатномаси»да «фаросатли одам бировнинг мулкига кизиқмайди» деб ёзилган. Қулдорлик тузумининг ашаддий тарафдори бўлган уша «Насиҳатнома» автори, бировларнинг бойлигини кўриб: «Вой-во, уша менда бўлса эди!» деб, шу бойликни тортиб олиш ниятида бўлган камбагал тўғрисида қаттиқ газаб ва нафрат билан ганиради. Гераклеополь подшоси тилидан қилиб ёзилган, энг қадимги қулдорлик «ахлоқи»нинг негизини ташкил этувчи шу «Насиҳатнома» да подшо ҳалиги камбағал тўғрисида: «Инсофсиз у!» дейди.

Бу даврда энди кескин синфий кураш қизиб кетган ва камбағаллар мапфур бойларга — қулдорларга қарши қўзғолонлар кўтарганлар. Шунинг учун «Насиҳатнома» автори шаҳарда қўзголонга ундовчи кишига нисбатан қаттиқ жазо берилишини талаб қилган. «Нотиқ — шаҳар учун офатдир». Авторнинг фикрича, агар халқ қўзголон кўтаргудай бўлса, подшо исёнчиларга сира раҳм-шафқат қилмай, жуда қаттиқ чоралар кўриши лозим бўлган. «Оломонни бўғиб ол, ундан чиқадиган алангани учириб ташла. Душманлик муносабатидаги (кишини) қуллама, чунки у камбағал... у душман!»,

Гераклеополь подшоси ўз ўглига қулдорлар ўзлари учун энг ёвуз душман деб билиб, шунинг учун жинояткорлар деб атаган ва бу «худонинг ўзига ҳам маълум» булган исёнчиларни қоралашни ва шафқатсиз жазолашни насиҳат қилган.

Лекин Ўрта Подшолик даврининг охирида бўлган йирик халқ кузголонлари ҳаммадан кура иккита адабий асарда: «Ипувер насиҳатномаси»да (344-сонли Лейден папируси тексти) ва Ленинграддаги Эрмитажда сақланаётган «Ноферреху насиҳатномаси»да ёркинроқ тасвирлангандир. Анча кейинги замонга оид бу адабий асарларда халқ оммаси томонидан кутарилган катта қузғолон шу қадар равшан ва жонли қилиб, ҳаётнинг ўзидан олинган манзаралар шу қадар ҳақконий тасвирланганки, бу асарларда тасвир этилган воқеаларнинг ҳақиқатан ҳам тарихда бўлган воқеалар эканига иқрор бўлмасдан илож йўқ.

Ўрта Подшолик даврининг охирида, яъни Мисрга Осиёдан секин-аста бегона қабилалар кириб келиб, дельтага ўрнаша бошлаган даврда айниқса катта кузғолон кутарилган бўлса керак. Мисрга ажнабий халклар аста-секин кириб кела бошлагани ва Миср давлатининг заифлашганидан фойдаланиб, осиёлик қабилалар мамлакатнинг айрим қисмларини босиб ола бошлаган вақтда синфий кураш ҳам авж олган. Масалан, Лейден текстининг автори бундай дейди: «Бутун мамлакат чўлга айланди. Номлар ҳувиллаб қолди. Мисрга *ташқаридан ажнабий қабила келди*... Ҳеч қаерда энди мисрликлар қолгани йўқ». Мисрни тобора эгаллаб борган ажнабийларнинг ёпирилиб келишига мамлакатнинг муқаррар ҳалок бўлишига сабабчи бир бало деб қаралган. Олд Осиёнинг бепоён дашт ва чўлларидан чиқиб келган осиёлик кучманчилар дельтанинг бойликларини, унумдор ерларини, мўлкул бўлиб оққан сувини эгаллаб ола бошлаганлар ҳамда ўзларининг кучманчилик чодирларини деҳкончилик омочи ва ҳунармандчилик асбоблари билан алмаштирганлар. «Насиҳатнома»нинг автори, бадавлат ва баланд мартаба эгаси бўлмиш Ипувер *ачиниб бундай дейди*: «Чўл қабилалари ҳамма жойда мисрликларга айланмоқдалар... осиёликлар дельта ҳунармандчилигида тажриба орттирмоқдалар».

Йирик халқ кузголонининг ҳаракатга келтирувчи кучи эркин камбағаллар бўлиб, уларга куллар ҳамда узининг моддий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилган ўрта табақалар қўшилган. Халқ қўзголони бойларга қарши қаратилган. Кескин синфий кураш авж олиб кетган. Мамлакат бир-бири билан сира келиша олмайдиган икки лагерга бўлинган. Сабр косаси тўлган кенг меҳнаткашлар оммаси: деҳқонлар, ҳунармандлар ва куллар зодагонларга ва бойларга қарши бош кўтар-



ҚАДИМ ЗАМОНДАГИ МИСР ВА ОЛД ОСИЁ

Танис — Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари

Акаба — Аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари

100 0 100 200 300 км


40
45
50
Кавказ
Севан ж
Тепебашы (Каммар-Бхур)
Араке
Урмия ж
Каспийское
Урарту
Ванское
Туспа (Ван)
Митанни
Ниневия (Куюнджик)
Калах
Ашшур
Месопотамия
Мидия
Техрон
Касситы
Эшнунна (Тел-Асмар)
Вавилон
Аккад
Шумер
Сузы
Элам
Персидский
Рабистон
40
45
50

ган. Ҳоким синф билан қўзғолон кўтарган халқ ўртасидаги чуқур зиддиятни тасвирловчи Ипувернинг сўзларидан яққол кўринмаса-да, ижтимоий нафрат сезилиб турипти. У бундай дейди: «Халқ шод-хуррам бўлган вақтда князлар у билан биродарлашмайди... Бойнинг ҳафсаласи пир бўлган, камбағал эса хурсанд». Бироқ халқнинг газаби бойларни камбағаллардан ажратиб турган говни вайрон қилган. «Бекаснинг боласи оқсоч боласи бўлиб қолади». Шу «Насиҳатнома»лардан бирида жуда ўхшатиб айтилганидек, қўзғолон кўтарган меҳнаткаш омма «кечаги кишилар»га қарашли бўлган бойликларни босиб олади. Шундай қилиб, мулклар хийла қайта бошдан тақсимланади, натижада «камбағал бойлик эгаси бўлиб қолади, илгари ўзига чориқ ҳам тикиб ололмайдиган кишилар хазина эгасига айланади».

Қўзғолон қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам бўлган. Шаҳарда кўпчиликни ташкил қилган ҳунармандлар ва камбағаллар қўзғолон кўтариб, «ўз ораларидан кучлиларини ҳайдаб юборганлар». Буларнинг кетидан қуллар ҳам кўтарилган ва, Миср текстида айтилишича, «қулларнинг эгаларига айланганлар». Бироқ меҳнаткашлар оммасининг қўзғолони бойларнинг мол-мулкини босиб олиш ва мулкни қайта бошдан тақсимлаш билан чекланиб қолмаган. Камбағаллар билан қуллар вақтинча бирлашиб туриб, давлат ҳокимиятини ҳам ўз қулларига олганлар. Папирусда «камбағаллар подшони ҳайдаб юбордилар» деб очиқ айтилади. Қўзғолон кўтарганлар давлат идораларини, архивларни ва суд палаталарини эгаллаб олганлар. Бойларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари ёзилган ҳужжатлар йўқ қилинган. «Насиҳатнома»нинг реакцион кайфиятда бўлган автори қўзғолон манзарасини ва қўзғолончилар образини ёқимсиз ва хунук тарзда тасвирлаб, қўзғолон кўтаргапларни ёмон қилиб кўрсатишга уринган. У қўзғолоннинг микёси ва аҳамиятини камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилиб «қонунни билмаган озгина кишилар мамлакатни подшо ҳокимиятидан маҳрум этди», деб ёзган. Автор вужудга келган «тартибсизликни» бўрттириб тасвирлайди: «Мансаблар энди жойида йўқ. Одамлар подачиси йўқ, хуркиб кетган подага ўхшайди»,— дейди.

Кескин кураш қулчилик жамиятининг негизини ташкил этган патриархал оилага ҳам кириб борган. Лейден папирусида айтилишича, «Ота ўз ўғлига душманга қарагандек қарайди». Синфий жамият ва қулдорлик давлатининг бутун негизи ларзага келади. Қўзғолончилар коҳинлар ва бойларни оқлаб келган динга ҳам қарши мушт кўтарадилар. Ипувер кишилар орасида «худоларга ишонмаслик»нинг пайдо бўлганлиги тўғрисида вахима билан гапиради. Унинг гапига ку-

ра, ҳовлиқма одамлар: «Агар худонинг қаердалигини билсам, унга қурбонлик қилардим»,— деб айтишар экан.

Бу қўзғолон Мисрдаги қулдорлик тузуми ва қулдорлик давлатининг асосларини жуда ҳам ларзага келтирса-да, тарихий процесс тараққиётини тубдан ўзгартириб юбора олмаган. Қўзғолон кўтарган мехнаткашлар оммаси унча ҳамжиҳат бўлмаган ҳамда ўз олдида турган вазифаларни англамаган ва англай олмасди ҳам. Афсуски, ўша вақтдан қолган ёзувларда бу қўзғолоннинг қандай қилиб бостирилгани тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Бироқ кейинча яна ўша аввалги тартиб тикланганлигига қараб ҳукм қилганда, қўзғолончиларнинг кучи синдирилган, деб ўйлаш мумкин.

Гиксосларнинг Мисрни истило қилиши

Ўрта Подшолик даврининг охирида эрамиздан аввалги XVIII асрда «гиксослар» деб аталган осиёлик қабилалар Мисрга бостириб кирган; кейинроқ пайдо бўлган ва аптик дуиё авторларининг асарларида сақланиб қолган тарихий маълумотлар қабила номи бўлмиш бу «гиксослар» деган сўзни «чўпонларнинг ҳокимлари» деган *мисрча сўзнинг* бузиб айтилганидир, деб таърифлайди. Бундай таъриф ҳақиқатдан холи бўлмаса ҳам эҳтимол. Гиксос қабилалари Ўрта Подшолик даври билан Янги Подшолик даври ўртасида Мисрга жуда кўплаб бостириб кирганлар, мамлакатнинг анчагина қисмини ишғол қилганлар, Мисрда улар юз йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилганлар. Гиксослар бутун аломатларга кўра, кўчманчи қабилалар гуруҳи бўлиб, ҳужалик ва маданий тараққиёт даражаси жиҳатидан мисрликларга қараганда анча паст турганлар. «Гиксослар» деган ном ҳақиқатан ҳам мисрча сўзлардан келиб чиққан, масалан, чўл мамлакатларининг «ҳукмронлари» («хекау хасут») деган сўзлардан келиб чиққандир, деб ўйлаш учун ҳамма асослар бор. Мисрликлар Мисрнинг шимоли-шарқий томонида яшаган осиёлик кўчманчи қабилаларнинг ҳокимларини шундай деб атаган бўлсалар ҳам эҳтимол.

Гиксосларнинг Мисрга бостириб кириб, мамлакатнинг анчагина қисмини истило қилиш процесси анча узоққа чўзилган. Мисрнинг ички заифлигидан, мамлакатда бораётган кескин ижтимоий курашлар натижасида, давлат бир қанча майда мустақил князликларга бўлиниб кетган; бу князликлар орасида бир қадар кўзга кўринган фақат Фива бўлиб, унда «жануб подшолари» династияси мустаҳкамланган. Осиёлик қабилалар мана шу аҳволдан фойдаланиб, аста-секин дельтага кириб кела бошлаганлар ва у ердаги яйловларни босиб ола бошлаганлар. Осиёлик аскарлар отряд-отряд бўлиб, Куйи Мисрдаги майда подшоларга хизматга кириб, улар қўшини-

нинг асосини ташкил этганлар. Осиёлик қабилаларнинг бошлиқлари бу майда подшочалардан катта-катта ер участкалари ва хатто бутун-бутун областларни бошқаришга олганлар. Гиксослар Мисрга дастлаб типчликча кириб келган бўлсалар, кейин уни ҳарбий йўл билан босиб олганлар. Ичидан заифлашиб қолган Миср осиёлик истилочиларга, гиксосларга ем бўлган. Бу воқеа XIII династиянинг охирги подшолари замонида бўлган бўлса керак. Антик маълумотларда гиксос подшоларидан олтитасининг номи сақланиб қолган. Ўша вақтдан қолган Миср ёдгорликларида, асосан скарабейларда сақланган номлар бундан кўра хийла кўпроқ. Лекин ўша вақтдан колган ва далил була оладиган ёзма маълумотларнинг жуда ҳам камлиги гиксослар истилоси даврини тулатўкис таърифлашга имкон бермайди. Гиксос подшоларининг номларига қараб ҳукм қилганда, гиксослар турли-туман қабилаларнинг бирлашмасидан иборат бўлиб, бу бирлашмага семит қабилалари ва ҳуррит наслидан бўлган қабилалар кирган. Гиксослар Шимолий Мисрда маҳкам ўрнашиб олганлар ва дельтанинг шарқий кисмида ўзларининг бош шаҳари Аварисни қурганлар, кейинроқ вақтдаги Миср тарихий маълумотлари ва антик дунё маълумотлари бунга далилдир. «Аварис» деган ном «Хат-уарит» деган мисрча номга жуда тўғри келса керак, «Хат-уарит» деган ном гиксос подшоларининг ёзувларида ва яна «Салльe I папируси»да, чўллар ва ажнабий мамлакатлар худоси Сэтуга багишланган шаҳар номи сифатида учрайди. Гиксослар дельтанинг шарқий кисмини айниқса қаттиқ мустаҳкамлаганлар. Водн-Тумилатда, Телал-Яҳудия якинида топилган лашкаргоҳ харобалари бунга далилдир. Бу ерда ўтказилган казишлар вақтида Петри скарабейларга, гиксосларга хос сопол буюмлар ва бронзадан ясалган ярог топган. Бу лашкаргоҳ гиксослар ҳарбий техникасини қандай ўзгариб борганлигини ўрганиш пуктаи назаридан айниқса катта аҳамиятга эгадир. Дастлаб, лашкаргоҳ тупроқдан уйиб ясалган каттакон гов билан мустаҳкамланган; лашкаргоҳнинг бундай мустаҳкамланганлиги шу нарсадан гувоҳлик беради ки, мудофаачилар асосан камончилар ва жанг араваларидан фойдаланганлар, улар лашкаргоҳ якинида юзма-юз жанг бўлишига ёки лашкаргоҳнинг штурм қилинишига йўл қўймаслиги лозим бўлган. Лекин кейинчалик бу тупроқ тепа ўрнига қўрғон девори қурганлар, бу нарса гиксосларнинг қадимги мисрликлардан қалъа қуриш илмининг баъзи элементларини ўзлаштириб олганлигини кўрсатади. Фаюм воҳасига кираверишда Абусирал-Маликда ҳам гиксосларнинг яна худди шундай бир истеҳкоми бўлган бўлса ажаб эмас. Танис шаҳарида ўтказилган сунгги қазишлар-

нинг натижалари осиёлик қабилалар дельтанинг жуда ичкарисига кириб борганликларидан гувохлик беради, бу шаҳарнинг деворлари Фаластиндаги ханаанай қабилалари ишлатган бинокорлик техникасининг қоидаларига асосан курилган.

Гиксос подшоларидан кўзга кўринганн Хиан деган подшо бўлган, шу подшо исмининг грекча талаффузи сакланиб қолган бўлиб, греклар уни Ианнас деб юритганлар. Хиандан колган жуда кўп муҳрларда унинг «чет мамлакатлар подшоси», «эзгу подшо», «эзгу худо» деган унвонлари сакланиб колганки, булар четдан кирган унвонларнинг аста-секин Миср фирьавинларида расм бўлган унвонлар билан алмаштириб борилганлигини кўрсатади. Хиан бутун Мисрга ҳукмронлик килган деб ўйлаш мумкин. Унинг исми Куфи ва Юкори Мисрдан чиққан турли хил ёдгорликлардан топилган. Бу даврда савдонинг бир қадар кенгайганлигидан шу нарса гувохлик берадики, Нил водийсидан жуда узоқда бўлган ерлардан, Сурияда ва хатто Крит оролидан Хианнинг исми ёзилган Миср буюмлари топилган. Хианнинг подшолик килган даври гиксос давлатининг ва Мисрда ҳукмронлик килган гиксос подшоларининг энг кучайган даври бўлган бўлса керак.



Тўқув дастгоҳи.

Бани-Хасанда деворга солинган расм.



Рамзес II нинг Сурия қалъасини штурм қилиши.

Фива яқинида Рамессейдаги буртма расм.

IX БОБ

ЯНГИ ПОДШОЛИҚ ДАВРИДАГИ МИСР

Гиксосларнинг Мисрдан ҳайдаб чиқарилиши

Гиксос подшолари Мисрда тахминан эрамиздан аввалги XVIII асрдан то 1580 йилгача ҳукмронлик қилган. Чет элликларнинг ҳукмронлик қилиши мустақил Миср давлатини тиклашга интилган ерли аҳолининг қўзғолон кўтаришига сабаб бўлган. Бундан аввалги даврда бўлганидек, мамлакатни бирлаштириш учун кураш Юқори Мисрдан бошланган, чунки мамлакатнинг бу қисми узининг бир қадар мустақиллигини доим сақлаб келган. Гиксослар билан бўлган бу кураш Фива подшоси Камесу вақтида кучайиб бориб, бегоналар ҳукмронлигига қарши озодлик урушига айланиб кетган. Бу вақтдаги воқеалар кейингироқ замондан қолган адабий асарларда, чунончи адабий-тарихий мавзуда мактаб учун ёзилган бир машқда таърифланган. Бу мактаб машқида, Фива подшоси Камесунинг мамлакатдаги катта амалдорларни ўз саройига чақиргани ва уларга гиксослар билан уруш бошлашни таклиф этгани ҳикоя қилинади.

Камесу бундай деган: «Хўш, айтингларчи, менинг куч-қувватим нимага хизмат қилади. Бир князь Аварисда ўтирипти, яна биттаси Нубияда ўтирипти, мен бўлсам, бу ерда осиёлик ва негр билан бирга ўтирибман. Ҳар биттаси Мисрнинг бир бўлагига ҳукмронлик қиляпти, бутун мамлакатни ва хатто Мемфисни ҳам мен билан бўлишиб олиб ўтирипти. Мана, Шмун ҳам унинг қўлида, ҳеч ким унга қаршилик қилаётгани йўқ. Мен уни тапга босиб, ичак-чавағини ағдариб ташлайман.

Менинг мақсадим — Мисрни қутқариш ва осиёликларни ер билан яксон қилишдир».

Лекин Камесунинг ғазаб билан айтган, жанговар руҳдаги гапларига кенгашга йиғилган ҳоким табақа вакиллари хайрихоҳлик кўрсатмаганлар. Уларнинг подшога қараганда шахти анча паст бўлиб, улар подшога мудофаа сиёсатига амал қилишни таклиф этганлар. Лекин подшо уларнинг фикрига қўшилмаган. Уларга жавоб бериб, бундай деган:

«Сизларнинг фикрларингиз нотўғри, сиз шундай десангиз ҳам, барибир мен, осиёликлар билан жанг қиламан... Ахир, бутун мамлакат йиғламоқда. Фивада одамлар менинг тўғримда «Камесу — Мисрнинг ҳимоячиси» деб айтади».

Сўнгра, бу асарда Фива подшоси Камесу томонидан гиксосларга қарши бошланган қонли уруш ва Камесунинг осиёлик қабилалар устидан қозонган ғалабаси гапирилган. Асарнинг автори Камесуни Мисрни бегоналар зулмидан озод қилиш учун кураш олиб бораётган халқ қаҳрамони қилиб тасвирлаган.

Камесудан кейинги Фива подшоларидан бири Яхмос I гиксослар устидан узил-кесил ғалаба қозонган, у XVIII Фива династиясига асос солган подшо деб ҳисобланади. Яхмос I нинг ҳарбий фаолиятини биз унинг катта мансабдорларидан бири Яхмос Йабана ўғлининг бизнинг замонимизгача яхши сақланиб қолган таржимаи ҳолидан биламиз. Бу тарихий ҳужжатда Яхмос I нинг чет элликлар билан қилган уруши даврларга бўлиб таърифланган. Қуруқликда ва сувда бўлган бир неча жанглардан кейин Миср қўшинлари гиксосларнинг дельтадаги асосий таянч пункти бўлган Аварис шаҳрини қамал қилганлар. Гиксосларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамасдан, мисрликлар уларнинг қўшинларини тор-мор қилиб, Мисрдан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлганлар. Миср қўшинлари яна, гиксосларни қувлаб бориб, Осиёга ҳам кирганлар, улар гиксосларнинг Олд Осиёдаги ҳокимият марказларини эгаллаб олишга интилганлар.

Мисрнинг чет элликлар зулмидан озод қилиниши, мамлакатнинг Фива подшолари қўл остида бирлаштирилиши ва бир бутун, мустақил ва ўз ҳолича яшовчи давлатнинг тикланиши Миср фиръавнларининг ўзларидан аввалги подшолар юритган истилочилик сиёсатини қайтадан ишга солнишларигагина эмас, балки бу сиёсатни яна кенгайтиришларига ҳам имкон берган. Яхмос I бу сиёсатни тиклаб, Мисрдан ташқарида, Олд Осиёда гиксослар устидан катта-катта ғалабаларга эришган. Ўша вақтдан қолган ёзувларга қараганда, Миср қўшинлари то Финикия ва Сурия областларигача кириб борганлар. Яхмос I Нубияда айниқса катта муваффақиятлар қозонган. У,

Нубиянинг илгари Миср подшолари қўл остида бўлган областларини яна қайтадан истило қилган.

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши

Янги Подшолик давридаги мақбараларининг деворларида сақланиб қолган тасвирлар Мисрда хўжалик ҳаётининг янада тараққий этганлигини кўрсатади. Номларда қишлоқ хўжалиги ҳам, шунингдек ҳунармандлик ҳам тараққий қилган. Ишлаб чиқариш борган сари ихтисослашиб ва тобора концентрлашиб борган. Амалдор Хаемхет мақбарасининг деворларида деҳқончилик ишлари, чунончи, сўка билан ер ҳайдаш, мотига билан ер ағдариш ва болға билан ер юмшатиш тасвирлангани; бу ишларнинг ҳаммаси бирданига 20 киши томонидан бажарилаётгани кўрсатилган. Деҳқончиликда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ҳали бу даврда ўзининг ибтидоий характерини сақлаб қолаверган. Бунинг сабаби эса иш кучи арзон бўлиб, қулдорлар қулларга такомиллаштирилган меҳнат қуроллари тайёрлаб беришни истамаганлиги ва, ниҳоят, ернинг серунум бўлганлигидир. Аммо XVIII династия замонидан эътиборан техника сохасида бир қадар прогресс кўрина бошлайди, жумладан деҳқончилик қуроллари бирмунча мукаммаллаштирилган. Масалан, сўканинг формаси ўзгартирилган, унга кўндаланг қилиб қўйилган ёғочга узуроқ қилиб ишланган даста биркитилган. Ўша вақтлардаёқ алмашлаб экиш системаси маълум бўлган, куэги ва баҳори экинлар ҳам экилган деб фараз қилиш учун асослар бор. Қишлоқ хўжалигидаги янгиликларни назорат қилиб туриш вазифаси бош амалдорга — вазирга топширилган. Вазирга берилган йўл-йўриқда (бунинг тексти Рехмир мақбарасида сақланган) вазирнинг областлардаги ҳокимларга ва қишлоқ бошликларига «далаларни ёзда ҳайдаш» тўғрисида фармон бериш лозимлиги айтилган. Бу факт агрономия техникасида бир қадар ўсиш бўлганлигини кўрсатади. Давлат ҳокимияти сугориш тармоқларининг ишини текшириш билангина чегараланиб қолмаган, балки мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ҳаётига актив суратда аралашган, деҳқончилик хўжалигини кучайтиришга ҳаракат қилган. Бунинг сабаби эса аграр мамлакат бўлган Мисрда экономиканинг ривожланиши асосан деҳқончилик хўжалигининг тараққийсига боғлиқ бўлганлигидир.


Шу билан бирга, ҳунармандлик ишлаб чиқариши ҳам тобора ривожланган. Фива мақбараларининг деворларида сақланган кундан-кун тасвирлар ва уларга берилган ёзувлар ҳунармандлик ишлаб чиқаришининг ривожланганини кўрсатади. У даврда кўпроқ катта ибодатхоналарга қарашли ва ўз замонаси учун йирик ҳунармандлик устахоналари бўлган. Нофер Ронпет мақбараси деворларида (XIX династия



Деҳқончилик ишлари.
Янги Подшолик даврида деворга солинган расм.

замони) Амон ибодатхонасининг 20 дан ортиқ киши ишлаб турган устахонаси тасвирланган. Бироқ вазир Рехмир мақбараси деворларида сақланиб қолган тасвирлар айниқса муҳимдир, бунда Фивадаги Амон ибодатхонасига қарашли йирик ҳунармандлик хўжалиги, катта-катта ҳунармандлик устахоналари тасвирланганини кўрамиз. Бундай катта устахоналарда 150 тача ҳунармандлар: металлсозлар, ёғочсозлар, кўнчилар, бинокорлар, ҳайкалтарошлар ва ҳоказолар ишлаган. Бу ҳунармандлар орасида чет эллик қуллар ҳам бўлган, буни Рехмир мақбараси деворларида сақланиб қолган тасвирлар ва ёзувлар жуда аниқ кўрсатади. Тутмос III подшолик қилган даврда вазир, пойтахт бошлиги ва олий судьялик мансабларини эгаллаган бу олий амалдор айни замонда «Амон ибодатхонасининг бошлиги» ва «Фивада Амоннинг ҳамма ишларининг мудири» вазифасини ҳам бажарган. Шунинг учун Амон ибодатхонасидаги ҳамма устахоналар унга бўйсунган ва шу сабабдан бу устахоналар унинг мақбараси деворларида жуда тафсилий тасвир этилган.

Бутун ҳунармандлик ишлаб чиқариши ичида металлургия энг катта аҳамиятга эга бўлган; металлургиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши техникада ҳам, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида ҳам бутун бир ўзгариш ясади. Меҳнат қуроллари ва қурол-яроғ тайёрлашда металлургия алоҳида аҳамиятга эга эди. Металлдан ясалган меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар секин-аста бўлса-да тошдан



Деҳқончилик ишлари.

Сеннежем мақбарасининг деворига солинган расм. Янги Подшолик.

ясаладиган меҳнат қуроллари ва қурол-яроғларни қатъий суратда сиқиб чиқарган, бу ҳол жуда примитив техника соҳасида анча юксалишга сабаб бўлган. Бу соҳада XVIII династия замонида айниқса олдинга қараб кетилган, ундан олдин пайдо бўлган бронза бу замонда Мисрда жуда кенг тарқала бошлаган, мис ва мис буюмларни секин-аста сиқиб чиқара борган. XVIII династия замонида металлургия техникасининг эски усуллари такомиллаштирилган, булар ичида тоблаш ва қуйиш айниқса кенг ўрин олган бўлиб, улар Фива мақбаралари деворларида жуда яхши тасвир этилган. Масалан, Инуим-Ра мақбараси деворларида 12 уста ишлайдиган қуйиш устахонаси тасвирланган. Бу даврда мис ва бронзадан ҳар хил буюмлар: қурол ва асбоблар — болта, ирра, мотига, пичоқ, болға, қурол-яроғлар — қилич, ханжар, ойболта, найза учи ва ёйлар; рўзғорда ва маросимларда ишлатиладиган идишлар; ҳудолар, подшолар, муқаддас йиртқич ҳайвонларнинг ҳайкалчалари ва бошқа ҳар хил бадиий ҳамда ҳунармандчилик буюмлари, шунингдек рўзғор ва эътиқод учун зарур бўлган ҳар хил нарсалар ясалган ва буларнинг ҳаммасининг жуда кўп намуналари бизнинг замонамизгача сақланиб қолган, улар музейларда, жумладан

Москва Тасвирий санъат музейида сақланади. XVIII династия давридаги ҳунармандлик қурол ва асбоблари тўғрисида Корнакдаги Тутмос III ибодатхонасидаи чиққан ва шу подшонинг номи ёзилган болта, пойтеша ва кесиш асбоби аниқ тасаввур беради, бу асбоблар жуда яхши сақланган «6 қисмдан иборат бронза» деган махсус термин ишлатилганлиги ҳар хил қотишмалар тайёрлаш техникасининг анча тараққий топганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, заргарлик ишлари ҳам анча юқори тараққий қилган, бунга ҳукмдор қулдорлар аристократияси синфининг хийла бойиб кетиши сабаб бўлган, XVIII династия замонида олтиннни ишлашнинг тамомила янги усули пайдо бўлган, жумладан олтиндан ингичка иплар тортилиб, ундан жуда нафис запжирлар ясалган. Фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган ажойиб бадиий ҳунармандлик буюмлари, хусусан олтин ва кумушдан гоят нафис қилиб ясалган бадиий буюмлар Янги Подшолик даврида Мисрда ҳунармандлик ишлаб чиқаришининг жуда яхши тараққий қилганлиги тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Савдо

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ички ва ташқи савдонинг ривожланишига сабаб булган. Янги Подшолик даврида Мисрнинг қўшни мамлакатлар билан бўлган савдо алоқаси тобора кенгайган. Сурнянинг айрим областлари билан Мисрнинг савдо алоқалари мустаҳкамланган, мисрликлар у ердан қишлоқ хўжалик муҳсулотлари — дон, шароб, асал ҳамда чорва моллари олиб келганлар. Мисрликлар Ливан областларидан кўплаб бинокорлик ёғочлари келтирганлар. Ниҳоят, мисрликлар Сурнянинг катта шаҳарларидан Сурия ҳунармандлигининг қимматбаҳо буюмларини олиб келганлар. Мисрликлар Сурия орқали узоқроқ мамлакатлардан — Хетт давлатидан, Эгей денгизидаги ороллардан ва Месопотамиядан жуда кўплаб товарлар келтирганлар. Мисрликлар Сурия билан савдо-сотиқ ишларини ҳам қуруқликдаги йўллар, ҳам сув йўллари орқали олиб борганлар. Бу даврда мисрликларнинг денгиз флоти бўлган ва шунинг учун улар товарларни Суриядан елканли кемаларда олиб келганлар. Суриядан Миср савдосининг энг муҳим таянч пунктларидан бири Библ шаҳри бўлган. Миср савдоси учун Библ шу қадар катта аҳамиятга эга булганки, Библ князларидан бири бўлмиш Риб-Адди исмли бир князь фиръавнга ёзган бир хатида Библни бу жиҳатдан Мисрнинг қадимги пойтахти Мемфис билан тенглаштирган; у: «Мана Библ! Подшо эгам учун Мемфис қандай бўлса, Библ ҳам худди шундайдир»,— деб ёзган. Суриядан Мисрга жуда кўп товарлар карвон билан

ташилган. Сурия князлари ўз хатларида кўпинча Мисрга карвон юборганликлари тўғрисида ва бу карвонларни ҳарбий отрядлар қўриқлаб борганлиги тўғрисида ёзганлар. Сурия князи Пу-Баалу хатида Мисрга юбориш учун «жуда ажойиб карвон» тайёрлаётганини ёзган.

Бу даврда мисрликлар бир қатор янги мамлакатларга, чунончи, Кипр, Кичик Осиё, Месопотамияга савдо экспедициялари ва истилочилик ниятида қўшин юборганлар. Бу вақтга келиб Синайдаги мис конлари ишлатилиб тугай деб қолганлиги сабабли, мисрликлар ўзларига зарур бўлган миснинг янги манбаларини қидиришга мажбур бўлганлар. Янги Подшолик даврида мисрликлар Кипр оролидан айниқса кўп мис келтирганлар, Кипр ороли қадим замонда ўзининг жуда катта мис конлари билан ном чиқарган. Ўша вақтдан сақланиб қолган баъзи ҳужжатларда Кипр оролидан Мисрга жуда кўплаб мис юборилгани ҳақида гапирилади. Масалан, Кипр подшоси Миср фиръавнига бундай деб ёзган: «Мен сенга 500 талант (15 000 килограмм — *В. А.*) мис юбордим. Мен буни биродаримга совға қилиб юбордим. Биродар, миснинг озлигини кўнглингга олма. Менинг мамлакатимда эгам Нергалнинг қўли (яъни вабо — *В. А.*) мамлакатимдаги одамларнинг ҳаммасини қириб юборди. Энди мисни тайёрлайдиган ҳеч ким йўқ. Кипр подшоси бошқа бир хатида Миср фиръавнига, Мисрга яна 80 талант мис юборгани тўғрисида, Мисрга юбориш учун тағин кўп миқдорда мис тайёрлаётгани ва бунинг учун махсус флот ҳозирлаётгани ҳақида ёзган. Кипр подшоси Миср фиръавнидан, миснинг эвазига бўлса керак, унга бошқа хил товарлар юборишни сурайди. Бошқа хатлардан маълум бўлишича, мисрликлар Кипрга кумуш ва бадиий ҳунармандликнинг қимматбаҳо буюмларини олиб борганлар, Миср ўша вақтда мана шу бадиий ҳунармандлик буюмлари билан донг чиқарган эди. Ўрта денгизнинг шарқидаги мамлакатлар билан Миср савдосининг ривожланиши денгиз билан қатнайдиган кемаларни жуда яхши қўриқлашни талаб қилган. Миср фиръавнлари денгиз қароқчилари билан тинмай кураш олиб бориб, бу ишда Кипр подшосидан ҳам ёрдам сўраганлар; Кипр подшосининг катта флоти бўлган ҳамда у Миср давлати билан тинч савдо алоқаларини давом эттиришдан манфаатдор бўлган.

Бу даврда Кичик Осиёдан, хусусан унинг хеттлар жойлашган шарқий областларидан Мисрга темир келтирилган. Темир ўша вақтларда Мисрда нодир металл ҳисобланган. XVIII династия фиръавни Тутанхамон мақбарасидан атиги

бир нечтагина темир буюм топилган. Хетт подшоси Хаттушилнинг Миср фиръавни Рамзес II га юборган бир хатида Мисрга темир юборилгани тўғрисида гапирилади. Бошқа бир хатда Хетт подшоси Миср фиръавнидан унга қимматбаҳо металлардан ясалган ҳайкаллар юборишни сўрайди, ўзи эса Мисрга кумуш юборади. Ўша вақтда Хетт мамлакатида кумуш сероб бўлган. Баъзи хатларга қараганда, Мисрнинг XVIII династия фиръавнлари Хетт подшоларидан ташқари, айрим Хетт князликларининг князлари билан, масалан, Арзава князлигининг князи билан савдо алоқалари ўрнатишга ҳаракат қилганлар.

Миср савдоси яна шимоли-шарққа, Месопотамия областларига кириб борган. Иккидарё оралиғининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Митанни давлатидан бронза, ложувард, газмол, кийим-кечак, ёғ, жанг аравалари, отлар ва қуллар олиб келганлар. Мисрликлар Бобилдан ҳам худди шундай товарлар, яъни кумуш, ёғочдан ясалиб олтин ва фил суяги билан безатилган қимматбаҳо буюмлар келтирганлар. Миср билан Осурия ўртасида ҳам савдо алоқалари ўрнатилган. Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, мисрликлар Осуриядан жанг аравалари, отлар ва ложувард келтиргаплар. Марида эрамиздан аввалги XIV—XIII асрлардан қолган Осурия мозорларини қазиш вақтида, Янги Подшолик давридаги Миср скарабейлари топилди, бу эса ўша вақтда Миср буюмларининг Осурияга кирганлигини кўрсатади. Мисрликлар Олд Осиёдан олган товарлари эвазига у ерга, асосан қуйма олтин ёки олтин буюмлар, фил суяги, ёғочдан ишланиб олтин, фил суяги ва ложувард билан безатилган буюмлар, газмол ва кийим-кечак, яъни асосан қимматбаҳо металлар ва ҳунармандлик буюмлари юборганлар. Шу билан бирга, Мисрнинг Эгей денгизидаги оролларга ва Грециянинг материк қисмига жойлашган Эгей қабилалари билан савдо алоқаси кенгайтирилган. Миср буюмларининг Эгей денгизи районига олиб кирилганлигига шу парса далилки, Микенада Миср скарабейлари, лойдан ясалиб, сирланган ва Аменхотеп III нинг (эрамиздан аввалги 1455—1424) номи ёзилган идишлар топилган. Критдаги Кнос саройи харобаларида, яна Родосда ва Кипрда Миср ҳунармандлиги буюмларидан жуда кўп парса топилган эди. Топилган парсаларга қараганда, мисрликлар Эгей денгизи районига олтин, тошдан ясалган идишлар, фил суяги, бадиий ҳунармандлик буюмлари, хусусан чинни буюмлар олиб борганлар. Шунингдек, Мисрнинг то Нубиягача ҳамма жойида Эгей буюмлари топилган. Ўша замондаги кўпгина Миср мақбараларининг деворларида, Эгей савдогарлари ва бож тўловчиларнинг

Эгей денгизи мамлакатларида қилинган буюмларни кўтариб бораётганлиги тасвирланган. Бу даврда Эгей санъати Миср санъатининг ривожланишига бир қадар таъсир этган. Буларнинг ҳаммаси Миср билан Эгей денгизи мамлакатлари ўртасида маданий ва савдо алоқаларининг мустаҳкамланганини кўрсатади.

Ниҳоят, Мисрнинг жанубдаги областлари билан, Нубия ҳамда Пунт мамлакатлари билан савдо алоқаси хийла кучайган. Ўша даврдан қолган жуда кўп ёзувларда, мисрликларнинг жанубдаги олис ва бой мамлакатларга қилган сафарлари ва юборган савдо экспедициялари баён этилган. Малика Хатшепсут подшолик қилган даврда (эрамиздан аввалги 1525—1503 йиллар) Пунт мамлакатига айниқса катта ҳарбий савдо экспедицияси юборилган. Шу экспедициядан эсдалик тариқасида бўлса керак, Мисрнинг пойтахти Фива яқинида устун тизмалари билан жуда яхши безатилган ғорсимон бир ибодатхона қурилган. Ибодатхонанинг деворларида Пунт мамлакатига юборилган шу экспедициянинг баъзи эпизодлари ва Пунтнинг бойликларини олиб келиш учун уюштирилган елкан-эшкакли кемалардан иборат катта денгиз флоти тасвирланган. Рассом аҳолиси асл негроид қабилаларидан иборат бўлган Пунт мамлакатига мисрликларнинг етиб келишини тасвирлаган. Пунтликларнинг ва ўша жой манзарасининг тасвирларига қараганда, бу мамлакат Африканинг шарқида бўлган. Ибодатхона деворларида пальмалар, маймунлар ва сўри уйлар тасвирланган. Маълумки, сўри уйлар Африканинг баъзи областларида шу маҳалгача сақланиб қолган. Ниҳоят, шу ибодатхонанинг деворларида Миср флотининг омон-эсон ўз ватанига қайтиб келгани тасвирланган. Ёзувларда Пунт мамлакатидан келтирилган ўлжа муфассал равишда бирма-бир кўрсатилган. Миср кемалари «Пунт мамлакатининг ажойиб буюмларини: бу илоҳий мамлакатнинг ҳар турли ҳушбўй дарахтларини, тоғтоғ мирра смоласини ва янги кесилган мирра дарахтларини, қора дарахт ва асл фил суягини, кумуш ва олтинларни, киннамон дарахти, исириқ, сурмалар, павианлар, мартишкалар, итларни, жанубнинг қора қоплон териларини, ўша ерли бандиларни ва уларнинг болаларини оғир қилиб» ортган ҳолда қайтиб келганлар.

«Шимолда яшаган подшолардан ҳеч қайсисига бунақа буюмлар ҳеч келтирилган эмас». Шу ердаги бошқа ёзувларга қараганда, бу ўлжанинг анчагина қисми Фивадаги худо Амон ибодатхонасига берилган. Афтидан, бу катта савдо экспедицияда коҳинларнинг ҳам ҳиссаси бўлган. Натурал хўжалик асосий роль ўйнаганлиги учун савдо ҳали ҳам

ўзининг айирбошлашдан иборат қадимги шаклини сақлаб қолган. Лекин қийматнинг товар эквиваленти, жумладан металларнинг аҳамияти тобора ортиб борган, булар аста-секин, ўзининг товарлик аҳамиятини ҳали бутунлай йўқотмасдан, примитив шаклдаги ўлчовли металл пулларга айланиб борган. Ҳар турли товарларнинг қийматини белгилаш учун маълум оғирликдаги металл қуймалари — олтин, кумуш ва мис қуймалари ишлатилган. Шундай қилиб, аста-секин алоҳида ўлчов пул системаси майдонга келган; бу системага 91 граммга тенг бўлган оғирлик бирлиги, яъни дебен асос қилиб олинган. Дебен ҳам 10 та майда булакчага бўлинган.

XVIII династия фиръавнларининг истилочилик урушлари

Истилочилик сиёсатининг тикланишига мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши кўп даражада сабаб бўлган. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг тараққий қилиши, хом ашё ҳамда қулларга бўлган доимий эҳтиёж ва бундан кейин ташқи савдони янада кенг ривожлантириш зарурлиги Мисрнинг XVIII династия фиръавнлари зўр бериб олиб борган талончилик-босқинчилик урушларининг асосий сабаблари булган; бу вақтда Миср йирик ва кучли давлатга айланиб, жаҳон тарихи майдонида кўзга кўринарли ўрин олган. Шундай қилиб, Мисрнинг бу вақтдаги ҳарбий босқинчилик сиёсати қулдорлик хўжалигининг ривожланиши билан жуда маҳкам боғланган эди.

Мисрликларнинг иқтисодий экспансия йўли Мисрнинг ҳарбий босқинчилик сиёсатининг тараққий қилиб боришини кун жиҳатдан белгилаб берган. Мисрликлар учун энг муҳим хом ашё манбаларини ва уларнинг савдо экспедицияларини қўшни мамлакатларга борадиган савдо йўлларини ўз қўлларига киритиб олишлари зарур бўлган. Шунинг учун Миср фиръавнлари асосан шимоли-шарққа, Фаластин ва Сурияга ҳамда жанубга, Нубияга қарши истилочилик урушлари олиб боришган.

Мисрнинг XVIII династия фиръавнлари истилочилик сиёсатини кенг ривожлантирганлар, истилочилик мақсадида бир неча марта катта-катта юришлар қилганлар. Узоқ давом этган бу урушлар натижасида бутун Сурия босиб олинган; босиб олинган Сурия ерлари шимолда Кичик Осиё чегарасигача, шимоли-шаркда эса то Фротнинг катта бурилишигача чўзилиб борган. Яхмос I дан кейинги дастлабки подшолар Фаластин ва Сурияни муттазам равишда ва планли равишда истило қила бошлаганлар. Лекин Тутмос III (эр. ав. 1525—1491 йиллар) айниқса катта истилочилик урушлари олиб борган, у узоқ вақт подшолик қилиб, ўз подшолиги даврида

Сурияга кўп марта қўшин тортиб борган. Тутмос III нинг бу харбий юришлари ўша вақтлардан сақланиб қолган катта йилномада таърифланган.

Мисрнинг ўша вақтдаги ҳарбий тарихига оид муҳим фактларнинг ҳаммаси муфассал ёзиб қолдирилган, яна уларнинг кўпи адабий шаклга солинган, бу парса Сурияда Миср қўшинларининг қандай силжиб борганлигини, айрим жангларни, мустаҳкамланган шаҳарларнинг қамал қилинишни ва штурм қилиб олинишини жуда аниқ тасаввур этишга имкон беради. Тутмос III ўз подшолигининг 22—23 йилларида Сурияга биринчи марта қўшин тортиб борган. Бундан мақсад Суриядаги Кадеш шаҳрининг подшоси бошчилигида Мисрга қарши иттифоқ тузган Сурия князларининг қўзголонини бостириш бўлган. Магиддо шаҳри ёнида ҳал қилувчи жанг бўлиб, Миср қўшинлари душман устидан порлоқ ғалаба қозонган. Осиёликлар «қўрқанларидан саросимага тушиб, отларини, олтин ва кумушдан ясалган жанг аравларини ташлаб, Магиддога қараб қочардилар. Шаҳар аҳолиси одамларни кийимидан тортиб юқорига, шаҳарга чиқариб оларди; шаҳар аҳолиси дарвозаларни бекитиб олган ва уларни шаҳарга киритиш учун кийимларини пастга туширар эди». Мисрликлар Магиддо ёнида осиёликларнинг катта қўшинларини тор-мор қилиб, жуда катта ўлжа қўлга туширганлар. Миср йилномачиси кўп моддий бойликларнинг босиб олинишига катта аҳамият бериб, бу ерда қўлга туширилган бойликларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб кўрсатади: «Ўшанда уларнинг отлари қўлга тушди; уларнинг олтин ва кумушдан қилинган жанг аравалари ўлжа тушди... Уларнинг жангчилари балиқка ўхшаб ерда чўзилиб ётарди. Подшо ҳазратларининг голиб армияси айланиб, ўлжани ва ўзининг ҳиссасини ҳисобга олиб чиқди. Мана ўша



Миср маликаси Хатшепсут портрети.

Гранитдан қилинган бўртма расм. Янги Подшолик. XVIII династия. Бостон музейи.


лаънати душманнинг (Қадеш князининг — *В. А.*) чодири ҳам қўлга олинди, ичида унинг ўғли бор экан... Амоннинг ўз ўғлига бахш этган ғалабаси учун бутун армия шод-хуррам бўлиб, Амонга миннатдорлик билдирди... Улар қўлга туширган ўлжаларини олиб келдилар, бу ўлжа... тирик асирлардан, отлардан, жанг араваларидан, олтин ва кумушдан иборат» эди.

Йилноманинг мана шу парчасидан кўриниб турибдики, мисрликлар қўлга туширилган ўлжадан «тирик асирларга», олтин ва кумушга, отларга ва жанг араваларига айниқса катта аҳамият берганлар, «тирик асирларни» улар қулларга айлантирганлар, отлар билан жанг аравалари гиксослар истилосигача мисрликларга маълум бўлмаган.

Йилномада яна, фиръавннинг қўмондонлиги остида Миср қўшинлари жуда катта стратегик аҳамиятга эга бўлган Магиддо қалъасини ўраб олиб, уни қамал қила бошлаганлари гапирилади. Қамал муваффақият билан тугаган, қалъа олинган, қамалдагилар эса ғолибга таслим бўлган. Энди Тутмоснинг қўшини учун Сурияга йўл очилган. Миср қўшинлари яна шимолга қараб силжиб бориб, Ливаннинг жанубий чегараларига етганлар ва бир қанча шаҳарларни олганлар. Тутмос III бу муҳим районни ўз қўлида сақлаб қолиш учун Ливан тоғ тизмалари орасида қалъа қурган ва бу қалъага «чет элликларни боғловчи Тутмос» деб ном берган.

Тутмос III Сурияга қилган бундан кейинги юришларида яна катта ғалабаларга эришган. У Финикиянинг муҳим шаҳарларини эгаллаган ва, шундай қилиб, Ўрта денгиз кирғоқларига маҳкам ўрнашиб олган. У, Сурия қўшинлари устидан тўла ғалаба қозониб, Оронт дарёсидаги энг муҳим мустаҳкам пунктни — Кадешни босиб олган. Ниҳоят, муваффақиятли чиққан бир неча манёврдан кейин Тутмос III Шимолий Сурияга кириб бориб, йирик шаҳар Халпа (Алеппо)ни эгаллаган, Кархемиш ёнида Митанни қўшинлари устидан ғалаба қилган ва Фрот дарёсидаги ҳарбий жиҳатдан муҳим пункт бўлган Нияни қўлга олиб, Фрот дарёсининг нариги томонига ўтиб кетган.

Шундай қилиб, Тутмос III Сурия қабилалари билан олиб борган шу қаттиқ кураши натижасида бутун Сурияни истило қилишга ва ерли аҳолининг бир қанча қўзғолонларини бостириб, бу ерда Миср ҳукмронлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган. Тутмос III нинг олиб борган бу истилочилик урушлари Осиёда Мисрнинг таъсирини шу қадар кучайтириб юборганки, Осиёнинг бир қанча подшолари, чунончи, Бобил подшоси, Осурия ва Хетт подшолари Миср қўшинлари-



Кулга жазо бериш.

Менена мақбараси деворидаги расм. Янги Подшолик.

нинг истилосидан қутулиш максадида Мисрга хирож юбора бошлаганлар. Бу вақт Мисрнинг ҳарбий қудрати ва унинг Олд Осиёдаги сиёсий таъсири энг кучайган бир даври булган.

XVIII династия фиръавнлари ичида охирги истилочилардан бири Аменхотеп II (эрамиздан аввалги 1491—1465 йиллар) бўлиб, у, Сурияга бир неча марта катта-катта ҳарбий юришлар қилган. Бу юришларнинг муфассал тасвири яқинда Мемфис харобаларидан топилган жуда муҳим ёзувларнинг текстларида сақланган. Аменхотеп биринчи юриши вақтида ўзига бўйсунмаган князларнинг кўшинларини тор-мор этиб ва шаҳарларини хароб қилиб, Фаластин оркали жуда тез силжиб борган. Сўнгра фиръавн ўз кўшини билан Оронта дарёсига бориб етиб, бу дарёни кечиб ўтган ва бир неча муваффақиятли жангдан кейин то Фротгача бутун Шимолий Сурияни ишгол қилган. Миср қўшинлари бу бой областнинг энг муҳим шаҳарларини, жумладан Ўрта денгиз бўйида жойлашган муҳим иқтисодий марказ ва стратегик пункт бўлган катта Угарит шаҳрини эгаллаган. Аменхотеп II ўша муваффакиятли ҳарбий юришлар натижасида Фрот дарёси қирғоқларига бориб етган ва бу дарёни ҳатто кечиб ўтиб, шу тариқа, Митанни мамлакатига ҳам бориб кирган бўлса ажаб эмас. Хар ҳолда сақланиб қолган ёзувларда: «Митанни йўлбошчилари подшодан ширин ҳаёт ато этишини сўраб, елкаларига хирож юклаганлари ҳолда унинг (Аменхотеп II нинг — *В. А.*) ҳузурига келдилар. Одатдан ташқари ҳодиса! Худолар бунёд бўлгандан буён бунакасини сира қулоқ эшитган эмас! Аввалари Мисрни билмаган бу мамлакат, ҳозир марҳаматли худога ёлвора-



Қул негрлар.

Янги Подшолик давридаги бўртма расм

ди»,— дейилган. Бу юришдан икки йил утгач, Аменхотеп II Фаластинга иккинчи юриш қилган; бу юриш вақтида у ўз душманларини тор-мор келтирган, бир неча шаҳарни эгаллаган, жуда кўп асирлар ва кўп ўлжа олиб келган. Мемфис ёзувларида Аменхотеп II нинг шу икки юришида қўлга киритган ўлжалари бирма-бир санаб кўрсатилган. Агар ундаги маълумотлар кўпиртирилмаган бўлса, фиръавн 101218 асир, шунингдек жуда кўп ўлжа — «уларнинг беҳисоб ҳамма мол-мулки, уларнинг ҳамма майда чорваси, уларнинг беҳисоб ҳамма чорва моллари, олтин ва кумушдан ясалган 60 та жанг аравaси, ёғочдан ясалган 1032 та жанг аравaси ва уларнинг ҳамма анжом-асбоблари, 3050 та (отиғ?)» қўлга киритилган. Бу ёзувга кўра, Миср фиръавнларининг истилочилик юришларидан даставвал кузатган максади жуда кўп миқдор асир олиш бўлган, одатга кўра, уларни қўлга айлантирганлар. Бу қулларни босиб олиш Мисрнинг қуллорлик хўжалигини ривожлантириш учун зарур бўлган, чунки қулдорлар қулларнинг

сув текин қул меҳнатига доим муҳтож бўлиб турган. Шу билан бирга, бу урушларда ҳар хил ўлжа олиш мақсади ҳам кузатилган. Аменхотеп II Сурия ва Фаластиндан кўп олтин, мис, от ва жанг аравалари олиб келган; у замонда бу нарсалар Мисрда жуда ҳам қадрли бўлган.

Миср фиръавнлари Суриянн истило қилибгина қолмаганлар. Улар Нубияни ҳам Нилнинг то тўртинчи остонасигача босиб олганлар; шу билан бирга, бу ерда Тутмос III ҳаммадан кўра катта истилолар қилган. Тутмос III замонидан унинг ўзига бўйсундирган Нубия областларининг рўйхати қолган. Нубиянинг истило қилиниши мисрликларга жанубдаги мамлакатларнинг табиий бойликларини эксплуатация қилишга имкон берган. Мисрликлар бу мамлакатлардан, асосан Нубиянинг олтинга бой районларидан олтин келтира бошлаганлар. Юк ташишни енгиллаштириш мақсадида Нилнинг биринчи остонаси олдидаги канал қайтадан тозаланган. Мисрликлар борган сари жануброққа кириб бориб, аста-секин Нубияга урнашиб ола бошлаганлар, улар энг муҳим савдо йўлларини қўлга киритиб олиш ва жанубдаги бу бой областларни ўз таъсирларига бўйсундиришга ҳаракат қилганлар.

Аменхотеп III даврида Миср (эрамиздан аввалги 1455—1424 йиллар)

Миср фиръавнларининг Сурияда ва Нубияда жуда узоқ вақт олиб борган урушлари Миср мамлакатининг мадорини қуритган. Шунинг учун ҳам Аменхотеп III подшолик қилган замонда катта урушлар қилинмаган. Аменхотеп III тинчликка асосланган тинч сиёсат юритган. У жуда катта архитектура иншоотлари бино қилдирган, чунончи, Фивада жуда катта устунлар билан безатилган ҳашаматли ибодатхоналар қурдирган. Бу қурилишлар унинг номини ва қурилиш соҳасида қилган ишларини бир неча асрларгача сақлаб келган. Аменхотеп III нинг тинчлик сиёсати юритишга мамлакатда тирик кучларнинг камайиб кетганлиги кўп жиҳатдан сабаб бўлган. Миср фиръавнлари энди Мисрнинг Осиёдаги сиёсий таъсирини қурол ишлатиб ва қўшин кучи билан эмас, балки дипломатия ва олтин ёрдами билан сақлашга мажбур бўлганлар.

Дипломатия

Мисрнинг ўша вақтдаги халқаро муносабатлари XVIII династия охиридаги Миср фиръавнларининг Ал-Амарнада топилган катта давлат архивидаги материаллардан бизга яхши маълумдир. Бу архивда Бобил, Осурия, Митанни, Хетт давлатлари ва Кипр подшоларининг, яна Сурия ва Фаластиндаги кўп князь ва ҳокимларнинг Миср фиръавнига юборган дипломатик хатлари сақланиб қолган. Ал-Амарна архивидаги хатлар жуда қимматли тарихий материал бўлиб, ўша вақтда дипломатияпинг қай

даражада ривожланганлигини ёркин суратда таърифлаб беради. Шу хатларга қараганда Миср Олд Осиёдаги бир қатор давлатлар билан жуда мустаҳкам савдо ва дипломатия муносабатида бўлган. Айрим давлатлар ўртасида бўладиган музокаралар махсус элчилар ёрдами билан олиб борилган. Бу музокаралар натижасида кўпинча ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва битимлар тузилган, бу иттифоқ ва битимлар қаттиқ сир тутилган. Сиёсий иттифоқлар, чунончи, Миср билан Митанни ўртасидаги иттифоқ каби, кўпинча династик никоҳлар қилиш йўли билан мустаҳкамлапгаи. Элчилар орқали оғзаки ёки ёзма равишдаги дипломатик музокаралар баъзида ҳар турли низоларни бартараф қилишга қаратиладиган бўлган. Масалан, Бобил подшоси бир хатида Миср фиръавнидан Бобил карвонини талашда айбдор бўлган кишиларга жазо берилишини сўраган. Бошқа бир хатда Бобил подшоси Миср-нинг Сурия билан бевосита дипломатик муносабат ўрнатганлигига қарши норозилик билдирган, чунки Бобил подшоси Сурияни ўзига тобе мамлакат деб ҳисоблаган. Митанни подшоси бир хатида Миср фиръавнига чегара шаҳарларини алмаштиришни таклиф қилган. Бу хатларнинг кўпчилиги Бобил миххати билан Бобил тилида ёзилган, у вақтларда Бобил тили халқаро дипломатия тили бўлган. Дипломатия ҳужжатлари, Аменхотеп III нинг подшолигидан бошлаб Мисрнинг Осиёдаги таъсири аста-секин пасайиб боргаплигини аниқлашга имкон беради. Аммо Сурия князларидан баъзилари фиръавнга тобелик ҳисларини изҳор қилган, ўзининг Мисрга содиқлигини таъкидлаган. Масалан, Катна шаҳрининг князи Миср подшосига бундай деб ёзган:

«Султоним! Мен бу ерда сенинг хизматкорингман. Мен султоним борган йўлдан бораман ва султонимдан ажралмайман. Менинг отам сенинг хизматкоринг бўлгандан бери, унинг мамлакати сенинг мамлакатинг, Катна шаҳри эса сенинг шаҳринг бўлиб қолди; шундай қилиб, мен султонимнинг қўлидаман. Ҳужам! Менинг султонимнинг қўшинлари ва жанг аравалари келганда, қўшин ва шоҳимнинг жанг аравалари учун озиқ, ичимлик, чорва моллар, сабзавотлар, асал ва ёғ келтирилди».

Суриянинг майда князлари Миср фиръавнининг ҳукмини тан олса ҳам, лекин Олд Осиёнинг йирикроқ давлатлари Миср таъсиридан аста-секин қутулиб чиқа бошлаганлар. Шунинг учун ҳам Миср фиръавнлари Осиёнинг кучли подшолари билан дўстликни олтин бараварига сотиб олишга мажбур бўлганлар. Масалан, Аменхотеп III Осурия подшосига 20 талант олтин юборган, бу билан Аменхотеп III Осурия подшосининг ёрдамига, унинг ўзини қўллаб-қувватлашига эришмоқчи бўл-

ган бўлса керак. Бобил подшоси Кадашман-Бал Аменхотеп III га ёзган хатларида хамма вақт унга олтин юборишини сўрайди. Осиёдаги бошқа подшоларнинг ҳам худди шундай олтин юборишини каттиқ илтимос қилиб ёзган бир қанча хатлари бор. Бу жихатдан Митанни подшосининг хати айниқса характерлидир.

Шу вақтларда Кичик Осиёнинг шарқ қисмида катта ва кучли Хетт давлати ташкил топган. Хетт подшолиги қўшни Митанни областлари ва аввалда Миср қўл остида бўлган Шимолий Сурия областлари ҳисобига ўз давлатининг чегараларини кенгайтиришга интилган. Хетт давлатининг кучайиши биринчи навбатда Месопотамиянинг шимолидаги Митанни подшолиги учун ва Мисрнинг Суриядаги ерлари учун хатарли бўлган. Хеттларнинг истило қилиш хавфи аниқ бўлиб қолгач, Митанни ва Миср подшолари бош кўтариб келаётган душманни биргаликда қайтариш мақсадида бирлашганлар. Шундай қилиб, Миср билан Митанни ўртасида иттифоқ тузилишига имкон тугилган. Бу иттифоқ бир неча династик никоҳлар билан мустаҳкамланган. Митанни подшоси Тушраттанинг Миср фиръавни Аменхотеп III га ёзган хатларида ахир пировардида Миср билан Митанни ўртасида жуда ҳам мустаҳкам муносабатлар урнатилишига олиб келган дипломатик музокараларнинг айрим босқичлари равшан ва жонли қилиб тасвирланган. Миср Аменхотеп III нинг подшолик замонида узоқ Суриядаги ўз ерларини хеттларнинг истилосидан ҳимоя қилмоқ учун етарли харбий кучга эга бўлмаганидан, Митанни ёрдамига таянишга мажбур бўлган, Митанни подшоси эса дўстлиги ва ёрдами учун олтин талаб қилган. Миср фиръавнига ёзган жуда кўп хатларида у олтин юборишни қайта-қайта илтимос қилган, чунки унинг ёзишича «Биродаримнинг мамлакатида олтин бамисоли тупроқ». Шунинг учун Митанни подшоси дўстлигини фиръавнга сотиб, кўп олтин юборишни сўраган, у: «Биродарим менга отамга бергандан хам кўпроқ бериб юборгай»,— деб ёзган.

Мисрнинг Сурияда таъсири бўшашиб қолганлигига шу нарса далилки, хеттлар жанубга қараб тобора силжиб борганлар ва бир вақтлар Миср қўлида бўлган бир қатор область ва шаҳарларни босиб олганлар. Масалан, хеттлар Катна шаҳрига ҳужум қилганлар ва уни талаганлар. Катна князи Акиззи Миср фиръавнидан ёрдам сўраган-у, лекин фойдаси бўлмаган. Акиззи фиръавнга бундай деб ёзган: «Ё султоним! Уб мамлакатида Дамашқ тиз чўкиб сендан ёрдам сўраб қўлини чўзгани каби, Катна ҳам тиз чўкиб, сенга қўлини чўзади». Бироқ бу ёлворишлар ҳеч қандай натижа бермаган. Хеттларнинг силжишини тўхтатиш ва Сурияда ўз ҳокимиятини қайтадан тик-

лаш учун Миср фиръавни ихтиёрида энди старли миқдорда ҳарбий куч бўлмаган.

Сурияда Миср таъсирининг заифлашиши Фаластинда ва жанубий Сурияда хабири қабилаларининг ҳаракатга келишига имкон берган. Бу кўчманчи кабилалар Фаластиннинг илгари Мисрга қарашли областларини босиб ола бошлаганлар. Библ князи Риб-Адди Миср фиръавнига ёзган хатида: «Сенинг отанг Сидондан қайтиб кетгандан кейин мамлакатлар хабирилар ҳукмронлиги остига тушиб қолди».

Аменхотеп III подшолик қилган даврда Мисрнинг ҳарбий қудратига путур етган бўлса, ундан кейин подшолик қилган ўғли ва вориси Аменхотеп IV замонида (эрамиздан аввалги 1424—1388 йиллар) ундан бешбаттар бўлган. Бу вақтда Миср давлатининг катта ҳарбий кучи бўлмаган ва шу сабабдан у Суриядаги ўзига қарашли ерларни ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган. Шу муносабат билан Сурия князларининг иттифоқи вужудга келган, бу иттифоқни эса хеттлар қисман қуллаб-қувватлаган. Бу иттифоқнинг бошида турган Сурия князи Азиру Сурияни Миср таъсиридан қолган-қутганларидан ҳам озод қилиш учун қаттиқ кураш олиб борган. Сурия ва Финикиянинг Мисрга содиқ бўлган кўп шаҳарлари хеттлар ва Азиру қўшинларининг ҳужумларидан ўзларини араб ҳимоя қилиб турганлар. Бу шаҳарларнинг баъзилари Миср фиръавнига куйиб-тутақиб хат ёзганлар ва ёрдам юборишни сўраганлар. Масалан, Тунипнинг катталари Мисрга юборган хатларида бундай деб ёзганлар:

«Султоним Миср подшосига, Тунип аҳолиси сенинг хизматкорингдир... Илгари, Тунипни талашга ким журъат қила оларди, бундай журъат қилганни Манахбирия (Тутмос III — *В. А.*)нинг ўзи таламасмиди? Тунипда султоним Миср подшосининг... ҳудолари бор. Ишонмаса, султоним ўзининг улуғларидан сўраб кўрсин (шундаймикан деб). Бироқ энди биз султонимиз Миср подшосига қарашли эмасмиз... Агар унинг қўшини ва жанг аравалари жуда кечикиб келса, Ния шаҳрини Азиру қандай қилган бўлса, бизнинг бошимизга ҳам шу кунни солади. Агар биз ғам-гусса ичида куйиб-ёнадиган бўлсак, у вақтда Азирунинг қилгапларини кўриб Миср подшосининг ҳам ғам-гусса ичида куйиб-ёнишига тўғри келади, чунки у бизнинг султонимизга қарши отланади. Азиру Симирага бостириб кирар экан, бизнинг шоҳ-султонимизнинг ерида Азиру бизни истаганича қийнайди; бунинг учун эса султонимизнинг аъзасига киришга тўғри келади. Мана сенинг шаҳаринг. Тунип йиғламоқда ва унинг кўз ёшлари шаш қатор оқмоқда; шунга қарамай бизга ёрдам йўқ. Биз султонимиз, шоҳимиз Миср

подшосига 20 йилдан буён (хат) юборамиз, бир оғиз ҳам (жавоб) олганимиз йўқ».

Ушбу мактубда Миср фиръавни дахшатли фалокатдан огоҳлантирилган. Тунипнинг катталари хавф Мисрга содиқ бўлмиш Сурия шаҳарларигагина эмас, балки Мисрнинг ўзига ҳам таҳдид солаётганини гапирганлар. Библ билан Тир князлари ҳам ёрдам сўраб Миср подшосига худди шундай ёлворганлар. Лекин бу илтимосларнинг ҳаммаси ҳам натижасиз қола берган. Мисрнинг Суриядаги қудратига путур етганлиги ва Мисрнинг Олд Осиедаги обрўсини тиклаш учун Мисрдан дарҳол қўшин юбориш зарурлиги бир Миср амалдорининг Фаластиндан ёзган хатидан жуда равшан кўриниб туради. Амалдор бундай деб ёзган:

«Подшо ўз ери ҳақида гамхўрлик қилгай... қўшин юборгай... чунки агар мана шу йили қўшин келмаса, султоним подшонинг бутун мол-мулклари ҳалок бўлади». Хатнинг охирги жумласи авторнинг шу мактубда айтмоқчи бўлган асосий фикрини қисқа, лекин жуда яхши ифодалайди: «Шоҳ-султонимизнинг бугун ер-мулки ҳалокатга яқинлашиб келмоқда».

Узоқ вақт давомида олиб борилган урушлар Миср ҳарбий қудратининг заифлашувига сабаб бўлган. Бу урушлар мамлакатнинг одам кучларини қуритиб қўйган. Урушлар давридаги бутун оғирликни ўз елкасида кўтариб бориши лозим бўлган эркин аҳоли оммасининг энди беҳуда қурбонлар беришга мадори қолмаган.

Эхнатоннинг (эрамиздан аввалги 1424—1388 йиллар) дин реформаси

Шундай қилиб, Миср фиръавнлари олдинги фиръавнлар юритган ҳарбий-босқинчилик сиёсатидан воз кечишга мажбур бўлганлар. Бу ҳарбий-босқинчилик сиёсатидан воз кечиш фиръавн Аменхотеп IV нинг фаолиятида ўзининг равшан ифодасини топган; у ўз фаолиятида Миср аҳолисининг жуда кенг табақаларига суянган.

Аменхотеп IV томонидан амалга оширилган дин реформаси бу вақтда Миср тарихида рўй берган йирик воқеадир. Бу дин реформасини амалга оширишдан мақсад, кўп худоларга эътиқод қилишнинг қадимги традицион дин шаклини ягона қуёш худосига эътиқод қилишнинг янги шакли билан алмаштиришдан иборат бўлган. Бу реформанинг муайян ижтимоий-иқтисодий сабаблари бўлган.

XVIII династия фиръавнлари олиб борган истилочилик урушлари кичкинагина бир гуруҳни ташкил қилган сарой зодагонларининг бойишига сабаб бўлган ва мамлакатдаги меҳнаткаш аҳолининг турмушига жуда ёмон таъсир қилган. Ибодатхоналар ва асосан Фивадаги Амон коҳинлари айниқса катта бойлик орттирганлар. Ҳаддан ташқари бойиб кетган Фива

коҳинларига қарши қаратилган дин реформаси изчиллик билан ва мунтазам равишда амалга ошириб борилган.

Фива коҳинларининг юқори табақалари ўзларининг тўплаган бойликлари туфайли ўтган подшолар даврида Миср ҳукуматининг бутун сиёсатига кучли таъсир кўрсатиб келганлар. Аменхотеп IV тахтга утирганидан кейин шу Фива коҳинларининг юқори табақаларига қарши кураш бошлаган. Аменхотеп IV Фива коҳинларига қарши олиб борган курашида дастлаб вилоятлардаги коҳинларга, хусусан Гелиополь билан Мемфис коҳинларига суяниб иш кўришга мажбур бўлган. Гелиополь билан Мемфисда жуда қадим замонлардан бери ягона ва олий қуёш худосига эътиқод ривож топиб келган. Аменхотеп IV Гелиополь худоси Ра-Горахта эътиқодини худо Амон эътиқодига қарама-қарши қуйган. У ўзини бу худонинг бош руҳонийси деб эълон қилиб. Мисрнинг бу қадимги қуёш худосига атаб Фивада ибодатхона қурдира бошлаган, уни Аменхотеп IV «уфқдаги кароргоҳида хушхандон, қуёшнинг гардишида нур сочиб турувчи» худоим деб эълон қилган. Мисрнинг қадимги қуёш худосига берилган бу таърифдан ягона қуёш худосига сиғинишдан иборат янги диннинг асосий белгилари кўриниб турибди. Лекин Аменхотеп IV Фива коҳинларига ва кўп худоларга эътиқод қилишнинг қадимги традициясига биратула зарба беришни лозим топмаган. Қуёш худосини қуёш гардиши билан безатилган лочин бошли Горахта шаклида тасвирлаш ҳам худди шу вақтга тўғри келади. Шундай қилиб, қадимги қуёш худоси эътиқодининг тикланиши ва Фивада бу қуёш худосига ибодатхона солиниши дин соҳасида ўтказилган катта реформанинг биринчи босқичидир. Ўзи ўтказаётган дин реформасининг аҳамиятини бўрттириб кўрсатиш учун Аменхотеп IV бу қурилишдаги ҳамма ишларни катта дабдаба билан бажартирган. Масалан, бир ёзувда айтилишича, тўрт қиррали катта бир тош устун ясаттирмоқ учун подшо Элифантинадан тортиб то дельтагача барча тош усталарини чақириб келтирган. Лекин фиръавннинг Фива коҳинларига қарши олиб борган кураши бу билан тугамайди. Аменхотеп IV нинг бу ишлари Фивадаги юқорн табақа коҳинларнинг қаршилигига учраган. Бу эса подшони худо Амон коҳинлари билан алоқани узил-кесил узишга мажбур этган. Аввалги давлат худоси Амон эътиқоди ва кўп худоларга эътиқод қилишнинг қадимги традицион системаси қувғин остига олинган. Худо Амоннинг номи, Мисрнинг бошқа худоларининг номи ҳам, ҳатто «худолар» деган сўзнинг ўзи ҳам барча ёдгорликлардан битта қўймай ўчириб ташланган, подшо таркибига худо Амоннинг номи кирганлиги учун ҳатто ўз отасининг исмини ҳам ўчиртириб ташлаган. Қудратли

Фива коҳинларига қарши ўлароқ, Аменхотеп IV янги эътиқодни, ягона ва олий қуёш худоси Атон эътиқодини олға сурган, бу нарса подшонинг ўз номини ўзгартиришида ўз ташқи ифо-



Эхнатон ҳайкалининг боши.

Янги Подшолик. XVIII династия. Қоҳира музейи.

дасини топган. Фиръавн «Эхнатон» деган янги ном олган, бунинг маъноси «Атон шуъласи» демакдир. Шу билан бирга Эхнатон Фива коҳинлари билан узил-кесил суратда алоқани узиб, Фивадан чиқиб кетган. У ҳозирги Ал-Амарна деган жой яқинида баланд қояли тоғлар билан ўралган бир котловандa

ҳашаматли янги пойтахт қуриб олган. Гўзал сарой ва ибодатхоналари билан безалган бу янги пойтахтга Эхнатон ўзининг бутун саройи, амалдорлари ва янги қуёш худосининг коҳинлари билан бирга кўчиб келган.

У янги пойтахтга «Ахетатон» деб ном берган, бунинг маъноси «Атон уфқи» демакдир. Таитана гимнларида Мисрнинг янги ҳашаматли пойтахтининг гўзаллиги ва бойлиги таърифланган.



Эхнатон ўз оиласи билан ўтирибди. Тепада қуёш худоси Атон тасвир этилган.

Янги Подшолик давридаги бўртма расм. XVIII династия.

Сўнгги йиллар давомида Эхнатон қароргоҳида ўтказилган қазишлар бу даврдаги Миср шаҳарининг ҳастини ўрганиш учун жуда ҳам бой материал берди. Қазиш вақтида бу ерда подшонинг катта саройидан ташқари, давлат муассасалари нинг биноларн, жумладан давлат архиви ва «мирзалар мактаби» («хаёт уйи») нинг биноларн, йирик аристократлар ва амалдорларга қарашли дангиллама уй-жойлар, сўнгра аҳолининг ўрта табақалари, майда савдогарлар ва ҳунармандлар яшаган уйлар ва, ниҳоят, камбағаллар, эҳтимол мозорда (некрополда) ишловчи кишилар турадиган бутун бир квартал топилди. Шаҳар яқинидаги қоя тошларда ўша даврда яшаган катта амалдорларнинг мақбаралари топилди.[1] Бу мақбаралардаги жасад қўйилган хоналарнинг деворларида жуда нафис қилиб ишланган тасвирлар ва жуда муҳим ёзувлар, хусусан худо Атон шарафига ёзилган ва бадиий жиҳатдан жуда юксак бўлган бир гимн сақланиб қолган, булар шу даврнинг ҳаммасини ва Эхнатон томонидан ўтказилган дин реформасини жуда муфассал ўрганишга имкон беради.

Қадимги Мисрда дин идеологиянинг асосий формаси бўлган, ибодатхоналар эса маданий таъсир тарқатувчи жуда катта марказ бўлган. Шунинг учун Миср ҳукумати диний

тарғиботдан Мисрнинг қўшни мамлакатлардаги сиёсий ва маданий таъсирини мустаҳкамлаш учун фойдаланиши мумкин бўлган. Худди шу мақсадни назарда тутиб бўлса керак, ягона қуёш худосига бўлган эътиқоднинг янги формалари вужудга келтирилган, бу эътиқод ўзининг соддалиги ва равонлиги туфайли, Мисрга қўшни бўлган мамлакатлардаги турли тилларда гапирувчи ва турли қабилаларга мансуб бўлган халқ оммаси учун тушунарли ва қулай бўлган. Эхнатон утказган дин реформасининг худди шундай аҳамиятга эга бўлганлиги қуёш худоси Атон шарафига ёзилган катта гимнинг баъзи жумлаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу гимнда айтиладики, қуёш худоси Атон ҳар бир мамлакат устида кўтарилади, у, дунёнинг бирдан-бир холиқи сифатида барча мамлакатларни — Миср, Сурия ва Нубияни яратган, ҳар бир мамлакатга ҳаёт бахш этган. Агар Мисрнинг илгариги худолари фақат Мисрни ва Миср подшоларининг ҳомийси, унинг ўз душманлари устидан галаба қозонишини таъминлаган ҳомий қилиб тасвирланган бўлса, энди, эътиқоди аршаълодан ато қилинган янги худо Атон фақат Мисрнинггина эмас, балки қўшни мамлакатларнинг ҳам худоси деб эълон қилинган.

Ўзининг дин реформасини амалга оширишда Эхнатон аҳолининг эркин ўрта табақаларига суяниб иш кўрган, бу табақаларнинг вакилларидан подшо атрофида янги сарой амалдорлари гуруҳи вужудга келган. Бу янги амалдорлар қолдирган ёзувларида насл-насаблари, эътиборларини деб қилиб фахрланмайдилар, балки уларнинг мартабасини улуғ қилган фиръавннинг ўзларига нисбатан қилган марҳамати билан фахрланадилар. Ўзларининг ёзувларида улар фиръавнга содиқликларини ва подшонинг зўр эҳтирос билан тарғиб қилган янги диний таълимотига берилганликларини таъкидлайдилар. Масалан, қўшин бошлиғи Маи ўзининг ёзувида бундай деган:

«У (яъни фиръавн — *В. А.*) ўзининг менга бўлган марҳаматини қумдай сероб қилди. Мен — бутун халқ устидан турган амалдорларнинг бошлиғиман; менинг султоним мартабамни оширди, чунки мен унинг кўрсатган йўлидан бордим ва унинг сўзларига доимо эътибор қиламан. Менинг кўзларим ҳар куни сенинг ҳуснингни томоша қилади, эй ҳақиқатга эришган Атон сингари доно султоним. Сенинг ҳаётбахш сўзларингга эътибор қилган одамнинг мартабаси улуғ булади». Бу янги амалдорлар иқтисодий жиҳатдан тамомила фиръавнга қарам бўлганлар. Фиръавнга содиқ хизмат қилганликлари ва дин реформасини кучлари борича қўллаб, янги диний таълимот йўлидан борганликлари учун фиръавн уларни олтин билан мўл-кўл мукофотлаганлигини улар ўз мақбаралари-

нинг деворларида тасвирлаганлар. Масалан, амалдор Мерира ўз мақбарасининг деворларида подшонинг уни олтин билан мукофотлаётганини тасвирлаган ва шу ернинг ўзида подшонинг унга айтаётган сўзларининг мазмунини ёзиб қолдирган.



Ал-Амарнадаги хотин подшо Нефертитининг ҳайкал портрети.

Оҳак тошдан ясаб буялган. Янги Подшолик даври. XVIII династия.

Подшо: «Бу муҳташам олий мақомда фиръавннинг сўзларига Ахетатонда, шу муборак маконда, Атон ибодатхонасида айтадиган ҳар бир калимасига эътибор бергаплиги учун бўйнига, орқа ва олдига, оёқларига олтин осинг»,— деган.

Эхнатон ўзи вужудга келтирган ва бутунлай унга содиқ бўлган янги амалдорлар гуруҳига суяниб туриб, дин соҳасидаги атрофлича ўйланган жуда катта реформани подшолик

даврининг бошидан то охиригача зўр бериб ва изчиллик билан амалга ошириб борган. Мисрнинг қадимги худоларига эътиқод айниқса кучли бўлган энг катта шаҳарларнда — Фивада, Мемфис, Гелиополь ва Гермонтисда — Эхнатон томонидан ягона давлат худоси деб эълон қилинган янги қуёш худоси Атонга атаб ибодатхоналар қурдирган. Атон эътиқоди ҳатто Нубияга ҳам жорий қилинган, у ерда учинчи банддан пастроқда Аменхотеп III вақтидаёқ янги шаҳар бино қилиниб, унга Гем-Атон деб ном берилган. Эхнатон бу ерда ўз отаси томонидан Фива худоси Амонга атаб қурилган ибодатхонани буздириб ташлаган ва янги қуёш худоси Атонга атаб янги ибодатхона бино қилдирган.

Эхнатоннинг Фива коҳинларининг юкори табақаларига қарши олиб борган кураши мамлакат аҳолисининг Фива коҳинларини ва ном ҳокимларини қўллаган қисмининг зимдан, баъзида эса очиқдан-очиқ норозилик кўрсатишига сабаб бўлган. Ҳукуматнинг янги сиёсатидан норози бўлган ном қулдор зодагонлари фитна уюштирганлар, ҳатто дадил реформатор фиръавнга қарши суиқасд қилишни ҳам мўлжаллаганлар. Пойтахт полициясининг бошлиғи Маху мақбараси деворларида сақланиб қолган бир тасвир худди шундай бўлганлигидан далолат беради. Бу тасвирда Махунинг давлатга хиёнат қилган битта мисрлик ва иккита чет эллик, яъни учта зўр жинояткорни вазир ва бошқа катта амалдорлар ҳузурига олиб бораётгани, фитнанинг фош қилиниши ва фитна бошликларининг қўлга олинишини кўриб хурсанд бўлган вазирнинг худо Атон ва подшо шаънига дуо қилаётгани кўрсатилган. Маху бу фитнани фош қилганидан фахрланиб, шу воқеани ўз мақбараси деворларида тасвир эттирган.

Амарна реформасининг битирилиши

Эхнатон томонидан ўтказилган диний реформа кўпгилдагидек натижа бермаган. Эхнатон Фива коҳинлари ва номларидаги қулдор аристократиянинг қудратини вақтинча бўшаштиришга муваффақ бўлган, холос. Эхнатондан кейин тахтга ўтирган фиръавнлар реформа байроғини ўз қўлларида маҳкам сақлаб қолишга ожизлик қилганлар. Булардан бири Тутанхатон Фива коҳинларига ён бериб, Амон эътиқодини қайтадан тиклашга ва ҳатто уз исмини ҳам шунга яраша ўзгартириб «Тутанхамон» деб аташга мажбур бўлган. Фива якинидаги подшо мақбаралари Водийси деб аталган водийда 1922 йилда топилган Тутанхамон мақбарасидан бадиий жиҳатдан ғоят гўзал қилиб ишланган жуда кўп буюмлар ва тасвирлар топилган. Бир нечта дафн яшиклари бири ичига бири солинган бўлиб, бу яшиклар ичига қўйилган олтин тобутдан ёшлигида ўлиб кетган Тутанхамоннинг мумиёлан-



Тутанхамон тахтининг суянчиғи; бунда подшо билан унинг хотини тасвир этилган.
Тутанхамон мақбарасидан топилган. Янги Подшолик даври. XVIII династия. Қоҳира музейи.

ган жасади чиққан. Бу мақбара ичидан топилган ажойиб буюмлар қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолган, бу буюмлар Фива коҳинлари таъсирига бутунлай берилиб кетган бу ёш подшонинг юритган икки томонлама ва муросасозлик сиёсатини жуда равшан кўрсатади. Подшо утирган тахтнинг орқасидан қуёш гардиши, худо Атон нур сочиб тургани тасвирланган, шу билан у ўзини Амарна реформаси тарафдори қилиб кўрсатган. Аммо Фивадаги худо Амон ибодатхонасидан топилган катта ёзувда эса ўзини Фива коҳинларининг эҳтиросли тарафдори ва Амарна реформасини тугатувчи қилиб



Тутанхамон жанг аравасида жанг қиляпти.

XVIII династия. Қутига солинган сурат. Қоҳира музейи.

тасвирлаган. У, диндан қайтган подшо вақтида, яъни «ибодатхоналар ташлаб қуйилган замонда» Мисрнинг бошига тушган кулфатларни жуда тасвирли қилиб гапиради ҳамда худо Амон билан худо Птанинг тасвирларини қайтадан тиклаганлигини ва уларнинг ибодатхоналарини қайтадан бино қилдирганини ҳамда уларга жуда кўп бойликлар берганини: «ибодатхоналарнинг ер-мулкларини икки баравар, уч ва тўрт баравар кўпайтирганини, уларга кумуш, олтин, лоҳувард, феруза, қимматбаҳо асл тошлар, шойи-сурплар, оқ либослар, позик маталар, зайтун мойи, ҳушбўй парсалар...», ниҳоят, уруш вақтида қулга туширилган кўпдан-кўп эркак ва аёл қуллар берганлигини ғурур билан гапирган. Шундай қилиб, диний реформалар даври Фива коҳинларининг тула галабаси билан тугаган. Афтидан, реформани амалга оширишда Эхнатон старли даражада мустаҳкам ижтимоий таянчга эга бўлмаган ва шунинг учун ҳам коҳин аристократия ҳукмронлигига узил-кесил зарба бера олмаган. Эхнатон суянган аҳолининг ўрта табақалари ҳали заиф, соп жиҳатидан оз ва мутлақо уюшмаган эди. Кенг халқ оммаси динининг эски формаларига тарафдор булган. Шунинг учун ҳам Эхнатон реформа утказган

вақтда марҳумнинг руҳини йўқлаш маросимининг қадимги формаларини ва нариги дунё ҳақидаги қадимги тасаввурларни сақлаб қолишга мажбур бўлган. Иккинчи томондан, коҳинлар аристократияси жуда бадавлат, уюшган ва шунинг учун ҳам кучли бўлган. Амарна реформасининг муваффақиятсизликка учраганининг сабаби шудир.

Хоремхеб давридаги (эрамиздан аввалги 1342—1338 йиллар) реакция

Эхнатон ўтказган диний реформани Хоремхеб тамомила тугатган. Хоремхеб фиръавнларнинг XIX династиясига асос солгандир. Хоремхеб Алебастронполь номархларининг аристократик уруғидан бўлиб, коҳинларнинг юқори табақаси билан боғланган ном зодагонларининг вакили бўлган. Эхнатоннинг подшолик даврида Хоремхеб бир неча маъмурий ва ҳарбий вазифаларда бўлган. Эхнатондан кейин тахтга утирган кучсиз фиръавнлар вақтида Хоремхебнинг лавозим ва унвонлари аста-секин юқорига кўтарилиб бориб, давлатда бир қатор катта-катта уринларни эгаллаган, Тутанхамон вақтида у юқори ҳарбий вазифани эгаллаган, Осиёга қўшин тортиб борилганида қўшинларга бош бўлган. Бу вақтда ҳақиқий ҳокимият бутунлай унинг қўлида бўлган булиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. У узини «улуғларининг улуғи, қудратлиларнинг қудратлиси, халқнинг улуғ султони... подшонинг севимли кишиси, ҳар икки мамлакатни идора қилиш ишини бошқарувчи, икки мамлакат лашкар бошларининг бошлиги» деб атаган. Бу даврда унинг сиёсий таъсири анча кучли бўлган. Энг юқори лавозимларни эгаллаб олганлигидан Хоремхеб Фива коҳинларига суяниб туриб, давлат тўнтариши ўтказишга муваффақ бўлган. Хоремхеб подшо ҳокимиятини босиб олиб, бу зурликни худди худонинг хоҳишини бажо келтиришлик деб курсатган. У қолдирган ёзувда: «...худонинг кунгли... уғлини узининг абадий тахтига чиқаришни истади ва шунинг учун худо ўғлига подшолик мартабасини бериш мақсадида Амоннинг ҳузурига олиб келиш учун уни қучоғига олиб... Фивага қараб шод-хуррамлик билан йўл тутди». Бироқ Хоремхеб ҳар қандай бўлганда ҳам олий ҳокимиятни зурлик билан босиб олганлигини қонуний бир тусга киритмоққа мажбур бўлган. Шу мақсад билан Эхнатоннинг қайнсинглиси малика Мутножметга уйланган. Хоремхеб подшолик даврининг бошидан то охиригача ўзининг қонуний равишда ҳукмронлик қилаётганлигини доим таъкидлаб келган. Масалан, бир ёзувда у фиръавн Тутмос III ни «ўзининг ота-боболарининг отаси» деб атаган, подшолигнинг саккизинчи йилида эса ўзидан олдин ўтган улуг кишиларнинг содиқ вориси сифатида у, Тутмос IV нинг мақбарасини тиклаган. Бу ишлари билан у узининг XVIII

династия фиръавнларига гўё бевосита боғланганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатишга ҳаракат қилган.

Хоремхеб ҳокимиятни ўз кулига олгандан кейин очиқдан-очиқ ўзини Фива коҳинларининг тарафдори деб эълон қилган ва, шу билан бирга, Фива худоси Амон эътиқодини қайтадан тиклаган. Афтидан Хоремхеб худо Амон коҳинларининг талабини бажариб, Амарна реформасини ва унинг сарқитларини ҳам тамомила тугатишга киришган. Хоремхеб Атон эътиқодини йўқ қилган, унинг тарафдорларини қувғин остига олган ва Эхнатон хотирасига лаънат тамғасини босган. Уша вақтдан қолган ёзувлардан бирида бундай дейилган: «Сенга (Амон) ҳужум қилганнинг ҳолига вой! Сенинг шаҳринг яшамоқда, сенга ҳужум қилган эса ағдарилди. Сенга қарши қаерда бўлса ҳам, гуноҳ қилганга лаънатлар бўлсин... Сени билмаганнинг қуёши ботди, сени билганники эса нур сочиб турипти. Сенга ҳужум қилганнинг оташгоҳи бузилиб, зулмат ичида ётипти, бутун ер юзи эса ёруғликка чўмгандир».

Эхнатон бино қилдирган шаҳарни аҳоли ташлаб чиқиб кетган ва шаҳарнинг ўзи вайрон қилинган, Эхнатон ва унинг худоси Атоннинг номи барча ёдгорликлардан ўчириб ташланган ва шаънига лаънат тоши ёгдирилган. Эхнатонни «Ахетатонлик жинояткор» деб атай бошлаганлар. Унинг подшолик қилган йиллари бошқа подшоларнинг подшолик қилган йилларига қўшиб юборилган.

XIX династия фиръавнларининг истилочилик сиёсати

XVIII династия фиръавнларининг яна диний сиёсатга қайтиши Эхнатондан олдинги даврда ўтган фиръавнлар, яъни бундан олдинги даврда ўтган буюк истилочилар юритган ҳарбий сиёсатнинг қайтадан ишга солиниши билан ҳам боғлангандир. Ҳарбий сиёсатни тиклаш мақсадида Хоремхеб бир неча маъмурий реформалар ўтказган, жумладан солиқ системасини қайта тузган ҳамда аскарларнинг таловчилигига ва амалдорларнинг порахўрлигига қарши тадбирлар кўрган. Армияни қайтадан тузишга ҳам катта аҳамият берилган; Миср ҳарбий сиёсатида тутилган иккита асосий йўналишга қараб, армия ҳам икки катта қисмга бўлинган: «бири — жанубий областда, иккинчиси эса шимолий областда» бўлган.

Афтидан, Миср давлатининг илгаридан традиция бўлиб келган истилочилик сиёсатини тўла равишда тиклашга Хоремхеб журъат қила олмаган. Шунинг учун ҳам у бу соҳада баъзи бир ожизона ҳаракатлар қила олган, холос. Масалан, бизга маълумки, Хоремхеб Сурияга кичикроқ ҳарбий юриш қилган. Унинг подшолик давридан сақланиб қолган ёзувларда хеттлар устидан қозонилган ғалабалар тилга олинади. Яна,

осиёлик асирлар тасвирланган бўртма расмлар ҳам сақланиб қолган. Хоремхеб жанубга, Нубияга қилган истилочилик юриши вақтида ҳийла катта муваффақиятларга эришган. Силсиладаги ибодатхона деворларида сақланиб қолган ҳашаматли бўртма расмларда Нубия қабилалари устидан қозонилган катта ғалаба туфайли Хоремхеб томонидан тантанали равишда утказилган ғалаба байрами тасвирланган.

Нубияда Миср ҳукмронлигининг мустаҳкамланиши Пунтга яна экспедициялар уюштиришга имкон берган. Карнак ибодатхонаси деворларида сақланиб қолган бир бўртма расмда Хоремхебнинг Пунт бошлиқларини кабул қилаётгани, уларнинг подшога хирож тариқасида олтин қум солинган қоплар ва бошқа буюмлар олиб келаётгани тасвирланган. Бошқа бир бўртма расмда Хоремхебнинг Пунтдан олинган қимматбаҳо совғаларни Фива худоси Амонга қурбонлик қилаётгани кўрсатилган. Шу рельефдаги ёзувда, фиръавн худо Амонга, унинг «голибона қудрати» туфайли қўлга киритилган «Пунт хирожи» ни қурбон қилаётир. деб таъкидланган. Ёзувнинг автори, афтидан, сарой шоири бўлса керак: «Сен уларнинг (Пунт — *В. А.*) бошликларининг кулини кўкка совурдинг... Ҳар бир мамлакатда сенинг қудратинг улуғ!— деб хитоб қилган.

Бу истилочилик сиёсатини Хоремхебдан кейин утган подшолар ҳам давом эттирган. Рамзес I (эрамиздан аввалги 1338—1337 йиллар) Миср армиясини қайтадан куришга ва уни мустаҳкамлашга қаратилган бир канча тадбирларни амалга оширган. У, армияни учта корпусга бўлган ва бу корпусларга Мисрнинг асосий худоларидан учтасининг номи берилган. Ҳар бир корпусга биттадан жанг арава отряди қўшиб берилган, натижада қўшин ҳийла чаққонроқ бўлиб, душманга қарши шиддатли ҳужум қилишга имкон берган. Бундан ташқари, доим подшо ҳузурида туриши лозим бўлган махсус гвардия тузилган. Ниҳоят, чет элликлардан тузилган, асосан, қўшини қабилалардан келиб ёлланган аскарлардан тузилган қўшиндан аввалгига қараганда кенгроқ кўламда фойдаланиладиган бўлган. Хусусан бу чет элликлардан тузилган қўшинлардан қалъаларнинг гарнизонлари сифатида фойдаланилган. Осиёга катта қўшинлар етказишни осонлаштириш мақсадида бир қатор чоралар кўрилган. Шу мақсад билан чегарадаги Жору қалъасидан чўл оркали утиб Осиёга борадиган харбий йўл тикланган. Бу йўл бўйида ичимлик сув бўлиши учун кудуқлар қазилган ва шу билан бирга истеҳкомлар қурилган.

Шу династиянинг Рамзес I дан кейинги фиръавни Сети I (эрамиздан аввалги 1337—1317 йиллар) Сурияга катта қўшин тортиб борган. У, Магиддо текислигигача кириб бориб, бу ердаги бир неча шаҳарни босиб олишга, Ливан князлари-

ни ўзига буйсундиришга, Финикиянинг катта порти Тирни ва бир қанча бошқа муҳим пунктларни ишғол қилишга муваффақ бўлган. Сети I нинг бу харбий юриши натижасида Сурияга борадиган сув йўли очилган, Миср ҳукуматининг Сурияга юбориладиган қўшин ва аслаҳаларини денгиз орқали ташишга имкон берган. Айни замонда Миср қўшинлари Сурия қирғоқларига мустаҳкам урнашиб олишга муваффақ бўлган, бу ҳол, шубҳасиз, Мисрнинг Осиёдаги таъсирини кучайтирган.

Фаластинда ўтказилган қазишлар вақтида Миср ибодатхонасининг қолдиқлари ва Сети I замонидан қолган ёзувлар топилган, бу ёзувлар Сети I томонидан Сурияга қилинган ҳарбий юришларни ўрганиш учун катта материал беради. Сети I нинг Фаластинда қўзголон кўтарган князларнинг бирлашган қўшинларига қарши уруш ҳаракатлари айниқса муваффақиятли чиққан. Миср қўшинлари шиддат билан қаттиқ зарба бериб, қўзголончиларни тор-мор қилганлар ва, шу билан бирга, учта муҳим шаҳарни — Иеноам, Хамат ва Бет-Шанни босиб олганлар. Сурияга қилинган шу юришлар вақтида Миср қўшинлари Канан (Ханаан) мамлакатидаги бир неча қалъани ва Галилея Кадешини олганлар, хетт қўшинининг авангард отрядлари билан тўқнаш келиб, уларни шимолга қараб сиқиб чиқарганлар. Шундай қилиб, Фаластиннинг шимолий чегараси Мисрга ўтган. Ўша вақтдан қолган баъзи тасвирлар бу таловчилик мақсадида қилинган ҳарбий юришларнинг аҳамиятини равшан кўрсатади, бу юришлар мисрликларга Сурияниинг табиий бойликларидан кенг миқёсда фойдаланиш учун имкон берган. Масалан, бўртма расмлардан бирида Сети I нинг осиёликлар шаҳри Гадер яқинидаги Ливан тоғларида дарахт кесишни кузатиб тургани тасвирланган. Кўп замонлардан бери ёғочга мухтож бўлиб келган мисрликлар Суриядан қурилишга ишлатиладиган жуда кўп ёғоч олиб кетганлар.

Сети I замонида Миср яна равнақ топган, бу нарса фиръавннинг кенг кўламда олиб борган қурилиш ишларида ўз ифодасини топган. Фиръавн дельтадаги Бубастисдан тортиб то Нубиядаги Амадагача жуда кўп жойларда ибодатхоналар қурдирган. Ҳашаматли биноларнинг қолдиқлари Фива яқинида Карнакдаги баҳайбат уступлар зали, подшонинг галабаларини тасвир этган бўртма расмлар билан қопланган девор, марҳумни йўқлаш ибодатхонаси ва тошга битилган ўзига хос бир йилнома ўша вақтдан қолган буюк едгорликлардир. Сети I нинг қурилиш соҳасидаги ишларидан қолган ажойиб едгорликлар ичида яна Абидосдаги Озирисга атаб қурилган ибодатхона ва подшо мақбаралари водийсида қоя тошдан ўйилган жуда катта мақбара ҳам бор; бу мақбара жуда кўп

йўлак ва заллардан иборат бўлиб, буларнинг деворлари бош дан-оёқ диний-сеҳрий тасвирлар ва ёзувлари билан қопланган.

Рамзес II нинг (эрамиздан аввалги 1317—1251 йиллар) урушлари

Сети I дан кейин тахтга ўтирган Рамзес II истилочилик сиёсатини жуда кенгайтириб юборган. Бу уруш сиёсатидан мақсад Мисрнинг Суриядаги илгариги ерларини қайтариб олиш ва Мисрнинг Осиёдаги аввалги қўламдаги таъсирини тиклаш бўлган. Рамзес II Мисрнинг Фаластин, Финикия ва Суриядаги аввалги ҳукмдорлик мавқеини тиклаш учун хеттларнинг шу мамлакатларда жойлашган асосий ҳарбий кучларини синдириши лозим бўлган. Шу билан бирга, Миср қўшинлари мисрликларнинг Олд Осиёдаги асосий душманлари бўлган хеттлар билан бирлашган маҳаллий князларга ҳам қатъий зарба бериши лозим бўлган. Рамзес II даставвал Сурия қирғоқларида мустаҳкамланиб олишга ҳаракат қилган, у подшолик қилишининг 4-йилида бу ерда қояга хотира ёзуви ўйишга фармон берган, бу ёзув Байрут ёнидан топилган. Рамзес II замонасига кўра жуда катта ҳарбий куч, 30 мингга яқин аскар тўплаб, хеттларга қарши отланган. Унинг қўшинлари составидаги тўрт корпусдан иборат Миср армиясидан ташқари, яна ёлланган чет элликлардан тузилган отрядлар (нубияликлар, шарданлар ва бошқалар) ҳам бўлган. Шимолдан Миср қўшинларига қарши Хетт подшоси Муватал томонидан тўпланган катта хетт армияси чиққан. Бу армия составига хетт қўшинларидан ташқари, иттифоқчиларнинг, Сурия князларининг отрядлари ва Кичик Осиёдаги турли қабилалардан ёлланган отрядлар кирган.



Рамзес II нинг жасади солинган тош тобут қопқоғи.

Янги Подшолик даври. XIX династия. Қохира музейи.

Рамзес II нинг Суриядаги биринчи юриши йилнома ва шеър тарзидаги ёзувларда муфассал таърифланган, бу

ёзувлар асосан ўша вақтдаги ибодатхоналарнинг деворларида сақланиб қолган. Бу ёзувларга қараганда, Рамзес II ўз қўшини билан жуда тез юриб, Фаластин орқали Оронт дарёси бўйидаги мустаҳкам қалъа бўлмиш Кадеш томонига қараб борган, янги олинган ёш аскарлардан иборат бир отрядини ҳимоя учун Финикия қирғоқларида қолдирган. Рамзес II йўлда кетаётганида ўз томонига ўтган қочоқлардан, Хетт подшоси Миср қўшинларининг яқинлашиб келувидан гўё қўрқиб, Алеппо районидан ташқари чиқишга журъат эта олмай турибди ва Кадеш яқинида йирик ҳарбий кучлар йўқ, бунинг устига, Сурия қўшинлари эса мисрликлар томонига ўтмоқчи, деган гапни эшитган; сўнгра Рамзес II ўз армиясининг асосий қисмидан ажраб, авангард отрядини бошлаб, жадаллик билан Кадешга қараб йўл олган. Рамзес II тезда Кадешга етиб келиб, шаҳарнинг шимоли-ғарб томонига чодир тиккан. Бироқ бу ерда Миср фиръавни жангга бутунлай тайёр ҳолда турган катта қўшинга тўсатдан дуч келиб, душман томонидан аввалдан тайёрлаб қўйилган тузоққа тушиб қолган. Хеттларнинг жанг аравалари мисрликлар лагерига ёриб кириб, уни тор-мор келтирган. Миср қўшинлари ва фиръавннинг ўзи душманнинг куч жиҳатидан устун бўлган қўшинлари томонидан қуршаб олинган. Кадеш жангини таърифлаган бу шеърий асарда айтилишича, танг ҳолга тушиб қолган Рамзес II шу пайтда худо Амонга ёлворган. Амон унинг дуосини қабул қилиб, ажойиб мўъжизакор нажот юборган ва, шундай қилиб, у душманларнинг темир ҳалқасини ёриб чиқиб кетишга муваффақ бўлган. Шу тариқа, хушомадгўй сарой шоири мисрликларнинг Кадеш яқинида енгилиб, шармандаси чиққанлигидан ҳосил бўлган хунук таассуротни сал бўлса ҳам, сусайтиришга ҳаракат қилган, фиръавннинг мўъжизакор нажотини унинг қаҳрамонлиги ва тақводорлигининг натижаси қилиб кўрсатган, шу билан, бу шоир, худонинг ердаги ўғли бўлмиш фиръавн ҳамма вақт худоларнинг ҳимоясида туради, деган фикрни талқин қилган. Лекин гап бошқача бўлган. Миср қўшинининг бошқа отрядлари етиб келиб, уларнинг ёрдами туфайлигина Рамзес II тамомила тормор бўлишдан омон қолган. Лекин хеттларнинг Миср қўшинларига берган зарбаси ҳийла қаттиқ бўлган. Кадеш жангидан кейин Рамзес II чекинган ва Мисрга қайтиб кетишга мажбур бўлган. Гарчи Миср ёзувида, Миср қўшинлари Кадеш ёнидаги шу жангда (эрамиздан аввалги 1312 йил) хеттлар устидан ғалаба қозонди, деб айтилса ҳам, аслда, ундай деб бўлмаса керак. Мисрликлар Сурияда бирон-бир муҳим муваффақият қозона олмаганлар. Улар Кадеш сингари стратегия жиҳатидан муҳим пунктни эгаллай олмаганлар. Аксинча,

фактлар мисрликларнинг чекинишга мажбур бўлганлигини, уларнинг Кадеш ёнидаги жангда жуда катта талафот берганлигини кўрсатади. Мисрликларнинг катта талафот кўрганлиги яна шу нарсадан кўриниб турибдики, улар шу биринчи кампания натижасида Сурияда ҳам, Фаластинда ҳам ўрнашиб қола олмаганлар.

Рамзес II Сурияга иккинчи юришни анча эҳтиётлик билан ўтказган. Фаластинни эгалламоқ учун у уч йил давомида шошмасдан, лекин қаттиқ кураш олиб борган. Рамзес II Аскалон ва Дапурни олган, Галилеяни ишғол қилган, босиб олинган область ва шаҳарларнинг ҳаммасини ўз қўлида сақлаб қолиш чораларини кўриб, секин-аста олға силжиб бориб, Оронт дарёсига етган. Миср қўшинлари шимолга қараб силжиб, Шимолий Сурияга кириб боришга ва Оронт водийсидаги бир неча шаҳарни ишғол қилишга муваффақ бўлган. Уша вақтда Хетт мамлакатида бўлиб турган галаёнлар Сурияга қилинган иккинчи кампания вақтида Миср қўшинларининг муваффақият қозонувига кўп жиҳатдан сабаб бўлган. Хетт ёзувларидан маълум бўлишича, бу вақтда шимолдаги газгейлар қабиласининг босқини, шунингдек иккита тахт даъвогари — Урхитешуб билан Хаттушил ўртасида тахт талашиб қизиб кетган қаттиқ кураш туфайли Хетт давлатининг қудратига путур етган.

Эрамиздан аввалги 1296 йили Хетт подшоси Хаттушил Рамзес II билан сулҳ тузган. Сулҳ аҳдномасига биноан (унинг тексти сақланиб қолган), ҳар икки томон бундан кейин бирор томоннинг ерига бостириб кирмайдиган бўлган, ҳатто шартлашувчи томоннинг бирига ҳужум қилиши мумкин бўлган ҳар қандай душманга қарши ҳарбий мудофаа иттифоқи тузилган. Яна, ҳар икки томон жиноятқорларни жазолашда бир-бирига ёрдам бериш, биридан иккинчисига ўтган сиёсий қочоқ ва мухожирларни ўз мамлакати тупроғидан ҳайдаб чиқариш мажбуриятини олган. Бу сулҳ шартномасининг Миср ибодатхоналари деворларида ҳамда Хетт подшоларининг архивларида сақланган текстлари Олд Осиёдаги шу икки энг катта давлат ўртасидаги урушдан кейин белгиланган чегарани аниқлаб бермайди. Хеттларнинг ҳужжатларига қараганда, Сурияннинг энг шимолий қисми хеттлар таъсирида қолган. Мисрликларнинг ёзувлари уруш натижасида Фаластин, Жанубий Финикия ва Жанубий Сурия яна Миср қул остида қолган, деб фараз қилишга имкон беради. Тинчлик аҳдномаси Рамзес II билан Хетт маликаси ўртасида бўлган династик никоҳ билан мустаҳкамланган. Уруш ва бундан кейин тузилган сулҳ шартномаси натижасида Мисрнинг Осиё мамлакатлари билан бўлган тинч савдо алоқалари тикланган.

Рамзес II нинг тинчлик вақтидаги фаолияти

Рамзес II ўзининг узоқ давом этган подшолик даврида фақат ҳарбий муваффақиятларгагина эришиб колмай, яна мамлакат ичкарисида катта қурилиш ишларини ҳам олиб борган. Дельтанинг шарқий қисмини обод қилиш ишларига алоҳида аҳамият берилган. Ўша вақтда бу ерда суғориш системаси яхшиланган ва анчагина кенг территория кўжалик учун ўзлаштирилган бўлса керак. Бу ерда катта-катта шаҳарлар қурилган, бу шаҳарлар ичида Рамзес II томонидан барпо қилинган ва Пер-Рамзес (Рамзес уйи) деб ном берилган янги пойтахт ҳам булган. Дельтада барпо этилган бу муҳташам шаҳар бир папирусда бундай таърифланган:

«Подшо ўзига шаҳар қурдирди: у «Зафарбахш» деб аталади. У Фаластин билан Миср ўртасига жойлашган бўлиб, ноз-неъматлар билан тўладир... Ҳамма одамлар ўз шаҳарларини ташлаб, бу шаҳар атрофига бориб жойлашмоқдалар. Бу шаҳарнинг ғарбий қисмида Амон ибодатхонаси, жанубий қисмида эса Сэт ибодатхонаси бор. Астарта жануб томонда, Буто эса шимол томонда туради. Шаҳар ичкарисидаги қалъа худди осмон уфқига ўхшайди. Амоннинг муҳаббатига сазовор булган Рамзес қалъа ичида худо каби яшамоқда».

Подшонинг янги қароргоҳида анчагина аҳоли тўпланган. Бунда катта-катта бинолар, Миср худоларидан ташқари, Осиё худоларига ҳам атаб ибодатхоналар қурилган, бу эса дельтанинг шарқий қисмига осиёлик савдогарлар ва колонистлар кириб ўрнашганлигини кўрсатади. Дельтанинг шарқий қисмида Мисрнинг янги пойтахти барпо қилинганлиги Мисрнинг Суриядаги ерлари ўша вақтда Миср учун жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Сурияда олиб борилган узоқ урушлар аскарларни уруш ҳаракатлари бўлаётган жойга тезлик билан етказиш учун катта-катта ҳарбий кучларни дельтанинг шарқий қисмида тўплашни талаб этган. Бундан ташқари, Осиё билан савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши дельтанинг шарқий қисмида янги савдо марказлари яратишни талаб қилган. Бу ерда Танис шаҳри анча ривож топган, унда ҳашаматли ибодатхона ва Рамзес II га жуда катта ҳайкал ўрнатилган. Шу ерда яна Питом деган шаҳар қурилган, бу шаҳар жуда кўп мол тўпланадиган ғоят муҳим савдо марказларидан бири бўлган. Дельтанинг бутун шарқий қисми бу вақтда «Рамзес мамлакати» деб аталган. Бу ерда Хорбет деган жой яқинида жуда кўп ёдгорлик буюмлари топилган, бу буюмлар илоҳийлаштирилган подшога эътиқод қилиш аҳолининг жуда кенг табақалари орасида расм бўлганлигини кўрсатади. Афтидан, Миср ҳукумати дельтанинг шарқий қисмини кўжалик учун ўзлаш-

тиришдан ташқари, бу ерда давлат ҳокимиятини дин ёрдами билан мустаҳкамлаш учун ҳам бир қатор тадбирлар кўрган.

Рамзес II нинг Фаластин ва Сурияга қилган ҳарбий юришлари ва Миср билан шу мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида бу мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар ҳам мустаҳкамланган. Мисрга жуда кўп осиёликлар, жумладан Финикия савдогарлари келган. Мемфисда чет элликлар яшайдиган махсус бир маҳалла вужудга келган, бу маҳаллада чет эллик халқларнинг худолари Бэл ва Астартага атаб ибодатхоналар қурилган. Миср тилига Олд Осиёдаги семит тилларидан жуда кўп сўзлар кирган. Миср фиръавнининг саройида эътиборли Сурия кишилари катта ўрин тутган. Миср дини осиёликлар дини таъсирига берилган. Ўша вақтдан колган кўп ёдгорликларда Миср худолари билан бир қаторда Осиё худолари — Бэл, Решеф ҳамда Осиё маъбудалари Астарта, Анат ва Кадеш ҳам тасвирланган. Шу билан бир қаторда, Миср ҳам Сурия ва Фаластинга маданий жиҳатдан катта таъсир қилган. Бет-Шан ва Библ харобаларида Мисрнинг маданий таъсир маркази бўлган ибодатхоналарнинг қолдиқлари топилди. Бет-Шаидаги Миср ибодатхоналарининг харобалари айниқса катта аҳамиятга эгадир, бу ибодатхоналар Рамзес II замонида Сурия худолари Дагон, Решеф ва Ашторетга атаб қурилган. Шу катламнинг ўзидан яна Миср қалъасининг харобалари топилди, унинг деворига айлантириб мудофаа миноралари қурилган. Бу ердан топилган Миср буюмлари ичида Рамзес II нинг ҳарбий қаҳрамонликлари мақталган катта Миср ёзуви ҳаммасидан кўра катта тарихий аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, мисрликлар Сурияни қурол кучи билан ўзларига тобе этиб, уни аста-секин маданий таъсирларига ҳам бўйсундириб борганлар.

Бир папирусда (бу папируснинг тексти Москвадаги Тасвирий санъат давлат музейида сақланади) мисрлик Уну-Амон деган кишининг Сурияга қилган саёҳати баён этилган. Бу саёҳатномадан олинган қуйидаги гўзал бир парчадан кўринишича, Мисрнинг Сурияга маданий жиҳатдан катта таъсир этганлигини сурияликлар жуда яхши тушунганлар. Саёҳатномада Сурия князи Миср элчисига бундай дейди: «Сен ҳақ гапирасан: Амон барча мамлакатларни яратди ва уларни таъмин этди. Даставвал, у сен яшайдиган мамлакат — Мисрни яратди. Камолат у ердан чиқдики, мен турган жойга яқинлашмоқ учун ва билим ҳам у ердан чиқдики, мен яшаб турган мамлакатга етиб келмоқ учун».

Миср тамомила бўйсундирилиб, қатъий равишда Миср давлати составига киритилган Нубияга ҳам, Сурияга кучли таъсир қилгани каби таъсир кўрсатган. Нубияда Миср ҳокимиятини батамом мустаҳкамлаш учун Рамзес II жанубга бир неча марта қўшин тортиб борган, маҳаллий қабилалар ичидаги қўзголонни бостирган, Нубия ва унинг атрофидаги областларда бўйсунишдан бош тортган қабилаларни тор-мор келтирган. Бутун Нубия бу ердаги махсус ҳокимга бўйсунган. «Кушдаги подшо фарзанди» деган (Куш — Нубия демакдир — *В. А.*) дабдабали унвон олган бу ҳоким шу ерда тузилган Миср маъмурлигини фиръавн номидан бошқарган. Рамзес II замонида Нубияда бир неча катта-катта ибодатхоналар қурилиб, бу ибодатхоналар ичида қилинган шу мамлакатга Мисрнинг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва маданий таъсирини юқтириш марказлари бўлиб қолган. 1-остонадан 50 *км* жанубдаги Байталвали ибодатхонасининг ва 1-остонадан 280 *км* жанубдаги Абу-Сумбул ибодатхонасининг деворларида Рамзес II нинг Нубияни тамомила бўйсундирганлигини ҳамда Рамзес II қудратини яққол кўрсатиш ва абадийлаштириш мақсадидаги тасвир ва ёзувлар сақланиб қолган. Тантана манзараси ва маҳаллий кишиларнинг олтин ҳалқалар, фил тишлари, қоплон терилари, қора дарахт, камон ва қалқондан, ниҳоят, ёввойи ва уй ҳайвонларидан иборат хирож кўтариб келаётганлигини кўрсатувчи тасвирлар фиръавннинг бўйсундирган мамлакатдаги ҳукмронлигидан яққол далолат берсин деб қилинган тасвирлардир. У замоннинг тантанали ва дабдабали услубидаги ёзувлар Миср подшосининг куч ва қудратини кўкларга кўтариб мақтаган; бу ёзувларга кўра, Миср подшоси «худонинг марҳаматидир», «у ўз шамшири билан жанг қилиб, жанубни янчиб ташлаган, шимолни бўйсундиргандир... у негрларни тумтарақай қочишга мажбур этгандир. У босган изидан лопиллаб олов чиқадики, бу оловни ўчирадиган сув ҳали йўқдир. У исёнчиларни асир олар экан, уларнинг дамини ичига тушириб юборадики, тинч деёлмай қолишади». «Қора Ер (Миср — *В. А.*) билан Қизил Диёр (чўл — *В. А.*) унинг шиппаклари тагидадир; Фаластин ва Куш (Нубия — *В. А.*) ни у муштига сиқиб олгандир. Миср: «Ё хушбахт ҳукмдор!» деб хитоб қилади, чунки унинг чегараларини кенгайтирган сенсан».

XVIII ва XIX династиялар замонида Нубияда бир неча кичикроқ шаҳарлар бино қилинган бўлса ажаб эмас. Бу шаҳарларда Миср ибодатхоналари қурилган ва жуда катта Миср қўшинлари жойлаштирилган. Нилнинг 1 ва 2-остоналари ўртасида Ал-Амарна ёнида яқинда бир Миср шаҳри қазилди; катта ибодатхонаси, омборлари ва кишилар яшаган уйлари



Абу Сумбулдаги тор ичига солинган ибодатхонага кираверишда
Рамзес II нинг ғоят катта ҳайкали
Янги Подшолик XIX династия.

бўлган бу шаҳарнинг харобалари яхши сақланган. Ғишт деворлар билан айлантириб олинган бу шаҳарча Мисрнинг ҳарбий-маъмурий маркази бўлиб, унда гарбдаги урушқоқ қабилаларнинг ҳужумларини қайтариб туриш учун бўлса керак, ҳарбий гарнизон жойлаштирилган.

Катта ибодатхонанинг деворларида гоят муҳим ёзувлар ва тасвирлар сақланган. Бунда Рамзес II нинг Хетт подшоси қизига уйланиши муносабати билан тузилган машҳур никоҳ аҳди ёзувининг нусхаси, фиръавн Сурия ва Нубияда босиб олган ва бўйсундирган 200 га қишлоқ ва қабилалар рўйхати, ниҳоят, уруш манзаралари, масалан, Нубия қалъасининг қамалини кўрсатган тасвир ва подшонинг қўлга тушган асирларни қириб ташлаётганини кўрсатган стандарт тасвир бор. Албатта, тегишли ёзувлар билан изоҳ қилинган бу тантанали суратлардан муддао Нубиянинг маҳаллий аҳолисида, қурол кучига асосланган Миср ҳукмронлиги метиндай мустаҳкам экан, деган фикр тугдириш бўлган. Мисрликлар Нубиядан мумкин қадар кўпроқ миқдорда чидамли Африка қуллари олиш ва бўйсундирилган мамлакатнинг бойлигидан йиртқичларча фойдаланиш мақсадини кўзлаб уни истило қилганлар. Бу мамлакатдаги табиий бойликлардан ва биринчи навбатда олтин конларидан фойдаланишни осонлаштириш учун карвон йўллари солганлар ва бу йўллар бўйида аҳён-аҳёнда қудуқлар казитганлар.

Рамзес II Мисрда 66 йил подшолик қилган. Унинг узоқ йиллар давомидаги ҳукмронлиги ва образи Мисрнинг охирги буюк фиръавнларидан бирининг образи бўлиб, кўп асрлар бўйи одамлар хотирасида сақланиб келган. Геродот асарида тасвир этилган Рамсеснинг тўғрисидаги афсона Рамзес II ҳақидаги қадимги эсдаликдан иборат. Геродотнинг ҳикоя қилишича, Миср подшоси Рамсеснинг ҳаёт вақтида париги дунёга бориб, маъбуда Деметра билан сокка ўйнаган эмиш. Деметрадан мукофотга олтин сочиқ олиб, яна бу дунёга қайтиб келган эмиш. Афтидан, бу сочиқ, одатда Миср худолари қўлида тасвирланган ҳаёт символи ёки мўл ҳосил, яъни фиръавннинг узоқ йиллар подшолик қилиши билан таъмин этилган бойлик-фарогат символи бўлса керак. Бу афсонада Рамзес II нинг кўп йиллар давомида дабдабали подшолик қилганлиги ҳақида жуда қадимги эсдалик сақланиб қолган бўлиши ҳам жуда эҳтимол.

Бу вақтда Мисрнинг равнақ топганлигининг ташқи белгиси Рамзес II бино қилдирган жуда катта иншоотлардир. Рамзес II Фива ибодатхонасидаги устунвор зўр зални қурдириб тугатган, шунингдек Фивада ҳашаматли бир ибодатхона қур-

дирган, бу ибодатхонага Рамессей деб ном берилган; Абидосда алоҳида гиловатхона қурилган; ниҳоят, Нубияда у бир қатор ибодатхоналар қурдирганки, булар ичида Абу-Сумбулдаги ғор ичига солинган муҳташам ибодатхона ажралиб туради, унинг олд томони фиръавннинг гоят катта ҳайкаллари билан безатилган. Шуҳратпараст Рамзес II янги ибодатхоналар қурдириш билангина чекланмаган. У ўз ўтмишдошлари томонидан бино қилдирилган архитектура иншоотларини ҳам ўзиники қилиб олишга уринган ва шу мақсад билан бу иншоотларга ўз номини ўйиб ёзишга буюрган. Шунинг учун ҳам Рамзес II нинг номи қадимги Миср ёдгорликларида жуда кўп учрайди ва қисман шу сабабдан ҳам унинг номи кишилар миясида жуда узоқ вақт қаттиқ сақланиб келган.

Рамзес II дан кейинги фиръавнлар

Рамзес II дан кейин тахтга ўтирган фиръавнларга Мисрнинг Осиёдаги таъсирини сақлаб қолмоқ учун узоқ ва қаттиқ урушлар олиб боришга тўғри келган. Бундан ташқари, уларга Мисрнинг чегараларини ливиялик қабилаларнинг ҳужумидан ҳимоя қилишга тўғри келганки, бу қабилаларга кўп ўтмай, «денгиз халқлари» деб аталган халқлар ҳам қўшилган. Бу «денгиз халқлари» худди Эгей денгизидаги оролларда яшаган қабилалар бўлса керак; улар Олд Осиёга ва Шимоли-Шарқий Африкага чигирткадек ёпирилиб келган. Фиръавн Мернептах (эрамиздан аввалги 1251—1231 йиллар) ўзининг ёзувларида, «денгиз халқлари» билан иттифоқ бўлиб, Мисрга ҳужум қилган ливияликлар устидан галабалар қозонганлигини айтади. Шу билан бир вақтда, фиръавн Мернептах Сурияннинг бир қатор шаҳарларида кўтарилган катта қўзғолонларни ҳам бостирган. XIX династиянинг охирида Мисрда катта ғалаёнлар бўлган.

Чет эл қабилаларининг ҳадеб ҳужум қилавериши ва Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви бир замонлар жуда қудратли бўлган Миср давлатининг тарқаб, емирилиб кетишига сабаб бўлган. Бутун мамлакат бир қатор мустақил областларга бўлиниб кетган. Анча кейинроқ вақтдан қолган бир ёзувда бундай дейилган: «Миср мамлакати хароб қилинган эди. Ҳар бир киши ўз ҳуқукларидан маҳрум этилган эди. Бошқа вақтлар келгунча кўп йиллар давомида уларнинг ҳокими бўлмади. Миср мамлакати амалдорлар ва шаҳар ҳокимлари қўлида эди: ҳар бир киши ўз қўшнисини, каттасини ҳам, кичкинасини ҳам ўлдирар эди». Мамлакат ичкарисида ғалаён ва тартибсизликлар бўлиб турган бир вақтда давлат ҳокимиятини суриялик бир киши зўрлик билан босиб олган, бу зўравон ҳақида Гарриснинг катта папирусида бундай дейилади: «За-

монлар ўзгариб кетди. Ирсу деган бир суриялик ҳокимиятни босиб олди. У бутун мамлакатни ўзига хирож тўлашга мажбур этди. У ўзининг одамларини атрофига тўплаб, мисрликларнинг мол-мулкини талади. У худоларни одамга айлантириб юборди ва ибодатхоналарда қурбонликлар қилинмайдиган бўлди».

Миср давлатининг заифлашувидан ливиялик қабилалар фойдаланган. Улар ўша вақтда дельтага тинимсиз ҳужум қилиб, Қуйи Мисрнинг бой областларини ўзларининг ҳарбий отрядлари билан тўлдириб юборган. Давлат ҳокимиятини Сетнахт деган гайратли бир ҳоким ўз қўлига олгандан кейингина мамлакат ичкарисидаги тартибсизликлар тугаган; Сет-



Рамзес II нинг мумиёланган боши.

нахт янги, XX династияга асос солган. Сетнахт марказий ҳокимиятни қайтадан мустаҳкамлаган ва Мисрдаги бутур етган тартибни тиклаган. Қулдорлик тузумини ва мустабид давлатни мустаҳкамлаш мақсадида у бир қатор тадбирлар кўрган, бу тадбирлар натижасида коҳинлар кучайган, уларнинг илгариги обрў-эътибори тикланган ҳамда аввалги жуда катта ер ва мол-мулклари яна ўзларига қайтариб берилган. Гарриснинг Катта папируси текстида айтилишича, Сетнахт «илгари қўзғолончилар қўлдан олган бутун мамлакатни тартибга солди, у, Миср мамлакатида бўлган қўзғолончиларни енгди. У, Мисрнинг улуг тахтини тозалади... У, Атум тахтида икки мамлакат ҳокими эди... Ҳар бир киши деворлар билан ўралган ўз биродарини зиёрат қиларди. У худоларга қилинган одатдаги битимларга мувофиқ, уларга эҳсонларни қурбон қилмоқ учун ибодатхоналарни худойи-эҳсонлар жойига айлантирди».

Рамзес III (эрамиздан аввалги 1204—1173 йиллар)


Сетнахтнинг Миср давлатини мустаҳкамлаш соҳасида олиб борган ишларини ундан кейин тахтга ўтирган ўғли Рамзес III давом эттирган. Ташқаридан бўладиган ҳужумларни қайтариш имкониятига эга бўлмоқ учун Рамзес III армияни ва ҳарбий ишни қайтадан тузишга алоҳида аҳамият берган. У ўзининг ёзувларида «пиёда қўшинда ва жанг аравалар отрядларида ҳарбий хизматни ўташ учун» мамлакатнинг бутун аҳолисини гуруҳларга бўлганлиги тўғрисида гапирган. Рамзес III XIX династия фиръавнларининг ишини давом эттириб, чет элликлардан иборат элланма отрядлар тузган, булар асосан ливияликлардан ва Ўрта денгиз бўйида яшаган шардана қабиласидан олинган. Рамзес III шу қўшинларга суяниб туриб, ливияликлар ва «денгиз халклари» билан урушлар олиб борган. Фиръавн мамлакатда қуллар сонининг кўпайишига олиб келган ўз ғалабаларини қуйидагича тасвирлаган: «Мен Мисрнинг ҳамма чегараларини кенгайтирдим. Мен бу чегаралар орқали ўз мамлакатидан бостириб кирганларни тор-мор этдим. Мен даниунларни (денгиз халқи — *В. А.*) ўз оролларида янчиб ташладим, такари ва пуресатиларнинг (денгиз халқлари — *В. А.*) кулини кукка совурдим. Денгиз бўйили шардана ва ушаши (денгиз халқлари — *В. А.*) йўқ бўлди. Улар асир қилиб олинди ва денгиз қирғоғидан қум келтирилган сингари асир қилиб Мисрга олиб келинди. Мен уларни менинг номим билан боғланган қалъаларга жойлаштирдим. Улар юз мингдан қилиниб, жуда кўп гуруҳларга бўлиб ташланди». Бу урушларнинг таърифи ва бир қатор уруш манзараларининг, жумладан, денгиз халқлари билан кемаларда бўлган жангларнинг тасвири бир катта ибодатхонанинг деворларида сақланиб қолган; бу ибодатхонанинг харобалари Миср давлатининг пойтахти Фива яқинидаги Мадинат-Абудадир.

Қазишлар вақтида бу ибодатхонанинг харобалари археологик жиҳатдан синчиклаб текширилди. Қазишлар шуни кўрсатдики, Мадинат-Абуда Рамзес III томонидан қурилган катта ибодатхона яқинида подшонинг ҳашаматли саройи бўлган; бу сарой Рамзес III нинг подшолик вақтида икки марта қайтадан қурилган. Ибодатхона билан унга жуда ёндошиб келган сарой иккита баланд девор билан ўралган ягона архитектура комплексини ташкил қилган. Шундай қилиб, бу зўр иншоот қудратли қалъадан иборат бўлган. Миср давлати тушкунликка учраб бошлаган бир шароитда Миср фиръавни саройда ҳам ўзини унча ғинч ҳис этмаган бўлса керак. Шунинг учун ҳам у ҳашаматли саройини мустаҳкам қалъага айлантиришга мажбур бўлган.



Фиръавн Мернептнинг Исроил мамлакати ҳамда Фалластин шаҳарлари зикр килинган кабр тоши.

Янги Подшолик даври.



Мадинат-Абудаги Рамзес III саройининг мустахкамланган дарвозаси.

Рамзес III нинг подшолик даври Миср давлати ҳарбий қудратининг охирги палласи бўлган. Миср қўшинларининг ливияликлар ва «денгиз халқлари» устидан қозонган галабалари Мисрнинг бўшашиб қолган таъсирини бир қадар мустаҳкамлаган ва мамлакат учун, гарчи қисқа бир муддатга бўлсада, тинчлик ва осойишталикни таъминлаган. Рамзес III бир ёзувида фахр билан бундай дейди, яъни унинг вақтида аскарлари «ғам-ташвишсиз узала тушиб ётишлари мумкин эди. Нубияда ҳам, Сурияда ҳам ҳеч душман йўқ эди. Камону қуроллар аслаҳахоналарда тинч ётарди, аскарлар тунгунча ёб. қонгунча ичиши мумкин эди; уларнинг хотин, бола-чақалари ёнларида эди».

Бироқ Рамзес III нинг ғалаба ёзувларида, бу фиръавннинг подшолик даврида Миср қўшинлари эришган муваффакиятлар жуда ҳам бўрттириб кўрсатилган. Миср қўшинлари «денгиз халқлари» нинг олға силжишини бир қадар тўхтатишга муваффақ бўлган бўлсалар керак; чунки «денгиз халқлари» мисрликларни Суриядаги ва Финикиядаги илгирги ерларининг анчагина қисмидан суриб чиқаргандар. Миср эса «денгиз халқлари» га қаттиқ қаршилик кўрсатиб, Фаластиннинг жанубий қисминигина ўз қўлида сақлаб қола олган.

Коҳинларнинг кучайиши

Мисрнинг XVIII ва XIX династия фиръавнилари томонидан кенг миқёсда олиб борилган ҳарбий сиёсат ва катта ҳарбий ўлжаларнинг қўлга киритилиши натижасида Мисрда катта бойликлар тўпланган. Қушни мамлакатларнинг истило қилиниши бу мамлакатларнинг табиий бойликларидан кенг суратда фойдаланишга, аҳолисини қаттиқ эксплуатация қилишга, шунингдек гашқи савдони гоят кенгайтиришга имкон берган. Ҳар томондан Мисрга келтирилган бойликларнинг асосий қисми ҳукмрон синф бўлган қулдорлар қўлида тўпланган; коҳинларнинг юқори табақаси ҳам шу синф составига кирган, албатта. Ёзувлардан маълум бўлишича, катта ҳарбий юришлар ва йирик савдо экспедицияларидан кейин подшолар ибодатхоналарга катта-катта бойликлар инъом қилганлар. Масалан, Тутмос III Амон ибодатхонасига «Юқори ва Қуйи Мисрдаги энг яхши дала ва боғлардан мевали дарахтлар ўтқазилган баҳаво ерларни, соғин сигирларни, буқаларни, олтин, кумуш, кўп миқдорда ложувард, 878 га яхши эркак ва аёлдан иборат банди осиёликлар ва негрларни (булар худонинг омборларини тўлдиришлари, йигиришларн, тўқишлари ва ерни ишлашлари керак эди), Амонга ҳар йили хирож тўлаб туриши лозим бўлган уч шаҳарни...» инъом қилган. Фивадаги юқори табақа коҳинларнинг таъсирини аниқса зўр бериб мустаҳкамлаган XIX династия фиръавнилари ҳам ибодатхоналарга шунақа катта инъомлар берган. Сети I ўзининг ёзувида Амон-Рага «қашшоқ Сурия мамлакатида ўлжа тариқасида олгаиларини; кумуш, олтин, ложувард, малахит ва ҳар турли бошқа қимматбаҳо тошлар», қимматбаҳо металлардан Сурия заргарлари ишлаган идишлар, «бўйсундирилган мамлакатларнинг катталарини (булар Амон ибодатхонасига қарашли омборларда қул бўлиб ишлашлари керак эди)» инъом қилган. Рамзес II ҳам ибодатхоналарга шунақа катта инъомлар берган. У бир ёзувида Абидос ибодатхонасига инъом қилиб берган бойликларини муфассал санаган. «У, омборни хамма нарса билан тўлдириб юборди, озиқ-овқат запаслари билан, буқалар, бузоқлар, хачирлар, ғозлар, дон, шароб, мевалар билан тўлдириб юборди. Ибодатхона қуллар билан таъминланди... Далаларнинг миқдори икки ҳисса оширилди. Унинг подалари кўпайтирилди. Омборлар лиқ тўлдирилди. Дон хирмони осмонга етар эди... Унинг хазинаси ҳар турли қимматбаҳо тошлар билан, олтин ва кумуш қуймалари билан тўлдирилди. Омбор ҳамма мамлакатлардан (олинган) хирож ҳисобидан хилма-хил нарсалар билан тўлдирилган эди».

Катта ибодатхона хўжалиги ана шу тариқа ташкил топган. Мисрдаги энг катта ибодатхоналарнинг, улар орасида

биринчи ўринни эгаллаган Фивадаги Амон ибодатхонасининг жуда кўп ер мулклари ва катта-катта хунармандлик устахоналари бўлган; бу мулкларда ва устахоналарда жуда кўп чет эллик қуллар ишлаган. Катта амалдор Инени, «Амоннинг икки уйига қарашли ғаллахона мудири» ўз ёзувида Амон ибодатхонасига «ҳар бир чет элдан олинган хирож билан бирга» «бош қисобидан берилган асир негрларни курикдан утказгани» ни айтади. Тутмос I Фива ибодатхонаси деворидаги ёзувда узининг «ғалаба қилган вақтида» чет эллик исёнчиларни қандай килиб ушлаб, асир олганлигини хикоя қилган. Бу асирлар «қулларга айлантирилиб», ибодатхонага берилган. Яна бунинг устига, подшо фармонига мувофик, «ҳамма чет мамлакатларнинг бошлиқлари бошларини эгкан ҳолда ибодатхонага солиқлар келтирадилар». Фиръавн Тутмос III замонида яшаган олий амалдор, вазир Рехмир мақбараси деворларида Фивадаги Амон ибодатхонасининг катта хўжалиги жуда батафсил тасвир этилган. Бундаги хунармандлик устахоналари айниқса диққатга сазовордир; бу устахоналар фақат ибодатхонанинг ўз эҳтиёжларигагина эмас, балки подшо саройи, қисман подшо мақбаралари учун керак булган ҳар хил буюмлар ҳамда қўшинни қуроллантириш учун совут, ойболта, қалқон, найза ва дубулга каби қурол-яроғ ва анжомлар ясаганлар.

Подшоларнинг қилган катта-катта инъомлари натижасида коҳинлар ҳаддан ташқари бойиб кетган. Мамлакатнинг диний марказлари бўлган Фива, Гелиополь ва Мемфисдаги учта энг йирик ибодатхонада айниқса катта бойликлар тўпланган. Гарриснинг Катта папирусида Мисрдаги бу учта энг бой ибодатхонага қарашли мол-мулкнинг рўйхати берилган. Бу ибодатхоналарга қарашли одамлар, чорва моллар, боғлар, экинзорлар, кемалар, кемасозлик корхоналари, қишлоқларнинг миқдори бу даврда коҳинларнинг иқтисодий аҳамияти ошганлигидан далолат беради. Ибодатхоналар мамлакат ичкарисидагина эмас, балки кўшни мамлакатлар билан ҳам қизғин савдо олиб борганлар. Ўрта денгиз ва Қизил денгизда Амон-Ра ва Пта ибодатхоналаридан ҳар бирининг ўз флоти бўлган, бу флотлар уларнинг хазиналарига Финикия, Сурия ва Пунт маҳсулотларини олиб келган. Ибодатхоналарнинг кемалари бож тўлашдан озод қилинган, бу эса ибодатхоналар олиб борадиган савдонинг ривожланишига роят катта имкон берган.

Юқори табақа коҳинларнинг иқтисодий аҳамиятининг ошиши бу коҳинликнинг фақат отадан ўғилга мерос бўлиб утган ва ёлғиз маълум бир тоифагагина хос мансабга айланиш процессини тезлаштирган. XIX ва XX династиялар замо-

нидан колган ёзувлар коҳинлик мансаби ва унвонларининг отадан ўғилга мерос бўлиб қолишлигини кўрсатади. Мансабларнинг мерос қилиб қолдирилиши юқорп табақа коҳинлар — бош руҳонийлар оиласида айникса кучайиб борган. Масалан, Фивадаги Амон бош руҳонийси Рама-Раи ёзувидан биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Менинг жойимни ўғлим эгалласин. Менинг мансабим ҳам унинг қўлида бўлади. Ўз хўжайини уйида фойдали бўлган одил киши учун қилинган сингари, у (мансаб) абадий суратда отадан ўғилга ўтадиган бўлсин». Олий коҳин Рама-Раи ўз ўғилларига мурожаат қилиб, бундай деди: «Сиз ўзларингизнинг мансабларингизни болаларингизга, отадан ўғилга қолдирасизлар, абадий шундай бўлади».

Фивадаги Амон бош руҳонийлари марказий ҳокимиятга тобе бўлмай қўйганлар. Ёзувларида улар ўзларининг бош руҳонийлик унвонларини фиръавндан эмас, бевосита худонинг ўзидан олганликларини таъкидлайдилар. Масалан, бош руҳоний Рама-Раи бундай деб ёзади: «Мен Амоннинг инояти билан бош руҳонийдурман, чунки унинг ўзи мени хонадонининг бошлиги қилиб сайлади ва мен унинг ҳайкалини олиб юрмогим учун менга фахрий қариликни инъом этди».

Юқори табақа коҳинларнинг иқтисодий жиҳатдаи кучайиши яна шу парсада ўз ифодасини топганки, Нубиянинг олтин конлари Амон олий коҳинлари қўлига ўтиб кетган. XIX династия даврида Нубиянинг олтин конлари жойлашган барча областлари махсус ҳоким томонидан идора қилинган, бу ҳоким «Амоннинг олтин конлар областининг ҳокими» деган унвон олган.

Рамзес III дан кейинги Рамессейлар деб аталган кучсиз фиръавнларнинг подшолик даврида коҳинларнинг эътибори яна ҳам ортган. Коҳинлар жуда кучайиб кетиб, пировардида Амон бош руҳонийси давлат ҳокимиятини босиб олган. Фива бош руҳонийси Херихор тўнтариш ясаб, охирги Рамессейчи Рамзес XII ни ҳокимият тепасидан олиб ташлаган ва Миср фиръавнларининг тахтини эгаллаган. Херихордан қолган тасвирлар ва ёзувлар бу жиҳатдан жуда аҳамиятлидир. Херихор Рамзес XII замонида бош руҳонийлик қилиб турганидаёқ, ўзини подшога тенг деб ҳисоблаган. У, Фива ибодатхонаси деворларида сақланиб қолган ёзувида подшо ҳокимиятининг босиб олинишини гапириб, худолар, хусусан Амон-Ра мени подшо деб таниди, деган.

XX династия фиръавнлари подшолик қилган даврларда синфий зиддиятлар ниҳоят даражада кескинлашган. Юқори амалдорлик мансабларини эгаллаган ва коҳинлар билан маҳкам алоқада бўлган бой қўлдорлар жуда катта бойликлар

орттирган. У замон насихатномаларидан бирида шундай бой зодагон мансабдорнинг дабдабали хаёти жуда жонли қилиб баён этилган: «Сен гузал кийимлар кийгансан ва арғумоқларинг бор. Дарёда сенинг кеманг бор. Сен сайр-томоша қилиб ва кезиб юрганингда кетингдан хизматингга тайёр бўлиб хизматкорларинг юрибди. Сенинг уз шахрингда қурилган қасринг бор. Сен шундай мансаб эгасидирсанки, бу мансаб туфайли подшо берган инъомлар билан бойлик орттирасан. Вилоятингда қулларинг ва чўриларинг бор. Қўплари (уларнинг) далаларингда сен бунёд қилган экинзорларда сенга ёрдам бермоқда». Булар бойларга карама-карши ўлароқ, кундан-кун қуллар ва камбағаллар, кашшоқланган жамоачи деҳқонлар, умр бўйи меҳнат қилиб, оғир хаётдан бошини кўтармаган, ҳар доим қашшоқлик чегарасида ва ондан ўлиб кетиш хавфи остида яшайдиган ҳунармандлар бўлган. Узоқ давом этган урушлар меҳнаткаш аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушган ва қаттиқ эксплуатация халқнинг норозилигини қўзғатган, бу норозилик кўпинча қўзғолонларга сабаб бўлган. Рамессейларнинг подшолик даврида халқ қўзғолонларининг сабабини аниқлаш учун ҳукумат буйруғи билан тузилган тергов актларида бу ижтимоий ҳаракатларни таърифловчи муҳим фактлар сақланиб қолган. Бу расмий ҳужжатларда ҳақиқий тарихий фактлар гапирилади. Рамзес III подшолигининг 29-йили қўзғолон бўлиб, бу қўзғолонда Фива қабристонларида ишловчи кишилар қатнашган. Булар меҳнаткаш аҳолининг пастки табақаларидан, яъни мақбаралар қурилишидаги тош терувчилар ва дафн, мотам-маърака маросими буюмларини тайёрловчи ҳунармандлардан иборат бўлган. Кашшоқликдан сабр косаси тўлган кишилар амалдорлар ва коҳинлар ҳузурига бориб, ўзларига озиқ-овқат берилишини талаб қилганлар. Улар, моддий жихатдан оғир аҳволда эканликларини гапириб, ярим йилдан бери муҳтожлик ва кулфат тортаётганликларини айтганлар. Улар «уликлар шахри»дан чикиб, амалдорлар ҳузурига келганлар ва «Биз 18 кундан бери очмиз», деб айтганлар. Қўзғолон кўтарганлар Тутмос III ибодатхонасининг орқа девори тагига жойлашиб олганлар, афтидан, улар ибодатхонага яширинib олган амалдорлар ва коҳинларни қамал қилган бўлсалар керак. Қўзғолоннинг кейинги кунлари қўзғолончилар Рамзес II ибодатхонасига кирганлар ва коҳинлар билан амалдорларнинг насиҳатларига жавобан бундай деганлар: «Биз очлик ва ташналик туфайли бу ерга келдик. Бизда кийимбош йўқ, хушбўй мойлар йўқ, балиқ йўқ, кукат йўқ. Бизнинг сахий султонимиз фиръавнга хабар қилинг ва бизнинг бошлиғимиз вазирга хат ёзиб юборинг, бизга озиқ-овқат келтирсинлар». Баъзида халқ қўзғо-

лонлари жуда даҳшатли тус олган. Қўзғолончилар ён беришларга рози бўлмасдан, бундай деганлар: «Биз қайтиб кетмаймиз. Бошлиқларга айтгинки: «Ростини айтганда, биз бу даргоҳга очлик туфайлигина келганимиз йўқ». Биз шу улуғ гапни айтишимиз керак: «Ҳақиқатда фиръавннинг бу жойларида ёвузлик қилиняпти».

Қўзғолончилар ҳукм сурган чуқур ижтимоий адолатсизликни кўрсатиб, қулдорларнинг зулм-ситамига сўзсиз итоат қилишдан бош тортганлар. Аристократлар давлат аппаратига таяниб туриб, халқ қўзғолонларини террор йўли билан бостирганлар. Улар бундан илгариги даврда ўтган йирик бир амалдорнинг ёзган таржимаи ҳолида равшан таърифланган усулларни қўлланган бўлсалар керак. У ёзувда бундай дейилади: «Мен оломонга даҳшат солардим. Мен чет элликка ўз вазифаларини қандай бажариш кераклигини ҳўп ўргатардим. Мен бандини букар эдим. Мен исёнчининг ўзи қилган хатоларини бўйнига олишга мажбур қилардим».

Давлатни идора қилишнинг ташкил этилиши

Янги Подшолик даврида давлатни идора қилишнинг мураккаб аппарати вужудга келган. Ўша вақтдан қолган жуда кўп ҳужжатлар марказий ва маҳаллий идора системаси билан танишиб чиқишимизга имкон беради. Марказлаштирилган бюрократик идора системаси борган сари кучайиб боради. Ота-бобоси фиръавнлар бўлган Яхмоснинг иттифоқдоши бўлган Ал-Каба номархларидан ташқари, областларнинг илгариги мустақил ҳокимлари ўз мустақилликларини йўқотганлар ва фиръавнга тамомила итоат қилишга мажбур этилганлар. Мамлакат Шимолий ва Жанубий Миср ни ўз ичига олган иккита катта маъмурий округга бўлинган; округга фиръавннинг махсус ҳокими қўйилган, бу эса идора қилиш ишини янада кўпроқ марказлаштиришга имкон берган. Номларни идора қилиш ҳаммаси подшо амалдорлари қўлига топширилган. Ҳар бир областнинг бошида махсус амалдор турган, унинг мирраси ва алоҳида девони (палатаси) бўлган; шаҳар ва қалъаларнинг бошида подшо томонидан тайинланган махсус бошлиқлар турган.

Бир амалдорнинг мақбарасида давлатнинг биринчи ва энг юқори амалдори бўлган вазирга подшо томонидан берилган йўл-йўриқнинг тексти сақланиб қолган. Бу йўл-йўриқнинг, қисқа, бешира ёзилган ҳужжатнинг тексти у замондаги бюрократик ижоднинг яққол намунасидир. Вазир вазифаларини муфассал кўрсатиб ва унинг девонидаги иш бошкариш системасини икир-чикиригача белгилаб берган шу йўл-йўриқ қуйидаги сўзлардан бошланади: «Шаҳар бошлиғи, жанубий

шаҳар ва қароргоҳ вазири вазир девонида ўша тура-вазир мажлис қурганида шу вазир девонида эшитиб турган чоқда қилиши лозим бўлган ҳамма ишлар хусусида фармойиш. У вазир курсисида ўтиради. Ерга бўйра солинган, тепасида тахтиравон, унинг орқасида ҳам тери, оёқ остида ҳам тери... Қўлида асо, олдида 40 та кўн ёйиб ташланган, унинг қошида икки томонида жанубнинг 10 та кибори (хоким ёки амалдорлар — В. А.), ички қаср бошлиғи унинг ўнг томонида, даромадлар бошлиғи чап томонида, вазирнинг мирзалари қўлига яқин жойда турадилар». Бу йўл-йўриққа қараганда, шу юқори мансабдаги амалдор бутун мамлакатни идора қилиш ишини ўз қўлига киритиб олган. Саройда тантана маросимининг тартиб-қоидаларини унинг ўзи белгилаган. Пойтахт идоралари ва бошқармаларининг ҳаммаси унинг қўлида бўлган. Мамлакатдаги бутун ер фонди ва сув таъминоти системаси унинг ихтиёрида бўлган. Олий ҳарбий ҳокимият унинг қўлида бўлган. У барча қалъаларни идора қилган, қўшин йиғган ва флотни бошқарган. Ниҳоят, олий суд назорати ҳам унинг қўлида бўлган ҳамда бутун солиқ бошқармаси ва маҳаллий бошқарма устидан назорат қилган. Шундай қилиб, вазирга берилган бу йўл-йўриқ бутун мамлакат бюрократик бошқармасининг марказлаштирилганлигини кўрсатади.

Ҳужжатларда суд ишининг қандай ташкил қилинганлигига оид баъзи бир маълумотлар сақланиб қолган. Ўша даврдаёқ суд қонунлари тўплами бўлган. Шундай тасвирлар сақланиб қолганки, бу тасвирларда биз суд маҳкамасида бош судьянинг ўтирганини ва унинг олдида бир яшик бўлиб, унинг ичида 40 та қонунлар тўпламининг ёзилган тексти борлигини кўрамиз. Аменхотеп III ўзини қонун ўрнатувчи деб атаган. У ўз ёзувларида қонунга доим риоя қилинганлигини гапирган. У бундай дейди: «Қонун маҳкам турди, мен қарорларни бузганим йўқ, лекин фактлар олдида жим туриб, шодлик ва хурсандлик кўзгатар эдим». Ўша вақтдан қолган насиҳатномаларда одиллик ғояси талқин қилинган, бу ғоя судьяларнинг миясига астойдил қуйилган. Энг олижаноб судья — бу «одилона иш кўрувчи, тарафкашлик қилмайдиган (тортишиб турган) икки одамни ўзидан қаноатлантириб юборувчи, заифни ҳам, қудратлини ҳам суд қилувчи... паст зотли кишидан юқори зотли кишини афзал кўрмайдиган ва ҳўрланганни мукофотлаб, ёмонлик қилганга эса ёмонлиги учун жазо берувчи» судьядир. Бироқ бу насиҳатлар судьянинг ғирт синфий характерини мупофиқона бекитган, холос. Давлат аппарати бойлар қўлида бўлган ва, нахотки камбағал ўз манфаатларини синфий суд ўз ҳимоясига олишидан умид қи-

ла олган бўлса. Ўша вақтдан қолган текстларда «суд олдида ёлғиз турганнинг, агар у қамбағал одам бўлса, душмани эса бой бўлса ҳамда судья: «мирзалар учун кумуш ва олтин, хизматчилар учун кийим» деб сикиб турса, судда бундай кишининг холига вой, деб очик кўрсатиляпти бежиз эмас.

Янги Подшолик давридаги Миср давлатининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у қатъий ҳарбий характердаги давлат булган. Бир неча асрлар давомида Миср фиръавнлари томонидан олиб борилган истилочилик сиёсати давлатни идора қилишнинг бутун системасига алоҳида таъсир этган. Давлат аппарати ҳарбий сиёсат манфаатларига мослаштирилган. Ҳарбий командирларга маъмурий амалдорларнинг вазифалари ҳам юкланган. Масалан, «бир аскар бошлиғи каналлар курилишига рахбарлик қилади», унинг «ўринбосари курилишлар учун тош келтиради ва ҳайкалларни ташиттиради». Миср армияси жуда ҳам ўзгариб кетган, у хийла уюшқоқ ҳолга келтирилган. Илгаригидек, у асосан эркин жамоачилардан олинган янги аскарлардан тузилган. Аммо бу даврда Нубия ва Ливиянинг буйсундирилган қабилаларидан, шунингдек ўша вақтда Мисрга ҳужум қилиб турган «денгиз халқлари» дан олинган ёлланма аскарлар отрядларининг аҳамияти тобора ортиб борган. Рамзес II армиясида оу ёлланган аскарлар жуда катта ўрин тутадиган бўлиб қолган. Уларнинг сони тобора ортиб борган ва аста-секин асл Миср армиясининг заифлашувига олиб келган. Миср давлатининг ҳарбий кудратига путур етганлигининг сабабларидан бири ҳам худди шудир. Миср армиясининг анчагина қисмини ташкил қилган ливиялик ёлланма аскарлар Ливия йўлбошчиларининг мустаҳкам таянчига айланиб борган ва кейинчалик уларнинг олий давлат ҳокимиятини босиб олишларига имкон



Амалдор ҳайкалининг юкори қисми. Бўялган охактош.

Янги Подшолик даври. Париж. Лувр.

берган. Бу кўп сонли ва қурама армияда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш учун Миср фиръавнлари Янги Подшолик даврида асосан ўзига хос кадр офицерлар составига — «ҳокимнинг ҳамроҳлари»га суяниб иш кўришга мажбур бўлганлар; бу хил офицерлар даставвал бундан олдинги Ўрта Подшолик даврининг охирида пайдо бўла бошлаган. Миср фиръавнлари бу ҳарбий командирларга айниқса муҳим топшириқ берганлар, уларни ҳар турли ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари қилиб тайинлаганлар. Тинчлик вақтида Миср армияси катта-катта икки қисмга бўлинган, бир қисми дельтага ва иккинчиси Юқори Мисрга жойлаштирилган. Ҳарбий юришлар вақтида армия бир неча корпусга бўлинган, бунн биз Рамзес II нинг Сурияга қилган юриши ҳақидаги таърифидан биламиз. Ўша даврдан сақланиб қолган ёзувлар, жангларнинг ва қалъалар қамалининг тасвирлари қадимги Миср ҳарбий қудрати юксалган охирги даврда ҳарбий ишнинг ташкил қилиниши ва техникаси қандай бўлганлиги билан танишиб чиқишимизга имкон беради.

Қадимги Миср ҳарбий тарихини, айниқса XVIII ва XIX династиялар замонида қилинган буюк истилолар даври ҳарбий тарихини ўрганиш Мисрнинг Олд Осиё билан бўлган иқтисодий ва сиёсий алоқалари проблемасини ўрганиш жиҳатидангина эмас, балки қадимги дунёнинг ҳарбий тарихи нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Биз Миср ёзувларида, хусусан Тутмос III нинг йилномаларида бизга маълум бўлган энг қадимги катта жангларнинг, масалан, Магилдо ёнидаги ва Қадеш ёнидаги жангларнинг таърифидан ташқари, яна қадимги Мисрдаги техника, стратегия ва умуман ҳарбий ишнинг тараққиёт даражасини таърифловчи кўп маълумотларни ҳам топамиз.

Узоқ урушлар ва катта қўзғолонлар Мисрни бутунлай ҳолдан кетказган. Мисрнинг тушкунликка учраган Уну-Амоннинг Сурияга қилган саёҳати гапирилган бир адабий текстда (Москвадаги Давлат тасвирий санъат музейининг папируси) айниқса равшан тасвирланган. Бу адабий асарда Миср элчиси Уну-Амон ёғоч сотиб олиш учун Сурияга юборилганлиги тўғрисида гапирилган, бу ёғоч эса худо ҳайкалини олиб ўтадиган қайиқ қуриш учун зарур бўлиб қолган экан. Шу мақсад билан Сурияга юборилган Уну-Амон кўп муҳтожлик ва машаққатларни бошидан кечирган. Мисрнинг Сурияда ги таъсири шу қадар заифлашган, Олд Осиёдаги ҳарбий ва иқтисодий қудрати эса шу қадар тушкунликка учраганки, Библ князи Миср элчисига бепарволик билан ва

ҳатто нафрат билан қараган. Бу вақт Мисрнинг тамомила заифлашган даври бўлиб, кўп ўтмай Миср чет эл истилочиларига ем бўлган.



Фиръавн Эхнатон ҳайкалининг
жуда катта портрет боши.



Мотам-маърака маросимидан бир кўриниш.

Мает-ка-Ра папирусидаги расм.

X БОБ

ҚАДИМГИ МИСР МАДАНИЯТИ

Миср маданияти эрамиздан 4000 йил илгари вужудга келган. Шунинг учун уни жаҳондаги энг қадимги маданиятлардан бири деса бўлади. Қулай табиий шароитлар Мисрда моддий маданият ва техниканинг жуда барвақт тараққий этишига ёрдам берган. Суғориш ишларига бўлган эҳтиёж зўр эҳтиёж жуда қадим замонлардаёқ каналлар, тўғонлар, дамбалар ва дастлабки вақтларда оддий пишанг билан кўтариладиган бесмалар, кейинчалик эса чархпалакларнинг мураккаб системасини барпо этишга мажбур қилган. Архаик даврда тоштарошлик гоят равнақ топган. Мисрликлар ўша энг қадимги замонлардаёқ қимматбаҳо металлардан нафис зийнат буюмлари ясай билганлар. Ёзув пайдо бўлган, илмий билимларнинг дастлабки куртаклари секин-аста тўплана бошлаган. Бироқ Миср маданияти қадимий Шарқдаги турғун маданиятнинг типик намунаси ўлароқ жуда секинлик билан тараққий қилган.

Миср маданиятининг турғунлигига, тўғриси, жуда секин тараққий қилишига Нил водийсининг географик жиҳатдан бошқа оламдан ажралиб қолганлиги бўлса ва, айниқса кўпроқ ибтидоий жамоа тузуми қолдикларининг қаттиқ сақланиб қолганлиги сабаб бўлган. Қишлоқ жамоаларининг сақланиб қолганлиги туфайли, архаик турмуш ва қадимги маданиятнинг қотиб қолган формалари ҳамда уруғчилик тузуми вақтидаги кишиларнинг онги устидан тамомила ҳукмрон бўлган динининг қотиб қолган формалари ҳам ҳеч ўзгармай сақланиб келган.



От қушилган ва хачир қўшилган Миср жанг аравалари.
Янги Подшолик давридаги мақбарадан олинган расм

Бироқ савдонинг ривожланиши, урушлар, мулкий тенгсизлик қадимги уруғчилик тузумини емириб, синфий қулдорлик жамияти ва энг қадимги мустабид давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Миср узининг бошқа оламдан ажралиб қолган ибтидоий ҳаёти доирасидан чиқа ва аста-секин бошқа мамлакатлар билан ҳам таниша бошлаган. Мисрликлар қушни халқлар билан тобора кўпроқ алоқа қилганлар ва маданият соҳасидаги ютуқларини уларга ўтказа бошлаганлар, шу билан бирга, уларнинг маданиятларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганиб олганлар. Чунончи, мисрликлар Янги Подшолик даврида от, ғилдирак, жанг араваси, уроқсимон қилич, уруш техникасининг баъзи элементлари ва ҳатто янги музика асбоби булган лирани Осиё қабилаларидан ўргапганлар. Бундай узаро маданий алоқа ўрнатилишига ташқи савдо ва ҳарбий сиёсатнинг ривожланишидан ташқари, яна Мисрнинг географик ўрни ҳам, яъни унинг уч қитъа — Африка, Осиё ва Европа чегаралари туташган ерда жойлашганлиги ҳам бир қадар ёрдам берган. Сурияга, Кичик Осиёга, Эгей ороли районига олиб борадиган гоят муҳим савдо йўллари дельта қирғоқларидан бошланади; Қизил денгиз қирғоқларидан Арабистонга ва Африканинг шарқий областлари (Сомали — қадимги Пунт) га борадиган денгиз йули утган.

Ёзув Шумер, қадимги ҳинд, қадимги хитой ёзуви ва бошқа шу каби энг қадимги ёзув системасига ўхшаб Мисрнинг қадимги иероглиф ёзуви ҳам ўз ҳолича ибтидоий даврдаги энг оддий расм ва шакллардан пайдо бўлган. Архаик давр мирзаси бирон сўзни ёзмоқчи бўлса, шу сўзга мослаб расм солган, чунончи, сув сўзини ифодалаш учун учта зигзагсимон, ёки деярли тўлқинсимон чизиқ ≋ чизилган, тоғ сўзини эса ораси водий ёки дара ва икки томони тепалик тарзида ⌓ ифодалаган. округ, область сўзларини ариқлар билан бир хил катталикда тўғри бурчакли полларга бўлинган экинзор шакли ⊞ билан ифодалаган. Архаик даврдаги сопол идишларга солинган ва примитив маънони англатувчи бу расмлар маъно англатувчи белгиларга якинлашиб колади ва чизиқли пақшларнинг соддалаштирилгаи схематик формасига айланади. Бутун-бутун жумлаларни чизиш учун бу айрим сурат белгилар бутун бир маънони билдирувчи мураккаб суратлар қилиб бирлаштирилган. Фиръавн Нармерпинг шифердан ясалган ғалаба лавҳасида подшонинг йиқитилган ва тиз чўктирилган душманни чўқмори билан уриб турган ҳолати тасвир этилган. Бир-бирига зич ёпиштириб қўйилган белгилар воситаси билан лочин тасвир этилган, у бир панжаси билан киши бурнига ўтказилган ипни ушлаб, иккинчи панжаси билан гўё асирнинг танасини тасвирловчи тўғри бурчакдан ўсиб чиққан олтита ўсимликни тираб турибди. Мана шу мураккаб ва чалкаш сурат «подшо (у муқаддас лочин образида тасвирланган — *В. А.*) текислик мамлакатидан 6000 асирни олиб келди» деган маънони англатган.



Фиръавн Хасехемуи номи ёзилган архаик ёзув.

Бундан сал пастроқда иккита сурат аломати билан ўша мамлакатнинг «Гарпунлар кули» деган номи берилган. Бу жадвалда худди ўша усулда сурат белгилар воситаси билан ёзилган бошқа бир жумла бор, унда: «Подшо (буқа суратида — *В А.*) қалъаларни (шохлари билан қалъанинг кунгурали деворларини — *В А.*) бузмоқда ва душманни (оёқлари остига олиб — *В. А.*) янчмоқда» деб ёзилган.

Бу мураккаб суратли ёзув системаси жуда кўргазмали бўлса ҳам, лекин ноқулайдир. Маданиятнинг умумий тараққиёти муносабати билан тил формалари ва сўз состави бойиб ва мураккаблашиб борган сари, мисрэ сурат белгилар билан тушунтириш жуда қийин ва кўпинча мумкин бўлмаган кўпдан-кўп мавҳум тушунчаларни, агоқли отлар ва грамматик формаларни алоҳида белгилар билан билдиришга мажбур бўлган. Шунинг учун тил мураккаблашиб борган сари ёзув ҳам соддалашиб борган. Бутун-бутун сўзларни англатадиган айрим сурат белгилар секин-аста айрим бўғинларни ифодалайдиган бўлган. Масалан, суғориш каналини ифодалашда ишлатилган сурат белги — (мер) ҳамма ерда «мер» бўғинини ифодалайдиган бўлган; юлдуз (сба) ни ифодалашда ишлатилган сурат белги — «сба» бўғинини ифодалайдиган бўлган; ўриндиқ маъносини билдирувчи сурат белги — (сет) «сет» бўғинини ифодалайдиган бўлган ва ҳоказо. Бир бўғинли сўзлар ёки икки ҳарфдан иборат ўзаклар — бўғинларга ишлатиб келинган сурат белгилар замон ўтиши билан алфавит белгиларига айланиб борган. Лукидон — «са» сўзини билдирган + + сурат белги «с» ҳарфи ўрнида, тепалик — «ка» сўзини билдирган сурат белги эса «к» ҳарфи ўрнида қўлланилган. Шундай қилиб, Кадимги Подшолик даврида ёқ Миср ёзувида 24 та асосий товушни билдирадиган алфавит системаси пайдо бўлган. Бироқ Миср мирзалари қадимдан қолган архаик саркитлардан қатъий воз кечишга ботина олмай, ёлғиз алфавит белгиларидангина иборат бўлган ёзув системасини ярата олмаганлар. Консерватив традицияларга кўра, Миср мирзалари ўз ёзувларида сўзларга ва сўз бўғинларига ишлатиладиган жуда кўп ва мураккаб сурат белгиларни сақлаб қолганлар, жуда кўп сўзларга маълум бир тушунчага кирадиган сўзлар гуруҳидаги суратли аниқловчилар (детерминативлар) ни ишлатганлар. Масалан, «илдиз» (менит) сўзи бўғин белгиси «мен», алфавит белгилари н—и—ва т билан ҳамда «усимликлар»га оид сўзлар группасини билдирадиган тегишли аниқловчи воситаси билан ёзилган. Шундай қилиб, Миср ёзуви бир неча хил белгилардан таркиб топган бўлиб, ундаги ҳар бир сўз алфавит, бўғин, суратли-образли белгилар ва аниқловчилар воситаси билан ифода қилинган. Қадимги Миср орфографиясида қатъий қоидалар бўлмаган: ҳар бир сўзнинг имлоси истаган вақтда ўзгартираверган. Миср имлосининг бирдай-бир қоидаси иероглифларни тўғри бурчак ёки тўрт бурчак шаклида симметрик қилиб жойлаштиришдан иборат бўлган. Қадимги мисрликлар горизонтал сатрлар билан ёзиб, кўпинча ўнгдан чапга қараб ўқиганлар, баъзан юқоридан пастга қараб ёз-



Мансабдор Хешининг иероглиф ёзувли кабр тоши.
Ўрта Подшолик даври. Москва. Давлат тасвирий санъат музейи.

ганлар ва шу тартибда ўқиганлар. Улар хатни тошга, ёғочга, сопол парчалари, тери, сурп ва папирусга ёзганлар; папирус қадимги Мисрда энг кўп ишлатиладиган ёзув материали бўлган. Қадимги Подшолик давридаёқ, ишга алоқадор ҳужжатларни тез-тез ёзиш зарур бўлиб қолгани муносабати билан тез ёзиш пайдо бўлган ва бу парса белгиларининг ташки формасини соддалаштиришни талаб қилган. Миср ёзувининг бундай соддалаштирилган системасини, греклар атаганидек, «иеротика» деб атайдилар. «Демотика» деб аталган ва энг мукаммаллаштирилган тез ёзиш хозирги замондаги стенографияга ухшайди ва у эрамиздан аввалги VIII асрда пайдо бўлган ҳамда Миср давлати тушкунликка юз тутган кейинги даврда кенг таркалган.

Миср ёзувининг секин тараккий қилиши ва мураккаблигининг асосий сабаби шуки, бу ёзув батамом коҳинлар қўлида бўлган. Билимни бутунлай ўз монополиялари остига олган коҳинлар ёзувни оммабоп қилишдан, кенг халқ оммаси фойдаланадиган қилишдан манфаатдор эмас эдилар. Аксинча, коҳинлар ва мирзалар ёзувни донолик худоси Тот ато килган «каломиллох хати» деб, диний сирлар никоби остига олганлар. Мирза ёза бошлашидан олдин худо Тотга багишлаб назир шаробини ичиши ва қуйидаги дуони ўқиши лозим

бўлган: «Менга бошчилик қилиш учун ҳузуримга келгил, вазифангни ўташга мени қодир қилгил... Сенинг вазифанг бошқа ҳамма хизматлардан аълодир... Ёнимга келгил, менга бош бўлгил... Мен сенинг қулингман».

Дин

Миср тарихининг то христианлик таркалгангача ўтган ҳамма даврларидан сақланиб колган жуда кўп диний текстлар ва диний эътиқод ёдгорликлари уруғчилик тузуми емирилиб, бузилиб бораётган даврдан бошлаб Миср динининг ривожланишини кузатиб боришга имкон беради. Ижтимоий тузумнинг ва умуман бутун маданиятнинг нихоят даражада секин ривожланганлиги диннинг ибтидоий формалари сарқитларининг жуда кейинги даврларгача махкам сақланиб келиши учун замин бўлиб хизмат қилган, бунга, қисман, Миср тарихининг ҳамма даврларида хайвонларга эътикод қилишнинг кенг таркалганлиги ҳам сабаб бўлган.

Фетишизм

Ибтидоий замонда яшаган мисрлик, табиатга қарши курашда ўзини ожиз билиб, табиатдаги айрим ходисалар ва айрим нарсаларга табиатдан хам устун турувчи кучга эга деб қараган ва шу билан бирга, бу кучдан ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринган. Бу фетишлар эътикоди, яъни ибтидоий одамларнинг муқаддас нарсаларга, гўё табиатдан ҳам юқори турувчи афсонавий кучга эга бўлган бу нарсаларга эътикод қилиши архаик даврда келиб чиққан. Мисрда ўша қадим замонлардан буен маъбуда Нейтнинг муқаддас символи бўлган алоҳида фетишга — чалиштирилган икки ўқ ёки қинига сиқиштирилган ёйга, сўнгра худо Минанинг фетиши — ёғочдан ўйиб ишланган лўкидонсимон буюмга, худо Сопдунинг «уткир» тишларига, худо Ухпнинг папирусдан ясалиб, пат ва гасмалар билан безалган ҳассасига ва шу сингари бир қанча сеҳрли буюмларга топинганлар. Бу примитив фетишизм сарқитлари қадимги Миср динида то кейинги вақтларгача сақланиб келган.

Табиатга топиниш

Табиатнинг дахшатли кучлари Нил водийси ва унга ёндош тогли ерларда яшаган ибтидоий ахолини қўрқувга солган. Қадимги мисрликка мудҳиш қум чўли айниқса дахшатли бўлиб кўринган, чунки бу чўл томондан қум аралаш довул эсиб турган, унда йиртқич хайвонлар изғиб юрган, Нил водийсидаги деҳқонларни доим ўзларининг ҳужумлари билан таҳликага солиб турган кўчманчи қабилалар шу чўлда кўчиб юрган. Мисрда жуда қадим замонлардаёқ мукаддас тошга топинганлар, кейинчалик бу Гелиополь шаҳрида ҳам ҳукм сурган. Диний архитектурада обелискнинг ишлатилиши ҳам шу тошга топиниш билан боғланган. Нихоят, подшонинг

муқаддас мақбараси — пирамидаларда қадимги тоғ ва қояларга эътиқод қилишнинг изи сақланиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Сersув Нил дарёси билан мунтазам суратда суғорилиб турадиган водийнинг серунум тупроғи деҳқончилик хўжалигининг ўсишини тезлаштиргач, қадимги мисрликлар дилида «муқаддас ер», «табиатнинг онаси маъбуда» ва сринг азалги худоси Гэб тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўла бошлаган. Ерда ҳаёт кечирган, ердан унган самаралардан баҳраманд бўлиб, тирикчилик қилган ва ўлганларни ҳам шу ерга кўмган деҳқон ҳаёт-мамотнинг бошини шу *ер деб билган*. Шунинг учун «Пирамида текстлари» да унган одам тўғрисида *образли қилиб*, у «ер тишлайди, Гэбни тишлайди, отасини тишлайди» ва «марҳумнинг жасади — Гэбдир» дейилади. Аммо Нилнинг аллювиал водийси шароитида фақат мураккаб сунъий суғориш асосидагина *деҳқончилик қилиш* мумкин бўлган. Шунинг учун мисрликлар сувни одамга ҳаёт ва озиқ бсрувчи дастлабки улуғ стихия *деб билганлар*. Мисрликлар дастлабки сув хаосини худо Нун деб атаганлар. Сув уларга бутун табиатнинг асоси бўлиб кўринган. Шунинг учун улар улуғ Нил дарёсини илоҳийлаштирганлар, уни Хапи деб атаганлар ҳамда табиат кучларига ҳаёт бахш этувчи худо Озирис билан тенглаштирганлар, уни худоларнинг каттаси, ҳамма нарсани яратган, одамларга ҳаёт бахш этиш учун тошиб турадиган Нил» деб атаганлар. У замондаги мисрликлар осмон кўзидан — «қуёш худоси Гор кўзларидан», ёки ёмғир маъбудаси Изиданинг йиғлаётган кўзлари ва танасидан чиқиб турган ёмғир, сувни, шунингдек, Гелиополь ёнидаги муқаддас чашмани сув худосининг намоён бўлиши деб билган. Улар назарида сув руҳлар, сув парилари билан тўлиб тошган, «улар сувда макон қилганлар» ва сув гирдобининг худоси Собк уларга подшолик қилар эмиш. Улар Собкни тимсоҳ шаклида ёки одам бошли тимсоҳ шаклида тасаввур қилганлар. Мисрликлар, ҳаёт сувдан бошланади, деб билиб, сувсиз ҳеч қандай ҳаёт бўлмаслигини кўриб, Қадимги Подшолик давринииг пирамидаларидаги дафнхона деворларига чизилган энг қадимги афсунларидаёк қуйидаги сўзлар билан сувга мурожаат қилганлар: «Ё сув, бу ёкка кел, осмондаги мавжудот ҳаёт бўлсин! Ё сув, бу ёкка кел, ердаги мавжудот ҳаёт бўлсин!». Шунинг учун мисрликлар марҳум рухига дуоафсунлар ўқиб, унинг абадий яшашини таъминламоқчи бўлганларида худога нола қилиб қуйидаги дуони ўқиганлар: «Сен улуғ худога (Озиристга — *В. Л.*) марҳамат айлагашингда унга Нил келадиган бўлди, унинг учун *яйловларда* ут пайдо бўлди ва папирус ўсадиган бўлди; худди шу сингари



Фивада худо Амоннинг «муқаддас қўй» ҳайкаллари аллеяси.
Янги Подшолик. XIX династия.

унга (марҳумга — *В. А.*) ҳам марҳамат айлангилки, у сенинг сувингдан баҳраманд бўлсин, у сенинг оқар сувларингдан ича олсин!». Сувни муқаддас билиб ва плохийлантириб, унга топиниш одати Мисрнинг бош руҳонийсидан тортиб то фиръавннинг ўзигача ҳамма коҳинлар томонидан адо этиладиган мураккаб маросимда — худога атаб ичкиликлар ҳадя қилиш ва гуноҳлардан тозаланиш маросимида ифода қилинган.

Қадимги мисрлик ўтнинг қудратли стихиясига, унинг даҳшатли ва ҳалокатли, лекин, шу билан бирга, одамга зарур ва фойдали бўлган кучига ҳам умид билан, ҳам кўркув билан қараган. Ер тагидан чиқадиган ёки баланд осмонда чақнаб одамларни қийнайдиган бу ўт стихияси мисрликларга космик сув билан боғлиқдай бўлиб кўринган, нариги дунёда ўлган кишининг йўлини тўсиб турган «ўт кўли» ёки «ўт ороли» тўғрисидаги тасаввур қадим замонлардаёқ бўлган. Алоҳида сеҳрли дуолар кишини ўт балосидан сақлаши ва ўт



Худо Горга топиниш
Янги Подшолик давридаги расм.

стихияси устидан унинг ҳукмронлигини таъмин этиши лозим бўлган.

Мисрликлар, айрим ўсимлик, дарахт ва йиртқич ҳайвонларда қандай бўлса ҳам, бирон худонинг макони ёки мужассами бор, деб билиб, бутун ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини руҳлар, худолар ва маъбудалар туркумига айлантирганлар. Дастлаб териб овқат топиш ва овчилик, сўнгра чорвачилик ва деҳкончилик шундай эътиқодлар, тасаввурлар ва одатлар яратганки, улар қадимги ўсимлик ва хайвонларга топинишга асос бўлган. Ўсимлик ва дарахтларга топиниш Мисрда энг қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлган. Мемфисда маъбуда Хатхорга бағишланган муқаддас «има» дарахтзори бўлган. «Ҳаётнинг осмон дарахти» тўғрисидаги қадимги афсонада, ўсимликлар дунёсининг символи бўлган дарахт инсоннинг ер юзидаги ҳаёти учун *зарурдир*, деган фикр образли қилиб ифода этилган. Қадимги Подшолик давридаёқ бу қадимги ўсимликка эътиқод қилиш диний-бадиий образлар шаклига киритилади. Мемфис худоси «Гўзал Тум» — Норфертумга ба-

гишланган муқаддас лотос[1] ҳақидаги тасаввур ана шундай пайдо бўлган.

Қадимги тотемизм формаларидан бири бўлган ҳайвонларга эътиқод қилиш Мисрда архаик даврдан бошлаб кенг тарқалган. Қадимги Мисрнинг жуда кўп областларида эркак ва ургочи муқаддас шерларга топинганлар. Бубастисдаги Миизисга эътиқод қилиш ҳамда Тенис, Мемфис ва Эснадаги ургочи шер — маъбудаларга эътиқод қилишлар ана шулар жумласидандир, булар орасида шер бошли маъбуда Сохмет эътиқоди айниқса кенг тарқалган. Буто шаҳрида заҳарли илонга маъбуда Уажит деган ном бериб, унга сажда қилганлар.

Уй ҳайвонларини илоҳийлаштириш хам ахамият жихатидан бундан қолишмаган. Мисрнинг қадимги пойтахтлари бўлган Мемфис ва Гелиополда Апис ва Миевис деган муқаддас буқаларга топинганлар. Муқаддас буқа образи кейинчалик илоҳийлаштирилган, гўё табиатдан хам устуи турувчи кучга эга бўлган подшо образи билан қўшилиб кетган. Қўчкор шаклида тасвир этилган худо Хнум ижодий куч худоси хисобланган. Муқаддас қўчқорни илоҳийлаштириш Фива худоси Амон эътикодида анча кейинги замонларгача сақланиб келган. Мендес, Гермополь ва Ликополда муқаддас эчкига топинганлар. Муқаддас сигир — маъбуда Хатхор эътиқоди бутун Мисрда жуда кенг ёйилган эътикод бўлиб, унинг маркази Деидера шаҳри бўлган. Муқаддас ҳайвонларга эътиқод қилиш подшонинг эътиқодида ва унвонларида ҳам акс этган. Муқаддас, лочин, асалари, калхат ва илон азалдан подшо ҳокимиятининг ҳомийлари хисобланган. Подшонинг ўзи эса кўпинча одам бошли забардаст шер (сфинкс) сифатида тасвирланган.

Мотам-маъракa маросими

Мисрда ота-боболар рухини йўқлаш ва у билан боғлиқ бўлган мотам маъракa маросимлари уруғчилик тузуми давридан бошлаб давом этиб келган. Бу мотам-маъракa маросими уруғ бошининг ҳокимияти ва обрўсини идеологик жихатдан мустаҳкамлашга ёрдам берган. Қадимги бошқа халқлар сингари, мисрликлар хам, ўлимга одамнинг йўқ бўлиб кетиши эмас, балки унинг бошқа дунёга кўчиши, деб хисоблаганлар. Нариги дунёдаги хаётни улар хаётларида бузиб, ер устидаги хаётга ўхшаш бир хаёт, деб кўрсатганлар. Мисрликлар нариги дунёдаги хаётга ер юзидаги хаётнинг ўзига хос давоми деб қараб, ўлган кишига у тириклик вактида фойдаланиб келган хамма буюмлардан ўша фараз қилинган нариги дунё-

[1] *Лотос* — нилуфар гуллар туркумига кирадиган чиройли сув ўсимлиги.

да ҳам фойдаланиш учун имкон беришга ҳаракат қилганлар. Мисрликлар, марҳум ўзининг тирик қариндошларидан ошсув ва ўзига зарур бўлган ҳар хил буюмлар олиб, абадий яшай олади ва ўзининг ер юзида қолган авлодларини сақлай олади, деб ишонганлар. Қадимги Мисрда уруғчилик тузумининг сарқитлари мотам-маърака маросимининг кенг авж олганлигида, кенг ёйилганлиги ва узоқ вақтлар сақланиб келганлигида кўринади.

Ўлган кишининг ҳаётини абадий сақлашга уриниш, даставвал, жасадни мумиш усулида ифода этилган. Қадимги замонлардаёқ уликни терига, чиптага ёки матага ураб, кўпинча ухлаб ётгандай бўлиб кўриниши учун букчайтириб, бир томонга қаратиб ётқизиб кўмганлар. Ўликнинг жасади ёнига овқат, қурол, одам ва ҳайвонларнинг хайкалчаларини қўйиб қўйганлар. Қадимги Подшолик даврида, энг қадимги қулдорлик давлати ташкил тона бошлаган пайтда қадимги мотам-маърака маросими бошқача янги бир аҳамиятга эга бўлган. Бу эса, мавжуд синфий тузум ўзгармас ва абадий тузум, деган фикрни идеологик жиҳатдан мустаҳкамлаб бериши лозим бўлган. Бой амалдорлар ва коҳинларни пилланапочасимон катта мақбара (мастаба)ларга кўмганлар. Марҳумнинг жасадини сунъий равишда сақлаш учун ичак-чавоқларини олиб, алоҳида идиш (канон)га солиб қўйганлар, жасадни туз эритмаси ва смолага солиб, алоҳида бир усул билан мумиёлаганлар. Шу тарзда қилинган мумиёни бир неча қават зигир ўрамасига ўраганлар. Мақбара ичидаги хоналарнинг деворларига, одатда, вафот этган аристократни, унинг оиласини, мол-мулкини — ҳаёт эканлигида унга қарашли бўлган подаларни, қул ва хизматкорлари ишлаб турган экинзорларни тасвирлаганлар. Бу деворларда овчилик, балиқ ови, ишлаб чиқариш процессларининг манзараларини ва уй-рўзғор ишларига оид ҳар хил суратларни учратиш мумкин. Кўпинча бадиий қилиб ишланган ёзувлар ва ҳатто тегишли рақамлар билан изоҳ берилган ана шундай тасвирлар париги дунёда ҳам марҳумнинг давлатини гўё сеҳр билан сақлаб қолиши лозим бўлган. Марҳум париги дунёда ҳам хотиржам бўлсин учун қариндошлари унга атаб қурбонликлар қилишган. Қадимги Мисрда кенг ёйилган мотам-маърака маросими синфий табақаланиш кескинлашиб кетган даврда халқ оммасида гўё уликни кўмганда алоҳида расм-одатларни бажариш ва алоҳида диний-сеҳрий маросимларни ўташ воситаси билан одамлар у дунёда ҳам ўз мол-мулкини, подшо марҳамати билан ато этилган имтиёзларини сақлаб қола оладилар, деган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шу билан эътиқоднинг бу системаси умуман бу-

тун қулдорлик тузумини идеологик жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Қадимги мисрликлар табиат ҳодисалари ва табиат кучларини илоҳийлаштириб, хамиша тирилиб турадиган табиатнинг абадийлиги тўғрисидаги фикрни ўлган киши ва илоҳийлаштирилган ота-бобоининг ҳам гўё тирилиши ва абадий яшаши ҳақидаги фикр билан боғлашга уринганлар. Қадимги Подшолик даврида бу қадимги диний тасаввурлар теология шаклига кира бошлагач, қадимги сув ва ўсимлик худоси Озирис секин-аста мотам-маърака маросимининг марказий сиймосига айлантирилади.

Озирисни энг қадимги замонларда, деҳқончилик хўжалиги вужудга келган даврда ўсимлик ва сув худоси деб тасаввур қилганлар. Ўзини тамомила табиатга қарам деб ҳис қилган қадимги мисрлик ўзининг бу дунедаги хаёти ҳам, нариги дунёдаги ҳаёти хам Озирисга боғлиқ деб билган: табиатнинг яширин ва абадий кучлари ўлувчи ва тирилувчи табиатнинг худоси бўлган Озирисда мужассам эмиш-ку, ахир. Шунинг учун, Озириснинг тирилиши кишининг янги ҳаётга қайтиш гарови, деб ҳисобланган. Бу фикр қуйидаги диний текстда жуда аниқ ифода қилинган:

Ҳақиқатан, Озирис яшагандек, яшайсан сен ҳам.
Ҳақиқатан, у ўлмаганидек, ўлмайсан сен ҳам
Ҳақиқатан, у йўқ бўлмаганидек, йўқ бўлмайсан сен ҳам.

Ўсимликлар ва сув худосининг абадий ҳаёт худосига, ўлганларга қозилик қилувчи ва охиратнинг подшосига айлантирилганлиги Озирис хақидаги қадимги афсонада тасвир этилади. Бу афсонада айтилишича, Озирисни ёвуз биродари Сэт ўлдирган эмиш, сўнгра у тирилиб, ниҳоят, охиратнинг ҳукмрони бўлган эмиш. Шунинг учун, қадимги мисрликларнинг ишончига кўра, киши Озирисга тақлид қилгандагина, у кишининг жасади устида худди Озириснинг жасади устидагидек диний-сеҳрий маросимлар қилингандагина гўё у абадий ҳаётга эга бўлиши мумкин эмиш.

Ўрта Подшолик даврида аҳолининг анча кўп сонли эркин ўрта табақаси вужудга келиши билан мотам-маърака маросими бирмунча бошқа тус олади. Илгари вақтларда фақат подшолар ва аристократларгагина охират ҳаётини «таъминлаб берган» диний-сеҳрий ёзувлар энди аҳолининг ўрта табақа намояндаларининг жасади солинган оддийроқ саркофагларда ҳам пайдо бўла бошлайди. Қоҳинлар нариги дунёнинг бу янги номзодларидаги кайфиятни ва уларнинг орзуларини эътиборга олиб, улар учун махсус дуо ва сеҳрлар

ўйлаб чиқарганлар; бу дуо ва сеҳрлар гўё мархумнинг «нариги дунёда уз оиласи билан қовушувини», «охиратнинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишини» ва унда «Худонинг судига рўпара бўлмаслик» иложини таъминлаб бериши лозим бўлган. Кейинчалик бу диний-сеҳрий ёзувлар тобора кенгроқ аҳоли оммаси орасида татбиқ этиладиган бўлган. Ўрта Подшолик даврида жасадлар солинган яшик тахталарига ёзилган дуо ва сеҳрлар Янги Подшолик даврида ва кейинги замонда ҳам папирус урамларига ёзиладиган бўлиб, натижада «Ўликлар китоби» вужудга келган. Аммо буни «Ўликлар китоби» демасдан, «Тирилиш китоби» (махшар — пер-ем-херу) деб аталса тўғрироқ бўларди. «Ўликлар китоби»да ҳамда бу даврдаги бошқа бир қанча диний-сеҳрий тўпламлар ва текстларда жуда кўп дуолар, худолар шаънига айтилган мадҳиялар, нариги дунё ва киши ўлгандан кейин унинг қисмати қандай бўлиши тасвирланган.

Жуда кўп диний-сеҳрий тўпламлардан энг каттаси ва жуда кўп тарқалгани «Ўликлар китоби» бўлган. Қадимги мисрликларнинг диний традициясига кўра, бу тўплам Қадимги Подшолик даврида тузилган, дейилади. Бу нарса V—VI династиялар замонидаги «Пирамидалар текстлари» орасида ҳам «Ўликлар китоби»дан айрим боблар учраганлиги билан қисман тасдиқ этилади. Кейинчалик, бу китобнинг марҳумга нариги дунёда роҳат ва фароғатли ҳаёт бахш этувчи айрим боблари ўликлар солинадиган яшикларнинг тахталарига ёзиладиган бўлиб, булардан Ўрта Подшолик замонидаги «Саркофаглар текстлари» деган шартли ном олган диний-сеҳрий тўплам вужудга келган. Бу текстлардан секин-аста «Ўликлар китоби» пайдо бўлган. «Ўликлар китоби»нинг таркибий қисмлари ва мазмуни жуда хилма-хилдир. Кетма-кет келадиган айрим боблари бир-бири билан мантиқий равишда боғланмаган. Шундай қараганда бутун бу диний-сеҳрий тўплам тартибсиз жойлашган ҳар хил дуолар, муножотлар, мадҳиялар, муборакбод қўшиқлар, гимнлар, афсунлар ва сеҳрлар йигиндисидан иборатдек кўринади. Баъзи боблари узининг қадимги маросим характерини сақлаб қолган, масалан, «Оғиз очиш боби», ёки «Тоза кийим кийиш боби» ана шундай. Кўп боблари мархумни нариги дунё дахшатларидан асраши ва ўлгандан кейин унга роҳат ва фароғат таъмин этиши лозим бўлган сеҳрли дуолардан иборат. «Ҳар қандай илонларга зарба бериш боби», «Иккинчи марта ўлмаслик ҳақидаги боб», «Чириб кетмаслик ҳикмати», «Худо қаҳрига дуч келмаслик ҳикмати» ва бошқа шу сингарилар ана шундай боблардир. Сунгра, «Нафас олиш ва сувга эга бўлиш ҳикмати», «Олтин қиргий ва илоҳий қиргийга айланиш ҳик-



Марҳумнинг юраги Озирис судида тарозида тортилмоқда. «Ўликлар китоби»нинг 125-бобидаги расм ва текстдан парча. Ҳунафар папируси.

Янги Подшолик. XIX династия. Лондон. Британия музейи.

мати», «Жоннинг тана билан қўшилишига имкон бериш ҳикмати», «Аршаълода худо Ра ёнига чиқиш ҳикмати» ҳам шулар жумласидандир. 1, 18, 30 ва 125-боблар ахлоқ ақидаларининг ривожлантирилишини кўрсатади. «Ўликлар китоби»нинг 125-боби айниқса қизиқ. Бу бобда ўлгандан кейин марҳум устидан бўладиган суд баён қилинади, юракнинг (қадимги мисрликларда жоннинг символи) тарозида тортиб кўрилиши (психостасия) тасвир этилади ҳамда инкор тавбаси келтирилади, бунда марҳум 42 та асосий гуноҳни қилмаганлигини айтади. Энди бу даврга келиб, бу дунёда гуноҳ ва жиноят қилмасдан, тақводорлик билан одил ҳаёт кечирган кишигина нариги дунёда роҳат ва фароғатга эришади, деган тасаввур пайдо бўлади. Бироқ ахлоқий назарлар ҳам қадимги сеҳрий тасаввурлар билан чатишиб кетганича қолаверади. Масалан, «Ўликлар китоби»нинг 30-бобида марҳум охират судида юраги унга қарши гувоҳлик бермасин учун, уни аврайди. Бу диний-сеҳрий эътиқодларнинг турлитуман, аралаш-қуралаш бўлиши шуни кўрсатадики, «Ўликлар китоби» бир неча асрлар давомида тузилган, ўзгартирилган ва таҳрир қилинган. Қадимги текстлар то сўнгги вақтларгача ўзларининг анъана шаклларида сақланиб қолган, шу билан бирга, уларнинг мазмуни кўпинча тушуниб бўлмайдиган ҳолга келган ва ҳатто махсус изоҳлар талаб қилган; ана шундай изоҳлар «Ўликлар китоби»нинг, масалан, 17-бобига қўшимча қилинган.

«Ўликлар китоби»нинг узун папирус ўрамига ёзилган энг яхши намуналари Миср маданияти гуллаб-яшнаган XVIII династия замонига мансубдир. Бундай намуналарнинг кўпчили-

ги Фива мақбараларидан топилган ҳамда асосан Фива коҳинлари ва амалдорларига қарашли бўлган. Панируслар кўмиш манзаралари, мотам-маърака маросимлари, охират суди ҳамда марҳумнинг нариги дунёдаги тақдири билан боғлиқ бўлган манзуларда хар хил манзараларни тасвирловчи ғоят нозик, гўзал қилиб ишланган расмлар билан безатилган.

Куёшга топиниш

Мисрликлар қуёшни жимжит чўлу-биёбонда ҳукм сурган осмон ўтининг дахшатли стихияси деб, шу билан бирга, инсон ҳаёти учун зарур бўлган иссиқлик ва ёруғликнинг бошланғичи, деб тасаввур қилганлар. Энг қадимги замонда қуёшга топинган шаҳарнинг маркази Иуну шаҳри бўлиб, греклар уни «Қуёш шаҳри» (Гелиополь) деб атаганлар; бу шаҳар ўзининг катта диний марказ сифатидаги аҳамиятини қадимги Мисрнинг бутун тарихи давомида сақлаб келган.

Қадимги Подшолик даврида қуёшга топиниш кучаяди ва Миср давлатининг марказлашиши муносабати билан секин-аста олий илоҳият шаҳри давлатига топинишга ўтилади. Куёш худоси Ра ана шундай олий худо деб эълон қилинади ва унинг номи қоқ ўртасига нуқта қўйилган доира шаклида курсатмали иероглиф билан ёзилади, бу эса ялтираб турган қуёш гардишини англатади. Худо Ранинг номи IV династия фиръавнлари Хафра ва Менкаура номларининг таркибий қисмига киради. V династия фиръавнлари худо Рага атаб ҳашаматли ибодатхоналар бино қилдирганлар, бу ибодатхоналарда махсус қуёшга топиниш маросимлари утказилган. Олий қуёш худоси Ра Мисрнинг энг қадимги давлат эътиқодларидан бири бўлган худо Гор эътиқоди ҳам секин-аста қўшилиб кетади; бу худо ё қуёш лочини ёки қуш қанотли қуёш гардиши шаклида тасвир этилади. Шундай қилиб, айрим ном худоларининг эътиқодларидан қуёш олий давлат худосига бўлган эътиқод устун бўлиб олади.

Ўрта Подшолик даврида, Фива Мисрнинг сиёсий марказига айланганидан кейин, маҳаллий худо Амон бутун Мисрнинг олий давлат худоси бўлиб қолади. Шундай қилиб, бир замонлар танҳо қуёш худоси Ра эътиқоди анча қадимги бошқа бир қанча эътиқодлар билан бирга қўшилиб кетгани сингари, Амон эътиқоди ҳам давлат ва диннинг марказлашуви процессида бир қанча маҳаллий эътиқодларни, биринчи навбатда, Мисрда энг кўп тарқалган Гелиополь худоси Ра эътиқоди бош бўлган қуёш эътиқодларини ўз ичига олади. Янги худо Амон-Рага бағишланган гимнларда, у азалдан мавжуд ва бутун оламни яратган олий худо, деб тасвир қилинади.

XVIII династиянинг қудратли фиръавнлари замонида Миср давлатининг мустаҳкамланиши ва ғоят катта моддий

бойликларнинг Амон коҳинлари қўлида тўпланиши шу Фива худоси эътиқодининг қарор топишида акс этади. Фиръавн ҳамма подшолар орасида энг кучлиси ва энг қудратлиси деб ҳисобланган каби, худо Амон-Ра ҳам барча худолар орасида энг улуғи деб эълон қилинади. Унга: «Ҳамма худолар султони», «Ҳамма худолар подшоси», «Худоларнинг энг қудратлиси» деб берилган таърифлар ҳам шуни кўрсатади. Фиръавн Эхнатон замонида, қуёш худоси Атон танҳо олий давлат тангриси деб эълон қилинган вақтларда қуёшга бўлган эътиқод уз тараққиётнинг энг юқори чўққисига чиққан. Танҳо, бутун олам ҳамда абстракт космик тангрисининг Ра-Горахт ва Амон ақидаларида сал-пал кўрина бошлаган хусусиятлари танҳо қуёш худоси Амон эътиқодида тўла ифодасини топади ва ҳайвонларга эътиқод қилиш ҳамда кўп худоликнинг қадимги сарқитларини деярли узил-кесил, аммо қисқа бир муддатга сиқиб чиқаради. Эхнатоннинг диний реформаси унинг вафотидан кейин, орадан кўп ўтмай, бекор қилинади ва шу муносабат билан Фива коҳинлари ғалаба қозонади. Худо Амонга бўлган эътиқод яна тикланади ва Миср аввалги кўп худоликнинг қадимги анъанавий шаклларига қайтиб келади. Бироқ қуёшга эътиқод қилиш ҳар ҳолда қадимги Мисрнинг диний эътиқодлари системасида то кейинги вақтларгача муҳим ўрин тутиб келанеради. Қуёш худоси кейинги вақтлардаги ёзувларда «Ўз-ўзини вужудга келтирган, номи эса номаълум... ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмаган вақтда яшаган... махлуқот унинг қалби истаги билан вужудга келган... қуёш гардиши» образида кўкларга кўтариб мақталган.

Подшонинг илоҳийлаштирилиши

Энг қадимги мустабид давлатларда дин подшонинг ва унинг давлат ҳокимияти бутун аппаратининг обрўсини мустаҳкамлаш учун хизмат қилган. Диний ваъзларда: подшо худолар, ҳокимиятни унга бевосита худоларнинг ўзи берган ва шунинг учун ҳам подшони ердаги худо билиб, унга итоат қилмоқ керак, деган таълимот катта ўрин тутган. Бу таълимотга кўра, подшога қарши қаратилган ҳар қандай социал норозилик ва исён динга қарши жиноят деб қаралиши, ва, демак, умуман йўл қўйиб бўлмайдиган ҳамда муваффақиятсизликка маҳкум этилган иш деб қаралиши лозим бўлган.

Подшони илоҳийлаштириш идеологияси Мисрда айниқса аниқ бир шаклга кирган, чунки Миср давлати бир неча минг йиллар давомида узлуксиз яшаб келган ва ўзининг гуллаб-яшнаган даврларида катта ҳарбий-сиёсий қудратга эришган, қатъий марказлашган давлат бўлган; бунинг устига, динининг анъанавий шакллари подшо ҳокимиятининг мустаҳкамланишига ҳамиша ёрдам бериб келган. Миср фиръавнини «эзгу

худо», «улуғ худо», «қуёш қонидан яратилган, унинг фарзанди» деб атаганлар; худо даражасига кўтарилган подшога ибодатхоналар қурганлар, бу ибодатхоналарда подшоларга махсус топинганлар; санъат ва адабиётда подшони ҳамиша табиатдан ҳам устун турувчи бевосита худолардан туғилган бир зот деб тасвирлаганлар.

Подшони худо даражасига кўтариш идеологияси Миср давлати ташкил бўла бошлаган энг қадимги замонда вужудга келган. Масалан, энг қадимги фиръавнлардан бири Нармернинг гурзисида подшонинг ўз фуқаролари олдида «гойибдан» тантанали суратда «пайдо бўлиши» тасвирланган. Подшонинг тахтиравони тепасида подшо ҳокимиятининг ҳомийси бўлган калхат-маъбуда Нехебт қанотларини кенг ёзиб, гўё подшони қўриқлаб тургандай қилиб тасвирланган.

Подшони ва унинг ҳокимиятини илоҳийлаштириш ақидаси (догматикаси) Қадимги Подшолик даврида жуда аниқ ифодасини топади. Подшонинг гоят катта мақбаралари—пирамидалар қурилади; бу пирамидалар жуда катта ва ҳашаматли бўлиши билан худо даражасига кўтарилган подшонинг қудратини намойиш қилиб кўрсатиши керак бўлган. V—VI династиялар даврида қурилган пирамидаларда «Пирамидалар тексти» сақланиб қолган, бу текстларда осмон худоларининг худо деб танилган подшони ўз ҳузурларига чорлаб олганлари ва подшонинг аршаълога чиқиб, уида кўрган роҳат-фароғати батафсил баён қилинган.

Янги Подшолик даврида кучайиб кетган ҳарбий-савдо экспансияси марказлашган ҳокимиятни ва у билан боғлиқ бўлган подшо эътиқодини янада мустаҳкамлаш зарурлигини туғдирган. Подшони худо фарзанди деб кўрсатиш худди ана шу даврда мукаммал формага кирган ва санъатда кенг тарғиб қилинган. Ибодатхоналарда подшо эътиқодига бағишлаб махсус заллар қилинган. «Улуғ уй» деб аталган бу залларнинг деворларида худо даражасига кўтарилган подшонинг «муқаддас» хаётидаги муҳим пайтлари, яъни олий худо билан малика — она ўртасидаги сирли никоҳдан подшонинг туғилгани, уни маъбуда-сигир Хатхор эмизиб боққани, худоларнинг уни подшо деб тан олгани, тож кийиш куни, 30 йиллик юбилейининг байрам қилиниши ва бошқалар тасвир қилинган.

Миср Олд Осиёдаги катта бозорларда ва савдо йўлларида иқтисодий ва ҳарбий мавқеларини сақлаш учун зўр бериб кураш олиб борган даврда, XIX династия фиръавнлари Сурияда ги ерларини хеттлар ҳужумидан мудофаа қилган замонларда подшо ҳокимияти ва давлат обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида подшо ҳокимияти илоҳийлаштирилган ва

подшо эътиқоди кенг аҳоли оммаси ўртасида, жумладан аскарлар ўртасида жуда эўр бериб тарқатилган. Дельтанинг шарқий қисмидаги Хорбетдан топилган бир қанча лавҳалар подшо Рамзес II эътиқоди ўртача мулкдорлар табақаси ва ҳатто аҳолининг кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида ҳам кенг тарқалганини кўрсатади. Бу лавҳаларнинг эгалари бўлган кемачилар, дарвозабон ва кир ювувчилар худо деб билинган фиръавн шаънига дуолар ўқиб, унга мурожаат қилганлар ва уни «худо», «улуг тангри», «эгам», «ҳокимлар қуёши», «ёруглик эгаси» деб атаганлар.

Подшога бўлган эътиқоднинг ривожланиши муносабати билан Миср динининг асосий формаларида чуқур ўзгариш содир бўлган. Қадимги табиат худолари секин-аста давлат худоларига — давлат, подшо ва подшо ҳокимиятининг ҳомийларига айлантирилган. Масалан, ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси Озирис замон ўтиши билан нариги дунё подшосига, Мисрнинг биринчи подшоси ва подшо ҳокимияти ҳомийсига айлантирилган ва шунинг учун кўпинча у подшо хокимиятига хос ҳамма аломатлари бўлган фиръавн шаклида тасвирланган. Шунингдек, ўзининг лочин образидаги примитив сапам қиёфасини ҳамиша сақлаб келган энг қадимги қуёш худоси Гор ҳам замон ўтиши билан подшо қўриқчисига айлантирилган ва унинг «Гор» номи ҳатто фиръавнинг муқаддас унвонларидан бири бўлиб қолган. Шу тариқа, коҳинлар тарғиботи диний ақидаларда ҳам, тасвирий санъатда ҳам осмон худолари билан ер худоси, яъни худо даражасига кўтарилган подшони бир-бирига боғлайдиган ажралмас алоқани кескин уқтириб кўрсатишга уриниб келган.

Лекин дин халқ ҳаётида шундай катта роль ўйнашига ва диний назарларни ҳаётга сингдириш учун санъатдан кенг суратда фойдаланилишига қарамай, ҳар ҳолда кишининг эркин фикрини батамом янчиб ташлай олмаган. Турмуш тажрибаси, ижтимоий тенгсизлик коҳинлар таълим бериб келган нарсаларга шубҳа билан қарашга, шунингдек дин ақидаларига ишонмасликка олиб келиши турган гап эди. Бундай скептицизм изларини кисман «Ноумиднинг ўз қалби билан суҳбати» да кўрамиз. Дондан ана шу тарзда кўпгина совуш ҳодисалари ижтимоий ларзалар вақтида кучаяди, бу даврда одамлар барча анъанавий негизларнинг емирилаётганлигини кўриб, худоларга ишончларини йўқотадилар ва очиқдан-очиқ: «Мен худонинг қаерда эканлигини билганимда эди, унга қурбонлик келтирган бўлар эдим»,— дейдилар.

Адабиёт

Қадимги Миср бадиий адабиёти жуда қадим замонларда, Қадимги Подшоликнинг бошларида (эрамиздан аввалги IV минг йиллик ўрталарида)

вужудга кела бошлаган. Мисрликлар тўрт минг йил давомида ғоят кўп ва хилма-хил адабий асарлар яратган; бу асарлар Мисрнинг қадимги маданиятининг юксак даражада тараққий қилганлиги, Миср халқининг бадиий ижоди бой эканлигини кўрсатади. Мисрнинг бутун халқи ўз адабиётини яратишда иштирок қилган. Миср адабиётида, айниқса унинг илк даврдаги тараққиёти вақтида халқнинг оғзаки ижодиёти кучли сезилиб туради. Адабий асар эгасининг номи кўпинча очиқ кўрсатилмаган. Традиция қадимги донишмандларнинг кўпинча уйдирма ёки ярим афсонавий номларини авлиёларнинг номларидай улуғлайди хамда хар кандай қисса, хикоя ва насиҳатномаларни шу қадимги донишмандларга олиб бориб боғлайди. Қадимги адабий ёки диний текстларни кўчириб ёзган, оз-моз ўзгартган, қўшимча ёки изоҳлар киритган хаттотларнинг номи баъзан сақланиб қолган. Қадимги сюжетлар, адабий мотивлар, жанр ва формаларнинг традиция бўлиб сақланиб келиши айниқса характерлидир, улар консерватив диний-сеҳрий идеология ҳукмронлик қилиб келганлиги туфайли, минг йиллар давомида ана шу тарзда сақланиб келгандир. Дин ва коҳинлар таълимоти неча минг йиллар мобайнида йўқолмай, сақланиб келиб, маданий бойликнинг «классик» фондини ташкил этган парсаларнинг ҳаммасини азиз, яхши, худо буюрган, деярли мукаддас деб ҳисоблайди. Урта Подшолик даври Миср адабиётининг энг юксак тараққий қилган даври бўлиб, у қадимги Миср «классик» адабиёти гуллаган вақт деб ҳисобланади.

Чинакам халқ ижодининг элементлари мақолларда, меҳнат қўшиқларида ва эртакларда сақланиб қолган. Афсуски жуда оз мақолларгина бизнинг замонимизгача етиб келган. Масалан: «Қишининг тили уни қутқазса ҳам, сўзлари юзини шувут қилиши мумкин» деган мақол жуда характерлидир. Халқ қўшиқларининг соддалиги ва табиийлиги кўриниб туради. Бу қўшиқларнинг текстлари кадимги Миср мақбараларининг деворларида сақланиб қолган. Улар кўпинча меҳнат тўғрисидаги қўшиқлар бўлиб, ундаги бир хил ва бир оҳангдаги ритм деҳқон, ҳаммол ва чўпоннинг оғир меҳнатини акс эттиради. Бу қўшиқлардан энг қадимгилари Қадимги Подшоликка мансубдир. Саккара ёнида катта амалдорлардан Ти ва Мererукнинг мақбараларида кўлгина маиший манзаралар билан бир қаторда, сув бостирилган далага қўйларни ҳайдаб киритаётган чўпонларнинг ва ўз хўжайинини кўтариб бораётган ҳаммолларнинг сурати ҳам солинган. «Сув ичида, балиқлар орасида...» кезиб юрган чўпон ўз ашуласини айтаайта «лаққа балиқ билан гаплашмоқда, балиқ билан... гап сотмоқда». Кейинроқ бино бўлган мақбараларда биз қўшчи-

лар, дон янчувчилар ва ҳаммоллариинг суратларини кўрамиз. Бунда сақланиб қолган дон янчувчилар қўшиғи ўзига хос меҳнат ритмини акс эттиради:

Ўзингиз учун янчинг, ўзингиз учун янчинг,
Эй, хукизлар, ўзингиз учун янчинг.
Ўзингизга озиқ учун янчинг самонни,
Хўжаларингиз учун янчинг донни.
Дам олишни ўйламанг,
Бу кун ҳаво салқиндир.

Қичик-кичик меҳнат қўшиқларининг иероглиф билан ёзилган текстлари оддий иутқ тарзида берилган. Бу қўшиқларни айтиб ишлаётган одамларнинг суратлари ҳам шу жойнинг ўзига солинган. Бу эса Миср рассоми мақбара деворларига жуда содда қилиб чизган меҳнат манзараларини гўё жонли суратда акс эттираётгандек кўринади.

Деҳқонларнинг турмуши ва дунё қарашини акс эттириб, кўпинча, халқ ҳаётидан олинган сюжетларни сақлаб қолган эртаклар халқнинг жуда қадимги оғзаки ижодига киради. Аслда улар халқ тилида тузилган бўлиб, кейинчалик бадиий адабиёт шаклига солинган.

Подшо саройида машҳур жодугарлар кўрсатган муъжизалар ҳақида тўқилган эртаклар тўпламидан иборат Весткар папируси тексти Ўрта Подшоликнинг охирларига мансубдир. Автор халқ эртаклари учун характерли бўлган афсоналардан жуда усталик билан фойдаланади, унинг эртагидаги жодугар тирик гознинг бўйнини узиб олади-ю, яна жойига улаб, ўлган наррандани тиритиради. Қўёш худоси билан коҳин хотини ўртасидаги сирли никоҳ натижасида муъжиза бўлиб туғилган V династия подшолари тўғрисидаги ҳикоя айниқса характерлидир. Бу ҳикоя тамомила адабий шаклга солиб берилган бўлиб, оқсуяк коҳинларнинг подшо ва подшо ҳокимиятини халққа илоҳий деб кўрсатишга ва V династияга мансуб бўлган биринчи фиръавнларнинг ҳокимиятни эўрлик билан қўлга олганликларини оқлашга уринганликларини акс эттиради. Бу эртаклар туплами Ўрта Подшолик даврида таҳрир қилинган, тўпламда аҳолининг ўрта табақаси (иежес)га мансуб кишиларнинг тилга олинганлиги ва тўпламнинг ўша даврга хос адабий тил билан ёзилганлиги шуни кўрсатади.

Халқ ижоди учун характерли бўлган ва ажиб диний фантастика билан бирмунча чатиштириб юборилган деҳқончилик ҳаёти ва патриархал турмуш мотивлари анча кейинги замонларга оид эртакларда ҳам учрайди. Рамессийлар замонида

ёзилган «Икки оға-ини ҳақида эртак» ва «Тўғри ҳам эгри ҳақида эртак»лар шундай эртаклардир. «Икки оға-ини ҳақида эртак» да умуман эртакларнинг асосий мотивлари, чунончи, ёвуз хотин ва у йўлдан урмоқчи бўлган маъсум йигит мотиви, эртакдаги бош қаҳрамоннинг афсонавий тарзда ҳар хил қиёфага кириши ва, ниҳоят, ноҳақдан азоб-уқубатга дучор қилинган жафокаш зоҳиднинг пировард натижада тантана қилиши Миср адабиётидагина эмас, балки Миср маданиятининг маълум даражада таъсири ўтган бошқа кўпгина кейинги замон халқлари адабий ижодларида ҳам сақланиб қолган. Мазкур эртакларнинг ҳар иккисида ҳам бош қаҳрамон гуноҳсиз ва жафокаш зоҳид қилиб тасвирланган. «Икки оға-ини ҳақида эртак» да қаҳрамонга «Ношнинг жони» деб ном берилган бўлса, «Тўғри ҳам эгри ҳақида эртак» қаҳрамони мавҳум маънода «Тўғри» деб аталади. Афтидан, ҳар иккала эртакда ҳам бу адабий образ ўладиган ва тириладиган табиатдаги деҳқончилик худосининг диний образи билан маҳкам боғланган бўлса керак. Коҳинлар ва рассомлар деҳқончилик худосини кўкариб турган бошоқлар шаклида тасвирлаганлар ва уни эзгу «сохибжамол» (Уннафар-Онуфрий) оби раҳмат худоси, табиат ва охиратнинг хаётий кучи деб ҳисоблаганлар. Ҳар икки эртак ҳам Янги Подшолик даврида адабий жиҳатдан гоят пухта қилиб қайтадан ишланган. Бу эртаклар жуда содда ва ҳатто ўша даврдаги камбағал тилда ёзилгандир. Улардаги асосий фикр — оқибатда яхшиликнинг тантана қилиши — гарчи мифологик фантастика билан тўлдирилган бўлса-да, аниқ ва равшандир.

Мифлар

Мифлар, жумладан Озирис тўғрисидаги машҳур миф эртакларга жуда яқиндир. Озирис тўғрисидаги миф машҳур грек ёзувчиси Плутархнинг «Изида ва Озирис ҳақида» деган китобида анча тўла равишда сақланиб қолган. Афсуски, бу мифнинг қадимги Миср тексти тўла сақланмаган; Миср тарихининг турли даврларига оид айрим парчаларигина бизнинг замонамизгача етиб келган. Қадимги Подшолиқнинг «Пирамидалар текстлари» да ўлганларни йўқлашга оид дуолар ва афсунлар сақлапиб қолган, бу дуо-афсунларда Изида билан Нефтиданинг қандай қилиб Озирис жасадини топиб олгани, уларнинг жасад устида йиғлагани, Озириснинг қандай қилиб сирли тарзда тирилгани ва нариги дунёда қандай қилиб ҳукмрон бўлгани баён этилади. Озириснинг хотини маъбуда Изиданинг «Озирисдан бўлган ўғли Горни папирус уясида (дельта чангалзорларида — *В. А.*)... туққани... ва... отаси учун қасос олувчини кўрганлигидан... жуда... хурсанд бўлгани; Изида топиб келишларидан қўрқиб уни бекитгани» ҳақидаги эртак анча

кейинги замонга оиддир. «Гор билан Сэт жанжали» деган мифологик эртакда Озириснинг ўгли худо Гор билан Озириснинг укаси, ёвуз худо — ўлим ва чет эл чўл мамлакатлари худоси Сэтнинг хокимият талашиб, худолар суди олдида қилган узундан-узоқ жанжаллари ва қаттиқ курашлари муфассал баён қилинади. Сўнгра, бу мифологик киссада Горнинг ғалабаси, оқлангани ва, ниҳоят, тантана қилганлиги, худолар унинг «бошига оқ тож кийгизганликлари» ва унга отаси Озирис унвонини берганликлари; сўнгра уларнинг Горга: «Сен Мисрнинг ажойиб шоҳисан ва ҳар бир ернинг умрбод, ажойиб султонисан» деганликлари ҳикоя қилинади. Буни ҳикоя қилиб беришдан мақсад азаллан бери худо Гор ҳомийлигида деб ҳисобланган подшо ҳокимиятининг гўё худо томонидан белгиланганини исбот этиш ва аниқ қилиб кўрсатиб бериш бўлган. Пировард натижада Озирис тўғрисидаги бутун миф ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси, қадимнинг «эзгу подшоси» ва маданий ҳаёт қурувчи Озириснинг уни кўролмовчи укаси Сэт томонидан маккорлик билан ўлдирилганлигини узундан-узоқ ва хар томонлама баён қилиб беришдан иборат. Изида билан Нефтида бошқа худоларнинг ёрдами билан Озириснинг жасадини топиб оладилар ва уни тирилтирадилар, сўнгра у нариги дунёга бориб, қозилик қилади. Изида Озиридан ҳомиладор бўлиб, ўғли Горни тугади; Гор Сэтдан отасининг ўчини олади, унинг устидан галаба қозонади, худолар Горни оқлайди, отасидан қолган подшолик ҳокимияти ва аршаъло унинг қўлига ўтади.

Фазо ва қуёш циклига оид бошқа Миср мифлари ҳам гоят мароқлидир. Бу мифларда оламнинг яратилиши, худоларнинг одамларни қиргин қилиши ҳақида, «буюк сеҳргар» маъбуда Изиданинг ҳийла ишлатиб, олий қуёш худоси Радан, бу улуғ худонинг сирли қудрат ва сеҳрли кучга эга бўлган сеҳрий номини билиб олганлиги ҳикоя қилинади.

Саёҳатномалар

Ташқи савдо ва ҳарбий сиёсатнинг ривожланиши Мисрнинг йирик ва кучли давлат бўлиб олишига, унинг халқаро кураш майдонига дадил чиқишига ёрдам беради. Мисрнинг қўшни халқлар ва давлатлар билан бўлган алоқаси тобора мустаҳкамланиб боради. Миср савдогарлари Сурия ва Нубияга тез-тез қатнай бошлайдилар. Миср қўшинлари Фаластинга йўл очиб, Мисрдан нари жанубда Нил дарёсининг биринчи остонаси билан иккинчи остонаси ўртасидаги бутун районни Мисрга қўшиб оладилар. Ўрта Подшолик замонида денгизнинг нариги томонидаги бой мамлакатларга бориш ҳаваси тугилади. Фойда олиш ва бойлик орттириш орзуси, саргузаштлар ва янги таассуротларга интилиш қадимги тор ҳаёт доираларини бузиб

ташлайди ва улар адабиётда ҳам ўз аксини топади. Янги адабий жанр, сафарномалар, яъни энг кейинги замонларда юзага келган саргузаштлик романларининг энг биринчи ўтмишдошлари пайдо бўлади. «Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя»да (Ленинград Эрмитажидаги 1115-папирус) Шарқ эртакларига жуда хос бўлган қадимги фантастика элементлари ҳам сакланган. Ҳикоянинг қаҳрамони ўша замон аҳолисининг ўрта табақаси (нежес — кичкина) дан чиққан вакил бўлиб, у «подшо конлари»га қилган сафари тўғрисида гапиради. Қаттиқ ловул бошланиб, кемани парча-парча қилиб юборади ва довюрак денгиз сайёҳини сирли «руҳ оролн» қирғоғига улоқтириб ташлайди. Сайёҳ бу ернинг табиати гоят гўзал эканини кўради, у ерда ажойиб мевалар, жуда кўп балиқ ҳамда даррандаларнн учратади. Оролнинг катта бир илон қиёфасидаги эзгу подшоси тўсатдан пайдо бўлиб қолган бу меҳмонга тасалли беради, уни бу олис Пунт мамлакатининг бойликларидан, хушбуй нарсаларидан баҳраманд қилиб, фил тишлари, ит ва маймунлардан иборат кўп ҳадялар бериб, ўз ватани Мисрга жунатиб юборади. Бу ҳикоянинг жуда кўп томонларидаги, чунончи, кема, кеманинг командаси, довул ва «сирли орол» нинг табиий бойликларини тасвирлаган жойларидаги бадиий реализм асарнинг муҳим хусусиятидирки, бу реализм ўша давр санъатида энди юзага кела бошлаган эди.

Саройдаги фитнага аралашиб қолишдан қўрқиб, Сурияга қочиб кетган катта мансабдор «Синухет ҳикояси» яна ҳам реалистик тарзда, худди ҳаётнинг ўзидагидек содда қилиб ёзилган. Ҳикоя автори Синухетнинг сафарда сарсон-саргардонлиги ва тортган машаққатларини гоят гўзал ибораларда тасвирлайди: «...танина бўлиб қолдим. Чанқоқ зўр чиқиб, нафасим сиқилиб қолди, томоқ қақраб, ичим ёниб кетаётгандай бўлди ва мен: «бу — ўлимни татиш» дедим». Миср мансабдорининг Сурияда, бу бегона мамлакатда бошидан кечирган ҳаёти гоят образли ва таъсирли қилиб, шу билан бирга, реалистик тарзда тасвирланади; мисрликлар Ўрта Подшолик даврида Сурия билан тобора яқинроқ алоқа ўрнатадилар. Бу ҳикоя аслда мисрлик катта мансабдорнинг ҳужжатли таржимаи ҳоли каби бир нарса бўлгану, кейин адабий жихатдан жиддий ишланган ва, шундай қилиб, гоят гўзал бадиий асарга айлантирилган бўлса керак. Қадимги Мисрда бу асар шу қадар машҳур бўлганки, бу классик текстнинг бир қанча рўйхатлари ва парчалари ҳозирги вақтгача сақланиб келган.

Янги Подшолик даврида қадимги мисрликларнинг география соҳасидаги билимлари янада кенгайди. Бу замондаги

адабий асарларда қўшни мамлакатлар тўғрисида, чет эл халқларининг ҳаёти тўғрисида, мисрликларнинг чет элликлар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида, ватани чегараларидан ташқаридаги мамлакатларга қилинган саёҳатлар ва саргузаштлар тўғрисида тез-тез ҳамда муфассал ёзиладиган бўлди. «Маҳкум шаҳзода ҳақида эртак» да подшонинг ўспирин ўғли «ўз кўнгил истаги билан чўл-биёбондан ўтиб, шимолга борган», у ерда йиртқич ҳайвонлар овлаб яшаган» ва, шундай қилиб, Нахарина (Шимолий Сурия — *В. Л.*) подшоси ҳузурига етиб борган» ҳикоя қилинади. Бошқа бир ҳикояда мисрликларнинг Фаластиндаги ҳарбий ҳаракатлари ва мисрликларнинг лашкарбоши Тхутийнинг ҳарбий ҳийла ишлатиб, Филистим қиргогидаги Иоппе (ҳозирги Яффа) шаҳрини ишғол қилгани тасвирланади. Ниҳоят, кўп жойи ўчиб кетиб, яхши сақланмаган фантастик қиссанинг парчаларида Сурия маъбудаси Астарта тилга олинади, у «денгиз райони»даги маъбуда сифатида «кумуш, олтин, ложувард ва... ёғоч билан ҳирож» тўлаши, ўзига хос «денгиз ҳирожи», яъни «денгиз нари ёғидаги» узоқ мамлакатдан маҳсулот ва моллар келтириши лозим экан.

Аммо замон ўтиши билан Миср давлатининг сиёсий қудрати заифлашади. XI асрда Миср ўз қўл остидаги ерларидангина маҳрум бўлиб қолмай, балки Олд Осиёда ўзининг бутун обрусини ҳам деярли йўқотиб қўяди. Бу муҳим тарихий фактлар «Уну-Амон саёҳати»да жуда чиройли қилиб тасвир этилган. Уну-Амон эса Фивада бош руҳоний Амон Херихор идора қилиб турган вақтда (кейинчалик у олий давлат ҳокимиятини ҳам ўз қўлига олган) Сурияга юборилган. Бу ҳикояга «Фивадаги Амон бошқармаси палатасининг оқсоқоли» Уну-Амоннинг ёғоч сотиб олиш учун Сурияга қилган ҳақиқий саёҳати асос қилиб олинган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Шунга мувофиқ, бутун ҳикоя реалистик услубни қаттиқ сақлаган ҳолда ва гоят усталик билан бадиий шаклда ёзилган. Бегона мамлакатда кувғин остида қолган, калака қилинган мисрлик амалдорнинг Сурияда бошидан кечирган азоб-уқубатлари катта адабий маҳорат билан тасвирланган.

Диний поэзия

Қадимги мисрликлар адабиёти дин билан жуда маҳкам боғланган. Миф ва эртакларда худолар ҳаётига оид ҳамда ажиб ва таги йўқ охират билан гўё сирли равишда боғлиқ бўлган кишилар ҳаётига оид ажойиб ва гаройиб воқеалар тасвир этилган. Диний адабиётга оид жуда кўп асарларнинг бадиий шаклларга солинганлиги диний-сеҳрий дунёқарашнинг кенг халқ оммасига бўлган таъсирини янада кучайтирган. Сеҳрий афсунлар, ху-

долар ва худо даражасига кўтарилган подшолар шаънига ўқиладиган гимнлар, қурбон байтлари ҳамда ўлганларни кўмиш, эслаш маросимлари билан боғлиқ бўлган ва кўпинча шеърий шаклга солинган хилма-хил диний-сеҳрий текстлар ана шундай асарлардир.

Худолар шаънига айтиладиган гимнлар, шунингдек ҳамду саноллар диний поэзиянинг энг ёрқин намуналаридир; бу гимн ва ҳамду саноллар энг кадимги замонлардан бери турли хил тўпламларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Масалан, қуёш худоси Ра, ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси Озирис ҳамда улуг дарё худоси Нил шарафига айтилган шеърий гимнлар «Пирамидалар тексти» да сақланиб қолган. Москвадаги Тасвирий санъат музейидаги папирусда сақланган «Подшо тожларига гимнлар» ҳам шу даврга оиддир. Подшонинг бошига табаррук тож кийгизиладиган куни ибодатхонада ана шу гимнлар айтилган. Гимнларда гирдоб худоси Собк бош худо сифатида кўкларга кўтариб мақталган.

Турли худоларга бағишлаиган диний гимнлар Янги Подшолик давридан ҳам сақланиб қолган. Бу гимнлар орасида тарихий ва адабий жиҳатдан энг муҳимлари давлат бош худоси Амонга ва айниқса ягона қуёш худоси Атонга бағишланган гимнлардир; Атонга бўлган эътиқодни фиръавн Эхнатон ягона давлат эътиқоди қилиб ўрнатмоқчи бўлган. Атонга бағишланган гимнларда бадиий реализмнинг янги оҳанглари аниқ сезилиб туради ва бу гимнлар қадимги Миср диний поэзияси эришган энг юксак ютуқдир. Бу гимнларнинг авторлари ерга ҳаёт бахш этувчи ва табиатни ҳаётга уйғотувчи қуёш худосининг улуг ижодий кучини содда ва табиий шаклда тасвир этганлар:

Ялтиллар, ярқирар осмонда эрталаб,
Атон нурлари ла чикарсан еруг кун.
Йуқолур тун зулмати оташин панжалар қуланкасида.
Хурсанддир икки Миср — иссиқ жанубн ва шимоли хам.
Уйқудан уйгониб халойиқ, турар оёк узра.
Ювиб юз-қулин, кийинар кийимин,
Чиқишинг кўриб ҳамд уқир сенга.
Сен буисд қилган бутун ер юзида улар қилур ўз ишин.
Типч юрар чорва ўтлаб яйловларида,
Ялтиллаб куринур кук майса, нурингга чўмган дарахтлар,
Учиб чиқар танлаб тунги уясин қушлар.

Драматик поэзия Миср адабиётида алоҳида ўрин тутган. Бундай поэзиянинг ажойиб намуналаридан бири бизнинг замонгача сақланиб қолган. Бизга маълум бўлган бу энг қадимги диний драма ёки муқаддас мистерияда ўлувчи ва ти-

рилувчи табиат худоси Озириснинг чеккан кулфатлари, ўлиши ва тирилиши жуда ёркин тасвир этилган. Абидосдаги Озирис ибодатхонасида ижро этилган бу мистерия баъзи бир Миср сўзувларида, жумладан, Ўрта Подшолик даврига оид Ихернофрет кабртошидаги текстда муфассал баён этилган. Бу қадимги диний драманинг шеърий тексти Қадимги Подшолик даврига мансуб. Бу текстнинг Озирис ўлгандан кейинги аза ва Озириснинг тирилиши тасвир этилган парчалари «Пирамидалар тексти» да ҳам сақланган. Бу драманинг муфассалроқ тексти анча кейинги даврга оид папирусларда сақланиб қолган. Озирис жасади устида зор-зор йиглаб, табиатнинг ўлган худосини тирилиб, янги ҳаётга қайтишга чақираётган опа-сингил маъбуда «Изида билан Нефтида фиғони» бадиий жиҳатдан жуда юксак бўлиб, диний поэзиянинг шоҳ асаридир. Изида билан Нефтида йиғиси ибодатхонанинг энг муқаддас бурчагида «Изида ёки Нефтиданинг номи елкаларига ёзилган» иккита гузал кохин томонидан ижро қилиниши лозим бўлган. Қадимги Миср диний драмаси қадимги Грецияда ва христианлар шаркида диний драманинг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатган.

Подшо шаънига айтилган гимнлар

Худо даражасига кўтарилган подшони кўкларга кўтариб мақтаб айтилган гимнлар диний гимнларга жуда ўхшайди. Бундай гимнлар Миср тарихининг турли даврларига мансубдир. Уларда Миср фиръавнларининг ҳарбий юришлари ва қурилиш соҳасидаги фаолиятларига оид қимматли маълумотлар бор, шу билан бирга, қадимги Мисрда подшони ва унинг ҳокимиятини илоҳийлаштириш ақидасини яққол тавсифлаб беради. «Сенусерт III га бағишланган гимн» Ўрта Подшолик даврига мансуб бўлиб, унда душман устидан ғалаба қозонгб, мамлакатни сақлаб қолган подшо, «мамлакатни ҳимоя қилган ва унинг чегараларини кенгайтирган, чет мамлакатларни буйсундирган» подшо кўкларга кўтариб мақталади. Шеър билан ёзилган бу гимн подшо тож кийиш учун тантанали равишда «ўз шаҳрига» кириб келаётган пайтда ижро этилган бўлиши жуда эҳтимолга яқин. Подшолар шаънига айтилган ва қатъий бир шеърий шаклга солинган бундай гимнлар, кўпинча каттароқ адабий асарларга (масалан, «Синухет қиссаси» га) киритилган.

Миср фиръавнларининг кенг истилочилик сиёсати чўққисига чиққан Янги Подшолик даврида бу адабий жанр анча тараққий қилади. Бу жиҳатдан Тутмос III ва Рамзес II нинг ғалабаларини тасвирловчи гимн ва ҳамду саноолар ёркин мисол бўла олади. Бу гимнларнинг баъзилари шу қадар машҳур бўлиб кетганки, уларнинг текстлари кейинроқ замонлар-

да ҳам бир неча марталаб қайта ёзилган ва уларга кейин ўтган подшоларнинг номлари киритилган. Нихоят, машхур «Қадеш ёнидаги жанг ҳақидаги достон» подшо гимнларининг ўзига хос кенг ёйилган шаклидир. Бу достонда сарой шоири Рамзес II нинг Сурия шахри Қадеш ёнида хетт қўшинлари устидан қилган афсонавий «галабаси» ни тантанали суратда ва бир қадар риторик шаклда тасвир этган. Бу даврда ҳатто подшо жанг араваларига ҳам багишлаб алоҳида гимнлар тўқилган.

Насиҳатлар

Адабий шаклга солинган дидактик (насиҳатгўй) адабиёт асарлари қулдорлик ахлоқининг мукаммал системасини беради. Бу «Панд-насиҳатлар» Миср маданияти гуллаб-яшнаган даврларга, яъни Ўрта ва Янги Подшолик даврларига тааллуқли, аммо бу асарлардан баъзи бирларининг прототиплари Қадимги Подшоликка ҳам мансуб.

Тирикчилик ўтказиш, яшаш қоидасидан, юриш-туриш ва ахлоқ-одоб қоидаларидан баҳс этувчи «Птахотеп панд-насиҳати» да автор «худо аслзоданинг мартабасини баланд қилади» деб «кичик киши» га тасалли беради. Тиловчи, ранжитилган, жафо чеккан одамга сабр-тоқат билан қаноат қилиш тавсия этилади. Ҳар қандай инсон жамиятда тутган ўрнини унутмаслиги ҳамда катталар ва бошлиқлар олдида ҳамма вақт қўл қовуштириб туриши лозим эмиш. Шунинг учун «Панд-насиҳат» автори инсонга юқорига интилмасликни маслаҳат бериб, бу билан ўз қисматидан сал бўлса ҳам, норози бўлишнинг олдини олмоқчи бўлади. «Агарда сен қабулхонада ўтирган ёки тик турган бўлсанг, навбатинг келишини тоқат қилиб кут. Чарлаб турувчи хизматчига диққат билан қараб тур. Чарланганнинг жойи кенг. Қабулхонанинг ўз қонунлари бор, шу сабабли бунда ҳамма нарсани танобчининг таноби ҳал этади... Худо (одамларга) олдиндан жой беради..., аммо тирсак билан ҳеч бир иш чиқара олмайсан».

Донишманд Ипувернинг ва Ноферрехунинг бир-бирига ўхшаган иккита «Панд-насиҳат»лари (буларнинг тексти Ленинград Давлат Эрмитажидаги папирусда сақланади) бир хил ҳам бошдан-оёқ қулдорлик тузумини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги фикрга асосланган. Бу насиҳатларда камбагаллар билан қулларнинг Ўрта Подшолик охирларида бўлиб ўтган катта қўзғолони бадиий шаклда образли қилиб тасвир этилган. «Гераклеополь подшосининг ўз ўғли Мери-ка-Рага қилган насиҳати» бир қадар илгарироқ даврга мансуб бўлиб (бунинг тексти битилган папирус Ленинград Давлат Эрмитажида сақланади), у оғир ва тўс-тўполон бўлиб турган

даврда давлатни қандай идора қилиш кераклиги тўғрисидаги бир қанча маслаҳатлардан иборат. Подшо ўз ўғлига шундай оғир вақтда амалдорлар ва князларга қандай муносабатда бўлиш, ўзига ёрдамчиларни қандай танлаш, қўшинни қандай тўплаш, Сурия чегараларини қандай мустаҳкамлаш кераклигини айтади. «Подшо Аменемхет I насиҳати» ҳам худди шундай муҳимдир; бу насиҳатда довюрак исёнчиларнинг саройда подшога қилган суиқасди тасвир этилган. Подшо бу воқеани образли, ёрқин ифодаларда баён қилиб беради: «Бу воқеа кечки овқатдан кейин, тунда юз берган эди. Мен бирор соат ором олмоқ учун ётган эдим. Чарчаганлигимдан кўзим уйқуга кетипти. Бирдан гўё қурол-яроғларнинг жаранглаган товуши эшитилиб, гўё кимдир мени сўрастагандай бўлди. Шундан кейин мен, чўлда тулғонган илондек, сапчиб ўрнимдан турдим. Уйқим учди, якка ўзим жанг қилмоқ мақсадида, у ёқ-бу ёгимни ростлаб олдим, шундан кейин менинг соқчиларим орасида пайзабозлик бўлиб ўтганини сезиб қолдим ва дарҳол қўлимга қурол олиб, ўша аблаҳни ҳайдаб юбордим... Аммо кечаси ҳам зўр келадиган одам йўқ ва якка олишишга имкон ҳам йўқ... Наҳотки, жангни хотинлар тайёрлаган бўлса? Наҳотки, курашни сарой ичида тайёрлаган бўлсалар? Наҳотки, одамларни бу ишда адаштириб, алдаган бўлсалар? Туғилганимдан бери фалокат менга сира яқин келган эмас эди...» Подшо бу воқеалар тўғрисида ҳикоя қилар экан, ўғлига эҳтиёт бўлишни ва ҳеч кимга ишонмасликни маслаҳат беради. Бу «Панд-насиҳатлар»нинг ҳаммасида кўпдан-кўп тарихий маълумотлар бор ва улар Миср маданиятини ўрганишда қимматли манбадир.

«Деҳқон шикоятлари» деб аталган бир адабий асар ҳам «Панд-насиҳатлар»га анча яқин туради. Унда бир деҳқоннинг амалдорга ялиниб, тортиб олинган мулкини қайтариб беришни илтимос қилганлиги ҳикоя этилади. Сузга чечан бу деҳқонни подшо саройига юборадилар. Унинг сўзга чечанлигига қойил қолган подшо деҳқонга озиқ-овқат беришни буюради ва подшонинг адолатлилигини кўкларга кўтариб мактовчи чиройли-чиройли гапларини завқ билан маза қилиб эшитади.

Дунёвий ва диний философик поэзия

Кенг Миср аҳолиси орасида етилиб келаётган *порозиликни баланд* афсоналар шаклига солинган диний ваъзлар ҳам, худо ва подшоларга бағишланган гимнлар ҳам бостира олмаган, балки бу порозилик ҳатто кўпинча бадиий адабиётга ҳам сингиб кирган. Баъзи поэтик асарларда охиратга ишонмаслик оҳанглари янграб, улар бу дунёнинг бутун ноз-неъматларидан тўла баҳра олишга чақирган. Базмда айтиладиган қўшиқларидан бирида бундай дейилган:

Кулингни шодликда утказ, эй коҳин,
Либардин баҳр олиб, танга ором бер...
Ҳарпа емонлик оркангда колсин.
Жимжитлик, сукунат ҳукм сурган улка,
Бир куни сенинг ҳам стогинг булгай.
Ўтмал кун келгунча уйнагил-кулгил,
Ишрат қил ҳамиша, кунглинг шод улгай.

Ўрта Подшолик даврида ўша замоннинг бутун ҳаёт тартибларидан норозилик «Ҳаётдан кўнгли совуган одамнинг ўз руҳи билан суҳбати» деб аталган шеърий диалогда гоят ёркин ва кучли суратда ифода килинган. Бу бадиий асар авторининг сўзлари ҳаётда ғам-кулфатдан бошка нарса кўрмаган ва азоб-укубатдан қутулишнинг йўли фақат ўлимда деб билган кишининг чуқур пессимизми билан суғорилган. Бир қанча шеърий ўхшатишларда ўлим «касалликдан кейинги соғайиш» билан тенглаштирилади. Киши улимни даъват қилиб бундай дейди:

Бурқиб келаётган лотос ҳидидек,
Бугун ўлим олдимда ҳозир,
Кайф-сафонинг охири етди...
Бугун ўлим олдимда ҳозир,
Булутсиз, пок мовий осмондек,
Бугун ўлим олдимда ҳозир,
Бандилик умрини кўп йиллар сурдим
Энди, бас, у абад уйимга борсам.

Бу поэтик асарда жуда ёркин ифода қилинган ўта кетган пессимизм шоирнинг оддий туйгулари чегарасидан ўтиб кетган. Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган киши фалакдан дод деб, уни ҳақорат қилади. Азалдан традиция бўлиб келган диний дунё қарашга зид фикр, яъни охират ва абадий ҳаётнинг борлигига шубҳа қилиш шоирнинг қуйидаги сўзларида аниқ ифода қилинган:

«Сен дафн қилишни кўз олдингга келтирар экансан, аламга чулганасан, кўз ёши тўкасан, дилсиёҳ бўласан. Сени уйдан олиб чиқиб, гўрга ташлайдилар. Сен ҳеч қачон ундан қайтиб чиқолмайсан ва қуёш нурини кура олмайсан. Метиндан қасрлар қурдирган кишилар ҳам бўм-бўш қурбонгохларни кўрдилар. Сол устида ўлиб кетган ва фарзанди ҳам қолмаган кишиларнинг қисмати нима бўлса, ўша қасрлар қурдирганларнинг ҳам қисмати шу бўлди. Кулнинг жазирама иссиги-ю, балиқлар улар билан гурунглашади».

Киши, у дунёда яшашга ишонмагач, катта-катта чиқимлар талаб қиладиган ва шу сабабли фақат бойларнингина қўлидан келадиган мотам-маъракалар у дунёда роҳат-фароғат кўришни таъминлайди, деган афсона гапларга ҳам ишон-

май кўяди. Бутун диний эътиқодлар ва бутун ахлоқ-одоб таълимлари системасига шубҳа билан қаралади. Автор ишонч билан айтадики, ўлим ҳамма учун — бойлар учун ҳам, камбағаллар учун ҳам баб-баравар, ҳаммасининг ҳам қисмати бир хил — ҳамма ҳам жазирама куёш нурлари остида ёки энг кудратли булган сувнинг кучи билан йўқ бўлиб кетади.

Адабий усуллар

Кадимги Миср адабиёти юксак бадиий камолотга эришган. Поэзия асарларигина эмас, балки проза асарлари ҳам аниқ ритмик шаклга солиб ёзилган. Автор ҳамма вақт айрим образлар, тасаввурлар, гап қисмлари ва ҳатто сўзларнинг ҳам ритм билан кетма-кет келишига жуда катта аҳамият берган. Жумлаларнинг айрим қисмлари, айрим сўзлар қатъий симметрик тарзда ва ёнма-ён қўйилган. Жумла кўпинча икки бўлакдан иборат қилиб тузилган, масалан, «Ога-ини қиссалари»да жумлалар шундай тузилган:

Бир замонлар,
Бир отадан,
Бир онадан,
Икки ўғил туғилмишдир,
Каттасига Анупу деб,
Кичигига Бата, деб
От қўйилмишдир.

Адабий асарларнинг оҳангли ва ёқимли бўлишига катта эътибор берилган. Шу муносабат билан гапни поэтик шаклга солишнинг дастлабки бадиий усуллари: нақорат, унлилар қофияси, оҳангдош сўзлар термаси ва ички қофиялар пайдо бўлган.

Ёркин ва конкрет бадиий образлар ва поэтик таққослар шеърларга хос хусусият бўлган, бераҳм кишининг юраги тош парчасига ўхшатилади. Газаби тошган фиръавн ўзи ҳақида гапириб, ўзининг «чўлдаги илонга ўхшаб қолганлигини» айтади. Адабий услубга катта эътибор берилган. Хаттотлар мактабида стилистикадан таълим ҳам берилган бўлса керак. Янги Подшолик даврига оид папирусларда адабий шаклларга солиб ёзилган ҳар хил хатларнинг намуналари сақланган. Шундай хатлардан бирида баён қилинган фикрларга қараганда, Миср хаттотлари мактабдаги машқларни адабий жиҳатдан эпистоляр (мактуб) услубда жуда қаттиқ танқид қилганлар. Бир хатда хаттот бошқа бир хаттотдан келган мактубни жуда қаттиқ танқидий таҳлил қилади. У, мактуб эгасини «топган сўзларингнинг тайини йўқ, гаплар аралаш-қуралаш бўлиб кетган, ҳамма сўзлар чалкаш-чулкаш ва бир-бирига қовушмаган... нодир сўзлар билан маънисиз сўзлар

аралаштириб юборилган... топган сўзларингнинг мазаси ҳам, матраси ҳам йўқ» деб айблайди. Хаттот ўз мухбирининг адабий жихатдан ожизлиги учун койиб, ўзининг адабий муваффақиятлари, хусусан, услубининг оригиналлиги билан фахрланиб, бундай дейди: «Мен ҳам сенга мактуб билан жавоб қайтараман, аммо менинг мактубим бошдан-оёқ янги. Бу мактуб менинг ўз лабларимдан қуюлиб тушадиган сўзларга тўлган, бу мактубни бировнинг ёрдамисиз, ўзим тўқидим».

Миср халқининг хаёти ва ижодини ёркин акс эттирган қадимги Миср адабиёти эришган муваффақиятлар ана шулардан иборатдир.

Тасвирий санъат

Миср санъатининг энг қадимги формалари архаик даврда (эрамиздан аввалги бешинчи минг йилликда) пайдо бўлиб, бу санъат Миср маданияти тушкунликка учраган кейинги даврларгача. Миср римликлар хукмронлиги остига тушиб қолганигача тараққий қилиб келган. Архаик даврнинг охирларидаёқ Миср санъатининг ўзига хос асосий хусусиятлари: шаклда улуғворлик ва муҳташамлилик, жиддийлик, аниқлик ва деярли геометрик конструктивизм ҳамда фронталлик намоён бўла бошлаган. Бироқ Миср санъатининг бу хусусиятлари айниқса портретлар тасвирида реалистик тенденциялар билан бирга қўшилган.

Мисрда архитектура жуда ривожланган ва техника жихатидан камол топган. Миср архитектурасининг кўпдан-кўп намуналари (мақбаралар, ибодатхоналар ва бошқалар) бизнинг замонгача сақланиб қолган.

Миср архитектурасининг асосий хислати бўлиб қолган гоят муҳташамлилик Қадимги Подшолик замонида вужудга келиб, аниқ бир тус олган. Қадимги Подшолик даврига оид архитектурада (яъни мақбаралар ва ибодатхоналарда) санъат билан диннинг чамбарчас боғланганлиги айниқса яққол кўриниб туради. Жуда кўп жамоа аъзолари ва қуллар мехнати билан қурилган бу ҳашаматли биноларда дин ҳимоясида бўлган подшо ҳокимияти енгилмас куч-қудратга эга, деган фикрни ифода килиши лозим бўлган. Подшолар пирамида-мақбаралари ана шундай ҳашаматли иншоотлардир. Зинапоясимон мақбаралар (мастабалар) бу пирамидалар учун асос бўлган. Саккарадаги зинасимон Жосер мақбараси пирамидаларнинг энг қадимги формасидир. Зинапоялар ўртасидаги бўш жойлар тўлдирилиб, текисланган кейин ҳашаматли пирамидаларнинг классик типи ҳосил бўлган. Мемфисга яқин жойда IV династия фиръавнлари: Хуфу, Хафра ва Менкаура томонидан қурилган гоят катта Гиза пирамидала-




Саккарада зинасимон Жосер пирамидаси ёнидаги ибодатхона устунлари. *Кадимги Подшолик.*



Гизада фиръавн Хуфу пирамидаси.

Қадимги Подшолик. IV династия.

ри ана шундай классик типнинг ёркин ифодасидир. Пирамидаларнинг ёнига подшолар «руҳига атаб» ибодатхоналар қурилган. Хафра ибодатхонаси Қадимги Подшолик давридаги ибодатхоналар архитектураси учун характерлидир. Хафра ибодатхонаси биридан иккинчисига ўтиш мумкин бўлган бир неча ёндош хоналардан, фуқаролар учун солинган асосий ҳовли ҳамда фақат коҳинлар кирадиган муқаддас хонадан иборат бўлган. Ўша даврдаги архитектура комплексининг яна бир намунаси Жосер пирамидаси билан унинг атрофига солинган катта ва кичик ибодатхоналардир. V династия даврида, марказий ҳокимият бирмунча сусая бошлагач, фиръавнларга кичикроқ пирамидалар қуриладиган бўлган, аммо подшолар руҳига атаб солинадиган ибодатхоналарга кўпроқ аҳамият берила бошлаган. Бу ибодатхоналарнинг деворлари худо даражасига кўтарилган подшолар ҳаётига ва улар кўрсатган қаҳрамонликларга оид ўймакор-бўртма тасвирлар билан безатиладиган бўлган. Подшо Сахура руҳига атаб солинган ибодатхонада ва Абусир ёнида қурилган қуёш



Дайрал-Баҳрида ярим ғор тарзида солинган Хатшепсут ибодатхонаси.
Янги Подшолик. XVIII династия. Реконструкция.

ибодатхонасида қадимги устунларнинг намуналари сақланиб қолган; Миср рассоми бу устунларни теварак-атрофдаги ўсимликлар оламида, хусусан, папирус ва пальмадан намуна олиб, ўшаларга ўхшатиб ва стиллаштириб ишлаган. Ўрта Подшолик даврининг архитектураси Қадимги Подшолик билан Янги Подшолик давридаги архитектураларни бир-бирига боғлаган. Бу парса XI династия замонига мансуб Ментухотеп ибодатхонасидан аниқ кўриниб турибди. Бу муҳташам иншоотнинг маркази катта пирамида бўлиб, бу пирамида бири иккинчиси устига кўтариб қўйилган иккита саҳн устига ўрнатилган. Ибодатхоналар қурилишда устунлар галереяси ва залларнинг кенг қўлланилиши, шунингдек ибодатхоналарнинг ярим ғор тарзида бўлиши янги архитектура формаларн яратилганлигини кўрсатади; архитектуранинг бу янги формалари Янги Подшолик даврдагина тўла ривож топган. Янги Подшолик замонидаги ибодатхоналарнинг, хусусан. XVIII ва XIX династиялар даврида қурилган жуда кўп ибодатхоналарнинг ғоят катта харобалари Қадимги Миср архитектурасининг жуда тараққий қилганлиги тўғрисида аниқ тасаввур беради. Фивадаги ҳашаматли ва баҳайбат Амон ибодатхонаси ўша даврдаги ғоят катта архитектура комплексларидан бири-

дир; бу ибодатхона узоқ вақт давомида қурилган бўлиб, унинг харобалари Карнакда анча яхши сақланган. Бу ибодатхонанинг Сэти I замонида ва, асосан, Рамзес II замонида қурилган устунли жуда катта залида 16 қатор қилиб қўйилган 134 та катта-катта устунлар бор. Залнинг майдони



Амалдор Рахотеп ҳайкалининг юқори қисми.

Бўялган оҳактош. Қадимги Подшолик. Қоҳира музейи.

5 минг *кв. м*. Қатор кетган савлатли устунлар билан тўлган бу зал баландлиги 24 *м* келадиган учта марказий кораблга (катта хонага) ва баландлиги 14 *м* келадиган 12 та ён томон хоналарга бўлинган. Ғоят улкан бу ибодатхона атрофидаги иморатлар билан бирликда шундай катта архитектура ан-

самблини ташкил этадики, буни қурган меъморлар меъморликда кенг бўшлик проблемасини хал этиш йўлида далил ҳаракат қилганлар. Мадинат-Абудаги Рамзес III ибодатхонаси бир оз кейингирок замонга оид оригинал архитектура комплексини ташкил этади.

Миср ҳайкалтарошлигига хос хусусият шуки, ҳайкалтарошлар ҳайкални тикка олдинга қараган ҳолда, қадлини ростлаб ўтирган ёки турган ҳолда аниқ



Саккарадаги Қаапер ҳайкали. *Гранитдан ясалган Қадимги Подшолик. Қоҳира музейи*



Қаапер ҳайкалининг бош қисми

Гранитдан ясалган. Қадимги Подшолик Қоҳира музейи

тасвир этганлар, бу хусусият архаик даврнинг охирларида яратилган асарларда пайдо бўлган; бунга мисол қилиб подшо Хасехемуийнинг ўтирган ҳолатда олинган ҳайкалини келтириш мумкин. Миср ҳайкалтарошлигига хос бу хусусиятлар Қадимги Подшолик замонидаги асарларда ҳам акс этган. Архаик даврда яратилган асарларда киши гавдаси тик қотган ҳолда берилган, секин-аста бу парса йўқолиб борган ва киши гавдасини тасвирлашда бир оз эркинлик пайдо бўлган, бироқ бу эркинлик ҳам ҳайкални тикка қаратиб ишлаш қонунига ҳамда улугвор ва салобатли қилиб кўрсатишдан иборат қадимги традицияларга қатъий равишда бўйсундирилган. Санъаткор худо, худо деб танилган подшо ёки подшога яқин турган

Ипрой мансабдор ҳайкалини ишлаганда, кўпинча, ортиқча зеб берилган ва идеаллаштирилган образ яратган, яъни уларни сиёлат тўкиб, маҳобат билан қотиб турган гўзал ва бешиҳоя қудратли оламлар суратида тасвир этган. Санъаткор киши гавдасини тикка қараб турган ҳолда, яъни аъзоининг ҳамма қисмларини бир томондан томошабинга тик қаратил-



Мирзанинг ўтирган ҳолатдаги ҳайкали.
Қадимги Подшолик. Париж. Лувр.

ган томондан яққол кўринадиган қилиб тасвир этганлиги туфайли, шундай улуғвор ва салобатли образ ярата олган. Фиръавн Хафра билан мансабдор Рахотеннинг ажойиб ҳайкаллари ана шундай ҳайкаллардир. Лекин, шу билан бир вақтда, Қадимги Подшолик давридаги ҳайкалтарошликда, айниқса оддий кишиларни, кўпинча, карол ва қулларни тасвирловчи ҳайкал ва ҳайкалчаларда реализмга қараб бориш тенденцияси анча кўринади. Санъаткорлар инсон обра-

эшни катта тош бўлагидан ўйиб ишлаганда ёки ёғочдан ишчиклаб ҳайкал ва ҳайкалча ўйганда киши гавдасини беришда ҳам, баъзан идеаллаштирилган, баъзан типик, баъзан айнан ўзига ўхшатилган образлар яратганда ҳам табиатни кузатиб, олган тасаввурларини беришга уринганлар. Ҳайкалтарошлар, улар билан бирга рассомлар ҳам эски қоидалардан, одат тусига кириб кетган шартли стилизация нусхаларидан шу



«Подшога таниш» Нофрет ҳайкалининг юқори қисми.
Қоҳирадаги Подшолик. Буюлган охактош.
Берлин музейи.

тариқа секин-аста қутулиб, киши гавдаси ва юзини ўзлари ҳақиқатда кўриб турган ҳолатда тасвир этишга ҳаракат қилганлар. Санъаткор аҳолининг ўрта табақасига мансуб амалдорлар, коҳинлар ёки мирзаалар образини яратган вақтда ҳам, уни озми-кўпми ҳақиқатга яқинлаштиришга, асл ҳолидек

қилиб тасвир этишга уринганлиги кўринади. «Қишлоқ оқсоқоли» деб аталган Қоҳира ҳайкали ёки Лувр музейида сақланадиган машҳур «мирза» ҳайкали ана шундай асарлардир. Санъатнинг бу ўзига хос хусусиятлари ўша замоннинг мақбаралари ва ибодатхоналарининг деворларидаги кўплаб-кўп бўртма расм ва суратларда ҳам кўринади. Бўртма расм ва суратларда мисрликнинг бутун ҳаёти тасвир этилади, бунда бир-бири билан муштлашаётган кемачилар ҳам, иш қилаётган ҳунармандлар, деҳқонлар, подачилар ҳам, балиқ овлаётган балиқчилар, раққосалар ҳам, тобут кетидан йиғлаб бораётган гиряндалар ҳам бор ва ҳоказо. Зодагонларнинг ҳайкалларида кўзга ташланадиган нарса шуки, улар гавдани тикка олдинга қараб турган ҳолда қалин расо қилиб тасвирлаш принципига қатъий амал қилиб яратилган. Бош билан оёқлар одатда ён томондан, елка билан қўллар олд томондан, гавда эса бир томонга сал бурилган ҳолда тасвирланган. Бу традицион ва кўпроқ эътиқод қилинадиган ҳайкалларни яратишда қўлланиладиган одатдаги қонунлар ана шулардан иборат бўлган. Санъаткор хизматчи, ҳунарманд ва қуллар образини яратганда анча эркин йўл тутган ва уларни аслига кўпроқ ўхшатган. Диний традиция ва қонунлардан холи бўлган меҳнаткашлар ҳақиқий ҳаётда қандай бўлса, шундай қилиб, бўялмай тасвирланган. Меҳнаткашлар тасвирланган асарларда бадиий реализмга бўлган тенденция яққол кўриниб туради. Саккара-




Хавирадаги Аменемхет III ҳайкали.
Қоҳира музеи.



Нофертитининг ҳайкал портрети.

Бўялган оҳактош.



Қўлчиғир билан боғ суғориш.

Ипуи мақбарасидаги расм. Янги Подшолик.

даги ва Гизадаги мақбараларга битилган ажойиб бўртма расмлар, хусусан мансабдор Ти мақбарасидаги бўртма расмлар шулай асарлардир. Урта Подшолик замонидаги ҳайкалтарошликда, айниқса ҳайкалтарош, ёки рассом ишлаётган одамининг ички кечинмаларини беришга уринган портрет ёки ҳайкалларда реализмга интилиш янада кучаяди. Ментухотеп ҳайкали, жуда катта килиб ишланган Сенусерт III нинг боши ва Аменемхетнинг бир канча ҳайкаллари ана шундай асарлардир. Урта Подшолик давридаги бўртма расмлар ва суратлар ўтган давр билан кейинги даврни бир-бирига боғловчи гўё бир бўғин бўлиб, улар Кадимги Подшолик санъатига хос натурализмни ҳам кейинги замондаги нафис стилизацияни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Шу билан бирга, Медумдаги бўртма расмларда ва Бани Ҳасан мақбарасида одамлар ва ҳайвонлар ҳаётидан олинган хилма-хил воқеалар тасвирланган расмларда рассомларнинг табиатга бевосита таклид килганлиги, табиатни ва одлий кишиларни, улар қандай бўлса, шундайлигича тасвир этишга интилганлиги сезилади.



Тутанхамон ва унинг хотини ғуллар чиқда

Егоч қути қопқоғидаги фил суягига ўйилган расм. XVIII династия. Қоҳира музейи.



Тутанхамон мақбарасидан чиққан хайкалча.

Юмалоқ пластикада юксак бадиий реализм намуналарни ижод берган, бўртириб ишланадиган асарларда эса нафис стилизациянинг ундан қолишмайдиган юксак намуналарини берган Янги Подшолик давридаги ҳайкалтарошлик шу замоннинг ҳашаматли архитектурасига мос бўлган. XVIII династия фиръавнларининг ҳайкаллари ва аёлларнинг портрет-бошлари реалистик портрет тарзида ишланган, уларнинг портрети ҳам ифодали қилиб берилган, ҳам бадиий жиҳатдан идеаллаштирилган. Ниҳоят, бу даврда китобларни расм билан безаш иши ҳам гоят юксалган. «Ўликлар китоби» дан олинган текстлар ёзилган папирусдаги гоят нафис расмлар бундан далолат беради (Британия музейида сақланадиган Ани папируси). XVIII династия санъати гуриллаган амарна даврида ўз тараққиётининг чўққисига чиққан, бу даврда минг йиллар давом этиб келган маданиятни, бутун қадимги дини ва асрлар давомида таркиб топган бутун традицияларни бирданига ўзгартириш йўлида дадил ҳаракат қилинган. Бу замонда ўзига хос санъат вужудга келган, бу санъат қадимги натурализм билан янги, анча ўткир ифодалиликнинг қўшилиши заминида вужудга келган; шу билан бирга, кўпинча ҳаддан ошиқ шарж ва гротеск даражасига етиб борган портрет натурализми нафис линияли стилизацияга айланган. Ҳайкалтарошликдаги бу моментлар Луврда сақланадиган Эхнатон бюстининг юз тузилишида, Нофертитининг боши ёки Эхнатоннинг жуда катта қилиб ишланган бош портретининг юз тузилишида, шунингдек, Эхнатон ва Нофертити гавдаларининг ишланишида ҳам акс эттирилган.

Гарчи амарна санъати Миср маданияти тарихининг ўзига хос бир эпизоди бўлса-да, у ўзидан олдин ўтган замондаги бадиий ижод билан бевосита алоқаси бўлган ва ўз навбатида Миср санъатининг кейинги тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатган. Амарна санъати, айниқса бу санъатга хос хусусият, яъни чизиқларнинг тўғри ва равон қилиб берилиши Тутанхамон, Хоремхеб ва Сети I замонидаги асарларга анча таъсир кўрсатган. Абидосда Сети I ибодатхонасидаги жуда нафис бўртма расмлар ва Мадинат-Абуда Рамзес III ибодатхонасидаги ов манзараси тасвирланган расмлар шундай асарлардир. Москвадаги Давлат тасвирий санъат музейида сақланадиган нафис бўртма расмлар — гиряндалар тасвири ҳам ана шундай асардир.

Юксак камолотга етган Миср санъати Финикия санъатининг ва анча кейинги грек-рим санъатининг тараққий қилишига гоят катта таъсир кўрсатган. Қадимги Миср санъа-

тининг қолдиқлари христианликнинг биринчи асрлари замонидаги Миср (коптлар) санъатида ҳам сақланиб қолган.

Илм-билимларнинг пужудга келиши

Дининг танҳо ҳукмронлиги эркин кишининг эркин фикрини тамомила бўғиб ташлай олмаган, киши теварак-атрофини ўраб турган табиат сирларини билиб олишга интилган. Шу муносабат билан «билим» нинг ўзи тўғрисида, «билимдон» кишини бошқа ҳамма кишилардан ажратиб турадиган билимнинг юксак қиммати тўғрисида тасаввур пайдо бўлган. Бир «Насиҳатнома» автори бундай дейди: «Агар сен билимдон одам бўлсанг, айтганинг-айтган, деганинг-деган бўлади. Ёзиш-ўқишни чуқур эгаллаб, кўпгинага маҳкам жо қилиб ол, ана шунда ҳар бир айтган гапинг ҳаммага манзур бўлади. Мирзани қандай лавозимга қўймасин, у ҳамма вақт китоб билан иш кўради».

Илм-билимлар тўпланиб борган ва алоҳида мактабларда авлоддан-авлодга ўтиб борган. Бу мактабларнинг кўпчилиги ё мирзалар тайёрлаб чиқарадиган сарой мактаблари бўлиб, унда аристократ-қулдорларнинг болалари ўқиган, ёки марказий маҳкама қошидаги алоҳида мактаблар бўлиб, унда муайян маҳкама, масалан, подшо хазинаси учун амалдор-мирзалар тайёрланган. Бу мактабларда интизом жуда қаттиқ бўлган ва бу интизом тан жазоси воситаси билан мустаҳкамланган, махсус «Насиҳатномалар» воситаси билан уқтирилган. Масалан, бир «Насиҳатнома» нинг автори бундай дейди: «Эй мирза, дангасалик қилма, йўқса қаттиқ жазога дучор бўласан. Ҳузур-ҳаловатга кўнгил қўйма, юз губан кетасан. Қўлингда доим китоб бўлсин, уни овоз чиқариб ўқигил ва ўзингдан кўп биладиганлар билан маслаҳат қилиб иш тут. Ўз соҳасини сувдек ичиб олган мирза бахтлидир... Бир кунни ҳам ялқовлик билан ўтказма, йўқса калтак ейсан. Ахир боланинг қулоғи елкасида бўлади-да, қачон урсанг, шунда қулоғига тап киради. Доим маслаҳат билан иш қил ва буни эсингдан чиқарма. Ёз ва ёзувдан сира эрикма».

Ўқувчиларни асосан оғир ва мураккаб саводга ўргатганлар, уларни махсус ҳуснихат намунасига қараб ҳар куни салкам уч саҳифа ёзишга мажбур этганлар. Ўқувчи имло қоидаларинигина эмас, балки мураккаб ҳуснихат ва стилистикани ҳам чуқур узлаштиришга мажбур бўлган. Энди савод ўргана бошлаган мирзаларнинг машқлари ёзилган текстлар бизнинг замонамизгача сақланиб қолган, булар асосан тарбиявий мақсадни кузатган насиҳатлардан иборат, жуда пухта ёзилган ва ибрат бўладиган гаплар ёзилган

намуналар ҳам сақланиб қолган. Ниҳоят, Мисрда юқори типдаги «Мирэалар мактаби» ҳам бўлган, улар «турмуш уйи» («пер анх») деб аталган. Бундай «турмуш уйи»нинг харобалари фиръавн Эхнатоннинг қадимги пойтахтидан топилган.



Малика Мерит-Амоннинг бош портрети.
Фивадан топилган ёғоч тобутга ўйилган.
XVIII династия. Кохира музейи


Кундалик ҳаётдаги эҳтиежлар, хўжалик ва айирбош савдосининг ривожланиши ва табиатни кузатиб бориш натижасида дастлабки илм билимлар тўпланган. Ҳали бу билимларнинг ҳаммаси ҳам амалий характерда бўлган. Масалан, ма-

тематика соҳасидаги энг қадимги билимлар шундай турмушдаги амалий ишлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, танобчи ва бинокорларнинг ишини осонлаштиришда хизмат қилган. Масалан, Аменемхет I нинг помлар чегарасини «китобларда айтилган ва қадимги ёзувларда кўрсатилган» асосда белгиланганлигини биламиз. Чегараларни махсус танобчилар маълум ҳисобларга асосланиб белгилаганлар ва сунгра уларни ёзиб қўйганлар. Мақбараларда сақланиб колган ва ер ўлчайдиган махсус арқамчи билан ер ўлчаб берилаётганлигини тасвирловчи расмлар бундан далолат беради. Математика масалаларининг мазмунига қараганда арифметика ва геометрия соҳасидаги билимлардан ер майдонини аниклаш, галла уюмининг қанча келишини ёки дон сақланадиган омбор сигимини аниклаш учун фойдаланилган. Ниҳоят, мисрликлар математика соҳасида орттирган билимлари туфайли, жойнинг схематик картасини ва примитив чертёж чизишни билганлар. Кўпдан-кўп мухташам биноларнинг, айниқса пирамидалар математиканинг, хусусан геометриянинг бинокорликда, қурилиш ишларида жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади, чунки пирамидаларни фақат бир қанча аниқ ҳисоблар асосидагина қуриш мумкин бўлган.

Қадимги Мисрда, айниқса Ўрта Подшолик даврида математика билимларининг ривожланганлигидан ўша замондан қолган жуда кўп математик текстлар, хусусан Москвада сақланадиган «Математика папируси» далолат беради. Мисрда математика соҳасида эришилган катта муваффақиятлардан бири ўнлик санок системасининг тараққий қилганлигидир. Миср ёзувида, 1, 10, 100, 1000, 10000, 100000 ва ҳатто миллионни ҳам билдирувчи алоҳида аломатлар бўлган; ҳайрон бўлиб қўлини кўтариб турган киши сурати миллионни билдирган. Мисрликлардаги узунлик ўлчовининг ўзига хос бирлиги мисрликлар математикаси учун жуда характерлидир. Бармоқ, кафт, товон, тирсак ана шундай узунлик ўлчови бирлиги бўлиб, Миср математиги улар орасида маълум муносабатлар белгилаган. Санъатда математика билимларидан кенг равишда фойдаланилган. Миср рассоми текислик юзасига кишининг расмини чизмокчи бўлса, дастлаб тўрт бурчак қилиб тўр чизган ва математикадан фойдаланиб, киши танасидаги аъзолар узунлигининг нисбатини аниклагандан кейин, шу асосда ҳалиги тўр устига кишининг расмини чизган. Арифметикада содда тўрт амални қўлланиш усули мисрликлар математикасининг бир қадар примитив бўлганлигини кўрсатади. Масалан, кўпайтиришда амалларни кетма-кет бажариш

усулидан фойдаланилган. Чунончи, мисрлик саккизни саккизга купайтирмоқчи бўлса, саккизни пайдар-пай тўрт марта иккига купайтирган. Бўлув купайтириш йули билан қилинган. Масалан, 77 сонини 7 га бўлганда, 77 сонини ҳосил қилмоқ учун 7 га купайтириладиган сонни топиш лозим бўлган. Мисрда амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган геометрия жуда ҳам тараққий қилган. Миср математиклари тўғри тўрт бурчак, уч бурчак, хусусан тенг ёнли уч бурчак, трапециянинг юзини ва ҳатто доиранинг юзи П га тенг бўлиб, у 3,14 қийматни қабул қилишини ҳам ҳисоблай билганлар. Москвада сақланадиган «Математика папируси» да кесик пирамида ва ярим шарнинг ҳажмини ҳисоблаб чикариш юзасидан ишланган мураккаб масала сақланган. Қадимги мисрликлар алгебрадан ҳам баъзи бир энг оддий билимларга эга бўлганлар, улар бир номаълумли тенгламани ҳисоблаб чиқара билганлар; номаълумни мисрликлар «уюм» («доп уюми» бўлса керак) сўзи билан таърифлаганлар.


Астрономия соҳасида ҳам қадимги мисрликлар баъзи бир билимларга эга булганлар. Осмондаги юлдузларни доим кузатиш натижасида планеталарни юлдузлардан ажрата билганлар ва ҳатто улар юлдузлар осмонининг картасини ҳам тузганлар. Юлдузларнинг шундай карталари ҳар хил биноларнинг, кўпроқ мақбара ва ибодатхоналарнинг шипларида сақланиб қолган, XVIII династия аъёнларидан Сенмут мақбарасининг нақшланган шипи қадимги мисрликларда бўлган бундай «астрономия карталари» нинг энг яхши намуналаридан биридир. Шипнинг шимолий қисми марказида Катта ва Кичик Айиқ юлдузлари ҳамда мисрликларга маълум булган Қутб Юлдузини ажратиш мумкин, осмоннинг жанубий қисмида эса символик фигуралар тарзида Орион ва Сириус (Сотис) юлдузлар туркуми кўрсатилган, қадимги Миср рассомлари юлдузлар туркуми ва юлдузларни доим шундай символик фигураларда тасвир этганлар. XIX ва XX династияларга мансуб подшо мақбараларининг шипларида ҳам юлдузларнинг ажойиб карталари ва юлдузларнинг жойланиши кўрсатилган ажойиб жадваллар сақланиб қолган. Меридиан томонида утирган иккита мисрлик кузатувчи юлдузларнинг жойланишини кўрсатадиган бундай жадваллар воситаси билан ҳамда мўлжалга оладиган, пассаж асбобидан фойдаланиб, кечаси вақтни белгилаган. Кундузи эса вақтни қуёш соати ёки сув соати (энг кейинги «клепсидра») воситаси билан билганлар. Юлдузларнинг жойланишини кўрсатадиган қадимги карталардан анча кейинги даврларда, грек-рим даврида ҳам фойдаланганлар; бундай карталар кейинги



Геометриядан миср ча масалалар тўпламининг тексти.

Эдфу ва Дендер ибодатхоналарида сақланиб колган. Астрономия билимлари асосида мисрликлар алохида календарь тузганлар. Мисрликларнинг календарь йили 12 ойга бўлинган ва ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлган, йил охирига эса яна 5 га байрам куни қўшилган, шундай қилиб, бир йилда жами 365 кун бўлган. Шу тариқа Миср календарь йили тропик календардан чорак суткага қолиб борган. Бу хато 1460 йил давомида 365 кунга, яъни роса бир йилга тенг бўлган.

Мисрда медицина ва ветеринария анча тараққий топган. Ўрта Подшолик замонига оид бир қанча текстларда ҳар хил касалликларни даволаш учун рецептлар рўйхати берилган. Кузатиб ҳосил қилинган тажрибалардан фойдаланган Миср табиблари ҳали кадимги дуо-афсунлардан тамомила қутула олмаган. Масалан, касал болаларни «даволаш» учун махсус тузилган удимлар тўплами касал болаларни даволовчи та-



XX династияга мансуб подшо мақбарасидан топилган юлдузларнинг жойлашиш жадвали.

Янги Подшолик.

библарга, оналарга ва тарбиячиларга аталган. Бу тўпламда жуда кўп сеҳр-жодулар билан бирга, узига хос ғалати рецептлар, жумладан, она сутини сақлаш ва кунайтириш воситалари учрайди. Шундай қилиб, даволашда дори-дармон билан бирга сеҳр-дуолар ўқиттириш, қайтариқ қилдириш каби расмлар ҳам қўлланилган. Аммо одам аъзоларининг ўрганилиши (мумиёлаш вақтида мурдани ёриш муносабати билан одам аъзосини ўрганиш анча осонлашган) табибларга киши организмининг тузилиши ва ишлаши тўгрисидаги масалага озми-кўпми тўғри ёндошиш имконини берган. Шу тариқа, анатомия соҳасидаги дастлабки билимлар пайдо булган ва бу билимлар бир қанча анатомия терминларида қайд этилган. Баъзи медицина текстларида даволашнинг узига хос методикаси ҳам берилган, бунда табибдан касални атрофлича кўриш, касал аломатларини билиш, диагноз қўйиш ва даволаш усулини аниқлашни талаб қилган. Афтидаи, касалнинг тузалиши мумкинлигини табибнинг унга очиқ айтишини талаб қилган табиблик этикаси ҳам булган; бунда табиб касалга нисбатан қуйидаги уч формуладан биттасини қўлланиши лозим булган: «1) Бу касални мен тузатишим мумкин; 2) Бу

касални эҳтимол тузатишим мумкин бўлар; 3) Бу касални мен тузата олмайман». Табиблар айрим гурух касаллар юзасидан ихтисослашган. Гинекология, хирургия ва кўз касалликларини даволаш тўғрисида алоҳида тиб китоблари пайдо бўлган. Баъзи бир касалликларнинг, уларнинг аломат ва кўришларининг анча аниқ баён этилганлиги мисрликларда диагностика соҳасида бир қадар билимлар бўлганлиги ҳақида фикр юритишга имкон беради. Масалан, Миср медицина текстларида меъда-ичак касалликлари (дизентерия), нафас йўлларидаги касалликлар (эски йўтал, зиқнафас), қон кетиши, бод, скарлатина, кўз касалликлари (катаракт — «кўзда сув кўтарилиши»), тери касалликлари (гангрена, ёғдаги шишлар, сувли темиратки), «бир кунлик иш» (бунинг асосий аломати шу бўлганки, «бутун баданни ёки бадандаги иш бор жойни қаттиқ қичув босган») ва бошқа ҳар хил касалликлар муфассал баён этилган. Гинекологиядан алоҳида қўлланмаларда бачадон ва кечикиб тугиш ҳоллари тасвир этилган, шунингдек «тугиши мумкин бўлган хотинни тугиши мумкин бўлмаган хотиндан фарқ қилиш» воситаси кўрсатилган. Қадимги Подшолик замонига мансуб мақбаралардан бирида ҳар хил (қўл, оёқ, тиззани) операция қилишни акс эттирган тасвирлар сақланиб қолган. Кейинчироқ вақтларда хирургия анча юксак даражада тараққий қилган. Хирургия тўғрисидаги муҳим бир асарда бадандаги турли аъзоларнинг: бош суяги, бурун, ияк, қулоқлар, лаб, бўғиз, ҳиқилдоқ, ўмров суяклари, елка суяги, кўкрак, кўкрак қафаси, умуртқа погонасининг шикастланиши ва жароҳатланиши муфассал баён этилган. Баъзи касалликларнинг номи ва кўп тажрибага асосланган рецептураси Миср медицинасининг анча юксак даражада тараққий қилганидан далолат беради; антик дунёнинг медицина соҳасида асар ёзган авторлари Миср медицинасининг бу муваффақиятларидан кенг равишда фойдаланганлар.

Қон айланиши тўғрисидаги, юракдан тарқалиб кетадиган ва, мисрлик табибнинг фикрича, киши организмининг ҳаётида ва касалликлар процессида маълум роль ўйнайдиган «22 томир» тўғрисидаги таълимот илмий хулосалар чиқариш учун дастлабки уринишлар бўлганини кўрсатади. Бу жиҳатдан Эберс медицина папирусидаги мана бу сўзлар жуда характерлидир: «Табибликнинг сири — юрак ҳаракатини билишдан бошланади, томирлар бутун аъзойи баданга ўшандан тарқалади; чунки ҳар бир табиб, маъбуда Сохметнинг ҳар бир коҳини, ҳар бир афсунгар бошни, энсани, қўл, кафт, оёқларни,

хуллас, қайси аъзойи бадаини ушласа ҳам, юракка қоқилади, чунки баданнинг ҳар бир аъзосига юракдан томир кетган».

Одамининг ҳар нарсани билишга интилиши, унинг фикри диний-сеҳрий дунёқараш ҳукмрон бўлишига қарамай, ана шу тариқа аста-секин тараққий қилиб борган.



Урта Подшолик замонига мансуб пақшли иероглиф езув.



Кийик ови.

Малатьядан топилган буртма расм.

XI БОБ

ХЕТТ ДАВЛАТИ

Қазишлар тарихи

XVIII асрдаёқ Кичик Осиёнинг шарқий областларида ва Шимолий Сурияда бўлган европалик сайёҳлар турли хил тасвирлар ва ёзувлар билан қопланган қадимги ёдгорликларга, жумладан, Хаматдаги хетт иероглиф ёзувларига эътибор бергандилар. Бироқ бу ёдгорликларни ўрганишга фақат XIX асрдагина биринчи марта уриниб кўрилган. Француз Тексье 30-йилларда Бўғоз-қоядаги (Кичик Осиёнинг шарқий қисми) қадимги хетт шаҳари харобаларини бориб кўриб, у ердан топилган ёдгорликларнинг нусхасини олган ва ўзи топган архитектура ва скульптура ёдгорликларини 1839 йилда биринчи марта нашр этган. Дастлабки археологик қазишлар XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтказилган. 1861 йилда Гийом ва Перро Кичик Осиёнинг шимолий қисмига археологик экспедиция уюштириб, Бўғоз-қоя харобаларини текширганлар ва топилган хетт ёдгорликларини 1872 йилда нашр этганлар. Шундан сўнг фақат Кичик Осиёдангина эмас, балки қўшни мамлакатлардан ҳам бир қанча янгидан-янги хетт ёдгорликлари топилган. 1872 йилда Гумап ва Пухштейн Каппадокияни ва Шимолий Сурияни, жумладан, Аман ва Тавр районларини текширганлар, Бўғоз-қоя харобаларининг муфассал планини олганлар ҳамда Язили-қоя қоятошларига ўйиб солинган диний манзараларнинг нусхасини кўчириб олганлар.

Баланд тоғ платосидаги катта-катта қоялар остига жойлашган махсус ибодатхонада сақланиб қолган бу ажойиб ўймакор расмларда худоларнинг тантанали юриши тасвирланган, бу манзара, афтидан, қадимги диний урф-одат, табиатнинг уйғонишига бағишланган байрам билан боғлиқ бўлса керак. Жуда яхши сақланган бошқа бир диний манзара қадимги хеттларнинг диний эътиқодлари, санъат ва моддий маданиятлари тўғрисида, асосан, уларнинг кийим-кечаклари, зебу зийнат буюмлари ва қурол-яроғлари ҳақида ёрқин тушунча беради; бу манзарада ер маъбудаси билан хосилдорлик худосининг шикоҳи ифодаланган бўлса керак. Лушан 1888—1902 йиллар мобайнида Занжирли (Шимолий Сурия)да катта казиш ишлари олиб боради. Бу ерда тўрт археологик қатлам топилган, бу қатламларни ўрганиш қадимги поселениенинг аста-секин ривожланиб, қўрғон шаклидаги катта мустаҳкам шаҳарга айланганлигини кўришга имкон беради. Шаҳар ичида қалъа бўлган, подшо саройлари ва энг муҳим бинолар ана шу қалъада жойлашган. Энг қадимги пастки қатлам хеттлар ҳукмронлик қилган даврга тааллуқли бўлиб, бу қатламда эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган поселение топилган. Тахминан эрамиздан аввалги XIII—XII асрга тегишли бўлган иккинчи қатламда шаҳарнинг ташқи девори, шунингдек сарой атрофини қуршаган ички девор топилган. Учинчи маданий қатлам эса, анчагина кейинги даврга мансуб бўлиб, бу қатламда иккита сарой харобаси сақланиб қолган. Бу саройлар хетт санъатининг, асосан, Шимолий Сурия мамлакатларида архитектура ва ҳайкалтарошликнинг нақадар равнақ топганлигини яққол кўрсатиб туради. Ўша вақтларда Шимолий Сурия мамлакатларида фақат хеттлар гина эмас, балки ерли, суриялик қабилалар — арамейлар ҳам яшаган. Ниҳоят, 4-археологик қатлам эрамиздан аввалги VII асрга оид бўлиб, у Осурия давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Занжирлида топилган ёдгорликлар хетт маданиятини ўрганиш учун, айниқса, унинг узоқ муддат давомида Шимолий Сурия халқларига кучли таъсир кўрсатганлигини аниқлаш учун жуда бой материал беради. Занжирлининг шимоли-шарқидан бир кунлик йўлда жойлашган Соқчи-Гозда топилган археологик қазилмалар ҳам ана шундай аҳамиятга эга. У ерда шаҳар ва сарой қолдиқлари топилган. Соқчи-Гозда топилган ёдгорликлар хетт санъати ва моддий маданиятининг хетт тарихининг энг қадимги даври (протохетт даври)дан бошлаб то унинг гуллаб-яшнаган давригача ва, ҳатто эрамиздан аввалги VIII асрда, Осурия ҳукмронлик қилган даврда хеттлар таъсирининг пасайиб, тушкунликка учраш давригача бўлган тараққиёт йўлини текширишга имкон беради.



Хетт колоннасининг тағ қисми, қанотли сфинкс ҳайкаллари тасвирлаиган.

Бироқ Винклер ва Макриди-бейнинг 1906—1907 йилларда Бўғоз-қояда ўтказган қазишлари айниқса катта натижалар берди, бу ерда улар катта бир хетт шаҳрининг харобасини топгаплар; бу шаҳар Хетт давлатининг пойтахти бўлган бўлса керак. Бу ердан деворларнинг қолдиқлари, минорали дарвозалар, 5 та сарой харобаси, керамика ҳамда миххат билан ёзилган тахминан 20 мингча ҳужжатдан иборат жуда бой давлат архиви топилган. Бу қазишларни 1931—1934 йилларда Биттель ва Гютербок давом эттириб, бу ерда улар 4 археологик қатламни очдилар ва архитектура ёдгорликларини синчиклаб текширдилар. Қичик Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида, Бўғоз-қоядан бир оз шимолроқда 1907 йилда бир қанча археологлар қазиш ишлари ўтказиб, Эюк яқинидан катта бир шаҳарнинг қолдиқларини очганлар, бу шаҳар Хетт давлатининг йирик маҳаллий маркази бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бу ерда топилган кўпдан-кўп ёдгорликлар орасида полигонал усулида урилган девор, узига хос пақшлар ҳамда ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, жумладан дарвозалар кесакисини безаб турган сфинкслар айниқса диққатга сазовордир.

1927—1931 йилларда Остен Алишар тепалигида қазиш ишлари олиб бориб, Япги-Хетт подшолиги даврига оид қалъа

ва яна бир қанча қимматли археологик ёдгорликлар топган. 1936—1946 йилларда Туркиянинг жанубий қисмида ҳозирги Мерсин гавани яқинидаги Юмуқ-тепа қазилиб, у ердаги Киликия текислигининг гарбий четида неолит даврига оид қадимги поселение топилган. Неолит даврига тааллуқли бўлган энг пастки иккита қатламда мегалитик усулда ишланган деворлар, обсидиан қуроллари ва бир хил рангдаги керамика топилган. Қолган учта қатламда топилган буюмлар Фалластин ва Месопотамиянинг энг қадимги поселениелари харобаларидан қазиб олинган ва архаик даврга оид буюмларга ўхшайди. Ундан юқорида ўрта бронза даврига оид тўртта қатлам жойлашган бўлиб, уларда Сурия керамикасига ўхшаган керамика жуда кўп учрайди, шу билан бирга, бронзадан ясалган айрим хетт қуроллари эрамиздан аввалги XX—XIV асрлардан бошлаб хеттлар таъсирининг кенг ёйила бошлаганини кўрсатади. Ниҳоят, кейинги иккита қатламни батамом хетт қатлами деб аташ мумкин, чунки бу қатламларда хетт архитектурасининг яққол акс эттирувчи қолдиқлари топилган. Ўша вақтларда тепа устида ташқи истеҳкомлари бўлган қалъа деворлари қад кўтариб турган. Деворнинг ичи хона-хона қилиб ишланган, бундай хоналар хетт пойтахти Хаттушаш (Бўғоз-қоя яқинида) харобаларида ҳам учрайди ва улар бир-бирларига жуда ўхшайдилар. Бу қалъа хетт подшоси Шупилулиум даврида қурилган ва Кисвадна ҳокими билан Хетт подшоси томонидан тузилган шартномада тилга олинган Питур қалъаси бўлса керак. Юмуқ-тепадаги иккита хетт қатламидан топилган хетт маданиятига хос майда буюмлар, керамика, архитектура қолдиқлари шуни кўрсатадики, хеттлар бу районни босиб олиб, у ерда ўз таянч пунктларини курганлар.

Киликия текислигини Тавр тоғларидан айириб турган Тавр тоги ён бағрида, Занжирлининг шимоли-гарбида, ундан 40 *км* узоқликда жойлашган Қора-тепа районида 1946—1947 йилларда бир қанча ҳайкаллар ва тош плиталар топилган, уларга хетт-иероглифи ва финикия ёзувлари ёзилган бўлиб, улар орасида бир мазмунли, лекин икки тилда ёзилган ёзувлар ҳам учрайди. Бу жуда қимматли ҳужжатлар IX асрда Киликия ва унга қўшни областларда мавжуд бўлган Хетт-Сурия князликлари тарихида янги давр очади. Қора-тепадан топилган бу ёзувларга асосланиб шуларни аниқлаш мумкин, яъни бу ерда дачуиилар подшолиги бўлган, у ерда «худо Ваал томонидан шарафланган, худо Ваалнинг қули, соҳиби қудрат, данунийлар шоҳи Азитавадд» подшо бўлган, у ўз подшолигининг «ҳамма чегараларида мустаҳкам истеҳкомлар» қурдирган ва шаҳар бино қилган. Бу шаҳар харобалари Қора-

тепада топилган. XIX аср охири ва XX аср бошларида ўтказилган қазишлар натижасида Кичик Осиё территориясида, Фротнинг ғарбида ва Шимолий Сурияда санъатга, турмушга ва диний эътиқодига оид жуда кўп ёдгорликлар, шунингдек миххат билан битилган ёзувлар ҳамда алоҳида иероглиф ёзувлари топилган. Тарихчилар учун ҳаммасидан ҳам ёзувлар каттароқ аҳамиятга эга эди. Лекин узоқ вақтгача бу ёзувларни ўқиб чиқариш мумкин бўлмаган. Фақат биринчи жаҳон уруши йилларидагина чех олими Б. Грозный Кичик Осиёнинг шарқий қисмидан ва Шимолий Суриядан топилган хетт миххатсимон ёзувларини ўқиб чиқаришга муваффақ бўлган. Ниҳоят, анча кейинроқ, Б. Грозный ўша районлардан топилган хетт иероглиф ёзувларини ҳам ўқиб чикарган.

Қадимги замонда хеттлар яшаган районларни археологик нуқтаи назардан ўрганиш ва текширишда рус тадқиқотчилари ҳам қатнашганлар. Чунончи, Люндеквист Кичик Осиё билан Сурия ўртасидаги Тавр областида, Соқчи-Гоздан сал шимолроқда жойлашган Марашда қадимги ёдгорликларни топган. Марашда топилган қадимги ёдгорликлардан бири олдинга чўзилган одам қўли шаклидаги чилимдир, у ҳозир Москвадаги Тасвирий санъат музейида сакланади. Атоқли рус шарқшуноси академик Я. И. Смирнов 1893—1894 йилларда Кичик Осиёга саёҳат қилиб, муҳим бўлган хетт ёдгорликларидан бир қанчасини топган. Рус олимларининг Кичик Осиё қадимги тарихини ўрганишга қаратилган дастлабки ҳаракатларидан Стамбулда ташкил қилинган Рус археология институти ҳам четда қолмади. XX асрнинг эш бошидаёқ «хетт масаласига» жиддий эътибор берган рус олимларидан бири академик Б. А. Тураев бўлган. Ажойиб филолог ва Олд Осиё халкларининг қадимги тилларидан кўпини билган профессор В. К. Шилейко бир қанча хетт ёзувларини таржима қилиб берган. Академик В. В. Струве хетт қонунларининг айрим моддалари ҳамда хеттлар мамлакатининг ижтимоий тузилиши масалалари ҳақида бир қанча асарлар ёзиб қолдирган.

Манбалар Хетт ёзувларининг ўқиб чиқарилиши Хетт давлати тарихини ҳужжатли манбалар асосида ўрганишга имкон берди. Манбалар орасида эрамиздан аввалги XIV асрга оид Хетт қонунлари тўплами алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Хетт давлатининг хўжалик ва ижтимоий тузуми бу тўпламда аник ифодаланган. Бу кодекс турли вақтларда тузилган икки қисмдан иборат. Ер ишъом қилинганлик ҳақидаги ҳужжатлар ва кадастра ёзувлари Хетт мамлакатининг экономикаси тўғрисида баъзи маълумотлар беради. Подшолардан қолган ёзувлар, масалан, Анитта, Телепин

ёзувлари ва Муршиль II нинг солномалари Хетт давлатининг ташқи сиёсат тарихи учун гоят катта аҳамиятга эга. Хетт подшоларининг қўшни давлатлар ва князликларнинг подшо ва князлари билан тузган битимлари ўша вақтдаги халқаро муносабатлар тўғрисида маълумот беради. Диний-сеҳрли текстлар, саройда бўладиган байрам ва қурбонликларнинг таърифи, дуолар, гимнлар, афсунлар, оракулга бериладиган саволлар, афсоналар ва эпик достонлар ҳам қимматли манбалар ҳисобланади. Сакланиб қолган ветеринария ва астрономия трактатлари ва бобил-хетт лугатлари хетт халқларида илмий билимларнинг пайдо бўлганлиги ва тўпланиб борганлиги тўғрисида баъзи маълумотлар беради. Хетт тарихини ўрганиш учун бобил ёзувлари, хусусан бобил-аккад тилида ёзилган ва Осуриянинг хетт мамлакатларидаги энг қадимги мустамлакалари территориясидан (энг сўнгги вақтдаги Каппадокиядан) топилган расмий ҳужжатлар катта аҳамиятга эга. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида хеттлар билан қўшни мамлакатлар орасида бўлган ўзаро муносабатларни Амарна архивидан топилган дипломатик ҳужжатлар равшан ифодалайди. Кейинги вақтларда матбуотда эълон қилинган хетт ҳужжатларида бир қатор муҳим қўшимча маълумотлар бор. Шунга қарамасдан, Хетт давлати билан Миср ўртасидаги урушлар тарихи асосан Миср ёзувлари асосида ўрганилиши мумкин. Хетт тарихининг сўнгги даврларини ўрганишда Осурия текстлари катта аҳамиятга эгадир.

Аҳолиси

Энг қадим замонларда Кичик Осиё ясси тоглигида яшаган қабилаларни протохеттлар деб аташ расм бўлган. Протохеттлар ва уларга тил жиҳатидан яқин турган палайлар Олд Осиёнинг бошқа энг қадимги қабилаларига қариндош бўлган бўлиши ҳам мумкин; бу қабилаларни ҳозирги замон тадқиқотчилари «азианик» қабилалари деб атайдилар. Кичик Осиёдан топилган қадимги ёзувларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ягона хетт халқи майдонга келишдан олдин кичик-кичик диалект (шева)лар ҳамда қабилавий тиллар кўп бўлган. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда, Хетт давлатининг пайдо бўлиш арафасида Кичик Осиёда яшаган энг қадимги аҳоли орасида энг кенг тарқалган тил протохетт тили бўлган.

Кичик Осиё ва Шимолий Сурия областларидаги қадимги қабилалар билан бир қаторда эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда несийлар деб аталган қабилалар пайдо бўла бошлаган (Несий деган ном, Галис дарёсининг жанубида жойлашган Неса ёки Неша деган мамлакат ва шаҳарнинг номидан олинган). Несийлар протохетт қабилаларидан тил жиҳатидан фарқ қилганлар. Кейинги текширишларнинг,

жумладан Б. Грозний асарларининг кўрсатишича, несийлар тили ҳинд-европа группасидаги халқлар тилига жуда яқин бўлган. Ушбу хетт (несий) тилидаги бир қатор сўзларни грек, лотин, қадимги ҳинд ва қадимги славян тилларидаги шу маъноли сўзлар билан солиштирса бўлади. Масалан, хетт олмошлари quis, quit ва лотин олмошлари quis, quid (ким, нима), хетт олмоши ug ва грек олмоши ἐγώ (мен), шулардан бир-бирига ўхшашдир. хетт оти kimmant грекча χειμών ва русча «зима» сўзига жуда ҳам яқиндир ва ҳоказолар. Бугина эмас, от ва феъл формаларида, хусусан сифатдошларнинг турланишида ҳам ўхшашлик борлиги аниқланган.

Тил жиҳатидан бўлган шу якинликка асосланиб, буржуа тарихчилари, Хетт давлати Европадан Кичик Осиёга кўчиб келган истилочи-қабилалар томонидан тузилган деб исботлашга интилганлар. Фашист «тарихчилар» бу миграция (кўчиб бориб жойлашиш) назариясини ниҳоясига етказиб, ирқий «назарияларини» асослашда ундан фойдаландилар. Хетт давлатини «тоза иркли орийларнинг қадимги ота-боболари тузганлар» деб исботламоқчи бўлдилар. Ҳақиқатда эса, Хетт давлати «тоза иркли группа» томонидан эмас, балки турли тилларда: протохетт, палай, лувия, несий тилларида сўзлашган ва бир-бири билан аралашиб келган қабилалар группаси томонидан асосланган дир. Хетт давлати, халқи ва тили фақат биргина босқинчилик натижасида вужудга келган деб қараш ярамайди. Чунки тилларнинг чатишиб кетиши катъий зарба бериш йўли билан бир нечагина йил ичида натижа ҳосил қилиш мумкин бўлган бир иш эмас. Тилларнинг чатишиб кетиши юз йилларча давом қиладиган узоқ процесс дир. Протохетт қабилаларининг несий қабилалари билан узоқ муддат давомида алоқада бўлиши несийлар тилининг ғалабасига олиб келган ва у Хетт давлати доирасида хетт-несий халқининг тили бўлиб қолган. Хетт қабилалари иттифоқига кейинчалик эса Хетт давлати составига турли-туман ўзига хос қабилаларнинг қўшилишига қарамай, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда хетт халқи таркиб топган, бу халқнинг номи (хатти, хета тарзида) Осурия, қадимги Миср ва қадимги яҳудий тилларида сақланиб қолган. Маданий-тарихий жиҳатдан хетт қабилалари Эгей денгизи қабилалари билан ҳамда Олд Осиё шимолий қисмининг энг қадимги ерли аҳолиси (хуррийлар) билан жуда яқин алоқада бўлган. Бунга Шимолий Месопотамия ва Шимолий Сурияда, жумладан Ўрта денгизнинг шарқий қирғоқларидаги қадимги Сурия шаҳри — Угарит (ҳозирги Рас-Шамра) харобаларида топилган санъат, архитектура, моддий маданият ёдгорликлари далил бўла

олади. Хетт қабилалари бу ерларда эгейлар ва хуррийлар билан айниқса ёнма-ён яшаганлар.

Реакцион турк ёзувчилари Олд Осиё билан Ўрта Осиёда турк ҳукмронлиги ўрнатиш сиёсатини тарих нуқтаи назаридан асослашга уриниб, ҳақиқий фанга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган «қуёш назариясини» кўтариб чиқдилар. Бу сохта «назарияга» мувофиқ, турклар Кичик Осиёнинг энг қадимги ерли аҳолиси бўлиб ва турк тили хетт ҳамда шумер тилларига яқин эмиш. Лекин маълумки, турк тили тамоман бошқа тиллар туркумига, турк тиллари туркумига киради ва унинг на шумер ва на хетт тилига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ўринда шуни айтиш керакки, энг қадимги турк ёзувининг намуналари фақат эрамизнинг VIII асридагина пайдо бўлган, яъни хетт маданияти йўқолиб кетганидан сўнг, деярли 1500 йил кейин пайдо бўлган. Бу маълумотлар реакцион «қуёш назариясининг» нақадар бемаъни, нақадар гаразли назария эканлигини жуда яхши исбот қилади.

Табиий шароити

Ҳамма томони тоғ тизмалари билан ўралган Кичик Осиё-арман тоғлигининг баландлиги 1000 метр бўлиб, бу тоғлик ўз тиниқ кўра, Шарқий Туркистон ва Эрон ясси тогликларини эслатади. Бу тоғ платоси дарахтсиз катта даштликдан иборат бўлиб, ўт билан қопланган ва фақат майда қорамоллар учунгина озиқ бера олади. Ясси тогликнинг жанубий-шарқий қисми Писидий Тавра этакларида чўлга айланади. Бу қанчоқ областларга тамомила қарама-қарши уларок, Кичик Осиёнинг шимолий ва жанубий қисмидаги областлар ўсимликларга жуда бойдир. Кичик Осиёда дарёлар жуда кам. Бор дарёлардан ҳам фақат бир нечтасигина денгизга бориб қуйилади. Кўпчилик дарёлар тез оқиши ва кам сувлиги туфайли кема қатнови учун ва сунъий сугориш системасини вужудга келтириш учун яроқсиздир. Бу дарёларнинг водийларидаги унумдор ерларнинг майдони жуда ҳам кичкинадир. Дарёларни ёқалаб кетган тор ерлардагина деҳқончилик қилиш мумкин эди. Лекин Кичик Осиё географик ўрни жиҳатидан Европани Осиё билан бирлаштирувчи гўё бир табиий кўприк бўлиб, у транзит савдосининг ривожланиши учун ниҳоятда қулай бўлган.

Хетт давлатининг вужудга келиши

Эрамиздан аввалги III минг йилликнинг энг охирида Кичик Осиёнинг шарқий қисмида, Галис даресининг шарқида, кейинчалик Каппадокия деб аталган областда Ашшур шаҳрининг Осурия савдогарлари ерли хетт аҳолиси ўртасида бир қанча катта-катта савдо шаҳарлари барпо этдилар. Бу барпо этилган савдо шаҳарлари ичида энг каттаси Ганиш бўлган; Осурия савдогарлари бу савдо шаҳарларида мустаҳ-

кам ўрнашиб олиб, Хетт мамлакатининг табиий бойликларини ва ерли аҳолини қаттиқ эксплуатация қилганлар, бу ердан турли моллар олиб чиқиб кетганлар ва қўлга туширилган асирларни ҳамда иқтисодий жиҳатдан осуриялик бой савдогарлар асоратига тушиб хонавайрон бўлган камбағалларни қулларга айлантирганлар. Ажнабийлар зулмидан қутулишга интилиб, тарқоқ ва кучсиз хетт қабилалари баъзан осурияликларга қарши қўзголонлар кўтарганлар. Шундай қўзголонлардан бири тўғрисида бир тарихий афсонада гапирилади, бу афсонада айтилишича, Осурия савдогарлари Аккад подшоси Саргонга мурожаат қилиб, ундан Бурушханд шаҳрининг хеттлар ҳокимига қарши курашларида уларга ёрдам беришини сураганлар. Лекин кўпчилик ҳолларда хетт уруғ аристократиясининг юқори қатламлари осуриялик қулдорлар тарафдори эдилар. Ганиш областининг ҳокими хеттлар билан осурияликлар ўртасида бўлган жанжалларда, одатда, бадавлат осуриялликларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ва осурияликларга қарзларини тўлай олмаган хеттларни асоратга солиш ва қулга айлантиришга йўл қўйиб берган.

Хетт қабилалари бу вақтда бузилиб борастган уруғ-қабила тузуми шароитида яшамоқда эдилар. Энг қадимги Хетт давлатларининг бошлангич формалари бўлган қабила иттифоқлари аста-секин вужудга кела бошлайди; буларнинг марказлари Кушшар, Неша, Залпува ва Хаттушашда бўлган. Бу қабила иттифоқлари Кичик Осиёнинг шарқий қисмида ҳукмронлик қилиш учун ўзаро кураш олиб борганлар.

Уруғчилик тузуми харобаларида, Кичик Осиё қабилалари ўртасида устунлик ва ҳукмронлик қилиш учун олиб борилган қаттиқ курашлар натижасида эрамиздан аввалги XIX асрда дастлабки Хетт давлатларидан бири вужудга келган. Энг қадимги хетт ёзувларидан бирида, яъни Кушшар шаҳрида ҳокимлик қилган хетт-несит подшоси Путхаи ўғли Аниттанинг ёзувида унинг қўшни хетт қабилалари билан қилган урушлари тасвирланган. Аниттa узоқ ва қаттиқ курашдан сўнг қўшни қабилаларни енгган, Хаттушаш шаҳрининг подшоси Пиюшт ва унинг иттифоқчилари устидан тантаиали суратда ғалаба козонган, Хаттушаш ва Залпува шаҳарларини босиб олиб вайрон қилган. Манбалардан маълум бўлган энг қадимги Хетт давлати ана шу тариқа вужудга келган, бу давлатнинг пойтахти Неша шаҳри бўлган. Эрамиздан аввалги XVII асрда Хетт давлати янада кучаяди. Каппадокиядаги бир қанча областларни, жумладан, Тавр яқинидаги унумдор водийларни ўзига бўйсундирган хетт подшоларидан бири Табарна (эрамиздан аввалги 1640 йилларга яқин) ўзини «улуғ подшо» деб атаган ва ўз давлатини Бобил подшолиги билан

тенг деб ҳисоблаган. Табарна Хетт давлатига асос солувчи ҳисобланган ва унинг исми кейинчалик подшолик унвонига айланган. Бундан кейинги хетт подшолари ўзларини «табарна» деб атаганлар ва ёзувларида, ўғлимни «табарна», яъни подшо қилдим деб ёзганлар ва, шундай қилиб, ўғилларига подшолик ҳокимиятини топширганлар. Масалан, бир ёзувда бундай дейилади: «Улуғ подшо Табарна ўз шаҳри Кушшарда касал бўлиб қолиб, ўғли Муршилни подшоликка чақирганда... Табарна ўзининг амалдорларига: «Энди мен ўглимни сизларнинг устингиздан табарна қилиб қўйдим» деган.

Эрамиздан аввалги XVII аср охирида Хетт давлатининг пойтахти Хаттушаш шаҳрига кўчирилган. Шу вақтдан бошлаб Хетт давлати анча ўса бошлайди. Муршиль I Қичик Осиёнинг анчагина областларини ўз ҳокимияти остига бирлаштириб, давлат чегарасини шимолий Сурия ва Месопотамия томон суриб боради. У Халпа (Алеппо) шаҳарини истило этади ва Бобил устига қўшин тортиб боради. Бу, аморийларнинг охирги подшоси Самсудитан вақтида хеттлар томонидан Аккад мамлакатига қилинган ва Бобил хроникаларидан бирида қайд этиб ўтилган ҳужум бўлса керак. Хеттлар Бобилни босиб оладилар (эрамиздан аввалги 1594 йилга яқин) ва бу бой савдо шаҳрини талон-торож қиладилар. Хетт ёзувларида Муршиль I нинг бу катта истилочилик юришлари тўғрисида қисқача қуйидагилар айтилади: «Шундай қилиб, Муршиль Халпа устига қўшин тортиб борди ва Халпани вайрон қилди; у Халпадан Хаттушашга асирлар ва ўлжа олиб келди. Шундан кейин у Бобил устига қўшин тортиб борди, харрилар (хурритлар — *В. А.*) га ҳам ҳужум қилди ва Хаттушашда Бобилдан келтирилган асирлар ва ўлжани сақлади».

Муршиль I подшолигининг охирида Хетт давлатида катта тартибсизликлар бошланади. Саройда фитна уюштирилиб, хетт подшоси ўлдирилади. Хетт тахтига ўтиришни даъво қилган ҳар турли даъвогарлар ўзаро қаттиқ кураш олиб борадилар ва тез-тез бири ўрнини иккинчиси эгаллаб туради. Ўзаро курашлар билан овора бўлган хетт подшолари илгари истило қилган ерларидан ажрала борадилар. Узоқ давом этган ички тартибсизликлар натижасида кучсизланиб қолган Хетт давлати Тавриннг шимолидаги территория билан чекланиб қолади. Муршиль I дан кейин тахтга ўтирган тўртинчи подшогина мамлакатда бирмунча тартиб ўрнатади. Хетт давлати Телепин (эрамиздан аввалги 1535 йилга яқин) вақтида ўзил-кесил ташкил топиб, тахт ворислиги тартиби ўрнатилади. Телепининг ёзувларида бу тахт ворислиги тартиби таърифланади; бу тартибга кўра, подшолик ҳокимиятини катта

ўғил, агар катта ўғил бўлмаса, иккинчи ўғил ёки катта қизнинг эри олиши керак эди. Шу билан бирга Телепин шу ёзувнинг ўзида аристократлар кенгашининг ҳокимияти ва компетенциясини ҳам белгилайди: «Бундан кейин ҳамма вақт ҳам мендан кейин подшо бўлганининг ҳузурида унинг биродарлари, ўғиллари, божалари, қон-қардошлари ва аскарлари йиғилиши зарур; ана шунда сен душман элига бостириб боришинг ва уни куч билан итоатда тутишинг мумкин; ва сен: «мен уни кечирмоқ истайман» демаслигинг лозим. Аксинча, сен ҳеч нарсани кечмаслигинг, балки ёнига қўшувинг керак».

Бу текстни таҳлил қилиб, баъзи тадқикотчилар, аристократлар кенгаши подшо хокимиятини чеклаганлигини тахмин қиладилар ҳамда бу ҳолни чекланган монархиянинг алоҳида формаси деб ҳисоблайдилар. Бироқ у қадим замонда чекланган монархия бўлган деб уйлашга ҳеч қандай асос бўлмаса керак. Бу термин қадимги Хетт давлатига мутлақо тўғри келмайди. Бу ёзувдан, Телепин давлат тузумининг янги формасини вужудга келтирмоқчи эди, деган хулоса ҳам чиқариб бўлмайди. Аксинча, Телепиннинг ёзувидан кўриниб турибдики, бу «аристократлар» кенгаши Телепиндан олдин ҳам бўлган, у қадимги уруғ-қабила кенгашининг сарқити бўлиб давом этиб келган бўлса керак. Аристократлар кенгашининг компетенциясига подшо оиласи аъзоларининг жиноятлари билан боғлиқ бўлган ишларни кўриш ҳам кирган. Оилалар устидан бўлган бу «буюк» кенгашга оғир жиноят қилган ҳар бир шаҳзодани ўлим жазосига ҳукм қилишга рухсат бериб, Телепин, кенгашининг шу гуноҳкор шаҳзодаларнинг қариндошларини таъқиб этишни ман этади, бундан мақсад худди Хетт давлатини узоқ вақт парчалаб келган оғир династия жанжалларнинг олдини олиш бўлган бўлса керак.

Экономика ва ижтимоий тузум

Кичик Осиё шарқий қисмининг табиий шароитлари чорвачиликнинг ривожланишига кўп даражада имкон берган, чорвачилик ерли қабилалар хўжалик ҳаётининг асосий формаси бўлган. Страбон, Кичик Осиёнинг «ўсимликлари бўлмаган ўлкалари» жуда кўп миқдорда дағал жунли қўйлар боқиш учун «яйлов бўлиб хизмат қилади», бу қўйлар мамлакатнинг асосий бойлигидир, деб таъкидлаб кўрсатган эди. Хетт ҳужжатлари ҳам Хетт мамлакатларида кенг тарқалган чорвачиликнинг катта аҳамиятга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, эрамиздан аввалги XIV асрга оид Хетт қонунларида молга эгалик қилиш ҳуқуқини аниқлаб ва белгилаб берувчи 35 модда бор. Қонунни тузган киши, даставвал, йирик чорва эгаларининг манфаатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Чорва ўша замонда бойликнинг энг муҳим формаларидан бири бўл-

ган бўлса керак. Масалан, корамол, от ёки қўйини ўғирлаган киши ўғирлаган парсасининг қийматини 15 ҳисса қилиб тўлаши лозим бўлган. Агар ўғри ўғирлаган молини қўйиб юборса ва мол эгаси уни топиб олса, қонунга мувофиқ ўғри молнинг қийматини етти ҳисса қилиб тўлаши керак бўлган. Қочган молни ўзиники қилиб олиш ўғрилик билан тенг ҳисобланган. Уй ҳайвонига шикаст етказган одам молни тўлаши ёки 2 шекелдан 6 шекелгача (16,8—50,4 *гр*) кумуш билан штраф тўлаши лозим бўлган.

Хеттлар учун йилқичилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Отлар энг қадимий хетт ёзувларидан бирида, подшо Анитта ёзувида тилга олинади. Урмони кўп бўлган тоғлик районларда дарахтзорлардан фойдаланиш ҳужалик учун бирмунча аҳамиятга эга эди. Ўрмонзорликларни қонуний равишда қўриқлаш мақсадида, қонунга махсус моддалар киритилган. Дарахтларни ўз билгиси билан кесишда ёки ўғирлашда айбланган киши пул билан штраф тўлаши керак бўлган. Агар ўғирланган дарахтлар миқдори кўп бўлса, ҳукмни подшонинг ўзи чиқарган.

Замон ўтиши билан чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик ҳам ривожлана бошлаган. Азим дарё водийларининг йўқлиги ва дарё сувининг етишмаслиги аҳолига бу ерда Нил, Дажла ва Фрот дарёларининг аллювиал водийларида тараққий топгани сингари, сунъий сугориш системасини жуда кенг миқёсда ривожлантиришга имкон бермаган. Шундай бўлса-да, ҳужжатларда қадимги Кичик Осиёда сунъий сугориладиган деҳқончилик бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор, лекин у замон шароитларида сугориб деҳқончилик қилишнинг аҳамияти жуда ҳам оз бўлган. Масалан, Хетт конунларининг бир модласида каналнинг сувини ариқ орқали оқизиш мап қилинади. Жамоат мулки ҳисобланган сувга эгалик қилишда айбланган киши штраф тўлаган.

Деҳқончилик қуролларини ясаш техникаси нисбатан паст даражада бўлган. Гарчи бу даврда металлургия анча ривожланган бўлса ҳам, баъзи деҳқончилик қуроллари узоқ вақтгача эски одат бўйича тошдан ясалаверган. Масалан, Бўғоз-Қояда тошдан (базальт ва гранитдан) қилинган ёрғучоқ топилган. Лекин тошдан қилинган қуроллар билан бир қаторда улардан анчагина такомиллашган ва бронзадан ясалган қуроллар, масалан, бронза ўроқлар ҳам ишлатилган.

Донли экинлар билан бир қаторда полизчилик ва мевачилик ҳам бирмунча аҳамиятга эга бўлган. Ҳужжатлар, мевали дарахтларнинг бўлганлигидангина эмас, балки бу дарахтлар эгаларининг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилинганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Полизга ёки токзорга



Ҳосил худоси олдида сажда қилиб турган Хетт подшосининг тасвири

Иврш яқинидаги қолтошга битилган бўртма расм. Эрамиздан ав. VIII аср.

ўт қўйишда айбланган киши қонун олдида жавобгар бўлиб ва мулк эгасига етказган зарари учун жуда катта штраф тўлаши керак бўлган, масалан, қонун моддасида кўрсатилишича, айбдор «битта дарахт учун 6 шекель кумуш тўлаши, яна дарахтни жойига тиклаши ва шунда «у ўз гуноҳидан халос» ҳисобланган. Боғ ва токзорлар хусусий мулкдорларга қарашли бўлган бўлса керак. Ҳар ҳолда қонунни тузган киши ихота қилинган мева богини ихота қилинмаганидан ажратади.

Даштни ўраб олган тогларда жуда кўп металл, жумладан, кумуш кўп бўлган. Шунинг учун ҳам Тавр тоғлари «кумуш тоғлари» деб аталган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «хатти» сузининг ўзи ҳам «кумуш» деган маънони билдирувчи суздан келиб чиққан. Хеттлар кумуш билан бир қаторда атрофдаги яқин районлардан мис билан темир ҳам қазиб чиқариш имкониятига эга бўлганлар. Хетт подшоси Аппиттанинг эрамиздан аввалги XIX асрга оид ёзувларида Пурушханд шаҳрининг ҳокими томонидан хирож тариқасида олиб келинган темир буюмлар тугрисида гапирилади. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Хетт подшолари темирни Миср каби узоқ мамлакатларга ҳам чиқарганлар. Қархемишда ўтказилган қазишлар темирнинг Шимолий Сурия ва Шимоли-Шаркий Месопотамияда (эрамиздан аввалги XII асрдан бошлаб) кенг тарқалганлигини кўрсатади. Металлдан ташқари аҳолининг ихтиёрида тош билан дарахт ҳам бўлган. Қадим замонлардаёқ Аман тоглари «кедр урмони» деб аталган. Шундай қилиб, Хетт мамлакатида ҳунармандчилик учун зарур бўлган хом ашёнинг ҳамма турлари мавжуд бўлиб, булар ичида металл рудаси биринчи ўринда турган. Бу ҳол металлургиянинг ривожланишига, хусусан, бронза ва темирдан қурол яроғлар ясашга анчагина имкон берган. Хетт қонунларида мис, бронза ва темирдан ясалган плуг ва қурол-яроғларнинг қайд қилиниши ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланганлигидан гувоҳлик беради. Қонунда яна ҳунармандлар: кулоллар, темирчилар, дурадгорлар, этикдузлар, тикувчилар, тўқувчилар ва мовутчилар тилга олинади, бу эса ҳунармандчиликнинг жуда кўп турларга бўлинганлигини кўрсатади.

Деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг тараққий қилиши савдонинг барвақт ривожланишига сабаб бўлган. Култепа (Каппадокия) дан топилган ҳужжатлар шундан дарак беради. Бу расмий ҳужжатлар Каппадокияда эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охирларида осуриялиқлар томонидан қурилган савдо колонияларининг ижтимоий-иқтисодий тузуми қандай бўлганлигини тасаввур этишга ёрдам беради.

Ҳужжатларнинг ҳаммаси маҳаллий шароит таъсири билан бир оз ўзгарган семит тилида ёзилган. Бу ҳужжатларга қараганда, Осурия савдогарлари узоқ вақт давомида Каппадокияга келиб жойлашиб, бу ерда ўзларининг савдо факторияларини қурганлар. Ҳужжатларда Осурияннинг қадимги пойтахти Ашшур «шаҳар» деб аталади. Хетт мамлакатларида урнашиб олган савдогар ва мустамлакачилар ашшурлик бўлсалар керак.

Кичик Осиёда хетт аҳолиси энг зич жойлашган район — Галис дарёси районида Осурия савдогарлари барпо этган савдо колониялари бирмунча мустақилликка эга бўлган. Одатда «порт» деб аталган ҳар бир колониянинг тепасида шаҳар бошқармаси бўлган, бу бошқарма «шаҳар уйи» деб аталган. Колониянинг бутун хўжалик ҳаёти хазинахона ихтиёрида бўлиб, бу хазинахона «порт уйи» деб аталган. Осурия колониялари ичида энг каттаси ва асосийси Ганиш шаҳри ҳисобланган. Бироқ осурияликларнинг бу колониялари Осурия билан ҳам баъзи алоқаларини сақлаб қолганлар. Каппадокия ёзувлари ерли хетт аҳолисининг тузуми ҳақида ҳам маълумот беради. Хетт қабилаларининг тепасида князлар туриб, бу князлар Кичик Осиёга хос номлар билан аталган. Бу ерли хетт князлари металлар билан савдо қилишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўлганлар. Ёзувларда бу князларнинг амалдорлари ва саройлари тилга олинади, бу эса, уруғ-қабила иттифоқларининг аста-секин қадимги давлатларга айланиб борганлигини кўрсатади. Каппадокия ёзувлари яна ўша вақтдаги жуда ривожланган экономика формаларини ҳам бир қадар тасаввур этишга имкон беради. Жуда кўп сонли ташкил қилган хатларда турли-туман буйруқлар, шикоятлар, кечиримлар, айрим кишиларнинг келганлиги, кутилаётган элчиларнинг келмаганлиги ҳақидаги хабарлар, ҳокимлар устидан шикоятлар, уларнинг чиқарган қарорлари устида сўровлар, пул юборганлик тўғрисидаги ва уни олганлик ёки талаб қилганлик ҳақидаги хабарлар бор. Контрактлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар савдо муносабатларининг усулини равшан ифодалайди, савдо иши асосан осуриялик савдо агентлари (дамкарлар) қўлида эди, бу агентларнинг пул ва молларни бир ердан иккинчи ерга олиб борадиган субагентлари бўлган. Бутун йирик савдо ва судхўрлик осуриялик бадавлат савдогарлар қўлида бўлган. Бир хатда уй олиб сотувчи бир катта савдогар — Бушукиннинг исми тилга олинади. Бушукиннинг агентлари унинг учун уйлар сотиб олганлар ва уй сотиб олганликлари тўғрисида бу йирик савдогарга хабар қиладилар ва ундан қилган харажатларини қоплашни сурайдилар. Улар бундай деб ёзадилар: «Ша-

лим-ашир ва бизнинг шаҳарлик Сухуга сенга 16 минг кумушга уйлар сотиб олдилар. Улар сенга ёзиб юбордилар: биз процент тариқасида сен учун пул олдик... Шалим-аҳим уйнинг қиймати тариқасида ўн мин юборади...»

Осурия савдоси ва мустамлакачилиги туфайли осурияликларнинг Хеттлар мамлакатига таъсири анча кучайган; календарь системаси, вақтни белгилаш усули ва Месопотамиядан Каппадокияга ўтган диний эътиқодлар ана шу таъсирнинг кучайганлигини кўрсатиб ўтади. Осурия савдогарлари билан бир вақтда Хетт мамлакатларига Бобил савдогарлари ҳам кириб келганлар. Бобилнинг маданий жиҳатдан анча кучли таъсир қилганлигини бир қатор фактлар кўрсатиб туради. Олтмишли саноқ системасига асосланган Бобил пул системаси Кичик Осиёга жуда қадим замоидаёқ кириб келган эди. Бобилнинг жуда кўп диний маросим текстлари, миф ва афсоналари хетт тилига таржима қилинган. Жуда кўп хетт ёзувлари ичида Бобил типидаги лексик справочниклар ва луғатлар топилган. Узоқ вақт лавомида, то Хетт давлатининг равнақ топиш даврига қадар, Хетт подшолари қушни мамлакатлар билан битимларни бобил тилида тузганлар. Фақат эрамиздан аввалги XIV асрга келиб, хетт тили бобил тилини бутунлай сиқиб чиқарган.

Айрим хетт областлариии ўзаро боглабгина колмасдан, балки, шу билан бирга, хетт қабилаларинн қадимги шарқ дунёси билан ҳам боглаган кенг иқтисодий алоқалар доирасига олиб кирган жуда катта миқёсдаги савдо хетт қонунларида ўз ифодасини топган. Бу қонунлар чорва молларига, кишлок хўжалик маҳсулотларига, газмолга ва терига алохида қатъий баҳо белгилаган. Шу билан бир қаторда, қонунлар металларнинг ҳам чогиштирма қийматини белгилайди, миснинг 240 огирлик бирлигини кумушнинг битта огирлик бирлигига тенглаштиради (4 мина мис=1 шекель кумуш).

Қадимги Шарқнинг бошқа қабилалари каби, хетт қабилалари ҳам уругчилик тузумидан қулдорлик тузумига ўтиш даврида, яъни вужудга келаётган қулдорлик жамияти ичида қишлоқ жамоасининг илдизи ҳали мустаҳкам бўлган ва уругчилик тузумининг сарқитлари сақланиб турган бир даврда жаҳон тарихи майдонига чиқадилар. Уругчилик тузумининг сарқитлари бу ерда, Олд Осиёнинг узоқ ўлкасида жуда мустаҳкам бўлган. Масалан, бир ҳужжатда айбдорга «қон эгаси» (хундор) томонидан бериладиган жазо тўғрисида гапирилади. Бу жазо қотиллик учун берилади. «Қон жазоси бериш иши шундай қилинади: кимки қонли жиноят қилса, уни қон эгаси нима деса ўшандай қилиш керак. Агар у айтсаки, «у ўлиши керак» деса, у вақтда у ўлсин; агар у айтсаки, «у

штраф тўланиш керак», деса, у вақтда у штраф тўласин. Подшо эса бу ерда ҳеч нарса қилиши керак эмас». Баъзи тадқиқотчилар, ушбу ёзувда «қон эгаси» деб аталган киши, суд маҳкамасининг раиси бўлса керак, деб тахмин қиладилар. Лекин, агар бу судья бўлса, у вақтда бу ишга подшо юрисдикциясининг аралашувини қонун нима сабабдан тақиқлаганини тушуниб бўлмайди. «Қон эгаси» — уруғ бошлиги бўлганлиги, қариндошларининг қони, яъни ҳаёти унга қараганлиги эҳтимолга яқинроқдир. Шунинг учун ҳам қонун унга қотилликда айбдор бўлган кишини суд қилиш ҳуқуқини берган. Бу ерда қадимги уруғчилик тузумидаги одат ҳуқуқи подшо юрисдикцияси билан тўқнаш келади.

Қадимдан сақланиб қолган одатлардан яна бири умумий кафиллик бўлган, бу, уруғдошларни бир-бирига мустаҳкам боғлаган. Чунки уруғ аъзолари, ҳар бир уруғдош томонидан килинган жиноят учун коллектив суратда жавобгар бўлганлар. Уруғ жамоасида ҳам, оила жамоасида ҳам, катта патриархал оилада ҳам ва, ҳатто, қишлоқ жамоасида ҳам ана шу одат ҳукмрои бўлган. Масалан, эрамиздан аввалги XVI асрда қонун чиқарилиб, бу қонунга мувофиқ, бирор оилада жодугарлик билан шуғулланувчи киши бўлса, у «оила» аъзолари айбдорни тутиб беришга мажбур бўлганлар. Борди-ю, оила аъзолари шундай қилмасалар, улар ҳаммаси бутун «хонадонн» билан жазога тортилиши лозим бўлган. «Навкарларнинг қасами ҳақида низом»нинг текстидан маълум бўлишича, уруғдошларнинг ҳамда ҳамқишлоқларнинг коллектив жавобгарлиги тўғрисидаги тушунча янги Хетт даврида ҳам сақланиб қолган. Бу текстга биноан, қасам ҳомийси бўлган худолар қасамни бузган кишининг бир узинигина эмас, балки унинг хотинини, болаларини, хонадонни ва ҳатто қишлоғини (яъни жамоасини) ҳам жазолашлари керак эди. Ниҳоят, сарой ва ибодатхоналар ходимларининг фаолиятини белгилаб берган хизмат инструкцияларида айтилишича, баъзи бир жиноятларни қилишда айбланган кишилар ўз авлод-аждоди билан бирга жазолаиишлари лозим бўлган. Аммо вақтнинг ўтиши билан уругдошларнинг ва ҳамқишлоқларнинг умумий кафиллиги ва коллектив жавобгарлиги тўғрисидаги эски тушунча аста-секин йўқолиб борган. Эрамиздан аввалги XIV асрга оид хетт қонунларида бу қадимий одат қолдиқлари фақатгина икки жойда тилга олинади.

Хетт қабилаларининг ижтимоий турмушида патриархал оила катта ўрин тутган. Хетт қонунларида «хотининг бахоси» деган махсус термин учрайди, бу эса қизларни сотиш одатидан дарак берадики, бу одат асрлар давомида қаттиқ сақланиб келгандир. Оила ҳуқуқи патриархал оиланинг бош-

лигига — отага ва эрга чексиз ҳуқуқ беради, оила бошлиги уз қул остидаги катта патриархал оиладаги аъзоларни суд қилиш ва жазолашга ҳақли булган. Қадимги урф-одат тусидаги оила ҳуқуқи томонидан қонунлаштирилган ўзи суд қилишнинг колдиқлари хеттларнинг турмушида сақланиб келган. Агар эр хотинининг бирор эркак билан уйнаб тургани устидан чиқиб колса, эр уларнинг ҳар иккисини ҳам ўлдириш ҳуқуқига эга булган. «Унга (эрга) жазо берилмайди»,— дейилади хетт қонунининг 197-моддасида.

Бир канча ҳужжатлар Хетт мамлакатида қулдорликнинг қандай пайдо булганлиги ва кандай ривожланганлигини курсатади. Урушлар ва савдонинг ривожланиши қулдорликнинг тараққий қилишига айниқса ёрдам берган; савдонинг ўсиши бировларнинг хонавайрон булиши ҳисобига бошкаларнинг бойишига имкон берган. Шунинг учун табиийки, қулдорлик, осуриялик савдогарлар томонидан Каппадокияда барпо этилган савдо колонияларида айниқса кенг ривож топган. Ёзувларда эркин кишилар одатда хетт кулларига қарама-қарши қуйилади, эҳтимол бу қуллар ерли хетт аҳолисидан булса керак. Хеттлар жуда кенг ривожланган қарздорлик асоратига тушиб боришлари туфайли қулларнинг аҳволига тушиб қолганлар. Осурия савдогарлари хетт ҳунармандларига тез-тез қарз бериб турганлар. Қарздорлик ёзувининг текстига кура, қарзини ўз вақтида тўламаган қарздор кулга айлангирилган. Ганиш районидан топилган бошқа қарздорлик ҳужжатларига биноан, қарздорнинг оиласи қарз юзасидан бериладиган процентларни қарз берувчининг уйида ишлаб тўлаши керак булган. Қарздорликка оид бу операцияларнинг ҳаммасини Ганиш ҳокими тасдиқлаши керак эди, Ганиш ҳокими ҳамма вақт Осурия савдогарлари ва қулдорларининг манфаатларини ҳимоя қилган ва шунинг учун қарзни тўлай олмаган қарздорларни ҳамда уларнинг бутун оила аъзоларини қарз берувчилар ихтиёрига топширган. Табиийки, ерли хетт аҳолиси уларни каттиқ эксплуатация қилган келганди осуриялик савдогарларга нафрат кўзи билан қараган. Шунинг учун ҳам улар ўртасида тўқнашишлар булганлиги эҳтимолга жуда яқиндир. Ерли хетт аҳолисининг сиқуви туфайли булса керак, осуриялик савдогарлар Аккад мамлакатининг қудратли подшоси Саргон I га ёрдам сураб мурожаат қилганлар. Бир ривоятда Саргон I осуриялкларнинг савдо колонияларига ёрдам бериш максадида узоқ Хетт мамлакатига машаққатли юриш қилганлиги тугрисида гапирилади.

Бироқ қулчиликнинг энг муҳим манбаи уруш бўлган. Хетт подшолари бир қатор қушни қабила ва халқлар билан доимо каттиқ уруш олиб борганлар. Бу урушларнинг ҳаммаси ҳам

таловчилик урушлари бўлган. Урушлардан асосий мақсад асирлар олиш бўлиб, асирларни одатда қулга айлантирганлар. Хетт подшолари ўз ёзувларида, муваффақиятли чиққан ҳарбий юришлар натижасида енгилган мамлакатдан жуда кўп асир олиб келганликлари тўғрисида мағрурлик билан гапирадилар. Бу асирларни улар одатда ҳайвонлар билан бир қаторда тилга оладилар. Хетт подшоси Шупилулиума Арахати шаҳри устидан қозонган ғалабасини гапириб, бундай дейди: «Арахати подшоси Акийни, Такувнинг биродари Аки-Тешупни ва уларнинг аскарларини, уларнинг ҳаммасини молдунёлари билан бирга мен асир олдим ва Хеттлар мамлакатига олиб кетдим». Хетт подшоси Муршиль II ўзининг солномаларида бундай дейди: «Мен Пиггайнарешша мамлакатига хужум қилдим... Унга тўсатдан бостириб кириб, ундан асирлар, моллар ва қўйлар олдим. Мен уларни ўлжа қилиб олиб кетдим, Пиггайнарешша мамлакатига эса ўт қўйдим. Эртасига эрталаб мен Яхрешшага қайтиб келдим ва Яхрешша шаҳарига ўт қўйдим. Асирлар билан бирга мен мол ва қўйлар ўлжа олдим».

Қулга айлантирилган ҳарбий асирлардан Хетт давлатининг хўжалик ҳаётида кенг фойдаланилган. Хетт подшолари қулга айлантирилган бу ҳарбий асирлар қушни мамлакатларга қочиб кетмасинлар деб эҳтиёт қилганлар, чунки бу парса мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига катта зарар етказган. Хетт подшоси Муршиль II Хапалла мамлакатининг подшоси Таргашналл билан тузган битимида қочиб ўтган асирларни сўзсиз қайтаришни талаб қилади. У бундай дейди: «Арзава мамлакатини енганлигим туфайли мен, Куёш, олиб келган ва аскарларимни қилиб қўйган асирларга келганда ҳамда менинг отам олиб келган асирларга келганда, агар улардан бирортаси қочиб кетиб, сенинг мамлакатингга борса, у одам арзавалик бўладими, ёки хаттилик бўладими, барибир, агар сен уни ушлаб, менга топширмасанг ва бекитсанг, у вақтда сен бу билан қасамхўр бўласан».

Хетт қонунлари Хетт давлатида қуллар меҳнати қандай эксплуатация қилинганлигини равшан ифодалайди. Қонун тузувчи ҳамма вақт қулдорларнинг манфаатларини химоя қилишга алоҳида эътибор беради. Қонунларда, ўгирлик қилганлик ва ўт қўйганлик учун қулларга қаттиқ жазолар белгиланади: «Агар қул уйга ўгирликка тушса, бунинг учун у аниқ товон, яъни у олти шекель кумуш тўлаши керак. Қулнинг яна бурун ва қулоқлари кесилади». Ўт қўйишда айбланган қулга ҳам худди шундай оғир ва қаттиқ тан жазоси берилган, кейин эса уни хўжайини қўлига топширганлар. Қонун моддалари қулларни эксплуатация қилишнинг жуда қаттиқ форма-

лари булганлигидан дарак беради, бу эса қулларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган. Баъзида бу норозилик қўзғолон тусини олган. Қўзғолон кўтарган қуллар ўз эгаларининг уйларига ўт қўйганлар, манфур золимларни ўлдирганлар. Қуллар кўпинча эгаларининг қўлидан қочиб кетганлар, хатто қонунларидаги бир қанча моддалар шундан дарак беради. Қонун тузувчи қочоқ қулни ушлаб келтирган киши учун махсус мукофотлар белгилайди. Қочоқ қулни яширган киши қулнинг эгасига катта штраф тўлаши керак бўлган. Қулдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, қонун қул эгасига шундай ҳуқуқ берганки, агар ўгирлаб кетилган қулни қул эгаси кейинчалик топиб олса, қулни ҳеч қандай тўловсиз ўзига қайтариб олган. Хетт қонунларида қулларнинг ўлдирилишига фақат уйнинг эгасига етказилган моддий зарар деб қаралган. Шунинг учун қулни ўлдиришда айбдор бўлган киши «уни кўмиши, шунингдек эркак ёки аёлдан икки одам бериши керак, шунда у ўз гуноҳидан соқит бўлади». Шундай қилиб, қонун тузувчи қулга эгасининг мулки деб қараган, шунинг учун қонун қулни ўлдиргаилик учун бошқа бир чора, эркин кишини ўлдиргаилик учун тамом бошқа бир чора кўриб, уларни бир-биридан қатъий фарқ қилган.

Хетт давлатида қулларнинг меҳнатидан жуда кенг фойдаланилган. Истилочилик сиёсати авжга минган даврда (эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида) босқинчилик урушлари натижасида мамлакатда кўп миқдорда қуллар йигилади. Хетт кодексининг бир моддасига кўра, бир аскарга қарашли қулларнинг миқдори 10 кишига етган. Бир инъом ўрлиғида моллар билан бир қаторда 91 «бош» қул хам қайд қилинади. Мамлакатда қулларнинг жуда хам кўп бўлиши ва қулдорлар томонидан қуллар меҳнатининг қаттиқ эксплуатация қилиниши пировардида қулларнинг тез-тез қўзғолон кўтариб туришига сабаб бўлиши турган гап эди. Масалан, эрамиздан аввалги XVIII асрда, Хетт подшоси Хаттушиль I ўлгандан кейин қулларнинг катта қўзғолони бўлганлигини биз Хетт подшоси Телепининг ёзувларидан биламиз. Бу ёзувда «Шахзодаларнинг қуллари қўзғолон кўтарди, уларнинг уйларини вайрон қила бошлади, ўз эгаларига хоинлик қилиб, уларнинг қонини тука бошлади» дейилади. Бу ёзувнинг автори шубҳасиз қулдор бўлиб, қулларнинг бу қўзғолонига хетт зодагонлари ўртасидаги жанжаллар сабаб бўлди деб ҳисоблайди. Албатта, бу жанжаллар қулдорлар синфини заифлаштириб, қулларнинг қўзғолони учун қулай вазият вужудга келтириши мумкин эди, лекин қўзғолоннинг асосий сабаби қуллар меҳнатининг қаттиқ эксплуатация қилиниши эди. Қулларнинг қўзғолон кўтаришидан доимо хавфсираб қонуни

тузувчи қулларга қарши қаратилган бир қанча қатъий чоралар кўрган. Хетт қонунларининг қулларга нисбатан ана шундай гарзда тузилганлигининг сабаби ҳам шу хавфсираш бўлган.

Ҳунармандлик ва савдонинг ривожланиши, қулдорликнинг ўсиши энг қадимги шаҳарларнинг вужудга келишига ёрдам берган, бу шаҳарлар мамлакатнинг иқтисодий, маъмурий ва маданий марказлари бўлган. Подшо Аниттанинг эрамиздан аввалги XIX асрга тегишли ёзувларидаёқ Хетт давлатининг пойтахти Неша шаҳрининг таърифи ёритилади. Аниттa бу шаҳарда бир қатор ибодатхоналар курганлигини ва бу ибодатхоналарда душманлардан олинган ўлжани сақлаганлигини мағрурлик билан гапиради. Шаҳарларнинг энг катталари савдо йўллари туташган жойларда вужудга келиб, Олд Осиёнинг шимолий қисмида жойлашган халкларнинг савдо алоқаларида жуда катта роль ўйнайди. Масалан, Қархемиш шаҳри шундай шаҳарлардан бири эди, у бой савдо шаҳри бўлиб, бир неча қават девор билан ўралган ва бу деворнинг ҳар ер-ҳар ерида ҳашаматли дарвозалар бўлган. Занжирли яқинидан қазиб топилган қадимги шаҳар ҳам худди шундай шаҳар бўлган; бу шаҳар эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталаридан то эрамиздан аввалги VII асргача яшаб келган. Бу қадимий шаҳар икки қават девор билан ўралган бўлиб, ташқи томондан миноралар билан мустаҳкамланган. Шаҳарнинг ички девори алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу девор мустаҳкамланган экспланада[1] билан таъминланган. Шаҳар ичида пойдевори тошдан ишланган бинолар топилган. Биноларда гишт қўйилган жойлар ҳам бўлиб, ички томонидан ёғоч билан анча мустаҳкамланган, булар қадимги грек шаҳарларидаги гишт териб ишланган биноларни эслатади. Занжирлидан шимолда, Сокчи-Гоз иқинида, Қичик Осиё билан Шимолий Сурия чегарасида яна бошқа бир шаҳарнинг харобалари топилган, бу шаҳар деворлар билан ўраб олинган бўлиб, миноралар билан мустаҳкамланган. 1927—1931 йилларда Анатолияда Алишар тепалигида бир катта шаҳарнинг харобалари казиб топилган, бу ҳам катта аҳамиятга эга. Бу мустаҳкам қалъа бўлган булса керак, у бир неча марта кайтадан курилган бўлиб, Хетт давлатининг қулашига қадар яшаб келган. Ниҳоят, Хетт давлатининг пойтахти Хаттушаш алоҳида аҳамиятга эга бўлган, унинг харобалари Бўғоз-Қоя яқинида бир неча марта қазилган. Бу ерда қалъа, шаҳар девори ва бир неча биноларнинг колдиклари топилган, булар ичида, эрамиздан аввалги XIV асрга оид пилястрали хаша-

[1] Қалъа девори билан шаҳар ўртасидаги буш ер

матли зал ажралиб туради. Бу шаҳар харобаларидан жуда кўп миқдорда ҳар турли буюмлар: курол-ярог, идиш-оёқ, уй-рузғор буюмлари, устига хат битилган сопол муҳрлар ва миххат билан ёзилган жуда кўп лавҳалар топилган, булар хетт қабилаларининг тарихи ҳамда маданияти тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Янги-Хетт подшолиги

Эрамиздан аввалги XV асрдан бошлаб Хетт подшолиги яна тиклана бошлади. Хетт подшоси Шупилулиуманинг катта ҳарбий фаолияти Кичик Осиёнинг шарқий қисмида ва Фрот дарёси яқинидаги тоғлик ўлкаларда Хетт ҳукмронлигининг тикланишига олиб келади. Хетт давлатига Кисвадна мамлакати қўшилади, унинг князи, Хетт ёзувларига кўра, «хурритлар қули» бўлишдан қутулиб «озод» бўлади. Кисвадна князлиги шу вақтдан бошлаб катта Хетт давлати составида фахрий ўрин эгаллайди. Хеттларнинг бошқа давлатлар билан тузган бундан кейинги ҳамма битимларида хетт худолари билан бир қаторда, гувоҳликка Кисвадна мамлакатининг худолари ҳам чақириладиган бўлади. Хеттлар шимоли ғарбий Месопотамияда Митанни билан Осурия ўртасида кетаётган кескин курашдан фойдаланиб, бу ерда ҳукмронлик қилишга интиладилар. Дажла дарёсининг юқори оқимида жойлашган князликлар хеттларга қўшилади. Шупилулиума Митанни давлати ва Сурия князликлари устидан катта ғалаба қозонади. Жанубий Туркияда ҳозирги Мерсин гавани яқинида (Юмуқ-тепада) хеттлар томонидан қурилган қалъа харобалари топилган, бу қалъа худди шу вақтларда қурилган бўлса керак. Тахмин қилинишича, Питур деб аталган қалъа ёки поселение шу қалъа бўлиши керак. Хетт подшоси билан Кисвадна ҳокими ўртасида тузилган шартномага кўра, Питур қалъаси чегара пости бўлиб, уни Кисвадна ҳокими мустаҳкамлаши лозим бўлган. Бу қалъа хеттлар учун жуда муҳим савдо пункти бўлган бўлса керак. Чунки бу қалъа, Кархемиш ва Алепподан Киликадна водийси ҳамда Писидия тоғ йўли орқали Кичик Осиёнинг ғарбий қисмига, Трояга олиб борадиган йўл устидан ҳукмронлик қилган. Шундай қилиб, қадимги Сурия қабилалари яшаб келган шимолий Сурия ва Киликияга хеттларнинг кириб келишига сабаб бўлган парса хеттларнинг муҳим савдо ва ҳарбий йўлларни ўз қўлларига олиш булган. Чунки бу йўллар Месопотамиядан Суриянинг ғарбий портларига ва ундан ҳам ғарбга, Кичик Осиёнинг ғарбий областларига олиб борган. Шупилулиума катта территорияни босиб олиб, Фрот дарёси ва Ливан тоғларигача боради. Мисрнинг ички заифлашувидан фойдаланиб, қудратли Хетт подшоси шимолий Суриядаги илгари Миср ихтиёрида булган областларни

босиб олади. Амурру мамлакатини истило этади ва унга йилига 300 *шекель* олтиндан хирож солади. Хеттларнинг жанубга қараб силжиб бориши мисрликларни хеттларга Сурияниинг анчагина қисмини беришга мажбур этади. Сурия князликларининг Миср фиръавнига карата ёзилган хатларига қараб ҳукм қилганда, хеттлар шимолий Сурияга ва, ҳатто Фалас-



Хеттлар жанг аравасини тасвирловчи бўртма расм.

тинга ҳам кириб борганлар. Катна князи Аккизи фиръавнга, Хетт подшоси бутун мамлакатга «ут қуйди» ва Катнанинг ўзига хавф солмоқда, деб ёзади. Нухашшени ва Сурияниинг бир қатор бошқа область ва шаҳарларини ишгол қилиб, хеттлар кўп вақтлардан буён Мисрнинг Суриядаги ҳукмронлигининг таянчи бўлиб келган энг муҳим порт Библни ҳам босиб

олишга ҳаракат қиладилар. Библ ҳокими Риб-Адди ваҳимага тушиб фиръавнга хабар қилади: «Мен хеттларнинг мамлакатларга ўт қўяётганини эшитдим. Мен бу тўғрида бир неча марта ёздим, лекин жавоб олганим йўқ. Султоним подшонинг барча ерлари босиб олинган, лекин султоним булардан ўзини четда тутмоқда. Мана энди Библни босиб олмоқ учун хетт мамлакатларидан аскарлар келтирилади».

Хеттлар Мисрга қарши қўзғолон кўтарган Сурия князлари иттифоқига суяниб ва улар билан биргаликда Сурияда мисрликларни сиқиб чиқариб, ҳатто, Фаластинга ҳам кириб боргаилар. Фаластин князлари ва ҳокимларининг хеттча номлари, шунингдек, бошқа хеттча номлар Амарна архивининг дипломатик хатларида, баъзи бир ёзувларда ҳамда тавротда учрайди. Хусусан, Сурия ҳамда Фаластин князларининг эрамиздан аввалги XV—XIV асрда Мисрга қарши кўтарган қўзғолонини хеттлар қўллаб-қувватлаганлар деб тахмин қилиш мумкин. Чунки хеттлар Олд Осиёнинг ана шу областларида ўз таъсирларини ўтказишга уринганлар. Шундай қилиб, бир нақтлар тамомила ва бутунлай мисрликларга карашли бўлган Сурияда Хетт подшолари ўзларининг иқгисодий ва сиёсий ҳукмронликларини мустаҳкамлайдилар. Ниҳоят, Хетт давлати қудратининг равпақ топиш даврида Шуппилулиума Митанни билан қаттиқ кураш бошлайди, Митанни тахтига ўтиришни даъво қилган турли даъвогарларни қўллаб-қувватлайди. Бир қанча ҳарбий муваффакиятларга эришгандан сўнг, хеттлар митанниларга қақшатқич зарба бсрадилар. Митанни давлати тупрогига бостириб кириб, унинг пойтахти Васуганни шаҳарини вайрон қиладилар. Митанни мамлакатида гобора мустаҳкамланиб бораётган Осурия таъсирининг кучайишидан хавфсираб, Хетт подшоси осурияликларни шарққа томон улоқтириб ташлайди, Митанни тахтига ўз одами Маттиваза ни ўтказиб, у билан битим тузади. Бу битимга мувофиқ, Митанни хеттларга бутунлай тобе бўлиб қолади, Маттиваза эса, Хетт подшосига содиқ бўлишга ва уруш бўлган тақдирда ёрдам беришга ваъда қиладн. Бу битим династик никоҳ билан мустаҳкамланади. Мана шулар натижасида хеттлар Иккидарё оралиғининг шимоли-гарбий кисмида ва шимолий Сурияда ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаб оладилар. Бу давр Хетт давлати ҳарбий қудратининг гуллаб-яшнаган даври эди. Осурияликлар билан мисрликлар Хетт давлати чегараларидан узоққа улоқтириб ташлангаи эди. Митанни мамлакати буйсундирилган эди. Хетт подшосининг ўгиллари Халпада ва Қархемишда ҳукмронлик қиладилар. Эрамиздан аввалги XIV асрда подшолик қилган (эрамиздан аввалги 1345—1320 йиллар) Муршиль II Понтия тоғларининг

шимоли-шаркий қисмидан бошлаб, Хетт давлатига ёпирилиб келаётган газгей қабилалари билан қаттиқ кураш олиб боради. Муршиль II қўшни қабилалар билан 20 йил давомида узоқ кураш олиб боради, бу кураш қиш вақтида ёки тантанали байрамлар вақтида тўхтаган. Хетт подшоси Қиликияга ва Арманистонга қўшин тортиб боради ҳамда Шимолий Сурияда заифлашиб қолган хетт қудратини анчагина тиклаб, бу мамлакатда ўз ҳокимиятини Ливангача мустаҳкамлайди. Бу урушлар натижасида Хетт давлати янада мустаҳкамланади. Хетт подшолиги составига алоҳида шартномалар асосида Кичик Осиёнинг бир қанча областлари қўшиб олинган. Бу шартномаларга мувофиқ юқоридаги областлар хеттларга бож тўлашга ҳамда ҳарбий ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган ва бу областларнинг чегаралари белгиланган. Бу давлат шартномалар Олд Осиёда халқаро муносабатлар қандай тараққий қилиб борганини бир қадар ёритиб беради. Бу шартномаларда алоҳида тарихий қисмлар бўлган, бу қисмларда шартлашастган томонларнинг ўзаро муносабатлари баён қилинган. Шартномаларнинг кўпгина моддаларида қадимги шарқ дипломатиясига хос дипломатик формаларнинг бупёдга келиши ҳамда уларнинг қўлланилиши характерланади. Бундай дипломатик формалар Хетт давлати билан Шимолий Месопотамия, Сурия, Фаластин халқлари ўртасида кураш шароитида қўлланилган. Хеттларга қарам ва бўйсундирилган қўшни мамлакат ҳокимлари билан тузилган шартномалар алоҳида формада бўлган. Бу шартномалар мохият эътибори билан бир тарафлама бўлган. Хеттларга бўйсунган ёки қарам бўлган мамлакат ҳокими ўз устига хетт подшосига бож тўлаш ҳамда унга таъзим қилиш учун бориб-келиб гуриш мажбуриятини олган. Хетт подшосининг «марҳаматига» жавобан қарам бўлган ҳоким подшога ўзининг тамоман итоаткорлигини ҳамда чексиз миннатдорлигини изҳор қилиши, унга содиқлигига алоҳида қасам ичиши лозим эди. Борди-ю, қарам мамлакат ҳокими хетт подшосининг қариндоши бўлса, хетт подшоси келгусида ҳам унинг ҳоким бўлишига кафолат берган. Бу шартномаларнинг барчасида хетт подшоларининг қарам ва бўйсундирилган мамлакатларда марказий Хетт ҳукуматининг обрўсини мустаҳкамлашга уринганликлари таъкидланади. Бу парса хетт подшосининг «қарам князини ва унинг ер-мулкини ҳимоя қиламан» деган ваъдасидан ҳамда хеттлардан ажралиб чиққан ёки шартномани бузган ўжар ҳокимни раҳмсиз жазолайман деган пунисасидан яққол кўринади.

Шимолий Сурияда мустахкам ўрнашиб олган ҳамда шимоли-ғарбий Месопотамияда ўз таъсирларини кучайтириб,

хетт подшолари узоқ Бобилгача қўлларини чўзишга ҳаракат қиладилар. Бобилнинг касситли подшоси Кадашман-Таргунинг кучсизлигидан фойдаланиб, Хетт подшоси Хаттушиль III ўша вақтда Кардуниаш деб аталган Бобил подшолигини ўзининг сиёсий таъсирига буйсундиришга интилади. Бобилнинг ички ишларига аралашиб, хетт подшоси Бобилда ўзининг сиёсий тарафдорларини очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлайди ва, ҳатто, Бобил подшосини хеттлар осурияликларга қарағанда уч ҳисса ёки ҳатто, тўрт ҳисса кучли деб ишонтириб, Бобилни Хетт давлатининг азалги душмани бўлмиш Осурияга қарши гиж-гижлатади. Хаттушиль III нинг Бобилга бўлган сиқуви шу қадар кучаядики, Бобил хокимларидан бири Хаттушилга бундай деб ёзади: «Сен бизларга биродар тариқасида ёзмасдан, бизга қулларингга буйруқ бергандек буйруқ бераяпсан».

Катта Хетт давлати сиёсий қудратининг равнақ топиши хетт савдосининг анчагина ривожланиши билан жуда мустаҳкам богликдир. Хеттлар Олд Осиёнинг турли мамлакатлари билан ва, ҳатто, узоқ Миср билан ҳам савдо олиб борадилар. Хеттлар Мисрга турли буюмлар: кумуш, ложувард, ёғоч, темир ва қуллар чиқарадилар. Ўзлари эса, ўз навбатида, Мисрдан ғоят гўзал заргарлик буюмларини, кийим-бошлар ва идишларда ёғлар оладилар. Хетт давлатининг Миср билан бўлган савдоси анча кенг ривож топади. Бу жиҳатдан хеттлар Миср билан жуда қадимдан савдо қилиб келган Кипр подшоси учун ҳам хавфли рақиб бўлган бўлсалар керак. Ҳар ҳолда Кипр подшоси фиръавнга ёзган хатларидан бирида фиръавнни Хетт подшоси билан ҳеч қандай алоқа қилмасликка ундайди. Буларнинг ҳаммаси хетт савдосининг анчагина тараққий топганлигидан ва хетт экономикасининг гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги XIV—XIII асрларда хеттлар тобора жанубга сурилиб бориб, XIX династия фиръавнлари даврида ҳарбий қудратининг қайтадан гуллаш даврини кечираётган Миср давлати билан тўқнаш келади. Сурияда ҳукмронлик қилиш учун хеттлар билан мисрликлар ўртасида қаттиқ кураш бошланади. Хетт подшоси Муватал ўз пойтахтини Хаттушаш шаҳаридан Сурия территориясида бўлаётган ҳарбий ҳаракатлар майдонига яқинроқ жойга, мамлакатнинг жанубий қисмига, Галис дарёсидан жанубда жойлашган Датташ шаҳрига кўчиради. Муватал ўлгандан кейин Хетт мамлакатида катта низолар бўлади. Мисрликлар, бу низолардан фойдаланиб, бир қанча каттагина ғалабалар қозонадилар ва Суриянинг жанубий қисмида яна мустаҳкамланиб оладилар. Эрамиздан аввалги 1296 йилда хетт подшоси Хаттушиль III

олган Миср фиръавни Рамзес II ўртасида яраш битими тузилади. Урушлар натижасида Сурия ўша вақтдаги иккита энг йирик давлат бўлмиш Хетт давлати билан Миср давлати ўртасида тақсимланади.

Бу яраш битими тузилгандан кейин Миср билан Олд Осиё мамлакатлари ўртасида савдо алоқалари мустаҳкамланди. Ўша вақтдан қолган бир Миср ёзувида айтилишича: «Одамлар ўз ишлари билан Жахига кетаётганларида, улар улуғ подшо Рамзеснинг галабалари туфайли қўрқмасдан, хотиржам бўлиб, Хеттлар мамлакатига етиб боролардилар». Шундан сўнг кўп ўтмай, Хетт давлати ва маданияти тушкунликка учрай бошлайди.



Хетт подшосининг ҳайкали. *Стамбулдаги музей.*

Хеттлар янги даҳшатли кучлар билан тўқнашадилар. Қичик Осиё, Финикия ва Фалестинга Ўрта денгизлаги ороллардан «денгиз халқлари» (Эгей денгизи ороллариниг аҳолиси) шиддатли тўлқиндек ёпирилиб келиб, кирғоқ буйларини забт қиладилар. Қичик Осиёдаги хетт областларини қўшни шарқ ва жанубий-шарқ мамлакатларидан, шунингдек Ўрта денгизнинг савдо магистралларидан ажратиб қўядилар. Ана шу «денгиз халқлари» ҳужумларини қайтаришга муваффақ бўлган Рамзес III бу ишидан жуда ҳам фахрланиб, ўз ёзувларида «хеттлардан тортиб, бирорта мамлакат ҳам уларнинг қўшинларига бардош бера олмади» дейди. Эгей қабилалари Қархемишни, Арвадни, Амурру мамлакатини ва Кипр оролини хонавайрон қилганлар. Денгиз қабилаларининг мана шу истилоси Хетт давлатини батамом ҳолдан тойдирган бўлса керак. Осурия подшоси Тиглатпаласар I эрамиздан аввалги XII асрда илгари Хетт подшолиги составига кирган майда князликларга қақшатқич зарба берган. Улар орасида Тиглат-

паласар I «Хатту мамлакати»ни тилга олади. Хетт маданияти қолдиқлари Кичик Осиёнинг шарқий қисмида, шимолий Сурияда ва шимоли-ғарбий Месопотамияда яна анча вақтгача яшаб келган. Хетт давлатининг энг охирги қолдиқларидан бири бўлган Кархемиш князлиги Осурия подшоси Саргон II томонидан эрамиздан аввалги VIII асрда батамом тор-мор қилинган.

Хетт маданияти

Ҳозирги пайтда Хетт маданиятини мунтазам равишда баён қилиб бериш қийин, лекин Хетт маданиятини ўрганиш вақтида тадқиқотчи олдида турадиган проблемалар катта илмий аҳамиятга эгадир. Хетт давлати уз ҳукмронлигининг баъзи даврларида ҳарбий қудрати жуда усган ва таиқи мамлакатларга таъсири анча кучайган бўлса-да, қадимги Шарқдаги бошқа давлатларга қараганда у омонат ва заиф давлат бирлашмасидан иборат бўлган, бунга сабаб, мамлакатда қабилалар ўртасида мустаҳкам ички иқтисодий алоқа бўлмаганлигидир. Хеттларнинг қулдорлик давлати қабилаларнинг заиф бирлашмаси асосида вужудга келиб, унинг тепасида энг кучли хетт қабила бошлиғи турган. Хетт подшолигида қабилалар иттифоқидан иборат шу қадимий ташкилотларнинг кўп қолдиқлари узоқ вақтларгача сақланиб келган. Бироқ қулчиликнинг ривожланиши давлат ҳокимиятининг гобора мустаҳкамланиб боришини талаб қилган. Ҳарбий бошлиқ ва бош руҳоний функцияларини бирлаштирган қабила йўлбошчисининг ҳокимияти аста-секин шарққа хос зуравонлик сиёсатини ўзида акс эттира боради. Айниқса подшо муқаддаслаштирилади. Подшо ҳаёт вақтида бош руҳоний сифатида энг муҳим диний маросимларни амалга оширган. У ўлгандан кейин эса, унинг руҳига атаб мотам-маърака маросими адо этилиб, у худо билан тенглаштирилган. Подшолар қуёш худоси ҳассасини ушлаган ҳолда тасвирланган. Язили-Қоядаги бўртма расмларда (Бўғоз-Қоя яқинидаги қоятошдаги ибодатхонада) момақалдироқ худоси Тешубнинг подшони ўз ўғлидек қучоғига олиб тургани тасвирланган. Саройдаги мулозимат ва муомалаларга мувофиқ Хетт подшосини «қуёшим» деб аташ лозим бўлган. Худди шунга ўхшаш унвонлар Сурия князларининг эрамиздан аввалги XIV асрга оид дипломатик хатларида учрайди. Масалан, Хетт давлатида худо даражасига кўтарилган подшо эътиқоди ана шу тариқа аста-секин ташкил топа бошлайди, бу эса шарқ истибдодининг типик хусусиятидир.

Сўнгги вақтларгача сақланиб келган баъзи бир ибтидоийлик хусусиятлари хетт динида ҳам бор. Матриархатнинг қадимги формаларининг шубҳасиз сарқити ўлароқ, хетт динида



Хетт худоларининг маросими

Бўғоз-Қоя яқинидаги Язили-Коя қоятошларидаги буртма расм.

ҳосилдорлик кучларини ўзида акс эттирувчи табиат онаси — улуғ маъбуда эътикоди энг асосий ўрин тутади. Хетт санъатида бу маъбуда, одатда, узун кийим билан цилиндр шаклидаги бош кийими кийган аёл қиёфасида тасвирланиб, унинг бош кийимидан катта парда тушиб туради. Бу маъбуда билан бир қаторда Хетт мамлакатларида тог чўққилари худоси, табиатнинг даҳшатли кучлари бўлмиш чақмоқ, момақалдироқ, яшинни, шу билан бир пақтда осмондан тушадиган ёғин туфайли вужудга келадиган ҳосилдорликни акс эттирувчи худо Тешубга сиғинилган. Тешуб Хетт давлатининг ташкил топиши даврида подшо, давлат ва подшо ҳокимиятига ҳомийлик қилувчи худога айланади. Уни белига қилич таққан ва чап қулида бир тутам яшин, ўнг қулида эса жанг болтаси ушлаган зур жангчи қиёфасида тасвирлайдиган бўлдилар; бу эса чақмоқ ва яшин худосининг қудратли кучини ифодалаган. Шу билан бирга, биз хетт динида яна учинчи бир улуғ худони, яъни улувчи ва тирилувчи табиат худоси Телепин образини учратамиз. Бу худо, одатда, калта кийим кийган, ёнига ҳанжар таккан ва қўш томонли болта ушлаган соқол-мўйловсиз еш йигит қиёфасида тасвирланган. Хетт худолари кўпроқ ёввойи ҳайвонлар устида турган ёки тог чўққиларида кетаётган қилиб тасвирланган, бу эса тоглик халқ ва овчиларда вужудга келган динниг ўзига хос формаларини жуда яхши

ифодалайди. Олий давлат худолари эътикоди билан бир қаторда хеттларда узоқ вақтгача турли маҳаллий худоларнинг жуда кўп эътиқодлари сақланиб келган, бу эса қадимги уруғчилик тузумининг қолдиғидир. Масалан, Хетт давлати битимларида олий худолар билан бир қаторда «Хетт мамлакатининг 1000 худоси» тилга олинади. Хетт динида ибтидоий замондан қолган сарқитлардан яна бири узоқ вақтгача аҳамиятини сақлаб келган сеҳргарликдир. Хеттларда фолбинликнинг ҳар хил турлари, хусусан, қурбонликнинг ичакчавогига қараб ва қушларнинг учишига қараб фол очиш жуда кенг тарқалган.



Саройга кириш йўлини кўриклаб турувчи жанговар қиёфасида тасвирланган Хетт худоси.

Бўғоз-Қоядаги дарвозалардаги бўртма расм.

Бутун хетт маданияти сингари, хетт адабиёти ҳам Осурия ва Бобилнинг кучли таъсири остида вужудга келган. Бобил диний адабиёт асарларидан жуда кўплари хетт тилига таржима қилинган. Бобил-аккад тили узоқ вақт давомида Хетт давлатида ҳукмронлик қилувчи давлат ва адабий тили бўлиб келган. Бироқ замон ўтиши билан хетт адабиётида ўзига хос маҳаллий хусусиятлар ҳам пайдо бўлади. Хетт адабиётининг баъзи асарларида авторларнинг номлари ҳам берилган, масалан, коҳин Келлининг худолар қурғони ҳақидаги афсонаси ёки митанний Киккулининг йилқичилик ҳақидаги трактати шулар жумласидандир.

Хетт санъати ҳам, хусусан, архитектураси, катта аҳамиятга эга. Бинокорликда катта-катта тошлар теришнинг пайдо бўлиши, мудофаа иншоотлари системаси, саройларининг режаси (планировкаси), гўзал ҳайкаллар билан безатилган, ўзига хос пойдевор устига қурилган устунлар хетт архитекту-

расининг Эгей ва Микен архитектурасига ўхшашлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, хетт тарихи ва маданиятини ўрганган вақтда Кичик Осиёдаги хетт қабилалари билан Сурия ва Шимолий Месопотамиядаги хурритлар ва, нихоят, Эгей денгизидаги оролларда ва Грецияпинг материк қисмида яшаган эгей қабилалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги катта тарихий масала ўртага қўйилиши мумкин. Кичик Осиёда яшаган хеттлар Олд Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида воситачи бўлганлар. Бундан кейинги хетт тарихи ва хетт маданияти ўрганилганда Осиё билан Европанинг қадимги халқлари ўртасида бўлган ўзаро маданий таъсир процесси каби жуда муҳим процесс аниқланиши керак.



Устуннинг капители шохга сфинкс тасвири билан безатилган тор қисми. *Занжирлидан топилган.*



Финикия лаганидаги тасвирлар.
Кипр оролидан топилган.

XII БОБ

СУРИЯ ВА ФИНИКИЯ

Табиий шароити

Сурия билан Финикиянинг географик ўрни ўзига хос хусусиятга эгадир. Сурия уч материк ўртасида жойлашган. Суриянинг континент қисми Олд Осиёга туташган; Суриянинг шарқий ўлкалари Сурия—Месопотамия даштига, шимолий қисми Кичик Осиёга, жанубий қисми эса Фаластин билан бирликда Арабистон ярим оролига чегарадошдир. Суриянинг Финикия деб аталган қирғоқ қисми қадимги вақтда савдо йўллари орқали Ўрта денгизнинг шарқидаги ороллар билан, Кипр, Крит билан ва Эгей денгизи архепелаги билан яқин алоқада бўлган. Энг қадимги денгиз ва карвон савдо йўллари туташган ерда жойлашган Сурия билан Финикиянинг географик ҳолати бу мамлакатларда қадим замонлардаёқ савдонинг ривож топишига ёрдам берган; бу савдо кўпроқ транзит характерда бўлган.

Сурияниинг географик жиҳатдан парчаланганлиги, унинг айрим қисмларининг (масалан, Финикия қиргоқ бўйлари ёки ғарбдан ва шарқдан Ливан ҳамда Антиливан тоғ тизмалари билан ўралган Оронт дарё водийсининг) бир-биридан ажралганлиги, бутун мамлакатнинг тарихий ҳамда маданий жиҳатдан бирлашувига имкон берадиган катта дарёларнинг йўклиги туфайли бу ерда ягона ва кудратли давлатнинг вужудга келиши учун қулай шароит бўлмаган. Хақиқатан ҳам, Сурия билан Финикия ўз тарихининг бутун давомида доим бир-бири билан ўзаро урушиб келган бир қатор майда давлатларга бўлиниб келган деса бўлади. Сурия билан Финикиянинг сиёсий жиҳатдан парчаланганлигига яна шу нарса ҳам сабаб бўлганки, Сурия билан Финикия қадим замонлардан бери ҳар томондан қадимги маданий ва қудратли давлатлар билан ўралган бўлиб, бу давлатлар бу бой ўлкаларни истило қилишга ва уларнинг равнақ топган савдо шаҳарларини босиб олишга доимо интилиб келгаилар. Суриядан жанубий-ғарбда Миср, Суриядан шарқда Бобил ва Осурия, шимоли-шарқда Митанни, шимолда Хетт давлати, ниҳоят, Финикиядан ғарбда, Ўрта денгизда денгиз давлати Крит жойлашган эди. Кучли қўшни давлатлар билан ўралган Сурия билан Финикия уларга қаршилик кўрсата олмас эди ва шунинг учун ҳам улар жуда қадим вақтлардан бошлабок, муттасил равишда бу энг йирик қўшни давлатлардан гоҳ бирининг, гоҳ иккинчисининг ҳокимияти қўл остига ва маданий таъсири остига тушиб келган. Қадимги Шарқ дунёсидаги қудратли давлатлар Сурия билан Финикияни талашиб, ўзаро доимо қаттиқ курашиб келганлар. Сурия ерларида энг катта жанглар бўлиб, Сурия қалъалари кўпинча камалда қолиб ва штурм қилиниб турган. Бутун Сурия катта бир плацдарм бўлиб, Қадимги Шарқнинг энг йирик давлатлари ҳарбий кучларини кенг миқёсда шу ерда ишга солганлар, чунки Суриянинг табиий бойликлари, яхши ривожланган қишлоқ хўжалик районлари, қадимги гуллаб-яшнаган савдо шаҳарлари, жуда кўп савдо йўллари туташган марказлар бу давлатларни ўзига жалб қилар эди.

Сурия билан Финикиянинг баъзи қисмларидаги табиий шароитлар деҳқончилик хўжалигининг юксак даражада ривожланишига ёрдам берган. Финикиянинг яхши сугориладиган денгиз бўйи қисмида, айникса Марат, Берит, Сидон, Тир ва Акко районларида деҳқончилик ҳамда боғдорчиликнинг жуда тараққий қилиши учун тупроқ ва иқлим шароитларининг ҳаммаси мавжуд бўлган. Бу ерда ҳозирги вақтда ҳам мевали боғлар бор ва турли-туман мевали дарахтлар ўстирилади. Триполис яқинида жуда кўп миқдорда зайтун дарахти,

Ливанининг ғарбий ёнбағирларида эса зайтун ва ток ўстирилади. Бу қимматбаҳо ўсимликларни ўстириш учун имкон бўлмаган жойларда бугдой, арпа, жавдари экилади. Ўрта ва жанубий Суриянинг ички қисмлари ҳам, айниқса Оронт дарёсининг водийси жуда унумдор жойлардир.

Қазишлар

Сурия ва Финикиянинг баъзи ўлкаларидаги қулай табиий шароитлар жуда қадим замонлардаёқ кишининг меҳнат фаолиятининг пайдо бўлишига ёрдам берган. Археологик қазишлар бунинг яққол далилидир. Финикиядан, Ит дарёси (Нахр-ал Қалб) бўйи яқинидан, дарёнинг бошига якин ердаги Сут чашмаси билан Асал чашмаси олдидан, шунингдек Сапин тоғлари этагидаги Харажеб ва Жайга яқинидан илк неолит даврига оид иш қуроллари топилган.

Чақмоқ тошдан қилинган бу иш қуролларининг кўпчилиги белча, пичоқ, бигиз, искана, пайза учи типидаги қуроллардан иборат бўлиб, булар жуда пухта ишланганлиги билан илгариги иш қуроллардан ажралиб туради. Арралар, уч қиррали ўқ учи ва учбурчак шаклидаги жуда кўп болталар ҳам шу илк неолит даври учун хос бўлган қурол-яроғлардир. Яна чала пардозланган қуроллар ҳам, жумладан, болта, искана ва ханжарлар топилган, бу нарса тошга пардоз бериш техникасининг пайдо бўлганлиги ва ривожланганлигидан дарак беради.

Шимолий Сурияда ҳам, Фрот дарёсининг юқори оқимига ҳамда Аман ва Тавр тоғ тизмаларига ёндошган районларда ҳам неолит маданиятининг муҳим марказлари бўлган. Бу ерда Соқчи-Гоз деган жойда жуда қадимий бир поселение топилган, унинг пастки, энг кадимги қатламлари неолит даврига оиддир. Биринчи қатламидан чақмоқ тош, обсидиан, фил суяги ва оддий суякдан ясалган қўпол қуроллар, шунингдек лойдан ясалиб, ботиқ геометрик нақш берилган идишлар топилган. Қисман ҳалколит даврига оид бўлган учинчи қатламдан гул солинган керамикалар топилган. Тел-Таянатда, Шимолий Сурияда, Антиохия билан Алеппо ўртасида муҳим ёдгорликлар топилган; бу ерда археологлар 14 археологик қатламни очишга муваффақ бўлганлар, бу қатламлар тош давридан тортиб то эрамизнинг биринчи асригача маданиятнинг мунтазам ривожланиш процессини кузатишга имкон беради.

Қадимги Финикия шаҳри Библ территориясида катта қазишлар ўтказилган. Библ ҳозирги замондаги Жебайль яқинида жойлашган, бу шаҳарнинг қадимги номи (Гебал) дейилган. Бу шаҳар жуда кадим вақтлардан бери яшаб келган. Библдаги архаик даврига тегишли қабрлардан чақмоқ тош-

дан қилинган пичоқлар ва белчалар, шунингдек кулолчилик қолипи ишлатилмасдан ясалган архаик керамика топилган. Эрамиздан аввалги IV минг йилликдаёқ Библ узоқ Миср билан мустаҳкам боғланган муҳим савдо маркази сифатида майдонга чиқади. Моитэ ўтказган қазишларнинг натижалари бундан гувоҳлик беради. Библдаги ибодатхонага ётқизилган плиталарнинг тагидан жуда кўп буюмлар топилган. буларнинг ичида архаик типдаги Миср иероглиф ёзувли цилиндрик муҳр алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан ҳам ёзувнинг ўзидан яна архаик даврга ва Мисрнинг Қадимги Подшолик даврига оид буюмлар жуда кўплаб топилган. Ниҳоят, Библ харобаларидан Мисрнинг Ўрта Подшолик даврига оид жуда кўп буюмлар топилган бўлиб, булардан баъзиларининг устига Миср ёзувлари ёзилган. Ёзувлар шу нарсадан гувоҳлик берадики, Библ бу даврда Мисрнинг фақат иқтисодий ва маданий таъсири остида бўлибгина қолмай, балки, ҳатто, Мисрга тоби ҳам бўлган; унда маисаби, унвони ва номи мисрча бўлган Миср амалдори ҳокимлик қилган.

Ниҳоят, Шимолий Сурияда, Оронт дарёси ўзанидан 50 *км* жанубда, Рас-Шамра яқинида, денгиз қирғоғида бир катта шаҳарнинг харобалари топилган; бу шаҳар Қипрни Фрот дарёсининг ғарбий бурилиши билан боғлаган муҳим савдо йўли устида жойлашган. Бу шаҳар қалин деворлар билан ўралган муҳим савдо порти ва кальъадан иборатдир. Бу шаҳарда ибодатхона, сарой ва кутубхона бўлган. 7—9 *м* чуқурликдан уч археологик қатлам ҳамда хом гиштдан қурилган биноларнинг қолдиқлари топилган. Бу қадимий порт устидаги қоятошга жойлашган мозордаи топилган қабрлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу шаҳарнинг харобалари, шунингдек бу ердан топилган жуда кўп буюм ва ёзувлар анчагина катта қулдорлик давлатининг мавжуд бўлганлиги тўғрисида гапиришга имкон беради, бу қулдорлик давлатининг эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охирларидан то эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталаригача бўлган тарихини кузатиш мумкин. Угарит деб аталган бу давлат энг муҳим савдо йўллари туташган жой бўлиб, Миср билан, Эгей денгизи райони билан ва Кичик Осиёдаги хетт қабилалари билан мустаҳкам боғлиқ бўлган. Угарит давлатининг бош шаҳари шимолий Сурия соҳилида жойлашган бўлиб, бу шаҳарга Кипрдан мис, шунингдек Кичик Осиё, Сурия, Месопотамиядан, Мисрдан ва Эгей денгизи оролларидан турли буюмлар келтирилган. Рас-Шамра яқинидаги қадимги савдо шаҳари харобаларидан топилган жуда кўп миқдордаги эгей, хетт ва мисрликларнинг буюмлари бунга далилдир. Бу ердан топилган михсимон хат сдгорликлари алоҳида аҳамият-

га эга бўлиб, бу хат одатдаги Осурия-Бобил миххатидан анча фарқ қилади.

Ёзма манбалар

Финикия билан Сурия территориясидан топилган ёзувлар унча кўп эмас, бунинг сабаби, узлуксиз давом этган урушлар вақтида кадимги кутубхона ва архивларнинг шафқатсиз вайрон қилинганлиги бўлса керак. Топилган ёзувлар ичида Рас-Шамра яқинидаги шаҳар харобаларидан топилган ва махсус алифбели миххат билан битилган ёзувлар катта аҳамиятга эга. Бу ёзувларнинг кўпчилиги афсоналардан олинган текстлар бўлиб, Шимолий Сурия қабилаларининг эрамиздан аввалги II минг йиллик урталаридаги дини тўғрисида аниқ маълумотлар беради. Сурия ва Финикиянинг бу даврдаги сиёсий тарихини ўрганиш учун Амарна архивидан топилган (дипломатияга доир) хатлар, шунингдек хетт ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Финикиянинг ўз ёзувлари шу маҳалгача жуда ҳам оз топилган. Финикия ёзувларидан энг муҳимлари Сидонни қазиш вақтида топилган бўлиб, форс даврига тааллуқлидир. Қадимги Киликия территориясидан, Қора тепадаги, Антитавр тоғларидан яқиндагина топилган Финикия ёзувлари эрамиздан олдинги IX асрдаги шимолий Финикия давлатларининг тарихи тўғрисида янги материал беради. Сурия билан Финикия тарихини ўрганиш учун яна Бобил ва Осурия ёзувлари ҳам, жумладан эрамиздан аввалги VIII—VII асрда ўтган Осурия подшоларининг маъмурий ёзишмалари катта аҳамиятга эгадир.

Тарихий манба бўлоладиган асл нусха ҳужжатларнинг жуда камлиги тарихчиларни антик авторларнинг асарларига мурожаат қилишга мажбур этади; антик авторларда қадимги Сурия ва Финикияга оид кўп ва қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Финикияликлар тўғрисидаги баъзи маълумотлар Гомер достонларида сақланиб қолган. Иосиф Флавийда Финикия шаҳри Тирнинг қадимги йилномаларидан келтирилган маълумотлар сақланган. Финикиянинг сиёсий тарихи ва маданиятига оид мухим маълумотларни Геродот асарларидан топиш мумкин. Ниҳоят, энг қадимги финикияликларнинг дини ва мифологиясига оид жуда муҳим маълумотлар илк христиан даврининг ёзувчиси Евсевийнинг асарларида сақланиб қолган; Евсевий финикиялик Санхониатоннинг библлик Филон томонидан грек тилига таржима қилинган ва ўзи (Евсевий) яшаган давргача сақланиб келган гоят қимматли асаридан фойдаланган.

Аҳолиси

Финикия ва Сурия аҳолиси бир-бирлари билан жуда ҳам аралашиб кетган эдилар. Қадимги манбаларга, миср, финикия ва хетт ёзувларига, тав-


СУРИЯ ВА ФИНИКИЯ
Сидон
Библ
Тарс
Самал (Зинджирли)
Хаззенин (Жарабис)
Халпа (Алеппо)
Угарит (Рас-Шамра)
Хамат
Тир (Сур)
Акко (Акка)
Дамашқ
Қарқамиш
Қинза-Қадеш
Тунип (?)
Ярмут
Бейрут (Берит)
Сидон (Сайда)
Тир (Сур)
Акко (Акка)
Дамашқ
Ғарбий Осиё давлатлари пойтахтларининг жойлашган ўринлари
Ғарбий Осиё давлатлари пойтахтларининг ҳозирги номлари
22 0 22 44 66 км

рот ҳамда антик авторларнинг маълумотларига, шунингдек лингвистик маълумотларга қараганда, Финикия ва Сурия-нинг қадимги аҳолиси эрамиздан аввалги учинчи минг йиллиқдаёқ жуда мураккаб этник конгломератдан иборат бўлган. Энг қадимги қабилалардан бири хуррийлар бўлиб, улар шимоли-ғарбий Месопотамияда ва Шимолий Сурияда яшаган. Улар худди шу жойдан қўшни областларга, жумладан Сурия-нинг чегарадош районлари орқали ўтиб Финикияга ва Фаластинга тарқалган бўлсалар керак. Хуррийлар қабиласи-нинг номи тавротнинг бир неча жойида учрайди ва бу ном қадимги Мисрдаги Хару деган номда сақланиб қолган, қадим-ги мисрликлар Сурия ва Фаластинни шу ном билан ата-ганлар. Сурия ва Фаластинда хуррий аҳолиси кўп бўлган-лигини қуйидаги турли ҳужжатлар айниқса яққол курсата-ди: Қатнада миххат ёзувлари, буюмлар топилган, бу ёзув-ларда хуррий атоқли отлари ва терминлари учрайди. Нихо-ят, Амарна архивидан топилган дипломатик хатларда Абд-хиба каби хуррий исмлари учрайди. Хуррийлар шимо-лий Сурияда ҳам, жумладан Угарит мамлакатида ҳам яша-ганлар. Бунга Рас-Шамрада топилган ҳужжатлар далил бўлолади.

Сурия ва Финикия аҳолисининг аксари ғарбий семит қа-билаларидан ташкил топган. Сурияннинг энг шимолий қисмини ва унга сидон бўлган Кичик Осиё областларини (Қиликияда) ҳамда Месопотамияни «шимол болалари» (бенесамаль) деган қабилалар эгаллаган. энг жанубда эса «жануб болала-ри» (бене-йамина) деган кабилалар яшаган, ниҳоят, Сурия-дан шарқда баъзан «шарқ болалари» (бене-кедем) деб аталган, кўпроқ эса, Месопотамиядан ғарбда (амурру) жой-лашганлари учун аморийлар деб аталган кўчманчи қабилалар яшаган. Сурия-Месопотамия даштининг шимолий қисмида аморийлар сингари семит халклари группасига мансуб бўлган арамейлар яшаганлар. Аморийлар ва арамейлар кейинча Сурияга сукулиб кириб, у ерда жойлашиб қолганлар ва, ҳатто, айрим князликлар ҳам барпо килганлар.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда греклар, асо-сан Ўрта денгизнинг шарқий қирғоғидаги шаҳарларда яша-ган денгиз бўйи халкларига «финикияликлар» деган ном бер-ган, ҳолбуки бу территорияда эрамиздан аввалги X асрдагина мустақил Финикия давлати вужудга келган, Сидон ва Тир шаҳарлари унинг марказлари бўлган. Финикияликлар ҳам, Ханаанда (қадимги Фаластин ва у билан қўшни бўлган Сурия ва Финикия районлари шундай аталган) яшаган ханаанейлар сингари, ғарбий семит қабилалари группасига мансуб бўлган.

Мисрнинг Сурия билан Финикияни истило қилиши

Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг охири ва иккинчи минг йилликнинг бошларида Сурия билан Финикияда бир қанча майда давлатлар мавжуд бўлиб, буларнинг марказлари йирик савдо шаҳарлари бўлган. Бу шаҳарлар орасида давлатнинг бош шаҳри Угарит ҳамда Библ ажралиб турган, бу шаҳарлар денгиз соҳилига жойлашган эди. Рас-Шамрадан топилган ёзувларда географик номлар, жумладан Ўрта Сурия, Финикия ва, ҳатто, Фаластин шаҳарларининг номлари тилга олинади; шунга қараб, Угарит иқтисодий жиҳатдан ҳам, маданий-сиёсий жиҳатдан ҳам бу мамлакатлар билан яқиндан алоқада бўлган деб ўйлаш мумкин. Бундан ташқари, Угарит Эгей денгизидаги Крит, Кипр, Родос оролларн билан, шунингдек Миср билан *қизғин* савдо олиб борган Рас-Шамрадан топилган ёзувларда Каптор (Крит) ва Хеттка-Ита (Мемфис) тилга олинади. Рас-Шамрада ўтказилган қазишлар вақтида Кипр ва Родос идишлари, Микенда ишлаиган турли буюмлар, ҳатто, мисрча ёзувлар ёзилган ва Ўрта Подшолик даврига оид Миср ҳайкаллари, хайкалчалари ва муқаддас кўнгизчаларнинг тасвирлари топилган.

Финикиянинг энг қадимги шаҳарларидан бири Библ ҳам айниқса Миср билан кенг миқёсда савдо олиб борган. Эрамиздан аввалги III минг йиллик охирида Библ иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки *сиёсий жиҳатдан* ҳам Мисрнинг таъсири остида бўлган. Маълумки, Библда ҳокимлик қилган князларнинг номлари сурияча бўлса ҳам, унвонлари мисрча бўлган ва улар ўз ёзувларини мисрча иероглифлар билан ёзганлар.

Ички кураш натижасида кучсизланиб борастган Сурия кўпинча ажнабий *босқинчиларга* ем бўлиб келган. Қадимги шарқдаги катта давлатларнинг подшолари, масалан, Миср *фиръавнлари* ёки Бобил подшолари кичкина ва кучсиз мамлакатлар — Сурия ҳамда шимолий Месопотамияни пазарписанд қилмаганлар. Аменхотеп III Бобил подшосига ёзган бир хатида унинг қизи тўғрисида, *унинг* ўзи айтган сўзга асосланиб бундай деди: «Наҳотки бу қиз камбағалнинг, Гага мамлакатидан бўлган қандайдир бир одамнинг ёки ҳанигальбатлининг, ёки бўлмаса, Угарит элидан чиққан биронтасининг қизи бўлса!».

Эрамиздан аввалги II минг йиллик урталарида Сурия билан Финикия Миср ҳукмронлиги остига тушиб қолади. XVIII династиянинг урушқоқ фиръавнлари Сурияни Фрот дарёсигача истило этадилар. Мисрликлар Сурия шаҳарлари-

ни бўйсундирадилар, бу шаҳарларга оғир хирож соладилар ва бу мамлакатларнинг табиий бойликларини эгаллаб оладилар. Мисрнинг Сурия билан Финикияни истило этиши ва бу мамлакатларда ҳукмронлик қилиши, сўнгра эса Миср таъсирининг заифланиши бизга XVIII династия замонидан қолган жуда кўп Миср ёзувларидан, жумладан Ал-Амарнадан топилган дипломатия архивидан аниқ маълумки, бу архивда ўша вақтдаги халқаро муносабатларни таърифловчи кўпгина дипломатия ҳужжатлари сақланган. Сурия Мисрнинг иқтисодий ва сиёсий контроллиги остида бўлишига қарамай, ҳар ҳолда бирмунча мустақилликни ҳам сақлаб қолган. Мисрликлар Суриянинг кўп шаҳарларида маҳаллий князларни қолдирганлар, Сурияда ўз таъсирларини мустаҳкамлаш учун эса, бу князларнинг ворисларини Мисрга олиб кетиб, уларни Мисрга ва Миср фиръавнига садоқат руҳида тарбиялаганлар; шундай қилиб, келажак учун ўзларига содиқ хизматкорлар тайёрлаганлар.

Сурия шаҳарларининг ҳокимлари Миср фиръавнларининг ҳукмронлигини тан олганлар. Масалан, Сурия князларидан бири Намиаваза фиръавнга бундай деб ёзади: «Дарҳақиқат, мен, менинг аскарларим ва жанг араваларим, шунингдек биродарларим ҳам... бизлар султоним подшо қўшинлари ихтиёридамиз, у қаерга боришни буюрса, шу ерга борамиз». Сурия князлари Миср фиръавнига ҳарбий ёрдам беришдан ташқари, йилига хирож ҳам тўлашга мажбур бўлганлар. Бу Аскалон ҳокими Иитиянинг хатидан кўриниб турибди. Иития бундай деб ёзади: «Дарҳақиқат, мен султоним подшо мендан талаб қилган ҳамма маҳсулотларни, ичимлик, қўй подалари, асал ва мойни топширдим. Дарҳақиқат, мен султоним подшо менга юклаган хирожни тўладим». Бундан ташқари, Сурия князлари Миср савдо карвонларини кузатиб бориши ва қўриқлаши керак бўлган. Сурия князларидан бири Миср фиръавнига бундай деб ёзади: «Султоним подшо карвонларни Ханигальбатгача кузатиб боришим кераклигини Хаи орқали менга хабар қилдилар. Ҳақиқатдан ҳам, улар қўриқлаб борилди ва манзилга етиб олди... Султоним подшо карвонларини юбораверсинлар. Мен уларни эн кисқа йўл билан жўната бераман». Сурия ва Финикия князлари Сурияда бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасидан Миср фиръавнини хабардор қилиб туришлари керак бўлган. Масалан, фиръавн Тир князига Ханаанда содир бўлаётган воқеаларни ҳаммасини етказиб туришни буюрган. Мисрнинг Суриядаги идора ишлари амалдорларнинг бутун бошли бир штати томонидан амалга оширилиб, бу амалдорлар Сурия князларидан хирож олар, подшо

омборларини бошқарар, вақт-вақти билан мамлакатни айланиб чиқар ва князлар ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал қилар эдилар. Сурияда Миср гарнизонлари жойлашган қалъалар, Сурияга Мисрнинг маданий таъсирини ёйиш маркази бўлган ибодатхоналар Сурияда Миср ҳукмронлигининг таянч пунктлари эди.

Эрамиздан аввалги XIV асрга келиб Миср Сурияда ўз ҳукмронлик мавқеини сақлаб колмоқ учун старли кучга эга бўлмай қолади. Мисрликлар ўрнини хеттлар эгаллайди, улар Шимолий Сурияни колонизация қилиб, уни ўз таъсирига бўйсундиради. Хеттларнинг Суриядаги таъсири тобора кучайиб боради, археология ва лингвистика маълумотлари ҳамда бевосита далил бўладиган ҳужжатлар буни тасдиқлайди. Илгари Миср ҳукмронлиги остида бўлган Угарит давлати энди Хетт подшосининг кучли таъсири остига тушиб қолади. Угарит давлатида икки партия: Миср тарафдорлари ва Хетт давлати тарафдорлари ўртасида узаро кураш олиб боради. Угарит хокими Мисту Миср фиръавнига, хеттлар ҳужуми менга таҳдид солмоқда, деб ёзади. Финикия ва Сурияпинг Тир ва бир қатор бошқа катта шаҳарлари, шунингдек Угарит ҳам Мисрдан ажралиб, хеттлар томонига ўтиб кетишга тайёр турарди. Хеттларнинг Сурияга бостириб келаётгани тўғрисида Библ ҳокими фиръавн Риб-Аддига хат ёзиб, бу хатида хеттлар Суриянинг анчагина қисмини босиб олганлигини ва Библга ҳам хавф солаётганлигини очиқ-равшан хабар қилади. Азиру бошчилигида бирлашган Аморит қабилалари хеттлар билан иттифоқ бўлиб, мисрликларни Суриядан сиқиб чиқаришга уринадилар. Эрамиздан аввалги XIV асрда мисрликлар Олд Осиёдаги позицияларини қўлдан бериб қўядилар. Бироқ, кўп ўтмай, Сурияда бошқа истилочилар пайдо бўлади. Бу истилочилар денгиз халқлари бўлиб, шарққа кенг кўламда бостириб кириб, Кичик Осиё ва Сурияни ишгол қиладилар. Рас-Шамра харобаларидан топилган типик эгей буюмлари, Кипр кулолчилик буюмлари, терракотлар, табиат маъбудасининг тасвирлари эрамиздан аввалги XIII—XII асрларда Эгей қабилаларининг, эгей савдо ва маданий таъсирининг Сурияга ғоят кенг ёйилганлигидан далолат беради. Угарит давлатининг кун ерлари ажнабий эгей қабилалари томонидан колонизация килинган ва, ҳатто, истило этилганлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Рас-Шамрадан қазиб топилган жуда кўп эгей, кипр ҳамда микен қабрлари ва, ҳатто, подшо мақбаралари типидаги ҳашаматли микен мақбараси (бу мақбара худди акрополнинг ўзида ибодатхоналар ва кутубхона харобалари орасида қад кўтарган) шундан дарак беради.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

Финикия ва Сурияниинг жуда кўп ўлкалари деҳқончиликнинг интенсив формаларини ривожлантириш учун унча қулай бўлмаган. Шунинг учун ҳам бу территорияда, айниқса Сурияни Месопотамиядан ажратиб турувчи кенг даштларида яшаган кабилалар узоқ вақтгача кўчманчилик қилиб, чорвачилик билан кун кўришга мажбур бўлганлар. Бу мамлакатларда энг қадимги уй ҳайвонларидан бири чўчқа бўлган, кейинчалик буқа қўлга ўргатилган, буқа кейинроқ хўжаликда иш ҳайвони сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. Фақат баъзи бир водийлардагина, масалан, Оронт дарёси водийсида ҳамда Финикия қирғоқ бўйларидаги табиий шароитлар деҳқончиликнинг ривожланишига имкон берган. Бу ерларнинг тупроғи унумли ва суви ҳам етарли бўлган. Бу ерларда буғдой, арпа ва тариқ жуда қадим неолит давридан бошлабоқ экила бошлаган. Дони ўсимликлар билан бир қаторда энг қадимий техника ўсимликлари ҳам ўстирила бошлайди. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ зигир экканлар ва ундан мата тайёрлашни билганлар, бу маталарнинг излари сопол синиқларида сақланиб қолган. У вақтдаги деҳқончилик техникаси жуда содда бўлган. Мотига катта аҳамиятга эга бўлиб, фақат кейинчалик унинг ўрнига жуда содда плуг аста-секин ишлатила бошлаган. Плугга одатда эшак, буқа, баъзан эса одамлар ҳам қўшилган; бу одамлар қуллар бўлса керак. Дони хайвонлар ва махсус асбоб воситаси билан янчганлар, бу эса деҳқончилик асбобларини ривожлантириш соҳасида бирмунча муваффақиятларга эришилганлигидан дарак беради. Қадимги ёргучоқнинг аста-секин тегирмон тоши билан алмаштирилганлиги ҳам деҳқончилик техникаси соҳасида бир қадар юксалганлигини кўрсатади. Финикия қадимги Шарқ мамлакатлари ичида иқтисодий жиҳатдан энг тараққий қилган мамлакатлардан бири бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Соҳил бўйидаги жуда унумдор, лекин пихоятда тор ва кичкина ер майдонига эга бўлган финикияликлар қадим замонлардаёқ деҳқончилик учун яроқли бўлган ернинг ҳар бир қаричидан иложи борича самарали фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Аҳоли соҳил бўйидаги ва дарёларнинг водийларидаги ерни ишлаш билангина чекланмасдан террасa (пишоб ерларда пол-пол ёки тахта-тахта қилиб экин экиш) системасини яратиб, бу максад учун Ливан тогларининг ёнбағирларидаги ерларни ҳам ишга солганлар. Деҳқончиликда ер тузилишининг ва суғоришнинг бу алоҳида системаси қадим вақтда Кичик Осиёда, Осурияда, шунингдек инклар мамлакатида (Жанубий Америкадаги Перуда) таркалган ва хозирги




Ҳўкиз шаклидаги Финикия кадоктоши. Бронзадан ясалган.
Рас-Шамрадан топилган. Эрамиздан ав. XV—XIV асрлар.

вақтга қадар Филиппин оролларида сақланган. Бу система шундан иборатки, тоғ ёнбағирларидаги ерлар сунъий равишда устма-уст жойлашган катор террасаларга айлантирилади ва тоғ сувларида расамади билан текис сугорилади. Одатда, мевали боглар ва токзорлар яратиш учун шундай тоғ террасаларидан фойдаланилган. Финикия ва Сурияда дон хўжалиги билан бир қаторда, деҳқончиликнинг янада интенсивроқ турлари, жумладан токчилик ва виночилик ана шу тариқа вужудга келган. Финикия винои бутун қадимги дунёда машҳур булган. Финикия *виносининг таърифи* Рим давригача сақланиб келган. Рим агрономлари токчилик тўгрисида гапириб, карфагенли Магондан далил келтирадилар. Магон Шимолий Африкадаги Финикия колонияларидаги йирик токчилик ва виночилик хўжаликларининг тажрибасидан фойдаланган.

Деҳқончилик хўжалигининг интенсив формалари маҳаллий аҳолининг баъзи-баъзида қўшни мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, масалан, зайтун мойи ва вино каби маҳсулотлар чиқаришига имкон берган. Миср ёзувларида Ороит дарёси водийсидаги деҳқончилик мамлакати Жахининг бойликлари қуйидагича таърифланади: «*Боглар* мевалар билан тўлиб-тошиб ётибди. Вино эзгичдан сув каби оқади. Террасаларда тўкилиб ётган донлар шундай мўл-кўлки, ҳатто қумдан ҳам кўп».

Жуда қадим замонлардаёқ Сурия билан Финикияда турли ҳунарлар пайдо бўла бошлаган. Ливан тоғларида яхши темир рудаси бўлган. Уни қазиб олиш ва ишлаш техникаси унча қийин бўлмаган. Финикияда тўқимачилик айниқса тараққий топган. Финикияликлар маталарни бўяшга усталиги билан



Финикияликлар кемаси.
Сидондан топилган саркофаг-тобутдаги бўртма расм.

ном чиқарганлар. Оқкизил ва тўққизил бўёқлар машҳур бўлган, бу бўёқларни финикияликлар денгиз бўйидаги маҳаллий моллюскалардан ясаганлар, бу моллюскаларнинг чиғаноқлари Финикия соҳилларидан жуда кўплаб топилган. Кизил ва оқкизил бўёқлар Финикия экспортида жуда муҳим ўрин тутган. Бу бўёкларнинг финикияча номи айтилиш жиҳатидан Осурия ва қадимги яҳудий тилларидаги айни маънодаги сўзларга жуда ҳам якиндир. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида Митанни подшоси ўз қизини Миср фиръавнига пикоҳлаб берган. Шу муносабат билан Митанни подшоси ўз қизига совгалар қилган. Бу совгалар орасида оқкизил бўёқ ҳам тилга олинади. Бу оқкизил бўёқ Митанни мамлакатига Финикиядан келтирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Оқкизилга бўялган жун маталар тайёрланганлиги Рас-Шамрадан топилган ва эрамиздан аввалги XIV

асрга оид ёзувларда ганирилади. Тўққизил бўёқ тайёрлайдиган — устахоналар Угарит шаҳрининг денгизга туташган қисмида бўлган бўлиши ҳам жуда мумкин. Ойна тайёрлаш соҳасида Финикия жуда тараққий топган. Бироқ бу техникани финикияликлар мисрликлардан ва қисман осурияликлардан ўрганганлар. Қурилишда ва мачта ясашда ишлатиладиган жуда яхши дарахтларнинг асосан Ливан тоғларида мўлкўллиги ёгочдан буюмлар ясашнинг ва кемасозликнинг анчагина ривожланишига имкон берган. Финикияликлар қадим замонда энг яхши кемасоз ҳисобланганлар. Қадимги Подшолик давридаёқ мисрликлар кема турларидан бирини «библ кемаси» деб атаганлар. «Финикияликлар» деган қабила номининг ўзи ҳам «кемасоз» деган маънони билдирувчи мисрча «фенехў» сўзидан келиб чиққан бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Хатто эрамиздан аввалги V асрда яшаган грек тарихчиси Геродот ҳам, бутун форс флотидаги кемалар ичида «финикияликлар ясаб берган кемалар жуда яхши юриши билан бошқалардан ажралиб турарди» деб ёзади. Финикия кемасининг энг қадимги тури оғир бўлса ҳам, лекин денгизда сузишга жуда ҳам мосланган бўлиб, елканлар ёрдами билан юрган ва кўп юкларни ташишга мўлжалланган.

Савдо

Финикия ва Суриядa савдо жуда тараққий топган[1], буининг сабаби қишлоқ хўжалигининг анча юқори маҳсулдорлиги, ҳунармандчиликдаги муваффақиятлар ва қулай географик шароитлар мавжудлигидир. Финикия шаҳарлари Олд Осиё мамлакатларини Эгей денгизи ҳавзаси, Африка ва Арабистон билан боғлайдиган муҳим савдо йўллари туташган ерларда жойлашган. Бу савдо қуруқликдаги йўллар ва денгиз йўллари орқали олиб борилган. Қичик Осиёдан, Месопотамиядан, Арабистондан, Қизил денгиздан ва Мисрдан савдогарларнинг карвонлари Финикия соҳилидаги шаҳарларга келганлар. Юклар, одатда, от-уловда ташилган, аммо, шу билан бирга, аравалар ҳам бўлган, бундай аравалар бўлганлигини ибодатхонага аталган икки ғилдиракли арава моделлари кўрсатиб туради. Рас-Шамрадан топилган ва эрамиздан аввалги III минг йилликка оид энг қадимги ёзувлар ҳам Угарит давлати ахолисининг савдо фаолиятини равшан таърифлаб беради. Қуруқликдаги карвон йўллари орқали олиб борилган савдо Суриянинг шимолий қиргоғидан тортиб то Қизил денгиз соҳилидаги Акаб қўлтигигача бўлган жуда кенг территорияни, шу билан бутун Ханаанни ўз ичига олган.

[1] Маркс, «финикияликлар ... par excellence савдо аҳли» деб сзган эди (*К. Маркс*, Капитал, т. I, стр. 138, прим. 90).

Лекин Финикияда денгиз савдоси айниқса равнақ топади. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликда, Қадимги Подшолик даврида ёқ мисрликлар Финикиядан жуда кўп хил моллар олиб кетганлар, бу моллардан зайтун мойи ва ёғочни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Финикияликлар шу билан бир қаторда вино, кедр мойи, чорва моллари, дон, пардозандоз ва медицина дори-дармонлари чиқарганлар. Финикия савдосида ва бутун Финикия экономикасида ёғоч ниҳоятда катта ўрин тутган. Финикия савдо шаҳарларига бевосита яқин жойлашган Ливан ва Антиливан тог тизмалари, шунингдек Кичик Осиё, Закавказье, Ўрта ва Шимолий Сурия ҳамда Фаластиннинг Финикияга ёндошган тоғлик ўлкалари қадимги вақтда катта-катта ўрмонликлар билан қопланган эди. Кедр дарахтлари, Киликия қарағайи ва денгиз бўйи қарағайлари ҳамда бошқа қимматбаҳо дарахт навларининг мул-кўллиги ва бу районларнинг каттагина дарахт бойлиги Финикия савдогарларига жуда кўп миқдорда ёғоч, айниқса бинокорлик ва елканли кемалар учун зарур бўлган ёғочларни Мисрга, шунингдек Месопотамияга чиқариб сотишга имкон берган. Мисрликларнинг ёғочга бўлган эҳтиёжини Сети I вақтидан қолган бир ўймакор расм жуда яхши таърифлайди, бу расмда Ливан князларининг Миср подшоси учун кедр дарахтларини кесаётганликлари тасвирланган. Финикияликлар ёғочни бошқа мамлакатларга ҳам чиқаргаплар. Масалан, Тир подшоси Хирам I Исроил-Яҳудия подшолигининг подшоси Сулаймонга Қуддус ибодатхонаси қурилиши учун кедр дарахтлари юборган. Эрамиздан аввалги VIII асрда финикияликлар Осурия подшоси Саргон II нинг сарой қурилиши учун ёғоч етказиб бергаилар. Баъзан Финикия Осурия подшоларига хирожни кедр дарахтлари билан тўлаган. Бир барельефда Финикия ёғочи ортилган флот тасвирланган.



Библда маъбуда Астарта ибодатхонаси ва символи тасвирланган Финикия танга пули.

Финикия шаҳарларининг Миср билан олиб борган савдоси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу савдонинг маркази қадим-

ги Финикия шаҳри Библ бўлиб, унинг номи Қадимги подшолик давридаги Миср ёзувларида ҳам учрайди. Библда ўтказилган қазишлар натижасида архаик давригача бўлган замоннинг турли вақтларига оид жуда кўп Миср буюмлари топилган бўлиб, булар Библ билан Миср ўртасидаги савдо алоқалари қадимий ва мустаҳкам бўлганлигини кўрсатади. Ўрта Подшолик даврида Миср Библ билан жуда қизғин савдо олиб борган. «Синухетнинг ҳикояси»да Сурияда одамларнинг мисрча гаплашганини эшитиш мумкинлиги ва Миср элчилари бу мамлакатда бўлганликлари тўғрисида гапирилади. «Ипувернинг иасиҳати»да эса (бу ҳам Ўрта Подшолик даврига мансуб) Суриядан саркофаг-тобутлар ясаш учун зарур бўлган алоҳида нав ёғочлар ва мумёлаш учун дарахт смоласи келтирилганлиги тўғрисида гапирилади. Финикия шаҳарларининг, асосан Библнинг Миср билан бўлган бу савдоси эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида ва иккинчи ярмида, яъни Финикия билан Сурия Миср фиръавилари томонидан босиб олинган, кенг Миср давлати составига қўшилганда янада равнақ топган. Бу савдонинг ривожланганлиги ҳақида Амарна архивида сақланган дипломатик хатлар аниқ маълумотлар беради. Бу хатлардан бирида, Миср учун Мемфис қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, Библ ҳам шундай аҳамиятга эга бўлганлиги қайд этиб ўтилади. Бу даврда мисрликлар Финикиядан жуда кўп хилма-хил моллар олиб кетадилар. Амарна архивидаги хатларда Финикиядан Мисрга дон, чорва моллари, ёғоч («катта харилар»), куллар ва чўрилар юбориб турилганлиги гапирилади. Хетт давлати, Митанни, Бобил ва Осуриядан Мисрга келадиган ҳар хил моллар ҳам Финикия ва Сурия шаҳарлари орқа-



Қурбонлик курсиси олдида ўтирган шимолий Сурия маликаси тасвирланган қабртош.

Занжирлидан топилган.

ли олиб борилган. Финикиянинг савдо шаҳарлари Арад ва Беритдан моллар ортилган кемалар тўхтовсиз Мисрга жўнатилиб турилган. Сурия ва Финикия князлари ўз хатларида Мисрга савдо карвонлари юбориб турилганлигини хабар қиладилар.

Сурия билан Финикия эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдан бошлабоқ бир қатор қушни мамлакатлар билан, жумладан, Месопотамия ва Кичик Осиё билан жуда маҳкам боғланган эди. Аккад подшоси Саргон бир неча катта юришлар қилиб, Мари ва Яримут мамлакатларини босиб олган. Яримут номи Шимолий Сурия областларидан бири Римитанинг қадимги номига тўғри келса ҳам жуда эҳтимол. Саргоннинг Сурияга бостириб киришига Аккад билан Сурия ўртасидаги савдо алоқаларини мустаҳкамлаш зарурати сабаб бўлган, Иккидарё оралиғидаги мамлакатларнинг халқлари ўзларига зарур бўлган ёғочни Суриядан олар эдилар. Саргон бу босқинчилик юришида муҳим савдо йўлларини ва Ўрта денгиз соҳилларидаги савдо шаҳарларини босиб олишга интилган. Суриядаги кўпгина қадимги шаҳарларнинг харобаларидан турли Месопотамия буюмлари топилган, улар Сурия билан Иккидарё оралиғидаги мамлакатлар ўртасида мустаҳкам савдо ва маданий алоқа бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Тел-Тайнатдан 1937 йили кўп миқдорда Урдаги цилиндрик муҳрлар топилган, Катнада эса Шумер маъбудаси Нинэгаль ибодатхонаси қазиб топилган, бу эса Сурияга Шумернинг кучли маданий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Финикия ва Сурия учун хетт қабилалари билан олиб борилган савдо ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Рас-Шамрада ўтказилган қазишлар вақтида жуда кўп хетт буюмлари топилган. Хеттлар Сурияга эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг бошларида кириб келганлар ва уни босиб ола бошлаганлар. Хеттларнинг Сурияга кириб келиши Хетт давлати билан Сурия ўртасидаги савдонинг ривожланиши билан бевосита боғликдир ва бу оқибат натижада Суриянинг анчагина қисмини Хетт подшоларининг истило қилишига олиб келган.

Жуда қадим вақтда қадимги Шарқдаги бошқа мамлакатларда қандай ижтимоий тузум бўлган бўлса, Финикия билан Сурияда ҳам шундай ижтимоий тузум бўлган. Рас-Шамрадаги қазишлар вақтида топилган афсонавий поэмаларда ўз ифодасини топган жамоа-деҳкончилик эътиқодлари бу ерда қадимги жамоа тузуми бўлганлигини кўрсатади. Бироқ савдонинг анчагина тараққий этиши эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ қадимги қишлоқ жамоаларининг аста-секин табақаланишига, аста-секин қишлоқ жамоаларининг емири-



Финикия ҳосил худосининг тасвири.

Фил суягига ўйиб ишланган. Рас-Шамрадан топилган. Эрамиздан ав. XIV аср.

лишига, қулдорлик муносабатларининг ривожланишига олиб келган. Рас-Шамрадан топилган ва эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликка оид расмий хужжатларда савдогарлар, бадавлат кишилар ва, ҳатто, хусусий ер эгалари тилга олинади,

бу нарса анчагина синфий табақаланиш рўй берганлигини кўрсатади. Урта Подшолик даврига оид қадимги Миср ёзувларида фиръавннинг душманлари орасида «гавапли кишилар» тилга олинади; булар Финикия шаҳарларининг нотинч савдогар ва ҳунармапд аҳолиси бўлса керак, чунки улар Миср истилочиларига карши тез-тез қўзғолон кўтариб турганлар.

Мустакил Сурия ва Финикия давлатларининг ташкил топиши

Узоқ давом этган қаттиқ урушда мисрликларнинг ҳам, хеттларнинг ҳам дармонлари қуриган ва уларнинг давлатлари кучсизланган эди. Бу эса Финикия ва Сурияда мустақил давлатлар вужудга келиши учун қулай шароит яратиб берган; мустақил бўлиб олган бу давлатлар эрамиздан аввалги X—IX асрларда равнақ топади. Бу вақтда Миср билан Осурия тушкунликни бошидан кечириб, Финикия ва Сурпянинг бой савдо шаҳарларига таҳдид қилолмайдиган бўлиб қоладилар. Библ билан бир қаторда яна иккита бошқа йирик савдо шаҳари — Сидон билан Тир майдонга чиқади. Сидон шаҳри Финикияпинг энг қадимги савдо марказларидан бири бўлган бўлса керак. Ҳар ҳолда исроилликлар ҳам, қадимги греклар ҳам бутун финикияликларни сидонликлар деб атаганлар, кейинча ташкил топган Тир-Сидон подшолигининг подшоси эса, одатда, Сидон подшоси деган унвон олган. Ниҳоят, умумфипикия ибодатхонаси Астарта Сидопда бўлган. бутун Финикияда бу ибодатхонанинг обрўси айниқса зўр бўлган. Бирмунча вақтдаи кейинроқ Тир йирик савдо ва сиёсий марказ бўлиб майдонга чиқади. Тир подшоси Хирам I (эрамиздан аввалги 969—936 йиллар) жуда кепг миқёсда савдо ва истилочилик сиёсатини олиб боради. У, Кипр оролига қўшин тортиб бориб, у ерда Финикия колонияси Карт-Хадаштан барпо этади. Хирам I нинг жуда узоқ мамлакатларга ҳам боскинчилик юришлари қилганлиги маълумдир. Масалан, Африкадаги Утика мамлакатига қарши қилган юриши ва Офир мамлакатига уюштирган катта экспедицияси ана шундай юришлардандир. Хирам I олиб борган кенг кўламдаги истилочилик сиёсати Тирнинг равнақ топишига сабаб булади. Оролда жуда кулай ерга жойлашган Тир юксалиб, катта бой шаҳарга айланади. Шаҳарнинг шарқий қисмига тупроқ тўкилиб, унинг территорияси сунъий равишда кенгайтирилади, шаҳарпинг шу шарқий қисмида Хирам I вақтида янги квартал, бозор ва халқ пигилишлари учун кенг майдон барпо этилади. Тир жуда мустаҳкам ва қудратли денгиз қалъасига айланади. Эрамиздан аввалги IX асрда Финикия давлатининг янада ўсиши ва гуллаб-яшнаши давом этади. Финикия подшоларидан бири Итобаал Ливияда Авзу шаҳрини барпо қилади. Бу даврда Берит, Библ ва Сидон каби

жуда катта савдо шаҳарлари бўлган бутун Финикия соҳилининг каттагина қисми Тирга қарарди.

Колонизация

Финикияликлар бутун Ўрта денгиз ҳавзасида бир қанча колониялар барпо этадилар. Эрамиздан аввалги XVI асрдаёқ Финикия колонизацияси Кипр оролини ва Кичик Осиё жанубий соҳилининг бир қисмини ва бундан ташқари бутун Эгей денгизи районини ҳам ўз ичига олган. Финикияликлар уларининг савдо факториялари учун қирғоққа яқин бўлган оролларни, мухим савдо ва ҳарбий йўлларни туташган, табиий бойликлари бор ва табиий жиҳатдан яхши ҳимоя қилинган жойларни танлаганлар. Финикияликлар Кипрни босиб олгандан кейин Родосни, Киклад ва Спорад группасидаги айрим оролларни, олтинга бой бўлган Фасосни, Самофракияни истило қилганлар ҳамда, эҳтимол, Геллеспонт ва Босфор орқали хатто Кора денгизга ҳам кириб, Кичик Осиёнинг шимолий қирғоқларигача етиб борганлар; Финикия савдоси яна Кичик Осиё ва Грециянинг материк қисмидаги область ва шаҳарларга ҳам кириб борган. Троя, Микен ва Тиринфада утказилган қазишлар вақтида бир қатор Финикияга хос булган типик буюмлар топилган. Бу кенг ривож топган денгиз савдосини ва Ўрта денгизнинг шарқий қисми доирасидаги колонизацияни асос эътибори билан Сидон савдогарлари амалга оширганлар.


Финикиянинг энг катта савдо шаҳри булган Тир Ўрта денгизнинг шарқий қисмида жуда ҳам кенг савдо ишларини юритган, бу ерда тирликлар жуда кўп колониялар барпо қилганлар. Финикияликлар бу колонияларни, асосан, Ўрта денгизнинг гарбий қисмидаги ороллар ва қирғоқларда қурганлар, улар Финикия соҳилларидан Иберия қиргоқларига, асосан, Тартессга олиб борувчи денгиз йўлидан аста-секин олға силжиб борганлар. Бу йўл Сицилия, Мальта, Пантеллерия орқали Турдитаниянинг асосий дарёси Гвадалквивирнинг қуйи жойига яқин ердаги оролда финикияликлар асос солган қадимги Гадер шаҳрига (лотинча Гадесга, ҳозирги Кадисга) олиб борган. Сицилия оролида финикияликлар «Рош-Мелькарт» (Тирнинг бош худоси «Мелькарт боши») деган шаҳарни бунсд этганлар. Сардиния оролидаги Каралис (Кальяри) шаҳри ҳам Финикия колонияси ҳисобланган. Сардинияда сакланиб қолган кесик конус шаклидаги макбаралар (тошдан ишланган) Финикия таъсирини кўрсатувчи равшан далилдир. Финикияликлар гарбга қараб олға силжиб бориб, Шимолий Африканинг баъзи қисмларини босиб олганлар ва бу ерда уларининг бир қатор савдо факториялари ва шаҳарларини қурганлар, булар ичида Карфаген алоҳида аҳамиятга эга булиб, бу шаҳар эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик-

нинг биринчи ярмида мавжуд бўлган бўлса керак. Эрамиздан аввалги VI—V асрларда Карфаген Ўрта денгизнинг ғарбий қисмидаги бир қатор Финикия колонияларини ўз атрофида бирлаштириб, йирик ва қудратли қулдорлик давлатини ташкил этади. Ғарбда Финикия савдосининг энг узоқ таянч нуқталари Африканинг ғарбий соҳилидаги *Финикия поселениелари*: Тингиз (Танжа, Танжер), Целис (Азила) ва бошқалар эди. Ундан жанубда, кейинги вақтдаги ривоятларга кўра, тирликлар асос солган ва 30 кунлик йўл бўйлаб жойлашган 300 та (бу рақам муболага бўлса керак) қадимги *Финикия поселениелари* бўлган. Финикия денгиз савдосининг ва колонизациясининг кенг қулоч ёйганлиги тўғрисида «Карфагенлик Гоннон Перипл» равшан маълумотлар беради, бу маълумотнинг тексти Карфагендаги худо Эль ибодатхонасидаги расмий ҳужжатдан кўчирилган. Бу «Перипл»нинг тексти эрамиздан аввалги VI асрга оид бўлиб, унда саёҳатга бориш ҳақидаги буйруқ келтирилади ва Ганнонинг Африка атрофи бўйлаб қилган саёҳати ҳам таърифланади. Бу таърифга қараб ҳукм қилганда, Ганнон Геракль Устунлари (Гибралтар бўғози) орқали океанга сузиб чиққан. Ганнонинг флоти ҳар бири 50 эшкакли олтмишта кемадан иборат бўлиб, унда 30 минг эркак ва аёллар бўлган. Финикиянинг бу ғоят катта экспедицияси натижасида Африканинг ғарбий қирғоқлари текширилган, бу ерда янги шаҳарлар ва



Маъбудда Танит тасвири акс эттирилган ва ибодатхонага аталган ёдгорлик.

Карфагендан топилган.



Эшмун ибодатхонасидаги Финикия ёзуви.


ибодатхоналар барпо қилинган. Финикияда денгиз саёҳатининг гоят тараққий қилганлигини яна, Миср фиръавни Нехо II нинг буйруги билан Африка атрофида Финикия денгизчилари қилган ажойиб саёҳатидан ҳам билиш мумкин. Финикияликларнинг Пиренси ярим оролининг ғарбий қирғоғи бўйлаб шимолга денгиз саёҳатлари тўғрисида жуда ҳам ноаниқ маълумотлар сақланиб қолган. Лекин бу маълумотлар ҳали тўла тасдиқланганича йўқ. Финикияликлар қалай ва қахрабони асосан транзит савдоси йўли билан Британиядан олганлар.

Финикияликлар шарқий мамлакатларга ҳам кириб боргандар. Тир бозорларида Арманистондан келтирилган моллар сотилган. Месопотамияда Фронт бўйида финикияликлар ўз колонияларн — *Эддана шаҳрини* барпо қилганлар. Сурия билан Фалестин Финикияни хом ашё, ҳар турли буюмлар, шунингдек ишчи кучи билан таъминлаб турган. Арабистондан эса финикияликлар зираворлар олганлар. Финикияликлар қадим вақтлардан буён савдо ва маданий алоқалар қилиб келган Мисрда ҳам бир қанча колониялар барпо қилганлар.

Шундай қилиб, Финикия савдоси ва колонизацияси эрамиздан аввалги XVI—XII асрларда ва айниқса X—IX асрларда жуда кенг кулоч ёйди. Финикия *колонизацияси* қадимги грек колонизациясидан анчагина олдин бўлган. Грекларга бир қанча вақтгача Финикия савдогарлари билан жуда каттиқ кураш олиб боришга тўғри келган бўлса керак.

Денгизнинг нарнги томонидаги мамлакатларда олиб борилган савдо ва судхўрлик билан мустаҳкам боғлиқ бўлган

қулдорлик хўжалиги (унинг тўғрисида манбаларда озгина маълумот сақланиб қолган) Финикиянинг катта шаҳарларида эрамиздан аввалги VII—VI асрларда ғоятда ривожланган. Кескин синфий зиддиятлар халқ қўзғолонларига сабаб бўлиши турган ган эди. Антик авторларнинг асарларида Тирда бўлган қулларнинг катта қўзголони ҳақидаги энг кейинги эсдаликлар сақланиб қолган. Юстин маълумотига кўра, қўзғолон кўтарган қуллар эркин эркакларнинг ҳаммасини қириб ташлаганлар, аёлларни эса ўзларига хотин қилиб олганлар ва эркин эркаклар ичида бирдан-бир омон қолган Стратон исмли бир кишини ўзларига подшо қилиб кўтарганлар.



Алифбелар лавҳаси (чапдан ўнгга). Финикия, Сипай, Миср (иероглифик) ва қадимги грек алифбелари билан таққослаб курсатилган қадимги яхудий алифбеси.

Эрамиздан аввалги IX асрда жуда равнақ топган Тир-Сидон подшолиги мустаҳкамланиб олган Осурия ҳарбий давлатидек даҳшатли душманга дуч келиб, узоқ яшай олмаган. Бироқ Финикиянинг энг катта шаҳарлари бўлган Тир билан Сидон Финикия қиргоқ бўйларини қўлга киритишга интилган Осурия подшоларига узоқ вақт қаршилик кўрсатганлар. Фақат Асархаддонгина (эрамиздан аввалги VII аср) Финикиянинг бу қудратли шаҳарларини тамомила енгиб, Финикияни Осурия подшолигига қушиб олишга муваффақ бўлган.

Маданияти

Финикия маданиятининг энг катта ютуги Финикияда эрамиздан аввалги XIII асрда вужудга келган ёзувнинг алифбе системасидир. Савдонинг бирмунча ривожланиб бориши расмий ҳужжатларни жуда тез тузиш учун имкон берадиган энг содда ёзув системасини вужудга келтиришни талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам ёзувнинг энг содда ва энг қулай системаси бўлмиш алифбе савдо жуда ҳам тараққий қилган Финикияда вужудга келган. Финикияликлар ўз алифбе системаларини яратишда қадимги

Бобил ва қадимги Мисрнинг бой маданий меросидан фойдаланганлар. Айрим алифбе белгилари шаклидаги алифбели ёзув элементлари эрамиздан 2 минг йил аввал Шимолий Сурияга кириб борган Бобил миххатида ҳам бўлган. Шимолий Сурияда Бобил миххати бирмунча соддалаштирилгаи ва шу асосда 29 та алифбе белгисидан иборат Шимолий Су-



Худо Лалл тасвирланган буртма расм Рас-Шамрадан топилган



Финикия худосининг хайкалчаси.

рия алфавитли миххати вужудга келган. Рас-Шамрадан топилган жуда кўп ёзувлар мана шу миххат алифбе асосида ёзилган.

Аммо асл Финикия алифбесининг вужудга келишига Миср иероглиф ёзуви кўпроқ таъсир кўрсатган, бу ёзувда 24 та алифбе белгиси бўлиб, булар ундош товушларни ифодалашга хизмат килган. Мисрнинг иероглиф ёзувлари Библ харобаларидан топилган. шу билан бирга, бу ёзувларнинг баъзи бирларидаги айрим иероглифлар финикияликларда бошка

маъно олган. Миср иероглифидан Финикия ёзувига алоҳида ўтиш системаси Синай ярим оролидан топилган. Бу ерда Серабит-ал-Хадим мис конлари яқинидаги Миср ибодатхонаси харобаларидан 25 та изоҳ белгиларидан иборат ёзув топил-



Амрита яқинидаги кабр устига ишланган ёдгорлик.

ган, бу белгилар ичида 8 та изоҳ Миср иероглифлари билан Финикия белгилари ўртасидаги ёзувдир. Шундай қилиб, эҳтимол, алифбе элементларидан, Бобил миххати ва Миср иероглифларидан фойдаланиш асосида аста-секин анчагина такомиллаштирилган 22 алифбе белгиларидан иборат бўлган Финикия алифбеси вужудга келган; бу белгилар фақат ундош товушларни ифодалаш учун хизмат қилган. Финикия алифбесининг афзаллиги шундаки, у фақат алифбе белгиларидангина иборатдир. Финикия алифбеси катта тарихий аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Финикия алифбесидан қадимги грек алифбеси вужудга келган. Шундай қилиб, Финикия алифбеси жуда кўп кейинги ёзув системалари учун асос бўлган.

Финикия ва Сурия қабилаларининг энг қадимги дини қадимги жамоа-деҳқончилик эътиқодларига бориб тақалади.

Рас-Шамрадан топилган мифологик поэмаларда арпани суғориш, эшак ва отни қўшиш ҳамда ток новдаларини ўтказишда қилинадиган қадимги диний урф-одатлар таърифлаб берилади. Худо Мот ёз охирида маъбуда Анат ўроғи билан қирқилувчи «етилган бошоқ» шаклида тасвирланади. Қадимги финикияликларнинг диний тасаввурида ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси Ваал ва унинг ўғли Алийян образи алоҳида ўрин тутган. Алийян тўғрисидаги афсона ва бу худонинг эътиқоди йил фасллари алмашинувининг «сирли маъно»сини диний-шоирона формада одамларга тушунтириб берган. Бу диний тасаввурлар тексти Рас-Шамрадаги қазишлар вақтида топилган мифологик поэмаларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. «Ваал ва Алийян» ҳақидаги поэмада ҳикоя қилинишича, худо Ваал учун ҳашаматли ибодатхона бино қилинади, бу ибодатхонада Ваал ўлим худоси Мот устидан қозонган галабасини эълон қилади. Бироқ Ваални ўлим келиб бўғади ва у ўғли билан бирга нариги дунёга кетишга мажбур бўлади. Бундан кейин, ўлган худолар шарафига адо этиладиган мотамлар, ҳосил маъбудаси Анатнинг ўлим худоси Мот билан кураши, ўлган худоларни қидириш, Ваалнинг Мот устидан ниҳоят ғалаба қозонини ва Ваалнинг тирилиши ҳикоя қилинади. Бу қадимги афсона ҳамда ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси эътиқоди кейинги вақтдаги худо Адонис эътиқодига асос бўлган. Адонис эътиқоди эса кейинчалик Сурия ва Финикияда жуда кенг тарқалган.

Баъзи тарихий афсоналар ҳам катта аҳамиятга эга, масалан, «Керет ҳақидаги афсона»да Сидон подшоси Керетнинг худо Эль маслаҳатига кўра, Арабистон билан Фаластин ўртасидаги чегарада яшаган терахитлар қабиласига қарши қилган юриши ҳақида гапирилади. Бу қизиқарли афсонада Ашдод ва Кадеш шаҳарлари ҳамда қадимги яҳудий қабиласи Зебулон тилга олинади, бу нарса Финикия савдоси ва истилочилик сиёсати жуда қадим вақтлардаёқ кенг ривожланганлигидан далолат беради



Суриялик тасвирланган бўртма расм.



«Иеровоам хизматкори Шома» муҳри.

XIII БОБ

ҚАДИМГИ ФАЛАСТИН

Табиий шароити

Фаластин Ливаннинг жанубий тоғ этакларидан то Арабистон чўлининг шимолий чегараларигача бўлган ерни ишғол қилади. Фаластин ғарб томондан Ўрта денгизга бориб туташган. Шарқда эса, Сурия-Месопотамия даштига чегарадош. Фаластиннинг территорияси жуда кичик бўлиб, атиги 26 минг *кв. км* ча келади. География жиҳатдан Фаластинни тўрт қисмга: қиргоқ бўйига, Иордан ғарбидаги ясси тоғликка, Иордан водийсига ва Иордан шарқидаги ясси тоғликка бўлиш мумкин. Киргоқ бўйининг жанубий қисми кўпгина дарё (сой)лар билан суғориладиган унумдор ерлардан иборат. Қадим замонларда бу ерда деҳқончилик анчагина ривожланган эди. Мисрдан Сурияга борадиган катта савдо йўли шу ердан ўтарди. Сарон паст текислиги айниқса унумдор бўлиб, баъзан уни «жаннат боғи» деб атаганлар. Ғарбий Фаластиндаги баъзи ички областларнинг ерлари ҳам шундай серунумдир. Вади-Кельт дарёсидан қониб сув ичадиган Иерихон текислиги шундан серунум областдир. Иқлими иссиқ, суви сероб бўлганлигидан бу ерда ҳатто хурмо пальмаси ҳам ўсади.


Иордан водийсининг шимолий қисмига ғарб томондан унинг водийлари, текисликлари ва тоғ ёнбағирлари билан Галилея туташган. Галилеянинг ерлари тоғ чашмалари ва оқар сувлардан сугорилади. Фаластиннинг бу қисми деҳқончилик хўжалигини ривожлантириш учун жуда қулай бўлганлигидан, қадим замонларда бу ерда одамлар зич яшаган; қадимги шаҳарларнинг кўпдан-кўп харобалари шундан гувоҳ-

лик беради. Иорданнинг шарқидаги баъзи областлар ҳам жуда серунум ерлар бўлган. Масалан, Башан области қадим замондаёқ ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан донг чиқарган. Бироқ Фаластиннинг ҳамма қисми ҳам деҳқончилик хўжалигини тараққий қилдириш учун қулай бўлмаган. Бу ерда унумдор текисликлар билан бир қаторда ясси тоғликлар, тоғлик областлар ва дашт-биёбонлар ҳам учрайди. Масалан, Ғарбий Фаластиннинг жанубий қисмидаги тоғлик областлар ана шундай экин битмайдиган ерлар бўлган (бу тоғлик областни қадимги яҳудийлар «Эфраим тоғлари» ва «Иуда тоғлари» деб атаганлар). Бу ер борган сари дашт-биёбонга айланиб кетади; бу ерларда яшаган аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланган. Шарқий Фаластиннинг экин яхши битмайдиган, камсув ясси тоғликлари ҳам деҳқончиликдан кўра кўпроқ чорвачиликни ривожлантириш учун қулай бўлган. Иордан водийсининг табиий шароити бошқа водийлардан анча фарқ қилган. Иорданнинг баъзи қисмлари, масалан Геннисарет кули ёнидаги қисми хосилдор ва қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлса ҳам, лекин ҳамма жойи қамиш чангалзорлари билан қопланган ва йиртқич хайвонлар яшайдиган энсиз бир ердан иборат бўлган. Шу сабабдан Иордан водийси Ғарбий Фаластинни унинг шарқий қисмидаи кескин ажратиб турадиган узига хос бир жой бўлган.

Фаластиннинг табиий бойликлари кам. Фаластиннинг шарқий ва жанубий қисмларида қадим замонда ўрмонлар бўлган; аммо уларни том маънода ўрмон эмас, балки чакалакзор ёки бутазорлар дейиш тўғрироқдир. Катта-катта дарахтлар бу ерда жуда оз бўлиб, борларини ҳам худонинг макони деб ҳисобланган. Бинокорлик ва елканли кемалар учун зарур бўлган ёғоч қушни мамлакатлардан келтирилган. Фаластиннинг ўзида металл рудаси бўлмаган. Фаластинга энг яқин мис конлари Ливан тоғларида, Фаластиннинг жануби-шарқидаги Эдом мамлакатида, шунингдек Акаб кўлтиғи яқинида бўлган; бу ерда қадим замонларда мис қазиб чиқарилганлиги аниқланган. Фаластин ҳар хил сопол идишлар ясаш ва гишт пишириш учун жуда яхши хом ашё ҳисобланган гил тупроққа бой бўлган. Қалъа ва шаҳарларнинг деворларини ҳамда катта-катта иморатларни қуришда турли хил тошлардан фойдаланилган.

Қазишлар

Археологик қазишлар Фаластинда қадимги тош давридаёқ одамлар яшаганлигини кўрсатади. Масалан, Геннисарет кулининг шимоли-шарқий қирғоғидаги ғордан неандерталецнинг бош суягига жуда ўхшаган одам бош суяги топилган. Бу ердан яна паншаха, қирғич, найза ва кейинги мустье ва ориньяк типидаги қуролларга ўх-



ҚАДИМГИ ФАЛАСТИН
Сизим
Рафис
Б А Ш Ш А Н
Ш О М О Р О Н
Ю Д Е Я
Ш А Р О Н
Ф И Л И С Т И М
Я Р Д Е Н
Ю Д Е Й С К А Я
П О Л О С А
Ж О Р Д А Н
А М М О Н
Э Д О М
Н Е Г Е Б
Иерихон
Иерусалим
Вифлеем
Хеврон
Газа
Беершеба
Раббат - Аммон
Мертвое море
Средиземное море
Иордан
Ярмук
Кишон
Мегиддо
Изреель
Самария
Сихем
Шилом
Иавис
Иблеам
Ездрелонская долина
Тель-Авив
Яффа
Ашдод
Ашкелон
Шарухен
Хевронские горы
Иудейская пустыня
Аравийская пустыня
Синайская пустыня
Хасмонея
Телеилат
Тель-Мелах
Тель-Масбах
Тель-Газер
Тель-Ашдод
Тель-Ашкелон
Тель-Ирам
Тель-Ирам
Тель-Ирам



Иерихондаги подшо давридаги уй харобалари.

шаган бошқа қуроллар топилган. Юқори палеолит даврига оид худди шундай қуроллар Қуддуснинг шимоли шаркидаги Шукбах ёнидаги гордан ҳам топилган. Неолит даврига оид қуроллар анчагина миқдорда топилган. Урта Фаластинни жанубий Фаластиндан ажратиб турадиган Аялон водийсининг гарбий қисмидаги қадимги Гезерда ўтказилган қазишлар вақтида неолит даврига оид жуда қимматли ёдгорликлар комплекси топилган. Гезер ёнидаги қоя тоғларда табиий ва сунъий горлар жуда кўп; неолит даврининг одамлари ана шу горларда яшаганлар. Гезернинг энг қадимги қатламларида ва Фаластиннинг бошқа жойларида топилган керамика (сопол идишлар) ҳам неолит даврига хосдир.

Илк неолит маданияти халколит даврида янада ривожланган Улик денгизнинг шимоли-шарқий томонида Телейлат-Хассуль деган жойдан қазишлар вақтида топилган гоят мухим ёдгорликлар халколит даврига оиддир. Бу *ерда топилган* буюмларга қараб фикр юритганда, эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликда бу районда ўтрок дехконлар яшаганлар. Бунда хом гиштдан солинган уйларнинг қолдиқлари сақланган, бу уйларнинг баъзиларининг пойдевори тошдан қилинган. Куроллар ясаш техникаси тобора такомиллашиб борган. Тошдан ясалган болталар ўрнини бронзадан ясалган болталар



Бет Шанда Сети I давридаги ибодатхонанинг харобалари.

олган. Сопол идишлар ясашда ҳам бундай такомиллашиш процессини шу ердан топилган сопол идишларда кўриш мумкин; бу идишлар кулол чархида ясалган бўлиб геометрик нақшлар билан безатилган. Бу ерда деворларга солинган расмларнинг топилиши тарихий жиҳатдан ғоят катта аҳамиятга эга. Бу расмларнинг қатъий бир услубда солинганлиги ўша даврнинг санъати тўғрисида, жумладан, бирмунча, мураккаб геометрик форма ҳақида баъзи бир тушунчалар беради. Қуёш символининг бу расмларда сақланиб қолган тасвири қадимги замонда қуёшга сиғиниш билан боғлиқдир.

Археологик қазишлар натижасида Фаластин территориясида қадим замонларда иқтисодий, ҳарбий ва маданий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган кўп шаҳарларнинг харобалари топилди. Масалан, Фаластиннинг жанубий қисмидаги Газа билан Хеброн ўртасида топилган Лахиш шаҳрининг харобалари ана шундай шаҳарлардандир. Киргоқ бўйидан мамлакат ичкарисига қараб кетган савдо йўли устида жойлашган Лахиш шаҳри эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ жуда ҳам гуллаб-яшнаган. Шаҳар гишт девор билан ўралган бўлиб, деворнинг бурчакларида мудофаа миноралари бўлган. Шаҳар ичкарисидан эрамиздан аввалги XV асрга оид ибодатхонанинг қолдиклари топилган. Лаҳиш харобала-

рида тобланган мисдан ясалган ҳар хил қурол-яроғлар, шунингдек XVIII—XIX династиялар ёзуви битилган Миср қўнғизларининг тасвири топилган. Лахишдан топилган Миср ва Ханаан ёзувлари айниқса диққатга сазовордир. Бунда топилган сопол идишлар ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Кулолларининг идишларга чизган ҳар хил аломатлари бу срда ёзув пайдо бўлганини кўрсатади. Харсанг тошлардан қилинган девор билан ўралган ва тўгри бурчакли миноралар билан ҳимоя қилинган қадимги қалъа — Гезер харобалари ҳам шундай диққатга сазовордир. Ўлик денгиздан шимолигарбда, Иордан водийсининг Гарбий чеккасида қадимги бир шаҳарнинг харобалари топилган; текширувчилар бу шаҳарни тавротда тасвирланган Иерихон шаҳри билан солиштирадилар. Қазишлар натижасида, бу шаҳар эрамиздан аввалги тўртинчи ва учинчи минг йилликлардаёқ яхши ҳимоя қилинган қалъа бўлгаплиги маълум бўлди. Шаҳар харобаларидан топилган буюмлар орасида тошдан ясалган ва қадимдан сақланиб қолган қуроллар, шунингдек, Суриянинг ўзига хос мис қуролларини айтиб ўтмоқ керак; бу қуроллар маҳаллий ҳунармандчиликнинг мустақил суратда жуда тараққий қилганлигини кўрсатади. Ҳосилдор Исроил текислигининг жануби-гарбидаги Мегиддо шаҳрини қазиш ҳам қимматли натижалар берди. Бу шаҳар жуда қадим замонларда пайдо бўлган бўлса ҳам, аммо эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда муҳим хўжалик маркази ва кучли қалъага айланиб, айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Бу ерда бутун бир керамика (кулоллик) устахонаси топилиб, унда сғочдан ясалган кулол чархи ишлатилганлиги маълум бўлди. Гиксослар истилоси даврида Мегиддо шаҳри



Шерлар тасвирланган бўртма расм. Бет-Шандан топилган.

Филадельфия. Пенсильвания музейи.

гиксос подшолиги составига кирган; бу ерда (гиксос типида) мисрликлар кўпгина тасвирининг топилганлиги шундан гувохлик беради. Подшо Соломон замонига оид қалъа қолдиқлари ҳам шу ерда қазиб топилган.

Нар-жалуд дарёсининг Иордан дарёсига қуйиладиган жойдаги 5 *км* ғарб томонда жойлашган қадимги Бет-Шан (ҳозирги Бейсан) шаҳрида ўтказилган қазишлар Фаластин билан Мисрнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш учун жуда бой материал берди. Қазиш вақтида топилган буюмларга қараганда Бет-Шан Фаластиннинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ бу шаҳар муҳим савдо маркази бўлган; бу ерга чет эл моллари билан бирга уларнинг маданиятининг таъсири ҳам кириб келган. Масалан, Бет-Шан харобаларидан мисрликларнинг Ўрта Подшолик даврига оид буюмлари топилган. Эрамиздан аввалги XVIII асрда гиксослар Бет-Шанни босиб олган вақтларида шаҳар жуда яхши ҳимоя қилинган қалъа бўлган. Бет-Шан гиксослар истилосидан бошлаб мисрликлар таъсирига тушиб қолган. Бу шаҳар харобалари ичидан икки Миср ибодатхонасининг қолдиқлари, мисрликларга оид жуда кўп буюмлар ва XIX династия даврига мансуб гоят қимматли икки ёзув топилди; бу ёзувларда Сети I ва Рамзес II нинг ҳарбий юришлари ҳамда уларнинг қаҳрамонликлари тасвирланган. Чегарадаги қалъалардан бири бўлган Жерар калъасини қазиш вақтида у ердан Фаластин билан Мисрнинг ўзаро муносабатларини характерлайдиган буюмлар топилган. Филистимликларнинг Газа шаҳрида ҳам катта қазишлар олиб борилди.

Қадимги Самарияда, қадимги Сихемда ва, ниҳоят, Қуддус территориясида ўтказилган археологик қазишлар Фаластиннинг эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдаги тарихига оид баъзи бир материаллар берди; Самарияни қазиш вақтида Омри ва Ахав саройларининг харобалари топилди; Қуддус территориясини қазиш вақтида эса, мақбаралар, шаҳар истеҳкомлари ҳамда шаҳарни сув билан таъминлаб турган ер ости канали топилди.

Ёзма манбалар

Фаластин территориясида ўтказилган археологик қазишлар натижасида жуда кўп қадимги шаҳарларнинг харобалари ва бу харобалардан кўплаб уй-рўзғор буюмлари ҳамда динга оид буюмлар топилган. Бироқ Финикия ва Суриядаги каби, Фаластинда ҳам ёзувлар жуда кам топилган. Масалан, Самариядаги Ахам саройидан хўжалик ҳисоботига доир сапаси кўрсатилган ҳужжатли 75 та сопол парча (остракa) топилган, холос; Қуддусдан Яҳудия подшоси Хизкия замонига (эрамиздан аввалги тахминан

715 йилларга) оид Силоам ёзуви деб аталган ёзув топилган; Заиордан областида топилган моавит подшоси Меша ёзувида қадимги яҳудийлар худоси Яхвенинг номи тилга олинади ва моавитларнинг қўшни қабилалар билан қилган урушлари тасвирланган. Ниҳоят, яқинда Лахиш қалъаси харобаларидан мустаҳкамланган Кириат-Иеарим шаҳрининг бошлиги билан Лахиш шаҳри ва унга қўшни қалъаларнинг ҳарбий комендантлари ўртасида бўлган ёзишмалар топилди; бу ёзишмалар эрамиздан аввалги тахминан 586 йилга оиддир.

Миср ёзувлари Фаластинни ўрганиш учун жуда бой материал беради. Бу ёзувларнинг кўпчилигида Миср фиръавнларининг Фаластинга қилган юришлари тасвирланган. Тутмос III юришлари ҳақидаги йилнома, Сети I ва Рамзес II галабаларига оид ёзувлар, Мернепт ёзуви, Фаластин ва Сурияда бўйсундирилган область ва шаҳарларнинг рўйхатлари айниқса муҳимдир, булар шу мамлакатларнинг тарихий географиясини тиклашга ёрдам беради. Ниҳоят, Амарна архивидан топилган машҳур дипломатик ҳужжатлар қимматли материаллардир. бу ҳужжатлар Миср қўл остидаги Фаластинга Мисрнинг таъсири камайиб, «хабири» қабилалари кириб келган даврдаги Фаластинни жуда равшан тавсифлаб беради. Бобил, Хетт ва Осурия ёзувларида Фаластиннинг энг кейинги даври тарихига оид қимматли маълумотлар бор. Финикияликларнинг (Рас-Шамрадан топилган) афсонавий достонлари Фаластин территориясида яшаган қабилаларнинг энг қадимги диний эътиқодлари қандай формада бўлганлигини тиклаш учун жуда кўп материал беради.

Таврот Фаластин тарихи учун ғоят қимматли манбадир. Таврот — қадимги яҳудий адабиётидаги хилма-хил асарлар тўпламидан иборат бўлиб, қадимги яҳудийлар, кейинчалик эса христианлар уни ўзларининг «муқаддас китоби» қилиб олганлар. Бу тўплам қадимги йилномалар ва бир қанча қадимги афсоналарда кўрсатилишича Исроил ва Яҳудия подшоликларининг тарихини таърифлаб берувчи тарихий китоблардан иборатдир. Таворотга Бобил ва Финикия афсоналари асосида пайдо бўлган қадимги афсоналар (масалан, дунёнинг яратилиши ҳақидаги ёки бутун ер юзини босган тўфон ҳақидаги афсона), дунёвий ва диний поэзиядан намуналар, насиҳатномалар, қонунчиликка доир тўпламлар, ниҳоят, «пайғамбар» деб аталганларнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги нутқлари ва памфлетлари кирган. Таворотнинг энг қадимги қисми эрамиздан аввалги IX асрга тааллуқлидир. Бу қисмнинг редактори «худо» — «илоҳим» сўзини ишлатган ва шунинг учун у «илоҳиста» деб аталган. Таворотнинг афсоналар ва тарихий ривоятлар тўпламидан иборат қисми эрамиздан аввалги

VIII асрга оиддир; тўпламнинг редактори исроилликларнинг бош худоси-ни Яхве деб атаган. Шунинг учун ҳам бу тўпламнинг редакторини, одатда, «яхвист» деб атайдилар. Эрамиздан аввалги VII асрда тавротнинг бу хар иккала қисми бирга тўплам қилиб бирлаштирилган. Кейинчалик таврот бир неча марта таҳрир қилиниб, унинг қадимги тексти бутунлай ўзгариб, бузилган ҳолда сақланган. Шу сабабдан қадимги Исроил ва қадимги Яхудия тарихини, шунингдек қадимги яҳудийлар динини ўрганганда таврот текстини қаттиқ танқидий назар билан қараб, уни анализ қилишга тўғри келади. Таврот текстини шу тариқа танқидий назар билан ўрганиш замонлар ўтиши билан алоҳида бир предметга айланди ва бу предмет «таврот танқиди» деган ном олди.

Машҳур философ Б. Спиноза XVII асрдаёқ биринчи бўлиб таврот танқидидаги асосий проблемаларни ҳал қилишга яқинлашган эди. Спиноза Исо Навин китоби билан бирликда «Бешкитоб»нинг эрамиздан аввалги V асрдагина ёзилганини «Паралипоменон» китобининг эрамиздан аввалги II асрда ёзилганини, «Ояглар китоби» («Забур») Давид томонидан тузилмаганини, балки ундан кейинроқ тузилганини исботлади. Таврот текстининг гарчи жуда юзаки бўлса-да, ҳар ҳолда танқидий анализ қилиниши XVIII асрда Ж. Астрюкка «Борлиқ китоби»нинг икки манбани, яъни унга илоҳист билан яхвист асос қилиб олинганини аниқлашга имкон берди. Таврот танқиди соҳасидаги бу ишни давом эттирган де Ветте 1805 йилда «Иккинчи қонун китоби» билан «Қонун китоби»нинг (тавротнинг ўзида бу китоб эрамиздан аввалги 622 йилда коҳинлар томонидан топилган, яъни тузилган, дейилади) бир-бирига ўхшашлигини аниқлаб берган эди. Ниҳоят, Велльгаузеннинг «Исроил тарихига муқаддима» (1879 й.) деган катта асари тавротшуносликда бутун бир давр очди. Велльгаузен бу китобида таврот текстини тарихий нуқтаи назардан текшириб ва танқид қилиб, илгари «Старший илохист» деб аталган, ҳозир эса «Коҳинлар кодекси» деб аталадиган манба «Олтикитоб»нинг Бобил асирлигидан сўнг ёзилган энг кейинги қисми, деб тахмин қилди ва уни асослаб берди. Велльгаузен бу фактни аниқлашда, «Коҳинлар кодекси»даги мураккаб қонунларнинг қадимги Яхудия қабилаларининг примитив ижтимоий тузумига мувофиқ келмаслигини далил келтириб, шунинг учун китобнинг шу қисми анча кейин тузилган бўлиши керак деди. Таврот текстини танқидий назардан текшириш иши XIX асрнинг иккинчи ярмида кенг кўламда давом эттирилди ва ҳозирги кунда бу иш давом этмоқда.

Таврот текстининг илмий жиҳатдан танқид қилиниши жуда муҳим натижалар берди. Бунинг натижасида таврот китоб-

ларининг асосий манбаларини, уларнинг қачон тузилганини ва бир-бирига муносабатини ҳамда бошқа бир қанча муҳим фактларни аниқлаш мумкин бўлди; буларнинг ҳаммаси қадимги Исроил ва қадимги Яҳудия тарихини, шунингдек қадимги яҳудийлар динининг пайдо бўлиш ва ривожланиш процессини ойдинлаштириб берди. Аммо Ғарбий Европа ва Америкадаги реакцион олимлар тавротни танқид қилиш натижаларидан тавротдаги афсоналарни тарихий жиҳатдан асослаш учун, диний догмат (ақида)ларни асослаш учун ҳамда қадимги яҳудийлар азалдан танҳо худога эътиқод қилганлар, деб исбот қилиш учун фойдаланишга уринадилар. Бугина эмас, америкалик баъзи бир буржуа тарихчилар, масалан, Финеган, Қадимги Шарқ тарихига оид ҳамма фактлардан фақат бир мақсад учун, яъни «яҳудий — христиан тарихи реаллигининг соғлом фикри бўлиб хаётга сингиб киради ва биз учун муҳим бўлиб қолади» деган фикрни аниқ кўрсатиш учун кенг суратда фойдаланаяпилади. Шундай қилиб, қадимги Фаластиннинг бутун тарихини «таврот ва илк христианлик тарихи» воқеалари юз берган тарихий-археологик «муҳит»дан иборат қилиб кўрсатиб, ҳозирги замон америкалик буржуа тарихчилари китобхонининг диққатини фақат илк христиан идеологиясининг тарихий илдизлари масаласига жалб қилмоқчи бўладилар. Бу асарларнинг тарихий жиҳатдан гўё «илмий» асосларга қурилганлиги тўғрисидаги идеологик қарашларнинг асоси ҳам ана шунда.

Буржуа тарихчилари таврот танқидига оид ва «таврот археологияси» га оид ўз асарларида тавротдаги қиссаларнинг ҳаммасини тарихда бўлган воқеа қилиб кўрсатишга интилиб «тавротда келтирилган маълумотларнинг археологик кашфиётлар билан чамбарчас боғланиш ҳоллари жуда ҳам кўп» деб (Финеган шундай сўзган), шуни исбот этишга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга, тавротнинг қадимги текстини диний таълимотларга мослаштириш учун, бу текстни тўғридан-тўғри ўзгартиб, сохталаштирар ҳам эдилар. Шу сабабли, тавротни чинакам илмий ва объектив тарзда таиқид қилиш вазифаси — тарихчи ихтиёрида бўлган барча тарихий манбалар ва қатъий аниқланган фактлардан фойдаланиб туриб, таврот текстини текшириб урганишдан иборатдир. Тарихчиларнинг вазифаси яна шуки, улар таврогга кирган айрим китобларнинг асосий манбаларини аниқлашлари, уларнинг даталарини белгилашлари кейинги вақтларда қўшилган барча бузуқ фикрлардан таврот текстини тозалашлари ва, шундай қилиб, тавротнинг тиклапган, қадимги асл текстидан фойдаланишлари лозим.

Совет олимлари, жумладан академик Н. М. Никольский ва профессор А. Б. Ранович таврот танқидига ва қадимги яҳу-

дий халқининг тарихи ва маданиятини ўрганиш ишига қимматли катта ҳисса қўшдилар, улар тавротни ҳам ва бир қанча бошқа манбаларни ҳам қаттиқ танқидий назардан ўргандилар.

Таврот танқиди ҳозирги вақтда тавротнинг жуда кейинги ва жуда бузилган тарихий манба эканлигини, унинг тексти ҳар хил редакторлар томонидан кўп марта ва қайта-қайта ўзгартирилганлигини батамом ва қатъий равишда аниқлаб берди.

Тавротнинг дастлабки тексти пергамент ва папирусга қадимги семит хатида унли ҳарфларни ишлатмасдан ва сўзларни бир-биридан ажратмасдан бирга қўшиб ёзилган эди. Эрамиздан олдинги сўнгги асрларда таврот тўрт бурчакли арамей хатига кўчириб ёзилган. Эрамизнинг VII асрида масоретлар (текстни сақловчилар) текстни яна қайтадан кўчириб ёзганлар ва бунда унлиларни ифодалаш учун ҳарфлар тагига ва устига аломатлар қўйганлар. Эрамиздан аввалги III асрда тавротнинг «Бешкитоб» деб аталган асосий қисми Мисрда грек тилига таржима қилинган. Бу таржима «Етмиш шарҳ таржимаси» деб аталган. Кейинчалик тавротнинг бошқа китоблари ҳам грек тилига таржима қилинган. Таврот текстини танқидий нуқтаи назардан ўрганмоқ учун, бу текстнинг сақланиб қолган ва асрлар давомида бир неча марта таҳрир қилиниб бузилган ҳамма нусхаларидан ҳамда ҳамма ривоятлар ва таржималардан фойдаланиш керак.

Иосиф Флавийнинг (эрамизнинг 37—100 йиллари) асарларида, асосан унинг «Яҳудиянинг қадим замонлари» деган асарида қадимги Исроил ва қадимги Яҳудия тарихига оид кимматли маълумотлар сақланган.

Аҳолиси


Энг қадим замонларда Фаластин территориясида яшаган қабилалар ҳақида таврот ривоятларида азалги ва мужмал маълумотларгина сақланиб қолган. Бу ривоятларнинг афсона эканлиги шундаки, энг қадимги қабилалар унда «заифлар» («соялар») деб аталади ёки, аксинча, жуда азамат ва басавлат полвонлар сифатида тасвирланади. Таврот ривоятларида бу қабилалар жойлашган районлар кўрсатилади ва у қабилаларнинг хаммаси қириб, йўқ қилиниб ташланган дейилади. Ҳар ҳолда, Фаластинда жуда қадим замонлардаёқ одамлар яшагани аниқ. Тирдан жануброқда, Ўрта денгиз кирғоқ бўйларида эгей кабиласи филистимлар (қадимги яҳудийча пелиштим) яшаган. Фалаестин (қадимги яҳудийча Пелешет, қадимги мисрликларча Пслесет) номи шу қабила номидан келиб чиққан. Фаластинда ва эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликларда қисман Сурияда яшаган энг қадимги семит қабилалари хана-

пей қабилалари бўлиб, буларнинг номи тавротда сақланган, бу қабилалар ўзлари яшаган бутун мамлакатни Ханаан (Миср ёзувларида па-Канан) деб атаганлар. Тавротда хананейлар Фаластиннинг туб аҳолиси деб кўрсатилади, қадимги яҳудийлар бу қабилалар билан узоқ вақтлар қаттиқ кураш олиб борганлар. Тавротда айтилишича, хананейлар асосан Фаластиннинг энг қадимги ва энг муҳим савдо шаҳарлари жойлашган шимолий қисмида яшаганлар. Бироқ, хананейлар ундан ҳам каттароқ территорияни эгаллаганлар деб ўйлаш мумкин, чунки Ханаан мамлакати (бобилча Кинаххи мамлакати) Миср ёзувларига кўра ҳам, Амарна архивидаги миххат билан ёзилган ҳужжатларга кўра ҳам бутун Фаластинни, хатто Финикия ва Сурияннинг Фаластинга ёндошган ўлкаларини ҳам ўз ичига олган. Аморийлар гарбий семит қабилаларининг алоҳида группасини ташкил қилади, улар қадим замонлардан бошлаб Сурия-Месопотамия чўлини, унинг воҳаларини, Ўрта Сурия, Ливан ва Антиливан ўлкаларини эгаллаганлар. Ниҳоят эрамиздан аввалги XV—XIV асрлардан бошлаб Фаластин ва Суриядa пайдо бўлган ва номлари Амарна хатларида айниқса кўп тилга олинадиган ҳабирий қабиласини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Бир қанча ҳужжатларга қарағанда, бу қабилалар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ Олд Осиёнинг баъзи ўлкаларида яшаганлар ва улар ғарбий семит қабилалари билан бир қаторда тилга олинади. Амарна хатларида айтилишича, хабирийлар Фаластинга босиб кирганлар ва ундаги шаҳарларни бирин-кетин ишғол қилганлар. Хабирий қабиласининг номи яҳудийлар (ибрим) қабиласининг Тавротдаги номи билан бир деб, шунингдек, қадимги мисрликлар «аперу» деб атаган пом ҳам шу хабирийнинг ўзи деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор: мисрликлар Янги Подшолик даврида Сурияга босқинчилик мақсадида қўшин тортиб борган вақтларида Фаластинда қўлга туширилган асирларни «аперу» деб атаганлар. Қадимги Фаластин аҳолисининг бундай хилма-хил қабиладан иборат бўлганлиги мамлакатнинг бир давлат бўлиб бирлашувига халақит берган ва истилочиларнинг бу мамлакатни бўйсундиришини осонлаштирган.

Эрамиздан аввалги III ва II минг йилликларда Ханаан мамлакати

Фаластин ва унга туташган Финикия ўлкалари гарчи ягона ва озми-кўпми мустаҳкам бир давлат бўлиб ташкил топмаган бўлса ҳам, у эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ муайян маданий-тарихий бирлашмадан иборат бўлган. Бу мамлакатда яшовчи хананейлар ўзига хос бир маданият вужудга келтирганлар, бу маданият Шумер, Бобил, Миср таъсири остида бўлган

Мисрликлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ Фаластинга бир неча марта қўшин тортиб келганлар, бу юришлар пировардида XVIII династия фиръавнларининг бутун мамлакатни тамомила истило қилиб, унда мустаҳкамланиб олиши билан тугаган. Мисрликлар эрамиздан аввалги XIV асрдаёқ бу мамлакатни Канаан деб атай бошлаганлар, бу эса мамлакатнинг анча кейинги номи Ханаанга тўғри келади. Уша вақтда Ханаанда аҳоли жуда зич яшаган, унда бир қанча шаҳарлар, поселениелар бўлган, бу ҳақда Миср ёзувларида маълумот бор. Бу шаҳарларнинг баъзилари яхшилаб қазилди ва натижада Ханаанда хўжалик ва маданиятнинг қай даражада тараққий қилганини аниқлаш мумкин бўлди.



Синхемдан топилган ханжар ва уроқсимон қилич.

Гаага музейи.

Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган. Тоғ ва чўлларда яшаган анча қолоқ баъзи қабилалар кўчманчи чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар, аммо водийларда, ҳосилдор пасттекисликларда ва қирғоқ бўйларида ханаанейлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ ўтроқ деҳқончиликка ўтганлар. Қазиларда утказилган қазишларга қараганда, кўпгина уй ҳайвонлари, чунончи, узун шохли ҳўкиз, қуй, эчки, эшак ва ит қулга ургатилган. Ханаанейлар арпа, тариқ, бугдой ва сули экканлар. Деҳқончилик техникаси ҳали бу вақтда



Тал-Байт-Мирсимда кейинги яҳудийлар замонидаги уй харобалари.

жуда содда бўлган. Ерни ишлашда мотига катта аҳамиятга эга бўлган, кейинроқ бориб мотига ўрнини аста-секин кўпол қилиб ишланган ибтидоий омоч ола бошлаган. Фаластинда ишлатилган энг қадимги омочнинг тасвири Гезердаги ғорлардан бирининг деворида сақланган. Экинни тиги чақмоқ тошдан қилинган жуда оддий уроқ билан ўрганлар. Жерардаги чақмоқтошдан ясалган 400 га яқин уроқ тиги топилди, бу энг қадимги уроқларнинг 80 га яқинини тиклаш имконини берди. Жуда содда қадимги омоч ва учи букилган уроқлар, дон янчишда ишлатилган тахталар жуда қадим замоннинг саркитлари сифатида Сурия дехкончилигида кейинги вақтларгача сақланиб келган. Дон хўжалиги билан бирга богдорчилик хам анча тараққий қилган. Қадимги Подшолик даврига оид Миср езувларида Фаластиннинг апжирзорлари ва токзорлари қайд қилинади. Учинчи минг йилликдаёқ бу ердаги жуда обод богларда анор ва зайтун дарахтлари барқ уриб ўсган. Шу даврлардан бошлаб мисрликлар Фаластиндан жуда кўп миқдорда зайтун мойи олиб кетадиган бўлганлар, бу эса Фаластинда зайтун дарахтлари етиштириш жуда ривожланганини кўрсатади. Узумчилик ва виночилик хам анча тараққий қилган. Қазишлар вақтида уша замон учун анча мукаммал ишланган мосламалар — мой тортишда хам, вино тортишда ҳам ишлатиладиган жувозларга ухшаш мосламалар топилди.

Фаластинда жуда қадим замонлардаёқ қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам анча тараққий қилган; қазилган шаҳарларнинг харобалари ва бу шаҳарлардан топилган турли хил ҳунармандчилик буюмлари бундан гувоҳлик беради. Турли хил биноларнинг қолдиқлари, шаҳар деворлари ва қалъа истеҳкомлари бу ерда ғишт ва бинокорлик тошлари ишлатишга асосланган қурилиш ишлари ва қалъа қурилишининг ривожланганлигини кўрсатади. Турли хил қуроллар ва асбобларни кўп замонлар давомида тошдан ясаганлар; Хассулдан топилган тош мотигалар, болталар ва йўниғичлар, шунингдек Жерардан топилган тош ўроқ тиғлари шуни кўрсатади. Иерихоннинг ханаанейлар қатламидан жуда кўп тош қуроллар топилган. Бироқ, замонлар ўтиши билан, тош ўрнини тобора кўпроқ металлургия эгаллай борган. Фаластиндаги кўпгина шаҳарларнинг харобаларидан мис ва бронзадан ясалган анчагина буюмлар топилган. Бет-Шан харобаларидан топилган ва эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарига оид бронзадан қилинган ханжарлар, болталар ва ҳайкалчалар шундай буюмлар жумласига киради. Фаластинда бронза эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг охирларидаёқ кенг кўламда ишлатила бошлаган деб фараз қилиш мумкин. Фаластинда эрамиздан аввалги XII—XI асрларда ялписига темирдан фойдалана бошланган. Жерар, Бет-Шемеш ва Гезер харобаларидан шу даврларга оид темир буюмлар топилган. Бу даврда темирдан фақат қуроллар эмас, балки асбоблар ҳам, чунончи, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асбоблар ҳам ясалган. Қазишлар вақтида топилган ҳар хил шаклдаги сопол идишлар Фаластинда керамика (кулолчилик) нинг анча тараққий қилганлигини кўрсатади. Ниҳоят, йигириш ва мата тўқиш катта ўрин тутган, бу касб қадимги мисрликларнинг зўр таъсири остида вужудга келган бўлса керак. Мата жундан ва зигир толасидан тўқилган. Рангдор, жимжималар ва турли хил расмлар билан безатилган чиройли маталар ва кийим-бошлар айниқса қиммат турган.

Эрамиздан аввалги XVIII асрда, яъни Мисрнинг Фаластин ва Суриядаги сиёсий таъсири бўшашгандан кейин, Ханаанинг савдо шаҳарларя озми-кўпми мустақил ривожланиш имкониятига эга бўлгандан сўнг, Ханаан маданияти гуллаб кетган. Ханаан ҳунармандчилиги учун энг характерли ва бадиий жиҳатдан юксак ишланган буюмлар Тал-Байт-Мирсимдан ва Мегиддодан топилган ва улар ўрта бронза даврига мансубдир. Булар ичида кулолчилик буюмлари, чинни буюмлар, металлдан ясалган буюмлар ва заргарлик буюмлари алоҳида ўрин тутади. Ханаан ҳунармандчилиги ва санъатининг шу хил

нодир буюмлари Гезер, Иерихон, Бет-Шемеш ва бошқа жойлардаги мақбаралардан ва ҳашаматли уйларнинг харобаларидан ҳам топилган.

Ўша замондаги ижтимоий тузумнинг алоҳида хусусиятларини кўрсатиб берадиган маълумотлар бизда жуда оз. Синфий табақаланиш анча кучли бўлган деб фақат фараз қилиш мумкин. Тал-Байт-Мирсимда гиксос қатламидаи ғиштдан қурилган битта катта зал ва бир неча хонадан иборат уйнинг қолдиқлари топилган эди. Таанах ва Мегиддо харобаларидан топилган ва «тўраларнинг уйлари» деб ном олган биноларанча кейинги даврга мансубдир. Ҳажми анча катта бўлган бу иморатлар бой кишиларга қарашли бўлган бўлса керак.

Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаги Фаластин шаҳарлари мамлакатни Сурия ва Финикия шаҳарлари билан, Ўрта денгиз қирғоқ бўйлари, Сурия чўли ва Миср билан боғлайдиган муҳим савдо йўллари устида бўлган. Мисрдан бошланиб, Фаластин ва Сурияни кесиб ўтган йўл савдо-сотиқ ишларида муҳим ўрин тутган. Карвон савдоси жуда ҳам тараққий этган. Фаластиндан ташқарига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: галла, мева, мум, зигир, кўн ва жун, шу билан бирга, ҳунармандчилик буюмлари ҳам чиқарилган. Ханаанга кўплаб Микен идишлари келтирилган, булар эвазига ташқарига қизил тўқима, ҳунармандчилик маҳсулотлари, дон ва мирра чиқарилган.

Эрамиздан, аввалги XVIII—XVI асрларда Ханаан маданияти, жумладан, ҳунармандчилик маҳсулоти ва санъати тушкунликка юз тутади, буни кулолчилик буюмларининг сифати хийла пасайганлиги яққол кўрсатади. Бунга Миср истилочиларининг зулми, шунингдек, чет эл қабилаларининг, яъни семит қабилалари ва Ўрта денгиз қирғоқ бўйларида яшовчи қабилаларнинг бостириб кирганлиги сабаб бўлган бўлса керак.

Қадимги яхудий қабилаларининг Фаластинни истило қилиши

Ҳабирий қабилалари (қадимги яхудий қабилаларининг ота-боболари) Фаластинда ва унга қўшни мамлакатларда эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида пайдо бўлганлар. Фаластиннинг қадимги яхудий қабилалари истило қилганлиги ҳақидаги сўнгги эсдаликлар таврот афсоналарида сақланиб қолган. Маҳаллий хананей қабилалари Исроил ва яхудий қабилаларига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Фаластин қирғоқ бўйларининг яхудийлар яшаган ўлкаларга ёндошган жануб қисмида жойлашган филистимларга қарши қадимги яхудий қабилалари олиб борган кураш айниқса қаттиқ бўлган ва узоқ вақт давом этган. Фаластиннинг турли жойларида ўтказилган жуда кўп қазишлар «Филистим маданияти» деб аталган маданиятни ўрганишга

имкон беради. Филистимлар Сурия ва Фаластинда эрамиздан аввалги XII асрда пайдо бўлган бўлсалар керак. Улар Кармил тоғидан жануброкда, кирғоқ бўйидаги унумдор текисликни босиб олганлар. Мамлакатнинг шу қабила номи билан Фаластин деб аталиши ҳам филистим қабилаларининг анча катта-катта районларни колонизация қилиб, унда мустаҳкам ўрнашиб олганлигини кўрсатади.

Филистимлар эгей қабилалари группасига мансуб бўлиб, улар Миср ёзувларида «денгиз халқлари» деб аталади. Эгейларга мансуб бошқа қабилалар каби филистимлар ҳам темирдан кенг суратда фойдаланганлар. Фаластинда темир металлургиясининг кенг ейилишига худди филистимлар сабабчи бўлган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Филистимларнинг ғорлари қазилганда ундан ҳар хил темир буюмлар, жумладан, қурол-яроғлар топилган. Қадимги яҳудийларни даҳшатга солган афсонавий паҳлавон Голиафнинг темирдан ясалган яроғлари тавротда муфассал тасвир қилинган.

Фаластиннинг истило қилинганлиги ҳақидаги қадимги қиссаларда қаҳрамонлик достонидан хотиралар сақланиб қолган, бу достонда афсонавий қаҳрамонлар, масалан, Самсон образи ёрқин тасвир этилган; Самсоннинг номи (Шиммшон — «Қуёш эр») қадимги замонда Фаластинда қуёш (Шемеш)га эътиқод қилинганлигини кўрсатади. Бобил қаҳрамони Гильгамеш образини эслатадиган қадимги қаҳрамонлар тўғрисидаги афсонавий қиссалар вужудга келган. Бу афсоналар қадимги яҳудийларнинг Фаластинни эгаллаш учун олиб борган курашлари билан боғлиқ бўлган баъзи бир тарихий фактларга асосланган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ тавротдаги бу қиссаларнинг ҳаммаси ҳам анча кейин адабий жиҳатдан ишланиш натижасида афсонавий ва романтик формаларда берилган. Тавротнинг фақат айрим қисмларидагина, масалан, «Дебора ояти»да қадимги яҳудий қабилаларнинг Фаластинни бирлаштириш ва ягона давлат ташкил этиш учун хананейларга қарши олиб борган қаттиқ кураши тўғрисидаги энг қадимги хотиралар сақланиб қолган.

Хужаликнинг ривожланиши ва ижтимоий тузум

Фаластиннинг жанубий қисмида ва Иордан дарёсидан шарқ томондаги тоғли ўлкаларда яшаган қадимги қабилалар сингари, яҳудий қабилалари ҳам эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда Фаластинда узоқ вақт давомида кўчманчи чорвадорлик ҳаёти кечирганлар. Синай ярим оролида, араб чўлларида ва жанубий Фаластинда яшаган бу қабилалар билан тез-тез тўқнашиб турган мисрликлар бу қабилаларни маданий жиҳатдан қолоқ ҳисоблаб, уларни назар-писанд қилмаганлар. Миср ёзувларида ва мисрликларнинг Сурияга

қилган саёҳатлари ҳақидаги тасвирларда бу қабилаларнинг ҳаёти жуда примитив булганлиги айтилади. Миср тилида «кучманчи чодири» деган маънони билдирадиган «ихер» сузи семитларнинг «ахел» сузига жуда мос келади. Демак, мисрликлар кучманчи чодири ҳақидаги тасаввурни Олд Осиёдан олганлар. Шундай килиб, кучманчи чодирини билдирадиган бу сузни мисрликлар уша даврда Осиёда кучманчи чорвадорлик ҳаёти кечирган қабилалардан олган булишлари керак. Қадимги яҳудийлар тилида учрайдиган баъзи бир типик сузлар ҳам шуни курсатади. Масалан, кадимги яҳудийлар «уйга қайтамиз» дейиш ўрнига «чодиримизга қайтамиз» деганлар. Агар «жупаймиз» демоқчи булсалар, бунинг ўрнига «чодир қозиқларини сугурамиз» деганлар, «уларнинг қозиклари сугурилиб кетган» деган сўз улиб кетган кишилар ҳақида гап боратганини англатган. «Йул» сўзи «ҳаёт кечириш, юриш-туриш» маъносини англатган. «Яйлов» сузи «турар жой» деган маънода ҳам ишлатилган.

Фаластиндаги кучманчи қабилалар кунроқ майда чорва: қўй, хусусан, думли қўйлар ва узун жунли эчкилар боққанлар. Таврогда: «Сенинг хизматкорларинг — майда чорва боқувчилардир: бу бизнинг касбимиз, ота касбимиздир» дейилади. Гушт, сут, жун ва тери чорвачиликнинг асосий маҳсулоти булган. Жундан кийимликлар, чодирлар учун қалин маталар тукилган. Теридан вино, сув ва сут сақлаш учун мешлар тикканлар. Кучқор шохларидан ёғ идишлари ясаганлар. Қурбонликка майда чорва ишлатганликлари ҳам майда чорванинг кенг тарқалганлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, йирик қорамолларнинг турли насллари булгани ҳам маълум. Эшак ва хачирлардан юк ташишда фойдаланганлар. Таврогда айрим бойларнинг катта-катта подалари булганлиги кўрсатилади. Набалнинг яҳудия тоғида 3 минг бош майда чорваси булган. Любнинг 7 минг бош майда чорваси, 3 минг бош туяси, 500 жуфт қуш ҳўкизи ва 500 уруғочи эшаги булган; Моава подшоси Меша Исроилга 100 минг қузи ва 100 минг қўйнинг жунини хирож учун тулаган.

Катта-катта уруғ-қабила группалари Фаластиида узоқ вақтлар давомида кучманчи, чорвадорлик ҳаёти кечирганлар, аммо ҳар бир группанинг қатъий белгилаб қўйилган уз яйловлари булган. Агар уруғ-қабила группалари жуда кўпайиб кетиб, подаларига яйлов етишмай колгуидай булса, улар бир неча қисмга булинган. Исҳоқнинг Ёқубдан ажралиб чиққани тавротда образли қилиб тасвирланган, «чунки уларнинг мол-мулки шу қадар кўп булганки, улар биргаликда яшай олмаганлар, уларнинг подалари шу қадар кўп булганки, кучиб юрган ерларига сиғишмай қолган».

Табиий шароитнинг қулайлиги, хусусан, ернинг унумдорлиги ва дарёларнинг мавжудлиги Фаластиннинг турли районларида деҳқончиликнинг илк вужудга келишига сабаб бўлган. Бу ерларда буғдой ва арпа ёввойи ҳолда ўсган, бу ўсимликлар жуда қадим замонлардаёқ маҳаллий иқлимга мувофиқлаштирилган. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда шимолий Фаластинга (ёки Сурияга туташган ўлкага) қочиб борган Синухет деган бир мисрлик зодагон бу деҳқончилик мамлакатининг бойликларини бундай деб тасвирлайди: «бунда анжир ва узум сероб, вино сувдан ҳам кўп, асал тўлиб-тошиб ётибди, зайтун ва бошқа ҳар хил мевали дарахтлар жуда мўл бўлган. Унда буғдой ҳам, арпа ҳам бор, турли-туман чорванинг эса ҳисоби йўқ». Табиийки, қадимги яҳудий қабилалари, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ ўзларидан олдин ўтган хананей қабилаларининг деҳқончилик ишларидаги бурунги бой тажрибаларидан фойдаланганлар. Дон экинларидан асосан буғдой ва арпа экканлар, полба (буғдойсимон экин) экилган бўлса ҳам, унчалик муҳим ўрин тутмаган. Бундан ташқари, ясмиқ, ловия ҳамда сабзавотнинг баъзи хиллари ва хашак ўтлар ҳам маълум бўлган.

Деҳқончилик қуроллари узоқ вақтгача соддалигича қолаверган. Боғларда, токзорларда, тикка тоғ ёнбағирларида, хуллас, плуг ишлатиш мумкин бўлмаган жойларда ерни ибтидоий мотига билан ишлаганлар, бундай мотига Тал-Жеммада ўтказилган қазиш вақтида топилган. Одатда ерни жуда содда плуг (омоч)га бир жуфт ҳўкиз, камдан-кам эшак ёки хачир қўшиб ҳайдаганлар. Фақат Саул замонидан бошлаб (эрамиздан аввалги XI асрда) темир тиш ишлатила бошланган. Дон сениш учун плугга махсус воронка бириктириб қўйилган, шунга қўра улар бу содда плугнинг намуналарини Месопотамиядан олган бўлсалар керак деб ҳукм қилиш мумкин. Ерлар етарли даражада сугорилмаганлиги, ўғит ишлатилмаганлиги, экишга яроқли тупроқ қатламининг юпқалиги, деҳқончилик қуролларининг жуда содда бўлганлиги сабабли кўпинча ҳосил бўлмай қолган, бунинг натижасида қимматчилик, очарчилик юз берган ва қимматбаҳо донни қўшни мамлакатлардан келтиришга мажбур бўлганлар. Сам-30 миқдоридан ортиқ ҳосил камдан-кам олинган. Одатда сам-10 ёки сам-15 миқдорида ҳосил олганлар.

Боғдорчилик ва токзорчилик жуда кенг тарқалган. Токзорлар, анжирзорлар ва зайтунзорлар айниқса кўп бўлган. Анор ва хурмо кам бўлган. Фаластинда зайтун дарахти жуда қадрли бўлиб, ундан ғоят қимматли зайтун мойи олинган. Зайтун мойини овқатга, ёритишга, косметика воситалари ва

дориворларга ишлатганлар. Зайтун мойини чет мамлакатларга хам элтиб сотганлар. Узумчилик ва вино пишириш хам жуда тараккий килган. Фаластин узуми узининг яхши сифати билан донг чикаргани. Баъзан ток ёки бир бош узум сурати солинган кадимги яхудий пуллари учрайди, афтидан булар Яхудиянинг эмблемаси хисобланган булса керак. «Гезердан топилган календарь» деб аталувчи хужжат хам кадимги Фаластинда деххончиликнинг кенг ёйилганини ва катта ахамиятга эга бўлганини кўрсатади, бу календарь текстида деххончиликдаги хар хил ишлар номи билан аталган ойлар санаб кўрсатилган. Бу парча (мактаб машклари булса керак) эрамиздан аввалги X асрга мансубдир. Бу календарда: ўрим (ёки хосилни, балки зайтун хосилини йиғиб олиш) ойи, дон экиш ойи, кечки экиш ойи, эгирни ўриб-териб олиш ойи, арпани ўриб-териб олиш ойи, (бошка хамма дон экинларини) ўриш ойи ва бунга мувофик байрам, хомток килиш ойи, ёзги мевалар ойи кўрсатилган.

Фаластиннинг ўз махаллий хом ашёси кам булганлиги хунармандчиликнинг ривожланишига халакит берган. Хом ашёнинг асосий турлари тош билан гил булган. Руда эса камдан-кам учрайди ёгоч хам етарли бўлмаган. Шу сабабдан хом ашёнинг баъзи турларини кушни мамлакатлардан келтиришга тўғри келган. Фаластиннинг хунармандчилик ишлаб чикариши кадим замонларданок чет элларнинг кучли таъсири остида тараккий килган. Буни Миср, Эгей, Сурия-Хетт ёки Осурия таъсирида килинган жуда кўп буюмлар топилганлиги тасдиклайди. Хатто X асрда хам Исроил-Яхудия подшолари мохир усталарни кўшни мамлакатлардан чакириб келтиришга мажбур бўлганлар. Бироқ мамлакатнинг умумий хўжалик хаёти системасида хунармандчилик ишлаб чикариши мухим ўрин тутган Бу соҳада хийла ихтисосланиш пайдо бўлган. Ишлаб чикаришнинг айрим турлари билан алоҳида райолар шугулланган (Тал-Байт-Мирсимда ип йигиргаилар) ёки катта шахарларда, масалан, Куддусда айрим махаллалар ишлаб чикаришнинг маълум бир хили билан шугулланган. Ихтисослашган катта устахоналар (ёгочсозлик, ғишт пиширш, кулоллик) давлат хокимияти кўлида бўлган.

Тоштарошлик ишининг ривожланганлигини кадимги шахарларнинг харобаларида сакланиб колган деворларнинг тошдан терилган пастки катламларига караб хукм килиш мумкин. Металлургия мухим ахамиятга эга бўлган. Мис жуда кадим замонлардан маълум бўлган металлдир. Эрамиздан аввалги XII асрдан бошлаб темир кенг кўламда ишлатилган, улар темирни филистимлардан кўриб ишлага бошлаган бул-

салар керак. Тал-Байт-Мирсимда филистимлар даврига оид архаик қатламдан темир ўроқ билан темир плуг топилган. Тал-ал-Фардаги филистимлар мақбараларида темир билагузуклар, узуклар ва ханжар топилган. Жерар, Бет-Шемеш, Гезер ва бошқа қадимги поселениелардан турли темир буюмлар топилган. Тал-Жеммада ўтказилган қазишларда темир эритадиган ўчоқларнинг қолдиқлари топилди.

Қадимги яҳудийларнинг кўчманчи қабилалари узоқ замонлар давомида уруғчилик тузуми шароитида яшаганлар. Асосий ижтимоий ячейка бўлган уруг (мишпаха) мустақил яшаган, бир жойдан иккинчи жойга бутун уруг бир бўлиб кўчган, урушганда бутун уруғ бир бўлиб урушган ва қонқардошлик асосида ташкил топган. Қадимги одатга кўра, бир уруғдан ўлдирилган киши учун бутун уруғ хун олишга мажбур бўлган, фақат кейинчалик бу одат ўзгариб, хун олиш ўлдирилганнинг энг яқин қариндошларидан бирининг вазифаси бўлиб қолган. Ер ва қуллар бутун уруғнинг умумий мулки бўлган. Уруғга доир умумий ишлар ҳамма уруг аъзоларининг умумий кенгашида муҳокама қилинган, кенгаш аъзоларининг ҳаммаси тенг ҳуқуқли бўлган. Уругнинг барча аъзолари томонидан сайланадиган оқсоқол уругга бошчилик қилган. Уругларнинг алоҳида дипий байрамлари ва ҳар қайси уруғнинг алоҳида хилхонаси (мозори) бўлган. Иброҳим (Авраам) уруғ мозори қилмоқ учун хеттлардан Махпела горини сотиб олганлиги тавротда ҳикоя қилинади.

Қадимги яхудий қабилаларида кўп вақтлар мобайнида матриархат даврининг сарқитлари сақланиб келган. Болага исм қўйиш ҳуқуқи шубҳасиз онада бўлган, шу тариқа она болани ўз уруғи группасига қўшиб олган. Энг қадим замонларда хотин ва болалар она уруги ва она оиласида қолар экан. Шунинг учун чодир хотиннинг мулки ҳисобланиб, эр «ич куёв» бўлиб кирар экан.

Бу она ҳуқуқининг сарқитлари ўгил қилиб олиш одатларида, сеҳрий қаргишларда ва махсус сўзлар ишлатишида сақланиб қолган. «Рехем» (она қорни) сўзи «авлод» маъносини англатган. «эм» (она) сўзидан келиб чиққан, «умма»[1] сўзи «уруг» маъносини билдирган. Мамлакат ва шаҳарлар номига «она» сўзи қўшилиб айтилган. Мамлакат умуман «Исроил онаси» деб аталган.

Бироқ биз ўрганаётган даврда матриархатдан сарқитларгина сақланиб қолган. Бу даврда ота ҳуқуқлари она ҳуқуқла-

[1] белгиси қадимги яҳудийларнинг «а» ҳарфини ифодалаш учун ишлатилади.

рини сиқиб чиқаради. Энди патриархал оила ташкил топади ва мустаҳкамланади. Бу даврда ҳамма кавбагаллар ўз уруғ бошлиқларидан тарқалган катта оилалар ҳисобланади. Масалан, осурилар — Осурдан, ханаонйлар — Ханаандан, исроилликлар — Исроилдан тарқалган деб ҳисобланади. Мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий ячейка «Ота уйи» (байти-аб) дир, бу тушунча қадимги бобиллиқларнинг худди «ота уйи» маъносида ишлатилган «бит-абия» терминига ўхшайди.

Айбдорни қабила даргоҳидан қувиб юбориш жазосининг қўлланилгани ҳам қадимги уруғчилик алоқаларининг мустаҳкамлигини кўрсатади. Бу даврга хос бўлган шу жазо чорасига кўра, қувгин қилинган одам ўз уруғ аъзоларининг кўмак ва ёрдамидан маҳрум бўлган. Тавротда сақланиб қолган тенг қасос қонуни («оёқ синдирганнинг оёгини синдириш, қонга-қон, жонга-жон қонуни) қадимги расм-одат ҳуқуқининг шубҳасиз сарқитидир.

Қадимги Фаластин қабилаларидаги оилаларда ҳам кўп хотин олиш, тўнғичлик ҳуқуқи ва левират расм бўлган; шунинг учун бу қабилаларнинг патриархал турмуши қадимги Шарқда яшаган бошқа қабила ва халқларнинг ҳам патриархал ҳаётига жуда ўхшайди дейиш мумкин. Қулдор ўз қулларига нисбатан қандай ҳуқуққа эга бўлса, бу замонда ота ҳам ўз болаларига нисбатан шундай ҳуқуқларга эга бўлган. Болаларни қул қилиб сотиш одати бир қанча вақтларгача сақланиб келган. Бу одат қонунда ҳам ёзиб қўйилган. Бунинг устига: ота истаса ўз боласини, хатто неварасини ҳам ўлдира олган. Тавротда шундай бир ҳикоя сақланиб қолган, унда оила бошлигининг ўз келинини ўтга ташлаб куйдиришга қарор қилгани тасвирланади. Эрнинг хотинга нисбатан ҳуқуқи катта бўлиб, у хотиннинг «хўжайини» деб аталган. Қаллиғ учун қизнинг отасига ёки ака-укаларига алоҳида тўлов (қалин) берилган, бу тўлов «моҳар» деб аталган.

Оилада тўнғич ўғилга имтиёзли ҳуқуқ беришлиги бу патриархал оиланинг мустаҳкамланишига айниқса ёрдам қилган. Тўнғич ўғил катта ҳисса, яъни икки ҳисса мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу одат бойликнинг бир киши қўлида тўпланиб, шу билан патриархал оиланинг мустаҳкамланишига сабаб бўлганлиги жуда табиийдир. Шу тариқа катта патриархал оила ичида мулкий табақаланиш ва социал тенгсизлик кучайган. Жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, кўп асрлар давомида турмушда сақланиб келган яна бошқа бир одат ҳам бойликнинг бир киши қўлида тўпланишига ёрдам берган. Бу одат левират деб аталади. Левират одатига кўра, оилада бева қолган хотин ўз эрининг акаси ёки укасига эрга чиқиши лозим бўлган.

Қўчманчи чорвачиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтиш жамоа ер эгалигининг ўрнатилиши билан маҳкам боғланган. Қадимги Фаластинда жамоа жуда аниқ бир формада бўлган. Ҳар бир жамоанинг ўз бошлиғи (паси) ва ўз коҳини (левит) бўлган. Жамоа аъзолари бир-бирлари билан умумий кафиллик воситасила боғланган ва қарздорлик орқасида асир бўлиб қолган ҳамқишлоқларини бутун жамоа бир бўлиб асоратдан қутқариб олишга мажбур бўлган. Давлатнинг мажбурий хизматларини ўташ нарядлари жамоалар бўйича тақсимланган. Дастлабки жамоа мулкчилиги баъзи жойларда то подшолик давригача сақланиб келган. Ерни чек ташлаб, махсус арғамчи билан ўлчаб берилгани ҳақида тавротда гапирилади. Эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ жамоа ерлари вақт-вақти билан қайтадан бўлиб бериладиган бўлган. Михей пайғамбар китобида: «сенинг ерингни ташланган чекка мувофиқ аргамчи билан ўлчамайдилар» деган сўзлар бор. Жамоага оид ишлар «жамоа йиғини» да кўрилган; қотил билан «хун талаб қилувчи» ўртасидаги низолар шу йиғинда кўрилган. Ниҳоят, алоҳида диний урф-одатларни биргаликда ижро қилувчи жамоа аъзолари ҳаммаси бир бўлиб жиноятчини жазолашга мажбур бўлганлар.

Қулчилик қадимги Шаркнинг бошқа мамлакатларида қандай сабабларга кўра ва қандай формаларда вужудга келган бўлса, қадимги Фаластинда ҳам худди шундай сабабларга кўра ва шундай формаларда пайдо бўлган. Деҳқончилик хўжалигида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, ҳунармандчиликнинг ривожланиши қўшимча меҳнатни эксплуатация қилиш йўли билан ишловчилар сонини кўпайтиришни зарур қилиб қўйган. Ишчи кучи зарур бўлиб қолганда қуллар сотиб олганлар. Уй қулчилиги патриархал оила ичида юзага келган. Қарзини тўлашга қурби етмаган қарздорлар қулларга айлантирилган. Урушлар қулчиликнинг асосий манбаи бўлиб, мамлакатда қулларнинг сонини кўпайтирган.

Баъзи буржуа тарихчилари фаластиндаги қулларнинг аҳволини идеаллаштириб, унда фақат чўриларгина каттиқ эксплуатация қилинар эди, дейдилар. Бундай қараш, албатта, нотўғри. Биламизки, қадимги Фаластинда қулчилик жуда кенг таркалган. Бунинг таъсири тавротда ҳам сақланиб қолган. Қадимги яҳудийлар Ханаанни истило қилиб, бўйсундирилган қабилаларни баъзи жойларда давлат кулларига айлантиргаилар. Жуда кўп қуллар ибодатхона хўжаликларида ишлаган. Масалан, Қуддус ибодатхонасида «сунпат қилинмаган қуллар» ишлаган. Булар кўпроқ асир тушган чет элликлар бўлган. Катта ер эгаларининг хўжаликларидаги ишларни асосан қуллар бажарган. Саул шаҳзодасига қарашли поместьеда

ҳам қуллар ишлаган. Набалга карашли катта чорвачилик хўжалигида ҳам қуллар (неаарим) ишлаган. Қулларнинг дала ишларини бажарганликлари ва пода боққанликлари ҳақида тавротда кўп гапирилади. Ўрмон хўжалигида ҳам қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Қуллар энг оғир жисмоний ишларни бажарганлар, жумладан, улар тегирмон тошларини айлантирганлар. Қуллар бойликнинг энг муҳим тури ҳисобланган, шу билан бирга, қулларни жонли мулк ҳисоблаб, уларни одатда мол қатори кўрганлар. Иброҳимнинг молмулки устида тавротда гапирилар экан, унинг: «Майда чорваси ва қорамоли, эшаклари ва қуллари, чўрилари ҳамда ургочи эшаклари ва туялари ҳам бор эди» деб санаб ўтилади.

Қарздорлик орқасида асоратга тушган одамлар кўпинча қулга айлантирилган. Мулкий табақаланиш эркин жамоа аъзоларидан бир қисмининг хонавайрон бўлиб кетишига сабаб бўлган, чунки улар чек ерларидан ажраб, бойлар асоратига тушганлар ва шу тариқа секин-аста қулга айланиб борганлар. Тавротнинг Эрон даврини тасвир этган баъзи парчаларида қадимги Фаластинда қулдорликнинг авж олганлиги жуда ёркин характерлаб берилган: «Халойиқ ва хотинхалажлар ўз биродарлари яҳудийлар дастидан гоят зўр талаънга ва дод-фарёдга келди. Баъзилар: «биз, ўғилларимиз ҳам, қизларимиз ҳам, жуда кўпчиликмиз, шунинг учун биз нон топиб қорнимизни тўйгазишни ва ҳаёт кечиришни истаймиз» десалар, баъзилар: «нон топиб сўниш ва очлик гирдобидан қутулиш учун экин майдонларимизни, узумзор боғларимизни, ҳатто ҳовли-жойларимизни ҳам гаровга қўймоқдамиз» деб нола қилар эдилар. Яна баъзилар фигони фалакка чиқиб, «подшога ўлпон тўламоқ учун экинзорларимизни ҳам, узумзорларимизни ҳам гаровга қўйиб, қарзга кумуш олмоқдамиз; биз ҳам ўша биродарларимиздек одамларимиз-ку, ахир, бизнинг ўғилларимиз ҳам, уларнинг ўғилларига ўхшаган болалар-ку, шундай бўлса ҳам бизлар ўз ўғил ва қизларимизни қулликка беришимиз керак» десалар, баъзи бирлари: «хотинларимиз қулликка тушиб азобда қолди, уларни қутқариб олмоқ учун бизнинг ҳеч қандай имконимиз йўқ. Экинзорларимиз ҳам, узумзорларимиз ҳам бировларнинг қўлига ўтиб кетди» деб нола қилади».

Бинобарин, бойлар қўлига фақат ҳамма мол-мулк, барча экин ерларигина тушиб қолмаган. Аристократлар камбағалларни асоратга солганлар, уларни қулларга айлантирганлар, бу парса эса, сўзсиз, ижтимоий муносабатларни жуда кескинлаштириб юбориши керак эди. Тобора кучайиб, кенг кулоч отиб бораётган бу қулчилик конунларда ҳам акс этган. Бироқ қонунларда қулчиликни юридик жиҳатдан маълум

муддатлар билан чеклаб қўйган моддалари бўлса ҳам, улар ҳақиқий тарихий аҳволни тула равишда акс эттирган деб бўлмайди. Баъзи қонунларда айтилишича, қулликка тушган яҳудий олти йил ишлаб, еттинчи йилга ўтган, озод қилиниши лозим бўлган; бу ҳол қулчилик формасини бирмунча юмшатган, албатта. Аммо қонун тузувчи бу гапларнинг кетидаиоқ шу модданинг юридик кучини бўшаштирадиган, яъни қулдорга қулни анча узоқ муддат ушлаб қолиш имкониятини берадиган шарт-писанда қўшиб қўяди. Бу шарт-писанда, қулни агар у рози бўлса судья олдига олиб бориб, уни эшикка ёки кесаки ёнига тургазиб, қулоғини бигиз билан тешишга рухсат берган, бундан кейин у то ўла-ўлгунча ўз хўжайинининг кули бўлиб қолган. Синфий қонун ҳаммавақт қулдорнинг манфаатини кўриқлаб келган. Масалан, агар қул хўжайинидан калтак еб ўлиб қолса, бу ҳолда қонун жуда умумий гаплар билапгина мужмал бир тарзда «ўчи олинмоғи керак» деб қўя қолган. Агар қул калтаклангандан кейин бир ёки икки кун давомида ўлим талвасасида ётадиган бўлса, «у ҳолда унга (яъни хўжайинга — *В. А.*) жазо берилмаслиги керак, чунки бу (яъни қул) унинг кумушидир». Шундай қилиб, қулдан маҳрум бўлишнинг ўзи қулдор учун катта жазо, деб ҳисобланган.

Ер эгалиги

Фаластинда эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдан бошлаб кўчманчи ва ўтроқ деҳқон қабилалари яшаган. Фаластинга қўшни бўлган маданий давлатлар, чунончи, Миср бундаги деҳқон хўжалигининг янада тараққий қилишига, савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига ва шаҳарларнинг ўсишига таъсир кўрсатган. Лекин шу билан бир вақтда, Арабистондан ва Сурия-Месопотамия чўлларидан кўчманчи қабилалар келиб, Фаластинга тез-тез хужум қилиб турганлар. Хабирийлар ана шундай кўчманчи қабилалардан бўлган. Худди шу сабабдан Фаластинда «...бу кабилаларнинг ўтроқ қисми билан кучманчиликни давом эттириб келаётган бошқа қисми ўртасидаги умумий писбат»[1] махкам сақланиб қолган. Бу тўғрида Маркс 1853 йил 2 июндаги хатида Энгельсга ёзган эди.

Фаластиннинг то Синай ярим оролигача чўзилган жанубий қисмида жойлашган кенит қабилалари Негеб чўлларида ўз подалари билан кўчиб юрганлар. Бутун Яҳудияда ва хатто Улик денгизнинг шимоли-гарб томонидаги Бинёмин ўлкасида ҳам эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдаёқ маданий жиҳатдан қолоқ кўчманчилар яшаган. «Бинёмин» («бене-йамина — «жануб фарзандлари») деган номнинг ўзи Маридан топилган ва эрамиздан аввалги иккинчи минг

[1] *К. Маркс* ва *Ф. Энгельс*, Танланган хатлар, 73-бет.

йилликка оид бўлган аккад ёзувларида учрайди; афтидан, бу ном, Сурия-Месопотамия чўлларида яшаган қабилалар группасига мансуб кўчманчи жанубий семит қабиласининг номи бўлса керак. Тавротда Бинёмин қабиласи (бўғини) эрта билан дарвандалар овлаб, кечаси эса ўлжани бўлишиб оладиган «йиртқич бўри»га ўхшатилади.

Бироқ деҳқончилик билан машғул бўлган ўтроқ қабилалар замон ўтиши билан Фаластинда тобора маҳкамроқ ўрнашиб қола берган. Уруғчилик тузуми бузилиб, жамоа тузуми вужудга кела бошлаган даврда ердан жамоа бўлиб фойдаланганлар. Эрамиздан аввалги VIII асрда ҳам ер участкалари (улуш ерлар) жамоа аъзолари ўртасида чек ташлаб бўлиниб берилган. Савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг умуман ўсиши ва мулкий табақаланишнинг бошланиши туфайли, жамоа тузуми шу вақтдан эътиборан бузила бошлайди. Жамоаларда қўшни қабилаларнинг ерларини босиб олиш ҳисобига бойлик орттирувчи аристократия пайдо бўлади. Исроилликлар Ханаанни истило қилиб, хананейларни ўзларига «улпон тўловчи» қилиб қўйганлар деган гаплар тавротнинг кўп жойида учрайди. Катта мулкдорларнинг бойиши билан жамоанинг камбағал аъзолари хонавайрон бўлиб борган. «Жамоа чек ери» (хелек) деган сўз пул бараварига сотиб олиш мумкин бўлган ер участкаси маъносида ишлатилган. Иброхимнинг 400 кумуш шекелга «ҳам ғори, ҳам барча дарахтлари билан ер майдони» сотиб олганлиги тавротда ҳикоя қилинади. Бу ҳикоянинг тексти ҳужжат формасида ёзилган, шунга қараганда, бу текст ер участкасини сотиш ҳақида тузилган шартномадан олинган бўлса керак. Қадимги яҳудий подшоликлари пайдо бўлаётган даврда хусусий ер эгалиги шу қадар мустаҳкам бўлганки, ҳатто подшолар ҳам шаҳар қурмоқ учун лозим бўлган ерларни хусусий кишилардан сотиб олишга мажбур бўлганлар. Кунларнинг бирида подшо Ахоз Набот деган одамга қарашли ерни мусодара қилган экан, подшонинг бу узбошимчалиги жиноят деб топилиб, Яҳве худонинг ғазабига сабаб бўлган экан.

Шундай қилиб, жамоа ер эгалиги билан бир қаторда хусусий ер эгалиги ҳам ўрнатилади. Жуда кўп ер-сув подшо бошлиқ юқори аристократия қўлига ўтади. Уруш орқасида қўшни территорияларни босиб олиш, ерлар сотиб олиш, жамоаларга қарашли ерларни тортиб олиш натижасида подшолар қўлида катта ер фондлари пайдо бўлади. Тавротга кирадиган тарихий китоблардан бирининг автори подшонинг ҳуқуқлари ҳақида гапирар экан, унинг жамоага қарашли ерларни тортиб олишга ҳақи борлигини айтади: «Сизларнинг

энг яхши экин майдонларингизни хам, узумзорларингизни ҳам, зайтунзорларингизни ҳам олиб, уз хизматкорларига улашиб беради». Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, қадимги Фаластинда ҳам подшолар ерларни аристократларга ва аскарларга улашиб берган бўлсалар керак. Исроилликларнинг биринчи подшоси бўлмиш Саул қулдорларга «экин майдонлари ва узумзорлар улашиб бериб, қулдорларни 1000 ва 100 устидан бошлиқ қилиб қўйган». Булар билан бир каторда ўрта ва майда ер эгалари ҳам бўлган.

Бой аъёнлар, амалдорлар, катта ер эгалари ва коҳинлар ҳукмдор синфни, қулдорлар аристократиясини ташкил қилган, уларга қарама-қарши равишда қуллар ва камбағаллар ҳамда «кўчиб келганлар» (герим) турган, «кўчиб келганлар» чет элликлар бўлиб, шаҳарларга келиб жойлашган ва ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шугулланган, аслда улар деярли ҳеч қандай ҳуқуқсиз ёт одамлар бўлган. Аҳолининг эркин ўрта қатлами «ерли халқи» (амгаарец) деб аталган, улар асосан деҳқонлар ва ҳунармандлардан иборат бўлган.

Исроил подшолигининг ташкил топиши

Урушлар ҳамда айирбошлаш савдосининг ривожланиб кетиши уруғдошлик муносабатларининг емирилишига ёрдам берди. Айрим уруғ бошлиқлари ва оқсоқолларининг бойиб кетиши ва жамоалардаги камбағалларнинг хонавайрон бўлиши мулкий ва синфий жиҳатдан кескин суратда табақаланишга олиб келди. Уруғдошлик тузуми емирила бошлаган даврда уруғ аристократиясини ташкил этувчи қабила йўлбошчилари ва оқсоқолларини кудратлилар, оқсуяклар деб, «князлар» ёки «бошликлар» деб атаганлар. Улар қўшинларга бош бўлганлар ва судли жанжалларни ҳал қилганлар. Оксоколларнинг ҳассаси ва ҳаттотларнинг қалами улар қўлидаги ҳокимиятнинг аломати бўлган. Қадимги ривоятларда энг қадимги қабила йўлбошчиларининг судьялик вазифалари айниқса уқдириб кўрсатилган. Қадимги Фаластинда «судьялар» (шофет) деб аталмиш йўлбошчилар ҳокимияти, худди ўшандай тараққиёт боскичида турган бошқа қадимги мамлакатлардаги сингари, подшо ҳокимиятидан олдин ўтган ҳокимиятдир. Подшо ҳокимияти эса, синфлар ва давлат ташкил топаётган бир пайтда вужудга келган. Шундай қилиб, Фаластининг энг қадимги қулдорлик жамиятида вужудга келган чукур синфий зиддиятлар қулдорларнинг қуллар билан камбағалларни эксплуатация қилишларини таъминлайдиган давлат, яъни зўрлик аппарати тузишни талаб қилган.

Эрамиздан аввалги XI—X асрларда Мисрнинг заифлапиши худди шу вақтда Фаластинда айрим мустақил давлатлар-

нинг ташкил топишига ёрдам берган. Бироқ, бу ернинг территорияси кичик, аҳолиси эса кам бўлганлигидан бунда озми-кўпми каттароқ бир давлат ташкил қилиш учун етарлича база бўлмаган. Фаластинда майда давлатларнинг мустаҳкамланишига айниқса ташқи савдонинг ривожланиши ёрдам берган. Миср, Сурия ва Месопотамияни бир-бирига боғлаган йўллар Фаластин территориясидан ўтган. Катта денгиз йўлига бориб туташадиган, Мисрдан чиқиб Ўрта денгиз қирғоқларидан Финикия шаҳарларига, Кипр оролига ва Кичик Осиёнинг жанубий қирғоқ бўйларига олиб борадиган энг муҳим савдо карвон йўллари ҳам Фаластинда бир-бирини кесиб ўтган.

Карвон юрадиган савдо йўллари Фаластиндан жанубга, Петру орқали Синай ярим оролига, Арабистонга ва Қизил денгиз қирғоқларига борган. Шимолда савдо йўллари Сурияниг ички районларидаги катта савдо шаҳарларига, жумладан, Дамашққа олиб борган. Дамашқда исроилликларнинг ўз савдо расталари бўлган. Иккинчи томондан, финикиялик ва суриялик савдогарлар Фаластин шаҳарларига, хусусан, Самарияга келиб жойлашганлар. Фаластиндан бошқа мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дон, мева, мум, асал, зигиртола, тери, жун, хушбўй катрон чиқарилган. Қўшни мамлакатлардан, хусусан, Филистим шаҳарларидан Фаластинга металл буюмлар, қурол-яроғлар ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари, чунончи, қимматбаҳо аижомларни безашда ишлатиладиган ва фил суягидан ишланган садафлар келтирилган. Бундай садафлар Магиддо ва Самариядан топилган. Миср ва Кипр усулида ясалган бундай садафларни Фаластинга финикиялик савдогарлар олиб келган бўлса керак.

Айрим қабилалар ўртасида бўлган курашлар процессида дастлаб кичик-кичик қабила иттифоқлари ташкил топган. Қабилаларнинг бу иттифоқи тепасида энг кучли ва энг бой қабила бошлиқлари турган, масалан, «судья» Самуил, Орфанинг Гидеон номли ҳокими (у Ҳерубаал деган фахрий ном билан юрган), Сихемда ҳукмронлик қилган Авимелехни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу қабила бошлиқлари ҳарбий бошлиқ, судья, коҳинлик вазифаларини ўз қўлларига олиб, Фаластиннинг айрим қисмларини ўз ҳокимиятлари остида бирлаштирганлар. Улардан баъзиларининг, масалан, «судья» Самуилнинг обрў-эътибори ҳамда ҳокимияти жуда катта бўлиб, ҳаттоки подшо ҳокимиятига тенглашиб қолган. Қабилаларнинг бундай иттифоқлари қандай ташкил топганлиги тўғрисида тавротда ривоятлар сақланиб қолган; кейинчалик бу иттифоқлардан энг қадимги давлатлар ўсиб чиққан. Манасси

(менаше) қабиласининг Гидеон номли қадимги ҳокимларидан бири мадианийлар қабиласи устидан ғалаба қозониб, бир қанча қабилани ўз ҳокимияти остида бирлаштирган ва қабила иттифоқи ташкил этиб, Офрани ўзига марказ қилиб олган.



Фил тишидан ясалган бўртма безак, унда Миср худоси Гора гўдак бола тарзида лотосда ўтирган ҳолда тасвир этилган.

Самаридан топилган.

Секин-аста уруғ зодагонларининг бош табақалари орасида синфий тузумни мустаҳкамлаш, меҳнаткаш оммани бостириш ҳамда мамлакатни қўшни қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида бутун олий ҳокимиятни бир шахс қўлига топшириш зарурияти тўғрисида фикр пайдо бўлади. Таврот-даги афсоналардан бирида бундай дейилади: исроилликлар Гидеонга: сен бизга ҳоким бўл, сендан кейин ўғлинг, ундан кейин унинг ўғли бизга ҳокимлик қилсин, чунки мадианийлар қўлидан бизларни сен халос қилдинг» дегаплар. Гидеон олий ҳарбий бошлиқ сифатида урушдан олинган ўлжанинг 1700 олтин шекелдан ортиқроғини ўзига олиб, Офрада қурдирган

ибодатхонасига ҳадья қилган. Гарчи Гидеон мулозимат қилиб, ўз номидангина эмас, балки ўғиллари номидан ҳам подшолик ҳокимиятини рад этган бўлса-да, аммо бу даврда қабила йўлбошчиси ҳокимиятининг отадан болага мерос бўлиб ўтиш принципи маҳкам урнашиб қолган эди. Гидеоннинг ўғилларидан бири бўлмиш Авимелех олий қабила йўлбошчиси ҳокимиятига даъвогар бўлган бошқа ҳамма рақибларини зўрлик билан четлатиб, Сихем шаҳрида олий ҳокимиятни ўз қўлига олади. «Сихемдаги барча фуқаро... Авимелехни Сихемга яқин жойдаги дуб дарахти ёнида подшо қилиб кўтаради». «Авимелех» (отам-подшо) деган номнинг ўзи олий йўлбошчи ҳокимиятининг отадан болага мерос бўлиб ўтиш принципи секин-аста расмий тус ола борганини кўрсатади; бу принципни эса, подшолик ҳокимиятини урнатишга уринган Авимелех амалга оширмоқчи бўлган эди.

Эрамиздан аввалги XI асрда Фаластиндаги давлатлардан энг каттаси ва кучлиси, ривоятларга кўра, Саул томонидан барпо қилинган Исроил подшолиги бўлган. Фаластиннинг истило қилингани ва энг қадимги Исроил подшолигининг ташкил топгани ҳақида ҳикоя қилинган қаҳрамонлар достонидан қолган парчаларда бу энг қадимги Исроил подшосининг афсонавий қаҳрамонликлари тасвирлаиади. Бу парчаларда халқ қаҳрамони бўлган Саулнинг Иабеш шаҳрини (Иордан дарёсининг шарқ томонидаги тоғли Гилеад ўлкасида) қандай озод этганлиги ҳикоя қилинган. Иабеш шаҳри аммонийлар қабиласи томонидан қамал қилинган. Иабеш қамалдан озод қилингандан кейин, Саул асосан бинёмин қабиласи ичидан катта лашкар тўплаб, яҳудийларининг азалги душмани бўлган филистимларга қарши қаттиқ кураш бошлаган. Саул ўзи тугилган Гибеа шаҳрини филистимлар ҳокимиятидан озод қилгандан кейин, Исроил қабилалари уни подшо қилиб кўтарганлар. Бироқ Саул подшолигида хали қабилачилик муносабатларнинг излари бўлган. Ўзи тугилиб ўсган шаҳарни идора қилган Саул тўгрисида тавротда ёзилган ҳикояда бу замоннинг патриархал турмуши жуда яхши тасвирланган. У ҳар ойда бир марта (янги ой кўринган вақтда) дружиниасини ўз уйига чакириб, муқаддас тамариск дарахти тагида ҳарбий кенгаш қурган. Душман қўлидан тортиб олинган ерлар ва узумзорларни ўз аскарларига бўлиб берган.

Бироқ Саул бутун Исроилни ўз ҳокимияти остида бирлаштиришга ва уз таъсирини қўшни мамлакатларга ёйишга ҳаракат қилган. Чунончи, Иордан дарёсининг нариги томонидаги ўлкада яшовчи Исроил қабилаларини химоя қилиш мақсадида, у подшо Моавга қарши уруш олиб боради. Шимол

томонда яшайдиган Исроил қабилаларини ҳимоя қилиб, у Собанинг Арами подшолигига қарши отланади. Саул жанубий Фаластинда, хусусан Яҳудияда ўз таъсирини мустаҳкамлаб олиб, амалекитларга қарши уруш бошлайди ва калебит хамда кенит қабилалари билан алоқа ўрнатади. Ниҳоят, у ҳапанейларнинг ўз мустақиллигини сақлаб турган шаҳарларини Исроил подшолигига қўшиб олади. Саулнинг ана шундай гайрат билан амалга оширган ишлари натижасида анча катта Исроил давлати ташкил топади, бу давлатга подшо бошчилик қилиб, унинг ҳокимияти ва обруси дин ҳамда коҳинлар томонидан мустаҳкамланади ва табаррук қилинади. Чунончи, Саул тўғрисидаги афсоналарда унинг тақводорлиги алоҳида уқдириб ўтилади, унинг «Худо Яхве руҳи билан суғорилганлиги» айтилади ва Саул ўзини «худо Исроил» вакили қилиб кўрсатганлиги тасвир этилади. Саул қабила йўлбошчисининг қадимги коҳинлик вазифаларини ўзида сақлаб, муҳим диний маросимларни ижро қилишда қатнашар эди.

Довуд

Саул ва унинг учта ўғли филистимларга қарши урушда ҳалок бўлган. Саулнинг бирлаштирувчилик йўлида олиб борган ишини Довуд (эрамиздан аввалги X аср бошида) давом эттирган. Тавротда сақланган тарихий ривоятларда Довуд ҳам, Саул сингари, одатда, халқ қаҳрамони қилиб тасвир этилади. Довуд Фаластиннинг жанубий қисмида ўрнашиб олиб, бу ерда мустақил Яҳудия подшолиги ташкил этади ва Хеброн шаҳрини подшоликнинг маркази қилиб олади. Саул вафот қилгандан кейин, Довуд Саулнинг тирик қолган вориси ва ўғли Ишвааълмга қарши 7 йил давомида қаттиқ кураш олиб боради, ниҳоят бу кураш Довуднинг галабаси билан тугайди. Шу галаба натижасида Довуд Исроил подшолиги ва Яҳудияни ўз ҳокимияти остида бирлаштиради. Довуд бирлашган бу давлатнинг анча катта ҳарбий кучига таяниб, филистимларга қарши қаттиқ кураш бошлайди. Жанг филистимларга қарашли катта Гат шаҳри ёнида бўлиб, Довуд бу шаҳарни истило қилади ва оқибат филистимликлар Исроил ерларидан ҳайдаб чиқарилади.

Довуд подшолик қилган вақтда юз берган энг муҳим воқеалардан яна бири қадимги Ханаан шаҳри Қуддуснинг истило этилиши бўлди. Қуддус савдо йўллари бир-бирини кесиб ўтган ернинг марказида жойлашган бўлиб, у Исроил билан Яҳудия ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга халақит берар эди. Довуд Қуддусни қўлга киритиб, уни бирлашган давлатнинг пойтахти қилиб олади. Қуддус Фаластиннинг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, бунда гоят мустаҳкам Сион қалъаси бор эди. Шу вақтдан бошлаб Қуддуснинг

мустаҳкам истеҳкоми «Довуд шаҳри» деб аталадиган булади. Қуддус мамлакатнинг диний жиҳатдан бош маркази деб эълон қилинади. Давлатда ягона дин ўрнатиб, бу динининг обрусини кучайтириш ва бутун давлатда динининг бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида Довуд Филистим мамлакатидан қадимги яҳудийлар динининг муқаддас символи булган «Васиятлар қутиси»ни (уни илгари филистимлар босиб олган эди) олиб келтиради ва қадимги Ханаан санамлари, муқаддас чашмалар ва қояларга эътиқод қилишни давлат дини ҳисобланган худо Яхвега сигиниш билан бирлаштиради.

Супера, афсоналарда Довуд бирлашган Исроил-Яҳудия подшолигини ичдан мустаҳкамлашда бир қанча тадбирлар кўрган деб ҳикоя қилинади. Чунончи, карнай чалиб, гулханлар ёқиш воситаси билан тупланадиган қадимги лашкарни сақлаб қолиш билан бирга, Довуд ёлланма отрядлар билан мустаҳкамланган доимий қўшин ҳам тузган, бу отрядларга аскарларни асосан филистимлар ичидан танлаб олган. Довуд подшолик қилган вақтда давлат аппарати ҳам ташкил топган, бу давлат аппаратида мирзалар, судьялар истило қилинган ўлкалардан солиқ ва хирож тупловчилар муҳим ўрин тутган. Солиқ тупловчи энг қадимги амалдорлар бош хазиначи қул остида иш кўрган. Давлатдаги энг катта лавозимлардан бири «подшонинг ахборотчиси» деб аталадиган алоҳида лавозим булган.

Сулаймон

Асосан тавротда сақланган тарихий традиция одатда Сулаймон (Соломон) подшолик қилган даврни Исроил-Яҳудия подшолигининг гуллаб-яшнаган даври деб ҳисоблайди. Сулаймон образи жуда кўп афсоналар билан тумаплаштириб юборилган. Бу даврда Исроил-Яҳудия подшолиги ички томондан яна ҳам мустаҳкамланган. Сулаймон Фаластинда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида финикиялик ҳунармандларни — Тирдан металлургларни ва Библдан ёғочсозларни олиб келтирган. Сулаймон подшолик қилган давр савдо-сотиқ ишлари, айниқса ташқи савдо гоят тараққий этган ва бир қанча қўшни давлатлар билан тинчлик муносабатлари ўрнатилган даврдир. Сулаймон Финикиянинг Тир шаҳридан қурилиш материаллари келтирган, Киликиядан отлар келтириб, бутун мамлакатда сотган. Акаб қўлтиғи қирғоғида жойлашган Эзионгебер шаҳри орқали Қизил денгизга савдо йўли очиб, Офир мамлакати билан (бу мамлакат Арабистон доирасида булса керак) савдо алоқалари ўрнатган. Офирдан Фаластинга энг соз ёғоч, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, фил суяги, маймун ва товуслар келтирилган. Савдо карвонлари Фаластиндан Финикияга дон ва мой олиб

борганлар. Исроил-Яҳудия подшолигидаги иқтисодий тараққиётнинг ташқи ифодаси Сулаймон авж олдириб юборган катта қурилиш ишларида ҳам акс этган. Қуддусда ҳашаматли саройлар, худо Яхве шарафига машҳур ибодатхона солинган ва қалъа қурилган. Қуддус шаҳри ҳамда стратегия ва иқтисодий жиҳатдан муҳим ўрин тутган бошқа бир қанча шаҳарлар кучли қўрғонларга айлантирилган. Муҳим ҳарбий йўллар устида жойлашган Мегиддо ва Гезер шаҳарлари ана шундай кўргонлардир. Бу шаҳарларнинг харобаларидан қазиб олинган ва топилган нарсалар ўша даврдаги қурилиш ишини ва моддий маданиятни ўрганишга имкон беради. Исроил-Яҳудия подшолиги ўша даврдаги халқаро сиёсат масалаларини ҳал этишда ҳам қатнашади. Фаластиннинг шимолишарқида арамейларнинг Дамашқ давлати кучайиб боради. Бу давлатнинг номи Янги Подшолик даврига оид Миср ёзувларида учрайди. Дамашқ Сулаймон подшолигига қарши душманлик харакатида бўлиб, унга тахдид қила бошлайди. Сулаймон Дамашқнинг душманлик сиёсатини барбод қилиш ниятида Тир подшоси Хирам билан дўстона муносабатда бўлади, Миснинг мададига таяниб, Эдом билан тинчлик битими тузади. Сулаймон Миснинг XXI династиядан бўлган сўнгги подшоларининг бири билан иттифоқ тузган бўлиши ва бу иттифоқни династия никоҳи билан мустаҳкамлаган бўлиши ҳам жуда эҳтимол. Чунки Сулаймонга эрга чиққан Миср маликаси сеп тарикасида Гезер шаҳрини Сулаймон давлатига қўшиб беради.

Хўжалик ҳаётининг ҳамда ташқи сиёсий муносабатларнинг ривожланиши ички идора ишлари ва давлат аппаратини жиддий равишда қайтадан қуришни талаб этади. Бутун давлат 12 территориал округга бўлинади, энди бу округлар кадимги қабилавий бўлинишларга сира ўхшамас эди. Бу округлар Исроил ва Яҳудия территориясинигина эмас, балки бўйсундирилган ханааней қабилаларининг ерларини (шаҳарлар ва поселениелари билан бирга) ўз ичига олган эди. Ҳар бир округнинг тепасида натурал соликлар тўплаш ишини бошқарадиган амалдор ўтиради. Шу билан бир вақтда, армия ҳам қайтадан ташкил қилиниб, кучайтирилади, энди бу армия составига суворилар ва жанг араваларида юрувчи отрядлар киритилади. Бироқ Сулаймон вақтида Исроил-Яҳудия подшолигининг иқтисодий ва сиёсий тараққиётига ортиқча баҳо бериб юбориш ярамайди. Тавротда айтилишича, Сулаймон Тирдан 120 мутахассис олиб келтирмоқ учун Галилеядаги 20 та шаҳар ва кишлоқни подшо Хирамга беришга мажбур бўлган. Қуддусда аристократлар билан сарой аҳллари зеб-зийнат ичида хашам хаёт кечирар эдилар, лекин

уларнинг ташқаридан ялтираб кўринган бу ҳаётлари оғир қашшоқликда яшовчи халқ оммасидан подшо бошлиқ қулдорлар сиқиб-сўриб олган катта-катта бойликлар устига қурилган эди.

Энг кейинги тарихий традиция Сулаймоннинг образини айниқса бўрттириб кўрсатишга уринган. Сулаймон подшолик қилган давр тарихий ривоятларда Исроил-Яҳудия подшолигининг «олтин даври» деб тасвирланади. Подшо Сулаймон тарихий ва поэтик афсоналарда идеал подшо, донишманд ҳукмдор ва судья қилиб кўрсатилиб, афсонавий бир образга айлантирилган. Энг кейинги традицияда, қадимги магизм хислатларини ўзида сақлаган ва шеър билан ёзилган оятларни Довуд подшо ёзиб қолдирган деб айтилгани каби, Сулаймон подшо ҳам ваъз-насиҳатлар тўпламини тузган дейилади. Шунингдек, Сулаймон подшо яна 1005 лирик асар ва 3 минг масал тузган дейилади. Сулаймон подшолик қилган даврда эпик халқ қўшиқларининг биринчи тўплами тузилган бўлиши эҳтимол.

Исроилнинг Яҳудиядан ажралиши

Бирлашган Исроил-Яҳудия подшолиги мустаҳкам эмас эди. Фаластиннинг шимолий қисмини ташкил этган Исроил мамлакати деҳқончилик хўжалиги тараққий қилган Финикия, Шимолий Сурия ва Дамашқ билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан маҳкам алоқада бўлган бой район эди. Кўпчилик аҳолиси яҳудийлардан иборат бўлган жанубий Фаластинда эса, чорвачилик хўжалигининг қадимги, ибтидоий формалари кўп жиҳатдан сақланиб қолган эди. Бу иқтисодий ва маданий зиддиятлар Сулаймон подшолиги вақтидаёқ намоён бўла бошлаган эди. Исроилликлар орасида шимолий ўлкаларга оғир солиқлар солиб қийнаган подшо Сулаймондан норозилик тугила бошлайди. Норози бўлганларга Херовоам бошчилик қилади. Аммо тайёрланаётган қўзғолонни бошидаёқ бостириш учун Сулаймон етарли куч-қувватга эга эди. Херовоам Миср қочиб кетишга мажбур бўлади ва уни Миср фиръавни Шешонк очиқ юз билан қарши олади. Бу даврда Миср бирлашган Исроил-Яҳудия подшолигининг кучайиб кетишидан хавфсирар ва Фаластин билан Сурияда ўз таъсирини жилла бўлмаса бир қадар тиклашга интиларди. Сулаймон вафот қилгандан кейин тахтга ўтирган нораси Ровоам Исроил устидан бўлган ҳукмронлигини сақлаб қола олмайди. Херовоам Миср мададига таяниб, Ватанига қайтиб келади ва Ровоамга қарши қўзғолон кўтариб, мустақил Исроил подшолигини тиклайди ва шу мамлакатнинг подшоси қилиб сайланади. Миср подшоси Шешонк Херовоамга анча катта ҳарбий ёрдам беради. У эрамиздан

аввалги 928 йилда катта қўшинга бош бўлиб Фаластинга бостириб киради, яҳудийларнинг қўшинлари устидан бир неча марта галаба қозониб, Қуддусни қўлга киритади ва уни талон-торож килади. Шу тариқа Исроил-Яҳудия подшолиги бўлиниб кетади. Шу вақтдан эътиборан Исроил билан Яҳудия ўртасида узоқ вақт давом этган қаттиқ кураш бошланади, бу кураш ҳар иккала мамлакатнинг ҳам заифланишига, қўшни мамлакатлар ва қабилаларнинг эса кучайиб кетишига сабаб бўлади. Исроил подшолиги Сурияниинг анча катта қисмига жойлашиб олган арамейларга, хусусан, Дамашққа қарши айниқса огир кураш олиб боришга мажбур бўлади. Маркази Дамашқ шаҳри бўлган кучли Арамей подшолиги Ўрта денгизга олиб борадиган савдо йўлларини қўлга киритиш мақсадида Сурия ва Фаластиннинг кўпгина ўлкаларини босиб олиш пайига тушади. Дамашқнинг қисишига бардош бера олмаган Исроил ўзининг шимоли қисмини Дамашққа беришга мажбур бўлади. Исроил подшолиги ўз мустақиллигини сақлаб қолмоқ учун қўшинларига қарши бор кучини сарф қилиб курашишга мажбур бўлади. Бу курашда гоҳ у томон, гоҳ бу томон устун чиқади. Исроилнинг баъзи бир подшолари айрим ҳолларда душманлари устидан галаба ҳам қозонганлар. Мамлакатнинг янги пойтахти Самария шаҳрини курган Омри бошқа подшолардан кура кўпроқ муваффақият козоиган. Самарияда ўтказилган қазишларда бу шаҳарнинг харобаларидан подшо саройи, баъзи бир ёзувлар ва подшо Осоркон II номи ёзилган Миср кураси топилди. Исроил подшоларига Ўлик денгизнинг шарқ томонида яшаган моавитларга қарши ҳам каттиқ кураш олиб боришга тўғри келган. Бу курашиинг, айниқса ундаги айрим вокеаларнинг қисқача бўлса ҳам ёркин таърифи подшо Моавнинг эрамиздан аввалги IX асрга оид Меша ёзувида сақланиб қолган. Ёзувда бундай дейилади: Исроил подшоси Омри Моавни кўп куплар қисиб турган, чунки Кемошнинг ўз мамлакатига қаҳр-ғазаби эўр эди. Унинг ўрнини ўғли босди ва у ҳам дедики: «Моовни қиса бераман»... аммо мен унга, унинг юртига назар ташладим ва Исроил абадий ҳалок бўлди». Узун қилиб ёзилган Меша ёзувидан олинган шу иарчанинг мазмуни шундан иборатки, Омри, афтидан, моавитларга қарши муваффақиятли уруш олиб борган, ҳатто улар Исроилга хирож ҳам тўлашга мажбур бўлганлар. Лекин кейинчалик Исроилнинг заифланишидан фойдаланган Моав унинг таъсиридан қутулган ва ўзи ҳужумга ўтиб, Исроил қўшинлари устидан ғалаба козонган.

Узоқ давом этган урушлар меҳнаткашлар оммаси устига оғир кулфатлар солган. Ҳарбий сиёсат ва ташқи савдонинг

ривожланганлиги аристократиянинг бойиши учун, эркин деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши учун, камбағалларнинг асоратга тушиб, кейин қулларга айланишлари учун қулай шароит яратиб берган. Йирик қулдорлик хўжалиги тобора кўпроқ тараққий қилган. Бу хўжалик қуллар меҳнатини ҳамда қарздорлар, моддий аҳволи оғирлашиб асоратга тушиб қолган ва, кўпроқ, ерсиз деҳқонлардан иборат камбағаллар меҳнатини эксплуатация қилишга асосланган. Ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви катта ижтимоий ҳаракатларга сабаб бўлган. Бу ижтимоий ҳаракатлар адабий асарларда, хусусан пайғамбарларнинг машҳур китобларида акс этган.

Пайғамбарлар

Пайғамбарлар китобларида эрамиздан аввалги VIII асрдан эътиборан камбағаллар ҳисобидан бойиб, зеб-зийнат ичида яшаган бойлар қаттиқ фош қилиша бошлайди. Ғайри расмий коҳинлар намояндалари бўлган пайғамбарлар аҳолининг ўрта табақаси билан бир қадар алоқада бўлганлар ва бойларнинг камбағалларни қаттиқ эксплуатация қилишига қарши чиққанлар. Айниқса, Амос, Михей ва Исайя деган пайғамбарлар хонавайрон бўлаётган камбағаллар ҳисобига доим бойлик орттиришга уринувчи очкўз бойларни қаттиқ танқид қилганлар. Амос пайғамбар бундай деган: «Қулоқ солингиз бунга, камбағалларни еб қўйишга, фақир-фуқарони хароб қилишга тайёр турган очкўзлар сизлар дейсизларки: шу тугилган ой ўтса-ю, бизлар галламизни сотсак, шанба ўтса-ю, омборларимизни очсак, ўлчовни камайтирсагу, шекелнинг нархини оширсак ва тош-тарозидан уриб, одамларни алдасак, негаким бир кумушга йўқсилни, бир жуфт ковушга камбағални сотиб олсак, унинг еб кетаётган сотсак... Бу ҳолда ер титрамасми, ундаги ҳар бир жон эгаси қон йиғламасми? Бутун ер дарё каби тебранар, Миср дарёсининг тўлқинлари каби гоҳ пастга тушиб, гоҳ юқори кўтарилиб чайқалар».

Бениҳоя зеб-зийнатга кўмилиб ҳамиша шахсий бойлик орттириш пайида яшаган бойларга қарши чиқиб, пайғамбарлар бурунги патриархал-қабила ҳаётига қайтиш зарурлиги тўғрисида ваъз айтганлар. Бироқ ижтимоий тараққиёт процессини ҳамда эркин жамоаларнинг тарқалишини тўхтатишга қаратилган бу консерватив уринишлардан амалий натижа чиқиши мумкин эмас эди.

Исроил ва Яҳудиянинг қуланши

Кескин тус олиб кетган синфий кураш ҳар қайсиси ўзига алоҳида яшовчи кичик Исроил ва Яҳудия давлатларини заифлаштириб қўйди. Кўшни халқлар ва давлатлар билан узоқ вақт давом этган урушлар, айниқса Осурия подшоларининг Фаластинга қилган юришлари уларни бутунлай ҳол-



Бет-Шандаги Мекал ибодатхонасининг харобалари

дан тойдирган. Осурияликлар Исроил давлатига жуда қаттиқ зарба берганлар. Эрамиздан аввалги IX асрдаёқ Салманасар II Сурия ва Фаластинни босиб олиш мақсадида қўшин тортиб келган. Осурия подшоси Саргон II Исроил подшолигини батамом тор-мор келтирган. У эрамиздан аввалги 722 йилда Самарияни қўлга киритиб, Исроил подшоси Осияни ва у билан бирга 27290 исроилликни асир қилиб олиб кетган, кейин бу асирларни Мидия ҳамда Месопотамияга кўчириб юборган. Улар ўрнига Исроилга бобиллик ва арамейлик колонистларни олиб келиб жойлаштирган, ушандан бошлаб улар «Самарияга эга бўлиб, унинг шаҳарларида яшай бошладилар». Исроил подшолиги шу тариқа қулаб борган.

Исроилнинг тор-мор келтирилиши, у билан кўп замонлардан бери рақиблик қилиб келаётган Яҳудиянинг бир қадар кучайишига ёрдам қилиши керак эди. Халқаро шароитнинг ўзгариши бунинг учун қулай вазият яратиб берган. Осуриянинг тушкунликка юз тута бошлаши Яҳудиянинг ўз мустақиллиги учун курашни кучайтиришига имкон берган. Яҳудияда Иосия подшолик қилган вақтда реформалар ўтказилган, бундан мақсад кескинлашиб кетган синфий курашни бир қадар бўшаштириб, давлатни ичдан мустаҳкамлаш эди. Эрамиздан аввалги 622-йилда Қуддус ибодатхонасидан «Қо-

пун китоби» топилганлиги тантанали равишда эълон қилинган эди. Бу китоб ўша вақтда коҳинлар томонидан динга эътиқод қилишни марказлаштириш мақсадида махсус тузилган эди. Бу «Китоб»да яҳудийларда сақланиб қолган ва қадимги Ханаан диниинг сарқити бўлган эътиқодлар ва расм-одатлар, «гепаликларда тутун чиқариш» (тоққа топиниш), сурияликларнинг ҳудолари бўлмиш Ваалга, Астартага, қуёш,




Худо Мекал сурати солинган ва Миср ёзуви битилган қабртоши. Бет-Шандан топилган.

Филадельфия. Пенсильвания музейи.

ой, юлдузларга ва «барча осмон қўшинлари»га топиниш қаттиқ қораланган эди. Шу билан бир вақтда бу «Китоб»да ягона ва марказлашган худо Яхвега сиғиниш ўрнатилиб, Қуддус ибодатхонасида унга эътиқод қилиш белгиланади. Шундай қилиб, давлатни марказлаштириш учун бўлган ҳаракат давлат динини марказлаштириш учун бўлган интилишда ўз ифодасини топди. Ниҳоят, синфий зиддиятларни бир қадар, гарчи чекланган тарзда бўлса ҳам, бўшаштириш мақсадида «Қонун

китоби»да қарздорлик орқасида асоратга тушиб, қул қилиб сотилган яҳудийларни олти йил хизмат қилгандан кейин ўз эркига қўйиб юбориш, қўйиб юборганда ҳам «шундай ўзини» эмас, балки бир оз мол бериб қўйиб юбориш тўғрисида кўрсатма берилган эди. Кейинчалик бу «Қонун китоби» баъзи қўшимчалар ва тузатишлар билан тавротнинг «Иккинчи конун китобига» айлантирилган бўлса ҳам ажаб эмас. Яҳудийларнинг диний қонун-қоидалари ана шу вақтдан тузила бошлайди.



Бет-Шанда муқаддас идишни лойдан ясалган уяси.

Филадельфия. Пенсильвания музейи.

Бирок давлатни ичдан мустаҳкамлаш учун қилинган ҳаракатлар Яҳудия подшолигини ҳалокатдан сақлаб қола олмаган. Эрамиздан аввалги 597 йилда Қуддусни Бобил подшоси Навуходоносор II нинг қўшинлари ишғол қилган ва сўнгра, эрамиздан аввалги 586 йилда бу шаҳар бутунлай яксон қилинган. Навуходоносор ҳам ўзидан олдин ўтган Осурия подшолари сингари, Қуддусни ишғол қилгач, истило қилинган бу мамлакатдан жуда кўп асир олиб кетган. «Бутун Қуддусни кўчириб юборди, барча князларини ҳам, жасур қўшинининг ҳаммасини ҳам, барча рассом ва бинокорларни ҳам... барча жасур, урушга отланганларни Бобил подшоси Бобилга мажбурий равишда кўчириб олиб кетди». Ана шу тариқа машҳур Бобил асирлиги бошланган.

Дин ва алоқалар

Қадимги яҳудийлар дини азалдан Фаластин, Сурия ва Финикияда яшаб келган қадимги халқлар диний эътиқодларининг кучли таъсири остида таркиб топган. Бу қадимий халқлар қадим замонининг буюк маданиятини яратган мисрликлар, бобилликлар билан ўзаро яқин муносабатда бўлганлар. Масалан, Бет-Шан харобаларида Мисрнинг XVIII—XIX династия фиръавнлари замонида, жумладан Сети I ва Рамзес II замонида қурилган ибодатхоналарнинг қолдиқлари топилган. Бу ибодатхоналарда Сурия-Финикиянинг Ваал-Дагон ва Ваалат-ашторет деган худолари-



Гезер харобаларидаги муқаддас тошлар.

га топинганлар. Тутмос III замонига оид бир ибодатхонадан мисрликлар услубида ишланган ва Миср ёзувлари битилган, лекин Сурия-финикияликлар худосининг сурати солинган қабртоши топилган. Бу ёзувда Сурия-Финикия худоси Мекал деб аталган. Шу билан бир вақтда Бет-Шанда муқаддас илонга хам топинганлар, буни, қазиш вақтида топилган жуда кўп топиниладиган буюмлар, шу жумладан, қадимги Бобил ёзувларида «шан» номи билан учрайдиган муқаддас илон уялари исбот қилади. Бу диний формалар энг қадимги яҳудий қабилаларининг диний эътиқодларига жуда тўғри келади. Қадимги яҳудийлар хам, бошқа қадимги халқлар сингари, табиатдаги турли хил куч ва ҳодисаларни илоҳийлаштиргандар. Таврotда тошлар, дарахтлар ва ҳайвонларга топинишнинг қадимги қолдиқлари тўғрисида айтилган сатрлар бор, бу эса кейинги вақтларгача турмушда сақланиб келган. Миср ёзувларида Фаластиннинг «тангри Эл тоғи» деб аталадиган жойи эсга олинади. Исроилнинг биринчи подшоси бўлган Херовоам «теналикда» ибодатхона қурган. Фаластиннинг турли жойларидан муқаддас тошлар (массеблар) топилган. Таврotда «далолат учун» тош уюми қилиш одати таъриф этилади. Таврот китобларида таъриф этилган олтин бузоқ ва мис илон


ўша вақтда хайвонларни илоҳийлаштириш, уларга топиниш-нинг яққол қолдиғидир. Шиҳоят, яҳудийларнинг бош худоси Яхве саҳро тоғлари худосининг аниқ хислатларини ўзида сақлаган ва табиатдаги мудҳиш кучларнинг, яъни ўт, момақалдироқ ва шамолнинг тимсоли бўлган. Айни шу вақтда уруғчилик тузумида аждодларга сиғиниш ҳам юзага келган, бу сарқитлар эса энг кейинги динларда ҳам маҳкам сақланган. Синфий жамият таркиб топиб, қулдорлик давлати пайдо бўла бориши билан қадимги табиат худолари, шунингдек, уруғ группалари ва қабилаларнинг ҳомийлари бўлган худолар маҳаллий худоларга ва, ниҳоят, давлат худоларига айлантирилган. Бирталай бошқа худолар ва маъбудалар (Анат, Бетэл, Ал-Элон, Ал-Шаддай) билан бир қаторда қадимги яҳудийларнинг бош худоси Яхвега сиғиниш айниқса катта ўрин тутган. Яхве секин-аста жанговар худога, давлат ҳамда подшонинг ҳомийсига айлантирилган. Эрамиздан аввалги 722 йилда Исроил подшолиги қулагандан кейин, айниқса Бобил асирлигидан кейин яҳудийларнинг бирдан-бир худоси бўлган Яхве тўғрисида узил-кесил теология таълимоти тузилади. Шундай қилиб, қадимги яҳудийларда танҳо худо эътиқоди уларнинг дин тарихида анча кейин пайдо бўлгандир. Қадимги яҳудийлар динининг синфий негизи подшо ҳокимиятини илоҳийлаштириш тенденциясида ва коҳинлик билан подшо ҳокимиятининг бир-бирига маҳкам боғланганлигида жуда яққол кўринади. Қадимги афсоналарда қадимги энг биринчи руҳоний-подшо Мельхиседек ҳақида хотира сақланган. Мельхиседек «Салим подшоси» ва шу билан бирга, худо Ал-Элоннинг коҳини бўлган. Подшо «Яхвенинг дами солинган» шахс унинг «вакили» деб ҳисобланган. Худога тил тегизиш мумкин бўлмагани каби, подшони ҳам сўкиш, қаргаш тақиқ қилинган. Подшога, худога тил тегизган одам кофир ҳисобланган. Қадимги яҳудийлар подшо ёмғир ва қуёшга таъсир қила олади деб ишонганлар; об-ҳавонинг яхши келиши ва ҳосилнинг яхши бўлиши учун подшо жавобгар деб билганлар. Подшо «худо ўғли» деган ном олишга ҳақли бўлган. «Диний қасидалар китобида» худо Яхве подшога: «Сен менинг ўғлимсан. Бугун мен ўзим сени муҳайё қилдим» дейди. Шундай қилиб, коҳинлар подшо ҳокимиятини мустаҳкамлашга ва шу билан бутун синфий қулдорлик тузумини мустаҳкамлашга уринганлар.

Дин адабиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Таврот китобларида қадимги адабиётнинг хилма-хил асарлари: диний мифлар, тарихий афсоналар, қаҳрамонлар ҳақидаги халқ достонлари сақланган. Таврот адабиётидаги асарлардан бир қанчасида анча қадимги Ханаан ҳамда Бобил ва Миср ада-

биётининг таъсири бор. Таврот адабиёти ўз навбатида қадимги христиан адабиётига таъсир этган. Пайғамбарларнинг газаб билан айтган ваъзлари ва бадиий жиҳатдан ғоят юксак бўлган лирик шеърлар (диний қасидалар) жаҳон адабиётининг энг гўзал асарлари қаторига киргаидир.



Бронзадан ясалган болта.
Бет Шандан топилган.



Ашшурбанипал ток сўриси остида кайф-сафо қилмоқда.
Куюжикдаги буртма расм.

XIV БОБ

ОСУРИЯ

Табиий шароити

Осурияниинг ўзи Тигр дарёсининг юқори оқими бўйлаб чўзилиб кетган кичик территорияни эгаллаган; унинг территорияси жанубда Қуйи Заб дарёсининг қуйи оқимидан тортиб шарқда Загр тоғларигача ҳамда шимоли-ғарбда Масиос тоғларигача чўзилиб борган. Осурияниинг ғарб томонида бепоён Сурия-Месопотамия чўли бошланиб, Синжар тоғлари бу чўлнинг шимолий қисмини кесиб ўтган. Осурия территориясининг шимолий қисми эса бора-бора арман кирларига туташиб кетган. Осурияни ўраб турган чўл ва тоғларда ўсимликлар жуда оз ўсган. Бу ерларда яшовчи аҳоли қадим замонлардан бери асосан чорвачилик билан шуғулланган. Баҳорда тоғлардаги қорлар эриб, Юқори Заб дарёси тўлиб оққанлиги туфайли, бу дарё водийси деҳкончилик учун қулайдир. Буюк Тигр дарёси вақти-вақти билан тошиб турганлиги сабабли бу дарё водийсини қондириб суғориш мумкин бўлган. Бироқ шарқ томондан тоғлар сиқиб келгани учун бу водий унча катта эмас. Қадимги Осурияниинг ҳайдаладиган ер майдони 12 минг *кв. км* дан ошмаган.

Осурия ўзининг иқлими ва табиий сугорилиш шароити жиҳатидан Месопотамиянинг ўрта ва жанубий қисмидан бирмунча фарқ қилади. Қуэда мудом ёмгир ёғиб туради ёки бу-

рунги ёзувларда образли қилиб айтилишича, «океан дарвозаси (яъни осмон дарвозаси — *В. А.*) катта очилади». Қиш узоқ давом қилмайди, аммо декабрь ва январь ойларида ерни кўпинча қор босиб, совуқ 14 даражагача етиб боради. Эрта баҳорда водий ва чўл жуда тез майсазорга айланади-ю, лекин ёз бошидаёқ барча ўсимликларни офтоб қовжиратиб, куйдириб юборади. Ғаллани июль ойида ўриб оладилар, август ойида саратон иссиғига асло чидаб бўлмайди. Ҳатто боғлардаги «ширали мевалар ҳам қуриб қолади». Кузда, сентябрь-октябрь ойларида хурмо пишади. Ёмғир деҳқончилик учун алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли осурияликлар, «ёмғирни, намгарчиликни кўз тикиб кутамиз» ва «мамлакатда ёмғир бўлса, ҳосил ҳам сероб бўлади» дердилар. Адад деган худо ер юзига ёмғир ёғдирадиган осмон ҳокими ҳисобланган; осур конунларида «худо Адад сувлари» (ёмғири) тилга олинади. Тигрнинг вақти вақти билан тошиб туриши капал-ариқлар қуриб, тошқин сувларидан фойдаланишга имкон берган Асосан Эрон ясси тоғлигидан оқиб тушадиган сой ва дарёлар суви билан тог ёнбағирларидаги ерлар қондириб суғорилган.

Тоғларининг баъзи жойларини ўрмонлар қоплаган бўлиб, бу ўрмонларда илвасинлар сероб бўлган. Ҳунармандчиликни ривожлантириш учун зарур бўлган ҳар турли тошлар ва металл рудани одамлар қадим замонлардаёқ бу ерлардан топганлар. Тигрнинг юқори қисмидаги водий савдо алоқалари жиҳатидан қулай ўрин тутиб келган, чунки савдо йўллари шу ердан ҳамма томонга қараб кетган. Тигр дарёсидан жануб томонга борилса Эрон қўлтиғига, дарёларнинг водийлари бўйлаб шарққа қараб борилса Эрон ясситоғлигига, тоғ йўллари орқали шимолга қараб юрилса учта буюк кўл районига, яъни: Севан, Ван ҳам Урмия кўллари жойлашган районга ва ундан Закавказье ўлкасига, Тигр бўйлаб шимоли-гарбга қараб борилса Сурия ва Қичик Осиё чегараларига чиқилади, бу ердан ғарб томонга қараб борадиган, Сурия-Финикия қирғоқ бўйидаги савдо шаҳарларига бориладиган йўл очилади.

Аҳолиси

Жуда қадим замонлардан, эҳтимол, эрамиздан аввалги беш-тўртинчи минг йилликлардан буён Осурия территориясида субарей қабилалари яшаган: субарей қабилалари Олд Осиёнинг шимолий қисмида азаллан яшаб келганлар. Бу қабилалар ўзларининг тили, ташқи қиёфаси, маданий савияси ва тарихий ўтмишлари жиҳатидан Месопотамиянинг шимоли-гарбида ҳамда Шимолий Сурияда яшаган хурритларга, Закавказьедаги урартларга ва Тигрнинг шарқ томонида яшаган тоғли қабилаларга жуда яқин бўлган. Бироқ, бу субарей қабилалари эрамиздан аввалги II минг йилликнинг бошидаёқ қисман, Аккаднинг се-

мит қабилаларидан бўлган осурлар билан аралашиб кетганлар; Сурия-Месопотамия чўлларида ва Суриянинг баъзи ўлкаларида жойлашган аморитлар осурлар ва бошқа аккад қабилаларидан бир оз фарқ қилган. Аморитларнинг тили шимоли-ғарбий семитлар тили группасига киргап. Сўнгра, Осурия давлати ташкил топган даврда субарей қабилалари тамомила аралашиб-қўшилиб кетган. Осурияда осур тили ҳукмрон тил бўлиб, у семит тиллари гуруҳига кирган.

Манбалар

Антик замон авторлари асарларида Осурия тарихи тўғрисида бир канча тарқоқ, кўпинча ишониш қийин бўлган, лекин баъзан ҳар ҳолда муҳим деб ҳисобласа бўладиган маълумотлар сақланиб қолган. Эрамиздан аввалги IX—VIII асрлардаёқ грек адабиётида Осурия тўғрисида айрим ишораларгина эмас, балки ҳатто Осурия тарихидан олинган айрим воқеаларнинг тасвири ҳам пайдо бўлган. Масалан, Аристотелнинг айтишича, алохида Гесиод эпоси бўлгаи, унда Осурия пойтахти Ниневиянинг вайрон этилиши ҳикоя қилинган. Осурия давлатининг пайдо бўлиши ва унинг ҳалокати ҳақидаги афсоналар антик замон историографиясида жуда мустаҳкам ўрин олган. Осурия тарихи тўғрисида Диодорда ҳам қимматли маълумотлар сақланган; у Ктесий Книдский ва Геродот ёзиб қолдирган маълумотларни бир қадар танқидий нуқтаи назардан ўзгартиб, асосан, шу маълумотлардан фойдаланган.

Осуриянинг энг йирик шаҳарлари Ашшур, Калах, Ниневия ва Дур-Шаррукин шаҳарларини қазиш ишлари Осурия тарихини ўрганиш учун жуда катта материал берди. Бу шаҳарлар қазилган пайтда, у ерлардан қадимги сарой ва ибодатхоналарнинг кўп харобалари, архитектурага оид ҳар хил ёдгорликлар, уй-рўзғор буюмлари, диний эътиқод ёдгорликлари топилди ва булар ичида қадимги замон ёзувларининг жуда кўп топилганлиги хусусан катта аҳамиятга эгадир. Сўнгги вақтларда субарейлар билан осуриялликларнинг энг қадимги поселениелари бўлган жойларда бир қанча қазиш ишлари ўтказилди. Тепа-Гавранинг бир оз шарқида турган Нинивия шаҳри яқинидаги Арпачияда ва, ниҳоят, қуйи Заб дарёсидан шарқ томондаги Аррапха (Киркук)да топилган энг қадимги буюмлар ва ёзувлар ҳам жуда муҳимдир. Энг қадимги шумерийларнинг Ал-Обеидадан топилган ва қадимги митаннийларнинг Тел-Халафдан қазиб олинган ёдгорликлари қайси замонга мансуб бўлса, Арпачиядан топилган энг қадимги ёдгорликлар, шу жумладан, геометрик вақш солиниб ва муайян стилда ишланган сопол идишлар ҳам тахминан шу даврга мансуб. Бу буюмларнинг ҳаммаси дастлаб металл пайдо бўлган ва уруғчилик тузуми емирилиб бораётган давр-

даги моддий маданият тараққиётининг бир хил босқичини аниқлашга имкон беради.

Қадимги Осурия территориясида, жумладан, Тигр дарёсининг юқори қисмида ва Евфрат дарёсининг ўрта қисмида 1927 йилдан 1938 йилгача катта қазиш ишлари ўтказилди. Бу қазишлар натижасида бир қанча шаҳарлар, саройлар ва ибодатхоналар қазилиб, улардан моддий маданият ва ёзувларга доир жуда кўп ёдгорликлар топилди. Бу эса, Осуриянинг неолит даврдан бошлаб то Осурия давлатининг йиқилгунига қадар ўтган тарихини чуқур ўрганишга имкон беради. Хорсободда Саргон II нинг пойтахтини қазиш вақтида шаҳар қалъаси топилди, бу қалъа ичида олтита ибодатхона ва олий мансаб эгаси бўлган амалдорларнинг резиденцияларидан иборат подшо саройи бўлган. Қўрғон деворлари билан ураллган шаҳарнинг жанубий қисмида бир сарой топилди, бу сарой тахт вориси, бўлғуси подшо Синахериб учун қурдирилган бўлса ҳам ажаб эмас. Қимматли бир қанча ёзувлар орасида эрамиздан аввалги XXI асрдан то VIII асргача давлатни идора қилиб келган осур подшоларининг руйхати топилган. Осурия пойтахти Ниневияда ўтказилган кейинги қазишлар ҳам кўпгина янги маълумотлар берди. Худо Набу ибодатхонаси синчиклаб текширилганида осур подшоларининг бинокорлик ишларига доир ёзувлари топилди. Жанубий Месопотамиянинг Халдия ботқоқликларида Синахерибнинг қилган жангларини, подшо Ашшурназирпалнинг арслон овини, ажнабий элчиларнинг хирож келтиришини тасвирловчи бўртма расмлар жуда муҳимдир. Сунгра, маъбуда Иштарнинг Маништусу замонида қурилган қадимги ибодатхонасининг қолдиқлари ҳам шу ердан топилди. Аккад подшосининг, эҳтимол, Саргон I нинг бронзадан ишланган боши ва Хаммурапи замонидаги ёзув хам шу ибодатхона харобаларидан топилди. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликка бориб тақаладиган архаик даврга оид бешта археологик катламнинг ўрганилиши жуда ҳам муҳим иш бўлди. Ниневия Осуриянинг энг йирик шаҳаригина бўлиб қолмай, балки жуда қадимги шаҳари бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Евфратнинг ўрта қисмида, Қархемишнинг шарқида ва жанубий-шарқида Осурияга қарашли катта вилоят шаҳарларининг харобалари қазиб топилди. Бу—Бит-Адини деган Арамея князлигининг пойтахти, Тил-Барсиб шаҳри бўлиб, у Евфрат дарёсининг қирғоғида жойлашган ва уни Салманасар III истило қилган. Бу ердан Салманасар III қурдирган ва кейинчалик, эрамиздан аввалги VIII ва VII асрларда икки марта қайтадан тузатилган катта осур саройининг қолдиқлари топилди. Осурлар санъати ва моддий маданиятини ёрқин курсатувчи

ажойиб девор ёзувлари кишини айниқса қизиқтиради. Арслонтошда ўтказилган қазишлар ҳам кишини жуда ҳайратда қолдиради; бунда ғишт девор билан ўралган Хадайту деган вилоят шаҳрининг харобалари топилди. Бу шаҳар харобалари қазилган пайтда дастлаб осур подшоси Тиглатпаласар III қуриб, кейинчалик Саргон II томонидан қайта тузатилган саройнинг қолдиқлари топилди. Қушни бино текширилганида фил суягидан бадиий қилиб ясалган 200 га яқин лавҳача топилди, булар подшо тахтини ёки сарой жиҳозларини безаш учун ишлатилган бўлса керак. Бу лавҳачаларнинг баъзилари Миср ва Кипр услубида ишланган бўлиб, Фалаетиннинг Магиддо ва Самарно деган жойларидан топилган лавҳачаларга жуда ўхшаб кетади. Эҳтимол Финикия усталари томонидан ясалган бу лавҳачалар, эрамиздан аввалги IX асрда Финикия билан Осурия ўртасида савдо-сотиқ ишлари анча ривожланганлигидан далолат беради. Ниҳоят, 1932 йилда Хорсободнинг шимоли-шарқидаги Жервонда тошдан қурилган катта осма тарнов текширилди. Синахериб қурдирган бу осма тарновнинг узунлиги 280 *м* ва кенглиги 22 *м* бўлиб, Осурия пойтахти шу тарнов орқали сув билан таъминланган. Махсус каналдан олинган сув ўша осма тарнов ёрдами билан тор водий устидан ўтказилган. Бавиан районидаги бу каналнинг бош қисмида Синахериб замонига доир монументал бўртма расмлар топилди.

Осурия территориясидан ва унга қўшни мамлакатлардан топилган ёзма манбалар Осурия тарихини ўрганиш учун энг қимматли материал бўлиб хизмат қилади. Каппадокиядаги Култепадан топилган ҳужжатлар Осурияниинг энг қадимги тарихини ойдинлаштириб беради. Бу ҳужжатлар, афтидан, Кичик Осиёнинг шарқий ўлкаларидаги савдо колонияларининг архивидан чиққан бўлса керак; бу колониялар дастлаб осурлар томонидан барпо қилинган, кейин, эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик охирларида, у ерда хетт қабилалари келиб жойлашган. Бу ҳужжатларда купинча осурларнинг асл номлари тилга олинади ва осурларга хос латалар учрайди.


Осур ёзувлари орасида учраган бирдан-бир йирик юридик ҳужжат «осурия қонунлари» деб аталган қонунлар, ёки, тўғрироқ қилиб айтганда, суд ишларига оид тўпламнинг бир қисмидир; бу тўпламнинг 79 моддасидан 51 таси оила ҳуқуқига доир бўлиб, у эрамиздан аввалги II минг йилликнинг тахминан ўрталарида (эрамиздан ав. XV—XIII асрларда) тузилган бўлса керак. Бу тўплам тексти Осурияниинг қадимги пойтахти Ашшур шаҳри харобалари ичидан топилган. Бу қонунлар Осурия тарихининг муҳим манбаи бўлиб, қадимги осурларнинг иқтисодий ва ижтимоий тузумини бир қадар ойдинлаш-

тириб беради. Подшо ёзувлари, йилномалар, «лимму» амалдорларининг руйхатлари (йиллар шу амалдорлар номи билан аталган), тарихий-дипломатик ҳужжатлар, масалан, осур подшоси Ададнирари замонида Осурия билан Бобил ўртасида тузилган шартнома ҳақидаги тарихий справка, ниҳоят осур подшоларининг маҳаллий амалдорлар билан маъмурий ишлар юзасидан олиб борган жуда қимматли ёзишмалари (бу ёзишмалар асосан Осурия давлатининг сўнгги асрларига оиддир) кейинги даврларни ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Осурия подшоси Ашшурбанипал кутубхонасидан топилган жуда кўп хилма-хил ёзувлар Осурияда маданий тараққиёт анча юқори даражада бўлганидан гувоҳлик беради.

Осурия тарихининг энг қадимги даври

Арлачияда, Тепа-Гаврада, Тел-Биллада ўтказилган қазишлар энг қадимги замонлардан буён шимолий Месопотамияда яшаган субарей қабилаларининг хўжалик ва бутун маданий тараққиёт даражасини аниклашга имкон беради. Бу қабилалардан баъзилари ўтроқ ҳолга кучиб, деҳқончилик билан кун кечирган. Улар Олд Осиё халқларига маълум бўлган дон экинларидан эммер экканлар. Энг муҳим ҳайвонларни қўлга ўргатганлар. Турли ҳунарлар: кулолчилик, бўз тўқиш ва металлургия пайдо бўлган ва ривожлана бошлаган. Бу қадимги қабилалардаги диний эътиқодлар хақида ҳам баъзи бир маълумотлар бор. Субарейлар табиатдаги ҳодисаларни илоҳийлаштирганлар ва нариги дунёга (охиратга) ишонганлар. Гўрлар очиб қаралганда, мурдалар ғужанак қилиб, ёнбош ётқизилган ҳолда, ҳар хил нарсалар: идишлар, тош ва суякдан ясалган қурол-яроғлар билан бирга қўшиб кумилганлиги маълум бўлди; бу юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Субарей қабилаларининг номлари ва уларнинг мамлакати Субарту номи Шумер-Аккад ва Бобил ёзувларида, жумладан, Марида топилган муҳим ҳужжатларда учрайди. Аккад подшоси Саргон Қадимий ўша вақтда Субарту мамлакати билан уруш қилган. Маридаги подшо саройи харобаларидан топилган ҳужжатларга қараганда, Бобил подшоси Хаммурапи шимолий тоғларда яшовчи ана шу субарей қабилалари билан уруш қилган пайтида Мари подшоси Зимрилим билан ҳарбий иттифоқ тузишга мажбур бўлган. Мари давлати Бобил давлатига ўхшаб, Субарту мамлакатида ўз иқтисодий ва сиёсий таъсирини мустаҳкамлашга интилган. Зимрилим шимолий Месопотамиядаги узига тоби киязлардан жуда кўп хатлар олган. Зимрилим шимолий Месопотамиядан хирож, Маридаги худолар ва ибодатхоналар учун қурбонликлар олиб турган ва ўзини «Юқори Мамлакатнинг подшоси» деб атаган. Афти-



Ашшур шаҳрида Ану ва Адад деган худоларга бағишланган ибодатхона. *Реконструкция.*

дан, Бобил ҳам, Мари ҳам Субарту мамлакати билан ҳар қандай алоқани мустаҳкамлашдан баб-баравар манфаатдор бўлган бўлсалар керак. Бир қанча фактлар субарейларнинг жуда кенг тарқалганини ва уларнинг маданияти анча юксак бўлганини кўрсатади. Тигр дарёсининг шимолий қисмидан то Ниппургача чўзилган кенг территорияда субарейларнинг номлари ёзилган ҳужжатлар топилган эди. Тигр дарёсининг шарқ томонида, Керкук яқинида ҳам субарейларнинг номлари ёзилган Аккад ёзувлари топилган эди. Бу ердаги қазишлар натижасида субарейлар яшаган қишлоқларнинг қолдиқлари тоғилди; субарейлар таъсири ғарбга, то Сурияга ча бориб етган. Энг қадимги осур подшолари мамлакатнинг ерли аҳолиси бўлган субарейлар билан жуда яқин алоқада бўлганлар. Баъзи подшолар, чунончи, Ушпия ва Қикия ўзларига субарей номларини қўйганлар. Энг қадимги Осурияда Митаннийларнинг ҳам бир қадар таъсири бўлгани сезилиб туради. Масалан, Тигр дарёси бўйидаги Самарра шаҳрида митаннийлар исми билан ўзини атаган подшо Арисеннинг мис ланҳачаси топилган эди. Арисен эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда Уркиш ва Нанарда идора қилган. Навҳадаги ёзув худо Нергал шарафига бағишланган экан.

Шумернинг кучли маданий таъсири қадимги замонлардан бошлаб Осурияга кириб борган. Масалан, қадимги Осуриянинг Ашшур шаҳри қазилган вақтда маъбуда Иштар ибодатхонаси остидан яна энг қадимги ибодатхона харобалари топилган, бу ибодатхонанинг пойдевори тагидан эса, шумерликларга хос скульптура парчалари қатламидан иборат ёдгорликлар топилган. Осур санъати узоқ вақтгача Шумер санъатининг кучли таъсири остида бўлган. Осуриянинг жанубий қисмидаги шаҳарлар қадимги Шумернинг айниқса кучли маданий таъсири остида бўлиб келган. Бу шаҳарларнинг ҳокимлари, Шумер патэсилари (ҳокимлари)га ўхшаб, коҳинлик унвони билан аталганлар. Осур подшолари кейинчалик ҳам коҳинлик унвонини сақлаб қолганлар.

Хўжалигининг ривожланиши ва ижтимоий тузум

Энг қадимги даврда осурларнинг хўжалик ҳаётида чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Табиий шароитлар баъзи ҳолларда аҳолига катта-катта сугориш ишларини ўтказмасдан туриб ҳам тирикчилик қилишга имкон берган. Бироқ, деҳқончилик ишларини кенг кўламда ривожлантириш учун ёғингарчилик доимо етарли миқдорда бўлиб турмаган. Баъзи жойларда энг қадимги замонлардаёқ сунъий суғориш тадбирларини қўришга мажбур бўлганлар. Масалан, осур подшолари «мамлакатнинг дон ва кунжутга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун» каттакатта каналлар қазитганликларини биламиз. Сунъий суғориш ишлари Иккидарё оралиғининг жанубий қисмида ёки Мисрдаги сингари, Осурияда катта роль ўйнамаган, балки Осурияда у ёрдамчи восита бўлган, холос. Шундай бўлса-да, турли ҳужжатлар ҳар ҳолда у ерда сунъий суғориш бўлганлигини кўрсатади. Эрамиздан аввалги XV—XIII асрлардаги осур қонунларининг бир моддасида, ер эгалари суғориш учун оқизиладиган сувни расамади билан тақсимласинлар: «Ҳар бир кимса ўз ерида ишласин ва ўз даласини суғорсин», дейилган. Бордию, сув устида низо чиқса, ҳар икки даъвогар судга мурожаат қилиши лозим бўлган. Сўнгра суд сув тақсимотини ижрим қиладиган қарор чиқарган. Суднинг бу қарори алоҳида ҳужжат ҳисобланиб, уни бажариш мажбурий бўлган. Ўз ерига қонундан ташқари сув қўйган айбдорга осур қонунининг яна бир моддаси жуда қаттиқ жазо белгилаган: «Агар бирор киши кичкина бир бўлак ариқни босиб олса, буни исбот қилиб, шу ишни қилган одамни фош қилиш керак бўлади. Айбдор талант қўргошин тўлайди, у олганидан уч баравар ортиқ ер қайтариб беради; у 50 марта дарра ейди; у бир ой давомида подшога ишлаб бермоғи лозим». Демак, қонун чиқарувчи сугориш тармоғининг хўжаликдаги катта аҳамия-

тини ҳисобга олиб, мулк эгаларининг ариқлардаги сувлардан фойдаланиш ҳуқукларини мустаҳкамлаш учун бир қанча тадбирлар кўрган.

Деҳқончиликда галлакорлик билан бир каторда боғдорлик ҳам анча кенг ривож топган. Шу мақсадда тоғ ёнбагирларидан фойдаланилган; тоғ ёнбагирлари Суриядаги каби террасаларга айлантирилиб, буларга ҳар хил мева дарахтлари ўтказилган. Шу хилдаги боғлар Осурияда ҳам, Кичик Осиёнинг осурлар келиб ўрнашган районларида ҳам барпо қилиниган. Кичик Осиёдан топилган осур ёзувларида ойларнинг ўзига хос номи, масалан: «боғлар они» («кератим») ва «анжир ойи» («тинатим») деган номлар тилга олинади. Богдорчиликнинг бу хилда ёйилиб кетиши хатто махсус деҳқончилик календарида акс эттирилган бўлса ҳам керак.

Хом ашёнинг сероб бўлиши аҳолининг турли ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланишига имкон берган. Металлургия жуда кенг ривожланган. Осурлар, қўшнилари хеттлар ва урартларга ўхшаб, етарлича металл руласига эга бўлганлар, улар мис ва темир ҳам қазиб чиқара олганлар. Бронза ҳосил қилиш учун мисни қалай ёки қўрғошин билан бирга қўшиб эритганлар. Қалай ҳам, қўрғошин ҳам Осурияда жуда кўп қўлланиладиган металл бўлиб, хаттоки уларнинг номлари ҳам осур тилида бир хилда юритилган. Осурлар металлдан турли қурол-яроғлар ишлай билганлар, осурлар ўз армияларини қуроллантиришда бутун қадимги Шарқ дунёсида шуҳрат қозонганлар. Металлдан баъзи бир асбоблар ясаш ҳам энг қадимги Осурия давлати яшаган замонларга тўғри келади. Масалан, қўлларини қовуштириб қасам ичиб турган хотин тасвирланган ҳайкалча шу буюмлар жумласига киради; бу ҳайкалча ташқи кўриниши ва ишланган замонига кўра, мамлакатни Лагаш ҳокими Гудеа идора қилган даврга тўғри келади.

Осурия тарихининг бошидан то охиригача бу мамлакат экономикасида натурал-хўжалик мустаҳкам сақланиб қолган. Бироқ, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши айирбошлаш савдосининг энг қадимги формасини аста-секин келтириб чиқарган.

Агар эрамиздан аввалги XVIII асрдан бошлаб Олд Осиёнинг жанубий қисмидаги бутун савдони назорат қилган жуда йирик марказ бўлиб Бобил ҳисобланган бўлса, Олд Осиёнинг шимолий қисми, шунингдек, шимолий Сурия ҳам, Кичик Осиё ва Армения ҳам шу даврда Осуриянинг анча кучли иқтисодий таъсири остида бўлган. Ҳужжатлар бизга эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг охири ва иккинчи минг йиллик бошида Осурияда савдо анча тараққий қилган деб ай-

тишга имкон беради. Галис дарёси районидаги Каппадокияда (Култепада) ҳужжатлар топилган, бу ҳужжатлардаги осур номларига қараганда, улар осур колонияларидан чиққан бўлса керак. Хеттлар ўрнашган мамлакатларда осурлар ўзларининг савдо колонияларини барпо қилиб, хеттлар билан қизғин айирбошлаш савдоси олиб борган бўлишлари ҳам мумкин.

Осурия билан Кичик Осиё мамлакатлари ўртасида олиб борилган савдо-сотиқ ишларида металл муҳим ўрин тутган. Култепада топилган расмий ҳужжатларда олтин, кумуш, мис ва қўрғошин тилга олипгап. Одамларга кумуш ва мис билан қарзлар берилгани ҳақида кўп ҳужжатларда маълумотлар бор. Савдо ишларида қўргошин жуда кепг ўрин олган. Шимолда Бўғоз-Қоягача ва жанубда Евфрат водийсигача чўзилган жойларда яшовчи қабилалар билан карвон савдоси олиб борган катта-катта савдо корхоналарига осур савдогарлари бошчилик килган.

Осурлар маҳаллий хетт аҳолиси билан қизғин савдо-сотиқ ишлари олиб бориб, маҳаллий аҳолига кўпинча қарз берганлар, бу қарзлар натижасида камбағаллар одатда асоратга тушиб қолганлар. Қарзини ўз муҳлатида тўлашга қурби етмаган камбағал қарздорлар ижарадорнинг «уйига киришлари» лозим бўлган, бошқача қилиб айтганда, қарздор олган қарзи бадалига шахсан меҳнат қилиб беришга мажбур бўлиб, қарздорлик асоратига тушиб қолган.

Бу осур колонияларипинг ўз-ўзини идора қилиш бошқармалари бўлган. Улар махсус «шаҳар хопаси» томонидан идора қилиниб, Ашшур шаҳридан кўрсатмалар олиб турганлар ва шу шаҳарнинг олий судига бўйсунганлар. Бироқ, осур савдогарлари билан бир қаторда, Аккад савдогарлари ва Ғарбий семитларнинг аморийлар ўрнашган (Хабур районида) ўлкаларидаги савдогарлари ҳам Кичик Осиёга кириб борганлар. Шундай қилиб, осурларнинг Кичик Осиёдаги колонияларида маданиятнинг қурама тури майдонга келган. Култепада топилган расмий ҳужжатлар, аккадлилар тили билан илк осурлар тилининг қўшилишидан ҳосил бўлган қурама бир тилда ёзилган. Кичик Осиё колонияларига Аккад орқали бобилликларнинг узунлик ва оғирлик ўлчов системаси (талант — мина — шекель) келиб кирган, бироқ, бу ерда ўнли саноқ системасининг жорий қилиниши билан бу система мураккаблашиб қолган. Бу колониялардаги аҳолининг ўзи ҳам жуда қурама бўлиб кетган. Этаси семит номида бўлмаса ҳам, ўғли соф семит номини олган. Афтидан, Осуриянинг ўз территориясидагидан кўра, унинг колонияларида турли қабилалар ва турли мада-

ний таъсирлар бир-бирлари билан кўпроқ аралашиб кетган бўлса керак.

Савдо тараққиети ҳарбий ишнинг ривожланиши билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган. Хом ашёга бой районларни ва савдо йўлларини босиб олиш ҳарбий кучлар ташкил қилишни талаб этган. Қўшни мамлакатларга қилинган ҳарбий юришлар вақтида кўпгина асирлар қўлга киритилган. Урушлар қулчиликнинг асосий манбаларидан бири бўлган; бундан ташқари, осурлар шимолий Месопотамиядаги ерли субарей аҳолисини ва Кичик Осиёдаги хеттларни раҳмсиз равишда эксплуатация қилиб, асоратга тушган қарздорларни қулларга айлантиргайлар. Ниҳоят, патриархал оила тараққиети қадимги жамоа ичидаги социал зиддиятларни чуқурлаштирган. Хотинлар ва оиланинг кичик аъзолари қул ҳолида бўлганлар. Патриархал оила бошлиги бўлган эр ва ота уруғ бошлиги (оқсоқол)нинг ҳамма ҳуқуқлари ва ҳокимиятини ўзига мерос қилиб олган чекланмаган ҳокимга ва тугма қулдорга айланган. Осуриядаги каби уй қуллигининг жуда яққол формаларини қадимги Шарқнинг ҳеч бир мамлакатида кўрмаймиз. Қулликнинг бундай формалари Осурияпинг эрамиздан аввалги тахминан XIV асрга оид қонунларида ёзиб қолдирилган.

Бу қонунларга кўра, оила ҳуқуқи бепиҳоят қаттиқ бўлгаи. Оила ҳуқуқи хотинни қул ҳолига солган. Хотин ўз эрининг уйидаги мол-мулкига эгалик қилишга ва уни сотишга ҳақи бўлмаган. Ўз эрининг уйидаги бирор нарсани эридан ижозатсиз олган хотин ўғри ҳисобланган. Осур қонунларидаги моддалардан бирида бундай дейилади: «Агар қул ёки чўри эркин одам хотинининг қўлидан бирор нарса олар экан, қул ёки чўрининг бурун ва қулоқларини кесиб ташлаш керак. Ўғирланган нарсани қул ёки чўри тўлаши керак. Эркин одам эса ўз хотинининг қулоқларини кесиб ташласин. Агар эркин одам ўз хотинини оқлайдиган бўлса, у ҳолда қул ёки чўрининг ҳам бурун ва қулоқлари кесилмасин ва ўғирланган нарсани ҳам улар тўламасин».

Эрнинг ўз оила аъзоларини хўрлаш ва жазолаш учун чексиз ҳуқуққа эга бўлганлигини қонуннинг бошқа бир қанча моддалари ҳам кўрсатади. Хотин киши эрига хиёнат қилиб ёт одам билан алоқада бўлса, эри уни ўлдиришга ҳақли бўлган. Қонуннинг алоҳида бир моддаси эрининг ўз хотинини қаттиқ калтаклашига рухсат беради. Осурия суд қонунлари тўпламида: «Бирор кимса ўз хотинининг сочини қиркса, уни мўматалоқ қилгунча урса, унинг аъзойи баданини тилка-пора қилиб ташласа ҳам, эр айбдор бўлмайди» деб ёзилган. Хотинларнинг эрларга тобелигини қонуннинг яна бошқа бир моддаси ҳам кўрсатади, бу моддада айтилишича, эр бедарак

йўқолиб кетган тақдирда, хотини уни номаълум муддатгача кутиши шарт. Хотин қўйиш тартибининг махсус формаси хотинларнинг бундан ҳам оғир аҳволини янада қийинлаштирган: «эр хотинини қўйиб юборар экан, истаса хотинига бирор нарса беради; бордию истамаса, у албатта ҳеч нарса беришга мажбур эмас ва хотин уйидан икки қўли буш чиқиб кетаверади». Ўз қизига нисбатан ота ҳам худди шундай чексиз ҳуқуққа эга бўлган. Қонун отанинг ўз қизини истаганича жазолашига йўл қўйган. Осур қонунининг бир моддасида: «Ота ўз қизига нисбатан истаганча муомала қила олади» деб айтилган. Қиз тугилган кунидан бошлаб отасининг чўриси ҳисобланган, ота ўз қизини чўриликка сота олган, шу билан бирга қонунда муайян «қизларнинг баҳоси» кўрсатиб берилган. Масалан, қизни алдаган ёки зўрлаган киши «қизнинг асл баҳосидан уч ҳисса ортиқ кумуш билан» отасига ҳақ тўлаши лозим бўлган. Сақланиб қолган контрактларда хотиннинг 16 шекель (134 грамм) кумушга сотиб олинганлиги ёзилган.

Осурияда кўп асрлар бўйи яшаб келган қадимги патриархал оила тўнғич ўғилнинг ворислик ҳуқуқи расм бўлгани туфайли мустаҳкамлана ва кучая борган. Қонуннинг алоҳида моддасига биноан, тўнгичлик ҳуқуқига кўра, биринчи ўғил мероснинг кўпчилик қисмига даъвогар бўла олган. Одатда, тўнғич ўғил мероснинг учдан икки қисмини олган, шу билан бирга учдан бир қисмини хоҳишига қараб танлаб олишга ва яна бир қисмини чек ташлаб олишга ҳақли бўлган. Қадимги Исроил давлатида бўлгани каби, Осурияда ҳам левират (есирга уйланиш) одати, эъни ўлган кишининг бева қолган хотинининг унинг ака-укаларидан бирига мажбурий суратда никоҳлаб бериш одати катта аҳамиятга эга бўлган. Буни Осуриянинг суд қонунлари тўпламидаги қуйидаги модда аниқ кўрсатади: «Агар унинг ўғилларидан бири вафот қилиб, келин ўз отасининг уйида бева қолса, у ҳолда ота (марҳумнинг отаси — *В. А.*) ўлган ўғлининг хотинини иккинчи бир ўғлига никоҳлаб бериши керак». Осур қонунларида шундай бир махсус модда борки, бу модда ўғли ўлгандан кейин, унинг бева қолган хотинини никоҳлаб бериш учун бошқа ўғли бўлмаган тақдирда, келинни қайнатанинг ўзи хотин қилиб олишига йўл қўйган.

Қарздорлик асоратининг авж олиши қулдорлик муносабатларининг келиб чиқишига кенг йўл очиб берган. Осурияда қарзга берилган пул ёки дон учун қўшимча тўланадиган аниқ процент пормалари бўлмаган. Шу сабабли қарз берувчи истаганича процент ола берган. Бу процентлар одатда йилига 20 дан 80 процентга етиб борган. Шу билан бирга, судхўрларнинг баъзан 160 процентга етказиб фойда олганлигини кўр-

сатувчи ҳужжатлар ҳам сақланиб қолган. Қарзини ўз вақтида тўламаган қарздорлар асоратга туширилган ва бу қарздорлар эски қарз берувчининг уйида ўзлари меҳнат қилиб қарзини узишлари, ёхуд ўз болалари ёки қариндош-уруғларини унга гаровга қўйиб, тутқунликка беришлари лозим бўлган. Асоратга тушиб қолган қарздор қарз берувчининг уйида ишлаши лозим бўлса-да, лекин қарз берувчи уни ўз қулларини сотгандай сотишга ҳақли бўлмаган. Бунинг устига, Осурияда тугилиб ўсган осурларни қулликка солишни қонунларнинг баъзи моддалари ман қилган. Бироқ қонуннинг қулдорлик эксплуатациясининг жуда огир формаларини енгиллаштиришни кўзда тутган бу моддалари ҳақиқатан амалда жорий қилинган деб бўлмайди. Бизнинг замонамизгача сақланиб қолган ҳужжатлар шуни кўрсатадики, осурлар гарданларидаги қарзларни муҳлатида тўлай олмаган тақдирда, қарздор қулларга айлантирилган. Осур қонунининг яна бир моддаси, қадимги Осурияда уй қуллиги ва қарздорлик қуллиги анча ривожланганини кўрсатади. Бу модда ака-укалар ўртасида мол-мулк бўлиб олинмагунча уларнинг биропорасн томонидан «жонли махлуқлар» (напшате) нинг ўлдирилишини тақиқлайди. Елгиз «жонли махлуқларнинг хужайинигагина» шу «жонли махлуқлар»ни ўлдиришга рухсат этилган. Қонун чикарувчи «жонли махлуқлар» деб, уй қулини ва қарздор қулни, шунингдек, уй ҳайвонларини кўзда тутган бўлса керак. Қонун чикарувчи қуллар билан уй ҳайвонига бир хилдаги «жонивор» (напишту) деб қараган. Шу нарса характерлики, қадимги яҳудийларнинг ўша сўзга оҳангдош ва яқин бўлган («нефеш») сўзи ҳам уй қули билан уй ҳайвонини билдирган.

Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидагига ўхшаб, Осурияда ҳам қулдорликнинг жуда ибтидоий формалари (уй куллиги ва асорат қуллиги) авж олганлиги бошқа сабаблар билан бир қаторда, қулдорлик ишлаб чиқариш усулининг ривожланмай, бир жойда қотиб қолишига олиб келган.

Энг қадимги Осурия давлатининг ташкил топиши


Синфий зиддиятларнинг кескинлашуви давлатнинг вужудга келишини талаб қиларди. Давлат қулдорлар билан бойларнинг қулларга ва камбағалларга қарши олиб борадиган курашида шу қулдорлар билан бойларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди. Иккинчидан, ўсиб борувчи қулдорлик хўжалигини зарур бўлган энг арзон иш кучи (қуллар) билан ва мамлакатни стишмайдиган хом ашё ҳамда ҳунармандлик буюмлари билан доимо таъминлаб туриш учун, давлат қўшни мамлакатларга харбий юришлар уюштирмоғи ва улар билан савдо-сотиқ ишларини олиб бормоғи лозим эди. Ниҳоят, давлат ҳокимияти мамлакат

чегараларини қўшни кўчманчи қабилаларнинг ва кучли давлатларнинг ҳужумларидан қўриқлаши лозим эди.

Қадимги Шарқ дунёсининг шимолий чеккасида жойлашган ва денгиздаги муҳим савдо йўлларидан узоқда бўлган Осурия патриархал оиланинг қадимги формаларини ва тараққий қилмаган давлат тузумини узоқ вақтларгача сақлаб келган. Хеттлардаги сингари, қадимги Осуриянинг давлат тузуми ҳам, эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик охирида ва иккинчи минг йиллик бошларида ҳали кўп жиҳатдан қабилалар иттифоқига, ҳарбий қабила демократиясига ўхшаган. Осуриянинг энг бурунги ҳокимлари «ишаккум» деган ярим коҳинлик унвонида юрган. Бу унвон қадимги шумерийлардаги «патэси»га тўғри келади. Осурия ҳокимлари олий мартабали коҳин ва ҳарбий ҳокимият эгаси бўлган. Булар билан бир қаторда оқсоқоллар кенгаши анча таъсирга эга бўлган, оқсоқоллар кенгаши эса, Каппадокия ҳужжатларидан кўринишича, Осуриянинг Кичик Осиёдаги колонияларини идора қилган ва суд ишлари соҳасида алоҳида функцияларга эга бўлган. Аммо Осурияда энг қадимги давлатнинг ташкил бўлиш даврида бу оқсоқоллар кенгаши қулдор зодагонларнинг вакилларидан иборат бўлган ва шу сабабли ҳокимият нуқул аристократлар қўлидаги органга айланган. Ҳокимиятнинг бу аристократик органи Осуриянинг катта-катта шаҳарларида ҳам, шунингдек, Осуриянинг Кичик Осиёдаги савдо колонияларида ҳам ҳоким синф бўлган қулдорлар аристократиясининг манфаатларини акс эттирган. Энгельс, синфий давлат ташкил топиш давридаги уруғ тузуми замонининг ижтимоий ҳокимият органлари синфий ҳукмронлик органларига айланиб, ижтимоий функцияларнинг жамиятга нисбатан тобора ўсиб борувчи мустақиллиги жамият устидан бўладиган ҳукмронликни майдонга келтирди, «жамиятнинг дастлабки ходими, қулай шароит юз бергандан кейин, аста-секин шу жамият устидан қарайдиган хўжайинга айланди»[1] деб ёзган эди. Қадимги оқсоқоллар кенгашининг қадимги Осурияда қулдорларнинг синфий ҳукмронлик органига айланиб бориш процесси Энгельснинг ана шу фикрини тасдиқловчи ёрқин мисолдир.

Ҳужжатлар етарли бўлмагани сабабли, Осуриянинг энг қадимги тарихини муфассал суратда тиклаб бўлмайди. Сунгги замонлардаги тарихий традиция, афсонавий Энлиль-банини осур подшоларининг жуда қадимги бобоси деб ҳисоблайди. Энг қадимги осур ёзувларига қарағанда, эрамиздан аввалиги XXII—XXI асрларда Ашур шаҳрининг ҳокимлари

[1] Ф. Энгельс, Анти-Дюринг, 168-бет.



ҚАДИМ ЗАМОНДАГИ ЮҚОРИ МЕСОПОТАМИЯ

Ашшур — Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари

Мосул — Аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари

30 0 30 60 90км

Урнинг III династия подшолари ҳокимияти остида бўлган. У ҳокимларнинг баъзилари чет эл зулмидан озод бўлган бўлсалар ҳам эҳтимол. Масалан, Шалимаҳум ўзидан олдин ўтган ҳокимлар сингари, энди ўзини Ур подшосининг «ходимиман» демайди. Эрамиздан аввалги XX асрда, аморийлар Месопотамияни истило қилган даврда Бобил подшолигини барпо қилган аморийлар билан Осурия ҳокимлари қаттиқ кураш олиб борганлар. Бу кураш пақтида Осурия ҳокимлари Шумернинг қадимги шаҳарларига таянганлар, чунки Шумер давлатининг ўтмишдаги қудрати ҳали бу шаҳарлар хотиридан чиқмаган эди. Аморийларнинг биринчи подшоси Сумуабуниинг замондоши осур подшоси Илушума, ўз ёзувида фахр билан: «Ур, Ниппур, Авал, Кисмар ва Дерда... то Ашшургача... аккадликларга ва уларнинг ўгилларига озодлик бердим» дейди. Шундай қилиб, Илушума Месопотамиянинг жанубий қисминигина эмас, балки Тигр дарёсидан шарқда жойлашган баъзи ўлкаларни ҳам ўзига бўйсундирган. Ундан кейин тахтга ўтирган ўғли Иришум қолдирган кўпгина ёзувларда ўзининг қурилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида фахрланиб гапиради. Ашшур ибодатхонаси, маросимлар учун солинган ҳашаматли зина ва Адат ибодатхонаси Иришум замонида қурилган бўлса керак. Аммо Осурия кучайгани билан, бари бир узоқ давом эта олмаган. Бобил подшоси Хаммурапи Осурия давлатининг кучини синдириб, Субарту мамлакатини ва Осуриянинг ўша замондаги асосий шаҳри Ашшур ҳокимларини ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлган. Хаммурапи ўзининг қонунлар тўпламида Осуриянинг Ашшур ва Ниневия деган шаҳарлари ўз давлатига қарашли шаҳарлар эканлигини, у бу шаҳарларга «ҳомий мададкор худойи таолоии қайтарганини» ва «маъбуда Иштина номининг чарақлашига йўл қўйиб берганини», яъни бу шаҳарларда «оёқ ости қилинган адолатни» қайтадан тиклаганини ва бу шаҳарлар устидан ўз назоратини ўрнатганини айтган. Ўша замонга доир расмий ҳужжатларда, қасам текстларида Ашшур ҳокимининг номи билан бир қаторда аморийлар ичидан чиққан Бобил подшоларининг номи ҳам учрайди. Хаммурапи Осурияга қарши давомли ва қаттиқ кураш олиб борган. Осурияни ўша вақтларда Шамшиадад деган подшо идора қилган. Шамшиадад давлат тўнтариши ясаб, ҳокимиятни зўрлик билан ўз қўлига олган. Шамшиададнинг ўзи ерли субарей уруғидан бўлган. Шамшиадад ўз ёзувларидан бирида фахр билан: мен ўз мамлакатимда галлага, мойга ва жунга қатъий баҳолар белгиладим деган, расмий ҳужжатлардан маълум бўлишича, бу баҳолар Бобилдаги баҳолардан икки баравар кам бўлган.

Шамшиадад қишлоқ ва шаҳарлардаги эркин аҳоли оммасининг манфаатларини бир қадар ҳимоя қилган, бинобарин, ҳокимиятни ҳам кенг халқ ҳаракати натижасида ўз қўлига киритган бўлса керак. Шамшиадад эркин аҳолининг ўрта табақаларига таяниб, Осурияни бирмунча мустаҳкамлаган. Шамшиадад Тукриш ва Осурияниинг шимол ва шарқидаги Нагорнея мамлакатлари подшоларидан хирож олиб турган, «Улуг денгиз» («Ўрта денгиз») қиргоғидаги Лабан (Ливан) мамлакатида ҳайкал ўрнатган. Шамшиадад, Даган номли худога эътиқод қилган, бундан унинг Осурияғагина эмас, балки, шу билан бирга, Осуриянинг ғарбидаги Хана мамлакатига ҳам ҳокимлик қилганлиги кўринади. Шамшиадад ўзининг Иасмахадад деган ўғлини Мари мамлакатига подшо қилиб қўйган ва, шундай қилиб, Бобилга рақиб бўлиб олган. Мари подшолигини истило қилган Хаммурапи Осурияга ҳам қаттиқ зарба етказган бўлса керак. Бироқ Хаммурапи Осурияни батамом истило қилгани тўғрисида ўз ёзувларида ҳеч нима демаган, балки у подшолик қилган даврининг 32 йилида «Манкисани ва Тигр бўйидаги мамлакатни то Субарту мамлакатигача» тор-мор қилганини айтади, холос. Асосан, урушиб олинган ерлардан ташкил топган Бобил подшолиги номустаҳкам бир давлат бўлиб чиққан. Хаммурапи вафот қилгандан кейин, тез орада, кассит истилочиларнинг зарбалари остида Бобил давлатининг қудрати емирилган. Бироқ Осурия Бобилнинг емирилишидан ўз қудратини ошириш учун фойдалана олмаган. Кичик Осиёда осурлар яшгидан ташкил топган Хетт подшолигига ёй беришга мажбур бўлган. Осурияга қўшни бўлган мамлакатда кучли Митанни подшолиги майдонга келиб, бу подшолик Мисрнинг ёрдами билан тез орада бир қанча қўшни ўлкаларни ва шу жумладан Осурияни ҳам истило қилган.

Осурия эрамиздан аввалги XV асрда Митанни подшолари қўл остида бўлган. Митанни подшоси Шаушшатар Осурияни тор-мор келтириб, Ашшур шаҳрини босиб олган ва қўлга киритилган бой ўлжаларни, хусусан олтин ва кумуш билан безалган шоҳона дарбозаларни ўз пойтахти Васуганнига олиб кетган. Бироқ хеттларга қарши узоқ вақт давом этган ва қаттиқ кураш натижасида кучсизланган Митанни подшолиги Месопотамиянинг шимолий қисмида аста-секин ўз таъсирини йўқотган. Осурия подшолари Митаннининг кучсизланишидан фойдаланиб, ўз мамлакатларининг мустақиллигига эришиш мақсадида узоқ Миср давлати билан алоқа боғлаганлар. Осур подшоси Ашшурнадинахе Мисрдан 20 талант олтин олган. Осур подшоси Ашшурбаллит Мисрга махсус элчи юбориб, Эхнатонга бу элчини «сени ва сенинг мамлакатингни кўриб

танишсин. Бу элчи сенинг иродангни ва сенинг қўл остингдаги мамлакатнинг иродасини билгандан сўнг, яна ўз юртига қайтсин» учун юбордим деб хабар берган. Осур подшоси фиръавнга совғалар юбориб, ундан олтин юборишни илтимос қилгани яна бошқа бир хатдан биламиз. Осурия бу даврда Миср билан савдо алоқалари боғлашга ва митанниларга қарши курашида Мисрга таянишга ҳаракат қилган бўлса керак. Осурия учун қулай бўлган халқаро вазият юзага келган. Ашшурбаллит Осурияни митаннилар зулмидан озод этишга, Бобилга кўшин тортиб боришга, уз қариндоши Куригальза III ни Бобил тахтига ўтқазишга ва, шундай қилиб, Иккидарё оралиғининг шимоли-гарбида ҳамда шимолида Осуриянинг таъсирини жуда мустаҳкамлашга муваффақ бўлган.

Осуриянинг биринчи марта юксалиши

Шундай қилиб, Осурия кучли ҳарбий давлат сифатида аста-секин кенг халқаро кураш майдонига чиқа бошлаган. Шу билан бир вақтда Осурия савдоси ҳам ривожлана бошлаган. Шу сабабли, Ашшурбаллитнинг тахт ворислари олдида асосий карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш каби мушкул вазифа турган. Митанни қулаганлиги туфайли Евфрат водийсидан гарбга борадиган йўл очилган. Энди бундан кейин Евфрат дарёсидан ўтадиган сув йўлини эгаллаш ва Сурияга борадиган йўлни очиш лозим бўлган, холос. Шунингдек, Осурия учун Шарқ мамлакатлари билан савдо ишларини ривожлантириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Тигрнинг шарқ томонида, Загр дарёсининг тор водийларида кичик-кичик князликлар бўлган. Бу князликлар Иккидарё оралиғидан Эрон ясситоғларига борадиган муҳим савдо йўллари устида жойлашган. Бу князликларда ҳали Бобилнинг қадимги маданий таъсирининг қолдиқлари сақланиб қолган бўлиб, касситлар даврида улар Бобил билан алоқада бўлганлар. Осурияиинг кучайиб кетишидан асосли равишда чўчиган Бобил подшолари Шарқдаги бу князликларни қўллаб келганлар, бу князликлардаги аҳоли ўзининг қабилавий состави жиҳатидан касситларга яқин бўлган. Шу сабабли осур подшоларига фақат касситлар Бобилигагина қарши эмас, балки шу билан бирга, Шарққа борадиган йўлни тўсиб турган шарқий князликларга қарши ҳам кураш олиб боришга тўғри келган. Ниҳоят, тахминан худди шу вақтларда ғарб томонда арамей (ахламу) деган кўчманчи кабилалар ҳам пайдо бўлиб, булар бир неча марта Осурияга бостириб кириб, унга катта зиён етказганлар.

Ашшурбаллитнинг тахт ворислари бир талай истилочилик урушлари олиб борганлар. Бу урушлар натижасида Осуриянинг территорияси кенгайтирилган ва ҳарбий-сиёсий қудраги

кучайган. Адад-Нирари I қўшни давлат қўшинлари устидан бир неча марта ғалаба қозонган. У Загр районида касситлар Бобилига қаттиқ зарба берган ва бир неча шаҳарни қўлга киритган. Сунгра у ғарб томонга қараб борган, Митанни шаҳарларини босиб олган ва Суриягача кириб бориб, Харрандан тортиб то Қархемишгача чўзилган кенг территорияни истило килган. Чунки Иккидарё оралигидан Кичик Осиёга борадиган муҳим савдо йўли Қархемиш орқали ўтадиган бўлган. Шундай килиб, Адад-Нирари I Осурияниинг Месопотамиядаги аҳволини мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга, Урта денгизининг осур қирғоқларига чиқиб борадиган энг муҳим савдо йўлларини ҳам ўз қўлига киритиб олган. Катта ҳарбий улжалар қўлга туширилганлигидан осур подшоси учун ўз пойтахти Ашшур шаҳрини ҳашаматли биполар билан безатиб, обод қилишга имконият тугилган. Иштар ибодатхонаси, худо Ану ва Адад ибодатхоналари ҳамда подшонинг эски саройи Адад-Нирари I замонида қайтадан қурилган. Адад-Нирари истилочилик сиёсатининг кенг қулоч ёзганлигини таъкидлаш учун узига «куплар подшоси» деган унвон олган. Эрамиздан аввалги XIII асрнинг биринчи ярмида подшолик килган Салманасар I жуда катта ҳарбий ютуқлар қўлга киритган. У Уруатри (кейинги Урарту) мамлакатининг шимолидаги қабилалар билан сурункасига кураш бошлаб, у ерда 8 «мамлакатни» ишгол этган, бу ерлардаги қабилалар, эҳтимол, катта қабила иттифоқи тузиб, бирлашганлар. Шимолий мамлакатларда Осурияниинг таъсирини мустаҳкамлаш учун Салманасар I бу ерда бир қанча колонияпар барпо қилган. Салманасар I ғарбда ҳам анча катта ғалабалар қўлга киритган. У бу ерда Митанни подшоси Шаттуар қўшинларини, гарчи унинг составига хетт ва арамей жангчи отрядлари ҳам кирган бўлса-да, тор-мор келтирган. Бу ғалаба натижасида осурлар, 14400 асир олган. 9 та «мукаддас» шаҳарни, шу жумладан, Шаттуарнинг нойтахтини (Насибинни бўлса керак) ҳам ишғол қилган. Афтидан, бу вақтда осур подшосининг ҳокимияти Евфрат дарёсигача, очиқроқ килиб айтганда, Қархемиш шаҳригача кенгайиб борган; Қархемиш ҳам Осурия ҳукмронлигини тан олган. Ниҳоят, Салманасар Бобилнинг кассит подшоси қўшинларига катта зарба берган, кассит подшоси яхши уйламасдан, хетт подшоси Хаттушил III нинг ғалига кириб, Осурияга қарши отланган ва натижада зарбага учраган. Месопотамиянинг шимоли-ғарбий қисмида Осуриянинг кучайиб кетишидан чўчиган хетт подшоси ҳам Бобил подшосини зўр бериб осур подшосига қарши отлантирган. Салманасар I ўз қароргоҳини Юқори Заб дарёсининг Тигрга қўшиладиган жойдаги Калах шаҳрига қурган. Афтидан, шарққа — Загр

тогларига, шимолга — Уруатри мамлакатига, шимоли-ғарбий томонга — Миганни мамлакатига, хуллас бундан кейин осурларнинг муҳим истило районларига чиқиб борадиган муҳим савдо йўллари шу жойдан кесиб ўтган бўлса керак.

Тукульти-Нинурта истилочилик сиёсатини янада зўр ғайрат билан амалга оширган. Тукульти-Нинурта шарққа, жанубий-шарққа, яъни Элам ўлкаларига қарши ҳамда ғарбга ва жанубий-ғарбга, яъни Хана, Мари ва Рашку мамлакатларига қарши бир қанча ҳарбий юришлар қилган. Тукульти-Нинурта Шимолий Сурияга, эҳтимол, ундан ҳам нарироқ шимол томонга юриб бориб, хеттларнинг шимолий Осуриядаги князликларини тор-мор келтирган ва бу князликлардан 28.800 кишини асир олиб кетган. Тукульти-Нинурта катта қўшин тўплаб, шимол томонга, Ван кўлининг ғарбидаги Наири деган тоғли мамлакатга қарши қўшин тортиб борган ва Наирида 43 князнинг бирлашган иттифоқини ялчиб ташлаган. Ниҳоят, осур подшосининг Бобилга қарши қилган ғолибона юриши жуда катта муваффақият қозонган. Осур қўшинлари Бобилни босиб олганлар, ундаги истеҳкомларни бузиб ташлаганлар, бой ва бир замонлар қудрати билан шуҳрат қозонган Бобил шаҳарини харобазорга айлантирганлар, худо Мардук ибодатхонасини талаганлар ва Бобил худосининг ҳайкалини ўлжа қилиб ўзлари билан олиб кетганлар.

Аммо Осурия ҳали Бобилни батамом сиға оладиган даражада кучли бўлмаган. Эрамиздан аввалги XII асрда Бобилда катта ўзгаришлар юз берган. Касситлар династиясидан бўлган сўнгги подшо ағдарилиб, Бобил подшолари тахтига IV Бобил династиясига асос солган ғайратли Навуходоносор I ўтирган. Осур подшоларининг барча қўшни халқларга қарши олиб борган давомли ва қаттиқ урушлари мамлакатни хийла заифлаштириб қўйган, натижада Осурия орқага қараб кетган ва ҳатто вақтинча бобилликлар таъсирига тушиб қолишга ҳам мажбур бўлган. Фақат эрамиздан аввалги XII аср охиридагина Осурия подшоси Тиглатпаласар I Осурия-нинг аввалги қудратини тиклаган. Тиглатпаласар I шимолдаги Наири мамлакатига ғолибона юриш қилиб, бу мамлакатда жуда кўп ва қимматли ўлжалар қўлга туширганини ўз ёзувларида батафсил баён қилган. Тиглатпаласар I Осуриянинг ғарбида яшаган қабилаларни тор-мор келтиргандан кейин, Сурияга ҳам киришга муваффақ бўлган. У, Финикия қирғоғидаги Библ, Сидон ва Арвад деган муҳим савдо шаҳарларини қўлга киритиб, бу шаҳарларни хирож тўлашга мажбур этган. У, Ўрта денгизда арвадлиларнинг кемаларида сузиб

юрдим деб фахр билан гапирган. Ҳатто узоқдаги Миср ҳам Осурия подшосининг қудратини тан олишга мажбур бўлган. Миср фиръавни Осурия подшолигининг пойтахтидаги ҳайвонот боғини бойитиш максади билан бўлса керак, Осурия подшосига совға қилиб тимсоҳ билан бегемот юборган. Осур подшоси Бобилга ҳам қудратли чангалини ташлаб, Аккадга бир неча марта голибона юриш қилган ва Сиппар билан Бобил шаҳарларини босиб олган. Аммо Осуриянинг энг хатарли душманлари Тигрнинг гарбидаги бепоён чўлларда, асосан, Евфрат дарёсининг шарқий қирғоқларида бўлган. Бу душманлар арамей (ахламу) қабилалари бўлиб, улар аввалларн ҳам Осурияга хавф солиб турганлар, аммо ўша вақтдан эътиборан улар Осурияга бостириб кириб, уни вайрон қила бошлаганлар. Тиглатпаласар арамей қабилаларини енгиб, уларни Евфрат дарёсининг ғарбий қирғоғига улоқтириб ташлашга муваффақ бўлган. Лекин Тиглатпаласар ўлгандан кейин, тез орада, Осурия орқага кета бошлаган. Узоқ давом қилган урушлар билан кучсизланган мамлакат, энди кўчманчиларга етарли даражада қаршилик курсата олмай қолган. Арамейларнинг ҳамма ёқни вайрон қилган ҳужумлари Осуриянинг қудратини аста-секин кеткиза бошлаган. Осурия қўлга киритган ҳамма ерларидан маҳрум бўлган. Бу эса, Осуриянинг тушкунлик даври бўлган. Бу даврга доир ёзувлар ва ёдгорликлар жуда озгина сақланиб қолган.

Осуриянинг иккинчи марта юксалиши

Ҳужжатлар бўлмаганлиги туфайли, эрамиздан аввалги IX асрда Осурияни иккинчи марта юксалишга олиб келган социал-иқтисодий сабабларни ҳам очиб бериб бўлмайди. Аммо бизга маълумки, Олд Осиёнинг шимолида эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик охирида темир ишлатила бошлаган, замон ўтиши билан темир бронзани тобора кўпроқ сиқиб чиқарган. Эрамиздан аввалги XIII асрга келганда, ибодатхоналарга пойдевор солиш вақтида темир буюмларни назр этиб қўйганлар. Тиглатпаласар I нинг ёзувларида подшо напзасининг учи темирдан қилинганлиги тилга олинган. IX асрдаги осур йилномаларида темир мотигалар ва ханжарлар эслатилиб ўтилган. У даврда бронза билан баб-баравар темир ҳам ишлатилган. Аммо VIII асрга келиб, темир умумий кўламда ишлатила бошлаган. Осур подшолари ўзларига бўйсундирилган халқлардан хирожни темир билан тўлашни талаб қилганлар. Хорсободда ўтказилган қазишлар вақтида темирдан ясалган ҳар хил буюмлар, темир ёмби ва асбоблар (мотигалар, белкураклар, илуглар ва омоч тишлари)нинг бутун бир омбори топилган эди. Темир рудасининг қазиб топилиши ва уни ишлатиш техникада бутун бир ўзгариш ясаб,

ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ўсишига сабаб бўлган ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ёрдам қилган бўлса керак. Темирнинг кенг кўламда қўлланилиши пировардида савдонинг тараққий қилишига ва армияни янги, хийла мукаммаллашган қурол-яроғлар билан таъминлашга сабаб булган, бу эса Осуриянинг ҳарбий-сиёсий қудратини қайтадан тиклашга ёрдам берган.

Осур подшоси Ашшурназирпал II (эрамиздан аввалги 884—859 йиллар) ўз подшолигининг бошидан то охиригача жуда катта босқинчилик сиёсатини олиб бориб, Осуриянинг ҳарбий қудратига асос солган. Ашшурназирпал арамей қабилаларини Осурияга бўйсундирган, шундан кейин бу қабилалар осур подшосига хирож тўлайдиган булганлар. Шу билан бир вақтда, Ашшурназирпал II Наири қабилалари ўртасида ҳам Осурия таъсирини тиклаган. Унинг ғарбда олиб борган урушлари жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Ашшурназирпал Евфрат дарёсининг ғарбида яшаган қабилалар устидан бир қанча катта ғалабалар қозонишга, Кархемишни эгаллашга, шимолий Суриядаги Хаттин князлигининг ўзини Лубарна деган хетт номи билан атаган ҳокимини бўйсундиришга ва шундай қилиб Ўрта денгизга йўл очиб чиқишга муваффақ бўлган. Осур қушинлари Оронт водийсини кесиб ўтиб, Аман тоғларигача бориб етганлар, сўнгра Ашшурназирпал бипокорлик учун зарур бўлган қимматбаҳо ёғочларни шу ердан оладиган бўлган. Ўрта денгиз қирғоғидаги бой Финикия шаҳарлари ғолиб осур подшосига хирож юбориб турганлар. Ашшурназирпал ўша вақтда ўзининг янги пойтахти Калах шаҳрида қурдирган ҳашаматли саройининг қолдиқлари ҳали ҳам бор. Бунда осур давлатини жуда қудратли давлат қилиб кўрсатиш учун подшони жуда ботир аскар сифатида тасвирловчи ва бадиий жиҳатдан ғоят гўзал қилиб ишланган бўртма расмлар бор[1].

Эрамиздан аввалги IX асрда подшолик қилган Салманасар III Ашшурназирпал ишини давом эттирган. Салманасар III 35 йиллик подшолиги даврида 32 марта ҳарбий юриш қилган. Осуриянинг бошқа ҳамма подшоларига ўхшаб, Салманасар III га ҳам ўз давлатининг ҳамма чегараларида кураш олиб боришга тўғри келган. Салманасар ғарб томонда Евфрат дарёсининг бутун водийсидан тортиб то Бобилгача бўлган ерларни батамом ўзига қаратиб олиш мақсадида Бит-Адиниини ўзига бўйсундирган. Эрамиздан аввалги 856 йилда Салманасар III бу арамей князлигининг пойтахти Тил-Бар-

[1] Бу бўртма расмлардан баъзилари Ленинграддаги Давлат Эрмитажида сақланади.

сибни эгаллаган. Тил-Барсиб Кархемишдан 20 *км* нарида, Евфрат дарёси бўйида жойлашган. 1929—1931 йилларда бу шаҳар қазилган вақтда Салманасар III томонидан шу шаҳарда қурдирилган ҳашаматли сарой харобалари топилди. Осур подшоси бу шаҳарга сиёсий жиҳатдан катта эътибор берган бўлса керак. Дарҳақиқат, Тил-Барсиб орқали жуда муҳим харбий савдо йўли ўтган. Бу савдо пули Месопотамиядан бошланиб, Гузана (Тил-Халаф), Харран, Хадату (Арслон-Тош), Алеппо орқали ўтиб Сурияга ва ундан кейин Киритга ҳамда Оронт водийсигача борган. Сунгра Салманасар III Сурия томонга қараб юриб, йўлдаги энг муҳим шаҳарларни қўлга киритишни ва шундан кейин Ўрта денгизга чиқадиган муҳим савдо йўллари очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса керак. Кархемиш, Алеппо ва Самаль ҳокимлари осур подшосига ўз ихтиёрлари билан бўйсунib, уни хирожлар билан кутиб олганлар. Бироқ шундан кейин яна илгарилаб боришда Салманасар Дамашқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган, чунки Дамашқ Сурия ва Финикия князликларининг анчагина кучларини, шунингдек, Фаластин давлатларини ўз атрофига тўплаб олган. Ҳатто араб қабилалари ҳам тенасида Дамашқ турган бу катта иттифоққа қўшилган. Ҳар иккала катта армия Оронт бўйидаги Каркара ёнида Хаматнинг сал шимолида учрашган. Шу қонли урушда (эрамиздан аввалги 854 йилда) Салманасар III «галаба» қозонганман деб айтган бўлса-да, аслида осур қўшинлари жуда катта талафот кўрганлари туфайли, чекинишга мажбур бўлган. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг, Салманасар 120 минглн жуда катта армия билан Дамашққа қарши яна ҳужум қилган, лекин шундай бўлса ҳам Дамашқни узил-кесил енга олмаган. Аммо Осурия Дамашқни бир қадар кучсизлантириб, Сурия иттифоқи кучларини бўлиб ташлашга муваффақ бўлган. Исроил,



Ашшурназирпал хайкали. *Лондон. Британия музейи.*

Тир ва Сидон осур подшосига буйсуниб, унга хирож тўлаганлар. Ҳатто Миср фиръавни ҳам Осурия салтанатиини эътироф этиб, унга тортик қилиб, 2 та туя, гиппопотам (бегемот) ва бошқа ажойиб-ғаройиб ҳайвонлар юборган. Осурия Бобилга қарши олиб борган курашида яна ҳам катта ютукларга эришган. Салманасар III Бобилга жуда даҳшатли юриш қилиб, хатто Эрон кўлтиги киргокларидаги Денгизбўйи ўлкасидаги ботқоқли райопларгача бориб етган ва бутун Бобилни босиб олган. Осурия Урартунинг шимолидаги қабилаларга қарши ҳам қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлган. Бу ерда Осурия подшоси ва унинг лашкарбошиларига Урарту подшоси Сардурининг кучли аскарларига қарши тоғли жойлардаги оғир шароитларда жанг қилишга тўғри келган. Осур аскарлари гарчи Урарту тупрогига бостириб кирган бўлсалар-да, Урарту давлати устидан ғалаба қозона олмаганлар ва, балки Осуриянинг ўзи урартларнинг қаттиқ хамлаларини қайтариб туришга мажбур бўлган, айрим найтларда эса урартлар осурлар устидан ғалаба ҳам қозонганлар. Салманасар III нинг машҳур қора обелискида Осурия подшосига дупёнинг тўрт иқлимидан хирож олиб келаётган чет мамлакат элчилари тасвирланган. Ана шу обелискдан Осурия давлатининг кучайиб кетган ҳарбий қудрати ва истилочилик сиёсатини амалга оширишга интилгани кўринади. Осуриянинг қадимги пойтахти Ашшур шаҳрида Салманасар III курган ибодатхонанинг қолдиқлари ва, шунингдек, бу шаҳардаги истеҳкомларнинг қолдиқлари хозиргача сақланиб қолган. Бу Олд Осиёда жуда муҳим ўрин тутган қолдиқлар Осуриянинг юксалиши даврида қалъалар қуриш техникасининг анча ўсганлигини кўрсатади.

Бироқ Осурия ўзининг устунлик холатини узоқ вақт сақлаб тура олмаган. Кучайиб кетган Урарту давлати Осуриянинг хавфли рақиби бўлиб чиққан. Урарту подшолари ўзларининг ғолибона юришлари туфайли Осуриянш Закавказьедан, Кичик Осиё ва Шимолий Суриядан ажратиб қўйишга муваффақ бўлганлар, натижада Осуриянинг бу мамлакатлар билан олиб борадиган савдо-сотиқ ишларига жуда катта зарба берилган ва бу ҳол Осуриянинг хўжалик ҳаётига ҳам ёмон таъсир қилган. Ана шуларнинг ҳаммаси Осурия давлатининг орқага қараб кетишига сабаб бўлган, бу тушкунлик бутун бир аср деярли давом этган. Шундай қилиб, Осурия ўзининг Олд Осиёнинг шимол қисмидаги ҳукмронлик вазиятини йўқотган, энди бу ўринни Урарту давлати эгаллаган.

Осур давлатининг ташкил топиши

Эрамиздан аввалги VIII аср ўрталарида Осурия яна кучаяди. Тиглатпаласар III (745—727) Осурияниинг биринчи ва иккинчи марта юксалиши даврида ўтган подшоларнинг традицион истилочилик сиёсатини янгидан бошлаган. Осурияниинг қайтадан кучайиши натижасида улуғ Осурия давлати тузилган, бу давлат бутун қадимги Шарқ дунёсини жаҳонда ягона мустабид давлат қилиб бирлаштиришни даъво қилиб майдонга чиққан. Осурия ҳарбий қудратининг янгидан равнақ топишининг сабаби мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг тараққий қилганлигидир, бу эса ташқи савдони ривожлантиришни, хом ашё манбаларини ва бозорларини кўлга киритишни, савдо йўлларини қўриқлашни, ўлжалар ва асосан иш кучини, яъни қулларни кўлга киритишни талаб қилган.

Осурияниинг IX—VII асрлардаги хўжалиги ва ижтимоий тузуми

Осурларнинг бу даврдаги хўжалик ҳаётида ҳам чорвачилик, аввалгидек, катта ва муҳим ўрин тутган. Аввалги даврда қўлга ўргатилган уй ҳайвонлари қаторига энди туя ҳам қўшилган. Осурияда Тиглатпаласар I ва Салманасар III замонидаёқ икки ўркачли туялар пайдо бўла бошлаган. Аммо Тиглатпаласар III давридан бошлаб эса туялар, хусусан бир ўркачли туялар, кўплаб пайдо бўлган. Осур подшолари туяларни кўплаб Арабистондан ҳайдатиб келтирганлар. Ашшурбанипал Арабистонга қилган юриши даврида жуда кўп туя қўлга туширган, натижада Осурияда туянинг нархи $1^2/_3$ мина (841 грамм кумуш) дан $^1/_2$ шекель (4,2 грамм кумуш) га тушиб қолган. Осурияда туялардан ҳарбий юришлар вақтида ва савдо экспедицияларида, хусусан сувсиз қуруқ чўл ва саҳролардан ўтиш учун юк ҳайвони сифатида жуда кенг фойдаланганлар. Осуриянинг хонаки туяларининг зоти кейинчалик Эронга ва Ўрта Осиёга тарқалиб, бу ерларда ҳам туялардан фойдаланиш расм бўла бошлаган.

Дон хўжалиги билан бир қаторда, боғдорлик ҳам кенг ривожланган. Сақланиб қолган расмлар ва ёзувлар Осурияда катта-катта боғлар бўлганлигини кўрсатади, булар, афтидан, подшо саройи ихтиёрида бўлган бўлса керак. Чунончи, подшолардан бирининг саройига яқин жойда «Аман тоғларидаги боғларга ўхшаш катта боғ бўлиб, унда тоғлардан ва Халдеядан келтирилган сабзавотлар, мевали дарахтлар ва ўсимликларнинг турли навлари ўсар» экан. Бу боғларда шу ернинг мева дарахтларнигина эмас, балки четдан келтириладиган ўсимликларнинг, масалан, зайтун дарахтининг подир навлари ҳам ўстирилган. Ниневия атрофида боғлар бўлиб, бу боғ-

ларда бошқа мамлакатлардан олиб келинган дарахтларни, хусусан мирра (мози) дарахтини иқлимлаштиришга харакат қилганлар. Фойдали ўсимлик ва дарахтларнинг қимматли турларини, махсус кўчатзорларда парвариш қилиб устирганлар. Маълумки, осурлар «жун берадиган дарахтни» (ғўза бўлса эҳтимол) жанубдан, балки Хиндистондан олиб келиб, иқлимлаштирмоқчи бўлганлар. Шу билан бирга, тоғли райoнлардан олиб келинган узумнинг хар турли қимматбаҳо навларини хам суғъий суратда иқлимлаштирмоқчи бўлганлар. Қазишлар натижасида Ашшурдаги катта боғнинг қолдиқлари топилди, бу боғ Синахерибнинг буйругига мувофиқ обод қилинган. Боғнинг территорияси 16 минг квадрат метр бўлиб, бутун майдоннинг юзига қалин қилиб тупроқ ёткизилган, боғ катта-кичик ариқлар воситаси билан суғорилган. Катта мулкдорларга қарашли ва девор билан ўраб олинган кичикроқ боғларнинг ҳам тасвирлари сақланиб қолган.

Осурияда сунъий суғориш ишлари, Миср дагн ёки Иккидарё оралигининг жанубидаги синглари унча катта аҳамиятга эга бўлмаган. Бироқ Осурияда сунъий суғориш бир қадар қўлланилган. Каналдан сув олиш учун ишлатиладиган, чигирга ўхшаган асбоб (шадуф) тасвир этилган расмлар сақланиб қолган, Синахериб замонида бундай асбоблардан анчиқса кенг кўламда фойдаланганлар. Синахериб билан Асархаддон «мамлакатни доп ва кунжут билан кўпроқ таъминлаш учун» бир қанча катта каналлар қаздирганлар.

Қишлоқ хўжалиги билан бир каторда ҳунармандчилик ишлари ҳам анча ривожланган. Хира шиша паста (қиём) лари, юзи ялтироқ чинни ва усти гулдор, турли рангли эмаль билан қопланган кошинлар ёки кафеллар тайёрлаб чиқариш кенг тарқалган. Катта биноларнинг девор ва дарвозалари одатда ана шундай кошинлар билан безатилган. Осурияда бундай кошинлар воситаси билан биноларга ранг-баранг гўзал нақшлар солганлар. Биноларга нақш беришнинг бу хил техникаси кейинчалик эронликларга ўтган. Саргон II саройининг дарвозаси «ҳосилдорлик муаккиллари»нинг тасвирлари ва қуббали нақшлар билан гўзал қилиб безатилган, сарой деворларига эса символик характердаги тасвирлар, чунончи: арслон, карга, қўтос, анжир дарахтлари ва илуг тасвирлари солинган. Осурлар шиша қиёми тайёрлаш техникасини билиш билан бирга, тиниқ ойна ҳам ишлаб чиқарганлар. Саргон II нинг иоми ёзилган шиша кўрапнинг топилиши худди шуни кўрсатади.

Тошнинг мавжуд бўлиши тоштарошлик ва тош қирқиш ишларининг ривожланишига йўл очган. Ниневия шаҳри ёнида куплаб оҳак тош қазиб чиқарилган, бу оҳак тошни подшо ва

ноёнс саройи ҳомийларини тасвирловчи яхлит ҳайкаллар ясаш учун ишлатганлар. Бинокорликка кетадиган тошларнинг бошқа хил навларини, шунингдек, турли қимматбаҳо тошларни осурлар қўшни мамлакатлардан келтиргаплар.

Осурияда металлургия айниқса кенг тараққий қилган ва техника жиҳатдан мукаммаллаштирилган. Ниневияда ўтказилган қазишлар эрамиздан аввалги IX асрда Осурияда мис билан бир қаторда темир ҳам ишлатилганини кўрсатади. Саргон II нинг Дур-Шаррукин (ҳозирги Хорсобод) даги саройида жуда катта омбор топилиб, бу омборда темирдан ясалган жуда кўп буюмлар, чунончи: болғалар, мотигалар, белкураклар, омоч тишлари, плуглар, занжирлар, қармоқлар, илгаклар, ҳалқалар ва шуига ўхшаш буюмлар топилган эди. Бу даврда техникада бронзадан темирга ўтиш юз берган бўлса керак. Арслон шаклида ясалган қадоқ тошлар, нафис мебель ва шамдонларнинг бронзадан ясалган қисмлари, шунингдек олтиндан ишланган гоят гўзал заргарлик буюмлари ўша замонда техника анча юксак бўлганлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ички ва ташқи савдонинг янада тараққий қилишига сабаб бўлган. Бир қанча чет мамлакатлардан Осурияга ҳар турли моллар келтирилган. Тиглатпаласар III Дамашқдан исириқ олиб турган. Синахериб замонида денгиз бўйидаги Халдеядан бинокорлик учун зарур бўлган камиш келтирилган; Мидиядан ўша вақтда энг қимматбаҳо ложувард; Арабистондан ҳар турли қимматбаҳо тошлар. Мисрдан эса фил суягидан ясалган буюмлар ва бошқа моллар келтирилган. Синахериб саройидан мисрликлар билан хеттларнинг муҳрлари босилган сопол парчалари топилган эди, жойларга юбориладиган посилкаларга ана шу муҳрлар босиб юборилар экан.

Олд Осиёдаги турли мамлакат ва ўлкаларни бир-бири билан боғловчи энг муҳим савдо йўллари Осурия устидан ўтган. Тигр дарёси катта савдо магистрали бўлиб, Кичик Осиё ва Арманиядан Иккидарё оралиги водийсига ва сунгра Элам мамлакатига моллар шу дарё орқали олиб борилган. Армения ўлкаларига, катта кўллар, яъни Ван ва Урмия кўллари районига борадиган карвон йўллари ҳам Осурияни кесиб ўтган. Хусусан Урмия кўлига борадиган муҳим савдо йўли Юқори Заб водийсидан Келешин довони орқали ўтадиган бўлган. Тигрнинг ғарб томонидан кетадиган яна бир карвон йўли Насибин ва Харрам орқали Кархемишга ва ундан Евфрат орқали Киликия дарвозаларига қараб кетган. Сунгра бу йўл хеттлар жойлашган Кичик Осиёгача етиб борган. Нихоят, Осуриядан саҳро орқали Пальмирага ва сунгра Дамашққа катта

йўл ўтган. Бошқа йўллар сингари, бу йўл ҳам Осуриядан ғарбга, Сурия қиргоғидаги катта портларга олиб борган. Евфрат дарёсининг ғарбда қайрилиб оқадиган жойидан Сурияга қараб кетган савдо йўли энг муҳим йўл ҳисобланган, чунки бу йўл Ўрта денгиз оролларига ва Мисрга борадиган денгиз йўли билан туташган.

Тош терилган текис ва обод йўллар биринчи марта Осурияда пайдо бўлган. Ёзувлардан бирида айтилишича, Асархаддон Бобилни янгидан бино қилар экан, «бобилликлар барча мамлакатлар билан алоқа қила олсинлар учун, у Бобилнинг тўрт томонига қараб кетадиган йўллар қурдирган». Бу йўлларнинг стратегик аҳамияти катта бўлган. Масалан, Тиглатпаласар I «ўз аравалари ва қўшинларининг юриши учун» Куммух мамлакатида йўл қурдирган. Бу йўлларнинг қолдиқлари ҳозирги кунга қадар сақланиб келган. Катта йўлнинг подшо Саргон қалъаси билан Евфрат дарёси водийсини боғлаган қисми ана шундай қолдиқлардандир. Қадимги Осурияда йўл қурилиши техникаси гоят тараққий қилган бўлиб, бу техникани кейинчалик эронликлар ўзлаштирган ва улар бу техникани яна такомиллаштирган; сўнгра эронликлардан бу техникани римликлар ўрганган. Осуриядаги йўллар обод бўлган ва уларга қараб турганлар. Йўлларга муайян масофаларда белгилар қўйилган. Бу йўллардан соат сайин соқчилар ўтиб турган, бу соқчилар жойларга муҳим хабарларни дарҳол етказиш учун олов сигналлардан фойдаланганлар. Саҳро орқали ўтадиган йўлларни қуриқлаш учун махсус истеҳкомлар қурилган, шунингдек унга қудуқлар қазилган. Осурлар пишиқ кўприклар ҳам қура билганлар, улар кўприкларни кўпинча ёғочдан ва баъзан эса харсангдан ҳам қурганлар. Синахериб ўзининг шоҳ аравасида ўтиб юриш учун шаҳар дарвозасининг рўбарўсида, шаҳарнинг ўртасида оҳак тошдан ясалган ялалоқ гиштлардан кўприк қурдирган. Геродот Бобилдаги кўприкнинг темир ва қурғошин воситаси билан бир-бирига маҳкам ёпиштирилган дағал харсанглардан ясалганини айтади. Йўлларнинг жуда эҳтиётлик билан қуриқланишига қарамасдан, осуриялликларнинг таъсири унча кучли бўлмаган узоқ районларда Осурия карвонларининг юриши жуда хатарли бўлган. Баъзан уларга кўчманчилар ва қароқчилар ҳужум қилган. Аммо Осурия амалдорлари карвонларининг мунтазам жўнаб туришларини ҳар доим диққат билан кузатиб турганлар. Бир амалдорнинг подшога юборган махсус ахборотномасида набатейлар юртидан сафарга чиққан бир карвон йўлда кета туриб талангани ва карвончилар орасидан бир илож қилиб қочиб қутулган кимса подшога бориб шахсан арз қилиш учун юборилгани айтилган.

Йўлларнинг кўп бўлиши давлат алоқа идорасини уюштиришга имкон берган. Подшонинг махсус чопарлари подшонинг фармон ва йўл-йўриқларини мамлакатнинг ҳамма ерига етказиб турганлар. Аҳолиси кўп бўлган катта-катта пунктларда подшо томонидан юборилган мактубларни ўз вақтида эгаларига етказиб бериб турадиган махсус амалдорлар бўлган. Агар шу амалдорлар уч-тўрт кун ичида хатларни ва элчиларни тегишли жойига юбормасалар, у ҳолда Осуриянинг пойтахти Пиневияга бу амалдорлар устидан дарҳол шикоят келадиган бўлган.

Шу замонга доир ёзувлар орасида ҳозирги кунга қадар сақланиб келган энг қадимги йўлномаларнинг қолдиқлари Осуриядаги йўллардан қанчалик кенг фойдаланилганини аниқ кўрсатадиган муҳим ҳужжатдир. Бу йўлномаларда одатда айрим аҳоли пунктлари орасидаги масофани неча кун ва неча соатда босиб ўтиш мумкинлиги кўрсатилади.

Савдо ишлари кенг ривожланган бўлишига қарамасдан, хўжаликнинг бутун системаси примитив натурал характерини сақлаб қолган. Масалан, солиқ ва хирож одатда маҳсулот (натура) билан олинган. Подшо саройлари ёнида катта-катта омборлар бўлиб, бу омборларда турли моллар сақланган.

Осуриянинг ижтимоий тузуми ҳали қадимги уруғчилик ва жамоа тузумининг хусусиятларини сақлаб қолган. Масалан, Ашшурбанипал замонигача (эрамиздан аввалги VII асргача) хун олиш қолдиқлари сақланиб келган. Ўша замоннинг бир ҳужжатида, «хун тўламоқ» учун «қон» ўрнига чўри бериш керак, дейилади. Ўлдирилган киши учун хун тўлашдан бош тортган одамнинг ўзини ўша ўлдирилган кишининг гўри устида ўлдириш лозим бўлган. Бошқа бир ҳужжатда, ўлдирилган одамнинг хуни учун қотил ўз хотинини, ўз биродари ёки ўғлини беришга мажбур эканлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, патриархал оила ва уй қуллигининг қадимги формалари ҳам сақланиб қолган. Эрга бериладиган қизнинг сотилиши фактлари ҳам шу замоннинг ҳужжатларида бор, шу билан бирга чўрининг сотилиши билан эрга бериладиган эркин қизнинг сотилиши тамоман бир хилда расмийлаштирилган. Аввалги замонларда бўлгани сингари, ўша пайтда ҳам ота ўз боласини қул қилиб сотиши мумкин бўлган. Оилада тўнғич ўғил аввалгича ўз имтиёзини сақлаб, меросининг кўп ва яхши қисмини олган. Осурия жамиятининг синфий табақаланишига савдо тараққиёти ҳам қулайлик туғдирган. Камбағаллар кўпинча иқтисодий жиҳатдан бойларга қарам бўлиб колиб, ўз чек ерларидан ажрагаилар ва хонавайрон бўлганлар. Камбағаллар олган қарзларини ўз вақтида тўлай олмай, қарздор қулга айланганлар ва қарз бе-

рувчининг уйида хизмат қилиб қарзларини узишга мажбур бўлганлар.

Осур подшолари олиб борган катта-катта истилочилик урушлари натижасида қуллар сони айниқса ўсиб борган. Осурияга ҳайдаб олиб келинган жуда кўп асирларни одатда қулларга айлантирганлар. Қул ва чўрилар сотилишини кўрсатадиган жуда кўп ҳужжатлар сақланиб қолган. Баъзан бутун-бутун оилалар сотилган. Айрим ҳужжатларда 10, 13, 18 ва ҳатто 27 кишидан иборат бўлган оилалар сотилгани тилга олинади. Қишлоқ хўжалигида қуллар кўп ишлаган. Баъзан ер участкалари унда деҳқончилик қилиб юрган қуллари билан бирга қўшиб сотиб юборилади ган бўлган. Қулчиликнинг хийла тараққий қилиши натижасида қуллар бир қадар мулкка эга бўлиш ва ҳатто оила қуриш ҳуқукини олсалар-да, лекин қулга ва унинг мол-мулкига қулдор ҳамиша тўла хўжайин бўлиб қолаверган.

Кескин тусга кирган мулкий табақаланиш натижасида жамият антагонистик икки синфга, яъни қулдорлар синфи билан қуллар синфига бўлинибгина қолмаган, балки шу билан бирга эркин аҳоли ҳам камбағаллар билан бойларга ажралиб кетган. Бой қулдорлар қўлида чорва моллар, ер ва қуллар жуда кўп бўлган. Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, қадимги Осурияда ҳам подшо бошлиқ давлат энг катта мулк ва ер эгаси бўлиб, подшо барча ер-сувнинг олий мулкдори деб ҳисобланган. Бироқ, ерга хусусий мулкчилик астасекин мустаҳкамланиб борган. Саргон Дур-Шаррукинда ўзига пойтахт қурмоқ учун зарур ерни сотиб олган, у ер эгаларига шу ернинг ҳақини тўлаган. Подшо билан бир қаторда ибодатхоналарнинг ҳам катта-катта ер-мулклари бўлган. Ибодатхоналарнинг ер-мулкларига бир қанча имтиёзлар берилган, зодагонларнинг ер-мулклари қаторида ибодатхоналарга қарашли ерлар ҳам баъзан солиқлардан озод қилинган. Хусусий одамлар қўлида ҳам кўп ер бўлган, майда ер эгалари қаторида катта-катта ер-эгалари ҳам бўлган; катта ер эгалари қўлидаги ер камбағаллар қўлидаги ердан кирқ марта ортиқ бўлган. Далалар, боғлар, қудуқлар, уйлар ва ҳатто бутун-бутун районлар сотиб юборилганини кўрсатадиган бир қанча ҳужжатлар сақланиб қолган.

Узоқ давом қилган урушлар ва мехнаткаш оммани нинг жуда қаттиқ эксплуатация қилиниши натижасида бориб-бориб Осуриядаги эркин аҳолининг сони камайиб кетган. Аммо Осурия давлати армия сафларини тўлдириб туриш учун янгидан-янги аскарларнинг ҳамиша келиб туришига муҳтож бўлганлигидан, аҳолининг шу асосий оммасини сақлаш ва унинг моддий аҳволини яхшилаш учун бир қанча тадбирлар

кўришга мажбур бўлган. Осурия подшолари Бобил подшоларининг сиёсатига амал қилиб, озод кишиларга ер тақсимлаб берганлар ва уларга подшо қўшинларида хизмат қилиш бурчини юклаганлар. Масалан, Салманасар I томонидан давлатнинг шимолий чегарасига колонистлар кўчирилганини биламиз. Шундан 400 йил ўтгандан кейин, осур подшоси Ашшурназирпал бу колонистларнинг авлодларини янги Тушхан вилоятига кўчирган. Подшодан чек ер олган аскар колонистлар чегара районларга кўчиб борганлар, бундан, уруш хавфи туғилиб қолган ёки ҳарбий юриш бошлаш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, чегарада тезлик билан аскар тўплаш мақсади кўзда тутилган. Ҳужжатлардан кўринишича, Осурияннинг колонист аскарлари ҳам, Бобилдаги редга ёки баирга ўхшаб, подшо паноҳида бўлганлар. Уларнинг ерларига ҳеч ким қўл тегиза олмаган. Бордию, подшо томонидан инъом қилинган ерни маҳаллий амалдорлар зўрлик билан тортиб олсалар, колонистлар бевосита подшога шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Буни қуйидаги ҳужжат тасдиқлайди:

«Менинг шоҳ-султонимнинг отлари Халак мамлакатидан менга 10 имер экинзор бўладиган ер инъом қилган эди. Мен 14 йилдан бери шу ердан фойдаланиб келар эдим ва шу вақтгача менинг бу ҳуқуқимга ҳеч ким тахдид қилмаган эди. Энди бўлса, Бархальци вилоятининг ҳокими келиб менга зўрлик қилди, уйимни талади ва экин экадиган еримни тортиб олди. Мен камбагал бир киши бўлиб, хўжайинимни қўриқлаш йўлида хизмат қилаётганимни ва саройга садоқатли одам эканимни шоҳ-султоним биладилар. Ҳозир менинг экин экадиган ерим тортиб олингани учун подшодан мурувват ва адолат сурайман. Мен очдан ўлмаслигим учун шоҳим менинг арзимни ҳаққона ҳал қилсин». Колонистлар майда ер эгалари бўлган, албатта. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, бу майда ер эгаларининг бирдан-бир даромад манбаи подшо инъом қилган ер бўлган.

Ҳарбий ишларнинг ташкил қилиниши

Осур подшоларининг қуллар қўлга киритиш ва ўлжалар олиш мақсадида қўшни халклар билан бир неча аср давомида олиб борган урушлари натижасида ҳарбий ишлар гоят юксалган. Эрамиздан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярмида, яъни истилочилик мақсадида кетма-кет бир қанча ҳарбий юришлар қилиб, гоят шафқатсиз ғалабаларга эришган Тиглатпаласар III билан Саргон II подшолик қилган даврда ҳар хил реформалар ўтказилиб, натижада Осурия давлатида ҳарбий ишлар қайтадан қурилган ва гуллаб-яшнаб кетган. Осурия подшолари кўп сонли, яхши қуролланган ва кучли армия тузиб, давлат ҳокимиятининг бутун аппаратини ҳарбий

эҳтиёжларга хизмат қилдирганлар. Осурияниинг кўп сонли қўшини ҳарбий колонистлардан иборат бўлиб, шу билан бирга бу қўшин эркин аҳолининг кенг қатламлари орасидан ҳарбий мақсадлар учун териб олинадиган одамлар билан тўлдириб турилган. Ҳар бир областнинг бошлиғи ўз кўл остидаги территориядан аскар туплаб, бу аскарларга область бошлиғининг ўзи қўмондонлик қилган. Армияга «иттифоқчилар»дан, яъни Осурия томонидан бўйсундирилган ва унга қўшиб олинган мамлакатларнинг қабилаларидан олинган одамлар ҳам киритилган. Масалан, Саргоннинг ўғли Синахериб (эрамиздан аввалги VIII асрнинг охири) «Ғарбий мамлакатдан» келтирилган асирлардан 10 минг камончи ва 10 минг қалқончи аскар тузиб, шуларни армияга қўшганини, Ашшурбанипал эса (эрамиздан аввалги VII асрда) Эламнинг урушиб олинган ўлкаларидан келтирилган камончилар, қалқончилар, косиблар ва темирчилар билан қўшин сафини тўлдирганини биламиз. Осурияда доимий қўшин тузилиб, бу қўшинга «*подшо отряди*» (айнан «тугун») деб ном берилган ва бу қўшин исёнчиларни бостириш учун хизмат қилган. Ниҳоят, подшонинг шахсий гвардияси бўлиб, бу гвардия подшонинг «муқаддас» шахсини қўриқлаши лозим бўлган. Ҳарбий ишларнинг ривожланиши муайян жанговар бўлинмалар тузишни талаб қилган. Ёзувларда 50 кишидан иборат кичик-кичик аскарий бўлинмалар (кисру) бўлганлиги ҳақида маълумотлар кўп учрайди. Бироқ, бундан кичикроқ бўлинмалар ва каттароқ аскарий қўшилмалар ҳам тузилган бўлиши эҳтимол. Одатдаги аскарий қисмларда пиёдалар, суворийлар ҳамда жанг аравa минган аскарлар бўлган, шу билан бирга баъзан аскарларнинг айрим турлари ўртасида пропорционал нисбат ҳам белгиланган. Чунончи, 200 пиёда аскарга 10 та суворий ва битта жанг аравa минган жангчи тўғри келган. Ашшурназирпал замонида (эрамиздан аввалги IX аср) жанг аравa ва отлиқларнинг биринчи марта пайдо бўлиши осур қўшинларининг чаққонлигини жуда ошириб юборган, шиддат билан ҳужум қилиш ва чекинаётган душманни орқасидан жадаллик билан қувиб бориш имкониятини берган. Лекин ҳар ҳолда қўшиннинг жуда кўпчилигини ташкил этадиган асосий қисми пиёда аскарлардан иборат бўлиб қолган; пиёда аскарлар эса камончилар, қалқончилар, найзабозлар ва найза отувчилардан иборат бўлган. Осур қўшинлари қурол-яроғ билан энг яхши таъминланган қўшин бўлган. Осурия қўшинида совут, қалқон ва дубулғалар бўлган. Қурол-яроғ турларидан камалак, калта қилич ва найза кўпроқ расм бўлган.

Осур подшолари ўз қўшинларини яхши қуроллантиришга жуда катта эътибор берганлар. Саргон II нинг саройидан

жуда кўп қурол-яроғлар топилган эди. Синахериб билан Асархаддон (эрамиздан аввалги VII аср) «қора бошлиларни қуроллантириш учун, отлар, хачирлар, эшаклар, туялар, жанг аравалари, юк арава ва оддий аравалар, филофдонлар, ўқлар, камалаклар, ҳар турли асбоб-анжомлар ҳам от ва хачирларнинг эгар-жабдуқларини қабул қилиш учун» Ниневия шаҳрида чипакам аслаҳахона, яъни «шу нарсаларнинг ҳаммаси сақланадиган сарой» қурдирганлар.

Биринчи марта «инженерлик» аскарий қисмлари ҳам Осурияда пайдо бўлган, бу аскарий қисмлар тоғлардан йўл очиш, оддий ва понтон кўприклар қуриш ҳамда аскарлар учун лагерлар қуришда фойдаланилган. Сақланиб қолган суратлар қадимги Осурияда истеҳкомлар қуриш санъати ўша замон учун ғоят юксак даражада тараққий қилганлигини кўрсатади. Осурлар қалъа типидаги, тўрт томони қалин деворлар ва минора (қоровулхона)лар билан мустаҳкамланган қўрғонларда доимий лагерлар қура билганлар, бу қўргонлар эса тўртбурчак ёки доира шаклида бўлган. Истеҳкомлар қуриш техникасини эронликлар осурлардан ўрганганлар, сўнгра у эронликлардан қадимги римликларга ўтган. Бир қанча жойларда ва, жумладан, Занжирлида топилган қалъаларнинг ҳозиргача сақланиб қолган харобалари ҳам қадимги Осурияда қалъа қуриш техникаси ғоят юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Яхши мустаҳкамланган қалъаларнинг бўлиши қамал қуроллари ишлатишни талаб қилган. Бинобарин, Осурияда қалъа қуриш ишлари тараққий қилиши муносабати билан энг қадимги «артиллерия»нинг куртаклари хам пайдо бўла бошлаган. Қалъанинг қамал ва штурм қилинишини тасвирловчи суратлар Осуриядаги сарой деворларида сақланиб қолган. Қамал қилинган қалъа атрофини одатда тупроқдан дўнглик қилиб ва хандақ қазиб ўраб олганлар. Қалъа деворлари ёнига тахтадан йўл ва қамал қуролларини ўрнатиш учун махсус сўрилар ясаганлар. Осурлар девор бузадиган қамал қуроллари, ўзига хос, гилдиракли таранлар ишлатганлар. Тараннинг деворни уриб агдарадиган қисми темир билан қопланган ва занжирга осилган катта ва йўғон харидан иборат бўлган. Осилиб турган харини аскарлар тебратиб қалъа деворларига уриб, деворни қулатганлар. Қамалда ишлатиладиган шу ибтидоий қуроллар намунасини эронликлар осурлардан олганлар, кейинчалик бу қурол қадимги римликлар қўлланган мукаммалроқ қуролларга асос қилиб олинган бўлиши ҳам эҳтимол.

Истилочилик сиёсатининг кенг қўлланилиши натижасида ҳарбий санъат анча ўсган. Осурия лашкар бошлари душманга рўбарўдан ва ён томондан ҳужум қилиш усулини, бутун



Осур қўшинининг калъани қамал қилиши.
Тошга ишланган буртма расм. Лондон. Британия музейи

фронт бўйлаб кенг хужумга ўтишда бу усулларнинг хар иккаласини хам бир йўла қўлланишни билганлар. Кўпинча осурияликлар турли «харбий хийлалар» хам ишлатганлар, чунончи, улар душманга кечаси хужум қилганлар. Душманни кириш тактикаси билан бирга унинг тинкасини қуритиш тактикасини хам қўллаганлар. Шу мақсадда душманнинг барча коммуникацияларини кесиб қўйиш, уни сувдан, озик-овкат келтириш ва харбий ёрдам олиш имкониятидан махрум қилиш учун ҳарбий отрядлар хамма тоғ довонларини, сув ман-




Осур жанг аравалариниинг хужуми.

Ашшурназирпал саройидаги буртма расм. Эрамиздан аввалги IX аср.

баъларини, қудуқларини, дарёлардан кечиб ўтиладиган жойларини эгаллаб олганлар. Осур армиясининг катта устунлиги шундан иборат булганки, у душман ўз кучларини бир ерга тўплаб, эс-хушини йиғиб олгунча душманга жуда дадиллик билан ва қаттиқ ҳужум қилиб, унга яшин тезлигида зарба бера олган. Ашшурбанипал (эрамиздан аввалги VII асрда) тоғлардан иборат ва ҳамма йўллардан ўтиш машаққатли булган Элам мамлакатини бир ой ичида босиб олган. Ўз замонасидаги харбий санъатнинг жуда мохир усталари булган осурлар душманнинг харбий кучларини батамом йўқ қилиб ташлашнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканини жуда яхши тушунганлар. Шу сабабли, Осурия қўшинлари жангда қаттиқ зарба еган душманни кетидан жадал ва шиддат билан қувиб бориб, уни йўқ қилганлар, шу мақсадда улар жанг аравалар ва отлиқ аскарлардан фойдаланганлар.

Осуриянинг асосий ҳарбий қудратини унинг қуруқликда жанг қиладиган жуда кўп сонли, яхши қуролланган ва урушга лаёқатли аскарлари ташкил этган. Осуриянинг ўз денгиз флоти деярли даражада оз бўлиб, бўйсундириб олган мамлакатларнинг ва биринчи галда, Финикиянинг денгиз флотидан фойдаланишга мажбур бўлган, чунончи, Саргон Кипр оролига қарши отланганида Финикия денгиз флотидан фойдаланган. Шу сабабли осуриялликларнинг ҳар бир денгиз экспедициясини жуда катта воқеа қилиб курсатишларига ажабланмаса ҳам булади. Чунончи, Синахериб подшолик қилган даврда Эрон қултигига флот жўнатилиши Осурия ёзувларида жуда муфассал тасвирланган. Шу мақсад учун зарур булган



Асирларни олиб келиш.

Синахериб сарайидаги осурлар буртма расми. Эрамиздан аввалги VIII аср.

кемаларни Ниневияда Финикия усталари қурган, бу кемаларга Тир, Сидон ва Ониядан келтирилган денгизчилар ўтқазилиб, улар Тигр дарёсининг қуйи оқими билан Описга жўнатилган. Шундан кейин кемаларни қуруқликдан судраб ўтиб, Арахту каналига тушириб юборганлар. Евфрат дарёсига етгач, кемаларга Осурия аскарлари туширилиб, ҳамма юк ортилиб бўлгандан сўнг, улар Эрон қўлтиғига жўнаб кетганлар.

Ашшурбанипал замонида Эрон қўлтиғида флот қуришга ҳаракат қилганлар. Аммо бунда ҳам Финикия кемасозларининг ёрдамисиз иш битмаган. Денгизбўйи Халдеясидаги осур бош қўмондони Белибни Ашшурбанипалга ёзган мактубларидан бирида кемалар қуриш учун 20 та сидонликни юборишни сўраган.

Осурлар биринчи галда қўшни мамлакатларни истило қилишни, энг муҳим савдо йўлларини босиб олишни, шунингдек, ўлжалар ва, даставвал, асирлар қўлга киритишни кўзда тутиб, қўшни халқларга қарши уруш олиб борганлар. Қўлга тушган асирларни эса, одатда, қулларга айлантирганлар. Кўпдан-кўп ёзувлар, айниқса осур подшоларининг ҳарбий юришларини муфассал тасвир этадиган йилномалар шуни

кўрсатади. Масалан, Синахериб Бобилдан 208 минг асир, 720 от ва хачир, 11 073 эшак, 5.230 туя, 80.100 бука ва сигир, 800.600 бош қўй ва эчки хайдатиб келтирган. Урушда қўлга туширилган ўлжаларни подшо одатда ибодатхоналарга, шаҳарларнинг бошлиқлари, подшо аёнлари ва аскарларга тақсимлаб берган. Ўлжанинг катта қисмини, албатта, подшо ўзига олиб қолган. Кўп ҳолларда ўлжа тоби қилинган мамлакатни тўғридан-тўғри талаш йўли билан қўлга киритилган. Қуйидаги ёзув буни жуда аниқ кўрсатади: «Жанг аравалар ва юк аравалари, юк ортиб ташиш учун фойдаланилган от ва хачирлар, қурол-яроғлар, жангга оид барча нарса, хуллас, Суза билан Улаи дарёси оралиғида подшо қўлига кирган ҳамма нарса Ашшур ва улуғ худоларнинг амр-фармонига мувофиқ Элам мамлакатидан зўр қувоич билан ортиб кетилиб, сўнгра ҳамма аскарлар ўртасида тортиқ қилиб тақсимланди».

Давлатни идора қилиш

Давлатни идора қилишнинг бутун системаси осур подшоларининг ҳарбий ишларига ва истилочилик сиёсатига хизмат қилган. Осуриядаги давлат амалдорлик лавозимлари ҳарбий мансаблар билан бирга қўшиб олиб борилган. Бутун мамлакатни идора қилиш ишлари подшо саройида бирлаштирилган, идора ишларининг турли соҳаларига бошчилик қилувчи кўзга кўринган давлат амалдорлари доим подшо саройида яшаган.

Осур давлатининг территорияси бундан аввалги вақтда қадимги Шарқда бўлган давлат бирлашмаларининг ҳаммасиникидан ҳам катта бўлган, шу сабабдан мамлакатни идора қилиш учун жуда мураккаб ва катта аппарат бўлиши талаб қилинган. Асархаддон даврида (эрамиздан аввалги VII аср) сақланиб қолган амалдорлар рўйхатида 150 хил мансаб санаб кўрсатилган. Ҳарбий маҳкама билан бирга, аҳолидан солиқ йиғиш ишларини олиб борадиган молия идораси ҳам бўлган. Осурия давлатига қўшиб олинган ўлкалар муайян миқдорда хирож тўлашлари лозим бўлган. Кучманчилар жойлашган ўлкалар одатда 20 бош чорвадан бир бошини хирожга тўлаганлар. Сақланиб қолган солиқ рўйхатларидан маълум бўлишича, аҳолиси ўтроқ бўлган шаҳарлар ва областлар хирожни олтин ва кумуш билан тўлаганлар. Деҳқонлардан олинадиган солиқ ҳам натура билан ундирилган. Улар, одатда, ҳосилнинг ўндан бир қисмини, ем-хашакнинг тўртдан бирини ва чорва молдан бир қанчасини солиққа тўлаганлар. Мамлакатга мол ортиб келган кемалардан махсус бож олинган. Четдан киритиладиган моллардан ҳам шаҳар дарвозалари олдида худди шундай бож олинган.

Фақат аристократия вакиллари ва коҳинларнинг каттакатта коллегиялари таъсирида бўлган шаҳарларгина бундай солиқлардан озод қилинган. Масалан, Бобил, Борсиппа, Сиппар, Нинур, Ашшур ва Харран шаҳарлари подшо фондасига олинадиган солиқдан озод қилинганликларини биламиз. Бу шаҳарлар ўз-ўзини идора қилишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган. Осур подшолари тахтга ўтирганларидан кейин одатда махсус фармоилар чиқариб, катта-катта шаҳарларнинг бу ҳуқуқларини тасдиқлаганлар. Чунончи, Саргон билан Асархаддон даврида шундай бўлган. Бинобарин, Ашшурбанипал подшо бўлгандан кейин ҳам Бобил халқи унга махсус илтимоснома билан мурожаат қилган, бобилликлар бу илтимосномада Ашшурбанипалга: «шоҳ-султонларимиз тахтга ўтирганлари ҳамоно бизнинг ўзимизни ўзимиз идора қилиш ҳуқуқимизни тасдиқлаш ва бизни фаровонликка эриштириш йўлида тегишли тадбирлар кўрар эдилар» деб эслатганлар. Аристократларга берилган хадя ёрлиқларида кўпинча аристократнинг мажбуриятлардан озод этилгани ҳақидаги эскартмани кўрамиз. Ҳадя ёрлигида одатда: «Доп солиғи олинмасин. Бу одам ўз шаҳрида мажбурият тўламайди» деб ёзиладиган бўлган. Агар гап ер ҳақида борса, одатда: «Бу ер ем-хашак ва дон тўлаш мажбуриятидан озоддир» деб ёзиладиган бўлган. Аҳолидан солиқ ва божлар статистика рўйхатлари асосида ундирилган, бундай рўйхатлар эса, аҳолини ва унинг мол-мулкини вақт-вақти билан ҳисобга олиш вақтида тузилган. Харран районларининг сақланиб қолган солиқ рўйхатларида кишиларнинг номлари, уларнинг қавм-қариндошлик муносабатлари, мол-мулки, хусусан уларга қарашли ер миқдори ва, ниҳоят, улар солиқларини қайси амалдорга тўлаши лозимлиги кўрсатилган.

Эрамиздан аввалги XIV асрга доир бўлган ва ҳозиргача сақланиб қолган қонунлар тўплами қадимги урф-одатларга асосланган ҳуқуқнинг кодификация қилинганини ва бу ҳуқуқда жуда қадим-қадим замонлардан қолган бир қанча қолдиқлар, чунончи, масалан, уч (ҳун) олиш ёки судда одамнинг айбдор ёки айбдор эмаслигини сув воситаси билан синаб аниқлаш («ордалия»га ўхшаш) одатлари сақланиб қолганлигини кўрсатади. Бироқ урф-одат ҳуқуқи ва жамоа судининг қадимги формалари ўзгариб, улар ўрнини подшонинг мунгазам адлия ишлари (юрисдикцияси) тобора кўпроқ эгаллай бошлаган; подшонинг мунгазам адлия ишлари суд амалдорлари қўлида бўлиб, бу амалдорлар жанжалли ишларни якка-бошчилик асосида ҳал қилганлар. Сўнгра, қонунда суд ишларини юргизиш тартибининг белгиланиши ҳам адлия (суд) ишлари қанчалик тараққий этганини кўрсатади. Суд қилиш

тартиби (процесси) жиноят аломатлари ва турини аниқлашдан, гувоҳлар сурогидан, суд синови ва суд ҳукми чиқаришдан иборат бўлган; гувоҳлар ўз сўзларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун «куёш худосининг ўғли илоҳий ҳукиз» номи билан қасамёд қилганлар. Олий суд эса ўз мажлисларини одатда подшо саройида ўтказган. Сақланиб қолган ҳужжатлардан маълум бўлишича, мавжуд синфий тузумни мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутиб иш кўрувчи осур судлари айбдорларга нисбатан ҳар хил жазо чоралари қўрганлар, баъзи ҳолларда эса бу жазолар нихоятда шафқатсиз бўлган. Айбдорни жарима тўлашга, мажбурий хизматга ва таи жазосига ҳукм қилиш билан бирга, уни буткул мажрух қилиб ҳам қўйганлар. Айбдорнинг лаби, бурни, қулоқ ва бармокларини кесиб ташлаганлар. Ҳукм қилинган махбусни баъзан козиққа қокиб қўйганлар ёки бошига қайнаб турган мум қуйганлар. Ўша вақтда зиндонлар бўлгани бизнинг замонамизгача сақланиб колган хужжатларда тасвирланган.

Осурия давлати ўсиб, кучайиб бориши билан Осуриянинг ўз қул остидаги ўлкаларни ҳам, истило қилинган мамлакатларни ҳам яна пухтароқ идора қилиш эҳтиёжи туғила борган. Субарей, осур ва арамей қабилаларининг ягона осур халқи бўлиб бирлашиб, қоришиб кетиши азалги қабилавий ва уруғчилик алокаларининг узилиб кетишига сабаб бўлгаи, бу эса мамлакатни маъмурий жиҳатдан янгидан таксимлаш заруриятини келтириб чикарган. Осур аскарлари истило қилган узоқ ўлкаларда гез-тез кўзголонлар бўлиб турган. Шу сабабли, Тиглатиаласар III подшолик килган даврда катта-катта эски ўлкалар территорияси кичикроқ янги округларга бўлиниб, уларга махсус амалдорлар (бел-пахатилар) бошлиқ қилиб қўйилган. Округ бошида турган бу амалдорларга қўйилган ном бобилликлардан олинган. Идора қилишга қулай бўлган кичик-кичик округларнинг барча янги системаси ҳам Бобилдан олинган бўлиши мумкин; чунки Бобилда халқнинг зичлиги ҳар доим шундай кичик-кичик округлар ташкил этишни талаб қилган. Махсус имтиёзларга эга бўлгаи савдо шаҳарларини алоҳида бошликлар идора қилган. Бироқ бутун идора қилиш системаси умуман янча марказлаштирилган. Давлатнинг бепоён территориясини идора қилиш учун подшонинг «топшириқларини ижро киладиган махсус амалдорлари» (бел-шкиттилари) бўлган, бу амалдорлар ёрдами билан жуда катта давлатнинг ҳамма идора ишлари подшо саройида истиқомат қилувчи мустабид қўлида тўпланган.

Янги осур даврида, жуда катта Осур давлати қатъий расмийлашганидан кейин, бу бепоён территорияни бошқариш учун жуда ҳам марказлашган идора талаб қилинган. Доимо

босқинчилик урушлари олиб бориш учун, бўйсундирилган халқлар ўртасида, шафқатсиз суратда эксплуатация қилипувчи қуллар ва камбағалларнинг кенг оммаси орасида кўтарилган қўзғолонларни бостириш учун олий ҳокимият бир мустабид қўлида тўпланиб, унинг нуфуз ва обрўйини дин ёрдами билан сира тил тегизмайдиган муқаддас бир нарсага айлантириш талаб қилинган. Подшо олий бош руҳоний хисобланиб, диний маросимларни унинг ўзи ўтказган. Ҳатто подшо қабулига кирган зодагонлар ҳам подшонинг оёғига йиқилиб, «ер ўпишлари» ёки унинг оёғини ўпишлари лозим бўлган. Бироқ Осуриядаги истибдод (деспотизм) принципи Мисрда давлатчилик ғоят ривожланиб, Фиръавн эса худога тенглаштирилган даврдаги каби аниқ ифодасини топмаган. Осурия давлати жуда юксалган даврда ҳам осур подшоси баъзан коҳинлардан маслаҳат сурашга мажбур бўлган. Катта ҳарбий юриш бошлаш олдидан ёки юқори даражали амалдорни масъулиятли ўринга тайинлаш пайтида осур подшолари «худолардан» (оракулдан) «розилик» сўраганлар; худолар розилигини эса подшога коҳинлар «олиб берган»; бу хол қулдорлик аристократиясидан иборат бўлган ҳоким синфнинг ҳукумат сиёсатига анча таъсир қилишига имкон берган.

Осур подшоларининг истилочилик юришлари

Тиглатпаласар III (эрамиздан аввалги 745—727 йиллар) Осурия давлатига чинакам асос солган кишидир; у ўзининг харбий юришлари билан Осуриянинг ҳарбий қудратига мустаҳкам негиз солган. Олд Осиёда азалдан Осурияга рақиб бўлиб келаётган Урарту давлатига қаттиқ зарба бериш Осурия подшоси олдида кундаланг вазифа бўлиб қолган. Тиглатпаласар III Урартуга муваффақиятли юриш қилиб, урартуларга бир неча марта зарба берган. Тиглатпаласар Урарту подшолигини ўзига бўйсундира олмаган бўлса ҳам, лекин уни бирмунча кучсизлантирган ва, шундай қилиб, Олд Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмида Осуриянинг аввалги қудратини қайтадан тиклаган. Осур подшоси ўз ёзувларида шимоли-ғарбга ва ғарбга қилган юришлари тўғрисида фахрланиб хабар қилади; у ўзининг бу юришлари натижасида арамей қабилаларини батамом бўйсундирган; Сурия, Финикия ва Фалестинда Осуриянинг хукмронлигини тиклаган. Тиглатпаласар Кархемиш, Самаль, Хамат шаҳарларини, Ливан ўлкасини истило қилиб, то Ўрта денгизгача бориб етган. Хирам шаҳри, Тир подшоси, Библ князи ва Исроил (Самария) подшоси Тиглатпаласарга хирож тўлайдиган бўлган. Ҳатто Яҳудия, Эдом ўлкалари ва филистимларнинг Газаси ҳам Осурия истилочисининг хукмронлигини тан олган. Газа ҳокими Ганнон Мисрга қочиб кетган. Би-

рок даҳшатли осур қўшинлари Миср чегараларига ҳам яқинлашиб қолган. Тиглатпаласар Арабистондаги саба қабилаларига қаттиқ зарба бергандан кейин, Мисрга махсус амалдорини юбориб, Миср билан алоқа боғлаган. Ғарбга қилинган бу ҳарбий юришлар вақтида 732 йилда Дамашқнинг олиниши осурларнинг айниқса катта ғалабаси бўлган, бу ғалаба Сурияга ва Фаластинга борадиган энг муҳим савдо ва ҳарбий йўлларни осурларга очиб берган.

Месопотамиянинг Эрон кўлтигигача чўзилиб кетган бутун жанубий қисмининг тамомила бўйсундирилиши Тиглатпаласарнинг яна бир катта ютуғи бўлган. Тиглатпаласар бу тўғрида йилномада айниқса муфассал ёзган:

«Кенг Кардуниаш (кассит Бобили) юртини, унинг энг узоқ чегараларига қадар, ўз ҳокимиятимга бўйсундирдим ва унда ҳукмронлик қила бошладим. Денгиз бўйидаги ўлканинг подшоси Якина менинг ота-боболарим подшолик қилган даврда уларнинг ҳузурига сира-сира келмаган ва уларнинг оёғини ўпмаган эди, аммо унинг ўғли Мародах-Баладан бўлса менинг ҳўжам Ашшурнинг даҳшатли қудратидан даг-даг қалтираб, Сапиа шаҳрига келди ва менинг олдимда тиз чўкиб, оёқларимни ўпди. Қоп-қоп олтин, тилла буюмлар, олтин зеби гардонлар ва қимматбаҳо тошларни тоғ-тоғ қилиб тўкиб ташлади... рангдор кийимлар, турли гиёҳлар, қорамол ва қўйлар олиб келиб менга хирож тўлади».

Тиглатпаласар 729 йилда Бобилни босиб олгандан сўнг, Бобилияни ўзининг бепоён давлатига қўшиб олган ва бу ишда Бобил коҳинлари уни қувватлаганлар. Подшо ўз ёзувларида, «Бэлга... менинг ҳўжаларим бўлмиш буюк худоларга чин қалбидан қурбонлар қилдим... ва шу туфайли улар менинг коҳинлик қадр-қийматимни севиб қолдилар (яъни эътироф этдилар — *В. А.*)» деди.

Тиглатпаласар III шимоли-ғарбда Аман тоғларигача етиб, сўнгра шарқ томондаги «қудратли мидяилар» ўлкасига бориб кирган ва у ерда ўзининг жуда катта, кучли ҳарбий давлатини барпо қилган. Ички ўлкаларни етарли миқдорда иш кучлари билан таъминламоқ учун подшо ўзига тоби бўлган мамлакатлардан жуда кўплаб қуллар ҳайдатиб келтирган. Шу билан бирга, осур подшоси ўз давлати қул остида яшовчи бир қанча қабилаларни мамлакатнинг бир жойидан иккинчи жойига кўчирган, бу тадбирдан мақсад бўйсундирилган халқларнинг қаршилигини заифлаштириш ва уларни осур подшоси ҳокимиятига батамом тобе қилиш бўлган. Тобе қилинган қабилаларни бир жойдан иккинчи жойга оммавий суратда кўчириш тартиби (насаҳу) худди шу пайтдан бошлаб

истило қилинган мамлакатларни бўйсундириш усулларидан бирига айланган.

Тиглатпаласар III дан кейин унинг ўғли Салманасар V подшо бўлган. Салманасар подшолик килган беш йил мобайнида (эрамиздан аввалги 727—722 йиллар) бир қанча ҳарбий юришлар қилган ва муҳим реформа ўтказган. Бобил, шу билан бирга Осурияиинг ғарбий томонидаги Финикия билан Фаластин Салманасарининг диққатини айниқса ўзига жалб этган. Осур подшоси Бобил билан гўё аввалдан шахсий иттифоқда бўлиб келганлигини кўрсатмоқчи бўлиб, Бобилда ўзини Улулай деган махсус ном билан юритган. Финикиядаги Тир шаҳрининг ҳокими гайёрлаётган қўзғолонни бостириш мақсадида Салманасар Ғарбдаги Тир шаҳрига қарши ва унинг иттифоқчиси бўлган Исроил подшоси Осияга қарши икки марта қўшин тортиб борган. Осур қўшинлари исроилликларни тор-мор келтириб, оролдаги Тир қалъасини ва Исроил давлатининг пойтахти Самарияни қамал қилган. Салманасар ўтказган реформа айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳаддан ташқари кескинлашиб кетган синфий зиддиятларни бир қадар юмшатиш мақсадида, Салманасар V Осурия билан Бобилиянинг Ашшур, Нипнур, Сипиар ҳам Бобил каби қадимги шаҳарларига молия-иқтисодий соҳада берилган имтиёзларни ҳамда солиқлар масаласидаги енгилликларни бекор қилган. Бу билан Салманасар айниқса зўр иқтисодий таъсирга эга бўлиб келган қулдор аристократларга, бой-савдогарларга, коҳинларга ва катта ер эгаларига кучли зарба берган. Салманасарнинг аҳоли орасидаги бу табақанинг манфаатларини жуда чеклаб қўйган реформаси бу табақанинг подшо сиёсатидан қаттиқ норозилигини туғдирган. Натижада фитна уюштирилган. Салманасар V тахтдан туширилиб, ўрнига унинг укаси Саргон II ўтказилган.

Саргон II нинг (эрамиздан аввалги 722—705 йиллар) номи («қонуний подшо»— шаррукен» деб ном олганлиги) ўзидан аввалги подшони агдариб, ҳокимиятни зўрлик йўли билан қўлга олганлигини кўрсатади, у Тиглатпаласар III нинг истилочилик сиёсатини катта муваффақият билан давом эттирган. Осур подшолари ва князларининг, афтидан, Миср ёрдамига таяниб кутарган қўзғолонларини бостирмоқ учун, Саргон II Сурияга янгидан қўшин тортиб боришга мажбур бўлган. Бу уруш натижасида Саргон II Исроилни тор-мор келтириб, Самарияни ишғол қилган ва исроилликлардан 25 минг кишини асир қилиб олиб кетган ва бу асирларни Осурияниинг ички ўлкаларига ва мамлакатнинг узоқдаги чегараларига жойлаштирган. Саргон II узоқ қамалдан кейин Тир шаҳрини олиб, Тир подшосини ўзига бўйсундирган ва уни хирож тў-

...ишга мажбур этган. Ниҳоят, Саргон Рафия ёнида бўлган жангда Газа князи Ганнонга ҳамда Миср фиръавнининг Газага ёрдамга юборган қўшинларига ўнгарилмас зарба берган. Саргон II ўз йилномасида хабар беришича, у «Газа под-



Саргон II ва унинг вазири.
Тошга ўйилган бўртма расм. Эрамиздан аввалги VIII аср.

шоси Ганнонни ўз қўли билан ушлаб олган» ҳамда «Миср подшоси» фиръавндан ва Арабистондаги сабей қабилаларининг хотин подшосидан хирож олган. Саргон II Кархемишни батамом тобе қилгандан сўнг, Сурияниинг Кичик Осиё чегараларидан тортиб то Арабистон ва Миср тупроғигача чўзилиб кетган ҳамма ерларини эгаллаб олган.

Саргон II ўз подшолигининг 7 ва 8 йилларида урартлар устидан ҳам жуда катта ғалаба қозонган. Саргон Урарту

мамлакатининг ичкарисигача кириб, Урарту қўшинларини тор-мор қилган, Мусасир шаҳрини эгаллаган ва талаган. Саргон бу бой шаҳардан жуда катта ўлжа қўлга туширган. «Саройда бўлган бутун хазинани, 20 170 кишини ва уларнинг мол-мулкини, урартларнинг худолари бўлмиш Халда билан Багбартумни ва улардаги қимматли зеби-зийнатларни ўлжа қилиб ҳисобдан ўтказдим». Урарту шу қадар қаттиқ тор-мор этилганки, Урарту подшоси Руса Мусасир шаҳрининг хароб қилинганлигини ва худоларнинг ҳайкаллари душман қўлига тушганлигини эшитгандан сўнг, «ўзини ўзи ханжар санчиб ўлдирган».

Элам мамлакати қўллаб-қувватлаб турган Бобилга қарши кураш Саргон II учун жуда машаққатли бўлган. Аммо Саргон бу урушда ҳам душманлар устидан ғалаба қозонган, Саргон бунда шаҳарлар ва коҳинларнинг Бобил подшоси Меродах-Баладан (Мардук-апалиддин) сиёсатидан норози бўлганликларидан фойдаланган. Меродах-Баладаннинг осур қўшинларига жуда қаттиқ, лекин мунаффақиятсиз кўрсатган қаршилиги Бобил шаҳарлари ва коҳинларнинг савдо-сотиқ ишларига зарар етказганлиги ана шу норозликларга сабаб бўлган эди. Бобил қўшинлари устидан ғалаба қозонгандан кейин, Саргон ўзининг айтишича, «Бобилга зўр тантана билан кириб борган». Коҳинлар бошчилик қилган халқ Осур подшосини Месопотамиянинг қадимги пойтахтига зўр тантана билан таклиф этган (эрамиздан аввалги 710 йил). Саргон урартлар устидан ғалаба қозонгач, мидияликлар билан эронликлар жойлашган чегара ўлкаларда ўз таъсирини мустаҳкамлаш имкониға эга бўлган. Осур подшолиги жуда кучайиб кетган. Подшо ўзига дабдабали янги пойтахт — Дур-Шаррукин шаҳрини қурган, бу шаҳарнинг ҳозирги харобалари ўша вақтдаги порлоқ осур маданиятини ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаганини ёрқин ифодалайди. Ҳатто узоқ Кипр ороли ҳам осур подшосининг қудратига тан бериб, унга хирож юборган.

Осур давлати жуда катта давлат бўлса ҳам, лекин унинг ички томони унча мустаҳкам бўлмаган. Қудратли жаҳонгир подшо ўлгандан кейин унинг қўл остидаги қабилалар қўзғолон кўтарган. Осур подшоси Синахерибга хавф солувчи янгидан-янги иттифоқлар майдонга келган. Сурия, Финикия ва Фаластиндаги кичик-кичик подшоликлар ва князликлар қайтадан бирлашган. Миср нинг ёрдамига суянган Тир шаҳри билан Яхудия Осурияга қарши қўзғолон кўтарган. Синахерибнинг ҳарбий кучлари кўп бўлса-да, лекин қўзғолонни тезда бостира олмаган. Осур подшоси қурол кучи билангина эмас, балки дипломатия йўли билан иш кўришга мажбур

бўлган, бунда Финикиянинг икки катта шаҳри — Сидон билан Тир ўртасида доим давом қилиб келган душманликдан фойдаланган. Синахериб Қуддусни қамал қилгандан кейин, яхуд подшоси унга кўпдан-кўп хадялар тўлаб қутулган. Мисрни идора қилувчи эфиопиялик (хабашистонлик) подшо Шабака Фаластин билан Сурияга етарлича ёрдам бера олмаган. Синахериб Миср-Эфиопия қўшинларини янчиб ташлаган.

Жанубий Месопотамияда ҳам Осурия учун катта қийинчиликлар туғилган. Бобил подшоси Мародах-Баладанни Элам подшоси илгаригидек қуллаб-кувватлаб турган. Жанубий ва жанубий-шарқий мамлакатлардаги душманларга қатъий зарба бермоқ учун, Синахериб денгиз бўйидаги Халдияга ва Эламга катта экспедиция юборган, у ўз аскарларини Эрон қўлтиғи қирғоқларига тушириш учун кўруқликдан ҳам, кемаларда ҳам жўнатган. Бироқ Синахериб ўз душманларига бирданига зарба беролмаган. Синахериб эламликлар ва бобилликларга қарши қаттиқ курашиш натижасида факат 689 йилдагина Бобилни эгаллаб, уни хароб қилган ҳамда ўз душманларига қатъий зарба берган. Илгари Бобилни қўллаб келган Элам подшоси бу сафар унга етарли ёрдам кўрсата олмай қолган.

Саройда қилинган ўзгаришда Синахериб ўлдирилиб, унинг ўрнига ўғли Асархаддон тахтга ўтирган (эрамиздан аввалги 681—668 йиллар). Ўз аҳволи унчалик мустаҳкам эмаслигини сезган Асархаддон дастлабки пайтларда Бобил коҳинларига таянмоқчи бўлган. У, Бобилиядаги исёнчилар бошлиғини «Элам мамлакатига худди тулкидек кочишга» мажбур этган. Асархаддон асосан дипломатия йўли билан кураш олиб бориб, «худолар номи билан ичган онтини бузгани учун» деб ўз душманини «эламликларнинг қиличи билан ўлдиртирган». Моҳир сиёсатчи бўлган Асархаддон исёнчилар бошлиғининг тугишган биродарини ўзига оғдириб, уни Денгиз бўйидаги мамлакатга ҳоким қилиб тайинлаган ва уни батамом ўзига итоат қилдирган. Фаластин ва Сурия князлари ва подшолари, шунингдек Финикия шаҳарлари ҳар доим Сурияга қарши бош кўтариб келганлар, буларни эса Эфиопия фиръавни Тахарка қувватлаган. Шу сабабли Асархаддон Осуриянинг асосий душмани ҳисобланган Тахаркани тор-мор қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Осурия подшоси Ўрта денгиз бўйидаги Сурия мамлакатида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Мисрга қатъий зарба бериши лозим бўлган. Асархаддон узоқ Мисрга қарши ҳарбий юришни тайёрлаш учун аввало ўзининг энг катта душманларидан бири бўлган Абди-Милькуттига, яъни, Сидон подшосига зарба берган. Асархаддоннинг сўзига қараганда, «Абди-Милькутти

Асархаддоннинг яроғидан қўркиб, денгиз ўртасига қочиб кетган». Аммо подшо уни «балиқ тутгандай тутиб олган». Осур қўшинлари Сидонни олиб, хароб қилган. Осурлар бу шаҳарда жуда кўп ўлжа қўлга туширган. Афтидан, Сидон Сурия князликлари иттифоқига бошчилик қилган бўлса керак. Подшо Сидонни босиб олгандан кейин, бутун Сурияни ўзига бўйсундирган ва исёнчи халқни махсус қурилган янги шаҳарга кўчирган. Асархаддон Арабистон қабилалари устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлагандан сўнг, Мисрни босиб олган ва Тахарканинг миср-эфиопиялик қўшинларига бир неча марта зарба берган. Асархаддон ўз ёзувларида Улуғ Миср подшолигининг энг қадимги пойтахти Мемфис шаҳрини ярим кун ичида босиб олиб, уни харобазорга айлантиргани ва талон-торож қилганини, шундай қилиб, «Мисрдан Эфиопиянинг илдизини суғуриб ташлаганини» таърифлаган. Асархаддон Мисрга қилган истилочилик юришини Мисрни Эфиопия зулмидан озод қилиш деб кўрсатиб, Миср халқининг ёрдамига таянишга уринган бўлиши ҳам мумкин. Асархаддон Осуриянинг шимол ва шарқ томонларида қўшни Закавказье ва Эрон қабилалари билан ҳам курашни давом эттирган. Осурияга эндиликда чинакам хавф туғдириб турган киммерий, скиф ва мидия қабилалари ҳам Асархаддон ёзувларида тилга олинади, бу қабилалар билан осурияликлар илгарилари ҳам тўқнашиб турганлар.

Осурия давлати шарқ томонда — Эроннинг ғарбий чегараларидан тортиб, ғарбда — Ўрта денгизгача, шимолда — Закавказьедан тортиб, жанубда — Эфиопиягача чўзилиб кетган қадимги шарқ дунёсидаги ҳамма мамлакатларни деярли ўзига бўйсундирган эди; Осурия давлатининг сўнгги катта подшоси бўлган Ашшурбанипал ўз подшолигининг бошидан то охирига қадар бу жуда катта давлатнинг бирлигини ва унинг харбий-сиёсий қудратини оғир машаққатлар билан сақлаб келган. Осурлар бўйсундирган халқлар ўз золимларига қарши курашни давом қилдириш билангина чекланиб қолмай, балки улар Осурия билан курашмоқ учун иттифоқлар ҳам тузганлар. Денгиз бўйидаги Халдея мамлакатининг узоқ ва юриб ўтиш жуда машаққатли бўлган ботқоқли ва тўқайзорлари бобиллик исёнчилар учун жуда яхши бошпана бўлиб хизмат қилган; бу исёнчиларни эса Элам подшолари ҳар доим қўллаб келган. Ашшурбанипал Бобилияда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ўз укаси Шамашшумукинни Бобилга подшо қилиб қўйган. Лекин Ашшурбанипалнинг укаси душманлар томонига ўтиб кетган. Осурия подшосининг «ҳоин укаси қасамни бузиб», Осурияга қарши Аккадда, Халдеядаги арамейлар орасида, Денгиз бўйидаги мамлакатда,



Аскон ва ходалар ташиш

Осурия буртма расми. Синаxериб саройидан топилган.

Эламда, Гутиумда ва бошқа мамлакатларда қўзголон кўтартирган. Шу тариқа, Осурияга қарши жуда қудратли иттифоқ майдонга келган ва бу иттифоққа Миср ҳам қўшилган. Бобилиядаги очарчиликдан ва Эламдаги ички тўполонлардан фойдаланиб, Ашшурбанипал бобилликлар билан эламликларни тор-мор келтирган ва 647 йилда Бобил шаҳрини олган. Ашшурбанипал Элам қўшинларига узил-кесил зарба бермоқ учун шу узоқ ва тоғли мамлакатга икки марта қўшин тортиб борган ва эламликларга жуда қаттиқ зарба берган. «Элам подшосига қарашли 14 шаҳарни, беҳисоб кўп майда шаҳарларни ва ўн икки округни ўзимга бўйсундириб, қийратдим, хонавайрон қилдим ва сунгра ўт қўйиб куйдириб юбордим». Осурия қўшинлари Эламнинг пойтахти Суза шаҳрини босиб олиб, уни батамом талаган. Ашшурбанипал Эламда хайкаллари қўлга туширилган худоларнинг номларини санаб кўрсатиб, бу ҳайкалларни Осурияга олиб келганини мағрурланиб гапирган.

Мисрда Осурия анча катта қийинчиликларга дуч келган. Ашшурбанипал Эфиопия билан курашаркан, Мисрдаги аристократияга, хусусан ярим мустақил Саис ҳокими Нехога таянмоқчи бўлган. Ашшурбанипал дипломатия найрангларини ишлатиш билан бирга, Мисрга қўшин юбориб ва хароб қилувчи юришлар қилиб, қурол кучини ишга солса ҳам мақсадига эриша олмаган, Нехонинг ўғли Псамтик Осуриянинг ички қийинчиликларидан фойдаланиб, Осуриядан ажралиб чиққан ва мустақил Миср подшолигини тузган. Ашшурбанипал Финикия билан Сурия устидан ўз назоратини жуда қийинчилик билан сақлаб қолган. Осурия амалдорлари, унинг улкалардаги мухтор вакиллари (резидентлари) ва жосуслари подшо номига тугридан-тўғри жуда кўп хатлар ёзиб, бу хатларда сиёсатга ва иқтисодга доир турли-туман маълумотларни етказиб турганлар; бу эса Сурияда ҳам тўполонлар ва қўзғолонлар бўлганлигини курсатади. Лекин Урарту ва Эламда бўлган воқеаларни Осурия ҳукумати айникса зўр диққат билан кузатиб борган. Афтидан, энди Осурия ўзининг харбий кучларигагина ортикча ишонолмай қолган бўлса керак. Осурия жуда усталик билан дипломатия ишлатиб, ҳар турли душманларига нисбатан ҳар хил муомалада бўлиб, уларни алдаб-сулдаб, ўзининг жуда катта территориясини сақлашга, душман иттифоқларини ярчиб ташлашга ва хавфли душманларнинг ҳужумларидан ўз чегараларини қўриқлашга мажбур бўлган.

Осурия давлатини аста-секин кучсизлантириб бораётган аломатлар ана шулардан иборат бўлган. Осуриянинг шимол ва шарқ томонларида яшовчи кўп сонли кўчманчи қабила-

лар, хусусан киммерийлар, скифлар (асгусайлар) мидияликлар ва форслар Осурияга доимо хавф солиб келганлар. Осурияниинг VII асрдаги ёзувларида бу қабилаларнинг номлари эслатиб ўтилади. Осурия подшолари Урартуни батамом ўзларига бўйсундира олмаганлари сингари, Элам мамлакатини ҳам узил-кесил мажақлаб ташлай олмаганлар. Ниҳоят, Бобилия ўзининг мустақиллигини ҳамда савдо соҳасидагина эмас, балки сиёсий соҳадаги қадимги қудратини ҳам тиклаш орзусида бўлиб келган. Шундай қилиб, жаҳонда ҳукмрон бўлишга интилган ва жуда катта давлат барпо қилган осур подшолари бир қанча мамлакатларни истило қилган бўлсалар ҳам, лекин тобе қилинган барча халқларнинг қаршилигини тамоман синдира олмаганлар. Жуда усталик билан уюштирилган жосуслик системаси буюк давлатнинг чегараларида ва қўшни мамлакатларда нималар бўлиб турганлигини ҳар доим Осурия пойтахтига етказиб, хабар қилиб туришга имкон берган. Қўшни давлатларда урушга тайёргарликлар, қўшинларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши, махфий иттифоқлар тузилиши, элчилар қабул қилиниши ва жўнатилиши, фитналар ва қўзғолонлар кўтарилиши, қалъа ва истеҳкомлар қурилиши тўғрисида, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга қочиб ўтган одамлар тўғрисида, чорва ҳайдаш, ҳосил ва бошқа шунга ўхшаш масалалар тўғрисидаги маълумотлар осур подшосига билдириб турилганлиги маълумдир.

Осурия давлати жуда катта территорияни эгаллаган бўлишига қарамай, омонат турган баҳайбат уйга ухшарди. Бу катта давлатнинг айрим қисмлари иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан мустаҳкам боғланмаган эди. Шу сабабли қонли истилолар воситаси билан бўйсундирилган халқларни доим бостириш ва кенг оммани эксплуатация қилиш асосига қурилган бу жуда улкан бино мустаҳкам бино бўлмаган ва орадан кўп ўтмай кулаб тушган. Ашшурбанинапал ўлгандан кейин (эрамиздан аввалги 626 йилда), тез орада, мидияликлар билан бобилликларнинг бирлашган кучлари Осурияга бостириб келиб, осур армиясини тор-мор қилган. 612 йилда Ниневия босиб олинган. Эрамиздан аввалги 605 йилда бутун Осурия давлати душманларининг зарбалари остида қулаб тушган. Кархемиш ёнида бўлган жангда Бобил қўшинлари осурларнинг сўнгги отрядларини янчиб ташлаган.

Маданият

Осурияниинг тарихий аҳамияти унинг биринчи катта давлат бўлганлигида ва бу давлатнинг ўша замонда маълум бўлган дунёни бирлаштиришга интилганлигидадир. Осур подшолари томонидан қўйилган бу вазифа муносабати билан, катта ва кучли армия

тузиш ва ҳарбий техникани юксак даражада тараққий қилдириш лозим бўлган. Осур маданияти кўп жиҳатдан Бобил билан қадимги Шумернинг маданий мероси асосида анча ривож топган маданиятдир. Осурияликлар михсимон хат системасини, динининг ўзига хос хусусиятларини, адабий асарларни, санъатнинг характерли элементларини ва бир қанча



Подшо саройининг дилий-хомийси бўлган қанотли ҳўкиз ҳайкали.

илмий билимларни Месопотамиянинг қадимги халкларидан олганлар. Осурлар баъзи худолар номлари ва уларга сиғинишни, ибодатхоларнинг архитектура формасини ва ҳатто қурилиш материали бўлган ғиштни ҳам қадимги Шумердан олганлар. Эрамиздан аввалги XIII асрда, яъни осур подшоси Тукульти-Нинурта I Бобилни забт қилгандан кейин Бобилнинг Осурияга маданий таъсири айниқса кучайган.



Хурмо дарахти ёнида турган осур маъбудаси.

Осурлар диний адабиётга доир кенг ёйилган асарларни, хусусан дунёнинг яратилиши ҳақидаги эпик достонларни, Энлиль ва Мардук деган қадимги худоларга бағишланган гимнларни бобилликлардан олганлар. Осурияликлар узунлик ўлчови ва тарози системасини, давлат идорасини ташкил этишдаги баъзи хусусиятларни ва Хаммурапи даврида ишлаб

лашган ҳуқуқшунослигининг кўпгина элементларини Бобилдан олганлар.

Осур подшоси Ашшурбанипал саройининг харобалари ичидан топилган унинг машҳур кутубхонаси осур маданияти юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Бу кутубхонадан жуда кўп миқдорда хар хил диний ёзувлар, адабий асарлар ва илмий текстлар топилган эди, булар орасида астрономия кузатишларига оид ёзувлар, медицина ишларига хос текстлар, пиҳоят, грамматика ва лексикага доир справочниклар, шунингдек, энг кейинги луғат ва энциклопедияларнинг ўша замондаги дастлабки намуналари айниқса катта аҳамиятга эгадир. Осур хаттотлари подшонинг махсус йўл-йўриғига мувофиқ, энг қадимги ёзувларнинг хар турли асарларини йиғиб, улардан нусха олиб, баъзан эса уларни қисман ўзгартириб, қадимги Шарқ халқлари эришган маданий юғуқларнинг гоят катта хазинасини бу кутубхонага тўплаганлар. Баъзи бир адабий асарлар, чунончи, тавба қасидалари ёки «кўнгилни таскин топтирадиган нолалар» осур адабиётининг юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Бошига оғир мусибат тушган, ўзини гунохкор ва ғариб деб ҳис қилган одамнинг шахсий гам ғуссаларини қадимги замон шоири бу нола (қўшиқ)ларда зўр усталик билан акс эттирган. Осур подшоларининг асосан истилочилик юришларини, шунингдек, уларнинг мамлакат ичкарисидаги фаолиятини тасвирлайдиган йилномалари осур адабиётининг оригинал ва бадиий юксак асарлари жумласига киради.

Ашшурназирпалнинг Калах шахридаги ва подшо Саргон II нинг Дур-Шаррукин (ҳозирги Хорсобод) шахридаги саройларининг харобалари осур архитектураси Осурия гуллаб-яшнаган даврда на қадар юксак бўлганлигини равшан кўрсатади. Шумерликларнинг биноларига ўхшаб, Саргоннинг саройи ҳам баланд қилиб кўтарилган тепалик устига солинган. Бу шоҳона саройнинг 210 та зали ва 30 ҳовлиси бўлиб, улар номутаносиб (асимметрик) жойлаштирилган. Осуриядаги бошқа саройлар сингари, бу сарой ҳам, осур архитектурасининг айнан намунаси бўлиб, унда монументал ҳайкаллар ҳам, бадиий бўртма расмлар ҳам ва зийнатли орнаментлар ҳам ишлатилган. Саройга кириладиган ҳашаматли дарвозанинг икки томонида подшо саройини қўриқловчи муаккиллар —«ламассум»нинг жуда катта ҳайкаллари ўрнатилган, бу ҳайкаллар афсоналарда тасвирланадиган баҳайбат махлуқ — одам бошли арслон ёки қанотли ҳўкиз сифатида ясалган. Осур саройидаги танғапа залларининг деворларига одатда сарой ҳаётига, уруш ва овга доир ҳар хил манзараларни тасвир қилувчи бўртма расмлар ўйганлар.

Архитектуранинг бу шохона ва монументал нақшлари жуда катта ҳарбий давлатни идора қилувчи подшонинг шон-шавкатини ва Осурия қуролининг нақадар қудратли эканини кўрсатиши лозим бўлган. Ўйиб ишланган бўртма расмлар, хусусан ов қилиш манзараларидаги ҳайвонларнинг суратлари осур санъатининг ғоят юксак намуналаридир. Осур ҳайкалтарошлари шу мамлакат подшолари севиб ов қилган ёввойи хайвонларни ғоят тўғри ва жуда усталик билан бадиий суратда тасвирлай билганлар.

Савдонинг ривожланиши ва бир қанча қўшни мамлакатларнинг истило қилиниши туфайли осурлар Шумер-Бобил ёзуви, дини, адабиёти ва объектив билимларнинг дастлабки куртакларини қадимги Шарқ дунёсининг барча мамлакатларига ёйганлар, шундай қилиб, қадимги Бобилнинг маданий меросини қадимги Шарқдаги кўпчилик халқларнинг мулкига айлантирганлар.



Жанг аравасида кетаётган Тиглатпаласар III.



Урартлар жанг араваси.

Тупроқ-Қалъадан топилган мухр нусхаси

XV БОБ

УРАРТУ

Урарту мамлакатининг тарихи Совет Иттифоқи территориясида яшаган энг қадимги халқлар ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Урарту Кавказнинг қадимги тарихи билан чамбарчас боғланган.

Табиий шароити

Урарту давлати Кичик Осиё, Эроннинг шимоли-ғарбий ўлкаси ва Иккидарё оралиғининг шимолий қисми ўртасидаги катта ясситоғликда жойлашган. Шундай қилиб, Закавказьенинг анчагина ўлкалари — Арманистон ССР билан Жанубий Грузия территориялари Урарту составига кирган. Урартунинг шарқий қисми учта катта кўл — Ван кўли, Урмия ва Севан (Гукча) кўллари орасида бўлган. Урартунинг шимолий қисми Аракс дарёси ҳавзасига ва Кури дарёсининг шимолий ирмоқларига жойлашган.

Урарту территорияси ҳамма томондан тоғ тизмалари билан ўралганлиги сабабли, бу ерда кўпинча қабилалар хужумидан ва талон-торож қилишни кўзда тутган истилочилик юришларидан, асосан Осурия подшоларининг ҳужумларидан аҳолининг муваффақият билан сақланиши учун табиий қулайликлар мавжуд бўлган. Бу мамлакатнинг табиий шароитлари жуда ҳам хилма-хил бўлган. Бутун территория кўпдан-кўп тоғ кряжлари билан кесилган бўлиб, бу кряжлар ўрта ҳисоб билан 2000—4000 метр баландликкача етиб боради. Бу кряжлар устида айрим тоғ массивлари ва чўққилари бўлиб, улар доимий қор билан қопланган (Катта Арарат тоғининг баландлиги 5156 метр). Бу тоғ тизмаларининг довонлари ҳам анча баланд бўлиб, қишда қор билан қопланади. Ўрта Кавказдаги

довонларнинг факат жуда оз кисмигина 3 минг метрдан пастда жойлашган. Тоғларнинг усти кўкаламзор бўлиб, айрим жойларгина ўрмонликдан иборат, ўрмонларнинг энг юкори чегараси анча баландликдан, тахминан денгиз юзидан 2500 метрдан 2600 метргача баландликдан ўтади. Масалан, Арарат районида ўрмонликлар 2500 метр баландликда учрайди. Аракс ва Арацан каби катта дарёларнинг водийлари айрим жойларда хосилдор ва кенг пасттекисликлардан иборат (чунончи, Арарат текислиги, Муша пасттекислиги). Баъзи ясситоғликлар чўллардан иборат бўлиб, бу чўллар унда-мунда чала сахрога айланиб кетади. Бу катта-катта территорияларда булоклар бўлса хам, лекин уларда ўсимлик ўсмайди ва экин битмайди деса бўлади. Аммо аҳоли ариқ казиб сув чикарган ерларда дехқончилик килиш имконияти булган. Арман ясситоглигидаги табиатнинг айрим хусусияти шундан иборатки, бу ердаги бир канча кўллар, жумладан, Урмия ва Ван кўлларидан сув ҳеч қаёққа оқиб чиқиб кетмайди ва шу сабабли бу кўлларнинг суви шўрдир. (Урмия кўлининг сувида 14—23% туз бор.) Севан (Гўкча) кўли анча баландликда бўлиб, унинг суви оқиб чиқиб туради, шу сабабли унинг суви тоза ва унда балик жуда серобдир. Урартунинг асосий табиий бойликлари — тош, урмон ва металлдан иборат бўлган. Мис, темир, қўргошин ва қалай казиб чиқариладиган конлар алохида ахамиятга эга бўлиб, булар металлургиянинг юксак даражада тараққий килишига ёрдам килган.

Ахолиси

Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилда Закавказьеда ва унга туташган Кичик Осиё, Шимолий Иккидарё оралиги территориясида хамда Тигр дарёсининг шимоли-шарқидаги тоғли районлар территориясида Олд Осиёнинг шимолий кисмидаги энг бурунги халқлар оиласига кирган кабилалар яшаган. Бу кабилалар протохеттларга ва хурритларга қавм-қардош бўлган. Осурия ёзувларида Осурияниинг шимоли ва шимоли-шаркидаги тоғли мамлакатни ҳамда бу мамлакатда яшаган кўпдан-кўп қабилаларни билдирувчи бир канча номлар учрайди. Кенг территорияларни ва иттифоқларга бирлашган бир канча қабилаларни ўз ичига олган «Наири» ва «Уруатри» (Урарту) деган номлар кўпроқ тилга олинади. «Наири» деган ном «Нахарина» сўзига яқин бўлса керак, мисрликлар хамда Сурия ва Фаластиндаги семит кабилалари «Нахарина» сўзи билан Евфрат дарёсининг ўрта окимидан шимоли-шаркда жойлашган «дарёлар мамлакати» ни ифодалаганлар.

Урартлар Уруатри кабилалари иттифоқини тузганлар, бу иттифоқ кейин кудратли Урарту давлатига айланган. Реакцион буржуа тарихчилар, урартлар халқларнинг катта кучи-

ши натижасида ғарбдан келганлар деб уқтирадилар. Аммо кўчиш назариясини ҳужжатлар асосида исбот қилиб бўлмайди. Урартларнинг Закавказьедан гарбда ёки бошқа бирор жойда афсонавий «бешиги» бўлганлигини бевосита ва аниқ кўрсатадиган далиллар сақланиб қолган ёзувлар йўқ. Иккинчидан, Закавказьедаги тоғ, кўл ва қабилаларнинг қадимги ва ҳозирги географик номлари қадимги Урарту замонидан шундай аталиб келган. Масалан, Арарат тогларининг ва аародийц қабилаларининг номи қадимги грек ёзувчилари асарларида тилга олинади. Бу номлар Урарту мамлакатининг ва урарт қабилаларининг номи билан боғлиқ бўлса керак. Биайна мамлакатининг қадимги номи Ван кўли номида сақланган. Арзирум районида ва Евфрат дарёсининг юқори қисмидаги районда урартларга яқин турган диаух қабиласи яшаган, қадимги грек тарихчилари, масалан, Ксенофонт, бу қабилани таохлар деб атаган. Шундай қилиб, урарт қабилалари Закавказье территориясида жуда қадим замонлардан бери яшаб келган азалги аҳолидир.

Қадимги урартларнинг хўжалик ҳаёти, қабила иттифоқлари, энг бурунги давлатлар (диаух, урарт, манейларнинг энг бурунги давлатлари) маданияти, дини ва тили қўшни халқлар, хеттлар, хурритлар ва, асосан, Закавказьедаги энг қадимги халқлар ҳаёти билан шак-шубҳасиз боғлиқ бўлган. Ёзувларда ҳам, хусусан археологик ёдгорликларда (масалан, Қизил Ванкдан топилган ёзувли керамикада) ҳам бу тўғрида очиқ айтилади. Ёзувлар ва археологик ёдгорликлар, Закавказьеда жуда қадим замонлардан бери ўтроқ деҳқончилик ҳаёти кечирган қабилалар яшаганлигини кўрсатади. Бироқ урартлар яратган маданият очиқ кўриниб турган ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, тамомила мустақил равишда тараққий қилган.

Урарт қабилалари Олд Осиёнинг шимолий қисмида кейинги замонларда яшаган қабилалар билан қавм-қариндош бўлган бўлишлари ҳам мумкин. Закавказьедаги арманлар Ғарбий Европадан кўчиб келган деб исботламоқчи бўлган буржуа тарихчиларининг бемаъни даъволарини қатъиян рад қилиб, совет олимлари ўз асарларида арманлар Урарту давлатининг сўнгги даврида Закавказьеда яшаган қабилалардан бирининг авлодлари ва меросхўрлари бўлганлигини кўрсатдилар. Грузия ССРнинг турли районларида ва кўпроқ Армаиистонда урартлар яшаган поселениеларнинг харобалари, урарт ёзувлари ва моддий маданият ёдгорликлари топилди, булар Закавказьедаги ҳозирги халқлар маданияти таг-томири билан Урарту давридан бошланиб келаётганлигини очиқ кўрсатади. Қадимги урартларга қавм-қариндош ва яқин булган қабила-

лар қадимги арманлар билан грузинларнинг ота-боболари бўлган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Урартлар тили ва маданияти қўшни халқларга, шунингдек, кейинчалик Урарту давлати территориясида яшаган халқларга таъсир кўрсатган. Урартларнинг баъзи бир сўзларини осурияликлар қабул қилиб олганлар. Ван ва Урмия кўлларига яқин жойда ҳозиргача яшаб келаётган арманларининг гапларида урарт тилининг фонетик тузилишига баъзи бир яқинлик сақланиб қолган. Шу билан бир вақтда, Грузия аҳолиси ҳозирга қадар гаплашиб келаётган картвел тилининг урарт тилига яқинлиги аниқланган. Закавказьедаги халқларнинг ҳозирги тиллари уругчилик тузуми давридан бошланади. Закавказьенинг урарт қабилаларига яқин ва қардош бўлган энг қадимги халқлари тилларининг асосий луғат состави ва грамматик тузилиши ўша вақтда вужудга келади. Шундай қилиб, Олд Осиёнинг шимолий қисмидаги энг бурунги халқлар группасига кирган урарт ва унга қавм-қариндош бўлган Закавказье халқларининг ижоди натижасида яратилган ўзига хос ва мустақил маданиятнинг қадимги ўчоғи СССР территориясида бўлган.

Манбалар ва историография

Закавказьедан ва унга қўшни бўлган мамлакатлар территорияларидан топилган миххат текстлари Урарту тўғрисида маълумот берувчи асосий манбалардир. Ҳозиргача Урарту ёзувларидан фақат 350 тасигина маълум бўлсада, ҳар ҳолда булар урартларнинг хусусан сиёсий тарихи ҳақида муҳим материал беради. Бу ёзувлар орасида энг каттаси ва айниқса муҳими Аргишти I нинг хорхор ёзуви ва Сардур II нинг катта ёзувидир. Ҳар иккала ёзув ҳам ўзига хос йилномадир. Хорхор ёзувида сиёсий воқеалар, асосан, Осурия билан ва ён-веридаги қўшни халқлар билан қаттиқ кураш олиб борган подшо Аргиштининг ҳарбий юришлари тасвирлаиган. Ван кўли ёнида қазиш ишлари ўтказган рус археологик экспедицияси жамияти топган 265 қатордан иборат катта Сардур ёзувида Сардур II нинг саккиз йил давом қилган ҳарбий юришлари баён қилинган. Сардур II ёзуви — Урарту давлатининг эрамиздан аввалги VIII асрда гуллаган даврига, Урарту давлати ўзининг доимий рақиби Осурия устидан галаба қилган даврга мансуб бўлганлиги сабабли, айниқса катта тарихий аҳамиятга эга. Урартларнинг Закавказьедаги баъзи бир ўлкаларга ва бошқа қўшни мамлакатларга қилган юришлари тўғрисида ҳам урарт ёзувларида гапирилади.

Бундан кура қисқароқ бошқа ёзувларда давлат аҳамиятига эга бўлган катта-катта иншоотлар — қалъалар, ибодатхоналар, саройлар ва каналлар қурилиши тасвирланган. Баъзи

ёзувларда урартларнинг динини ўрганиш учун қизиқ маълумотлар бор. Масалан, Ван кўлига яқин жойдаги бир коя тоқчасида («Мхер эшиги»да) сақланиб қолган ва эрамиздан аввалги IX асрга оид бўлган бир ёзувда урарт худоларининг рўйхати ва уларга атаб қилинган назр-ниёзлар кўрсатилган. Бошқа ёзувлар, жумладан, юридик ишлар, куидалик турмуш, хўжаликка ва адабиётга оид текстлар афсуски сақланиб қолмаган, лекин яқинда Кармир-Блурлан дубулгага ҳамда бронзадан ясалган идишларга битилган бир қанча урарт ёзувлари, шунингдек, Тупроқ-Калъа ва Кармир-Блурдан бир қанча сопол фрагментларга битилган ёзувлар топилди, булар ҳисоб-китобга оид айрим ёзувлардан иборатдир.

Совет музейларида (Тбилисида ва Ереванда) урартларнинг бир қанча ёзувлари сақланади. Бу ёзувларнинг баъзи бирлари Совет Иттифоқи территориясидан топилган.

Урартунинг сиёсий тарихини ўрганишда Осурия ёзувлари катта аҳамиятга эга. Бу ёзувлар урартларнинг эрамиздан аввалги XIII асрдан IX асргача бўлган қадимги тарихи ҳақида баъзи бир тушунча беради. Масалан, Салманасар III ёзувлари Урарт подшолигининг пайдо бўлиш тарихига оид маълумотлар беради. Осурия подшоси Саргон II ёзувлари Урарту тарихини ўрганиш учун айниқса қимматли, бу ёзувларда Саргон II нинг Урарту мамлакатига қилган юришлари, жумладан, 714 йилдаги катта юриши баён этилган. Осурия билан Урарту ўртасида эрамиздан аввалги VIII—VII асрларда бўлган ўзаро мураккаб муносабатлар бир қанча Осур ёзувларида, жумладан, Осурия подшоларининг ўз амалдорлари билан ёзишган хатларида акс этган. Хетт ёзувларидан Урарту тарихига доир жуда кўп муҳим маълумотлар олиш мумкин, албатта. Бироқ бу ёзувлар шу нуктаи назарда хали яхши ўрганилгани эмас.

Моддий маданият ёдгорликлари урартларда техника қай даражада тараққий қилганини, хўжалик хаётининг баъзи бир томонларини, турмуши ва санъатини ўрганишга имкон беради. Чипакам қазиш ишлари қадимги давлат марказида, Ванда, шунингдек мамлакатнинг шимолий қисмида (Б. Пиотровскийнинг Ереван яқинида, Кармир-Блурда ўтказган қазишлари) ўтказилган бўлса-да, ҳар ҳолда топилган ва сақланиб қолган моддий маданият ёдгорликлари жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Булар орасида меҳнат қуролларини (омоч тиши, болта, паншаха, пичоқ, тегирмон тоши), ярок-аслаҳаларни (қилич, ўқ учи, қалқон, дубулга), кулолчилик буюмлари бадиий ҳунар ва санъат асарларини (ҳайкаллар, бронзадан ясалган ҳайкалчалар ва турли хил идишларни), ниҳоят, диний эътиқодга оид буюмларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Қадимги

урартларнинг моддий маданият ёдгорликларига қараб уларда техниканинг, жумладан, металлургия ишлаб чиқаришининг қай даражада тараққий қилганлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Умуман Кавказ территориясида ўтказилган қазишлар вақтида топилган турли-тумап рўзғор буюмлари эрамиздан аввалги учинчи — биринчи минг йилликларда Кавказда яшаган энг қадимги халқларнинг экономикаси, техникаси ва моддий маданиятини муфассал ўрганиш ва уларнинг Урарту ҳамда қўшни мамлакатларнинг қабилалари билан ўзаро муносабатларини аниқлаш имкониятини беради. Ҳозирги Кавказ халқларининг одат тусига кирган ҳуқуқи, турмуши ва фольклорини ўрганиш баъзан жуда қимматли материал беради. Нарт эпосида, «Довуд Сосуни» номли қадимги арман эпик достонида Кавказ халқларининг турли афсоналари, ривоятлари, эртак ва қўшиқларида узоқ ўтмиш қолдиқлари, эҳтимол, Урарту даврига оид кўпгина қолдиқлар сақланиб қолган. Қадимги арман ёзувчиси Моисей Хоренинг тарихга оид машҳур асарида ҳам узоқ ўтмишнинг излари бор. XIX аср бошларидаёқ сайёҳлар ва археологлар Арманиядаги археологик ёдгорликларни ўрганишга қизика бошлаганлар. Шульц 1828—1829 йилларда Ван районини текшириб, қадимги ёдгорликларнинг баъзи бирларини гасвирлаб берган ва бир қанча миххатсимон ёзувлар нусхасини кўчириб олган эди. Ван кўли атрофидан топилган ёзувларни 1848 йилда Хинкс биринчи марта ўқиб чиқаришга уринди. Бироқ бу ишдан самарали натижа чиқмади. Инглиз археологи Сэйснинг қилган ишлари анча муҳим аҳамиятга эга бўлди, у 1882 йилда Ван ёзувларининг дастлабки йиғиндисини берди ва уларни эплаганича таржима қилди. Тахминан худди шу йилларда Рассам Ван кўлига яқин жойдаги Тупрок-Қалъада қазиш ишлари ўтказди, лекин унинг қазишлари ҳам бирор тузукроқ натижа



Подшо Аргиштининг бронзадан ясалган дубулғаси.

Кармир-Блурдан топилган.

бермади. XIX аср охирида Леманн-Гаупт ва Бельк Арменияда урартларнинг жуда кўп ёзувларини тўпладилар. Леманн-Гаупт бу хужжатларга асосланиб, Урарту тарихи ва маданияти тўғрисида бир қанча асар ёзди. Леманн-Гаупт бу асарларида Урартуда металлургия юксак даражада тараққий қилганини, мегалитик архитектуранинг аҳамиятини ва урартларнинг Закавказьедаги картвель халқлари билан бўлган алоқасини кўрсатиб берди. Лекин у Урартудаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ва давлат формаларига характеристика берганда, Урартуда давлат теократик (сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлиши) усулда идора қилинган, деб жиддий хато қилди. Буржуа тарихчилари умумий ва махсус асарларида Урарту тарихига одатда кам эътибор бериб келганлар. Буржуа тарихчилари урартлар халқларининг кўчиши натижасида гарбдан келганлар, урартлар маданияти хетт ҳамда осурлар маданияти таъсири остида бўлган деб хисоблаганлар, «маданий жихатдан қолоқ ва талончи» урарт халқи қудратли давлат тузишда осур подшоларига «халакит» бериб келган ва шу сабабдан осур подшоларининг «репрессияларига» дучор бўлган деб кўрсатганлар. Реакцион тарихчиларнинг бу гаразли фикрлари тарихга мутлако хилоф фикрлардир. Урартлар Закавказьенинг азалги халқи бўлиб, у жуда кадим замонлардан бошлаб ўз маданиятини ва кейинчалик бориб ўз давлатини вужудга келтирган. Урартлар Осурия истилочилари ҳужумларидан ўз юртларини ҳимоя килиб, ўз мустакилликларини сақлаб қолиш учун бир неча аср мобайнида қатгиқ кураш олиб борганлар.

Рус ва совет олимлари, археологлари, тилшунослари ва тарихчилари Урарту тарихини ўрганиш ишига жуда катта ҳисса қўшдилар. XIX аср ўрталаридаёқ К. П. Патканов урартларнинг Россия территориясидан топилган миххатсимон ёзувлари ҳакида махсус асар ёзди. Л. С. Уваров ва А. А. Ивановский Закавказьеда бир қанча разведкалар, қазиш ишлари ва текширишлар ўтказиб, ҳали кам ўрганилган Ван маданиятига катта завқ тугдирдилар. Машҳур рус археологи М. В. Никольский Закавказьедаги археологик ва эпиграфик ёдгорликларни ўз жойида махсус текшириб, урартларнинг Закавказьедан топилган ёзувлари тўғрисида махсус асар ёзди. М. В. Никольскийнинг бу асари ўз вактида жуда катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, рус урартшунослигига асос солди. Миххатсимон ёзувларни тўплаб, нашр килган арман мутахассислари орасида Месроп Смбатянини кўрсатиб ўтиш керак. 1916 йилдан бошлаб рус археологлари Закавказьеда бир қанча жуда катта археологик ишлар килдилар. И. А. Орбели Ван қояси ўнгирларидан бирида Сардури II йилномасига

оид жуда қимматли бир ёзув қазиб топган. Н. Я. Марр эса Тупроқ-Қалъада қазиш ишлари ўтказган. Кейинчалик, совет археологлари Закавказьедаги циклопик (катта-катта харсанг-тошлардан ишланган) қалъаларни текширганлар. 1939—1951 йилларда Ереван яқинида Кармир-Блурдаги қадимги қалъаларда ва Тейшебаини шаҳрида Б. Б. Пиотровский ўтказган қазиш ишлари кейинги йиллардаги қазиш ишлари орасида айниқса муҳимдир. 1947—1950 йилларда Ереван ёнидаги Арин-берд тепаси текширилди ва қисман қазилди, Урарту қалъасининг бу ердаги харобаларидан деворларга битилган пақшлар (расмлар) қолдиғи ва Урарту подшолари Аргишти I ва Сардури II (эрамиздан ав. VIII аср)нинг миххат билан ёзилган номлари топилди. Совет олимлари урартлар тарихи, маданияти ва тили билан Кавказдаги энг қадимги халқлар тарихи, маданияти ва тили ўртасида яқин алоқа бўлганлигини аниқладилар, бу совет олимлари эришган жуда катта ютуқ бўлди. Сўнгги йилларда Кавказда, асосан Грузияда ва, хусусан, Триалетида Б. А. Куфтин томонидан ўтказилган қазиш ишлари, шунингдек, Самтавр гўрининг очилиши (А. Каландадзе) шу мураккаб проблемани бир қадар ойдинлаштириб берди.

Совет олимлари урартларнинг тарихи, маданияти ва тилини ҳар томонлама ўргандилар. Урартунинг моддий маданияти ва сиёсий тарихини, жумладан, Урартунинг Осурия билан қилган ўзаро муносабатларини, шунингдек, этногенезга доир тегишли масалаларни Б. Б. Пиотровский ўз асарларида баён қилган. Г. А. Капанцян, Урартунинг тарихи ва маданиятини ўрганишга, жумладан, Урарту билан қадимги Армения ўртасида бўлиб келган муносабатлар проблемасига доир бир канча қимматли асарлар ёзган. Г. В. Церетели Грузиянинг давлат Музейида (Тбилиси) сақланаётган урарт ёзувларини пухта текшириб, бостириб чиқарган. Г. А. Меликишвили Урарту тарихига оид бир қанча муҳим мақолалар ёзиб чиқарган.

Н. Я. Марр, И. И. Мещанинов ва бошқалар урартлар тилини ўрганиш ва уни таржима қилишга бағишлаб бир канча асарлар ёзганлар. Лекин Н. Я. Марр ва унинг шогирдлари томонидан урартлар тили ва уни таржима қилиш масаласига бағишлаб ёзилган бу асарларда баъзи бир методологик хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Шунинг учун уларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиш керак.

Урарту давлатининг пайдо бўлиши

Урартлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар эрамиздан аввалги XIII асрга оид бўлса ҳам, лекин Закавказьеда ўтказилган сўнгги қазишлар Закавказьедаги энг қадимги халқлар маданиятини ўрганишга имкон беради. Закавказьедаги энг қадимги халқлар орасида эрамиздан аввалги

икки минг йиллик ўрталарида урарт деган халқ таркиб топиб, бу халқ кейинчалик ўз давлатини барпо қилган. Хетт-хуррит гуруҳига мансуб бўлган бу қадимги қабилалар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Бу қабилалар майда ва йирик қорамол ҳамда чўчқа боққанлар; эрамиздан аввалги икки минг йиллик охиридан бошлаб уларда от ҳам пайдо бўлган, бронзадан ясалган сулуқлар ва кейинроқ бориб, оти билан бирга қўйилган суворилар қабрларининг топилиши шуни кўрсатади. Даре водийларида ва унга туташган хосилдор районларда одамлар деҳқончилик қилган; бу деҳқончилик ҳали кўп жиҳатдан ибтидоий усулда олиб борилган. Ерни жуда содда, дағал асбоблар билан ишлаганлар, масалан, Триалетидан мотига нусхаси топилган эди. Тиги чақмоқ тошдан ясалган ёғоч ўроқлар ўрнига кейин бориб бронза ўроқ ишлатиладиган бўлган. Тариқ, арпа ва буғдой экканлар. Ҳунармандлик соҳасида хусусан тоштарошлик ва темирчилик (металлургия) тараққий қилган. Кавказнинг кўп жойларида, айниқса Цалкин районида обсидиан (вулкон шишаси) дан ясалган купгина буюмлар топилган. Обсидиандан буюмлар ишлаш техникаси жуда қадим замонларда пайдо бўлган, қурилиш ишларида тошдан кенг суратда фойдаланилганини мегалитик архитектура кўрсатиб беради. Мегалитик архитектуранинг нусхалари Кавказнинг Қора денгиз бўйида, хусусан Абхазияда ва Грузиянинг бошқа қисмларида, нихоят, Озарбойжонда кўпдан кўп дольменлар шаклида сақланган. Катта-катта харсанг тошлар териб ишланган қадимги қалъаларнинг деворлари ҳам худди шу типдаги иншоотлар жумласига киради. Закавказьенинг кўп жойларида ёки Урартудан бурунги даврга, ёҳуд Урарту даврига оид бўлган ва харсангтошларнинг қўйилиши жихатидан Олд Осиё шимолий қисмидаги халқларнинг, жумладан, хеттларнинг циклопик архитектураси билан жуда яқиндан боғланган қадимги примитив қалъаларнинг колдиқлари топилди. Арменияда, жумладан, Севан кўли районида қадимги қалъаларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Бу ердан топилган урарт ёзувларига қараганда бу қалъалар Урарту давлатининг Закавказье областларидаги сиёсий таъсири ва ҳукмронлигининг марказлари бўлиб хизмат қилган. Закавказьедаги циклопик қалъалардан баъзилари Урартудан бурунги даврда қурилган бўлиши ва улар дастлабки пайтлардаги ўзаро урушлар даврида маҳаллий аҳолининг паноҳгоҳлари бўлиб, кейин эса Закавказье тупроғига бир неча марта бостириб кирган урарт подшоларининг қўшинларидан аҳолини ҳимоя киладиган бошпана бўлиб хизмат қилган бўлиши ҳам жуда мумкин.

Энг қадимги Кавказ қабилаларида металлургия айниқса юксак даражада ривожланган, тавротдаги ривоятлар, антик дунё авторларининг маълумотлари ва айниқса археологик қазишларининг натижалари шуни курсатади. Кавказ тизма тоғининг шимолидаги Кобан райони металлургия ишлаб чиқаришининг муҳим маркази бўлган, бу районда бронзадан ясалган бадиий буюмлар, болталар ва нозик садафлар такилган камар тукаси куплаб топилган. Закавказьедаги Цалкин райони металлургиянинг энг йирик марказы бўлган. Мис, бронза, кумуш, олтиндан ясалган куплина буюмлар шу райондан топилган. Бу барча буюмлар металлургия соҳасида катта ихтисослаш булганини курсатади. Бу даврда металлургияда куйиш, тоблаш ва кавшарлаш маълум бўлган. Заргарлик хунари жуда тараққий қилган. Лойдан ҳар турли идишларни гул солиб ясай билганлар. Ўнгдан матолар тўқиганлар. Баъзи бир катта ва бой гурларга караганда, бу даврда уруғ аристократияси ажралиб чиққанлиги кўринади. Лекин одамлар ҳали уруғчилик тузуми шароитида яшаганлар; уруғчилик тузуми қолдиқлари, Кавказда, айниқса осетинларда ва сванларда жуда узоқ вақт сақланиб келган.

Аракс дарёсининг ҳосилдор водийсида ва ундан жануб томондаги дарёларнинг водийларида эрамиздан аввалги икки минг йиллик урталарида урарт деган халқ ажралиб чиққан. Эрамиздан аввалги XIII асрда, яъни Осурия Урарту қабилалари билан биринчи марта тўқнашган пайтда Иккидарё оралиғининг шимолида жойлашган куллар ва дарбар мамлакатида бир қанча кабилалар иттифоқи яшаган. Ана шундай катта ва кучли қабила иттифокларидан бири диаух қабилалар иттифоқи бўлиб, у жуда катта территорияни — Ван кули шимоли-ғарбида Евфратнинг юкори оқимидаги районни ҳамда ундан Қора денгиз томон кетган шимолий ва шимоли-шаркий районларни ишғол қилган. Осурия подшолари «подшолар» билан кураш олиб боришликларини ўзларининг хамма ёзувларида эслатиб утадилар, аслда булар «подшолар» эмас, балки қабилаларнинг бошлиқлари бўлган бўлса керак. Урарт қабилалари иттифоқи аввал «Уруатри» деб, сунгра «Нари» деган ном билан аталган. Эрамиздан аввалги IX асрга келгандагина, қабилаларнинг бу иттифоқи анча кучли давлатга — Урарту давлатига айланган.

Экономика ва ижтимоий муносабатлар

Энг қадимги замонлардан бери урарту қабилалари ҳайвон урчитиш билан шуғулланган, лекин бу чорвачилик узоқ вақтгача жуда оддий кучманчи (яйлов) чорвачилигидан иборат бўлган. Ёзда чорвани тоғ яйловларига ҳайдаб боккан-лар, қишда эса яна водийларга ва пасттекисликларга ҳайдаб



Жанг аравасида кетаётган урарту аскарлари.

Кармир-Блурдан топилган.

келтирганлар. Уй хайвонларининг асосий турлари сигир, қўй ва чўчқадан иборат бўлган; Севан кўлининг жанубий қирғогида қазиш вақтида топилган хайвон суяклари шуни кўрсатади. Осурлар шу ҳақдаги идеограммаларида бу хайвонларнинг номларини урартларнинг миххатсимон ёзувлари воситаси билан кўрсатадилар. Тарихий манбалар урартларда чорвачиликнинг жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Салманасар III нинг Балават дарвозаларида Урмия кўли ёнидаги Гилзан мамлакатидан чорва молларини хайдаб келтирилаётгани тасвир қилинган. Урарту подшолари ўз ёзувларида ўлжа қилиб олиб кетган жуда кўп чорва молларини санаб кўрсатадилар. Чунончи, Урарту подшоси Сардури II Закавказьега қилган юришидан кейин, у ердан 110 минг бош қорамол ва 200 минг бош майда мол хайдаб кетган. Осурия подшолари Урартудан жуда кўп мол хайдаб олиб кетганлар. Урартларнинг чорвачилик хужалигида йилқичилик катта ўрин тутган. Урартунинг баъзи бир ўлкаларида салт отларнинг алоҳида зотларини махсус урчитганлар. Отларни кў-

пиича жанг араваларига қўшганлар ва, шунингдек, улардан юк ташиш учун ҳам фойдаланганлар. Баъзи бир адгорликларда, жумладан, урартларнинг Кармир-Блур (Ереван ёнида) даги қалъа харобаларидан топилган бронза ўқдонда, шунингдек, Сардури ва Аргишти дубулгаларида суворилар ва жанг араваларининг тасвири сақланиб қолган. Осурия ва Урарту подшоларининг ёзувларида урушда жуда кўп отлар ўлжа олингаплиги тўғрисидаги хабарлар кўп учрайди.

Оғир юкларни ташиш учун отдангина эмас, балки туя ва эшаклардан ҳам фойдаланганлар. Урарту подшоларининг ёзувларида туялар ҳам эслатилиб ўтилади. Сугориш ишларида, жумладан, тўғон қуриш вақтларида туялардан фойдалапганлар. Эрамиздан аввалги VIII асрда туялар бутун мамлакатга маълум бўлса-да, лекин ҳали уларнинг сони оз бўлган.

Қадимги урартлар хўжалигида деҳқончилик катта аҳамиятга эга бўлган. Энг қадим замонлардаёқ қадимги Армения территориясида бугдойнинг турли навларини шу ернинг иқлимига мослаштирилган. Ерни кўш кўшилган оғир плуг билан ҳайдаганлар. Тупроқ-Қалъадан топилган плугнинг темир тишлари мотигага ўхшайди. Темирдан ясалган ўроқлар билан бирга, тиғи тошдан ёки обсидиандан ясалган жуда оддий ёғоч ёки суяк ўроқлар ҳам ишлатилган. Деҳқончилик асбоблари техникаси жуда ҳам содда бўлган. Лекин урартлар мамлакатида деҳқончилик жуда кенг ёйилган. Осур ёзувларида урартларнинг қўрғонларида дон заҳаслари мўл бўлганлиги гапирилади. Кармир-Блур тепалигини қазиш вақтида бу ердан жуда кўп миқдорда бугдой, арпа, тариқ, кунжут ва уп топилган. Бугдой ва ун махсус омборларда катта-катта хумларда сақланган; хумлар ярмигача ерга кўмиб қўйилган. Бундан ташқари, Кармир-Блур харобаларидан катта галлахоналар топилди. Арин-бердадаги қалъа харобаларидан топилган омборлардан бири галлахона хизматини ўтаган бўлса керак. Деҳқончилик хўжалигида узумчилик ва мусаллас солиш катта ўрин тутган. Асосан хўжалик биноларн жойлашган Кармир-Блур қалъасининг шимолий қисмида 1949—1950 йилларлардаги қазиш пайтида мусаллас сақланадигап икки катта омбор топилди, омборлар жуда яхши сақланган эди. Бу омборлардан 152 катта хум топилди, бу хумларда бир вақтлар қарийб 150 минг *л* мусаллас сақланган. Ниҳоят, учинчи омбордан бир мингдан ортиғроқ мусаллас хумлари чикди. Узумчилик анча ривож топган деб ўйлашга ҳамма асослар бор, Кармир-Блур харобаларидан топилган турли хил узум данаклари шундан далолат беради.

Урартлар деҳқончилик хўжалигида ерни сугориб ишлаш усулидан кенг фойдаланганлар. Урарту подшоларининг кўпгина ёзувларида канал иншоотлари қурилиши тасвирланади. Кўпдан-кўп суғориш иншоотлари, каналлар ва сув омборлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Давлатнинг маркази булган Ван кўли районида хусусан кўп каналлар сақланиб колган Бу каналларнинг баъзилари жуда катта харсангтошлар билан мустаҳкамланган. Подшо Менуа курган катта канал айниқса муҳим аҳамиятга эга булган, кейинчалик бу канални Осуриянинг афсонавий хотин подшоси шарафига «Шамирам канали» деб атаганлар. Урартунинг Ван кўли бўйига жойлашган пойтахти Тушпа шаҳри шу каналнинг суви билан таъминланган. Каналлардан ариқлар чиқарилиб якин атрофдаги далалар шу ариқлардан сугорилган. Каналлар бўйида тегирмонлар курилган. Грузиянинг Тбилиси шаҳридаги музейида урартлар давридан қолган тегирмон тоши сақланади. Дон хўжалиги билан бирга, боғдорчилик ва токчилик ҳам юксак даражада тараққий қилган. Токзорлар тоғ ёнбағирларига қилинган супа-супа жойларда булган.

Урарту территориясида соатупроқ, тош, ёғоч ва металл каби хом ашёларнинг мавжудлиги ҳунармандлик ишлаб чиқаришининг анча ривожланишига ёрдам берган. Урартлар тошдан буюмлар ясашда жуда моҳир булганлар. Ҳар хил нав тошларни металл исканалар ёрдами билан йўнганлар. Бир нав тошдан ясалган буюмни турли рашдаги боиқа хил тошлардан кошин териб безаганлар, бу эса бадиий буюмлар ясашда ўзига хос техника усули булган. Бир нав қимматли тошлардан жуда чиройли қилиб қиркилган ва яхшилаб пардозланган мунчоқлар тошдан буюмлар ясаш техникасининг юксак даражада булганини кўрсатади.

Қадимги урартлар моҳир бинокор булганлар. Улар ўз биноларини хом ғиштдан, ёки катта-катта тарашланган харсангтошлардан (мегалитик усулда териб) қурганлар. Қалъаларни айниқса мустаҳкам қилиб қурганлар, қалъа деворларининг тагига катта-катта харсангтош терганлар, бу тошларнинг эни бир метргача етган. Урартларининг Ван кўли бўйидаги Тушпа деган пойтахт шаҳрида катта-катта қалъа иншоотлари булган. Бу ерда ўтказилган қизиш ишлари натижасида кўргон деворларининг айрим жойлари 20 метргача баландликда курилганлиги маълум бўлди. Тупроқ-Қалъадаги ибодатхона пойдевори қазиб очилганда унинг катта-катта оҳак тошлардан курилгани маълум бўлди. Асосий хоналарнинг деворлари кунгирадор нақшлар солиб безатилган мармар тошлар билан қопланган экан; И. А. Орбелининг Тупроқ-Қалъадан топган материаллари шундан далолат беради.

Совет Армениясида ҳам урартлар давридан қолган бир қанча қалъалар топилган. Булар орасида Ереван ёнидаги Кармир-Блур тепалигида қазиб очилган қалъа алоҳида ажралиб туради. Бу қўрғон Урарту давлати чегараларини шимол томондан бўладиган хужумлардан ҳимоя қилган бўлса керак. Арин-берд тепалигидаги қалъа харобаларини қазиш натижасида бу қалъа деворларининг пастки қисми 2—3 метргача тарашланган базальт ва туф плиталардан терилганлиги маълум бўлди.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ривожланишида металлургия катта аҳамиятга эга бўлган. Закавказье Шимолий Месопотамия ва Кичик Осиё билан биргаликда, металлургияси юксак даражада тараққий қилган энг қадимги райондардан биридир, бу ерда хусусан темир ҳаммадан аввал ва жуда кенг расм бўлган. Жумладан, Урарту мамлакатида металлургия жуда юксак даражага етган. Тупроқ-Қалъада ва Кармир-Блурда утказилган қазиш ишлари, урартлар турли қурол ва яроғ-аслаҳа ясаш учун асосан темир ишлатганликларини кўрсатади. Лекин урартлар ихтиерида қалай ва қўргошин ҳам бўлиб, улар бронза эритиб, ундан турли буюмлар ясай билганлар. Масалан, топилган бир тахтанинг бадиий шакллар бериб ишланган оёқлари ва тахтанинг ҳаржой-ҳаржойига ўрнатилган ҳайкалчалар мумдан ишланган махсус қолипларда бронзадан қуйилган экан; бу ўша вақтда урартларда металлургия техникаси юксак даражада тараққий қилганини кўрсатади. Осурия подшоси Саргон урартларнинг Мусасир деган шаҳрини босиб олганида қўлга туширган ўлжалари ичида металлдан ясалган жуда кўп ва ҳар турли буюмларни ҳам уз ёзувида санаб кўрсатади. Зеб-зийнат буюмлари ясаш учун олтин билан кумуш ишлатилган.

Ҳужжатлар етарлича бўлмаганлигидан қадимги урартларнинг хўжалик ҳаёти ва ижтимоий тузуми ҳақида муфассал сузлаб бўлмайди. Аммо, шундай бўлса ҳам, қишлоқ хўжалиги ва турли хунар-касбнинг тараққий қилиши натижасида меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш соҳасида ихтисослашиш пайдо бўлганлиги, ортиқча моллар ишлаб чиқарила бошлаганлиги ва савдо-сотиқнинг энг бурунги формалари майдонга келганлиги шубҳасиздир. Тоглар ичида очилган йўлларнинг баъзи бир қолдиқлари яхши сақланиб қолганлиги урартларда савдо ишлари ривожланганлигини кўрсатади. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, Урартуда ҳам бошқалар меҳнатини эксплуатация қилишнинг асосий формаси ибтидоий қуллдорлик бўлган. Жуда кўп ерлар давлат ҳокимиятига қараган, бу ерларга бевосита подшо хўжайинлик қилган. Урарту ёзувларида айтилишича, подшолар шаҳар ва қалъалар қуришга киришиш билан бирга, шу атрофда катта канал

ва сув омборлари қаздирганлар ва бу билан илгари экилмай бўш қолиб келган ерларни деҳқончилик районларига айлантиргайлар, боғ-роғлар ва узумзорлар бунёдга келтиргаплар. Калъаларда катта-катта галлахоналар қурдирилган ва мусаллас сақланадиган ертўлалар қаздирилган. Кармир-Блурда ўтказилган қазишлар пайтида буларнинг қолдиқлари топилди. Мустаҳкамлаб солинган бу шаҳарларда подшоларнинг катта ер-сувлари бўлган бўлса керак. Баъзи бир районларнинг бевосита подшога «қарашли» бўлганлиги ёзувларда кўрсатилади. Подшоларнинг катта-катта ер-сувлари билан бир қаторда ибодатхоналарга қарашли катта ер-сув ҳам бўлган Мусасир шаҳридаги тангри Халд ибодатхонасида, айниқса катта бойликлар тўпланган. Бу ибодатхонага қарашли ер-сув ва чорва моллари кўп бўлган бўлса керак. Нихоят, Урартуда қулдорлик аристократияси ташкил топган дейиш учун асослар бор; қулдорлик аристократияси составига, Осурия ёзувларида айтилишича, «амалдорлар» «маслаҳатчилар», «областларнинг ҳокимлари» ва «ҳарбий бошлиқлар» кирган. Аҳолининг асосий оммасини жамоа аъзолари бўлган эркин меҳнаткашлар билан қуллар ташкил қилган. Урарт подшоларининг ёзувларида кўп миқдорда асирлар, «болалар ва успиринлар» қўлга туширилиб, қулга айлантирилгани, шунингдек, жуда кўп кишилар, жумладан хотин-қизлар, баъзи бир ҳолларда, Урарту қўшинлари эгаллаган бутун-бутун районларнинг аҳолиси Урартуга ҳайдаб келтирилгани гапирилади. Қўшни мамлакатларни истило қилишда қўлга туширилган асирлар одатда қулга айлантирилган. Ереванга яқин жойдаги Урарту шаҳрида ўтказилган қазишлар шаҳар халқининг ўз хўжалиги бўлмаганлигини ва, афтидан, халқ давлатдан натура тариқасида озиқ-овқат олганлигини кўрсатади. Б. Б. Пиотровский кўрсатганидек, шаҳар халқига амалдорлар, жангчилар ва ҳунармандлар, шунингдек шаҳар атрофидаги давлат ерларини ишлаб берадиган, кўп сонли қуллар кирган дейиш учун ҳамма асослар бор.

Урарту давлатининг кенгайтирилиши

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши натижасида мамлакатнинг ичкарисида ҳам, қўшни мамлакатлар билан ҳам савдо-сотиқ ишлари анча ривожланади. Кавказ, Кичик Осиё, Шимолий Месопотамия ҳамда Шимоли-Ғарбий Эрон ўртасида жойлашган Урарту мамлакати Олд Осиёнинг шимол қисмидаги мамлакатларни бир-бирига боғлаб, савдо ишларида воситачи бўла олар эди. Закавказьеда ва ҳатто Шимолий Кавказда ўтказилган қазиш ишлари натижасида Олд Осиёга мансуб бир қанча буюмлар топилди. Бу буюмларни бу ерга Урарту савдогарлари, колонистлар ёки аскарлар олиб келган

бўлсалар керак. Закавказьедаги гўристонлар қазилганда у ердан бронзадан ясалган билагузуклар чиқди, бу билагузукларнинг оғирлиги Олд Осиёдаги оғирлик улчовига (минага) баравар келади. Тоғли Қорабоғ ўлкасидаги гўрлардан Олд Осиёга мансуб олтин буюмлар топилди. Хужайлидаги бир кабрдан миххатсимон ёзув битилган акикдан қилинган мунчоқ топилди, бу мунчоққа Осурия подшоси Адад-Нирарининг номи ёзилган экан. Ниҳоят, Миср ёзувларида айтилишича, жанг араваси учун керакли ёғоч Нахаринадан келтирилар экан, шу билан бирга, мисрликларда сақланган бир жанг аравасининг ёғочи Урартудан келтирилган экан. Кармир-Блурда утказилган қазиш вақтида бошқа чет мамлакатлардан келтирилган жуда кўп ҳар хил буюмлар топилган. Ереван яқинидаги жойдан харобалари топилган Тейшебаини шаҳри бир қанча қўшни мамлакатлар билан, баъзан эса, узоқроқ мамлакатлар билан савдо алоқалари қилган бўлса керак. Масалан, бу ердан Осуриянинг цилиндрик муҳрлари, металл буюмлари ва тош мунчоқлари, Миср туморлари ва арслон бошли хотиннинг чиннидан қилинган ҳайкалчаси (бу ҳайкалча ҳам тумор тариқасида тақиб юрилган), ниҳоят, ҳатто Кичик Осиё ва Ўрта денгиз бўйларидаги халқларнинг тош муҳрлари ҳамда тилла зираклари ҳам топилди. Кавказнинг турли районларидан Мисрнинг ҳар хил буюмлари топилди. Масалан, Армения, Грузия территориясидан ва ҳатто Шимолий Кавказдан Миср муқаддас қунғизлари ҳайкалчаси, худоларнинг кичик-кичик ҳайкаллари, ётган арслон ҳайкалчалари, туморлар, чиннидан ёки шишасимон ёгдан ясалган маржонлар топилди. Бу топилган буюмлардан баъзилари, гарчи Урарту давридан бирмунча кейинги замонга доир бўлса ҳам, лекин бу буюмлар олиб келинган савдо йўллари эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ маълум эди. Айниқса яқин савдо алоқалари Урарту мамлакатини Закавказьенинг энг шимолий районлари билан бирлаштирган. Арарат тоғларидан тортиб Шимолий Кавказ областларигача чўзилиб кетган территориядан Урартунинг ўзида ишланган турли буюмлар топилди. Арарат тоғининг жанубий этакларидан эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг охирига оид эски гўристон, шу билан бирга, Урартунинг ўзида ишланган бир қанча буюмлар (жумладан урартларнинг ўзларига хос муҳрлар) топилди. Анча олис районлардан, масалан, Эрон территориясида бу ерга ақиқ мунчоқлар келтирилган. Ниҳоят, ҳатто Кубандан ҳам олтиндан ясалган ва хайвонларнинг расмлари билан безатилган бир идиш топилди; бу идиш эрамиздан аввалги VII асрда Урарту услубида ишланган эди. Буларнинг ҳаммаси Закавказьенинг ва



Осурияликлар асирларни ҳайдаб кетмоқда.
Салманасар III даврига оид Балават дарвозасидаги бронза қоплама. Британия музейи

ҳаттоки бутун Кавказининг турли халқлари ва мамлакатлари билан урартлар иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлиб келганлигини кўрсатади.

Хўжалик тараққиёти доимо янгидан-янги қуллар келтиришни талаб қилган. Урарту подшолари ўлжа ва қуллар қўлга тушириш мақсадида қўшни мамлакатлар билан қаттиқ урушлар олиб борганлар. Бу урушлар Урарту билан Осурия ўртасида ҳам муқаррар тўқнашишга олиб келган; бу вақт Осурия Олд Осиёнинг шимолий қисмида хукмронлик қилган ва бу тоғли мамлакатлардаги ҳамма савдо ишлари ва барча бойликларни босиб олишга уринган. Эрамиздан аввалги XIII асрда Осурия подшоси Салманасар I «Уруатри мамлакати»га қарши дастлабки машҳур юришларини бошлайди. Шу пайтдан бошлаб Осурия подшолари Урартуга қарши тез-тез юришлар қилиб турадиган бўлганлар. Улар бой ўлжа олиш, чорва ва асирлар ҳайдаб кетиш, мамлакатни хонавайрон қилиш билангина чекланмаганлар. Улар енгилган мамлакатларга хирож солганлар, уларни «инъомлар» олиб келиб туришга мажбур этганлар. Осурия подшолари истило қилинган мамлакатларни ўз зафарномаларида санаб кўрсатиб, гоҳо ўзларини «Шубари мамлакатининг подшоси»гина эмас, балки «Нairидаги барча мамлакатлар подшоси» деб ҳам юритганлар.

Эрамиздан аввалги IX асрда анча кучли Урарту давлати ташкил топади. бу давлат Осурия савдосига ва Осурия давлатининг шимолий чегараларига тўғридан-тўғри хавф тўғдиради. Салманасар III (эрамиздан аввалги 859—825 йиллар) урартлар билан узоқ вақт давомида ла қаттиқ кураш олиб

боришга мажбур бўлади. Осурия қўшинлари бир неча марта Урарту мамлакатига бостириб кирадилар. Салманасар III урартлар устидан қозонган галабасини ўз йилномасида тасвирлайди. Урарту қалъаларини штурм қилиш, жуда кўп асирлар олиб кетиш ва қўлга туширилган чорвани ҳайдаттириб кетиш тасвирланган бу юришларнинг ёрқин манзаралари ўша даврга мансуб Балават дарвозаларидаги бронза қопламаларда ва кора обелискларда сақланган. Бу юришлар натижасида Осурия қўшинлари Урарту мамлакатининг шимолий кисмига, Евфрат ва Аракс дарёлари бошланадиган ерларга, Ван ва Урмия кулларигача етиб бориб, катта-катта ўлкаларни хонавайрон қиладилар. Бирок, осурлар Урарту мамлакатини батамом тор-мор кила олмайдилар. Урарту давлати осурлар билан олиб борган тухтовсиз курашларда мустаҳкамланиб, Урарту атрофига бир қанча қабилалар бирлашади. Урарту подшоси Сардури I Осурия қўшинларига зарба беришга муваффақ бўлади. Сардури I даврида Ван кўли ёпидаги қоя устига ўтиб бўлмайдиган ғоят мустаҳкам қалъа курилади. Урарту давлатига бошчилик қилган Сардури I ўзини «улуг подшо, қудратли подшо, жахон подшоси, Наири мамлакатининг подшоси, шаханшоҳ» деб ғурурланиб гапиради. IX асрнинг охири ва VIII асрнинг бошида Урарту мамлакатини идора қилган Ишпуини ва Менуа деган подшолар бўлажак қудратли Урарту подшолигига асос соладилар.

Подшо Ишпуини билан Менуа қўшни қабилалар билан муваффақиятли урушлар олиб бориб, давлат чегараларини кенгайтирадилар. Улар Ван билан Урмия кўллари ўртасидаги территорияни ўз қўлларида мустаҳкамлаб, Урмия кўлининг жанубий қирғогига туташган ўлкаларни истило қиладилар ва шимолда Аракс дарёси текислигига истилочилик мақсади билан бир неча марта қўшин тортиб борадилар. Менуа (эрамиздан аввалги 810—781 йиллар) ўз ёзувларида Урмия мамлакатини бўйсундирганини ва Евфрат дарёсининг шарқида жойлашган Шашилуни шахрини босиб олганини баён этади. Урарту подшолари шаҳарлар, қалъалар, ибодатхоналар қурадилар ва каналлар қаздирадилар. Курилиш ишларининг бу қадар кенгайиши Урарту мамлакатининг гуллай бошлаганини кўрсатади. Грузия музейида сақланаётган колонналар таг қисмига битилган ёзувларда Ишпуинанинг Ван кўлидан 7 километр нарида ибодатхона қурдиргани айтилади. Минуа давлатнинг пойтахти Тушпа бўсағаларида бир қанча истеҳкомлар қурдиради, Ван қалъасининг деворларини қурдириб тамомлайди, мамлакатнинг шимолий қисмида катта-катта истеҳкомлар бино қилдиради ва пойтахтни сув билан таъминлаб турган машҳур канални кавлаттиради. Ван кўлидан

10 километр нарида бир ёзув топилган (бу ёзув Грузия музейида сақланади), бу ёзувда Ишпуина ўғли подшо Минуанинг сарой курдирганлиги айтилади.

Эрамиздан аввалги VIII асрнинг биринчи ярмида Аргишти билан Сардури II подшолик қилган даврларда Урарту давлати тараққиётининг энг юксак чўққисига чиқади. Урарту подшолари бир қанча урушларда ғалаба қилиб, Закавказьенинг анчагина ўлкаларини ўзларига бўйсундирадилар. Евфрат дарёсининг ўрта қисмидаги территорияларни босиб оладилар ва ҳатто Сурия ўлкаларига кириб борадилар. Урарту подшолари Урмия кўли районидаги Ман помли қабилалар иттифоки билан айниқса қаттиқ кураш олиб борганлар. Урарту подшолари узоқ давом этган урушлардан кейин Урмия кўлининг шимолига силжишга, Ман мамлакатининг бир қисмини босиб олишга ва ҳатто ўз гарнизонларини жойлаштириш учун бу ерда қалъалар қуришга муваффақ бўлганлар. Менуа ўз ёзувида Ман мамлакатининг бўйсундирилгани ва босиб олинган бу мамлакатда қалъалар қурилгани ҳақида гапиради. Аргишти I ва Сардури II нинг йилномаларида Ман мамлакатига тез-тез юришлар қилингани, у ерда кўп сонли асирлар қўлга киритилгани ва чорва моллари ҳайдаб кетилгани тўғрисида гапирилади. Шундай қилиб, Урарту Олд Осиёнинг шимолий қисмида фақат Осуриянинг рақиби бўлибгина қолмай, балки шу билан бирга, Осурияни иккинчи ўринга суриб чиқариб, ҳатто Олд Осиёда бирмунча вақт асосий кучга айланади. Урарту подшоси Аргишти (эрамиздан аввалги 781—760 йиллар) Осурия билан курашда голиб чиқиб, осур подшоси Ашшурданни тор-мор келтиради. Аргишти Урарту подшолигининг шимолий чегараларини кенгайтиради, Закавказьедаги Этиуни мамлакатини истило қилади ва давлатининг марказини Аракс дарёсидан ўтиб, Закавказьенинг шимолидаги Аргиштихинили шаҳрига кўчиради. Бу шаҳар ҳозирги Армавир қишлоғига яқин жойда бўлган. Урартларнинг шу даврга оид ёзувлари Армавир районидан ҳам, Арманистон ССР территориясидан ҳам топилган.

Ереван ёнидаги Арин-берд тепалигидан топилган ёзувда айтилишича, Аргишти I бу ерда «мустаҳкам қалъа» қурдириб, уни «Ирпуни шаҳри» деб атаган. Археологик текширишлардан маълум бўлишича, қалъа қарийб 6 гектар территорияни ишгол қилган. Бу қалъа фақат ҳарбий аҳамиятгагина эмас, балки маъмурий аҳамиятга ҳам эга бўлган бўлса керак. Қалъанинг харобасини қазилганда туфдан ясалган катта-катта водопровод қувирлари, бир бино харобасида деворга солинган жуда гўзал расм топилди; бу ҳар хил бўёқлардан ранг-баранг манзараларни тасвирлаб ишланган расм эди.




Ван кули ёнидаги қоя устига қурилган Урарту қалъаси.

Қалъа теварагида шаҳар деворлари бўлган деб айтиш учун баъзи бир асослар бор.

Сардури II (эрамиздан аввалги 760—730 йиллар) отаси Аргиштининг ғалабали юришларини давом эттиради. Сардури саккиз йил давом қилган юришлари тўғрисида ўз йилномасида жуда батафсил гапиради. Бу йилноманинг тексти Ван кўли яқинидан топилган ва 1922 йилда эълон қилинган эди. Бу жуда ажойиб йилномада айтилишича, Сардури II Урмия кўли бўйида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олиб, Севан кўлининг шимоли-гарбидаги Эрах мамлакатига қўшин тортиб борган, Закавказьега ва ҳатто Шимолий Сурияга уруш қилиб борган ва, шундай қилиб, Урарту подшолигининг чегараларини анча кенгайтирган. Бу давр Урарту мамлакатининг сиёсий жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам гуллаган давридир. Сардури II ўз ёзувларидан бирида деҳқончилик қилинадиган ва ерлари жуда яхшилаб ҳайдалган бой ўлкаларни истило қилганлиги тўғрисида, жуда кўп чорва моллари-ни қўлга туширганлиги, қимматли металлар, чупончи, олтин, кумуш, қўрғошин ва бронза олиб келганлиги ва, ниҳоят, кўп асирлар олиб, уларни қулларга айлантирганлиги тўғрисида гапиради. Сардурининг бошқа ёзувларида унинг бинокорлик фаолияти, чунончи: Армавир ёнидаги ибодатхонани тиклаганлиги, худди ўша районда водопровод ўтказилганлиги ва саройни тиклаганлиги тўғрисида баён қилинади. Буларнинг ҳаммаси бу даврда Урарту подшолари истило қилган Аракс водийсига урарт маданияти кириб бора бошлаганини равшан кўрсатиб туради.

Бироқ кучайиб олган Урарту давлати ҳатто қудратли Осурия учун ҳам катта хавф туғдирар эди. Урарту подшолари катта иттифоқлар тузганлар, бу иттифоқлар составига Закавказье, Шимолий Сурия ва Кичик Осиёнинг шарқий қисмидаги давлатлар ва қабила иттифоқлари кирган. Урартлар ва бошқа шимолий халқлар осурияликларнинг хавфли рақиблари бўлиб чиққан, бу рақиблар Осурия давлатининг савдо йўллари ва чегараларига хавф сола бошлаган. Шу сабабли эрамиздан аввалги VIII аср ўрталарида Осурия бутун кучини Урарту подшолигига ва унинг иттифоқчиларига қарши қаратади. Тиглатпаласар II Урартуга икки марта юриш қилиб, урарт қўшинларига жиддий зарбалар беради.

Урартунинг бундан кейинги подшоси Руса I га (эрамиздан ав. 730—714 йиллар) Урарту подшолигининг қадимги шон-шавкатини тиклаш ва Закавказьедаги областларни батамом бўйсундириш учун қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келган. Шу сабабли Руса I Нор-Боязед районида бир қанча қалъалар қурдиради. Шу билан бирга, Руса мамлакат ичкари-



Осуриялликларнинг эрамиздан аввалги 714 йилда Мусасирдаги ибодатхонани шитурм қилиши.

Саргон II саройидаги бўртма расм.

сида чегара областларнинг ҳокимлари кўтарган исённи бостиради. Бу ҳокимлар Урарту давлатининг кучсизланиб қолганлигидан фойдаланиб, мустақил князликлар тузмоқчи бўлганлар. Шу муносабат билан Закавказьедаги эски маъмурий марказлар, масалан, Аргиштихинили янги марказлар билан алмаштирилган бўлса керак. Бир оз кейинроқ, эрамиздан аввалги VII асрда, Закавказьеда Тейшебаини шаҳри урартларнинг йирик маъмурий марказига айланади. Ереван яқинидаги Кармир-Блур қазилган пайтда бу шаҳарнинг харобалари топилди.

Эрамиздан аввалги VIII аср охирида Осурия яна кучайиб кетади. Эрамиздан аввалги 714 йилда Саргон II Урартуга қарши муваффақиятли юриш қилиб, Руса қўшинларини тор-мор келтиради. Бироқ, осурлар Урарту подшолигини узил-кесил бостира олмайдилар. Урарту халқи Осурия истилочиларига қарши баҳодирларча кураш олиб боради. Саргон II Урарту қўшинларини янчиб, бутун мамлакатни харов қилган, Урартунинг бой шаҳри Мусасирни босиб олган ва талаган бўлса ҳам, Урарту давлати ҳар ҳолда ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Бугина эмас, урартларнинг қаршилиги Осурияниинг заифлашиш сабабларидан бири бўлган бўлса керак, чунки Осурия подшолиги унга карши бирлашган душманлар томонидан берилган зарбалар остида 605 йилда қулайди. Осурия қулаганидан кейин ҳам Урарту ўз мустақиллигини сақ-

лаб қолади. Урарту эрамиздан аввалги VI асрдагина мидяилар билан кучманчи скифларнинг зарбалари натижасида ўз мустакиллигини йўқотиб, ҳалок бўлади.

Урарту маданияти

Урарту маданияти ҳали кам ўрганилган. Лекин урартлар Олд Осиёдаги бошқа халқларнинг маданий ижоди билан жуда яқиндан боғланган юксак маданият яратганликлари ва шу билан жаҳон маданияти хазинасига қимматли ҳисса қўшганликлари ҳозир жуда равшандир. Урарту маданиятининг ўзига хос кўпгина хусусиятлари бўлган. Урартларнинг қадимги ўз иероглиф ёзуви бўлиб, бу ёзувнинг баъзи бир сурат-белгилари айрим буюмлардан ва бир сопол лавҳадан топилган. Урартларда архитектура ва металлургия юксак даражада тараққий қилган. Мусасир ибодатхонасининг Саргон саройи деворларида сақланиб қолган тасвири бадиий нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга. Бу ибодатхона эрамиздан аввалги VIII—IX асрларда тепалик устига солинган. Бу ибодатхона, томининг нишоби икки томонга қарата олинганлиги, пештоқли қилиб ва олд томонини безаш мақсадида олтита колонна қўйиб қурилганлиги учун, қадимги грек биноларига жуда ўхшаб кетади, эҳтимол, бу ибодатхона шундай грек биноларининг Олд Осиёдаги тимсоли бўлган бўлиши ҳам мумкин. Колонналар таг қисмининг сақланиб қолганлиги архитектурада колонналар ишлатилганлигини кўрсатади. Бундай колонналар таг қисмининг баъзи бирлари Грузиядаги музейда сақланмоқда. Металлургиянинг юксак даражада тараққий қилганлиги бронзадан ишланган бир қанча бадиий буюмларда акс этган. Булар орасида ҳашаматли тахтларга ўрнатилган ҳайкалчалар, яъни боши одам бошига ўхшаш қанотли ҳўкиз ҳайкалчалари алоҳида ўрин тутади. Нафис қилиб ясалган бу буюмлар мум қолипларда бронзадан қуйилган, сўнгра унга нақшлар ўйилиб, усти жуда ҳам юпқа қилиб ишланган гахтатахта олтин билан қоплаиган, бу эса бронзадан ясалган ҳайкалчанинг тузилишига жуда мос келган; унинг ҳамма нақшлари аниқ ва рангба-ранг бўлиб товланиб турган. Бу ҳайкалчанинг оқ тошдан ишланган юза қисми ва қуйма қош-кўзи ҳамда қанотларнинг қизил бўёқ юритилган ботиқ ерлари кишида жуда равшан таассурот қолдирган. Металлдан буюмлар ясаш пластикасида Урарту яратган бундай ажойиб ва ифодали асарлар қадимги Шарқ халқлари санъатида алоҳида муҳим ўринни эгаллайди.

Эрамиздан аввалги VIII асрда Арин-берд тепалигида қурилган қалъа харобаларидан деворларга солинган расмларнинг қолдиқлари топилди, бу расмлар Урарту тасвирий санъати тўғрисида бир қадар тушунча беради. Бу қолдиқлар-




Урарту подшоси Русанинг бронзадан ясалган қалқони. Тупроқ-Қалъадаги ибодатхонадан топилган.

Реконструкция

га қараганда, эни 1 метргача бўлган оригинал ва ҳар хил раиглар бериб ишланган фриз қадимги зал деворларини безатган. Бу фризда чониб кетаётган эчкилар, муқаддас ҳаёт дарахти (бу муқаддас ҳаёт дарахти олдида туриб одамлар ибодат қилмоқдалар), ҳўкизлар, қанотли гардишлар, ниҳоят, ўсимликлар тасвирланган ва геометрик нақш солинган эди. Бу бадиий сюжетлар қадимги шарқ санъати учун типик бўлса ҳам, лекин, шу билан бирга, улар бутун Урарту маданияти учун характерли бўлгаи алоҳида хусусиятга ҳам эга эди.

Урартлар Осурия-Бобил маданиятининг юксак ютуқларидан ҳам фойдалана билганлар. Урартлар осурияликлардан



ҚАДИМ ЗАМОНДАГИ ОЛД ОСИЁНИНГ ШИМОЛИЙ ҚИСМИ

(ХЕТТ ШОҲЛИКЛАРИДАН ВА УРАРТУ)

Ашшур — Аҳёли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари

Мисрлик — Аҳёли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари

0 500 1000 1500 км


40
44
Г и з
Урарту
Алзи
Нухашша
Осурия
40
44



Урарту қанотли сфинксининг бронзадан ясалган ҳайкалчаси.

Ленинград. Давлат Эрмитажи.

миххатни олиб, унн соддалаштирганлар ва бирмунча мукаммаллаштирганлар. Урартларда металлургия ва тасвирий санъат, осурлар билан хеттларнинг металл буюмлар ишлаш техникаси ва бадиий ижоди билан жуда яқин боғлиқ ҳолда ривожлаиган Қанотли ҳукизларнинг бадиий образлари Олд Осиёдаги бир қанча халқларнинг: осурлар, хеттлар ва металлнийларнинг санъатида сақланиб қолган.

Урарту дини қадимги фетишизмдан ва табиатга топинишдан тортиб то худоларга, яъни подшо ва давлат ҳомийларига топинишгача бўлган хамма тараққиёт йўлини босиб утган. Урартлар дарахтларни ва хусусан тогларни илоҳийлаштирганлар. Халд номли худонинг эпитетларидан бири «Халд тоғи» бўлган. Урарту худоларининг руйхатида (Мхер Капуси) Халд дарвозаси ва Халд дарвозасининг худолари санаб курсатилади. Бунда қояларга уйилган тешиклар кўзда тутилган бўлса керак, урартларнинг диний эътиқодларига кура, тоғ ичидаги худо шу муқаддас қоялардаги тешиклардан чиқиб келар экан. Урарту мамлакатида муқаддас дарахтга топиниш ҳам жуда кенг таркалган. Турли буюмларда, жумладан, муҳрлардан

олинган нусхаларда муқаддас дарахтга топиниш манзаралари сақланган. баъзан эса бу расм-одатни подшонинг ўзи бажарган Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, муқаддас дарахт сурати ёнида муқаддас тош устунлар ва, шунингдек, грифон (қанотли шер) тасвири ҳам сақланиб қолган. Тог худоси Халдга сиғиниш билан бирга. Урартуда табиат ва ҳосилдорлик маъбудасига ҳам эътиқод қилганлар,



Худо Тейшебанинг бронзадан ясалган ҳайкалчаси.



Ҳосилдорлик маъбудасининг ҳайкали олдида топинаётган Урарту маликасини тасвирловчи олтин медальон.

Тупроқ-Қалъадан топилган. Эрамиздан аввалги VII аср


бу маъбуда йиртқич ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳомийси ҳам ҳисобланган. Урартлар пантеонида момақалдироқ ва бўрон худоси Тейшеба ва қўёш худоси Ард катта ўрин тутган. Учта асосий худо — Халд, Тейшеба ва Ард номлари урартлар ёзувларида хусусан кўп учрайди. Лекин булар орасида урартларнинг олий худоси ҳисобланган худо Халд биринчи ўринда турган, замонлар ўтиши билан худо Халд уруш худосига ва подшо ҳамда Урарту давлатининг ҳомийсига айлантирилади. Найза

билан қалқон жанговар худонинг ва унинг ердаги ноибининг илоҳий ҳокимият символлари ҳисобланган. Урартлар подшоси баъзан олий коҳин сифатида тасвирланган.

Урартлар қўшни халқларнинг, жумладан, осурларнинг маданий тараққиётига таъсир кўрсатганлар. Урартлар маданияти Осурия металлургияси ва санъатининг тараққиётига таъсир кўрсатганлиги шак-шубҳасиздир. Урартлар Закавказьедаги қўшни халқларнинг тараққиётига айниқса кучли таъсир кўрсатганлар. Армения территориясида Урартлар архитектурасининг таъсири остида қурилган калъаларнинг харобалари сақланиб қолган. Осур-Бобил маданиятининг кўпгина хусусиятларини ўзида сақлаган урарт тили, дини ва мифологияси қадимги арман халқлари маданиятининг ривожланишига жуда катта таъсир қилган. Армениянинг VIII асрдаги тарихчиси Моисей Хоренский қадимги замон қаҳрамони Хайкнинг ярим худолар-ярим девлар йўлбошчиси Бэл билан қилган кураши ҳақидаги афсонага ва малика Шамирам тўғрисидаги яна ўша қадимги замон афсонасига доир хотираларни сақлаган; кейинчалик эса, узоқ пақтларгача малика Шамирамни катта Ван каналини қурдирган одам деб ҳисоблаганлар. Шундай қилиб, урартлар қадимги Шарқ маданиятининг кўпгина элементларини кейин пайдо бўлган халқларга, жумладан, қадимги арманларга ва Закавказьедаги бошқа халқларга ўтказганлар



Бронзадан ясалган чўкмор
Суматрадан топилган.



Арслоннинг буртма тасвири.

Бобилда «Маъбуда Иштар дарвозаси»даги сирлаб ишланган кошинлар.

XVI БОБ

ЯНГИ БОБИЛ ПОДШОЛИГИ

Бобил касситлар истилосидан кейин заифлашиб қолган бўлса ҳам, ҳар ҳолда Месопотамиянинг энг муҳим иқтисодий маркази сифатидаги аҳамиятини йўқотмаган эди. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирларида Месопотамиянинг жанубий қисмида халдейларга маисуб семит қабиласи пайдо булган, бу қабила жанубий Бобилияни истило қилиб, Денгизбўйи мамлакати давлатини тузган. Денгизбўйи мамлакатининг подшолари Эламнинг ёрдамига таяниб, Осурияга қарши қаттиқ кураш олиб борганлар ва қадимги Бобилнинг ўтмишдаги қудратини яна тикламоқчи булганлар. Осурия подшоларининг Бобилга қарши ҳамда Денгизбўйи мамлакатининг халдеялик подшоларига қарши тухтовсиз ва жуда қаттиқ кураш олиб боришга мажбур булганлиги Бобилнинг бутун шу давр ичида бой ва кучли савдо мамлакати сифатида ўзининг бурунги аҳамиятини сақлаб тургаплигини ҳамда иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун қаттиқ кураш олиб борганлигини кўрсатади. Бобил Ашшурбанипал (эрамиздан аввалги 626 йил) вафотидан кейин Осуриянинг кучсизланиб қолганидан фойдаланиб, Осурия ҳукмронлигидан озод бўлган ва ҳатто Мидия билан иттифоқ булиб, Осурияга жуда қақшатқич зарба ҳам берган. Халд уруғидан бўлган ва Бобилга юборилган Осурия лашкарбошиси Набопаласар (эрамиздан аввалги 626—604 йиллар) бобилликлар томонига ўтиб, ўзини Бобил подшоси деб эълон қилган ва Бобил подшоларининг янги династиясига асос солган. Бобил қоҳинларига, Бобил-

нинг савдо ва қулдорлик аристократиясига ҳамда Мидия подшоси Киаксар билан тузилган ҳарбий иттифоққа таянган Набопаласар Осурияга жуда қаттиқ зарба берган. Қудратли осур подшолариининг ҳашаматли ва обод пойтахти Ниневия 612 йилда батамом хароб қилинган. Осурия подшолигининг харобазорлари устида янги Бобил-Халдия давлати вужудга келган.

Экономика ва ижтимоий тузум

Бобил илгариги даврдагидек, кўпроқ қишлоқ хўжалиги мамлакати бўлган, катта-катта дарёлар, ўтлоқлар ва дарё водийларига келиб туташган кенг далалар халқнинг чорвачилик ишларини кенг кўламда ривожлантиришга имкон берган. Мулкий жиҳатдан кескин суратда табақаланиш, қулдорлик хўжалигининг ривожланиши ва ўсиши кўпгина чорва молларининг айрим бойлар қўлида тўпланишига сабаб бўлган. Чорвадор бойлар ўз молларини одатда ижарага берганлар. Сақланиб қолган ҳужжатлар ижара ҳақининг одатда натура билан тўланганлигини кўрсатади.

Суғориб экишга асосланган деҳқончилик мамлакатнинг хўжалик ҳаётида шу қадар катта роль ўйнаганки, қонун чиқарувчи қонунга махсус моддалар киритиб, бу билан ерининг яхшилаб ишланишини ҳамда суғориш тармоқларини тўла тартибда сақлаш учун ер эгаларининг ҳамма зарур чораларни кўришини таъминлашга ҳаракат қилган. Масалан, ўша замондан сақланиб қолган қонун парчаларида айтилишича, дангаса ижарачининг ўз даласини ёмон ишлаши орқасида ёки ўз тўғонига дуруст қарамайдиган деҳқоннинг айби билан қўшни даладаги экинни сув босиб кетса, айбдорлар сув босган ердаги зарарни қоплаш учун шу ердан унадиган ўртача ҳосил канча бўлса, шунча тўлашлари лозим бўлган. Мамлакат қишлоқ хўжалигини қулдор бойлар назорат қилиб турган. Катта-катта ерларгина эмас, балки шу ерлардаги каналлар ҳам ўша қулдор бойларга караган. Энг йирик ер эгалари ўз ҳисобларига каналлардан ариқлар чиқариб, бу ариқлардан фойдаланадиган шу атрофдаги деҳқонлардан махсус ҳақ ундириб олганлар. Замон ўтиши билан ерга эмас, балки сувга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқи ҳам тобора кўпроқ мустаҳкамланиб борган. Бу эса мулкий табақаланишнинг авж олишига, катта-катта бойликларнинг бир гуруҳ бойлар қўлида тўпланишига, майда мулкчилар билан жамоа аъзоларининг хонавайрон бўлишига ва уларнинг аста-секин ижарачиларга, қарздор қуллар ва қулларга айланишига йўл очган.

Осурия агдарилгандан кейин қадимги Бобилнинг ўтмишдаги шуҳрати тикланган. Бобил подшолиги ва Бобил савдо-

сининг янги, аммо бу сафар охирги гуллаш даври бошлангап. Мулкий жиҳатдан табақаланиш жуда авж олиши муносабати билан ҳужалик ҳаёт шароити ҳам аввалгига қараганда анча мураккаблашган. Савдо-сотиқ жамиятнинг ич-ичига сингиб, кепг тармоқ отган ва унинг тури жуда кўпайган. Галла, чорва,



Янги Бобил подшосининг расми солинган чегара тоши (қудурру).

Эрамиздан аввалги 714 йил.

ювг, қишлоқ хўжалигининг турли маҳсулотлари, хом ашё ва ҳунармандчилик маҳсулотларигина эмас, балки шу билан бирга, ҳар турли кўчмас мол-мулклар, ер, бог-рог, иморат ҳамда кўпинча қуллар ҳам олиб сотиладиган бўлган. Савдо битимлари шу қадар кўпайганки, бунинг учун махсус ҳужжатлар

тузишга эҳтиёж туғилган ва бу ҳужжатларда нима сотилиши, сотиш-олиш шартлари ҳамда олувчи ҳам сотувчининг мажбуриятлари ёзилган. Уша замондаги қонунлар олди сотдига алоқадор ҳар қандай битимнинг, айниқса кўчмас мулкларни сотишга тааллуқли битимларининг ёзма ҳужжатлари бўлишини талаб этган. Катта-катта савдо ишларига бошчилик қилган катта бойлар ва савдогарлар бундай битимларни энди ўзлари тузмасдан, балки кўпинча гумаштлар (ишончли кишилар) ёллай бошлаганлар ва алоҳида ишонч қоғозлари бериб, ушалар орқали иш кўрганлар.



Навуходоносор I замонидаги чегара тоши (кудурру).

Қуллдорлар манфаатини, шунингдек қул сотиб олувчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида қонунда қуллар сотиб олиш ва сотишнинг алоҳида формалари белгиланган. Агар чўри сотган одам чўрини сотиб олган одамдан қайтиб олиб кетса, у ҳолда «чўри сотган одам шу чўрини сотиб олган одамга ҳужжатда курсатилган пулни (батамом) қайтариши шарт» бўлган. Агар чўри бола кўрган бўлса, у ҳолда чўрини сотиб олган одам шу чўрини сотган одамга ҳар бир бола учун кумуш билан ½ шекель тўлаши шарт бўлган.

Савдонинг ривожланиши катта-катта бойликларнинг бир гуруҳ одамлар қулида тўпланишига ёрдам берган ва натижада савдо муассасалари ташкил топган. Бобилда «Эгиба ўғлонлари»нинг ва Ниппурда «Мурашу ўғлонлари»нинг савдо муассасалари ташкил топган, бу муассасалар савдо оборотларининг каттагина қисмини ўз қўлларига олиб, мамлакатнинг хўжалик ҳаётига зўр таъсир курсатиш имкониятига эга бўлганлар. «Мурашу ўғлонлари»нинг бир ҳужжатида айтилишича, улар ўзларига қарашли мол-мулкларни тақсим қилганлар ва бу мол-мулк 12 мин, 13 ҳовли, 3 бинокорлик участкаси ва 96 қуллдан иборат бўлган. Мол-мулкнинг бир қисми бутун оиланинг хусусий мулки бўлиб, тақсимланмаган. Халдеядаги бир қанча катта савдо муассасалари қулида ҳам юқоридагидан кам бўлмаган катта-катта бойликлар тўпланган. Ниппурдаги «Мурашу савдо

муассасаси»нинг ишларига оид архивдан топилган ҳужжатлар бу катта муассасанинг савдо-сотиқ ишлари соҳасидаги фаолияти ҳақида бир қадар маълумотлар беради: «Мурашу ўғлонлари» савдо операциялари билан бирга, бой форсларга қарашли катта-катта мулкларда хўжалик ишларини ҳам олиб борганлар. Ҳужжатларда Ниппур атрофидаги ерларнинг ишлангаплиги айтилади, мева боглари ва далалар учун уруглик тайёрлангаилиги ва уларда қандай ўсимликлар бўлганлиги гапирилади ва яна шу ҳужжатларда каналлар қазилганлиги ва сув чиқариб ерларнинг суғорилганлиги, шунингдек солиқлар тўланганлиги айтилади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, бир одамнинг жуда бойиб, кўпчилик омманинг гоят қашшоқланиб кетиши, каттакатта хўжалик ва савдо муассасаларининг ташкил қилиниши, савдонинг жуда авж олиб кетиши, қимматбаҳо металлар (асосан кумуш) нинг кўпайиб кетиши мамлакатда кумуш баҳосининг тушишига ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошишига сабаб бўлган. Энг кичик оғирлик ва пул ўлчовлари (шеъум, $46^3/_4$ *мг* — $^1/_{180}$ шекелга баравар келадиган «ғалла») ўша замондаги расмий ҳужжатларда курсатилмайдиган бўлган, ҳисоб-китоб пайтида эса ёлгиз шекелнинг бўлагигина қўлланиладигаи бўлгаи.

Бобил қадимги шарқ дунёсининг энг катта савдо марказига айланиб, бу ерга узоқ-узоқ мамлакатлардаи савдогарлар келиб тўпланадиган бўлган. Бобил бозорларидаги турли-туман одамлар орасида халдеяликларни ҳам, осурларни ҳам, арамейлар, форслар, мисрликлар ва яҳудийларни ҳам учратиш мумкин бўлган. Осурия даврида арамейлар тили жуда кенг ёйилган тил бўлиб, замонлар ўтиши билан бу тил тобора кўпроқ қўлланиладиган бўлган.

Мамлакат экономикасининг ривожланиши ижтимоий тузумни ҳам ўзгартирган. Уй қулчилигининг эски формалари аста-секин бита борган. Қизни худди мол сотгандек маълум ҳақ бараварига эрга бериш одати йўқолган. Аксинча, энди ота қизини эрга берганда унга сеп (пудунну) қўшиб берадигаи бўлган. Бу одат турмушга шу кадар сингиб кетганки, бу ишга ҳатто қонун ҳам аралашган, қонунга мувофиқ, агар ота ўз мол-мулкининг бир кисмидан маҳрум бўлиб қолгундай бўлса, сеп миқдорини камайтиришга ҳақли бўлган, аммо куёв сеннинг камайишини баҳона қилиб, киз билаи бўладиган никоҳдан бош торта олмагаи.

Бой қулдорлар ва ер эгалари, хусусан, катта савдогарлар аҳолининг юқори табақасини ташкил қилиб, кўпинча улар мамлакатни идора қилишда муҳим ўринларни эгаллаганлар ва коҳинлар ҳамда ибодатхона хўжалиги билан жуда яқин

муносабатда бўлганлар. Бу юқори табақадан бўлган одамлар авлод-аждодлари билан олий аристократияга мансуб эканликларини кўрсатиш мақсадида, ўзларини «аслзодадан тугилган ўғил»; («мар бани») деб юритганлар. Бир туда бойлар жуда катта бойликлар, пул, чорва, жуда кўп куллар, уйлар ва катта-катта ер-мулкларни ўз қўлларига утказиб олганлар. Майда хусусий мулкчилар тобора кўпроқ хонавайрон бўлиб борган.

Қулларнинг аҳволи янада ёмонлашган. Қулликнинг характери ҳам ўзгарган. Хусусий одамлар қўлидаги қуллар сони кўпайиб, бу куллар «подшо» ва «сарой» ихтиёридаги куллардан фарқ қилган. «Хонадон ўғиллари» аввалги уй қулчилигининг қолдиклари бўлиб, улар қулдорнинг эшигида туғилиб усган қуллар бўлса керак. Баъзи бир холларда оталар ўз болаларини сотганлар, лекин бу одат йўқола борган. Қул эгалиги жуда кенг ёйилган. Қулларни сотганлар, сотиб олганлар, мерос тариқасида қолдирганлар, бошқаларга гаровга ҳам берганлар. Қулларнинг кичик хусусий мулкка эга бўлишларига йўл қўйилган, баъзан уларга мустақил равишда хўжалик юритишга ёки ҳатто хўжайинига муайян миқдорда оброкка ўхшаган ҳақ тўлаш шарти билан савдо қилишга ҳам имкон берилган. Ибодатхонага қарашли қуллар (ширке) алоҳида ўрин эгаллаган. Бу қулларнинг баданида тамғаси бўлиб, бу тамға уларнинг қайси ибодатхонага қарашли эканлигини билдирган. Ибодатхонага қарашли қуллар насл-насаби билан қулликда ҳаёт кечирган. Унинг хотинлари чўри ҳисобланмаса ҳам, лекин уларнинг бола-чақалари қул бўлиб қола берган. Ибодатхонага қарашли қуллар жуда кийинчиликда оғир ҳаёт кечирганлар. Ибодатхоналар бу қулларни жазолашга ва хатто уларни кишанга солиш, зиндонга ташлашга ҳам ҳақли бўлганлар. Хужжатларда ибодатхонага қарашли қулларнинг қочиб кетиш ҳоллари кўрсатилади. Бир хужжатда, «Набукиширнинг ўғли ва Урукдаги маъбуда Белитнинг ибодатхона қули бўлган Базия подшо омборига қамаб қўйилган, у оёқ-қўлидаги занжирни узиб, қочиб кетган ва биз (ибодатхона амалдорлари ёки хизматчилари — *В. А.*) унинг кетига тушганимизда, у бизга темир қилич ўқталган» деб айтилади. Бу иш текширилганда ўша темир қилич жиноятни исбот қилувчи далилий ашё сифатида хизмат қилган.

Қул эгалигининг ривожланиши, мамлакатда қулларнинг кўпайиб кетиши, қулларнинг ўз хўжаларидан қочиб кетиш ҳолларининг тез-тез бўлиб туриши, қул савдосининг кенг ёйилганлиги туфайли қулларнинг қўлдан-қўлга ўтиши қулларни давлат ҳокимияти органлари томонидан назорат қилиниши талаб этган. Қулдорнинг бирон-бир қулга эгалик ҳу-

қуки алоҳида муассасаларда кайт қилиб қўйилган бўлиши ҳам жуда мумкин. Қулдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кулларга кўпинча тамга босганлар.

Янги Бобил подшолигининг равнаки

Эрамиздан аввалги VII аср бошларида Бобилнинг қулдор аристократияси жуда кучли бўлган; катта-катта ибодатхоналарнинг юқори даражали коҳинлари ҳам шу аристократия составига кирган. Месопотамиядан қўшни мамлакатларда кенг ёйилган савдо Бобилнинг катта савдо муассасалари назорати остида бўлган. Бинобарин, Бобил аристократларининг сиёсий жиҳатдан мустаҳкам ва кучли давлат доирасида ўз ҳукмронлиги ва таъсирини маҳкамлашга интилиши табиий бир ҳолдир. Буни Осурия йиқилгандан кейин амалга ошириш мумкин бўлган.

Қудратли коҳинлар, катта-катта қулдорлар ва савдогарлар Халдея-Бобил давлатида сиёсий жиҳатдан етакчи роль ўйнаганлар. Халдея династиясига асос солган Набопаласар кўп жиҳатдан Бобил коҳинларига таяниб иш кўрган. Набопаласар ўз ёзувларида: мени худо Набу билан худо Мардук Бобилнинг улуг ҳомийси қилиб сайлаган, дейди. Набопаласар ишда ўзини жуда диёнатли ва тақводор қилиб кўрсатишга, худоларга, ёки бошқача қилиб айтганда, Бобил коҳинларига яхши кўринишга ҳаракат қилган. У диний маросимлар намойиши ўтадиган асосий муқаддас йўлни безатган ва қадимги Бобилнинг Э-сагила номли машҳур ибодатхонасини ва унинг «Ер-кўкни тутиб турадиган уй» («Э-темененки») деб аталадиган етти поғонали катта минорасини тиклаган. Набопаласар қадимги диний-сиёсий традицияларни тиклабгина, қолмай, балки уларни ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам мустаҳкамлашга тиришган. У Шумернинг энг қадимги подшоларидан бири, Лагаш ҳокими Урнаншега ўхшаб, ўзини ва ўғилларини оддий тош терувчилар сифатида, тантанали суратда қурилаётган ибодатхона пойдевори учун бошларида саватда тош олиб борастган ҳолда тасвирлашни буюрган.

Иккинчи муҳим сиёсий вазифа — Бобил подшолигининг чегараларини мустаҳкамлаш бўлган. Икки дарё оралигининг шимоли-гарбий қисмида қаттиқ мустаҳкамланиб олиш зарур бўлиб қолган эди, чунки Осурия лашкарларининг қолган-қутганлари қочиб бориб шу ерни ўзларига бошпана қилмоқчи бўлганлар. Набопаласар бу областнинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган энг катта шаҳарларидан Харран ва Кархемиш шаҳарларини ишғол қилган ва бу шаҳарларда ўз гарнизонларини қолдириб, ўзи Бобилга қайтиб кетган. Бундан кейин актив ташқи сиёсатни кенг йўлга қўйиш учун куч тўплаш лозим бўлиб қолган.

Бобилнинг бирдан-бир хавфли рақиби Миср бўлиб, бу вақтда Миср ўткинчи тараққиетининг сўнгги даврини бошдан кечирастган эди. Саис династиясидан бўлган сергайрат фиръавнлар Миср давлатининг ўтмишдаги қудратини тиклашга уринганлар. Осуриянинг кучсизланиб қолишидан фойдаланган Псамтик Мисрнинг Фаластиндаги сиёсий таъсирини қайтадан тиклаш мақсадида эрамиздан аввалги VII аср охирида Фаластинга бостириб кирган. Мисрнинг Псамтикдан кейинги фиръавни Нехо ёлгиз Фаластинигина эмас, балки Финикия билан Сурияни ҳам батамом босиб олиш учун жуда ғайрат билан иш кўрган. Мегиддо онида Яҳудия қўшинларини тор-мор келтириб, Миср фиръавни Қуддусга хирож солган, Финикия шаҳарларини ўз қўлига киритган. Сидон шаҳрида ўз зафарномасини ёзиб қолдирган ва бутун Сурияни босиб ўтган. Сўнгра Нехо Евфрат дарёсигача етиб бориб, Бобилнинг Кархемишдаги отрядини енгган ва Кархемиш шаҳрини ишғол қилган. Мисрликлар бу шаҳарда осурлар билан қўшилиб, Бобил подшосига қарши чиққанлар. Мисрликлар билан осурларнинг бир иттифоқ бўлиб ҳаракат қилиши Бобил учун жуда хатарли бўлган. Набопаласарнинг душманга қатъий зарба бермоқ учун етарлича куч тўплашига тўрт йилча вақт керак бўлган. Бобил қўшинлари Набопаласарнинг ўғли ва тахт вориси Навуходоносор қўмондонлиги остида 605 йилда Кархемиш ёнида бўлган машҳур жангдагина мисрликлар билан осурларнинг бирлашган армиялари устидан тўла галаба қозонган. Ўз мамлакатидан шимоли-шарқий томонга қараб жуда олислаб кетган Нехо қўшинларининг ён томонларини ҳам, уларнинг орқа томонини ҳам, масофаси жуда чўзилиб кетган коммуникацияларни ҳам етарли даражада мустаҳкамлай олмаган бўлса керак. Ҳарбий кучлари етарлича бўлмаганидан Нехо батамом мағлубиятга учраган ва шошилиб орқага чекинишга мажбур бўлган. Навуходоносор II (эрамиздан аввалги 604—562) ҳарбий муваффақиятларидан тўла равишда фойдаланган. У Нил дарёси дельтасининг чегараларигача етиб бориб, Сурияни тамомила ишғол қилган. Шундай қилиб, Бобил подшоси Сурия соҳилларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, мисрликларни Олд Осиёдан батамом сиқиб чиқарган. Навуходоносор ғоят эҳтиёткор одам бўлганлиги сабабли, шу эришган анчагина катта ютуқлари билан чегараланган.

Бироқ Бобил ҳам, Миср ҳам бу аҳволга рози бўлиб қололмаганлар. Саис династиясининг ғайратли фиръавнлари Суриянинг қўлдан кетишига асло чидай олмасдан, кучли армия тузганлар ва бу армияни эллинма грек аскарлари билан тўлдирганлар. Бундан ташқари, Бобил подшоси ҳам Ўрта денгиз

соҳилларида уз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Шундай қилиб, яқин ўртада яна қайтадан уруш бошланиши аник бўлиб қолган. Миср фиръавнлари Фаластин, Финикия ва Сурияни дастлаб истило қилган вақтлардан бошлаб бу мамлакатларда Мисрнинг иқтисодий ва маданий таъсири жуда кучли эди. Мисрнинг иқтисодий ва маданий таъсирининг излари бу мамлакатларда эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ҳам бўлган. Фаластинда Миср тарафдорлари жуда куп бўлган, шу жумладан, Яҳудия подшоси Иоаким ҳам Мисрни қўллаб-қувватлаган. Яҳудиянинг Бобилдан ажралиб чиқиши ва Яҳудия подшосининг Бобилга хирож тўлашдан бош тортиши урушнинг янгидан бошланиб кетишига баҳона бўлган. Навуходоносор Яҳудия устига қўшин тортиб келиб, Қуддус шаҳарини қамал қилган. Бобил қўшинлари Яҳудиянинг жуда кучли қалъадан иборат бўлган бу пойтахтини уч ой қамал қилгандан кейин, охири эрамиздан аввалги 597 йилда уни олганлар. Яҳудия подшоси ғолибга таслим бўлгандан кейин оиласи, энг кузга куринган зодагонлар, ҳунармандлар ва ҳарбий асирлар билан биргаликда мажбурий суратда Бобилга кўчиртириб олиб кетилган. Қуддуснинг машҳур ва бой ибодатхонаси талон-торож қилинган. Миср подшоси бахтсизликка учраган иттифоқчисига ёрдамга келишга журъат эта олмаган. Шундай қилиб, Навуходоносор Фаластинда яна уз хокимиятини қайтадан тиклаган.

Лекин эришилган бу муваффақият ҳали Бобилнинг тула тантанаси эмас эди. Фаластин билан Финикия янги курашга тайёрланаётган эди. Миср аввал қўл остида бўлиб келган Суриядаги ерларини сира эсидан чиқара олмасди. Миср фиръавни Уах-иб-Ра (Априй) Сурия соҳилларини эгаллаш ва бу билан Сурияда сиёсий ҳукмронлик қилиш учун зарур бўлган асосий базаларни қўлга киритиб олиш мақсадида, қўшинларга ва ҳарбий флотга бош бўлиб, Осиёга караб отланган. Урушнинг бошида Миср фиръавни бирмунча ютуқларга эришган. У Сидонни ишгол қилиб Финикиянинг бошқа қолган шаҳарларини ҳам таслим бўлишга мажбур этган. Қуддус райопида урушаётган Бобил отрядлари орқага чекинишга мажбур бўлган. Озод килинган Яҳудия душмани Бобил устидан козонган галабасини тантана билан байрам қилаётган эди. Аммо мисрликларнинг бу ютуқлари мустаҳкам ютуқлар бўлмай, озгина вақт давом қилган. Навуходоносор Сурияни душман қўлига топшириб туролмас эди. Бобил подшоси Сурияга келиб, Миср қушинларини тор-мор қилган ва уларни чекинишга мажбур этган. Бобилнинг куп сонли армияси Қуддусни яна қамал килган. Яхудийлар ғоят шиддатли ва куп қон тўкилган шу жангларда бутун Яҳудия давлатининг ҳает-

мамоти ҳал бўлаётганлигини сезгандай, ўз пойтахтларини қаттиқ туриб ва қаҳрамонларча мудофаа қилганлар. Бироқ яҳудийларнинг қаршилиги синдириб ташланган. Бобил қўшинлари Қуддусни штурм билан қўлга киритиб, итоатсиз шаҳарни вайрон ва талон-торож қилганлар ҳамда унга ўт қўйиб юборганлар (эрамиздан аввалги 586 йил).

Бобил подшоси исъёнчилардан қаттиқ ўч олган. Яҳудия подшоси Цидкия қолган-қутган қўшинлари билан бирга Иерихон текислигида қўлга туширилиб, кўзи кўр қилинган. Яҳудия шаҳзодалари ўлдирилган. Жуда кўп яҳудийлар асир олиниб, Бобилга ҳайдаб олиб кетилган. 586 йилда харобазорга айлантирилган Қуддуснинг алангаларида яҳудийларнинг эркин ва мустақил давлат барпо қилиш орзулари ҳам батамом пучга чиқиб барбод бўлган. Бобил подшоси Сурияда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, Фаластинга батамом хўжайин бўлиб олган. Аммо Навуходоносор бутун Сурия мамлакатини тамомила ўзига бўйсундирмоқ учун, Финикия шаҳарларини ҳам узил-кесил ўзига қаратиб олиши керак эди. Финикия давлатининг қадимги пойтахти — бой ва қудратли савдо шаҳри Тир бу шаҳарлар орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллар эди. Тир шаҳрининг аҳолиси ўз мустақиллигини мардларча туриб ҳимоя қилган. Тир шаҳри шу қадар зўр кучга эга бўлганки, денгиздаги бир оролга қурилган ва жуда яхши мустаҳкамланган бу шаҳарни Бобил қўшинлари 13 йил мобайнида, қамал қилиб туришга мажбур бўлган. Қамалнинг узоққа чўзилиши натижасида шаҳар ҳимоячиларининг тинкаси қуриб, улар Бобил подшосига таслим бўлишга мажбур бўлганлар. Навуходоносор Финикияни жуда оғир машаққатлар билан эгаллаган. Бобил қўшинларининг олдида энди яна бир қийин вазифа, у ҳам бўлса, Мисрга сўнгги марта ва қатъий зарба бериш вазифаси турган. Бундан асосий мақсад Мисрнинг кучларини синдириш ва уни Олд Осиёда актив сиёсат юргиза олмайдиган қилиб қўйиш бўлган. Манбалардаги маълумотларнинг аниқ бўлмаганлиги ва уларнинг тарқоқ ҳолда бўлганлигидан урушнинг қандай боргаплигини очиқ-ойдин аниқлаб бўлмади. Шу сабабли, Навуходоносорнинг ҳатто Мисрнинг ичкарисига кирган-кирмаганлигини ҳам аниқ айтиб бўлмайди. Бобил подшоси ҳар ҳолда Мисрга бир қадар зарар етказган бўлса керак. Мисрдаги Гелиополга яқин жойда қандайдир «Бобил» деган шаҳарнинг барпо бўлиши бу воқеалардан сал-пал дарак беради. Миср Бобилнинг барпо қилиниши худди шу даврга тўғри келса керак. Лекин Миср ҳар ҳолда ўша вақтда хали етарлича кучга эга бўлган. Миср фиръавни Яхмос II (Амазис) кучли флотга таяниб туриб, Кипр оролини босиб олган ва ўша ердан Финикиянинг

савдо шаҳарларига хавф солган. Яхмос II бу билан Бобилнинг Ўрта денгиз шарқидаги районларга таъсир этишига қаршилик кўрсатмоқчи бўлган. Бобил подшоси Месопотамия, Сурия, Финикия ва Фаластиннинг ҳаммасини истило қилган бўлса ҳам, лекин бундай тез йўл билан вужудга келган подшолигининг унча мустаҳкам эмаслигини ҳар ҳолда пайқар эди. Наҳрилкалб дарёси бўйидаги қояларга Миср фиръавнлари ва Осурия истилочилари эришган тантанали галабалар тўғрисидаги маълумотлар ёзилган. Навуходоносор шу ёзувлар қаторига ёздирган ўз ёзувларида юқоридаги галабалари ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайди.

Ўз замонасининг энг йирик сиёсий арбоби бўлган Бобил подшоси Бобилнинг теварак-атрофида мудофаа иншоотлари қурдириш ва бутун Бобил областини қудратли истеҳкомлар районига айлантиришга ҳаракат қилиб, қурилиш ишларига жуда зўр эътибор берган. Навуходоносор бу ишлари тўғрисида ёзувларида муфассал айтиб ўтади. Бу жуда катта истеҳкомлар тўғрисида грек ёзувчиларининг жумладан, Геродотнинг асарларида очиқ-ойдин сақланган хотиралар бор. Ниҳоят, Бобил пойтахтида қазиш ишлари утказилган пайтда бу иншоотларнинг қолдиқлари топилган. Қазиш натижасида Бобилнинг атрофи уч қават девор билан ўралганлиги ва бу деворлардан биринг қалинлиги 7 метр, иккинчисининг қалиплиги 7,8 метр, учинчисининг қалинлиги 3,3 метр бўлганлиги аниқланди; шу билан бирга учинчи, энг сунгги деворнинг орқасида айлана хандақ бўлган. Шу деворлардан бири 8,36 метр кенгликдаги миноралар билан мустаҳкамланган бўлиб, бу минораларнинг ҳар қайсиси орасидаги масофа 44 метрдан бўлган. Археологлар ана шундай миноралардан 15 тасининг қолдиқларини топганлар. Демак, деворларнинг бошидан то охиригача 300 дан кўпроқ шундай миноралар бўлган деб фараз қилмоқ мумкин. Гидротехника иншоотларининг мураккаб системаси шундай бўлганки, душман яқинлашиб келган тақдирда Бобил областини ўраб турган паст текисликни бутунлай сувга бостириш мумкин бўлган. Подшо ўз ёзувида шу ҳақда бундай деб ёзган: «Ёвуз ниятли душман Бобил остоналарига яқин кела олмасин учун, мен мамлакатни осмонга жўш урган тўлқинлар каби қудратли сувлар билан ўраттирдим. Бу сувлардан кечиб ўтиш шўр сувли буюк денгиздан сузиб ўтиш билан баравардир».

Навуходоносор истилочилик сиёсатини изчиллик билан олиб бориб, бу масалага боғлиқ ҳамма нарсада ўзидан бурун ўтган истилочиларга, Миср фиръавнлари ва Осурия подшоларига тақлид қилган. Бобил подшоси ўзининг қудрат ва шавкатини бутун дунёга кўрсатиш ва, шу билан бир вақтда,

ўз династиясини Бобилнинг олий коҳинлари томонидан доим қўллаб-қувватланишига эришиш учун жуда катта қурилиш ишларини қизитиб юборган. Бу қурилиш ишлари натижасида Бобил дунёнинг энг гўзал пойтахтига, хароб қилинган Ниневиянинг ўтмишдаги қудратига ва Мисрнинг утмишда улуғвор бўлган Фива шаҳрига тенг келадиган ҳашаматли шаҳарга



Бобилда «Иштар маъбуда дарвозаси»нинг харобалари.

айланиши лозим эди. Навуходоносор қурдирган жуда катта ва дабдабали биноларнинг харобалари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Қадимги Бобилда ўтказилган археологик қазишлар натижасида катта-катта биноларнинг қолдиқлари топилди. Бу биноларнинг олд томонлари ҳашаматли расмлар, сир бериб ишланган ранг-баранг нақшлар билан безатилган. «Бобил» деб юритиладиган тепалик қазилганида у ердан катта сарой харобаси чиқди. Жуда кўп ҳовли ва катта-кичик иморатлардан иборат бўлган бу сарой баландлиги 18 метр келадиган сайҳон гепага қурилган. Уйларнинг полига қумтошдан ясалган плиталар ётқизилган. Бу плиталарга: «Бобил подшоси Набопаласарнинг ўғли, шу мамлакат подшоси Навуходоносорга қарашли сарой» деб ёзилган.

«Қаср» тепалиги қазилганда Навуходоносор замонидан қолган жуда ажойиб биноларнинг топилди, бу тепалик «Жанубий қалъа» деб аталган қолдиқларни яшириб келган. Бу ердан

жуда катта сарой ва унинг ичида подшо тахти ўрнатилган хашаматли залнинг қолдиклари топилди. Бу залнинг хажми (60×20 *м*) ўша замонда сарой бинолари ҳашаматли килиб солинганини кўрсатади. Саройнинг деворлари чиройли гуллар солинган сирли кошинлар билан жозибадор қилиб безатилган. Биноннинг олд томонидаги деворларда ҳаво ранг, кўк ва сариқ кошинлар билан безатилган колоннапар ва устун қошинпнг тасвирлари сақланиб қолган. Таинганали диний маросимлар вақтида юриладиган муқаддас йўл ҳам шу сарой ёнидан ўтган. Бу йўлга катта-катта тошлардан йўнилган плиталар ётқизилган ва икки томони ғоят яхши ишланган, арслон суратлари солинган қалъа деворлари билан ўралган. Бу йўл маьбуда Ишгарга бағишлаб солинган ва кейинчалик «Иштар дарвозаси» номини олган дабдабали дарвозалар орқали ўтган. Ҳақиқатда эса бу — харобалари анча яхши сақланган ва баландлиги 12 метр келадиган қўш дарвозадан иборат бўлган. Дарвозанинг икки томонида миноралар қурилган бўлиб, улар ички сарой деворларини бирлаштирган, ички сарой эса, дарвозалар ўртасида жойлашган. Шундай қилиб, ғоят даражада безатиб ишланган бу монументал дарвоза кишида худди крепостнойлик даврининг мудофаа иншоотига ўхшаш таассурот қолдиради. Дарвозаларга эса ҳукизлар ва ажойиб-ғаройиб ҳайвонларнинг сир берилган суратлари ишланган. Йўлга ётқизилган катта-катта тош плиталарда Бобилнинг буюк бинокорига мансуб миххатлар сақланган: «Мен, *Бобил подшоси Набопаласарнинг ўғли, шу мамлакат подшоси* Навуходоносордурман. Мен, буюк тангримиз Мардук шарафига буладиган маросимлар учун шеду тошидан йўнилган плиталардан шу Бобил йўлини қурдирдим. Тангрим Мардук! Ўзинг абадий умр бергил». Маросимда юриладиган йўл Бобилнинг асосий зиёратгоҳи, «Э-сагил» («Баланд чўққили ибодатхона») деб аталадиган худо Бел-Мардукнинг ибодатхонаси сари борарди. «Э-сагил» ибодатхонасига яқин жойда ибодатхона миноpаси (зиккурат) қад кўтариб турарди. Навуходоносор замонида бу ибодатхоналар анча тузатилган. Монументал ва дабдабали иморатлар билан безатилган Бобил бу даврда қадимги Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланган эди. Навуходоносор вафотидан кейин орадан ҳатто 333 йил ўтгандан сўнг ҳам Бобилда 53 ибодатхона ва 955 кичик бутхона сақланиб қолган эди. Холбуки, бу вақтда Бобилнинг равнак топган даври аллақачон тугаган ва эрамиздан аввалги III асрда Месопотамиянинг қадимги пойтахти ғоят орқага кетиб, ҳувуллаб қолган эди.

Навуходоносор 562 йилда вафот қилган. Унинг 43 йил давом этган подшолик даврида Янги Бобил подшолиги тарақ-


қиётнинг энг юқори чўққисига чиққан. Навуходоносорнинг кучсиз ворислари унинг ишларини муносиб даражада давом қилдира олмаган. Нуфузли коҳинлар бош қўшган сарой тўполонлари натижасида тез-тез давлат тунтаришлари бўлиб турган. Бобил подшолари тахтига 6 йил ичида 3 подшо келиб кетган, шулардан иккитаси ўлдирилган. Сиёсий вазиятнинг мураккаблашуви, мамлакат ичидаги синфий табақаланишнинг кучайиши, форсларнинг бостириб келиш хавфи Бобил ҳукуматидан ғайрат билан иш кўриш ва дипломатия соҳасида ғоят моҳирлик кўрсатишни талаб этган. 555 йилдаги давлат тунтаришидан кейин Бобил тахтига ўтказилган Набонид Навуходоносор II нинг ишларини қулидан келганича давом қилдирмоқчи бўлган, шу сабабдан ҳам у, Навуходоносорни ўз ёзувларида кўпроқ эслайди ва уни ўз ҳомийси деб жуда иззат-ҳурмат билан тилга олади.

Набонид 17 йил давом этган (эрамиздан аввалги 555—538 йиллар) подшолиги даврида мамлакатнинг бир бутунлигини сақлаш учун қаттиқ кураш олиб борган. Набонид подшолигининг дастлабки пайтларида шимолий Сурияда кўтарилган қўзғолонни бостирган ва Хаматга, Амурру мамлакатига қўшин тортиб бориб, то Эдомнинг жанубигача етган. Аммо Бобил учун хавфнинг уяси бу ерда эмас эди. Сурия билан Фаластин бўлса бостирилган ва улар кучсизланиб қолган Мисрдан ёрдам кута олмас эдилар Тирни Хирам III идора қилар эди, уни Набониднинг ўзи подшо қилиб кўтарган эди. Бобил учун анча мушкул аҳвол Месопотамиянинг шимолий қисмида юзага келган. Мидия подшоси Астиаг (Иштувегу) Шимолий Месопотамияга қараб юриб, Харран ўлкасига ҳужум қилган. Набонид ўз ёзувида хабар қилишича, у «умманмандларга» («мидияликларга») қарши чиққан, лекин мидияликларни Аншана подшоси Қайхисров тор-мор келтирган. Мидия подшолигининг емирилаётганини ва Эроннинг юксалаётганини кўрган Набонид ўзининг шимоли-гарбий чегараларини мустаҳкамлашга қарор берган бўлиши ва шу сабабли у, ўзининг сўзича, Харранда мидияликларнинг тажовузларидан қаттиқ зарарланган муқаддас жойларни тиклаш учун шу ерга алоҳида эътибор берган бўлиши жуда мумкин.

Эроннинг албатта бостириб келиш хавфини олдиндан сезган Набонид узоқ Арабистон билан ўз алоқаларини мустаҳкамламоқчи бўлган ва шу мақсад билан Теймага лашкар тортиб бориб, шу шаҳарни босиб олган ва ҳатто уни ўз қароргоҳига айлантирган. Чунки Набонид Теймада ўзини бир қадар хавфсизроқ ҳис қиларди. Сиёсат майдонидаги хавфли вазият Бобил подшолиги учун тобора хатарлироқ бўлиб борарди. Эрон подшоси Қайхисров 550 йилда Мидияни ўзига

бўйсундириб, Лидияга қарши отланган, Лидия подшолигини истило қилган ва, шундай қилиб, Месопотамияни шарқдан ҳам, шимолдан ҳам ўзига қарашли ерлар билан ўраб олган. Эрон подшосининг ҳамма ютуқлари Бобил хроникасида батафсил кўрсатилган, чунки Эрон подшоси энди бевосита Бобилга хавф солмоқда эди. Хрониканинг 546 йилга оид бобида, эламийлар (форслар ёки уларнинг Эламдаги иттифоқчилари бўлса керак) Аккадга бостириб кирганлиги ва Элам ҳокимининг Урукка тайинланганлиги айтилади. Форслар Тигр дарёсининг шарқида Қуйи Заб, Тигр ва Диала дарёлари ўртасидаги Гутиум ўлкасини босиб олганлар. Кайхисров 539 йилда Месопотамияга бостириб кириб, Опис ёнида Бобил қўшинларини тор мор келтирган. 538 йилда Кайхисров Сипарни ишғол қилиб, Бобил остоналарига яқинлашиб келган. Набониднинг худогуйлиги ҳам, олимлиги ҳам, бутун мамлакатдан Бобилга ташиб келтирилган худолар ҳайкали ҳам (Набонид шу худоларнинг ҳайкалларини *Бобилга олиб келиб*, Бобилни қадимги диний ёдгорликларнинг ғоят катта музейига айлантирган эди) уни қутқариб қололмаган. Кайхисров 538 йилнинг кузида Бобилга кириб, Набонидни тахтдан четлаштирган ва Бобилияни қудратли Эрон давлатига қўшиб олган.

Янги Бобил подшолиги шу тариқа қулаган ва бу билан маркази Бобил шаҳри бўлган буюк давлат барпо қилиш йўлидаги сунгги уриниш барбод бўлган. Лекин Олд Осиёдаги савдонинг энг катта маркази сифатида ва фақат қадимги Шарқдагина эмас, балки бутун қадимги дунёда ҳам маданий ҳаётнинг тараққий қилишига жуда катта таъсир кўрсатиб келган маданий марказ сифатида Бобил, ҳар ҳолда, ўзининг катта иқтисодий ва маданий аҳамиятини бирмунча вақт сақлаб келган.



Янги Бобил даврига оид бир нақш.



Машшоқлар. Гелиополдаги Жа-Нефер мақбарасидан топилган барельеф *XXVI династия. Александрия музейи.*

XVII БОБ

КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ МИСР

XIX династия фиръавнларининг Қичик Осиёда олиб борган давомли урушлари, хусусан, хеттлар билан қилинган катта уруш Мисрнинг одам кучи ва моддий бойликларини жуда камайтириб юборган ва мамлакатни тушкунликка учратган. Бир вақтлар қудратли бўлган Миср давлати айрим-айрим бўлакларга бўлиниб кета бошлаган. Эрамиздан аввалги XI аср бошларида подшолик ҳокимиятини ўз қўлларига ўтказиб олган ва бутун мамлакатда ҳукмронлик қилишни даъво қилган Фива бош руҳонийлари Дельтани ўз қўлларида тутиб кололмаганлар. Ички кураш натижасида ҳолдан тойган Миср тез орада чет эл истилочилари, ливияликларга ем бўлган. Ливияликлар дастлаб Мисрга ва унинг армиясига ёлланма аскар сифатида келиб кирган эдилар, сўнгра эса уларнинг лашкарбошилари подшо ҳокимиятини босиб олиб XXII династияга асос солганлар (эрамиздан аввалги 941—821 йиллар).

Экономика ва ижтимоий тузум

Миср аввалги гуллаб-яшнаган замонига қарағанда тушкунлик даврини кечираётган бўлса ҳам, унда хўжалик ҳаёти батамом тўхтаб қолмаган эди. Шу билан бирга, мисрликлар бу вақтда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг баъзи бир соҳаларини хатто анчагина мукаммаллаштиргани ҳам эдилар. Масалан, металлургия техникаси соҳасида мисрликлар бир қанча катта ютуқларга эришган эдилар. Мисрликлар бронзадан ҳар турли буюмларни, жумладан, нафис ҳайкалчаларни жуда моҳирлик билан ишлай олганлар, бу ҳайкалчаларни кумуш ёки олтин

толалар билан жимжимадор қилиб безаганлар. Такушит номли мисрлик аёлнинг Эфиопия-Саис даврига оид ҳайкалчаси шундай толалар териб ишлаш техникасининг ажойиб намунасидир. Подшо Пассбханинг яқинида Танисдан топилган кумуш саркофаги (тобути) металлни бадиий жиҳатдан ишлаш соҳасида ажойиб ютуқларга эришилганини кўрсатади. Металлургия тош йўниш техникасини тобора кўпроқ сиқиб чиқара бошлаган. Ҳайкалчалар, идиш-товоқлар, асбоб-ускуналар ва қурол-яроғлар энди аввалгидек тошдан эмас, балки фақат металлдангина ишланадиган булган. Шунингдек, темир аста-секин бронзани ҳам сиқиб чиқара борган, Мисрга Фаластиндан, Кичик Осиё ҳамда Эгей денгизи районидан кўплаб темир келтириладиган бўлиб қолган. Жанубий Фаластинда, Миср чегараларига яқин бўлган Жерар шаҳрида ўтказилган қазиш ишлари вақтида темир эритадиган печь, шунингдек, темирдан ясалган асбоблар ва қурол-яроғлар топилди. Мисрнинг ўз тупроғида ҳам темирдан ишланган жуда кўп парсалар топилган. Фивада дубулга ва қуролсознинг бир қанча асбоблари топилган. Топилган дубулға осурларникига ўхшатиб ишланган, шунга қараганда, бу темир асбоблар ҳам осурлар Мисрни истило қилган даврга мансуб бўлса керак. Эрамиздан аввалги VII асрга мансуб бўлган Дафна ва Навкратис харобаларидан темир асбоблар ва қурол-яроғлар: ничок, болта, искана, мотига, қирғич ва ўқ учи топилган. Тўқимачилик касби ҳам юксак даражада тараққий қилган. Мисрда тўқимачилик ишлаб чиқаришининг алоҳида марказлари вужудга келган, чупончи, Ахмим, кейинчалик эса Мемфис шундай марказлардан бўлган. Тўқимачилар ва йигирувчилар цехга ўхшаш алоҳида-алоҳида гуруҳларга бирлашганлар. Тўқимачилик ишининг ҳатто Таит деган алоҳида маъбудаси



Кумушдан ясалган саркофагда подшо Пассбхан бошининг тасвири.
XXI династия. Танисдан топилган.

ва Ўрта Мисрда тўқимачилик ишининг Хежхетеп («Поки раҳмат») деган худоси бўлиб, уларга сажда қилганлар. Фаянс буюмлар ишлаб чиқариш жуда такомиллашган. Фаянсдан ҳар турли уй-рўзғор асбоблари, зийнат буюмлари ва бўйи 25 *см* гача стадиган нафис ҳайкалчалар ясалган. Бойлар учун ва чет элларга чиқариш учун тайёрланадиган бу зийнат буюмлар жумласига ҳар турли хушбўй ва упа-элик солинган. Шу даврдаёқ лилуфардан махсус мой олишни билганлар, бу мой амалдорларни янги мансабга тайинлаш вақтида уларнинг юзига суркаш учун ишлатилган.



Кейинги даврдаги Миср тахти

Топилган ҳужжатлар савдо янада ривожланиб ва мураккаблашиб борганлигидан гувоҳлик беради. Чет эл савдогарлари Мисрга тез-тез келиб-кетиб турганлар. Мисрликлар ўзларига керакли молларни аввалгидек Суриядан келтирганлар. «Уну-Амоннинг Сурияга қилган саёҳати тўғрисидаги ҳисоботи»да худо Амонга аталган муқаддас қайиқни қуриш учун зарур бўлган ёғоч Библдан сотиб олинганлиги муфассал гапирилади. Бу адабий асарда Сидондан дельтага, Танис шаҳрига жуда кўп кемалар келганлиги ва Беркетэл деган қандайдир бир савдогар билан (финикиялик йирик савдогар бўлса керак) савдо алоқаси қилинганлиги тўғрисида сўзланади. Чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдо қилиш билан бирга, чакана савдо ҳам олиб борилган. Лапсинг папирусида Финикиядан ҳар хил моллар олиб келинганлиги гапирилиб, шу билан бирга, «савдогар» («шуш») нинг қисмати ҳупармандниг оғир қисматига таққосланади. Бунда ўзини-ўзи упча таъмин эта олмаган ва кўпроқ божхона амалдорларининг сиқиқларидан қийналган камбағал чакана савдогар кўзда тутилган бўлса керак. XXI—XXII династия замонидан бошлаб, моллар қуйма кумуш (ёмби)га алмаштириладиган бўлган. Шу даврга оид ҳужжатларда кумуш «қуйилган» ёки «тозаланган» кумуш номи билан юритилган. Давлат маълум оғирликлардаги стандарт кумуш пуллар чиқариш

учун баъзи бир тадбирлар кўрган ва шу максадда кумуш эритиш ҳаракатини қилган, чунки бу тадбирлар давлатга ички савдо ишларини тартибга солиш имкониятини берган. XXI династияга мансуб баъзи бир хужжатларда кул, ер участкалари, исриқ, мирра (мози) ва дон совдоси бўлганлиги кўрсатилади. Бу товарларнинг ҳаммаси кумушга сотилган. XX династия хужжатларида ғалла нархи анча ошганлиги кўрсатилади, бунга эса шу даврда хужалик ва сиёсий соҳада юз берган кризис сабаб бўлади. Аммо ернинг баҳоси жуда арзон бўлган, масалан, бир арура ер (2735 *кв. м.*) 1 дебен (91 грамм) кумуш турган.

Савдонинг ривожланиши мулкий ва синфий табақаланишининг янада кучайишига ёрдам берган. Кўпдан-кўп бойликлар, жумладан, қуллар ҳам, йирик ибодатхоналар ва айрим бойлар, асосан, коҳинлар билан амалдорлар қўлида тўпланиб борган. Қул савдоси ҳақида кейинги даврга оид хужжатларда гапирилади, шу билан бирга, баъзи ҳолларда бу кулларнинг чет мамлакатлардан келтирилганлиги (чунончи, «суриялик») кўрсатилади. Бироқ Миср фиръавилари узларидан олдин ўтган XVIII—XIX династиялар замонидаги фиръавнлар сингари энди истилочилик урушлари олиб боришга қодир бўлмай, қоладилар, шу сабабли бу даврда чет эллик қулларни келтириш камайиб, натижада қуллар баҳоси ортиб кетади. XIX династия даврида бир чўрини 4 дебен 1 ките (373,1 грамм) кумушга сотган бўлсалар, XXI династия даврига келиб, бир қулнинг баҳоси 20 дебен (1820 грамм) кумушга тенг бўлган. Ибодатхоналар, коҳинлар, катта амалдорлар ва савдогарлар кўпдан-кўп ерларни ўз қўлларига ўтказиб оладилар. Бойлар деҳқонларнинг ерларини сотиб ола бошлайдилар, бу эса қишлоқ жамоаларининг янада бўлиниб кетишига, шаҳар ва қишлоқлардаги майда мулк эгаларининг хонавайрон бўлишига сабаб бўлади. Ернинг хусусий мулклиги тўғрисидаги тасаввур тобора кўпроқ мустаҳкамланиб боради. Бой аристократлар ўзларига карашли ерларни болаларига мерос қилиб қолдирадиган бўлганлар. Масалан, подшо Осоркон III нинг ўғли, Фивадаги Амон ибодатхонасида олий бош руҳоний мансабида турган Иувалот ўз васиятномасида 556 арур (1. 520,66 га) ер-мулкини ўғлига мерос қилиб қолдирганлигини айтади. Бу васиятномада ерлар кимлардан сотиб олингани очиқ кўрсатилган, Иувалот бу ерларни асосан ер эгаларидан, аскарлар ва шаҳарликлардан сотиб олган экан. Ер сотиб олиш, баъзан, деҳқонларнинг ерларини бойлар ёки подшо саройи томонидан очиқдан-очиқ босиб олишга айланган. XXII династия замонидаги хужжатда бир коҳин ўзига карашли қудуқнинг ва бу кудуқ атрофидаги ер участкасининг қонунсиз тортиб олинганлигидан

шикоят қилади. «Аменемоие насиҳатномасида» автор: «Дала чегарасидаги чегара тошини олиб ташлама... бир қарич хам ерни тортиб олишга уринма ва бева хотиннинг (ер участкаси) чегарасини бузма» дейди. Катта-катта ер-мулкларининг айрим бойлар қулида тупланиб борини ва чек ерларидан махрум булган жамоачиларнинг тобора хонавайрон бўлиши ижарага ер олиш ва ер беришнинг авж олишига сабаб булади. Уша «Аменемоие насиҳатномаси»да «ижарага одамларга ер участкалари улашиб берган» бир одам тилга олинади. Қуллар билан камбағаллар меҳнатини шафқатсиз эксплуатация қилиш, эркин жамоачиларни хонавайрон қилиш ва талаш кўпинча кўзголонлар чиқишга сабаб бўлган. Уша вақтдан сақланиб қолган ҳужжатларда синфий курашнинг жуда ўткир формаларда давом қилганлиги очиқдан-очиқ бўлмаса хам, сал-пал эслатиб ўтилади. Масалан Шешонк I (эрамиздан аввалги 941—920 йиллар) округ бошлиғи бўлган бир амалдорини қўзголон кўтарилган воҳаларга юбориб, у ерда тартиб ўрнатишни буюради; бу қўзголон деҳқонларнинг ерлари қонунсиз равишда тортиб олинганлиги муносабати билан кўтарилган эди. Амон ибодатхонасининг бош руҳонийси Осоркоининг катта ёзувида Такелот подшолик қилган даврда бўлиб ўтган катта бир қўзғолон тасвирланади. Такелот подшолик қилган давр «нукул кураш йиллари бўлиб, хар бир одам ўз қўшнисини тутиб берар эди». Эрамиздан аввалга 570 йилда Мисрда янгидан қўзғолон кўтарилиб, Яхмос «қўзголончиларга» бошчилик қилади ва подшо Априй (Уах-иб-Ра)ни агдариб ташлаб, подшо хокимиятини ўз қулига олади.

Баъзи бир подшолар синфий кураш ўткир бир вазиятда давом қилаётганини кўрганларидан кейин, гоят кескин тус олиб кетган синфий зиддиятларни юмшатишга ҳаракат қиладилар. Грек тарихчиларининг асарларида подшо Бокхорис (Мисрча номи Бакнеренф, эрамиздан аввалги 732—726 йилларда ўтган) тўғрисида хотиралар сақланган, у подшо хусусий кишиларнинг мисрлик камбагал карздорларни қулликка солишини ман қилган ва ер сотишга эркинлик берган. Геродотнинг сўзига қараганда, Миср подшоси Яхмос II (Амазис) «мисрликлар учун бир қонун чиқарган; бу қонунга мувофиқ, Мисрнинг хар бир граждани тирикчилик қилиш учун қандай маблағларга эга экаплигини хар йили область бошлигига келиб айтишга мажбур бўлган; буни қилмаган одамга ёки қонуний йўл билан топилган маблағлар ҳисобига яшаётганини исбот қила олмаган кишига ўлим жазоси берилган». Шу билан бирга Геродот грек реформатори Солон мисрликларнинг шу қонуинни кўчириб олганини ва «Миср (шу вақтда) гоят фаровонликда яшаганлигини» кўрсатиб ўтади. Грек тарихчиси

Яхмос II ни халқ ичидан чиққан социал реформатор сифатида тасвирлаб, бойлар ўзбошимчалигини чегараловчи бир қанча реформалар ўтказганлигини айтади.

Ўша даврнинг ижтимоий тузумидаги характерли хусусият шундан иборат бўлганки, мансаб ва касб отадан болага мерос бўлиб ўтган, шу туфайли коҳинлар, аскар ва хунармандларнинг тор доирадаги ижтимоий гуруҳлари майдонга келган. Катта-катта поместьелар ва бойликларни ўз қўлига тўплаб, тор доирага ўралган ижтимоий гуруҳни ташкил қилган коҳинларга эргашиб, подшодан чек ер олган аскарларнинг ҳам XII династия давридан бошлаб тор доирага ўралган гуруҳлари вужудга келган. Бу ҳарбий колонистлар асосан дельтага келиб жойлашган. Қулдорлик жамиятини мустаҳкамлаш мақсадида бундай ижтимоий гуруҳлар қонун йўли билан мустаҳкамланган, чунки қулдорлар олами кескин синфий-курашлар натижасида тобора ҳолдан кетиб, инқирозга юз тутаётган эди.

Ливияликларнинг Мисрни истило қилиши

Ливияликлар дельтанинг ғарбига ва Нил дарёси водийсининг шимолига туташган жойларда ҳамда ғарбий воҳаларда қадимдан яшаб келганлар. Мустақил, лекин маданий жиҳатдан орқада қолган бу қабилаларга қарши мисрликлар узоқ вақтдан буён курашиб келганлар. Янги Подшолик фиръавнлари замонида, Миср гуллаб-яшнаган даврда ливияликлар Мисрга кўплаб келиб урнашганлар. Фиръавнлар ливияликларни ёлланма аскарлар сифатида хизматга қабул қилиб, уларга асосан дельтадан чек ерлар берганлар. Миср кўп сонли армиялар тузишнинг уддасидан чиқолмай, ёлланма аскарлардан кўплаб фойдаланишга мажбур бўлган даврда, яъни XX ва XXI династиялар замонида ливияликлар Мисрга айниқса кўплаб кўчиб кела бошлаган. Ливия зодагонларидан баъзи бирлари Мисрда катта-катта ҳарбий ва коҳинлик лавозимларини эгаллайдилар. Ҳарбий командир ва Гераклеополдаги Хершефи деган худонинг бош руҳонийси бўлган ливиялик бир одамнинг ёзувида бу одамнинг ўзидан аввал ўтган ота-боболаридан 15 таси шу ерда умр кечириб ва шу ерда ўлганлиги айтилади; бу ёзувга қараганда унинг аждоди «ливиялик Буювава» XXI коҳинлик династияси замонида Гераклеополга кўчиб келган бўлса керак. Унинг авлод-аждодлари ливиялик қўшинларнинг «уруғ бошлиқлари» ва Гераклеополь ибодатхонасининг коҳинлари лавозимида ишлаб келганлар. Бу ливиялик аристократик уруғдан бири подшо оиласи билан қариндош ҳам бўлиб олган. Унинг невараси бўлган Шешонк подшолик тахтини қўлга олиб, XXII династияга асос солган. Ливияликлар династиясидан чиққан подшолар Фива коҳин-

лари билан ҳисоблашишгагина эмас, ҳатто кўпинча уларга таяниб иш кўришга ҳам мажбур бўлганлар. Янги династия подшолари эски подшо хонадони билан қариндош бўлиб олиб, ўз болаларини Фивадаги ибодатхоналарга бош руҳоний лар қилиб тайинлаганлар. Ливияликлар династиясига асос солган Шешонк I серғайрат ҳукмдор бўлган. Ливияликларнинг ҳарбий кучларига ва Фива коҳинларига таяниб олган Шешонк I бутун Мисрни бирлаштиради ва унинг Осиёдаги ташки сиёсатини қайта тиклашга ҳаракат қилади. Шешонк I ўзини XVIII—XIX династиялар замонидаги буюк истилочи фиръавнларнинг ишини давом эттирувчи қилиб кўрсатиб, Карнакдаги ибодатхона ёнида «Бубастислар ҳовлиси»ни ва катта минора қурдиради. Бу ерда сақланиб қолган ўймакор расмлар ва зафарномаларда Шешонкнинг Фаластинда қозонган ғалабалари тасвир этилади. Осиёлик асирлардан 156 тасини арконга боғлаб олиб бораётган худо Амоннинг каттакон тасвири айниқса диққатга сазовор; бу асирлар, ўша ердаги ёзувга қараб ҳукм қилганда, Миср қўшинлари ишғол қилган Фаластин шаҳарларининг символи эди. Қадимги Фаластин шаҳарларининг бу қимматбаҳо руйхатида маълум-машҳур шаҳарлардан бир қанчасининг номи (чунончи, Таанаха, Шунема, Бет-Бана ва Мегиддо) сақланиб қолган. Шешонк I ўз династиясини мустаҳкамламоқ учун дельтадаги Бубастис шаҳрини давлат пойтахтига айлантиради, шу сабабли у асос солган династия Бубастислар династияси деб юргизилади. Шешонк I подшолик даврида (эрамиздан аввалги 941—920 йиллар) ҳар қанақанги йўл билан бўлса ҳам Миср давлатини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. У Фаюмга якин жойда қалъа курдирган. Нил дарёсининг чап киргоғида, Хибе оролининг рўбарусида Шешонк I даврига оид турли ўймакор расмлар солинган ва хатлар ёзилган қалъа харобалари топилган эди. Шешонк чет эл халқлари устидан қозонган галабаларини ва ҳарбий зафарларини Хибе ибодатхонаси деворларида ҳам тасвирлаб қолдирган; бунда фиръавн Мисрга ҳайдаб олиб келтирган чет эллик асирлар тасвирланган.

1938—1939 йилларда Танисда ўтказилган қазиш вақтида Шешонкнинг ҳали қўл тегизилмаган мақбараси топилди; бу мақбарадан фиръавннинг олтин билан кумушдан қуйиб ишланган саркофаги (тобути) ва унда мумёланган фиръавннинг яхши сақланган жасади чиқди, фиръавннинг юзига олтиндан зеб бериб ишланган ниқоб тортилган экан.

Шешонк I дан кейин ўтган подшолар Шешонкнинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ишларини муносиб суратда давом қилдириш учун зарур имкониятга эга бўлмаганлар. Осурияннинг кучайиб кетиши XXII династия фиръавнларини Нил ва

дельта водийсидан ташқарига чиқмай, шу ерниng ўзи билангина чекланишга мажбур этади. Осурларнинг бостириб келиш хавфидан ташвишга тушган Осоркон II осур подшоси Салманасарга қарши бош кўтарган Сурия-Фаластин подшочалари иттифоқига бир қадар ёрдам беради. Осур ёзувларида 854 йилда Қарқара ёнида бўлган жангда осурларга қарши «1000 мусрий» (мисрликлар) уруш қилгани эслатиб ўтилади. Самарияда ўтказилган қазишлар Осоркон II нинг Исроил билан бир қадар алоқа боғлашга ҳаракат қилганини тасдиқлайди. Лекин Миср давлатининг бу ҳамма уринишларидан ҳеч қанлай фойда чиқмайди. Ички курашнинг кескинлашуви мамлакатни майда-майда бўлакларга бўлиб юборади, Такелот II замонида бу кураш айниқса авж олади. Давлат астасекин майда қисмларга бўлиниб, уларни кичик-кичик мустақил ҳокимлар идора қила бошлайди. Миср давлатида юз берган бу алғов-далговлар ва давлатнинг майда қисмларга бўлиниб кетиши ҳақидаги эсдаликлар «подшо Петубастис цикълидан қиссалар»да сақланиб қолган. Грек тарихчилари бу даврни «додекархия», яъни 12 подшо ҳукм сурган давр деб атайдилар. Ливияликлар династиясидан бўлган подшолар ҳатто ўзларининг расмий ёзувларида мамлакатнинг ҳаммаси ҳам бўйсунмаганлигини эътироф қилишга мажбур бўлганлар. Осоркон II ўз ҳайкалига ёздирган хатида, Мисрни «унинг авлодлари» идора қилиши ва уни худолар худоси Амон Раининг бош руҳонийлари, Мапинг улуг бошлиқлари (машуашлар, яъни ливияликлар.— *В. Л.*) ҳамда Хершефи коҳинлари «чин қалбларидан бош эгиб» эътироф этишларини орзу қилади; фақат шуни орзу қилиш Миср фиръавни учун ҳаддан ошиқ камтарликдир. Ливиялик фаръавнлар Юқори ва Қуйи Мисрдаги ливиялик командирларни ва олий коҳинларни бирлаштиришни ўзларининг доимий сиёсий вазифалари қилиб қўйган бўлсалар ҳам, лекин улар бу муддаоларига гўла равишда эриша олмаганлар.

Эфиопияликларнинг Мисрни истило қилиши

Нил дарёсининг 1-шаршарасидан жануб томондаги ўлкаларда азалдан нубияликлар яшаб келган. Миср фиръавнлари Нубияда ўлжалар қўлга киритиш, қул олиб келиш ва ерлар босиб олиш мақсадида Қадимги Подшолик замонларидан буён Нубияга қаттиқ ҳужумлар қилиб, уни хароб қилиб келар эдилар. XVIII династия фиръавнлари замонида Миср аскарлари Нубиянинг 4-шаршарагача бўлган жойлардаги ерларини истило қилиб, у ерда мустаҳкам ўрнашиб оладилар. XIX династия подшолари ўзларидан олдинги подшоларнинг ишини давом қилдириб, Нубияда Миср ҳокимиятини мустаҳ-

камлаш йўлида бир қанча тадбирлар кўрганлар. Бу подшолар Нубия мамлакатини ўз қўлларида маҳкам тутиб туриш учун у ерда шаҳарлар, қалъалар ва ибодатхоналар қурдирганлар. Натижада Нубия аҳолисининг юқори қатламлари кўп жиҳатдан Миср маданиятини қабул қилган. Коҳинларнинг XXI ва XXII династиялари замонида Мисрнинг заифлашувидан фойдаланган Нубия мустақил бўлиб олади. Бироқ Нубия ҳокимлари Мисрнинг жуда кучли маданий таъсири остида бўлганликларидан ўзларини Миср фиръавнлари деб юргизганлар ва ёзувларини Миср тилида тузганлар. Нубия ҳокимлари муқаддас «Амон тоғлари»нинг Жабал-Баркал деган қоялари ёнидаги ўз пойтахтлари Напатада Мисрнинг олий худосига топинганлар, улар бу худони ўзларининг бош хазиналари бўлмиш «олтин конлари» шарафига «олтин» худо деб атаганлар; бу «олтин конлари» бир вақтлар Амоннинг Фива ибодатхонасига қарашли бўлган. Нубияпинг ҳукмдор доиралари Амон ибодатхонасининг фивалик коҳинлари билан айниқса маҳкам алоқада бўлганлар. Нубияда эрамиздан аввалги VIII асрда маркази Напата бўлган мустақил давлат ташкил топган бўлиши ҳам жуда мумкин. Бу даврдаги Нубия ҳокимлари ливияликлар ҳукмронлик қилган замонда Миср давлатининг ҳолдан кетганлигидан фойдаланиб ва Юқори Мисрда аста-секин ўрнашиб олиб, бутун Нил водийсини босиб олиш учун кураш бошламоқ мақсадида Фива области ва Фиванинг бой коҳинлари билан азалги алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Эфиопия бошлиғи Каштанинг ўғли Пианхи (эрамиздан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган) сиёсат соҳасида отаси олиб борган ишни давом қилдириб, зўр гайрат билан Мисрни истило қилишга киришади; Пианхи бу истилосини ўзининг катта ёзувида тасвирлаб берган. Напатадан топилган бу ёзув ҳозирда Қоҳира музейида сақланмоқда. Ғоят қимматли бўлган бу тарихий ёзувга қараганда, Саис князи Тефнахт Пианхининг асосий рақиби бўлиб, Тефнахт дельта билан Юқори Мисрнинг анчагина ўлкаларини ўз атрофида бирлаштиришга муваффақ бўлади. Пианхи ўзини Миср фиръавнларининг қонуний меросхўри ҳисоблаб, «ўзим подшоман, худо Атумнинг жонли сиймоси... марҳаматли худоман» дейди, Тефнахтни эса, «ғарбнинг бошлиғи» ва Ўрта дельта ўлкаларидан бирининг ҳокими ҳисоблайди. Пианхи ёзувида ўзини «кўп сонли армияга бошчилик қилиб, жанубга томонга қараб келаётган» Тефнахтдан Мисрни озод қилувчи деб кўрсатади. Пианхи Миср князлари билан лашкарбошиларининг чақиригига жавобан Тефнахтга қарши чиқади ва Тефнахт қушинлари устидан бир қанча ғалабаларга эришади. Пианхи Фивани қўлга олиб, Мемфис остоналарига яқинлашиб бора-

ди ва Шимолий Мисрнинг яхши мустаҳкамланган шу шаҳрини штурм билан олади. Пианхи Мисрни эгаллаб, Тефнахтни таслим бўлишга мажбур этади ва узини бирлашган Миср фиръавни деб эълон қилади. У Фивада таптапали маросим ўтказади. Пианхи ўз ёзувларидан бирида Амонга мурожаат қилиб, Фивада Опет байрами кунида ўтказиладиган дабдабали маросим вақтларида унинг (Амоннинг) образида бўлишга имкон беришни илтимос қилади.


Пианхи ворислари бутун Мисрда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаб олган. Шабака бўлса, бутун Мисрни идора қилган. Пианхининг тахт ворисларидан бири Тахарка Мисрни Осурия қўшинларининг ҳужумидан ҳимоя қилишга мажбур бўлган. Тахарка ўз подшолигининг 6-йилига оид бир ёзувда ўзини Мисрнинг чинакам фиръавни деб тасвирлайди; «худоларнинг бузилиб кетаётган ибодатхоналарини тиклаш учун, худолар ҳайкалларини ишлатиш учун, улар омборларини тўлдириш учун, уларга қурбонлик қилинадиган жойларни қурбоилик билан таъминлаш ва уларга ҳар турли назир-ниёзлар келтириш учун нима қилинса худоларга макул бўлар экан деб, кечаю кундуз ўйлаб ётган». Тахарка фойдали иш қилганини таъкидлаб, «бу мамлакат «Бутун борлик султони» (Озирис — *В. А.*) замонида ҳамма нарсага мул-кўл бўлгани каби, *менинг* вақтимда ҳам фаровон мамлакат бўлди» деб ғурур билан гапиради. Ҳар бир киши бирон нарса тўғрисида: «Қани энди мана шу нарса менда бўлса» деб айтмайди, эрталаб ҳам бемалол ухлай беради. Идора ишларига ҳаққоният киритилди, ёлғончилик эса ерга кўмилди», дейди. Бироқ Тахарка осурияликларнинг Мисрга бостириб киришини тўхтата олмаган. Асархаддон 671 йилда Мисрни истило қилади. Тахаркани қочиб кетишга мажбур этади. Ашшурбанипал замонида Осурия қўшинлари Мисрга икки марта босиб келиб, уни харобазорга айлантирадилар. Лекин бу вақтда Осурия ҳолдан кетиб, кучсизланиб бораётган эди. Ашшурбанипал Миср устидан ўз ҳокимиятини сақлаб қолмоқ учун, эфиопиялик подшоларга қарама-қарши улароқ, Шимолий Миср аристократиясига таяниб иш кўришга мажбур бўлади.

Саис ҳокимларининг Мисрни бирлаштириши

665 йилдан бошлаб Саисда Псамтик идора қилган. Псамтик Тефнахт авлодидан бўлиб, ливиялик аристократик уруғдан келиб чиққан. Ашшурбанипалнинг ёрдамига таяниб иш кўрган ва осурияликларнинг содиқ иттифоқчиси бўлган Псамтик бутун Мисрни ўз қўл остида бирлаштириб, янги XXVI династияга асос солган ва бу династия Саис династияси деб ном олган. Бу династия фиръавнлари замонида Миср янгидан бир қадар равнақ топган. Бироқ, бу Миср давлати ва

маданиятининг сўнгги марта, лекин кучсизроқ ривож топган даври эди.

Бу даврда Мисрнинг ташқи савдоси анча тараққий қилган. Фиръавн Нехо даврида Нил дарёсини Қизил денгиз билан туташтирадиган канал қуришга доир гоят катта ишлар олиб борилган, бу канал қурилиши билан Мисрдан Нубияга ва ҳатто ундан нари Пунтга тўғридан-тўғри борадиган сув йўли очилар эди. Сўнгра Геродот қолдирган маълумотга қараганда, Нехонинг буйруғи билан финикиялик денгизчилар кемада Африкани айланиб чиққанлар. Мисрнинг Шарқий Африка ва Ички Африка мамлакатлари билан савдо алоқаларини қайтадан бошлаб юборганлиги Миср ёзувларида тасдиқланиб кўрсатилади. Фивадан Нубия товарларини Мисрга олиб бораётган кемалар сурати солинган плита-тошлар топилган эди. Шу кемалар карвонини бошлаб борган Амон «кемаси»нинг командири Псамтик I замонида яшаган мисрлик Самтауи-Тефнахт деган киши бўлган. Абу-Сунбул ёнида грек ёзувлари топилган; бу ёзувда Миср қўшинлари ва, шу билан бирга, улар орасидаги грек ёлланма аскарлари ҳам, «Керкисдан юқорироққа чиқдилар» дейилади. Афтидан, бу Псамтик II замонида Нубияга қараб юриб, Нилнинг иккинчи шаршараси районигача бориб етган ҳарбий экспедиция бўлса керак.



Нубияликлар бошлигининг кумушдан ясалган тожи

Эрамизнинг III—VI асрлари

Аммо Миср Кичик Осиёдаги кария-лидия қабилалари билан, шунингдек, кенг территорияни эгаллаган грек дунёси билан ва, биринчи галда, ионийлар билан савдо соҳасида ва маданий соҳада айниқса маҳкам алоқа қилган. Милет савдогарлари ва колонистлари VIII асрдаёқ дельтанинг гарбий қисмида мустаҳкамланган савдо факториялари қурганлар. Псамтик I замонида Канобга яқин жойда ёлланган грек ас-

карлари учун лагерь қурилган. Қазиш натижасида дельтанинг шарқий қисмида ионийларнинг Дафнэ деган катта савдо посёлкаси бўлганлиги аниқлаиди. Дельтанинг ғарбий қисмидан грекларнинг Навкратис деган катта поселениесининг қолдиқлари қазиб топилди; бу ҳақда Геродот бир қанча қимматли маълумотлар беради. Навкратис харобаларидан жуда кўп ва хилма-хил сапъат асарлари ҳамда уй-рўзғор буюмлари топилган; булар грек савдогарлари келтирган ёки Мисрга кўчиб келиб жойлашган грек ҳунармандлари шу ернинг ўзида грек услубида ишлаган буюмлар эди.

Узоқ давом қилган урушлар ва осур қўшинларининг мамлакатни харобаларга айлантирган ҳужумлари натижасида тинкаси қуриган Миср энди ўз чегараларини душмандан ҳимоя қилиш ва Осиёдаги обрўйини сақлаш учун зарур бўлган кўп сонли армиялар туплай олмасди. Шу сабабли Саис фиръавнлари кўп жиҳатдан Кичик Осиё ва Грециядан ёлланган аскарларга таяниб иш кўришга мажбур бўлганлар; бу ёлланма аскарлар Миср қўшинларининг асосий моясини ташкил қилган бўлиши ҳам мумкин. Подшо Уах-иб-Ра (Априй) замонига оид Миср ёзувларидан бирида «ливиялик, осиёлик, грециялик ва бошқа чет эллик ёлланма аскарлар»нинг қўзғолои кўтаргани ва бу қўзғолончиларнинг фиръавнни Нубияга қочиб кетиши хавфини тугдирганлиги гапирилади. Бошқа бир ёзувда фиръавн Уах-иб-Ра (Априй)нинг армияга бошчилик қилгани ва бу армияда «беҳисоб греклар бўлганлиги» айтилади. Грек тарихчилари, жумладан, Геродот грек савдогарлари ва ёлланма аскарларининг Мисрга кириб борганлиги масаласига, Саис фиръавнларининг «Грецияга мойиллиги» ва ўша замонда мисрликлар билан греклар ўртасида жуда яқин маданий алоқа бўлганлиги масаласига катта эътибор берадилар. Бу фактларнинг ҳаммаси эрамиздан аввалги VII—VI асрларда греклар учун, уларнинг савдо ишларининг тараққий қилиши ва уларнинг Мисрни колонизация қилиши, яъни кўчиб бориб ўрнашиши учун катта аҳамиятга эга бўлган бўлса керак. Шу муносабат билан бир қанча афсона ва эртаклар майдонга келганки, Геродот булардан ўз асарида фойдаланади. Чунончи, Геродот ҳикоя қилишича, оракул Псамтик I га: «Миср одамлар», яъни бошдан оёгигача мисдан кийим кийган карийлар ва ионийлар денгиз орқали сенга ёрдамга келадилар, деб каромат қилган эмиш.

Ташқи савдонинг ривожланиши ва Мисрнинг греклар билан иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида пул хўжалигининг, пул (монета) ишинипг, ижарахўрликнинг энг қадимги формалари тараққий қилган. Мисрнинг иқтисодий жиҳатдан вақтинча бундай юксалиши қулдорлардан

ва ер эгаларидан иборат аристократларнинг ҳукмрон синфлари, асосан коҳинлар, ливиялик ҳарбий аристократия, кичик осиёлик ва грек савдогарларининг ҳамда маълум даражада ёлланма аскарларнинг бойиб, бадавлат бўлиб кетишига сабаб бўлган. Шу замонга оид ёзувлар ибодатхоналар ихтиёрида, биринчи галда, Фива ибодатхонаси ихтиёрида, шунингдек, олий коҳинлар, йирик амалдорлар қўлида, собиқ подшоҳалар ёки уларнинг авлодлари қўлида жуда катта бойликлар тўпланганлигини кўрсатади. Масалан, «насл-насаби князь бўлиб келган, (подшонинг) бирдан-бир дўсти, сарой оғаси, бош табиб, олтин сақланадиган хазинанинг бошлиғи, саройнинг нуфузли одами ва подшо оиласининг муътабар кишиси бўлган... Пефнефди-нейт деган бир катта мансабдор ўз ёзувида Абидос ибодатхонасига 1 минг арур (2735 га) ер топширганлигини айтади.

Саис фиръавнлари ички сиёсат соҳасида ливиялик ҳарбий аристократия, Миср коҳинлари ва грек савдогарлари ўртасида усталик билан иш олиб боришга тиришадилар. Саис фиръавнлари Мисрнинг нуфузли коҳинларига қарши, шунингдек, ҳалигача ҳам баъзи бир мустақилликка эга бўлишни даъво қилиб келаётган кўпдан-кўп князчаларга қарши кураш олиб борганлар ва, шу билан бирга, улар устидан бўлган ҳукмронликни мустаҳкамлаш учун чет элдан, асосан кичик осиёликлардан ва греклардан ёлланган аскарларга таянишга мажбур бўлганлар. Масалан, Псамтик I тахтга утиргандан кейин грек ёлланма аскарлари билан грек савдогарларига таяниб иш кўрмоқчи бўлади. У грекларнинг Навкратисдаги савдо колонияларига катта-катта имтиёз ва енгилликлар беради. Псамтик I Фива коҳинларини ўзига батамом бўйсундириб олмоқ учун ўз қизи Нейтикертни Амоннинг олий коҳини («худонинг қаллиги») Шепенонет II га қиз қилиб беради, тўғриси Шепенопет II ни шунга мажбур этади. Бу маълумот алоҳида ҳужжатда ёзилган бўлиб, бизгача сақланиб келган. Ташқи сиёсат соҳасига келганда, Псамтик I тушкунликка юз тутиб бораётган Осурияни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган. Псамтик I нинг шуҳрат қозониши ва зўрайиб кетишига Осурия подшоси катта ёрдам қилган. Шунинг учун ҳам Псамтик Осурия давлатининг яшаб туришидан манфаатдор бўлган. Псамтик кучли Бобил давлатига қараганда, кучсиз Осурияни афзалроқ кўрган. Шу сабабли, Псамтикнинг скифларнинг Миср чегараларига килган ҳужумларини қайтаришгина эмас, балки уларни Фаластин территориясида қувиб бориш учун қатъий чоралар кўрганлиги тасодифий бир ҳол эмасдир. Бунинг устига, Набопаласар тахминан 616 йилда Осурия устига қўшин тортиб келган пайтда Миср қўшинлари ҳалокат ёқасида турган Осу-

рия давлатини қутқазиб қолмоқ учун Евфрат ларёси бўйларида пайдо булади. Псамтикнинг ўғли Нехо Осурияга отасидан ҳам кўпроқ ёрдам беришга ҳаракат килган. Нехо 611 йилда тахтга ўтиргандан кейин, умумий куч билан Харранни босиб олмоқ учун ўз қўшинларини Осурияга ёрдамга жўнатган. Миср-Осурия қўшинлари Кархемиш шаҳрини ишгол қилишга муваффақ бўлганлар. Лекин Навуходоносор мисрликлар билан осурияликларнинг иттифоқчи қўшинларига Кархемиш олида зарба берган. Қархемишда ўтказилган қазишлар натижасида мисрликлар билан грек ёлланма аскарларининг шу шаҳарда бўлганлигини кўрсатувчи муҳим ёдгорликлар топилди. Бу ердан грек буюмлари, чунончи, Горгонанинг сурати солинган ионий қалқони, шунингдек, мисрликларнинг бронзадан ясалган ҳайкалчалари, Нехонинг номи ёзилган парчалар ва Псамтик номи ёзилган узук топилган.



Псамтик III ҳайкалининг бош қисми.

Гранит. Саис даври. XXVI династия. Париж. Лувр.

Нехонинг вориси Псамтик II (эрамиздан аввалги 595—589 йиллар) ота-боболари олиб борган филэллин (яъни эллинчилик) сиёсатини давом қилдирган. Унинг замонида Мисрнинг Греция билан алоқаси аввалгидан ҳам мустаҳкамланган. Геродотнинг ҳикоя қилишича, элидяплар Псамтик II ҳузурига элчилар юбориб, Олимпия мусобақаларини қандай қилсак яхшироқ ўтказамиз деб, мисрликлардан маслаҳат сўраганлар. Қадимги мисрликларнинг донишмандлигини ва уларнинг маданий тараққиёти юксак даражада булганлигини ҳар доим завқ билан мактаган Геродот, мисрликлар элида элчиларга жуда ўткир ва маъноли жавоб қайтарганларини айтади. Саис даврининг кейинги подшолари — Уах-иб-Ра (Априй) билан Яхмос II (Амазис) шу сиёсатни давом қилдиришга маж-

бур бўлганлар. Коринф дубулгасида подшо Уах-иб-Раннинг сақланиб қолган тасвири Мисрнинг бу фиръавни ҳатто киприк кийимида ҳам грекларга тақлид қилганлигини кўрсатади. Бу подшонинг грекларга мойиллик сиёсати Миср аҳолиси ўртасида норозилик туғдирган. Унинг подшолик даврида қўзголон кўтарилган. Уах-иб-Ра лашкарбошиларидан бири — Яхмос (Амазис) исъёнчиларга бош бўлиб, унинг асосан грек ёлланма аскарларидан иборат бўлган қўшинларини тор-мор келтирган ва ҳокимиятни ўз қўлига олган. Яхмос II киреналик грек қизига уйланиб, Самос тирани Поликрат билан ва Лидия подшоси Крез билан жуда яқин дўстона муносабатда бўлган. Яхмос II грек ибодатхоналарига катта-катта тортиқлар юбориб, бу билан грекларнинг дўстона муносабатда бўлишига ва ёрдам бериб, қўллаб-қувватлашига эришган. Яхмос II нинг актив ташқи сиёсат юргизганлиги Бобил ёзувларидан бирида акс этган, бу ёзувда Миср қўшинларининг ҳужумлари ҳақида гапирилади ва «Амасу»нинг номи тилга олинади.

Лекин бу давр мустақил Миср давлатининг сўнгги йиллари эди. Шарқда Эрон давлати ўсиб етилиб, у бутун қадимги Шарқ дунёсини ўз ҳукмроилиги остида бирлаштиришга ҳаракат қилаётган эди. Эроннинг жуда катта армияси ҳужумини қайтариш учун Мисрда етарли куч йўқ эди, у заифлашиб қолган эди. Яхмос II улгандан кейин, орадан кўп ўтмай, Эрон подшоси Қўмбиз 525 йилда Миср ерларига бостириб кириб, Пелузия ёнида бўлган жангда Миср қўшинларини тор-мор келтиради ва Псамтик III ни тахтдан агдаради. Шундай қилиб, бир вақтлар зўр шуҳрат қозонган, лекин эндиликда эса харобазорга айлантирилган қадимги фиръавнлар подшолиги Эрон давлати томонидан истило қилинади.

Саис даври маданияти

Янги Подшолик давридан бошлаб Миср кенг халқаро сиёсат майдонига чиқиб олади. Миср савдогарлари Фаластинга, Сурияга ва Финикияга тез-тез қатнаб турадилар. Мисрликлар Нубиянинг ичкарисига анча кириб бориб, жанубдаги узоқ Пунт мамлакати билан савдо алоқалари боғлайдилар. Миср фиръавнлари Олд Осиёнинг катта-катта ўлкаларини истило қилиб, 4-шаршарагача бўлган жойларда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Мисрликлар бир қанча қўшни халқлар билан алоқа қилиб, маданий жиҳатдан уларга анча катта таъсир кўрсатадилар ва, ўз навбатида, улардан ҳам кўпгина нарсалар ўрганадилар. Шундай қилиб, Миср билан Эгей дунёси, Олд Осиё ва Нубия ўртасида ўзаро маданий алоқа ва таъсир тобора кучайиб боради. Мисрнинг сиёсий таъсири кучсизланиб, Миср ўзининг чет эллардаги ерларидан маҳрум бўла борган ва ҳатто бошқа мамлакатларнинг ҳужумига учраб, истило қи-

линган сўнгги даврида ҳам Мисрнинг қўшни давлатлар билан савдо алоқаларн сақланиб қола беради. Ливиялик, эфиопиялик ва осуриялик истилочилар Мисрнинг юксак ва қадимги маданиятининг бир қадар таъсирига тушмасликлари мумкин эмас эди. Маданий жиҳатдан қолоқ бўлган ливияликлар билан эфиопияликлар Мисрни истило қилганларидан кейин, бир вақтлардаги гиксослар сингари, Миср маданияти таъсирига батамом деярли берилиб кетадилар, Мисрни истило қилиб, у ерда ўз династияларини барпо этган ливиялик ва эфиопиялик подшолар Миср фиръавнлари унвонини қабул қиладилар. Миср худоларига сиғинадилар, ўз ёзувларини мисрча ёзадилар ва ҳамма нарсада ўзларидан олдин ўтган Миср фиръавнларининг урф-одатларига гаклид киладилар. Чунончи, Тахарка ўзини «Горман[1], икки тожнинг эгасиман... ҳар икки мамлакатни ҳимоя қилувчи олтин лочинман, Юқори ва Қуйи Миср подшоси, марҳаматли худоман...» дейди. Нубия илгари вақтда ҳам Мисрнинг маданий таъсири остида эди, эфиопияликлар Мисрни истило қилган даврда эса бу таъсир янада кучаяди. Миср ибодатхоналарининг Нубия территориясида сақланиб қолган кўпгина харобалари Миср маданияти Нубияга нақадар кучли таъсир қилганлигидан далолат беради. Сўнгги мероит алифбеси ҳам (Мероэ — эрамиздан аввалги III асрда ва эрамизнинг III асрида яшаган энг сўнгги Нубия подшолиги) Мисрнинг демотик ёзуви асосида майдонга келган.



Фива ҳокими Монтуемхат ҳайкалининг бош қисми.

Граниг. Саис даври XXV—XXVI династия. Қоҳира музейи.

Миср маданияти Олд Осиё ўлкаларига, асосан, Фаластин, Финикия ва Сурияга, ҳаттоки узоқ Кипр оролигача бориб кирган. Фаластин билан Финикия территориясида мисрликларнинг кўпгина ёдгорликлари, шунингдек, Миср санъатининг кучли таъсири жуда аниқ билиниб турган маҳаллий буюмлар

[1] Гор — Қадимги Мисрда Ёруғлик ва Қуёш худоси.

топилди. Финикияликлар Миср худоларига, хусусан Гор, Тот, Пта, Хатхор ва асосан Озирисларга эътикод килгаплар, ривоятларга кўра, худо Озиреснинг жасади солинган табутни ёки унинг бошини денгиз тўлқинлари Библ шаҳри деворларига коқиб кетган эмиш. Қадимги яҳудийларнинг тавротда тўпланган дунёвий ва диний адабиётида қадимги Миснинг таъсири гоят кучлидир. XVIII—XIX династиялар давридаги Миср монотеизми тавротдаги ягона худо эътиқодининг ва Яхве деган ягона худога топинишнинг майдонга келишига таъсир қилмасдан қолмаган. Атон шаънига айтилган бир мадҳия Довуд сурасидаги оятлардан бирига ўхшайди. Мисрликларнинг ишқий лирикаси тавротдаги «Қўшиқлар қўшиғи» га яқин келади. Мисрликларнинг «Насиҳатномалари» ва «Карематномалари» тавроғ адабиётидаги шунга ўхшаш асарларда акс этган.



Кохив хайкалининг бош кисми.
Яшил шифер. Саис даври. XXVI династия.

Миснинг қадимги маданияти грек қабилаларининг эндигина юзага келаётган ёш маданиятига жуда кучли таъсир кўрсатган. Грецияда Миср коҳинларининг қадимги донишмандлигига, Мисрдаги дабдабали ибодатхоналарнинг тимсимларига, бойликларига ва зеб-зийнатларига мафтун эдилар. «Илиада»да «...Миснинг Фива шаҳрининг (бу ердаги уйлар хазиналарга тўлиб-тошиб ётибди) юзта эшиги бўлиб, ҳар бир эшикдан от минган ва жанг араваси ҳайдаган йигирмата ботир ёнма-ён бир қаторга тизилиб бемалол чиқиб кетиши мумкин» дейилади. Грек худоси Аполлоннинг азалги ҳайкаллари гавданинг олд томони ва шу даврдаги ҳайкалларга хос ялжайиб туриш жиҳатидан Миср ҳайкалларига ва, хусусан, Саис давридаги ҳайкалларга жуда ўхшайди. Нақш бериб ишланган грек кўраларида Миср сюжетлари ва мотивлари сақланиб колган. Мисрга келиб жойлашиб қолган грек эллинма аскарлари, савдогарлари ва колонистлари антик дунё билан суғиб бора-

ётган Миср маданияти ўртасида гўё бир боғловчи ҳалқа хизматини ўтаганлар.

Грекларнинг Мисрга киришларига кенг йўл очиб берган Саис фиръавнлари грек маданиятига ҳам Миср дарвозаларини очиб берганлар. Греклар Мисрда ҳарбий лагерлар, колониялар, шаҳарлар ва грек худоларига атаб ибодатхоналар қурганлар. Грек рассомлари ва ҳунармандлари ўз санъат асарлари ва ишлаган буюмлари билан Мисрни тўлдириб юборганлар, ҳунармандчилик эса айниқса Навкратисда авж олган. Санъатдаги бадиий реализм эрамиздан аввалги VI асрда Мисрда ғоят юқори чўққисига чиққан. Мисрнинг шу замонга оид ўймакор расмларида рассом одам гавдасини ён томондан тасвирлаб, юза устига одамлар ва буюмларни эркин жойлаштиради. Бу даврда Мисрда портрет ҳайкалтарошлиги бадиий жиҳатдан юксак камолотга етади. Монтуемхат ҳайкалининг бош қисми (XXV—XXVI династиялар) ва коҳин ҳайкалининг яшил шифердан ишланган бош қисми портрет ҳайкалтарошлигининг энг нодир асари ҳисобланади.

Четдан бўлган баъзи бир таъсирлар Мисрга Финикия ва Фаластиндан ўтган. Масалан, оташкада қурбонликни куйдириш одати Мисрга Ханаандан утган бўлса керак. Финикиялик колонистлар билан яҳудий колонистлар Мисрда ўз худоларига бағишлаб ибодатхоналар қурганлар, бу эса қадимги мисрликлар диний эътиқодларининг ўзгаришига баъзи бир жиҳатдан таъсир кўрсатар эди. Мисрда ливияликлар ҳукмронлик қилган даврдан бошлаб ливияликларнинг қадимги маъбудаси Нейтга топиниш кучайиб, ливиялик подшолар ва уларнинг ворислари, Саисда ўрнашиб қолган XXVI династия фиръавнлари (Саисда эса маъбуда Нейтга илгаридан топинар эдилар) бу маъбудани айниқса иззат қилганлар. Соқолли пакана худо Бес маъбудаси (бу худо Нубия билан Пунтдан ўтган бўлса керак) Мисрда сунгги вақтларда жуда кенг ёйилиб, то христианлик давригача сақланиб келган. Буларнинг ҳаммаси Миср билан Африка, Олд Осиё ва Эгей денгизи соҳилларидаги қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро маданий таъсирнинг чуқур илдиз отганлигини кўрсатади.

Миср билан қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро маданий алоқалар чуқурлашиб борган даврда, айни мана шу даврда, Миср давлати аста-секин кучсизланиб боради, бу нарса Мисрга чет элликларнинг кириб келиши, чет элликлар таъсирининг ана шу зур тўлқини ичида Миср маданиятининг аралашқуралаш бўлиб кетиши туфайли, Мисрнинг қадимги одати ва динининг унутилиб юборилиши туфайли Миср тушкунликка юз тутди, деган фикрни майдонга келтириб чиқаради. Худди шу даврда, асосан, Саис даврида чет элликлар таъсирига



Тахо саркофагидаги диний тасвирлар ва ёзувлар.
Саис даври. XXVI династия. Париж. Лувр.

карши реакция бошланиб кетади ҳамда Қадимги Подшолик замонида Мисрнинг дастлабки гуллаган давридаги қадимги давлат формаларини, ўша даврдаги тил, ёзув, санъат ва динни тиклаш, хуллас, ҳамма соҳада қадимги Мисрни қайта тиклаш ҳаракати қизиб кетади. Миср коҳинлари дин ва турмуш соҳасига бир қанча тақиқлар киритиш йўли билан Миср халқини ва, биринчи галда, ўзларини чет элликлардан тамомила ажратмоқчи бўладилар. Геродотининг ёзишича, «Мисрнинг на эркаги, на аёли ҳеч қачон эллинлик билан лабини лабига қўйиб ўпишмас, эллинлик одамнинг пичоғи, вилкаси, козонини тутмас, ҳаттоки эллинлик одам пичоғи билан сўйилган ҳалол мол гўштини ҳам емас эди». Урф-одатларни ado этишдаги қаттиқ талаблар, баъзи овқатларнинг маи этилиши ва диний эътиқодни тоза сақлаш тўғрисидаги қаттиқ талаблар мисрликлар билан чет элликларни бир-биридан ажратиб қўйган эди. Кўпдан унутилиб кетган эски урф-одатларни атайин қовлаб чиқаришга уриниш ўзига хос архаизация, яъни бутун эскиликка тақлид қилиш — ёзув ва адабиёт ёдгорликларида ҳам, санъат асарлари ва эътиқод қилинадиган буюмларда ҳам очиқ сезилиб туради. Алифбе аломатларининг кенг тарқалишига ва алока-иш ҳужжатларини тез ёзиш учун қулай бўлган тез ёзувнинг, яъни демотика деб аталган ёзувнинг соддалашган бўлишига қарамасдан, мураккаб ва қадимги қўпол иероглиф ёзув системаси атайин сақланади ва ҳатто яна бирмунча мураккаблаштирилади. Диний текстларда Қадимги Подшолик давридаги пирамидалардан олинган текст парчалари учрайди, бу парчалардаи диққат билан нусхалар оладилар ва кўчирадилар. Кадимги мисрликларнинг ҳудолари бўлган Изида ва Озирисга топиниш кенг тарқала бошлайди. Нейтикерт номли хотин подшонинг (XXVI династия) сарой арбобларидан бўлган Иба номли коҳин Озирис шарафига солинган ибодатхонани қуришда кўрсатган меҳнатини тасвирлаб ёзиб колдиради. Яхмос II замонида бир қанча юқори мансабларда турган Пефнефдинейт номли бир йирик мансабдор Абидосда Озирис ибодатхонасини тиклаш ва кенгайтиришда кўрсатган хизматини батафсил ёзиб қолдирган. Бу одам «хароб бўлган муқаддас ёзувлар уйини яна қайтадан тикладим ва Озирис шарафига қилинадиган назр-ниёзлар рўйхатини тузиб, ҳамма ёзувларни тартибга солдим» деб ғурур билан гапиради. Аммо Мисрда турли ҳайвонларга топиниш, жумладан, Бубастисда хусусан иззат қилинган маъбуда Бастетга бағишланган муқаддас ҳўкиз (Апис)лар билан муқаддас мушукларга эътиқод қилиш сўнгги вақтларда кенг тарқалади, муқаддас ҳайвонларнинг катта-катта гўрлари ва бу ҳайвонларнинг ҳозирда Мисршунослик музейларида сақ-



Фивада худо Амон «муқаддас қуй»нинг ҳайкали.

Саис даври. XXVI династия

лападиган кундан-кун ҳайкалчалари ва суратлари шундан далолат беради. Шу билан бир вақтда сеҳргарлик кенг ёйилади, сеҳргарлик табиатдаги турли ҳодисаларни ўзида гавдалантирувчи янгидан-янги аралаш худоларга топиниш (синкретизм ва пантеизм) билан бирга ривожланиб боради. Санъат ва адабиётда ҳам узоқ ўтмишни қайта тиклаш, эски замондаги нарсаларга тақлид қилиш ҳаракати бошланади. Адабий асарларнинг сюжетлари қадимги подшоларнинг, жумладан, Рамзес II нинг образлари билан боғланади, ривоятларга қараганда, Осиёдаги бир подшонинг касал ётган қизини даволаш учун Рамзес II худо Хонсу ҳайкалини юборган эмиш. Ўрта Подшолик давридаги Миср адабиётининг гуллаб-яшнаган классик замонларига мансуб услуб ва фразеология адабий асарларда қайта тикланади. Тасвирий санъат соҳасида Қадимги Подшолик замонидаги бадиий асарларга тақлид қилиш, баъзан эса тўппа-тўғри улардан кўчиришга интиладилар.

Буларнинг ҳаммаси қадимги маданиятни сунъий равишда тиклаш билан мазкур даврдаги маданий ижодиёт формалари ўртасида катта зиддият тугилишига сабаб бўлади, ҳолбуки, мазкур даврнинг маданий ижодиёти қадимги Миср халқининг ҳали яшовчанлигини кўрсатар эди. Чунончи, демотик ёзув жуда эскирган диний ва расмий иероглификадан, халқ тили кадимги классик даврнинг ўлиб кетган адабий тилидан, диннинг халқ орасида кенг ёйилган формалари коҳинларнинг мураккаб диний акидаларидан, янги реалистик санъат жуда қадимги бадиий асарларининг айнан қайтарилишидан ажралиб қолади.

Лекин Миср давлатининг ва Мисрнинг мустақиллиги ва ўзига хослигини сақлаб қолиш йўлидаги сўнгги уринишларнинг ҳаммаси ҳам беҳудага кетади. Миср давлати Эрон истилочиларининг зарбалари остида қулайди. Бироқ Миср маданияти йўқ бўлиб кетмайди, бу маданият қўшни халкларнинг ва, асосан, грекларнинг маданий тараккиётига жуда кучли таъсир кўрсатади.



XXVI династия замонидаги подшо ҳайкалининг бош қисми.
Шифер.



Доро I овда.

Эроннинг цилиндр шаклидаги мухридан туширилган нусха.

XVIII БОБ

ҚАДИМГИ ЗАМОНДА ЎРТА ОСИЁ ВА ЭРОН

Табиий шароитлари

Ўрта Осиёнинг шарқи ва шарқи-жанубий баланд тоғликлар билан қопланиб, бошқа томонлари кўпинча дашт ва қум чўлларидан иборат бир ўлкадир. Ўрта Осиё гарбда Каспий денгизининг шарқий қирғоқбўйи билан, шарқда эса Тарбагатой ва Жунгория тизмалари билан, Хитойнинг гарбий областлари (Қашғария) билан, ниҳоят, жануби-шарқда — Ҳиндикуш тоғлик райони билан чегарадош. Ўрта Осиёнинг тўртдан бир қисми тоғлик районлардан иборат бўлиб, булар орасида баланд тоғлик Помир области алоҳида ажралиб туради. Ўрта Осиёнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бу областнинг аҳолиси шарқий эрон қабилалари группасидан иборат бўлиб, улар то энг сўнгги нақтларгача ўзларида ибтидоий жамоа тузуми қолдиқларини сақлаб келган. Ўрта Осиёнинг қолган қисми жуда катта текисликдан иборат бўлиб, бу текислик шарқдан гарбга, Каспий денгизининг қирғоқбўйларига томоп катта-катта террасалардек қаватма-қават бўлиб, секин-аста пастлашиб боради. Ўрта Осиё — суви денгизга оқиб чиқиб кетмайдиган катта ҳавзадир. Унинг баъзи бир дарёлари кўлларга бориб қуйилади ёки денгизгача бориб етмай, қумлар ичида йўқолиб кетади. Ўрта Осиёнинг иқлими қуруқ континентал иқлимдир. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг кам сонли дарёларининг водийлари, асосан Сирдарё, Амударё, Зарафшон,

Мурғоб ва бошқа дарёларнинг водийлари кишиларнинг ҳаёт кечириши учун энг қулай районлар бўлган. Аммо қадимги Шарқнинг бошқа кўпгина мамлакатларидаги сингари, Ўрта Осиёда ҳам канал қазиб сув чиқариш ва суғориш, катта дарёларнинг сув ресурсларидан, шунингдек, ерости сувларидан фойдаланиш йўли билангина деҳқончиликни ривожлантириш мумкин бўлган. Ерости сувларидан фойдаланиш учун ерости каналлари (кариэлар) қазилган.

Эрон баланд ясситоғлик мамлакат бўлиб, уни деярли ҳамма томондан тоғ тизмалари маҳкам ўраб туради. Жанубда ва жанубий-ғарбда Эрон платосини (яйласини) жанубий Эрон тоғ ёйи ўраб олган. Шимоли-ғарбда Загра тоғлари Эроннн Месопотамиядан ажратиб туради, шарқда Брагуй тоғлари ва Сулаймон тоғлари Эрон ясситоғлигини Ҳинд хавзасининг ғарбий қисмидан ажратиб туради. Шимолда Копет-Доғ ва Ҳиндикуш тоғлари Эроннн маданий тарихий жиҳатдан ҳам, этнографик жиҳатдан ҳам у билан жуда яқиндан боғланган Ўрта Осиёдан ажратиб туради. Эрон аҳолиси узоқ вақтлргача деярли ҳамма томондан тоғлар билан ҳимоя қилинган худди қалъада яшагандек яшар эди, қўшни халқларнинг маданияти бу қалъага жуда оз кира олган, холос. Фақат шимолда яшаган Эрон қабилалари ўзларига қон-қардош бўлган, Ўрта Осиё территориясида яшаган шарқий Эрон қабилалари билан жуда яқин алоқада бўганлар. Эрон қабилалари жаҳон тарихи майдонига қадимги Шарқнинг бошқа халқларидан кейинроқ кириб келганлар. Эроннинг қадимги замонда Элам деб ном олган жанубий-ғарбий қисмигина Жанубий Месопотамияга яқин бўлганлиги туфайли, жуда қадим замонлардаёқ қадимги Шарқ дунёсининг маданий ҳаётидан ўрин олган.

Эрон ясситоғлигининг типик континентал иқлими температураннинг кескин ўзгариб туриши ва тез-тез қургоқчилиги билан фарқ қилади. Теҳрон районида ёғинларнинг йиллик миқдори 250 *мм* га, Эроннинг ички областларида эса фақат 125 *мм* га етади. Ёз фаслида бу ерда деярли ёмғир ёғмайди, ёғинларнинг энг кўп миқдори қиш вақтига тўғри келади. Каспий денгизига ва Форс қўлтиғига туташган тоғларда ва районларда ёмғир кўп ёғади. Тоғларнинг Форс қўлтигига ва Арабистон денгизига қараган жанубий ён бағирларининг иқлими анча юмшоқ ва намли бўлгани ҳолда, тескари томон ён бағирлари қуруқ ва кескин континентал зонага киради. Эрон ясситоғлигининг марказий қисми шўр кўл ва шўрхок ботқоқликлар жойлашган сувсиз районни ташкил этади. Эрон территориясида дарёлар жуда оз, улар кам сувли, кемалар қатнаши учун ноқулай ва бунинг устига, улар денгизгача бориб етмай, қуруқ даштда ёки қум чўлларида йўқолиб кетади.

Гильменд деган катта дарё Ҳиндикуш тоғларидан бошланиб, ўз йўлида кўпдан-кўп тоғ дарёчаларининг сувини ўзига қўшиб боради, лекин бора-бора кўп сувини йўқотади ва Марказий Эроннинг сувсиз кенг чўлларига келганда аста-секин тугайди. Иқлимнинг континентал (қуруқ) бўлиши, ёғинларнинг етарли даражада бўлмаслиги ва ички сувларнинг *озлиги қадим* замонлардаёқ аҳолидан ўзига хос мураккаб суғориш системаси қуришни талаб қилган, бу мақсад учун тоғлардаги қорларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлардан, тоғ кўлларидан ва ерости сувларидан фойдаланилган.

Эрон ясситоглигида қазилма бойликлар, хусусан металл рудаси билан нефть жуда кўп. Эроннинг турли қисмларида (*Мозандарон*, Язд ва Форсда) темир рудаси бор, Эльбруснинг ён бағирларида эса у айниқса кўплаб учрайди. Эрон ясситоглигининг кўп районларида, жумладан, Қорадогда (Эрон Озарбайжонида) мис рудаси, шу ернинг ўзида қалай ҳам бор. Язд яқинида ва *Техроннинг жануб* томонида мис чиқарилади. Ниҳоят, Эрон территориясида олтин, кумуш ва қўргошин учрайди. Луристонда топилган бронза буюмлар ва Сузада топилган турли хил қурол-яроғлар жуда қадим замонлардан буён Эронда турли металлар қазиб келинганлигини кўрсатади.

Ички Эрон областларига қараганда нам иқлимли полосадаги тоғ ён бағирлари, шунингдек водийлар ўрмонзорлар билан қопланган. Қулай иқлим шароитлари бу районлардаги аҳолига мевачилик билан шуғулланишга имкон берган. Қурғоқчилик ҳукм сурган районларнинг даштларида ва тоғ ён бағирларида ўт-хашак кам бўлган. Бу ерда фақат майда чорва моллар боқилган, холос.

Карвон йўллари Каспий бўйи районини Форс кўлтиғининг қирғоқбўйлари билан боғлаган, Дажла дарёси водийсидан шарққа ва Эроннинг шарқий областларидан Ҳиндистонга боралиган карвон йўллари ҳам бўлган. Месопотамиядан Диала водийси орқали Мидия областига муҳим савдо йўли борган; Мидиянинг пойтахти Экбатандан катта савдо йўли Сузианага борган, Қобул водийси эса Ҳиндистонга йўл очган. Бир қанча *савдо йўллари Эронни Закавказье* билан ва Ўрта Осиёнинг областлари билан бирлаштирган.

Аҳолиси

Месопотамия билан Эрон ясситоглиги ўртасида жойлашган тоғлик областларда эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликдаёқ касситлар деган қабила яшаган бўлиб, энг сўнгги грек ёзувчилари уларни коссайлар ёки киссайлар, шунингдек каспийлар ҳам деб атаганлар; уларнинг қабилавий номи Каспий денгизи номида сақланиб қолган. Бу қабилалар элам қабилаларига яқин бўлиб, уларнинг номи энг қадимги шумер ва аккад ёзувларида

учрайди. Эламийлар Карун ва Карха дарёлари (Улан ва Укну деган қадимги дарёлар) ҳавзасидаги Шумердан шарқ томондаги катта тоғлик ўлкада яшар эдилар. Шимолроқдаги тоғлик областларда лулубей қабилалари яшаган, шумер ва аккад қабилалари лулубей қабилаларига маданий жиҳатдан катта таъсир кўрсатганлар. Бағдод билан Ҳамадон ўртасидаги Сарпулга яқин жойда лулубей мадапиятига доир бир қанча ёдгорликлар топилган. Бўртма расмлардан бирида подшо Анубанининг асирни оёғи билан босиб турган сурати бор. Маъбуда *Ишнина* қўлга туширилган асирларни подшога олиб бормоқда. Аккад ёзувларига ва суратларнинг бадиий услубига қараганда, бу ёдгорлик Нарамсин замонидан (эрамиздан аввалги XXIII асрдан) қолган. Лулубей ёдгорликлари яна Персеполь билан Суза ўртасидаги жойдан ҳам топилган. Бу ёдгорликлар мукаддас илонларга ва тоғлардан оқиб тушадиган сувларга сигинган қадимги тог қабилаларининг ўзига хос бир услубида ишланган бўлса ҳам, аммо шу билан бирга, бу ёдгорликларда Шумер маданияти таъсирининг излари сақланиб қолган. Эроннинг жанубий-ғарбий қисмида, Хузистонда, шунингдек Эрон ясситоғлигининг шарқида, Блужистонда қадимги қоратанли аҳолининг қолган-қутганлари сақланиб қолган. Қадимги замонда бу қабилалар Эритрей қирғоқ бўйларида, Эламдан то Хинд дарёсининг денгизга қуйиладиган жойигача бўлган ерларда, шунингдек кисман мамлакатнинг ички қисмларида яшаган бўлсалар керак. Геродот Эрон подшолигининг икки округида жойлашган парнканийлар ҳақида гапиради ва уларни «осиёлик ҳабашлар» каторига қўшади. Булар қоратанли қабилалар бўлиб, уларни Геродот ташқи аломатларига кўра, Африка ҳабашларига ўхшатган бўлса керак.

Ғарбий Эрон территориясида катта қабила иттифоқлари тузган мидияликлар билан форслар тўғрисида биринчи марта эрамиздан ав. IX асрда Осурия ёзувларида гапирилади. Масалан, Салманасар III нинг йилномасида унинг эрамиздан ав. 835 йилда Наири мамлакатига юриш қилиб, бу ерда у «Парсуа мамлакатининг 27 подшосидан ҳадялар олгани» ва у ердан «мидияликлар... мамлакатига» йўл олгани гапирилади. Эрамиздан ав. IX—VII асрларда Осурия подшолари мидияликлар билан форсларнинг мамлакатига бир неча марта босқинчилик юришлари қилиб, у ерлардан жуда кўп ўлжалар: асирлар, қорамол (от, қўй, хачир, туя) ва ўша вақтда жуда қимматбаҳо ҳисобланган ложувард тош олиб кетганлар.

Касситлар, лулубейлар ва эламийлар Олд Осиёнинг азалги аҳолиси жумласига кирган. Ғарбий, айниқса Жанубий-ғарбий Эронда яшаган эронликлар ғарбий Эрон қабилалари

группасига кирган. Қадим замонларда Каспий денгизидан то Ҳиндикуш ва Тянь-Шань тогларигача чўзилиб кетган кенг майдонларда яшаган шаркий эрон қабилаларини ўша вақтда грек тарихчилари скифлар ва массагетлар деб атаганлар, қадимги эрон ёзувларида эса улар саклар деб юритилган. Асосан Ўрта Осиёда ва унга туташган областларда яшаган саклар учта катта группага бўлинган: 1) хаумаварка саклари — тахминан Фарғона ва Помир районларида яшаган (хаома деган муқаддас ўсимликка эга бўлган саклар); 2) тиграхауда саклари — Қиргизистон билан Қозоғистоннинг дашт областларида яшаган (чўққи қалпоқ кийиб юрувчи саклар); 3) тиай-тара-дарайя саклари — Ўрта Осиёдаги катта дарёлардан бирининг бўйида яшаган (денгизнинг ёки дарёнинг нариги ёгида яшаган саклар). Антик ёзувчилари асарларида ва қадимги эрон ёзувларида яна Каспий денгизидан шарқ томонда, эҳтимол, Жанубий Туркманистон областларида яшаган дайлар ёки дахлар тўғрисида гапирилади. Дахлардан шимоли-шарқ томонда (то Сирдарёгача чузилиб борган ерларда) скиф-сак қабилалари группасидан бўлган массагетлар яшаган. Амударёдан гарб томонда хоразмликлар яшаган. С. П. Толстовнинг кейинги қазишлари туфайли буларнинг қадимги маданияти хаммага маълум бўлди. Амударё билан Сирдарёнинг қуйи оқими ўртасида, Зарафшон дарёси хавзасида қадимги сўғдлар яшаб келган, уидан жануброқда — то Мургоб дарёсигача чўзилган жойларда, шунингдек, ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг бутун территориясида бактриялик-лар яшаган. Бу қабилалар Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери яшаб келаётган бурунги тожиклар билан туркий халқларнинг ота-боболари эдилар.

Манбалар


Ўрта Осиё ва Эрон территориясида ёзма манбалар жуда кам топилганлиги сабабли, бу мамлакатларнинг қадимги замондаги тарихи ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Аҳманийлар династиясидан (эрамиздан аввалги 558—330 йиллар) чиққан дастлабки Эрон шоҳларининг ҳукмронлик қилган даврига оид топилган кам сонли Эрон михсимон ёзувлари орасида Керман шоҳининг шарқидаги Бехистун қоясига ўйиб ёзилган катта хат жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ёзувда Эрон подшоси Доро I Қумбиз (Камбиз) ўлгандан кейин кўтарилган қузголонни қандай қилиб бостирганини, барча исёнчиларни қандай тор-мор қилганини, саклarга қарши қўшин тортиб бориб, Эрон давлатининг бутунлигини қандай қилиб тиклаганини муфассал тасвирлайди. Сувайш канали районида сақланган ва миср тилига таржима қилинган қадимги Эроннинг миххати ҳам шу шоҳга мансубдир. Бу ёзувда Нил билан Қизил денгизни бирлаш-


тирувчи канал қазилганлиги, ундан кейин «кемалар шу канал орқали Мисрдан Эронга қараб юра бошлаганлиги» ёзилади. Сузадаги сарой қурилишига доир ёзувда Доро I нинг бинокорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида хабар берилади. Қадимги Элам шаҳрининг харобаларидан топилган бу ёзувда сарой бинокорлиги учун кўпгина узоқ мамлакатлардан келтирилган турли хил материаллар тўғрисида бир қанча қимматли маълумотлар бор. Доро I нинг ёзувларида, қисман Бехистун ва Нақши-Рустам (Персеполь яқинида) ёзувида, Эрон шоҳлиги составида область ва мамлакатларнинг рўйхати сақланиб колган. Ксерксинг яқингинада топилган ёзуви қадимги эронликларнинг динини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бу ёзувда қадимги қабила худолари — дайвлар ман қилиниб, давлат томонидан танилган олий худо Ахурамаздага сиғиниш расм қилингани айтилган.

Эроннинг кўпгина ёзувлари эронликларнинг миххат текстларидагина эмас, балки уларнинг бобил, элам ва миср тилларига қилинган таржималарида ҳам сақланган. Бу эса шу ёзувларнинг мазмуни ва формасини пухта ва хар томонлама ўрганиш имкониятини беради.

Бобил ва Миср ёзувлари қадимги Эрон ёзувларининг камчилигини бир қадар тўлдиради. Масалан, Қайхисров (Кир) нинг манифести ва Набониднинг Бобил хроникаси Бобилнинг Қайхисров қўшинлари томонидан босиб олинишини батафсил тасвирлайди ва Эрон давлатига асос солган бу кишининг ташқи ва ички сиёсати тўғрисида бир қанча маълумотлар беради. Янги Бобилнинг Аҳмонийлар замонига оид жуда кўп ҳужжатлари Месопотамиянинг шу даврдаги хўжалик ва ижтимоий тузумини очиқ-ойдин қилиб тасвирлаб беради. Эронликларнинг Мисрни истило қилган ва Эрон шоҳларининг Мисрда хукмронлик қилган замондаги Миср ёзувлари ҳам анча катта аҳамиятга эга. Масалан, Сайсдаги маъбуда Нейтнинг бош руҳонийси коҳин Ужагорресентнинг ёзуви ҳам Мисрнинг олий коҳини билан Эрон шоҳи ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашга имкон беради. Мисрнинг эронликлар томонидан истило қилинган даврдаги хўжалик ҳаётини характерловчи демотик ёзувлар ҳам худди шу даврга оиддир. Пиҳоят, бепоён Эрон давлатининг турли қисмларида, жумладан Мисрда топилган арамей ёзувлари ҳам анча аҳамиятга эга.

Аҳмонийлар давридаги ёзувлар етарли даражада бўлмаганлиги учун моддий маданият ёдгорликларидан, санъат асарлари ва диний эътиқод ёдгорликларидан пухталик билан фойдаланиш талаб этилади. Эрон территориясида ўтказилган қазиш ишлари ҳали жуда тор доирада олиб борилган бўлса ҳам, лекин улар баъзи бир қимматли натижаларни берган.


ҚАДИМГИ ЗАМОНДАГИ ЭРОН ВА ЎРТА ОСИЁ
Ашшур Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари
Масуда Аҳоли яшайдиган жойларнинг дозирги номлари
СКИФЛАР
МАССАГЕТЛАР
ҚОРА ДЕНГИЗ
КАСПИЙ ДЕНГИЗИ
ОРОЛ ДЕНГИЗИ
ХОРАЗМ
СОҒДИЁНА
БАҚТРИЯ
ХИНДИКУШ ТОҒЛАРИ
ГАНДХАРА
ПАРФИЯ
ГИРКАНИЯ
МАРГИАНА
АРИЯ
ДРАНГИЯНА
САТТАГИДИЯ
АРАХОЗИЯ
СУЛАЙМОН ТОҒЛАРИ
ГЕДРОЗИЯ
КАРМАНИЯ
ПЕРСИДА
ФРИГИЯ
КАППАДОКИЯ
КИЛИКИЯ
АРМЕНИЯ
ЎРТА ДЕНГИЗ
МИСР
НУБИЯ
ЭФИОПИЯ
ЛИВИЯ
ФИНИКИЯ
ИУДЕЯ
ЭДОМ
ФАРС
ЭЛАМ
МЕСОПОТАМИЯ
ХАЛДЕЯ
АРАБИСТОН
ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ
ФОРС ҚЎЛТИҒИ
ОМОН ДЕНГИЗИ
ҲИНДИСТОН
Борисфен (Днепр)
Истр (Дунай)
Танаис (Дон)
Ра (Волга)
Боспор бўғози
Сардис
Эфес
Милет
Родос о.
Крит о.
Тарс
Сидон (Сайда)
Тир (Сур)
Самария
Газа
Кудус
Пелусий
Мемфис
Пелуза
Элионгевер
Акаба
Фивы
Элефантина о.
Мероэ
Севан к.
Ван к.
Урмия к.
Ниневия
Ашшур
Вавилон
Бехистун
Багдад
Бебил
Тир
Верно
Сузалар
Тепа-Сиёлк
Пасаргада
Бахтегон к.
Бушир
Бандар-Аббас
Чабахар
Мохинна-Дара
Чанжу-Дара
Ҳарахоти
Ҳинд
Ҳамадон
Ниса
Ашхобад
Ахал
Мерв (Марв)
Бактра
Термез
Кобул
Таксила
Ҳиндистон
Ҳелманд
Ҳирот
Ҳамун к.
Ҳавзи-Зарра к.
Ҳарахоти
Ҳинд
Ҳиндистон
Ҳамадон
Ниса
Ашхобад
Ахал
Мерв (Марв)
Бактра
Термез
Кобул
Таксила
Ҳиндистон
Ҳелманд
Ҳирот
Ҳамун к.
Ҳавзи-Зарра к.
200 0 200 дан км



Геометрик нақш солинган сопол идишлар

Сузадаги некрополдан топилган.

Эронда археологик текшириш ишлари XIX аср ўрталарида бошланган. Фланден ва Коста Персеполдаги саройида ластлаб қазишлар олиб борилади. Улар бу ерда ҳайкалтарошлик ёдгорликларини тондилар ва Эрон шоҳларининг тахт залини тикламоқчи бўлдилар. XIX аср охирида де-Морган Сузада катта қазиш ишлари ўтказиб, тош куроллар ишлатилган энг қадимги (архаик) замонлардан то Эрон давлатининг равпақ топган давригача, яъни Суза Эроннинг муҳим маъмурий ва маданий марказларидан бири бўлган давргача етиб келган бир қанча археологик қатламларни топди. Ниҳоят, XX асрда кадимги Эроннинг пойтахти — Персеполда кисман казиш ишлари ўтказилди. Бу ерда тупроқни ўйиб ясалган терраса устида курилган катта саройнинг харобалари топилди, саройга бўртма расмлар солиб безатилган кенг зинапоядан чиқилган ва катта-катта дарвозаларга шоҳ саройини қўриқловчи қанотли муқаддас ҳўкизларнинг ҳайкаллари ишланган. Персеполда топилган ажойиб санъат ёдгорликлари орасида шоҳнинг сурати, шунингдек шоҳга турли хил совға-саломлар олиб келаётган хирож тўловчи қабилаларнинг сурати айниқса қизиқарлидир.



Персеполдаги Доро I саройининг харобалари.

Ўрта Осиёнинг турли районларида совет олимлари олиб борган кенг кўламдаги қазиш ишлари илмий жиҳатдан анча катта аҳамиятга эга. Бу археологик қазишлар Ўрта Осиёда инсон ҳаёти ва маданиятининг жуда қадимги ўчоқлари бўлганлигини аниқлаб берди. Тешиктош ғоридан палеолит даврига оид бола скелетининг қолдиқлари ва дагал қилиб ишлан-

ган тош қуроллар топилди. Ўрта Осиёдаги энг қадимги аҳолининг моддий маданият тараққиётини неолит замонларидан, яъни миснинг пайдо бўлиши, сўнгра эса, бронза қуролларнинг тарқалиши даврidan бошлаб анча муфассал текшириб билиш мумкин. Дастлаб Ашхобод яқинида, кейин эса Ўрта Осиёнинг турли районларида топилган «Анау маданияти» ёдгорликлар бу даврларни ўрганиш учун айниқса аҳамиятлидир. Бу ёдгорликлар ичида ўзига хос бир геометрик нақшлар солиб безатилган рангдор сопол идиш қолдиқлари катта аҳамиятга эга.

Бу нарсалар материали, формаси ва бадиий нақшлари жиҳатидан «Анаунинг бўёқли сопол типи» бўлиб, бу тип Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида, Фарғонада ва Хоразмда учрайди.

Ўрта Осиёдаги энг қадимги халқларнинг моддий маданияти ва тарихини ўрганиш учун 1937 йилдан 1951 йилгача Хоразмда ўтказилган қазиш ишлари жуда катта аҳамиятга эга бўлди, бу қазишлар каттагина илмий натижалар берди. Қизилқум чўлларида неолит даврига оид чайла уй топилиб, ундан суякдан ва чақмоқ тошдан ясалган жуда кўп курол-асбоблар қазиб олинди. Кейинги даврдаги чайла уйларда бронза қуроллари, ниҳоят эрамиздан аввалги биринчи минг йилликка оид чайла уйларда темирдан ясалган қурол-яроғлар топилган. Сопол идишларнинг сақланиб қолган намуналарига кўра, қадимги Хоразмда яшаган қабилаларда бир неча минг йил давомида моддий маданият аввалдан ўсиб, равнақ топиб келган. «Атрофи девор-уйлар билан ўралган шаҳарлар» ни, турли тиндаги овуллардан тортиб бутун-бутун шаҳарларни қазиш минг йил ичида (эрамиздан ав. VI асрдан эрамизнинг VI асригача) ўтган машаққатли тарихий ҳаётни бошидан кечирган қадимги Хоразм маданияти тўғрисида тушунча беради. Турли хил қишлоқ харобаларидан топилган «Оловхоналар» айниқса тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бу жойлар жамоат ҳаётининг марказлари ҳисобланган ва эҳтимол диний жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларидир, шунингдек бу ердан топилган ажойиб санъат ёдгорликлари, чунончи, ҳайкаллар ва деворга солинган монументал суратлар ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эга. Қадимги Хоразмнинг кейинроқ даврдаги қишлоқларидан топилган ва эрамизнинг биринчи асрларига доир пулларга қараб бу қишлоқларнинг қурилган вақтларини ҳам белгилаш мумкин.

Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина районларида ҳам бир қанча қазишлар ўтказилиб, бу қазишлар қимматли археологик материаллар берди. Қадимги Термиз харобаларини қазиш натижасида бу районда халқ неолит давридан буён яшаб кел-

ганлиги ва эрамиздан бир неча аср илгари бу ерда қадимги шаҳар булганлиги аниқланди. Айрим археологик комплекслар ва ҳатто Ўрта Осиёнинг турли қисмларидан топилган айрим олтинчиклар Ўрта Осиёдаги энг қадимги халқларнинг тарихини бутун Олд Осиё, Хиндистон ва ҳатто Хитой халкларининг тарихи билан жуда яқиндан боғлаб ўрганиш имкониятини беради. Ахманийлар замонига доир «Амударё хазинаси»нинг заргарлик зеб-зийнат буюмлари бу ёдгорликлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Антик авторлар Эрон ва Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи тўғрисида бир қанча муҳим маълумотлар берадилар. Грек тарихчилари орасида Геродот биринчи ўрин олади, у Мидия билан Эрон тарихини батафсил ёзади. Геродотнинг айтганлари ҳамма ҳолларда аниқ бўлиб чиқавермаса-да, лекин кўпи ҳар ҳолда ишончлидир ва уларнинг тўғрилигини бошқа манбалар тасдиқламоқда. Қадимги эронликларнинг «Авеста» номли диний тўпламининг кейинги замон текстидан (бу тўплам эрамизнинг биринчи асрларида таҳрир қилинган) ниҳоятда эҳтиётлик билан бир қадар фойдаланиш мумкин. Эрамизнинг X—XI асрларигача сақланиб келган энг сўнгги бадиий адабиётда, масалан, Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳномаси»да, шунингдек Ўрта Осиё халқларининг ва, жумладан тожикларнинг халқ эпосида (достонида) узоқ ўтмишнинг бир қадар хотиралари бор.

Элам

Эрон билан Месопотамияни бир-бирига боғлаб турган Элам бўлиб, Олд Осиёнинг ўзига хос маданиятининг қадимги марказларидан бири шу ерда бўлган. Сузада ва ундан шимолроқдаги Тепа-Муссиёнда ўтказилган қазишлар натижасида нақш солинган сопол буюмларнинг жуда кўп ва ажойиб намуналари ҳамда моддий маданиятнинг бошқа кўп буюмлари топилди, булар Сузада ва Тепа-Муссиёнда неолит давридан буён ўзига хос маданият бўлганлигини кўрсатади. Айрим кабилалар тоғларда кўчманчилик билан ҳаёт кечираверганлар, лекин дарё водийларидаги кишилар жуда қадим замонлардаёқ ўтроқ деҳқончилик ҳаётига ўтганлар. Сузадаги 1-қишлоқдан ўроқлар ва ёрғучоқлар қазиб олинган. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, Сузада ҳам тошдан буюмлар ясаш, кулоллик ва тўқувчилик юксак даражада тараққий қилган. Жуда қадим замонларда металлургия секинлик билан ривожланган. Шу сабабли мисдан ясалган қурол-яроғларнинг формаси узоқ вақтгача тош қурол-яроғлар формасида бўлган. Бир оз кейинроқ қишлоқ қатлами устида жойлашган ва Аккад подшоси Нарамсин замонига тўғри келадиган Суза 2-қишлогининг археологик қатламида бронза пайдо бўлган. Обсидиан билан ложувард тошларининг Сузадан топилиши бу тошлар-

нинг бошқа мамлакатлардан келтирилганлигини кўрсатади. Элам шаҳарлари Эрон ва Месопотамия билан, ҳатто Олд Осиёнинг шимолий қисмидаги мамлакатлар билан ҳам савдо-сотиқ қилган бўлсалар керак. Эламда суратли хат мустақил равишда пайдо бўлиб, кейинчалик бу хат қадимги такомиллашган миххат билан алмаштирилган. Миххат эса, Месопотамиянинг қадимги халқларидан олинган.

Шумер билан Аккадинг энг қадимги хокимлари ва подшолари Икки дарё оралиғидаги деҳқончилик ўлкаларини Элам қабилаларининг ҳужумларидан ҳимоя қилиб, қабилалар билан тўхтовсиз кураш олиб борганлар. Улар ўз ёзувларида эламликларнинг бостириб кирганликлари тўғрисида, шунингдек Элам мамлакатига ўзлари қилган ҳарбий юришлари ҳақида гапирадилар. Масалан, Лагаш ҳокими «Эаннатум Эламни тор-мор қилган. Элам қўшинлари ўз юртига ҳайдаб юборилган». Аккад подшоси Маништусу Аншанни (бу Элам ўлкаларидан бири бўлса керак) истило қилиб, унга хирож тўлаттирган. Урнинг III династия подшоси Шульга замонида шумерийлар Эламнинг баъзи бир областларини батамом истило қилганларидан кейин, бу ўлкаларни Шумернинг махсус амалдорлари идора қилган. Урдаги III династиянинг ағдарилиши Эламни озод қилишга ва мустақил Элам подшолигини тиклашга имкон беради. Элам подшолари Месопотамиядаги тўполонлардан фойдаланиб, Икки дарё оралигидаги водийга янгидан бостириб кира бошлайдилар, ҳатто унинг жанубий қисмида ва, шу жумладан, Ларсада мустаҳкам урнашиб оладилар. Бобил подшоси Хаммурапи эламликларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлади. Хаммурапи Месопотамиянинг анчагина қисмини ўз қўл остида бирлаштиргандан кейингина, эламликларни Шумердан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлади.

Кейинчалик Осурия подшолари ҳам Эламга қарши узоқ вақт қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. VIII асрда подшо Саргон II Элам қўшинлари билан тўқнашади. Элам қўшинлари Бобил қўшинлари билан биргаликда осурияликларни енгадилар. Осурия подшоси Синахериб Элам устига жуда кўп қўшин тортиб боради. Синахериб ўз юришларига оид йилномада бундай хабар қилади: «Мен мустаҳкамланган 34 шаҳарни ва улар атрофидаги кичик-кичик, лекин бехисоб қишлоқларни қамал қилдим, урушиб олдим, таладим, ер билан яксон қилиб, сўнгра ўт қўйдим ва жуда катта ёнғиндан чиққан тутун билан кенг осмонни худди бўрондек қоплатдим». Элам подшоси Кудуриахунди Элам аҳолисига қалъаларга кириб яширинишни буюриб, ўзи қаргоҳи Мадактани ташлаб чиқади ва узоқ тоғлик ўлкаларга

чекинади. Синахериб душман кетидан қувлаб бормоқчи бўлсада, бироқ муваффақиятсизликка учрайди. Синахериб «қаҳратон совуқ» ни ва «қаттиқ бўрон» ни, «қор ва ёмғир» ни баҳона қилиб, Нинувога қайтиб келади. Осур қўшинлари эламликларни батамом енгиб, Эламни тамомила истило қила олмаган бўлсалар керак. Эламликлар қаттиқ қаршилик кўрсатиб, осурияликларни чекинишга мажбур қилган бўлсалар керак. Синахериб Эламга қатъий зарба бериб, Осурияниинг Эламдаги таъсирини мустаҳкамлаш учун мустақил ва эрксевар қабилалар жойлашган тоғлик бу мамлакатга иккинчи марта қўшин тортиб боради. Осурия Ашшурбанипал замонидагина Эламга карши курашни тамомлайди, Ашшурбанипал эрамиздан аввалги 645 йилда Эламни хароб килади ва тамомила талайди. Шундай қилиб, Осурия узининг азалги душманини енгишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, Элам бир канча асрлар давомида шумерийларга, бобилликларга ҳамда осурияликларга қаршилик кўрсатибгина қолмасдан, у ҳатто Месопотамия давлатларига қарши бир неча марта ҳужумга ҳам утади. Элам анча катта ва кучли давлат бўлган бўлса керак, у Осуриянинг энг қудратли подшолари ҳарбий кучи қаршисидагина ёи беришга мажбур бўлган. Эламда ўтказилган қазишлар пайтида қадимги, юксак ва узига хос элам маданиятининг ёдгорликлари топилди. Тарихнинг бошланиши эрамиздан аввалги учинчи минг йилликка тўғри келган. Элам мамлакати Эрон территориясида яшаган энг қадимги халқларни Олд Осиёнинг маданий марказлари билан қушган бўгинлардан бири бўлиб, бу жиҳатдан у Ўрта Осиё қабилаларини Кора денгиз ва ўрта денгиз бўйларидаги халқлар, мамлакатлар ва маданий марказлар билан боғлаган Закавказьега ухшайди.

Ўрта Осиё ва Эрондаги энг қадимги қабилаларнинг жамоа ва ижтимоий тузуми

Археологик ёдгорликларнинг етарли бўлмаганлиги ва ёзувларнинг батамом йўқлиги ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Эрондаги қабилаларнинг эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик бошларидаги социал-иқтисодий тузумини муфассал тасвирлашга имкон бермайди. Совет археологлари кейинги йилларда ўтказган қазишларгина Ўрта Осиёда яшаган энг қадимги халқларнинг ҳужалик ҳаётини аниқлашга бир кадар имкон берди. Бу масалада қадимги Хоразмда ўтказилган археологик қазишлар айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди, бу қазишлар неолит замонидан то ўрта асрларгача Амударё районида яшаб келган қадимги халқларнинг ҳаётини текшириб ўрганиш имконини беради. Бу ерда С. П. Толстов топган қадимги бир чайла уй қолдиқлари Жон-Бос-қалъа № 4 номи

билан машҳурдир. Бу уйдан жуда кўп майда тош қуроллар топилган. Бу нарсалар аҳолининг ўтроқ бир ҳолда балиқчилик ва овчилик билан ҳаёт кечирганлигидан далолат беради. Бу «катта чайла уйда» 120 кишига якин келадиган бутун бир уруг жамоаси яшаган бўлиши мумкин. Бу ернинг маданияти (уни «калтаминор» маданияти деб аталади) учун типик бўлган нарсалар Ғарбий Қозоғистондан, шунингдек Персеполь (Эронда) яқинидаги ибтидоий даврга оид қишлоқлардан топилган асбоб-ускуналарга ўхшаб кетади. Демак, эрамиздан аввалги тўртинчи-учинчи минг йилликларда Хоразм маданий тараққиёти жиҳатидан тахминан бир хил даражада турган қон-қардош қабилалар яшовчи кенг район марказларидан бири бўлган.

Ўрта Осиёнинг ахоли яшаган баъзи бир жойларидан кейинги вақтларда топилган уй ҳайвонлари (сигир ва қўй-эчки) суяклари, тош ёргучоқ қолдиқлари ҳамда мисдан ясалган баъзи буюмлар эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликларда чорвачилик, энг ибтидоий мотига деҳқончилиги ва металлургиянинг дастлабки куртаклари пайдо бўлганлигидан дарак беради. Дашт ва тоғлик районларда, кўпроқ Эрон ясситоғлигида чорвачилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлган (Эрон ясситоглигида чорвачилик ҳатто бир неча аср давомида сақланиб қолган). Эроннинг энг қадимги кабилалари ўз тарихлари бошланган замонларда кўчманчилик, чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар. Бу қабилалар қорамол ва майда мол ҳамда отни кўплаб урчитганлар. Улар хусусан Мидияда кенг тарқалган. Қадимги «Авеста» деган муқаддас тўпламда қадимги чорвачилик ҳаётига оид маълумотлар жуда ҳам кам сақланиб қолган, шу билан бирга, бу нарса дин ва афсоналарда ҳам акс этган. Сигир билан ит муқаддас ҳисобланган. «Авеста» нинг энг бурунги «Гатлар» деган қисмида «сигир жони» ва «сигир яратувчиси» деган қадимги афсонавий образлар кўп учрайди. «Авеста» нинг кейинги қисмида, «Видевдат» да бутун бир боб итга бағишланган. Геродот қудратли Эрон давлатига асос солган Кир (Кайхисров) ни чўпон гўдаклигидан боқиб, ит эмизгани ҳақидаги афсонани ҳикоя киладп. Геродотнинг айтишича, Эрон подшолари тантанали маросимларда худога атаб минг бошгача етказиб ҳўкизлар қурбон килганлар.

Табиий шароит канал-ариқлар қазиб сув ниқаришга имкон берган жойларда суғориб экиладиган деҳкончиликнинг турли формалари вужудга келади. Тоғли районларда энг қадимги деҳқонлар тоғдан окиб тушадиган жилгалардан фойдаланганлар, уларнинг ўзанларини мустаҳкамлаганлар ва сувининг олдини тусиб қўйганлар. Дарёларнинг водийла-

рида каналлар қазиганлар, сув омборлари қурганлар, тўғон ва дамбалар ясаганлар. Геродот Хораэмда бўлган йирик суғориш иншоотларини тасвирлайди. Ҳозирги замонда бу районнинг археологик томондан текшириш натижасида бу каналларнинг эрамиздан ав. VIII—VII асрларда қазилганлиги ва уларнинг узунлиги энг кейинги вақтлардаги каналлардан узуи бўлганлиги аниқланди. Масалан, Черменёб каналининг бўйи қадимги замонда 200 *км* гача етган. Бухоро воҳасида ҳам йирик суғориш тармогининг қолдиклари топилди. Қадимги замонда Эрон территориясида ҳам ирригация ишлари йўлга қўйилган. Бироқ катта дарёлар бўлмагани учун Эрон территориясида канал қазиб сув чиқариш Ўрта Осиё, хусусан, Амударё билан Сирдарё ҳавзасидагига, шунингдек Зарафшон *районидагига қараганда камроқ аҳамиятга* эга бўлган. Эронда, шунингдек Ўрта Осиёда канал қазиб сув чиқаришнинг характерли хусусияти шундаки, бу ерларда ер ости сувларини бир жойга йиғиш учун ер ости каналлари (каризлар) қазилган. Бу каналларни доимо тозалаб туриш учун бир-биридан маълум узоқликда махсус қудуқлар қазиганлар. Кўчманчи чорвачиликдан ўтроқ деҳкончилнкка ўтиш даврида Эрон билан Ўрта Осиёдаги қабилаларнинг диний эътиқодлари таркиб топади. Шу сабабли «Авеста»нинг муқаддас китобларида деҳқоннинг тинч, безорлик билан ҳаёт кечириши учун унинг ўзига уй-жой қуриб олиши, оилалик бўлиши, мол урчитиши, ер ҳайдаши, дон экиши ва мол учун хашак бўладиган ўтлар ўстириши, мева дарахтлари ўтқазиши, сувсиз ерларга сув чиқариши ва ботқоқликни қуритиши идеал бир ҳолда тасвирланади. Ўша вақтлардаёқ ҳоким қулдорлар синфи ўз иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш учун диндан фойдаланади. Шунинг учун хўжалик жиҳатдан қулай бўлган деҳқончилик меҳнати савоб иш ҳисобланган. Дон эса муқаддас экин ҳисобланиб, уни дев ва шайтонларга қарши курашда қудратли кучга эга деб билганлар. Коҳинларнинг таълим беришича, дон экқан киши савобли иш қилган бўлади ва хайрият худоси Ахурамаздага эътиқодни оширишга ёрдам берган бўлади. Коҳинларнинг таълимотига кўра, тақводор одам зарарли ҳайвонларни ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотиши, кўриқ ерларни очиши, ҳосилсиз ерни ўгитлаши, оқар сувларга кўприк солиши, кишиларга қишлоқ хўжалик асбобларн тарқатиши, бошқача қилиб айтганда, деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериши лозим бўлган. Донли экинлардан бугдой, тариқ билан арпа айниқса кенг ёйилган. Эронда ва Ўрта Осиёда ток ёввойи ҳолда ўсган, у шу ернинг иқлимига қадимги замонлардаёқ мувофиқлаштирилган. Боғларда урик, шафтоли

ва турли мевали дарахтлар ўстирилган. Ем-хашак ўтларидан Эронда беда айниқса кўп экилган, антик авторлар ҳам беда тўғрисида ёзганлар.

Деҳқончилик билан бир қаторда, замон ўтиши билан ҳунармандлик ҳам ривожланган. Металлургиянинг ривожланиши учун металл рудасининг, жумладан, олтин, мис, темирнинг бўлиши катта аҳамиятга эга бўлган. Қорақалпоғистон АССР да халколит даврига оид қадимги мис конлари ва уларга яқин жойда худди шунга ўхшаш бурунги маъдан эритиш печлари борлиги маълум бўлди. Анаудаги шимолий ва жанубий теналикнинг юқори қатламларидан мис ва бронзадан ясалган буюмлар, масалан, ўроқ-ничоқ, найза учликлари ва зебзийнат буюмлари топилди. Луристон территориясида бронзадан ясалган буюмлар топилди; булар бронзадан буюмлар ишлаш техникаси юксак бўлганлигини кўрсатади. Геродот, Ўрта Осиёнинг кенг ўлкаларини эгаллаган массагетларда олтин билан мис жуда кўп бўлган ва улардан турли хил буюмлар ясаганлар, деб ёзган эди. Зарафшон дарёсиниг водийсида, Суғдиёнда олгин қазиб чиқарилган ва бундан ташкари олтинни қўшни мамлакатлардан, жумладан, Олтой тоглари районидан Бактрия оркали келтирилган, деб ўйлаш мумкин. Темир Ўрта Осиёда кейинроқ, тахминан, эрамиздан ав. биринчи минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган, шу билан бирга, Суғдиён билан Бактриянинг деҳқончилик қилинадиган жанубий областларида темир энг қолоқ дашт районлардагига қарағанда бирмунча илгарироқ пайдо бўлган. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг турли районларида Анауда, Хоразмда, ҳозирги Тожикистон территориясида қадим замонлардаёқ металлургия ишлаб чиқариши, асосан мис, бронза ва олтиндан буюмлар ишлаш марказлари вужудга келган. Булар Эроннинг қадимги халқлари орасида металлургия техникасининг ривожланишига шубҳасиз таъсир кўрсатган.

Хоразмда ўтказилган қазишларга, шунингдек «Авеста» даги ва грек тарихчиларининг асарларидаги баъзи бир камчил маълумотларга асосланиб туриб, Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг ижтимоий тузуми қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Эроннинг шимоли-гарбий қисмидаги мидияликларда эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик бошларида қадимги уруғ-қабилачилик тузуми сақланиб қолган. Мидия давлатининг вужудга келишини тасвирлаб ёзган Геродот қолдирган маълумотга кўра, мидияликлар олтита қабилага бўлинган ва бу қабилалар ягона бир кабила иттифоқига бирлашгунга қадар, улар «ўша замонда айрим-айрим кишлоқ бўлиб», яъни қадимги уруғчилик ҳаёти шароитида яшаганлар. Бу уруғ-қабилачилик тузуми қадимги эронликларда узоқ вақт

сақланиб, улар олтита деҳқонлар қабиласи ва туртта кўчманчи-чорвадорлар қабиласидан иборат бўлган. Эрон ясситоғлигининг бепоён территориясида деҳқончилик қилувчи ўтроқ қабилалар билан бир қаторда, то сўнгги даврларгача кўп сонли чорвадор-кўчманчи қабилалар ҳам яшаб келган. «Авеста» да қадимги уруғ-қабила тузумини характерловчи ва бу жамиятнинг биринчи ячейкасини билдириш учун хизмат қилувчи алоҳида сўзлар учрайди, масалан, катта патриархал оила (имана), аввал уругчилик ва кейинчалик эса қишлоқ жамоаси ёки айрим қишлоқ (вис), қабила (занту), ниҳоят, қабилалар ёки область иттифоқи (дахыо) деб айтилган. Жамоа, қабила ёки қабилалар иттифоқининг бошлиги е йўлбошчисини билдириш учун бу сўзларнинг ҳар бирига «пати» деган қўшимча қўшилган. Қабилалар иттифоқининг олий йўлбошчиси ёки коҳини, бундан ташқари, «қави» деб ҳам аталган.

Хоразмда ўтказилган қазишлар вақтида ўша замоннинг қалъалари топилди. Бу қалъа «деворлари ораси уй-жой бўлган шаҳарлар» деб аталиб, улар тузилиши жиҳатидан «Авеста»да тасвирланган қалъа — «вар»ларни эслатади. Бу жуда катта қалъалар 1100×700 *м* ҳажмдаги кенг территорияни эгаллаган, атрофи ғиштдан қилинган қалин деворлар билан ўралган, бу деворлар орасида йўлаксимон икки ёки учта узун уй — турар жойлар бўлган, бундай йўлак-уйларнинг буйи 6—7 *км* гача етган, унда бутун бир қабила яшаган бўлиши ва бу қабила бир қанча минг кишидан иборат бўлган бўлиши ҳам мумкин. «Қалъа деворлари» ўртасидаги сайҳон жой молхона бўлиб хизмат қилган. Бу қалъа деворлари орасида яшаган аҳоли чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Қолдиқлари Хоразмда топилган катта сугориш каналлари эрамиздан ав. биринчи минг йилликнинг бошларида қазилган бўлса керак.

Чорвачилик, деҳқончиликнинг ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришларининг ривожланиши ишлаб чиқариш кучларини тараққий қилдирди, шунингдек уруғ ичида мулкий табақаланишга олиб келди. Энгельснинг кўрсатишича, дастлабки вақтларда чорва подаси уруққа қарашли бўлган, «бироқ чорва подаси жуда эрта замонларда хусусий мулкка айланиши зарур эди»[1]. Энгельснинг айтишича, «сўнгра, *тарихнинг бошларида*, биз, оила бошлиғининг чорва подасини хамма жойда ўзининг хусусий мулки қилиб олганлигини ҳеч шак шубҳасиз кўрамиз»[2]. Энгельс, металлдан ясалган рўзғор асбоблари эса-

[1] *Ф. Энгельс*, Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чикиши, 54-бет.

[2] Шу асар.

зийнат буюмлари ва, пиҳоят, «одам қиёфасидаги ҳайвон»— қуллар шу бойларга қарар эди, деб кўрсатади. Жуда қадим замонлардан бошлаб мулкий табақаларга бўлиниш юз берганлиги ҳатто «Авеста»да ҳам акс эттирилган, бунда қадим замондаги қаҳрамонларининг афсонавий образлари тасвирланади. Бу зодагон чорвадор бойлар одатда «подалари мўл бўлган бойлар», «хўкизлари мўл бўлган бойлар» ёки «отлари мўл бўлган бойлар» деб аталган. Булар билан бир қаторда «Авеста»нинг жуда қадимги қисмларида мукаддас олов кохинлари (атраван) ва қадимги уруғ зодагонларидан иборат бўлган жанг аравали машҳур жангчилар (ратаеста) эслатиб ўтилади. Геродот эронликларнинг урф-одатларини тасвирлар экан, у, қурбонлик қилган пайтда албатта коҳин (маг) қатнашиши ва «диний куй куйлаб ўтириши» керак эди, дейди. Маглар (яъни коҳинлар) гор доирада бикиниб олган бир группа одамлардан иборат бўлиб, улар «бошқа кишилардан кескин суратда фарқ қилганлар». Геродот тасвирлаб ёзган даврда зодагонлар ўз бойликлари билан оддий обшчина аҳлидан анча фарқ қилганлар, уларнинг бу бойликлари чорва моллари ва қуллардан иборат бўлган. Аристократик уруғлар аста-секин ажралиб чиқа бошлаган, масалан, Эрондаги Ахманийлардан чиққан шоҳ уруги шундай уруғлардан бўлган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши муқаррар суратда хусусий мулкчиликни ва мол айрибошлашни келтириб чиқарган. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча маҳсулотлар, хом ашё ва ҳунармандлик буюмлари аста-секин товарга айланади. Анауда Арманистондан келтирилган обсидиан, шунингдек ложувард топилди; ложувард Бактриядан келтирилган бўлса керак. Бадахшонда қазиб чиқарилган ложувардни Ўрта Осиёдан Месопотамияга ва ҳатто ундан узоққа — қадимги Шарқнинг жануби-гарбий мамлакатларига ҳам олиб борилган, деб таҳмин қилиш учун асослар бор. Эрамиздан ав. IX асрдаёқ Осурия подшолари Ўрта Осиёдан от ва туяларни кўплаб олиб кетганлар. Азалги савдо йўллари Эронни Месопотамия ва Закавказье билан бирлаштирган. Бронза тайёрлаш учун зарур бўлган қўрғошин билан қалай Эрондан Месопотамияга олиб борилган бўлиши ҳам мумкин. Ўрта Осиё ва Эрондан бошланадиган бошқа савдо йўллари шарққа, Хитойга ва жанубий-шарққа, Ҳиндистонга олиб борган. Жумладан, эрамиздан ав. биринчи минг йиллик ўрталаридаёқ Бактрия Ҳиндистон билан қилинадиган савдонинг муҳим марказига айланган. Савдо-сотиқ тараққий қилиши муносабати билан шаҳар типидаги қадимги қалъалар аста-секин иқтисодий марказлар тусини ола бошлаши жуда табиий бир нарсадир. Хоразмда ўтказилган қазишлар вақтида харобалари топилган қадимги

шаҳарлар, сўнгра Бактрия (ҳозирги Балх) ва Сўғдиёнанинг асосий шаҳари Мароканда (ҳозирги Самарқанд) Ўрта Осиёдаги ана шундай марказлардан бўлган. Самарқандниг айланаси ўша вақтда 11 километр келган. Эроннинг ғарбий қисмида Суза ва Мидиянинг пойтахти Экбатана энг муҳим марказлар ҳисобланган. Маибалар, қадимги Мидияда шаҳарларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш процессини аниқлаб чиқишга имкон беради. Эрамиздан аввалги VIII асрда Мидияда шаҳарлар пайдо бўлган, бу шаҳарлар асосан айрим областлардаги ҳарбий аҳамиятга, эҳтимол, қисман савдо-сотиқ аҳамиятига эга бўлгаи маъмурий марказлар бўлган бўлса керак. Саргон II нинг парсуа, манней ва мадайлар мамлакатига қилган 8-ҳарбий юриши тўғрисидаги ҳикояда, Осурия қўшинлари бу областларда босиб олган катта-катта шаҳарлар тасвир қилинади. Қоя устидаги сайҳон ерга қурилган ва қалиилиги 8 локоть (4 метр) келадиган девор билан ўралган Ушкая шаҳри — «мамлакат пойтахти» ана шундай катта шаҳарлардан бўлган. Девори харсанг тошлардан кўтарилган Улху шаҳри ҳам шундай катта шаҳарлардан бири бўлган: бу шаҳарда томи катта-катта сарв дарахтлари билан ёпилган бир сарой бўлган. Бу шаҳарларни сув билан таъминлаб турадиган каналлар бўлганлиги, катта-катта қўралар, жуда катта дон омборлари, боғлар па токзорлар бўлгани Саргоннинг ёзувларида тасвирланади. Яхшилаб мустаҳкамланган бу шаҳарларнинг тасвири Саргон II нинг Хорсободдаги саройи деворларига солинган бўртма расмларда сақланиб қолган.

Ўрта Осиёда ва Мидияда энг қадимги давлатларнинг вужудга келиши

Баъзи бир текширувчилар (жумладан, С. П. Толстов), эрамиздан ав. VIII—VI асрларда Ўрта Осиёда кучли қулдорлик давлати вужудга келган деб айтиш мумкин, дейдилар. Хоразмда ўтказилган археологик қазишлар натижасида топилган қалъаларнинг харобалари, сўнгра Ўрта Осиёнинг жуда кўп шаҳарлари тўғрисида ва баъзи бир областларнинг аҳолиси анча кўп бўлганлиги ҳақида антик авторлар қолдирган маълумотлар ва, пиҳоят, «Авеста»да, «Шоҳнома»да ва Ўрта Осиё халқларининг эпосида сақланиб қолган қадимги ярим афсонавий традиция шундан далолат беради. Қадимги Хоразмдаги катта-катта сугориш иншоотлари энг бурунги давлат территориясида қурилган бўлиши мумкин; бу давлатга Хоразм, Сўғдиёна ва Парфия территориялари кирган.

Тахминан худди шу вақтларда Каспий денгизидан жанубда ва жануби-ғарбда мустақил Мидия давлати вужудга келган. Мидия территориясига Загр дарёсининг тоглик ўлкалари ва бу ўлкаларнинг шарқ томонидаги унумдор текисликлар

кирган. Эрамиздан ав. IX асрдаги осур ёзувларида мадай қабилалари тилга олинади; осурийлар мадайларга қарши қаттиқ кураш олиб боорганлар. Осурия подшолари Шарқдаги бу узоқ мамлакатга қўшин тортиб бориб, у ердан жуда кўп асирлар ва ўлжа олиб қайтганлар. Эрамиздан ав. 835 йилда Салманасар III мадайлар (мидияликлар) мамлакатига бостириб бориб, Осуриянинг Арбели деган шаҳарининг шарқ томонида, анча узоқда жойлашган Мидия улкасига кириб боради. Тиглатпаласар III Загрнинг тоглик ўлкаларига ва мадайлар мамлакатига қўшин тортиб бориб, бу ерлардан жуда катта ўлжа: отлар, хачирлар, туялар, қўйлар, ложувард ва кўп миқдорда асирлар олиб қайтган ва бу асирларни қулларга айлантиргаи. 673 йилда Асархаддон «шурхок чўл»га якин жойдаги Патуш Арри мамлакатига «узоқ мидияликлар мамлакатига» қўшин тортиб бориб, у ердан «Шидир-парпа (форсча Шитрафарпа — *В. А.*) ва Эпарнадаги қудратли шаҳарларнинг ҳокимларини асир килиб, уларнинг минадиган отлари, чорва моллари, қўй-эчкилари ва туялари билан бирга» ҳайдаб олиб кетган. Мидияликларнинг осурийлар билан қилган савдо муносабатлари туфайли Мидияга осур-бобил маданияти элементлари кириб борган. Мидияликлар билан бошқа қабилалар ўз мустақилликлари учун олиб борган кураш процессида (чунки Осурия буларнинг мустақиллигига ҳар доим хавф солиб келар эди) катта ва анча кучли қабила иттифоқига бирлашганлар.

Манбалардаги маълумотлар жуда оз бўлгани учун Мидия давлатининг ташкил топиш процессини тўлиқ таърифлаб бўлмайди. Бу тўғрида баъзи бир маълумотлар Геродот асарларида сақланиб қолган. Геродот, Мидия подшолигининг ташкил топишидаги узоқ давом этган процессни мидияликлар орасида «тақводор судья» Дейока томонидан ҳокимиятни босиб олиш ҳақидаги ярим тарихий анекдот тарзида ифодалаб, шу Дейока «мидияликларни бир шаҳар тузишга мажбур қилди» ва «Мидия халқини бир халқ қилиб бирлаштирди» деб хабар қилади. Осур ёзувлари бу ҳикоянинг баъзи бир тафсилотлари тўғри эканлигини тасдиқлайди. Осур ёзувларида айтилишича, «маннойлар мамлакатида қалъа бошлиғи» Даяукку деган одам Саргон билан жанг қилгану, лекин мағлубиятга учраган. Геродотнинг хабар беришича, Дейока мидия қабилаларини бир давлат қилиб бирлаштирган, Экбатана деган катта шаҳар қурдирган, Экбатана — Ҳагматана («мажлислар уриі») шаклида Эрон ёзувларида учраб туради, бу шаҳар ҳозирги Хамадон шаҳри ўрнида бўлган бўлса керак. Грек тарихчиси Полибий (эрамиздан аввалги II аср) Мидиянинг қадимги лойтахтини аниқроқ қилиб таасвирлаган асарни сақлаган

бўлиб, унинг тасвирини бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди. Бу даврда Мидия қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, бунда ҳарбий-қабила демократиясига хос бурунги расм-одатлар ҳукм сурган бўлса керак. Бу расм-одатларга кўра, қабила бошлиқлари «мажлислар ўрни»да тўпланадиган умумий йиғилишларда сайланган. Бироқ Геродотнинг Мидиядаги қабилалар иттифоқининг қадимги шарк истибдодига айланишини тасвирлаган ҳикояси унча ҳам ишончли эмас, чунки унда Дейока аҳолининг кенг табақаларига таяниб гуриб, олий ҳокимиятни зўрлик билан ўз қўлига утказиб олган грек золимига ўхшатилади. Сунгра, Геродот Дейокадан кейин ўтган подшолар ҳақида ҳам гапиради. Геродотнинг айтишича, Мидиянинг иккинчи подшоси Фраорт (форсча Фравартиш) эронликларни ва Осиёдаги бошқа халқларни бўйсундиргандан кейин, ҳатто Осурияга ҳам қўшин тортиб борган, Мидиядаги барча қабилаларни ўз ҳокимияти остида бирлаштирган бўлса керак. Мидиянинг бундан кейинги подшоси Киаксар (Хвахшатра) замонида Мидия кучли давлатга айланган. Киаксар осурийларнинг ҳарбий тажрибасидан фойдаланиб, Мидия қўшинларини қайта тузган: қўшинни қурол-яроғларининг турига қараб ихтисослашган отрядларга бўлган. Мидиянинг бу янги армиясида найзабозлар билан ўқчиларнинг махсус отрядлари ҳамда отлиқ аскарлар пайдо бўлади. Шу даврдан бошлаб отлиқ аскарлар ҳарбий ишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, аскарларнинг бир ердан иккинчи ерга жадал ҳаракат қилишига ва кенг кўламда манёвр қилишга имкон берган. Киаксар Мидиянинг кучли ҳарбий қудратига ҳамда Бобил подшолиги билан тузган иттифокига таяниб туриб, Бобил қўшинларининг ёрдами билан Осурия давлатини (бир вақтлар шуҳрат қозонган бу қудратли давлатни) тамомила тор-мор келтирган. Шу тариқа Осурия харобалари устида кучли янги Мидия подшолиги барпо бўлиб, Киаксар бунга Эроннинг тоғлик ўлкаларини, Каппадокия билан Арманистонни қўшиб олган. Мидиялик истилочи Осурия подшолигининг шимолий қисмини истило қилиш билангина чекланмай, Ўрта денгизга чиқиш мақсадида ғарб томонга қараб ҳаракат қилади. Геродот Киаксар билан Лидия ўртасидаги қаттиқ курашни тасвирлаб, бу кураш 5 йил давом қилганини ва натижада у ҳар икки йирик давлат уртасида яраш битими тузиш билан тамом бўлганини айтади. Бир куни мидияликлар билан лидияликлар ўртасида қаттиқ жанг борасётган пайтда қуёш тутилади, грек философи Фалес Милетский бу қуёш тутилишини аввалдан айтиб берган бўлади. Шундай қилиб, бу жанг эрамиздан аввалги 585 йилда бўлган, деб аниқ айтмоқ мумкин. Мидия подшоси ҳарбий ютуқлари ва урушиб олган ерларини дипломатик битим-

лар воситаси билан мустаҳкамлаб олади, бу битимлар эса, уз навбатида, подшолар ўртасида куда-андачилик билан мустаҳкамланади. Киаксар ўз қизини қудратли Бобил подшоси Навуходоносор II га беради, ўғли Астиагни эса Лидия подшосининг қизига уйлантиради. Киаксар 584 йилда вафот этади. Миднянинг сўнгги подшоси Астиаг ўз подшолигини эронликлардан ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Астиаг (бобилча Иштувегу) узоқ подшолик қилгандан кейин (эрамиздан аввалги тахминан 580—550 йиллар) Эрон давлатига асос солган Кайхисров (Кир) билан бўлган курашда енгилади.

Антик авторлар Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари билан мидияликлар ўртасидаги ўзаро муносабат хакида баъзи бир маълумотлар берадилар. Эрамиздан ав. VIII асрда саклар ва бактрияликлар мидияликларга ёрдам берганлар, аммо ундан бир оз кейинроқ, VII аср ўрталарида, Ўрта Осиё халқлари осурияликларнинг мидияликларга карши олиб борган курашида осурияликларни қўллаб-қўлтиқлаган. Ўрта Осиё халқлари бошқа қабилалар билан биргаликда скифларнинг Олд Осиё давлатларига қарши қаратилган кенг ҳаракатида қатнашганлар. Ниҳоят, Мидия Осурия подшолигининг кудратини синдиргандан кейин, Ғарбий Осиёнинг энг кучли давлатларидан бирига айланган, сакларнинг ҳарбий кучларига мидияликларнинг кушинлари билан тўқнашишга тўғри келган.

Эрон подшолигининг ташкил топиши. Кайхисров (эрамиздан ав. 558—529 йиллар)

Эрон территориясида мидиялнклар билан бир қаторда бошқа қабилалар ҳам пайдо бўлган, бу қабила Осурия ёзувларида парсуа деб аталади ва булар қадимги эроликларнинг ота-боболари бўлсалар керак. Осурия подшолари бу қабилалар билан кураш олиб борганлар, бу қабилалар Элам ўлкаларидан бири бўлган Апшанда жуда мустаҳкам ўрнашиб, бу ерда қабилаларнинг анча катта иттифоқини ташкил қилганлар. Эламнинг хароб қилиниши тўғрисидаги хикояда, Осурия подшоси Ашшурбанипал «Парсуаш подшоси Қайхисров»ни эслатиб, Қайхисров Осурия подшосига бўйсунганини ва узининг катта ўғлини совға-саломлар билан Нинуво шаҳрига юборганини айтади. Осурийларга, сўнгра эса мидияликларга қарши курашда Эрон қабилалари иттифоқи ўсган ва мустаҳкамланган. Эрамиздан аввалги VI аср ўрталарида анча катта Эрон подшолиги ташкил топган. Тарихий традиция ва антик авторлар бу давлатга Кайхисров II асос солганини, Кайхисров II, Ашшурбанипалга замондош бўлган Кайхисров I ворисларидан бири эканлигини бир оғиздан тасдиклайди. Кайхисров II қадимги ва қудратли Эламнинг юксак маданиятининг азалги традицияларига таян-



Эрон подшоси Кайхисров (Кир) мақбараси.

моқчи бўлиб, ўзини «Аншан подшоси», шунингдек «Парсу подшоси», яъни Эрон подшоси деб атайди. Геродот асарида Кайхисровнинг болалиги, тарбияси ва фаолиятини тасвирлайдиган бир канча эртаклар сақланиб қолган. Катта давлатга асос солган буюк кишининг ҳаётини тасвирловчи бу ҳикоя ўша замонга хос афсона формасида берилган. Кайхисровнинг гоят катта сиёсий фаолияти ўз замондошларига жуда кучли таъсир кўрсатганига ва ўша даврнинг энг катта сиёсий арбоби бўлган Кайхисровнинг образи атрофида халқ ижоди, қисман эса коҳинларнинг диний пропагандаси ҳам кўпгина ҳар турли афсоналар яратганига ажабланилмаса ҳам бўлади. Масалан, Кайхисров тўғрисида шундай ҳикоя бор: Саргон I га ўхшаб Кайхисров ҳам ташландиқ бола бўлган ва уни бир чўпон тарбиялаб ўстирган эмиш, ёки Миср фаръавнлари, ёки бўлмаса Римга асос солган Ромул ва Рем сингари, Кайхисровни ҳам бир мурувватли ҳайвон гайри-табиий суратда боқиб катта қилган эмиш. Эрон подшолигига асос солган бу машҳур кишининг гайри-табиий суратда келиб чиққанлиги, унинг деярли изоҳий бир тарзда дунёга келганлиги ҳақидаги афсоналарга ҳатто Геродот ҳам ташқилий кўз билан қарашга интилган. Бундай афсоналар, Эрон шоҳлари бутун қадимги Шарқ дунёсини қурол кучи билан бўйсундириб, истило қилин-

ган жуда кўп мамлакатлар устидан Эрон «шаҳаншоҳи» ҳокимиятини ўрнатмоқчи бўлганлигини асослаб бериш мақсадида кейинги замонларда яратилган бўлиши ҳам мумкин. Бобил хроникасида ва шу даврга оид баъзи бир ҳужжатларда сақланиб қолган маълумотлар тарихий жиҳатдан бирмунча тўғридир.

Биз бу ҳужжатлардан Кайхисров Мидия подшоси Астиаг (Иштувегу)га қарши уруш бошлаганини биламиз. Геродот бу урушни тасвирлар экан, у кўпинча халқ эртакларидан фойдаланади ва, жумладан, Кайхисровни Астиагнинг невараси деб кўрсатади. Бу ярим афсонавий ҳикоя Эрон подшоси Кайхисровнинг Мидия тахтига қилган даъвосини оқлаш мақсадида тўқилган бўлса керак. Воқеаларни бирмунча объектив суратда ва бўямасдан ҳикоя қилувчи Бобил хроникасида айтилишича, «Иштувегу Аншан подшоси Кайхисровни енгиш учун унга қарши қўшин тўплаб борган. Бироқ Иштувегунинг қўшини исён кўтариб, Иштувегунинг ўзини асир килиб, Кайхисров қўлига топширган. Кайхисров унинг пойтахти Экбатана устига юриш қилиб борган. Экбатанадаги кумуш, олтин ва бошқа хазиналар талон-торож қилиниб. Аншанга олиб кетилган». Шундай қилиб, бу уруш Мидиянинг тор-мор келтирилиши ва эронликларнинг тўла галабаси билан тамом бўлган. Эрон қўшинлари Мидиянинг пойтахти Экбатанани босиб олганлар. Кайхисров Мидияни Эрон давлатига қўшиб олган. Шуниси характерлики, Бобил хроникасида ҳам, Геродот хикоясида ҳам таъкидлаб ўтилишича, Кайхисровнинг муваффақият қозонишига ва Астиагнинг енгилишига мидияликларнинг норозилиги бирмунча сабаб бўлган, мидияликлар Астиагга қарши қўзғолон кўтаргаплар ва, бу эса, Кайхисровнинг Мидия қўшинини тезда енгишга имкон берган бўлса керак. Тарихий традицияда Кайхисров Мидия подшоси Астиагни асир қилиб олгандан кейин, унга ўз давлатидан фахрли ўрин берганлиги ҳақида ривоят бор. Бу ривоят мидиялик зодагонларнинг Эрон давлатида форс зодагонлари билан бир қаторда алоҳида имтиёзга эга бўлганликлари тўғрисидаги факт билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Кайхисров Мидияни истило қилгандан кейин ҳам кенг миқёсдаги истилочилик сиёсатини авж олдириб, бу билан Осурия мустабидлари ишини давом қилдиради. Кайхисров қисқа бир вақт ичида Арманистон, Каппадокия, Лидия (эрамиздан аввалги 547—546 йиллар) ва, ниҳоят, Бобилни (эрамиздан аввалги 538 йил) истило қилади. Навуходоносор II замонида юксак тараққий қилган Янги Бобил подшолиги савдо-сотиқ соҳасида ўша замоннинг энг катта давлати бўлиб, унинг пойтахти Бобил шаҳри қудратли ва енгилмас даражадаги мус-

таҳкам бир қалъа эди. Қайхисров Бобилнинг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучларига юксак баҳо бериб, дастлабки вақтда бутун диққат-эътиборини Олд Осиёнинг шимолий қисмида, асосан, Кичик Осиёда ўз хокимиятини мустаҳкамлаб олишга қаратади. Бу шунинг учун ҳам муҳим эдики, Лидия подшоси Крез ва Миср подшоси Амазис (Яхмос II) Бобил подшоси билан Эронга қарши мудофаа иттифоқи тузган эдилар. Шу сабабли, Қайхисров дастлаб иттифоқчилар орасида энг заифи Лидия подшосига зарба берган, бу билан Қайхисров Олд Осиёнинг шимолий қисмидаги иқтисодий бойликларни ва одам кучларини қўлга киритиб, Бобилни унинг иттифоқчиларидан ажратиб, савдо ҳамда харбий алоқа йўлларини кесиб қўйган. Эрон истилочиларининг зарбалари остида Лидия қулагандан сўнг, кучли ва қадимги Бобил тўғридан-тўғри хавф остида қолган. Эндиликда Қайхисров анча ўсган бутун ҳарбий кучини Бобил подшосига қарши қаратиши мумкин эди, чунки Эрон қўшинлари учун шарқ ва шимол томонлардан ҳеч қандай хавф-хатар колмаган эди. Иттифоқчиларидан махрум қилинган ва жуда катта ички ғалаёнларни бошидан кечириб турган Бобил Эрон истилочисига қаршилик қила олмади. Қайхисров Бобилни жуда тез ва осонлик билан қўлга киритганини ва уни Эрон давлатига қўшиб олганини сақланиб қолган ҳамма манбалар тасдиклайди. Бу жуда катта сиёсий воқеа тўғрисида Набониднинг Бобил хроникасида, Бобил коҳини Бероснинг тарихий асарида, грек тарихчиси Геродотда ва, ниҳоят, Қайхисровнинг манифестида маълумотлар сақланган. Қайхисров манифестининг миххат билан ёзилган тексти эса ҳозиргача сақланиб қолган. Бу манифестда, эронликларнинг кўп сонли қўшинлари «Бобилга урушсиз бемалол келиб кирдилар» дейилади. Бу ерда Қайхисров ўзини Бобилнинг, Бобил маданияти ва динининг ҳомийси қилиб кўрсатади. Қайхисров Бобилни истило қилишда ўзини Бобил динининг тарафдори қилиб кўрсатиб, у ердаги коҳинларнинг баъзи бир гуруҳларига таянгани шак-шубҳасиздир. Қайхисров ўз манифестида бундай дейди: «Мен Бобилнинг ички ишлари ва унинг ҳамма муқаддас жойлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатдим. Бинобарин, Бобил халқи ҳам кўнгилдаги тилак-орзуларига эришди, раҳмсиз зулмидан уни кутқардим... улуғ тангри Мардук, биз унинг юксак номига атаб чин қалбимиздан севинч-кувончла мадҳиялар ўкиганимиздан кейин, уни иззат-ҳурмат қилувчи мен подшо Қайхисровга ва ўғлим Қумбизга ва барча қўшинларимизга фотиҳа берди». Бутун қадимги Шарқ дунёсини ўз кўл остида бирлаштиришни даъво қилган Эрон давлатига Бобилнинг қўшиб олиниши, Бобилнинг савдо-қулдорлик аристократиясига ташқи савдони ривожлантириш учун

кенг йўл очиб берди. Шу сабабдан, Бобилнинг зодагон савдогарлари составига кирган ва савдо операцияларини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган Бобил коҳинлари ўз халқига хиёнат қилиб, ёт Эрон истилочисини қуллаб-қувватлаган бўлсалар керак.

Кайхисров Бобилни истило қилиш билангина чекланмади. Кайхисров Осурия подшоларининг истилочилик сиёсатини кетма-кет давом қилдириб ва Бобилнинг гарбий мамлакатлар билан савдо алоқасини кенгайтиришга интилиб келган савдо қулдорлик аристократиясининг манфаатларини маълум даражада акс эттириб, сўнгра Ўрта денгиз бўйидаги савдо шаҳарларига кириб бориш мақсадида яна гарбга томон ҳаракат қилиб борди. Аммо Кайхисровнинг гарб томонга қилган ҳаракати тинч характердаги ҳаракат эди. Масалан, биз Кайхисровнинг Қуддусни тиклаганини, яҳудийларга Бобил асирлигидан озод бўлиб, ўз ватанларига қайтишга руҳсат берганини ва Финикия шаҳарларини қайтадан тиклашга киришганини биламиз. Кайхисровнинг бундай сиёсат тутишдан мақсади Фаластин ва Финикиядаги кичик-кичик давлатлар билан Эрон ўртасида дўстлик, сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаб, шу билан Эрон подшолигининг кенг миқёсдаги истилочилик сиёсатига уларни қизиқтирмоқчи бўлган бўлса керак. Кайхисров Мисрга қарши катта ҳарбий юриш ташкил қилиш учун Финикиянинг денгиз бўйидаги шаҳарлари ёрдамидан фойдаланишга ҳаракат қилган бўлиши ҳам мумкин, чунки Миср қудратли Эрон подшосининг сўнгги рақиби эди. Кайхисровнинг ўзида етарли даражада кучли флот бўлмагани сабабли, у Финикия кемаларига муҳтож эди. Бундан ташқари, Кайхисров ўз қўшинларини Мисрга олиб ўтиш мақсадида, Финикия билан Фаластинда ҳарбий кучларини жойлаштириш учун плацдармлар тайёрлашга киришади. Ўтмишдаги кудратидан баъзи қолдиқлари ҳали сақланиб қолган Мисрни истило қилиш режасини Кайхисров шошилмасдан, жуда синчиклаб ва ўйлаб тузади. Бироқ у ўзининг бу режасини амалга ошира олмайди.

Эроннинг шимоли-шарқий областларида ва Ўрта Осиёда, хусусан, энг муҳим савдо йўллари кесишган Хоразмда Эроннинг сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш учун, Кайхисров Каспий денгизи билан Сирдарё ўртасидаги кенг территорияда яшовчи массагетларга қарши юриш қилади. Бу юриш эронликлар учун муваффақиятсиз бўлиб чиқади. Массагетлар жойлашган ўлкаларнинг ичкарисига кириб борган Эрон қўшинлари батамом енгиладилар. Бу юриш вақтида Кайхисров ўлдирилади (эрамиздан ав. 529 йил). Геродотнинг айтишича, Эрон қўшинларининг кўпчилик қисми жанг майдонида ҳалок бўл-

ган, Кайхисровнинг ўзи «ўлдирилган». Геродотнинг асарида Ўрта Осиёда яратилган бир афсона сақланган. Бу афсонада айтилишича, массагетлар маликаси Томирис Қайхисровни енгиб, уруш майдонидан унинг жасадини топиб келишни буюрган ва унинг калласини киши қони тўлдирилган идишга тиқаётиб: «Сени қонга тўйғизмоқчи эдим» деган.

Қўмбиз (эрамиздан аввалги 529—523 йиллар) ва эронликларнинг Мисрни истило қилиши

Қўмбизнинг подшолик қилганлиги бизга грек тарихчиларининг ҳикояларидан ва эронликларнинг Мисрни истило қилган даврга оид Миср ёзувларидан маълум. Кайхисров вафот қилгандан кейин, унинг катта ўғли Қўмбиз тахтнинг қонуний вориси сифатида тахтга ўтирган. Бироқ Қўмбиз тахтга ўтирган пайтда мамлакатда олаговур бошланган. Қайхисров томонидан бўйсундирилган, лекин иқтисодий жиҳатдан Эрон билан мустаҳкам боғланмаган айрим мамлакатлар Эрон давлатининг составига ҳали узвий равишда кирмаган эдилар. Кайхисров бўйсундирган айрим халқлар ўзларининг аввалги мустақилликларини ҳали эсдан чиқармаган эдилар ва улар озод бўлиш учун имконият бўлган ҳамоно, бош кўтариб чиқишлари турган гап эди. Кайхисров бўйсундирган, аммо Эрон билан мустаҳкам боғланмаган айрим халқлар Қайхисровнинг ўлимидан фойдаланиб, Эрондан ажраб чиқадилар. Қўзғолонларни бостириш учун Қумбизга кўп куч сарф қилишга тўғри келган. Бу қўзғолонларга Қайхисровнинг иккинчи ўғли ҳам аралашган бўлса эҳтимол. Бехистун ёзувида унинг номи Бардия, Геродотнинг асарида эса, Смердис деб аталган. Ксенофонтнинг айтишича «Қайхисров вафот этиши биланоқ унинг ўғиллари ўртасида низо бошланган, шаҳарлар ва қабилалар ҳам Эрондан чиқиб кета бошлаган». Қумбиз Эрон давлатининг тўла ҳуқуқли подшоси сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида ўз укаси Бардияни ўлдирган, аммо Бехистун ёзувида айтилишича, «Камбужий (Қумбиз.— *В. А.*) Бардияни ўлдирган вақтда халқ унинг ўлдирилганини билмаган».

Қумбиз тахтда мустаҳкам ўрнашиб, қўзғолон кўтарган халқлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиб олгандан кейин, Қайхисровнинг истилочилик сиёсатини давом қилдириш мақсадида, Миср устига қўшин тортиб боришга тайёрлана бошлайди. XXVI Саис династиясига мансуб тадбирли фиръавнлар замонида бир қадар кучайиб кетган, ўзининг минг йиллик қадимги маданияти ва ўтмишдаги қудрати билан мағрурланувчи Миср Эрон подшолари учун ҳали ҳам хавфли рақиб бўлиб кўринар эди. Миср фиръавни Яхмос II (Амазис) Мисрнинг греклар билан савдосини ривожлантириб, ўз армиясига грек-лардан ёлланма аскарлар олиб, улар ёрдами билан Мисрнинг

иқтисодий ва *харбий қудратини мустаҳкамламоқчи* бўлган. Бундан ташқари, фиръавн Кипр, Лидия, Бобил ва Самос орол билан иттифоқ тузган. Бирок Эроннинг тез кучайиб бориши кучсизланиб бораётган ва ичидан заифлашган Мисрнинг *сўнгги умидларини ҳам* пучга чиқарган. Бобил билан Лидияни Қайхисров ўзига бўйсундирган эди. Кипр, Поликрат Самосский ва ҳатто грек ёлланма отрядларининг бошлиғи бўлиб, бундан аввал Яхмос II га хизмат қилган иониялик Фанет ҳам Қўмбиз томонига ўтган. Шундай қилиб, иттифоқчиларидан маҳрум бўлиб қолган Миср бутун Ғарбий Осиёни ўзига бўйсундирган ва селдек ёпирилиб босиб келаётган Эрон истилочисига қарши яккама-якка ўзи курашиши лозим эди.



Эрон жангчиси.

Персеполдан топилган бўртма расмдан кўчирма.

Ўзининг ғоят катта армиясига ва иттифоқчилари — финикияликлар, кипрликлар ва самосликларнинг кучли флотига суяниб, Қўмбиз эрамиздан аввалги 526 йилда Мисрга қарши юриш бошлаган. Бу юришда Лидиянинг собиқ полшоси, кекса Креэ (грек тарихчилари Крезни ҳаётда кўпни кўрган доно бир чол сифатида *тасвирлайдилар*) ва Поликрат Самосскийнинг акаси Силосон Қўмбиз билан бирга борган. Қўмбиз араб қабилаларининг йўлбошчиси билан битим тузишга муваффақ бўлган, бу битимга кўра, у Эрон қўшинлари Синой чўлидан ўтаётган пайтда уларни сув билан таъмин қилган.

Эроннинг кўп сонли қўшинлари Миср чегараларига яқинлашиб келаётган пайтда Яхмос II вафот этган; Яхмос II ўз замонасининг катта сиёсий арбоби бўлиб, грекларнинг ёрдамидан усталик билан фойдаланган эди. Подшолик тахтига Псамтик III ўтирган, аммо у ўз мамлакатини душманлар хужумидан ва ўз давлатининг мустақиллигини сақлаб қолишнинг уддасидан чиқа олмаган. Миср қўшинлари Пелу-

эия ёнидаги жангда ҳам, Мемфис камал қилинган вақтда ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай, эронликлар мисрликларни батамом енгганлар ва Мисрни ўзларига бўйсундирганлар (эрамиздан ав. 525 йил). Эронликларнинг бостириб келишидан қўрқиб, Мисрнинг ғарб томонида яшаган шимолий африкалик баъзи бир қабилалар эронликларга ўз ихтиёрлари билан таслим бўлганлар. Масалан, Геродотнинг айтишича, «Мисрнинг бундай аҳволга тушиб қолиши Мисрга қўшни бўлган ливияликларни қўрқитиб юборган, шундан кейин ливияликлар урушсиз эронликларга таслим бўлганлар, улар ўзлари-ўзларига хирож белгилаб Қўмбизга совға-саломлар юборганлар. Киренаиклар (Қаноний лар) билан барқаликларнинг кути учиб, булар ҳам ливияликлар сингари таслим бўлганлар».

Грек тарихчилари Қўмбизнинг Мисрда жуда шафқатсизлик билан террор ўрнатганлигини гапирадилар. Страбон Қўмбизнинг Сарапей билан Мемфисга ўт қўйганини айтади; Диодор эса Қўмбиз Рамессийни талон-торож қилди, дейди, Геродот Қўмбизнинг ёвузликларини тасвирлар экан, уни «ақлсиз ва жинни одам» деб атайди. Геродот, Қўмбиз ғазаби қўзғаб, ўзини билмай қолган пайтда қадимги мисрликларнинг Апис деган муқаддас буқасини найза санчиб ўлдирган, ҳомиладор хотини Рахшонани корнига тепиб ўлдирган ва умуман Қўмбиз «оғир телбалик касалига» мубтало бўлган одам эди, деб ҳикоя қилади. Қўмбизнинг шафқатсизлиги ва Мисрни золимлик билан идора қилганлиги ҳақида грек тарихчилари айтганларини Элефантин папирусларидаги ёзувлар ҳам бир қадар тасдиқлайди, бу папирусда, «Қўмбиз Миср худоларининг барча ибодатхоналарини бузиб ташлаган» дейилади. Шу даврга оид бир Миср ёзувида, «бутун мамлакат бошига тушган бундай оғир кулфат бугунга ҳеч қачон бўлган эмас» дейилади. Лекин бу гапларнинг ҳаммасида ҳам бирмунча муболаға бор. Қўмбизнинг истилочилик ва қаттиқ қўллик сиёсати Мидияда ва Эрон давлатига кирган бир қанча мамлакатларда катта оппозиция чиқишига, Мисрда ватанпарварлик ҳиссининг кучайиб кетишига ва бутун грек оламида ташвиш туғилишига сабаб бўлган. Мисрда ғалаёнлар бошланади, унга қарши эронликлар жазо чоралари қўллайдилар, жумладан XXVI династияга мансуб сўнгги Миср фиръавни Псамтик III ни ўлдирадилар. Геродотнинг айтишича Псамтик III «мисрликларни қўзғолонга чақиришда айбланади». Шунинг учун Қўмбизнинг шафқатсизлиги, ўтакетган мустабидлиги ва жаҳли чиққанда ўзини билмай қолиши ҳақида хусусан грек-миср доираларида афсоналар тўқилганига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу афсоналар грек тарихчиларининг асарларида, жум-

ладан, Геродот асарларида аниқ акс этган. Насиҳатгўй грек историографияси «инсонпарвар ва одил» Қайхисровни «раҳмсиз ва фаросатсиз» Қўмбизга қарама-қарши қўяди, лекин, ҳар икковидаги хислатларни ҳам жуда муболағалаштириб юборган. Масалан, Геродот эронликлар «Қўмбизни хўжайин (том маъноси билан —«мустабид»— *В. А.*), Қайхисровни эса ота» деб атайдилар, чунки Қўмбиз «шафқатсиз ва такаббур», Қайхисров бўлса, «шафқатли ва ҳамма парсани фуқаро фойдаси учун қиладиган одам эди», дейди.

Бироқ Миср хужжатларидан, жумладан, Саисдаги маъбуда Нейт ибодатхонасининг мисрлик бош руҳонийси Ужагорресентнинг ёзувидан маълумки, истило қилинган мамлакатларга нисбатан Қайхисров қандай сиёсат тутган бўлса, Қўмбиз ҳам Мисрни истило қилгандан кейин унга нисбатан шундай сиёсат олиб борган. Қўмбиз Миср динини кўпроқ таъқиб қилиш у ёқда турсин, балки, аксинча, Ужагорресентнинг ёзувида айтилишича, Миср коҳинларининг эронликларга ёр берувчи баъзи бир доираларига таяниб иш кўрган. Масалан, Ужагорресентнинг ҳикоя қилишига қарағанда, Қўмбиз Саисдаги маъбуда Нейт ибодатхонасини тиклаган, қадимги Миср исмини ва Миср фиръавни деган унвонни қабул қилган ва ҳатто маъбуда Нейтнинг диний маросимларига қатнашиб турган. Бинобарин, Қўмбиз грек тарихчилари ёзганидек, мисрликлар динига жуда ҳам қаттиқ қарши чиқмаган. Ужагорресентнинг фахр билан айтишига қараганда, Қўмбиз, унинг илтимоси билан, «Нейт ибодатхонасига кириб олган ҳамма осиёликларни ҳайдаб чиқариш, осиёликларнинг бу ибодатхона ичидаги уйларини бузиб ташлаш... Нейт ибодатхонасини покизалаш, бу ибодатхонанинг ҳамма кишилари ва соҳчи коҳинларини қайтариш» тўғрисида буйруқ берган. «Подшо ҳазратлари Саисда худди аввалларидек бўлгани каби, буюк худоларнинг онаси бўлмиш улуғ Нейт шарафига назр-ниёз бериш ва қурбонликлар келтиришга буйруқ қилди».

Қўмбиз Мисрни истило қилиш билан чекланиб қолмаган, у Африкадаги бошқа мамлакатларни, жумладан, Карфагенни, воҳаларни ва узоқ Эфиопияни ҳам ўзига бўйсундириш учун бирмунча уринib кўрган. Бироқ унинг бу ҳаракатлари муваффақиятли бўлиб чиқмаган. Финикия флоти карфагенлик ўз қабиладошларига қарши чиқишдан бош тортган; воҳаларга юборилган экспедиция қум-чўлларида ҳалок бўлган. Қўмбиз қўшинлари бутун Эфиопияни истило қилишга муваффақ бўлолмаган. Грекларга ярим қарам бўлган Киренаика (Қанон) ўлкаси ва қўшни ўлкалар Қўмбизга бўйсунган, холос. Эрон қўшинлари Алхаржа воҳасини ҳам ишғол қилган бўлсалар керак.

Қумбиз подшолигининг охирида катта-катта қўзғолонлар бўлган, бу қўзғолонлар Эрон давлатини жуда қаттиқ ларзага келтирган. Ахманийлар истило қилган кўп сонли мамлакатларининг аҳолиси Эрон шоҳларининг истилочилик сиёсатидан очиқдан-очиқ норозилик билдирганлар, бу истилочилик сиёсатининг бутун оғирлиги оддий халқ гарданига тушган. Бехистун ёзувида: «Қумбиз Мисрга жўнаб кетган вақтда халқ ёв бўлиб қолди ва мамлакатда, Эронда ҳам, Мидияда ҳам, шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам ёлғон-яшиқ кўпайди» дейилади. Қумбизнинг Мисрда узоқ вақт туриб қолишидан ва, эҳтимол, унинг Эфиопияга қилган юришининг муваффақиятсиз чиқишидан фойдаланиб, Мидия коҳинларидан (магларидан) Гаумата номли бир одам ўзини Эрон подшосининг ўлдирилган укаси Бардия деб курсатиб, Қумбизга қарши қўзғолон кўтарган. Бу қўзғолонни Мидия давлатининг мустақиллигини тиклаш ва Мидия аристократиясининг социал-иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш муддаосида Мидия аристократлари билан коҳинлари ташкил қилган бўлсалар керак. Гаумата халққа, мен сизларни уч йилгача ҳарбий мажбуриятдан озод қиламан ва солиқларни камайтираман, деган ваъдалар бериб ўз атрофига кўпгина куч тўплашга муваффақ бўлган. Қумбиз вафотидан кейин Эронга тобе бўлган кўпгина мамлакатларда Эрон ҳукмронлигига қарши қўзғолонлар бошланиб кетган. Жуда тез вужудга келган катта Эрон давлати тезда парчаланиб кета бошлайди. Эрон давлати жуда номустаҳкам давлат бўлиб, бу давлат ичида иқтисодий бирлик йўқ эди.

Доро I

Бу барча қўзғолонлар қадимги Эрон тарихининг Бехистун ёзуви деб аталган энг муҳим ҳужжатида муфассал тасвир этилган. Бехистун ёзуви Вавилдан Теҳронга борадиган йўлдаги баланд қояга ўйиб ёзилган. Аҳманийларнинг подшолик хонадони уруғ-аймоғидан бўлган Доро I нинг ёзувида хабар қилинишича, Қумбиз вафотидан кейин мамлакатда катта ғалаён бошланган, Эламда, Бобилда, Мидияда ва ҳатто Эроннинг ўзида ҳам сохта подшолар пайдо бўлиб, қўзғолонлар авж олиб кетган. Сўнгра Доро бир неча киши билан биргаликда (Геродот бу одамларни эронликлар орасида энг муътабар кишилар эди, дейди) Қумбизнинг укаси Бардияни деб юрган маг Гауматани ўлдирганини айтади. Сўнгра у қўзғолонларни бостириб, сохта подшоларнинг барчаси устидан тўла ғалаба қозонганини ва шу тариқа ягона Эрон подшосининг ҳокимиятини ҳамда бирлашган Эрон давлатининг қудратини тиклаганини ҳикоя қилади. Бу ҳамма воқеалар тўғрисида Бехистун ёзувида лўнда, лекин жуда маъноли қилиб гапирилади. Масалан, Доро бундай

дейди: «Мен Бобилда бўлганимда қуйидаги мамлакатлар: Эрон, Элам, Мидия, Осурия, Миср, Парфия, Марғиёна, Саттагидия, саклар мендан ажралиб чиқиб кетганлар». Сўнгра яна бундай дейди: «Мен подшолик тахтига ўтирганимдан сўнг, шу йил ичидаёқ Ахурамазданинг иродаси билан мана нималар қилдим. Мен 19 марта жанг қилиб, Ахурамазданинг иродасила (душманларни) тор-мор келтирдим ҳамда 9 подшони асир олдим». Бехистун қоясига ўйиб солинган расмда Эрон давлатининг ғолиб бирлаштирувчиси Доро I Қаштосиб ўғли ҳузурида оёқ остига босилган бир одам билан қуллари боғланган тўққиз сохта подшонинг сурати тасвирланган; бу, юқоридаги сўзларнинг яққол ифодасидир. Бу ўйиб солинган расм ва унда форс, бобил ҳамда янги элам тилларида узундан-узоқ қилиб битилган ёзув ўзига хос бир манифест бўлиб, бунда Доро I мамлакатда тинчлик ўрнатганини, бирлашган давлатни қайтадан тиклаганини, халққа қилган «саҳоватлари»ни ва мухлисларининг авлод-аждодлари фойдаланиши лозим бўлган имтиёзларни айтади.


Бироқ тўполон ва ғалаёнлар Эрон шохлигининг ичдан мустаҳкам эмаслигини ва заиф бўлганлигини очиб берган. Юқорида айтилганидек, Қайхисров ва Қумбиз бўйсундирган халқлар Қумбиз вафот қилгандан кейин ўз мустақилликларини тиклаш учун эронликларга қарши кураш бошлайдилар. Бу қўзғолонларда кенг меҳнаткаш аҳоли оммаси, айниқса, қуллар билан камбағаллар қатнашади. Марғиёнада (Туркманистондаги Мургоб дарёсининг ҳозирги водийсида) айниқса катта халқ қўзғолони бўлган. Бу қўзғолонни бостириш учун Доро Бактрия сатропи Дадаршиш бошчилигида алоҳида қўшин юборишга мажбур бўлган. Бу қўзғолон бостирилган пайтда 55 минг одам ўлдирилган, шунга қараганда, Марғиёнадаги қўзғолонда кенг меҳнаткаш аҳоли оммаси қатнашган бўлса керак. Шу сабабли Доро I подшолик ҳокимиятини қўлга олгандан кейин ва мамлакатдаги жами қўзғолонларни бостиргандан сўнг, ўз ёзувида ўзини халқ дўсти қилиб тасвирлашга ва аҳолининг кенг қатламлари манфаати устида ғамхўрлик қилувчи, деб кўрсатишга мажбур бўлган. Шунинг учун ҳам Доро I манифестида: «Маг Гаумата бузиб ташлаган ибодатхоналарни мен қайтадан тузаттирдим. Маг Гаумата халққа қарашли яйловларни, мол-мулкни, турар жойни тортиб олган эди, уларни халққа (қайтариб) бердим» деб ёзади.

Лекин Доро аҳоли кенг оммаси манфаатларини чиакамига ҳимоя қилиш сиёсатини охиригача олиб бормаган. Подшолигининг дастлабки пайтларида халқ манфаатларини назарда тутиб баъзи бир тадбирлар кўришга мажбур бўлган Доро I, кейинчалик, қулдорлар билан ер эгалари аристокра-

тиясига ва бой савдогарлар билан коҳинларга суяниб иш кўрган қадимги шарқ мустабидларининг традицион сиёсатини яна давом қилдира бошлаган. Яқингинада Персеполдан топилган Элам маҳкама ҳужжатларида аниқ кўрсатилишича, Эронда Доро I подшолик қилган замондан эътиборан эркин жамоаларнинг меҳнаткаш аҳоли оммаси ўртасида кескин социал табақалашиш рўй бера бошлаган. Бу ҳужжатлардан маълум бўлишича, Персеполда жуда хилма-хил ҳунармандлар оммаси кўплаб ишлаган. Булар дурадгорлар, тош-тарошлар, ҳайкалтарошлар, наққошлар, заргарлар, мисгарлар, қуролсозлар бўлган. Булар билан бирга, вино пиширувчилар, пиво пиширувчилар, хоммоллар ва бошқалар ҳам кўрсатиб ўтилади. Айтиш мумкинки, бу одамларнинг ҳаммаси ҳам эркин аҳолининг қуйи табақаларига мансуб бўлган. Булар қишлоқ жамоаларининг фақирлашган, хонавайрон бўлган аъзолари бўлиб, чек ерларидан маҳрум бўлгандан кейин, иш қидириб подшоларнинг йирик поместьеларига ва устахоналарига ёки подшолар саройидаги катта қурилишларга келиб қолган одамлар эди. Қуллдорлар ва катта ер эгалари аристократиясининг энг йирик вакили бўлган подшо, камбағаллашиб қолган ва аслда куллар аҳволига тушиб қолган жуда кўп бундай одамларни итоатда тутиши керак эди. Бир хопуч аристократларнинг камбағаллар билан қуллардан иборат меҳнаткаш оммани эксплуатация қилишига асосланган синфий тузумни мустаҳкамлаш учун, Эрон шоҳлари дастлабки Аҳманийлар замонидан буён айрим аристократларга катта-катта ерларни бўлиб бериб келганлар, бундай аристократлар «шоҳ акобирлари» деган унвон олган.



Доро I арслонни енгмоқда.
Персеполдан топилган бўртма расм.



Бактриядан хирож олиб келаётган киши.

Персеполдаги Ксеркс саройининг деворига солинган буртма расм. Эрамиздан ав. V аср.

Бу йирик ер эгалари шоҳдан турли имтиёзлар олганлар: улар ўз ер-мулкларида одамларни суд қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар, соликлар ва мажбуриятлардан озод этилганлар. Шу тариқа аста-секин катта-катта, деярли мустақил князликлар вужудга кела бошлаган, жумладан, Каппадокияда Отанийлар князлиги ёки Карияда Тиссаферн князлиги ана шундай князликлардир. Йирик ибодатхоналар ҳам шоҳдан анчагина енгилликлар олган. Масалан, Кайхисров Магнезиядаги Аполлон ибодатхонасини солиқ ва мажбуриятлардан озод қилган, Артаксеркс бўлса Қуддус ибодатхонасига ана шундай имтиёзлар берган. Бобил ҳужжатларида Эрон зодагонларининг Бобилда катта-катта ер-мулкларга эгалик килгани ва бу ерларни маҳаллий аҳолига ижарага берганлиги кўрсатилган. Эрон шохининг ўзи энг катта ер эгаси ва қўлдор бўлган. Шоҳ маҳаллий ҳокимларнинг ер-мулкларини аста-секин тортиб олиб, жуда катта ер фондига эга бўлиб борган. Шоҳ қўлида катта-катта ва обод боғлар бўлиб, греклар уларни парадейсос деб атаганлар (кейинги вақтлардаги «парадис» сўзи шундан келиб чиққан; христиан-

лик даврида эса бу сўз «жаннат» маъносини англатган). Шоҳларнинг бу ер-мулкларида катта-катта дарахтзорлар бўлиб, унда илвасин кўп булган ва шоҳлар шу ерларда ов қилган, бундан ташқари, мул-кул мевазор боғлар ҳамда кучатзорлар бўлган. Чет давлатлардан турли усимликлар олиб келиб, бу кўчатзорларда иқлимлаштирилган. Подшонинг яна катта-катта ҳунармандлик устахоналари ҳам бўлиб, буларда куллар ишлаган. Масалан, Финикиядаги ана шундай катта устахоналарда қимматбаҳо тўқ қизил бўёқ тайёрланган. Персеполдаги машхур «колонна зали» қурилишида «сарой қуллари» (пуху батиманиш) ишланган.

Доро I реформалари. Ахманийлар даврида Эрон давлатининг ташкил килиниши

Эрон подшолигининг айрим қисмлари ўртасида мустаҳкам алоқаларнинг йўқлиги, Кумбиз подшолигининг охирида ва Доро I подшолигининг дастлабки пайтларида авж олган ўткир синфий кураш бир қанча реформалар ўтказишни талаб қилган. Бу реформалар Эрон давлатининг ички аҳволини мустаҳкамлаши керак эди. Грек тарихчиларининг айтишларича, Доро бутун Эрон давлатини бир қанча ўлкаларга (сатрапликларга) бўлиб, ҳар бир ўлкага муайян миқдорда хирож солган. Бу хирож мунтазам суратда подшо хазинасига бериб турилган. Бундан ташқари, Доро пул реформаси ўтказиб, бутун давлат учун ягона олтин монета (дарик) белгилаган (дарик — олтин билан 8,416 граммга тўғри келган). Сўнгра Доро йўл қуриш ишларини қизитиб юбориб, давлатнинг энг муҳим иқтисодий, маъмурий ва маданий марказларини катта йўллар воситаси билан бир-бирига боғлаган, алоқа ишларини ғоят яхши йўлга қўйган ва, ниҳоят, армия ҳамда харбий ишни тамомила қайтадан қурган. Доро I реформалари ва уидан кейинги подшоларнинг фаолияти натижасида Эрон давлати катта Эрон монархияси составига кирган айрим халқларнинг маданий ютукларидан жуда кенг суратда фойдаланиб қурилган янги давлат ташкилотига эга бўлган.

Доро реформалари идора ишларининг мураккаб бюрократик системаси ёрдамида давлатни бир қадар марказлаштиришга олиб келса-да, лекин Эрон ҳар ҳолда кадимги қабилачилик иттифоқининг жуда ибтидоий характерини кўп холларда сақлаб қолган. Шох танхо мустабид подшо бўлишига қарамасдан, баъзи масалаларда қадимги уруғ-кабила зодагонлари орасидан чиққан олий мансабли вакилларнинг таъсирида булган. Масалан, Геродотнинг айтишича, Доро еттита энг улуғ Эрон зодагонининг кенгашида шох қилиб сайланган, бу одамлар шох ҳузурига тўгридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга булганлар, шу билан бирга, шоҳ шу етти арис-

тократдан биттасининг қизига уйланиши шарт бўлган. Бехистун ёзувининг текстида, Доро I Гауматани ўлдиришда ва подшолик ҳокимиятини қўлга киритишда ёрдам берган бу эллик муътабар эронликларнинг номларини санаб кўрсатади ва бўлажак Эрон подшоларига: «Сен, замонанинг зайли билан подшо бўлсанг, бу зотларнинг авлодини эҳтиёт қил» деб мурожаат қилган. Геродотнинг сўзига қараганда, ҳатто Ксеркс ҳам грекларга қарши отланишдан аввал бу масалани шу олий зотлар вакилларининг кенгашида муҳокама қилишга мажбур бўлган.

Бироқ замон ўтиши билан қабилаларнинг эски иттифоқи қадимги Шарқдаги классик деспотия формаларига кира борган, қадимги Шарқдаги деспотиянинг айрим элементлари мисрликлар билан бобилликлардан олинган бўлса керак. Шоҳ ҳузурида марказий идоранинг айрим тармоқларини, яъни хазина, суд ва ҳарбий ишларни шоҳ номидан бевосита бошқарадиган юқори мансабли амалдорлар бўлган. Шоҳ ҳузурида унинг шахсий котиби ҳам бўлиб, у шоҳнинг фармонларини тайёрлаган. Шоҳ бошлиқ марказий ҳокимият маҳаллардаги идора ишларининг барча соҳаларига актив суратда аралашган. Чунончи, шоҳ фуқароларининг, масалан, бирорта ибодатхона коҳинларининг шикоятларини текширган, солиқ масалаларида енгилликлар берган, ибодатхона солиш ёки шаҳарларга девор қуриш тўғрисида шахсий фармойиш берган. Шоҳнинг муҳри босилган ҳар бир фармон қонун бўлиб, у албатта бажарилган. Бу фармонни ҳеч ким бекор қилолмаган. Давлатни идора қилишнинг бутун системаси ониқдан-очиқ бюрократик характерда бўлиб, давлат ишларини жуда кўп амалдорлар олиб борган. Шоҳ амалдорлар билан махсус нома (хат)лар орқали алоқа қилган. Шоҳ саройида ва маҳкамаларда ёзув-чизув ишлари жуда зўр диққат билан олиб борилган. Барча фармойишлар алоҳида протокол ва кундалик дафтарларга оромий тилида ёзиб борилган. Оромий тили Эрон давлатининг аста-секин умумий давлат тилига айланган. Олий давлат инспектори вазифаси («шоҳнинг кўз-қулоғи») марказлашган идоранинг мустаҳкамланишига ёрдам берган, инспектор шоҳнинг топшириғи билан олий назорат қилиш, хусусан, айрим ўлкалардаги ишларни назорат қилиш каби жуда муҳим вазифани бажарган.

Сўнгра суд ишларининг шоҳ ва алоҳида «шоҳ судьялари» қўлида бўлиши ҳам марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамлашига ёрдам қилган. Бу «шоҳ судьялари» ёки, ўша вақтнинг тили билан айтганда, «ҳуқуқшунослар» ўз фаолиятида шоҳнинг чекланмаган ҳокимият принципларини асос қилиб олганлар. Геродотнинг ҳикоя қилишича, Қўмбиз «шоҳ судьяларини» ўз

ҳузурига келгашга чақирганда, улар «эронликлар шоҳи нимани истаса, шуни қила олади деган қонун» бор деб айтганлар. Бу «подшо судьялари»нинг вазифаси барча жанжалли масалаларда подшога маслаҳат беришдан иборат бўлган. «Шоҳ судьяларн» шоҳ томонидан умрбод қилиб тайинланган, бу судьялар жиноят қилиб қўйса ёки порахўрликда айбланса гина, уларни ўрнидан олиб ташлаш мумкин бўлган. «Шоҳ судьяси» деган вазифа баъзан хатто отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган. «Подшо судьялари» фақат Эроннинг ўзидагина эмас, балки Эрон давлати составига кирган баъзи бир мамлакатларда хам суд ишларини бажарганлар. Тавротдаги маълумотлар ҳамда эронликлар ҳукмронлик қилган даврга оид баъзи бир Бобил ҳужжатлари (бу ҳужжатлар Ниппурдан топилган) шундан далолат беради.

Қадимги Шарқ дунёсининг бошқа мамлакатларидаги сингари, Эроида ҳам натурал хўжалик ҳукм сурган. Қишлоқ жамоаларида етиштирилган махсулотларнинг кўпчилиги шу жойнинг ўзида истеъмол қилинган. Етиштирилган маҳсулотнинг озгина ортиқча қисми бозорга олиб борилган, товарга айланган. Қадимги натурал хўжаликка мувофиқ, товарларнинг баҳоси ва иш ҳақи кўпинча етиштирилган маҳсулотларнинг муайян миқдорида ифодаланган. Масалан, Персеполдаги ёлланма ходимлар иш хақи учун махсулот, яъни: нон, ёғ, балиқ ва шу каби махсулотлар олганлар, шу билан бирга, маҳсулот билан тўланадиган иш ҳақини билдирмоқ учун «шак» деган махсус термин қўлланилган. Персеполдан топилган ва бирмунча кейинги замонга оид бошқа ҳужжатларда «кўй ва вино» сўзлари учрайди, қўй ва вино иш ҳақи сифатида берилган. Бироқ савдо-сотиқ ишлари ривожланиб борган сари баҳонинг бу ибтидоий товар эквивалентларини дастлаб вазнин металл пуллар, сўнгра зарб қилинган монета тобора кўпроқ сиқиб чиқарган. Ташки савдо анча тараққий қилган Лидияда эрамиздан ав. VI асрда зарб қилинган монета пайдо бўлган, бу монета Бобилнинг энг қадимги пул-оғирлик улчови системасидан фойдаланиш асосида келиб чиққан. Эронда пул системаси Қайхисров замонида вужудга келган. Қайхисров Сузада, Сардада ва Бобилда олтин мопсталар зарб қилдира бошлаган, бу олтин монета «дарик» деб аталган («дари» сўзи қадимги эронча «олтин» деган иборадан келиб чиққан бўлса керак). Эрон давлатининг гарбий қисмларида савдо-сотиқда пул ишлатилиши жуда ривожланган, бу ерда, масалан, Бобил сингари қадимги савдо марказлари азалдан равнақ топиб келган. Шарқий ўлкаларда, жумладан, Ўрта Осиёда асосан қадоқ тилла ишлатилган. Бироқ Эрон монетаси бу ерга хам келиб кирган. Афросиёбдан (ҳозирги

Самарқанд яқинида) ва эски Термиз харобаларидан эрон дариклари топилди. Доро I замонида Эрон савдосининг тараққий қилганлигини подшонинг Сузадан топилган ёзуви яққол кўрсатади. Бу ёзувда Сузада қурилган сарой ҳақида гапирилади. Бу ёзувда подшо саройини қуриш учун турли мамлакатлардан келтирилган қурилиш материаллари муфассал тасвирланади. Масалан, кедра дарахти Ливан тоғларидан, олтин — Сарда ва Бактриядан, ложувард ва қизил тош — Суғдиёндан, феруза — Хоразмдан, кумуш ва бронза — Мисрдан, фил суяги — Эфиопия (Ҳабашистон)дан, Ҳиндистон ва Арахозиядан келтирилган.

Эрон давлатида савдо ишларини янада ривожлантириш ва давлатнинг айрим қисмлари ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун бутун давлат территориясида ягона пул системаси ўрнатиш зарур эди. Шундай ягона пул системаси ўрнатиш мақсадида Доро ўзининг машҳур пул реформасини ўтказади. Мамлакатнинг ҳамма жойида давлатнинг ягона олтин монетаси — дарик (8,416 грамм) жорий қилинган. Энг юқори қадоқ ва монета бирлиги — Эрон таланти 3 минг дарикдан иборат бўлган. Олтин монета зарб қилиш ҳуқуқи ёлғиз марказий ҳокимият қўлида бўлган. Шундан бошлаб, умумдавлат олтин монетаси оғирлигининг тўғри бўлиши ва қотишмасининг софлиги учун гарантияни Эрон шоҳи ўз устига олган. Шунинг учун «Доро олтин қумини мумкин қадар кўпроқ тозалаб, шундан монета қуйишни буюрган». Маҳаллий подшоҳалар ва айрим ўлкалар ҳамда шаҳарларнинг ҳокимлари фақат кумуш ва мис монета зарб қилиш ҳуқуқигагина эга бўлган. Майда чақа ўрнида эроича шекель деб аталган кумуш пул юриб, у дарикнинг йигирмадан бирига (5,6 грамм кумушга) баравар бўлган. Шу билан бирга, Доро айрим ўлкаларнинг хўжалик тараққиётига қараб, подшо хазинасига топширишлари лозим бўлган солиқлар миқдорини ҳам белгилаган. Солиқлар ундиришни савдо уйларига ёки айрим баҳолаб олувчиларга берилган, савдо уйлари ва айрим баҳолаб олувчилар эса солиқ ундиришдан жуда катта бойлик орттирганлар. Шу сабабли солиқлар ва баҳолаб олувчиларга ҳақ тўлаш аҳоли устига жуда оғир юк бўлиб тушган. Мамлакатнинг хўжалик ҳаётининг ва хусусан савдонинг ўсиши билан жуда яқиндан боғлиқ бўлган мамлакат хўжалик-молия идорасининг ташкил қилинишини Геродот ғоят ўткир сўзлар билан қайд қилиб ўтади. у: «Доро муайян солиқ белгилагани ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар кўргани учун эронликлар уни савдогар деб атайди» дейди.

Савдони ривожлантириш ва бутун хўжалик ҳаётини мунтазам равишда бир-бирига мувофиқлаштириб бориш учун йўл

қурилиши ва алоқа хизматини кенг суратда йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга бўлган. Бу масалада эронликлар қадимги хеттлар билан осурийлар қургап кўпдан-кўп йўллардан кенг суратда фойдаланиб, бу йўлларни савдо карвонлари учун, почта алоқалари ва аскарларни олиб юриш учун мувофиқлаштирганлар. Шу билан бирга, бир канча янги йўллар ҳам қурилган. Энг муҳим савдо ва маъмурий марказларни бирлаштирган асосий йўллар орасида «шоҳ йўли» деган ном олган энг катта магистраль алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу йўл Кичик Осиёдаги Эгей денгизи қирғоқ бўйларидан тортиб Месопотамиянинг марказигача борган. Бу йўл Эфесдан Фрот дарёси, Арманистон, Осурия орқали ва кейин Дажла дарёси бўйлаб Сардага ва Сузага борган. Бобилдан чиқиб, Загр дарёси орқали ва Беҳистун кояси ёнидан ўтиб, Бактрия ва Ҳиндистон чегараларига борган йўл ҳам аҳамияти жиҳатидан «шоҳ йўли»дан колишмаган. Инҳоят, Ис қўлтигидан то Синопгача бутун Кичик Осиёни кесиб ўтган алоҳида бир йўл бўлган, бу йўл Эгей денгизи районини Закавказье ҳам Олд Осиёнинг шимолий қисми билан бирлаштирган. Грек тарихчилари Эрондаги бу йўлларнинг ғоятда ободликда сақланганлигини ҳикоя қиладилар. Бу йўллар парсангларга (беш километрга) бўлиниб, унинг ҳар 20 километрида шоҳ бекати ва меҳмонхонаси бўлган. Шоҳ номаларини чопарлар шу йўллардан ташиганлар. Грек тарихчилари Эронда подшолик почтасининг қандай ташкил қилинганлигини тасвирлаб, ҳар бир бекатда запас от ва чопарлар бўлганлигини, бу чопарлар подшо номаларини олиб келган чопарлардан номани олиб дарҳол йўлга чиққанлигини ҳикоя қиладилар. «Шундай ҳоллар бўладики,— деб ёзади Ксенофонт,— бу чопарлар ҳатто кечаси ҳам тўхтамай йўл юрадилар, кундузги чопар ўрнини тунги чопар эгаллайди, баъзи одамлар айтганидек, чопарлар шу тартибда чопиб, манзилга турналардан ҳам тезроқ етиб борганлар». Гулхан ёқиб сигнал бериш усулидан ўша вақтлардаёқ фойдаланган бўлсалар керак. Ўлка ва чўлларнинг чегараларида, шунингдек катта дарёлардан кечиб ўтиладиган жойларда истеҳкомлар қурилиб, уларда гарнизонлар турган. Бу эса йўлларнинг харбий аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Ғоятда кенг территорияни ўз ичига олган Эрон империяси бирлигини сақлаш, жуда чўзилиб кетган чегараларни қўриқлаш ва мамлакат ичидаги қўзғолонларни бостириш учун кўшин ва умуман бутун ҳарбий ишларни ташкил қилиш зарур бўлган. Тинчлик вақтида доимий қўшин эронликлар билан мидиялик отрядлардан иборат бўлиб, улар асосий гарнизонларни ташкил қилган. Шоҳ гвардияси доимий армиянинг яд-

роси бўлиб, у отлиқ аристократлар билан 10 минг кишилик «ўлмас» пиёдалардан иборат бўлган. Эрон шоҳининг 10 минг кишилик шахсий соқчилари бўлган. Уруш вақтида бутун давлат тупрогидан халқ лашкари тўпланган, шу билан бирга, айрим ўлкалар муайян миқдорда жангчилар юборишлари лозим бўлган. Армияни ва бутун ҳарбий ишни кайтадан қуриш соҳасида Доро бошлаб берган иш Эрон давлатининг ҳарбий қудратини оширишга ёрдам берган. Грек тарихчиси Ксенофонт қадимги Эронда ҳарбий ишлар гоят юксак даражада ташкил этилган эди, деб уни бирмунча идеаллаштириб тасвирлайди. Унинг айтишича, ҳар бир сатропликдаги қўшинлар миқдорини, отлиқлар, тирандозлар, сопқончилар ва қалқончилар сонини, шунингдек айрим қалъалардаги гарнизонлар сонини Эрон шоҳининг ўзи белгилаб берган. Эрон қўшинларини, жумладан подшо резеденцияси атрофидаги қўшинларни ҳар йил шоҳнинг ўзи кўрикдан ўтказиб турган. Узоқ ўлкаларда эса, бундай кўрикларни у ерларга шу иш учун махсус юборилган алоҳида шоҳ амалдорлари ўтказган. Ҳарбий ишларни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган. Қўшинга яхши қараган сатроплар юқори мансабларга кўтарилган ва уларга қимматбаҳо ҳадялар берилган, аммо қўшинга ёмон қараган сатроплар ўринларидан олиб ташланган ва уларга каттиқ жазолар берилган. Бир қанча ўлкаларни бирлаштирган катта-катта ҳарбий округлар тузилиши ҳарбий ишни ва асосан ҳарбий идорани марказлаштиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Эрон давлатини ички томондан мустаҳкамлаш учун маҳаллий бошқарманинг мунтазам бир системасини ташкил қилиш зарур бўлган. Кайхисров замонидаёқ буйсундирилган мамлакатлардан катта-катта ўлкалар барпо қилинган ва бу ўлкаларни алоҳида ҳокимлар идора қилган. Бу ҳокимларни греклар сатроп деб атаган (сатроп сўзи форсча —«хшатрапаван»—«мамлакат мутасаддилари» деган сўздан олинган). Бу сатроплар шоҳнинг ўзига хос ноиблари бўлиб, улар ўз ўлкаларидаги бутун идора ишларини ўз қўлларида марказлаштиргаплар. Бу сатроплар ўз ўлкаларида тартиб ўрнатиб, улардаги кўзголонларни бостириб турганлар. Сатроплар маҳаллий судга ҳам бошлиқ бўлиб, улар жиноий ва гражданлик юрисдикциясига эга бўлганлар. Сатроплар ўлкадаги қўшинга қўмондонлик қилган, ҳарбий таъминот ишларини олиб борган ва улар хатто шахсий гвардия тутиш ҳуқуқига ҳам эга бўлгап. Масалан, Лидия сатропи Оройтнинг бир минг соқчидан иборат шахсий гвардияси бўлган. Сўнгра молия-солиқ ишлари ҳам сатроп қўлида бўлгап. Қўл остидаги аҳолидан солиқ йиғиш, янгидан-янги солиқлар ўйлаб топиш ва солиқлардан



Эрон жанг аравази ва подшо гвардияси.


Персеполдаги Ксеркс саройидан топилган бўртма расм. Эрамиздан ав. V аср.

тушган ҳамма нарсани шоҳ хазинасига топшириш вазифаси сатроплар қўлида бўлган. Бундан ташқари, ўлканинг хўжалик ҳаётини, жумладан ундаги деҳқончилик ишларининг ривожланишини ҳам сатроплар кузатиб борган. Деҳқончиликни ривожлантиришни эронликлар хўжаликнинг энг муҳим гурларидан бири деб билганлар.



Киликиядан хирож олиб келаётган одамлар.
Персеполда топилган бўртма расм. Эрамиздан ав V аср.

Ниҳоят, ўз ўлкаларидаги амалдорларни тайинлаш ва ишдан олиш ҳамда бу амалдорларнинг ишларини назорат қилиб бориш ҳуқуқи ҳам сатроплар қўлида бўлган. Шу тариқа, сатроплар жуда катта ваколатга эга бўлиб, улар деярли мустақил подшоҳаларга айланган, уларнинг ҳатто ўз саройлари ва сарой аҳллари ҳам булган. Эрон шоҳлари гоят кенгайиб кетган давлатнинг хамма қисмларини ўз назоратлари остида тутишга ожизлик қилиб, маҳаллий подшоларнинг бир қанча ҳукуқларини била-кўра туриб сақлаб қолдирган. Масалан, Киликия подшолари эрамиздан аввалги V аср охиригача ўз подшоликларини сатроп сифатида идора қилиб келган. Кичик Осиёда, Сурияда, Финикияда ва Фаластинда, Ўрта Осиёда ва узоқ шарқий ўлкаларда, Хиндистон чегараларида маҳаллий князлар ўз хокимиятларини сақлаб қолиб, улар Эрон «шаҳаншоҳи» номидан ўз ўлкаларини идора қилганлар. Бу маҳаллий хокимлар ёки сатропларнинг ҳаддан ошиқ мустақиллиги кўпинча бу ўлкаларда Эрон шоҳига қарши қўзғолонлар чиқишига сабаб бўлган. Бу қўзғолонлар Эрон шоҳларининг доимо аралашиб туришини талаб қилган. Жумладан,



Турли халқлар хирож келтирмоқда.

Персеполда Ксеркс саройи деворидаги буртма расм. Эрамиздан ав. V аср.

Доро Лидия сатропи Оройт билан Миср сатропи Ариандга қарши чиқиб, уларнинг ҳаддан ошиқ узбошимчаликлари учун қаттиқ жазолашга мажбур бўлган. Бу сатропларнинг узбошимчалиги баъзан Эрон шоҳларининг амр фармонларига

бўйсуимасликка ва ҳатто шоҳ чопарини махфий суратда ўлдиришгача бориб етган.

Доро I замонидаёқ Эрон подшолиги 23—24 сатропликка бўлиниб, бу сатропликлар Бехистун, Нақширустам ва Сувайш ёзувларида санаб кўрсатилган. Сатропликларнинг шоҳга тўлайдиган солиқлари миқдори ҳам кўрсатилган рўйхат Геродот асарларида ҳам келтирилади. Бироқ бир-бирига мувофиқ келмайдиган бу рўйхатларнинг ҳаммасини ҳам маъмурий аҳамиятга эга бўлган рўйхатлар деб бўлмайди. Сатропликларнинг баъзан узбошимчаликкача бориб етадиган ҳаддан ошиқ мустақилликларига чек қўйиш мақсадида Эрон шоҳлари томонидан бир қадар чоралар кўрилишига қарамасдан, сатроплар ҳар ҳолда ўзларига хос кўпгина маҳаллий хусусиятларни узоқ вақтларгача сақлаб қолганлар. Айрим сатропликларда (Бобил, Миср, Яҳудия) маҳаллий ҳуқуқ, маҳаллий оғирлик ва узунлик ўлчовлари, маъмурий бўлиниш (Мисрнинг номларга бўлиниши), ибодатхона ва коҳинларнинг солиқлардан озод қилинганлиги ва бошқа имтиёзлари сақланиб қолганди. Айрим мамлакатларда расмий тил сифатида маҳаллий тиллар ҳам сақланиб қолган. Эрон давлатининг расмий «маҳкама тили» бўлиб қолган оромий тили юқоридаги маҳаллий тиллар билан бир қаторда аста-секин катта аҳамиятга эга бўла борган. Аммо Кайхисров империясида империя учун ягона бўлган ва империя аъзоларининг ҳаммаси учун тушунарли бўлган тил йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Шу сабабли, сақланиб қолган ҳужжатлардан аниқ маълум бўлишича, ҳар бир мамлакатда унинг ўз маҳаллий тили мустаҳкам сақланиб қолган. Масалан, Мисрда — қадимги миср тилида, Бобилда — бобил тилида, Эламда — элам тилида ёзганлар ва гапирганлар. Шоҳ қул остида маъмурий ва ҳарбий жиҳатдан битта кучли давлатга бирлашган ғарбий-эрон қабилалари Эрон давлатининг негизини ташкил қилган. Эронликлар бу давлатда ҳукмрон халқ сифатида имтиёзли мавқеини эгаллаганлар. Эронликлар барча солиқлардан озод қилинган, шу сабабли солиқларнинг бутун оғирлиги эронликлар томонидан бўйсундирилган халқлар устига тушган. Эрон шоҳлари эронликларнинг «хизматлари ва қадр-қимматларини», шунингдек уларнинг давлатда ҳукмрон мавқеини эгаллаганликларини ўз ёзувларида доим таъкидлаб келганлар. Доро I ўз гури устига қўйиладиган қабртошга: «Сен: «Подшо Дорога қанчадан-қанча мамлакатлар бўйсунган»лигини уйлаб кўрсанг, тахтни кутариб турган одамларнинг тасвирига қара; шунда сен Эрон жангчисининг пайзаси узоқ-узоқ мамлакатларгача бориб етганини билиб оласан; шунда сен Эрон жангчиси Эрондан узоқда ҳам душманни енгганини билиб оласан» деб ёздир-

ган. Эронликларни ягона тил ва ягона дин, жумладан, олий худо Аҳурамаздаги эътиқоди бирлаштирган.

Эрон подшоси энг олий худо Аҳурамазда томонидан мамлакатнинг ҳокими қилиб тайин қилинган ва шунинг учун барча эронликлар ўз шоҳига содиқлик билан хизмат этишга қасамёд қилишлари керак, деган фикрни коҳинлар халқ орасида тарғиб қилганлар. Эрон ёзувларида, Аҳурамазданинг иродасига кўра подшо Эрон шоҳи тахтига ўтирди, деб кўрсатилади. Масалан, Доро I бундай деб ёзган: «Аҳурамазданинг иродасига кўра, бу вилоятлар менинг қонунларимга итоат қила бошлади, мен нимаики буюрсам, шуларнинг (ҳаммасини) бажармоқдалар. Бу подшоликни менга Аҳурамазда берган. Уни қўлга киритишда менга Аҳурамазда ёрдам қилган. Аҳурамазданинг иродасига кўра, бу подшоликка мен эгалик қилмоқдаман». Персеполь саройидаги ёзувда, Доро I ўз мамлакати учун ва ўз халқи учун ибодат қилади; у Эрон подшолари хонадонидан чиққанлиги билан фахрланади, дейилади. Эрон ёзувларидан маълум бўлишича, Эрон шоҳи ўз юртига бўладиган ҳар қандай ҳужумни даф қиламан ва унинг тартибларини узгартириш йўлидаги ҳар қандай уринишга йўл қўймайман, деб тантанали суратда ваъда берган. Масалан, диний идеология Аҳманийлар династиясидан чиққан шоҳларнинг ташқи ва ички сиёсатини асослаб берган, бу сиёсатдан мақсад — қулдорлик аристократиясининг ҳукмрон мавқеини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўлган.

Бироқ ўша даврда маълум бўлган дунёнинг ҳаммаси устидан ҳокимлик қилишга интилган Эрон аста-секин жуда катта давлатга айлана борган сари, Эрон подшоларининг дунёга ҳоким бўлиш тўғрисидаги даъволарини асослаб беришга ҳаракат қилган янги идеология формалари пайдо бўла бошлаган. Эрон шоҳи «мамлакатлар шоҳи» ёки «шаҳаншоҳ» деб аталган. Бунинг устига, Эрон шоҳи «кун чиқардан кун ботаргача бўлган барча одамларнинг султони» деб аталган. Шоҳ ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қадимги эрон динидан фойдаланилган, қадимги эрон дини эса, кўп диний қарашларни Эрон давлати составига кирган халқлардан, жумладан Ўрта Осиё халқларидан кўчириб олган. Аҳмавийлар подшолигида қарор топган бу сиёсий диний назарияга кўра, эронликларнинг осмон билан ерни яратган олий худоси Аҳурамазда Эрон шоҳини «бу бепоён ер юзининг ҳокими, кўпларнинг бирдан-бир ҳукмдори», «денгизнинг бу ва у томонидаги тоғ ва текисликларнинг, бу ва у томондаги чўлнинг олий худо томонидан юборилган ягона ҳужаси» қилиб қўйган. Эрон шоҳларининг Персеполдаги катта сарой деворларига дунёнинг ҳар томо-

нидан турна қатор бўлиб Эрон шоҳига ҳар турли хирож ва қимматли тортиқлар олиб келаётган кўпдан-кўп одамларнинг расми солинган. Доро I ўз давлатининг ғоят катталиги ҳақида олтин ва кумуш лавҳаларда қисқа, аммо маъноли қилиб қуйидагиларни хабар қилади: «Доро, буюк шоҳ, шаҳаншоҳ, мамлакатлар шоҳи, Каштосибнинг ўғли Ахманийдир. Шоҳ Доро: «Суғдиёнанинг нариги ёғидаги саклар мамлакатидан Кушгача (яъни Эфиопиягача.— *В. А.*), Ҳиндистондан Сардагача ўзилган подшоликни менга худоларнинг энг улуғ худоси Ахурамазда берган. Ахурамазда мени ва менинг юртимни ўз паноҳида сақласин, дейди».

Доро I нинг ташқи сиёсати

Доро I ўзидан олдин ўтган шоҳлар — Қанхисров ва Кўмбиз сиёсатини давом эттириб, Эронни бошқа ҳамма мамлакатлар устидан қурол кучи билан ҳукмронлик қила оладиган энг қудратли давлатга айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кайхисров Хиндикуш атрофида ва Кобул водийсида яшаган хинд қабилаларини, жумладан, қандаҳор қабиласини бўйсундирган эди. Эрон давлати составига кирган қабилалар ва ўлкалар орасида шу қабилалар булганини Доро ҳам ўзининг катта Бехистун ёзувида эслатиб ўтади. Доро Сулаймон тоғларининг этакларидан то Хинд дарёсига қадар ўзилган жойдаги текисликни алоҳида сатрапликка айлантирган бўлса керак. Доро ҳатто грек тарихчиларига ҳам яхши аён бўлган хинд олтинини излаб Ҳиндистоннинг жуда ичкарисига кириб бориш ниятида Хинд дарёсининг оқимини ва бу дарёнинг қуйиладиган жойидан то Қизил денгизгача ўзилган денгиз йўлини текшириш учун кариялик Скилак қўмондонлиги остида флот юборган. Доро ўз давлатининг шарқий чегараларида Эрон таъсирини мустаҳкамлаш ва ҳатто Шимолий Ҳиндистон ерларига кириб олишга ҳаракат қилганлиги шундан ҳам кўриниб туради.

Денгиз коммуникациялари проблемаси Доронинг ташқи сиёсатидан муҳим ўрин тутган. Доро тўғри денгиз йўли орқали Мисрни Месопотамия ва Эрон билан яқиндан боғлаш учун, фиръавн Нехонинг Нил дарёсидан то Қизил денгизгача канал қазиш юзасидан бошлаган катта ишини тамомлайди. Сувайш канали бўйида тошга ўйилиб ёзилган хатда Доро ғурур билан бундай дейди: «Мен форсдан чиққан эронликман... Мисрни олгач, канал қазиттиришга қарор бердим; бу канал Пирава (яъни Нил — *В. А.*) дарёсидан чиқарилиб, Мисрнинг ичидан оқиб ўтиб, Эрондан бошланадиган денгизгача боради: сўнгра бу канал мен айтгандек қилиб қазилди ва Мисрдан чиққан кемалар бу канал орқали менинг иродам бўйича Эронга қараб юрадиган бўлди».

Эроннинг шимолида жойлашган мамлакатлар Доронн айникса қизиктирган. Кайхисров хам шимоли-шарқдаги кўчманчилар билан курашган, бактрияликлар ва саклар билан урушган, иихоят, у Ўрта Осиёдаги массагет қабилалари билан каттик жанг пайтида Яксарт (Сирдарё) дарёсининг бир райопида ҳалок бўлган. Саклар ўрнашган баъзи бир ўлкалар ҳар ҳолда Доро подшолик тахтига ўтирмасдан аввал урушиб олинган бўлса керак. Доро I замонидаги Эрон давлати составига кирган ўлкалар рўйхатида Хоразм, Бактрия, Сўгдиёна ва сакларнинг бирмуича қабилалари эслатиб ўтилади. Ўрта Осиёнинг саклар ўрнашган ўлкаларида Эрон ҳокимиятини узил-кесил мустаҳкамлаш учун Доро I эрамиздан ав. 517 йилда сакларга карши катта юриш қилган бўлса керак.



Сак қабилалари жангчилари.
Персеполдан топилган бўртма расм.

Бехистун ёзувининг сўнгги қисмида Доро буни қуйидагича тасвирлайди: «Шоҳ Доро айтурки: саклар қўшини билан бирга мен саклар юртига бостириб бордим; ул саклар юрти дарёпинг у томонида бўлиб, аларнинг ўзи чўккн қалпоқ кийиб юрур эрдилар. Олкисса мен дарёга кемалардан кўприк қилиб, ўшал кўприк орқали саклар юрти ичкарисига кириб бордим ва уларни ер билан яксон қилдим. Саклар қўшинининг бошлиқларидан бирларини асир олдим, бошқа бирларининг оёқ-қўлларини боглаб менинг ҳузуримга келтирдилар; шулар ичида уларнинг каттаси — Скунха номли одамни ҳам тутиб, қўл-оёгини боглаб менинг ҳузуримга келтирган эдилар. Мен ўз хоҳишим бирлан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг, мамлакат менинг қўлимга кирди». Сакларга қарши қилинган бу ҳарбий юриш вақтида Доро Амударё билан Сирдарёнинг этак томонларига, шунингдек апасиак қабиласи ўрнашган ўлкаларгача етиб борган, деб айтиш мумкин. Гарчи Доро сак қабилалари устидан бир неча

ғалабаларга эришган ва ҳатто уларнинг йўлбошчиларидан бирини (Скунахани) асир қилиб олган бўлса ҳам (унинг расми кейинчалик Бехистун қоясидаги сохта подшолар расмлари қаторига қўшиб қўйилган), бари бир Доро Урта Осиёдаги сак қабилаларини батамом узига бўйсундира олмаган. Шунинг учун ҳам Доро I жанубий Кора денгиз бўйларидаги ўлкаларда яшаган европалик скифларга қарши жуда катта ҳарбий юриш қилган (эрамиздан ав. тахм 512 й.). Бунда Доро европалик скифларни бўйсундириб, сўнг шарққа қараб юришни ва Эрон истилочиларига ҳаминша қаттиқ қаршилик курсатиб келган Урта Осиёдаги сак қабилаларини ўз ҳокимиятига узил-кесил тобе қилиш учун массагет қабилаларига уларнинг орқасидан туриб зарба беришни мўлжаллаган. Бироқ Доро бу режасини амалга ошира олмаган. Эрон қўшинлари евроналик скифлар эгаллаган территориянинг жуда ичкарисига кириб кетиб, ўз коммуникацияларини ҳаддан ташқари чўзиб юборганлар ва натижада ўз базаларидан ажралиб қолганлар. Бир қанча муваффақиятсизликлардан кейин Доро Эрон қўшинларини орқага қайтаришга ва шу билан ўз муваффақиятсизлигини очиқдан-очиқ иқрор қилишга мажбур бўлган.

Доро ўзининг ғарбга қилган истилочилик юришларидан анча катта ютуқларга эришган. Доро Эгей денгизининг грек қабилалари жойлашган районига яқинлашиб бориб, барча грек ўлкаларини батамом истило қилиш мақсадида яна ғарбга қараб юришга мунтазам суратда тайёрлана бошлаган. Доро Демокед бошчилигида Грецияга экспедиция юборган, бу экспедиция бутун Грецияни айланиб чиқиб, ҳатто Тарентгача бориб етган. Доро жанубий чегараларни мустаҳкамлаш мақсади билан Баркани истило қилган, бу билан Шимолий Африканинг Ливия қирғоқ бўйида мустаҳкамланиб олган. Шимол томонда эса, Доро скифлар билан кураш бошлаб, Фракияга кириб олган. Доро греклар билан кураш бошлаб, Фракияни, Византияни, Самос ва бошқа бир қанча грек оролларини истило қилиб, Эгей денгизи қиргоқ бўйларигача борган ва у ерлардаги грек қабилалари ҳамда давлатлари билан бевосита тўқнашган.

Доро I нинг вориси Ксеркс (эрамиздан аввалги 486—465 йиллар) ташқи сиёсатда Эронни жаҳонга ҳоким қилиш тўғрисидаги хом хаёлни амалга оширмоқчи бўлган, у барча грек қабилаларини ўзига бўйсундириш ва Урта денгизининг ҳамма ерида танҳо ҳукмронлик қилишни орзу қилган. Геродот Ксерксининг бу фикрини унинг ўз оғзидан гапиртириб, қуйидагича таърифлайди: «агар биз афиналикларни ҳамда уларга қўшни бўлган Фригиянинг Пелоп тупроғида яшовчи халқни

ўзимизга бўйсундирсак, Эрон ерини Зевс осмонидек кенгайтирган бўлар эдик. Қуёш бундан кейин бизнинг еримиздан бошқа жойга ўз нурини сочмас эди: мен сизлар билан бирга Европанинг ҳамма ерини кезиб, бу ерларни битта қилиб бирлаштираман. Агар биз бу ерда номи айтилган халқларни бўйсундирсак, у ҳолда, одамлар айтганича, бундан кейин бизга қарши жанг қилишга журат этадиган битта ҳам шаҳар, битта ҳам халқ қолмайди. Шундай қилиб, биз, гуноҳкорларнинг ҳам, гуноҳсизларнинг ҳам бўйнига асорат занжирини осамиз». Асосий мақсади ҳарбий, босқинчилик бўлиб, қуллар тўплашга интилган Эрон қулдорлик деспотиясининг сиёсати Ксеркснинг бу сўзларида очиқ ифодаланган.

Бироқ дунёга ҳоким бўлиш учун олиб борилган бу сиёсат Эронни муқаррар ҳалокатга олиб келган. Грек дунёси бирлашиб, Эрон истилочисига зарба берган. Эронликларга қарши курашда бирлашган ва унга қараганда анча тараққий қилган, прогрессив антик жамияти ва антик давлатларига қараганда қадимги Шарқ деспотия кучсизроқ бўлиб чиққан.

Тарихни сохталаштирувчи реакцион, жумладан, фашист тарихчилар қадимги эронликлар ёзувларининг мазмунини бузиб ва қалбакилаштириб, қадимги Эрон халқи «Осиёнинг орий норд халқидир», орий-норд халқи қандайдир алоҳида «ирқий хусусиятларга» кўра, бурунги Шарқнинг энг улуғ давлатини барпо этган, деб кўрсатганлар ҳамда эронликлар ва Эрон маданиятининг Олд Осиёдаги азалги қабилалар ва уларнинг маданиятлари билан, жумладан, Месопотамиядаги семит қабилалари ва уларнинг маданиятлари билан аралашиб кетиши натижасида гўё «норд ирқи»нинг «баҳодирона каҳрамонлиги» сусайиб бу давлат ҳалок бўлган, деб уқтирганлар. Лекин ғараз билан айтилган бу реакцион ва уйдирма гаплар илмий танқидга сира арзимайдиган, тамомила пуч гаплардир. Эронликлар ҳатто энг қадимги замонларда ҳам этник ва маданий-тарихий жиҳатдан жуда қурама бўлиб кетган қабилалар гуруҳини ташкил қилганлари сабабли, ҳозирги замон фани «Осиёнинг орий-норд ирқи» деб аталган ва ўтакетган афсонавий нарсадан бирон асар бўлганлигини аниқлаб бера оладиган ҳеч қандай маълумотга эга эмас.

Реакцион тарихчиларнинг, қадимги Эрон маданиятининг Месопотамиядаги халқлар мадапий ижоди билан чатишуви ўзига хос Эрон маданиятининг орқага кетишига ва кудратли Эрон давлатининг кучсизланишига олиб келган, деган фикри ҳам худди шундай илмга хилоф бир фикрдир. Аксинча, Эрон қабилалари михсимон хатни, моддий ва маънавий маданиятнинг кўпгина элементларини, шунингдек давлат ташкилотини осур-бобилликлардан олганликларини биз яхши биламиз.

Масалан, шимолий эронликлар гиштга сир бериш учун ишлатиладиган ранг-баранг бўёқларни тайёрлаш техникасини (кошинкорликни) бобилликлардан ўрганганлар ва ғоят гўзал накшлар билан безатилган бинолар солганлар, бундай кошинкорлик қолдиқлари Ўрта Осиёда сақланиб қолган. Йўл қурилиши соҳасидаги ютуқларни ва давлатнинг молия ишларини ташкил қилиш усулини эронликлар бобилликлардан, осурлардан ва Олд Осиёдаги бошқа халқлардан олганлар. Ниҳоят, юридик ҳужжатлар ва мулкий ҳуқуқ формаларини эронликлар қадимги бобилликлардан олганлар. Шунинг учун, Эроннинг чорвачи қабилалари Олд Осиёдаги юксак даражада тараққий қилган ва қадимги маданиятга эга бўлган деҳқон ва ўтроқ халқлар билан яқинлашиш натижасида бирор нарса йўқотдилар, деб тасдиқлашга ҳеч қандай асос йўқ. Ахманийлар замонидаги Эрон қулдорлик давлатининг маданияти Олд ва Ўрта Осиёдаги қадимги халқларнинг ғоят бой маданий меросидан кенг фойдаланиши асосида ҳалок бўлган эмас, балки, аксинча, равнақ топган.

Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг қадимги дини

Ахманийлар замонига оид қадимги Эрон тилидаги михсимон ёзгина ёзувлар, Эрон ва Ўрта Осиё территориясидан топилган бадиий расмлар ва диний эътиқод буюмлари, шунингдек антик авторлар қолдирган баъзи бир маълумотлар Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги динини жуда умумий тарздагина тасаввур қилишга имкон беради, холос. Қадимги эронликларнинг «Авеста» номли диний тўплами то Сосонийлар подшолиги бошланишигача (эрамизнинг III асри) бўлган кейинроқ замонлардаги қадимги ривоятлар асосида ёзилган. «Авеста»нинг баъзи бир энг қадимги қисмларигина, масалан, «Гаталар» (муқаддас қўшиқлар) ахманийлар давригача ва хатто ундан ҳам олдинроқ замонларга оид бўлган қадимги диний тасаввурларни акс эттиради. Ниҳоят, Ўрта аср адабиётидан, шунингдек Ўрта Осиё халқларининг фольклорида сақланиб келган қадимги эпос қолдиқларидан Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги диний эътиқодларини кўз олдига келтириш учун фойдаланиш мумкин.

Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги диний қарашлари жуда ибтидоий бўлиб, у қадимги уруғчилик тузумига, кўпроқ ўтроқ чорвачилик ва деҳқончилик хўжалигига асосланган ва, лекин ҳали кўчманчилик ҳаётининг баъзи бир хусусиятларини сақлаб қолган уруғчилик тузумига жуда мос келган. Масалан, «Авеста»да муқаддас тоғлари санаб кўрсатилган ер мадҳияси сақланиб қолган. Геродот эса, эронликлар «энг баланд тоғларда» қурбонлик қилар эдилар, деб кўр-

сатади. Қадимги Шарқдаги бошқа халқлар сингари, Эрон ва Ўрта Осиё қабилалари ҳам муқаддас сув стихиясига топинганлар, сув стихияси тўпғич сув ёки муқаддас Ворукаш кўли тарзида тасаввур қилинган. «Сувда яшовчи» Апам-Напат сув рухига топинишнинг қадимги қолдиқлари «Авеста»да сақланган. Олий худонинг ўғли ҳисобланган муқаддас ўт (олов)ни айниқса иззат-ҳурмат қилганлар. Олий худонинг ўғлига одатда очиқ ердаги оддий қурбонлик жойларида қурбонлик қилганлар, буни биз Доронинг мақбарасида сақланиб қолган суратда кўрамиз. Ўрта Осиёда утказилган қазишлар вақтида тўрт оёқли ва қулоқли ҳамда қанотли шерлар ҳайкали солинган оташкура саждагоҳ ҳам қадимги замонда оловга топиниш билан боғлиқ бўлса керак. Муқаддас оловга топиниш кейинчалик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Эрон ва Ўрта Осиёдаги халқларнинг марказий эътиқоди сифатида кенг ёйилган ва оташпараст эронликларда ҳозиргача сақланиб келмоқда. Олов худоси (Атар) марҳаматли худо хисобланиб, у Дахака деган уч бошли аждаҳони енггап. Грек ёзувчилари, массагетлар, саклар ва эронликлар абадий оловга ва муқаддас сувга топиниб келганлар, деб қайта-қайта такрорлайдилар. Хоразмдаги қадимги қалъалар қазилган пайтда жуда бурунги «оловхоналар»нинг қолдиқлари топилди, бу ерда муқаддас оловга топинганлари маълум бўлди. Грек ёзувчиси Страбон, массагетлар «фақат қуёшни худо деб билиб, унга атаб отларни қурбон қилганлар» деб кўрсатади. Шуниси характерлики, мамлакатнинг «Хоразм» деган қадимги номи, аслда, «Куёшли ер» («хвар» — қуёш ва «зем» — ер) демакдир. Муқаддас ҳайвонларга: буқа, сигир, от ва итларга топиниш жуда ҳам қадим замонлардан бери мавжуд бўлган. Қадим замонларда ҳайвонларга топиниш Гавомард[1] деган дастлабки одам, ярим буқа ва ярим одам ҳақидаги азалги тасаввурларда акс этган. Бу дастлабки одамнинг қадимги тасвири (кейинчалик уни гопат шоҳ — чўпон подшо деб атаганлар) Суғдиёнанинг Тали Барзу деган жойида утказилган казиш вақтида топилди. Табиатнинг кучларига сиғиниш асосида табиатнинг энг азалги худоларига эътикод — қуёш худоси хисобланган Митрага эътикод, ер, сув ва хосилдорлик маъбудаси Арвисура-Анахитага эътиқод майдонга келган. Табиатнинг қадимги худолари Митра билан Ардвисура-Анахитга сиғиниш қадимги эронликлар диний эътиқодлари системасига кирган ва Ўрта Осиё халқлари орасида то кейинги вақтларгача сақланиб келган. Маъбуда Ардвисура-Анахитанинг ўзига хос маҳаллий услубда ишланган ҳайкалчалари Хоразмда, Афрасиёбда ва

[1] «Тупроқдан ясалган улмас одам».

Тали Барзўда ўтказилган қазишлар вақтида топилди. Диний эътиқод маросимларида «хаома» деган маст қилувчи ичимлик тайёрланадиган муқаддас ўсимликлар катта ўрин олган.

Бу диний эътиқодларнинг ҳаммаси Ўрта Осиенинг жуда азалги халқлари орасида қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Бу эътиқодларга оид бутун бир диний система ҳам шу Ўрта Осиёда вужудга келган бўлса керак. Энг кейинги ривоятларга қараганда, бу диний системани афсонавий пайғамбар ва қадимги эронликлар динига асос солган Зардушт деган одам ишлаб чиққан. Бу дин шу одамнинг номи билан зороастризм деб аталган (Заратуштра номининг грекча формаси Зороастр). «Авеста» номли қадимги диний тўпламнинг дастлабки қисмлари, жуда азалги қисмлари худди шу Ўрта Осиё территориясида вужудга келган, деб айтишга ҳамма асослар бор. Бундан баъзи бир ривоятлар далолат беради; бу ривоятларда айтилишича, зороастризм динининг биринчи «муқаддас ўлови» Хоразмда ёқилган. «Авеста»да тасвирланган «Айриана-Вайжо» деган мамлакат Хоразм бўлган бўлиши эҳтимол, бу мамлакатда Ахурамазда Заратуштрага кўриниш берган. «Айриана-Вайжо» деган афсонавий мамлакатнинг «Авеста»да сақланиб қолган тасвири Хоразмнинг географик шароитларига жуда мувофиқ келади.

Зороастризмнинг характерли хусусияти азалги дуализм бўлиб, дуализм ҳар қандай ибтидоий динга хос хусусиятдир, лекин бу зороастризмда очиқ-ойдин ифода қилинган. Олий худо Ахурамазда (грекча Армуза) ёруғлик ва яхшилик келтирувчи мархаматли худо ҳисобланса, Анхра Манью (грекча Ариман) зулмат, ўлим ва ёмонлик келтирувчи худо ҳисобланган. Бутун дунёнинг ва бутун инсоният ҳаётининг асосида яхшилик худоси Ахурамазда билан ёмонлик худоси Анхра Манью ўртасидаги абадий кураш ётади. Бу диний дуализмга мос келадиган ахлоқ ҳам шу дуализм билан жуда яқиндан боғлиқ бўлган; бу ахлоқ одамдан ҳалол, камтар ва ҳаққоний ер эгаси — меҳнаткаш устига юкланган ҳамма бурчларни адо этишни талаб қилган.

Доро I замонидан эътиборан Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда кенг ёйилган диндан сиёсий қуролдорлик жамияти ва мустабид давлатни мустаҳкамлаш учун фойдалана бошлаганлар. Эрон шоҳининг олий ҳокимиятини диний жиҳатдан асослаш мақсадида олий худо Ахурамазда («донишманд ҳоким»)га эътиқод қилдирилган, у, одатда, қуёшнинг қанотли гардишида макон топган осмон подшоси тарзида тасвирланган. Доро I ўз ёзувларида Ахурамаздани яратувчи деб атайди, Ахурамазда шу осмонни яратган, одамни яратган, одамга бахт-саодат берган, Доронн подшо қилган, подшо Дорога

шоҳликни топширган. Шундай қилиб, олий яратувчи худо Ахурамазда осмон подшоси, ер юзидаги подшонинг ҳомийси сифатида тасвир қилинган. Кейинчалик, шоҳ ҳокимиятининг илоҳий тарзда келиб чиққанлиги тўғрисидаги таълимот Эрон динида батафсил ишлаб чиқилган. Илоҳий «шоҳ»лик ва «ўчмас нур» (хварно) олий худонинг, унинг пайғамбари Заратуштранинг ва шоҳнинг доимий йўлдошидир; илоҳий «шоҳлик» ва «ўчмас нур» (хварно) шоҳни илоҳий куч билан яқинлаштиради, унга ҳаётбахш куч ато қилади ва ўз душманларини ҳар доим енгишда унга имкон беради.

Эроннинг турли-туман кўпгина халқларни бирлаштирган жуда катта давлатга айланиши давлат дини ва Эрон подшосининг ҳомийси бўлган олий худонинг ягона эътиқодини жорий этишни талаб қилган. Ксеркс подшолик қилган замонда қадимги «дайв»ларга эътиқод қилиш қувғин остига олиниб, қадимги қабила худолари, ўша кундан эътиборан, жинлар тоифасига мансуб деб эълон қилинади. Ксеркс ўзининг бир ёзувида бундай дейди: «Ахурамазда иродаси билан мен дайвларнинг ибодатхоналарини буздим ва бундан кейин дайвларга сажда қилинмасин, деб буюрдим. Аввалар дайвларга сажда қилинган жойларда энди Ахурамаздага тоат-ибодат қилдиртирдим». Шундай қилиб, Эрон подшосининг ҳомийси, ўлим, зулмат кучлари устидан ҳамда подшо ва давлатнинг барча душманлари устидан голиб чиққан олий худо Ахурамаздагагина эътиқод қилиш жорий қилинган. Бироқ бу, Эрон давлати составига кирган халқларнинг қадимги динларини ва диний эътиқодларини сақлашга халақит бермаган.

Ўрта Осиё билан Эрондаги қадимги халқлар маданияти

Ўрта Осиё, асосан Хоразм территориясида совет археологлари ўтказган қазишлар натижасида моддий маданиятнинг кўпгина ёдгорликлари топилди. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёдаги энг қадимги халқларнинг маданияти тўғрисида баъзи бир тушунчалар беради. Сугориш иншоотлари, жумладан, катта-катта каналлар, шунингдек атрофи деворлар билан ўралган катта-катта қалъалар бинокорлик техникаси гоят тараққий қилганлигини кўрсатади. Персенолдан сугдлар, бактрияликлар, хоразмликлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган, бу расмлар Ўрта Осиёда яшаган бу қабилаларнинг кийим-бошлари, бош кийимлари ва ўзига хос қуроллари қандай булганлигини кўрсатиб туради. Геродотнинг айтишича, саклар ўкёй, дудама (акинак) ва ойболта ишлатганлар, буларни одатда мисдан ясаганлар. Геродот массагетлар турмуш-турмушини тасвирлаб, улар отларнинг кўкрагига мис совут тутар, отнинг югани ва сулиги олтиндан бўлар эди, дейди. Бу хабарларга ва

археологлар казиб топган буюмларга асосланиб туриб, Урта Осиё ва жумладан, Хоразмнинг қадимги халқларида металлургия анча тараққий қилган, деб фараз қилмоқ мумкин.

Урта Осиёдаги қадимги халқлар эпосини ўрганиш масаласи катта аҳамиятга эга. Бу қадимги халқларнинг баъзи



Эрон жангчилари

Сузада сирланган кишлардан ясалган девордаги нақш. Париж. Лувр.

бир эпик қиссаларидан грек ёзувчилари фойдаланганлар. Масалан, Кайхисровнинг массагетлар маликаси Томирис билан қилган уруши тўғрисидаги ҳикояни айтиш мумкин, бу ҳикоя матриархат замонидаги халқ қиссаларидан бўлиб, қорақалпоқлар эпосида азалдан бери сақланиб келмоқда. Саклар халқ эпосининг айрим оҳанглари (мотивлари) сўнгги давр

антик ёзувчиси Полиэн (II аср) асарларида сақланган, унинг ҳикоя қилишича, Широқ номли бир ботир сак ўз халқини эронликлар ҳужумидан сақлаб қолиш мақсадида, ўз жонидан кечиб, Эрон қўшинларини чўлнинг ичкарисига олиб кириб, йўлдан адаштирган, бунда ўзи ҳам ҳалок бўлган. Бу эпик қиссаларда ўз ватанининг мустақиллиги ва озодлиги учун эронликларга қарши қаттиқ туриб курашган Ўрта Осиё халқларининг шонли ўғил ва қизларининг ботирлиги куйланган ва кўкларга кўтариб мақталган. Ниҳоят, сунгроқ вақтлардаги адабиётда, чунончи, Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сида Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари яратган халқ қиссаларининг ва эпик достонларнинг бир қанча парчалари сақланиб қолган. Масалан, Темирчи Кова даҳшатли аждаҳо Заҳҳокни қандай қилиб енггани тўғрисидаги қадимги афсонавий ҳикояни кўрсатиш мумкин. Даҳшатли Заҳҳок образи «Аждаҳо» номи билан тожиклар фольклорида сақланиб қолган. Машҳур қаҳрамон Рустам ҳақидаги қадимги афсонавий ҳикоя ҳам худди шундайдир. Рустам душманлар билан, даҳшатли девлар билан ва ҳатто танимаган ҳолда ўзининг ўғли Сохраб билан курашган. Ниҳоят, ёш қаҳрамон Сиёвушнинг образи ҳам Суғдиён ва Хоразм халқларининг қадимги эпосида тасвирланган. Сиёвуш ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси образи билан қўшиб юборилган. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари адабиётига хос кўпгина хислатлар, эпизодлар ва сюжетлар «Авеста»да, шарқ халқларининг кейинроқ вақтдаги бадиий адабиётида (масалан, «Шоҳнома»да) сақланиб қолган, ниҳоят, Ўрта Осиё халқларининг фольклорида ҳозиргача куйланиб келади.

Шундай қилиб, қадимги эронликлар Ўрта Осиё халқларининг ва қадимги Шарқдаги кўпгина халқларнинг маданий ютуқларидан кенг фойдаланганлар. Геродот ҳам: «Эронликлар чет эл халқларининг урф-одатларини бошқа халқлардан кўра тезроқ қабул қилиб олганлар. Улар ҳатто мидияликларнинг куйлакларини кийганлар ва бу куйлакларни узлариникидан кўра чиройлироқ деб билганлар, урушга эса, мисрликлар совутини кийиб кирганлар», деб айтиб ўтган. Эрон тасвирий санъати Месопотамия халқларининг энг қадимги маданиятига хос кўпгина хусусиятларни қабул қилган. Масалан, Эрон подшосини, кўпинча, худди қадимги шумерийлар подшоси ва қаҳрамони Гильгамеш сингари, афсонавий бир йиртқич ҳайвонни енгаётган қилиб тасвирлаганлар; Гильгамеш кўрсатган қаҳрамонликлари тўғрисидаги ҳикоялар Олд Осиёнинг ҳамма ёғида кенг тарқалган бўлиб, унинг образи кўпгина санъат ёдгорликларида абадийлаштирилган. Эронликлар олий худо Ахурамаздани қанотли қуёш гардишида макон қурган осмон



Турли халқлар хирож олиб келмоқда.


Персеполда Ксеркс саройидаги буртма расм. Эрамиздан ав. V аср.

подшоси тарзида тасвирлагаплар, бу эса осурийларнинг олий худоси Ашшурнинг худди шунга ўхшаш тасвирини эслатади.

Наҳованддан топилган бронза идишларининг бирида қадимги Шумер услубида ишланган сурат сақланиб қолган. Эрон саройлари деворларидаги буртма расмлар сюжети кисман бадиий услуби ва ишланиш техникаси жиҳатидан Осурия ва Янги Бобил давридаги буртма расмларга жуда ухшайди.

Саройларнинг погонадор ва зинапояли қилиб қурилиши, подшо саройига афсонавий ҳайвонлар (шеду-ламассу) шаклидаги асровчи муаккиллар ҳайкалларининг (бундай ҳайкаллар, одатда, гоят катта булган) қўйилиши Эрон архитектурасининг қадимги Месопотамия халқлари меъморчилигига ўхшашлигини кўрсатади. Ниҳоят, эронликлар бинокорликда Миср архитектурасидаги колонна (устун)лардан жуда кенг фойдаланганлар.

Қадимги эронликларнинг хизмати шундаки, улар четдан кирган бу элементларнинг ҳаммасини ягона монументал



Эрон шохи Артаксеркс муҳридан туширилган пусха.
Москва. Давлат тасвирий санъат музейи.

бадиий услубда ижодий равишда қайтадан ишлаб чиққанлар. Бу монументал бадиий услуб айниқса шоҳ саройларининг Персеполда сақланиб қолган харобаларидан яққол кўриниб туради. Бу ерда Аҳманийлар династиясидан чиққан шоҳлар томонидан солинган катта сарой биноларининг қолдиқлари қазиб олинган. Бинонинг харсангтошдан ясалган қисми, жумладан, Доро саройининг эшикларидаги монументал часнаклар ва унинг улугпор иккита эали, сўнгра, меҳмонларни қабул қиладиган зал (трипилон), кейин шоҳ қабулхонаси (ападана), ниҳоят, бадиий жиҳатдан жуда юксак қилиб тошдан ишланган юз колонпали баҳайбат зал яхши сақланиб колган. Персеполдаги саройларининг зинапоялари ва деворларини безаган бўртма расмлар қадимги Эрон хайкалтарошлиги эришган юксак ютуқлар ҳақида жуда яхши тушунча беради. Бу бўртма расмлар Эрон шоҳини, унинг ўғли ва меросхўрини, давлат аёнларини, шоҳга турли хил ҳадялар олиб келаётган хирож тўловчиларни тасвирлайди. Турна қатор бўлиб тизилиб кела-


ётган хирож тўловчилар жуда усталик билан тасвирланган, бу эса қадимги Эрон санъатининг юксак даражада тараққий килганлигини курсатади. Эропликларнинг қадимги дини ва санъатида грекларнинг бир қадар маданий таъсири борлигини кўриш мумкин. Иккинчи томоидан, Ўрта Осиё халқлари сингари, эропликлар ҳам антик маданият тараккийсига шубҳасиз бир кадар таъсир курсатганлар. Масалан, «Энага ва князь қизи» деган қадимги Эрон мақбарасининг олд томонида дастлабки дорий услубидаги иккита устун сақланиб колган. Бу масалада Ўрта Осиё ва кадимги Эрон халклари динидаги дуализм жуда характерлидир; бу диний дуализм табиатнинг одамлар ҳаётига таъсири ёруглик худосининг қоронгилик худоси билан умрбод ва доимий курашининг натижасидир, деб таърифлайди. Бу диний таълимот грек диний философиясининг тараққий қилишига, жумладан, кейинги даврдаги грек гностицизмининг ривожланишига бирмунча таъсир курсатган ва кисман христиан дини учун асос бўлиб хизмат килган.

Шарқий чегараларда Эрон ҳинд қабилалари билан, жумладан Қандаҳор ўлкасидаги ҳинд қабилалари билан ёндош бўлган. Эрон шоҳлари Шимоли-Гарбий Хиндистон ўлкаларига ҳарбий юришлар қилганликларини ва, шу сабабдан, бу ҳинд ўлкаларидаги кабилалар билан кўпинча тўкнаш келганликларини биламиз. Шимолий Хиндистонда ўтказилган қазишлар вақтида грек санъатининг бу узоқ шарқий ўлкаларга келиб кирганини кўрсатадиган ҳайкаллар топилди. Шундай қилиб, Эрон билан Ўрта Осиё Узоқ Шарқ дунёсини ва Олд Осиё мамлакатларини антик маданият дунёси билан туташтирувчи бир кўприк хизматини утаган.



Эрон жангчисининг боши тасвирланган буртма расм.

Москва. Давлат тасвирий санъат музейи



Моҳинжо-Дародан топилган иероглиф ёзувли қадимги ҳинд муҳрлари.

XIX БОБ

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН

Дунёдаги энг катта мамлакатлардан бири бўлган Хиндистоннинг кенг территориясига жойлашган кўп миллионли ҳинд халқлари оммаси тарихда муҳим роль ўйнади. Реакцион буржуа тарихчилари империалистик давлатларнинг Хиндистонда олиб борган босқинчилик ва талончилик сиёсатини оқлаш ва тарихий жиҳатдан асослаб беришга ҳар тарафлама уриниб, ё Ҳиндистоннинг тарихий ролини хасталаштиришга, ёки фактларни сохталаштириб, бу мамлакатнинг тараққиёти қандайдир «алоҳида» тарихий йўл билан борганлиги ҳақида афсона тўқишга ҳаракат қилдилар. Қадимги Шарқ билан шуғулланувчи совет тарихчилари Хиндистоннинг қадимги замондаги тарихий аҳамиятини, шунингдек ҳинд маданиятининг чуқур негизларини очиб беришни ўз вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар. Эндиликда совет ва илғор ҳинд тарихчилари шу фактни аниқладиларки, жаҳондаги бошқа кўп халқлар сингари Хиндистон ҳам қадимги замонда тараққиётнинг уруғчилик тузумидан қулдорлик тузумигача бўлган тарихий йўлни босиб ўтган.

Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда катта давлатлар мавжуд бўлганлигидан далолат берувчи энг қадимги ёдгорликлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликка оиддир. Қазишлар вақтида шу нарса аниқландики, Хиндистон тарихининг шу давридаёқ Хиндистонда катта шаҳарлар мавжуд бўлган, мамлакатда ўзига хос иероглиф ёзуви бўлган қабилалар яшаган. Қадимги Ҳиндистон маданияти равнақ топиб, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда энг юксак дара-

жага етган. Қадимги ҳинд маданияти қўшни халқларнинг маданий тараққиётига анчагина таъсир кўрсатган, бунга, хусусан, Осиёдаги кўп мамлакатларда буддизмнинг ёйилганлиги далилдир.

Манбалар

Моддий маданият ёдгорликлари бўлган манбаларнинг ҳам, айниқса ёзувларнинг ҳам камлиги қадимги Ҳиндистон тарихини ўрганишни жуда қийинлаштиради. Археологик қазишлар Ҳиндистонда яқиндагина бошланган эди ва фақат шимоли-ғарбий областларлагина кўзга кўринарли натижалар берди, бу ерларда эрамиздан аввалги XXV асрдан то XV асргача бўлган даврга оид шаҳарлар ва қалъаларнинг харобалари топилди. Бироқ бу районларда бошланган қазиш ишлари ҳали тамом бўлганича йўқ, бу ердан топилган иероглиф ёзувлар эса ҳалигача ўқиб англаб олинган эмас.

Қадимги Ҳиндистоннинг тарихини ўрганишда қадимги ҳиндларнинг Ведалар деб аталадиган диний тўпламлари катта аҳамиятга эгадир. Қадимги Ҳиндистоннинг бу муқаддас китоблари эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликка оид бўлиб, Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа деб аталадиган туртта катта тўплам (самхита)дан иборатдир. Тўртинчи тўплам, яъни Атхарваведа энг кейин вужудга келган бўлиб, кейинчалик дастлабки уч тўплам қаторига кирган. Бу тўпламларнинг энг қадимийси Ригведа бўлиб, у худоларга бағишланган диний мадҳия (гимн)лардан иборатдир. Бошқа тўпламларда, жумладан Яжурведада қўшиқлар ва мадҳиялар билан бирга диний маросимларда ўқиладиган айниқса кайф берувчи ичимлик худоси сом шарафига бағишланган дуолар ҳам учрайди. Ведалар иккинчи минг йилликнинг ўрталарида Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга бостириб кирган қабилаларнинг хўжалик ва ижтимоий тузуми ҳақида баъзи маълумотларни аниклашга имкон беради. Шу даврдаги дин, афсоналар ҳамда қисман поэзияни ўрганиш учун Ведалар айниқса кўп материал беради. Аммо Ведалардан қадимги Ҳиндистон тарихидан манба сифатида жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланмоқ керак, чунки Веданинг тексти минг йиллар мобайнида бир қадар ўзгартирилган бўлиши эҳтимол. Ведаларнинг кайин пўстлоғига ва пальма барглларига ёзилган энг қадимги текстлари сакланиб қолмаган. Энг қадимги қўл ёзмалар анчагина кейинги даврга, христиан эрасига яқин пайтга оиддир. Борган сари тушунилиши қийинлашиб боргани туфайли, эрамиздан аввалги VIII асрдан бошлаб Ведаларга изоҳлар бериладиган бўлган, булар орасида диний маросимларни тушунтириб берувчи «Брахманлар», ҳар хил диний-философик фикрлардан иборат бўлган

«Араньяклар» ва ўзига хос диний трактатлардан иборат бўлган «Упанишадлар» айниқса кўпроқ машҳурдир. Кейинги даврга оид бўлган бу диний китоблар эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда катта ҳинд давлатлари ташкил топган даврда қадимги ҳинд дини, ақоид (богословие) ва коҳинлик қандай тараққий этганлигини таърифлаб беради.

Ҳиндистоннинг эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдаги тарихи ва маданиятини ўрганишда иккита катта эпик достон— «Рамаяна» ва «Махабхарата» муҳим манба ҳисобланади. Бу манбаларда халқ оғзаки бадиий ижодининг кўп элементлари бор. Бу достонларнинг биринчиси — «Махабҳарата» («Бхарата авлодларининг кураши ҳақида буюк қисса»)нинг асосий сюжети подшо уруғларидан бўлган каврулар ва пандулар деган иккита қардош уруғнинг олий ҳокимиятни талашиб ўзаро қилган кураши ҳақидаги қиссадан иборат бўлиб унинг автори афсонавий донишманд ва шоир Вьяса ҳисобланади. Бу асосий қисса биринчи марта эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда тузилгандир. Кейинчалик унга кўпгина қадимги афсоналар, эртаклар, масаллар, ибратли ҳикоялар киритилган, булар кўп жиҳатдан халқ бадиий ижоди негизида вужудга келган. Бу жуда ажойиб қадимги ҳинд эпик достони эрамизнинг биринчи асрларида узил-кесил бир шаклга кирган. «Рамаяна»нинг автори Валмики номли бир шоир ҳисобланади, бу достонда қадимги ҳиндларнинг афсонавий қаҳрамони Раманинг уруш ва сафарлари ҳикоя қилинади. «Рамаяна», афтидан, эрамиздан аввалги VI ва II асрлар ўртасида ёзилган бўлса керак. Бу ҳар иккала эпик достон эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдаги қадимги Хиндистоннинг турмушини ёрқин ифодалаб беради ва ўша даврдаги Ҳиндистоннинг тарихи ҳамда маданиятини, айниқса адабиётини ўрганишда улардан маълум даражада фойдаланиш мумкин.

Дхармашастра деб аталадиган одатдаги ҳуқуқнинг қадимги тўпламлари қадимги Хиндистон тарихи юзасидан қимматли манбалар ҳисобланади, бу тўпламларнинг кўпи эрамиздан илгариги биринчи минг йилликнинг охирига оиддир. Қадимги ҳуқуқнинг бу тўпламлари диний-сеҳрий маросимлар билан маҳкам боғланган бўлиб, кишининг ҳуқуқларидан кўра кўпроқ унинг бурчларини белгилаб беради. Кўпгина ҳолларда бу тўпламлар социал тузумнинг диний руҳ билан суғорилиб идеаллаштирилган типини тасвирлайди. Аммо, улар қадимги Ҳиндистондаги қулдорлик тузумининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда хусусан энг қадимги касталар системасини равшан ифодалаб беради. Бу тўпламларнинг асосий

мақсади қулдор аристократлардан иборат ҳоким синфнинг, даставвал, брахманларнинг, яъни аристократ коҳинларнинг манфаатини ҳимоя қилиш эди. Бу ҳуқуқ тўпламлари орасида энг қадимгиларидан бири, ривоятларга кўра, копун устози Апастамба томонидан тузилган қонунлар тўплами бўлиб, бу тўплам эрамиздан аввалги IV асрга оиддир. Ману конунлари тўплами айникса кенг тарқалган, бу тўплам одамларнинг афсонавий бобоси Ману томонидан тузилган дейилади. Ману қонунлари эрамиздан аввалги III асрларда тузилган бўлиб, эрамизнинг III асрида узил-кесил бир шаклга кирган.

«Артхашастра деган сиёсий-иқтисодий трактат қадимги Ҳиндистон тарихи юзасидан энг қимматли манба сифатида жуда катта аҳамиятга эгадир; бунн Маурья династиясидан бўлган подшо Чандрагуптанинг Каутилья номли бир министри ёзган дейилади. Бу трактатда давлатни идора қилишнинг тараққий этган системаси муфассал баён этилган бўлиб, подшо ва амалдорларнинг фаолияти, давлатчилик негизлари, маъмурий идора ишлари, суд ишлари, давлатнинг ташки сиёсати ва пировардида, уша даврдаги ҳарбий санъат ҳар тарафлама таспирлаб берилгандир. Бу энг муҳим манба Хиндистоннинг эрамиздан аввалги IV асрда бўлган хўжалик, ижтимоий ва давлат тузумини равшан характерлаб беради.

Асосан илк буддизм даврига оид ёзувлар бир қадар камроқ маълумот беради. Подшо Ашока замонасидан кўпгина ёзувлар сақланиб колган. Ашока эдиктлари деб аталмиш бу ёзувлар диний-ахлоқий насиҳатларни ҳамда илк буддизмни характерловчи бир қанча фактларни, бутун Хиндистонда буддизмнинг кенг ёйилишини (Афгонистоннинг айрим областлари ҳам шунинг ичига киради), шунингдек, Ашоканинг жунбуш диний фаолиятини тасвирлайди.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Шимолий Хиндистон давлатлари Эрон, Греция ва Македония билан турли алоқалар боғлай бошлайдилар. Шу туфайли бу даврни ўрганишда чет эл манбалари, ажнабийларнинг Хиндистон ҳақида айтганлари катта аҳамиятга эгадир. Чунончи, Аҳманийлар замонидаги эрон ёзувлари, хусусан Бехистун, Персеполь ва Нақши Рустамдаги Доро ёзувлари шулар жумласидандир. Грек тарихчиларининг қадимги Хиндистон ҳақида езган асарлари айникса катта аҳамиятга эгадир. Геродот (эрамиздан аввалги V аср) ўзининг катта тарихий асарида Хиндистон, унинг аҳолиси, хинд кабилаларининг турли маданий даражалари ҳамда Хиндистоннинг Эрон подшолиги билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақида бир қанча маълумотларни баён килади. Грек географи ва сиёсий арбоби Мегасфен анча кўп материал тўплаган; Мегасфенни Селе-

ви Никатор Ҳиндистон подшоси Чандрагупта ҳузурига элчи қилиб юборган ва у Ҳиндистонда узоқ вақт яшаган. Мегасфен ўзининг «Индика» деган асарида Ҳиндистоннинг экономикасини, ижтимоий ва давлат тузумини тасвирлаган ва, энг муҳими, ўзи яшаган даврдаги Ҳиндистоннинг каста системасини таърифлаб берган. Афсуски, Мегасфен асарининг ўзи йўқ бўлиб кетган ва сўнгги даврдаги грек ёзувчиларининг, асосан Страбон ва Аррианнинг китобларида бу асардан кичкина-кичкина парчаларгина сақланиб қолган.

Қадимги Ҳиндистоннинг географияси, шунингдек унинг табиий бойликлари, аҳолисининг урф-одатлари ва шаҳарлари тўғрисидаги бир қанча қимматли маълумотлар Страбоннинг катта тарихий-географик асарида (эрамиздан аввалги I аср — эрамизнинг I асри) сақланиб қолган. Страбоннинг асари, айниқса қимматлидир, чунки бу асар ундан олдин ўтган тарихчиларнинг — Мегасфен, Неарх, Эратосфен ва бошқаларнинг махсус асарларига асосланиб ёзилгандир.

Қадимги Ҳиндистон тўғрисида ёзган грек ёзувчиларининг асарлари орасида Аррианнинг бизнинг давримизгача сақланиб қолган ва Александр Македонскийнинг ҳарбий юришларига, жумладан унинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришига бағишланган «Анабазис» деган китоби, шунингдек, бу китобга қўшимча қилинган ва кичкина бўлса-да, лекин қадимги Ҳиндистон тарихи учун муҳим бўлган «Ҳиндистон» деган асари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Арриан ўз асарларида Ҳиндистонни жуда яхши тасвирлайди, ўша даврдаги Ҳиндистоннинг экономикаси ва ижтимоий тузуми тўғрисида маълумотлар беради, жумладан у сунъий суғориш ва каста системасини тасвирлайди. Арриан кўпгина муҳим манбалардан, шу жумладан Лагнинг ўғли Птолемей берган маълумотлардан, Александр Македонскийнинг бошқа ҳарбий командирлари берган ахборотлардан, македон қўшинининг Ҳиндистондан денгиз орқали қайтишини тасвирлаган Неарх асаридан, шунингдек грек элчиларининг эрамиздан аввалги IV асрга оид ҳинд ҳужжатлари асосида тузган ёзувларидан, жумладан Мегасфен асарларидан танқидий назар билан фойдаланган. Аррианнинг асарлари эрамизнинг II асрида ёзилган бўлиб, ҳозирги замон текширувчилари учун ғоят қимматлидир. Уларда қадимги Ҳиндистонга доир кўпгина қимматли маълумотлар бўлиб, бу маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

Ниҳоят, қадимги Ҳиндистон тарихини ўрганишда Хитой тарихчилари ва ёзувчиларининг асарлари, жумладан Сим Цяннинг хронологияни аниқлаш учун муҳим бўлган қимматли асари, шунингдек эрамиздан аввалги II аерда яшаган Хитой ёзувчиларининг асарлари шубҳасиз муҳимдир. Хитой

манбалари қадимги Ҳиндистоннинг буддизм кенг ёйилган даврдаги тарихини ўргаиш учун катта материал беради, бу даврда Ҳиндистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатлар анча мустаҳкамланади. Буддачи зиёратчилар Ҳиндистон билан Хитойнинг бир бирига анча яқинлашувига ёрдам беради. Масалан, Хитой зиёратчиси Фа-сянь (эрамизнинг IV—V асрларида яшаган, бутун Ҳиндистонни то Цейлонгача кезиб чиқиб, ўша даврдаги Ҳиндистонни муфассал тасвирлаб ёзиб қолдирган. У Чандрагупта II Викрамадитья подшолик қилган даврда Ганг дарёси бўйидаги вилоятларда ҳукм сурган идора қилиш системаси ва социал муносабатларни анча муфассал ёзиб қолдирган.

Историография

Ҳиндистонда қадимги классик адабиёт (диний лирика, эпос, драма) бир неча юз йил мобайнида сақланиб келган. Бадиий асарларнинг сюжетлари кўпинча узоқ ўтмишдаги қаҳрамонлик ривоятларидан иборат бўлиб, буларда қадимги Ҳиндистон тарихига оид воқеалар акс эттирилган. Шу тариқа халқ ёдида энг муҳим тарихий воқеалар сақланиб қолган, бу воқеалар қадимги Ҳиндистоннинг «Пуроналар» деб аталган энг қадимги тарихий асарларида биринчи марта бирмунча системага солиб ифодаланган. Қадимги ривоятлар ва афсоналардан иборат бўлган бу тўпламлар бошдан-оёқ диний идеология билан суғорилган бўлиб, уларда одамнинг пайдо бўлиши, худолар ва қаҳрамонларнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар, шунингдек энг қадимги династияларга маисуб подшоларнинг подшолиги ҳақида кўпинча афсонавий шаклга солинган тарихий қиссалар сақланиб қолган. Тарихий воқеалар «Пуроналар»да жуда бузиб берилган. Шу сабабли тарихчи уларга жуда танқидий кўз билан қарамоги керак. Буларнинг энг қадимгиларида, яъни эрамиздан аввалги VI—IV асрга оид бўлганларида баъзи бир қимматли тарихий маълумотлар, жумладан, қадимги даврларда ўтган династияларнинг рўйхатлари бор.

Ҳинд хроникаларида тарихий традиция бутун ўрта аср давомида сақланиб қолгандир. Чунончи Кашмир хроникасида (эрамизнинг XII асри) жуда кўп чалкаш ривоятлар сақланиб қолган. Жанубий Ҳиндистон ва Цейлон хроникаларининг баъзиларида, масалан, эрамизнинг IV асрига оид бўлган Дипавамзада Маурья династияси подшолик қилган даврга тегишли муҳим ривоятлар сақланган. Бироқ мутлақо диний насиҳатлардан иборат бўлган бу асарларни жуда танқидий кўз билан қараб ўрганмоқ керак.

Бутун ўрта аср давомида Ҳиндистон тўғрисидаги маълумотлар Европага жуда кам кирган. Ҳиндистонга борган саёҳатчиларгина бу узоқ ва сирли мамлакат ҳақида бирон нар-


са дея олганлар. Масалан, шундай саёҳатчилардан бири Жанубий Хиндистонни 1294—1295 йилларда саёҳат қилган Марко Поло ва бошқа саёҳатчилар. Фақат XVII асрдагина Ҳиндистонга европалик савдогарлар, колонистлар ва миссионерларнинг кириши туфайли қадимги Хиндистоннинг санскрит тилида ёзилган классик адабиёти Европага маълум бўлди. Масалан, 1651 йилда даниялик миссионер Авраам Рожер ҳинд шоири Бхартрихарининг асарларини Дания тилига таржима қилган. Бироқ санскрит тилини ва қадимги ҳинд адабиётини ўрганиш иши фақат XVIII асрда, машҳур ҳинд шоири Калидасанинг (эрамизнинг V асри) «Шакунтала» деган драмасини, шунингдек Ману қонунларини инглиз тилига таржима қилган. Джонс асарларидагина биринчи марта илмий изга солинди. Джонснинг ишини давом эттирган Кольбрук (1765—1837) қадимги ҳинд филологиясига илмий асос солди. Қадимги ҳинд филологияси соҳасидаги мана шу дастлабки мутахассисларнинг асарлари, Ф. Боппнинг бошқа ҳинд-европа тиллари системасида санскритнинг қайси ўринда туришини белгилашига имкон берди. Бир қатор европалик филологларнинг (Гамильтон, Розен, Лассен, Рот, Мюллер ва бошқаларнинг) асарлари санскритни ҳамда қадимги ҳинд адабиётини янада чуқурроқ ўрганишга, шунингдек Ведалар, эпик поэмаларни ва қадимги ҳинд адабиётининг бошқа асарларини таржима қилишга ёрдам берди, натижада қадимги Хиндистон тарихини ўрганишга киришиш учун имконият туғилди.

Қадимги Хиндистоннинг эпиграф ёдгорликларини ўрганишни XIX асрнинг 30-йилларида Принсеп бошлаб берди, у подшо Ашоканинг ёзувларини ўқиш йўлини топди. Бироқ Ҳиндистонни археологик жиҳатдан ўрганишга фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидагина, Кейингэм биринчи марта мамлакатнинг археологик картасини тузиб чиққандан кейингина киришилди. Доимий суратда қазиш ишлари XX аср бошларидагина бошланган. Қадимги Таксила шаҳри харобаларида дастлабки катта қазиш ишларини Маршалл олиб борди. Археологлардан Банержи, Маршалл, Маккей ва бошқалар томонидан Шимоли-Ғарбий Хиндистондаги Хараппа (Панжоб) ва Моҳинжо-Даро (Синд) даги катта шаҳарларнинг харобалари қазилган вақтда энг қимматли археологик ёдгорликлар ва энг қадимги иероглиф ёзувлар топилди. Бу қазишлар натижасида қадимги Хиндистон тарихини эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдан бошлаб ўрганиш имконияти туғилди.

Ҳиндология тараққиётидан реакцион тарихчи, философ ва публицистлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда-

ги мудҳиш мустамлакачилик зулмини асослаш ва оқлаш учун фойдаландилар. Шимолий Хиндистонни истило килган афсонавий орийлар «ирқи»нинг қадимий устунлиги ҳақида ғайри илмий «назария» пайдо бўлди, бу ирқ қандайдир «тазаси табиий соф» қони бўлиб, у бошқалардан бутунлай фарқ қиладиган маданият ва давлатни барпо килган эмиш. Бу «назариялар»га кура, қадимги ҳинд-орийлар цивилизацияси, аввало «маънавий» цивилизация қандайдир бир номаълум йўл билан Марказий Осиё ёки Шарқий Эрон ясси тогликларида, Хиндикуш ва Помирнинг корли чўққиларида пайдо бўлган эмиш, орийларнинг қадимги афсоналарига кура, бу ерлар инсониятнинг бешиги бўлган эмиш. Қадимги мифларда ифодаланган бу «қадимги орий маданияти» минг йиллар мобайнида бошқа халклардаги социал иктисодий формацияларнинг прогрессив тараққиётидан бутунлай ажралган холда ўзига хос бир йўл билан ривожланиб келган эмиш. Бу гаразли «назариялар» Хиндистонни империалистик максадда эксплуатация қилиш ҳамда Хиндистондаги турли кабилалар ўртасида миллий адоватни кучайтириш, жумладан мусулмонлар билан ҳиндулар ўртасидаги диний низоларни кучайтириш сиёсатини асослашга мўлжалланган эди. Инглиз ва америкалик мустамлакачилар «Хиндистоннинг алоҳида маънавий ўрин тутиши» ҳақидаги сохта «назария» дан ўз максадлари учун фойдаланиб, князь оилалари (рожалар) ва олий коҳинлар (брахманлар) дан иборат аристократ табақаларга суянди, бу табақалар эса, ўзини истилочи орийларнинг асл авлодлари, деб ҳисоблар эди. Инглиз буржуа тарихчиси Смис, эрамиздан аввалги VII асрда истилочи орийлар Панжаб райони ва Ганг ҳавзасини босиб олган, чунки улар «кучли ирқлар» бўлиб, «Хиндистоннинг ерли ирқларидан шубҳасиз устун турганлар», деб даъво қилади. Ҳақиқатда эса, қадимги Хиндистоннинг хатто классик адабиётида ҳам бу ердаги қадимги ерли халқлар орийлардан олдинги даврдаёқ юксак маданиятга эга бўлганлигини кўрсатадиган далиллар бор. Археологик маълумотлар Шимоли-Ғарбий Хиндистондаги қадимги шаҳарларнинг харобалари эрамиздан олдинги учинчи минг йилликка тегишли эканлигини аниқлашга, Ҳинд ва Ганг водийларида эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликларда энг қадимги давлатлар мавжуд бўлган деб фараз қилишга, орийлар бостириб кирмасидан олдин бу ерда мавжуд бўлган маданият юксак ривож топган маданият бўлганлигини аниқлашга имкон берди (орийлар эса эр. ав. XV ва X аср ўрталарида бостириб кирган бўлса керак). Иккинчи томондан, қадимги ҳиндларнинг ёзма манбалари, хусусан Ведалар маданий жиҳатдан қолоқ, чорвачилик билан шуғул-

ланган босқинчи орий қабилалари кўчманчилик билан ҳаёт кечирганлигини ёркин тасвирлайди. Қадимги Ҳиндистон тарихи соҳасидаги бу реакцион назарияларнинг ҳаммаси империалистларнинг Ҳиндистондаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ишга солингандир.




Моҳинжо-Дарода бир уйнинг харобалари.

Ҳинд халқининг жаллоди бўлиб пом чиқарган Ҳиндистондаги инглиз генерал-губернатори Хастингснинг фикрича, қадимги диний-аристократик традицияларга асосланган брахман қонунларини ўрганиш ва нашр этиш инглизларнинг Ҳиндистонни идора қилишлари учун имкони борича ҳинд ҳуқуқи нормаларидан фойдаланиб иш кўришларига ёрдам берган. XX аср бошида жаҳонга ҳоким бўлишнинг «орий принципи» деган энг реакцион ва энг сохта империалистик «назария» шаклланди. Бу назарияни Х. С. Чемберлен «идеологик» жиҳатдан асослаб берган эди. 1935 йилда реак-

ционн тарихчи У. Дюрант ўзининг «Шарқий мерос» деган китобида, орийлар ва римликлардан кейин жаҳонни истило қилувчилар сифатида инглизлар тарих майдонига чиқдилар, деб даъво қилган эди. Ҳозирги пайтда реакцион Америка тарихчилари инсониятга қарши бўлган «ирқ назарияси»дан Америка империалистларининг жаҳонга ҳоким бўлиш ниятларини асослаш учун фойдаланишга уринмоқдалар. Америка тарихчилари ана шу пуқтаи назардан қараб, қадимги Ҳиндистоннинг тарихини ўтакетган гаразлик билан ёзмоқдалар, тарихий фактларни сира таб тортмай очиқдан-очиқ сохталаштирмоқдалар.

XIX аср охири — XX аср бошларидаги кўпгина ҳинд тарихчилари чет эл золимларига қарши гоявий кураш олиб бориб, қадимги Ҳиндистон тарихини ўрганиш ишининг юксалишига кўпгина ёрдам бердилар, бу ўрганиш қадимги классик адабиётдан, ёзувлар ҳамда археологик ёдгорликлардан чуқур фойдаланишга асосланган эди. Тилак, Кунте, Ражваде ва бошқаларнинг асарлари қадимги Ҳиндистоннинг маданияти ва турмушини аниқлаш учун бой материал берди. Бироқ Ҳиндистондаги буржуа тарихчилари қадимги ҳинд маданиятининг тараққиёт даражасини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатадилар. Тарихни замонавийлаштириш буржуа историографиясининг олатдаги нуксонидир, бу нуксоннинг натижаси шу бўлдики, ҳинд халқларининг узоқ ўтмишидан жамият ва давлатнинг бўлмаган формаларини (республика ва «ўз-ўзини бошқарувчи демократия») топиб, бу формаларни ҳозирги замон буржуа-парламент тузуми билан солиштира бошландилар. Манбаларни ҳушёрлик билан ўрганиш, жамият ва давлатнинг бу формалари уруғчилик тузуми узил-кесил чиритган пайтлардаги ўзига хос бир ҳарбий демократиягина бўлганлигини кўрсатди.

Рус олимлари XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб қадимги Ҳиндистоннинг тили, адабиёти ва динини самарали равишда ўргандилар. К. Коссович, В. П. Васильев ва О. Миллерларнинг асарлари санскрит адабиётини, хусусан, энг қадимги поэзияни, шунингдек буддизмни ўрганиш соҳасида кўп нарса берди. Ўтган асрнинг 70—90-йилларида И. П. Минаев, Д. Н. Овсянико-Куликовский ва Вс. Миллерлар томонидан қадимги ҳинд адабиёти, мифологияси ва буддизмдан олдинги динга бағишланган қимматли асарлар ёзилган эди. И. П. Минаев 1870 йиллаёқ қадимги Ҳиндистоннинг Ғарб билан қилган алоқаси тўғрисидаги қизиқ масалани кўтариб чиққан эди. Минаевнинг буддизм дини шимолдан келиб чиққанлиги тўғрисидаги назарияси ҳам катта аҳамиятга эгадир. Минаев 1879—1888 йиллар мобайнида Ҳиндистонга уч марта борган


ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН
Чандрагупта подшолигининг чегаралари
Ашоқ подшолигининг чегаралари
Пойтахт Давлатларнинг қадимги номлари
Сурат Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари
Нагпур Аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари
200 0 200 400км
ГАНДХАРА
КАШМИР
ПАНЖОБ
ТАКСИЛА
ТАР ЧЎЛИ
ПАТТАЛА
СИНД
ГУДЖАРАТ
СОПАРА
АРАБИСТОН ДЕНГИЗИ
МАГАДХА (БИОҲАР)
ОРИССА
КАЛИНГА
АНДХРА
ВЕНГАЛ ҚЎЛТИҒИ
ЧЕРА
ПАНДИЯ
ЖАНУБ ОКЕАНИ

бўлиб, ўзининг катта билим эгаси бўлиши ва оригинал гоялари билан ўша даврдаги ҳиндшунос олимлар ичида ажралиб турар эди. XIX асрдаги рус олимларининг асарлари қадимги ҳинд тили (санскрит) ни жиддий ўрганишга асосланган эди. 1841 йилдаёқ профессор Петров Қозонда, кейинчалик Москвада санскритни ўқитган. Ветлинг ва Рот катта санскрит луғатини тузиб, уни 1855—1874 йилларда Петербургда нашр этганлар. Бироқ XIX асрдаги рус олимлари катта-катта илмий материалларни тўплаган ва биринчи бўлиб ўрганган бўлсалар-да, лекин уларнинг асарлари буржуа историографиясига хос бўлган асарлардир.

Қадимги Ҳиндистон тарихини марксча-ленинча методология асосида ўрганаётган совет тарихчилари қадимги Ҳиндистон тарихи юзасидан бир қанча қимматли асарлар яратиб бердилар.

Ҳозирги Ҳиндистоннинг энг прогрессив тарихчилари ҳам қадимги Ҳиндистон тарихини марксистик позицияда туриб ўргаимоқдалар, чунончи қадимги Ҳиндистонда қулдорликнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига атаб махсус бир асар ёзган С. А. Даиге шулар жумласидандир.

Табиий шароити

Ҳиндистоннинг табиий шароити ниҳоят мураккаб ва хилма-хилдир. Ҳиндистоннинг ғоят катта қисми улкан бир ярим орол, деярли бир материкдан иборат бўлиб, океан ва дунёда энг катта тог тизмаси бўлмиш Ҳимолай тоғлари уни дунёнинг бошқа қисмларидан ажратиб туради. Бир неча тог йўллари, дара ва водийлар, хусусан Кобил дарёсининг водийси орқалигина Хиндистон кўшни мамлакатлар билан туташгандир. Хиндистоннинг Декан деб аталадиган марказий қисми ярим оролнинг энг қадимги қисми бўлиб, у дастлабки вактларда орол бўлган бўлиши жуда эҳтимол. Бу ерда Австралиядан Жанубий Африкагача чўзилган ҳамда бир қанча мамлакатларни ўз ичига олган жанубий материк бўлган, Цейлон билан Малайя ярим ороли ўша материкнинг қолдикларидир, деб фараз қилишади. Декан ясси тоглигининг ўртача баландлиги 1000 метргача боради, тоғлик ва чўллик областлардан, джунгли ва саванналардан иборат бўлиб, айрим жойлари, айниқса иқлими қуруқ жойлари одам яшаши учун унча қулай эмас. Одамларнинг жойлашиши ва маданиятнинг илк тараққиёти учун энг қулай жойлар Шимолий Хиндистоннинг кенг областлари. Инд ва Ганг дарёлари ва унинг ирмоклари ҳавзасидаги катта аловиал текисликлар бўлган. Ҳиндистоннинг турли ерларида намгарчилик жуда турлича бўлиб, айрим районларда деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши учун етарли эмас. Шимолий Ҳиндистонда ёгингарчилик шарққа томон кў-

пайиб боради. Деканда эса гарбга қараб ошиб боради. Егингарчиликнинг етарли бўлмаслиги қадим замонлардаёқ аҳолини суғориб экин экишга мажбур этган, Шимолий Ҳиндистоннинг райолари сершув Ҳинд, Ганг дарёлари ва унинг ирмоқларидан яхши сув ичгаи бўлиб, бу ерда суғориб экин экиш айниқса кенг ёйилган. Ҳинд дарёси Ҳимолай ва Ҳиндикуш тоғларидаги қор ва музларнинг эришидан хосил бўладиган сув билаи тўлади, Ганг дарёсига эса муз сувларидан ташқари, Бенгалия бўгози районига ёғадиган мул тропик ёмгир сувлари ҳам оқиб тушади. Суви сероб, тупроғи унумдор ва иқлими майинлиги туфайли худди Шимолий Ҳиндистоида энг қадимги замонлардаёқ деҳончилик пайдо бўлгаи. Ҳиндистоннинг киргоқ бўйлари унчалик кирди чикди эмас. Ҳинд дарёсининг дельтасини лойқа босган бўлиб, кема қатнаши учун ноқулайдир. Ҳиидистон денгиз бўйларининг кўп жойлари жуда баланд ва тикка, ёки, аксинча, жуда пастдир. Жанубий қирғоқ бўйида унда-бунда гаваплар қурнш учун кулаи бўлган қўлтиқчалар бор. Жапубий Ҳиндистоннинг Малабар қиргоги деб аталган усимликка бой ва иқлими яхши бўлган жануби-гарбий киргоқ буйи одамлар жойлашиши, денгиз транспорти ва денгиз савдосининг ривожланиши учун айпиқса қулайдир.

Аҳолиси

Ҳиндистоннинг ахолиси қадим замонлардаёқ турли-туман ва хилма-хил бўлган, бу нарса грек тарихчиларининг асарларида хам, кадимги ҳинд эпосида, жумладан «Махабхарата»да ҳам кўрсатилгандир. Ҳиидистоннинг туб аҳолиси дравидлар (меланхиндулар) бўлган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, улар жуда кенг тарқалган, мураккаб, афтидан аралаш бир этник группани ташкил этиб, асосан Ҳиндистоннинг ўрта ва жанубий қисмига жойлашгандир. Ҳиндистондаги тиллар орасида энг кадимги ва чукур архаик хусусиятларни сақлаб колган тил мунда тили бўлиб, Ҳиндистоннинг марказий вилоятларида, Ҳимолай ва Чота-Нагнурда яшовчи қабилалар шу тилда сўзлашади. Бу қабилаларнинг мамлакатнинг жуда кенг территориясига сочилганлиги, шунингдек мунда тилининг қадимги формалари билан маҳкам богланган ўзига хос топонимика уларнинг қадим вақтларда кенг тарқалган бўлганлигидан далолат беради.

Энг кадимги шаҳарлар ва давлатлар


Ҳиндистонда энг қадимги замоилардан буён одамлар яшаб келган, шу билан бирга Ҳиидистоннинг туб ахолиси жуда кадимги замоплардаёқ ўзига хос маданиятини яратган. Ҳиндистоннинг турли жойларида археологик қазишлар натижасида топилган нарсалар буни яққол кўрсатиб беради.

Мадорас вилоятининг Беллори округида неолит давридаги кулолчилик устахопаси, Мирзапур округида эса ўша даврда-

ги қабрлар топилган. Баъзи бир ҳинд қабилалари, чупончи, гонд қабилалари сўнгги вақтларгача тош даври шароитида яшаганлар, улар тошдан қилинган қуроллар ва ўқ-ёйлардан фойдаланганлар. Читалдруг ёнида (Жанубий Ҳиндистондаги Майсорда) ўтказилган қазишлар вақтида устма-уст тахланган олтита маданий қатлам топилган, бу қатламларнинг пастки-сидан эрамиздан аввалги IV минг йилликка оид тош қуроллар ва геометрик орнаментли керамика, юқориги қатламдан эса эрамизнинг XIII асрига оид буюмлар чиққан. Бу ҳол айрим маданий қалъаларнинг энг қадимдан мавжуд бўлганлигини ҳамда Ҳиндистондаги қабила ва халқларнинг маданияти мустақил равишда ривожланиб келганлигини кўрсатади. Афсуски, Ҳиндистонни археологик жиҳатдан ўрганиш иши якиндагина бошланган ва мунтазам равишда олиб борилмаётгани сабабли Ҳиндистон территориясида қадимги маданиятнинг тараққий этишидаги барча босқичларни мунтазам ўрганиш учун ҳали етарли даражада материал бергани йўқ.

Ҳиндистонда энг қадимги шаҳарлар ва давлатлар бўлганлиги ҳақида фикр юритишга имкон берадиган энг қадимги ва энг муҳим ёдгорликлар Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондан, Ҳинд дарёси ҳавзасидан топилгандир. Моҳинжо-Дародан (Синд вилояти) ва Хараппадан (Панжоб) қадимги катта шаҳарларнинг каттакон харобалари чиққан. Яна шунга ўхшаш бир қанча қалъалар Ҳинд дарёсининг қуйи оқимидаги ҳавзадан, Белужистоннинг шу ҳавзага яқин турган районларидан топилган, энг шимолий қалъа Сетлаж дарёси бўйидаги Рупара кишлогига яқин жойдан топилган. Шундай қилиб, бизга маълум энг қадимги ҳинд маданияти Жанубий Белужистон ва Арабистон денгизи қирғоқларидан тортиб то Ҳинд дарёси ҳавзасининг шимоли-шарқий қисмигача, ҳатто, эҳтимол, Ганг дарёси қирғоқларигача бўлган ғоят катта территорияни эгаллаган. Ана шу катта территорияда битта катта давлат бўлган бўлиб, унинг катта шаҳарлари Моҳинжо-Даро ва Харапна ўрнида бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

Қадимги Моҳинжо-Дародаги шаҳар харобалари айниқса яхши сақлангандир, бу шаҳар жуда катта майдонни, 260 гектарга яқин ерни эгаллаган бўлса керак. Бу ерда ўтказилган археологик қазишлар натижасида устма-уст жойлашган 9 та археологик қатлам топилган, буларнинг энг пастки-си 12 метр чуқурликдадир. Бу шаҳар бир неча асрлар яшаб қайта қурилиб келган бўлса керак, лекин турли қатламларда топилган ёдгорликлар бир-биридан жуда кам фарқ қилади, бу эса, моддий маданиятнинг жуда ҳам секин тараққий этганлигини кўрсатади. Қазиш натижаларига кўра, Моҳинжо-Даро



Моҳинжо-Дародаги бир катта уй.

Реконструкция.

шаҳари ўша замондаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлган. Бу ердан жуда кўп кўчалар ва пишиқ гиштдан қурилган бинолар топилган, бу биноларнинг баландлиги ҳозир ҳам 7,5 метрга боради. Кўчалари тўғри, кўпинча шарқдан ғарбга ва жанубдан шимолга қараб параллел кетган бўлиб, бу шаҳар энг қадим вақтдаёқ билиб нетиб планлаштириб қурилганлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Бунинг устига, биноларнинг олд томони бир текис чизиққа тўғриланган

бўлиб, муюлишлардаги бурчаклари доирасимон қилинган. Катта кўчанинг кенглиги 10 метрга етади. Бу қадимги шаҳарда ғилдиракли аравалар бўлган бўлса керак. Моҳинжо-Дародаги жуда кўп тураржойлар орасида катта бир сарой ажралиб туради, бу саройда катта-катта заллар, иш биноларн ва озиқ-овқат сақланадиган омборхоналар бўлган. Бу саройда



Қуш ва ўсимликларнинг пақшли сурати солинган сопол идиш.

Чанху-Дародан топилган.

Олий ҳокимият вакилларидан бири, подшо ёки унинг нойби яшаган бўлиши ва бу катта бино ўзига хос бир қароргоҳ (резиденция) бўлиб, идора қилиш ишлари ўша ерда ўтказилган бўлса эҳтимол. Хараппадан деворлар билан маҳкамланган яна шундай бир катта бино қазиб топилган, бу бино шимолий пойтахтнинг маъмурий маркази (шаҳар қўрғони) бўлган бўлса керак. Қазиш ишлари тамом бўлмагани туфайли, диний мақсадлар учун хизмат қилиб келган катта биноларни тас-

вирлаб бериш ва ўрганиш учун ҳали имкон йўқ. Бироқ Моҳинжо-Дародаги шаҳарнинг марказида катта ибодатхона бўлган, унинг яқинида коҳинлар яшайдиган биноlар ҳамда қадимги вақтда сувга сигиниш билан боғлиқ бўлган маросимлар учун ҳовузлар бўлган, деб фараз қилиш мумкин.

Моҳинжо-Дародаги шаҳар йирик ҳунармандлик ва савдо маркази бўлган. Саройда металлургия устахонаси учун махсус бир бино бўлган. Марказий тепаликдан жануброкда бир текис қатор кетган мустаҳкам расталардан иборат каттакон бостирмали бозор топилган. Бу ерда катта бино (51×41 *м*) топилган, бу бино ҳўжалик жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиздир, унда турли товарлар, балки дон ёки пахта сақланган бўлса керак. Уй-жойларнинг катта-кичиклигига қараганда, шаҳар аҳолиси уч қисмга: бойларга, ҳунарманд ва майда савдогарлардан иборат ўрта табақага ҳамда камбағаллар билан кулларга бўлинган. Бойларнинг катта-катта уйларининг кўча томонида ҳеч қанақа дарча-эшиги бўлмаган, қорочул учун махсус ҳужралар бўлган. Бойлар яшаган маҳаллаларда такомиллашган канализация бўлиб, улар сув билан яхши таъминланган. Шаҳарнинг камбағаллар яшаган қисмида канализация бўлмаган ва сув ерга кўмилган таги тешик хумларга оқиб тушган. Ҳатто буржуа олимлари ҳам аҳолининг камбағал қатламлари хароб кулбаларда яшаганлигини айтишга мажбур бўлганлар.

Ҳўжаликнинг энг муҳим турларидан бири деҳқончилик бўлган. Ҳинд дарёси водийсидаги жуда кўп далаларда бугдой ва арпанинг қадимги навлари экилган, нўхат, қовуи етиштирилган, ниҳоят, мато тўқиш учун пахта етиштирилган. Хурмо меваларидан ҳам фойдаланилган. Ерлар жуда қунол омочлар билан ишланган, бу омочларнинг тишлари кремний слаиецидан қилинган. Ўрим вақтида мис ўроқлар ишлатилган. Донлар катта омборларда сақланган, бу омборларнинг қолдиқлари Хараппадан топилгандир. Шаҳар қургони яқинида катта дон омборларининг булганлигига қараганда, давлат ҳокимиятининг озиқ-овқат запаси кўп бўлган, бу озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолидан олинган, эркин жамоачилардан натура тўловлари тарзида йигилган бўлса керак. Аҳолининг кескин суратда синфларга бўлинганлиги, шубҳасиз, қуллорлик пайдо бўлганлигини кўрсатади. Қуллар меҳнатини катта қулдорлар ҳам, ибодатхоналар ҳам, нировардида, олтидан катта ермулкларга эга бўлган подшолар ҳам эксплуатация қилган деб фараз қилиш мумкин.

Моддий маданият ёдгорликлари, иш қуроллари, яроғ-аслаҳалар, уй-рузгор буюмлари ва зебу зийнатлар Моҳинжо-Дарода ва Хараппада катта шаҳарлар бўлган даврда Шимо-

ли-Ғарбий Ҳиндистоннинг ишлаб чиқариш кучлари қай даражада ривожланганлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Пишиқ ишланиб, махсус кулолчилик учоқларида пиширилган жуда кўп сопол идишлар, шунингдек шакли ва катталиги жиҳатидан бир хилда бўлган ғиштларнинг кенг тарқалганлиги кулолчиликнинг анча яхши тараққий этганлигини кўрсатади. Аммо, умуман олганда, ҳунармандлик ишлаб чиқариши ниҳоятда секин ривожланиб борган. Жуда узоқ вақтларгача ҳар хил буюмлар ясаш учун ўтмиш қолдиги сифатида тошдан фойдаланиб келинган. Чунончи, тошдан пичоқлар ва омоч тишлари, тўқмоқлар, ёрғучоқлар, бўёқ суриш тахтачалари, қадоқтошлар, идишлар ва парма учлари, маржонлар ва сурат солинган муҳрлар ясалган. Ҳунармандчилик технологиясининг жуда секин ривожланганлигига яна шу парса ҳам далилдирки, тошдан турли қурол-асбоблар ҳам ясалган, ваҳоланки, металлургия анчагина ривожланган бўлган. Қазишлар вақтида мис ва бронзадан ясалган кўпгина буюмлар топилган. Мис қўшни мамлакатлардан, Белужистондан олинган бўлса керак, аммо, шу билан бирга, маҳаллий рудадан кенг фойдаланилган. Мис ва қалайидан бронза эритмаси ясалган. Қўргошин ҳам маълум бўлган. Металл ишлашнинг турли йўллари бўлганлиги металлургия техникасининг тараққий этганлигини ҳам кўрсатади; масалан, металл тахтачаларни тоблаш, металл буюмлар қуйиш ва парчинлаш ишлари мавжуд бўлган. Мис ва бронзадан қурол-асбоблар (болта-пойтеша, арра, пичоқ, исканжа), ярог-аслаҳалар (қилич, ханжар, ўқ-ёй ва найза учликлари) ва бошқа буюмлар ишланган. Металлургия билан бир қаторда бошқа ҳунарлар ҳам, жумладан тўқимачилик, чинни идишлар ва шиша пастаси тайёрлаш, ниҳоят, кемасозлик ҳам тараққий этган.

Хинд дарёси ҳавзасининг ҳамма жойидан ва ҳатто Белужистондан ҳам жуда кўп миқдорда топилган стандарт буюмлар, шаҳарларнинг харобаларидан катта-катта савдо дўконлари ва омборларнинг чиқиши, ўзига хос тарози системаси асосида қилинган қалоқтошлар бўлганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси савдо анча кучли ва сертармоқ бўлганини кўрсатади, бу савдо-сотиқ дарёлар орқали қуруқликда олиб борилган, ҳатто денгиз орқали ҳам олиб борилган бўлиши эҳтимол. Узоқ-узоқдаги баъзи қалъалар савдо факториялари бўлган бўлса эҳтимол.

Моҳинжо-Даро ва Харапна харобаларидан кўп миқдорда қаттиқ тош, юмшоқ, стеатит, фил суяги ва сополдан қилинган муҳрлар топилган бўлиб, булар тарихчилар учун айниқса катта аҳамиятга эгадир. Бу муҳрларда муқаддас ҳайвонларнинг (айниқса ҳўкизнинг) диний суратлари ва ёзувлар ўйилгандир.

Бу ёзувларга қарағанда, ўша даврда қадимги Ҳиндистонда мисрликларнинг энг қадимги иероглиф ёзуви билан шумерликлар ёзувини эслатувчи суратли иероглиф ёзуви бўлган. Чех олими Б. Грозний ва бошқа текширувчилар бу ёзувларни ўқиб чиқаришга уриниб кўрдилар, аммо уларни ўқишнинг ҳали иложи топилгани йўқ. Социал табақаланиш кескин бўлганлиги, мустаҳкам давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, ўзига хос



Мохинжо-Дародан топилган ҳайкалнинг бош қисми.



Мохинжо-Дародан топилган хайкалнинг бош қисми (орқа томони).

моддий маданият, санъат, дин ва суратли ёзув қадимги формаларининг бўлганлиги энг қадимги хинд шаҳарларининг, афтидан, бошлангич қулдорлик жамияти ва деспотик давлат пайдо бўлаётган даврда вужудга келганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондаги энг қадимги кабилаларнинг моддий ва маънавий маданият формалари — пиниқ ғишт ишлатилганлиги, пакшдор, кўлинча геометрик шакллар билан безатилган сопол буюмлар қилинганлиги, металлнинг эндигина пайдо бўлганлиги, суратли иероглиф ёзуви ва табиатга сигинишнинг энг қадимги формалари бўлганлиги айниқса характерлидир.

Археологик маълумотларга кўра, Шимолий Ҳиндистондан қазиб топилган шаҳар типидаги турар жойлар жуда узоқ вақт

яшаб келган, деб айтиш мумкин: уларнинг пастки қатламларидан техникаси ва бадиийлиги жиҳатидан жуда юксак бўлган буюмлар топилгандир. Бу жиҳатдан юксак бадиий маҳорат билан ишланган ҳайкаллар, чинни буюмлар, ўймакор тошлар, олтин ва кумушдан ясалган заргарлик буюмлари айниқса муҳимдир. Ҳиндистондаги энг қадимги шаҳарларнинг маданиятини бошқа қадимги шарқ халқлари ва давлатларининг, жумладан Шумер ва Аккад шаҳарлари давридаги Месопотамиянинг маданияти билан тенглаштириш мумкин. Бу шаҳарларнинг баъзиларининг харобаларидан, масалан, Киш Эшнунна ва бошқалардан қадимги Ҳиндистон муҳрлари типидаги ўйма тош муҳрлар топилган. Юриб кетаётган филларнинг расми солинган муҳр ва бошига ҳинд қалпоғи кийган хотин ҳайкали айниқса қизикдир. Ана шу фактлар қадимги ҳинд шаҳарлари билан Месопотамия уртасида узаро маданий ва савдо алоқалари булган деб фараз қилишга ҳамда Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондаги қадимги шаҳар ва давлатлар эрамиздан аввалги 2500—1500 йилларда мавжуд булган деб айтишга имкон беради.

Шимолий Ҳиндистоннинг орийлар томонидан босиб олиниши

Моҳинжо-Даро ва Хараппанинг устки қатламларидан, шунингдек Жанубий Белужистоннинг қадимги қалъаларидан Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга ажнабий қабилаларнинг босиб кирганлигининг қолдиклари топилган, бу қабилалар ғарбдан келган бўлса керак. Шимолий Хиндистоннинг қадимги маданий шаҳарларини худди шу қабилалар вайрон қилган бўлсалар керак. Бу босқинчилик эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида юз берган, шу сабабдан баъзи текширувчилар буни Шимолий Ҳиндистоннинг орий қабилалари томонидан босиб олинишидир, деб ҳисоблайдилар, орийларнинг Шимолий Ҳиндистонни босиб олиш воқеаси қадимги Хиндистоннинг тарихий ва адабий киссаларида мустаҳкам сақланиб қолган.

Ўша даврда Ҳиндистон аҳолиси қоратанли қабилалардан булган, буларнинг авлодлари ҳозирги вақтда Хиндистоннинг ўрта ва жанубий қисмида сақланиб қолган, уларни дравидлар деб аталади. Аралаш қабилалардан ташкил топган бу катта группа Ҳиндистон туб аҳолисининг асосий негизидир. Дравидлар тог ва ўрмонларда яшовчи хийла ибтидоий ҳамда унумдор текисликларга жойлашган бирмунча маданий қабилаларга булинадилар. Дравид қабилаларининг турмушида ҳали ҳам энг қадимги замоннинг кўп сарқитлари сакланиб қолган, айниқса Деканда қадимги замондаги одатлар, тил, адабиёт ва санъат узок вақтларгача сақланиб келган. Шу сабабли баъзи ҳинд текширувчилари, орийлар келмасидан ол-

динги даврии қадимги Хиндистоннинг туб аҳолиси бўлган дравидларда сақланиб келган қадимги маданият қолдиқларига асосланган ҳолда ўрганиш керак, дейдилар. Хиндистонни «орий» кабилалари босиб олган даврда Хиндистоннинг туб кабилалари бирмунча цивилизацияга эга бўлган. Бу кабилалар шаҳарларда яшаган, уларнинг савдогарлари кемаларда узоқ сафарларга борган. Истилочи орийлар бу ерга келганда маҳаллий аҳолида қишлоқ жамоалари, ерлан фойдаланишнинг махсус системаси ва солиқ солиш бўлган деб фараз қилиш мумкин.

Шимолий Хиндистонни босиб олган кабилалар эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида Хиндикуш ва Помир тоғларидан тушиб, Панжоб ва Ганг дарёсининг юкори ҳавзасидаги унумдор текисликларга ўрнашиб олганлар. Бу қабилалар одатда орий кабилалари деб аталади. Қадимги ҳинд тилида (санскритда) «орий» («ария») сўзининг, шунингдек қадимги форс тилидаги «айрия» сўзининг маъноси: «яхши оиладан», «аслзода», «аристократ» демакдир, хусусан, бу — ижтимоий терминдир. Шимоли-Ғарбий Хиндистонга бостириб кириб, маҳаллий аҳолини бўйсундирган истилочилар дастлаб ўзларини шундай деб атаган бўлсалар керак. Ригведада Шимолий Хиндистоннинг туб қабилалари «млечхаса» (варварлар) ва «даса» (душман) деб юритилади. Кейинчалик «даса» сўзи «қул» деган маънони англатадиган бўлиб колган, бу истилочиларнинг Хиндистоннинг бўйсундирилган туб кабилаларининг меҳнаткаш аҳолисининг анчагина қисмини қулга айлантирганлигини кўрсатади. Қадимги ҳинд адабиёти асарларида бўйсундирилган «даса» қабилаларининг тоғларга хайдаб юборилганлиги, уларнинг кисман йўқ килинганлиги ва қулга айлантирилганлиги айтилади. «Махабхарата» ва «Рамаяна» деган эпик достонларда истилочилар Ариаварта — «орийлар мамлакати»ни (келгиндилар Шимолий Хиндистон областларини шундай деб атаганлар) босиб олаётганда бўлиб ўтган қонли жанглар тасвирлангандир. Истилочилар Панжоб территориясини босиб олганлар, Ҳинд дарёси бўйлаб, Хинд ирмоклари оркали Ганг водийсига кирган бўлсалар керак. Ведалар деб аталган диний тўпламда Шимолий Хиндистонни истило қилган қабилаларнинг дастлаб жойлашган территориясининг географик чегаралари кўрсатилган. Масалан, Ведаларда Афгонистоннинг дарёлари, жумладан Кобул дарёси, Ҳинд, Ганг, Сарасвати дарёлари, Химолай тоғлари тилга олинади. Истилочилар океангача бориб етмаган бўлсалар керак, Ведаларда денгиз сафари, балиқ ови ҳақида гапирилмайди, кейинчалик «океан» маъносини олган «самудра» сўзи ўша замонларда кенг Хинд дарёсининг қуйи оқимини билдирган, хо-

лос, буни анча кейинги вақтларда ҳам маҳаллий халқ «Синд денгизи» деб атаган. Шундай қилиб, бу истилочи қабилалар даставвал Бешсув (Панжоб)да жойлашган, сўнгра шарққа силжиб бориб, Жамна ва Ганг дарёлари буйидаги областларни эгаллаган.

Иқтисодиёти ва ижтимоий тузуми

Истилочи қабилалар узоқ вақтгача кўчманчи чорвадорлик билан ҳаёт кечирган. Энгельс: «Баъзи энг илғор қабилаларда — орийларда, семитларда, эҳтимолки, туронларда ҳам — меҳнатнинг асосий соҳаси даставвал ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва кейинчалик боқибгина уларни урчитиш ва боқиш бўлган»[1] деб кўрсатган эди. Масалан, қадимги ҳинд тилида қабила бошлиғи «гопати» деб аталган, бунинг асл маъноси «сигирлар эгаси» демакдир. «Кураш» сўзи (гавишти) «сигирлар орттиришга орзиқиш» деган маънони билдирган. Энг қадимги диний поэзияда худо ва маъбудаларни кўпинча ҳўкиз ва сигирларга ўхшатганлар. Яна шафақ билан булут ҳам сигирга ўхшатилган. Қорамолдан ташқари кўплаб қўй, эчкилар ҳам урчитилган. Хачир билан эшак ҳам бўлган. От, айниқса ҳарбий ишда катта аҳамиятга эга бўлиб, уруш араволарига қўшилган. Халқ байрамлари вақтида от пойгалари уюштирилган ва от қурбон қилинган, бундан мақсад диний-сеҳрий йўл билан мамлакатни бало-казодан сақлаш бўлган.

Чорвадор орий қабилалари узоқ вақтларгача кўчманчилик одатларини сақлаб келганлар. Диний маросимларни (Яжна) ўтказишда ўчоқдаги муқаддас олов тўрт гилдирак устига урнатилган махсус чайлада бўлиши шарт бўлган (бу чайла ўзига хос бир кўчманчилик кулбаси бўлган бўлса керак). Чорвачилик узоқ вақтларгача хўжаликнинг асосий тури бўлиб келган. Шунинг учун ҳам асосий озиқ-овқат — сут, сариёғ, оқёғ ва гўшт бўлган. Ҳатто бирмунча кейинроқ тузилган Ману қонунлари тўпламида ҳам бу озиқ-овқатларга асосий ўрин берилган. «Ўрмонда дарвишларнинг ейдиган овқати, яъни сут, муқаддас сом ўсимлигини шарбати ва сўпъий равишда тайёрланмаган гўшт назр-ниёз таоми дейилади». Узоқ вақтларгача кўчманчи чорвадор бўлиб яшаган энг қадимги ҳинд-орий қабилалари янги яйловлар қидириб Шимолий Ҳиндистонга бостириб кирган бўлишлари ҳам мумкин. Энг қадимги ҳинд-орий маданиятини бирмунча идеаллаштириб, орийларни деҳқонлар деб ҳисобловчи буржуа тарихчилар ҳам шу фактни кўрсатиб ўтишга мажбурдирлар. Бу олимларнинг фикрича, «орий» (тўғрироғи — «ория») сўзи

---

[1] *Ф. Энгельс.* Оила хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, 164—165-бетлар.

санскрит тилидаги «ри-ор» (ер ҳайдаш) деган негиздан келиб чиққан эмиш. Лекин бу этимологияни исбот қилинган деб бўлмайди.

Панжоб дарёсининг унумдор водийларида ўрнашиб олган чорвадор орий қабилалари маданий жиҳатдан анчагина юқори даражада турган, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда бой шаҳарлар ҳамда икки бирлашган давлат барпо этган ўтроқ деҳқон қабилаларни забт этиб, уларни эзганлар ва суриб чиқарганлар. Аммо, шу билан бирга, орийлар туб қабиланинг маданиятидаги кўпгина элементларни ва биринчи ўринда деҳқончилик хўжалигини ўзлаштириб олганлар. Ҳайдаладиган ер майдонларини кенгайтириш учун қуйгина ўрмонларни очиш зарур эди. Шу сабабли қалин ўрмонларнинг йўқ қилинишини «Махабхарата» автори ўз поэмасида ёркин ва образли қилиб тасвирлаб, буни яхши на фойдали иш деб хисоблайди. Ўрмонлардан тозаланган ерларни одатда ҳўкиз қўшилган катта, оғир ёғоч омоч билан ҳайдаганлар. Ерни юмшатиш учун мола, мотига ва кирки (чўкич) ишлатганлар. Қадимги Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, Шимолий Эрон, Ўрта Осиё, Закавказье ва Кичик Осиёда ёввойи ҳолда ўсадиган арпани эка бошлаганлар. Бундан ташқари тариқ, сули, дуккакли экинлар ва зиғир ҳам маълум бўлган. Кунжутчалик шоли ва кунжут (сезам) ҳам иқлимлаштирилган. Орийларнинг деҳқончилигида сугориш катта аҳамиятга эга бўлган. Ригведада ёмғир тилаб ёзилган дуолар, шунингдек тошқин вактида ерларни намлаб, унумдор қилиш ҳамда одамларга яхши ҳосил инъом қилиш ҳақида мукаддас дарёларга ёлвориб қилинган мурожаатлар сақланиб қолган. Истилочи қабилалар сунъий сугоришдан фойдаланишга мажбур бўлган бўлсалар керак. Ахтарваведада «ер казиб чиқарилган сув» тилга олинади. Анча кейинги даврларда сунъий сугоришнинг махсус системаси ривожлантирилади. Масалан, Ману конунларида сувни бўғиш, яъни бировнинг сувидан, эҳтимол жамоа сувидан, қонунга хилоф равишда фойдаланиш ман қилинган. Замон ўтиши билан деҳқончилик техникаси бирмунча такомиллашиб боради. Заранг ерлар кўшалоқ кўшлар (6—12 ҳўкиз қўшилган кўшлар) билан чукур қилиб ҳайдаладиган бўлади. Кейинги вақтларга доир баъзи бир текстларда йилига икки марта ҳосил олинганлиги кўрсатиб ўтилади. Деҳқончилик аста-секин шарафли ва олижаноб ишга айланади. Ману қонунларида деҳқончилик тилга олинади. Брахманга дон йиғиш ва уни етиштиришга рухсат этилади, шу билан бирга, дон ва ёввойи шоли йиғиш «эзгу» иш деб хисобланади (дон йиғиш энг қадимги замонларда мукаддас иш деб хисобланган бўлса керак).

Моддий маданият ёдгорликларининг етарли бўлмагани Шимолий Ҳиндистонни истило қилган орий қабилаларида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши қанчалик тараққий этганлигини тўла ёритишга имкон бермайди. Энг қадимги адабиёт асарларида, жумладан Ведаларда баъзи жойлардагина кулолчилик, ёғочсозлик, тўқимачилик ишлаб чиқариши ва ашчагина ривожланган металлургия бўлганлиги тилга олинади. Ёғочдан тўғри бурчакли қадимги уйлар қурганлар, жанг аравалари ясаганлар, булар Веда поэзиясида тез-тез учрайди ва анча муфассал тасвир этилади. Матолардан кўпроқ юнгдан тўқиганлар, зигир толасидан камроқ фойдаланилган. Пахта тўғрисидаги гаплар эрамиздан аввалги VIII асрдаги текстлардагина учрайди. Геродотнинг айтишича, Эрон шоҳи Ксеркс (Сархас) қўшинни составига кирган хинд аскарлари ип газламалардан тикилган кийим кийиб юрганлар. Бошқа ҳунармандчилик орасида мис ва сўнг темирни ишлатишга асосланган металлургия муҳим ўрин эгаллаган. Қалайи ва қўргошин ҳам маълум бўлган, бу эса бронза қуйишга имкон берган. «Тўқ кўк мис» номини олган темир курол ва яроғ-аслаҳалар ясаш учун ишлатилган. Геродотнинг айтишича, ҳинд аскарлари сой ва учларига темир қадалган ўқлар билан қуролланганлар. Металл эритиш анча такомиллашган. Хатто Ригведада ҳам «металл эритувчилар» тилга олинади.

Ҳиндистоннинг «орийлар» истилосидан кейинги энг қадимги ижтимоий тузумини жуда бурунги ёзма манбалар, диний тўпламлар (Ведалар) ва қонунлар тўпламлари асосида тасаввур қилишимиз мумкин. Бу тузум уй (ёки оила) ва қишлоқ жамоасининг мавжудлиги, унда патриархал оиланинг анча тараққий қилганлиги ва энг қадимги қулдорликнинг пайдо бўлганлиги билан характерланади. Тургун ҳолдаги патриархал ҳаёт формаларида узоқ вақтларгача яшаб келган алоҳида оилавий жамоанинг мавжудлиги қадимги Ҳиндистондаги ижтимоий тузумнинг ўзига хос бир формасидир. Бир вақтлар Энгельс ҳам «Ковалевский.. хонаки патриархал жамоа ҳамма жойда бўлмаса ҳам, аммо кенг суратда тарқалганлигини исбот қилган»[1] деб кўрсатган эди. Маркс эса қолдиқлари то XIX асргача сақланиб келган хинд оила жамоаларини жуда равшан қилиб таърифлаб берган.

Маркс бундай деб ёзган эди: «Бу уюшган оилавий жамоалар хонаки саноат негизига, қўл билан тўқиш, қўл билан йигириш ва ерни қўл билан ишлашдан иборат бўлган ўзига хос комбинациялар негизига, яъни бу жамоаларга кўпроқ

[1] Ф. Энгельс, Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Ўздавнашр, 145-бет.

мустақиллик тусини берган комбинациялар негизига қурилган эди»[1].

Қадимги Ҳиндистон тарихини ҳозирги замонда текширувчи олимлар қадимги Ҳиндистонда умум оилавий мулкка, умумий тураржойга, умумий истеъмолга ва оилавий диний маросимларни биргаликда ўтказишга асосланган жамоалар бор эди, деб курсатадилар. Қадимги ҳинд тилида (санскритда) уруғ-қабила, оила ва қишлоқ жамоаларини билдирадиган алоҳида сўзлар сақланган. Масалан: қадимги грек сўзи бўлган γενος (уруғ) сўзига тўғри келадиган «жана»; задруга, катта оила маъносини билдирадиган «вишь» (қадимги славянларнинг «весь», яъни «село» сўзига тўғри келадиган), ниҳоят, қишлоқ жамоаси маъносини билдирадиган «грама» иборaси шулар жумласидандир. Ишлаб чиқарувчи кучлар ўса борган сари қон-қардошлик қўшиничиликка айланиб кетади ва янги социал группа — қишлоқ жамоаси пайдо бўлади.

Ведаларда жуда қадимги замонларга оид кўпгина ишоралар, қисман қадимги жамоа тузумини ифодаловчи ишоралар сақланган. Ҳозирги замон прогрессив ҳинд тарихчиси Данге, Ведадаги яжна маросими ишлаб чиқариш қадимги жамоа усулининг динда акс этишидир, деб фараз қилади. Яжна урф-одатининг энг қадимги формасида, сатра урф-одатида жамоа аъзолари топган маҳсулотлар ўзаро тақсим қилинган ва умум истеъмолига сарфланган. Бу қадимги жамоанинг барча аъзолари қон-қардош бўлганлар ва биргаликда ишлаш учун одатда қасамёд қилганлар. Ишга раҳбарлик қилмоқ учун маълум муддатга алоҳида шахсларни сайлаб қўйганлар. Сақланиб қолган терминлар қадимги жамоанинг меҳнати ва турмушини акс эттиришга имкон беради. Моллар катта бир умумий подада бўлган. Жамоа ҳаётининг маркази — доимо ёниб турган катта муқаддас гулхандан иборат жамоа ўчоғи бўлган. Дон, сут, мой ва шу каби асосий озиқ-овқатлар жамоа омборида сақланган. Махсус доирасимон майдон (махаведи) кундалик ишни бажариш, биргаликда овқатланиш, шунингдек жамоа йиғинида умумий ишларни ҳал қилиш жойи бўлиб хизмат қилган.

Оилавий жамоа аста-секин қишлоқ территориал жамоасига айланган, бу эса диний урф-одатларда ва терминларда ўз ифодасини топган. Чунончи, ота-боболардан қолган умумий диний маросимларни («сапинда») ўтаган киши қариндош хисоблансада, лекин бу кишининг қандай қариндош эканлигини аниқлаш анча қийин бўлган. Жамоа ва уруғ-қабила кен-

[1] *К. Маркс ва Ф. Энгельс*, Избранные произведения в двух томах т. I, М., 1948 308-бет.

гашлари (сабха, самити), шунингдек қишлоқ оқсоқоллари (виши̇ьпати) идора қиладиган қишлоқ жамоаси тургуи ва кам ҳаракат социал тузумнинг негизини ташкил этган; тургун ва кам ҳаракат социал тузумнинг қолдиклари Хиндистонда, жумладан, унинг шимолий чекка районларида кейинги вақтларгача сақланиб келган.

Ишлаб чикарувчи кучларнинг ўса бориши ва мулкий табақаланишнинг кучайиб бориши билан жамоа ичида ўзига бадавлат группалар ажралиб чика бошлайди, булар орасидан эса мансабдор шахслар сайланади, улар жамоа хўжалигини идора қилади ва уруш вақтларида уруш ҳаракатларига раҳбарлик қилади. Шу шахслар жамоа маҳсулотларини ҳамда ҳарбий ўлжаларни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Жамоаларнинг бошликлари бўлган бу шахслар (брахманаспати, ганапати) жамоанинг асосий бойликлари: подалар, қурол-яроглар, зеби-зийнатлар, металларни аста-секин эгаллай бошладилар ва энг яхши ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб оладилар. Дастлаб ҳарбий қумондон бўлган одамлар айни бир вақтда хўжалик раҳбарлари ҳам бўлган. Аммо кейинчалик, бир томондан, жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган шахслар ва диний маросимларни ижро этган кишилар — брахманлар, иккинчи томондан эса, ҳарбий йўлбошчилар — кшатриялар ажралиб чиккан. Бу ҳар иккала раҳбарлар ўзларининг мулкий имтиёзларидан фойдаланиб, бой жамоа аристократия табақасини ташкил этганлар.

Шахсий мулкнинг пайдо бўлиши оилавий ва қишлоқ жамоалари негизига путур етказа бошлади. Алоҳида оилалар ажралиб чика бошлайди, бу оилалар ўз навбатида, бир томондан, бой йирик патриархал оилаларга ва, иккинчи томондан, камбағал оилаларга ажралади. Мулкий ва синфий табақаланиш ана шундай вужудга кела бошлади.

Қадимги Хиндистонда патриархал оила катта аҳамиятга эга бўлиб, бу оилада бутун мулк ва ҳокимлик эр ва ота, яъни оила боши (грихапати) қўлида бўлган. Патриархал оила бошлиғи бўлган отагина ота-боболар шарафига қурбонлик бериш ҳуқуқига эга бўлган. Бу дин томонидаи қадимги ҳинд патриархига чексиз ҳокимлик учун берилган ўзига хос бир ижозат бўлиб, у ўз оиласининг истаган бир аъзосини бировга ёллаб бериш, сотиш ва ўлдириш ҳуқуқига эга бўлган. Қадимги ҳинд патриархал оиласида хотин-қизларнинг камситилганлиги қонунларда очик баён қилинган. Масалан, Ману қонунларида бундай дейилади:

«Қиз бола, ёш жувон ёки кекса хотин ҳатто ўз уйида ҳам ўз ихтиёрича ҳеч нарса қилмаслиги керак. Болалигида қиз ўз отасига, ёшлигида ўз эрига, эри ўлгандан кейин ўз ўғил-

ларига итоат қилмоги лозим. Қиз бола отасидаи, хотин киши эридан ёки ўғилларидан ажралиб туришга ҳеч қачон интилмаслиги керак: борди-ю уларни ташлаб кетар экан, у ҳар иккала оилани ҳам (ўзининг ҳам, эрининг ҳам оиласини) нафратга дучор қилади... У отаси ёки ота рухсати билан акаси кимга хотинликка беришни маъқул кўрса, ўша кишига итоат этмоги лозим».

Ману қонунларининг бошқа моддаларида, хотин худони ҳурмат килгани каби ўз эрини ҳам ҳурмат қилиши керак, деб кўрсатилган. Хотин-қиз мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Шунинг учун ҳам Анастамба конунлар тўпламида меросхўрлар орасида бева хотинлар тилга олинмайди. Кадимги диний одатлар ва қонунда, эри ўлиб бева қолган хотинлар эрларининг кетидан ўзларини гулханга ташласинлар, деб талаб қилинган. Бева хотиннинг ўз-ўзини ўлдириш одати Ахтарваведада ҳам тилга олинади. «Рамаяна» деган эпик достонда, эри ўлгандан кейин ўзини гулханда куйдирган бева хотин ўз «худоси», яъни ўз эри билан қўшилган хотин деб аталади. Бу достоннинг қаҳрамони мулойим ва итоатчан, ўз эрига ўлгунча содиқ бўлган Сита образида ўша даврдаги хотинларнинг қандай бўлиш кераклиги тасвирланади.

Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, қадимги Хиндистонда ҳам тўнгичлик ҳуқуқи одатининг ҳукм суриши патриархал оилани мустаҳкамлашга ёрдам берган. Бу одатга мувофиқ энг катта (тўнгич) ўғил меросхўрликда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиб, Ману қонунларига кўра, «отанинг бутун мол-мулкини ўзига ола олган. Бошқа ўғиллар эса ота қарамогида қандай яшаган бўлсалар, ака васийлигида ҳам шундай яшашлари лозим». Апастамба қонунларида айтилишича, катта ўғил бирдан-бир меросхўрдир. Бирмунча кейинроқ, *патриархал оила заифлашган даврда бошқа ўғиллар* ҳам меросхўрлик ҳуқуқини оладилар. Бироқ тўнгичлик ҳуқуқи ва отадан қолган мулкнинг кўп қисмига меросхўр бўлиш учун имтиёзли ҳуқуқ катта ўғилда доимо сақланади. Чунончи, қонун энг катта ўғилга алоҳида қўшимча ҳисса чиқариб берган. бу ҳисса бутун мол-мулкнинг йигирмадан бир қисмини ва энг яхши қисмини ташкил этган. Тўнгичлик ҳуқуқи одати мулкнинг бир қўлда тўпланишига ва бу билан патриархал оиланинг мустаҳкамланишига ёрдам берган. Патриархал оилани мустаҳкамлаш учун бундай интилиш то энг сўнгги вақтларгача сақланиб келган. Оилада ота-боболар шарафига диний маросимларни ўтай оладиган ва оилага бош бўла оладиган меросхўр бўлмаса, бундай воқеа ҳатто эрамизнинг V асрида ҳам гоят катта бахтсизлик хисобланган. Чунончи, шоир Калидаснинг «Шакунтала» деган машҳур драмасида:

«Денгиз сафарига чиққан савдогар Дхапавриддха кемалар тўқнашувида ҳалок бўлди. Унинг фарзанди йўқ, бипобарин унинг жуда катта бойлиги қонунга мувофиқ подшолик ихтиёрига ўтиши керак» деб подшога хабар қилинади. Бунга жавобан подшо: «Фарзандсизлик қандай оғир мусибат!.. Ҳа, меросхур бўлмас экан, оила бошлиғи ўлгандан кейин унинг бойлиги ҳам кўкка совурилади, бегоналар қўлига ўтади. Мен ҳам шундай ўлиб кетсам, Пуру уруғининг шон-шавкати йўқ бўлади».

Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги каби, қадимги Хиндистонда ҳам болаларни сотиш одат бўлган. Қадимги диний китобларда ва қонун тўпламларида бу одатнинг пишоналари сақланган. Апастамба қонунларида айтилишича, никоҳнинг «арша» деб аталган алоҳида формаси қўлланилиб, бунда уйланадиган куёв қизнинг отасига сигир ёки ҳўкиз бериши лозим бўлган. Ниҳоят, никоҳнинг «асура» деб аталган формаси ҳам бўлиб, бунда қизни очикдан-очиқ сотганлар. Булар ҳақида Апастамба қонунларида шундай дейилади: «Агар куёв кучи етганича (каллиғи учун) пул тўлаб, сўнгра қизга уйлаиса, унда бундай (никоҳ) асура расми деб аталади». Патриархал хонадон қулчилигининг энг қадимги формалари ана шу тарзда пайдо бўлган. «Махабхаратада» «ўғил кимнинг уруғидан тугилган бўлса, у ўша уруғга мансубдир» деб аниқ айтилган. Ману қонунларида эса, «ўғил оила хўжайинига мансубдир деб (ҳамма) иқрор бўлади» дейилган.

Жамоа бўлиб деҳқончилик қилиш жуда қадимги замонлардан бошланган. Қишлоқ жамоалари ҳам, оила жамоалари ҳам ерга эга бўлганлар. Патриархал оила мустаҳкамланиши билан бир вақтда ерга хусусий эгалик ҳуқуқи ҳам пайдо бўлган, шу билан бирга патриархал оила бошлиқлари бирмунча мол-мулкни ўз қўлларига тўплаганлари ҳолда ерга ҳам эгалик қилганлар. Шунинг учун уларни «урвараса» (ҳайдаладиган ер олувчи) ёки «кшетраса» (дала олувчи) деб атаганлар. «Жатакас» номли китобда ерни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига асосланган қишлоқ хўжалик системаси таърифланган. Ману қонунларида бўш етган ерларни биринчи бўлиб эгаллаш ҳуқуқи қуйидагича баён қилинган: «Утмишни яхши билган кишилар (донишмандлар. – *В. Л.*) ...ерни ўрмондан ким тозалаган бўлса, ер ўша кишиники деб эълон қиладилар». Албатта, яйловлар узоқ вақтларгача жамоаларнинг ихтиёридаги ерлар қаторига киритилган бир вақтда, ерни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқи фақат ҳайдаладиган ерларгагина жорий қилинган.

Бироқ мулкий жиҳатдан табақаларга бўлиниш умумий хўжаликка асосланган қадимги оилавий жамоаларни ҳам,

жамоа ер эгалигига таянган қишлоқ жамоаларини ҳам тарқатиб юбора олмади. «Махабхаратада» эски жамоа тузуми идеал бир нарса ҳисобланади, мулкларнинг қариндошлар ўртасида ҳар қандай тақсим қилиниши зарарли янгилик деб қораланади. Чунончи, қадимги донишманд Вибхавасу «куплар ўзларининг аҳмоқликлари туфайли тақсимотини (бойликлар) ўтказмоқчи бўладилар», бундай тақсимот қариндошлар ўртасига рахна солади, дейди. Шу достонинг ўзида жуда бой Чеди мамлакати тасвирланади, бу мамлакатда эркаклар «ўз ота-оналари билан мол-мулкни бўлишишга интилмай, шу ота-оналарнинг бахт-саодатли бўлишини истайдилар» дейилади.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришларининг янада ривожланиши, уйинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши ва савдонинг тараққий этиши хар ҳолда анча бой ва бадавлат одамларнинг жамоалардан ажралиб чиқишига сабаб бўлди, улар ўз хўжаликларида қуллар меҳнатини эксплуатация қиладиган бўлдилар. Қадимги Шаркнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, Хиндистонда ҳам ҳарбий асирларни қулларга айлантирганлар. Яжна маросимларида асирларни ўт худоси Агнига қурбон қилганликлари эслатиб ўтилади. Аммо тарихий даврда эса, асирларни фақат қурбонлик супасига қуйиб, уларни машъала билан елпиганлар. Одамлар ўрнига ҳайвонларни қурбон қиладиган бўлганлар. Асирларни эса қулларга айлантирганлар. Ригведада қулларга эга бўлиш ҳақидаги дуолар учрайди ва қуллар инъом қилиниши тўғрисида гапирилади. Бой оилаларда чўрилар меҳнатидан ҳам фойдаланганлар.

Орий эмас, варвар, қул маъносини билдирадиган «даса» (душман) сўзи — қадимги Хиндистонда қулчиликнинг асосий манбаларидан бири урушлар бўлганини кўрсатади. Қонунларнинг турли тўпламларида бошқа категориядаги қуллар билан бир қаторда, «байроқ тагига тушириб олинган» қуллар ҳам тилга олинади. Қадимги Хиндистонда қулчилик узоқ вақтгача хонаки, патриархал характердаги қулчилик бўлган. Хотин ва болалар эр ва отанинг тўғма қуллари ҳисобланганлар. Шу туфайли ота ўз қизини чўри қилиб сотиш ҳуқукига эга бўлган. Ману қонунларида хотин, ўғил ва қул мулкий ҳуқуққа эга бўлмаган тенг одамлар хисобланган. Катта ва бой патриархал оилаларда қуллар кўп бўлиб, улар бу энг қадимги қулдорларнинг хўжалигида хизмат қилган бўлсалар керак. Қулларнинг турли категориялари рўйхатларида одатда кузга кўринарли жойда «уйда тугилган» қуллар (грихажалар) тилга олинади. Қулликка тушириш манбаларидан бири қарздорлик асорати бўлганлигини қонунлар тўпламла-

ридан кўриш мумкин. Аммо қарздор том маъноси билан қул бўлмаган. Фақат шафқатсиз эксплуатациягина қарздорларни ҳақиқий қулларга айлантирган ва бойларнинг камбағалларни аста-секин қул қилишига олиб келган. Кадимги ҳинд қулчилигининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерда қулчилик кенг ривожланиш билан бирга у узининг хонаки, патриархал характерини сақлаб қолган. Қулларни сотиб олганлар, сотганлар, инъом қилганлар ва отадан-болага мерос қилиб қолдирганлар. Қонунлар тўпламлари эркин одамлар билан қуллар ўртасидаги муносабатларни жуда яхши тартибга солиб турган. Қуллардан асосан бойларнинг уй хўжалигида, подшо ва давлат хўжаликларида, шунингдек суғориш ишларида фойдаланганлар.

Жамоанинг тоифа бўлиб ташкил топиши Варна (каста) системаси

Қулчиликнинг ривожланиши синфий зиддиятларни чуқурлаштиришга, ҳоким синфларнинг—қулдорлар аристократиясининг иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан кучайишига олиб келди. Жамоа аъзолари ўртасидан чиққан коҳинлар, оқсоқоллар ва қабила йўлбошчиларидан ташкил топган уруғ аристократияси жамоалар (вишас)га бирлашган оддий халққа қарама-қарши қилиб қўйилади. Чунончи, Ригведада бундай дейилган: «Жамоалар (вишас) йўлбошчи (ражан) олдида бош эгадилар, унинг ўтмишдоши брахман (коҳин)дир». Урушлар, маҳаллий халқларни асоратга солиш ва ички мулкий табақаларга бўлиниш қулчиликнинг узил-кесил шаклланишига ва икки энг қадимги антагонистик синфнинг — қулдорлар ва қулларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлаб беради. Энг қадимги қулдорлик тузумини мустаҳкамлашга интилиш алоҳида социал системанинг пайдо бўлишига олиб келди, бу система, бир томондан, коҳинлар ва жангчилардан иборат бўлган уруғ аристократияси, иккинчи томондан, эркин халқ оммаси ўртасида узаро муносабатлар ўрнатиш, шунингдек истилочилар билан бўйсундирилган аҳоли ўртасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишни ўзига мақсад қилиб олган эди. Бу муносабатлар асосан қулдор аристократиянинг ҳокимлигидан иборат бўларди, бу аристократия қулларнинг ва эркин жамоаларнинг камбағаллашган, хонавайрон бўлган аъзоларининг меҳнатини эксплуатация қилар эди. Ҳиндларга хос варна социал системаси қулдорларнинг синфий манфаатларига хизмат қилиб, бутун жамиятни тўрт асосий бирик социал группага, тоифага ўхшаш бир нарсага бўлиб қўйди. Бу социал система оддий ҳуқуқ ва коҳинлар ҳуқуқи тўпламларида (дхармашастра), жумладан, Апастамба ва Ману қонунларида ёзилган. Бу система, қисман назарий бўлса ҳам, аммо реал социал ҳаётдан

келиб чиққан, социал-иқтисодий шароитларни реал акс эттирган ва қадимги Ҳиндистонда синфий тузумнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Бу система қадимги Ҳиндистон тарихи учун жуда типик бўлган социал муносабатларнинг нисбатан тургунлигига сабаб бўлган.

«Варна» сўзи ҳиндча бўлиб, «ранг», «усул», «моҳият», «каста» маъносини билдиради. Варналар муайян районларда умумий касб, умумий диний урф-одатлар асосида бир-бирлари билан боғланган ва социал босқичнинг маълум даражасида турган кишиларни бирлаштирган қадимги социал группалар бўлган. Кишиларни варналарга бўлиш уруғчилик тузумининг бузила бошлаган, урғ аристократияси ажралиб чиқиб, тобора кўпроқ мустаҳкамлана бошлаган даврга тўғри келади. Шу сабабдан Ману қонунларининг энг сўнгги пайтлардаги қисмларида «варна» сўзи ўрнига баъзан тугилиш, уруғ, мавқе. каста маъноларини билдирадиган «жати» сўзи қўлланилади. Бу энг қадимги каста системасининг куртаклари Ведалар тузила бошлаган даврдаёқ пайдо бўлади, чунки Ригведада асосан тўртта каста тилга олинади. «Махабхаратада» сақланган қадимги ривоятлар, варналар, «одамлар ҳаммаси бетакрор яшаган», савдогарлар «молни кам қилиб тортиб бермайдиган» ва ҳимматли одам «ҳеч качон тугамаган» қадимги олтин даврда пайдо бўлган, дейди. Синфий жамият ва қулдорлик давлати даврига оид бўлган бу энг сўнгги тушунчалар социал табақаланишнинг энг қадимги формаларидан ҳоким синф ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринганлигини кўрсатади. Бу социал табақаланишни оддий ҳуқуқда ва кохинлар ҳуқуқида расмийлаштириш мақсадида тўртта асосий варна системаси пайдо бўлади, бу система қулларни эксплуатация қилишга ва кенг аҳоли оммасини эзишга асосланган энг қадимги синфий тузумни тасдиқлаб ва мустаҳкамлаб беручи лозим эди. Қадимги варналарнинг келиб чиқиши, аҳамияти, ҳуқуқлари ва вазифалари ҳақидаги таълимот кўпгина энг қадимги ҳинд китобларида, жумладан, Ману қонунларида ва Апастамба қонунлари тўпламларида сақланган. Қадимги варналардан кейинчалик бориб, анча ўзгарган ва мураккаблашган каста системаси ўсиб чиққан. Асосий варналар қуйидагилар: 1) кохинлар (брахманлар) варнаси, 2) аскарлар (кшатриялар) варнаси, 3) дехконлар, ҳунармандлар ва савдогарлар (вайшилар) варнаси ва 4) шудра (эзилган ва ҳуқуқсиз камбағаллар, деярли қуллар каторига тушиб қолган, шунингдек ҳатто асл қуллар бўлган қуйи табақа) варнаси. Қадимги Ҳиндистондаги диний идеология диний эътиқодларнинг алоҳида системасини ишлаб чиққан, бу диний эътиқодлар энг қадимги каста системасини ва учта

олий варнанинг имтиёзларини асослаб берган. Биринчи учта варнага мансуб булган одамлар «икки марта туғилганлар» (движати) деб ёки «икки марта тугилган орийлар» (движати ариас) деб аталган.

Ригведанинг сўнгги нусхаларидан бирида ва Ману қонунларида сақланган кадимги афсонада варналарнинг ғайри табиий суратда келиб чиққанликлари тасвирланади, қадимги қонунларнинг баъзи моддаларида эса, олий варналарнинг ҳокимлик қилиш ва имтиёзлар олиш ҳақидаги даъволарини, шунингдек шудранинг бу варналарга ҳамма нарсада сўзсиз итоат этишга мажбур эканлигини асослаб беришга харакат қилинади. Бу афсонада айтилишича, биринчи брахманлар энг биринчи одам (Пуруша)нинг огзидан яратилган эмиш. Шунинг учун биринчи брахманларнинг асосий касби муқаддас китобларни ўрганиш, одамларни ўқитиш ва диний урф-одатларни бажаришдан иборат булган эмиш, чунки кадимги диний традицияга кура, авлиёлик ва хакикат фақат брахманларга хос фазилат булган. Биринчи кшатриялар Пурушанинг қўлларидан яратилган. Шунинг учун кшатриялар жанг қилмоғи ва идора қилмоги лозим, чунки куч ва жардлик уларга хос фазилат эмиш. Учинчи варнага мансуб булган вайшилар Пурушанинг бикинидан яратилган эмиш. Улар қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо билан шугулланишлари лозим булган. Шундай қилиб, уларга манфаатдорлик ва бойлик гаъминлаб берилган. Туртта варнанинг охиргисига мансуб булган шудралар Пурушанинг лойга ботган оёгидан яратилган эмиш. Шунинг учун «қолган учта варнага хизмат қилиш шудраларга буюрилган».

Кадимги хинд диний китобларида уч олий варна шудраларнинг туртинчи варнасига карама-қарши қилиб қўйилади. Оламнинг пайдо булиши хақидаги қадимги афсоналарда даставвал брахманлар, кшатриялар ва вайшиларнинг худо яратган уч варнаси санаб утилади, сунгра эса халқ (пража) ва хайвонлар яратилган дейилади.

Эзилган мехнаткаш халқ оммасини хайвон деб қарайдиган қулдорлар шудраларни диндан ташқаридаги одамлар деб хисоблаганлар; шунинг учун шудраларнинг қуйи варнаси олий варналардан фарқ қилиб, ўзининг худосига эга булмаган. Учта олий кастани туртинчи кастадан, аслда туткинликка туширилган шудралардан кескин равишда чегаралаб қўйилган. Аммо варналарнинг ҳаммаси бир-биридан жуда ажралган бикик табақалар булган. Бу энг кадимги социал группалар бир-биридан доярли катта говлар билан ажратилган. Турли каста одамлари ўртасида киз олиб, киз беришга йўл қўйилмаган. Анастамба қонунларида бундай дейилади

«Агар эркак илгари эрда бўлган хотинга ёки ўзи билан қонуний никоҳда бўлмаган, ёки бошқа варнага мансуб бўлган хотинга яқинлашса, у ҳолда уларнинг ҳар иккови ҳам гуноҳ иш қилган бўлади. Бу гуноҳ туфайли улардан бўлган бола ҳам хароми ҳисобланади». Ману қонунларига кўра, брахман аёл билан шудрадан бўлган бола ҳам энг қуйи социал группа бўлган чандалга кирган ва «одамларнинг энг тубани» деб аталган. Бу бахтсиз одамларни қонун ҳамманинг нафратига сазовор бўлган бепомус-бепасаб (изгой)лар аҳволига тушириб қўйган. Ману қонунларига мувофиқ, «чандалларнинг уйлари аҳоли яшайдиган қишлоқлардан ташқарида бўлиши, рўзғор асбоблари махсус бўлиши ва уларнинг мулклари эса эшак билан ит бўлиши лозим бўлган. Уларнинг кўйлаклари кафандан бўлиб, овқатни синиқ товоқда ейишлари, зеб-зийнатлари қора темир бўлиши ва улар бир жойдан иккинчи жойга ҳамиша кўчиб юришлари лозим бўлган. Диний бурчларни адо этиб турган киши улар билан алоқа қилмаслиги керак; ҳамма муомала ва муносабат уларнинг фақат ўз ўрталарида, эр-хотинлик ҳам фақат ўз тенглари билан бўлмоғи лозим. Бирор киши уларга овқат бермоқчи бўлса, синиқ товоқда бериши керак; кечаси улар қишлоқларда ва шаҳарларда дайдиб юрмасликлари лозим» бўлган.

Шундай қилиб, қонунлар меҳнаткаш оммани эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий тузумни мустаҳкамламоқ учун варналарнинг ўзаро бирикишиб кетишини ман этган. Бу парса ҳатто қадимги Хиндистоннинг бадиий эпосида ҳам акс этган. «Махабхарата»да айтилишича, «варналарнинг қўшилиб кетиши» қонунсизликнинг авжга чиқиши натижасидир. Грек ёзувчилари, масалан, Аррианнинг кўрсатишича, Хиндистон аҳолиси «айрим группалари»нинг бир-бирлари билан аралашиб кетишига йўл қўйилмаган ва қадимги хиндлар бир группадан иккинчи группага ўтиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар.

Брахманларнинг қонун тўпламларида расмийлаштирилган диний-маиший традицияларнинг қадимги системаси қулдорлар билан қуллар ўртасида, бойлар билан камбағаллар ўртасида, эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчилар ўртасида, тўла ҳуқуқлилар билан ҳуқуқсизлар ўртасида жуда ҳам катта фарқ бор деган тушунчани оммага уқтирган. Қонун олий касталарга сўзсиз бўйсунишнигина эмас, ҳатто уларни жуда иззат-ҳурмат қилишни ҳам талаб этган. Масалан, Анастамба қонунларида «бундан олдинги ҳар бир варна яратилиш жиҳатидан ўзидан кейинги варнадан юқори туради» ва «олий кастага мансуб бўлганларни иззат-ҳурмат қилиш керак» дейилган. Олий варнага мансуб бўлган одамларни ургап ёки

ҳақорат қилган кишини қонун қаттиқ жазолаган. «Қуйи кастага мансуб бўлган киши ўз тенгсининг бирорта аъзоси билан олий кастага мансуб одамларга (уч кишига) шикаст етказса, унинг ўша шикаст етказган аъзоси кесиб ташланиши керак. Манунинг амри ана шундай. Қўл ёки таёқ кўтарган кишининг қўли кесиб ташланиши керак: жаҳл ичида оёғи билан тепган кишининг оёғи кесиб ташланиши керак».

Традициялар (эски урф-одатлар) ва диний иқрор мухофазачилари деб ҳисобланган брахманлар айниқса баланд мартабага эга бўлганлар. Брахманлар муқаддас Веда китобларини билиб олишлари ва учта олий варна одамларига диний таълим беришлари, шунингдек диний маросимларни ўтказишлари лозим бўлган. Брахман қонунларига кўра, брахманлар бошқа одамлар орасида энг мартабали ҳисобланган ва хатто худо билан тенглаштирилган. Қадимги қонунлар, жаҳондаги нарсаларнинг ҳаммаси брахманларники, деб белгилаган ва брахман истаган нарсасини талаб қила олган.

Синфий қулдорлик қонуни учта олий варна билан шудралар ўртасига қаттиқ чегара қўйиб, дастлаб брахманлар билан шудралар ўртасидаги тафовутни айниқса бўрттириб кўрсатган. Масалан, шудралар билан алоқада бўлиш олий варна намояндасига, айниқса брахманга исиод келтирган. Шу сабабли Ману қонунларида, брахман «шудрага маслаҳат ҳам, овқат қолдиқларини ҳам, худо берган таомни ҳам бермаслиги керак, брахман унга муқаддас қонунларни ўргатмаслиги лозим», дейилган. Бунинг устига, шудра ўлган брахманнинг танасини гулханга кўтариб бориш ҳуқуқига эга бўлмаган, чунки тирик шудра брахман танасига тегиб кетиб уни харом қилиб қўйиши мумкин бўлган. Брахманни ўлдирган киши энг оғир ва қаттиқ жазоланган, лекин шудрани ўлдирган киши эса ҳайвон ўлдирган киши сингари фақат пок қилиниши лозим бўлган.

Варна системасининг мақсади буйсундирилган туб дась аҳолиси устидан истилочи орийларнинг имтиёзли мавқеини мустаҳкамлашдан, иккинчи томондан, уруғ ва қулдор аристократиянинг, биринчи навбатда коҳин-брахманларнинг, сўнгра жангчи-кшатрияларнинг ҳукмронлигини ва уступлигини мустаҳкамлаш эди. Буйсундирилган маҳаллий халқнинг кўпчилик оммаси маълум даражада ижтимоий муносабатларнинг умумий системасига киритилганлиги, баъзан олий варнанинг намояндалари ҳақиқатда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолганлиги ва оддий ҳуқуқ, қулдорлик қонунлари ҳамда диний традициянинг ёрдам ва ҳимоясига мухтож бўлганлиги сабабли бундай қилиш зарур бўлган. Масалан,

Ману қонунлари ўз қарзини тўлай олмайдиган одамларни қарздорлик асоратига солишни кўзда тутган. «Агар қарздор қарз берган киши кастасига ёки қуйи кастага мансуб бўлса, қарз берган кишига ҳатто ўз меҳнати билан қарзини қайтариши мумкин. Агар қарздор олий кастага мансуб бўлса, у ҳолда қарзини аста-секин тўлаши лозим». Шундай қилиб, қонун чиқарувчи қарзини тўлай олмайдиган қарздорни асоратга солишга йўл қўйиш билан бирга, олий варнадан бўлган кишини асоратга солишни ман этиб, аҳолининг олий табақалари манфаатларини ҳам ва умуман варна системасининг манфаатларини ҳам тўлалигича ҳимоя қиларди.

Қулдорларнинг бошқалар меҳнатини эксплуатация қилишга асосланган Ҳиндистондаги энг қадимги синфий жамиятда брахманлар қонуни хусусий мулкни ҳимоя қилар эди. Ману қонунларида ўғрилик қилгани учун жазолаш ҳақида махсус моддалар (8-боб, 320—322-моддалар) бор, бу қонунларда ўғрилик қилгани учун одатда штраф солиш, савалаш ва ҳатто қўлини кесиб ташлаш кўрсатилган.

Бу қадимги қулдорлик жамиятида синфий табақаларга бўлиниш энг қадимги қулдорлик давлатини, яъни камбағал ва қулларни бостириш учун, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қулдорларга зарур бўлган ҳокимият аппаратини келтириб чиқаради.

Давлат ҳокимияти аппаратининг вужудга келиши

Қадимги Ҳиндистонда деспотия (истибдод) формасини ўзида ифодалаган давлат вужудга келади, бу давлат формаларини биз қадимги Мисрда, қадимги Осурияда ва қадимги Эронда кўриб ўтган эдик. Бу давлатни бошқарган подшонинг обрўйини мустаҳкамлаш учун диндан кенг фойдаланилади. Коҳинлар подшо худодир, шунинг учун подшонинг буйруқларини худонинг амридек бажармоқ керак, деб таълим берардилар. Подшо худонинг ердаги сояси деб ҳисобланарди. Ману қонунларида подшо «одам қиёфасидаги улуғ илоҳдир» дейилади. Шунинг учун подшо муқаддас ва дахлсиз деб ҳисобланган, брахман қонунларида, «эҳтиётсизлик билан подшога яқинлашган» киши ўтда куйдирилади, деб кишиларни қўрқитган. «Подшонинг ғазаб ути, — дейилади Ману қонунларида, — унинг (уша гуноҳкорнинг) оиласини бутун чорваси ва йиққан мол-мулки билан бирга йўқ қилиб ташлайди». Диний идеология меҳнаткаш оммага давлат ҳокимияти органларига ва унинг бошлиғи — подшога тўла итоат этиш ва бўйсунишни уқтириб, идеал подшо образини яратган. Масалан, «Махабхарата»да Шантану деган подшо тасвирланган, у «қонунларни биладиган доно, тўғри сўз, ҳаққоний одам бўлган ва ўзининг саҳий-

лиги, адолатлилиги, диний зафари ҳамда гайрати туфайли энг олий бахтга муяссар бўлган» эмиш.

Илоҳийлаштирилган подшо давлатни идора қилишда асосан иккита олий варна: коҳинлар (брахманлар) ва жангчилар (кшатриялар)нинг вакилларидан иборат бўлган хийла катта ва кучли бюрократик аппаратга таянган. Кшатриялар варнасига кирган йирик қулдорлар, аристократлар мамлакатни идора қилишда катта таъсир кўрсатганлар. Чунончи, Апастамба конунларида кўрсатилишича, «кшатрияларнинг конуний машгулотлари брахманларнинг конуний машгулотларидан шу билан фарқ киладики, кшатриялар давлатни идора қилишда ҳам, ҳарбий ишларда ҳам қатнашганлар». Ману конунларига кўра, подшо уз министрларини «мард, ҳарбий ишда тажрибали, аслзода ва синалган» (7-боб, 54-модда) одамлар орасидан тайинлаши лозим бўлган.

Подшо юқори амалдорларни энг олий табақа аристократлар орасидан тайинлаган. Чекланмаган деспотия ҳоким аристократия ичида ҳукмронлик қилиб турган, насл-насаби доирасидан сира четга чиқмайдиган кадимги кастачилик традицияси билан чирмашиб кетган. Ману конунларида айтилишича, «подшо 7 ёки 8 министрни ота-боболари подшо хизматида бўлган кишилар орасидан тайинлаши лозим».

Энг кадимги кулдорлик давлати ташкил топаётган даврда маҳкамалар, жумладан ҳарбий ва суд маҳкамалари пайдо бўлади. Қулдорлик давлатининг асосий таянчи армия бўлиб, бу армия тўртта асосий турга: пиёда, отлиқ, жанг аравасида юрувчи аскарлар ва фил минган аскарларга бўлинган. Ҳарбий ишда ўқ-ёй ва жанг аравалари айниқса кўп қўлланилган. Шу туфайли қадимги Хиндистондаги ҳарбий санъат «ўқ-ёй илми» (дханурведа) деб аталган. Жанг аравалардан энг қадимги замонларданоқ фойдаланиб келганлар. Ведалар тузилган даврдаёқ кулга ургатилган филлар ҳинд армиясининг таркибий қисми бўлиб, чет эл аскарларига қаттиқ дахшат солган. Филларни жанг қилишга ўргатишнинг юқори техникасини ҳамда улардан ҳарбий ишда фойдаланишни кейинчалик бошқа халқлар қадимги ҳиндлардан ўрганиб олган бўлсалар керак. «Махабхарата»да ҳарбий бўлинмалар системаси тасвирланади. Энг кичик бўлинма «патти» деб аталган, унда бешта пиёда аскар, учта отлиқ аскар, битта жанг арава ва битта фил бўлган. Кейинги ҳар бир бўлинма ўзидан аввалги бўлинмадан уч ҳисса ортиқ бўлган. Харбий таълимнинг ишлаб чиқилган системаси бўлган. Аскарларни жанг аравада, фил устида, от устида ва пиёдалар сафида туриб жанг қилишга, қиличбозликка, чўқмор билан уришга, найзабозликка ва шунингдек аралаш жангда олишишга ўргатганлар.

Тинчлик вақтида доимий қўшинлар «мамлакатни ҳимоя қилиш учун икки, уч, беш ёки юз қишлоқ ўртасига жойлаштирилган». Уруш вақтида, истилочилик юришлари вақтида *армиянинг синфий ва босқинчилик роли очиқдан-очиқ талончилик* бўлган, бунинг устига, диний традициялар ва қадимги қонунлар харбий ўлжаларни тақсимлашнинг алоҳида принципларини белгилаган: «Жанг аравалар ва отлар, филлар, соябонлар, пул, дон, чорва, хотин-қизлар, ҳар хил анжомлар, арзон металлар галаба килиб қўлга туширган кишининг ўзига бериладиган бўлган». Веда ёзувида айтилишича, «(жангчилар) подшога ўлжанинг энг яхши қисмини беришлари керак; алоҳида бўлиб олинмай қолган барча нарсани подшо жангчиларнинг ҳаммаси ўртасида ўзи тақсим қилади» (Ману қонунлари, 7-боб, 96—97-моддалар). Подшо ҳарбий ҳокимиятни ўз қўлига олиб, армияга кўмондонлик қилган, унга бош эгишни ва ўлжанинг катта қисмини талаб этган. Дин ва қонун талаб олинган қимматбаҳо ўлжаларнинг бир қисмини аристократларга берилишини таъминлаган. Олий ҳокимиятнинг барча функцияларига ҳукмронлик қилган мамлакатнинг чекланмаган ҳокими деспот (мустабид) олий ҳарбий ҳокимиятнигина эмас, балки олий суд ҳокимиятини ҳам ўз қўлига олган. Шу сабабли қонунлар подшога жиноятчиларни ҳатто шафқатсиз жазолаш учун рухсат бериб қолмай, балки шундай қилишни таклиф ҳам қилган, чунки бу даврдаги тасаввурча фақат жазогина одамни жиноят қилишдан тия олади ва синфий тузумни ўзгартирмай сақлаб қола олади. Масалан, Ману қонунларида бундай дейилган:

«Яратилган ҳамма жонли ва жонсиз нарсалар ўзига хос нарсани жазодан қўрққанлигидан бажаради ва ўз вазифаларини ижро этишдан бўйин товлайди». Бу қонуннинг ўзидаёқ жазо чораларини қўллаш системаси ўзига хос синфий тарзда асослаб берилади. Ману қонунларида таъкидланишича, бу жазолар мавжуд синфий тузум ўзгармаслиги учун қўлланилиши лозим бўлган:

«Агар подшо жазога сазовор бўлганларни қаттиқ туриб жазоламаса эди, кучлилар заифларнинг этини бир-бирдадан қилиб ташлаган бўлар эди. Қарга назр сомсани чўқилар, ит бўлса назр овқатни ямлар, ҳеч кимнинг шахсий моли қолмаган бўларди; қуйи табақа одамлари юқори табақа одамларининг ўрнига ўтириб олган бўлар эдилар. Жазо туфайли бутун дунё тартибли бўлиб турипти, ваҳоланки бегуноҳ одамнинг ўзи йўқ... Ҳамма касталар (аралашиб) бузилиб кетган бўларди. Жазо ҳақида хатоларга йўл қўйилиши туфайли барча ғовлар емирилган ва одамзодниинг (бир-бирига қарши) қаттиқ қаҳр-газаби ошиб-тошиб кетган бўларди. Аммо ҳоким

яхшилаб жазо берсагина, жазо гуноҳкорларни йўқотиб, у ўзининг мудҳиш қиёфаси ва қонли кўзлари билан майдонга чиққан жойда фуқаро ғазабга келмайди».

Шу тариқа синфий қонун асосан қуйи табақа одамлари юқори табақа одамларининг ўрнини эгаллаб олмасин деган мақсадда жиноятчиларни жазолашни ҳукмдордан талаб қилган. Суд жиноятчиларни жазолаганда ҳоким қулдорлар синфининг манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган, суд составида эса олий коҳинлар вакили бўларди. Коҳинларга зарар келтирганларни суд қаттиқ жазолаши лозим бўлган. Ниҳоят, эксплуатациянинг оғир формалари туфайли жуда ёмон оғир аҳволга тушириб қўйилган меҳнаткаш омма ўртасида кўзғолон кўтарилишига йўл қўймаслик учун жазо бериш системаси ана шундай қурилган.

Эрамиздан аввалги VI—IV асрларда Ҳиндистон

Ҳиндистоннинг сиёсий тарихини ёзма манбалар асосида фақат эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб ўрганиш мумкин. Эрамиздан аввалги тахминан VI асрда Шимолий Ҳиндистонда бир неча давлат бўлиб, булар орасида иккита катта давлат: Магадха билан Кошала давлати ажралиб турарди. Магадха подшолиги Ганг (ҳозирги Бихар) дарёси ўрта оқимидаги ҳавзада жойлашган. Магадха давлатининг пойтахти Ражагрха (ҳозирги Ражгир) шаҳри бўлган. Магадхадан шимоли-гарбда Кошала подшолиги (ҳозирги Ауд) бўлган. Кошала давлатининг пойтахти Шравасти (ҳозирги Саваттхи) шаҳри бўлган. Бу иккита анча катта давлат эрамиздан аввалги VI—V асрларда Шимолий Ҳиндистоннинг Ганг дарёси ҳавзасидаги кенг территорияда устунлик ва ҳукмронлик қилиш учун ўзаро қаттиқ кураш олиб борганлар. Кошала подшолиги юксалиб бораётган даврда подшо Камса Каши князлиги ва унинг асосий шаҳри Кашини (ҳозирги Банорасни) ҳам босиб олиб, ўз давлат чегарасини кенгайтирган. Магадха подшолиги эса Шайшунаг династияси подшолик қилган даврда юксала бошлаган. Бу династиянинг бешинчи подшоси бўлган Бимбисара (эрамиздан аввалги 519—491 йиллар) айниқса машҳур бўлиб, бу подшолик Магадханинг шаркида, Ганг дарёсининг қуйи оқимидаги ҳавзада жойлашган Анга подшолигини бўйсундирган. Бимбисара дипломатик иттифоқлар тузиш сиссатини кенг қўлланиб ва иттифоқларни династия никоҳлари билан мустаҳкамлаб, Магадха давлатининг қудратли давлат бўлишига асос солди. Эрамиздан аввалги VI асрда Ахманийларнинг Эрон давлати Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон билан алоқа қилиб, бу ерда эроникилар

ҳиндларнинг гандхара ва асвака деган қабилаларига дуч келганлар.

Доро I ташқи савдони ривожлантириш, шунингдек Эрон давлатининг шарқий чегараларини мудофаа қилиш мақсадида, Эроннинг шарқий областларини ҳамда унинг шарқий чегараларига ёндошган мамлакатларни ўрганиш учун Скилак бошчилигида махсус экспедиция юборган. Бу экспедиция Ҳинд дарёсининг то денгизга қуйиладиган жойигача бўлган оқимини ўрганиб чиккан. Эрон шоҳларининг кенг истилочилик сиёсати туфайли Ҳинд ҳавзасидаги кўпгина областлар бўйсундирилган. Бехистун ёзувларида Эрон давлатининг бошқа вилоятлари билан бир қаторда Гандхара (Шимоли-Ғарбий Панжоб) ҳам тилга олинади. Персеполь ва Накши-Рустам ёзувларида эронликларнинг Ҳиндистон деган вилояти тилга олинади, бу вилоят Ҳинд дарёси водийсининг то денгизгача чўзилган анча қисмини (ҳозирги Синд ва Панжобнинг шарқий қисмини) ўз ичига олган. Ҳинд областлари Эроннинг жуда бой сатропликларига айланган. Ҳиндистон вилояти Эрон шоҳига жуда катта хирож: 360 талант олтин кукуни тўлаган ва бунинг устига аскар ҳам етказиб бериб турган. Эрон қўшинлари составига Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг бўйсундирилган областларидан териб олинган алоҳида ҳинд отрядлари кирган.


Эронликларнинг шарқ томонга, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг ички вилоятларига кириб бориши туфайли Эрон маданияти билан ҳинд маданиятиниг бир-бирига таъсири бирмунча ортиб борган, жумладан тасвирий санъат соҳасида, шунингдек, дин масаласида алоқа ўрнатилган. Уша даврдаги зороастризм билан ҳинд диний эътикодлари ўртасида бир-бирига ўхшаш анчагина фикрларни учратиш мумкин. Эрамиздан аввалги V асрда Магадха подшолиги Шимолий Ҳиндистоннинг энг кучли давлати бўлиб қолади. Ганг дарёси бўйида гоят катта Паталипутра (ҳозирги Патна) шаҳри қурилади. Эрамиздан аввалги V асрда Магадха подшолари Кошала подшолигини босиб оладилар ва IV асрда Ҳимолай тоғлари билан Ганг дарёси ўртасидаги вилоятларни ўз давлатларига мустаҳкам қўшиб оладилар. Бу давр Магадха давлатининг гуллаб-яшнаган даври бўлган.

Александр Македонскийнинг Ҳиндистонга юриши

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида Македония Болкон ярим оролидагина эмас, балки Ўрта денгизнинг шарқий қисмида ҳам энг кучли давлат бўлиб олади ва ҳатто жаҳонга ҳукмронлик қилишни даъво килиб чиқади. 334 йилда Македония подшоси Александр Эронга қарши уруш бошлайди. Александр эронликлар усти-

дан бир неча галаба қозонгандан сўнг, Кичик Осиёни, Финикия ва Мисрни босиб олади; Александр Гавгамела ёнида Эрон қўшинларини узил-кесил тор-мор қилиб, Месопотамияни ва Эрон шоҳлигининг катта шаҳарлари бўлган Бобил, Суза ва Персеполни ишғол қилади. 330 йилда Македония қўшинлари бутун Эрон шоҳлигини батамом истило қилиш ниятида Бактрияга кириб боради. Осурия ва Эрон шоҳларининг уз давлатлари шарқий чегараларини кенгайтириш мақсадида юритиб келган боскинчилик сиёсатини Александр Македонский давом эттиради. Чунончи, Салманасар III нинг обелискида фил ва каркидонларнинг сурати солинган, бу фил ва каркидонлар Осурия давлатининг шарқий чегараларида кўлга туширилган бўлса керак. Персеполь саройида асир олинган ҳиндларнинг суратлари чизилган. Доро I Қобул дарёсининг шимолида ва Хинд дарёсидан ғарб томоида яшаган қабилаларни узига бўйсундирган. Александр ҳинд вилоятларини истило қилиш мақсадида катта кўшин билан 327 йилда Бактриядан шимоли-шаркка қараб йўл олган. Македония кўшинлари Қобул дарёси водийсидан утиб, Шимоли-Ғарбий Хиндистонга кирган ва Хинд дарёси ҳамда Бешдарё вилоятигача етиб борган. Баъзи қабилалар, масалан, илгари Эрон кўл остида бўлган гандхара қабилалари Александрга бўйсунганлар. Таксила деган катта шаҳарнинг хокими Александр кўшинларига келиб қўшилган. Аммо Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг баъзи қабилалари ва давлатлари боскинчи чет элликларга каттиқ қаршилик курсатганлар. Панжобдаги энг кучли давлатлардан бирининг хокими подшо Пор катта қўшин билан Александрга қарши чиққан, унинг кўшини 30 минг пиёда аскар, 4 минг отлиқ аскар, 3 минг жанг арава ва 200 филдан иборат бўлган. Аммо Александр Пор қўшинларини батамом кириб ташлаган, бу жангда Александр ҳаммаси бўлиб 12 мингча киши йўкотган Александр бир неча катта галаба қозонгандан сўнг Гифазис дарёсигача бориб етган, аммо қўшинларнинг юришдан бош тортганликлари туфайли орқага қайтишга мажбур бўлган. Македония кўшинларининг Неарх бошчилигидаги бир қисми денгиз орқали уз мамлакатига жўнаб кетган, Александрнинг узи эса колган кўшин билан сувсиз Гедрозия дашти орқали қайтиб, орадан кўп утмай, Бобилда вафот этган (323 йил).

Александр Македонскийнинг шарққа очиқдан-очиқ боскинчилик характерида бўлган юриши ва унинг Шимоли-Ғарбий Хиндистонни истило қилиши бир қадар тарихий ахамиятга эга бўлган. Греклар дунёси олд Осиё ва Эрон мамлакатлари ва халкларига яқиндан дуч келди, Олд Осиё ва Эрон мамлакатлари эса, уз навбатида, Шимолий Ҳиндистон қабилалари



Уй уйиш ташлаб кетаётган Будданинг сурати солинган бўртма сурат. Қандаҳордан топилган. Калькутта музейи.

ва давлатлари билан бир қадар алоқа боғлаган эдилар. Александр Македонский Ҳиндистонни ўзининг жула катта давлатининг ғарбий қисми билан боғлашга ҳаракат қилиб, ҳинд шаҳарларида грек гарнизонларини қолдириб кетди. Ҳиндистонда қолган греклар Ҳиндистоннинг эллин дунёсига яқинлашувига имкон бердилар. Шимолий Ҳиндистоннинг ғарбий қисмига грекларнинг ва қисман эронликларнинг маданий таъсири кириб бора бошлади. Гандхара (ҳозирги Қандаҳор) вилояти территориясида, шунингдек Таксила шаҳрида ўтказилган қазишлар вақтида ўзига хос грек-ҳинд услубида ишланган скульптура ва пуллар топилган. Иккинчи томондан, ҳинд маданияти ҳам эллин маданиятининг, жумладан медицина ва философиянинг юксалишига бир қадар таъсир кўрсатган.

Чандрагупта (эрамиздан ан. 321—297 йиллар)

Александр Македонский Шимолий Ҳиндистондан қайтиб кетганидан сўнг, орадан кўп ўтмай, ҳинд қабилалари ўртасида озодлик ҳаракати бошланиб кетди, бу ҳаракатга Маурьяларнинг янги династиясига асос солган Чандрагупта рахбарлик қилди. Кадимги ҳиндларнинг энг қудратли династияларидан бирига асос солган Чандрагуптанинг қаердан келиб чиққанлиги бир-бирига зид бўлган афсоналар орасида ўз аниқлигини йўқотади. Бир хил маълумотларга кўра, Чандрагупта ёш кшатрия бўлган бошқа маълумотлар уни Нанда династиясига мансуб бўлган энг сўнгги подшонинг қонунсиз ўғли бўлган ва ҳатто шудралар кастасидан чиққан деб тахмин қиладилар. Аммо унинг узун-патор бўлганлигининг ўзи етарлидир, дарҳақиқат шундай бўлса ҳам мумкин, чунки кейинроқ тўқилган афсоналар унинг давлат ҳокимиятини зўрлик билан босиб олганлигини оқлашга ёки аниқлаб беришга мажбур бўлган. Чандрагупта катта халқ қўзғолони натижасида ҳокимият тепасига чиққан бўлса керак. Македонияликлар истилоси давом килган галаён-ли даврда Чандрагупта ҳокимлар таъқибидан қочиб, Панжобга кетган ва у ерда грекларнинг ҳарбий санъатини ўрганган.



Миср-эллин худоси Гарпократнинг (Ёш бола Гора) бронзадан ишланган ҳайкали.

Тиксила ёнидаги Сиркоп хароба-ларидан топилган.

Чандрагупта Ҳиндистонда македонияликларнинг гарнизонларига қарши қўзғолон кўтарган шимоли-ғарбий қабилаларга бошчилик қилиб, 318 йилда бутун Шимолий Ҳиндистонни то Нарбадгача ишғол килган ва бу ерда катта ҳамда кудратли янги давлат ташкил этган. Чандрагупта Нанда

династиясидан бўлган энг сўнгги подшони тахтдан йиқитиб, урушқоқ ўтмишдошларининг ишини давом эттирган. Александр Македонский вафотидан кейин унинг ҳарбий бошлиқларидан бири бўлган Салавк, Сурияда мустаҳкамланиб олиб, эрамиздан ав. 305 йилда Шимолий Ҳиндистонни яна истило қилишга уринган. Аммо Салавк Чандрагупта билан уруш бошлаб, муваффақиятсизликка учраган. У фақат чекинишгагина мажбур бўлмай, балки Чандрагуптага жанг қилувчи 500 фил эвазига ўз давлатининг бир қанча областларини: Арияни, Арахозияни, Гедрозиянинг шарқий қисмини ва паранамисадлар мамлакатини беришга мажбур бўлган. Шундай қилиб, Ҳиндикуш тоғлари Салавк подшолиги билан Чандрагупта давлатининг чегараси бўлиб қолган. Грек сўзувчиси Мегасфен Чандрагупта давлатини тасвирлаб китоб ёзган; Мегасфен Салавкнинг элчиси сифатида Паталипутрада беш йил яшаган ва шунинг учун ҳам ўша даврдаги ҳиндларнинг ҳаёт ва турмушини яхшилаб ўрганиш имкониятига эга бўлган. Мегасфен ўз асарида Чандрагупта давлатидаги жамоа ер эгалиги, деҳқончилик хўжалиги, давлатни идора қилиш системасини тасвирлаган. Чандрагупта ва айниқса унинг ўғли ва тахт вориси Бипдусара (эрамиздан ав. 297—272 йиллар) бир қанча урушлар қилиши натижасида катта давлат барпо қилганлар, бу давлат Афгонистон ва Белужистоннинг анчагина қисмини, шимолий Ҳиндистонни ва деярли Деканнинг ҳаммасини ўз ичига олган.

Эрамиздан ав. VI—IV асрларда экономика ва ижтимоий муносабатлар

Биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Шимолий Ҳиндистонда хўжалик ҳаёти янада ривожланган. Мамлакатнинг каттагина қисми қалин ўрмонлар билан қопланган бўлишига қарамай, катта дарёларнинг бўйларидаги вилоятлар деҳқончилиги равнақ топган районларга айланган. Сунъий суғоришнинг қўлланилиши ҳайдаладиган ер майдонларини кенгайтиришга ва фойдали янги ўсимликларни, масалан, шоли каби ўсимликларни экишга имкон берган ва у айниқса шарқий областларда кўплаб экила бошлаган. Сабзавотчилик ва мевачиликни ривожлантириш деҳқончилик хўжалигини янада тараққий эттиради ва уни мураккаблаштирди. Ўша даврдаги адабий асарларда мевазор боғлар, гулзорлар ва хатто шакар қамиши ҳам бўлганлиги тилга олинади. Қадимги қишлоқ жамоалари илгаригидек сақланиб қолаверган, бу жамоаларнинг аъзолари умумий кафиллик асосида ўзаро мустаҳкам боғланган бўлган. Йўллар, тўғонлар ва канаплар қурилиши, шунингдек бошқа кўпгина меҳнат мажбуриятларининг оғирлиги жамоа аъзоларининг гарданига юклатилган. Алоҳида амалдорлар эркин

аҳолидан давлат фойдасига ўлпон ҳамда солиқлар йиғар ва бу солиқларни асосан маҳсулот билан, жумладан дон билан олинган ва бу донлар кейинчалик подшонинг катта омборларида сақланган.

Қишлоқ жамоаларининг табакаларга бўлиниши натижасида камбағаллар бир парча ерларидан маҳрум бўлиб, секин-аста ижарачиларга айлана бошладилар. Иккинчи томондан, подшо ерни иккита олий каста намояндалари — брахманларга ва кшатрияларга ажратиб бера бошлади. Манбалардан бири бўлган Суттанипатда, Магадха давлатнда яшаган ва катта ерга эга бўлган бой брахман Каса Бхарадважа тўғрисида гапирилади, унинг катта подаси ва 500 плуги бўлган. У қуллар меҳнатидан фойдаланиб, плуглар ёрдамида ўз ерларига ишлов берган бўлса керак. Шундай қилиб, секин-аста хусусий ер эгалиги пайдо булган. Ерни сотиш, тортиқ ва ижарага бериш мумкин бўлган, шу билан бирга ижара ҳақи учун ҳосилнинг маълум қисми олинган (буни ўша вақтдаги қонунлар тўпламидан кўриш мумкин).

Пахтачилик янада кенг тарқала бошлади. Пахта (ҳиндча — карпаса) илгари Ҳиндистонда ёввойи ҳолда учраган бўлса, энди экила бошланди ва ундан маталар тўқий бошлаганлар, Дхармасутрада айтилишича, учта олий кастага мансуб одамлар ип газламадан тикилган кийим кийганлар. Пахта ҳали у вақтда кимматли материал ҳисобланган булса керак. Иккинчи томондан, кескин синфий табақаланиш алоҳида ўзининг хусусиятларига эга бўлган, яъни бой қулдорлар ҳатто ўз кийимлари билан камбағаллар ва қуллардан фарқ қилганлар. Пахтачилик билан бир қаторда секин-аста ипакчилик ҳам ривож топади. Ипак, шойи ва ипак кийимлар Дхармасутрада, қадимги ҳинд грамматиғи Панини асарларида ва Артхашастра трактатида ҳам тилга олинадн. Ипакчилик ва шойи тўқиш асосан Шарқий Ҳиндистонда кўп тарқала бошлайди. Маҳаллий ҳинд шойиси билан бир қаторда четдан келтирилган хитой шойиси ҳам тилга олинади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққий этиши ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан янада кўпроқ ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Эркин ҳунармандлар аҳолининг алоҳида бир группасига бирлашадилар, булар кейинги вақтлардаги гильдия ёки цехларни эслатади. Жун, зиғиртола, пахта ва ипак тўқишга асосланган тўқимачилик, металлургия ва ёғоч буюмлар ишлаш ҳунари айниқса кенг тарқалган. Темирдан турли қурол-асбоблар ва яроғлар ясаганлар. Турли металл эритмаларидан кенг фойдаланганлар. Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг янада ривожлантирилиши муносабати

билан ҳунарнинг айрим турлари пайдо бўлади. Масалан, ўқ-ёйлар тайёрлаш учта ҳар хил ишлаб чиқаришга бўлинади. Ҳунармандлар шаҳарларга ва шаҳар атрофларига кўплаб *жойлаша бошлайдилар*. Шаҳарлар йирик хўжалик, савдо-хунар марказларига айланади. Масалан, Артхашастрада олтита шаҳар Ванга, Вотса, Матхура, Апаранта, Калинга ва Каси тўқимачилик, *ип газлама* марказлари сифатида тилга олинади. Баъзи шаҳарларда махсус ҳунармандлик маҳаллалари ёки кўчалар пайдо бўлади, уларда ҳамкасаба ҳунармандлар яшаганлар. Чунончи, *Банорасда фил суягини* уйиб буюмлар ясайдиган усталар яшайдиган кўча бўлган. Артхашастрада брахманлар ва кшатриялар яшайдиган махсус маҳаллалар бўлганлиги тилга олинади, бу эса синфий табақаланиш анча кучайганлигини кўрсатади. Оддий кишилар ва камбағаллар ёғоч уйларда яшаган бир вақтда, бойлар ва аристократлар тош ёки ғиштдан қурилган ғузал саройларда яшаганлар.

Бир қатор катта ва бой шаҳарлар орасида энг йирик шаҳарлар, масалан, Баранаси (Банорас), Шраваети (Саваттхи), Ражагрха (Ражгир), Паталипутра (Патна) шаҳарлари *айниқса ажралиб* турган. Дарёлар ва карвон йўллари орқали ўтган кўпгина савдо йўллари айрим шаҳарлар ва давлатларни бир-бирлари билан боғлаган. Калинга подшолиги даврида *Дантапура ва Рорука* шаҳарлари денгиз кемачилиги ва денгиз савдосининг муҳим марказлари бўлган. Ички ва ташқи савдонинг ривожланиши савдогарларнинг социал табақасининг пайдо *бўлишига ва синфий зиддиятларнинг янада* кескинлашиб кетишига сабаб бўлган. Қўшни мамлакатлар билан, жумладан Хитой, Бактрия ва ҳатто шарқий архипелагнинг ороллари билан ҳам савдо *алоқалари ўрнатила бошланган* деб фараз қилишга ҳамма асослар бор.

Бойлар билан камбағаллар ўртасидаги, эксплуататорлар билан меҳнаткаш омма ўртасидаги, қулдорлар билан қуллар ўртасидаги зиддиятлар борган сари чуқурлашади. Мамлакатда қуллар сони орта боради, қулфурушлик кучаяди, катта бойликлар бойлар (сеттхи) қўлида, айниқса, судхўрлар қўлида тўплана боради. Ҳарбий асирлар, қарзини тўлай олмаган қарздорлар ва жиноятчилар қулларга айлантирилди. Кўпинча камбағаллар очдан ўлмаслик учун ўз болаларини ёки ўзларини кулликка сотардилар. Ижтимоий муносабатларнинг *мураккаблашиб* кетиши каста системасининг бирмунча ўзгаришига сабаб бўлади. Олий аристократик кастанинг айрим намояндалари хонавайрон бўлиб, меҳнаткаш омма сафларини *тўлдира бошлайдилар*. Масалан, брахманларнинг баъзилари моддий томондан қийналиб, бир бурда нон топиш

учун деҳқончилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланганликлари адабий асарларда тилга олинади. Синфий қонун қулдорлардан иборат ҳоким аристократлар синфининг манфаатларини ҳимоя қилиб, «орийларнинг қул бўлиши мумкин эмас» деб кўрсатган.

Ашока давлати

Қадимги Ҳиндистондаги қулдорлик давлатининг охирги равнақ топган даври Ашока (эрамиздан ав. 272—232 йиллар) подшолик қилган давр эди. Ашока Биндусаранинг ўғли ва Чандрагуптанинг невараси бўлиб, катта тарихий роль ўйнаган. Ашокага ўз отаси ва бобосидан катта ва қудратли давлат мерос бўлиб қолган. Биндусара ҳаёт вақтидаёқ Ашока Шимоли-Ғарбий ва сўнгра Ғарбий Ҳиндистонда подшонинг ноиби вазифасини ўтаб турган ва шу тариқа бутун давлатни идора қилиш учун яхши тайёргарлик кўрган. Ашоканинг Ужайни ва Таксила каби катта шаҳарларда турганлиги унинг шахсига, характерига ва келгусидаги бутун фаолиятига яхши таъсир кўрсатган. Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг бу катта шаҳарлари муҳим маданий марказлар бўлган, уларда санъат ва фан, жумладан астрономия фани тараққий этган. Бу шаҳарларда олий каста намояндаларининг, айниқса брахманларнинг фарзандлари тарбияланган. Ғарбдан, Грециядан кириб келган маданият Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга, Қандаҳор областига ва Таксила шаҳрига ҳам кириб борган. Таксилада ўтказилган қазиш ишларида архитектуранинг ажойиб ёдгорликлари, грек-ҳинд услубида ишланган скульптуралар ва кўпгина танга пуллар топилган. Таксила ўша даврдаги Шимолий Ҳиндистоннинг энг йирик иқтисодий ва маданий маркази бўлган бўлса керак.

Ашока жуда ёш вақтидаёқ, 272 йилда тахтга ўтирган. У подшолик қилган дастлабки йиллар тўғрисида жуда кам маълумотлар сақланган. Фақат Ашоканинг 261 йилда Калинга подшолиги билан уруш бошлаб, қаттиқ курашдан кейин уни истило қилганлиги маълум, холос. Ашока ўзининг бу истилоси билан Чандрагуптанинг деярли бутун Ҳиндистонни бир катта давлат қилиб бирлаштириш мақсадида бошлаган ишини тугаллади. Калинга давлатидан жанубий-ғарбий томонда жойлашган Андхра мамлакати Ашокага қарам бўлган. Фақат Ҳиндистоннинг жанубидаги Чола, Пандия ва Кералапутра давлатларигина ўз мустақилликларини сақлаб қолганлар. Ҳиндистон давлатининг сиёсий қудрати Ашока томонидан мустаҳкамланган эди. Машҳур ва қудратли подшо Ашока ҳамда унинг катта давлати тўғрисидаги эсдаликлар ҳатто Цейлон хроникаларида ҳам сақлангандир. Ашока подшолиги замонидан диний эътиқодга оид катта-

катта ёдгорликлар ступалар[1], жуда мустаҳкам қилиб ишланган тош устунлар, қояларни ўйиб ишланган ғорлар ва, ниҳоят, Ашоканинг шахсини, фаолиятини, унинг янги давлат динини ўрнатганлигини кўрсатиб берадиган 30 дан ортиқ ажойиб ёзувлар сақланиб қолган.

Ҳиндларнинг ривоятларида Ашоканинг қурилишлар соҳасида катта ишлар қилганлиги айтилади. Масалан, Ашока ҳақида ривоятларда айтилишча, У Паталипутрада ёғоч биноларнинг ўрнига тошдан қасрлар солдирган, Кашмирда Шринагар деган янги ва катта бир шаҳар барпо қилиб, унда «500 монастирь» қурдирган эмиш. Сўнгра, Чандрагупта вақтида бошланган сугориш ишларини Ашока кенгайтирган, шаҳарларда кўплаб касалхоналар солдирган, дейдилар. Буларнинг ҳаммаси эрамиздан ав. III аср ўртасида Хиндистон давлатининг гуллаб-яшнаганлигини кўрсатади.

Чандрагупта асос солган, унинг тахт ворислари — Маурья династиясидан чиққан подшолар томонидан кенгайтирилган ва мустаҳкамланган катта давлат идора қилишнинг мустаҳкам давлат аппаратига муҳтож эди. Чандрагуптанинг министри Каутилье ёзган сиёсий иқтисодий трактат (Архашастра), давлатни идора қилишнинг марказлашган мураккаб ва бюрократик давлат системасини, ташқи ва ички сиёсатни таъвирлайди, бу сиёсат қулдорлик давлатини ҳар тарафлама мустаҳкамлашни мақсад қилиб олган. Чандрагупта замонидаёқ ўрнатилган давлатни идора қилишнинг бу бюрократик системасини Ашока янада тараққий эттирган. Аммо давлат чегараларининг кенгайиб кетганлиги идора қилиш системасини бирмунча ўзгартиришни талаб этган. Ашока давлати бир қанча катта областларга бўлиниб, уларга подшо хонадони аъзоларидан бошлиқ қилиб қўйилган. Мамлакатни идора қилиш ишлари подшо саройида марказлаштирилган. Бироқ ўша даврда мамлакатни идора қилиш ишларида бузилиш ҳоллари ва децентрализациянинг дастлабки белгилари кўрина бошланди. Ашока давлатида ички ва ташқи савдо катта аҳамиятга эга бўлган. Ғоят кенг территорияга эга бўлган Ҳиндистон давлати бир қатор қўшни давлатлар билан Жанубий Хиндистондаги Тамил давлатлари, Бирма, Сурия ва ҳатто жуда узоқдаги Миср билан ҳам жуда мустаҳкам алоқада бўлган. Савдонинг тараққий этиши чегараларни ҳамда савдо йўлларини кўриқлашни талаб этган. Шу сабабли ҳарбий ишларни ривожлантиришга катта аҳамият берилган.

---

[1] *Ступа* — будда эътиқодича, томи ярим айлана шаклда қурилган ҳашаматли диний эҳром.

Ашока давлати ташқи томондан мустаҳкамдай бўлиб кўринган бўлса-да, синфий кураш туфайли заифлашиб ва иқтисодий жиҳатдан бирлашмаганлиги сабабли Ашока вафотидан кейин кўп ўтмай у парчаланиб кетган. Ашокаининг тахт ворислари фақат Магадха подшолигини ўз қўлларида сақлаб қолганлар, холос. Калинга билан Андхра ажралиб, мустақил давлат бўлиб олганлар. Парчаланиб ва заифлашиб қолган Ҳиндистонни, орадан кўп ўтмай, янги истилочилар босиб оладилар. Эрамиздан ав. тахминан 250 йилда Бактриянинг грек ҳокими Диодот Селевкидлар давлатига қарши кўзголон кўтариб, ундан ажралиб чиқади ва Бактрияда янги Грек-Бактрия подшолигини барпо қилади. Грек-Бактрия давлати ҳозирги совет Ўрта Осиёсининг бир қисм территориясини ҳам ўз ичига олган. Диодотнинг тахт ворислари бу давлатнинг чегараларини кенгайтириб, уни жуда қудратли давлатга айлантирганлар. Эрамиздан ав. тахминан 190 йилларда Деметрий Шимолий Ҳиндистонга юриш қилган ҳамда Қобул, Панжоб ва Синд водийсини истило қилган. Менандр Ганг дарёси, Ҳинд дарёси қуйиладиган жойгача ўз ҳокимиятини ўрнатган ва ҳатто Хинд дарёсидан шарқ томондаги ўлкаларни (эрамиздан ав. 155 йилларда) босиб олган. Ниҳоят, эрамиздан ав. тахминан 100 йилда сак (скиф) қабилалари Шимолий Ҳиндистонга бостириб кириб, унда Ҳинд-Скиф давлатини барпо қилганлар.

Қаттиқ синфий зиддиятлар Ҳиндистондаги қадимги ижтимоий системани ларзага келтирган ва бу ижтимоий система аристократ коҳинларнинг (брахманларнинг) устунлигини очиқ-ойдин ифодалаган каста тузуми формаларига кирган, деб айтиш мумкин. Ҳиндистонга аста-секин чет эл таъсири кириб боради. Брахман дини ўз ўрнини буддизмга бера бошлайди. Ашока даврига келиб будда дини Ҳиндистонда кенг тарқалади. Ашока буддизмни давлат дини деб тан олиб, бу янги диний системанинг бутун Ҳиндистонда тарқалиши ҳамда мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Қадимги Ҳиндистон маданияти

Кўп асрлар давомида тараққий қилиб келган қадимги ҳинд маданияти бир қатор кўшни халқлар маданиятининг ривожланишига анча кучли таъсир курсатган. Кўпгина диний тўпламлар сақланиб келганлиги сабабли қадимги ҳинд халкларининг дини тўғрисида айниқса яхши маълумотларга эгамиз.

Ҳиндистоннинг энг қадимги дини тотемизмдан, табиатни илоҳийлаштириш, ота-боболар руҳига топинишдан бошланади. Ведаларда табиатга топиниш яққол акс этганини кўрамиз. Чунки Ведалар тузилган вақтда ҳиндлар қуёшга (Сурия) сиғинганлар, Варуна номи билан осмонни илоҳийлаш-

тирганлар, муқаддас оловга (Агни), шунингдек момақалдироқ худосига (Индра) топинганлар. Деҳқончиликнинг ривожланиб бориши билан табиатнинг ишлаб чиқариш кучлари ва умуман ҳосилдорлик маъбудаси тўғрисида тасаввур пайдо бўлган ва таркиб топган, улар бу маъбудани Адити деб атаганлар ва унга «хамманинг онаси», «ҳамма нарсанинг моҳияти», «адабият», «яратилган ва яратувчи» деб ҳар хил қўшимча номлар берганлар. Шунинг учун ҳам худоларни «Адитининг фарзандлари ёки ўғиллари» деб атаганлар. «Адити» номидан олинган «адитья» сўзи «худолар» маъносини англатадиган бўлиб қолган.

Бу қадимги табиатга топиниш қишлоқ жамоаларига хос бўлган идеологияни том маъноси билан акс эттирган, бу жамоалар ичидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар «ишлаб чиқариш механизмининг соддалиги» билан фарқ қилган. Карл Маркс бу фактни қуйидаги сўзлар билан курсатиб берган эди:

«Биз варварларнинг эгоизмини (худбинлигини) сира унутмаслигимиз керак, улар, бир парча ердан ўз манфаатларинигина кўзлаб, катта-катта империяларнинг қандай қулаб кетганини, мисли кўрилмаган оғир жабр-зулмлар қандай қилинаётганини, катта шаҳарларнинг аҳолиси қандай қилиб қириб ташланаётганини хотиржам томоша қилиб турганлар,— улар табиат ҳодисаларига берилган эътиборчалик бу нарсаларга эътибор бермаганлар, бу билан улар ўзлари кўз остига олиб қуйган ҳар қандай зўравоннинг ожиз қурбони бўлиб қолаверганлар. Шу нарсани эсдан чиқармаслигимиз керакки, бу фазилатсиз, қотиб қолган ва бемаъно ҳаёт, яшашнинг бу пассив формаси, иккинчи томондан, ўзига қарама-қарши ўлароқ зиёнкаш, ёввойи, жоҳил, жиловланмаган кучларнинг — емирувчи кучларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди ва Ҳиндистонда одам ўлдиришни диний маросимга айлантирди. Шу нарсани эсдан чиқармаслигимиз керакки, бу майда жамоаларга кастачилик айирмалари ва қуллик тамғаларни босиб қўйилган эди, майда жамоалар одамни ташқи ҳодисаларнинг ҳукмдори даражасига кўтариш ўрнига, уни бу ташқи ҳодисаларга тобе қилиб қўйди, майда жамоалар ўз-ўзидан ривожланувчи ижтимоий тузуми ўзгармайдиган, табиат олдиндан белгилаб қўйган тақдирга айлантирдилар ва бу билан табиатга дағал топинишни вужудга келтирдилар, бунинг пастаринлиги шу нарсада яққол кўринадики, табиатнинг ҳокими бўлган одамзод Гануман маймунига, Сабала сигирига тиз чўкиб сажда қиладиган бўлди»[1].

[1] *К. Маркс* и *Ф. Энгельс*, Избранные произведения, I том, 309-бет.

Қадимги Ҳиндистонда патриархал оила ҳаёти билан боғланган оловга топиниш одати айниқса кенг тарқалган. Ота сифатидаги олов уйнинг муқаддас бошлиғи ҳисобланган. Уйдаги ўчоқ қадимги катта оилавий жамоаларда ҳам, якка оиланинг хусусий хўжалигида ҳам оила хўжайини — патриарх (грихапати) бошлиқ бўлган уйда (грихья) оилавий ҳаётнинг маркази бўлган. Бироқ олов худоси Агни шарафига ёзилган ва Ригведада сақланган гимнлардан бирида, оловга топиниш «ёғоч парчалари бир-бирига қаттиқ ишқаланиб» ўт ҳосил қилиш усули биринчи марта кашф этилган қадимги замонларга оиддир, дейилади. Одамларга биргаликда ҳаёт кечиришга имкон берган оловнинг хўжалик аҳамиятига катта баҳо бериб, қадимги ҳиндулар оловни «қишлоқнинг бошлиги» (вишьпати) деб атаганлар. Махсус коҳин (атхарван)лар ҳимоясида доимий ёниб турадиган муқаддас оловга топиниш шу тариқа вужудга келган. Уйдаги оловга топиниш билан бирга, осмондаги оловга ҳам топиниб, уни «илоҳий ота» — Дьяус-Питар деб атаганлар. Оловга топиниш ота-боболар эътиқоди билан жуда яқиндан боғланган бўлиб, ҳар бир уйдаги оила бошлиги (патриарх) ота-боболарига топинган. Масалан, Ману қонунларида айтилишича, «ота-боболар — дастлабки худолардир; улар ғазабдан холи бўлганлар, мутлақо пок, доимо бекаму кўст, низодан юз ўгирадиган ва катта фазилатлар эгаси» бўлганлар.

Ота-боболар эътиқоди уруғчилик тузуми даврида вужудга келган ва катта патриархал оилаларнинг бошлиқлари бўлган бой аристократлар ҳокимиятининг обрўсини кўтариш қулдорлик жамиятини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши лозим эди. Шу туфайли брахманларнинг қонунлар туплами Мануда, айниқса ота-боболарнинг қадимги эътиқоди қайд қилиб кўрсатилган: «Икки қайта туғилганлар учун ота-боболар руҳига сиғиниш худоларга сиғинишдан кўра муҳимроқдир». Ота-боболар руҳига сиғиниш дин ва эътиқоднинг энг кейинги ва анча мураккаб формалари ҳали ишлаб чиқилмаган, энг кейинги догматика ҳали маълум бир шаклга солинмаган жуда қадим замонлардан бошланади. Шу сабабли Ману қонунларида: «Ота-боболар ҳар томони очиқ, табиатан тоза яланғликларда, дарёларнинг бўйларида, пастқам ерларда қилинган қурбонлардан ҳамиша рози бўладилар» дейилади. Бу эса, чинакам ота-боболар — ота, бува ва катта бувага сиғинишнинг ўзгинасидир.

Ўша диний қонунларда яна бундай дейилади: «Отаси ўлиб, буваси ҳали ҳаёт бўлган кимса, ўз отасининг номидан кейин катта бувасининг номини тилга олиши керак». Муқаддас Веда китобларида ота-боболарга мурожаат қилиб ай-

тилган кадимги қўшиқлар сақланган. Энг қадимги диний мадҳиялар қадимги патриархал турмуш даврига оиддир. Ота-боболар руҳига сиғиниш қадимги Ҳиндистондаги турғун ҳаётда жуда узоқ вақтларгача сақланиб келган. Бу қадимги ота-боболар руҳига сиғиниш одатининг ҳиндуларнинг анча кейин пайдо бўлган(эрамизнинг V асрида) «Шакунтала» драмасида ҳам сақланиб қолган. Подшо Душьянта фарзанди йўқлигидан полиб бундай дейди: «Афсус, Душьянтанинг ота-боболари хавф остида. Фарзандсизман, улар билмайдиларки, мен ўлганимдан кейин болаларининг кайси бири муносиб қурбон беради ва улардан кимнинг кўз ёши менинг кўз ёшимга қўшилади».

Чорвачилик ва илк деҳқончилик даврида диннинг қадимги формалари бўлган табиатга топиниш ва ота-боболар руҳига сиғиниш айниқса кенг тарқалган бўлса (буни Ригведадаги энг қадимги мадҳиялар кўрсатади), қулдорлик жамияти ва давлат ташкил топган даврда бу топинишлар, синфий тузумни мустаҳкамлашга қаратилган янги диний эътиқодлар билан алмашинади. Қадимги табиат худолари аста-секин давлат, подшо ва подшо ҳокимиятининг ҳимоя қилувчи худоларига айланади. Бу нарса, азаллари момақалдироқ ва яшин худоси деб хисобланган Индра эътиқодида жуда равшан кўринади. Қадимги диний поэзияда Индра ўзининг момақалдироқ болтаси билан аждарни ўлдириб, осмон сувларини ундан озод қилувчи дахшатли худо қилиб тасвирланган. Шунингдек, Индра ҳосилдорлик худоси деб ҳам ҳисобланган. Аммо кейинчалик у ердаги кучлар худосига, подшони ҳимоя қилувчи худога айланган. Индра аристократия, давлат ва подшо ҳокимиятининг ҳимоячиси деб ҳисобланадиган бўлган. Шу сабабли Индрани иккинчи варна составига кирган кшатриялар, аристократ-жангчилар айниқса иззат-ҳурмат қилганлар, одатда подшо ва князлар династиясига асос солувчилар ана шу иккинчи варна намояндалари орасидан чиққанлар. «Индра» сўзининг ўзи «князь» ёки «подшо», «ҳоким», «жаноб» маъноларини (семит тилларидаги «малик» ёки «адон» каби) англата бошлаган.

Марказлашган йирик давлатлар ташкил топа борган сари ягона худога топиниш элементлари ҳам пайдо бўла бошлайди. Ерда ягона подшо бўлгани каби, осмонда ҳам ягона худо бўлиши лозим бўлган. Шундай қилиб, ягона худо тўғрисида тасаввур пайдо бўлиб, бу худони Пражапати (одамни, одамларни ва халқни яратувчи) деб атаганлар. Оламни яратган бу ягона худонинг ёркин тасвирини Ведалардаги мадҳияларда кўрамиз: «У ёруғ осмонни, мустаҳкам ерни, олам нурини ва фазо орқали ўтиб бутун оламни ўраб турган

осмон гумбазини яратган... у ҳамма худоларнинг ягона худосидир».

Диний урф-одатлар мураккаблашиб бориши билан бирга махсус коҳинлик ҳам вужудга келиб, бу коҳинлик аста-секин мустаҳкам кастага бирлашиб кетади. Брахманларнинг алоҳида идеологияси пайдо бўлади ва брахманлар кастасининг мустаҳкам ташкилоти ҳам вужудга келади. Қадимги диний тўпламлар — Ведалар, диний-философик фаолият хийла тараққий этиши натижасида пайдо бўлган шарҳ ва изоҳлар (Упанишадлар) билан тўлиб кетади. Брахманлар таълимотига кура, фақат брахманлар кастасига мансуб кишиларгина муқаддас диний маросимларни ўташи, одамларга диний таълим бериши мумкин бўлган. Брахманлар кастаси ичида худога топиниш жиҳатидан алоҳида даражалар бўлган. Брахманларнинг мураккаб ишланган махсус қоидалари бўлиб, шогирдларнинг ҳам, устозларнинг ҳам бу қоидаларга риоя қилишлари лозим булган. Ҳар бир шогирд уз устози (гуру)га батамом бўйсуниб, қаттиқ интизомга асосланган шогирдлик даврини ўташи керак бўлган. Шогирд муқаддас китобларни, дуоларни, қурбонликлар қилишни, брахманлар тузумининг расм-одатлари ва қонунларини ўрганиши керак эди. Буларни узоқ вақт ўрганганидан кейингина у коҳин бўлиш ҳуқуқига эга бўла олган. Коҳинларнинг биқиқ кастаси ана шу тариқа вужудга келган ва мустаҳкамланиб борган.

Бироқ одамнинг синчков фикри брахманларнинг бу қадимги динларининг негизларига путур етказа бошлайди. Аста-секин диний философик таълимотлар пайдо бўлиб, бу таълимотларда қадимги диннинг ҳақиқатлигига ишонмаслик белгилари кўрина бошлайди. Қадимги дин ва коҳинлик ўргатиб келган ақидаларнинг ҳақиқатлигига шубҳа туғилади. Одамлар охиратга ҳам шак-шубҳа билан қарайдиган бўладилар. Чунончи, диний-философик трактатлардан бирининг автори: «Бу дунёни ташлаб кетиш яхши эмас, чунки биз нариги дунёда яшаймизми, йўқми ким билади», дейди.

Охиратнинг борлигига шак-шубҳа қилиб айтилган ачиниш оҳанглари ҳатто брахманизмга асос солган Яжнавайнья асарларида ҳам кўринади. «Ўлгандан кейин онг бўлмайди», чунки, «кесиб ташланган дарахт яна ўз илдизидан ўсиб чиқади, аммо илдизини ажал қирққан одам яна қайси томирдан ўсиб чиқар экан? Уруғидан ўсиб чиқади, дея кўрманг, чунки уруғ фақат тирик жондангина бўлади. Улган киши яна қайтиб «туғилмайди».

Шу тариқа қадимги брахман дини ва у билан бирга қадимги каста системаси ҳам секин-аста ўз ичидан бузила бошлайди. Брахманлар динига ва каста системасига қарама-

қарши ўлароқ буддизм майдонга чиқади, ривоятларга кўра, буддизм эрамиздан ав. VI асрда вужудга келган ва Ашокалинг эдиктларига қараганда, эрамиздан ав. III асрдаёқ жуда кенг тарқалган. Ҳиндистон қулдорлик давлатида экономика ва савдо анчагина даражада юксалаётган бир даврда Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ривожланишига халақит берган брахманизмга ҳамда қотиб қолган каста системасига қарши идеологик норозилик сифатида буддизм вужудга келади. Буддизм брахманлар кастасига айниқса кескин қарши чиқади. Будда таълимотида брахманлар кастасида тугилган ҳар бир кишини коҳин деб тан олиш фикрига қарши норозилик ифодаланган; брахманлар кастасида тугилган ҳар бир киши, жамиятда олий ўрин эгаллаш имтиёзига эга бўлган.

Буддада шундай дейилади: «Брахманлар кастасига мансуб бўлган онадан тугилган бironта кишини ҳам мен брахман деб атамайман. Бутун фикру зикри дунё гамида бўлган кўп одамлар Брахма тилида гапиришадилар. Шунинг учун мен дунёдан узоқлашиб, ҳар қандай нафосатдан воз кечган одамнигина брахман деб атайман».

Ҳинд ёзувининг энг қадимги асарлари Шимолий Ҳиндистонда уруғчилик тузумининг емирилиш давридан бошлаб энг қадимги қулдорлик давлатларининг ташкил топганига қадар илмий билимларнинг пайдо бўлиш ва энг қадимги таркиб топиш процессини кузатиб боришга имкон беради. Моҳинжо-Даро ва Хараппадаги катта шаҳарлар харобаларидан топилган иероглиф ёзувлар шуни кўрсатадики, эрамиздан ав. учинчи минг йилликдаёқ Ҳиндистонда узига хос равишда вужудга келган суратли ёзув мавжуд бўлган. Ҳиндистонда алфавит бўғинли ёзув эрамиздан ав. III асрда тарқалган. Кхароштн ёзувидаги ёзувлар шу даврга оиддир, бу ёзув оромий ёзувини қўллаш негизида вужудга келган бўлиши мумкин. Ашока ёзувларининг кўпи брахма ёзувининг оригинал қадимги ҳинд системаси қуламида ёзилган бўлиб, бу ёзувдан деванагари, шунингдек кўп сонли бошқа ҳинд алифболарининг анча кейинги классик системаси тараққий этган.

Кундалик ҳаётда бўладиган эҳтиёжлар ҳиндларни жуда қадимги замонлардаёқ табиатда бўладиган турли ҳодисаларни тартибли суратда кузатиб боришга мажбур этган. Медицина, астрономия ва математика соҳасидаги дастлабки билимлар ана шу тариқа вужудга келган.

Диний-сеҳрий дунёқараш ҳукмронлик қилган даврда қадимги Шарқдаги бошқа халқларда бўлгани каби, қадимги ҳиндуларда ҳам фаннинг бошланғич формалари диний эътиқодлар ва сеҳрий тасаввурлар билан чирмашиб кетган.

Шунинг учун медицина фани тўғрисидаги энг қадимги маълумотлар диний Веда тўпламларида, жумладан Ригведа мадҳияларида ва Атхарваведада сақланиб қолганини кўрамиз. Вақт ўтиши билан қадимги азайимхон, бхишаж (жинларни қувловчи) гарчи ўзининг қадимги номини сақлаб қолган бўлса-да, секин-аста табибга айланади. Ведалар тузилаётган даврдаёқ хинд табиблари анатомиядан бирмунча хабардор бўлганлар ва баъзи анатомик терминларни қўллаганлар, мияга, умуртқа поғонасига ва кўкрак қафасига алоҳида эътибор берганлар ва уларни касаллар уяси деб билиб, табиб бу ердаги касалликни топиб йўқотиш керак деб ҳисоблаган. Ведалар касалликларининг ҳар хил турлари сариқ касали, бод, бош оғриғи, мохов, «подшо бедармонлиги» (эҳтимол, сил касали бўлса керак) учрайди, бу эса медицина текширишларининг тартибга солиб борилганлигини ҳамда касалликларни аниқлашга (диагноз қўйишга) интилиш пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Касалликларнинг баъзи бир умумлаштирувчи номлари ҳам пайдо бўла бошлайди, бу номлар эса бир гуруҳ касалликларни, эҳтимол, бир-бирига яқин ёки ўхшаш касалликларни (яқшма) аниқлашга хизмат қилгандир. Дорилар тайёрлаш учун кўпинча дори ўтлар (ошадхи) ишлатилган. Ригведда айтилишича, дори ўтларни «подшолар йиғинидек тўпларган киши жинларни (ракшасларни) қирувчи, иллатни қувиб чиқарувчи билимдон табиб, деб аталади». Ҳали примитив бўлган бу медицинанинг тараққий этиши билан табибликнинг баъзи бир ихтисослари, масалан, ички касалликларни, кўз касалликларини даволаш, хирургия пайдо бўлади. Медицина билимларининг тўплана бориши эрамизнинг бошларида медицина соҳасида дастлабки трактатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Масалан, медицина трактатининг автори Самхита Чарака, подшо Канишка саройининг табиби бўлган бўлса керак (эрамизнинг I асри), аммо Сушрут трактатининг бир қисми эрамизнинг V асрида ёзилган. Қадимги хинд медицинаси билан антик медицина бир-бирига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади, бунинг сабаби Хиндистоннинг антик дунё билан анчагина алоқа боғлаганлиги ва ўзаро таъсир қилганликларидир, бу таъсир Александр Македонскийнинг Хиндистонга қилган юришларидан кейин айниқса кучайган. Масалан, Ажурведада организмда тўрт хил асосий суюқ — шира борлиги тўғрисидаги таълимот бор, бу таълимот грек медицинасининг отаси Гиппократнинг шу хилдаги таълимотига кўп жиҳатдан ўхшайди. Профессионал табиблик (ҳакимлик) этикасининг Чарака трактатида сақланган фикрлари Гиппократнинг айни шу хилдаги фикрларига жуда яқиндир.

Астрономия соҳасида ҳам бир қанча билимлар тўпланган. Қуёшнинг фазода юргандай бўлиб кўринишини кузатиш, ой ҳаракати ва фазоларини кузатиш, шунингдек ойнинг маълум юлдузлар (накшатрас) орасида ўзига хос «ой уйлари» «бўлишини» кузатиш, ниҳоят, юлдузлар осмонини кузатиб бориш,



Ашоканинг оромийча ёзуви.
Кобул ёнидан топилган

ҳатто Ведалар давридаёқ ойнинг фазаларини, ой зодиакини аниқлашга ва календарнинг ўзига хос формасини ишлаб чиқишга имкон берган. Бу календарга мувофиқ йил 12 ойга, шу билан бирга ҳар бир ой 30 кунга бўлинган. Календарь йил

билан астрономия йили ўртасидаги тафовут қадимги замонларда қўшимча, ўн учинчи ой ёрдами билан тўғриланган (бу тўғрида Ригведада ҳам гапиришади). Кейинчалик бу қўшимча ойни ҳар беш йилда бир марта қўшадиган бўлганлар. Эрамизнинг VI асрига доир энг қадимги астрономия трактатлари қадимги Хиндистонда астрономия билимларининг юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади. Бу трактатларнинг авторлари ернинг ўз ўқи атрофида айланишини ва ой ўзига қуёшдан нур олишини аниқлаганлар.

Шу тариқа қадимги ҳиндлар қадимги Шарқнинг бошқа халқлари билан бир қаторда дунё маданияти хазинасига катта ҳисса қўшганлар.



Моҳинжо-Дародан топилган сопол идиш.



Шандунда Ву мақбарасидаги тошга солинган қадимги Хитой бўртма расми. *Эрамизнинг II асри.*

ХХ БОБ

ҚАДИМГИ ХИТОЙ

Жуда хилма-хил манбалар ҳозирги замон тарихчиларига улуғ хитой халқининг кўп асрли тарихини ўрганишга имкон беради. Бу жиҳатдан айниқса аҳамиятлиси шуки, қадимги Хитой давлати ташкил топган даврда вужудга келган хитой ёзуви тарихий традициянинг узлуксиз экаплигини сақлаб қолган. Қадимги Хитой тарихининг уруғчилик тузуми харобалари устида энг қадимги қулдорлик жамияти ва мустабид давлат пайдо бўлаётган пайтидан бошлаб фақат умумий контурларигина эмас, балки асосий фактларни ҳам ҳозирги вақтда тиклаш имконияти тугилади.

Манбалар

Ҳозирги замон тарихчилари хитой халқининг энг қадимий ҳаёт йўлини энг сўнгги даврларгача сақланиб келган ва шу сабабли бир қадар ўзгариб кетган тарихий традиция асосидагина эмас, балки шу билан бирга моддий маданиятнинг қадимги ҳужжат ва ёдгорликларидан ҳам ўрганишлари мумкин. Археология материаллари қадимги Хитой экономикаси ва техникаси кай даражада тараққий қилганлигини бирмунча ёритса ҳам, бироқ Хитой тарихининг энг қадимги даврини тўла характерлашга имкон бермайди. Энг қадимги ҳужжатлар, жумладан эрамиздан ав. II минг йилликка доир суяк қуръалардаги ҳамда тошбақа косалари устидаги ёзувлар тарихчи учун анча катта тарихий аҳамиятга эгадир. Оракулга қарата берилган саволлардан иборат бу қисқа-қисқа ёзувлар, Шан-Инь давлати давридаги (эрамиздан ав. XVIII—XII асрлардаги) қадимги Хитойнинг

хужалик, ижтимоий ва давлат тузумини бирмунча тасвирлашга имкон беради. Диний маросимларда ишлатиладиган бронза идишлардаги ёзувлар бу даврнинг охирги, шунингдек Чжоу подшолиги замонига (эрамиздан аввалги XII—VIII асрларга) оиддир. Бу ёзувлар орасида ҳадя ёрлиқлари ҳам учрайди. Цинь династияси даврига (эрамиздан аввалги III асрга) оид тош барабаплардаги ёзувлар катта аҳамиятга эгадир. Ниҳоят, Шандун вилоятида сақланиб қолган ва Хань династияси даврига оид (эрамиздан аввалги III аср ва эрамизнинг III асрида) бўртма суратлар қимматли маданий-тарихий материал ҳисобланади.


Қадимги Хитойнинг тарихий традицияси энг қадимги классик адабиётнинг сақланиб қолган жуда кўп асарларида акс эттирилган бўлиб, бу адабиётга тарихий, диний-фалсафий ва бадиий адабиёт асарлари киради. Бироқ шуни назарда тутмоқ керакки, қадимги Хитой классик адабиётининг бу йигиндиси эрамиздан ав. V—III асрларда анчагина таҳрир қилинган. Баъзи классик китоблар ўша вақтда ҳукмрон бўлган социал-сиёсий ва диний-фалсафий назариялар таъсири остида бутунлай қайтадан ишланган ва шу туфайли уларнинг тексти анча бузиб берилган. Масалан, «Чунь-цю» китоби («Баҳор ва куз»— Лу подшолигининг хроникаси) таҳрир қилиниб тузатилган вақтда, Лу ҳокимларидан тўрттаси ўлдирилганлиги, биттаси ўз фукаролари томонидан ҳайдаб юборилганлиги ва иккинчисини душмани ўлдирганлиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Шундай қилиб, Хитой классик адабиётининг энг қадимги асарларидаги айрим боблар ва баъзан эса, уларнинг айрим нарчаларигина ҳақиқатан энг қадимги замонга оиддир. Кейинчалик қайтадан таҳрир қилинган сўнгги қисмларининг ҳаммаси танқидий кўз билан жиддий суратда текшириб чиқишни талаб этади. Тарихчи уларни ўрганаётганда жуда эҳтиёт бўлиши зарур.

Хитойнинг турли областларидаги халқ қўшиқларини узоқ вақтлар давомида тўплаш натижасида тузилган машҳур «Қўшиқлар китоби» («Ши-цзин»)да жуда қадим замонларга доир парчалар сақланган. Хитой халқининг тарихи энди бошланаётган даврдаги унинг чинакам ҳаёти бу халқ қўшиқларида акс эттирилган. Бунда халқнинг турли урф-одатлари, масалан, тўйлар ва баъзан эса, турмуш тўлароқ ифода этилган. Меҳнат ҳақидаги қўшиқлар айниқса қизиқарлидир, бу қўшиқларда кенг халқ ҳаракати ва қўзғолонларини акс эттирувчи халқ ғазаби садолари янграйди. Стилининг соддалиги ва бадиий формасининг ихчамлиги, табиатни ҳамда халқнинг меҳнатини акс эттирувчи бадиий образлар бу қўшиқларнинг чинакам халқ бадиий ижодининг дурдоналари эканлигини кўр-

сатади. Баъзи қўшиқларда мифологик оҳанглар қадимги тарихий воқеалар тўғрисида халқ ёдида сақланиб қолган хотиралар билан чамбарчас чирмашиб кетади. Бироқ қадимги Хитойнинг бу шеърий тўпламида ҳақиқий халқ қўшиқлари билан бир қаторда, аристократларга хос адабий ижод намуналари ҳам сақланган, буларда сарой шоирлари қаҳрамонларни, князлар ва подшоларни кукларга кўтариб мақтайдилар, ҳарбий юришларни тасвирлайдилар ёки мамлакатнинг қашшоқ аҳволда эканлигини очиқдан-очиқ кўрсатадилар. Бу тантаналн қасидалар қулдорлик давлатининг анча кейинги даврига оид бўлиб, ҳукмрон синф-қулдорлар аристократиясининг дунёқарашини очиқ-ойдин характерлаб беради. Ниҳоят, «Шицзин» китобига муқаддас қўшиқлар ҳам кирган, буларда илоҳийлаштирилган ота-боболарининг қаҳрамонликлари куйланади. Қурбонликлар вақтида айтиладиган бу қадимги мадҳиялар соф маросим хусусиятига эга бўлган. Бу қадимги мадҳиялар хитой халқининг энг қадимги динини тасаввур этишга имкон беради ва шунинг учун тарихчига анча қимматлидир. «Қўшиқлар китоби»нинг энг қадимги қисми эрамиздан аввалги XII—VII асрларга оиддир. Бу тўпламнинг ҳаммаси эрамиздан аввалги VII—VI асрларда тузилган бўлса керак, лекин бизга маълум бўлган формаси эса, эрамиздан аввалги III асрдагина пайдо бўлган. Аммо энг кейинги таҳрир қилиш даврида тўпламнинг асосий текстига кўп тузатишлар киритилмаган, бу эса китобни қадимги Хитой тарихининг энг муҳим манбаига айлантиради.

Қадимги Хитойнинг классик адабиётига кирган тарихий китоблар орасида «Ҳужжатлар китоби» ёки, бошқача айтганда, «Тарих китоби» (Шу-цзин)ни кўрсатиб ўтмоқ керак, ривоятларга кўра, бу китобга қадимги подшолар ёки уларнинг маслаҳатчиларига қарашли нутқлар, насиҳатлар ва амр-фармонлар киритилган. Бу китобдан мамлакатнинг тонографияси ва бошқариш системасига доир қизиқ маълумотларни тониш мумкин. Бироқ «Ҳужжатлар китоби»ни Конфуций анчагина кайтадан ишлаган ва натижада у диний ҳамда сиёсий тарбия анъаналари билан кучли равишда сугорилган насиҳатлар тўпламига айланиб қолган. Бу тўпламдан тарихий манба сифатида фойдаланилаётган вақтда унга жиддий танқидий назар билан қарашни талаб этади.

Конкрет фактларни кўрсатувчи баъзи бир маълумотларни Хитой тарихининг энг қадимги даврларига оид бошқа тарихий асарлардан, жумладан, йилномалардан топиш мумкин. «Чунь-шо» («Баҳор ва куз»— ривоятларга кўра, Конфуцийнинг ватани бўлган Лу подшолигининг хроникаси) номи билан юритиладиган китобни Конфуцийнинг ўзи ёзган дейилади. Бу



ҚАДИМГИ ХИТОЙ

150 0 150 300 450км

Қадимги Хитойнинг тахминий чегаралари:


- ..... я. э. дан ав. 1900 й.
- – – – – „ „ „ 1600 й.
- – – – „ „ „
- – – – „ „ „
- ——— „ „ „

Буюк Хитой девори

Ғарбий Чжоуларнинг мақбаралари

Санян — Аҳоли яшайдиган жойларнинг қадимги номлари

Аньян — Аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳозирги номлари



Фол кўрадиган суяклардаги энг қадимги хитой ёзувлари.

Шан-Инь даври.

китоб эрамиздан аввалги VIII—V асрларда Лу подшолиги даврида юз берган энг муҳим воқеаларнинг қисқача хронологик обзоридан иборат. Тарихчи учун «Баҳор ва куз» хроникасидан кўра кейинроқ унга илова қилинган («Цзо-чжуань») анча зўр аҳамиятга эгадир, бу Хитой адабиётида қадимги Хитой тарихининг биринчи тўла обзори деб ҳисобланиши мумкин. Сунгра «Бамбук йилномалари»ни кўрсатиб ўтиш мумкин, бу подшо ёки киязларнинг эрамиздан аввалги XII—VIII асрларда тузилган йилномаси бўлса керак. Бу йилномада эрамиздан аввалги 776 йилда қуёш тутилиши кўрсатилган сана, Шан-Инь династиясига мансуб подшоларнинг рўйхати ва бошқа бир қанча қимматли тарихий маълумотлар сакланган. Услубининг ихчамлиги ва баразли ваъз-насиҳатларнинг йўқлиги шуни кўрсатадики, қадимги Хитойнинг энг муҳим тарихий фактлари қисқа ва қуруқ санаб ўтилган бу хроникаси кейинги даврларда унча кўп таҳрир қилинмаган.

Қадимги Хитой тарихини ўрганиш учун кадимги Хитойнинг энг қадимги ва энг машҳур тарихчиларидан бири эрамиздан аввалги II—I асрларда яшаган Сима Цияньнинг «Тарихий хотиралари» катта аҳамиятга эга. Бу катта тарихий асар қадимги даврдан то эрамиздан аввалги II аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу китобда асосан қадимги Хитойнинг сиёсий ва маданий тарихига оид. шунингдек хронологияни тиклаш учун зарур бўлган маълумотлар берилади. Сима Цянь бир қадар сиёсий ва ахлоқни бузадиган тенденциялардан холи бўлмаган катта хамда қимматли тарихий асарида қадимги Хитой тарихининг обзорини биринчи марта кенг кўламда бериб, Хитой историографиясининг бундан кейинги ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Қадимги Хитой тарихининг бу обзорига манбалардаги маълумотлар узвий суратда киритилгандир.

Табиий шароити Хитой — тоғли мамлакатдир: унинг территориясининг 80% ини тоғлар ва ясситоғлар қоплаган. Ғарбий Хитой дупёда энг кенг жойни эгаллаган тоғликдан иборат бўлиб, иқлими кескин континенталдир. Шарқий Хитой Ғарбий Хитойдан кўра бирмунча пастроқдадир ва денгиз томондан унга бориш анча осон чунки азалдан муҳим савдо йўллари бўлиб келган бу водийларни катта дарёлар кесиб ўтган. Шарқий Хитой Ғарбий Хитойдан иқлимининг анча иссиқ бўлиши ва турли-туман ўсимликлари билан фарқ қилади. Шарқий Хитойнинг табиий шароити анча қулай бўлганлиги худди ана шу ерда энг кадимги деҳқончиликнинг вужудга келишига ва энг қадимги давлатларнинг пайдо бўлишига ёрдам берган.

Хитой халқи жойлашган энг қадимги район Хуанхэ дарёси (Сариқ дарё)нинг ўрта ва қуйи оқимидаги районлар, шунингдек Печилий қўлтигига туташган текислик ҳисобланади. Сариқ дарё ва унинг ирмоқларининг суви билан суғориладиган водийларда ҳамда пасттекисликларда, иқлимининг ўртача ва ерларининг унумдор соғ тупроқ бўлиши деҳқончилик хўжалигининг анча илгари тараққий эта бошлашига имкон берган. Бу соғ тупроқли ерларнинг унумдорлиги ёғингарчиликнинг бир текисда бўлишига боғлиқдир. Бу жойларда ёғингарчилик ўрта ҳисобда йилига 50—60 *см* гача бўлади ва бу мамлакатда тариқдан яхши ҳосил олишни таъминлайди, тариқ Шимолий Хитойда энг қадимги замонлардан буён энг кўп тарқалган дон экини эди. Бироқ ёғингарчилик бир текис бўлмаган пайтларда ҳосил ҳам битмасди. Шунинг учун қадимги Хитой аҳолиси канал қазиб сув чиқаришга мажбур бўлган.

Деҳқончилик хўжалиги ташкил этила бошлаган даврда қадимги Хитой аҳолисига каналлар қазиб, дарё сувини бутун мамлакатга бир текис тақсимлашга, шу билан бирга Хуанхэ дарёсининг ҳалокатли тошқинига қарши тинмай ва уюшқоқлик билан кураш олиб боришга тўғри келган; дарё кўпинча ўз қирғоқларидан тошиб, дарё бўйидаги областларни бутунлай сув босиб кетар эди. Хуанхэ дарёси саёз бўлиб борган, катта тошқинлар пайтида унинг суви кўтарилиб турган. Дарё суви ўпириб келтирган тупроқлар дарё тагига чўкиб, сувни кўтарар ва дарё эски ўзанидан тошиб чиқиб, теварак-атрофдаги жойларни сув босган. Бу сув тошқинлари қишлоқларни ва деҳқонларнинг уйларини вайрон қилиб ва ҳосилни йўқ қилиб, бутун мамлакатга жуда кўп офатлар келтирган. Шу сабабдан аҳоли ўз уйи ва экин майдонларини дарё тошқинидан сақлаб қолиш учун турли чоралар кўришга мажбур бўлган.

Қадимги хитойларнинг сув офатига қарши олиб борган доимий кураши ва деҳқончилик хўжалигини ташкил этиш йўлидаги тинмай қилган ғамхўрлиги қадимги афсона ва мифларда акс эттирилган. Хуан-ди деган Сариқ императорнинг аждар Че Ю га қарши кураши тўғрисида тўқилган мифда, қадимги император сув офатига қарши курашмоқ учун осмондан кургоқчилик маъбудасини ерга туширган, деб ҳикоя қилинади. Қадимги замонда бир министрнинг аҳолини сув тошқинидан ҳимоя қилиш учун тўғон қуришга айниқса кўп ҳаракат қилганлиги афсоналардан бирида ҳикоя қилинади. Аммо министрнинг бу ҳаракатидан император норози бўлиб, уни «табиий кучларнинг эркин оқимини» бузишда айблайди. Министрнинг фойдали ишини унинг ўғли Юй давом эттирган, у дарё ўзанини чуқурлаштириб, унинг оқимини яхшилашга уринган, бунинг учун қояларни кестирган ва ҳатто

дарёнинг қирғоқларини ҳам афсонавий «жонли тупроқ» билан мустаҳкамлаган. Халқ Юйнинг бу хизматини тақдирлаган. У подшо қилиб сайланган ва Ся династиясига асос солган. Хитойнинг деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришда сувнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва Сариқ дарёнинг тошқинига қарши қадимги хитойлар олиб боришга мажбур бўлган доимий кураш қадимги замон афсоналарида ана шу тарика акс эттирилган.

Қадимги замонларда Шимолий Хитойда ўрмонлар ҳозиргидан анча кўп бўлган. Фол очиш суякларидаги ёзувлар (буларда катта кийик овлари тасвирланади), шунингдек «Қўшиқлар китоби»да катта ўрмонлар тўғрисидаги кўпгина хотиралар шуни кўрсатади. Қалин ўрмонлар қоплаганлиги ёғингарчиликнинг анча текис бўлишини таъминлаган, одамларнинг ов билан шуғулланишига имкон берган ва уларга қурол-яроғлар тайёрлаш учун керакли энг қадимги материални (ёғочни) кўп миқдорда етказиб берган.

Энг қадимий аҳоли

Дарёлар бўйидаги ҳосилдор водийларга ёнлошган кенг даштларда, ясси тоғлар ва тоғли ўлкаларда энг қадим замонларданоқ жуда кўп қабилалар жойлашиб, бу қабилалар кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар. Ҳосилдор текисликларда яшаган хитой деҳконларига даштлардаги урушқоқ кўчманчиларнинг ва тоғлардаги урушқоқ қабилаларнинг таловчилик хужумларини доимо қайтариб туришга тўғри келарди, бундай хужумлар эса, қадимги Хитой давлати ва маданиятининг тараққий этишини бирмуича кечиктирарди. Энг қадимги Хитой давлатлари ташкил топаётган даврга келиб, қолоқ кўчманчилар жойлашган ана ўша ўлкаларни хитойлар, ўз навбатида, секин-аста колонизация қила бошладилар. Бироқ бу ўлкаларнинг табиий шароити ва қадимги маҳаллий аҳолининг маданий савияси паст бўлганлиги бу ерда кўчманчи чорвадорликнинг кўп вақтларгача сақланиб қолишига сабаб бўлган. Чорвачилик қадимги Хитойнинг хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бир қанча хитой иероглифлари чорвачиликнинг кенг тарқалганлигини кўрсатиб ўтадилар. «Қўчқор» (яи) сурати солинган иероглиф аломати «омад», «бахт» маъносида ишлатилган. «Қуй» ва «князь» сўзларини ифодалайдиган иероглиф аломатларининг иккаласи ёнма-ён қўйилганда «пода» сўзини англатган. «Бугу» (лу) сурати солинган иероглиф аломати «ютуқ, бахт» маъносини билдириш учун ишлатилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хитойнинг этник состави жуда мураккабдир. Хитойнинг жуда катта территориясида ва унинг Шарқий Осиёга туташган қисмларида ер юзидаги аҳолининг қарийб тўртдан бир

қисми яшайди. Ўз-ўзидан маълумки, бу аҳоли қадим замонларда ҳам бир хил бўлмаган. Қадимги хитойлар доимо бир-бирлари билан тўқнашиб турган, урушган ва азалдан савдо-сотиқ қилиб турган кўпгина халклар қадимги Хитой тарихи манбаларида тилга олинади. Шимолда ва шимоли-ғарбда хитойлар тунгуслар, мажурлар ва мўғуллар билан, жанубий-ғарбда — Тибет қабилалари билан (буларнинг ота-боболари бўлмиш «ман» қабилалари қадимги Хитой манбаларида тилга олинган), жанубда эса тил жиҳатидан хитойларга яқин бўлган Бирма ва Ҳинди-Хитой қабилалари билан алоқада бўлиб турганлар.

Қазишларнинг натижалари

Хитойда XX асрдагина бошланган археология қазишлари жуда муҳим натижалар берди. Бу қазишлар Шимолий Хитойда жуда қадим замонларданоқ, қадимги тош асриданоқ аҳоли жойлашганлигини аниқлашга имкон берди, шу билан бирга қадимги Хитой маҳаллий аҳолисининг моддий маданияти то энг қадимги давлатлар ташкил топгунга қадар узлуксиз тараққий этиб борган.

1928—1937 йилларда Пекиндан 60 *км* нарида ўтказилган қазишларда қадимги тош давридаги манзил қолдиқлари ва ибтидоий одамнинг скелети топилган; бу скелет «пекин синантропи» деб аталган. Топилган одам суягининг энг қадимги одам суягига жуда яқин бўлганлигини курсатадиган бу синантроплар қуйи палеолит даврида яшаган, йиртқич ҳайвонларга қарши кураш олиб борган, ов қилиб ва турли нарсалар йиғиб овқат топган, ўт ва оддий тош қуроллар ишлатган. Бошқа қазишлар Шеньси билан Шаньси ўртасидаги Хуанхэ водийсида палеолит давридаёқ аҳоли жойлашганлигини кўрсатди. Ички Мўғулистонда, Ордосда ва Шимолий Хитойнинг бошқа ерларида юқори палеолит одамининг қолдиқлари, тош қуроллар ва суяк ҳамда чиғаноқлардан қилинган буюмлари бўлган ер юзидаги ва гордаги манзиллар топилган.

Кейинги уч йилликлар даврида ўтказилган археологик қазишлар натижасида Хитойнинг турли районларида неолит даврига доир бир қанча манзиллар топилди. Анча эртаги неолит манзилларида ичига нарса солинган суяк қуроллар ва майда тош қуроллар учрайди. Анча кейинроқ даврларда эса бирмунча йирик қуроллар пайдо бўлади, масалан, болталар, шунингдек, ўқ ва найза учлари учрайди. Шу билан бирга, тошга жило бериш техникаси вужудга келади. Бу манзилларнинг ҳаммаси овчилик ва баликчиликдан кейин вужудга келадиган энг қадимги деҳқончилик хўжалигининг типик хусусиятларига эгадир. Бу даврдаги неолит маданияти ёрғучоқлар, жило берилган тош асбоблар (пичоқ ва болталар), ўқ

ва камонларини ишлатиш ҳамда энг қадимги уй ҳайвонларини — ит ва чўчқаларни — қўлга ўргатиш билан характерланади. Сават тўқиш, мата тўқиш ва суяк пичоқ билан кийим тикиш техникаси пайдо бўлади. Ўзига хос сопол идишлар ясаш айниқса диққатга сазовордир.

Янь-шао (Хэнань)да ўтказилган қазишлар бу даврнинг моддий маданиятини ўрганиш учун жуда кўп материал берди, бу ерда анча тараққий этган неолит қишлоғи топилди. Бунда тош болталар, нойтешалар, пичоқлар, ўқ учлари, буғу шохидан қилинган болталар, сопол ва тош чархлар, суяк бигиз, тош эргучоқлар, дон тўкиш учун қазилган ўралар, жуда хилма-хил ва гоят чиройли қилиб ишланган сопол буюмлар, жумладан, ўзига хос уч оёқли идишлар, шунингдек рангбаранг нақшлар билан қопланган сопол идишлар топилди, буларнинг ҳаммаси бу даврда кулолчилик санъати жуда тараққий этганини кўрсатади. Бу неолит қишлоғида яшаган аҳоли шоли экишни билган ва қўшни қабилалар билан товар айирбошлаш йўли билан савдо-сотиқ олиб борган. Нихоят, неолит даврининг энг кейинги давридаги манзиллардан кўпгина уй хайвонлар — ҳўкиз, от, қўй, ит ва чўчка суяклари топилган, бу эса чорвачиликнинг анча ривожланганини кўрсатади. Шунингдек, силлиқ жило берилган қора сопол идишлар ҳам топилган. Баъзан оқ каолин сопол идишлар ва мисдан қилинган энг қадимги буюмлар учрайди. Бу қишлоқларнинг баъзилари 5 метргача баландликдаги кўргон деворлари билан қуршаб олинган катта шаҳарларни ташкил этади. Хуанхэ ҳавзасидан топилган кўпгина қишлоқлар бу районда аҳоли анчагина зич яшаганини кўрсатади. Шимолий Хитойнинг кейинги неолит давридаги аҳолиси антропологик ҳамда маданий-тарихий жиҳатдан ҳозирги хитойларнинг ота-боболари бўлган, деб фараз қилмоқ учун ҳамма асослар бор, булар, шуидай қилиб, мамлакатнинг азалдан яшаб келган туб аҳолисидир. Буни биринчи навбатда моддий маданият формалари, жумладан, керамиканинг илгаридан давом этиб келганлиги кўрсатади.

Историография (тарихшунослик)

Узоқ ва сирли Хитой ҳақидаги дастлабки упча-мунча аниқ маълумотлар Европага фақат XIII асрдан бошлабгина кириб кела бошлайди. Марко Полонинг Хитойга қилган машхур саёҳати (1273—1291 йиллар) Ўрта империяни ҳатто ўша даврдаги ўқимишли европаликлар назаридан ҳам бекитиб турган пардани бир оз очиб берди. XVI—XVII асрларда Хитойга португалиялик савдогарлар ва миссионерлар кириб келадилар, улар Хитойни, унинг тарихи ва маданиятини ўрганишга жуда қизиқа бошладилар. Хитойга бағишланган асарларнинг энг

биринчиларидан Мендозанинг 1585 йилда чиққан «Буюк Хитой подшолигининг тарихи» китоби эди. 1618 йилда Гоэснинг Хитойга 1604—1607 йилларда қилган саёҳатининг тасвири нашр этилди. Европалик миссионерлар Хитойда мустаҳкам ўрнашиб олиб, хитой тили, географияси, тарихи ва адабиётини ўрганишга бағишланган бир қанча асарлар яратдилар. XVIII асрдаёқ босилиб чиққан бу асарлар орасидан Премарнинг хитой тилини ўрганишга бағишланган асарларини, Гобиль ва Малнинг Хитой тарихига доир асарларини ва Ноэлнинг (1714 йилда) хитой классик адабиёти асарларининг биринчи таржимасини кўрсатиб ўтиш керак. Бу асарларда жуда катта фактик материал тўпланган бўлса ҳам, бироқ бу материални европалик олимлар танқидий назарда ўргана олмаганлар.

XVIII аср охиридан бошлаб европаликларнинг Хитойга экспедиция ва саёҳатлари тез-тез бўлиб туради ва улар анча кўп илмий натижалар беради. Франция илмий хитойшунослигининг маркази бўлиб қолади, 1814 йилдан эътиборан бу ерда Хитой тили ва адабиёти ўқитила бошлайди. Бу соҳадаги йирик мутахассислар Абель-Ремюза, сўнгра Шаванн эди, Шаванннинг жуда кўп асарлари орасида Сим Цяньнинг «Тарихий хотиралар» деган китобининг тамомланмаган таржимасини кўрсатиб ўтиш керак. Каулингнинг хитойшуносликнинг умумий энциклопедиясини нашр қилишга уриниши (1917) бу умумлаштирувчи асарларнинг якуни эди. Буржуа тарихчиларининг қадимги Хитойни ўрганишга бағишланган асарлар орасида А. Масперо ва Крильнинг асарлари энг йирик асарлардан эди, улар қадимги Хитой тарихининг турли-туман манбаларини жуда ҳам синчиклаб текширгайлар.

Буржуа тарихчилари қадимги Хитой тарихига оид кўпгина ва қимматли материал тўплаганлар. Аммо улар ўз дунёқарашларининг синфий жиҳатдан тор бўлгани туфайли қадимги Хитойнинг ривожланишини очиқ-ойдин тўғри ва илмий жиҳатдан асослаб бера олмаганлар. Улар синфий кураш тўғрисидаги фактларни ҳар томонлама ёритиб ва яшириб, ўзаро социал муносабатларни бузиб кўрсатиб, кўп ҳолларда Хитой тарихига европалик колоиизаторлар нуқтаи назаридан қараганлар, европалик колоиизаторлар Хитой маданиятига паст назар билан қараб, уни ўзига хос шарқий экзотикагина деб билганлар.

Рус сайёҳатчилари ва олимлари Хитойни, хитой тили, тарихи ва адабиётини ўрганиш ишига катта ва қимматли ҳисса қўшдилар. Россия XVII аср бошидаёқ Хитой билан алоқа қила бошлаган. 1616 йилда Хитойга В. Тюменец, сўнгра И. Петлин юборилди, у Пекинда рус элчиси сифатида 1618 йил 4 сентябрдан 11 октябргача бўлди. Петлиннинг ҳисоботи ўша

вақтдаги Хитойни қизиқарли тасвирлаб беради. Бирмунча кейин Хитойга боярўғли Ф. И. Байков бошчилигида элчилар юборилди, улар 1656 йилда Пекинга келганлар. 1675 йилда Хитойга Н. Г. Спафарий бошчилигида элчилар юборилди; Спафарий ўз саёхатлари учун Сибирнинг ва унинг жанубида «Хитой баланд деворлари»гача чўзилган мамлакатларнинг ҳамма чертёжларидан фойдаланган, бу эса ўша вақтларда картография тараққий этганини кўрсатади. Буюк Петр замонасида Россиянинг Хитой билан алоқаси тез-тез бўлиб турадиган бўлган. 1692 йилда Хитойга Избрант юборилади, унинг саёхати ҳақидаги китоб 1704 йилда голланд тилида нашр этилган. 1700 йилда рус кишиларининг шарқ тиллари, жумладан, хитой тилини ўрганиши тўғрисида подшонинг фармони чиқди. Хитойда руҳонийлар миссиясига асос солиш учун 1714 йилда Пекинга И. Лежайский юборилди, 1828 йилги Кяхтин шартномаси билан бу миссия ошкора ишлайдиган бўлди. «Пекиндаги Россия руҳонийлар миссияси» рус хитойшунослигининг биринчи маркази эди. Биринчи рус таржимонлари ҳам, хитой тили билимдонлари ҳам ўз билимларини шу ерда оширдилар, кейинчалик улар хитой ва манчжур тилларидан таржима қилиш ҳамда шу тилларни ўқитиш учун Фанлар академияси ва университетларга юборилдилар. Хитой адабиётининг баъзи асарлари XVIII асрдаёқ рус тилига таржима қилинган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида рус хитойшуносларининг йирик вакили И. Бичурин Хитойдаги Пекин миссияси ҳузурида 1806 йилдан 1821 йилгача яшаб, жуда кўп материаллар тўплаган. У Хитой тарихи ва географиясини, хитой тилини ўрганишга ҳамда хитойшуносликнинг бошқа соҳаларига бағишлаб жуда кўп илмий асарлар ёзган. У бир қанча муҳим асарларни хитой тилидан рус тилига таржима қилган, буларнинг кўпи ҳалигача ҳам нашр этилмаган. Ўз замонасининг йирик хитойшуноси бўлган Бичуриннинг асарлари фақат рус синологиясигина эмас, балки Европа синологиясининг тараққиётига ҳам катта таъсир қилди ва ҳозирги вақтгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. 1837 йилда Қозон университети ҳузурида хитой тили кафедраси ташкил этилиши рус хитойшунослигининг бундан кейинги тараққиётига ёрдам берди. Сивиллов, Войцеховский ва Васильевларнинг қилган хизматлари туфайли бу ерда рус хитойшунослигининг анчагина катта маркази вужудга келди. Хитойни, унинг тили, тарихи ва маданиятини ўрганишга В. П. Васильев айниқса катта ҳисса қўшди, унинг асарлари, жумладан, Хитойда буддизмнинг ёйилишига бағишланган асарлари кенг маълум бўлди. Шу билан бир қаторда хитойшунослик соҳасидаги

илмий фаолият Пекин миссиясида ҳам давом этди, бу миссиянинг аъзоларидан бири, ўз замонасининг йирик хитойшуноси Палладий Кафаров хитой тили луғатини нашр эттирди ва тарихий ҳамда тарих-география характерида бир қанча асарлар ёзди. Ниҳоят, Хитойнинг турли областларига саёҳат қилган рус сайёҳлари ва олимлари томонидан, жумладан, Сосновский, Матусовский, Пясецкий, Потанин, Грум-Гржимайло, Обручев, Пржевальский, Певцов, Роборовский ва Козловлар томонидан жуда бой материаллар тўпланган.

Шундай қилиб, рус олимлари Хитойнинг географияси, тарихи, маданияти, адабиёти ва тилини ўрганишга жуда кўп муҳим ва катта асарлар бағишладилар, бу асарлар илмий хитойшуносликни тараққий эттиришга анчагина ёрдам берди. Рус олимлари яратган асарларининг фарқи шундаки, улар хитой халқига чуқур муҳаббат билан қараганлар ва хитой маданиятининг бутун жаҳон учун қимматли эканини эътироф этганлар.

Совет олимлари хитой тили, адабиёти ва тарихини ўрганиш соҳасида кўп ишлар қилдилар. Совет тарихчиларининг хизматлари шундаки, улар қадимги Хитойда қулдорлик тузуми бўлганлигини аниқладилар.

Қадимги Хитойнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш учун кейинги йилларда Хитойнинг прогрессив тарихчи ва археологлари айниқса кўп ишлар қилдилар, булар орасида қадимги Хитой тарихининг йирик тадқиқотчиси Го Мо-жонинг хизмати айниқса каттадир. У қадимги Хитой тарихи юзасидан бир неча катта асарлар ёзган. Го-Мо-жо ўз асарларида қадимги Хитой тарихини урганишга марксча-ленинча методология нуқтаи назаридан қарайди.

Шан-Инь давлати

Ҳужжатлар ва археология материаллари асосида Хитой тарихининг ҳозирги вақтда ўрганиш мумкин бўлган энг қадимги даври Шан-Инь давлати яшаган даврдир. Хитой традицион хронологиясига кўра бу давр одатда эрамиздан аввалги XVIII—XII асрларга оиддир. Қадимги Хитойнинг тарихий традициясида шундай бир афсона борки, бу афсонага қараганда, қабила бошлиғи Пань Гэн эрамиздан аввалги тахминан 1400 йилларда ўз қабиласини Аньянга олиб келиб, Хуанхэ дарёси бўйида «катта Шан шаҳри»ни қурдирган ва бутун давлатини ҳам, подшолар династиясини ҳам ўз номи билан атаган. Вэй дарёси ҳавзасида яшаган, эрамиздан ав. XII асрда Шан давлатини истило қилган ва эрамиздан ав. 1124 йилда Шан подшолигининг охирги пойтахтини тор-мор келтирган Чжоу қабилалари бу давлатга «Инь» деган алоҳида ном берган-

лар. Афсонада хикоя қилинишича, кабила бошлиғи Паньгэн даҳшатли истилочи бўлмаган, у ҳукмронлиги остидаги қабилаларни тинчгина идора қилган.

То сўнгги вақтларгача Шан-Инь даврини фақат кейинги пайтлардаги афсоналар асосидагина ўрганиш мумкин эди. Эндиликда эса, фан ихтиёрида кўп миқдорда моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарлари ва тошбақа косалари ҳамда суяклардан қилинган қуръаларда 100 мингга яқин фол ёзувлари бор, булар археологларнинг 1928 йилда бошлаб, 1934—1937 йилларда кенг қулоч ёйган жуда кўп ва катта ишлари натижаси эди. Хэнань вилоятининг шимолий қисмидаги Аньян округининг Сяотунь деган қишлоқ яқинидаги қадимги шаҳар харобаларини қазиш натижасида топилган нарсалар айниқса катта илмий аҳамиятга эгадир. Бунда Шан-Инь даврига оид жуда кўп ёдгорликлар, жумладан, подшо саройи, ибодатхонаси ҳамда тўппа-тўғри квартал қилиб қурилган кўпгина уйларнинг қолдиқлари топилган. Сўнгра 300 мақбара қазилиб ва булар орасида баҳайбат ва серҳашам 4 та подшо саганаси топилган. Мақбаралар ўша вақтлардаёқ синфларга бўлиниш бўлганлигини ёрқин тасаввур қилишга имкон беради. Аристократларнинг ҳашаматли дахмалари билан бир қаторда оддий «амалдорларнинг» оддийгина қабрлари ва, ниҳоят, камбағалларнинг қабрлари ҳам топилган. Бу қазишлар вақтида бронзадан ясалган кўпгина мароснм буюмлари, жумладан, идишлар, шунингдек, мармардан ясалган ҳайкаллар ва жуда кўп қуръа ёзувлари топилган. Подшонинг жуда бой хазинаси айниқса муҳимдир, бунда олтин, бронза, нефрит, тошбақа косаси ва садафдан ясалган 6 мингга яқин қимматли буюмлар топилган. Ҳунармандчилик устахоналарининг харобалари ҳам



Цинпй маросимларда тутиладиган бронза идиш.

Шан-Инь даври.

топилган. Қадимги Хитой тарихини ўрганишда янги давр очилди.

Бу ёдгорликларни ўрганиш тарих фани олдига бир қанча янги масалалар, жумладан, хитой маданиятининг келиб чиқиш масаласини қўйди. Европа ва ҳатто хитой тарихшуносларидан кўпи дастлаб Инь давридаги аҳолини ғарбдан келиб, Хуанхэ дарёсининг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган истилочи қабилалар деб ҳисоблаган эдилар. Бироқ бу нотўғридир. Неолит даврининг моддий маданияти Инь даври моддий маданияти билан чамбарчас боғлангандир. Неолит даврига хос учбурчакли идишларнинг (ли) ўзига хос формаси, катта шаҳарнинг пахса деворлари, уй ҳайвонлар (от ва буқа), каолиндан қилинган оқ керамика, ниҳоят, суяк қуръалар Шан-Инь даврида ҳам мавжуд бўлган. Антропология маълумотлари ҳам неолит даврининг аҳолиси билан Шан давридаги кишилар ўртасида жуда яқин алоқа бўлганини аниқлашга имкон беради. Хитой қабилаларининг ғарбдан кўплаб кўчиб келганлиги ҳақидаги пазария ҳатто ярим афсонавий тарихий традицияларда ҳам тасдиқланмайди. Чунончи қадимги хитой адабиётида ва ҳар хил ёзувларда хитойларнинг ғарбдан кўплаб кўчиб келганлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Сариқ император қабилаларининг кўплаб кўчиб келганлиги тўғрисидаги бирдан-бир афсона кейинги замонда тўқилган мифик асардир, бунинг устига, у диний-философик руҳда ёзилган. Шундай қилиб, Шань-Инь даврининг маданиятини вужудга келтирган қадимги Хитой аҳолиси Хитойнинг азалги туб аҳолиси бўлиб, жуда қадимги замонлардан буён шу ерда яшаб келган ва Шимолий Хитой территориясида неолит даврининг маданий ютуқларини мерос қилиб олган ва сақлаб келган деб фараз қилиш учун ҳамма асослар бор.



Бронзадан ясалган мусталлас идиши.

Шан-Инь даври.

Моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарлари, қадимги ёзувлар, жумладан, суяк қуръаларидаги ва бронза идишларидаги ёзувлар, қадимги Хитой классик адабиёти асарларининг энг қадимги қисмлари Шан-Инь даврининг хўжалик, ижтимоий ва давлат тузумини, гарчи умумий тарзда бўлса ҳам, тасвирлашга имкон беради.

Хўжалик ва жамиятнинг ривожланиши

Экономиканинг илгариги замонлардан мерос қилиб олинган жуда ибтидоий формалари кўп вақтларгача сақланиб келган. Хўжаликнинг ибтидоий формалари бўлган балиқчилик ва овчилик ҳали ҳам катта хўжалик аҳамиятига эга бўлиб келган. Одамларнинг тўп-тўп бўлиб катта овлар қилишлари ҳам қуръа ёзувларида кўрсатилган, бундан олдин ўтган уруғчилик тузуми даврида бундай овларга қабила оқсоқоли бошчилик қилган. Овнинг қанчалик катта бўлганини қуръа ёзуви кўрсатади, бу ёзувда оитта овчилик экспедицияси вақтида 348 йиртқич ҳайвон ўлдирилганлиги айтилади; иккинчи бир ёзувда 287 йиртқич ҳайвон ўлдирилганлиги кўрсатилади. Одатда подшолар овга жўнаб кетаётиб, оракулдан об-ҳавоининг қандай бўлишини сўрар эканлар. Ёзувлардан бирида бундай дейилган: Савол: «Подшо бугун овга чиқади — қаттиқ шамол уига халақит бермасмикин?». Жавоб: «Қаттиқ шамол булади». Баъзаи ов олдиидан тайёрлаб қўйилгаи махсус ўтарларда ўтказилган. Масалан, ёзувлардан бирида бундай дейилади: «Динмао кунида (тошбақа косасидаи ясалган қуръада фол очувчидаи йўлбошчи сўраган) ов қилиш тўғрими. Ўтарда 262 бугу, 113 ёввойи чучқа, 10 қуён ўлдирганлар». Кўпгина йиртқич ҳайвонларининг: йўлбарс, қоплон, айиқ, тапир, бугу, фил, кўтос, маймун ва бошқаларнинг Аньяндаги қазишлар вақтида топилган кўпгина суяклари овнинг хўжалик аҳамиятига эга бўлганлигини кўрсатади. Ов билан бирга балиқ овлаш ҳам ҳунармандчилик аҳамиятини сақлаб келган. Кўпгина суяк қуръаларда «подшонинг балиқ овластани» ҳақида ёзувлар сақланган. Агар биз суяк қуръаларда сақланиб қолган ёзувларни мазмунига қараб бир неча группага бўлсак, жуда кўп ёзувларнинг балиқ ва ҳайвон овлашга доир экани кўринади. Бу парса хўжаликнинг шу хилдаги ибтидоий турлари Шан-Инь давридаги Хитойнинг экономикасида ўзининг актуал аҳамиятини анчагина вақтгача сақлаб келганини кўрсатади.

Бироқ ана шу фактларнинг ҳаммасидан ўша вақтда Хитойда балиқ овлаш ва ҳайвон овлаш баъзи бир текширувчилар сингари хўжаликнинг энг муҳим турлари эди, деб хулоса чиқариш мутлақо нотўғри бўлур эди. Ҳақиқатда эса, хўжаликнинг ана шу ибтидоий турларини қишлоқ хўжалиги ва биринчи галда деҳқончилик анчагина сиқиб чиқарган.

Дарё водийларига туташган катта-катта пичанзорлар ва беҳисоб даштлар аҳолига куплаб чорва моллари урчитишга имкон берган. Неолит давридан бошлабок йирик қорамол ва майда чорва молларининг турли зотлари, шунингдек чўчкалар ўргатилган. Аньяндаги қазишлар вактида уй ҳайвонлари, чунончи: ит, чучка, қўй, эчки, буқа ва кўтос суяклари топилган. Кейинги йиллардаги қазишлар отларни қўлга ўргатиб ишлатилганини кўрсатади. Инь даврида уй паррандалари хам пайдо бўлган. Хэнаньда топилган қуръа ёзувларига қарағанда, чорва хўжалиги мамлакатда катта аҳамиятга эга булган. Жумладан курбонлик қилишга доир рақамлар чорвачиликнинг жуда кенг тарқалганлигини кўрсатади. Масалан, тантанали диний маросимларда қурбонликка бирданига 10 тадан бука, 10 ёки 30 қўй, баъзида эса 40 тадан бука ёки ҳатто 100 тадан чўчка суйганлар. Ёзувлардан бирида курбонликка бир йўла 100 қўй ва 300 сигир сўйилгани айтилади. Одатда бундай катта курбонликларни ота-боболар руҳига атаб подшолар берган. Қуръа ёзувларида уй ҳайвонларини қўлга ўргатишни кўрсатадиган ажойиб иероглифлар сақланган. Уй ҳайвонларини йилнинг бир қисмида очилхонада сақлаганларини кўрсатадиган иероглифлар бор, буларда қўй ва сигир атрофи ўраб олинган кўрада тургани, шунингдек буқа ёки қўй ёнида таёқ, супурги ёки чўтка кўтариб турган қўл тасвирланган.

Чорвачилик Хитойнинг ғарбий областларида, Тибет ясси тоглик чегарасида айниқса кўп тарқалган. Қушни кабилалардан яйловлар босиб олишга интилиш кунинча Инь кабилаларининг ўз қушинлари билан жанжал ва тукинишларга сабаб булган, бу тўғрида Хэнань қуръаларидаги ёзувларда айтилади. Подшо У Дин замонига оид қуръа ёзувларидан бирида: «Маълум қилишларича, ту кабилалари бизнинг яйловимизда мол боқишаётибди экан — улар ўн киши» дейилган. Ўша вақтларда чорва бойликнинг мухим тури булган булса керак. Шунинг учун подшо ва унинг якин одамлари кўпгина мол подаларига эга бўлганлар. Қуръа ёзувларида, қурбонликка аталган букаларни «подшонинг ўзи кўриб чиқди», дейилади: иккинчи бир ҳолда подшо чорвачилик хўжалигига оид ҳар хил масалалар ҳақида масалан, болалаш ёки йўқотган мол ҳақида оракулга саволлар беради.

Бирок Инь даврида хўжаликнинг энг асосий ва етакчи тури деҳқончилик булган. Дон экинлари орасида энг кўп тарқалган тариқ булган; тариқ Шимолий Хитойда асосий дон экини ҳисобланади. Тариқ намни кам талаб килгани учун қадимги хитойлар уни кўп экканлар. Икки тури маълум булган тариқдан кейин арпа, буғдой, чой, жухори ва ҳатто шоли (бу экин жанубдан келтирилган булса керак) пайдо булади.

Деҳқончилик хўжалигига оид сўзларни, масалан, «дала», «экинзор», «қудуқ», «чегара», «деҳқончилик», «буғдой», «тариқ», «экинлар» ва ҳоказо сўзларни ифодалайдиган бир қанча иероглифларнинг пайдо бўлиши деҳқончилик тараққий этганини кўрсатади. Қуръа ёзувларида ҳосилга оид саволлар жуда кўп учрайди. Кўпинча кўкламда бериладиган бу саволлар қуйидаги мазмунда бўлган: «Тарикдан ҳосил олармиканман?» Баъзан ёзувларда пиво тайёрланганлиги ҳам тилга олинади.

Деҳқончилик анча кенг ўрин олган ва тараққий этган бўлса ҳам, унинг техникаси жуда паст бўлган. Деҳқончилик қуроллари-асбоблари ниҳоят даражада содда бўлган. Ернн мотига билан кавлаганлар ва энг ибтидоий даврдаги омоч билан ҳайдаганлар, Маркс буни «эски хитой конструкциясидаги» омоч деб атаган эди[1]. Биз бу хилдаги омочни қадимги Шарқнинг бошқа халқларида ҳам кўрдик, бу халқлар ўша замондаги хитойлар билан бир хил ижтимоий тараққиёт босқичида турган. Бу энг ибтидоий деҳқоичилик техникасининг сарқитларини Бичурин Хитойда XIX асрдаёқ курган. Шан-Инь даврида ҳали сунъий ўғитлар ишлатилмаган. Ўрмонларни тозалаб экин экиш усули айниқса кенг таркалган. Хуанхэ дарёси ҳавзасидаги ўрмонзор ва чакалакзор кўпгина ўлкалар секин-аста йўқ қилиб юборилган. Қадимги «деҳқончилик қаҳрамонларининг» биринчи марта очишига туғри келган бу катта ерларни қандай ҳайдаганликлари, улар одамларни ер ҳайдашга, омоч ясашга қандай ўргатганликлари ва бу ерларнинг одамларга қандай қилиб дон эҳсон қилганлиги афсоналарда ва анча кейин ёзилган шеърий ҳикояларда таъриф қилинади.

Ҳосил кўпинча ёғингарчиликка боғлиқ бўлган. Инь давридаги қуръа ёзувларида: «Ҳосил учун етарли бўлармикан?» деган саволлар кўп учрайди. Сунъий суғориш системаси ҳали жуда кам тараққий этган бўлганлигидан, деҳқонлар ҳамма вақт ёмғир ёғишини кутган бўлсалар керак. Бироқ, Инь даврида сунъий суғориш қўлланила бошлайди, айниқса шоликорликларда кенг қулланилган. Масалан, «Ши-цзин» китобида шоликорликни ҳовуз суви билан сугорилганлиги тилга олинади. «Дала» сўзини ифодалайдиган ва суғориш ариқлари билан тўрт қисмга бўлинган ер парчасини тасвирлаган иероглиф жуда қадим замондан бери давом этиб келади. Дала ва оқиб турган сув аломатларини, эҳтидан, суғориш сўзини билдирадиган иероглиф суяк қуръалардаги сўзларда учрайди. Экин майдонларини суғориш ҳақида ғамхўрлик қилган ва шунинг учун халққа мурувватли одам ҳисобланган бир амалдор тўғрисида афсоналарда хотира сақланган. Хитойда Инь даврида-

[1] Қаранг: *К. Маркс*, Капитал, т. I, 1955, 221-бет. 17-изоҳ.

ёқ баъзи техника ўсимликлари маълум бўлиб, ипакчилик ҳам тарқала бошлаганлигини фараз қилмоқ учун ҳамма асослар бор. «Ли-цзи»нинг энг қадимги даврга оид китобида сақланган қуйидаги жадвал деҳқончилик ишлари йил бўйига тақсимланганлигини кўрсатади:

«Баҳор бошланиши. Амалдорлар тупроқнинг яроқли эканини аниқлаш учун тоғларни, тоғ ён багирларини ва текисликларни кўриб чиқадилар.

Баҳор ўрталари. Деҳқонлар ер ҳайдаш билан банд бўлиб, камдан-кам уйда қоладилар.

Ёз боши. Деҳқонлар буғдой ҳосилини йиғиб оладилар.

Ёз ўрталари. Деҳқонлар тариқ ҳосилини йиғиб оладилар.

Ёз охири. Сув сероб, ер зах, ҳаво нам ва иссиқ, қаттиқ ёмғирлар тез-тез ёғиб туради. Ёввойи ўтларни йўқотишнинг яхши усули — ерни куйдириш ва ёмғир учун очиб беришдир. Бу иарса ернинг унумдорлигини оширади ва уни семиртиради.

Куз боши. Деҳқонлар шолини йиғиб оладилар.


Куз ўрталари... Бу наша пишиб етиладиган давр... Бу вақтда аҳолини буғдой экишга ва муддатдан кечикмасликка мажбур этадилар...

Қиш охири. Деҳқоиларга... омочларини ва бошқа деҳқончилик асбобларини тузатишни буюрадилар».

Деҳқончилик билан бирга ҳар хил ҳунармандчилик ҳам бўлган. Тошдан ҳар хил буюмлар ясаш техникаси неолит давридан буён мерос бўлиб сақланиб қолган. Аияньда ўтказилган қазишлар вақтида тошдан ясалган жуда кўп буюмлар: ой ва тўғри бурчак шаклидаги пичоқлар, пардозланган болталар, иайза ва ўқ учлари, уғирлар, ёрғучоқлар, идишлар, ҳайкалчалар ва зеб-зийнат асбоблари топилган. Бу буюмлар билан бир қаторда буқа ва буғу шохларидан ясалган курол-аслаҳалар, ниҳоят, суяк буюмлар, жумладан, игна ва қошиқлар топилган. Дурадгорлик ҳунари катта аҳамиятга эга бўлган. Қазишлардан маълум бўлишича, ёғоч жуда кўп ишлатилган. Ёғочдан камонлар, ўқлар, найзалар, болта, арра ва парма дасталари, ноғоралар, кемалар ва жанг аравалари ясаганлар. Уй ва мақбаралар қурилишида ёғоч кенг ишлатилган. Ўша вақтда бой одамлар ўзларига тўғри бурчакли катта ёғоч уйлар қурганлар, уларнинг томларини қатор қилиб қўйилган ёғоч устунлар ушлаб турган. Ўша даврдаги мақбаралардан ёғоч тахталар топилган.

Кулолчилик юксак даражада тараққий этган. Сопол идишлар ясаш учун лойнииг жуда кўп навлари, жумладан юқори сифатли оқ каолин (чинни) лойи ишлатилган. Идишлар қўл билан ёпиштириб ясалган, шу билан бирга лойни кўпинча лента шаклида чузиб, кейин спиралга ўхшатиб жимжима қилган-

лар. Аммо кулолчилик чархи дастлаб шу замонда пайдо бўлган. Сопол идишларни алоҳида усул билан куйдирилган ва ҳатто баъзан унга сир билан жило берилган. Идишлариинг устига кўпинча тасма безаклар ёпиштирилган. Каолиндан ясалиб, жуда ҳам нозик накшлар солинган идишлар Аньяндаги катта қабрлардан топилган, булар маросимларда ишлатил-



Маросимларда ишлатиладиган бронза болта. Аньяндан топилган. (Ҳар икки томони.)

Шан-Инь даври.

ган бўлса керак. Идишларнинг ҳар хил шакл ва ҳажмда (баландлиги 1 метргача) бўлиши кулолчиликнинг жуда тараққий қилганлигини кўрсатади.

Ҳунармандчиликни ривожлантириш учун металлургия катта аҳамиятга эга бўлган. Бу даврда металлдан, даставвал, бронзадан замбараклар, шунингдек қуроллар ясай бошлаганлар. Металл буюмлар тош ва суяк буюмларни тобора кўнроқ суриб чиқара бошлаган. Бронзадан болталар, пичоқлар, искаиалар, бигизлар ва арралар, қиличлар, алебарда (ойболта)лар ва, ниҳоят, кундалик рўзгор ишлари учун зарур бўлган оддий идишлар ҳам, шунингдек иероглиф ёзувлар билан чиройли қилиб безатилган гўзал идишлар ҳам қилинадиган бўлган. Бу идишлар металлургия техникасининг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Аньяида ўтказилган қазишлар шуни кўрсатдики, подшо саройи қошида махсус металлургия устахонаси бўлиб, бунда бронзадан буюмлар ясалган. Бу ердан кул, кўмир, шлак, металл парчалари ва қолип сиртмоқлари топилган. Ниҳоят, инакчилик, тўқувчилик, шойи газламалар тўқиш тараққий қилганини кўрсатадиган

баъзи маълумотлар ҳам бор. Аньяндаги қазишлар вақтида ипак толалар топилган, баъзи бир кейинги мақбаралардан ипак куртининг сурати топилган, «Ши-цзин» китобида эса, ипаллачилик тасвир этилган. Инь давридаги ёзувларда «тут дарахти», «ипак қурти», «ипак такими», «шойи», «рўмол», «либос» ва ҳоказо сўзларни ифодаловчи иероглифлар сақланиб қолган. Чинни идишлар устига газлама гуллари туширилганлиги Шан-Инь даврида тўқувчилик ҳунари мавжуд бўлган деб тахмин қилишга имкон беради. Ўша даврда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг хийла тараққий этганини «юзта иш» (бай гун) термини кўрсатиб беради, бу термин чамаси шу даврда пайдо бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг истеъмолдан ортиқ даражада бўлиши савдо-сотиқни ривожлантириб юборди. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги каби, Хитойда ҳам бу даврнинг савдо-сотиги ибтидоий айирбошлаш характерида бўлган. Қимматли каура чиғаноғи Хитойга хос қадимги айирбошлаш пули хизматини ўтаган. Савдонинг пайдо бўлиш ва ривожланиш процесси ўша даврнинг иероглиф ёзувларида акс этган. «Чиғаноқ шодаси» (пэн), «тўплаш», «киммат баҳо» сўзларини ифодалайдиган махсус аломатлар пайдо бўлган. Аньяндаги қазишлар вақтида узоқ жойлардан келтирилган кит суяклари, четдан келтирилган Tamprotula чиғаноқларининг, каура чиғаноқларининг алоҳида турлари ва мис рудаси топилган, булар эса қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари бўлганлигини кўрсатади. Иккинчи томондан, шимолдаги Ичжоу (Хэбэй вилояти) да Инь даврининг бронзадан ишланган қуроли топилган, бу қурол савдо айирбошлашни туфайли бу ерга келтирилган. Го Мо-жо фараз қилишича, «шанжэнь» (савдогар) сўзи Шан мамлакатидан келган савдогарни ифодалайди ва бу сўз Инь даврида вужудга келган, бу эса, шак-шубҳасиз, савдонинг Шан-Инь давридаёқ пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бироқ хўжалик умуман узининг ибтидоий патурал характерини сақлаб қолаверган, бунга сабаб қадимги тор доирадаги жамоаларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолганлигини кўрсатади.

Баъзи маълумотлар бу даврда жамоа деҳқончилиги бўлганлигидан дарак беради. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари қадимги Хитойда ҳам ибтидоий жамоа тузумининг қолдиги бўлган қишлоқ жамоаси қадимги Хитой тарихи давомида сақланиб келган. Масалан, «Ши-цзин» китобида: «Ёмғир даставвал жамоа ерларимизни (гун-т-яньни), кейин эса шахсий (си) ерларимизни суғорсин», дейилади. Анча кейин ёзилган йилномалардан бирининг автори бу цитатага баҳо бериб, қадимги подшоларнинг бу тадбирларини

жуда мақтаб: «Барча халқ меҳнатига ана шу тарзда ўргатилган ва у даставвал ўзининг жамоа мулки билан, сўнгра эса, шахсий мулки билан қувонган» деб ёзади. Анча кейин яшаган ёзувчи Мэн-цзи, Инь даврида чек ерлар ва эркин жамоачиларининг ўзаро ёрдам системаси сифатида умумий кафиллиги мавжуд бўлган бўлса керак, деб хабар беради. Уруғчилик тузумининг сарқитлари Хитойда анча узоқ вақтларгача давом этиб келган. Хитой тарихчиларининг кўрсатишича, Хитойда уруғ гуруҳлари бир неча асрлар мобайнида яшаб келган ва уруғ бошлиқларининг ўзига хос «лавозимлари» муайян уруғ гуруҳларида мерос бўлиб наслдан-наслга ўтиб келган. Иньдаги қуръа ёзувларига қараганда, ҳар бир уруғнинг алоҳида номи ва ўз мозори бўлган. Матриархатнинг баъзи сарқитлари бўлса-да, аммо умуман ота уруғи ҳукмрон бўлган. Хитойда хун олиш одати Конфуций давригача сақланиб келган. Масалан, Конфуций, угил отаси ёки онасини ўлдирган кишидан албатта хун олиши керак, дейди: «Отаси ёки онаси ўлдирилган киши бошига ёстиқ урнига қалқон қўйиб, нохол устида ухлаши керак. Ота-онасини ўлдирган киши билан у бир ерда яшамасликка қатъий қарор бермоги керак. Агар қотилни бозорда ёки саройда учратиб қолгудай бўлса, у қуролини олиб келишга югирмай, шу ондаёқ қотил билан олиша бошламоги керак».

Шаи-Инь даврида катта патриархал оиланинг аҳамияти катта бўлган. Чўри хотин ва канизак сўзини аиглатадигаи алоҳида «ци» ибораси шу даврдаёқ пайдо бўлган. Эр ва отанинг ҳукмроилиги, кўп хотин олиш билан хотинларии асоратга солишни кучайтириш, ниҳоят, ота-болалар руҳига очиқдан-очиқ сиғишиш Хитойдаги патриархал оиланинг ўзига хос хусусиятларидир.

Хэнаньдан топилган суяк қуръалардаги ёзувларга қараганда, Шань-Инь даврида ҳам мавжуд бўлган қадимги оқсоқоллар кенгаши уруғчилик тузумининг кўп қолдиқларини ўзида сақлаган жуда қадимги замонда пайдо бўлган деб фараз қилиш мумкин. Оқсоқоллар кенгаши подшо (ван) ҳузурида бўлиб, уруғ бошлиқлари ва қабила йўлбошчиларидан иборат бўлган. Бу кенгаш ҳатто подшо ҳокимиятини бир қадар чеклаб қўйган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, қуръалардаги ёзувлардан бирида бундай дейилган: Савол: «Подшо ... (?) мамлакатига қарши отланиш (ниятида). Кенгаш унамаяпти. Мен муродимга стармикинман?» «Шу-цзин» да халқнинг катта ҳурматига сазовор бўлган кексалардан тузилган қабила оқсоқоллари кенгаши мавжуд бўлганлигини кўрсатадиган бир қанча маълумотлар сақланиб қолган. Уруғ-қабилачилик тузуми даврида пайдо бўлган бу қадимий ташкилот, кейинчалик гоят эски (архаик) давлати муассаси шак-

лида сақланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Қадимги уруғ аристократияси Шан-Инь даврида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Бу аристократия ўзининг катта бойлигига ва анча таъсирли сиёсий ҳукмронлигига таянib, замон ўтиши билан қулдорларнинг ҳоким синфини вужудга келтирган.

Бу даврда анча кескин мулкий табақаланиш бўлганлигини турар-жойлар ҳам, дафн маросимлари ҳам кўрсатади. Камбағаллар ғорлар ёки ертулаларда яшаган бир вақтда, бойлар ўзлари учун ёғоч уйлар қурдирганлар, бу уйларнинг томлари икки томонлама нишоб бўлиб, улар тош ёки бронза пойдеворга ўрнатилиб, қатор ёғоч устунлар билан кўтарилган бўлган. Бу даврда жамоанинг оддий аъзоси дафн қилинаётганда ўлик жасади ёнига биттагина оддий ойболта қўйганлар, бойлар қабридан эса чиройли қилиб безатилган кўп миқдорда қуроллар топилган. Кўпгина ҳарбий юришлар вақтида асир олинганларни одатда қулларга айлантирилган. Шу сабабли «фу» (асир) сўзи қул маъносини англатадиган бўлиб қолган. Қуръа ёзувларида тез-тез учрайдиган махсус иероглифлар бу даврда қулдорлик пайдо бўлганини кўрсатади. «Чэнь» деб ўқиладиган бу иероглифда кўз сўзи тасвир қилиниб, у — «кўз», «бош», «асир», «қул» сўзларини билдиради. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, қадимги Хитойда ҳам, ҳарбий асирларни қулларга айлантирганлар, ва уларни мол каби бош ҳисобида санаганлар. Шунинг учун «кўз», «бош» сўзларини билдирадиган иероглиф кейинчалик «асир», «қул» тушунчасини билдирадиган бўлиб қолган. Қулларга айлантирилган ҳарбий асирларни «цю» деб аталадиган махсус биноларда қамоқда саклаганлар. Қулларнинг меҳнатидан қишлоқ хўжалигида кенг суратда фойдаланганлар, жумладан уларга мол боқтирганлар. Масалан, бир қуръа ёзувида: «Кўп миқдорда кўлга туширилган қуллар (ну) мол боқаверсин» дейилади. Подшолар кўпинча асир олинганларни ерга бириктириб қўйганлар ва шу ер участкалари билан бирга уларни уз яқинларига, саркардаларга ва амалдорларга мукофот қилиб берганлар. Ер ва қуллар тортиқ қилинган ҳадя ёрлиқлари одатда бронзадан ясалган чиройли идишлар устига ёзилган ва бу идишлар бизнинг замонамизгача сақланган-дир. Шундай идишлардан бирига ёзилган ёзувда, Куан Цзи деган кишига беш участка ер, бир қушчи ва уч қул тортиқ қилинган. Бу ёзувда «қушчи» (чжуп) сўзи «қул» (чэнь) сўзи билан бирга тилга олингани туфайли, Го Мо-жонинг фикрича, бу ҳар икки сўз ҳам «қул» тушунчасини англатиш учун ишлатилган ва Шан-Инь даврида қуллардан аристократ-қулдорларнинг деҳқончилик хужаликларида фойдаланганлар. Қишлоқ жамоалари ичида юз берган синфий табақаланиш про-

цесси, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва урушлар кулликнинг кучайишига ва синфий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлган. Шундай қилиб, Шан-Инь даврини Хитойда энг қадимги синфий, куллорлик жамияти вужудга келган давр, деб хисобламоқ керак.

Буни Аньяндаги қазишлар натижаси тасдиқлайди, унда катта бир шаҳарнинг харобалари топилган, бу шаҳар Инь давлатининг пойтахти бўлган бўлса керак. 6 гектар келадиган майдонда катта иморатларнинг пойдеворлари топилган, бу подшо саройи иморатларининг, шунингдек қадим вақтларда бронза қуядиган металлургларнинг, тош буюмлар ишлайдиган ва суяктарош усталар ишлаган подшо устахоналарининг пойдеворлари бўлса керак. Бундан ташқари, бу ердан подшо хазинаси топилиб, унинг гумбазли подвалларидан кўп миқдорда қимматбаҳо буюмлар қазиб олинган, ниҳоят, подшонинг ов қилиш вақтида ташқаридан уни кўриқлаб турадиган қоровулхона ёки павильон топилган. Шу нарса жуда характерлики, ўша даврдаги суяк кўръаларда «цзин» иероглифи учрайди; бу иероглиф шаҳар кўргонидаги мезонали дарвоза суратини ифодалаб, «шаҳар — пойтахт» сўзини билдиради. Бу иероглиф ҳозирги замон хитой ёзувида ҳам сақланган бўлиб, «Пекин» («Шимолий пойтахт») ва «Нанкин» («Жанубий пойтахт») сўзлари составига кирган. Хитойнинг «цзин» деган иероглифида тасвир қилинган ўзига хос типдаги шаҳар дарвозалари ҳозирги замонгача, жумладан Пекин шаҳри қўргонида сақланиб келмоқда. Дастлабки мустаҳкамланган шаҳарлар Шан-Инь даврида пайдо бўла бошлаган бўлса керак.

Энг қадимги давлатнинг вужудга келиши

Афсуски, энг қадимги Шан-Инь давридаги ёзувлардан олиш мумкин бўлган маълумотларнинг парчалари ўша даврдаги давлат тузуми системаси тўғрисида фақат умумий тарздагина фикр юритишга имкон беради. Бу даврда Хитойда давлат қўлида марказлашган ер фондига таянган мустабид давлат ҳокимияти ташкил топган бўлса керак. «Қўшиқлар китоби» да, барча ернинг подшога қарашли эканлиги гапирилади: «Кенг осмон тагида подшога қарашли бўлмаган ер йўқ». Давлат ихтиёридаги ва унинг олий хукмдори бўлмиш подшо ихтиёридаги бу ер майдонларида жуда кенг кўламда дехончилик хужалиги ташкил қилинган, деб фараз қилиш мумкин. Қўръалардаги қисқа ва эскириб қолган ёзувларда подшо оракулдан: «Тариқ менга ҳосил берармикин?» ёки «Мен тарикдан ҳосил йиғиб олармикинман?» деб сўрайди. Давлат мамлакатнинг асосий бойлигига, асосий хўжалик фонди бўлган ерга таяниб, марказлашган бюрократик мустабид формага кира борган. Дин подшонинг обрўйини мустаҳкамлашга хиз-

мат қилдирилади. Подшо ғайри табиий зот қилиб кўрсатилади, худо билан тенглаштирилади, баъзан эса уни тўппа-тўғри худо деб атайдилар. Афсоналарда подшо, айниқса династияларга асос солган подшо илохдаи келиб чиққан дейилади. Масалан, қадимги афсоналардан бирида бундай деб ҳикоя қилинади: «це» деган уруғ группаси насабининг Цзя Ди номли онаси, ўз синглиси билан қурбонлик килгани бораётганида, учиб кетаётган қалдирғоч тушириб юборган тухумни ютиб юборган эмиш. Натижада Цзя Ди ҳомиладор бўлиб, ўғил кўрган ва унга Цио (тухум) деб ном қўйган эмишлар. Шу уруғ авлодидан бўлган Чэн Тан, Ся династиясининг сўнгги подшосини йиқитиб, Инь династиясига асос солган.

Энг қадимги қулдорлик жамияти ташкил топаётган даврда подшо бош свяшченник ҳам бўлган. Қадимги Хитойда ота-боболарга ва худога топиниш билан боғли бўлган энг муҳим маросимларни подшонинг ўзи ижро қилганлигини биламиз. Та-н пойтахтида подшо саройини ота-боболар ибодатхонаси ва подшонинг тантанали қабул жойи бўлиб хизмат қилган жанубий ибодатхона ўраб олган.

Секин-аста амалдорлар юзага кела бошлайди, булар каторига дастлаб қадимги уруғ зодагонларининг, сўнгра эса зодагон қулдорларнинг вакиллари кирган. Мамлакатни идора қилишда подшо ёрдамчиларидан иборат олий амалдорларнинг алоҳида мансаблари ҳам бўлган. Булар орасида подшонинг биринчи вазири, «улуғ амирлар ва подшо фармонлари» бошлиғи, ўз ёрдамчилари штати билан саройнинг буюк удайчиси (церемоний мейстери), подшо фармонларини бомбук баргларига ёзиб борувчи барча мирзалар бошлиғи бўлган улуғ мирза, подшо архиви ва подшо хазинасининг бошлиғи муҳим ўрин тутганлар.

Шу тариқа, жамият синфларга, яъни қулдорлар синфи билан қуллар синфига дастлабки бўлиниш даврида меҳнаткашлар кенг оммасини эзиш ва асоратга солиш мақсадида Шимолий Хитой территориясида пайдо бўлган энг қадимги давлат қадимги Шарқ деспотияси эга бўлган хислатларга эга булади. Бироқ бу энг қадимги давлат уруғчилик тузумининг жуда кўп сарқитларини узоқ вақтларгача мустаҳкам сақлаб келади. Подшо ҳузурида уруғ зодагонларидан ва қабила бошлиқларининг авлодларидан иборат аристократлар кенгаши бўлган. Қуръалардаги ёзувларда бу кенгаш «катта ва кичиклар кенгаши» деб аталади. Қадимги Подшолик даврида қадимги Мисрдаги сингари, подшо уруғи катта бир подшо қавми булиб, бу қавмга мансуб одамлар давлатни идора қилишда ва ҳарбий ишларда олий мансабларни эгаллаганлар, бу эса, давлатнинг ҳамда шу династия ҳукмронлигининг мустаҳкам

бўлишини таъминлаган. «Подшо» (ван) деган сўзни билдирадиган терминнинг ўзи Инь давридаги ёзувлардаёқ учрайди. Шан давлати давридаги подшо ҳокимияти ташқи кўринишида энг қадимги замон саркитларини, яъни қабила бошлиғи бир замонлар қабила ёки қабилалар иттифоқи тепасида туриб, ошни бошқариш, аскарга бошчилик қилиш ва бош поплик каби энг қадимги вазифаларни ўз қўлида бирлаштирган вақтларнинг саркитларини сақлаб келган. Хитой тарихшуноси Го Мо-жонинг айтишича, иероглифик белгиларида «ван» (подшо) ва «цзу» (насаб) аломатларининг қуръа ёзувларида учрайдиган архаик формалари бир-бирига айнан ўхшайди. Шан-Инь давридаги мустабид давлатчилик анча қадимги теократиядан тараққий этган бўлса керак, бу теократиянинг изи подшо авлод-аждодларига топинишда ҳам худоларнинг вориси ва валийси бўлган ёлғиз подшогина энг муҳим диний одатларни бажо келтира олади, деган тасаввурда сақланиб келгандир.

Бу даврнинг сиёсий тарихи номаълум деса бўлади. Баъзи ёзувларда урушлар тўғрисида айтилади; Хитой подшолари Хитойнинг гуллаб-яшнаган ерларини, деҳқончилик қилипадиган серунум ўлкаларини қўриқлаб, тоғларда ва даштларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирувчи қабилалар билан ҳамиша уруш олиб борганлар. Хитой подшолари Шан-Инь давлатининг қишлоқ ва далаларига тез-тез ҳужум қилиб турган ғарбий тоғликлар билан айниқса қаттиқ уруш олиб борганлар. Подшо тоғлардаги шу тинчимас қабилалар билан уруш бошласакмикан ва бу уруш муваффақиятли тугармикин, деб кўпинча оракулидан сўрайди. Қуръалардаги ёзувларда мамлакат чегараларини ажнабийларнинг тинчлик бермаётганликларидан шикоятлар баси қилинган. Подшо худодан маслаҳат ва ёрдам сўраб, шу кўчманчиларга қарши уруш олиб бориш зарурлигини айтади. Масалан, қуръа ёзувларидан бирида: «Ту мамлакати бизнинг шарқий округимиздаги икки қишлоққа ҳужум қилди;... мамлакати эса, гарбий округимизнинг далаларига ҳужум қилди» дейилади. Бошқа бир ёзувда анча катта уруш ҳаракатлари тўғрисида гапирилади: «(Подшо): «(Мен) 3000 жангчидан иборат қўшинни... мамлакатига қарши юбормоқчиман. Жанг муваффақиятли ё муваффақиятсиз бўлармикин?» деб сўрайди». «Қўшини қабилалар билан бўлган бу урушларнинг айниқса шиддатли бўлганлигини қуйидаги қуръа ёзуви кўрсатади: «(Подшо): «Мен... мамлакатига қарши юришга уч марта фармон бердим... Юриш муваффақиятли тугармикан? деб сўрайди». Кўпинча бу урушлар очиқдан-очиқ талончилик характерига эга бўлиб, ўлжа қўлга тушириш, биринчи навбатда асирлар олиш мақсадида қилинган,

бу асирлар кейинчалик қулларга айлантирилган. Шу сабабли, қуръа ёзувларида кўп вақт «кўпгина қуллар асир олинди» деб хабар қилинади.

Инь династияси подшолик қилган даврнинг ўрталари ва охирларида кўчманчилар яшаб турган тоғли районларни, шунингдек Вэй ва Фэнь водийсини, яъни Шэньси вилоятининг марказий қисмини ва Шаньси вилоятининг жануби-ғарбий қисмини секин-аста хитойлар эгаллаб олиб, колонизация қиладилар. Мамлакат чегараларини кўчманчилардан мудофаа қилиш зарурлиги ва қўшинларининг сонини, қуллар ва ўлжалар қўлга тушириш сиёсати: армия тузишни ва ҳарбий ишни йўлга қўйишни талаб қиларди. Хитой қўшинлари қадимги замонлардаёқ асосий қисмларга: пиёдаларга, отлиқларга ва жанг аравачаларига бўлиниб келган. Ўрта ва Шарқий Осиёнинг кенг даштларида жуда қадим замонлардаёқ отлар қўлга ўргатилган ва жанг аравалари пайдо бўлган, бу аравалардан кўпроқ жангларда фойдаланилган. Жанг арава ва от Инь давридаги ёзувда тилга олинади. Аньяндаги қазишларда жанг аравачаларини ясатиш учун бронзадан ишланган 400 га яқин турли зеб-зийнат асбоблари ва от скелетлари топилган. Хитой қўшини жуда оддий қуроллар — кўпинча бронзадан ишланган қуроллар: қиличлар, жанг болталари ва ўша замонда кўп тарқалган ойболталар, шунингдек камалак ва ўқлар, пиҳоят, найзалар билан қуролланган бўлган. Қўшинининг сони 3 минг кишига етган. Отлиқлар отрядлари одатда 300 суворийдан иборат бўлган. Баъзи ёзувларга қараб, жангга саф тортишда муайян формалар жорий бўлганлигини фараз қилиш мумкин. Фланг атакалари, флангдан кириб ўраб олиш ва кечалари тўсатдан ҳужумлар қилиш усуллари ҳам қўлланилган бўлса керак. Масалан, қуръа ёзувларидан бирида: «Бу кеча лагерда бирон фалокат юз бермасмикин, тун тинч ўтармикин?» деб сўралади. Инь давлатининг синфий характери қўшинларини тузишда ҳам яққол кўринади. Чунончи, пиёдалар одатда ўз хўжаликларидан ажратилиб қўшинлар каторига чақирилган оддий деҳқонлардан иборат бўлган. Бу ҳол «Қўшиқлар китоби» да ҳам образли қилиб тасвирлангандир. Жанг аравачаларида одатда зодагонлар жанг қилганлар, чунки улар икки от қўшилган эгар-жабдуқли аравани жангга қўйишга қодир бўлганлар.

Кучманчилар билан узоқ вақт олиб борилган урушлар Шан-Инь давлатини заифлаштириб қуяди. Вэй дарёси ҳавзасига жойлашиб олган чжоу қабилалари бир канча катта ғалабалардан кейин қадимги Инь подшолигини тор-мор қилиб, унинг харобалари устида янги давлат барпо қилганлар ва бу давлат қабила номи билан Чжоу давлати деб аталган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши

Энг қадимги пиктограф (суратли ёзув) ва иероглиф ёзуви Шан-Инь даврида пайдо бўлган бўлса керак. Айрим сўзларга қуёш, ой, ер, ўрмон, эркак, хотин киши, ҳайвонлар ва қурбонликларининг суратлари ва ҳоказолар орқали маъно берилган. Кейинчалик мавҳум тушунча (идеограмма)ларни билдирадиган бирмунча мураккаб аломатлар пайдо бўлган. Масалан, «шарқ» сўзини билдирмоқчи бўлсалар, дарахтнинг ва унинг орқасида чиқиб келаётган қуёшнинг суратини солганлар. Шу пайтдан бошлаб оҳангдош сўзлар (омофон) ни айрим идеограммалар воситаси билан ифодалашга уринилган, қадимги суратли ёзув фонетик ёзувнинг хийла мураккаб принципи билан қўшилиб ёзиладиган бўлган. Аммо 1500 белгидан иборат бўлган ғоят мураккаб иероглиф системаси фақат иероглиф ёзувининг озми-кўпми аниқроқ формаларини ишлаб чиқиш у ёқда турсин, хатто товуш ёзувининг энг оддий формаларини ҳам вужудга келтира олмади.

Чжоу давлати (эрамиздан ав. XII—VIII асрлар)

Чжоу давлатини барпо қилган хитой қабилалари неолит давриданоқ Шимолий Хитойнинг Вэй дарёси ҳавзасида, ҳозирги Шэньси вилоятида анчагина катта жойларга ўрнашиб олганлар. Замонлар ўтиши билан бу қабилалар Вэй дарёси ҳавзасида яшовчи бошқа ҳамма қабилалар устидан ҳукмронлик қила бошлаб, сўнгра анча катта қабилалар иттифоқини барпо қилганлар. Ўша замондаги манбаларга қараганда бу қабилалар Инь давлати билан анча яқин муносабатда бўлганлар. Инь подшолари Чжоу князларига ўз давлатларининг шимоли-ғарбий чегараларини қўшни кўчманчи қабилаларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилишни топширганлар. «Чжоу» сўзининг ўзи баъзан Иньдаги ёзувларда учрайди. Инь давлатининг зодагон оилалари ва ҳатто подшолари ҳам ўз қизларини чжоу қабилаларининг бошлиқларига эрга берганлар. Бу қабилалар Инь давлатидаги қабилаларга қариндош бўлган бўлишлари ҳам мумкин. Чжоу қабилалари энг қадимги ва энг юксак Инь маданиятининг кўп элементларидан кенг фойдаланганлар. Чжоу қабилалари ёзув, хронология системасини, архитектура услуби, ўзига хос фол очиш тартиби ва ҳатто динининг баъзи формаларини иньликлардан олганлар. Чжоуликлар Инь даври маданиятининг ютуқларини тан олганлар ва ўзларини бу маданиятнинг ворислари ва давом эттирувчилари деб ҳисоблаганлар. Қуйидаги ҳикматли сўзлар: «Иньнинг дополик билан киритилган жиноий қонуиларидан ибрат олингиз», «Дилингиз маҳкам бўлсин ва халққа таълим бера билишингиз учун Шанинг улуғ одамлари яратган таълимотларни ўрганингиз», «Иньдаги энг қадимги ва энг доно

подшолар қолдириб кетган намуналар орасидан ўзингизга мос келганларини, яъни халқни ҳимоя қилиш ва унга ҳоким бўлишингиз учун хизмат қиладиганларини пухта ахтарингиз», «Инь расм-одатларини бажаринглар ва янги шаҳарларда қурбонликлар қилингиз» деган ҳикматли сўзлар худди ана ўша даврда пайдо бўлган бўлса керак.

Қадимги Хитой классик адабиётида Чжоу қабилалари Инь подшолигини истило қилганлигини ва Шимолий Хитойда катта ва кучли Чжоу давлати барпо қилинганлигини тасвирлаб берган бир қанча афсона сақланган. Шу афсоналарга қараганда, Чжоу подшоси Вэнь ван истилочилик мақсадида гарбга қараб катта ҳарбий юриш қилган, Чжоу мамлакати чегараларини кенгайтирган ва Инь подшолигини истило қилиш планини тузиб, бу планни бажаришни ўз ўғлига васият қилиб қолдирган. Бу даврда Чжоу давлати ҳарбий жиҳатдан кучайиб, катта ҳамда қудратли армияга таянган ҳолда, Шимолий Хитойнинг Хуанхэ дарёси ҳавзасида ҳукмронлик қилишни даъво қила бошлайди. Бу жиҳатдан Чжоу подшоларидан бирининг кейинги замон ривоятларидан бирида сақланиб қолган сўзлари айниқса характерлидир: «Бизнинг давлатимиз токи бутун жаҳон давлати бўлмагунча, токи денгизнинг париги бурчаги ва куп чиқадиган бурчакдан тортиб мана шу еримизгача яшаб турган одамзод ичида бизнинг қонунимизга бўйсунмайдиган битта ҳам одам қолмагунча, биз подшо Вэнь ванинг ишини давом эттиришимиз, ҳар қандай ялқовликдан воз кечишимиз керак».

Чжоу подшоси У ван Инь подшолигининг ички заифлигидан фойдаланиб, Инь мамлакатини тамомила истило килиб олиш ва Сариқ дарё ҳавзасининг ҳамма ерида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун кескин кураш бошлади. Бироқ подшолик қила бошлаганига тўққизинчи йил деганда қилган биринчи ҳужуми муваффақиятсиз бўлиб чиқди. У ван Хуанхэ дарёсигача бориб, орқасига қайтишга мажбур бўлган. Унинг шарққа килган иккинчи юриши бирмунча муваффақиятли чиқди. Подшолик қила бошлаганига ўн бир йил деганда катта қўшинга бош бўлган ҳолда шарққа томон отланади ва инъликлар қўшини устидан тула ғалаба қозониб, Инь давлатини истило қилади. Эрамиздан ав. XII асрда Шимолий Хитойда Чжоу давлати барпо бўлганлиги энг кейинги афсоналарда ана шу тарзда баён қилинади.

Хўжалиги ва ижтимоий тузуми

Ўша замоннинг манбалари Хитойнинг хўжалик ва ижтимоий тузуми Чжоу давлати ҳукмронлиги даврида қандай бўлганини тасаввур қилишга имкон беради. Мамлакатнинг бутун экономикасида қишлоқ хўжалиги ўзининг етакчилик аҳамиятини



Чжоу династияси давридаги бронза идиш.

Торонто музейи.

саклаб келган. Мамлакатнинг табиий шароити имкон берган районларда, асосан, чорвачилик билан шугулланганлар. Шундай қилиб, дашт ва тоғлик областларда алоҳида чорвадор районлар пайдо бўлган, бу районлар махсус амалдорлар қўл остида бўлган. Манбаларда айтилишича, бу амалдорлар «паррандалар ва ҳайвонларни урчитишга ҳамда уларнинг мул-кўл

бўлиши тўғрисида гамхўрлик қилганлар» ва «чорва урчитиладиган яйловларни бошқарганлар». Давлат ҳокимияти йилқичиликка алоҳида эътибор берган, чунки армияга жуда кўп миқдорда отлар зарур бўлган. Подшонинг махсус саройларидаги йилқилар боқиладиган алоҳида ўтлоқлар бўлган.

Бу даврда деҳқончилик энг катта аҳамиятга эга бўлган, деҳқончилик бутун мамлакатда, даставвал, дарё бўйларидаги серунум текисликларда кенг тарқалган. Энг кейинги замон афсоналарида Чжоу династиясининг илоҳийлаштирган ота-боболари «деҳқончилик қаҳрамонлари» деб аталади. Масалан, Хоу-цзи номли «тариқ князи» бу династиянинг отаси ҳисобланади. «Қўшиқлар китоби» да ўша замоннинг деҳқончилик ҳаёти анча ёрқин тасвир этилган:

Хашак-ўтлардан тозалаб ерни,
У сепгандир сариқ донни,
Ҳосили пишгунча парвариш қилиб,
Олгандир мўл уруғ ва донни,
Тарқатиб халққа ажойиб галла:
Қўшалоқ донли қора тариқни,
Баланд пояли, қизил хам окини,
Эка бошлади халқ ҳам буни
Мул ва кўп қилиб яна шу донни.

Шимолий Хитойнинг ҳосилдор соз тупроқли ерлари аҳолига деҳқончиликдан катта ҳосил олишга ва деҳқончилик хўжалигини ҳийла ривожлантиришга имкон берарди. Бу даврда агротехника янада тараққий эта бошлайди. Далаларни алмашлаш системаси пайдо бўлади. Ҳар бир участка уч бўлакка бўлинади, бунинг икки бўлаги ҳар йили экилиб, учинчиси шудгор қилиб қолдирилади. «Уч йилда ҳар бир участкага бир марта экиш гали келади; шундай қилиб, ҳар бир участка (бўлак) қаторасига икки йил экилиб, учинчи йили алмаштирилади». Ҳар учала ер бўлагининг алоҳида номлари ҳам бўлган. Масалан, биринчи марта экилаётган далага «янги» деб, иккинчи марта экилаётган далага «янги ер» деб, учинчи марта экилаётган далага эса «уч ёшлик дала» деб ном қўйганлар. Ўғитлар ишлатилгани ҳамда кузги, баҳорги экинлар пайдо бўлгани ҳам агротехниканинг янада ривожланганлигини кўрсатади. Сунгра боғдорчилик, мевачилик, сабзавотчиликнинг пайдо бўлганлиги, мевазор ва тутзорларнинг ривожлантирилганлиги ва наша экилганлиги ердан анчагина самарали фойдаланиш формаларига ўтилганлигини кўрсатади. Давлат ҳокимияти деҳқончиликни ривожлантириш учун бир қанча тадбирларни кўрган, деҳқонинг меҳнатини шон-шуҳрат билан улуғлаштирган. Худди ана шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлари тантанали диний маросим билан бош-

лапиши белгилаган, подшонинг ўзи омоч ушлаб биринчи эгатни очиб берадиган бўлган, ҳосил ўриб олингандан кейин эса, янги ҳосил нонини дастлаб ўзи татиб кўрган. Қадимги китоблардан бирида тасвир этилган одатга кура, ўлган зодагон мақбарасига жангчининг ўқи ва камалаги билан бир қаторда деҳқонинг мотигасини ҳам қўйиш лозим бўлган.



Фил шаклида қилиб бронзадан ишланган идиш.
Чжоу даври

Қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда ҳунармандлик, жумладан деҳқончилик ривож топиши асосида мавжуд бўлган тўқимачилик ҳунари ҳам янада тараққий этган. Аммо металлургия айниқса аҳамиятга эга бўлган. Бу соҳада техникада энг йирик силжишлар юз берган. Металлар орасида бронза

аввалгича кенг тарқалиб, ундан кўпгина турли буюмлар, асосан қурол-яроғ ясалган. Бу даврда бронзани ишлаш техникаси жуда ҳам равнақ топган. Хитой тарихининг худди ана шу даврига оид бўлган гўзал *бронза идишлар бундан далолат беради.* Давлатга қарашли катта ҳунармандчилик устахоналарининг бўлганлиги ҳам ҳунармандчиликнинг ривожланганлигини кўрсатади; бу устахоналарда қуллар ишлаган ва уларни ҳунар ва санъатдан хабардор бўлган махсус амалдорлар назорат қилиб турган. Бу ҳунармандчилик ишлаб чиқариши бирмунча даражада дифференциациялашган эди. Масалан, бронза ишлаб чиқариш ишини бошқарувчи алоҳида амалдорлар бўлган, улар махсус металлургия устахоналарини бошқарган бўлсалар керак.



Бойқуш шаклидаги курбонлик идиши. *Чжоу даври.*

Ҳунармандчиликнинг ҳамда қишлоқ хўжалигининг тараққий этиши савдони ривожлантиришга сабаб бўлди. Истеъмолдан ортиқ маҳсулотлар бозорга олиб борилиб, товарга айлантирилган. Бунга алоҳида чорвачилик ва деҳончилик районларининг ажралиб чиқиб кетиши ёрдам берди. Ҳар бир шаҳарда битта ёки ҳатто бир неча бозор бўлиб, бу бозорларнинг қандай бўлганлиги ўша вақтдаги манбаларда муфассал ифодаланган. Ўша таърифларга кўра, давлат ҳокимияти савдони маълум тартибга солишга уринган. Бир хил мол билан савдо қилувчи савдогарлар алоҳида расталарга жойлашиб, махсус амалдорларга бўйсунганлар. Масалан, бозор галла сотувчилар, курол ясовчилар, кулоллик растаси, тунукасозлар, қулфурушлар бозори ва хоказоларга бўлинган. Турли молларнинг катта-кичиклиги, сифати ва нархи давлат ҳокимиятининг махсус фармонлари билан белгиланган. Кутарасига мол согишга тўғри келганда шартнома (контракт) гузиш талаб этилган. Бозордаги умумий тартибни бозор бошлиги кузатиб турган, унинг идораси бозор майдонининг ўртасида бўлган.

Чжоу даврининг ижтимоий тузуми ундан аввал ўтган даврга хос кўп хислатларни ўзида сақлаб келади. Масалан, патриархал оила жуда маҳкам ўрнашиб олган. Бу патриархал оилада ота чексиз ҳоким бўлган. Отага оиланинг барча аъзолари тамомян бўйсунишлари лозим бўлган. Отанинг обрўсини давлат ҳокимияти қўллаб келган. Масалан, подшо Сюаньнинг (эрамиздан аввалги 827—782 йиллар) фармонида: «Ўзининг бевосита бошлиги берган амрдан шикоят қилишга фуқаронинг мутлақо ҳаққи йўқ, чунки, агар шикоят қилишга йўл қўйиб берилса, болалар оталари билан судлаша бошлар ва оши улуғлар билан кичиклар ўртасида фарқ ҳам бўлмай қолар эди» дейилади. Хотин-қизлар айниқса оғир аҳволда яшаганлар, улар бутунлай асоратга солинганлар. Хотинларнинг шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи бўлмаган. Эркакнинг қариндош-уруғлари бўлмаган тақдирдагина хотинлар мол-мулкка меросхўр бўла олганлар. Бунинг устига, хотин-қизлар абадий азоб-уқубатга маҳкум қилиниб, ичкарига *бекитиб* қўйилганлар. *Дин ва қонун* жасур хотин-қизларни коралаб, бундай хотин-қизларга уйланишни эркакларга ман этган. Уйини ташлаб кетган хотинларни оғир гуноҳкор деб ҳисоблаганлар. «Чунь-цю» китобига «Цзо-чжуань» номи билан берилган шарҳларда «Агар хотин ўз хонасидан бошқа жойда ўлиб қолган бўлса, унинг руҳ туморини эрининг руҳ тумори билан бир жойга қўймаслик керак» дейилади. Жамиятда хотин-қизга нафрат билан, паст назар билан қараш расм бўлган. «Хотинининг маслаҳатига амал қилиш» эр учун энг оғир гуноҳ деб ҳисоблапган.

Асрлар бўйи маҳкам сақланиб келган қадимги қишлоқ жамоаси Чжоу даврида катта ўрин тутган. Қадимги хитой файласуфи Мэн-цзи деҳқончилик хўжалигининг қадимги жамоа деҳқончилиги шгизига қурилган ва «цзинь-тянь» деб аталган алоҳида «кудуқ система» сини тасвирлайди

Бу система шундан иборат бўлганки, «шаҳарлардан узоқда бўлган қишлоқларда (ер) тўрт бурчак шаклидаги бир-бирига тенг 9 та участкага (бўлинсин ва) улардан бир бўлаги(ўртадагиси) жамият ишида банд бўлган амалдорларни таъминлаш учун алоҳида мажбурият — «узаро ёрдам» йўли билан биргаликда ишлаб берилсин. Ўлим ҳам саёхатлар ҳам бу деҳқонларни ўз қишлоқларидан ажрата олмайдиган бўлсин. Агар қишлоқлар ҳамма томони тенг тўрт бурчак қисмга бўлинса, у вақтда қишлоқ аҳолиси бир-бири билан дўстона алоқада бўлади. Улар бир-бирларини ҳимоя қилиб, муҳтожликка тушиб қолганларида ва касал бўлганларида бир-бировларига ёрдамлашадилар. Шунда оилаларнинг ҳаммаси тамомила инок бўлиб яшайди... 8 оила бир бўлиб, жамоа

ёки жамоага қарашли ерларни ишлайди. Жамоа ишлари тамом бўлгандан кейин, ҳар бир оила ўзининг шахсий ишига киришиши мумкин».

Бунда умумий кафиллик ҳақида айтилгани айниқса характерлидир, умумий кафиллик одатда барча жамоа аъзоларини бир-бирига маҳкам боғлайди ва бу ҳол, шубҳасиз, жамоа тузумидан келиб чиқади.

Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» да кўрсатганидек, жамоа тузуми узоқ вақтлар давомида шарқ деспотизмидаги энг қўпол формаларнинг таянчи бўлиб келди. Энг қадимги қулдорлик давлати тузилган даврда мамлакатнинг бутун ер фонди, шу жумладан жамоаларга қарашли ерлар ҳам, номинал тарзда давлат ихтиёрида деб ҳисобланарди ва бу давлат тепасида, К. Маркс ибораси билан айтганда, илоҳийлаштирилган золим подшодан иборат «богловчи бирлик» турарди. Буни қадимги Хитой тилидаги махсус терминлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, «гунтянь» (жамоа ер майдони) сўзи шу билан бирга «йўлбошчининг ер майдони» деган маънони ҳам билдирарди. Аммо қадимги Хитой гунн (йўлбошчиси) ван (подшо) га айлангандан кейин, бир вақтлар жамоанинг йўлбошчи ихтиёрида бўлган барча ерлари энди номинал тарзда деспотик давлат ихтиёридаги ер фондига айланади. Шу билан бирга янги территориялар истило қилиш ва жамоа ерларини тортиб олиш процессида давлат қўлида бевосита подшога қарашли марказлашган ер фонди ҳам пайдо бўлади. «Шицзинь» китобидаги қўшиқлардан бирида, Чжоу подшоси Люнинг ҳарбий юриш олдидан «дала ва омборлардаги запасларни йиғиб, галлани жуда катта катта қопларга тўлдиргани» айтилади. Чжоу давлатининг энг қадимги подшолари бўлган бу ҳокимлар «халқни тумтарақай қилиб, майдон очганликлари», афтидан ўз ерларида, ўз майдонларида катта деҳқончилик хўжалиги ташкил қилганликлари қўшиқларда образли қилиб тасвир этилган. Чжоу подшолари аристократларга катта-катта ер майдонлари берганлар. Подшонинг ўз якинларига ер берганлигини бу даврдаги бронза идишларда тасвир этган ёзувлар кўп учрайди. Масалан, ана шундай ўзига хос совға ёрлигининг бирида: «Бу Ди, сенга, ҳарбий ишдаги хизматларинг учун камон ва ўқлар, 5 оиладан иборат қуллар ҳамда 10 участка ер ҳадя қиламан» дейилади.

Қадимги Шаркнинг бошқа халқлари тарихига оид манбалардаги сингари, қадимги Хитой тарихи ҳақидаги ҳужжатлар К. Маркснинг жуда аниқ баён қилинган қуйидаги фикрини тасдиқлайди:

«Бу ерда (Осиёда — *В. А.*) давлат ернинг олий мулкдоридир. Бу ерда суверенлик — миллат қуламида тўпланган ер

мулкчилигидир. Лекин шуниси борки, бунда гарчи ерлар шахсларга ҳам, жамоаларга ҳам қарашли бўлса-да, ердан шахслар ва жамоалар фойдаланса ҳам, ерга ҳеч қандай шахсий мулкчилик йўқдир»[1].

Ерларнинг катта аристократларга бўлиб берилиши қадимги патриархал турмуш шароитида яшаган зодагон мулкдорлардан иборат бирмунча кенг бир табақанинг ташкил топишига сабаб бўлди. «Қушиклар китоби» да бой одамнинг ихтиёрида бўлган поместье мана бундай тасвир қилинган:

Бу ерда хўжайин ва унинг тўпғич ўғли,
Кичиклари ва барча болалари,
Забардаст хизматкорлару, ёрдамчилари.
Гушт ейишар дастурхонда, шовқин-сурон кўтариб!
(Эрлари) овқат кетиргач, хотинларин эслар мухаббат-ла,
Хотинлари қолади эрлар кошида.
Сўнгра, жануб томондаги ер бўлакларин
Ўткир тишли омочлар хайдай бошлайди аста-аста.
Экадилар донинг хилма-хил навин
Хар бир донда хаст узади, шунда,
Уруғлар ниш отиб кутарилар текис қатор-ла,
Дон тула бошоқлар усар барқ уриб...
Сунг келар уроқчилар туп-туп булишиб.

Сўнгра ота-боболар шарафига мўл ҳосилни йигиб-териб олаётганликлари тасвир қилинади, бу эса, «давлатнинг шон-шарафини баландга кўтариши» лозим бўлади.

Бу аристократик хўжаликларда куллар меҳнатидан жуда кенг фойдаланганлар. Шан-Инь давридаёқ вужудга келган қуллорлик энди кенгая ва кучая боради. «Асир» («фу») сўзи ишлатилган ёзувлар куллорликнинг мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Одатда тегишли иероглифда чиғаноқ кидираётган киши тасвир қилинади. Чиғаноқ топиш учун асосан ҳарбий асирлардан фойдаланилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. «Чэнь» деган бошқа бир иероглиф аломати, энг қадимги Хитой лугатларининг таъбирича, «судраш» ёки «подшога хизмат килиш» деган маънони билдирган ва тобеликни, бўйсунишни тасвир этган. Шунинг учун хитой тарихчилари, «чэнь» аломати «кул» деган маънони англатади деб айтиш мумкин, дейдилар. Илгари замонлардаги каби, бу даврда ҳам куллар ҳарбий асирлар қаторидан олинган. «Шу-цзин» китобида айтилишича, Чжоу подшоси У ван ҳарбий юриш олдидан уз қўшинларига оқ йўл тилаб, сўнгра: «Шан майдонларида биз томонга кочиб ўтганларни ўлдирмангиз, уларни ғарбдаги далаларимизда хизмат қилишга (ишлашга) мажбур этамиз» деган. Шан давлати бўйсундирилгандан кейин иньликлар ва

[1] *К. Маркс.* Капитал, III т, 804-бет.

уларнинг иттифоқчиларидан бир қисми қулларга айлантирилган. Чжоу подшолари бу янги қулларни ўз якинларига, ҳарбий бошликлари ҳамда амалдорларига бутун-бутун уруғ группалари билан тортиқ қилиб берганлар. Масалан, Лу князлигининг ҳокими Бо Цинъга иньликлариинг олти уруғи, Вэй Кан-шуга стти уруғи тортиқ қилиб берилган ва ҳоказо. Подшонинг ана шундай тортиқлариии чиройли қилиб ишланган бронза идишларига ёзилган кўп ёзувлар тасдиқлайди. Бу ёзувларнинг баъзиларида: «Сенга жанг аравалари, отлар, харбий қурол-яроғ ва 150 оилали қулларни тақдим этаман», «Цзян 10 шода чиғанок, 10 оилали қул, 100 одам тортиқ қилиб берган, сенга 200 оилали қулларни тақдим этаман» дейилган. Айрим аристократларга жуда кўп қуллар тақдим этилганлиги ўша замонлардаги бошқа манбаларда ҳам тилга олинади. Масалан, «Цзо чжуань» да айтилишича, подшо Цзинь Хуан цзига шимолий қуллардан (ди чэнь) 1000 оилани тақдим этган».

Чжоу даврида «қул» сузини билдириш учун «нунфу» деган бошқа терминнинг ишлатилганлиги характерлидир. Бу даврдаги манбаларда нунфунинг меҳнати тасвирланганда, бу одамнинг ишлаб чиқариш қуроллари бўлмаганлиги аниқ курсатилади. Булар ўз хужайинларига қарашли қишлоқ хужалик асбоблари билан зодагон қулдорларнинг ерларини ишловчи чинакам қуллар бўлганлар ва меҳнатлари эвазига ейиш учун «узок туриб қолган дон» олганлар. Масалан, «Да тянь» номли қасидада назоратчи қулларга қараб бундай дейди: «Қатта майдонларда ҳосил мўл бўлади Деҳкончилик асбобларини тайёрлаб бўлгапларингдан кейин, менинг жануб томондаги ерларни ҳайдаётган омоч ва плугларимни олиб, 100 хил дон экарсизлар».

Бир томондан, деҳкончилик қилувчи ўтроқ қабилалар билан ва, иккинчи томондан, Хуанхэ дарёси ҳавзасида деҳкончилик қилувчи маданий давлатлар атрофидаги кучманчи тоғликлар ва даштда яшовчилар ўртасида буладиган доимий ўзаро муносабат қадимги Хитой тарихи учун жуда характерлидир. Бу ўзаро муносабат қадимги Хитой тарихига бир қадар таъсир этган.

«Қабилалар бир қисмининг ўтроклилиги билан иккинчи қисмининг давом этиб келган кучманчилиги ўртасидаги ўзаро у м у м и й муносабатни тарихнинг энг бошиданок барча шарк халкларидан кўриб билиш мумкин»[1].

Қадимги Хитойда ўтроқ халқлар билан кучманчи халқларнинг бир-бирига таъсири кучли булиб, узоқ вақт давом этиб келган. Хитой давлатининг чегаралари Чжоу даврида

[1] *К. Маркс* ва *Ф. Энгельс*, Танланган хатлар, 73-бет.

анча кенгайган, тараққиёт жиҳатидан бир қадар паст даражада турган қабилалар қудратли Чжоу подшолиги қўл остига тушиб қолганлар. Хитойлар кўчманчи қабилаларга ҳақоратли ном берганлар, маъно жиҳатидан олганда бу ном грекларнинг «варварлар» деган сўзига тўғри келади. Хитойлар бу қабилаларни курол кучи билан бўйсундириб, катта-катта уруғ группаларини қулларга айлантирганлар. Қуллардан ҳунармандчилик устахоналарида, деҳқончиликда ва ҳарбий ишларда фойдаланилган деб айтишга имкон берадиган далиллар бор. Қуллар меҳнатидан подшолар ва қулдорлар фойдаланганлар, шу билан бирга, қуллар ҳақида гап борганда уларнинг қайси қабилага мансуб эканликлари доимо кўрсатилган. Масалан, шаркий қабилалардан (и-ди) бўлган қуллар чўпонлик ва чорвачилик билан, жанубий қабиладан бўлган қуллар (манъ-ди) махсус йилқиларни боқиш билан шуғулланганлар. Ҳар бир айрим катта уруғ группаси хўжалигнинг маълум бир тармоғида ишлаган. Подшо хўжалигида қуллар меҳнатидан жуда кўп фойдаланганлар. Давлат муассасалари ва айрим амалдорлар ихтиёрида ҳам қуллар жуда кўп бўлган. Масалан, мансабдорлар бошлиғининг 120 қули бўлган, чорва боқкармасида 200 қул бўлган, деҳқончилик бўлимида 120 қул, камалак ва ўқ бўлимида 80 қул ишлаган ва ҳоказо. «Чжоули» китобидан олинган бу маълумотлар, Чжоу даврида қуллар меҳнатидан фойдаланиш негизига қурилган катта сарой хўжалиги бўлганини кўрсатади.

Қулдорлик кучайиши билан қул савдоси ҳам пайдо бўлган. Буни бронза идишларда сакланган ёзувлар кўрсатади. Масалан, бешта қулнинг бир от ва бир калава ипакка айрибош қилинганлиги эрамиздан ав. X—IX асрларга доир ёзувлардан бирида айтилади. Бозорларда қуллар билан савдо киладиган алохида расталар бўлган. Қулдорликнинг кучайиши, бир томондан, зодагон қулдорлар ва, иккинчи томондан, камбағаллашиб колган жамоачи деҳқонлар ўртасидаги фарқни яна ҳам чуқурлаштирган. Кучайиб бораётган социал низолар тобора ёркинроқ кўрина бошлайди. Хонавайрон бўлиб бораётган одлий жамоачиларнинг норозилиги ўша даврдаги шеърий асарларда, халқнинг кундалик ҳаётидаги реал фактларни акс эттирувчи халк қушиқларида ифода этилган:

Сиз экмайсиз, сиз ўрмайсиз,
Уч хўжаликдан даромадни қандай килиб оласиз?
Овда меҳнатни сиз қилмайсиз,
Ҳовлингизда осилиб турган бўрсиқ териларни каердан олгансиз?
Сиз экмайсиз, сиз ўрмайсиз,
Тоғ-тоғ ғарамларни қайдан олгансиз?

Зодагоннинг бошқаларнинг оғир меҳнатидан фойдаланиб тўплаган бойлиги қушиқларда ғазаб билан тасвирланади. Халқнинг гўзал ибораларида, камбағалнинг донини еб семирувчи бойларни худди каламушларга ўхшатилади:

Эй, баҳайбат каламуш-сичқонлар,
Тариғимизни еб кетманглар.
Уч йил булди ишлаймиз сизга,
Сиз бўлсангиз ҳеч қилмайсиз ғам,
Бизнинг оғир меҳнатимиздан.
Ташлаб кетармиз абад сизни
Топмоқ учун жой ўзимизга.
Бахт берувчи порлоқ ерлардан.

Бу даврнинг социал терминлари кескин синфий табақаланиш пайдо бўлганини кўрсатади: ёзувларда «олижаноб оталарга» ,«халқ оталарига», «майда одамлар», меҳнаткашлар қарама-қарши қилиб қўйилади. Улар ўша даврнинг ёзувлари ва манбаларида «бу» ва «чэнь» деб аталади. Меҳнаткаш халқ оммаси ҳамма нарсадан маҳрум қилиниб, қашшоқ ҳаёт кечиришга маҳкум этилган эди. Шу қийин аҳволдан қутулиш иложини топа олмаган камбағалларнинг тақдири муқаррар суратда оғир қуллик азобини кечиришдан бошқа нарса эмас эди:

Юрагим ғаш, ўйлайман ҳамон
Қора қисматим ҳақда.
Қилинармиз барчамиз бирдан:
Бировларга қорол, бировларга қул.
Шурим қурсин! Қайдан излай энди мададни?

Қадимги Хитой жамиятининг кескин равишда синфларга ажралиб кетганлиги ўша даврнинг диний-сиёсий трактатларида ёзилган. «Маросимлар йилномаси» («Ли-цзи»да: «Маросимларнинг оддий халққа даҳли бўлмаганидек, жиноят қилган олий амалдорлар жазодан холидирлар» дейилган.

Камбағаллар ва қуллар меҳнатини эксплуатация қилишнинг оғир формалари кўпинча қўзғолонларга сабаб бўлган. Ана шундай йирик халқ қўзғолонларидан бири Чжоу подшоси Ли ван даврида бўлган, бу қўзғолон вақтида халқ оммаси пойтахтнинг ўзида бош кўтариб, саройни қуршаб олган, подшони ҳайдаб юборган ва ҳатто унинг ўғлини ўлдирмоқчи ҳам бўлган. Бироқ бу қўзғолонлар меҳнатни эксплуатация қилишнинг қулдорлик формаларига асосланган мавжуд тузумни тубдан ўзгартира олмагандир.

Давлат тузуми

Қадимги Хитойнинг бу даврдаги катта давлатида бутун мамлакатни подшо номидан идора қилувчи мураккаб бюрократик аппарат секин-аста пайдо бўлган. Подшо атрофида давлат бошқармасидаги

олий мансабларни эгаллаган аристократ амалдорлардан иборат хийла катта бир группа вужудга келган. Бу группада подшонинг жуда катта ҳуқуқларга эга бўлган ва мамлакатни бошқаришнинг ҳамма воситаларини ўз қўлига олган энг яқин ёрдамчиси биринчи ўринда турарди. Энг қадимги Шарқ мустабид давлатларида бўлгани сингари, бу мансаб баъзан наслдан-наслга мерос бўлиб ўтарди.

Ҳокимлик қилиш жиҳатидан араб вазирига тенг келадиган бу олий амалдорга уч кишидан иборат алоҳида коллегия бўйсунган, булар баъзан «уч оқсоқол» деб аталган, ҳамда уч муҳим маҳкамага бошлиқ бўлган. Булардан бири «халқни қўриклаши» лозим бўлган «кўпчилик бошлиги»дир. Унинг вазифаси мамлакатнинг бутун хўжалик ҳаётини бошқаришдан иборат бўлган. У қишлоқ хўжалигига оид ҳамма ишларни ташкил қилиш (экиш, ўриш, янчиш) билан шуғулланган. Бутун мамлакатдаги савдо-сотиқ ишлари унинг қўлида бўлган, товарларга нархлар белгилаган ва қарамогидаги одамлари бозорларда тартиб ўрнатиб турганлар. «Уч оқсоқол»нинг иккинчиси «оғлар бошлиғи», бошқача айтганда, «подшо поместьелари қўшинлари бошлиги» бўлган ва у «қўзғолончиларни ром қилиб туриши» лозим бўлган. Бу амалдор ҳарбий маҳкаманинг тепасида туриб, бутун мамлакатнинг ҳарбий идора ишларини бошқарган. У ҳарбий хизматга янги лашкарлар тўплаган, ҳарбий таълимга раҳбарлик қилган, ҳарбий инспекцияга бошчилик қилган ва қўшинларнинг таъминот ишларини идора қилиб турган. Шу билан бирга у армияга бош бўлиб, уруш вақтида унга кўмондонлик қилган. Ниҳоят, мамлакатнинг бутун ер фондини бошқарган ва уни сув билан таъминлашга доир ишларга раҳбарлик қилган «ижтимоий ишлар бошлиги» ҳам муҳим ўрин тутган. Бутун ирригация тармоклари устидан олий назорат ишлари унинг қўлида бўлган. У дарёлар, каналлар, тўғонлар, бутун суғориш иншоотларини ва ишларини, шунингдек бутун йўлларнинг тартибли бўлишини кузатиб турган. Унинг кул остида кўп амалдорлар бўлган, улар мамлакатдаги сунъий суғорин шохобчаларининг тўғри ишлашини кузатишлари ва, шу билан бир қаторда, далаларни пайкаллаш ишларини бажаришларн лозим бўлган.

Шундай қилиб, кўз олдимизда хўжалик маҳкамаси, ҳарбий маҳкама ва ижтимоий ишлар маҳкамасидан иборат учта энг муҳим маҳкама гавдаланади. Маркс, Шарқдаги бу уч маҳкаманинг катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатган эди: «Осиёда идора қилишнинг фақат уч шохобчаси: молия маҳкамаси ёки ўз мамлакатининг халқини талайдиган маҳкама, ҳарбий маҳкама ёки бошқа халкларни талайдиган маҳ-

кама ва, ниҳоят, ижтимоий ишлар маҳкамасидан иборат шохобча, одатда, қадим замонлардан буён яшаб келарди»[1].

Кейинчалик подшо поместьелари ва саройини идора қилиш ишларини, суд ишларини ва диний расм-одатларни бошқарадиган амалдорлар ҳам пайдо бўлган. Масалан, дастлабки «уч оқсоқолдан» ташқари яна бошқа учта амалдор ажралиб чиққан. Улардан биринчиси подшо саройини ва унинг таъминотини идора қилган ва бу билан подшо хазинасига бош бўлган, иккинчиси суд ишларига қараган, учинчиси эса император авлод-аждодлари эътиқодининг олий коҳини вазифасини бажарган. Бу уч амалдор подшога яқин бўлганликлари туфайли бошқалардан фарқ қилганлар. Улар орасида подшо хазиналари бошлиғи, аста-секин биринчи ўринни эгаллаган, эрамиздан аввалги VII асрда у давлатни идора қилишда подшонинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб олган.

Бу маҳкамаларнинг ажралиб чиқиши ҳамда бу мансабларнинг алоҳида бўлиб кетиши халққа солиқлар солиш, суд ишларини ушлаштириш ва подшо ҳамда подшо ҳокимияти эътиқодининг расмийлашуви билан боғликдир. Солиқлар орасида экин ерларига солинадиган солиқ муҳим ўрин тутган, бу солиқ кузда ўрим-йиғимдан сўнг йиғиладиган ҳосилдан десятина тарзида олинган. Тог ва кўллардан олинадиган солиқлар улардан келадиган даромаднинг тўртдан бир қисми миқдорида бўларди. Бу солиқлар натура билан олинган. Савдогарлар бозордаги жой учун битишув вақтида, моллариии (полотно, ипак ва ш. к.) согастганда бож тўлашга мажбур бўлганлар, шу билан бирга бу бож металл пул билан тўланган. Бу эса, савдонинг янада гараккий этганини кўрсатади.

Бу даврда олий суд маҳкамасининг ва жиноий ишларни кўрадиган олий судьянинг алоҳида бўлиши суд ишларини йўлга қўйишнинг ривожланганлиги билан боғликдир. Суд ишлари секин-аста расмийлашиб бориб, энг қадимги ёзма қонунлар ва энг қадимги кодекслашган ҳуқуқлар пайдо бўлган. Бу конунлар синфий тузумнинг ўзгармаслигини ва илоҳийлаштирилган подшонинг дахлсизлигини юридик жиҳатдан таъминлаш максадини кузда тутган. Масалан, олий зотни ҳақоратдан сақлаш тўғрисида махсус қопун бўлган; салгина бўлса ҳам подшога тил тегизган одам шу конунга мувофик каттик ва огир жазога тортилган. Кадимги ярим афсонавий Му деган подшо тузган жиноят кодексида, жиноят қилган кишиларга оғирроқ бериладиган жазо чоралари

[1] *К. Маркс* ва *Ф. Энгельс*, Танланган асарлар, I т., 305-бет.

анчагина иухта ишлаб чиқилган, дейилади. Булар ичида бешта энг оғир жазо: ўлим жазоси, эркакларни бичиш ёки хотинларни саройга камаб қўйиш, оёқларини кесиб ташлаш, бурунни кесиб ташлаш ва айбдорнинг юзига қора лаънат тамғаси чекиш каби жазо чоралари алоҳида кўрсатилган. Бироқ бу жазолар ўсиб борувчи пора (выкуп) воситаси билан алмаштирилиши мумкин бўлган. Бу эса қонуничилик ва суднинг синфий характерда бўлганлигини, бойларнинг пул воситаси билан оғир жазодан қутула олишларига имкон берганлигини кўрсатади. Бу жиноят кодекси 3 минг моддадан, тўғриси, энг қадимги жиноят қонунлари мажмуасини бир китоб қилиб тўплаган суд қарорлари (казуслари)дан иборат бўлган. Тасодифан ва билмасдан туриб жиноят қилиб қўйганларга нисбатан енгилроқ жазо, атайин жиноят қилганларга оғирроқ жазо бериш кўзда тутилган бу даврда юридик фикрларнинг бирмунча тараққий қилганлигини кўрсатади. Олий судьядан иборат юқори суд инстанцияси жиноят қилганларга ўлим жазоси берилиши лозим бўлган муҳим ишларнигина қараган. Бошқа ҳамма ишларни маҳаллий судьялардан иборат қуйи инстанция суллар кўриб чиққанлар.

Ниҳоят, император авлод-аждодларининг олий қохинини юқори амалдор сифатида алоҳида ажратилиши, подшо худонинг ердаги нойибигина эмас, балки унинг ердаги тимсолидир, деган таълимот расмий тус ола бошлаганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ердаги худо деб ҳисобланган подшо «осмон ўғли» деб, унинг амр-фармонлари эса «муқаддас истаклар» деб аталган. «Осмон ўринбосари» сифатидаги подшо одамлар билан табиат кучлари ўртасида воситачи ҳисобланган. Подшо ҳар беш йилда мамлакатни саёҳат қилиб чиқиши ва муқаддас тоғларда худоларга ўз қўли билан курбонликлар қилиши лозим бўлган, бу ҳол қадимги Хитой давлатининг теократик характерда бўлганлигини кўрсатади. Подшо ҳокимиятининг «плохий» характерда бўлганлиги шунда кўринадики, одамлар ҳаммаси подшонинг қули деб ҳисобланган. Ҳатто олий амалдорлар ҳам подшо олдида ер ўпиб уч марта таъзим қилишлари лозим бўлган. Подшоларнинг худодан келиб чиққанлиги қадимги афсоналарда тавсифланган. Масалан, афсоналардан бирида, подшо Чжао хотинининг Чу аждоди руҳи билан алоқа қилиши натижасида сирли равишда подшо Му дунёга келган, дейилади. Бу афсонада, подшо Му гайри табиий қобилиятларга эга бўлган ботир эди, деб тавсифланади. У, муъжиздек отлар қўшилган жанг аравасида «дунёнинг тўрт томонига» ҳарбий юриш қилган эмиш. Кунларнинг бирида у қизиқиб кетиб, Сариқ дарё манбаига борган экан. У Сариқ подшонинг саройини зиёрат қи-

либ, сўнгра куп ботишдаги тогларга чиқиб борибди. Ғарб ва ажал келтиралиган касалликларнинг маъбудасини зиёрат қилибди. Шу тариқа, подшо бошқа ҳамма одамлардан бутунлай ўзгача бир мухитда яшовчи қандайдир афсонавий худо қилиб кўрсатилади.

Подшо ҳокимиятини илоҳийлаштиришдек қадимги Шарқ деспотиясига хос бўлган идеология олий коҳин томонидан амалга ошириб келинган подшо аждодларига топинишда, шунингдек сарой ичидаги дабдабали тартибларда ўзининг ташқи ифодасини топди.

Подшо резиденцияси айни замонда давлат пойтахти ҳам бўлган. Чжоу давлатининг асосий марказлари ва пойтахтлари бўлган Фэнь ва Хао шаҳарларининг, кейинчалик Ло-и номи ҳам тарихий традицияларда сақланган. Сарой аҳли ва аристократлар ҳаётининг ранг-баранг тасвирлари ўша даврнинг адабий асарларида, жумладан сарой поэзиясида сақланиб қолган. Бронзадан ясалган гоят чиройли буюмлар, тантанали диний маросимларда қўлланилган идишлар, қимматбаҳо қурол-яроғлар, санъат асарлари моддий маданият ва санъатнинг равнақ топганини, шунингдек қул ва камбағаллар меҳнатини эксплуатация қилган эзодагон қуллорларнинг қўлида катта бойликлар тўпланганлигини кўрсатади.

Чжоу даврининг сиёсий тарихи

Қадимги ривоятларга ва анча кейинги, лекин ишонса бўладиган манбаларга қараганда, Чжоу династиясидан чиққан подшолар Инь давлатини истило қилганларидан кейин катта ва кучли подшолик барпо этганлар. Илк Чжоу династияси давридан бошлаб ҳокимият тепасига бирин-кетин келган подшоларнинг номларигина маълум. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда ёзилган «Осмон ўғли Му тарихи» да шу даврга оид қадимги афсоналар сақланган. Бу қадимги афсоналарда подшо Чао билан подшо Му давлат территориясини жуда кенгайтирган улуғ истилочилар қилиб кўрсатилади. Шу истилолар натижасида хитойлар Янцзицзян ҳавзасига кириб бориб, Хан дарёси бўйларида ва Хубэй районида яшовчи кабилаларни бўйсундирганлар. Хитойнинг сиёсий ҳаётига доир аниқроқ маълумотлар эрамиздан аввалги IX—VIII асрлардан бошлабгина маълумдир. Қўшни халкларни талаш ва қулларни қўлга тушириш учун доимо урушлар олиб боришни талаб қилган қулдорлик хўжалигининг тараққий этиши синфий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келди. Кўп бойликлар, катта поместьелар кўпдан-кўп қуллар айрим магнатлар қўлида тўпланиб, улар зодагон ер эгаларининг мустаҳкам табақасини вужудга келтиради. Меҳнаткаш камбағаллар билан қуллар оммаси зодагон ер эгаларининг акси

эди. Оддий халқ меҳнатини эксплуатация қилишнинг шафқатсиз формалари оммавий қўзғолонларга сабаб бўлиши турган гап эди. Эрамиздан аввалги 842 йилда пойтахтдаги камбағал халойиқ оммаси подшо Ли ванга қарши бош кўтариб, саройни штурм қилган. Халқ ағдариб ташлаган уқувсиз подшо Ли қочишга мажбур бўлган. Кучли синфий кураш подшо ҳокимиятини эгаллаш учун кураш билан бирга олиб борилган. Чжоу Гун ва Чжао Гун деган иккита зодагон ўзларини давлат регентлари деб эълон қилиб, шу билан бирга уларнинг ҳокимлик қилган вақтлари «Умумий розилик» деган характерли ном олган. Ҳоким аристократлар синфи меҳнаткаш оммага декларатив бўлса ҳам, сал ён беришга мажбур бўлган бўлса керак. Шуниси ҳам борки, тарихий традицияда сақланган ривоятда айтилишича, ағдарилган подшо Лининг ўғлини сақлаб қолиш учун ўша зодагонлардан бири ўз ўғлини халққа топшириб қурбон қилган. Кескин синфий кураш даври бўлган бу даврнинг «Умумий розилик» деб ном олиши, аристократларнинг халққа ён беришга мажбур бўлганлигини келажакдаги авлоднинг эсига солмаслик учун қилинган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Эрамиздан аввалги 827 йилда, Ли ван ўлганидан кейин, регентлар ҳокимиятни унинг ўғли Сюань ванга топширганлар. Подшо Сюаннинг подшолик қилгани тўғрисидаги (эрамиздан аввалги 827—782 йиллар) аниқ маълумотлар «Қўшиқлар китоби» да ва бошқа бир қанча манбаларда сақланиб қолган. Хитойнинг бутун тарихий традициясида катта урушларни Сюань ван қилган, у бу урушларни қарам қабилалар ўртасидаги қўзғолонларни бостириш, шунингдек, асосан кучманчилар жойлашган кўшни мамлакатларни босиб олиш учун қилган, дейилади. Бу урушлар ўша даврдаги адабий асарларда, авлод-аждодларнинг ибодатхонасида айтилган таптаиали кўшиқларда поэтик формада ёркин қилиб тасвир этилган. Қасидалардан бирида кучманчи Сюнну қабиласининг эрамиздан аввалги 822 йилда Чжоу подшолигига бостириб кириб, пойтахтни эгаллагани тасвир этилган:

Олти ой бўлганди алғов-далғовга!
Жанг аравалари турар шайланиб,
Турттадан арғумоқ ҳар аравага
Қўшилган, уларнинг қуроли ҳам шай.
Қахрла Сюнну элимиз босди,
Шул сабаб шошилинч рўбарў чиқдик.
Пойтахтни... кутқармоқ учун отланинг,
Деди шоҳимиз, биз йўлга чиқдик.
Курсатдик мисли сиз мардлик, жасорат..
Сюнну енгилди, биз ғолиб чиқдик.
Цяо ва Хуши қўлга киритиб,

Хао ва Фэини ҳам истило қилиб,
Цзинь дарёсин шимолигача
Ета олган Сюнну роса яшлишди,
Режалари ҳам хўп пучга чиқди.
Қушлар тасвирланган байрогимизда,
Ҳилпиллар эди у бақувват қўлда.
Унга жанг араваси олдида учар...
Омонсиз енгдик Сюннуни биз,
Ун минглаб элларга бу намунамиз.

Бошқа бир тантанали қўшиқда Сюаннинг Чжоу давлатидан жанубий-шарқ томонда яшаган кўчманчи Сюй қабиласи билан қилган уруши тасвирланади. Подшонинг ўзи олти армияга бош бўлиб, Сюй мамлакатига қарши ҳужум бошлайди. Хитойлар ўз аскарларининг кўплиги, «тўп бўлиб юрмасдан, сафсаф бўлиб» боришлари туфайли катта ғалаба қозонганлар. Уруш «жуда кўп асир» қўлга тушириш билан тугаган. Қасида, одатдагича, подшони кўкларга кўтариб мақтайди.

Чжоу давлати Хуанхэ дарёси ва унинг ирмоқлари бўйидаги бой ва унумдор водийларга тўхтовсиз ҳужум қилиб турган кўп сонли ва кучли кўчманчи қабилалар билан узоқ вақтлар давомида кураш олиб бориб заифлашганлиги, ички синфий зиддиятларни тўғдирганлиги ва мамлакат ичида иқтисодий бирликнинг бўлмагани натижасида кучсизланиб, кейин бир қанча мустақил князликларга бўлиниб кетган. Бу князликлар тепасида зодагон қулдорларнинг вакиллари, ягона марказий ҳукуматга тобе бўлмаган қудратли аристократлар турганлар.

Эрамиздан аввалги 770 йилда Чжоунинг деярли номинал подшоларидан бири бўлган Пин ван, ғарбий кўчманчилар сикиги натижасида ўз пойтахтини шарқдаги Ло-и шаҳрига (кейинроқ Хэнань вилоятидаги Ло-янга) кўчирган. Хитойнинг мустақил майда князликларга бўлиниб кетиши аслда ана шу даврдан бошланиб, бу князликлар энди Шарқий Чжоу давлатига бўйсунмайдиган бўладилар. Эрамиздан аввалги VII асрда бешта энг кучли князлик иттифоқ тузиб, бу иттифоқ кучли марказлашган давлат барпо қилиш учун мамлакатни бирмунча тайёрлаши лозим бўлган. Бироқ бу бирлашув вақтинча бўлиб, мустаҳкам бўлмаган. Беш катта князлик, ҳар қайсиси устун бўлишга уринган туфайли, кучлар мувозанатини аранг саклаб тура олган. Улар ҳокимлик қилган давр, яъни эрамиздан аввалги VII—V асрлар одатда «Беш ҳоким» замони деб аталади. Эрамиздан аввалги V асрда айрим князликлар ўртасида бу кураш айниқса кескинлашиб кетади. Шунинг учун ҳам эрамиздан аввалги V—III асрлар даври «Курашувчи подшоликлар» (Чжань-го) номини олган.

Ягона давлатнинг парчаланиш даври (эрамиздан ав. VIII—III асрлар)

Қадимги Хитой тарихи бу вақтдан эътиборан Хитой тарихининг илгариги даврларидан сақланиб қолган манбаларга қараганда анчагина кўп манбалар асосида ўрганилиши мумкин. Аммо ўзаро синфий муносабатлар характери ҳамда баъзи социал-иқтисодий терминларнинг маъносини аниқ белгилаб олишга имкон берадиган махсус манбашунослик ва тарихий-лингвистик асарларнинг йўқлиги туфайли социал-иқтисодий муносабатлар масаласини ҳозирча тўла ҳал қилиб бўлмайди. Лекин хитой тарихчилари ва совет олимларининг асарлари баъзи фактларни аниқлашга имкон беради, бу фактлар манбаларни янада ўрганиш бу даврдаги қадимги Хитой қулдорлигининг тарихидаги унинг ўзига хос хусусиятлари қандай бўлганлигини тушунтиришга шубҳасиз ёрдам беради.

Темирнинг секинлик билан ёйилиши техникани ривожлантиришда секин-аста бутун бир бурилиш ясаб, янги ва анча мукаммал темир қуролларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Эрамиздан аввалги VII асрда Ци князлигида давлат темирни ўз монополиясига олади. Омоч учун темир тишлардан фойдалана бошлайдилар, бу эса қул меҳнатини унумдор қилади ва қишлоқ хўжалигида кўп миқдордаги қуллардан фойдаланиш имкониятини тугдиради. Бироқ эски қишлоқ жамоаларининг мустаҳкам яшаб келиши қулдорлик муносабатларининг ривожланиш процессига бирмунча тўсқинлик қилади. Бу жамоаларнинг кўпи, айниқса мамлакатнинг узоқ жойларидаги жамоалар жуда примитив уруғ-қабилачилик шароитида ёки бир қадар тараққий этган оила-жамоа тузуми шароитида яшаганлар. Хитой подшолари томонидан қўшниларининг кенг территориясини истило қилиниши ҳамда бир қанча мустақил князликларнинг ташкил этилиши катта-катта уруғ қабила ва оила-жамоа группаларини қул қилишдек қадимги Хитойнинг ўзига хос, алоҳида формаларининг пайдо бўлишига олиб келганки, бу группалар расмий жиҳатдан давлат «қуллари» деб ҳисоблансаларда амалда қисман айрим аристократларнинг ихтиёрига топширилганлар. Шу сабабли эркин жамоачиларни англатадиган айрим терминлар баъзан қулларни ифодалаш учун ҳам қўлланилган.

Иккинчи томондан, қулдорлик муносабатлари ривожланмаган бир шароитда қулдорларга қарамликдан эркинликка ўтиш босқичларини билдирадиган градациялар ҳукм сургани, бунга хопаки патриархал қулдорчиликнинг сақланганлиги, бутун-бутун жамоаларни коллектив суратда қулларга айлантириш ҳам бўлганлиги, ниҳоят, Хитойнинг иқтисодий жиҳат-

дан тараққий этган марказий районлари билан Хитойнинг Чжоу давлатига қарашли кенг чекка ерларга жойлашган кўчманчилар ва деҳқонларнинг примитив турмуши ўртасидаги кескин фарқ ҳам кўрсатиб туради. Доимо урушлар бўлиб туриши ва давлат марказларининг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиб туриши, «сиёсий соҳада» тез-тез ўзгаришлар бўлиб туриши шунга олиб келганки, қуллар кўпинча ялписига озод килиб юборилган, эркин деҳқонлар эса, аксинча, қулликка тушиб қолганлар, ваҳоланки жамоаларнинг натурал хўжаликка асосланган ишлаб чиқариш структураси, одатда, ўзгармай қолаверган[1]. Қуллорлик формаларининг қўнимсизлиги ва қадимги Хитойда социал терминларнинг аниқ бўлмаслиги пировардида ана шунга боғлиқдир. «Чэнь» сўзи билан одатда «хизматкор»ни, «қул»ни, жумладан «уй қули»ни англатганлар. «Минь» сўзи бирга қўшиб ишлатилганда одатда бутун меҳнаткаш «халқ»ни, эҳтимолки деярли қуллик карамлигининг оғир шароитида яшаган жамоачиларни англатган бўлса керак.

Философ Мэн-цзининг социал-сиёсий трактатида (эрамиздан аввалги IV—III асрлар) сақланиб қолган баъзи бир маълумотлар бу даврнинг хўжалик ва ижтимоий тузумини характерлаб беради. Айрим князликларнинг устун бўлиш ва ҳокимлик қилиш учун олиб борган ўзаро қаттиқ урушлари меҳнаткаш халқ оммаси гарданига гоят оғир юк бўлиб тушган.

«Беҳисоб армия ўзининг ҳукмдори билан биргаликда (уни қўриқлаб) сафарга чиқади ва озиқ-овқатнинг ҳаммасини еб тамомлайди. Очлар овқат топа олмай қолади; ишга ярайдиганлар эса сира тинчимайди. Энди ҳамманинг кўзида ғазаб ўти чақнайди, тилларда лаънату фарёд! Ана шундан кейин халқнинг қалбида чуқур нафрат уйғонади. Халқ ўзини эзишга ундайдиган (подшо) амр-фармонларига бўйсунишдан бош тортади».

Қишлоқ хўжалиги ҳамда кенг миқёсда тарқалган қулдорликка асосланган ҳунармандчиликнинг ривожланиши савдо айирбошлашнинг янада ўсишига, савдо шаҳарларининг пайдо бўлишига ва савдогарларнинг (кўпасларнинг) вужудга келишига сабаб бўлди. Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг шимоли ва жанубидаги турли районлардан топилган бир типдаги моддий маданият ёдгорликлари унча-мунча кўзга кўринарли товар ишлаб чиқариш пайдо бўлаётганлигидан далолат беради. Гуаньцзининг сиёсий-иқтисодий трактатида бозорнинг аҳамияти ҳамда товарлар нархини тартибга солиш ҳақидаги

[1] *К. Маркс*, Капитал, I т., 366-бетга қаранг.

фикрлар сақланган. Автор савдога бирмунча қизиқиб, савдогарларни халқнинг алоҳида табақаси қилиб кўрсатади, «бозор билан боғланган» одамларнинг катта сиёсий ва иқтисодий билимлардан хабардор эканлигини уқтиради. Судхўрликнинг анчагина ривожланганлиги бу давр учун айниқса характерлидир, бу вақтларда судхўрлик махсус амалдорлар томонидан текшириб турилган. Цинь давлати ташкил топган даврга келиб, «бойларнинг» алоҳида табақаси пайдо бўлади, улар йирик мулк (ер)ка эга бўлиб ва савдо ишларида актив иштирок этганлар. Хитой манбаларининг хабар беришича, ўша даврда бойлар шу қадар кўп бўлганки, Цинь Ши Хуан-ди ўз пойтахтида савдони тараққий эттириш учун ана шундай бойлардан 120 минг оилани пойтахтга кўчириб келтирган. Бу рақам жуда муболага билан айтилган бўлиши ҳам мумкин. Савдонинг ва судхўрликнинг ривожланиши синфий зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. Синфий курашнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик учун социал реформаларнинг проектлари илгари сурилди, бу социал реформа проектлари ҳукмрон аристократлар синфи манфаатларини ва биринчи галда савдогарларнинг бадавлат ўрта табақаларининг манфаатларини юз бериши мумкин бўлган социал ларзалардан қўриклашни ўзига мақсад қилиб олган.

Эрамиздан аввалги IV асрда Цинь князлигида ердан қадимги жамоа усулида фойдаланишни тугатишга ва аристократлар ер эгалигини ҳар тарафлама мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча реформалар ўтказилган. Бу реформаларни Цинь давлатининг амалдори Шан Ян ўтказган. Ер реформаси шуидан иборат эдики, ерни истаганча хусусий мулк қилиб олишга ҳамда ерни эркин суратда сотиш ва сотиб олишга тўла рухсат этилган. Шан Яннинг солиқ реформасига мувофиқ ҳосилдан олинадиган илгариги солиқ ер солиғи билан алмаштирилган, бу солиқ ер эгасининг ер миқдорига қараб ҳар бир ер эгасидан олинадиган бўлган. Ниҳоят, махсус маъмурий реформа мамлакатдаги барча аҳоли устидан полиция контроли жорий қилишни кўзда тутиб, аҳоли муайян майда ячейкаларга қаттиқ тақсим қилинган. Шу билан бир вақтда экин майдонини кенгайтириш ва мамлакатга деҳқон аҳолисини тортиш юзасидан ҳам бир қанча тадбирлар кўрилган, бу эса деҳқончилик хўжалиги даражасини кўтариш учун зарур бўлган.

Синфий зиддиятларнинг кескинлашуви ҳукмрон синф — қулдорлар аристократиясининг яшаши ва яшада бойиши учун реал хавф тугдира бошлайди. Социал реформалар ўтказишга уринишлар қаттиқ синфий курашни кучсизлантира олмади. Аристократик ер эгалигининг усиши, савдонинг ривожла-

ниши ва ирригация шохобчаларини сақлаб қолиш зарурлиги, шунингдек, мамлакатни кўчманчилардан мудофаа қилиш зарур бўлиб қолганлиги марказлашган кучли давлатни тиклаш ҳамда бутун мамлакат учун мустаҳкам ва ягона давлат аппарати барпо қилишни талаб этарди. Ана шу муносабат билан эрамиздан аввалги VI асрдаги философик асарлардаёқ давлатни идора қилишнинг мустаҳкам принциплари вужудга келади ҳамда вақтинча тўполон ва ички кураш давридан кейин деспотияни тиклаш зарур эканлиги кўрсатилади. Масалан, философ Мэн-цзининг китобида кучли мустабид ҳокимиятнинг яққол характеристикаси берилади. Мэн-цзи деҳқончилик устидан давлат контроли ўрнатишни тавсия қилади, жумладан, кишлоқ хўжалигини юксалтириш учун императорларга ирригация қурилишларини амалга оширишни маслаҳат беради.

Эрамиздан аввалги IV асрда Цинь князлиги бошқа барча катта князликлар орасида энг кучли князлик бўлиб қолади. Цинь князлиги тепасида турган князлар бутун Хитойда устун бўлиш ва ҳокимлик қилиш учун бутун бир аср мобайнида қаттиқ кураш олиб борадилар.

Цинь династияси даври (эрамиздан ав. 256—206 йиллар)

Цинь князлиги тепасида турган князь Чжэн бошқа барча князликларни ўзига бўйсундириб ҳамда бутун Хитойни ўз ҳокимиятига бирлаштириб олгандан кейин, Цинь Ши Хуан-ди (эрамиздан ав. 246—210 йиллар) деган унвон ва ном олади. У подшолик қилган даврда ягона ва марказлашган Хитой давлати тикланади. Илгариги мустақил князликлар ўз мустақилликларини йўқотадилар. Ягона давлат 36 ўлкага бўлиниб, булар фақат территориал-маъмурий ўлкалар бўлиб ҳисобланади. Бутун ҳокимият қудратли мустабид қўлида тўпланиб, у мамлакатни маҳкам ушлаган амалдорлар ёрдамида бошқаради. Хитойнинг ягона ва қудратли марказлашган давлат бўлиб бирлашуви илгариги кенг истилочилик сиёсатини яна тиклашга имкон беради, бу сиёсат қулдорлик хўжалиги ва савдосини ривожлантириш учун зарур эди. Ана шу ҳарбий сиёсат натижасида хозирги вақтдаги Гуандун, Гуанси, Ганьсу ва Сичуань каби вилоятларга жойлашган қабилалар бўйсундирилади. Цинь Ши Хуан-ди даврида Хитой давлати Хитойнинг ўзи, шу жумладан Маньчжурия ва Мўғулистоннинг бир қисми, Корея ва Ҳинди-Хитой чегараларигача бўлган жуда катта территорияни эгаллаган эди. Кўчманчи дашт қабилаларининг узлуксиз хужумларидан давлатни ҳимоя қилиш учун машҳур Буюк Хитой девори қурилиши кенгайтирилади, бу девор, кейинчалик, кенгайиб бораётган Хитой давлати атрофида уч минг километрдан ортиқ-

роқ масофага чўзилган мудофаа иншоотларининг бутун бир системасини ташкил этади.

Марказлашган йирик давлатнинг ташкил топиши деҳқончилик ҳамда савдони ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган бир қанча тадбирларни амалга оширишга имкон берди. Масалан, Цинь Ши Хуан-ди даврида сугориш шохобчалари анча кенгайтирилади, жумладан ҳозирги Шэньси вилоятида Цзин дарёси билан Ло дарёсини бирлаштирган катта каналлар қазилди. Бир қанча йўллар қурилиши, оғирлик, узунлик ва ҳажм ўлчовлари ягона системасининг жорий қилиниши, шунингдек ёзувни реформа қилиш ички ва ташқи савдони ривожлантиришга ёрдам берган эди.

Бироқ Цинь Ши Хуан-дининг мустаҳкам марказлашган деспотия барпо этишни мақсад қилиб олган фаолияти янги амалдорлар сиқиб чиқарган эски мулкдор аристократия томонидан ҳам, шунингдек меҳнаткаш қуллар ва деҳқонлар кенг оммаси томонидан ҳам кучли қаршиликка учради. Ўша вақтда Хитой давлати ичида кескин кураш давом қилган. Конфуций китобларининг куйдирилишига оид машҳур факт бундан далолат беради, бу китобларда марказлашган ягона давлатнинг яшаши учун хавфли фикрлар баён этилган эди. Ярим тарихий афсоналарга қараганда, Ши Хуан-ди бир куни китоблар яширган ва подшони қоралаган 460 олимни тириклайин ерга кўмдиртирган экан. Ши Хуан-ди министрларидан бириининг маслаҳати билан тарихий хроникаларнинг ва деярли классик асарларнинг ҳаммасини (баъзи бирларидан ташқари) куйдиришни, иссёнкор асарларни яширган одамларга эса тамға босиб, Буюк девор қурилишига юборишни буюрган. Ўша даврда мавжуд тузумни ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатларни ҳукмдор қуллдорлар аристократияси ана шу тарзда шафқатсизлик билан бостирган.

Хань династияси даври (эрамиздан ав. 206 й.— эрамизнинг 220 й.)

Бироқ меҳнаткаш оммаиинг, асосан, деҳқонлар оммасининг синфий зулмнинг мавжуд режимидан норозилиги шу қадар кучли бўлганки, қўзғолончи деҳқонлар йўл бошчиларидан бири Лю Бан пойтахтни ва олий давлат ҳокимиятини қўлга олиб, Цинь империяси харобалари устида Хань династияси бошлиқ янги давлатга асос солишга муваффақ бўлган. Ана шу қўзғолон натижасида деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи бирмунча яхшиланган, яъни солиқлар камайтирилган ва давлат меҳнат мажбуриятлари енгиллаштирилган. Аммо давлат ҳокимияти ҳукмрон синф қўлида, қуллдор аристократлар қўлида қола берган. Қўзғолончилар орасига кириб олган аристократлар, олий ҳокимиятни ўз қўлларига олиб олганларидан сўнг, деҳқонларга бир оз

ён берган бўлсалар ҳам, лекин синфий зулмнинг эски давлат машинасини аста-секин яна тиклаб олганлар.

Қишлоқ жамоаларининг секин-аста бузилиб боришн, меҳнаткашлар оммаси кенг табақасининг янада хонавайрон бўлишига ва катта-катта ерларга эгалик қилувчи қулдорларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Хань династиясига мансуб подшолар замонида бой аристократ ер эгалари катта-катта ер мулкларни ўз қўлларига киритиб оладилар. Масалан, «Биринчи Хань династияси тарихи» да бундай дейилган: «Министр Чжан Юнинг 40 000 (акр) ери бор эди, ернга ер қўшган бошқалар ҳам катта-катта ер мулкли бўлиб олган эдилар; бу ишлар оқибатида халқ жуда қашшоқ аҳволда қолган эди... Империя жаҳонда бир неча авлод умрини кечиргандан кейин нуфузли... боёнлар ва амалдорлар, кўпинча, катта-катта мулк эгалари бўлиб олдилар, камбағаллар ва кам қувват деҳқонлар эса борган сари кўпроқ қийналиб, азоб чека бошладилар».

Меҳнаткашлар оммаси кенг қатламларининг ана шундай хонавайрон бўлиши қулдорликнинг янада ўсишига ва мамлакатда қулларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлган. Ночор аҳволда қолиб, зўрға тирикчилик қилаётган камбағаллар, кўпинча, ўз болаларини қул қилиб сотишга мажбур бўлганлар. «Биринчи Хань династияси тарихи» да ана шундай фактлар тасвирланган:

«Цинь уделида яшовчи аҳоли ўртасида оилалар камбағал эди, аммо уларнинг болалари бақувват ва кучли эди; шунинг учун болаларни гаровга берар эдилар... Кетма-кет бир неча йил ҳосил бўлмай қолганда эса, аҳоли кийим ва овқат топиш учун ўз болаларини мулкдорларга сотишга мажбур бўларди.

Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби, Хитойда ҳам қарздорлик оркасида асоратга тушиш формалари бўлган, бу эса камбағалларни секин-аста қулликка солган. Хань давридаги манбаларда бундай дейилади: «Расм-одатга кўра, қул қилиб сотилган болалар ва катталар дастлаб гаровга қўйилган деб ҳисобланган; агар уч йил мобайнида қайтариб сотиб олинмаса, улар узил-кесил қулларга айлантирилган». Қулликнинг асосий манбаи урушлар бўлиб, бу урушларда кўплаб асирлар қўлга олинган. Шу билан бирга, эркин меҳнаткаш аҳоли уруш йилларида кўп кулфат тортган: беҳисоб солиқлардан хонавайрон бўлган, қуплари уруш майдонларида ўлиб кетган. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар оммаси кенг табақаларининг батамом қашшоқлашиб, хароб бўлишига олиб келган. Урушлар аҳолининг жуда кенг қатламлари учун ниҳоятда зўр офат келтирганлиги тўғрисида ўша давр Хитой манбаларида кўп гапирилади:

«У Ди подшолик қилган замонда ҳукумат ҳарбий юришлар ва катта қурилишлар билан жуда кўп машғул бўлган, шунинг учун бу ишларни бажаришга шу қадар кўп ишчи кучи талаб қилинганки, кўп одамлар ўзларининг асосий касбларини, яъни деҳқончиликни ташлашга мажбур бўлиб қолганлар... Хань династиясига мансуб император У Ди варварларга қарши тўрт томонга қўшин юбориб, халқ бошига оғир солиқлар солган. Уч йилар ўғил боласи бор ҳар бир киши бола учун жон солиғи тўлашга мажбур бўлган. Бу эса меҳнаткаш аҳолига жуда кўп кулфатларни келтирган. Шу сабабли, баъзи одамлар ҳатто ўғилларини туғилган замонок ўлдирганлар ҳам».



Хизматкор ёки қул ҳайкалчаси.

Сичуандаги гор қабридан топилган. Хань даври.

Уруш йилларида мамлакатнинг одатдаги хужалик ҳаёти издан чиқар эди, ана шундай пайтда қулдорлар аристократияси, давлат ҳокимияти аппаратига суяниб, аҳолига ҳар хил қўшимча ўлпонлар солар эди. Масалан, Хань династияси даврида одатдаги солиқлардан ташқари, яна ҳосилга қараб натура билан солиқ жорий қилинган, бу солиқ ери бор одамлардан олинган; шу билан бирга, яна пул солиғи жорий қилиниб, у бутун аҳолидан олинган. У Ди ҳукмронлик қилган замонда газна даромадини ошириш учун туз ва темирга монополия жорий қилинган. Қул сандоси айниқса авж олган, бу эса мамлакатда қуллар жуда ҳам кўпайиб кетганлигини билдиради. Махсус қул бозорлари вужудга келган, шу билан бирга қул олиб сотишни ўзига касб қилиб олган ва қул савдосидан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш учун ҳар хил тадбирлар ўйлаб чиқарган алоҳида савдогарлар пайдо бўлган. «Биринчи Хань династияси тарихи» да бундай дейилади: «Ҳозирги вақтда қул сотиш билан шуғулланувчи одам

қулни яхшилаб ясантирган... уларни (бозорларда) оғилларга тизиб қўйганлар».

Меҳнаткаш омманинг хонавайрон бўлиши, қишлоқ жамоаларининг аста-секин бузилиб бориши, катта ер эгалигининг ўсиши ва қул савдосининг авж олиши,— мана шуларнинг ҳаммаси синфий зиддиятларнинг кескинлашувига ва синфий курашнинг кучайишига сабаб бўлган. Шу даврга оид манбаларда баъзи давлат арбобларининг синфий зиддиятларни енгиллаштириш учун бир қанча тадбирлар кўришга ҳаракат қилганликлари кўрсатилган. Шу мақсад билан ер эгалигини ва қулдорликни чеклаб қўйишга ҳаракат қилинган. Император Ай Ди подшолик қилган даврда бир лойиҳа ишлаб чиқилган, бу лойиҳага кўра, зодагонлар ва амалдорлар кўпи билан 5 минг ўлчов (му) дан ортиқ ерга эгалик қила олмаган, шунингдек қуллар сони ҳам шу тарзда чекланган. Қулдорлар ўз ижтимоий аҳволларига қараб 30 дан 200 гача қул сақлаши мумкин бўлган. Аммо бу лойиҳа амалга оширилмай қолиб кетган.

Бу даврда қулдорлик кенг ривожланиб кетган. Аммо қуллар меҳнатини эксплуатация қилиш унчалик фойда бермай қолган. Қулнинг меҳнатини бирмунча унумлироқ қилиш учун қулдорлар қулларга кичик бир бўлак ер бериб, уларни ерга бириктириб қўйган ва шахсий хўжалик юритишга рухсат этган. Шу тариқа ўша даврда, эҳтимол, бир оз илгарироқ, қулдорликдан феодализмга ўтиш формалари пайдо бўлган, бу формалар кадимги Рим колонатини эслатади. Манбалардан маълумки, Лю Баннинг яқин одамлари унга содиқ хизмат қилганликлари учун мукофот тарзида ер участкалари олганлар, бу ер участкалари ўша ерда яшаб турган одамлари билан бирга кўшиб тортиқ қилинган. Айни вақтда ижарачилик муносабатлари ҳам тараққий этган. Ерсиз деҳқонлар, кўпинча, бойларнинг ерларини ҳосилнинг 50% ни бериш шарти билан ижарага олганлар. Ижара ҳақининг шу даражада юқори бўлиши эркин деҳқонларни сўзсиз асоратга солиб қўйган.

Ташқи савдо

Ханъ даврида Хитой қандай аҳволда бўлганлигини характерловчи гоят муҳим факт шу бўлганки, у даврда ташқи савдо анча ўсган ва шу муносабат билан кенг кўламда истилочилик сиёсати олиб борилган. Хитойлар эрамиздан аввалги II аср охирларида, император У Ди замонида (140—87 йиллар) ғарбнинг узоқ жойларигача, то Ўрта Осиёгача улар «Ғарбий чекка» (Си юй) деб атаган мамлакатгача кириб борганлар. Хитой карвонлари Шарқий Туркистон орқали Тарим ҳавзасининг жанубий водийсидаги районларга ва Окс билан Яксарт дарёлари (Аму-

дарё ва Сирдарё) ўртасидаги ўлкаларгача етиб борганлар. Хитойлар Фарғона билан айниқса қизғин савдо-сотиқ муносабати ўрнатганлар. Ҳар хил Хитой моллари Бақтрияга олиб борилган, у ерда Эрон савдогарлари бу молларни ғарбга, Сурияга олиб бориб сотганлар. Хитойлар ташқарига ипак чиқарган, четдан эса ҳар хил газлама, ранг-баранг гиламлар, ойна, металлар, қимматбаҳо буюмлар, яшма тоши ва маржонлар, дориворлар, Бақтриядан от ва туялар олиб келганлар Хитой моллари Эрон ва Сурия орқали Рим империясига олиб борилган.

Муҳим савдо йўлларини, жумладан, «ипак йўллар» деб аталган йўлларни, шунингдек, бозорларни қўлга киритишга интилиш истилочилик сиёсатининг ривожланишига сабаб бўлган. Хитой саркардаси ва дипломати Бань Чао (эрамизнинг 32—102 йиллари) Шарқий Туркистонга бир неча марта қўшин тортиб борган ва оқибатда бу мамлакатни истило қилган. Эрамизнинг 97 йилида Бань Чао Хитой қўшинларини Марғиёна Антиохиясигача олиб борган. Хитойлар шарқда Кореяга ва ҳатто Ҳинди-Хитойнинг айрим областларига кириб борганлар, улар Ҳиндистонга йўл очмоқчи бўлганлар. Хитой ҳукумати жуда кўп давлатлар билан (36 га яқин давлат билан) дипломатик ва савдо муносабатлари ўрнатган. Бу даврга оид Хитой ёзувларида чет мамлакатларнинг номлари учрайди, текширувчилар бу номлар орасида Парфия ва Сурия борлигини ҳам аниқлаганлар. Хитойлар бу мамлакатлар билан савдо алоқаларн ўрнатган. Ташқи савдо ва истилочилик сиёсатининг кенг ривожланиши натижасида қулдорлар аристократияси яна ҳам кўпроқ бойиб кетган, бу нарса мамлакат ва давлат аҳволини ташқаридан қараганда гўё «яхшидай» қилиб кўрсатган.

Ван Ман реформалари

